

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ
ТОҶИКИСТОН**
Муассисаи давлатии таълимии
«ДОНИШГОҲИ ДАВЛАТИИ ХУҶАНД
БА НОМИ АКАДЕМИК БОБОҶОН ҒАҒУРОВ»

ТОҶИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАОРИФ ВА
ИЛМ ВАЗИРЛИГИ
“АКАДЕМИК БОБОҶОН ҒАҒУРОВ НОМИДАГИ
ХУҶАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ”
ДАВЛАТ ТАЪЛИМИ МУАССАСАСИ

МАСЪАЛАҲОИ МУБРАМИ
ФИЛОЛОГИЯИ ЁЗБЕК ВА ТОҶИК

(маводи конференсияи онлайнӣ)

ЁЗБЕК ВА ТОҶИК ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

(Онлайн конференсия материаллари)

“Нури маърифат”
Хуҷанд “ 2020

“Нури маърифат”
Хуҷанд “ 2020

ББК: 74.06 (Ўзб.)
УДК: 371 .
Ў-65

Тўплам академик Бобожон Гафуров номидаги
Хужанд давлатуниверситети” ДТМ нашр-
тахририя Кенгаши томонидан 12.11.2020 йил
№ 4-1/8 қарори билан чопга тавсия этилган.

Масъалаҳои мубрами филологияи ўзбек ва тоҷик (ўзбек ва тоҷик филологиясининг долзарб масалалари).Мачмӯаи мақолоти илмӣ. “Хучанд: Нури маърифат, 2020.” 868с.

Ўзбек ва тоҷик филологиясининг долзарб масалалари (масъалаҳои мубрами филологияи ўзбек ва тоҷик).Тўплам. “Хучанд: Нури маърифат, 2020.” 868с.

Зери назари

доктори илмҳои таърих,
профессор Қўразода Қ. Ҳ.

Масъул муҳаррирлар:

Бердиалиев А. ф.ф.д., профессор,
Сабурӣ Х.- п.ф.д., профессор,
Ойматова М.-ф.ф.н., доцент

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:

Раҳмонқулов А.- ф.ф.н., доцент,
Ойматова М. ф.ф.н., доцент,
Эшмуродов Э. ф.ф.н., доцент.

Таҳрир ҳайати:

Турдибоев Т. - ф.ф.н., доцент,
Файзуллоев Б. - ф.ф.н., доцент,
Эрмухаммедов А. - ф.ф.н., доцент
Раҳмонқулов А.- ф.ф.н., доцент,
Ойматова М. ф.ф.н., доцент,
Шарипова М. - ф.ф.н., доцент,
Эшмуродов Э. ф.ф.н., доцент.
Абдуллоев О. - ф.ф.н., доцент,
Жабборов Б. - ф.ф.н., доцент.

Такризчилар:

Шеронов Б. ф.ф.н., доцент,
Қаюмова Ф. ф.ф.н., доцент.

Мазкур тўплам ўзбек ва тоҷик филология фанларининг долзарб масалаларига бағишланган бўлиб, унда тилшунослик, адабиётшунослик ва уларнинг таълими методикасига доир мақолалар жамланган. Тўплам тилшунос, адабиётшунос олимлар, шунингдек, ёш тадқиқотчилар, магистрантлар, аспирантлар, ўзбек ва тоҷик тили ҳамда адабиёти ўқитувчиларига мўлжалланган.

ISBN 978-99975-57-72-9

© “Академик Бобожон Гафуров номидаги
Хужанд давлат университети” ДТМ “ 2020

Чўразода Ч. Ҳ.
Ректори МДТ “ДДХ ба номи
академик Бобочон Ғафуров”
доктори илмҳои таърих, профессор

РУШДИ РОБИТА ВА ҲАМКОРИҲОИ ИЛМӢ-ТАЪЛИМИИ ДОНИШГОҲ БО ДОНИШГОҲҲОИ ҶУМҲУРИИ ЎЗБЕКИСТОН

Асосгузори сулҳу ваҳдати миллӣ, Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон, Эмомалӣ Раҳмон ба решаҳои амиқи таърихӣ ва дӯстиву бародарии халқҳои тоҷику ўзбек, робита ва ҳамкории ин ду миллати ҳамҷавор дар самтҳои гуногун, аз ҷумла фарҳангу таърих ва мероси маънавӣ ишора намуда, барҳақ ҷунин қайд кардаанд: „Ниёғони шарафманди мо дар давоми садсолаҳо мероси беҳамтои фарҳангиву илмиро ба вучуд оварда, ба мо вогузор намудаанд. Ин мероси ниёғони мо сармои бузурги маънавие буда, ба мо имконият фароҳам меорад, ки имрӯз ва оянда низ дар фазои дӯстиву бародарии самимона қору зиндагӣ кунем. Эҷодиёти шахсиятҳои бузурги илму адабу фарҳанг, ки барои тоҷикону ўзбекҳо мои ифтихори муштарақанд, сармои воқеан пураарзиши маънавии халқҳои мо мебошад. Дар садри ин бузургон, албатта Мавлоно Абдураҳмони Ҷомӣ ва Мир Алишери Навоӣ қарор доранд.

Воқеан ҳам илму адаб, фарҳангу маънавият, олимон, донишмандон, адибон дар ҳама даври замон пайвандгар, васлгари халқияту миллатҳо, кишварҳо, қитъаҳои гуногуни олам буданд ва мебошанд. Рисолати бузургтарини илм ва олим пеш аз ҳама пайванди инсонҳо, васфу ситоиши дӯстӣ, бародарӣ, сулҳу ваҳдат, ҳамдигарфаҳмӣ дар байни мардумони кишварҳои олам мебошад. Ҳамчуноне ки Мавлоно Ҷалолиддини Балхӣ фармудааст:

***Мо барои васл қардан омадем,
Не барои фасл қардан омадем.***

Бузургони илму фарҳанг, олимон, адибон дар осори худ ҳамеша он омилҳо, решаҳо ва ангеҷаҳоеро ҷустуҷӯ, таҳқиқ ва таблиғ намудаанд, ки барои таҳкими дӯстию бародарӣ мусоидат намуда, душманӣ, низоъ, кинаву адоват ва мухолифатро аз байн мебарад.

Дар таҳкими риштаҳои дӯстиву бародарӣ, ҳамкории илмӣ, эҷодӣ, миёни намоёндагони илму фарҳанги кишварҳои гуногун саҳми олимон, муассисаҳои илмӣ-тадқиқотӣ, донишгоҳҳо хеле бузург аст.

Робита ва ҳамкории илмӣ олимони Тоҷикистон ва Ўзбекистон решаҳои амиқи таърихӣ дошта, дар ин ҷода саҳми муассисаҳои илмӣ-тадқиқотӣ, макотиби олий хеле назаррас аст.

Дар радифи муассисаҳои илмӣ Академияи илмҳои Тоҷикистон ва донишгоҳҳои олии пойтахт Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров низ дар ин самт мақоми шоиста дорад.

Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров ҳамчун яке аз донишгоҳҳои бузургтарин, куҳантарин ва бонуфузу шухратдор на танҳо дар вилояти Суғд, балки дар тамоми ҷумҳурӣ ба ҳисоб рафта, ҳамчун марказ ва маҳзани бузурги илму дониш ва маърифат дар тӯли 87 соли мавҷудият ва фаъолият дар самти таҳкими робитаҳои мутақобилан судманд бо макотиби олии ҷумҳурӣ ва кишварҳои хориҷӣ дорои таҷрибаи фаровон ва анъанаҳои неку ҳамгирӣ гардидааст.

Равобит ва ҳамкориҳои судманди Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров бо донишгоҳҳои олии Ҷумҳурии Ўзбекистон таърихи тӯлонӣ дошта, онро метавон ба ду давра тақсим намуд.

Давраи аввали барқарор ва устувор шудани муносиботи илмиву эҷодӣ ва фарҳангӣ миёни донишгоҳ ва макотиби олии ҷумҳурии ҳамсоя ба давраи шӯравӣ рост омада, марҳалаи муҳим дар самти ҳамкорӣ, табодули таҷриба дар соҳаи таълим, илм ва тарбияи мутахассисон ба ҳисоб меравад.

Бояд гуфт, ки Донишкадаи давлатии омӯзгории Ленинобод ба номи С. М. Киров (ҳоло ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров) аз даврони таъсисаш худ (соли 1932) ин донишкада на танҳо яке аз донишгоҳҳои қадим ва бонуфуз дар Тоҷикистон, балки дар минтақаи Осиёи Марказӣ ба ҳисоб рафта, дар тарбия ва тайёр кардани мутахассисони соҳибкасби омӯзгорӣ, илмӣ ва дигар соҳаҳои хоҷагии халқ саҳми шоиста гузоштааст. Дар даврони шӯравӣ аз шаҳру вилоятҳои ба Тоҷикистон ҳамҷавор ва наздики Ўзбекистон ” Самарқанд, Фарғона, Андиҷон, Намангон, Ҷуст, Риштон, Сўх, Ургут, Бекобод, Гулистон ва ғайра шумораи зиёди донишҷӯён дар ин донишкада таҳсил намуда, соҳиби маълумоти олии гаштаанд ва дар пешрафти соҳаи мактабу маорифи Ўзбекистон хизмат намудаанд.

Робита ва ҳамкориҳои ДДОЛ ба номи С. М. Киров бо донишгоҳҳои олии муассисаҳои илмӣ Ҷумҳурии Ўзбекистон дар даврони шӯравӣ дар самту равияҳои гуногун, хусусан таҳқиқу омӯзиши таърих, фарҳанг, мероси умумии халқҳои тоҷику ўзбек, забон, адабиёт хеле пурсамар буд. Дар ин ҷода алоқа ва ҳамкориҳои олимон, устодони факултети забон ва адабиёти ўзбеки ДДОЛ ба номи С. М. Киров бо Донишгоҳи давлатии Тошканд (ҳоло Донишгоҳи миллии Ўзбекистон ба номи Мирзо Улуғбек), Донишкадаи давлатии омӯзгории Тошканд ба номи Низомӣ, Институти забон, адабиёт ва фолклори ўзбеки АИ Ўзбекистон басо фаъолу назаррас буд.

Олимони машҳури ўзбек академикҳо Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов, Тўра Мирзоев, профессорон, навоишиноси номӣ Абдукодир Ҳайитметов, Иброҳим Ҳаққул, Боқичон Тўхлиев, Эргаш Очиллов, Натан Маллаев, Озод Шарофиддинов ва дигарон дар конференсияҳои илмӣ-назариявӣ бахшида ба ҷашнвораҳои гуногун дар ДДОЛ ширкат варзида, дар байни донишҷӯёни факултети филологияи ўзбек лексияҳо хондаанд ва бо устодону донишҷӯёни ин даргоҳ мулоқотҳои зиёди судманд гузаронидаанд.

Олимони забоншиноси ДДОЛ ба номи С. М. Киров тахти роҳбарии олимони Ҷумҳурии Ўзбекистон, аз ҷумла Ҳ. Мамадов тахти роҳбарии академик Алибек Рустамӣ, А. Каримов тахти роҳбарии профессор Ғ. Абдурахмонов, А. Бердиалиев тахти роҳбарии профессор Аюб Ғуломов, Б. Шеронов, Э. Шералиев, Т. Мирзоқулов, Т. Турдибоев ва адабиётшиносон Э. Шодиев тахти роҳбарии навоишиноси номӣ Абдуқодир Ҳайитметов, Т. Абдуқулов ва А. Абдуқодиров бо роҳбарии академик С. Мамадҷонов, Х. Эшонқулов, Э. Мавлонбердиев О. Орифӣ ва дигарон рисолаҳои номзадӣ ва докторӣ ба анҷом расонида, дар шӯроҳои диссертатсионии донишгоҳҳои олий ва муассисаҳои илмӣи Ўзбекистон бо муваффақият Ҳимоя намудаанд.

Бояд зикр кард, ки тахти роҳбарии академик С. Мамадҷонов 8 нафар устодони донишгоҳи мо рисолаи номзадӣ Ҳимоя кардаанд.

Дар баробари мутахассисони забон ва адабиёти ўзбек, равобити адабии халқҳои тоҷику ўзбек намояндагони дигар соҳаҳои илм низ дар Ўзбекистон аз донишгоҳи мо рисолаҳои илмӣ Ҳимоя кардаан

Масалан, профессор А. Пўлотов рисолаи номзадӣ ва докториро тахти роҳбарии академики АИ Ўзбекистон Эркин Юсупов, Б. Сатторов, И. Қосимов, А. Бердишуқуров дар риштаи фалсафа, Р. Юлдошев ва Б. Турсунов дар риштаи таърих Ҳимоя намудаанд.

Олимони машҳури забоншиноси Ўзбекистон О. Абдуназаров, О. Ғафурова, Т. Ҳамдамов, адабиётшиносон Ҷ. Усмонов, А. Абдурахмонов бо олимони факултети забон ва адабиёти ўзбек робитаи наздики ҳамкорӣ дошта, ба донишҷӯёни факултети номбурда лексия хондаанд.

Аз Тоҷикистон олимони адабиётшинос Ваҳҳоб Раҳмонов, Ҳайитбой Мирҳайдаров, Мачид Ҳасанов, забоншиносон Т. Мирзоқулов дар донишгоҳҳои Ҷумҳурии Ўзбекистон ба донишҷӯён таълим додаанд.

Ҳатмкунандагони ДДОЛ ба номи С. М. Киров ” шоирони варзидаи ўзбек шодравон Аскар Махкам, Алишер Нарзулло, Исмат Худоёр, олимаи шинохта ” Биробия Раҷабова ва дигарон дар муассисаҳои илмӣ-тадқиқотии АИ Ўзбекистон, идораи рўзномаву маҷаллаҳо ва нашриётҳо ба қору фаъолият машғул буданд.

Бархе аз донишмандони машҳури тоҷик, ташкилотчиёни моҳири илм ва мактаби олий барои рушду нумӯи илм, мактаби олий, тарбияи шогирдон ҳам дар Тоҷикистон ва ҳам Ўзбекистон хизмати бузург намудаанд ва номи онҳо дар байни олимони ҳарду ҷумҳурии бародар маълуму машҳуранд.

Масъалан, яке аз олимони номдори соҳаи физика, академики Академияи илмҳои Ўзбекистон (1943) ва Тоҷикистон (1957), зодаи Хучанд Султон Умаров солҳои 1923-1927 дар Техникуми педагогии Тошканд ва солҳои 1927-1931 дар Академияи педагогии Самарқанд таҳсил намуда, солҳои 1936-1941 дотсенти факултети физика ва математикаи Донишгоҳи давлатии Самарқанд буд.

Минбаъд С. Умаров солҳои 1941-1942 дар мақоми ҷонишин ва сипас директори Донишкадаи давлатии педагогии Тошканд ва ду дафъа – солҳои 1942-1943 ва солҳои 1945-1950 вазифаи ректори Донишгоҳи давлатии

Осиёи Миёна (САГУ) ва солҳои 1943-1945 муовини Раиси Комиссарони Халқии ҚШС Ўзбекистонро дар ўҳда дошт.

Академик С. Умаров минбаъд фаъолияти илмӣ ва ташкилотчиғии худро дар Тоҷикистон идома дода, пас аз устод С. Айнӣ дувумин президенти Академияи илмҳои ҚШС Тоҷикистон интихоб гардид.

Академик Солеҳ Ашӯрхоҷаевич Раҷабов барҳақ яке аз поягузори илми ҳуқуқшиносӣ ҳам дар Тоҷикистон ва ҳам дар Ўзбекистон ба ҳисоб меравад. Ӯ соли 1933 Донишкадаи сохти шўравӣ ва ҳуқуқи шаҳри Тошкандро хатм намуда, солҳои 1936-1940 омўзгор, солҳои 1943-1945 ҷонишини директор ва солҳои 1949-1954 директори Донишкадаи ҳуқуқшиносии Тошканд ва солҳои 1955-1956 мудири кафедраи ҳуқуқшиносии Донишгоҳи давлатии Осиёи Миёна буд ва дар рушди илми ҳуқуқшиносӣ дар Ўзбекистон, тарбияи олимони соҳибунвон саҳми бузург гузоштааст.

Баъдан ӯ солҳои 1956-1971 дар вазифаи ректори Донишгоҳи давлатии Тоҷикистон ба номи В. И. Ленин ва дар вазифаҳои роҳбарии муассисаҳои Академияи илмҳои Ҷумҳурии Тоҷикистон қору фаъолият бурдааст.

Муаррихи номии тоҷик, академики Академияи илмҳои Ҷумҳурии Тоҷикистон Зариф Шарифович Раҷабов пас аз хатми Донишгоҳи давлатии Маскав солҳои 1937-1943 дар вазифаи мудири кафедраи таърихи ИҶШС-и Донишкадаи тоҷикии муаллимтайёркунии Тошканд, ходими илмӣ, мудири шўъба, котиби илмии Пажӯҳишгоҳи забон, адабиёт ва таърихи Филиали Ўзбекистони ИИ ИҶШС ва пас аз ташкилёбии ИИ Ўзбекистон (1943) солҳои 1943-1945 аввалин директори Пажӯҳишгоҳи таърих ва археологияи ИИ Ўзбекистон буд.

Сипас ӯ ба Тоҷикистон омада, солҳои 1948-1954 вазифаи нахустин ректори Донишгоҳи давлатии Тоҷикистон ба номи В. И. Ленин ва солҳои 1959-1962 директори Пажӯҳишгоҳи таърих ва археологияи ба номи Аҳмади Дониши ИИ Тоҷикистонро дар ўҳда дошт.

Зумрае аз устодони донишгоҳи мо дастпарварони макотиби олии Ўзбекистон буда, дар Донишгоҳи давлатии Осиёи Миёна (САГУ) дар шаҳри Тошканд, Донишгоҳи давлатии Самарқанд ба номи Алишер Навоӣ ва дигар макотиби олии ҷумҳурии ҳамсоя таҳсил кардаанд, дар аспирантура хондаанд ва рисолаҳои илмии худро Ҳимоя намудаанд.

Масалан, чанде аз устодони собиқадор ва поягузори донишгоҳи мо – академик Муҳаммад Осимӣ, собиқ Президенти Академияи илмҳои Тоҷикистон, соли 1941 факултети физикаи Донишгоҳи давлатии Самарқанд ба номи Алишер Навоӣро хатм намуда, солҳои 1946-1952 муаллими калон, мудири кафедра, ҷонишини директори ДДОЛ ба номи С. М. Киров доир ба таълим буд.

Профессор Ҳамдам Очилов соли 1943 факултети табиатшиносии Донишгоҳи давлатии Осиёи Миёна (САГУ)-ро дар шаҳри Тошканд хатм намуда, солҳои 1943-1948 аспирант, ассисент ва солҳои 1948-1951 муаллими

калони кафедраи географияи донишгоҳи номбурда ба ҳисоб мерафт ва сипас ў фаъолияти илмию омўзгориаширо бо донишгоҳи мо пайваст.

Яке аз муаррихони номӣ, нахустин доктори илм, аввалин профессор дар донишгоҳ, дорандаи ордени Ленин Ғафур Ҳайдаров солҳои 1950-1953 дар аспирантураи Донишгоҳи давлатии Осиёи Миёна таҳсил намуда, тахти роҳбарии олими намоён, академик И. К. Додонов рисолаи номзадӣ ҳимоя намудааст.

Зимнан бояд гуфт, ки аз байни устодони ДДОЛ ба номи С. М. Киров нахустин шахсе, ки соҳиби дараҷаи илмӣ аз сафи омўзгорони маҳаллӣ гардидааст О. Орифов мебошад, ки ў соли 1945 дар шаҳри Тошканд рисолаи номзидии худро ҳимоя намуда буд.

Дар солҳои минбаъда низ ин равобит ва ҳамкорӣ идома ёфта, шумораи зиёди устодони донишқада дар шўроҳои илмии донишгоҳҳо ва муассисаҳои илмӣ-тадқиқотии Ўзбекистон рисолаҳои номзадӣ ва докторӣ ҳимоя намудаанд

Давраи дуҷуми густариши равобит ва ҳамкорихои ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров бо муассисаҳои олии таълимии Ҷумҳурии Ўзбекистон ба даврони истиқлолият рост меояд. Дар ин давра ин ҳамкорихо ба худ мазмун ва рангу тобиши навро касб намуда, барои таҳкими дўстӣ, бародарӣ, ҳамкорихои илмии ду ҷумҳурии ҳамсоя ва халқҳои ба ҳам бародар ” тоҷикону ўзбекон саҳми арзанда гузоштааст.

Соли 1996 дар сохтори донишгоҳ Шўбаи робитаҳои байналхалқӣ таъсис ёфт, ки он барои ба роҳ мондан ва густариши ҳамкорихои гуногуни донишгоҳ бо мактабҳои олий ва марказҳои илмӣ тадқиқотии кишварҳои гуногун мусоидат намуд.

Ҳоло ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров бо зиёда аз 65 донишгоҳи ва муассисаҳои илмии хориҷӣ, аз ҷумла бо 20 донишгоҳҳои олии Федератсияи Русия, 3 донишгоҳҳои олии Ҷумҳурии Белорусия, 4 донишгоҳи олии Қазоқистон, 11 донишгоҳи олии Ўзбекистон, 7 донишгоҳи олии Қирғизистон, 3 донишгоҳи олии Ҷумҳурии Озарбойҷон,

2 донишгоҳи олии Ҷумҳурии Латвия, 3 донишгоҳи олии Лаҳистон (Полша), 2 донишгоҳи олии Маҷористон (Венгрия), 1 донишгоҳи олии Ҷумҳурии Латвия ва ғайра шартномаҳои ҳамкорӣ ба имзо расонидааст.

Олимону устодони донишгоҳи мо дар ҳамоишҳои илмие, ки дар донишгоҳҳо ва муассисаҳои илмии Ўзбекистон баргузор мегаштанд, бо маърузаҳои илмии худ ширкат меварзиданд. Донишмандони Ўзбекистон низ дар конферонсҳои илмии ДДХ, иштирок менамуданд. Масалан, солҳои 1996 ва 2001 бахшида ба ҳаёт ва фаъолияти поягузори адабиёти классикии ўзбек Низомудин Алишери Навоӣ ва равобити адабиёти классикии тоҷикӣ дар факултети филологияи ўзбеки донишгоҳи мо дар мавзӯи „Алишер Навоӣ ва адабиёти тоҷик“ конферонси илмӣ баргузор гашта буд, ки дар он як гурӯҳ адабиётшиносони маъруфи Ўзбекистон фаъолона ширкат варзиданд.

Равобити наздик ва ҳамкорихои судманди Донишгоҳи давлатии Хуҷанд ба номи академик Бобочон Ғафуров бо донишгоҳҳои олий ва муассисаҳои илмии Ҷумҳурии Ўзбекистон баъди ба маҷрои солиму созанда ворид гаштани равобит ва дӯстиву ҳамкорӣ миёни ду ҷумҳурии ҳамсоя ба марҳалаи сифатан нав ворид гардид.

Бо саъю талошҳои беандоза ва ташаббусҳои наҷибонаи Асоғузори сулҳу ваҳдати миллӣ, Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон, Эмомалӣ Раҳмон ва Президенти Ҷумҳурии Ўзбекистон Шакат Мирзиёев, ки бо дарки масъулият, эҳтиром ва хусни тафоҳум ба дӯстиву бародарӣ, ҳамҷаворӣ, ҳамгирии таърихӣ халқҳои тоҷику ўзбек, бо диду нигоҳи сиёсатмадорони оқилу дурандеш муносибат намуданд, дар таърихи равобити Тоҷикистону Ўзбекистон тағйироти кулӣ ба амал омад.

Беҳтар гардидани равобити судманд, дӯстиву бародарӣ байни Ҷумҳурии Тоҷикистону Ўзбекистон на танҳо дар паҳнои минтақаи Осиёи Марказӣ, балки дар миқёси кишварҳои Иттиҳоди Давлатҳои Мустақил як фазои комилан нави сиёсиро ба вуҷуд оварда, боиси ташаккул ва рушди муносибатҳои боэътимод, бародарона ва самараноки давлатҳо, намунаи барҷастаи ибрат дар ҳалли масъалаи гуногуни сиёсӣ, дипломатӣ, иқтисодӣ, тичоратӣ ва ғайра, ки миёни давлатҳои ҷаҳон вуҷуд доранд, шуда метавонад.

Сафари давлатии Президенти Ҷумҳурии Ўзбекистон, муҳтарам Шавкат Мирзиёев 9-10-уми март соли 2018 ” дар остонаи ҷашни байналмилалӣ Наврӯз дар устувор шудани робитаҳои дӯстию бародарӣ ва ҳамкорихои Тоҷикистону Ўзбекистон таҳаввули бузург ва марҳилаи комилан нав гардид. Дар доираи сафари роҳбари олии кишвари ҳамсоя 27 шартнома ба имзо расиданд, ки ба густариши равобити иқтисодиву тичоратӣ, илмию фарҳангӣ, ҳарбӣ ва ғайра мусоидат намуданд. Дар байни ин санадҳои муҳими ҳамкорӣ ,Созишнома байни Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Ҳукумати Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба ҳамкорӣ дар соҳаи таҳсилоти олий ва илм’, ,Ёддошти тафоҳум байни Маркази тадқиқоти стратегӣ назди Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Институти тадқиқоти стратегӣ ва байниминтақавии назди Президенти Ҷумҳурии Ўзбекистон’ мустақиман ба ҳамкорихо дар самти илм, маориф, таҳсилоти олий равона шудаанд.

Дар ҷараёни сафари давлатии Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон, муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ба Ҷумҳурии Ўзбекистон, ки рӯзҳои 17-18-уми августи соли 2018 ба вуқӯъ пайваст, 26 санади нави ҳамкорӣ ба имзо расиданд, ки онҳо муносибатҳои Тоҷикистон ва Ўзбекистонро ба сатҳи нав бардоштанд. Дар самти таҳкими ҳамкорихои илмӣ, фарҳангӣ, мактабу маориф 6 шартнома арзиши баланд доранд:

-Созишнома байни мақомоти иҷроияи ҳокимияти давлатии вилояти Хатлони Ҷумҳурии Тоҷикистон ва ҳукумати вилояти Сурхандарёи Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба тичоратӣ-иқисодӣ, илмӣ-техникӣ ва фарҳангӣ-гуманитарӣ;

” Созишнома байни мақомоти ичроияи ҳокимияти давлатии вилояти Суғди Ҷумҳурии Тоҷикистон ва ҳукумати вилояти Самарқанди Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба ҳамкорихои тичоративу иқтисодӣ, илмиву техникӣ ва гуманитарӣ фарҳангӣ;

” Созишнома байни Академияи илмҳои Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Академияи илмҳои Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба ҳамкорихои илмиву техникӣ;

” Созишнома байни Агентии хизмати давлатии назди Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Академияи идоракунии давлатии назди Президенти Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба ҳамкорӣ дар самти таҳсили хизматчиёни давлатӣ;

” Созишнома байни Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Ҳукумати Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба эътирофи мутақобилаи ҳуҷжатҳои намунаи давлатӣ оид ба таҳсилот;

” Созишнома байни Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Ҳукумати Ҷумҳурии Ўзбекистон оид ба ҳамкорӣ дар соҳаи тақмили ихтисоси омӯзгорон ва бозомӯзии кормандони соҳаи маориф.

Донишгоҳи давлатии Хучанд баҳри иҷрои дастуру супоришҳои Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон, Пешвои миллат, Асосгузори сулҳу ваҳдати миллӣ Эмомали Раҳмон ва созишномаҳои, ки ба масоили рушди муносибатҳои илмӣ-тадқиқотӣ ва фарҳангӣ бахшида шудаанд, камар баста, барои таҳкими ҳамкорихои судманд бо донишгоҳҳои Ҷумҳурии Ўзбекистон кӯшиши зиёдеро ба харҷ медиҳад.

Ҳоло донишгоҳи мо бо 10 донишгоҳҳои олии Ҷумҳурии Ўзбекистон, аз ҷумла Донишгоҳҳои давлатии Андичон, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Гулистон, Донишкадаи давлатии забонҳои хориҷии Самарқанд, Донишгоҳи давлатии забонҳои дунёи Ўзбекистон, Донишкадаи тиббӣ-ветеринарии Самарқанд, Донишгоҳи миллии Ўзбекистон ба номи Мирзо Улуғбек, Донишгоҳи давлатии ҳуқуқшиносии Тошкент, Институти забон, адабиёт ва фолклори Академияи илмҳои Ҷумҳурии Ўзбекистон шартномаҳо ва тафохумномаҳо ба имзо расонидааст.

Дар доираи ин созишномаҳои ҳамкорӣ робитаҳои судманд ба роҳ монда шуда, ташрифи тарафайни олимони ду кишвар, иштирок дар ҳамоишҳои илмӣ ва фарҳангӣ ба ҳукми анъана даромадааст.

Дар рӯзҳои ҷашни Наврӯзи Аҷам 20-21-уми март соли 2018 бо тақлифи ҳокими вилояти Самарқанд ва иқдоми Раиси вилояти Суғд, муовини аввали Раиси Маҷлиси миллии Маҷлиси Олии Ҷумҳурии Тоҷикистон, муҳтарам Раҷаббой Аҳмадзода, ҳайати расмӣ намояндагони илму фарҳанги вилояти Суғд таҳти роҳбарии ректори Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров Ҷамшед Ҷўразода барои иштирок дар чорабинихои наврӯзӣ ба шаҳри Самарқанд сафар кард.

Дар доираи ин чорабиниҳо тантанаву кушодани мучассамаи Абдурахмони Ҷомӣ ва Алишер Навоӣ дар боғи Навоӣ бо иштироки Президенти Ҷумҳурии

Ўзбекистон, мўхтарам Шавкат Мирзиёев баргузор гардид. Ҳангоми расми кушоди муҷассама Президенти Ўзбекистон, мухтарам Шавкат Мирзиёев бо ҳайати вилояти Суғд Чамшед Чўразода, раиси Шўъбаи суғдии Иттифоқи нависандагони Тоҷикистон, Шоири халқии Тоҷикистон, барандаи Ҷоизаи давлатии ба номи Абӯабдуллоҳ Рӯдакӣ Аҳмадҷони Раҳматзод, Хунарпешаи мардумии Тоҷикистон Чўрабек Набиев мулоқот намуд.

26-уми марти соли 2018 ба ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров ректори Донишгоҳи давлатии Самарқанд, профессор Р. И. Холмурадов ташриф оварда, шартномаи ҳамкорӣ дар самтҳои илмӣ-тадқиқотӣ, таълимӣ-методӣ ва табодули омўзгорону донишчўён ба имзо расид.

-юми майи соли 2018 намояндагони Донишгоҳи давлатии Фарғона – мудири кафедраи забоншиносӣ Э. Иброҳимова, устодони ҳамин кафедра Ф. Исмаддинов ва М. Мамаҷонов бо ҳайати профессорон ва омўзгорони донишгоҳ вохўрии судманд ораста, нақшаи лоиҳаҳои муштарақ ва баргузориҳои конференсу семинарҳо омода карда шуд.

-юми майи соли 2018 гурўҳи олимони Донишгоҳи давлатии Андигон бо роҳбарии муовини ректор оид ба корҳои таълим Бахтиёр Олимов, профессори кафедраи забоншиносӣ Дилоро Набиева, мудири шўъбаи робитаҳои байналмиллалии донишгоҳ Фарҳод Олимов ва устоди ҳамин донишгоҳ, номзади илмҳои педагогӣ Машрабой Ҳалимова ба ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров ташриф оварда, дар чараёни мулоқот бо роҳбарияти донишгоҳ доир ба ҳамкориҳои илмӣ, мубодилаи кормандони илмӣ ва омўзгорон, лоиҳаҳои якҷояи илмӣ, истифодаи усулҳои инноватсионӣ дар соҳаи технологияи информатсионӣ ва ғайра ба мувофиқа расиданд.

Дар навбати худ намояндагони Донишгоҳ давлатии Хуҷанд ба донишгоҳҳои Ўзбекистон сафар намуда, дар ҳамоишҳои илмӣ ширкат варзиданд.

1-4-уми августи соли 2018 ҳайати дўстии Тоҷикистон бо сарвариҳои Вазири фарҳанги Ҷумҳурии Тоҷикистон Шамсиддин Орумбекзода ба Ўзбекистон сафар намуд. Ҳайати мазкур ба 3 гурўҳ тақсим гардида, дар шаҳрҳои Тошканду Самарқанд бо ёдгориҳои таърихӣю меъморӣ, муассисаҳои илмӣ, осорхонаҳо ва дигар мавзеоҳои саёҳатии Ўзбекистон шинос гардида, бо олимони, аҳли фарҳанги кишвари ҳамсоя мулоқотҳои судманд доштанд.

Дар ҳайати гурўҳи сеюм ректори ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров, профессор Чамшед Чўразода шомил буда, дар мулоқотҳо бо намояндагони илму фарҳанги Ҷумҳурии Ўзбекистон ширкат варзид.

Ҳамзамон олимони донишгоҳ ба таври инфиродӣ бо донишмандони донишгоҳҳои олии Ўзбекистон робитаи илмӣ барқарор намудаанд. Аз ҷумла, мудири кафедраи забони тоҷикӣ факултети филологияи тоҷик профессор А. Ҳасанов ба ҳайси аъзои Шўрои диссертационии Донишгоҳи

давлатии Самарқанд аз рӯи ихтисоси 10. 00. 05 ” забони халқҳои Осиё ва Африка пазируфта шудааст

Устодони донишгоҳ Н. Нуоров, М. Шарипова, М. Суёнов ва дигарон дар Конференсияи байналмилалӣ бахшида ба ёдбуди мутафаккири бузурги ўзбек Алишер Навоӣ, ширкат варзида, гузоришҳои илмӣ намуданд

Ҳоло дар байни ду ҷумҳуриҳои ҳамсоя ” Тоҷикистон ва Ўзбекистон табодули донишҷӯён, магистрантҳо, муҳаққиқон-коромӯзон ба ҳукми анъана даромадааст. Дар донишгоҳҳои Ўзбекистон донишҷӯёни зиёди тоҷик таҳсилдоранд ва донишгоҳҳои ҷумҳурии мо низ аз ҷумҳурии ҳамсоя толибилмон зиёданд.

Аз ҷумла, соли таҳсили 2018-2019 дар факултетҳои гуногуни Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров баробари дигар донишҷӯён аз кишварҳои хориҷӣ, аз Ҷумҳурии Ўзбекистон низ таҳсил менамоянд.

Ҳамин тавр, равобити самарабахши байни Донишгоҳи давлатии Хучанд ба номи академик Бобочон Ғафуров ба донишгоҳҳои Ўзбекистон ва муассисаҳои илмӣ-тадқиқотии ин кишвар ба таҳкими ҳамкориҳои илмиву фарҳанги ду ҷумҳурии ба ҳам дӯсту ҳамсоя равона шуда, ба манфиати халқҳои тоҷику ўзбек хидмат менамояд.

ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Бердиалиев А., профессор,
Турдибоев Т., доцент
(Тоҷикистон)*

ЎЗБЕК ТИЛИ АФФИКСЛАРИ ТИЗИМИДА КЎП МАЪНОЛИЛИК МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

Маълумки, тил тизими ўзига хос ишоралар (рамзлар, белгилар) системаси эканлиги жиҳатидан семиотика фани парадигмасига тегишли мураккаб ҳодисадир. Тилга хос ишораликнинг морфемалардан бошланиши фанда муштарак тан олинган. Морфема, хоҳ ўзак, хоҳ аффикс характериға эға бўлишидан қатий назар, ифода ва мазмун планларига эға мураккаб лисоний бирликдир[1].

Ҳам ифода (шакл) ва ҳам мазмун планларига эға бўлганлиги учун, морфемалар тизимида ҳам уларнинг шакл ва маъно муносабатларида мутаносиблик(симметрия) ҳамда номуносаблик (ассиметрия) ҳолатлари мавжуд бўлади.

Тилнинг луғавий, фразем ва бошқа сатҳ ҳодисаларида бўлганидек, морфем сатҳ ва унинг бирликлари тизимиға хос шакл ва маъно номуносаблигида ҳам парадигматик ва синтагматик деб аталувчи ҳар икки тур бир хил маромда амал қилади.

Мазкур мақолада шакл ва маъно номуносаблиги(асимметрияси)нинг ўзбек тили аффикслар мазмун планиға хос парадигматик номуносаблиги (ассиметрияси) тизими доирасидаги бир тури ҳақида фикр юритиш мақсад этилган.

Лисоний бирликларнинг мазмун планиға хос номуносаблик (ассиметрия) *омонимия, полисемия, кўп вазидалилик(полифункционаллик), дублетлилик ва вариантлик* сингари функционал-семантик ҳодисалар парадигмасини ўз ичига олади. Лисоний бирликлар мазмун плани парадигмасини ташкил этувчи айни шу тушунча ва ҳодисалар аффикслар тизими учун ҳам муштарак хосдирки, буни ўзбек тили аффиксларига хос кўп маънолиликда ҳам кўриш мумкин [2].

Ўзбек тили аффиксал тизимидаги жуда кўп морфемалар кўп маънолилик хусусиятиға эға. Бунда айни бир товуш таркибли аффиксал морфема икки ёки ундан ортиқ маъноли луғавий-маъновий, луғавий-морфологик лисоний бирликларнинг ясалишида иштирок этиб, кўп маъноли (полисемантик ва полифункционаллик) бирлик характериғи касб этади. Кўп маъноли аффикслар ҳам сўз ясалиши, ҳам шакл ясалиши тизимида мавжуд. Сўз ясалиши тизимида улар луғавий маънода фарқ қилувчи сўзлар ясаса, шакл ясалиши тизимида—грамматик қиймати ҳар хил морфологик шакллар ясайди. Аффикс морфемаларнинг кўп маънолилиги улар қўшилган ўзак морфеманинг маъносидаги фарқ билан белгиланади.

Сўз ясалиши [3] тизимиға хос кўп маъноли аффиксларға қуйидагилар киради:

–**чи**. Бу аффикс:

1) конкрет нарса-предметлар маъносини билдирган сўзларга қўшилади: *темир-чи, тақа-чи*;

2) суyoқлик семасига эга бўлган сўз-ўзакларга қўшилади: *су-вчи, қатик-чи, сут-чи*;

3) фан, санъат соҳасига оид тушунчани билдирувчи сўз-ўзакларга қўшилади: *қўшиқ-чи, ўйин-чи, қизик-чи; тарих-чи, адабиёт-чи, тил-чи, сиёсат-чи* ва б.;

4) «умумийлик» семасига эга бўлган сўз-ўзакларга қўшилади: *маҳаллий-чи, миллат-чи, ташкилот-чи* **ва б.**

–**чи** аффикси бир умумий «шахс» маъносидаги сўз ясаган бўлса-да, ҳар бир гуруҳда «шахс» шуғулланадиган касбига кўра фарқ қилади. Қиёсланг: *темирчи – қизикчи, тақачи – тарихчи, сувчи – ўйинчи* ва б.

–**лик**.

Бу аффикс ўзакдан англашилган тушунчага хослик маъносидаги сўз ясайди:

1) кийим-кечак маъносидаги сўзларга қўшилади, улар учун мос материал маъносини билдиради: *қўйла-лик, шим-лик, костюм-лик, халат-лик* **ва б.**;

2) касб-кор маъносидаги сўз-ўзакларга қўшилади: *табиб-лик, муҳандис-лик, меъмор-лик, муаллим-лик, фаррош-лик, шоир-лик* ва б.;

3) жой номларига қўшилиб, ўзак-асосдан англашилган манзилга хослик маъносидаги шахс отлари ясайди: *Хужанд—хужандлик, Исфара – исфаралик, Ашт – аштлик, Душанбе – душанбелик* ва б.;

4) характер, хислат ва хусусият маъносидаги сўз-ўзакларга қўшилади: *қаттиққўл-лик, мулойим-лик, мард-лик, номард-лик, муттаҳам-лик, юмишқ-лик, менсимас-лик, бўш-лик, бегона-лик, тўпори-лик* ва б.;

5) рельеф (ер тузилиши) тушунчасига дахлдор сўз-ўзакларга қўшилади: *баландлик, пастлик, қуйилик* ва б.;

6) яқинлик, қариндошлик маъносидаги сўз-ўзакларга қўшилади: *ўртоқ-лик, дўст-лик, ака-ука-лик, она-лик, ота-лик, иноқ-лик, дугона-лик* ва б.;

7) ҳарорат семаси мавжуд сўзларга қўшилади: *иссиклик, салқин-лик, совуқ-лик* ва б.;

8) маза-таъм семасига эга сўзларга қўшилади: *ширин-лик, аччиқ-лик, нордон-лик, шўр-лик, чучук-лик* ва б. .

–**ги, -ки, -қи**.

Бу вазифадош ва маънодош аффикслар қуйидаги маънодаги сўз-ўзакларга қўшилади:

1) «интенсив ҳаракат» семасига эга феъл сўз-ўзакларга қўшилиб, нарса-предмет маъносидагиот ясайди: *чоп-қи, сунур-ги* ва б.;

2) «пассив ҳаракат ёки ҳолат» семасига эга бўлган феъл сўз-ўзакларга қўшилиб, мавҳум маъноли от ясайди: *сез-ги, сев-ги, кул-ги* ва б.

Кўп маънолилик шакл ясовчи аффикслар тизимида ҳам мавжуд. Уларга асосан қуйидагилар киради:

–**ча**. Бу аффикс:

а) сўзнинг кичрайтиш маъносидаги шаклини ясайди: *стул-ча, ручка-ча, машина-ча*;

б) сўзнинг эркалаш маъносидаги шаклини ясайди: *йигит-ча, хотин-ча*;

в) сўзнинг камситиш, масхаралаш маъносидаги шаклини ясайди: *одам-ча, шоир-ча, мухбир-ча* ва б.;

-лар. Бу аффикс:

а) нарса-предмет маъносидаги сўз-ўзакларга қўшилиб, сўзнинг миқдоран кўплик маъносидаги шаклини ясайди: *қалам-лар, дафтар-лар, ручка-лар* ва б.;

б) тана аъзолари маъносидаги сўз-ўзакларга қўшилиб, сўзнинг кучайтириш маъносидаги шакллари ясайди: *қўл-лар(им), юрак-лар(инг), оёқ-лар(им), кўз-лар(тўртбўлди)*;

в) «суюқлик» семаси етакчи сўзларга қўшилиб, сўзнинг «хил», «тур» маъноли шакллари ясайди: *ичимлик-лар, сув-лар, ёғ-лар*;

г) киши ва шахс маъносидаги сўз-ўзакларга қўшилиб, сўзнинг умумийлик ва ҳурмат маъносидаги шакллари ясайди: *Раъно-лар, Алишер-лар; холам-лар, дадам-лар, бобом-лар* ва б.;

д) феъл-ўзакларга қўшилиб, сўзнинг грамматик кўплик ва ҳурмат маъноларидаги шакллари ясайди: *ишлади-лар(ўқувчилар), кулди-лар(болалар); келди-лар(ойим). севинди-лар(бувим)* ва б.

-ган. Бу аффикс феъл ўзакларига қўшилиб:

а) сифатдошнинг аниқловчи вазифасида келувчи ўтган замон шаклини ясайди: *ўрил-ган(соч), ўқил-ган(китоб), ёзил-ган(иншо)* ва б.;

б) соф феълнинг кесим вазифасида келувчи ўтган замон шаклини ясайди: *(китоб) йўқол-ган, (укам) кел-ган, (канал) қазил-ган* ва б.

-да. Бу аффикс ўрин-пайт келишиги кўрсаткичи сифатида:

а) от ва олмошларнинг воситали объект маъносидаги шаклини ясайди: *укамга, китобга, менга, ўзингга*;

б) отларнинг ўрин маъносидаги шаклини ясайди: *уйга, қишлоққа, шаҳарга, осмонга* ва б.

-дан. Бу аффикс морфема чиқиш келишиги кўрсаткичи сифатида:

а) от ва олмошларнинг воситали объект маъносидаги шаклини ясайди: *китобдан, қаламдан, укамдан, мандан, ундан* ва б.;

б) отларнинг ўрин маъносидаги шаклини ясайди: *уйдан, шаҳардан, қишлоқдан, ердан, осмондан* ва б.

-га. Бу аффикс морфема жўналиш келишиги кўрсаткичи сифатида:

а) от ва олмошларнинг воситали объект маъносидаги шаклини ясайди: *китобга, укамга, қаламга, дафтарга* **ва б.**;

б) отларнинг ўрин маъносидаги шакллари ясайди: *уйга, шаҳарга, осмонга, ерга* ва б.

Хуллас, аффиксал морфемаларнинг кўп маънолилиги сўз ясовчи ёки шакл ясовчи аффикслар доираси билан чекланмайди. Кўп маънолилик сўз ясовчи

аффикслар тизимида ҳам, шакл ясовчи аффикслар тизимида ҳам фаол учровчи функционал-семантик жараёндр.

Адабиётлар

1. Бердиалиев А. Сўз таркиби ва шакл-маъно номутаносиблиги. Монография. Бишкек, 2013; Яна шу муаллиф. Ўзбек тилида таркиби синтагмаик номутаносиб сўз бирикмалари. Ўқув кўлланма. Хужанд: “Меърож”, 2019.
2. Жўрабоева М. Ўзбек тилида аффиксал омонимия. Тошкент, 1975; Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. Тошкент, 1985; Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. Тошкент, 1992; Тожиев Ё., Назарова Н., Тожиева Г. Ўзбек тилидаги эргаш морфемаларнинг функционал-семантик ва стилистик хусусиятлари (маънодорлик). Тошкент, 2012.
3. Бердиалиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфемика. Сўз ясашиши. Морфонология. Ўқув кўлланма. Хужанд, 2015. 47 –б.
4. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясашиши. Тошкент 1978; Яна шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясашиши. Тошкент, 1979

Абдиев М., профессор
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИГА ҚИСҚАЧА ЭКСКУРС

Ҳар қандай тушунча, биринчи галда, тил бирликларида – лексемаларда ўз инъикосини топади. Лексемалар эса муайян қонун-қоидалар асосида юзага келтирилади ва тил эгалари муомаласига киритилади. Бу жараён бевосита экстралисоний ва интерлисоний омилларга боғлиқдир. Тилнинг лексик қатлами шу омиллар асосида ҳамиша ўз фондини тўлдириб келади. Мазкур жараённи эса лексемаларнинг ясалишисиз тасаввур қилиш қийин. Бу фикрнинг қай даражада ҳаққоний эканлигини А.Фуломовнинг куйидаги сўзлари билан тасдиқлаш мумкин: «Сўз ясашиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда, сўзларнинг структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир... Тилшуносликнинг бу бўлимида, биринчидан, янги сўзларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясалмаларнинг қандай пайдо бўлганлиги текширилади. Текширишнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳодисалардан янги сўз мавжуд қолипга қараб, шу асосда ҳосил қилинади. Сўз яшанинг турли йўллари билан ҳосил қилинган сўзларни ўз ичига олиши ҳам унинг асосини характерлаб беради: бу асос тилнинг лексик, фонетик ва грамматик воситаларидир»[Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 7-8].

«Ҳар бир тилнинг, – деб ёзади А.Ҳожиёв, – бошқа соҳалари, масалан, морфология, синтаксис соҳалари ўз системасига эга бўлгани каби, унинг сўз

ясалиши ҳам ўз системасига эга»[Ҳожиёв, 1989, 14]. Шу боисдан, барча тилларда лексемалар ясалиши тилшуносликнинг махсус бир бўлими сифатида ўрганиб келинмоқда.

Туркий тилларда ҳам сўз ясалиши муаммолари тадқиқ этиб келинмоқда. И.А.Батманов, А.К.Боровков, Н.А.Антонов, С.Жефаров, Ш.Сеидов, А.Ю.Бозиев, Э.В.Севортян, М.А.Хабичев, Ф.А.Ганиев, Б.О.Орузбаеваларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши масалаларининг илк ва йирик тадқиқотчиси проф. А.Фуломов ҳисобланади. Ундан кейин З. Маъруфов, А. Ҳожиёв, А.Холмуродов, М. Абдиев, Ш. Мирзақулов, У. Ибрагимова каби тилшуносларнинг махсус монографик характердаги тадқиқотлари яратилди.

Бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам тил бирликларининг ясалиш масалалари ўрганилган ва ўрганилаётган яна бир махсус соҳа мавжуддир. Булар тилнинг луғавий системаларни тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотлардир.

Шу пайтгача ўзбек тилининг лексикаси масалаларини ўрганишга бағишланган қирққа яқин диссертация, қатор монографиялар, юзлаб мақолалар яратилди. Бу ишларнинг барчасида лексема ясалиши муаммоларига алоҳида эътибор берилган. Чунки ҳар бир лексикологик системада ўзига хос лексемалар яшаш усулларидан фойдаланилади.

Лексема ҳам умумистеъмолдаги лексиканинг таркибий бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун лексемалар доимий равишда тилнинг қонун-қоидалари асосида ҳосил бўлган ва ҳосил қилиниб келинмоқда. Маълумки, лексема ва сўз тушунчалари бир-бирига айнан тенг эмас. Ҳ. Неъматов ўринли таъкидганидек “лексема – тил бирлиги тайёр ва турлича имкониятлар мажмуаси” бўлса, сўз лексемаларнинг воқеаланиши, рўёбга чиқиши, моддий кўриниши саналади.

Сўз ясалиши масалалари З.Маъруфовнинг махсус рисоласида атрофлича ўрганилганлигини ҳам таъкидлаб ўтамиз (Маъруфов, 1956). Унинг «Ўзбекча-русча луғат»га илова қилинган иши сўз ясалиш муаммоларини ўрганувчилар учун асосий дастур бўлиб қолди (Маъруфов, 1959, 716-727).

Сўз ясалиши атрофлича тадқиқ этилган ишлар жумласига А.Ҳожиёвнинг махсус монографияси киришини ҳам кўрсатиб ўтамиз (Ҳожиёв, 1989). А.Н.Холмуродовнинг монографияси ўзбек тилининг сўз ясалиши масалаларига бағишланган жиддий иш ҳисобланади (Холмуродов, 1989).

Шу билан бирга, айрим йирик тадқиқотларда мазкур масалага ҳам тўхтаб ўтилган. Шундай ишлардан бири Э.Бегматовнинг монографик тадқиқотидир (Бегматов, 1985). Муаллифнинг мазкур иши «Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари» номи билан «Ўзбек тили лексикаси» (Ўзбек тили лексикаси, 1981, 41-157) таркибига ҳам киритилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил бирликларининг ясалиш масалалари махсус “Сўз ясалиши” бўлимида ўрганилади.

Адабий тилдаги сўз ясалиши билан лексикологик системаларда лексема ясалиши ўртасида фарқ борми, йўқми?

Сўз ҳам умумистеъмолдаги лексиканинг таркибий бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун сўзлар ўзбек адабий тилининг қонун-қоидалари асосида яратилган ва яратиб келинмоқда. Иккала манбага оид лексемаларнинг ясалишидаги умумийлик, муштараклик шундан иборатдир. Лекин улар ўртасида муайян фарқлар ҳам бор. Булар куйидагилардан иборат:

Биринчи фарқ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўзлар беш хил усул билан ясалади: 1) аффиксация усули; 2) фонетик усул; 3) семантик усул; 4) композиция усули; 5) аббревация усули (Турсунов ва б., 1992, 202).

Луғавий системаларда эса лексема яшаш усулларининг фақат учтасига амал қилинади: 1) семантик усул¹; 2) аффиксация усули; 3) композиция усули.

Иккинчи фарқ. Ҳар бир луғавий система ўз бойлигини шундай усуллар билан ясалган лексемалар ҳисобига тўлдириб, бойитиб боради. Бироқ ҳар бир система ўзига хос тушунчаларни ифодаловчи лексемалар билан иш кўради. Бундай лексемалар эса ясалиши нуқтаи назаридан хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Демокчимизки, ҳар қайси луғавий системанинг фақат ўзига хос лексема яшаш қонун-қоидалари мавжуд. Аффиксация усулини олиб кўрайлик. Ҳозирги ўзбек адабий тилида элликтадан ортиқ ясовчи элемент лексемалар ясалишида иштирок этади. Бироқ уларнинг баъзилари фаол равишда, бошқалари нофаол равишда лексемалар ҳосил қилса, учинчи бир хили луғавий бирликлар яшаш функциясини тўхтатган.

Бундай ҳолат луғавий системалар билан қиёсланганда куйидагилар аён бўлади:

1. Адабий тилда фаол равишда лексемалар ясовчи у ёки бу аффикс баъзи луғавий системаларда ҳам фаоллиги билан муштараклик ҳосил қилади. Масалан, -чи маҳсулдор аффикс бўлиб, унинг ёрдамида кўплаб лексемалар ясалган. Луғавий системаларни ўрганишга бағишланган ишлар ўрганиб чиқилганда мазкур аффикс айрим луғавий соҳаларда ҳам адабий тилдаги каби фаоллигини сақлаб туради. Ўзбек тилининг ҳарбий (ўқчи, тўпчи, жангчи, разведкачи, миномётчи ва б.), физкультура ва спорт (курашчи, югурувчи, ҳужумчи, футболчи), ижтимоий-сиёсий (инқилобчи, босқинчи, расмиятчи, республикачи), педагогика (ўқувчи, ўқитувчи, тарихчи, тилчи) каби луғавий системаларида шундай ҳолатни яққол кўриш мумкин. Кези бўлгани учун -чи аффикси касб-ҳунармандлик лексикасида ҳам бир қадар фаоллик касб этганлигини таъкидлаб ўтамин.

Бироқ -чи аффикси баъзи луғавий системаларда умуман кўринмайди ёхуд баъзи ҳолдагина лексемалар ясаб келади. Ўзбек тилининг ботаника, зоология, математика, кимё, астрономия, анатомия каби луғавий системаларида шундай ҳолатни кўриш мумкин.

2. Ўзбек адабий тилида нисбатан кам маҳсулдор бўлган айрим аффикслар баъзи луғавий системаларда бир қадар фаолроқ эканлиги кўзга ташланади. Масалан, -к (-ик, -ак) // -қ (-иқ, -уқ, -оқ) аффиксларини олиб кўрайлик. А.Ҳожиёв шундай деб ёзади: «Булар ёрдамида ясалган отлар жуда оз миқдорда: тилак, оғриқ, қавиқ, буйруқ, қийноқ каби» (Ҳожиёв, 1989, 49). 3. Мираҳмедованинг гувоҳлик беришича, мазкур аффикслар ёрдамида кўплаб анатомик лексемалар ясалган. Энгак, чакак, билак, қулоқ, тирсак, тўпик, чатик, қўлтиқ каби ўнлаб лексемалар шулар жумласидандир (Мираҳмедова, 1993).

Лексемалар эса уч хил усул билан ясашиши мумкин, бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди. Қуйида касб-ҳунарга хос лексемаларнинг ясашиш усуллариининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтилди.

Проф. А. Ғ. Ғуломов ўзининг ишларидан бирида шундай ёзади: ”Сўз ясашиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясашишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда, сўзларнинг структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Тилшуносликнинг бу бўлимида, биринчидан, янги сўзларнинг қандай пайдо бўлганлиги текширилади. Текширишнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳодисалардан янги сўз мавжуд моделга қараб, шу асосда ҳосил қилинади. Сўз яшанинг турли йўллари билан ҳосил қилинган сўзларни ўз ичига олиши ҳам унинг асосий характерини очиб беради:бу асос тилнинг лексик, фонетик ва грамматик воситаларидир”[Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 7-8].

Шундай экан, барча тилларда тилшуносликнинг сўз ясашиши бўлими ўрганиб келинмоқда. Чунончи рус тилшунослигида сўз ясашиши ҳақида юзлаб ишлар (дарсликлар, монографиялар, мақолалар) мавжуд. Уларга шарҳ беришгина эмас, рўйхатни келтириш ҳам бир неча саҳифани ташкил этган бўларди.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясашиши масаласи дастлаб А. Ғуломовнинг докторлик диссертациясида ўз ифодасини топган эди.

“Ўзбек тили грамматикаси”(1-жилд)га киритилган “Сўз ясашиши”, ”Морфологияга кириш”қисмлари ҳам А. Ғуломовнинг қаламига мансубдир.

1963 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти томонидан чоп этилган “Илмий асарлар”да С. Усмоновнинг “Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши”номли каттагина иши (75-234-бетлар)эълон қилинди. Бу ишда ҳамсўз ясашишининг бир қатор масалалари ёритилган эди.

М. Абдиевнинг номзодлик ишида шахс номларининг аффиксация усули билан ясашиш жараёнлари бағишланган[Абдиев, 1991]. “Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясашиш асослари” номли монографиясида касб ва ҳунар билан боғлиқ бўлган шахс номларининг ясашиш масалалари батафсил ёритилган [Абдиев, 2015].

Ш.Мирзакуловнинг “Ўзбек тили сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясида сўз ясалиши соҳасининг асосий бирлик ва тушунчалари ҳамда унинг назарияси морфологик, структур-семантик, синтактик - трансшакли, ономасиологик, функционал-семантик сингари босқичлари ҳақида фикр юритади. Шунингдек, ишда сўз ясалишининг парадигмаси ва сўз яшанинг ўзига хос белгилари ҳақида ҳам фикр юритилган [Мирзакулов, 1995].

У. Ибрагимованинг диссертацияси Қорақалпоғистон ўзбек шевалари сўз ясалиши масаласи батафсил берилган [Ибрагимова, 2019].

Хулоса қилиб айтганда, сўз ясалиши масалаларини монографик планда ўрганиш яна шунинг учун фаоллик касб этадики, лексиканинг айни шу қатламида ўзбек тилининг сўз ясалиш имкониятлари ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўлади. Бу эса грамматика, унинг сўз ясалиши қисми учун ниҳоятда зарурдир.

Адабиётлар

1. Абдиев М.Б. Ўзбек тилида касб-хунарга хос лексемаларнинг аффиксал усул билан ясалиши. ФФН. дис.цияси. –Тошкент, 1991.
2. Абдиев М. Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалиш асослари.- Тошкент: Тафаккур, 2015.
3. Гулямов А. Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Аффиксация. Словообразующие аффиксы имен. Автореф. докт. дисс..... -Ташкент, 1955.
4. Ибрагимова У. Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шевалари сўз ясалиши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)дисс. Қарши, 2019.
5. Мирзакулов Ш.Ўзбек тилида сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси. НДА.-Самарқанд,1995.
6. Ўзбекча-русча луғат. 1том.-Тошкент,1959.
7. Ўзбек тили грамматикаси. 1том.-Тошкент, 1975
8. Ўзбек тили лексикаси. –Тошкент: Фан, 1981.
9. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. -Тошкент, 1989.

*Абдурахманов Ш., доцент
Асқарова М., магистрант
(Ўзбекистон)*

“ТЕМУРНОМА”ДА ҚЎЛЛАНГАН БЕЛГИ БИЛДИРУВЧИ ЛЕКСЕМАЛАР ХУСУСИДА

Миллий руҳ – бу енгилмас куч. Миллий руҳ кучли бўлса, ирода, жанговар салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдири учун масулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темура каби буюк

аждодларимиз жасоратидан олади [1;1-б]. Зеро, миллий маданиятимиз, тарихимиз, адабиётимиз, тилимиз, шунингдек, унинг тарихини ўрганиш юқоридаги фикрларга айнан ҳамоҳангдир.

Амир Темур ўзбек давлатчилиги тарихида сиёсат ва маънавият уйғунлигига эришган ноёб шахслардан бири ҳисобланади. Бундай уйғунликни тарихда камдан-кам салтанат султонларида кузатиш мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, соҳибқирон фаолиятида адолат тушунчаси жуда муҳим ўрин тутган. Бежиз унинг муҳрида “Куч адолатдадур” деган сўзлар битилмаган эди. Адолат тантанаси боис, давлатда ҳар бир фуқаронинг иззат-ҳурмати жойига қўйилган, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. Амир Темур фаолиятининг асосий тамойиллари, ички ва ташқи сиёсатининг моҳияти «Темурномада» ўз аксини топган. Айни пайтда асарнинг лисоний хусусиятларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. У обектив борликдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ташувчи асосий воситадир. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот бериш учун хизмат қиладиган воситалар сирасига киради. Бунинг учун умумий нарса, аввало, ўзи ҳақида ва шу билан бирга борликдаги маълум нарса-ҳодисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар «белгилар» деб номланади[2;32-б]. Ҳозирги кунда белгининг турли аспектларини ҳисобга олувчи ҳар хил таърифлари мавжуд. Унинг ҳамма қирраларини ҳисобга олган ҳолда Е.Маслов шундай таъриф беради: «Белги – бу идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу белгидан ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир»[3; 89-б].

Белгини аниқлашда, одатда, унинг икки хусусияти кўрсатилади. Белгининг биринчи белгиси идрок қилинишдир. Демак, у идрок қилиниши учун маълум моддий асосга эга бўлиши керак. Белгининг моддий асоси турлича бўлиши мумкин; товуш (акустик), кўриш (оптик), маза (густатор) ва бошқалар.

Белгининг иккинчи белгиси ҳақида бошқа объект ҳақида маълумот беришдир. Англашиладики, ҳар қандай белгида ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Одатда, объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: сабаб натижали муносабат ва шартли муносабат. Сабаб натижали муносабатда бўлган объектлар мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади.

Демак, белгилар обектив реалликдаги ўзи акс эттирган объектга муносабатига кўра мотивланган ва мотивланмаган белгиларга бўлинади. Масалан: «Темурнома» асаридаги Юсуф нозаниним хажр-у фироқида ва Юсуфо ва Фурқато, деб нола фарёд қилиб, йиғлай-йиғлай кўрар кўзи кўрмас бўлиб қолди, гапида Юсуфнинг нозанин, бир гўзал ишқида йиғлайвериб кўзи ожиз бўлиб қолганлиги ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Ёки, Ул куни кеч бўлиб, қуёш Юнусин шафақ денгизин балиғи ютти. Яъни, кеч бўлганини кўриб, қуёш ботганини тасаввуримизга келтирамиз. Белгилар системасида сема, яъни маъно предметни бевосита эмас, балки билвосита товуш томони орқали акс эттиради

[4; 12-б]. Дарҳақиқат, тушунча ва маъно ўртасида ўзига хос фарқ мавжуд. Предметнинг инъикоси инсон онгида табиий равишда рўй беради. Шунингдек, белгиларнинг умумлашмаси сифатида онгда предмет образи гавдаланади.

Товуш комплекси билан предмет ўртасидаги алоқа инсон томонидан ўрнатилади. Лекин маънони бошқача талқин этамиз. Бунга мувофиқ лингвистик бирликнинг моҳияти моддий томони билан (белги билан) ғоя томони (маъно)нинг бирлигидан иборатдир.

Маълумки, белги билдирувчи сўз туркумлари бу сифат ҳамда равишдир. Бу туркумга оид лексемалар «Темурнома» асарида алоҳида ўрин тутди. Сифат билан равиш қандай объект белгисини билдиришига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Яъни сифатлар предметнинг белгисини билдирса, равишлар иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради. Демак, сифатларнинг умумий категориал маъноси предмет белгисини англатишдир. Бундан ташқари сифатлар ўзига хос морфологик ва синтактик хусусиятларга эга. Сифатлар предметнинг маълум бир белгисини билдириш хусусиятларига кўра, бир неча турларга бўлинади:

1. Хусусият билдирувчи сифатлар. Бу турдаги сифатлар жуда катта миқдорни ташкил этади. Булар асарда инсонларнинг турли характер-хусусиятларини кўрсатиб бериш мақсадида қўлланган: Қозонхон андоғ золим эрдик, кишини талаб қилса, аввал хотин ва болаларига васият қилиб, кейин Қозонхонни олдига борур эрди. Берилган гапда «золим» сўзи хусусият билдирувчи сифат ҳисобланади. У Қозонхон шахсини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Хусусият билдирувчи баъзи сифатлар инсон, жонивор ва нарсаларга нисбатан қўлланганлигини ҳам кўриш мумкин.

2. Ҳолат билдирувчи сифатлар. Бу турдаги сифатлар инсон, ҳайвон ва предметнинг турлича ҳолатларини ифодалайди. Масалан, Рижол ул ғойиб барчалари хурсанд бўлиб, мотам кийимини солиб, шодмон либос кийдилар [5; 45-б]. Ҳаво кўб иссиғ эрди [5; 55-б]. Бу оқсоқол киши анга қарамасдан ўз ишига машғул бўлди [5; 74-б]. Амир Чоку барлосда давлатманд эрди. Аммо Тарағай баҳодир кўп ғани бой киши эрди. Ҳар ижнос моллари бор эрди. Ул қавм ҳийла бирла бир ховлиға қамаб икки юз киши атрофига ўтин қалаб, кўп ниҳоятда совуқ эрди, катта-кичик барчасини ўт ёқиб куйдириб юбордилар [5; 71-б]. Берилган гапларда қатнашган хурсанд, иссиғ, оқсоқол, давлатманд, бой, совуқ сўзлари ҳолат билдирувчи сифатлар ҳисобланади.

3. Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар. Бу турдаги сифатлар инсоннинг турли ташқи қиёфаси ва тузилишларини, предметнинг шаклий кўринишларини билдиради. Асарда улар қаҳрамонларнинг ижобий ва салбий белгиларини бўрттириб кўрсатиш учун ишлатилган. Масалан, Чиғатой одамлари ичида андин зўр, паҳлавон киши ёқ эрди. Аммо Носир аскар ичра икки кўзи кўр киши бор эрди. Ёқун хотин телва, жинни бўлиб ва ҳам сўқир бўлибдур. Ушбу гапда қатнашган сифатлар, яъни зўр, паҳлавон, кўр, телва, жинни, сўқир сўзлари юқорида айтилган кўринишларга ишора қилган.

4. Ранг-тус билдирувчи сифатлар. Бу турдаги сифатлар асарда, асосан, предмет белгисини билдириш учун қўлланади. Масалан, Бул тарафда Замонбек ўн фидойи била оқ кийимли бўлиб яқин келдилар. Аммо малоҳидалар оқ кийимлу бўлиб бошларига салла ўриб, Носир қора от миниб, Мунно от қўйған чинорни олдиға келиб қарор олди [5;64-б]. Ялинмоқ ва ёлбормоқ ва ўкунмоқ худойи аззи жаллга бўйсунким, қора ерга уланлар бериб, кўкариб ва куруқ йиғочларга афроғлолар бериб, либослар кийдириб хабототдин наботот пайдо бўлиб, вақти келиб ранго-ранг гуллар ва чечаклар очилиб, андин турлутурлу ёлумлар ўлубдур. Амир Қозағон байроқи оқ, киюму қизил оти қора эрди [5; 46-б]. Яшил байроқ бирла тамоми уламо алмоми дин атрофларида хатми Қуръон қилиб, руҳи расулуллоҳ алайҳиссаломга бағишлар эрдилар. Носир Хусрав қавми оқ кийимлукларни барча бошлиғи бирла уламолар кофир деб ҳукм қилдилар. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, «Темурнома»да ранг-тус билдирувчи сифатлар жуда кўп қўлланган.

5. Ҳажм-ўлчов билдирувчи сифатлар. Маълумки, бундай сифатлар предметнинг ҳажм, вазн-оғирлик жиҳатидан ўлчов белгисини билдиради ва уларни асарда кўпинча метафорик кўчма маънода қўлланганини кўришимиз мумкин. Масалан, Мовароуннаҳр кишиларига, мусулмонларга замон тор келди [5; 66-б]. Ушбу гапда «тор» сўзи кўчма маънода қўлланган.

Бундан ташқари, асарда маза-таъм билдирувчи, ҳид билдирувчи сифатларни ҳам нисбатан оз миқдорда учратамиз. Улар ҳам асардаги турли нарса-ҳодисалар тасвирида муҳим ўрин тутаяди.

Хулоса қилиб айтганда, «Темурнома»да қўлланган белги билдирувчи лексемалар кўпинча шахсларнинг ижобий ёки салбий хусусиятларини бўрттириб ифодалаши билан ўзига хос услубий восита вазифасини ҳам ўтаган.

Шунингдек, «Темурнома» асари маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, жаҳонга таниқли улуғвор тарихий шахсларнинг ҳаёти мисолида кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга ундайди, ўтмишда юз берган қирғинлардан сақланишга, тинчликнинг, ориятнинг қадрига етишга даъват этади. Ҳолбуки, ўтмиш-эртанги куннинг дарслиги. Дарс эса ҳамиша ибрат ёълига бошлайди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017, 4 август.
2. Хожиев А. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: “Фан”, 1992.
3. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992.
4. Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: “Ўқитувчи” 1960.
5. Тошкандий С. Темурнома. – Тошкент: “Чўлпон”, 1990.

*Абдурахмонов Ш., доцент
Абдурахмонова С., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

С.АҲМАД ҲАЖВИЯЛАРИДА КИНОЯ ҲОСИЛ БЎЛИШИНING ЛИСОНИЙ АСОСЛАРИ

Мураккаб тил бирлиги бўлган сўз ўзининг барча ички имкониятларини маълум бир матнда (айниқса, бадий матнда) намоён қилади. Сўз тегишли матнларда нафақат ўз маъносида, балки ўз маъносига қарама-қарши бўлган маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Бу матндан кўзланган мақсад билан боғлиқ. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун борлиқда мавжуд предметларнинг ўхшаш белгилари асосида бирининг номи билан иккинчисини номлаш, маъно кўчириш, ўзгариши ҳодисаларидан, яъни нутқ, таъсирчанлигини таъминловчи нутқнинг ифода-тасвир воситасидан фойдаланилади. Нутқда энг кўп қўлланадиган ифода - тасвир воситаларидан бири троплардир. Троп бадий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ фигураси, киноя, рамз билан қўлланган сўз иборадир. Фикрни троплар ёрдамида ифодалаш бадий матннинг эмоционал экспрессив ҳамда эстетик таъсирчанлигини орттиради. Бадий нутққа алоҳида бўёқ, жозоба бағишлайди. Шунинг учун Р.Кўнғуров тропларни ранг - баранг бўёқлар билан чизилган расмга ўхшатади.[Кўнғуров Р. 1977:15-бет]. Воқеликни ва унга бўлган муносабатни махсус тасвирлаш учун сўзларни ўзига хос матнда қўллаш, уларга янги маънолар юклаш, сўзлар ўртасидаги маъно кўчишидан фойдаланиш, қиёслаш муносабати тропларни юзага келтиради. Троплар инсон тафаккурининг қиёслаш жараёнида туғилади. Қиёслашнинг ҳосиласи сифатида яратилади. Бунда сўзларнинг ўхшаш ва фарқловчи семаларига асосланиб, образли ифодалар ҳосил қилинади. Шунинг учун троплар, нутқий образ яратиш, экспрессив-эмоционал ҳис-туйғулар ифодалашнинг махсус усуллари дир.

Тропларнинг ишлатилиши бадий нутқни янги маъно оттенкали бирикмалар, янги оттенкали фикрлар билан бойитади, тасвирланаётган нарсанинг ёзувчи ёки сўзловчи хоҳлаган томонидан ойдинроқ қилиб ифодалашда, воқеа – ҳодисанинг баҳолаш моментини ҳосил қилишда катта аҳамият касб этади. Улар бадий матнда берилган воқеа – ҳодисани индивидуаллаштириш ва баҳолашда ёрдам беради. Сўз ёки бирикмаларда бўладиган маъно кўчиши орқали троплар ҳосил бўлар экан, шунга кўра уларнинг метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ўхшатиш, аллегория, гипербола, муболаға, кичрайтириш, киноя каби бир неча турларини санаб ўтиш мумкин. Жумладан, киноя троп сифатида мақсадли тағ маъноли матн ҳосил қилишда муҳим ўрин тутиб, бадий нутққа алоҳида таъсирчанлик бағишлайди. Бунда пресуппозиция муҳим аҳамиятга эга. Умуман, ҳар қандай бадий матннинг изоҳланиши пресуппозицияга асосланади.[ГалперинИ.В., 1981: 44-

бет]. Бинобарин, В.А.Звегинсев айтганидек, пресуппозициянинг аҳамияти шундаки, у матн остидаги мазмунни изоҳлашга имкон беради.[Звегинсев В.А.,1976: 35-бет].

Киноя ҳажвий ёъналишдаги асарларда ўзига хос кулгили матн ҳосил қилувчи услуб бўлиб, у матн мазмунини ташкил қилган тил бирликларининг тўғри маъноларига бутунлай қарама - қарши қўйилган яширин маънолар ифодаси билан юзага келади. Бунда ёзувчи ёки сўзловчи бамайлихотир, жиддий гапирадию, аммо сўзларни ўз асл маъносига қарама-қарши маънода қўллаб, бирор киши, унинг қилиғи ёки ходиса устидан кесатиб, масхараомуз кулади. Демак, киноянинг юзага келиши сўзловчининг субъектив муносабати билан боғлиқ. Чунки у орқали тингловчи ёки бошқага ҳаддан зиёд кучли таъсир ўтказилади. Киноя сўзловчи ёки ёзувчи субъектив муносабати ифодаси сифатида конкрет лисоний бирликлар асосида вужудга келади. Бу услубда сўз белгисининг асимметрик томонларига асосланиб, кўп маъноли сўзларнинг семантик тузилишига кирувчи маъноларга асосланиб сўз ўйини қилмай, балки муайян матн мазмунидан келиб чиқиб, сўзга бошқа бир маъно юкланади. СХунинг учун киноя услубини ҳосил қиладиган сўзларнинг маълум бир матнда эга бўлган бундай маъноларини окказионал маъно деб баҳо бериш мумкин. Киноя услубига асосланиб қурилган бадий сўзнинг бундай қўшимча маъноси кулгини юзага келтиради. Матнда окказионал маъно касб этиб, киноявий кулги ҳосил қиладиган сўз мақсади таг маъноли матн юзага келиши учун хизмат қилади. Сўз маъносининг ўзгариши фикрнинг ифода мақсади билан боғлиқ экан, демак, киноя бевосита мақсадни таг маъноли матнда ҳосил бўлади. Киноя замирида, ўз навбатида, танқидий кулги ётади. Киноя, юқорида айтиб ўтилганидек, конкрет лисоний бирликлар ва уларга матнда юкланган қўшимча маънолар асосида ҳосил бўлади. Жумладан, сўзларнинг матндаги уларнинг семантик таркибига кирмайдиган қарама-қарши маъноларидан фойдаланиш, фразеологик иборатларни таг маънолари асосида кинояли қўллаш, сўзларнинг матндаги семантик жиҳатдан ноодатий боғланишлари (оксюморон), сўзларни метафорик усулда қўллаш, дублет сўзларни мақсадли равишда бир матн ичида кетма-кет қўллаш (плеоназм) орқали уларнинг услубий бўёққа эга бўлиши, атоқли от ва махсус номларга киноявий комик маъно юклаш усулари, сўзларни муболаға кўчма маънода қўллаш киноя ҳосил қилувчи воситалардир. Қуйида биз киноя услубининг лисоний бирликлар ёрдамида ҳосил бўлишини Саид Аҳмаднинг ҳажвий микроматни мисолида кўриб чиқамиз.

Асартарошликнинг ўқиш залида сира ўқилмаган китоблар кўрғазмаси очилди. Кўрғазма зали яхши жиҳозланган. Стендларда босилганига ўн беш-ийигирма йил бўлган, лекин бирон одам варақламаган, ҳатто қўлига ушлаб кўрмаган китоблар қўйилган. Бу китобларга қўл тегизиш таъқиқланади. Бу нодир китоблар ёнига авторнинг рангли суратини ҳам осиб қўйиш планлаштирилган. Кўрғазмага марҳамат, азиз китобхоналар. [С. Аҳмад, 1986: 194-бет].

Юқоридаги матнда “сира ўқилмаган”, “кўрғазма” “бирор одам варақламаган” “хатто қўлига ушлаб кўрмаган”, “китобга қўл тегизиш тақиқланади”, “нодир китоблар” жамланмаларининг яширин маънолари матн мавзуси, яъни кўрғазма сўзига боғлиқ равишда киноявий кулгини ҳосил қилади. Демак, кўрғазма сўзи ушбу матнда киноя маъносини уюштирувчи марказ ҳисобланади. “Сира ўқилмаган”, “бирон одам варақламаган, хатто қўлига ушлаб кўрмаган китоблар” тушунчалари том маънода “кўрғазма” тушунчаси билан боғлана олмайди. Чунки кўрғазма сўзининг семантик таркибида “намунали” семаси мавжуд бўлиб, у “сира ўқилмаган”, “бирон одам варақлаб кўрмаган, хатто қўлига ушлаб кўрмаган китоблар” тушунчасининг маъносига зид келади. Бу зидликни “босилганига ўн беш-йигирма йил бўлган” жумласида ифодаланган тушунча таъкидлайди. Демак, мазкур жумлалар билан кўрғазма сўзи ўзаро семантик томонидан оксюморон ҳолатда боғланган. Айни жумлаларнинг семантик оксюморон боғланиши ва улар орқали муаллиф субъектив муносабатининг ифодаланиш киноявий кулгини юзага келтиради. “Бу китобларга қўл тегизиш тақиқланади” жумласининг пресуппозицияси ҳам киноявий кулги учун хизмат қилади. Унинг пресуппозициясига юқоридаги жумлалар ишора қилади. Бу жумланинг пресуппозицияси турли кўрғазма ёки музейларга қўйилган нодир китобларга (ўз маъносида) нисбатан ифодаланади. Юқоридаги матнда эса унинг ана шу тўғри маъносига қарама-қарши бўлган маъносидан фойдаланилади. Айни пайтда, сўз ўйини ҳам ҳосил бўлади. Яъни қўл тегизилмаган (арзимас) китобларга қўл тегизиш тақиқланади. Матн мазмуеига боғлиқ бу сўз ўйини кулгини янада бўрттиради. “Нодир китоблар” жумласи эса матн мазмуни, сўзловчининг субъектив муносабатидан келиб чиқиб, ўз (тўғри) маъносига бутунлай қарама-қарши бўлган кучма маънода қўланган. “Нодир” сўзнинг бундай қарама-қарши маънога эга бўлиши юқорида матн (лексик қуршов) дагина амалга ошади. Чунки у ўзига хос бўлмаган лексик қуршовда келган. Сўз маъносининг бошқа томонга силжиши, купинча, унинг ўзи учун хос бўлмаган контекст ичида келганда юз беради.

Кўринадикки, матн сўзнинг янги маъно қирраларининг юзага чиқиш имкониятидир. Таҳлилдан маълум бўладики, киноя услубига асосланиб қурилган матнларда умумий киноявий мазмун маълум сузлар ишора қилган яширин маъноларда намоён бўлади. Маълум нутқий вазият учун ҳосланган ишора маъноларига эга бўлган сўзлар ўзига хос киноявий модалликни ифодалаб, сюжет воқеаларнинг киноявий тарзда ёритиб бериш учун хизмат қилади.

Кинояга ишора қилувчи бир неча воситалар матнда биргаликда қўлланиб, мураккаб шаклдаги киноя услубини ҳосил қилиши мумкин. Бунда ҳам киноя маъноси, асосан, матннинг умумий мазмунида ифодаланган муаллиф ёки сўзловчининг субъектив муносабатида ўз аксини топади. Киноя маъносига эга бўлган лексик бирликлар бири иккинчисининг маъносини тўлдириб, киноявий

кулгини кучайтира боради. Бундай ҳолда тил бирликларидан муболағали фойдаланиш ҳам кулги кучини оширади.

Адабиётлар

1. Гальперин И.В. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва, 1981. 144 с.
2. Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. – Москва, 1976. 235 с.
3. С.Аҳмад. Юлдуз. Кўрғазма. – Тошкент, 1986. 194-бет.

Амонов М., катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

“БОБУРНОМА”ДАГИ ТОЖИКЧА ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАРИ ХУСУСИДА

Тил контактлари ва у билан боғлиқ ҳодисалар тилшунослик фанида кўплаб олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортган. Европа тилшунослигида тил контактлари масалалари билан шуғулланиш XIX аср охирларидан бошланган. Г.Шухарт, И.А.Бодуэн де Куртене, Г.Пауль, Л.Блумфильд каби тилшунослар тилларнинг аралашуви терминини тил контактлари маъносида қўллашган. Мазкур термин остида улар бир тилнинг бошқа бир тилга таъсири, бир шеванинг ўзга шевага таъсири, тил тараққиётининг олдинги босқичларида истеъмолдан чиққан бирликларнинг қайтадан фаоллашуви каби ҳодисаларни тушунишган. Туркология ва ўзбек тилшунослигида тил контактларининг назарий масалалари билан Е.Д.Поливанов, В.В.Решетов, А.К.Боровков, К.Юсупов, Х.Ғуломов, К.Раҳмонбердиев, Т.Раҳмонов, Н.Ғуломова, М.Зокиров кабилар шуғулланганлар.

Маълум тарихий сабабларга кўра, ўтмишда форс-тожик адабий тили ўзбек адабий тилининг ривожланишида араб тилига нисбатан анча кучли ва баракали таъсир кўрсатганлиги барчага маълум. Ўзбек ва тожик халқларининг асрлар давомида бир ҳудудда яшаб ижод қилганликлари, бир хил тарихий шароитда турмуш кечирганликлари туфайли урф-одатда, дунёқарашда, маданий ҳаёт (санъат, адабиёт, музыка ва ҳоказо) жараёнида кўпгина муштарак элементлар юзага келди, адабиёт ва унинг турли жанрлари, расмий ҳужжатлар, илмий-фалсафий ва диний асарлар тилида, услубида жуда кўп умумий нуқталар шаклланди. Ҳатто шеърий шакл – аруз вазнидан фойдаланишда ҳам ўша умумийлик мавжуд эди. Тожик ва ўзбек тилларининг ўзаро таъсири иккиёклама(оғзаки ва ёзув орқали) бўлганлиги учун икки тилнинг бир-бирига кўрсатган таъсири айниқса кучли эди. Тожик ва ўзбек халқларининг қадим замонлардан бери бир ҳудудда яшаб, ўзаро яқин алоқада, иқтисодий ва маданий муносабатда бўлганликлари ҳаммага маълум. Борган сари интенсивлашган бу муносабатлар иккала халқнинг маданий ва маънавий ҳаётида, урф-одат, расм-

русумларида, диний ақидалар ва дунёқарашларида кўпгина муштарак элементларнинг юзага келишига сабабчи бўлди (Боровков, 1952: 165).

Табиийки тилда бундай умумий элементлар, гарчи бу иккала халқнинг тили генетик жиҳатдан бошқа-бошқа оилага мансуб бўлса ҳам, борган сари кўпайди. Асрлар давомида узлуксиз ривожланган бу жараён аста-секин икки тиллилик ҳодисасини келтириб чиқарди. Бу ҳодисанинг тиллар тарақиётидаги ролини аниқлаш жуда муҳим лингво-социал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мумтоз шоиримиз Алишер Навоий форс-тожик тилида ҳақида шундай ёзади: *Аммо туркнинг улугдин кичигига дегинчи ва навкардин бегигача дегинчи сарт(форс-тожик) тилидин баҳраманддирлар, андоқким ўз хирад аҳволига кўра айта олурлар, балки фасоҳат ва балогат била ҳам такаллум қилурлар, ҳатто турк шуаросиким форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар*(Алишер Навоий, 2000:12).

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан сўзлар билан бир қаторда, изофий сўз бирикмалари ҳам ўтиб ўзлашган. Форс-тожик изофий бирикмалари Навоий, Бобур ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа намояндаларининг асарларида асосан эркин сўз бирикмаси, қисман фразеологизм ва қўшма сўзлар сифатида қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида изофий бирикмаларнинг аксар қисми идеоматик-фразеологик характерга эга бўлиб, компонентларнинг асл маъноси бутунича ёки қисман кўчган: *дардисар*-бош оғриғи, ташвиш; *қулфи дил*-кўнгил каби. Компонентлар орасидаги грамматик боғланиш ва маъно уқилмагани учун изофий бирикмаларнинг аксарияти ўзбек тилида қўшма сўз ва ҳатто айримлари содда сўз сифатида қабул қилинади: *гултожсихўроз* (*гули тожи хўрус*)- хўроз тожиги ўхшаш гул; *маргимуш* (*марги муш*)-заҳарли сичқон дори; *астойдил* (*аз таҳи дил*)-юрақдан, самимий; *мардикор* (*мард-киши, кор-иш*)-ёлланиб ишлайдиган киши(Абдуллаев, 1974:22).

Биз қуйида таҳлилга тортганимиз, нафақат мумтоз адабиётимининг ёрқин намунаси, балки, жаҳон адабиётида муносиб ўринга эга бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги форсий изофий бирикмалардир. Маълумки, Бобур форс-тожик тилини мукамал эгаллаган, ўзининг шоҳ асари “Бобурнома”да форс-тожик мақоллари, сўз ва иборалардан унумли фойдаланган. Шунингдек, Бобур асарда форс-тожик изофий бирикмаларидан унумли ва ўринли фойдаланган.

“Бобурнома”да қўлланилган изофий бирликлар орасида жой номлари катта ўринни эгаллайди. Чунки асар муаллифи кенг жуғрофий маълумотга эга бўлганлиги учун ва асар тарихий мавзуда ёзилганлиги учун буларга асос бўлган жой номларининг аксарияти бевосита изофий бирлик шаклида қўлланилган. «Бобурнома»даги биргина боғ номларининг ўзи йигирмадан ортиқ бўлиб, уларнинг барчаси изофий бирикма шаклида берилган: ***Боғи Дилкушо, Боғи***

Биҳишт, Боғи шамол), Боғи Нав, Боғи Зоғон, Боғи Жаҳоноро, Боғи Хилват. Боғи Юрунчқа, Боғи Нурафшон, Боғи Бинафша, Боғи Сафо, Боғи Калон Боғи Вафо, Боғи Зубайда, Боғи Наврўзий, Боғи Назаргоҳ, Боғи Сафид, Боғи Хиёбон, Боғи Чанор, Боғи шаҳр, Боғи Фатҳ сингари боғ номлари учрайди.

«Бобурнома»да боғ номларидан кейин энг кўп учрайдиган жой номлари дара, дарвоза ва дарё(кўл) номларидир: *Дараи Нур, Дараи Хуш, Дараи Фулоди, Дараи Зиндон, Дараи Сўф, Дарвозаи Малик, Дарвозаи Қипчоқ, Дарвозаи Ироқ, Дарвозаи Фирузобод, Дарвозаи Хуш, Дарёи Хўрда, Дашти Шайх, Дашти Сеёрон.*

Кўҳ(тоғ) ва кўл номлари билан боғлиқ изофий бирликлар навбатдаги ўринни эгаллаган:

Кўҳи Сафид, Кўҳи Меҳтар Сулаймон. Кўҳи Соф, Кўли Малик, Курраи Тозиён, Майдони Рустам, Баъзи топонимларнинг аталиш сабабини муаллиф ўзи изоҳлаб беради: Кўҳи Жуд(ф-ф)-Жуд тоғи. Бу тоғни «Зафарнома»да ва баъзи китобларда «Кўҳи Жуд» битибтурлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, сўнгралар маълум бўлди: бу тоғда бир ота наслдан икки хил эл бор. Бирини жуд ва бирини жанжуха дерлар. Бу тоғни жудқа мансуб қилиб, Кўҳи Жуд дебтурлар(Бобур, 1989:204)

Бобур жой номларини изоҳлашда объектга у тилшуноснинг ўткир нигоҳи билан қарайди. Бу хусусият айрим топонимларнинг этимологиясини беришда яққол намоён бўлади. Масалан, *Конигил, Конибодом* сингари жой номлари:

«**Кони обгир**» (ф-ф)-ҳовуз, сув тўпланадиган жой. «Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар, хейли яхши ўлангдур».(Бобур, 1989:46)

«**Кандибодом**» (ф-ф)-бодом шаҳри. Бобурнинг ёзишича, Фарғона водийсига қарашли туманлардан бирининг номи: «*Кандибодомнинг бодоми яхши бўлур. Хўрмуз ва Ҳиндустонга тамом мунинг бодоми борур*».(Бобур, 1989:7)

Айрим жой номлари, иншоотларнинг номлари изоҳини Бобур ўзи шарҳлаб беради:

«**Масжиди Муқаттаъ**» (ф-а). «Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур».(Бобур, 1989:45)

«**Масжиди Лақлақа**» (ф-ф). «*Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амердур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас*».(Бобур, 1989:45)

Жой маъносини билдирувчи сўзлар орасида «**пушта**»-баландлик, тепалик сўзи изофий бирлик таркибида учрайди: «**Пуштаи Кўҳак**» (ф-ф)–баланд тепалик. «**Пуштаи Айш**» (ф-а). «*Андижоннинг бир шаръиси Пуштаи Айшнинг олидағи ўланга тушти*».(Бобур, 1989:61)

Пул-кўприк маъносини билдирувчи сўз иштирокидаги изофий бирликлар учрайди: *Пуликоҳ, Пули молон, Пули Солор, Пули Мирзо, Пули Муҳаммад, Пули Мағок.*

Топонимлар орасида яна «**работ**»-мусофирхона сўзи иштирок этган изофий лексик бирликлар учрайди. Бу сўзнинг келиб чиқишини таҳлил қилсак, ***рабата*** араб тилида боғламоқ маъносини билдиради. **Работ**лар қадимда карвон йўллари устига қурилиб, карвон йўлларини боғловчи восита сифатида хизмат қилган. *Работи Суғд, Работи Заврақ, Работи Хожя.*

Бобурномада тахт сўзи иштирок этган изофий лексик бирликлар кўп учрайди: *Тахти Бобурхон, Тахти остона, Тахти Сафар, Тахти Навоий, Тахти Баргар, Тахти Ҳожибек*-Ҳиротдаги жой номлари (Бобур, 1989:172)

Асарда бундан ташқари чашма, шаҳр, қалъа, қабр, ғор сўзлари иштирок этган изофий бирликларни кузатиш мумкин.

“Бобурнома”да жой номини ифодаловчи изофий бирикмалардан ташқари мавҳум тушунчалар, диний атамалар ва бошқаларда форс-тожик изофаси қўлланилган бўлиб, бу турдаги изофий бирикмалар асосан арабча сўзлардан таркиб топган: *аиммаи ислом-ислом имомлари, ислом динининг пешволари; авқоти фархун-қувончли дамлар; аҳли фано-ўзини унутиб, илоҳиётга берилган одамлар; таъби назм-шеър ёзиш истеъдоди*

Асарда *соҳиб, аҳл, мужиб* каби сўзлар иштирок этган форсий изофий бирикмалар кўплаб учрайди: *аҳли фазл, аҳли фано, аҳли мажлис, аҳли илм* каби.

Хулоса қилиб айтганда, асарда шу қадар кўп форс-тожик изофий бирикмаларининг қўлланилганлиги бир томондан муаллифнинг форс-тожик тилини мукамал билганлигини кўрсатса, иккинчи томондан ўзбек ва тожик халқини азалдан бир ҳудудда яшаб доимий равишда илмий, маданий ва адабий алоқада бўлганлигини яна бир бор исботлайди.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? – Тошкент, 1974.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. – Тошкент, 2000.
3. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
4. Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос взаимовлияния таджикского и узбекского языков / «Ученые записки ИВАН», т.IV, М., 1952.
5. Ўзбек тили грамматикаси. 2-жилд. – Тошкент, 1976

Абдукаримова Ф., старший преподаватель
(Таджикистан)

ПОВТОРЫ-РЕДУПЛИКАТЫ ОДНИ ИЗ СВОЕОБРАЗНЫХ СТИЛИСТИЧЕСКИХ ПОТЕНЦИАЛОВ В ЯЗЫКАХ РАЗНОГО ГРАММАТИЧЕСКОГО СТРОЯ

В разговорной и художественной речи широко употребляются распространенные слова-повторы, с помощью которых создается особый вид повторения и называется перифрастическим типом. Главная функция перифрастических построений – экстензия структуры предложения. Речевая парцелляция экстенсифицированной структуры используется как прием построения высказывания. Подобные случаи парцелляции оказываются чаще всего необратимыми: фразовой состав высказывания не может быть упрощен. Необратимости парцелляции способствует также дистантное расположение повторяемого слова и парцеллята: *А рядом жил счастливый человек, не замечающий дней. Счастливый, значит, не понимающий ее, значит, чужой* [2, с. 87].

Повтор может носить характер *в с т а в н ы х* конструкций (предложений).

Вставные конструкции (предложения) представляют собой дополнительные сведения, пояснения и комментарии к содержанию повествовательного предложения или его части.

Вставное предложение четко отграничивается от самого усложняемого предложения средствами синтаксической интонации, на письме отражаемой знаками препинания (скобками, тире).

Вставные предложения по своей структуре делятся на простые и сложные.

П о в т о р чаще всего встречается и в строении **п е р и о д а**.

В некоторых языках, в частности в английском, русском, польском, встречается такая разновидность редупликации, которая в англоязычной литературе называется *shm - reduplication*: *марки - шмарки, магазин-шмагазин, мобильник-шмобильник, поцелуй-шмоцелуй*. Считается, что во все эти языки такой тип редупликации проник из идиша. Однако, возможно, он связан со сходным видом редупликации, пришедшим в русскую речь из тюркских языков. Этот вид в русском языке называется *m-reduplication* и встречается в русском языке: *навлин-мавлин, шашылык-машылык, такси-макси, кофе-мофе* и пр. В тюркских же языках такой способ словообразования является распространенным: кумык. *акъча-макъча* «всякие деньги», казах. *жылкы-мылкы* «лошади и прочий скот», турецк. *bahsede ageas mageas yok* «в саду нет ни деревьев, ни кустарников». Из тюркских языков этот способ, характерный для разговорной речи, проник в разные языки мира, контактировавшие с тюркскими языками. Это не только русский, но и болгарский, румынский, персидский, монгольский.

В разговорной речи широко употребительны п о в т о р ы разного рода: повторы одной и той же формы одного слова (*шел-шел-шел, бегу-бегу, окна-окна*), повтор разных форм одного слова (*бежать/бегу, но; окна-окнами, да...*), повтор, формируемый однокоренными словами разных частей речи (*ревмя ревет*). Одновременно с повторами могут употребляться частицы союзы, модальные слова, служащие конструктивным элементом синтаксического построения [6, с. 68]. Конструкции с повторами используются как: 1) экспрессивное средство; 2) средство актуализации тех или иных элементов высказывания и «склеивающее» разрыв в цепи синтаксических связей. Повторы часто используются как экспрессивное средство подчеркивания, усиления. В функции повтора можно различать э м ф а з у (эмоциональное отношение к явлению) и и н т е н с и ф и к а ц и ю (эмоциональное отношение к мере явления).

Повтор обычно содержит два или три члена. Повторяться могут словоформы и слова разных частей речи [3, с. 156]. При построении диалога в разговорной речи широко используются речевые к л и ш е, которые облегчают говорящим ведение разговора.

Диалогические клише многообразны, многие из них экспрессивно окрашены. Для их структуры характерно использование п о в т о р о в, частиц, междометий [3, с. 87]. Повтор - одно из своеобразных свойств эмоционально-художественной речи и имеет важное значение в строении предложения каждого, отдельно взятого языка. Поэтому это явление преимущественно является объектом стилистического синтаксиса. Повторы передают значительную дополнительную информацию эмоциональности, экспрессивности и стилизации и, кроме того, часто служат важным средством связи между предложениями, причем иногда предметно-логическую информацию бывает трудно отделить от дополнительной.

Повтор вместе с явлениями градации, параллелизма, антитезы, хиазма относится к системе синтаксических фигур и функционирует в качестве средства усиления выразительности не только образно-художественной речи, но и речи необразной, т.е. обыкновенно-разговорной

Явление повтора мало изучено в монографическом плане. Поэтому лингвистическая природа этого явления смешивается с явлением редупликации, суживая сферы его функционирования. Отмечается, что «повторы, или редупликации, состоят в полном или частичном повторении корня, основы или целого слова без изменения звукового состава или с частичным изменением его. Очень часто повтор применяется для выражения множественного числа, например, в малайском языке *orang* – «человек», *orang-orang* – «люди», в мертвом шумерском языке *кур* – «страна», *кур-кур* «страны». В самом деле, редупликация является одной из разновидностей повтора, и она относится к морфологии и частично к словообразованию.

В работах отдельных исследователей *повтор* рассматривается на лексическом уровне под названием «лексический повтор». В них лексические повторы характеризуются как одна из расчлененных конструкций и пишется,

что «в лингвистической литературе повтор рассматривается в разных аспектах и на различном материале, что связано его полифункциональностью» [1, с. 99].

Поле функциональности явления повтора характеризуется указанием на сферу его функционирования. Сфера функционирования повтора определяется его отношением к разным аспектам языка. Так, Г.Н. Акимова отмечает, что «к повторам относятся: и соположение словоформы с усилительным значением (*тихо-тихо, длинный-длинный; Степь да степь кругом...*), в этом случае расчленения не происходит, ибо повторенные словоформы, напротив, объединяются для выражения дополнительных субъективно-модальных значений; и определенного типа предложения, построенные по принципу повтора также для выражения дополнительных значений модального типа (*Спать так спать; Студент как студент; Приказ есть приказ*); и повторение предлогов в атрибутивном словосочетании, свойственное древнерусскому и диалектному синтаксису (*у самого у рынка; в доме в новом*); и различные синтаксические фигуры художественной речи, прежде всего поэтической, узаконенные в качестве художественного приема. Перечисленные типы повторов, кроме последнего, восходят к так называемым сильным элементам разговорной речи и всегда воспринимаются как эмоционально-разговорные» [1, с. 86].

О важности повтора для художественной речи Х.Р. Курбатов пишет, что «повтор как одна из синтаксических фигур, наподобие музыкальных оборотов и повторяющихся музыкальных фраз, придаёт речи особое благозвучие, облегчает тем самым ее восприятие. Потому его можно даже назвать в какой-то мере **музыкой словесной речи**» [4, с. 209].

Существуют разные классификации повтора. Так, например, Э.Г. Ризель, обращая внимание на формальную сторону, указывает три его вида:

- а) дословный повтор;
- б) повтор слова с изменением его формы;
- в) повтор синонимических слов.

Эти виды повтора, в свою очередь, подразделяются на несколько подвидов [5, с. 146], о которых идет речь в нашей другой информации.

Литературы

1. Акимова, Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка / Г.Н. Акимова. - М.: Высшая школа, 1990. – 168 с.
2. Ванников, Ю.В. Синтаксис речи и синтаксические особенности русской речи / Ю.В. Ванников – М., 1979. – 294 с.
3. Земская, Е.А. Русская разговорная речь: лингвистический анализ и проблемы обучения/ Е.А. Земская. – М.: Русский язык, 1979. –174с.
4. Курбатов, Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика / Х.Р. Курбатов - М.: Наука, 1978. – 230 с.
5. Ризель, Э.Г. Стиль немецкой обиходно-разговорной речи. / Э. Г. Ризель - М. Высшая школа 1964. - 315 с.

6. Шведова, Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи / Н.Ю. Шведова. - М., (докторской диссертации) 1960. С. 280-362

*Алимова З., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

ТИЛНИНГ ЛУҒАТ БОЙЛИГИ ВА УНДА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ҳар бир тилда ўзлашмаларнинг ўрни, ўзига хос хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тилшунослигида олимлар ўзлашмаларнинг ўрни ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. Л.С.Пейсиковнинг талкинича, ўзлашма сўз бошқа тил системасида тил лексик материалининг янги кўринишга эга бўладиган кўпроқ ёки камроқ шаклсиз қисмидир (Пейсиков, 1975:60).

М.Ирискуловнинг фикрича, аслида бой ёки камбағал тил деган тушунчалар тилнинг асосий вазифаси – алоқа вазифасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки тилларнинг вазифаси тўғрисида гап борганда дунёдаги мавжуд олти мингга яқин тилларнинг ҳаммаси бир-бирига тенг; ҳар бир миллатнинг тили мазкур миллатга тўла хизмат қилади, ҳар қандай фикрни ифода қилиш учун ҳамма тилларда етарли лексик, грамматик воситалар мавжуд. Тилларнинг луғат бойлиги ҳақида сўз борганда шуни айтиш жоизки, баъзи тилларда сўзларнинг сони бошқа тилларга қараганда кўпроқ бўлиши мумкин. Бу нарса турли тарихий, ижтимоий масалаларга боғлиқ (Ирискулов, 2009:117).

Ўзлашмалар ҳақида сўз борганда А.Навоий ижоди ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Алишер Навоий ёзган адабий тилда умумтуркий ва маҳаллий шева элементларидан ташқари қадимий уйғур, туркман, озарбайжон, араб, форс-тожик сўзлари ҳам учрайди (Бегматов, 1985:106). Навоий асарларидаги бутун сўзларнинг 55 фоизи ўзбекча (туркий), 20 фоизи арабча, 19 фоизи форс-тожикчадир. Баъзи манбаларда Навоий ижодидаги арабча сўзлар миқдори 30-33 фоизни ташкил этиши таъкидланади (Бердиалиев, Зокиров, 2018: 29). Алишер Навоий асарлари лексикасида 5489 та форсча-тожикча сўз қўлланган бўлса, “Қиссаси Рабғузий” асарида 321та форсча-тожикча, арабча ва форсча-тожикча ўзлашмалардан ясалган 9 та форсча-тожикча, жумладан “*номустақим*”, “*нопок*”, “*ноумид*”, “*умидсиз*”, “*саждагоҳ*”, “*аммазода*”, “*амакивачча*”, “*хайрли авлод*”, “*ҳалолзода*” лексемалари ишлатилган (Абдушукуров, 2015: 82).

Бобур ҳам ўз асарларида форс-тожик тилига мансуб сўзлардан фойдаланган. “Бобурнома” асарида 7600та форсча-тожикча лексемалар мавжуд (Холманова, 2007: 58). З.Холманова “Бобурнома” лексикасига оид ўзлашган қатламни иккига ажаратади: 1. *Ўзлашган қатлам*: арабча сўзлар; форсча-тожикча сўзлар; мўғулча сўзлар; ҳиндча сўзлар. 2. *Чет сўзлар*: ўзбек тилига ўзлашмаган, ўзга тил хусусиятларини, шу тилга мансуб халқнинг яшаш тарзи,

урф-одат, анъаналарини, миллий тил калоритини ифодалашда қўлланадиган сўзлар.

“Қутадғу билиг” асарида форсча сўзларга нисбатан араб тилидан ўзлашган сўзлар кўпроқдир. Лекин баъзи тадқиқотчилар унда 94 та арабча сўз бор деб таъкидлайдилар. Асарда оз бўлса-да, форсча сўзлар ҳам учрайди, лекин уларнинг миқдори у қадар кўп эмас: *осмон, бозор, пул, тухум, нодон, хон, ваҳа, дўст, даҳан, гул, гўш, покиза* кабилар.

Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлашиши жамият билан узвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, ўзлаштириш объекти бўлган тушунча ёки нарсага жамият томонидан эҳтиёж туғилганда юзага чиқади.

М.Умархўжаевнинг таъкидлашича, 1848 йилги революция таъсирида француз тилидан немис тилига *Rechtsstaat, Polizeistaat, Pressefreiheit, Bundesstaat* каби янги сўзлар кириб келди. Француз тилининг ўша даврларда фақат олмон тилига эмас, балки бошқа Европа тилларига ҳам таъсири кучли эди. Рус адиби Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина” романларидаги персонажлар нутқида французча сўзлар ишлатилади. Кейинчалик рус тили орқали французча сўзлар ўзбек тилига ҳам кириб келди. Масалан, *ресторан, пардон, гараж* ва ҳоказо (Умархўжаев, 2010: 36).

Сўз ўзлаштиришнинг етакчи нолисоний асоси- бу бир тил жамоасининг бошқа бир тил жамоаси билан иқтисодий, сиёсий алоқаларидир. Тил, асосан, ўз ички имкониятлари асосида ривожланади. Шу билан бирга, ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар туфайли четдан сўз олиш ва ўзлаштириш дунёда барча тилларга хос хусусиятдир. Бу жараён ўзбек тили учун ҳам бегона эмас (Бердиалиев, Хидиров, 2013: 107).

Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, тарихий тараққиётнинг турли даврларида турли, узоқ-яқин халқлар ўртасидаги турли даражадаги алоқаларнинг табиий натижаси ўлароқ, бу халқлар тилларининг биридан бошқасига, кўпдир-камдир, муайян миқдордаги сўз ўтган (Маҳмудов, 2015: 7). Ўзга тилдан қабул қилинган сўз, яъни ўзлашма сўзлар луғат таркибининг ташқи манба асосида бойиши ҳосиласи ҳисобланади. Ўзлашмаларнинг асосий белгилари сифатида унинг индивидуал ва жамоа нутқида кенг, узоқ давр қўлланиши, ўз қатлам қонуниятларига бўйсунуши, тилнинг лексик-семантик тизимига сингишганлиги, амалий ёзувга мослашганлиги, табиий ва аниқлиги кўрсатилади. Жумладан, кўпгина тожикча ва арабча ўзлашма сўзлар ўзбек халқи тилида асрлар мобайнида қўлланиб келинди. Бу ҳол сўзларнинг ўзбек тили луғавий меъёрларига сингиб кетишига асос бўлди.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркиби ўзбек тилининг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳодисадир. Ундаги сўзларнинг пайдо бўлиш даври ва келиб чиқиш манбаи ҳам ҳар хилдир.

Тил лексемасининг тараққиёти ва бойиб бориши икки манбага таянади: 1) ҳар бир миллий тилнинг ички имкониятлари ва 2) ташқи манбалар. Дунёда бирор тил йўқки, у ўзга (чет) тиллардан озиқланмаган бўлсин. Аммо мана шу

озикланиш ҳар қайси тилда турли даражада ҳар хил шароитда юз беради. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, икки халқ тарихан ҳудудий ёндош ва қўшничиликда яшайди, турли соҳаларда ҳамкорлик қилади. Узоқ даврлар мобайнида бу халқлар бир-бирининг тилини билиш ва унда бемалол сўзлашиш даражасига етади, иккитиллилик юзага келади (Бегматов, 2013: 22).

Ўзлашма сўзлар дастлабки даврда неологизм характерида бўлса-да, кейинчалик аста-секин қабул қилувчи тил қонуниятларига бўйсунуши, худди ўз сўздек, табиий ва аниқ бўлиши (*барг, сабзи, тана*), фонетик қайта шаклланиши (*дукарт(дукорд- шв.қайчи), дукурма (дукерм-дукирм), хашак (хушк)*), грамматик сингиши (*корхонадан, майдонга*), сўз яшаш тизимида фаол иштирок этиши (*хунармандчилик, чорвадорлик*), такрор-такрор қўлланиши (*ҳуда-беҳуда, сарак-сарак*) туфайли унинг ёт элементлиги сезилмай қолади. Бугунги кунда форс-тожик тилидан ўзлашган айрим сўзлар борки, улар ўзбек тилида неологизмлар ҳисобланади. Жумладан, *фармуда* (буюрилган: *қўшалоқ сомса*), *шоҳобча* (савдо шоҳобчаси), *шоҳ бекат* (катта бекат), *ягона дарча* ва бошқа бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Номлари қайд этилган неологизмлардан *фармуда, шоҳобча* ва *шоҳ бекат* (катта бекат) сўзлари ЎТИЛга киритилган, *ягона дарча* неологизми ҳозирча луғат таркибига киритилган эмас.

Ш.Раҳматуллаевнинг қайд этишича, ўзбек тили лексикаси ҳам ўз ички имкониятларидан ташқари ташқи манбалар асосида бойиб бормоқда. Қайси тил лексемаси бўлишидан қатъий назар, тил луғатига сингиб кетган лексемани қувиш ҳаракати зарарли деб баҳоланиши лозим (Раҳматуллаев, 2006: 110).

Ўзбек тили лексик тараққиётини ҳам жамиятдаги муҳим ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, маълум бир давр босқичлари асосида ўрганиш мумкин. Туркий тил сифатида юритилган ўзбек тили тарихан Ўрта Осиё ҳудуди халқлари учун бир неча аср мобайнида форс-тожик тили билан бир вақтда истеъмолда бўлди. Узоқ вақтли мулоқот натижасида тил омукталаниши сезиларли даражада ҳар иккала тил лексик қатламига ҳам таъсир қилди. Ўзбек тили лексик қатламига янги сўзлар, форсий изофалар, иборалар, ҳаттоки сўз ясовчи қўшимчалар ҳам кириб келди. Бундай сўзлар, аввало, мавҳум, кейинчалик уларнинг қўпчилиги ўз қатлам сўзлари каби тилимизга мослашиб, ажратиб бўлмас ҳолатда ўринлашди.

Ўзбек адабий тилининг луғат таркибидаги сўзлар тарихий шаклланиши жиҳатидан фақат туркий тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, мўғул, рус, уйғур тилларига хос ўзлашмалардан ҳам иборатдир. Тилшунос олимлар келтирган маълумотларга кўра, тадрижий жиҳатдан лексема ўзлаштиришдаги энг қадимги манбалар деб форс-тожик, араб тиллари кўрсатилади. Рус тилидан лексема ўзлаштириш буларга нисбатан анча кейинги вақтларда содир бўла бошлаган. Форс-тожик, араб тилларидан лексема ўзлаштириш тарихан актив бўлган, ҳозир эса пассивлашган.

Ўзбек лексикасининг ички ва ташқи манбалар асосида бойиш имкониятлари жуда кенг. Масалан: а) илгари қўлланилиб, кейин истеъмолдан чиқиб кетган

сўзлардан янги тушунчаларни ифодалаш учун фойдаланиш: *вазир, ҳоким, вилоят, ширкат, туман* каби; б) ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўз яшаш: *уяли алоқа, омонатчи, пудратчи, божхона, аудитчи* (аудитор), *дизайнчи* (дизайнер); в) диалектал сўзларни фаоллаштириш: *менгзамоқ – ўхшатмоқ, қиёсламоқ* каби (Нурмонов, Собиров, Юсупова, 2015: 206).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзлашмалар тилнинг луғат бойлигини оширади, янги ўзақлар, сўз бирикмалари ва терминлар учун манба бўлиб хизмат қилади. Ўзлашмалар бирор-бир тилга кириб келгандан сўнг ўша тилга мослашади, ўзида грамматик, семантик, фонетик ва орфографик ўзгаришларни ўтказди. Ўзлашмалар тил луғат бойлигидан жой олар экан, имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзлашади.

Адабиётлар

1. Абдушукуров Б. Эски туркий адабий тил лексикаси.-Тошкент, 2015.- Б.82.
2. Бегматов Э. “Олинма лексема” ва “ўзлашма лексема” тушунчаларни ифода этувчи терминлар ҳақида//Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Респ.илмий-назай анжуман материаллари.-Тошкент, 2013.
3. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.- Тошкент: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1985.
4. Бердиалиев А., Зокиров М. Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари.- Фарғона, 2018.
5. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили, -Хўжанд: “Раҳим Жалил” нашриёти, 2013.
6. М.Ирискулов. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
7. Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш. Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. -Тошкент, 2015.
8. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Тошкент; Илм-зиё, 2015.
9. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка.- Москва: Издательство Московского университета, 1975.
10. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Толшкент: Университет, 2006.
11. Умархўжаев М.Э.Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси.- Андижон, 2010.
12. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси.-Тошкент: Фан, 2007.

Аминҷонова Р., омӯзгор
Содиқова Р., омӯзгор
(Тоҷикистон)

РОҲ ВА УСУЛҲОИ КАЛИМАСОЗӢ ДАР АШӢОРИ КАМОЛИ ХУҶАНДӢ

Калимасозӣ дар забони тоҷикӣ аз замони таълифи китобҳои дарсӣ барои донишҷӯёни бахши филологияи тоҷик диққати олимони забоншиносро ба худ ҷалб намуда буд. Дар рисолаи «Калимасозии исм дар забони адабии ҳозираи тоҷик» забоншиноси тоҷик Ш.Рустамов ба зарурати таърихии калимасозӣ ва роҳу усулҳои он маълумоти муфассал додааст (7, 125).

Дар адабиёти илмии забоншиносӣ шаш усули калимасозӣ зикр гардидааст: 1. калимасозии морфологӣ; 2. калимасозии синтаксисӣ-морфологӣ; 3. калимасозии луғавӣ-синтаксисӣ; 4. калимасозии морфологӣ-синтаксисӣ; 5. калимасозии луғавӣ-маъноӣ; 6. аббревиатсия (тахфиф, кӯтоҳ, ихтисоршавӣ) (8, 125).

Баъзе аҳли таҳқиқ чанд истилоҳи дигари калимасозиро пешниҳод намудаанд, ки онҳо ҳанӯз ба китобҳои дарсӣ ворид нашудаанд. Масалан, муҳаққиқ Воҳидов А. дар мақолаи худ «Роҷеъ ба чанд усули калимасозӣ дар забоншиносии тоҷик» менависад, ки «ба ин шумул бархе аз ҳодисаҳои ба ҷашм бармехӯранд, ки тибқи табиату ҳосият ва усулҳои маъмули калимасозии забони тоҷикӣ тафовут доранд. Яке аз ҳамин гуна ҳодисот қорбасти услубии восита ва калимаҳост» (3, 123).

Забоншинос тоҷик Зоҳидов А. низ дар мақолаи муҳтасари худ – «Бори дигар роҷеъ ба сохти калима» бар он ақидааст, ки «калимаи «дилпурсӣ» ва дигар маҳсули ин қолаби калимасозиро мураккаб гуфтан норавост, зеро ин навъи калимаҳо дар натиҷаи дар як вақт сурат гирифтани ду тарзи калимасозӣ – ҳам калимаваслкунӣ ва ҳам пасвандваслкунӣ сохта мешаванд, ки чунин воҳидҳои луғавиро дар илми калимасозӣ (дериватология) калимаҳои **омехтасохт** меноманд» (6, 135).

Мусаллам аст, ки ҳар вожаи нав дар асоси ин ё он қолаб сохта мешавад ва ҳар як қолаб дорои воситаҳои фонетикӣ, лексикӣ ва услубӣ мебошад. Мақсад аз калимасозӣ лексемаи нав (воҳиди лексикӣ) ҳосил намудан аст. Аз ҳамин ҷиҳат муайян ва ташхис намудани калима дар навбати аввал маъною мафҳум, тобишҳои семантикӣ, сипас оҳанги талаффуз, зада ва хусусиятҳои услубии он аҳамият касб мекунанд. Ҳар маъниву мафҳум аз таъсири ҳаёти иҷтимоӣ дар мағзи сари инсон тавлид мешавад ва ба воситаи забон баён мегардад.

Дар усули морфологияи калимасозӣ калимаи нав тавассути пайвастании аффиксҳои калимасоз ба вожаҳои содда ба майдон меояд ва ин гурӯҳи калимаҳо дар забони осори адабӣ, аз ҷумла дар ашъори Камоли Хуҷандӣ хеле фаровон мебошанд.

Ҳангоми тафсири шеъри Камол дар навбати аввал маҳз ба лутфи сухани ӯ эътибор додем, зеро фаҳмидани лутфу назокати шеъри шоир худ як калидест ба ганҷинаи маъниҳо.

Донишмандони забоншиноси тоҷик ба хулосае расидаанд, ки «таҳлили этимологии калима натавонанд барои муайян намудани сохти таърихан ташаккулёфтаи калима, инчунин барои таъйин намудани маънои ҷузъҳои он низ ёрӣ мерасонад. Муайян намудани маънии ҳар як ҷузъи калимаи рехта яке аз шартҳои асосии таъйин намудани сохти он мебошад» (6, 125).

Нишонаи фарқкунандаи истифодаи калимаҳо дар ашъори Камоли Хучандӣ марбут ба калимасозӣ мебошад. Шоир аз пайвастанӣ префикс бо исм, исм бо суффикс, исм бо исм, исму сифат, исму феъл калимаҳои нав месозад, ки як ҷузъи онҳоро калимаи ифодагари узвҳои инсон аст. Масалан, вожаи соматикӣ «дил», ки аз серистеъмолтарин калимаҳо дар ашъори Камоли Хучандӣ мебошад, 278 бор дар таркиби вожаҳои сохта ва мураккаб истифода гардидааст. Бо ин калима ва пешванди бе+ ифодагари дилдода, дилбохта, ошиқи шайдо шудааст:

Дидаву дил ҳар яке танҳо туро доранд дӯст,

Худ мани бедил натавонанд дӯст медорам туро (5, 332).

Дар забони тоҷикӣ бо ин калимаҳо, пешванди бе + ва пасванди -ӣ низ калимаҳои нав сохта шудааст, ки дар истифодаи шоир мебинем. Дар ашъори шоир бо пешванди бе- ва исмиҳои соматикӣ басар, қадам, ҷон сохта шуда, далолатгари сифати предмет шудаанд. Вожаи бевасар дар як маврид ба маънои бечашм, нобино, беназар, аъмо, кӯр, очиз омада бошад, дар мавриди дигар маънои маҷозӣ ғофил, беғоҳ, бехабарро ифода кардааст:

Агар гул пеши рӯяш зад ба нарғис лофи якрангӣ,

Ба ҷашми масти ту он бевасар боре чӣ мегӯяд? (5,213).

Сифати сохтаи беқадам дар байтҳои шоир ифодагари маъниҳои бераҳа, гумроҳ; ғофил ва шумқадам, номуборакқадам будааст:

Он беқадам, ки дар ҳарамии ишқ пай набурд,

Омад ба диданат, дари давлат фароз ёфт (12, 189).

Калимаи бечигар чун тарсу, буздил, тарсандадил, тарсандаҷон, тарсонҷак мустаъмал шудааст:

Эй ки гурезад дилат аз доғи ишқ,

Рав, ки туро бечигаре ёфтем (13, 43).

Аз пайвастанӣ пешванди **бе-**, **ҷашм** –исм ва пасванди - **ӣ** калимаи **бечашмӣ** ба маънои нобиноӣ, кӯрӣ; кӯтоҳназарӣ, қачназарӣ сохта шудааст:

Ба по гузаштан аз он сӯ нишони бечашмист,

Чу ҷашм нест шуморо, ба ҷашми ман гузаред (12, 336);

Ҳамчунин Камоли Хучандӣ аз синонимҳои калимаи **ҷашм** низ калимаҳои нав сохтааст, ки намунае аз онҳоро тафсир медиҳем. Шоир аз пайвастанӣ калимаи арабии **басар** бо пешванд ва пасвандҳои тоҷикӣ калимаҳои нави тоҷикӣ сохтааст. Масалан, аз пайвастанӣ пешванди **бе** - тоҷикӣ ва исми арабии **басар** - калимаи сохтаи **бевасар** ба маънои бечашм, беназар, аъмо, нобино, кӯр ба вучуд омадааст:

Агар гул пеши рўяш зад ба наргис лофи якрангӣ,
Ба чашми масти ту он **бебасар** боре чӣ мегўяд? (13, 283);

Аз пайванди пешванди **бе** - тоҷикӣ ва исми арабии **басар** –ва пасванди – **й** тоҷикӣ калимаи **бебасарӣ** ба маънои кўтоҳназарӣ, беҳабарӣ, бечашмӣ, кўрӣ, нобиной сохта шудааст:

Зоҳид аз рўи ту маҳчуру зи худ мағрур аст,
Хештанбинии ў бин ба чунин **бебасарӣ** (13, 554);

Аз вожаи «даст» низ шоир як силсила калимаҳои сохтаву мураккабро истифода бурдааст. Даст ҳам яке аз вожаҳои сермаҳсул аст. Маълум шуд, ки он бештар калимаи мураккаб сохта, дар бунёди вожаҳои сохта хеле кам иштирок мекардааст. Дар ашъори Камоли Хучандӣ калимаҳои сохтаи даста, дастгоҳ, дастор дучор шуду бас, калимаҳои пасвандӣ ба назар нарасид. Масалан, калимаи **даста** аз исми «даст» ва пасванди калимасози «-а» сохта шуда, маънояш чизест, ки тамоми он ё дунболаи он ба даст гирифта шавад, мисли дастаи шамшер, дастаи табар ва ё дастаи гулу гиёҳ, қабза.

Бунафша дастае бар арғувон аст,
Гарат бар лола сунбул соябон аст (12, 88);

Вожаи даст бо пасванди –гаҳ ва гунаи он –гоҳ низ вожа сохтааст. Мураттиби «Фарҳанги ашъори Камоли Хучандӣ» дастгоҳро муҳаффафи дастгоҳ доништа, ибораи «дастгоҳи сўфиёна ёфтааст»-ро чун киноя аз расидан ба мақоми Илоҳӣ шарҳ додааст:

Бўсаи он по билоғарона, ки боз
Дастгоҳ сўфиёна ёфтаам (13, 379);

Маълум аст, ки пасванди –гоҳ муродиф набуда, балки гунаи –гаҳ аст. Калимаи даст+гоҳ дар ҳамин фарҳанг дар байти поёнӣ ба маънои сомону асбоб ва сармоя; маҷ. таҷаммул, зебой тафсир ёфтааст:

Дорӣ аз он ду соид пурсии остинҳо,
Аз дилбарон, ки дорад ин гуна дастгоҳе? (13, 510).

Дар ашъори Камоли Хучандӣ вобаста ба истифодаи калимаҳои мураккаб низ метавон хеле маводи пурмўҳтаворо дастрас намуд. Шоир аз пайвастании ҳиссаҳои номии нутқ, калимаҳои нав месозад, ки як ҳиссаи онҳо вожаҳои соматикӣ мебошанд. Масалан калимаҳои мураккаб аз решаи “дил”, мисли дилбар, дилдор, дилчў, дилбарон, дилрабо, дилхаста, дилбанд, дилкаш, дилором, дилпазир, дилсўхта, дилшуда, зиндадилон, диловез, дилафрўз, сангдил, дилситон, дилшудагон, сангиндил, дилнавоз, дилрабоён, дилсиёҳ, сангдилон, сўхтадил, хастадил, дилафгорон, дилкушо, дилоро, тангдил, тангдилон дар ашъори Камоли Хучандӣ истифода шудааст.

Дар як байти ғазале шоир аз пайванди ду исм «**чашм**» - ва «**дард**» калимаи мураккаби «**чашмдард**» сохта шудааст, ки маъниҳои: 1. дарди чашм; 2. касе, ки чашмонаш дард мекунад, шахси ба дарди чашм гирифтормо ифода мекунад:

Касе, ки дўст надорад зи чон надорад ҳаз,
Ки чашмдард зи чону чаҳон надорад ҳаз (5, 362);

Ҳамчунин аз пайванди исми «**чашм**» бо асоси замони ҳозираи феъли «**дошт**» калимаи «**чашмдошт**» ба маънои умед ба касе доштан, умед ба кўмак ва ҳамроҳии касе доштан, умедворӣ, хоҳишмандӣ, интизорӣ ташаккул ёфтааст:

Не пурсише, на тоби бақое, на номае,
Ин чашмдошт нест зи ёрони чониям (5, 378);

Дар ашъори шоир калимаи «**чашмбандӣ**» низ сохта шудааст, ки аз пайванди исми «**чашм**» бо асоси замони ҳозираи феъли «**банд**» ва пасванди «**ӣ**» бунёд ёфта, маънии чодугарӣ, соҳирӣ, сеҳрофаринӣ, сеҳрангезро ифода кардааст:

Ғамзаи чодуят аз мо чанд пўшонад назар,
Оламе кардӣ мусаххар, чашмбандӣ то ба кай?! (12, 515);

Аз пайванди сифати **тиҳӣ** ва исми **чашм** калимаи **тиҳичашм** ба маънои гурусначашм, хасис, тангчашм сохта шудааст:

Бо айна ато-т ям тиҳичашм
Чун чашмаи «мим»-и паҳлуи «ям» (13, 32);

Дар байти боло шоир сермаъногии вожаҳои соматикиро истифода бурдааст. Айн номи ҳарфест, ки бинобар монандиаш ба чашм чунин номидаанд ва вожаи ато бо ҳарфи айн навишта мешавад. Калимаи ям бо ду ҳарф навишта мешавад ва ҳалқай мим дарунҳоли буда, ин ҳарфро ба лаби маҳбуба ташбеҳ медиҳанд. Шайх Камол тарзи навишти намуди калимаи ямро, ки маънои баҳр, дарё, наҳро дорад, истифода карда дар вожаи мураккаби тиҳичашм чашмак ё ҳалқай ҳарфи мимро ки тиҳичашм, ки дарунҳолист, мояи ташбеҳ дидааст.

Аз пайванди сифати **танг** ва исми **чашм** калимаи **тангчашм** ба маъноҳои зайл: 1. касе, ки чашми танг дорад, сифати касе, ки чашми хурд ва маҳмур дорад; 2. маҷозан ҳарис, мумсик, хасис, зафт. Дар байти зер калимаи мураккаб бо бандаки хабарии шахси дуҷуми танҳои –ӣ мустаъмал шудааст:

Бо манат лутф чуз ситам набвад,
Тангчашмӣ, туро карам набвад (5, 326);

Ҳамчунин шоири ширинкалом бо истифода аз калимаи **даст** вожаҳои мураккаби **дастбурида**, **дастбӯс**, **дастгир**, **дасткушода**, **дастовез**, **дастолуда**, **дастрас**, **даступоларзон**, **дастфишон**, **обдаст**, **якдаст**, **болодаст** ва **тиҳидастро** сохтааст. Сохти онҳо аз ду гуна иборат мебошад:

1. бо пайвастанӣ ду ҳиссаи номӣ, масалан, аз шумораи **як** ва исми **даст** вожаи мураккаби **якдаст** сохта шудааст:

Он ки зи ҳар ранг май аз хум маро
Бодаи якдаст биёрад, сабӯст (12, 171);

2. бо пайвастанӣ ду ё се ҳиссаи номӣ бо як ҳиссаи ёридиҳанда, масалан, вожаи мураккаби **дастбозӣ** бо пайвастанӣ калимаҳои **даст** – исм, **боз** – асоси замони ҳозираи масдари **бохтан** ва пасванди –ӣ сохта шудааст:

Дастбозӣ хуш бувад гаҳ бо ту, гаҳ бо зулфи ту,
Ин муяссар нест илло бо сару чон бохтан (5, 475);

Вожаи мураккаби ба сухани манзум вориднамудаи Камоли Хучандӣ **даступоларзон** аз пайвастанӣ исмҳои **даст** ва **по**, пайвандаки пайвастанандаи-у-ва сифати феълии **ларзон** аз масдари **ларзидан** таркиб ёфтааст:

Аз он миму ду дол имрӯз мебояд мадад моро.

Рақибо, чанд чун об аз ту бошам даступоларзон?(12, 49);

Дар ашъори Камоли Хучандӣ калимаҳои сохтаву мураккаб ва анвои гуногуни ибораҳо, ки бо истифода аз узви инсон сохта шудаанд, мақом ва мавқеи устувор доранд. Калима ва иборасо мавриди истифодаи шоир қарор мегирад, ки хоҳ калимаҳои сараи тоҷикӣ бошанд, хоҳ калимаву иборасо омехтаи иқтибосӣ ва ё иборасои фразеологӣ тобишҳои луғавию маъноии худро то ба имрӯз маҳфуз доштаанд ва дар забони зиндаи мардуми тоҷику афғону эронӣ истифода мешаванд.

Адабиётҳо

1. Айнӣ, С. Камоли Хучандӣ / С. Айнӣ // Куллийёт. ҷ. 11, китоби якум. - Душанбе: Нашрдавтоҷик, 1963. - С. 222-231.
2. Абдуқодиров А., Давронов А. Каломи Камол. - Хучанд, 1998. - 216 с.
3. Бертельс, Е. Э. Суфизм и суфийская литература / Е. Э. Бертельс. - М.: Наука, 1965. - 524 с.
4. Виноградов, В. В. Об омонимии смежных явлениях / В. В. Виноградов // Вопросы языкознания, 1953, №5, -С.48-51.
5. Дехотӣ, А. Камоли Хучандӣ / Куллийёт: иборат аз панҷ ҷилд./ А. Дехотӣ.- Душанбе, 1966. -ҷ. 5. - С. 19-22.
6. Мачидов Ҳ. Омонимҳои луғавӣ / Ҳ. Мачидов // Маърифат, 1998, № 3-4,- С.6-11.
7. Рӯдакӣ. Девони Одамушшуаро Абӯабдуллоҳ Рӯдакӣ.-Душанбе: Пажӯҳишгоҳи фарҳанги форсӣ-тоҷикӣ, 2000.-196 с.
8. Фарҳанги ашъори Камоли *Хучандӣ (муаллиф Абдучаббор Шоҳаҳмад).- Душанбе: Пайванд, 1996.-648 с.
9. Ҷомӣ, А. Осор (ибораат аз 8 ҷилд) / А. Ҷомӣ. - Душанбе: Адиб, 1990.- 496 с. ҷ.8.
10. Шокиров Т. Адиб, забон ва услуб / Т. Шокиров. - Душанбе, 2001. - 176с.
11. Шоҳаҳмад, А. (Суруш). Фарҳанги ашъори Камоли Хучандӣ. / А. Шоҳаҳмад.- Хучанд:Хуросон- 1996.- 534с.
12. Камоли Хучандӣ. Девон (таҳияи Абдучаббори Суруш ва Саидумрон Саидов). - Хучанд, 2011.- 632с.
13. Камоли Хучандӣ. Девон (таҳияи К. Шидфар), иборат аз 2 ҷилд ва 4 китоб. - Маскав, 1975.-1460с.

*Абдуваҳобова Д., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

ТИЛ – БУ ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ҳар бир инсон қалбида ватан муҳаббати пинҳона яшайди. Мана шу меҳр-муҳаббатни нутқида ифодалаш учун эса унга ўз миллийлигини акс эттира олган она тилига эҳтиёж сезилади.

Ўзбек халқи расман 31 йилдан буён шу бахтни туйиб яшамокда. Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши, 21 октябрни “Тил байрами” сифатида нишонлашни белгиланиши, “Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннинг қабул қилиниши, Давлат тили марказларининг ташкил этилиши юртимизда тилга, давлат тилига бўлган эътиборнинг юксак даражада эканлигидан далолат беради. Тилимизнинг софлиги, унинг ривожи, жамият ҳаётидаги ўрни ва жаҳондаги нуфузини ошириш учун юртимизда сезиларли ишлар амал оширилмоқда.

Тил – бу инсон камолотининг кўзгуси, тил миллат руҳи, шу тариқа тилга бир қанча ташбеҳларни келтиришимиз мумкин. Тил бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат, у инсон деган мавжудотни шакллантирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий комилликка бошлаган, ижтимоий муносабатларга йўл кўрсатган, тафаккур кулфларини ечган, илм йўлида маёқ, зулматларда чироқ бўлган сеҳрли бир жилодир. Шунинг учун ҳам тилга ҳурматсизлик, инсониятнинг ўзига бўлган беҳурматлигидир. Бежиз эмаски, халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига мунтазам муҳаббат билан эътиборда бўлган, уни эъзозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрорлигидан фахр-у ифтихор қилган.

Бугун ўзбек тили дунё тиллари қатори жаҳонда ўз ўрни, обрў ва мақомига эга. Шу билан бирга бугун она тилимиз имкониятларини қай даражада намоён эта оляпмиз, деган ҳақли савол ҳам борки, у ҳар биримизни ўйлантириши, мушоҳадага тортиши, шу жумла қалбимизда исён қилиб туриши даркор. Биз келажак авлодни тилимиз бойликлари билан таъминлашимиз, тил хазинамизнинг нодир меросини сақлаб турган асарларимизни уларга кенгроқ ўргатишни инсонийлик ва педагогик бурчимиз деб билишимиз лозим.

Ўзбек тили бойлигини яхлит ҳолда тасаввур этиш учун эски ўзбек адабий тилининг асосчиси, Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий асарлари дунёсига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Бу оламда буткул коинот акс этади, бу бепоён тафаккур ва туйғулар олами адабиёт ва илм уммонига бошлаб боради. Алишер Навоий ижодига назар ташласак, она тили равнақи учун улкан ишларни амалга оширганини гувоҳи бўламиз. Алишер Навоий ўзбек тилини хазина деб баҳолайди. Бу хазинани эса “илон” ва “тиканлар” ўраб турганини таъкидлайди.

Навоий “Муҳокамат-ул луғатайн” каби лингвистик аҳамиятдаги асари билан бемисл хазина – тилимиз қадр-қимматини оширди, шарқ мумтоз

адабиётининг ҳамма жанр ва турларида бетакрор асарлар яратди. Бу тилда биринчи “Хамса”ни, биринчи “Мажолис ун-нафоисни” ёзди. Мавжуд адабий анъаналарга янгиликлар киритди. Халқ маданияти, маърифати ва маънавиятининг юксалишида тилнинг муҳим восита эканлигини, тил башарият наслини ўтмиш ва замон билан боғловчи тимсол экани шоир ва арбоб Навоийнинг ҳаммаша диққат марказида бўлди.

Мумтоз адабиётимиз вакиллариининг халқ дostonлари – “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Гўрўғли” туркумдаги асарларининг таърифга сифмас бой тили, шунингдек Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, уларнинг издошлари Ҳамид Олимжон, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон ва бошқа ижодкорлар яратган гўзалликлар ҳам, “Бобурнома”дай асардаги тафаккур салтанати ҳам ўзбек тили буюклигини, юксаклигини намоён этадиган бебаҳо, ўлмас адабий бойликдир. Нутқнинг гўзаллиги, тилнинг бурролиги, ифоданинг аниқлиги инсон учун ўзига хос ҳусндир, бу ҳусн эса охир-оқибатда жамиятнинг миллатнинг юзини кўрсатади.

Ёзувчи Улуғбек Ҳамдам ҳам: “Тил – миллатнинг маънавий паспорти”, – дея таъриф берган эди. Ҳақиқатан ҳам, тилда миллат руҳи яшайди, миллат ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар тилда худди кўзгудек акс этиб туради.

И.Ғофуров шундай деган эди: “Тил миллатнинг биринчи ҳаққидир. Шу ҳақ ўкситилган бўлса, демак, миллат ўзини ўзи ўкситиб келгандир”. Шунинг учун ҳам миллий тил ҳар қандай давлатнинг рамзларидан бири ҳисобланиб, тилнинг такомилли, ривожли давлат ҳимоясида бўлади. Ҳар бир давлат ўз расмий тилининг софлиги ва бойлиги боришини таъминлайди ва унинг истеъмол доираси кенгайиб бориши учун турли давлат дастурларини ишлаб чиқади, ўрганиш учун эса қулай шарт- шароитлар яратиб беради. Биз ҳам она тилимиз мавқеининг ошиши, миллий юксалиши, раванқ топиши ва янада такомиллашуви учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Бугун юртимизда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя илгари сурилмоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, яна муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни ривожлантиришда бизнинг факультетда ҳам бир қанча ишлар амалда йўлга қўйилди.

Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб энг йирик тиллардан бири ҳисобланади. Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муомала воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак.

Шу жиҳатдан бугун юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда. Турли ҳудудларда ташкил этилган 140 га яқин миллий маданият марказлари ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Кўплаб таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тилларга ихтисослашган ҳамда таълим чет тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари сони ошиб бораётир.

Аҳамиятли томони, бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда. Ушбу қутлуғ байрам арафасида қабул қилинган «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ҳамда давлатимиз раҳбарининг Ўзбек тили байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табриклари ўзбек тили ва адабиётини, миллий маданиятимизни янада равнақ топтиришга қаратилган амалий ҳаракатлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бинобарин, мазкур ҳужжатда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Фармонга мувофиқ, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда асосий йўналишлари тасдиқланди. Қолаверса, мазкур ҳужжатда 2025 йилгача давлат мактабгача таълим тизимида ўзбек тили гуруҳлар қамровини кенгайтириш, янги дарслик ва қўлланмалар, электрон дастурлар яратиш, хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини кўпайтириш сингари муҳим вазифалар ўрин олган.

Фармонда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор ташкилотларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 январдан бошлаб марказий телеканалларда «Тилга эътибор», «Она тилида сўзлашамиз», «Нотиқлик маҳорати», «Тил – миллат кўзгуси», «Китоб билим манбаи», «Билимли ёшлар – келажак бунёдкори» каби туркум кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиб, мунтазам равишда эфирга узатиб борилишини таъминлайди.

Айтиш мумкинки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили, маданияти ва кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир

буюк, эҳтимолки, бирламчи бойлиги бор. Бу – унинг тили. Айнан тил одамлар гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, яъни халқни – халқ, миллатни – миллат қилади.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, «Кўнгил қулфи махранинг қулфи тил ва гулфин калитин сўз бил». Яъни, инсон қалбининг хазинаси тил, бу қалб хазинасининг калити сўздир. Ўзбек тилининг сўзлари шу қадар маъноли, бойки, битта маънога эга бўлган тушунчани, бир неча сўзлар орқали ифодалаш мумкин. Масалан, биргина кўз сўзининг бир неча маънолари бор. Биламизки бир тушунчага тегишли сўз, бир неча сўзлар билан ифодаланса, яъни синоним сўзлари қанчалик кўп бўлса, айтиш шу тил бой тил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида инсоният олдида турган энг муҳим масалалар хусусида ўзбек тилида нутқ сўзлагани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида яна бир қадам бўлди. Зотан, она тили – миллатнинг руҳи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидларнинг намунаси.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон учун унинг ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик қадрли бўлса, унинг она тили ҳам шу қадар азиз ва муқаддас бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш кудратига таянамиз».

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1990.
3. Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. - Т.: Фан, 1981.
4. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.
6. Кодухов В.И. Общее языкознание. - М., 2009.

*Абдураззоқов Э., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

А.ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИДА -СИЗ СЎЗ ЯСОВЧИ МОРФЕМАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, жадидчилик даври ижодкорлари ўз асарларида тил воситаларидан ўзига хос тарзда фасоҳат билан фойдаланган. Таъкидлаш

керакки, бу давр шоир ва ёзувчилари миллийликка алоҳида эътибор беради. Ана шундай ёзувчилардан бири ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийдир. Ёзувчининг асарлари нафақат адабиётшунослар, балки тилшунослар учун ҳам маълум маънода туганмас хазина ҳисобланади. Яъни тилимиздаги сўзларнинг сал кам икки аср олдинги ҳолатини, адабий тилнинг тараққий этиш жараёнини кузатиш мумкин. Шундай экан, оддий ҳолатни илмий кузатишга қандай зарурат бор, деган савол туғилиши мумкин. Абдулла Қодирий нафақат миллий романчиликка асос солди, балки ўзбек тилининг нақадар нафис бир тил эканлигини, унинг миллий хусусиятларини, қўлланилган ҳар бир сўзнинг салмоғини ҳам кўрсатиб бера олди. Роман тилининг синтактик, морфологик ва бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам муайян тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Қодирийнинг грамматик воситалардан фойдаланишдаги ўзига хослик, унинг миллий роман бунёд бўлишидаги ўрни муҳим илмий, бадиий аҳамиятга эга. Ўзбек тили агглютинатив тиллар қаторига киради, яъни ҳар бир грамматик маъно алоҳида грамматик восита орқали ифодаланади [Сайфуллаева, Менглиев, Боқиева, Қурбонова, 2010: 85]. Бу ўринда яна ўзбек тилига хос бўлган алоҳида жиҳат борки, тилимиз табиатига кўра асосга қўшиладиган аффикслар, одатда, сўздан кейин жойлашади. Шундай бўлгани ҳолда бугунги кунда ҳам, жадидчиликкача бўлган турли даврларда яратилган асарларда ҳам ўзбек тилига форс-тожик тилининг таъсири аниқ сезилиб туради. Ўзбек тилида фаол қўлланиб турган сўз ясовчи олд қўшимчалар форс-тожик тилидан ўзлашиб қолган бўлиб, сўз олидан қўшимча қўшилиши тилимиз табиатига ётдир. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи грамматик воситаларининг функционал хусусиятлари ўрганилганда, матннинг зарур ўринлари морфемик таҳлил қилинганда ўзлашма олд қўшимчалар деярли қўлланилмагани кузатилди. Масалан, *Ҳомиднинг Отабек билан танишлиги бўлмаса ҳам Раҳматка яқин қариндош – Зиёшоҳичининг қайниси, Раҳматнинг тоғаси. Улар ҳужрага келиб кирдилар. Отабек келгучиларни улуглаб қаршилади. – Бизни кечирасиз, бек ака, – деб Раҳмат узр айтди, -вақтсиз келиб сизни тинчсизладик. Отабек уларга юқоридан жой кўрсатар экан, ёқимлиқ бир вазиятда: – Тинчсизламадингизлар, билъакс қувонтирдингизлар, – деди, – шахрингизга биринчи мартаба келишим бўлгани учун танишсизлиқ, ёлғизлиқ мени жуда зериктирган эди.* [Қодирий, 2018: 5] Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ёзувчи биз бугун бошқача шаклда (*бевақт, нотинч, нотаниш*) қўллаётган сўзларни ўзбек тили табиатига мос тарзда ишлатган. Бу ҳолатни бошқа бадиий матнларда деярли учратмаймиз.

Қуйидаги мисолларга эътибор қаратайлик: *Ҳомид бир турлик вазиятда ер остидан жиянига қаради. Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этти* [Қодирий, 2018:10]. Ажратиб кўрсатилган мазкур сўз бошқа ўринда кесим вазифасида келган бўлиб, худди шу морфологик шаклда қўлланган: *Ундаги бу ўзгаршидан Раҳмат хабарсиз бўлса ҳам, аммо Ҳомид уни ер остидан таъқиб этар эди* [Қодирий, 2018:10]. Бу ерда қўшма гап тарқибдаги содда

гаплардан бири сифатида қўлланилган тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасини бажараётган бўлса, куйида мураккаб қўшма гаплардан бирининг кесими сифатида иштирок этмоқда: *Раъно ҳавли юзида иккита укасининг ўртасига тушиб, уларнинг лой ўюнига иштирок этар, ер супуриб ётқан соч ўрумларининг тупроққа белашиканидан хабарсиз эди* [Қодирий, 2018:6]. Кўриниб турибдики, *хабарсиз* сўзи келтирилган уч ҳолатдан фақат биттасида аниқловчи, қолган икки ўринда кесим вазифасида турибди. Бу ёзувчининг тилга муносабатини яққол ифодалаб турибди. Шунингдек -сиз морфемаси йўқ инкор сўзи ўрнини бажарган ҳолат ҳозирги адабий тилимизда учрамайди:

Бу вақт Отабекнинг тусига ҳам ҳалигидек ўзгарши чиқди эрсада, лекин сездирмасликка туришиб жавоб берди: — Маним учун фарқсиз. Ошдан сўнг меҳмонлар билан хайрлашиб чиқдилар [Қодирий, 2018:11]. Роман матнида айрим бугун истеъмолда бўлган грамматик шакллардан ҳам фойдаланилган: Отабек томонидан айтилган “Маним учун фарқсиз” жумласи инкорни ифодаловчи “йўқ” сўзи вазифасини бажариб турибди.

Қуйидаги гапдаги ажратиб кўрсатилган лексема иккала давр учун ҳам бирдек хизмат қила олади: *Бу ўринсиз текшириши мажлисни бир оз сукутга юборди-да, сўнгра Акрам ҳожи саволида давом этти*[Қодирий, 2018: 13].

Яна бир мисолда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин: – *Кечирингиз, амак, - деб Отабек кулимсиради,-сиз отамнинг мушовирлигини бошқачароқ онглаганга ўхшадингиз... Бизнинг бекларга ҳукм вақтида ҳам мушовир бўлмоқ имконсиз нарсадир* [Қодирий, 2018: 14].Қуйидаги жумлада эса **-сиз** аффикси билан ҳосил қилинган сўз асарга тарихийлик руҳини бериш учун хизмат қилмоқда: // *Аммо шуниси ҳам борки, шу кейинги вақтларда Азизбек Қўқоннинг ёрлиг ва фармонларини илтифотсиз қолдира бошлади.* [Қодирий, 2018: 14]

Ул нима тўғрида хаёл суриб, қайси тўғрида ўйлар эди - буни билиш қийин бўлса ҳам, бироқ унинг ҳозирги баъзи ҳаракатлари диққатни жалб этарлик эдилар: хаёл сураб экан, унинг кўзлари ихтиёрсиз каби қаршисидаги қутидорга қарайдирлар, қутидорнинг кўзи ўзига тушиди дегунча кўзини ундан олиб дастурхондаги кўнглитиламаган нарсаларга урина бошлайдир...[Қодирий, 2018:14] Матндаги **ихтиёрсиз** сўзи бугунги истеъмол талабларига мос келмайди, қолаверса, унинг **каби** кўмакчиси билан ёнма-ён туриши мавжуд грамматик меъёрга мувофиқ келмаслиги маълум. Аммо асарда тилдан икки аср олдинги воқеаларни тасвирлаш учун фойдаланилаётганини инобатга олсак, ўша давр аждодлар тилини намоён этаётган бўлиши мумкин.

Навбатдаги жумлаларда ҳам ажратиб кўрсатилган сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тили учун нотаниш грамматик шакллар эмас, аммо нутқий вазият, қўлланилиш ўрни нуктаи назардан айрим номувофиқликлар йўқ эмас:*Мусулмонқул ўз гарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб, куяви Шералихонни ўлдирди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди, қўй каби ёввош Тошканд ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгулади ва ўзини мингбоши деб эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб*

эл елкасига минди [Қодирий, 2018: 17]. Бугунги мулоқотда ажратиб кўрсатилган бу икки сўз ўрнида, асосан, бегуноҳ ва беақл муқобиллари қўлланилади.

Тоқатсизланмоқ – ўзбек тили табиатига мос яратилган сўз ҳисобланади. Қуйидаги мисолда ушбу сўз қўлланилган: *Ҳасаналининг сўрағучига бекнинг қиз ёқдирмаслигини сабаб кўрсатиб, шу кунгача уйланмай келганлигини тафсили билан ҳикоя қилиб беришидан сўнг ул тоқатсизланғандек бўлди* [Қодирий, 2018: 18]. Ҳозирда эсатилимизда кўпроқ унинг *бетоқат бўлмоқ* муқобилидан фойдаланилади. Муаллифнинг грамматик шакллардан бундай фойдаланиши, шаксиз асар тилини бойитган, уни халқ руҳиятига яқинлаштирган. Таҳлил учун танланган кейинги мисолдаги ажратилган сўз бугунги мулоқот учун ҳам бегона эмас, аммо бошқа нутқий вазиятда қўллангани учун эътиборни тортмоқда: *Истиқбол қайғуси тушига ҳам кирмаган бу Туркистон оталари Отабекнинг даруни дилдан чиқариб айткан гапларидан ҳиссасиз қолмадилар...* [Қодирий, 2018: 16]

Айрим ўринларда келтирилган **-сиз** аффиксли лексемалар ҳозирги грамматик, нутқий ва услубий меъёрларга мосдек кўринади, бироқ нутқий вазиятига кўра фарқланади ҳам: *Ҳомиднинг заруратсиз айб текшириши мажлиска ётроқ туйилган бўлса керак, бир-бирларига қарашиб олдилар* [Қодирий, 2018:13]. Мазкур ҳолатда **-сиз** қўшимчаси ўз даврида тежамкорликни таъминлаган бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда шу жумлани шакллантириш учун кўпроқ сўз ишлатишга тўғри келади: *Ҳомиднинг зарур бўлмаган ҳолатда айб текшириши мажлиска ётроқ туйилган бўлса керак, бир-бирларига қарашиб олдилар.*

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида ҳам грамматик воситалардан ўзига хос фойдаланиш эътибор тортади. Айниқса, форс-тожик тилидан ўзлашган олд қўшимчалар ўрнида ўнг қўл қондасига амал қилинган ҳолда сўз ясовчи қўшимчалар асосдан сўнг қўшилиб келган: *Раъно эса “эгаси”нинг ким эканлигини яхши билгани ва уни қанот қоқиб қариши олгани учун жоду кўзида ризосизлик эмас сурур маънолари ўйнатар эди* [Қодирий, 2018: 8]. Бугун шу жумлани ёзмоқчи бўлсак, “норозилик” сўзини ишлатишдан бошқа чора бўлмасди, чунки бу ўринда “рози эмас” дея қўллаб бўлмайди.

Қуйидаги жумлаларда ҳам белгига эга эмаслик, мавжуд эмасликни ифодаловчи **-сиз** қўшимчаси безътибор ва безарар сўзлари ўрнида қўлланилмоқда. Халқ тилида иккиаср олдин бу сўзлар романдаги каби юритилган деган хулосага келиш мумкин: *Мадалихоннинг фатвосига иштирок қилган уламолар ҳамини эътиборсиз, мардуд бўлиб қолдилар.* [Қодирий, 2018:11]. *Куявлар кўрулиб улар ҳам зарарсиз топилдилар.* [Қодирий, 2018: 13]

Романда бир неча марта қўлланган ризосизлик сўзи **но-** олд қўшимчаси орқали осонгина ифодаланиши мумкин эди, бироқ Қодирий имкон қадар ўзбек тилининг ўзига хос бўлган миллий грамматикаси қоидаларига мувофиқ ёндашгани маълум: *Унинг бу қарашидан онасининг бояғи сўзига қариши*

ризосизлиқанглашилмас, балки шодлиқ маънолари ўқулур эди. Умуман олганда, **-сиз** сўз ясовчи морфемаси ўзбек тили ифода имкониятларини ниҳоятда кенгайтиради [Қодирий, 2018: 8].

Абдулла Қодирий форс-тожик тилига мансуб *ба-*, *бе-* олд кўшимчаларини қўлламаган деб бўлмайди. Ёзувчи олд кўшимчали сўзларни ҳам ўз ўрнида қуйидагича қўллайди: ... *улардан дарҳол бир “фатвойи баҳайбат”ни талаб қилганида уламоий киром ҳам дарон ботаҳорат-бетаҳорат, масалани эшитар-эшитмас фатво ёзадиларким...* [Қодирий, 2018: 10] Муаллиф ажратиб кўрсатилган сўзларни Бухоро амири қиёфасини ўқувчига аниқ тасаввур қилдириш мақсадида киноя тарзида қўллагани маълум. Айтиш жойизки, асарнинг шу нуқтасида ёзувчи негадир арабча сўзларни ҳам кўпроқ, қаторасига қўллайди: ...*Бухоронинг забардаст уламо, муфти, аълам, ҳоказо ва алоҳозалқийёс пешволарини ўз ҳузурига чорлаб, даргазаб воқийани сўзлайдир* [Қодирий, 2018: 10]. Фикрни қувватлаш учун қуйида яна мисол келтирамиз:

Дарвоқий “холисона” бу фатвога амир Баҳодирхон “бетарафона” қиймат бериб, “дин йўлида холис бир жиҳоди акбар” деб жамиъи қўшунлари билан Фарғона устига юриш қиладир [Қодирий, 2018: 11]. Ёзувчи “Ўткан кунлар”да бундай кинояли ифодалардан фойдаланмаган бўлса-да, “Меҳробдан чаён”асарида қаҳрамоннинг қайси ҳудудга мансублигини билдириш учун қўллаган.

Айрим ясама сўзларимиз бадий асарларда қолиб кетмоқда. “Ўткан кунлар” асарида жуда кўплаб ўзбекча сўзларимиз бор, улардан бугун бемалол фойдаланиш мумкин: *Бу ўнғайсиз ҳолатдан чиқиш ва, сўзга улаб юбориш учун Раҳмат тиришкандек кўринар эди. — Марғилонни қандай топдингиз, бек ака, хушландингизми, ё?..* [Қодирий, 2018: 7]

Романда қўлланилган сўзларнинг ясалиш тизими ўзига хос, ўзбек тили қоидалари асосида ҳосил бўлган. Кўникма ҳосил қилмаганимиз учун ўз сўзларимизни ишлата олмаймиз, унинг ўрнига ўзлашма сўзларни қўллаймиз: *Бу саволнинг жавобига Отабек иккилангандек ва ўнғайсизлангандек бўлди. — Нима десам экан... Марғилонни ҳар ҳолда... хуш кўрдим, Марғилон Туркистонимизнинг тўқузучилиқхунарида биринчи шахридир.* [Қодирий, 2018: 7]

Асардаги морфемаларнинг структурал таснифига тўхталганда уларни тузилишига кўра содда ва мураккабга ажратиш мумкин:

Содда морфемалар ажралмас, яхлит, бир таркибли морфемалардир: **-га, -ган, -син, -дир, -гач.**

Мураккаб морфемалар аслида мустақил морфемаларнинг маълум функция бажариш мақсадида бирлашган ҳолда қўлланишидир: **гувчи, гучи.**

Морфемаларда ҳам шакл ва маъно муносабати барқарордир. Морфемаларнинг миқдоран чекланганлиги бу муносабатнинг кенг қамровлилигидан далолат беради. **-Сиз** аффиксининг дарслик ва ўқув

қўлланмаларда қуйидаги уч маъноларини киритиш ўқувчиларни морфемик билимлариянада шакилланишига омил бўлади:

1. Мавжуд эмаслик: *ихтиёрсиз, имконсиз, танишсиз*.
2. Ўринсизлик: *вақтсиз, илтифотсиз*.
3. Ноқулайлик: *ризосизлик, заруратсиз, тинчсиз*.

Морфемик омонимия. Романда шаклдош морфемалар ҳам қўлланилган. Шаклдошлик бир тур морфемалар орасида ҳам, турли морфемалар орасида ҳам кузатилади:

Морфемик омонимия:

-сиз I: , *вақтсиз, ризосиз, хабарсиз* (сифат ясовчи).

-сиз II: Сиз (олмош) *чин савдогар эмишсиз* (шахс-сон ҳосил қилувчи)

Морфемик синонимия. Барча тур морфемалар маънодошлик муносабатида бўлади. Морфемаларнинг бир-бирига яқин маъноларни ифодалашни деривацион синонимия дейилади. Масалан, сифат ясовчи *-гар,-гучи* морфемалари ўзаро синоним, бироқ маънодошлик морфемалараро тўлиқ эмас, балки айрим маъно қирралари орасидадир. Яъни бир морфема иккинчи морфема билан барча маънолари асосида синоним бўла олмайди.

Морфемик антонимия. Асарда морфемик антонимияга мисол сифатида *-лик, лиқ* ва *-сиз* аффиксларини келтириш мумкин: *андишалиқ-андишасиз, хотинлиқ-хотинсиз*.

Асарда феъл ясашишига доир кўплаб янги намуналарни учратиш мумкин. Қиёсланг: *Йўқ... Танимайман. Ҳомиднинг юзидаги бояғи ҳолат яна ҳам кучланиб гўё тоқатсизлангандек кўринар эди...* Амалда бетоқат бўлмоқ шаклида қўлланади.

Қуйидаги жадвалда, *-сиз* морфемасини даврий нуқтаи назардан ҳамда маъноси жиҳатдан уч гуруҳга бўлдик:

№	Асарда учрайдиган шакли	Бугунги шакли	Ўзгаришга учрамаган грамматик шакллар
1.	Вақтсиз	бевақт	-
2.	Тоқатсиз	бетоқат	Тоқатсиз
3.	Тинчсизламоқ	нотинч қилмоқ	-
4.	Танишсизлик	таниши йўқлик	-
5.	Ризосизлик	норозилик	-
6.	Ихтиёрсиз	беихтиёр	-
7.	Хабарсиз	бехабар	-
8.	Эътиборсиз	беэътибор	эътиборсиз
9.	Илтифотсиз	беилтифот	илтифотсиз

Хуллас, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи матнининг зарурий ўринлари морфемик таҳлил қилинганда сўз ясашишининг миллий

анъаналарига риоя қилингани кузатилади. Ҳозирда ўзбек тилининг табиатига мос келмайдиган сўз ясовчи олд кўшимчалар тилимизда фаол қўлланилишда, аммо миллий роман матнида бундай ҳосилалар деярли учрамайди. Муаллиф имкон қадар жумлаларни ўзбек тили грамматикаси мос равишда шакллантиргани, тилнинг табиатидан келиб чиқиб сўзлар ҳосил қилгани муҳим лисоний ҳодисадир.

Адабиётлар

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018.
2. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. Роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 2018.
3. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010.

Ашуров Д., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

“КЎНГИЛ” УЗВЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

[“Алпомиш” достони мисолида]

Кейинги йилларда эълон қилинаётган ишларда фразеологизмларнинг лингвокультурологик томонларига алоҳида эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин [Холмурадова: 2017; Носиров: 2016; Туропова, 2018: 117; Исмоилов, 2015: 78-85; Исмоилов, 2015: 22-29; Исмоилов, 2019: 90-96] Лингвокультурологияга оид ишларнинг салмоғи ортиб боргани сайин ўзбек фразеологик бирликларини лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳам бугунги кун тилшунослари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Ибораларнинг яратилишини, қачон ва қайси маънода ишлатилишини, уларда сўзларнинг қўлланилишини ўрганиш ўзбек халқи тарихий маданияти, ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи, урф-одатлари, турли тоифага оид шахсларга бўлган муносабати ҳақида баъзи фикрларга келиш учун маданий ахборот сифатида ёрдам беради. Шунинг учун фраземаларда миллийлик, умумхалқ аҳамиятига эга бўлиш кўпроқ кўзга ташланади.

Фразеологик бирликларнинг асосида метафора ва турғун ўхшатишлар ётишини ҳисобга олсак, бунда дастлаб соматик характердаги ибораларни кўриб чиқишимиз лозим бўлади. Улар «жонли сўзлашув нутқида катта миқдорни ташкил қилади, кишиларнинг руҳий, эмоционал ҳолатлари ва характерларини ифода этишга хизмат қилади», халқ дostonлари матнларида ҳам кенг учраб [Жуманазарова, 2015: 80; Жуманазарова, 2017], макон, вақтга доир маданий код вазифасини бажаради. Фразеологизмлар тадқиқ қилинган ишларда соматик фразеологизмлар катта қисмини ташкил этганлиги айтиб ўтилади [Исаев, 1998; Туропова, 2018: 117].

Юқоридаги фикрларни «Алпомиш» достони вариантларидаги айрим «кўнгил» узвли фраземалар мисолида ҳам кўриш мумкин. «Кўнгил» узвли фраземалар иборалар халқ достонлари тилида кўплаб учрайди. Фозил Йўлдош ўғлининг «Малика айёр» достони лексикасига бағишланган ишда кўнгил [кўнгил] лексемаси фразеологик бириклар таркибида турли маъноларда келганлиги ҳақида сўз боради [Умаров, 2020: 141]. Г.Жуманазарова достонлар матнида «кўнгил» узвли иборалар севиш ҳисси, феъл-атвор, характер, хулқ, шунингдек, хоҳиш-истакка мос тушадиган иш ёки ҳаракат билан ўзига мойил қилишлик каби семантик маъноларни ифодалашга хизмат қилишини айтади [Жуманазарова, 2015: 81]. «Алпомиш» достонида ҳам «кўнгил» узвли фраземалар кўп ўринларда қўлланилган бўлиб, улар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Хурсанд қилмоқ:

Шундай қилиб, иккови тепкида този, чегада қушини олиб, ўз кўнглини шод қилмоқ учун ов овлаб юрди. [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 236]; *Бобом «Қултой» шундай ишларни қилар, // Мехрибон бўп кўп кўнглимни кўтарар.* [Фозил Йўлдош ўғли, 2015: 420] Бу ўринда «кўнгилни кўтармоқ» фраземасида «хурсанд қилмоқ» семаси билан биргаликда «руҳлантирмоқ» семаси ҳам намоён бўлмоқда.

2. Хурсанд бўлмоқ:

– *Э, шохнинг қизи. Олиб борсанг, ўйин беради, сўйиб есанг, гўшт бўлади, кўнгилгинанг хуш бўлади. Агар менга ҳавас қилсанг, сенинг бош отинг шул бўлади, – деди.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 384]; *Юзим қаро бўлди, деб, // Эгам гамни солди, деб, // Кўнглим равшан бўлгай-да, // Шул пойгани олгайсан, // Юзим ойдин бўлгай-да.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 332] Кўнгилнинг равшан бўлиши унинг ойнага ўхшатилишини билдиради. Ойна қанча равшан бўлса, шунча кўп нарсани кўрсатади, ойна хиралашса, кўнгилга ғамдан бошқа ўй сиғмайди, – деган фикрга ишора мавжуд: *Тоза тутсанг, кўнглим равшан бўлади.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 390]

3. Хафа бўлмоқ:

Бу маънода кўпроқ *кўнгли бузилмоқ* ибораси келади. Бунда кўнгилни уйга, бинога ўхшатиш асос бўлмоқда. Тасаввуфда, халқ қарашларида ҳам кўнгилни бинога ўхшатиш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли ҳам хафа бўлмоқлик кўнгил уйининг бузилишига ўхшатилади: *Алпомишбекнинг кўнгли бузилиб, ўзининг ёлғизлиги, ота-онасининг қарилиги ёдига тушиб, кўзининг ёши мунчоқ-мунчоқ бўлиб, юзига тизилиб турди.* [Бекмурад Жўрабой ўғли, 2016: 55]

Хафа бўлган одамнинг юраги – кўнгли нотинч бўлади. Юрагининг ритми ўзгариб, одатдагича урмайди, бузилади. Шу боисдан ҳам хафа бўлмоқлик *кўнгли бузилмоқ* фраземаси орқали акс эттирилади: *Сенинг босган изингни қириб ташламаса, кишининг ҳақи кетади, – деб у гапни айтди. Бу гапни эшитиб, ўрнидан туриб, отларнинг белига минди. Бағри эзилиб, кўнгли бузилиб, уйига қараб жўнади.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 237]

4. Ўйламоқ:

Полвонларнинг сира йўқдир хунари, // Полвонларнинг кўнглида йўқ ўлари. [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 342]; *Сурхайилнинг кўнглига келди: «Шунинг олдига борай, шундан бир гап сўраб қолай. Мабодо Алломиши бўлса, буни бир кўрай», – деди.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 361]; *Алломишининг кўнглига келди: «Мени-ку тортиб ололмайди, кўнгли ўзидан қолиб кетсин», – деди. – Арқонингни ташла, дўстим, – деди.* [Бекмурад Жўрабой ўғли, 2016: 117]

5. Қониқмоқ:

Алломиши хурсанд бўлди. Момом усмони гани экан, деб кўнгли тўлди. [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 366]; *Отаси Алломишининг эрлигидан, ўзи талаб қилиб келганидан кўнгли тўлди.* [Бекмурад Жўрабой ўғли, 2016: 30]

6. Орзу, ният:

Кўзингга қара, Қоражон,

Кўнглингда қопти армон. [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 335]

7. Феъл-атвор:

Ёр-ёр айтсам жамоат // Хўш дермикан, ёр-ёр, // Барчинойнинг кўнглини бўш дермикан, ёр-ёр. [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 351]; *Кайкубод кал кўнгли юмшаб: – Айтсам, айтайин, – деб Товкага бир сўз деди.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 402]; *Ҳакимбекнинг ўлдирарини Кайкубод билди. – Тўхта, – деб Ҳакимбекнинг қўлидан ушлаб олди. – Мен калман, кўнглим нозик.* [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 417]

8. Зерикиш, ҳафсаласи бўлмаслик.

Товкаойга бекор азоб бермагин, // Мардликнинг шаъни бундай бўлмайди, // Ҳар қанча қилганман бебош кўнмайди, // Меҳнат қибсан, энди ўзинг олагай, // Сендан менинг кўнглим сира қолмайди. [Эгамберди Олломурад ўғли, 2016: 417]

9. Ҳол-аҳвол сўрамоқ:

Манглайимни силаб, кўнглим сўради, // Бошдан оёғимга жуда қаради. [Фозил Йўлдош ўғли, 2015: 420]

10. Хотиржамлик:

Бундай кунда кўнгли тўқлар, // Ҳар ким бир-бирини йўқлар, // Отилмаган хурма тўплар, // Отил-ҳа, Алломиши келди. [Фозил Йўлдош ўғли, 2015: 445]

Юқорида айтиб ўтилганидек, кўнгил узвли фраземалар дostonда фаол қўлланган. Бу хилдаги фраземалар ўхшатиш асосига қурилганлиги билан бошқа соматик характердаги фраземалардан фарқланади. Бир ўринда кўнгилни ойнага, уйга, бинога ўхшатиш ҳолатлари ёки уни жонли бир яратиқ сифатида кўриш ҳолатлари учрайди. Хуллас, фразеологик бирликлар халқ бойлигидир. Фраземаларни лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали тил эгаларининг миллий менталитети, маданияти, миллий қарашлари, тасавурлари, ҳаётга муносабати каби масалаларни ўрганиш мумкин.

Адабиётлар

1. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. док. [DSc] дисс. – Тошкент, 2017.
2. Жуманазарова Г. Халқ дostonлари тилидаги иборалар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 6. – Б. 80.
3. Жуманазарова Г. Халқ дostonлари тилидаги иборалар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 6. – Б. 81.
4. Исаев А. Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998
5. Исмоилов Ғ. Оламнинг фразеологик манзарасида «инсон» концепти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 6. – Б. 22-29.
6. Исмоилов Ғ. Туркий тиллар фразеологизмларида «инсон характери» майдони [ўзбек, қozoқ ва қoraқалпоқ тиллари мисолида] // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2019. – № 2. – Б. 90-96.
7. Исмоилов Ғ. Фразеологизмларда оқ ва қora концептларининг идиоэтник белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 3. – Б. 78-85.
8. Носиров А. Француз, ўзбек ва рус тилидаги провербал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фанл. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016.
9. Туропова Н. Соматик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари [ўзбек ва япон тиллари мисолида] // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – № 3. – Б. 117.
10. Туропова Н. Соматик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари [ўзбек ва япон тиллари мисолида] // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – № 3. – Б. 115-120.
11. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 10-жилд. Алпомиш. [Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган]. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 503 б.
12. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 10-жилд. Алпомиш. [Эгамберди Олломурод ўғли варианты]. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 503 б.
13. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 1-жилд. Алпомиш. [Фозил Йўлдош ўғли варианты]. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 509 б.
14. Умаров И. Фозил Йўлдош ўғлининг «Малика айёр» дostonи лексикаси [тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил]: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори [PhD] диссер. автореф. – Фарғона, 2020. – Б. 141.

14. Холмурадова Л. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик идеографик талқини [лингвомаданий аспект]: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

Абдулаттеев М., доцент
(Ўзбекистон)

БАДИЙ МАТННИ ШАКЛЛАНИШИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ВА ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ВОСИТАЛАР ХУСУСИДА

Тилимизда бадий нутқнинг таъсирчанлигини ошириб, эмоционаллик ҳосил этадиган, ўзига хос интонацион яхлитлик ифодаловчи шундай воситалар борки, улар услубшуносликда поэтик воситалар – фигуралар атамаси остида ўрганилиб келинади. Бундай воситалар нутқни таъсирли ва жозибали қилиш билан бирга, фикрни тингловчига тез, қулай ва осон етказиш имкониятини беради. Ана шундай услубий воситалар-фигуралар бадий матнларни шаклланишда ҳам муҳим функция бажаради. Бадий матнларда ифодали нутқ воситаси сифатида муҳим роль ўйнайдиган, мазмунан стабиллашган нутқ оборотлари синтактик-стилистик фигуралар дейилади.

Синтактик фигуралар нутқ таъсирчанлигини ошириш, тасвирийликни кучайтиришга ёрдам берувчи махсус синтактик воситалардир. Троплар сўзлар билан иш кўрса, фигуралар гап тузилиши қонуниятларига асосланиб, гап ёки матндан англашилган умумий мазмунга эмоционал-экспрессивлик киритади.

Фигуралар нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор қилувчи ва шу йўл билан информациянинг тингловчи томонидан тез ва образли билан қабул қилинишида муҳим услубий воситалардир. Ҳозирги ўзбек бадий матнларида бундай воситалар доираси анча кенг бўлиб, энг сермахсуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Параллелизм – икки ҳодисани ёнма-ён қўйиб тасвирлаш орқали уларни бир-бирига қиёслаш усули бўлиб, ундан тасвир этилаётган объектга тингловчининг диққатини қайта тортиш мақсадида фойдаланилади. . Содда ва қўшма гапларда синтактик параллелизм ёнма-ён жойлашган компонентлар орқали кузатилса, матнларда йирик нутқий парчанинг бутун бир таркиби давомида кўриниб туради:

*Ўқ тугаса, тош отамиз душманга,
Тош тугаса, бош отамиз душманга.
Қилич синса ,болта билан урамиз,
Болта синса ,таёқ билан қирамиз. (Э.Воҳидов)*

Параллелизм усули ҳис-ҳаяжон, кўтаринки руҳ билан айтилган нутқ кўринишлари учун характерли бўлиб, тингловчида турли эмоционал ҳолатларни юзага чиқарувчи ифода шакли ҳисобланади. Параллелизм натижасида давомийлик, кўтаринкилик, қатъийлик каби қўшимча услубий бўёқдорлиқка эришилади.

Параллелизм қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Нутқнинг гўзал ва жозибадор бўлишини таъминлайди. Тингловчининг диққати асосий объектга жалб этилади, у орқали фикр тез англашилади.

2. У орқали фикрни лўнда, аниқ, ўткир, жонли ва кучли ифодалаш имконияти туғилади.

3. Параллелизм воситасида фикрнинг туб моҳияти очиб берилади, фикр предметининг асосий сифатлари ёритилади.

4. Мантиқий жиҳатдан ажратиб кўрсатиш орқали фикр объекти ҳақида кенг маълумот беради.

Лексик-грамматик такрор- матнларнинг шаклланишида унинг биринчи компонентида фикр қаратилган предмет маъносини ифодаловчи сўзнинг кейинги компонентларда лексик материали жиҳатдан ўзгармаган, аммо грамматик шакли жиҳатидан ўзгариши мумкин бўлган ҳолда такроран қўлланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, бундай усулда шаклланидиган матнларда компонентларнинг ҳар бирида бир лексеманинг у ёки бу грамматик шаклда такрор қўлланилиши кузатилади. Тадқиқотчи Е.А.Реферовская таъкидлаганидек, “Матн қисмларини боғловчи (матнни шакллантирувчи) воситалар ичида такрор муҳим ўрин тутуди” (Реферовская 1983:51).

Кўшиқ табиатнинг бизга ато этган ноёб мўъжизасидир. Кўшиқ кишига қанот бахш этади, руҳлантиради. Кўшиқ меҳнат зафарларига ундайди. (С.Маҳмудова)

Сўз – буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкка, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бири билан юз кўрмас қилиб юбориш мумкин. Сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан. (Л.Н.Толстой)

Синтактик такрор-Поэтик фигуралар доирасига кирувчи синтактик такрор матнларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи анча сермахсул воситалардан ҳисобланади. Синтактик такрор ёрдамида шаклланган матнлар, айниқса, бадий нутққа хос матнлар таркибида муҳим функция бажаради. Бундай воситалар иштирок этган матнлар эмоционалликка бой, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Матнларни шакллантирувчи восита сифатида синтактик такрорнинг қуйидаги икки кўринишини кўрсатиш мумкин:

Сўз бирикмаси такрори.

Синтактик такрорнинг бу кўринишида матн таркибида сўз бирикмаси такрорланиб келиб, нисбий мустақил гапларни уюштиради, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлайди. Натижада ифодалилик жиҳатидан кучли бўлган янги бир матн шаклланади:

- Болаларим – деди яна гулдираб. – Эс-ҳуши жойида одам ўзи ётган бешикни ўзи тегиб синдирмайди. Эс-ҳуши жойида одам ўз уйига ўт қўймайди. Эс-ҳуши жойида одам ўз онасига қўл кўтармайди. Аммо ер юзида ҳалиям уруш

очишни хаёл қилаётган номардлар бор. Энди уруш бўлмасин десаларинг, мана шу қўшалок ҳайкални тавоф қилинглар. (Ў.Ҳошимов)

Келтирилган мисолдан кўриниб турганидек, матн таркибидаги такрорланиб қўлланган “Эс-ҳуши жойида одам” бирикмаси шакллантирувчи, яъни нисбий мустақил гапларни бириктирувчи восита сифатида қатнашган, шу билан бирга, нутқ таъсирчанлигини, оҳангдорлигини ошириш учун хизмат қилган. Шунингдек, такрорланиб қўлланган бирикма маъноси образли ҳолда кенгайтирилиб, очиб берилган.

Гап такрори

Гап такрори ҳам поэтик фигуралар доирасига кирувчи восита бўлиб, матннинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Асосан бадиий нутқ учун хос бўлган бу синтактик такрор кўпроқ изоҳ талаб қилувчи бир составли ёки эргаш гапли қўшма гап компонентларидан бири сифатида қатнашади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: маълумки, бир составли гаплар, эргаш гапли қўшма гапнинг у ёки бу қисми мазмунан изоҳни, кенгайтиришни, тушнантиришни талаб этади. Матн таркибида шу типдаги гаплар қатнашганда, муаллиф иложи борича, шундай гапларнинг мазмунини кенгроқ очиб беришга ҳаракат қилади. Натижада, бундай гаплар мазмунини кенгайтирувчи бошқа гаплар билан бирга, такроран қўллаш зарурияти туғилади. Ана шундай ҳолатда янги бир гаплар гуруҳи – матн шаклланади ва маълум бир мавзу – фикр ўқувчига образли ҳолда етказилади, шу билан бирга, нутқ таъсирчанлиги оширилади:

...Кўни-қўшнилар “Тошкентлик” чиройли келинни” кўриш учун пайдарпай чиқишди. “Тошкентлик келин” икки букилиб салом қилди. Бармоқ учига тиёла қўндириб, чой узатади. Хотин-халаж “бир қошиқ сув билан ютгулик” келинни “қўша қаринглар, қўчқордек ўғиллар берсин” деб дуо қилди. Билмайдики, “Тошкентлик келин” “қўчқордек ўғлини” ўлим чангалига ташлаб келган! Билмайдики, “бир қошиқ сув билан ютгудек” келинпошиша салом қиляпти-ю, шишиб кетган кўкрагининг оғригига чидолмай тўлганяпти. Билмайдики, овсининг қизчаси йиғлаганида ўзининг ўғли чирқиллагани ёдига тушиб, сочини юлгудек бўляпти... Билмайди! Ҳеч ким билмайди! (Ў.Ҳошимов)

Келтирилган нутқ парчаси – матндан англашиладики, мазкур мисолда синтактик такрор сифатида қўлланган “Билмайдики” – тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапнинг бош компоненти шакллантирувчи восита вазифасини бажаряпти. Бундай кўринишдаги матнларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларни ташкил этувчи нисбий мустақил гаплар, асосан такрорланиб келган такрор гапни изоҳлаш, тўлдириш учун қўлланганлиги учун ҳам унга тобеланиб келади. Юқоридаги матнда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Унинг таркибидаги такрор – гап - “Билмайдики”, (улар шуни билмайдики) – бош гап, унга боғланиб келган гаплар эса эргаш гап функциясини бажаради.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, матннинг яхлитлигини таъминловчи, уни мустақил синтактик конструкция сифатида

шакллантирувчи формал (когезион) воситалар тизими мавжуд. Бундай воситалар матн қисми (компонент)лари ҳисобланган нисбий мустақил гаплар орасидаги алоқадорликни таъминлаб туриш билан бирга, боғлиқ нутқ-матннинг эмоционал-экспрессивлигини ҳам оширади. Бу формал воситаларнинг ҳар бири матн таркибида ўзига хос функция бажаради. Уларнинг матн таркибида қўлланиши тасодифий ҳол бўлмай, маълум лингвистик қонуниятлар талаби асосида юзага чиқади. Шуниси аҳамиятлики, таркибида бундай воситалар иштирок этган нисбий мустақил гаплар мазмунидан ҳам матн таркибида ўзидан олдин ёки кейин келган гап мазмунидан келиб чиқувчи алоқадорлик сезилиб туради. Матннинг ифодалилиги, образлилиги, таъсирчанлиги оширилади.

Адабиётлар

1. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент, Фан, 1990, 17-42-бетлар.
2. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. Ленинград, 1983, стр. 51
3. Мамажонов А, Абдупаттоев М. Матн назарияси. Фарғона, 2016, 22-34 бетлар.
4. Москальская О.И. Грамматика текста. М., 1981. стр. 3-4.
5. Халилова М. Ўзбек тили стилистикаси асослари. Фарғона. 2009.

**Бабаханова Д., доцент
(Ўзбекистон)**

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ УЮШИҚ БЎЛАКЛАР ВА УНДАЛМАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Неча асрлар мобайнида гоҳ юксак ривожу шуҳрат топган, гоҳида нописандлик, турткилаш ва камситишлардан кўнгли синган, аммо ёруғ кунларга етмоқ умиди сўнмаган она тилимиз чинакам мунаввар кунларга саломат етиб келди. [Аминов, 2017:3]. Унинг услубият соҳаси ҳам анча ютуқларга эришди. Синтактик услубиятда муҳим ўрин эгаллайдиган уюшиқ бўлақлар ва ундалмалар масаласига доир хусусиятларни аниқлаш бугунги кунда доимгидай долзарбдир.

Уюшиқ бўлақлар гапга нутқий ихчамлик, нутқий равонлик, таъсирлилик, муסיқийлик бағишлайди. Бадиий-тасвирий воситалардан бири ҳисобланади: Бу айниқса, поэтик асарларда кўринади.

***Наманган, Андижон, Қўқон, Марғилон –
Ўзбекнинг чамани, боғи-бўстони. [F.F.]***

Сифатловчиларнинг тасвирий воситалиги уларнинг семантикасида келиб чиқади. Лекин уюшиб келганда, уларнинг тасвирий-эмоционал хусусияти янада ортади. Кишига завқ-шавқ бахш этади. Тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларни тўлалигича гавдалантиришга ёрдам беради.

Уюшиш ҳар қандай нутқ услубида учрайди ва сўзловчининг модал муносабатлари уюшувчиларнинг турлича формаларида зухур этади.

Уюшиқ бўлак иккита бўлганда, кўпинча бириктирувчи боғловчи орқали бирикади: Аёл ва болалар чувалашиб қолишди. Ҳасан ва Самандар етиб келди. Агар «ва» қўлланса саналувчилар тугаганлиги ифода етилади. Бироқ бундай гапларда қатъийлик оттенкаси бўлиб, тушунча чэгараланади: Аниқ ва содда сўзлар лол этади. Йўлда баъзан **оқ, пушти, сариқ** ва **қизил** гуллар учрайди.

Икки уюшган бўлак «билан» кўмакчиси орқали бирикканда биргалик оттенкаси акс етиб, чэгараланганлик нисбатан аниқроқ бўлади: **Турғун билан Ақида** келди. Манави пулга **китоб билан дафтар** олиб кел [Оғз.сўзл.].

Уюшиқ бўлакларнинг грамматик форма олишидаги ҳолатлар сўзловчининг нутқ жараёнида нималарга эътибор беришига боғлиқ: сўзловчи саналувчиларни битта группа сифатида тасвирлашни назарда тутиб, тааллуқлиликнинг умумийлигини ифодамоқчи бўлганда, грамматик форма кўмакчини уюшувчиларнинг сўнгисига кўшиб ишлатади. Мен далада **Салима, Назира, Нигора** ва **Наргизани** учратдим [Жонли нутқ]. Бу хусусият уюшиқ бўлаклар ўз аниқловчи-изоҳловчилари билан кэнгайиб келганда ҳам мавжуд бўлади.

Изоҳ: 1) «**билан**» кўмакчиси [боғловчи эмас] уюшиқ бўлакнинг охиргисидан сўнг қўлланганда, саналувчиларнинг тугалланганлигини кўрсатади; 2) «**ҳам**» икки уюшиқ бўлак ўртасида келганда, боғловчи вазифасида бўлади ва тугалланганликни кўрсатади: ўқиди, ёзиб ҳам олди каби формада тугалланганликни қатъий кўрсатмайди, уни давом еттириши мумкин: ...ўқиди, ёзиб **ҳам** олди, тушуниб **ҳам** етди каби; б) сўзловчи саналувчиларнинг ҳар бирига алоҳида аҳамият берганда, уни махсус таъкидламоқчи бўлганда, грамматик форма (ларни) уюшувчиларнинг ҳар бирига кўшиб ишлатилади: Бунда кўпинча уюшувчилар боғловчисиз қўлланади: **Олмаларни, асл нашватиларни, луччак шафтолиларни, анжирларни** қаранг-а! [Жонли нутқ].

Кўплик кўрсаткичи **-лар** нинг қўлланиши ўзига хос хусусиятга эга. Агар уюшувчилар барчаси кўпликда бўлса, уни кўплик формада қўлламоқ лозим ва бунда алоҳида таъкидланганлик оттенкаси сусаяди: **-лар** ни уюшган бўлакларнинг охиргисига кўшиб фикрий ноаниқлик ҳолатига олиб келади: Масалан: Улар ичида **тарихчи, археолог, тупроқшунос, табиатшунос** ва **ишчилар** бор гапида **-лар** барча уюшиқ бўлакка хос деб ҳам, хос эмас деб ҳам ҳукм чиқариш мумкин.

Тил кишиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ифодалайди, улар учун мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади. [Маматов, 2014:5]. Уюшиқ бўлакларнинг айирувчи ва инкор боғловчилари ёрдамида бирикиши махсус услубий-экспрессив хусусият касб етмайди. Улар, асосан, объектив олам воқеа-ҳодисалари юзасидан ахборот бериш вазифасини бажаради. Бироқ уларнинг якка ҳолда қўлланиши айрим ўзига хосликка эга: **-ё [ёки]** такрор қўлланганда икки воқеа-ҳодисанинг бири рўй бериши қатъий бўлади, якка қўлланганда эса

эҳтимол тутилганлик оттенкаси ифода етилади. Қиёсланг: **Ё ўқийсан, ё кетасан** [иккидан бири] – **ўқийсан ё кетасан** [ҳар иккиси бўлиши ҳам мумкин]. Бу маънолар нутқ вазияти ва оҳанг билан қатъий боғлиқ. Шунга кўра такрор қўлланганда эҳтимоллик, якка қўлланганда қатъийлик акс етиши ҳам мумкин.

-«**ҳам**» юкламаси такрор қўлланса уюшувчилардан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Бунда «**ҳам**» ни уюшувчилардан олдин қўллаш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, «**ҳам**» нисбий боғловчи вазифасида келади. «**Ҳам** сўзи такрорланиб келганда икки хил маъно англатади: ҳам сўзи ўзи алоқадор сўздан кейин келса, айириб кўрсатиш, таъкидлаш, олдин келса, фақат таъкидлаш маънолари англашилади» [Шомақсудов, 1980:183].

Уюшиқ бўлақлар **-у [-ю], -да** юкламалари, шунингдек, «**балки**» сўзлари билан бирикиб келиши мумкин. Бу воситалар гапда махсус оттенка ифодалаб, нисбий боғловчи вазифасида келади:

а] **-у [-ю], -да** юкламалари ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг асл маъносини сақлайди ва ўша маъноси билан боғловчи вазифасини бажаради: ҳақиқат егилади-ю синмайди. Бу гапда **-ю** юкламаси, асосан, таъкидлаш вазифасидадир, зидлик маъноси эса уюшган лексемалар семантикасида келиб чиқади. Юклама лексема таркибидаги зидликни кучайтиради. Бу зидлик иккиламчи кучайтирилганда, уюшиқ бўлақ орасида юкламадан ташқари **лекин, бирок, аммо** боғловчилари ишлатилади. Лексемалар семантикасида зидлик бўлмаганда, **-у[ю]** мутлақо зидлик эмас, фақат таъкид, кучайтирув оттенкасини ифодалайди. Бу маъно учун **-да** юкламаси ҳам ишлатилади;

б] сўзловчи ўзи ифодаламоқчи бўлган воқеа-ҳодисанинг бирини қатъий инкор етганда [зид қўймайди] «**балки**» сўздан фойдаланади. Бунда «**балки**» сўзи «**аксинча**» сўзига синоним бўлади. Ой иситмайди, балки ёритади [Газ.].

Инкор муносабати «**эмас**» орқали ҳам ифодаланади. Бунда нисбий уюшиш рўй беради. «**Эмас**» нисбий боғловчилик ролини бажаради. Бунда ҳам қатъий инкор оттенкаси мавжуд: ...ўйлаш **эмас**, ишлаш кэрак каби.

Уюшиқ бўлакли тузилмаларда баъзан умумлаштирувчи сўзларнинг қўлланиши барча нутқ услубларида учрайди. Умумлаштирувчи сўзлар уюшиқ бўлақлар мазмунини лўнда ифодалашга, баъзан эса кучайтиришга, қисқаликка хизмат қилади.

Агар умумлаштирувчи сўзлар уюшиқ бўлақлардан олдин келса, сўзловчи асосий диққатни нарса-ҳодисанинг йирик, умумий томонига қаратади, кейин уюшиқ бўлақлар орқали уни деталлаштиради: **Қудратнинг икки ўртоғи**: Карим ва Рустам чиқиб келди [К.Н] Уни **барча**: Одил, Ҳалима, Назиралар кўриб чикди. [П.М.]

Агар умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин қўлланса, сўзловчи саналувчилар тури яна мавжудлигини назарда тутаяди, «гапни қисқа қилади», шу қисқаликда ўша турнинг барчаси мавжудлигини ифода этади: Кўрбошилар,

бойлар, савдогарлар – **барчаси** халқни талади.

Ундалмалар сўзлашув услубигагина хос бўлиб, бошқа нутқ услубларида шу услубнинг инъикоси сифатида ишлатилади. Бунинг сабаби шундаки, ундалма иштирок етган гапда, албатта, тингловчи бўлиши шартдир. Бу эса ундалмаларнинг тил ҳодисаси эмас, соф нутқ ҳодисаси эканини кўрсатади. Тилшуносликда унинг гапдан ажратилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Лекин ундалмани учинчи даражали бўлак [Р.Сайдуллаев] дэганда, унинг ана шу хусусияти ҳисобга олинмайди. Ундалма нутқ бўлагидир, нутқнинг реаллаштирувчи фаол, биринчи даражали бўлагидир. Гап эса бир бутун ҳолда нутқ бўлагидир.

Нутқ тил бойлигидан фойдаланиш жараёни ва шунда жараённинг ҳосиласи. [Холмонова, 2010: 67]. Ички нутқда ҳам тингловчи бўлиши шартлиги инкор етилмайди. Бунда сўзловчи ўзини ёки бошқа бировни хаёлан кўз ўнгида гавдалантириб, унга мурожаат этади ва шу йўл билан ички ҳис-туйғуларини, модал муносабатларини ифода этади.

Ундалмалар кўпроқ сўзлашув, бадий ва публицистик услубда ишлатилади, илмий, расмий иш услубида жуда кам учрайди. Инкор ва чақириқларда эса жуда кўп қўлланади.

Ундалмалар, асосан, шахс отлари ёки шахс билдирувчи сўз формалари орқали ифодаланиб, нутқнинг кимга тегишли эканини кўрсатишга, тингловчилар кўп бўлганда, улардан бирини ажратишга, якка бўлганда, унинг диққатини жалб етишга, гапнинг шу шахс учун муҳимлигини кўрсатишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ундалма ҳурмат ва маданий, мулойим муомала учун ҳам хизмат қилади. Нима дори ичаман, **доктор** гапида ундалма ҳурмат, мулойимлик оттенкасини ҳам ифода этади.

Ундалманинг ўрни сўзловчи фикр баёнида қайси бўлак [бўлаклар]га эътиборни тортиши билан боғлиқ: а) сўзловчи фикрнинг тўлалигича муҳимлигини назарда тутганда, ундалмани гап бошида қўллайди: **Опа**, мэнга Омонимни қўй. [Ҳ.О.] **Омон**, мэнга ўзингни англлат [Ҳ.О.] **Қулмат**, аравани қўш! [А.Қ.]; б) сўзловчи тема /берилган/ни биринчи ўринга қўйиб темани алоҳида таъкидламоқчи бўлганда, ундалмани гап ичида қўллайди: Мэнга, **опа**, Омонимни қўй (бунда гапнинг тема ва рема тузилиши ўзгаради). Биз, **ўртоқлар** ишларимизни қайта қуриб олишимиз кэрак [Газ.] Сўзла, сўзла, **кўзгужон**, ҳақиқатни эт баён! [Эртак]; в) сўзловчи фикрнинг кимга тааллуқли эканини еслатмоқчи, умуман таъкидламоқчи бўлганда, ундалмани гап охирида қўллайди: Бугун мэнга қарашиб юборсанг, **Отабек** [А.Қ.] Самоварни қўйиб юбор, **ўғлим!** Сэнга бир меҳримни бердим, лозазоримсан, **Ватан!** [У.]

Ундалмаларнинг услубий бўёғи ундалма бўлиб келган лексема семантикаси билан боғлиқ. Шахс билдирмайдиган ундалмаларнинг услубий бўёғи бадийлик билан изоҳланади ва, асосан, бадий адабиётда, гоҳо-гоҳо

сўзлашув услубида учрайди. Ўзбек тилида уюшиқ бўлақлар ва ундалмалар турли нутқ услубларида турлича услубий хусусиятларга эга бўлади.

Адабиётлар

1. Маматов А.Э. Тилнинг энг муҳим 100 та функцияси. – Тошкент: Баёз, 2014. 140 б.
2. Шомақсудов А., Расулов И, Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 183 б
3. Аминов М., Мадвалийев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Ўзбек тилида иш юритиш. –Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017. 148 б.
4. Холмонова З.Т. Тилшунослик назарияси. – Тошкент: ТДПУ, 2010. 115 б.

*Ғиёсов Н., дотсент
(Тоҷикистон)*

АНДЕШАҲО РОҶЕЪ БА ТАДВИНИ “ДОНИШНОМАИ КАМОЛИ ХУЧАНДӢ”

Бо вучуди рушди назария ва амалияи фарҳангшиносӣ дар аксари кишварҳои мутараққии дунё, аз ҷумла дар қаламрави забони тоҷикӣ (форсӣ) баробари шурӯъ ба тадвини фарҳангҳои ҷиддӣ захим даҳҳо масъалаҳои лексикографӣ рӯи қор меоянд ва ҳалли худро интизор мешаванд. Далели ин гуфта мушкилиҳои тадвини фарҳанги бисёрҷилда, мукамал ва муносири забони адабии тоҷикӣ (форсӣ) ва ҳам донишномаҳо, аз ҷумла “Донишномаи Камоли Хучандӣ” мебошад.

Агар сухан дар бораи фарҳангҳои тафсирии академӣ равад, маълум аст, ки мо бо сарчашмае қор дорем, ки аз он иттилоъ дар бораи истифода бурдан ё набурдани ин ё он вожаи забониро дар ягон ҳолат метавонем пайдо кунем. Аммо фарҳангҳои дигар ва, пеш аз ҳама, сифати доиратулмаорифӣ дошта барои мо кӯмак мекунанд, то дар бораи паҳлӯҳои гуногуни маънии ин вожа тасаввурот пайдо намоем.

Ин фарҳангҳо умумият доранд ва ин умумият дар он зоҳир мешавад, ки а) ҳамаи онҳо “фарҳанг” ё “луғат” ном доранд ва б) дар ҳамаи онҳо калимаҳои дар таркиби луғавии забон буда меҳвари асосӣ ё ҳадафи асосии ин навъи асар маҳсуб мешаванд.

Аз ин нуқтаи назар, масъалаи асосӣ дар тадвини ҷунин осор интихоби моддаҳои луғавӣ аз дохили садҳо ҳазор вожаҳои дар таркиби луғавии забон буда маҳсуб мешавад. Ин қори саҳл нест, зеро амалишавии он риояи ҳатмии яқчанд масъалаҳои муҳими назарияи лексикология ва лексикографияро, аз қабилӣ маъниҳои вожа ва истиҳдоми он, алоқаи он бо калимаҳои дигари ҳамон

забон, ки маҳз ба шарофати он ҳар як воҳиди луғавии забон дар ҳамон марҳала як низоми муайяно инъикос мекунад ва ҳамчунин шарҳи моддаҳои луғавии интихобшуда бо риояи таҳлили семантикӣ, грамматикӣ ва услубиро дар назар дорад.

Интихоби вожаҳо барои донишномаҳо ҳам мушкилиҳои худро дорад, зеро ба ин навъ фарҳангҳо беш аз ҳама исмҳои хос ворид карда мешавад. Чунонки маълум аст, исмҳои хосро дар фарҳангҳои тафсири ва дузабона роҳ намедиханд, зеро онро хос ба фарҳангҳои энциклопедӣ меҳисобанду ин вожаҳоро ори аз маъно медонанд. Мансубияти онҳо ба донишномаҳо ё фарҳангҳои энциклопедӣ қой ба баҳс надорад. Вале ақида дар бораи будани чунин калимаҳо асоси илмӣ надорад. Академик Л.В. Шерба ҳам бар ин ақида аст, ки чун ин вожа дар нутқи мо мавриди истифода қарор мегиранд, онҳо наметавонанд, ки холӣ аз маъно бошанд, вагарна барои қӣ мо онҳоро мавриди истифода қарор медиҳем. Аз ин рӯ, мо бояд онҳоро ҳамчун калима эътироф кунем, бо вучуди он ки дар ин маънӣ онҳо аз исмҳои чинс фарқи чиддӣ доранд. Академик Л.В. Шерба қавҳари ин проблемаро дар таъйини масъалаи “дар забон “маънӣ”-и исмҳои хос ба таври умум қӣ аст” мебинад (1, с.278).

Академик Л.В. Шерба таъкид мекунад, ки ҳамаи иттилооте, дар донишномаҳо барои тавзеҳи ин ё он исми хос оварда мешавад, ба ин, ба истилоҳи ӯ, “маънӣ” дохил намешавад. Ин иттилоъ, дар ниҳояти қор, набояд иттилои ба ҳамагон маълум бошад, вагарна зарурати тадвини чунин донишнома аз байн меравад. Аз ин қо, вазифаи донишнома дар ибтидо додани ҳадди ақалли маънии исмҳои хос мебошад, ки соҳиби забон бо тақя бар ин маълумот ин вожаро дар нутқи худ ва дар мавридҳои зарурӣ истифода барад. Ин маълумоти ҳадди ақал(л) ҳамон иттилоест, ки ба ин исми хос на маънои умумӣ ва алоқаманд ба ҳамаи мафҳумҳои ба он наздик, балки мутааллиқ маҳз ба ҳамин мафҳуми муайян дода метавонад. Барои аниқтар шудани ақидаи худ ӯ истилоҳи “файласуф”-ро мисол оварда таъкид мекунад, ки он метавонад маънии “ким-кадом файласуф”-ро дошта бошад, вале дар айни замон дар зери ин истилоҳ дар энциклопедияҳо файласуфи аниқ фаҳмида шавад (1, с.279). Аз ин рӯ, ба донишномаҳо бояд исмҳои хос, лақаб, унвонҳои ифтихорӣ, истилоҳҳо дохил шаванд.

“Донишномаи Камоли Хучандӣ”, ки имрӯзҳо бо қалби устодони ҳавзаҳои илмии Хучанду Душанбе ва бархе аз муҳаққиқони Шайх ва осори ӯ аз ҳавзаҳои дигари илмӣ тадвин шуда истодааст, истисно аз ин гуфтаҳо нест. Зиёда аз ду сол аст, ки бо ибтиқори Муассисаи давлатии “Маркази илмии Камоли Хучандӣ” қормандони ин марказ ва олимони дигар ба навиштани мақолаҳои энциклопедӣ машғуланд. Марказ ҳанӯз с.2018 “Номномаи “Донишномаи Камоли Хучандӣ””-ро дар нашриёти “Хуросон” ба қоп расонд, ки шомили 2884 моддаи луғавӣ дар 272 саҳифа буд. “Номнома” ба тамоми муассисаҳои илмӣ-

таълимии Вазорати маориф ва илми ҚТ, институтҳои илмӣ-тадқиқотии Академияи миллии илми ҚТ ва ба машхуртарин олимон, адабиётшиносон ва муҳаққиқони осори Камоли Хучандии Тоҷикистон ва, ба қадри имкон, берун аз марзи Тоҷикистон буда дастрас карда шуд. Ҳадаф аз ирсоли “Номнома”, пеш аз ҳама, баррасӣ намудани он аз ҷониби эшон ва ирсоли пешниҳод барои тақмили минбаъдаи донишнома ва, сониян, интихоб ва таҳияи мақолаҳо буд. “Номнома”, ба таври иҷмолӣ, хуш қабул шуд ва дар як муддат беш аз 200 номгӯӣ моддаи луғавӣ ба он илова карда шуд.

Ин ҳаҷм барои як донишномаи соҳавӣ қобили қабул аст ва агар дастандаркорони он воқеан ҳам дастури ба нақша гирифтаи худро дар амал татбиқ намоянд, кори бузург ва шоёни тақдиреро ба анҷом хоҳанд расонид. Барои қиёс метавон онро бо “Энциклопедияи советии тоҷик” метавон муқобала кард, ҳарчанд дуҷумлӣ на танҳо хусусияти милли, умумисоҳавии фароғири тамоми комёбиҳои халқи тоҷикро дар замони шӯравӣ ҷо дошт, балки, бино бар қайди сарредаксияи он, “хусусияти регионалӣ ва универсалӣ” дорад (2, Муқаддима). Маънии “регионалӣ ва универсалӣ”-ро ин ҷо бояд бо дарназардошти воқеаҳои сиёсӣ, иқтисодӣ-иҷтимоӣ ва таърихӣ-ҷуғрофӣ қарни ХХ фаҳмид. Ин буд, ки ин энциклопедия дар ибтидо дар 6 ҷилд бо шумули 35 ҳазор мақола ба нақша гирифта шуд (2, Муқаддима).

“Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик”, ки аз донишномаҳои соҳавӣ маҳсуб мешавад, дар се мучаллад ҷоп ва фароғири беш аз 9000 мақола аст (3, с.5). Аммо “Донишномаи Сомониён”, ки дар ду ҷилд аз ҷониби донишмандони Маркази пажӯҳиши тамаддуни давраи Сомониён дар солҳои 2008-2009 дар Хучанд ба таъб расид, тибқи ҳисоби эҳсоии банда, шомили 1544 мақола аст.

Унвони “Донишнома” гирифтани асар қобили таъкид ва тақдир аст. Дар хотир дорам, ки ҳангоми маҷлиси тантанавӣ бахшида ба супурдани Ифтихорномаи Анҷумани тоҷикони ҷаҳон ва “Ҷоизаи Манучехри Фарҳангӣ” (Испания) ва “Бунёди Рӯдакӣ” (Фаронса) ба ҳайъати таҳрири ин донишнома устои зиндаёди мо Муҳаммадҷони Шакурӣ дар баромади худ аз истифодаи вожаи “донишнома” дар унвони ин асар изҳори қаноатмандӣ намуда, пешниҳод намуда буданд, ки минбаъд ба ҷои истилоҳи “энциклопедия” вожаи “донишнома”-ро дар номгузори осори доиратулмаорифӣ мавриди истеъмол қарор диҳем. Зимнан, дар таҳияи номнома ва шарту усулҳои таҳияи мақолаҳо дар “Донишномаи Камоли Хучандӣ” бехтарин дастовардҳои “Донишномаи Сомониён” ба назари эътибор гирифта шуд.

Инак, муруре бар собиқаи камолшиносӣ, дастовардҳои назария ва таърихи адабиёти форсӣ-тоҷикӣ, таҳия ва ҷопи девонҳои Камоли Хучандӣ дар даҳсолаҳои охир дар Тоҷикистон, Эрон ва Русия, ҷамъоварии нусхаҳои қалами қадимтарин девони Камол аз кишварҳои гуногун дар Муассисаи давлатии Камоли Хучандӣ ва ҷопи интиқодии “Девон”-и Камоли Хучандӣ дар заминаи ин нусхаҳо, ҷопи силсилаи китобҳои камолшиносӣ, ба мисли “Камол дар оинаи

тазкираҳо”, “Камол дар оинаи пажӯҳиш”, “Камол – устоди бузурги суҳан”, нашри “Тазкираи шуарои Хучанд”-и Абдулманнони Насриддин, “Тазкират-ушшуаро”-и Давлатшоҳи Самарқандӣ, “Сафинату-л-авлиё”-и Муҳаммади Дорошукӯҳ ва кутуби дигар заминае мувофиқ барои таҳияи як асари чомаъ роҷеъ ба Камоли Хучандӣ, ки дар айни замон фарогири ҷанбаҳои мухталифи ҳаёти сиёсӣ, иқтисодӣ-иҷтимоӣ ва фарҳангии давраи моқабли шоир ва замони ӯ бошад, фароҳам омадааст.

“Донишномаи Камоли Хучандӣ” аз донишномаҳои мавзӯӣ ё соҳавӣ маҳсуб мешавад ва тамоми мавзӯҳои марбут ба Шайх Камол, зиндагӣ ва осори ӯ, вазъи адабӣ, улум, санъат, равияву ҷараёнҳои адабӣ, жанр, сабк, истилоҳот, образҳои барҷастаи адабиёти тоҷикӣ, минҷумла дар ашъори Камол буда, назария ва масоили умдаи адабиётшиносӣ, тазкираю рисолаҳо, таҳқиқоти роҷеъ ба паҳлӯҳои гуногуни осори Шайх Камол, фарҳангу қомусҳои адабӣ ва ғайраро фаро мегирад. Дар донишнома оид ба олимону адабиётшиносон, адибону мутарҷимон, шуарои дар пайравии Камоли Хучандӣ ғазал эҷод карда, ҳамасронӣ Камол ва дӯстону ҳаммаслакони ва муридони Шайх мақолаҳо дарҷ мешавад.

Калима – истилоҳҳое, ки дар ашъори Камол мавриди истифода қарор гирифтаанд, қисмати бузурги донишномаро ташкил медиҳанд. Аз нигоҳи назарияи забоншиносӣ калима ҷузъи мустақилу алоҳидаи низоми ифодаи фикр аст, ки мо ин низомро “забон” меномем. Ҳинест, ки мо калимаро аз ҷумла ё матн ҷудо мекунемо онро дар алоҳидагӣ шарҳу тавзеҳ медиҳем, мо эҳсос мекунем, ки он таровату нозукии худро гум мекунад ва дар шарҳу маънии он костагӣ эҳсос мешавад. Вазифаи шахсе, ки ин калимаро мавриди таҳқиқ ва шарҳ қарор додааст, дар баробари маънии муқаррарии ин калимаи дар фарҳангҳои тафсирии умумӣ ташреҳшуда, тобишҳои дигари онро дар алоқамандӣ бо Шайх Камол, диду тафаккур ва ҷаҳонбинии ӯ ва дар ниҳояти қор марому мақсади шоир бозгӯ намояд. Танҳо дар ин сурат ин калимаҳо-истилоҳҳо ҳуқуқи дохил шудан ба донишномаро доранд. Аз ҷониби дигар, маҳз ҳамин гуна тақсимбандӣ ё дастҷамъии гурӯҳи калимаҳо ва на дар асоси алоқаи лексикӣ-семантикии калимаҳо, балки дар заминаи таснифоти худӣ ашъё ё ҳодисаҳо суратгирифтаҳо, ба қавли акад. Ф.П. Филин, метавон “гурӯҳҳои мавзӯии фарҳанг” номид (5, с. 231).

Дар “Донишномаи Камоли Хучандӣ” кӯшиш ба харҷ рафтааст, ки ҳаҷми мақолаҳо мутаносиб ба аҳамияти мавзӯи онҳо дар рӯзгор ва эҷодиёти Шайхи Хучанд бошад ва дар баробари ин, то ҳадде, ки имкон дорад, таносуби ҳаҷми мақолаҳо риоя карда шавад. Бо вучуди ин, маълумотест, ки бевосита ба худӣ Камоли Хучандӣ, ашъори ӯ, нусхаҳои қаламии девони шоир, чанде аз шоирон, адибон ва донишмандони давраи Камоли Хучандӣ ва ҳамчунин марказҳои муҳими сиёсӣ фарҳангии он давра, аз қабилӣ Хучанд, Самарқанд, Табрез, Сарой ва ғайра дар “Донишнома” аз лиҳози ҳаҷм имтиёз пайдо кардаанд. Дар

назар аст, ки донишнома дар ду чилд ба таъб мерасад. Азбаски ҳаҷми аксари мақолаҳои донишнома, ба ҳар ойин, то андозае хурд мебошад, барои иттилоӣ бештар ёфтани хонандагон дар аксар мақолаҳо феҳристи маъхазҳо дода мешавад. Зимнан, ба камина муяссар шуда буд, ки ду маротиба зимни сафари корӣ ба Ҷумҳурии Ислонии Эрон бо чараёни кори мутахассисон дар Маркази доиратулмаорифи бузурги исломӣ ошно шавам. Якчанд таҷрибаи мусбат ва қобили қабули эшон дар зехнам нақш бастааст, ки яке дахл ба маъхазҳои мақола дорад. Марказ масъулияти ҷамъоварии тамоми маводи марбут ба мавзӯи мақоларо бар зимма доштааст ва на танҳо дар тамоми Эрон китобу мақолаҳои чопшударо ҷамъ менамудааст, балки дар тамоми марказҳои илмию таълимии саросари дунё ва бо забонҳои гуногун таҳияшударо дастҷамъ ва тарҷума намуда, дастраси ҳамон муҳаққиқе мекардааст, ки дасти қавӣ ва таҷрибаи корӣ дар ин ришта ё мавзӯъ, қатъи назар аз он ки дар кадом ғӯшаи Эрон кор мекунад, дошта бошад.

Таълифи “Донишномаи Камоли Хучандӣ” ҳам кори муштараку дастҷамъӣ асту дар тайёр кардани он олимону мутахассисони муассисаҳои илмии Ҷумҳурии Тоҷикистон, донишгоҳу донишкадаҳои олий ва иттиҳодияҳои эҷодӣ, мутахассисони ҷудогонаи илму фарҳанги дарунмарзиви берунмарзӣ бояд иштирок кунанд. Зимнан, дар таҳияи мақолаҳои ҷудогонаи донишнома, ки ба чоп омода шудааст, олимони шинохта, ба мисли Б.Мақсудов, М.Нарзикул, У.Тоиров, А.Ҳейзер, Л.Бойматов, С.Шербоев аз Душанбе ва хориҷи кишвар ва аз ҳавзаи илмии Хучанд М.Мирзоюнус, Ф.Насриддинов, У.Ғаффорова, З.Ғаффорова, Н.Ғиёсов, Н.Нуров, С.Аъзамзод, М.Ўрунова, С.Саидов, М.Тиллоҳӯчаева, Ш.Пӯлотова, Р.Исломов, М.Мавлонова, С.Азизов, Р.Аминҷонова, Ф.Бобоева ва дигарон иштироки ғаёбдоранд.

Бо вучуди ҳамаи ин, бори асосӣ бар дӯши кормандони Муассисаи давлатии “Маркази илмии Камоли Хучандӣ”, ба мисли Б.Раҳматов, И.Шехимов, О.Оқилов, А.Ғафуров, Ш.Олимова, Ф.Қодирова, С.Ҳакимова, З.Юсупов, А.Ҳочибоев аст ва аз нисф зиёди мақолаҳои таҳияшуда ба қалами эшон тааллуқ дорад.

Дар айни замон зиёда аз 500 адад мақола ба чоп омода шудааст ва тақрибан 100 мақолаи дигар дар марҳалаи таҳриру тасҳеҳ қарор доранд.

Умедворем, ки баъди конфронси байналмилалӣ муҳаққиқони дигар ҳам аз хориҷу дохили кишвар дар ин кори хайр саҳм мегиранд.

Адабиётҳо

1. Шерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л-д: Наука, 1974.
2. Энциклопедияи советии тоҷик. Сармуҳаррири илмӣ М.Осимӣ. Ҷ.1. – Душанбе: СИЭСТ, 1978.
3. Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Ҷ.1. – Душанбе: СИЭСТ, 1988.

5. Донишномаи Сомониён. Ҳайъати таҳрир Н.Салимов, Н.Зоҳидов, А.Ҳасанов, Н.Ғиёсов. Ҷ.1.– Хучанд: Нури маърифат, 2008; Ҷ.2.–2009.
6. Филин Ф.П. Очерки по теории языкознания.– М.: Наука, 1982

*Ганиева Ш., катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон)*

ТУРҒУН БИРИКМАЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ ТЎҒРИСИДА

Одатда, сўз бирикмалари ҳоким сўзнинг воқеланишини тўлдириш асосида нутқий жараёнда ҳосил қилинади. Лекин айрим бирикмалар борки, улар барқарорлашиб, таркибий қимлари яхлитланиб қолади ва бу яхлитланган бирлик нутққа тайёр ҳолда олиб кирилади. Шунга кўра, бирикмалар эркин ва турғун бирикмаларга бўлинади.

Таркибидаги мустақил сўзлар ўз лексик маъносини ва синтактик алоқасини сақлаган ва ҳар бир сўзловчи томонидан нутқ жараёнида муайян бир тилнинг синтактик қолиплари асосида янгитдан яратилган бирликлар эркин бирикма, таркибидаги сўзларнинг боғланиши яхлитланган ва нутққа сўзловчи томонидан тайёр ҳолда олиб кирилувчи бирикмалар турғун бирикмалар ҳисобланади.

Демак, эркин ва турғун бирикмаларнинг дифференциал белгиси “тайёрлик” ёки “барқарорлик” белгисидир. Бу белгига кўра оппозицияга киришувчи сўз бирикмасининг турғун бирикма аъзоси кучли, маркерланган, эркин аъзоси эса кучсиз, маркерланмаган аъзо ҳисобланади.

Турғун бирикмаларнинг барчаси, демак, “тайёрлик” белгиси билан бир бутунликни ҳосил қилади. “Тайёрлик”, “барқарорлик” белгисининг маъноси шундаки, бу бирикмалар сўзловчи шахс нутқига қадар тилда тайёр ҳолда олдиндан бириккан, яхлитланган бўлади. “Барқарорлик” белгиси эса таркибий қисмларининг доимийлигига ишора қилади.

Турғун бирикмалар “тайёрлик”, “барқарорлик” белгиларига кўра умумийликни ҳосил қилса ҳам, ўз ичида маълум дифференциал белгиларига кўра фарқланади. Демак, ана шу белгилар асосида кичик гуруҳларга бўлинади. Кўринадикки, “турғунлик”, “барқарорлик” белгилари турғун бирикмаларнинг бирлаштирувчи, интеграл белгиси бўлиб хизмат қилади.

Турғун бирикмалар шу кунга қадар турли муаллифлар томонидан турлича номланиб келмоқда. Жумладан, “Лингвистик энциклопедик луғат”да бундай бирикмаларнинг барчаси “фразеологизм” атамаси остида ифодалангани ҳолда, идиомалар, мақол ва маталлар; қанотли сўзлар, афоризмлар; *Ишлар қандай? Кайфиятлар яхшими?* сингари штамплар унинг таркибига киритилади. Фразеологизмнинг муҳим ва универсал белгиси сифатида “мазмуний транспозиция”, “турғунлик” ва “тайёрлик” белгилари эътироф этилади. [3,559].

Бошқа адабиётларда фразеологизм атамасининг мундарижаси торайтирилади ва турғун бирикмаларнинг барчаси учун эмас, балки унинг бир

тури учун қўлланилади. Хусусан, Ш.Раҳматуллаевнинг қуйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: “Биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка фразеологизм (фразеологик бирлик) дейилади”. [5,56]

А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” китобида фразеологизмга шундай таъриф берилади: “Тузилиш жиҳатдан сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ процессида яратилмай, балки нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури”. [9,104]

Таърифдаги охириги жумла турғун бирикмаларнинг кўчма маънога эга бўлган туринигина фразеологизм таркибига киритишга ишора қилади.

Бу ҳақда Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловлар қуйидагича ёзадилар: “Фразеологиянинг ўрганиш объектини тор маънода тушунувчилар фразеологик ибораларни мақол ва маталлардан ажратиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, бир-биридан фарқини илмий жиҳатдан изоҳламоқдалар”. [1,10]

Фразеологизмларни бундай тушуниш тарафдорлари барча турғун бирикмалар учун *парема* атамасини ҳам тавсия этадилар. Бундай вақтда *парема* барча турғун бирикмаларни ўз ичига олади. Фразеологизм паремаларнинг бир тури сифатида талқин қилинади. Хусусан, Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловлар паремаларни ўрганувчи паремиология ва фразеологизмларни ўрганувчи фразеологияни бир-биридан фарқлаган ҳолда, паремиология фразеология билан узвий боғлиқ эканини, “паремиология тилда турли характердаги барча фразеологизмларни ўрганса, фразеология унинг бир қисми сифатида фақат кўчма маъноли турғун бирикмаларни ўрганиши”ни таъкидлайдилар. [1,10]

Бундай ҳолатда парема ва фразеологизм ўртасида гипо-гиперонимик муносабат бўлиб, парема гипероним, фразеологизм эса гипоним мақомида бўлади. Бу икки бирлик ўртасидаги фарқловчи белги сифатида “гипо-гиперонимлик” белгисидан ташқари “семантик транспозитивлик” белгиси хизмат қилади. “Семантик транспозитивлик” белгисига кўра парема ва фразеологизм ўзаро приватив оппозицияга киришади. Зидланувчи аъзолар жуфтлигида чап аъзони ташкил қилган парема бу белгига нисбатан кучсиз, маркерланмаган, ўнг аъзони ташкил қилган фразеологизмлар эса кучли, маркерланган аъзо саналади.

Турғун бирикмалар бутунлик сифатида дастлаб парема ва фразеологизмларга бўлиниш билан чекланиб қолмайди, бу ҳар икки турнинг ўзи ички бўлиниш хусусиятига эга. Жумладан, бир неча турдаги турғун бирикмаларни ўз ичига олади. Хусусан, паремиологик луғат муаллифлари паремиологик бирликлар қаторига мақоллар, маталлар, афоризмларни

қўшадилар. [1,11-12] Демак, бу муаллифлар мақол, матал ва афоризмларни маълум интеграл белги асосида бир синфга, бир парадигмага бирлашган ва айна пайтда, муайян дифференциал белгилар асосида фарқланувчи алоҳида-алоҳида бирликлар сифатида эътироф этадилар.

Айрим муаллифлар эса мақол, матал ва афоризмлар бир ҳодисанинг турли номлари эканлигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг алоҳида бирликлар эканлигини инкор қиладилар. Масалан, академик Ш.Шоабдурахмоновнинг “Ўзбек халқ мақоллари” китобига ёзган сўзбошисида куйидагиларни ўқиймиз: “Мақоллар матал, масал, ҳикмат, ҳикматли сўз, оталар сўзи, зарбулмасал каби бир қанча шаклларда учраса ҳам, ҳозирги ўзбек тилида мақол шаклида мустаҳкамланган”. [8,5]

Юқоридагилардан кўринадики, муаллиф мақол, матал ва афоризмларни битта ҳодиса сифатида тушунади ва уларнинг ўзига хос белгиларига эътибор қаратмайди.

Ғ.Саломов мақол ва маталларни бир-биридан фарқлар экан: “Матал нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг ишлатиладиган фразеологизм ва нутқ оборотларидир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди”, - деб таъкидлайди. [6,258] Муаллиф идиомани бўлақларга ажралмайдиган, кўчма маъно англлатувчи барқарор сўз бирикмаси ҳисоблайди. [6,263] Олим мақол, матал, идиомани ўзаро фарқлагани ҳолда, уларнинг барчасини фразеологизм таркибига киритади. [7,118]

Профессор Абдимурод Маматов фразеологияни “кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғрилигини, уни битта маънода тушуниш зарурлигини қайд қилади. Унингча, фразеологизмлар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъи назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун бирликлар фразеологик бирликлар таркибига киритилиши шарт. [4,212]

Ҳозирги кунда жуда кўп муаллифлар уларнинг ҳар қайсисига хос фарқли белгиларни эътироф этадилар ва алоҳида-алоҳида бирликлар эканлигини таъкидлайдилар. Демак, мақол, матал ва ҳикматли сўз, яъни афоризмлар паремаларнинг таркибий қисмлари сифатида эътироф этилади. Уларнинг бирлаштирувчи белгилари сифатида “барқарорлик”, “тайёрлик”, “семантик транспозиция” белгилари кўрсатилади. Агар шу уч белги паремаларнинг муҳим белгилари ҳисобланиб, бу белгилар парадигма ҳосил қилувчи белгилар бўлса, у вақтда паремалар парадигмасига топишмоқларни ҳам қўшиш керак бўлади. [2,36] Чунки топишмоқлар ҳам паремалар парадигмасини ҳосил қилувчи юқоридаги уч белгини ўзида мужассам этади. Масалан, *Қозиқ устида қор турмас, Ўзи битта, кўзи мингта* сингари бирикмалар таркибий қисмларининг

барқарорлиги, нутққа сўзловчи томонидан тайёр ҳолда олиб кирилиши белгиларига кўра турғун бирикмалар билан умумийликни ҳосил қилади. Ана шу интеграл белгиларига кўра топишмоқларни ҳам турғун бирикмалар қаторига қўшсак, у ҳолда паремалар таркиби мақол, матал, ҳикматли сўз ва топишмоқлардан ташкил топади.

Бу бирликлар юқорида кўрсатилган уч белги асосида бир парадигмани ҳосил қилса ҳам, лекин парадигманинг ҳар бир аъзоси бир-биридан маълум дифференциал белгилар билан фарқланади. Шунинг учун ҳам паремалар системасида мустақил, алоҳида-алоҳида бирликлар сифатида яшаш ҳуқуқига эга бўлади.

Адабиётлар


1. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. Тошкент, 1982.
2. Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. Тошкент: Фан, 2013.
3. Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990.
4. Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991.
5. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970.
6. Саломов Ғ. Тил ва таржима. Тошкент: Фан, 1966.
7. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
8. Шоабдурахмонов Ш. Халқ донолиги// Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент: Фан, 1984.
9. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1985.

*Газиева М.,доцент
(Ўзбекистон)*

ГАПНИНГ КОММУНИКАТИВ ТИПЛАРИ ВА НУТҚИЙ АКТЛАР


Нутқ структурасида ифодаланган оҳанг орқали турлича нутқий актлар ифодаланади. Интонациянинг санаб ўтилган барча компонентлари нутқда нутқий актларни ифодалаш орқали прагматик функция бажаради. Гапнинг ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ каби турларга бўлинади, нутқий актлар эса мазкур турлар асосида шаклланади. Масалан, “*Бу ошнинг эгаси бор*” жумласида хабар нутқий акти ифодаланган бўлиб, ушбу акт турини шакллантириш учун интонациянинг етакчи компоненти ҳисобланган мелодиканинг пасаювчи оҳанги қўлланилган. Қуйидаги диаграммада хабар акти дарак гап модели асосида шаклланганлигини кўриш мумкин (38-диаграмма).

38-диаграмма




39-диаграммада берилган “Бу нима деганинг?” сўроқ гапи орқали сўроқ нутқий акти ифодаланади. Жумлада асосий тон частотасининг ўзгариши 213 гц дан бошланиб, 618 гц гача кўтарилади ва 197 гц билан яқунланади. Ифода кўтарилиб пасаяувчи оҳанг моделидан иборат. Бу кўтарилиб пасаяувчи грамматик модель тил назариясида сўроқ гаплар модели сифатида эътироф этилган.

39-диаграмма




Сўроқ гап 618 гц дан иборат асосий тон частотасидаги мелодик чўққини ташкил қилмоқда. Сўроқ оҳанги юқори бўлгани учун унда ажабланиш нутқий акти ҳам ифодаланган. Диаграммада мелодик чўққининг меъёрдан ортиқлиги ажабланиш нутқий актининг илмий асоси ҳисобланади. Шунингдек, замонавий дастурда мелодиканинг ҳаракатланиши фақат 500 герцгача ифодаланади. Мулоқот жараёнида ажабланиш, ҳайрат каби нутқий актлар 500 гц дан юқори микдорда ифодалангани учун ҳам таҳлил учун олинган гапнинг нима бўлаги мелодик ҳаракат диаграммасида ифодаланмаган. Чунки нима бўлаги 618 гц баландликдаги кўтарилувчи оҳангда талаффуз қилинган (32-расм).

32-расм



“Унда мени хонамга опчикиб кўйинг.” гапи учун берилган диаграммада асосий тон частотаси 281 гц дан 222 гц гача ўзгаришдаги мелодик ҳаракатни ташкил этади. Бу гапда таклиф нутқий акти ифодаланган (40-диаграмма).




Кўринадики, интонация компонентлари гапнинг коммуникатив типларини шакллантириб, унинг мазмуний структурасига ўз таъсирини кўрсатади. Асосий овоз тони частотасининг ўзгариши герц акустик параметрида тебранишнинг ҳаракатини ифодалайди. Мелодик ҳаракатдаги частота миқдори нутқий актларнинг ифодаланишида рақамли кўрсаткичлар билан текис, кўтарилувчи, пасаювчи оҳанглارни юзага чиқаради. Урғуда етакчи ҳисобланган интенсив чўкки нейтрал ва экспрессив нутқий актларни фарқлаш учун хизмат қилади.

Мулоқот жараёнида интонация компонентлари нутқий актларни фарқловчи асосий восита бўлиб, иллокутив актнинг юзага келишини таъминлайди. Бу актларнинг фарқланиши жонли нутқнинг муҳим белгиси

саналиб, интонация нутқда таъсирчанлик, ифодавийлик ва образлиликни юзага чиқариш учун хизмат қилади.

Нутқий интонация фраза қисмларининг яхлит ҳолга келишини таъминлайди ва мазмунни фарқловчи восита саналиб, тилнинг белгиларини мақсадли ва тўғри қўлланилишига ёрдам беради (Базарбаева, 2015: 116). Бу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, фраза қисмларининг яхлитлиги интонацион структурага боғлиқ. Шунинг учун ҳам икки ва ундан ортиқ сўзларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан шаклланишида интонация ҳам иштирок этади. Агар предикатив бирликнинг грамматик асосини шахс, замон, модаллик ташкил этадиган бўлса, бу грамматик компонентларнинг барчасида интонацион структуранинг элементлари тўлиқ иштирок этади. Бу эса, бир жиҳатдан гапнинг грамматик асосини ва иккинчи томондан, унинг семантик структурасини кўрсатиш учун хизмат қилади. Кўринадики, оғзаки нутққа хос бўлган интонация ва унинг бирликлари суперсегмент восита бўлишига қарамасдан, семантик, синтактик ва стилистик функцияларни бажариш учун хосланади. Шунингдек, эмоционаллик, экспрессивликнинг ифодаланиши учун асосий овоз тонининг ҳаракати ўзгаради, натижада нутқий жараёнда норозилик, эътироз, ундаш, таҳдид каби актлар юзага келади. *“Ажралишига мажбур бўлган эр-хотин судда бир-бирларига шунақанги ёмон гапларни гапиришадими!”* нутқ парчасининг экспериментал-фонетик тажрибада олинган тасвир ва микдорий характеристикаси орқали буни кўриш мумкин (33-расм).

33-расм



Ушбу расмда нутқ парчасининг акустик параметрлари берилган бўлиб, уларнинг мелодик ҳамда интензив ҳаракати рақамлар билан кўрсатилган.


Қуйида берилган диаграммада эса жумладаги сўзларнинг позицияси акс этган. Нутқ парчаси дарак гапнинг коммуникатив типига оид бўлиб, унда

мелодик ҳаракат тасвири кўтарилиб-пасаювчи оҳанг билан берилган. Тасвирдаги мелодик диапазон 396.6 гц дан бошланиб, 317 гц билан яқунланган. Нутқ таркибидаги сўзларнинг мелодик позицияси уларнинг сўзловчи назарда тутган оҳангига кўра жойлаштирилган. Бунда ахборотнинг муҳимлик даражасини ажратувчи мантиқий урғу олаётган *ёмон гапларни* бўлаги мелодик чўққи позициясида жойлашган. Бу эса ифоданинг мазмуний структурасидаги пропозициялар ранг-баранглигини кўрсатади (41-диаграмма).

41-диаграмма



42-диаграмма



42-диаграммада “*Ажралишга мажбур бўлган эр-хотин судда бир-бирларига шунақанги ёмон гапларни гапиришадими!*” жумласининг интенсив ҳаракат кўрсаткичлари берилган.

Ушбу диаграммада нутқ талаффузидаги интенсив ҳаракати берилган бўлиб, бу ҳаракатнинг акустик белгилари 71 дб дан 85.62 дб гача бўлган параметрлардан иборатдир. Нутқнинг интенсив ҳаракатида бундай юқори акустик параметрларнинг мавжудлиги сўзловчининг кайфияти паст, бўлиб ўтаётган ҳодисаларга эътирозли, кўз ўнгида рўй бераётган воқеалардан норозилигини билдиради. Шунинг учун ҳам нутқнинг интенсивлигини кўрсатувчи акустик параметрлар 80 дб юқори кўрсаткичларда норозилик нутқий актини юзага келганлигидан далолат беради.

Юқорида ўтказилган экспериментал-фонетик кузатишлар натижасида қуйидаги хулосаларни алоҳида қайд этиш керак бўлади. Жумладан, интонация ўзининг коммуникатив аспектида қуйидаги хусусиятларга эга: у нутқнинг таркибий қисмларга, масалан, гапларга бўлинишида асосий восита саналади. Бу, айниқса, талаффуз жараёнида муҳим ўрин тутди. Интонация гапнинг коммуникатив типларини фарқлашда иштирок этади ва маълум грамматик моделлар асосида интонацион моделларни ҳосил қилади. Интонация мантиқий урғу ёрдамида гапнинг актуал бўлиниши билан боғланади ва гап структурасидаги тема, рема каби қисмларни фарқлаш учун хизмат қилади. Интонация гап таркибидаги синтагмаларни ажратувчи восита саналади. У фонетик-фонологик сатҳ бирлиги саналса-да, тилнинг юқори сатҳ бирликлари структурасида нутқий актларни ҳосил қилувчи восита вазифасини бажаради. Шунинг учун илмий адабиётларда фонетиканинг интонация билан боғлиқ соҳасига нисбатан “синтактик фонетика” деган термин қўлланилади. Демак, интонация фақатгина фонетик сатҳга тегишли бўлмай, у семантик, синтактик ва стилистик сатҳда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Базарбаева З.М. Исследование интонации в прагмалингвистическом аспекте // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – № 3, 2015. – С. 116.
2. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари – Тошкент: Академнашр, 2013. – 176 б.
3. Ниёзов Д. Дарак гаплар интонацияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1968, 5-сон. – Б. 64-67.
4. Лингвистический энциклопедический словарь – Москва: Сов. энциклопедия, 1990. – 685 с.

*Ганиева Д., доцент
(Ўзбекистон)*

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА СИФАТДОШ ШАКЛЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Сифатдош шакллариининг нутқ жараёнида турлича мазмун ифодалаши, уларнинг синкретик табиати ва полифункционал хусусиятлари тўғрисида илмий адабиётларда хилма-хил қарашлар мавжуд. Инглиз тилшуноси Д.Кристалль сифатдошни қуйидагича таърифлайди: “фёьлдан ясалган ва сифат каби қўлланувчи сўзни ифодаловчи анъанавий грамматик атама”[1,351]. “Лингвистический энциклопедический словарь” мазкур атамани қуйидагича талқин этади: “(шахс, предмет) номининг белгисини ҳаракат билан боғланган ва атрибут сифатида ишлатилувчи фёьлнинг нофинит шакли” [4,399].

Ўзбек тилшунос олими Б.Менглиевнинг фикрича, сифатдошнинг вазифаси “фёьлни отга (қисман фёьлга) боғлаш ва унга сифатлик белгисини

бериш” бўлиб, унинг шакллари ўзаро замон категорияси маънолари асосида зидланади” [5,19]. Ш.Раҳматуллаев таърифи билан айтганда, сифатдош феъл англатадиган ҳаракат-ҳолатни предметнинг белгиси сифатида (сифатдан фарқли ҳолда актив белгиси сифатида) тақдим қилади[6,192].

Инглиз тилида сифатдошнинг икки шакли – ҳозирги замон сифатдоши ва ўтган замон сифатдоши сифатида ажратилади. Шунингдек, инглиз тилида аниқ (оддий) нисбатдаги ва мажхул сифатдошлар ажратилади[2,151].

Ўзбек тилида сифатдош шаклларнинг турларини ажратиш бўйича турли қарашлар мавжуд. Жумладан, 1973 йилда чоп этилган А.Ҳожиёвнинг “Феъл” номли китобида бу ҳақда бир қанча қарашлар илгари сурилган. Унда келтирилишича, айрим ишларда сифатдошларнинг уч хил замон шаклига эгаллиги ва ўтган замон шакли –*ган* аффикси орқали, ҳозирги замон сифатдоши –*ётган*, –*гувчи* аффикслари орқали, келаси замон сифатдоши эса –*диган*, –(*а*)/*р* аффикслари орқали ясалади, деб ҳисобланади. Айрим ишларда эса сифатдош шакллари замон ифодалашини нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратилмай, сифатдошларнинг қандай турлари борлиги ва уларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Ш.Раҳматуллаевнинг 2010 йилда чоп этилган “Ҳозирги адабий ўзбек тили” китобида –*ган* аффикси ҳаракатни ўтган замонда воқе бўлган белги сифатида, –*ётган* аффикси ҳаракатни ҳозирги замонда воқе бўлаётган белги сифатида ва –*диган* аффикси ҳаракатни келаси замонда воқе бўладиган белги сифатида ифодалашини таъкидланади. Шунингдек, олим –*ётган* ва –*диган* аффиксларининг қай тарзда келиб чиққанини баён этади: “Ушбу кўшма аффикс асли *ёт-* феълнинг –*ган* аффикси билан ясалган сифатдош шаклига тенг бўлиб, кейинчалик мазмунан ва шаклан яхлитланиб, аффиксга айланган. Қиёс қилинг: 1) *олма тишлаб ётган бола-*, 2) *олма тишлай ётган бола-*. Бу бирикмаларда икки мустақил феъл ўзаро –*б* равишдош шаклида ва –*а/-й* равишдош шаклида боғланган. Кейинчалик –*б* равишдоши қатнашган бирикма ўзича сақланган, –*а/-й* равишдоши қатнашган бирикмада жиддий ўзгариш воқе бўлган: *ёт-* феъли мустақил лексик маъно англатишдан “ҳозирги” каби грамматик маънони ифодаловчи аффиксоид ҳолатига ўтган, натижада –*ган* аффикси билан яхлитланиб, кўшма аффикс юзага келган” [6,192]. Худди шу ҳолат ҳаракат келаси замонда воқе бўладиган белги сифатида ифодаланадиган –*диган* аффиксида ҳам таҳлил этилган[6,193].

Инглиз тилида сифатдошлар биринчи сифатдош ва иккинчи сифатдош ёки ҳозирги замон сифатдоши ва ўтган замон сифатдоши тарзидаги турларга ажратилади. Лекин инглиз тили бўйича тадқиқотлар ўтказган тилшунослар Б.Комри ва С.Томпсон феълларнинг ҳар қандай нофинит шаклида замон мутлақ эмас, балки нисбий бўлишини таъкидлаганлар[2,347].

Ҳақиқатан ҳам сифатдошлардаги замон нисбий бўлиб, у гапдаги предикатнинг замонига нисбатан олинади. Предикати ўтган замонда бўлган гапда ўтган замон сифатдоши ҳам, ҳозирги замон сифатдоши ҳам, келаси замон

сифатдоши ҳам қўлланиши мумкин. Предикатив функция учун хосланган феъл ҳозирги замонда қўлланган бўлса ҳам, ҳар учала замон сифатдоши ишлатилиши мумкин. Ёки кесим келаси замондаги феъл билан ифодаланган бўлса ҳам, худди шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Сифатдош гапда аниқловчи вазифасида келади: “Феълнинг сифатдош шакли сифатловчи вазифасига хосланган лексемашакл бўлиб, от лексемага боғланади” [6,25]; “Сифатдошлар сифатлар каби вазифани бажаради, яъни ўзлари боғланган ҳоким сўз вазифасида келган отни аниқлаштириб келади” [2,153].

Шунингдек, сифатдош ҳақида гапирилганда, баъзи Ғарб илмий адабиётларида уларни равишдош атамаси ўрнида ҳам ишлатилади [2,153], чунки сифатдошлар ҳол вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган сифатдошларга хос бўлган замон, предметнинг белгиси, баъзан ҳаракатнинг белгиси семаларининг қоришиқлиги, синкретиклиги улардаги полисемияга ва полифункционалликка сабаб бўлади.

Шунингдек, *-ing* қўшимчаси билан ясалган сифатдош идрок қилиш феъллари ҳисобланган *see, hear, feel, listen to, look at, notice, observe, overhear, perceive, smell, spot, watch* феъллари билан бирга келиб, идрок этилган ҳаракатни билдиради:

*And she was afterwards seen **walking** into Hyde Park in company with Flora Millar.* (А.К.Дойл)

*Mr. Collins, however, was not discouraged from speaking again, and Mr. Darcy's contempt seemed abundantly **increasing** with the length of his second speech* (Ж.Остин)

*P. Dunne, railway porter, stated that as the train was about to start he observed a woman **attempting** to cross the lines.* (Ж.Жойс)

-ing қўшимчаси билан ясалган сифатдош маъно ва функция жиҳатидан ўта қоришиқ бўлиб, баъзи вазифаларига кўра ярим герундий ёки боғланмаган сифатдош деган турларга ажратилади.

Шунингдек, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инглиз тилида равишдош функциясини ҳам сифатдош шакллари бажаради [2,153]. Бу ҳақда турлича қарашлар мавжуд бўлиб, кўпгина адабиётларда ва инглиз тилини ўргатувчи интернет сайтларида қуйидаги каби ҳолатларда ишлатилган *-ing* қўшимчали сўз сифатдош деб юритилади:

*“Yes,” he continued, **glancing** out of the window* (А.К.Дойл).

Юқоридаги биринчи гапда *glancing* сифатдош шакли гапнинг эгаси бўлган *he* сўзи билан боғланган ва шунинг учун у сифатдош деб ҳисобланади, деган ҳукм берилади. Бунга қарама-қарши ўлароқ, равишдош шакллари мавжуд бўлган тилларда бу гапдаги *-ing* қўшимчали сўзни ҳаракатнинг белгисини билдиради деб ҳисобланади. Буни худди шу гапнинг ўзбекча эквиваленти мисолида тушуниш мумкин:

“Ҳа”, деразадан ташқарига қараганча давом этди у.

Бунга ўхшаш ҳолатни интернет сайтлари мақолаларида таъкидланган ҳаракат феълларидан кейин келган *-ing* кўшимчали сўзни сифатдош деб юритилишида ҳам кўриш мумкин:

She sat looking at the sea.

He walks reading his newspaper.

The woman ran screaming down the street.

Сифатдошнинг яна бир шакли тўғри феълларда *-ed* кўшимчаси билан, нотўғри феълларда улар ўзагининг ўзгариши билан ҳосил қилинади. Шунинг учун ушбу сифатдош турини умумий тарзда ўтган замон сифатдоши деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Crystal D. *A dictionary of linguistics and phonetics*. Oxford: Blackwell Publishing, 2008. (fifth edition).
2. Haspelmath, M/ passive participles across languages. In *Typological studies in language*.
3. Comrie B., Thompson S. Lexical Nominalization. In *Language typology and syntactic description*. Cambridge: Cambridge University Press. 2007.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. Москва: СЭ, 1990.
5. Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996.
6. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. Тошкент: Mumtoz so'z, 2010.

Дарвишова М., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Ўткир Ҳошимов асарлари мисолида)

Нутқ маданияти умумий халқ маданиятининг бир қисми ва бошқа маданий соҳаларнинг ўсишга таъсир этувчи муҳим омилдир. Демак, маданиятли сўзлай билиш ҳам фикрни аниқ, равон, образли баён этиш, киши ҳаяжонини кўзгата билиш асосида келиб чиқади.

Уюшиқ бўлақлар стилистикада тасвирий воситалар гуруҳига киради. Бундай бўлақлар ёрдамида умумий тасвирларнинг деталлари, персонажларнинг ҳаракат динамикаси, воқелик тасвирланади. Ўткир Ҳошимов асарлари тилида услубий вазифа бажаришга хизмат қилувчи уюшиқ бўлақлар асарнинг ўзига хослигини, мавқеини белгиловчи энг муҳим воситалардан бири саналади.

Одатда, гапларда бирдан ортиқ синтактик жиҳатдан тенг бўлақ кетма-кет келиши мумкин. Бундай бўлақлар бир-бирдан тўхтаб билан ажралиб, санаш

оҳангида айтилади. Бадиий услубдаги нутқда эса уюшиқ бўлақлари табиат манзараси, вазият ва шахсни образли тавсифлаш мақсадида қўлланади. Уюшиқ бўлақлар тасвирнинг яна ҳам тўлароқ, яққолроқ ва ифодалироқ қилишда ёзувчига ёрдам беради.

Уюшиқ бўлақлар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

1. Уюшиқ бўлақ гапда бир хил синтактик вазифани бажаради.

2. Уюшиқ бўлақ компонентлари ўзаро тенг алоқада бўлади ва тенг боғловчилар ёрдамида боғланади.

3. Уюшиқ бўлақ ўзи учун умумий ҳисобланган бўлақ билан бир хил муносабатда бўлади.

4. Уюшиқ бўлақлар санаш интонацияси орқали талаффуз қилинади.

5. Уюшиқ бўлақлар, одатда, бир хил сўз туркумларидан ифодаланади.

Гап таркибида эга якка ҳолда қўлланиши билан бир қаторда, уюшиб ҳам келади. Бундай эгалар грамматик томондан бир-бири билан тенг бўлади. Уюшиб келган эгаларнинг бири иккинчисини эргаштирмайди, улардан бирини аниқлаш учун иккинчисига савол бериш ҳам мумкин эмас. Уюшиқ эгалар грамматик жиҳатдан тенг бўлиб, гапда гапнинг иккинчи даражали бўлаги – аниқловчини эргаштиради ва кесимга боғланади. Бунда аниқловчи уюшиб келган эгаларнинг ҳаммасига эргашishi ёки улардан бирига эргашиб келиши ёки эргашмаслиги мумкин. Аммо уюшиб келган эгаларнинг барчаси кесимга боғланади. Бадиий асарда уюшиқ эгалар гапларда кетма-кет қўлланганини кўриш мумкин: *Кўча четидаги уч ёшлардаги ерга думалаб тажанглик билан чинқирар, оппоқ кўйлаги, иштончаси қора тупроққа беланган эди* [Ҳошимов, 2013: 19].

Уюшиқ эгалар гапда барча нисбатдаги феълларга боғлана олади. Мажхул нисбатдаги феъл билан боғланган уюшиқ эгалар гапда объектни ифодаласа, қолган нисбатдаги феъллар билан боғланган уюшиқ эгалар эса субъектни тасвирлайди. Асосан от ёки отлашган сўзлар уюшиқ эга вазифасида келади. Айрим ҳолда уюшиқ эгалар от, ҳаракат номи билан аралаш ҳолда ифодаланиши мумкин [Ўзбек тили грамматикаси, 1976. 2-ж.: 119]. Уюшиқ эгалардан қаҳрамоннинг характерини, шахсини кўрсатишда фойдаланилади: *Робиянинг самимийлиги, меҳрибонлиги, опаларча гамхорлиги Олимжонни кучига куч қўшарди* [Ҳошимов, 2017: 102].

Грамматик шаклига қараб, уюшиқ эгаларга бериладиган саволлар шаклининг ўзгариши, яъни эгалик ва кўплик кўшимчаларини қабул қилиши мумкин. Бу ҳолат ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Уюшиқ бўлақ қисмлари дастлаб, икки қисмдан иборат бўлади. Ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилишида, ифодаланишида субъектнинг иштироки, нарсаси-предметнинг белгиси, ҳаракат-ҳолат объектнинг миқдори кабиларнинг мавжудлигига қараб уюшиб келган бўлақ қисмлари сафи ортиши мумкин: *Той ҳаммадан узоқдан – Бешқорғондан ўзига ўхшаш ювош, ориқ, шохсиз сигирини олдига солиб келарди* [Ҳошимов, 2013: 30].

Агар уюшиқ бўлак учдан ортиқ бўлса фикрни бўрттиради, аслан, уюшган бўлак учдан ортиқ бўлган ўринларда фикр аниқ ва кучли ифодаланади: *...ертасига ҳовлимизга маҳалланинг табиби- Ҳожи буви, Хайри она, Мўмин аканинг хотини Келинойи, Валининг ойиси Зеби хола, Сепкилли хола, Холпош хола тўпланишиди* [Ҳошимов, 2013: 91]

Ў.Ҳошимов баъзан қахрамонлар нутқида кетма-кет келувчи уюшиқ бўлақларни қўллайди: *Суратга тушишга вақтинг йўқмиди? Керак бўлса топасан-ку! Китоб учун, журнал учун, иш устида, бўғда, кўчада...* [Ҳошимов, 2013: 26]

Биринчи уюшган бўлак тўдирувчи (**Китоб учун, журнал учун**) бўлса, иккинчи уюшган бўлак ўрин-жой ҳоли (**иш устида, боғда, кўчада**). Уюшиқ бўлақларга қўшимча қўшилган ҳолатда ҳам қўлланади. Бунда қўшимчалари уюшиқ бўлақларнинг ҳар бирига алоҳида қўшилади ёки ҳаммаси учун умумий бўлиб, охирги бўлак таркибида келади: *Бизнинг “ўз” хиёбонимиз, “ўз” анҳоримиз, “ўз” скамейкамиз бор эди* [1.24]. *Оппоқ сочлари, оппоқ соқоли, оппоқ кўксини муздай қор зарралари қоплаган* [Ҳошимов, 2013: 59].

Маълумки, уюшиқ бўлақлар бир-бири билан ўзаро тенг алоқага киришадилар [Ҳожиев, 2002: 159]. Ўзбек тилида уюшиқ эгалар бир-бирига куйидаги йўллар билан боғланади:

1. Интонация воситасида. 2. Тенг боғловчилар воситасида.

Ўзбек тилида интонация ёки оҳангга куйидагича таъриф берилади: Интонация (лот. интонаре – баланд товуш билан талаффуз этаман). Нутқнинг синтактик маъноларни ва экспрессив-эмоционал бўёқларни ифодалаши учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик томони; овознинг баланд-пастлиги [Ўзбек тили грамматикаси, 1976: 119-122].

Шунга кўра, интонация ҳам турларга ажратилади. Уюшиқ бўлақларни бирлаштиришда эса, санаш оҳангидан фойдаланилади. Санаш интонацияси деб кетма-кет келувчи қисмларни айтишда қўлланадиган интонация (нотугал интонациянинг бир кўриниши).

Уюшиқ бўлақлар ўртасида ҳам нотугаллик бўлгани учун санаш интонацияси ёрдами билан боғланади. Шунингдек, бу қисмлар ўртасида бириктирувчи кичик тўхтама ҳам бўлади: *Ҳар фаслнинг ўз ўйини бор: эрта баҳорда чиллак, варрак, ёзда футбол, кеч кузда ланка тепиш...* [Ҳошимов, 2013: 30].

Бадий услуб учун уюшиқ бўлақларнинг қайси формада келиши ҳам муҳимдир. Одатда, уюшиқ бўлақлар кўмакчили ва келишикли формада, бирлик ёки кўплик формада, эгалик ва шахс-сон аффиксларини олган ҳолатда, уюшиқ бўлақ кесим бўлганда тўлиқ шаклланган ёки қисман шаклланган ҳолда қўлланади. Бунда икки ҳолат кўзга ташланади: уюшиқ бўлақларнинг охиргиси таркибида келган келишиқ аффикси, кўмакчи, кўплик формаси, эгалик ва шахс-сон аффикслари, составли кесимнинг иккинчи компоненти уюшиқ бўлақларнинг ҳаммаси учун умумий бўлади. Бундай формантлар, кўмакчилар,

кўмакчи ёки тўлиқсиз феъллар уюшиқ бўлақларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида кўшилиши ёки улар билан алоҳида-алоҳида келиши мумкин. Бу нутқнинг логик-грамматик, стилистик хусусиятлари билан изоҳланади. Уюшиқ бўлақлар ифодалаган тушунчалар алоҳида таъкидланганда, морфологик формант ва кўмакчилар, уюшиқ бўлақларнинг ҳар бирига кўшилиб келади.

Гап бўлақларининг барчаси уюшиб кела олади:

Уюшиқ эга. Уюшиқ эгаларни боғлашда юкламалар ҳам иштирок этади. Уюшиб келган эгаларга -ми юкламаси аралаш ҳолда кўшилиб ноаниқлик маъносини ифодалайди. Уюшиқ қатор аъзолари ҳар хил грамматик шаклланган лексемалар билан ифодаланган: *Келмасам бўларкан.Қайтага уйда Хўжа биланми, Вали биланми маза қилиб чиллак ўйнаб юрган бўлардим.* [Ҳошимов, 2013: 85] Бир хил грамматик шаклланган лексемалар билан ифодаланган: **Ойим, опам, поччам гангир-гунгур суҳбатлашиб ўтиришибди** [Ҳошимов, 2013: 90]. “Аммо” ёрдамчиси уюшиқ бўлақ қисмларини зидлаб кўрсатади, уюшиқ бўлақлар бундай пайтда ёйиқ конструксияли бўлса, зидлик маъноси бўртиб туради: *Ҳовли ўртасида бир туп тут бор эди. Тут ҳали пишмаган, аммо анча оқариб қолган, шохига беланчак илиб қўйлибди.* [Ҳошимов, 2013: 89-бет.]

Уюшиқ кесим. Феъл кесимларнинг уюшиб келиши нутқнинг кўтаринкилиги ҳақида тасаввур беради. От кесимлар уюшганда кесимлик аффикси яхлитловчи форма сифатида охириги уюшиқ бўлақка бирикади: *Балким уянинг тепасида чуғурлашаётган чумчуқлар – ўшанинг دادаси ёки аммасидир?* [2.34]

Агар от кесим мураккаб кўринишда бўлса, аналитик шакли охириги уюшиқ бўлақка бирикади: *Қайси куни метро стансияси олдида Гулини кўриб қолдим. Ёнида баланд бўйли, жингалак сочли йигит эди* [Ҳошимов, 2013: 47].

Уюшиқ тўлдирувчи. Уюшиқ қатор аъзолари бир хил грамматик шаклланган лексемалар билан ифодаланган: *Худодан нидо кепти:эшикдан кириб борганинда салом бериб кутиб оладиган, эрини, қайната-қайнатасини, қайн-бўйинларини ҳурмат қиладиган қиз- ўзининг қизинг* [Ҳошимов, 2013: 41].

Уюшиқ аниқловчи. Масалан, қаратқич аниқловчилар уюшиб келади ва бунда грамматик восита ҳар бир уюшиқ бўлақда қатнашади: *Дадамнинг,акаларимнинг олдида менин ҳам ўз “юмишларим” бор эди.*

Қаратқич аниқловчилар уюшиб келганда грамматик восита охириги уюшиқ бўлақда қатнашади: **Вали билан менин бу “жиноятимиз” кечга бориб очилди.**

Гап таркибида қатор келган сифатловчилар уюшган ва уюшмаган ҳолда бўлиши мумкин. Сифатловчилар предметни бир томондан аниқлаб, унинг бир ёки турли белгиларини билдирса ва ўзаро тенг ҳолатда бўлса, уюшиб келади.

Уюшган сифатловчилар сифатланмишга айрим - айрим ҳолда битишув усули билан бирикади ва улар ёйиқ ҳолда бўлади: **Каттакон зирак таққан,**

ялноқ гулли кўрнабон матоли кўйлак кийган, қалин қошли жувон дуч келганида ойим тагин сўради: [Ҳошимов, 2013: 86].

Уюшган сифатловчилар бир сўздан тузилган бўлади: *У – ажойиб ва гаройиб кўринишига эга эди* [Ҳошимов, 2013: 187].

Уюшган ҳол. Масалан, ҳол уюшганда: *Ғиж-ғиж суриладиган занжирининг тишлари тўкилиб, яккам-дуккам бўлиб қолган* [Ҳошимов, 2013: 102].

Уюшган бўлақлар ёйиқ ёки йиғиқ ҳолда бўлади: бир гап бўлагининг ўзи уюшиб келса, йиғиқ, булар ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келса, ёйиқ бўлади. Йиғиқ уюшган бўлақ: *Девордаги миҳларга кетмон, тешиа, хаскаш илиб қўйилган* [Ҳошимов, 2013: 85].

Ёйиқ уйишган бўлақ: *Сумканинг ичида нима боригини жуда яхши биламан. Тиши тўкилган алимун тароқ, бошингизга тегиши билан бир ҳовуч сочингизни юлиб оладиган машина, қайиш билан олишавериб ихчам тортиб кетган устара* [Ҳошимов, 2013: 102].

Уюшиқ эгаларни ўзаро боғлашда бириктирувчи боғловчилар сингари айирув боғловчилари ҳам қўлланади. “Ё”, “ёки”, “ёхуд” айирув боғловчилари якка ҳолда, “дам... дам”, “гоҳ... гоҳ” боғловчилари эса такрор қўлланади. Уюшиқ бўлақлар такрорланувчи боғловчилар билан бирикиб келганда, уюшиқ бўлақларнинг ҳар бири грамматик форма ёки кўмакчи билан келиши мумкин. Ҳар бирига: *Ё‘лбардан ҳам, арслондан ҳам кўрқмайди* [Ҳошимов, 2013: 82]. *Баъзан иш билан, баъзан мажлислар билан, гоҳида улфатчилик билан уйга кеч қайтардим* [Ҳошимов, 2013: 8]. – *Қанақа қозғоз? – Дадам гоҳ Далавойга, гоҳ почанўстинли меҳмонга жовдирав қарай бошлади* [Ҳошимов, 2013: 73].

Уюшиқ бўлақларда умумлаштирувчи бирликлар функционал қўлланишига кўра фарқ қилади. Бадий нутқда умумлаштирувчи бирликлар одатда жинс тушунчасини билдириб, тур тушунчасини ифодаловчи уюшиқ бўлақлардан олдин келади [Ғуломов, Асқарова, 1987: 113-117].

Лекин буларда умумлашган бирликларнинг қўлланиши анча мураккаб. Бир томондан, умумлаштирувчи бирлик жинс тушунчасини, уюшиқ бўлақлар эса тур тушунчасини доимо айнан ифодамайди. Бундан ташқари, кўпинча умумлаштирувчи бирлик вазифасида жамлик билдирувчи бошқа сўзлар, масалан, *ҳаммаси, бутун* кабилар қўлланади. Булар уюшиқ бўлақлардан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Баъзан бундай сўзлар такрорланиб келиб, маънони кучайтиради: *Фақат ранги ҳар хил: оқ, қора кокимтир...* [1.63]. *Охири дарахтлар-у ўт-ўланлар, дарёлар-у қушлар-ҳаммаси Худоба нола қипти: “Урушни қиладиган-ку одамлар, бизда нима гуноҳ”, дебди* [1.55].

Уюшиқ бўлақлар маънони кучайтириш учун ҳам хизмат қилади. Ўткир Ҳошимов бундан унимли фойдаланган. Унинг асарларида юқорида келтирилган мисоллардан кўплаб учратишимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Ўткир Ҳошимов. Дунёнинг ишлари. – Тошкент: Шарқ, 2013.
2. Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Тошкент: Мериус, 2017.
3. Ўзбек тили грамматикаси. 2-жилд. – Тошкент, 1976.
4. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент, 1987.
5. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.

Давлатова Р., доцент
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ТИЛИДА ДИСКУРС ДЕЙКСИСИ ВА УНИ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ БИРЛИКЛАР

Матн мураккаб семантик-синтактик тузилмадир. Матн таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғланишни дейктик бирликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар қандай матннинг объектив мазмунида воқелик юз берган макон, замон ва воқелик иштирокчиларига ишора мавжуд бўлади. Шунга кўра, айрим манбаларда дейксисни «нутқнинг ўзига хос табиий мавжудлиги» деб қарашади.¹

Дейксисни юзага келтирувчи воситалар ичида матн таркибий қисмларига ишора қилувчи бирликлар алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур бирликлар орқали ҳосил қилинган дейксис Р.Лакофф, Ч.Филлмор² ва Ш.Сафаровлар³ томонидан *дискурс дейксиси*, Д.А.Аксельруд, С.А.Пушминалар томонидан *матн дейксиси* (текстуальный дейксис)⁴, К.Бюлер, В.Коровиналар томонидан *контекстуал дейксис*⁵ терминлари билан номланган. Биз дейксиснинг бу турига нисбатан *дискурс дейксиси* терминини қўллашни лозим топдик.

¹ Олешков М.Ю. Дейксис в институциональном дискурсе // Актуальные проблемы общего и регионального языкознания: материалы Всероссийской научной конференции с международным участием 28 октября 2008 года, 11. – Уфа: БГПУ, 2008. – С. 73-77.

² Lakoff Robin T. Remarks on this and that. – CLS10, 1974. – P.245-356; Fillmore Charles. Lectures on deixis. – Stanford: CSLI Publications, 1997. – P. 73.

³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2008. – Б. 178.

⁴ Аксельруд Д.А. Контекстуальные связи односоставных безглагольных предложений в английском языке (на материале произведений В.Шекспира): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1975. – С. 68-69; Пушмина А.С. Текстовый дейксис в художественном произведении: семейный роман. // Вестник Тюменского государственного университета, 2013. №1. – С. 61 - 68.

⁵ Бюлер К. Теория языка. – М.: Прогресс, 1993. – 316 с.; Коровина И.В. Параметры дейктической процедуры в англоязычной научной коммуникации. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Иванова, 2011. – 25 с.

Шу ўринда *дискурс* терминига изоҳ бериб ўтамиз. *Дискурс* «французча «discours» - нутқ, сўзлаш, изчил баён, суҳбат, сўзлашув» маъносини англатувчи бирлик ҳисобланади.¹ А.И.Горшков *дискурс* сўзи «матннинг қисми» маъносида қўлланувчи термин бўла олиши мумкинлигини қайд этади.²

Дискурс дейксисида дейктик бирликларнинг ишораси матннинг қайси қисмларига нисбатан эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, И.В.Коровина контекстуал дейксиснинг уч турини фарқлаган: 1) когезия дейксиси (когезия – лот. алоқада бўлган, алоқали) – контекстнинг горизонтал йўналишида бир-бирига яқин ўринда жойлашган ва бир-бири билан семантик-синтактик жиҳатдан боғланган ахборот қисмлари алоқадорлигини таъминлайди; б) интратекстуал дейксис – маълум бир контекстнинг композицион нуқталари ўртасидаги ташқи вертикал алоқани таъминлайди (*кейинги параграфда, бу бўлимда* каби); 3) интертекстуал дейксис – илмий дискурс учун муҳим бўлган, ахборот координатасининг вертикал йўналишида жойлашган, контекст остидаги ахборотга ишорани шакллантиради (турли ҳавола ёки сноскалар)³.

Кўринадики, дискурс дейксисида матн қисмларининг ички тузилиши ҳам инобатга олинади.

Матн бир бутунлик сифатида микроматнлардан ташкил топади. Бунда энг кичик бутунлик абзацга, энг катта бутунлик эса боб (қисм ёки фасл)га тўғри келади.⁴ Дискурс дейксисида дейктик бирликларнинг ишоравийлик функцияси матннинг кўрсатилган қайси қисмида амал қилишини белгилаш зарур бўлади. Бу жиҳатдан дейктикларнинг ишора объектини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) матннинг ҳажман катта бутунликлари (боб, қисм, параграф); 2) матн абзацлари; 3) абзац ичидаги жумлалар.

1) матннинг ҳажман катта бутунликларига (боб, қисм, параграф) ишора: *Юқоридаги каби товуш ўзгариши лексема охирида келадиган “д” фонемасида ҳам воқе бўлади («Имло қоидалари»нинг 13-параграфиди акс эттирилган).* (Ш.Раҳматуллаев. «Ҳозирги адабий ўзбек тили»).

2) матн абзацларига ишора: *Қишлоқни босмачи босганида, Эрмон бува дарахтга чиқиб кетаётганда йиқилиб, оёғи чўлоқ бўп қолганмиш.*

Хуллас, нима бўлгандаям у оқсоқланиб юради. (Ў.Ҳошимов.)

¹ Миловидов В.А. Текст, контекст, интертекст: Введение в проблематику сравнительного литературоведения. – Тверь: ТвГУ, 1998. – С. 39.

² Горшков А.И. Русская стилистика. Стилистика текста и функциональная стилистика. – М.: Астрель, 2006. – С. 66-67.

³ Коровина И.В. Параметры дейктической процедуры в англоязычной научной коммуникации. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Иванова, 2011. – Б.15.

⁴ Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007. – Б.15.

Ушбу матнда қўлланган *хуллас* модал сўзи матннинг олдинги қисмида берилган ахборотларга нисбатан хулоса қилинаётганлигини англатиб, дискурс дейксисини ҳосил қилади.

3) абзац ичидаги жумлаларга ишора: *Яхшиямки, одамзоднинг айби ўзига билинмайди. Бўлмаса, дунёда биттаям бутун тошойна қолмас эди.* (Ў.Ҳошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар»)

Шунингдек, қўшма гап қисмлари ўртасида ҳам дейктик бирликлар қўлланилади: *Қора қалам билан ёзилган хатни ўқиш анча қийин эди, шунинг учун ҳам ўрнидан туриб чироққа яқин келди.* (С.Аҳмад. «Уфқ»).

Келтирилган ушбу мисолда *шунинг учун* таркибида кўмакчи бўлган сабаб боғловчили қурилма қўшма гапнинг олдинги қисмига ишора қилган.

Матн қисмларига ишора қилувчи дейктик бирликлар тузилма таркибининг узвий боғлиқлигини, унинг мазмунан яхлитлигини таъминловчи занжир вазифасини бажаради. Бу бирликлар матннинг муайян қисмига ишора қилиб, қисмлар ўртасида синтактик алоқани ҳам ўрнатади. Мазкур дейктик бирликлар матн таркибий қисмларини мазмунан боғлаш билан бирга, матн тузилишидаги изчилликни таъминлаш, матнда акс этган ахборотга тингловчи диққатини жалб қилиш мақсадларини юзага чиқаришда ҳам фаол қўлланади.

Матн қисмлари айрим тадқиқотларда «дейктик антицендент» (лот. «*antecedens*»–илгариги, олдинги), «дейктик субсеквент» (ингл. «*subsequent*» – кейинги, қуйидаги) терминлари билан номланиб, матннинг олдинги ва кейинги қисмларига ишора қилувчи дейктик бирликларга ажратиб ўрганилган.¹

Ўзбек тилида матн қисмларига ишора қилувчи бирликларни ишора йўналишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) матннинг олдинги қисмига ишора қилувчи дейктик бирликлар;
- 2) матннинг кейинги қисмига ишора қилувчи дейктик бирликлар;

3) матннинг ҳам олдинги, ҳам кейинги қисмларига ишора қилувчи дейктик бирликлар.

Англашиладики, матн қисмларига ишора йўналишини аниқлашда дейктик бирликнинг матннинг қайси қисмида ўрин олганлиги муҳим. Яъни дискурс дейксиснинг ишора мўлжали шу дейктик бирликка нисбатан белгиланади. У ишора маркази сифатида матнда ўзидан олдинги, кейинги ҳамда бир вақтнинг ўзида олдинги ва кейинги қисмларга ишора қилади.

Ўзбек тилида дискурс дейксисига ишора қилувчи бирликлар вазифасида олмошлар, баъзи мустақил ва ёрдамчи сўзлар, кириш қурилмалар, айрим сўз бирикмалари ва гаплар келади. Бу бирликлар ўзи қўлланган гапдан олдинги ёки кейинги қисмга ишора қилиб, дейктик хусусият касб этади.

¹ Коровина И.В. Параметры дейктической процедуры в англоязычной научной коммуникации. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Иванова, 2011. – Б.12.

Маълумки, олмошлар матн таркибий қисмларига ишора қилиши жиҳатидан ҳам характерлидир. Дискурс дейксисада олмошларнинг ишора объекти матннинг қайси қисмида эканлигига қараб белгиланади. Шу нуқтаи назардан, айрим олимлар дискурс дейксисини қоришиқ, аралаш (смешанный) хусусиятга эгаллигини қайд этишади.¹ Дж. Лайонз ҳам текст дейксисининг матннинг ўзига таянилган *соф (pure) текст дейксиси* ҳамда матннинг бирор қисмини изоҳлашга қаратилган *аралаш (impure) текст дейксисига* ажратади.²

Олмошлар матнда олдинги ва кейинги таркибий қисмга ишора қилади. Бундай қўлланиш нутқда тилнинг тежамлилиқ ва ортиқчалиқ тамойили асосида юз беради. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз: *-Устингиздан арз қиламан! – Марҳамат! Бу – сизнинг ҳуқуқингиз.* (Ў.Ҳошимов.)

Нутқда сифат туркумига оид *юқоридаги, қуйидаги (қуйидагича), сўнги, аввалги, кейинги каби сўзлар ҳам матннинг муайян қисмига ишора қилиб, дискурс дейксисини ҳосил қилади. Масалан: Кўриниб турибдики, байтда форсий-арабий сўзлар талайгина. Маъноси қуйидагича. Агар улар фано (йўқлик) зорига кириб, зойиб бўлган бўлсалар, мен ҳам тўртинчи бўлиб, уларнинг итлари бўлиб ортларидан эргашиб кирай...* (Ў.Ҳошимов.)

Ўзбек тилида *кейин, сўнг, аввал* равишларини ҳам матн қисмларига ишора қилувчи дейктик бирлик сифатида қайд этиш мумкин. Мазкур равишлар матнда олдинги қисмга ишора қилади ва улардан англашилган воқеликларнинг кетма-кетлигини ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *Давлатбеков Ойқўлни айланиб, томларда қуритилаётган ва гарам қилинаётган пичанларни кўриб чиқди. Кейин Ортиққа автокачкани қўштириб келишни буюрди.* (П.Қодиров.)

Ўзбек тилида айрим феъллар ҳам матн таркибий қисмига ишора қилиб, дискурс дейксисини ҳосил қилади. Жумладан, *жавоб бермоқ, давом эттирмоқ, қўшиб қўймоқ, мурожсаат қилмоқ, сўрамоқ, савол бермоқ, тушунтирмоқ* каби феъллар матннинг олдинги ёки кейинги қисмларининг бир-бирига боғлиқлигини таъминлайди ва шу қисмларга ишора қилади. Масалан: *Анчагача жим ётдим-да, охири сўрадим: – Пойиззи нега қарғаяпсиз, буви?* (Ў.Ҳошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар»)

Ушбу гапда қўлланган *сўрадим* феъли тингловчида *нимани?* сўроғини уйғотиши, табиий. Матннинг кейинги қисмида ушбу сўроққа жавоб мавжуд бўлиб, у *сўрадим* феълининг ишораси асосида англашилади.

Қуйидаги матнда қўлланган *жавоб қилмоқ* феъли матннинг олдинги қисмида савол мавжудлигига ишора қилиш билан бирга кейинги қисмида берилган жавобга ҳам ҳавола қилади. Масалан: *Учрашувларда бир саволни кўп беришади: «Ўзингиз учун энг қимматли асар қайси?» Кўпинча ярим ҳазил билан*

¹ Webber B.L. The Interpretation of Tense in Discourse // Proceedings of the 25th Annual Meeting of the Association for Computational Linguistics. – Stanford, 1987. – P. 109.

² Lyons J. Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – P. 667.

жавоб қиламан: «Менинг иккита энг қимматли «асарим» бор: бири –ўғлим, бири – қизим!» (Ў.Ҳошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар»)

Ўзбек тилида айрим ёрдамчи сўзлар ҳам матн таркибий қисмларига ишора қилиб, дискурс дейкисини ҳосил қилади. *Аммо, лекин, бироқ, ва, ҳам, ҳамда, яъни, чунки, гўё, ёки, балки, фақат* ёрдамчилари, асосан, матннинг олдинги қисмига ишора қилади ва матн қисмлари ўртасидаги мазмуний зидлик, изоҳ, сабаб-оқибат, ўхшатиш, айириш, давомийлик, кетма-кетлик каби муносабатларни юзага чиқаради. Масалан: *Чигатойнинг туман ва қўшинлари баланд овоза бўлди. Ва барча эл ва қўшин ва туман ва ходимларга ҳукмрон бўлдим. Лекин Мовароуннаҳрнинг баъзи қалъалари Амир Ҳусайннинг тасарруфида эди.* («Темур тузуклари»дан)

Ушбу матнда *ва, лекин* боғловчилари матннинг олдинги қисмига ишора қилиш билан бирга, кейинги қисмнинг олдинги қисмга мазмунан давомийлик, зид муносабатда эканлигини ифодалашга хизмат қилган.

Шунингдек, *жумладан, ниҳоят, умуман, хуллас, демак, албатта, шунингдек* каби кириш сўзлар; *юқорида таъкидланганидек, шундай қилиб* каби кириш бирикмалар; *маълум бўладики, кўринадики, кўриниб турибдики, бундан чиқди* каби кириш гаплар ҳам матннинг олдинги қисмига ишора қилиб, дискурс дейкисини ҳосил қилади. Мазкур дейктик бирликлар матнда акс этган воқеа-ҳодисани умумлаштириш, хулосалаш, яқунлаш, тасдиқлаш каби вазифаларни ҳам бажаради. Шунга кўра, улар нафақат ишора қилувчи, балки гаплар ўртасидаги мазмуний боғланишни таъминловчи бирлик сифатида ҳам аҳамиятлидир. Масалан: *У келганидан бери бекнинг авзойи бузилиб, иши юришмай, уч ҳафтагача сурувларини йўлга чиқаролмади. Ниҳоят, дуойи фотиҳа бўлди, шекилли, бош чўпонларга отлар берилди.* (А.Мухтор. «Чинор»).

Хуллас, ўзбек тилида дискурс дейкисини ҳосил қилувчи тил бирликлари турлича ва ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳатто матнда ўқувчига тушунарсиз сўзларга изоҳ бериш, фойдаланилган манбаларни кўрсатиш ёки қўшимча маълумотлар бериш мақсадида қўлланилувчи ҳаволалар (сноска, ссылка) ҳам ишора бирликлари саналади.

Дарвишов Иброҳим, доцент
Обидова Моҳира, талаба
(Ўзбекистон)

ХАЛҚОНА ЖУФТ СЎЗЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тили лексик-семантик жиҳатдан жуда бой тил экани барчамизга маълум. Бир сўз турли маъноларда ишлатилиши, синонимларининг кўплиги кишиларни ҳайратга солиши табиий ҳолдир. Тилимиз бир хазина кабидир унда битмас- туганмас бойликлари ҳар бир сўзда сочилиб ётибди. Ана шу дур-у

гавҳарларни териб олиш, албатта, бизнинг бурчимиз. Ўзбек тилида оддийгина сўзларни жуфтлаб, такрорлаб, қўшиб ҳам янги маъно ҳосил қилса болади. .

Сўзлар тузулишига кўра тўрт турга бўлинади:

1. Содда сўзлар;
2. Қўшма сўзлар;
3. Жуфт сўзлар;
4. Такрорий сўзлар [2.89].

Тилшунослигимизда жуфт сўзлар ҳақидаги маълумотларни Р. Сайфуллаева,

Б. Менглиев, Г. Боқиева, М.Қурбонова, З. Юнусова, М. Абузалова, Н.Маҳмудов, А. Нурмонов каби олимлар китобларида қоришимиз мумкин.

Тилимизда шундай жуфт сўзлар борки, уларнинг маъносини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Бугунги ўзбек тили ҳозирги ҳолга келгунга қадар узоқ тарихий йўлни босиб ўтган, жуда кўп ўзгаришларга учраган.[2.33] 8-асрда арабларнинг Ўрта Осиёга босқини [4.94] араб ёзуви ва у билан бирга ишлатилган форс-тожик тиллари чуқур из қолдирган ва нутқимизда ҳозирга қадар талайгина сўзлар ўзнинг асл маъносини ёқотган ҳолда нутқимизда сақланиб қолган. Бу ҳол жуфт сўзларда ҳам сезилади. Келинг, айрим жуфт сўзларнинг семантик хусусиятларига тўхталиб ўтайлик.

Жуфт сўзлар икки сўзни ёнма - ён қўшиш йўли билан ҳосил қилинган сўзлар саналади [2.89]. Бундай сўзлар кўпинча янги маънога эга бўлади ва содда сўзлар билан синонимик муносабатда бўлади: қишин-ёзин жуфтлигида «доимо» семаси кўриниб туради. У қишин-ёзин ишлайди. Ушбу гапимиз маъно жиҳатидан ҳар доим сўзига тенг келади. Эрта - кеч ухламай илмий ишини бажармоқда. Ушбу гапимизда эрта - кеч «ҳамиша» семасида қўллаганини кўриш мумкин. Бугун - эрта сўзида остида «яқинда» тушунчаси ястаниб ётганини кўрамиз. Бугун - эрта янги китоб сотиб олмоқчиман.

Жуфт сўзлар икки қисмдан иборат бўлади ва Раъно Сайфуллаева жуфт сўзларни таркибий қисмининг қўлланишига кўра қуйдаги шаклларда бўлишини қайт этган:

1) қисмлари якка ҳолда ишлатиладиган жуфт сўзлар:

а) қисмлари ўзаро синоним: ҳормай - толмай, иззат - икром;

б) қисмлари ўзаро антоним: келиб - кетиб, авра - астар, аччиқ - чучук;

д) қисмларининг маъноси яқин: айланиб - ўргилмоқ, совға - салом, бақир - чақир;

2) Иккинчи қисми якка (мустақил) ишлатилмайдиган сўзлар: алдаб - сулдаб, алдам - қулдам, бозор - ўчор. [1.192.229.241]

Бундан ташқари жуфт сўзларнинг иккала қисми ҳам мустақил ҳолда қўлланмайдиган жуфт сўзлар: азза - базза, зери- забар, қаланғи - қасанғи, икир- чикир кабилари ҳам мавжуд.

Ўзбек аёллари тилида кўп учрайдиган авра - астар бирикмаси ҳам форисча тилидан кириб келган бўлиб, алоҳида олганда «авра» форисча

«кийим, кўрпа, кўрпача каби нарсаларнинг ташқи сиртки қавати. Тўннинг авраси [3. 32.]. «Астар» сўзи эса «кийим, кўрпа, кўрпача кабиларнинг ички томони» деган маъносини ифодалайди. Ушбу жуфт сўз антонимлик хусусиятига эга бўлган жуфт сўз эканини маъносидан сезилиб турубди.

Араб ёзувининг кириб келиши ёзувга оид жуфт сўзларни пайдо бўлишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ота-боболаримиз томонидан кенг қўлланган зер - забар атамаси ҳам араб ёзувида «зер», «И» товушини «забар» эса «а» товушини ифодаловчи ҳаракатлардир. «Зер- у забарини ўрнига қўйиб ёзмок» ибораси ҳам араб тилидаги ҳаракатларни жой - жойига қўйиб ёзмок маъносига тўғри келади.

Жуфт сўзларда биринчи қисми ўз маъно мазмунини сақлаган, иккинчи қисми ҳам авваллари ўз маъносига эга бўлган, бироқ бугунга келиб тушунчасини йўқотган сўзлардир. Қуйида шундай жуфт сўзларни маъноси ҳақида баён этамиз.

Қариндош-уруғ семаси қаторида бўлган «куда-анда» сўзида «куда» деб келин ёки куёвнинг ота ва онасига яқин қариндошларига нисбатан ишлатилса, «анда» сўзи қуданинг-қудаси деганидир.

Ёши катта қарияларимизни ифодалаовчи қари - қартанг лексемаси салбий бўёққа эга маънода кўп эшитганмиз. Қари-қартанг дегани «турли ёшдаги қариялар, чоллар, кекса одамлардир. «Қартанг» сўзи «қари» сўзининг эскирган шакли бўлиб, жуда кам қўлланади.

Араб тилидаги кўплик шакли ҳам жуфт сўзларни вужудга келтирганини сезамиз бунга мисол қилиб вазир -у вузаро сўзини олайлик бирикманинг иккинчи қисмидаги «вузаро» сўзи араб тилида вазир сўзининг кўплигини ифодлайди.

Олим-у умаро сўзига назар ташласак, ўз навбатида «умаро» сўзи арабча “олимларнинг олими”, яъни кучайтирув-таъкид шакли ҳисобланади. Маст- аласт сўзини олсак, ушбу сўз» ўзи билмас даражада маст, қаттиқ маст» семасига тўғри келиб мастликнинг юқори даражасини ифолашга ҳизмат қилди. Демак, жуфт сўзларда кучайтирув муносабати борлиги бунга яққол далилдир. Ёки араб ва форис тилини қўшилиши натижасидаги янги лексема фел-атвор сўзида эса «феъл» барчамизга биладиган «ҳарактер» бўлса, атвор эса форисча «ривожланмок» дегани.

Тилимиздаги шундай сўзлар бор: алоҳида олганда унинг маъноси йўқдек, лекин уларни бирлаштирсак янги семалар вужудга келади. «Апоқ – чапоқ» сўзини олсак, бу сўзлар биргалашиб» қовушмаган, боши-кети» тушунчасини ҳосил қилади. *Алақ-чалақ туш кўрдим. У* апил-тапил кийимларини йиғиштира бошлади. Гапнинг контексидан сезганингиздек «апил- тапил» дегани «тезлик билан, шоша-пиша» маъносига тўғри келади. «Ўпоқ-сўпоқ» дея кўп ишлатганмиз бу сўз «нотўғри шаклдаги, қинғир- кийшиқ, кўримсиз, хунук» деганиди. Ажи-бужи расмлардан одам ҳайратга солди.

Сўзлашув услубида кўп қўллайдиган ашқал-дашқал лексемаси рўзғорда ёки бирор касб-корда керак бўладиган нарса, буюмлар жамланмасини ифодлаганини кўрамиз.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, нутқимизда биз маъносини билмаган жуфт сўзлар кўп. Уларни қандай тушунча ифодалашига чуқурроқ ёндошсак, ундаги биз сезмаган янгиликлар борлигини кўрамиз.

Адабиётлар

1. Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, Г.Боқиева, М.Курбонова, З.Юнусова, М.Абузалова. «Ҳозирги ўзбек адабий тили». – Тошкент, 2009.

2. А. Анорбекова, Ш. Мирзаева. «Ҳозирги ўзбек адабий тили». – Тошкент, 2011.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2006-2008.

4. Н.Улуқов «Тилшунослик назарияси». – Тошкент, 2016.

*Жамолиддинова Д., доцент
(Ўзбекистон)*

ТАБИЙ ВА АНИҚ ФАҢЛАР ТЕРМИНОСИСТЕМАЛАРИНИНГ БАДИЙ МАТНДА СТИЛЛАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маълумки, қадимдан ўзбек тилининг луғат таркиби халқнинг моддий ва маънавий тарихи билан узвий алоқадор ҳолда асрлар давомида бойиб борган. Унда халқнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, касб-кори, сиёсий қарашлари, анъаналари, урф – одатлари ва бошқалар билан боғлиқ бўлган сўз ва терминларни ифодаловчи тушунчалар ўз аксини топгани ҳолда лексик қатлам ва унинг узвий қисми бўлган терминологик системалар ривожланиб, сайқалланиб, маълум бир қолипга солиниб келмоқда. Эндиликда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида она тилимизга хос сўз ва терминлар кенг қўлланаётганлиги терминологиянинг турли соҳалари юзасидан кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда.

Терминлар тизими - ҳар бир фаннинг ўзига хос тилидир, бу тизм ҳам фанлар тараққиёти, фанлар таълими билан бирга ривожланиб, бойиб, такомиллашиб боради. Матнда фикр баён қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлади: хабар бериш, тасвирлаш, муаллиф нутқи, диалог ёки персонажлар суҳбати каби. Матнлар орқали моддий ва маънавий ҳаёт турли тарзда ижтимоий, маданий, умумий ва шахсий, бадий ёки илмий тарзда ёритилади. Шу нуқтаи назардан улар нутқнинг турли услубларига хос бўлади.

Терминологик тизмлар яхлит тил тизимида унинг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Термин билан сўз ўртасида отиб бўлмас чегара йўқ, “шаклан ҳам, мазмунан ҳам” жиддий тафовутга эга эмас. Термин ҳам моҳият эътибори билан сўздир, фақат сўзнинг алоҳида туридир. Терминологик тизмларнинг ривожланиши бевосита фан тараққиёти билан бирга кечади. Бундан ташқари, умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли

равишда, терминлар илмий ва амалий муомалага онгли равишда олиб кирилади.

Терминосистемалар ҳам, ўз навбатида барча нутқ услубларга хос матнларда қўлланиш имкониятига эга бўлган тил бирликлари саналади. Терминлар асосан илмий услуб доирасида чегараланган, бир тушунчани ифодаловчи луғавий бирликлар эканлиги барча илмий манбаларда қайд этилади. Шундай бўлса-да, кейинги йилларда тилшунослик соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари, жумладан, терминосистемаларнинг ҳам тилдаги амали билан боғлиқ функционал-услубий, семантик хусусиятлари тадқиқига бағишланган ишлар, шунингдек, терминология соҳасида амалга оширилаётган изланишлар терминларнинг бошқа лексик-семантик гуруҳлар каби ўзига хос, ўрганилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, ҳар қандай сўзда икки хил маъно мавжуд: *узуал* (тўғри) маъно ва *оказионал* (ҳосила) маъно. Узуал маъно сўзнинг семантик таркибига кириб, нутқдан ташқарида ҳам англашилади. Буни деярли тилшунослар тан олади. Масалан, сўз сўзи *Йигит сўзидаи қайтмас...* (мақол) гапида “ваъда” узуал маъносида қўлланган. У сўз сўзининг семантик таркибига киради. Шунинг учун бу сўзни шу узуал маъноси билан бошқа гап таркибида ҳам қўллаш мумкин: *Худо битта - сўз битта*(мақол). Агар сўз маъноси *оказионал* бўлганда эди, у ўзи оид гапдан ташқарида ифода бермас ва бошқа гап таркибида шу маъноси билан намоён бўлмасди. Чунки *оказионал* маъно маълум нутқий шароитдан келиб чиқиб маълум нутқдаги сўзда ҳосил бўлади. У шу нутқдан ташқарида яшамайди. Масалан, *Лермонтовни ташламадим ҳеч...* (Ҳ.Олимжон.) гапида *Лермонтов* сўзи “Лермонтовга оид асар” *оказионал* маъносида қўлланган. Бу маъно шу нутқ шароитидан келиб чиқиб, *Лермонтов* сўзида ифода топган. Уни бу сўздан бошқа сўзда бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уни кўпгина тилшунослар индивидуал маъно деб аташади.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, одатда, бир маъноли деб қаралувчи терминлар ҳам турли матнларда узуал ва *оказионал* маъноларда қўллана олиш имконига эга. Ҳар қандай сўзнинг тўғри маъноси ҳам матн доирасида, бошқа сўзлар билан муносабатга киришганда янада аниқроқ намоён бўлади. Айниқса, бадий матн бошқа матн турларига қараганда ўзида тил бирликларининг турли эмоционал, экспрессив, семантик, услубий, функционал хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашда муҳим манба саналади.

Аниқ ва табиий фанлар терминосистемалари ҳам бадий матнда турли маъноларни ифодалаб келиши мумкин. Яъни айрим терминларда воқеликка нисбатан муаллиф ёки қаҳрамоннинг ижобий муносабати ифодаланса, айримларида эса киноя, пичинг ва бошқа шу каби салбий муносабат, баҳо ифодаланган бўлади. Шунинг учун ҳам терминларнинг лингвопоэтик хусусиятларини фақат матн таркибидагина тўғри баҳолаш имконияти мавжуд. Чунки терминнинг лексик бирлик сифатидаги бадий-эстетик, семантик, услубий, коммуникатив вазифаси маълум бир матний қуршовдагина ўзининг тўлақонли баҳосини топади.

Ҳар қандай ёзувчи ёки шоир ўзининг бадиий ниятини амалга оширишда тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ бериш, таъсир этишни асосий мақсад қилиб кўяди ва мақсадга мувофиқ ҳолда тил воситалари ҳамда лисоний қолипларни танлайди. Натижада эса тингловчи ёки ўқувчининг ҳистуйғуларига таъсир этиш асносида унинг руҳий оламини тасвирлайди. Бу жараёнда тилдаги барча сатҳ бирликлари бадиий матнда у ёки бу даражада иштирок этади. Шу жумладан, лексик сатҳ бирлиги ҳисобланган терминлар ҳам эстетик қиммат касб этгани ҳолда бадиий матнда намоён бўлади. Бундан келиб чиқадики, терминлар ҳам турли маъноларда қўлланила олиш имкониятига эга. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, терминлар бадиий матнда экспрессивлик, эмоционалликни ифодалашда иштирок эта олади. Масалан:

Барибир ҳам тирикмасман, суратман фақат,

Чизигимдан юрмади ҳеч рицарь бешафқат. (А.Ор.253-б.)

Байтда қўлланган математикага оид **чизиқ** терминининг кўчма маъноси айнан шу матнда реаллашади, матндан ташқарида ўқувчига тушунарли бўлмайди. Натижада бадиий нутқда терминлар олдиндан мўлжалланган бадиий мақсад натижаси сифатида намоён бўлади. Муаллиф терминлар орқали бадиий асарнинг ифодалилигини, таъсирчанлигини, поэтик мукамаллигини таъминлашга эришади. Шоир ҳам мазкур атамани халқона ибора компоненти сифатида қўллаб образли тасвирий ифода яратган.

Тилда *чизиқ* атамаси билан боғлиқ *чизган чизигидан чиқмаслик // чизигидан четга чиқмаслик* каби иборалар мавжуд.¹ Бунга синоним сифатида сўзлашув услубида *йўлига юрмаслик // йўлига юргизмоқ* ибораси ҳам қўлланади. Дарҳақиқат, терминлар ижодкор тафаккури билан боғлиқ ҳолда бадиий нутққа киритилади, асарда уларнинг қўлланилиш миқдори эмас, балки ўзига юкланган бадиий юкни қай даражада юзага чиқара олиши билан характерланади. Терминлар фан тилининг асосини ташкил этишига қарамасдан, бадиий матндларда образлиликни таъминловчи турли бадиий тасвир воситаси вазифасини ҳам бажариб келади.

Тилшунослик фани ўз тараққиётининг замонавий босқичида тилни инсон билан, унинг тафаккур жараёнлари, фаолиятнинг турли кўринишлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиши билан характерланади. Инсоннинг олам сир-синоатларини тобора чуқур англашга интилиши фанлар тараққиёти тезлигини оширмоқда. Фан тараққий этар экан, унинг тушунчалар тизими – терминосистемасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Ҳар бир соҳа терминологиясининг шаклланиши адабий тилга хос бўлган омонимия, синонимия ва бошқа хилдаги лексик-семантик кўринишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Яъни термин оддий сўз бўлиб, “ тилга алоқадор бирон-бир ҳодиса унга бегона эмас деган фикрлар асослидир.

Бундан келиб чиқадики, терминлар ҳам кўп маънода қўлланила олиш имкониятига эга. Бадиий матнда терминлар синонимик, омонимик характер касб этади ва эпитет, метафора, ўхшатиш вазифасида қўлланилиб, лингвопоэтик

мақсадни амалга оширишда муҳим восита сифатида иштирок этади.

Табиий-аниқ фанлар ва ижтимоий-гуманитар фанларда терминларга қўйиладиган талаблар бир хил эмас. Бадиий матнда терминлар экспрессивликни ифодалаш учун қўлланилади ва бадиий тасвир воситасига айланади. Бу эса ўз навбатида асарнинг бадиийлигини таъминлашга хизмат қилади. Бадиий матннинг асосий мақсади китобхонга эстетик таъсир этишдан иборат. Чунки бадиий матнда ёзувчи томонидан айтилмоқчи бўлган ғоянинг эстетик таъсирли ифодаси муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, бадиий матнда муайян тил бирликлари, тил воситалари эстетик жиҳатдан биринчи планга чиқади ва янги бадиий маънолар ифодачисига айланади. Табиийки, экспрессивликнинг ифодаланишида тилнинг барча сатҳ бирликлари иштирок эта олса-да, лексик сатҳ бирликлари бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Фақат бир маънони ифодаловчи терминлар ҳам нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда жуда катта имкониятга эга эканлигини юқорида келтирилган мисолдан ҳам кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадикки, аниқ ва табиий фанлар терминосистемалари фақат фан доирасидаги тушунчаларнигина эмас, бадиий матнларда турли услубий маъноларни ҳам ифодалаш мумкин экан. Бу ҳолат, албатта, терминларнинг нутқда ёки контекстда бошқа сўзлар билан муносабатга киришганда, боғланганда намоён бўлади. Алоҳида олинганда эса асосан фанга оид асосий тушунчани ифодалайди.

Адабиётлар

1. Абдиев М. Ветеринария терминлари ҳақида. / ЎТА, 2016, № 4, Б. 108-109.
2. Тешабоев А. Нурмонов А. Табиий ва аниқ фанлар терминларини меъёрлаштириш масалари. / Илмий хабарнома. 2011, № 3. Б. 72
3. Мамажонов А. ва бошқ. Бадиий матннинг стилистик хусусиятларига доир. / Филологиянинг долзарб муаммолари ва контрастив тилшунослик. Респ. Илмий-амалий конф. матер. Фарғона, 2018, 5-б.
4. Мадвалиев А. Термин ва терминография хусусида. / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Андижон, 2012, 42-б. (умум. саҳифа 439)
5. Усмонов Ф. Термин, метафора ва синонимия. / Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани матер. Андижон, 2015, 126-б.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т., Ўқитувчи, 1978, 362-б.
7. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. Т. 2010, Б. 31

Жўрабоева Г., докторант
(Ўзбекистон)

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Антропоцентрик тилшуносликнинг янги тармоғи саналган социолингвистика – тилнинг ички қурилишини ўрганувчи лингвистика (интралингвистика) ва жамиятшунослик фанлари оралиғида вужудга келган соҳа ҳисобланиб, у тил қурилишининг ижтимоий томонини ўрганади (Бердиалиев, 2015: 8). Тил луғат бойлигининг муҳим таркибий қисми бўлган ономастик бирликлар, жумладан, топонимларни ижтимоий нуқтаи назардан ўрганишда ҳам социолингвистика алоҳида ўрин тутади. Топонимлар тараққиётида социал омилларнинг ўрни ва роли, айниқса, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда номинатив вазифаларида ёрқин кўринади. Яъни, топонимлар номланиши ва мотивациясида муайян даврдаги жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий-тарихий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам рус топонимшуноси А.В.Суперанская: «Ҳар қандай номнинг мотивлари тарихий ва социал маънога эгадир», – деб таъкидлаган эди (Суперанская, 1973: 101).

Топонимларнинг яратилиши, уларнинг номинатив-мотивацион хусусиятларига эътибор қаратилса, энг тасодифий деб қаралган ном ҳам маълум бир даврларда ижтимоий эҳтиёж, зарурият туфайли вужудга келганини кўриш мумкин (Дўсимов, 1985: 76). Яъни тилдаги ҳар қандай ном – давр ва замон маҳсули сифатида вужудга келади. Ҳар даврнинг, ҳар ижтимоий тузумнинг эса ўз қарашларига мос ҳолдаги объектларни номлаш тамойили ва талаблари бўлган. Қадимий номларни қабул қилган ҳолда ҳар бир давр, тузум ўз мафқураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти, табиатга муносабати каби ижтимоий-табиий омилларга таяниб номлар мажмуини яратган (Нафасов, 2009: 26). Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда қуйида Фарғона водийси топонимларининг номланиш жараёнини турли давр ва босқичлар нуқтаи назаридан ўрганиб, уларни социолингвистик қонуниятлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик:

1. Ижтимоий-сиёсий терминлар асосида ҳосил қилинган топонимлар. Айрим мутахассислар томонидан «соцтопонимлар» термини остида юритиладиган бу турдаги топонимлар муайян даврнинг ижтимоий ҳаёти ва мафқураси билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундай топонимлар асосини маълум давр ёки тузумнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларига тааллуқли тушунчалар ва ҳодисалар номларидан таркиб топган лексемалар ташкил қилади. Масалан, Кўқон хонлиги даврида юзага келган бу турдаги топонимлар таркибини асосан ўша давр сиёсий тузумини акс эттирувчи хонлик ва амирликларнинг давлат тузилиши, саройдаги амал, мансаб, мавқени ифодаловчи *мир // амир, хон, шоҳ, тўра, бек, ойим, ойимча, мерган, понсод, маҳрам, додҳо, оталиқ, қўрбоши, бий* сингари бирликлар ташкил этади

(Охунов, 1989: 33): *Ойимчақақир, Ойим, Оталиқ, Дастурхончи, Қози-қузот* (Ўзбекистон т.), *Катта Амиробод, Кичик Амиробод* (Данғара т.), *Ғазначи, Понсод* (Бувайда т.), *Баковул* (Учкўприк т.), *Шикорбеги, Ноиб кўприги* (Кўқон ш.), *Офтобачичек* (Олтинкўл т.), *Хонқўргон, Қозиқўргон, Шахрихон* (Шахрихон т.); қайд этилган бирликларнинг аксарияти киши исмлари билан ҳам биргаликда қўлланиб, антропотопонимларни ҳосил қилади: *Қурбонмерган, Аширқулмерган* (Ўзбекистон т.), *Холматдодҳо* (Асака т.), *Назармахрам* (Шахрихон т.), *Шарифмерган* (Уйчи т.), *Шукурмерган* (Марҳамат т.) каби.

Мазкур турда ясалган соцтопонимлар собиқ шўролар даври учун ҳам хос бўлиб, улар таркибига даврнинг сиёсий-мафкуравий қарашлари ва тузумнинг ўз шахсий манфаатларига мослаштирилган қуйидагича лексемалардан таркиб топган топонимларни киритиш мумкин: *Коммунистов, Советобод, Комсомолобод, Совет, Коммунизм, Коммунист, Интернационал, Коммуна, Партсъезд, Социализм, Пионерская, Инқилоб, Иттифоқ, Комсомольская, Красноармейская, Пролетар, Советская* кабилар.

Шунингдек, ижтимоий-сиёсий терминлар билан ҳосил қилинган номлар мустақиллик даврида яратилган топонимик тизимда ҳам учрайди ва уларни *Мустақиллик, Истиқлол, Истиқбол, Халқлар дўстлиги, Миллий тикланиш, Тинчлик, Бирдамлик, Хамдўстлик, Хуррият, Озодлик* каби миллий ғоя ва менталитетимиз билан алоқадор ҳолда яратилган неотопонимлар ташкил қилади.

2. Киши исмлари асосида ҳосил қилинган топонимлар. Антропотопонимларнинг вужудга келиши ҳам жамиятдаги маълум ўзгариш ва қонуниятлар билан алоқадор ҳисобланиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос ушбу гуруҳга оид номлар мажмуи бор. Жумладан, ҳозирда Фарғона водийси худудида кенг тарқалган антропотопонимларнинг катта бир қисми Кўқон хонлиги даврида юзага келган ва уларнинг яратилишида асосан кишиларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи муҳим аҳамиятга эга саналган. Объектнинг номланишида эса шахснинг жой билан алоқадорлиги ҳисобга олинган (Охунов, 1997: 26). Чунончи, бу даврдаги антропотопонимларнинг аксарияти хонлар ва уларнинг фарзандлари, ака-укалари, қариндош-уруғлари, саройда муҳим мавқега эга бўлган амалдорлар, уламолар, ҳарбий саркардалар, дин арбоблари номлари орқали юзага келган. Масалан: *Шераличек, Насриддинобод, Ўрмонбек, Султонмуродбек* (Балиқчи т.), *Холматдодҳо* (Асака т.), *Жумабойчек, Маллахон, Худоёрхон, Аширқулмерган* (Ўзбекистон т.), *Ҳасанқўргонча, Юсуфқўргонча, Ҳакимтўра, Алимерган, Раҳматилло* (Бувайда т.), *Ботирхўжа, Қурбон қашқар, Ўрозмерган, Эшимбек, Усмонбек, Бобошбек* (Учкўприк т.), *Сайдалиобод, Чек Насриддин* (Риш. т.), *Чек Жўрабек, Чек Шариф, Нуъмонобод* (Фурқат т.) ва бошқалар.

Собиқ шўролар даври антропотопонимларини эса уларнинг тузум ва мафкураларидан келиб чиққан ҳолда шўролар давлати дохийлари, коммунистик партия арбоблари, ҳарбий саркардалар ва инқилоб ҳаракати намоёндалари, рус

адабиёти вакиллари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ва машҳур пахта усталари исмидан ҳосил қилинган топонимлар ташкил қилган: *Ленин, Карл Маркс, Ленинобод, Ф.Энгельс, Куйбишев, Дзержинский, Киров, Фрунзе, Оржоникидзе, Калинин, Жуковский, Островский, М.Горький, Академик Павлов, Академик Кассирский, Циолковский, Ломоносов, Мичурин, Гостелло, Собир Раҳимов, Мамажон Тошматов, Мелиқўзи Умрзоқов.*

Мустақиллик даврида юзага келган ушбу қатламга мансуб объект номлари учун эса юртимизда етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар, халқ қаҳрамонлари, мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик намояндалари, машҳур фан арбоблари ва санъаткорлар исми асос қилиб олинган: *Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Ал-Хоразмий; Соҳибқирон Темур, Амир Темур, Алпомш, Тўмарис, Афросиёб, Жалолиддин Мангуберди, Широқ, Муқанна; Чўлпон, Ибрат, Фитрат, Абдулла Қодирий, Озод Шарафиддинов; Аҳрор Музаффаров, Сирож Саҳобиддинов; Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов* кабилар.

3. Касб-ҳунар номлари билан аталган топонимлар. Жой номларининг бундай тури халқнинг иқтисодий турмуш тарзи – шуғулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни, социолингвистик нуқтаи назардан ёндашилганда эса жамият ҳаётида ушбу соҳа билан алоқадор тарзда рўй берган ўзгариш ва ривожланишларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, яратилиши анча қадимийроқ саналган бу каби топонимлар номинациясида халқнинг кўл меҳнатига асосланган темирчилик, михгарлик, мисгарлик, анжомсозлик, заргарлик, тикувчилик, тўқувчилик каби ҳунармандлик фаолияти мотив қилиб олинган: *Мисгарлик, Парпашабон, Дегрезлик (Кўқон ш.), Ўқчи Дашт, Ўқчи Ражабгарди, Ўқчи бозорбоши, Ўқчи Қушқўноқ, Ўқчи туман (Ўзбекистон т.), Юқори Ўқчи, Ўқчи, Карнайчи, Бордончи (Кўштепа т.), Михчагар, Таррачи (Бувайда т.), Ипакчи, Косибчилик, Милтиқсоз, Йўрмадўз, Пичоқчи (Марғилон ш.), Сўкчилик, Кигизчилик, Қамчипуруш (Тошлоқ т.), Дўзанда, Заргарон (Чуст т.), Читгар (Косон т.);*

Пайдо бўлиши жуда яқин ўтмишимиз билан, хусусан, замоннинг тараққий этиши, фан-техника, турли соҳаларнинг ривожланиши билан боғланадиган топонимлар номланиши учун эса маълум касб ёки мутахассислик номлари асос қилиб олинганини кўриш мумкин: *Ўрмончилар, Тўқимачилар, Қурувчилар, Мураббийлар, Шифокорлар, Кимёгарлар, Авиасозлар (Фарғона ш.), Темирйўлчи (Кўқон ш.), Нефтчилар, Шифокор (Фарғона т.), Зиёкор (Ўзбекистон т.), Ўқитувчилар (Кўштепа т.), Саноатчилар (Қува т.), Ёш тадбиркорлар, Иқтисодчи, Тадбиркор (Кўрғонтепа т.)* ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, топонимлар жамиятда юз берган ҳар қандай ижтимоий ўзгаришларнинг кўзгусидир. Номларнинг ижодкори ўз навбатида халқ ҳисобланиб, топонимлар жамият (инсонлар) тафаккури ифодаси сифатида юзага келади. Топонимлар номинацияси билан боғлиқ ўзгаришларни социолингвистик жиҳатдан таҳлил этиш эса муайян даврнинг, тузумнинг

номлаш учун асос бўлган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти ҳамда мафкуравий қарашларига оид муҳим жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

Адабиётлар

1. Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социоллингвистикаси. – Хўжанд, 2015.
2. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985.
3. Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009.
4. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989.
5. Охунов Н. Фарғона водийси антропоойконимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997 йил, 2-сон.
6. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва: Наука, 1973.

*Жабборов Б., доцент
Ҳакимова Ҳ. катта ўқитувчи
(Тожикистон)*

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Маълумки, ўзбек ва тожик тиллари грамматик қурилиши жиҳатидан бошқа-бошқа тил оилаларига кирувчи тиллардир. Шунинг учун уларнинг луғавий қатламларини қиёсий ўрганиш, компонент таҳлил қилиш ҳар иккала тилшуносликка ва тил аҳли учун катта аҳамият касб этади.

Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод мавжуд бўлиб, унда икки қариндош бўлмаган (кейинчалик қариндош тиллар ҳам қиёсланила бошлаган) тилнинг турли сатҳ бирликлари ўзаро қиёсан ўрганилади. Қайд этилишича, ушбу метод XVIII-XIX асрларда Европада қадимги ҳинд, яъни санскрит тилининг ўрганилиши натижасида шаклланган дейилади. Дарҳақиқат, ўша даврларда Европа тилларини (инглиз, франсуз, немис ва бошқ.) санскрит тили билан қиёсий ўрганиш кенг тус олиб, натижада катта-катта тадқиқот ишлари яратилган. Бунинг натижасида тилшунослик фанида ҳам катта ўзгаришлар, янги-янги йўналишлар (психологизм, натурализм, структурализм каби) пайдо бўлди. Аммо гарчи алоҳида илмий метод сифатида номланмаган бўлса-да, ўзбек тилшунослиги тарихида қиёсий аспектдаги ишлар амалга оширилганки, улар Европа тилшунослигидан анча даврлар олдин юзага келганлигини кўрсатади. Профессор А.Нурмонов олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган “Ўзбек тилшунослиги тарихи” деб номлаган дарслигида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг отаси деб Маҳмуд Қошғарийни келтиради ва бундай дейишга ҳақлидир. Чунки XI асрда яшаб ижод этган М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида туркий тилларнинг, лаҳжаларнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Устозларимиз А.Каримов, Т.Мирзоқуловлар томонидан ўзбек тили тарихига оид кичик бир тадқиқотда (брошюра) ҳатто араб тили билан муқоиса қилинган ва уларни икки улоқчи от пойғасига ўхшатиб, гоҳ униси-

нинг, гоҳ бунисининг ўзиши таъкидланади. Профессор А.Нурмонов: “...қиёсий-тарихий тилшунослик асосчилари сифатида Франц Бопп, Расмус Раск ҳамда Яков Гриммлар эътироф этилади. Бунинг сабаби шундаки, Ғарб олимлари М.Қошғарийнинг “Девон”и билан XX асрнинг биринчи чорагигача таниш бўлмаган. Агар таниш бўлганларида эди, унинг тилшуносликдаги хизматлари олдида тиз чўккан ва қиёсий-тарихий тилшунослик, лингвогеография сингари тилшунослик йўналишларининг отаси сифатида Маҳмуд Қошғарийни эътироф этган бўлардилар. Унинг асари олдида таъзим бажо айлаган машҳур турколог А.М.Шчербак шундай ёзади: “Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ига на материалнинг ҳажми жиҳатидан, на муаллифнинг филологик билими жиҳатидан бас келадиган бирон асар йўқ...”. (1, ...)

Ўзбек ва тожик тилларини қиёсий ўрганиш масаласи буюк тилшунос Алишер Навоий даҳоси билан ҳам боғлиқдир. Профессор А.Нурмонов А.Навоийнинг ўзбек тилшунослиги олдидаги хизматларини санаб, улардан бирини “Алишер Навоий – чоғиштира (контрастив) лингвистиканинг отаси...” (2, 85) деб кўрсатади. А.Навоий ўзи яшаган даврда ўз она тилисининг мавқеини кўтариш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини кўрсатиш учун контрастив тилшунослик талабларига тўла жавоб берадиган ва ўша даврдаги давлат ва илм тили ҳисобланган тожик тили билан қиёсланган йирик илмий асари “Муҳокамат-ул луғатайн”-ни яратди. Дарҳақиқат, ушбу асарнинг яратилиши дунё тилшунослигида янги чоғиштира тилшуносликнинг яратилиши ва равнақига асос бўлди. Бу тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, морфологик-грамматик жиҳатдан турли тизимдаги тилларнинг барча сатҳларига оид материаллар ўзаро қиёсланади.

Алишер Навоийнинг ушбу контрастив тилшунослик соҳасига оид асарида ўзбек ва тожик тилларининг фонетикаси, лексикаси, сўз ясалиши, морфологияси ҳамда синтаксиси солиштирилган. Уларнинг ўзаро муносабати, фарқли, ўхшаш ва устунликлари ёритилган.

Ўзбек ва тожик тиллари қиёсига бағишланган ишлар тарихига назар ташласак, Навойдан кейин ҳам ўзбек ва тожик тилларига бағишланган лексикографик пландаги ишлар юзага келган. Толи Имоний Ҳиротий томонидан яратилган «Бадое-ал луғат» асари Навоий асарлари лексикасига бағишланган. «Бадоеал луғат» XV асрнинг охирларида китобат қилинган бўлиб, у чиғатойча-форсча луғат ҳисобланади. Луғатда Навоий тилидаги туркча сўзларнинг форсча таржимаси берилган. «Бадоеал луғат» А.К.Боровков томонидан ўрганилиб, нашр эттирилди.

Бундан ташқари, XVII асрда тузилган Фазлуллахоннинг луғати ўзбек тили тарихи учун муҳим қимматга эгадир. У туркча луғат деб аталиб, уч бобдан иборатдир. Биринчи бобда феъллардан ҳосил бўлган отлар форсчага таржима қилинади. Иккинчи бобда эса турли хил шакллари изоҳланади. Учинчи боб от туркуми сўзлигини ташкил қилади.

Фазлуллахон луғатида ҳар бир сўзнинг талаффуз этилиш нормасига аниқ характеристика берилади. Масалан: ота сўзидаги олдинги унли фатҳа ва маддли алиф билан, иккинчиси маддсиз ёзилади, деб изоҳланади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган «Арабча-ўзбекча-тожикча луғат» («Мунтахабул луғат») хивалик Муҳаммад Ризога тегишлидир. Бу луғатда Навоий асарларидаги арабча, форсча ва ўзбекча сўзларга изоҳ берилади. Автор сўз бошида луғатнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот беради.

XV-XIX асрларда яратилган луғатларнинг мукамалларидан бири XVII асрда китобат қилинган Муҳаммад Яъқуб Чингийнинг «Келурнома» асаридир. Ўзбекча-тожикча ҳисобланган бу луғат 15 бобдан иборат.

Луғатнинг қимматли томони шундаки, унда ҳар бир сўзнинг бош ҳолати, яъни феълларнинг инфинитив формаси, отнинг бош келишиқ формаси ва унинг форсча таржимаси берилади. Сўнгра унга турли хил грамматик формаларнинг қўшилиб келиши ва унинг таржимаси кўрсатилади.

Собиқ Шўролар даврида ўзбек ва тожик тиллари қиёсига бағишланган тадқиқотлар жуда озчиликни ташкил этади. Бу даврга хос ўзбек ва тожик тиллари муносабатига бағишланган асосий ишлардан бири сифатида К.Юсуповнинг «Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабати» монографиясини кўрсатиш мумкин. (-Т.: Фан, 1974).

Истиқлолият даврига келиб бу соҳа анча ривожланди. Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети ўзбек филологияси факултети ўзбек тили ва унинг таълими методикаси кафедрасининг 5 йиллик истиқболли илмий режалари ўзбек ва тожик тиллари қиёсига бағишланди.

Ўзбек ва тожик тиллари лексикаси қиёсига бағишланган тадқиқотлардан бири профессор Абдували Бердиалиев раҳбарлигида амалга оширилган Б.Жабборовнинг “Ўзбек ва тожик тилларида яқинлик номлари” номли номзодлик диссертацияси бўлиб, ишда ўзбек ва тожик тиллари лексикасида амал қилувчи яқинлик номлари: никоҳ билан боғлиқ яқинлик номлари (куда, куёв, қайнота, қайона, қайноға, қайнбека, қайни, қайнсингил, келин, болдиз, овсин каби); ҳар хил ижтимоий муносабатларга асосланган яқинлик номлари (ёр, дўст, ўртоқ, дугона, ошна, оғайни, курсдош, маслакдош каби)-лари икки тил материаллари гиперо-гипонимик ва эквонимик муносабатлар асосида қиёсланилган.

А.Бердиалиев раҳбарлигида амалга оширилаётган ўзбек ва тожик тиллари қиёсига бағишланган ишлардан яна бири Зебо Юнусованинг “Ўзбек ва тожик тилшунослигида фонетик-фонологик сатҳ атамаларининг структур-семантик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик иши бўлиб, унда ўзбек ва тожик тиллари фонетика ва фонология соҳаларига оид атамаларнинг структур-семантик хусусиятлари, фонетик-фонологик атамаларнинг ўзаро парадигматик, синтагматик ҳамда ассоциатив муносабатлари ёритилган.

Шунингдек, профессор А.Бердиалиев раҳбарлигида амалга оширилаётган яна бир янги тадқиқот Шаҳноза Турдиматованинг “Ўзбек ва тожик тилларида кийим-кечак маъносидаги функционимлар” мавзусидаги номзодлик диссертацияси ҳам мақоламиз объектига дахлдор бўлиб, унда ўзбек ва тожик тиллари лексикасида амал қилувчи кийим-кечак функционимларининг семантик жиҳатдан гуруҳланиши, уларнинг морфем таркиби ва дериватив хусусиятларига бағишланган.

Хуллас, жуда узоқ тарихга эга бўлган икки халқ ҳаётининг турли жабҳаларига хос муносабатлари уларнинг тилида ҳам акс этганлигини сезиш қийин эмас. Уларни илмий жиҳатдан қиёсий ўрганиш ҳам анча узоқ тарихга эга эканлигини А.Навоийнинг юқорида келтирилган асаридан билиш мумкин. Аммо замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан ўзбек ва тожик тиллари материалларини барча сатҳлараро ўрганилган дейиш қийин. Ушбу икки қариндош бўлмаган тилларни тилнинг барча сатҳлари ҳамда социолингвистик, этнолингвистик жиҳатдан қиёсий ўрганиш тилшуносларимиз олдида турган муҳим вазифаларидан саналади.

Адабиётлар

1. Каримов А., Мирзақулов Т. Туркий ва ўзбек тилшунослиги тарихидан лавҳалар, Хужанд, 1996, -Б.22.
2. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент, 2002, -Б.232.
3. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент, 2002, 85-бет.

**Жўрабоева Г., таянч докторант,
(Ўзбекистон)**

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Антропоцентрик тилшуносликнинг янги тармоғи саналган социолингвистика – тилнинг ички қурилишини ўрганувчи лингвистика (интралингвистика) ва жамиятшунослик фанлари оралиғида вужудга келган соҳа ҳисобланиб, у тил қурилишининг ижтимоий томонини ўрганади (Бердиалиев, 2015: 8). Тил луғат бойлигининг муҳим таркибий қисми бўлган ономастик бирликлар, жумладан, топонимларни ижтимоий нуқтаи назардан ўрганишда ҳам социолингвистика алоҳида ўрин тутаяди. Топонимлар тараққиётида социал омилларнинг ўрни ва роли, айниқса, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда номинатив вазифаларида ёрқин кўринади. Яъни, топонимлар номланиши ва мотивациясида муайян даврдаги жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий-тарихий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам рус топонимшуноси А.В.Суперанская: «Ҳар қандай номнинг мотивлари тарихий ва социал маънога эгадир», – деб таъкидлаган эди (Суперанская, 1973: 101).

Топонимларнинг яратилиши, уларнинг номинатив-мотивацион хусусиятларига эътибор қаратилса, энг тасодифий деб қаралган ном ҳам маълум бир даврларда ижтимоий эҳтиёж, зарурият туфайли вужудга келганини

кўриш мумкин (Дўсимов, 1985: 76). Яъни тилдаги ҳар қандай ном – давр ва замон маҳсули сифатида вужудга келади. Ҳар даврнинг, ҳар ижтимоий тузумнинг эса ўз қарашларига мос ҳолдаги объектларни номлаш тамойили ва талаблари бўлган. Қадимий номларни қабул қилган ҳолда ҳар бир давр, тузум ўз мафкураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти, табиатга муносабати каби ижтимоий-табиий омилларга таяниб номлар мажмуини яратган (Нафасов, 2009: 26). Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда қуйида Фарғона водийси топонимларининг номланиш жараёнини турли давр ва босқичлар нуқтаи назаридан ўрганиб, уларни социалингвистик қонуниятлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик:

1. Ижтимоий-сиёсий терминлар асосида ҳосил қилинган топонимлар. Айрим мутахассислар томонидан «соцтопонимлар» термини остида юритиладиган бу турдаги топонимлар муайян даврнинг ижтимоий ҳаёти ва мафкураси билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундай топонимлар асосини маълум давр ёки тузумнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларига тааллуқли тушунчалар ва ҳодисалар номларидан таркиб топган лексемалар ташкил қилади. Масалан, Қўқон хонлиги даврида юзага келган бу турдаги топонимлар таркибини асосан ўша давр сиёсий тузумини акс эттирувчи хонлик ва амирликларнинг давлат тузилиши, саройдаги амал, мансаб, мавқени ифодаловчи *мир // амир, хон, шоҳ, тўра, бек, ойим, ойимча, мерган, понсод, маҳрам, додҳо, оталиқ, қўрбоши, бий* сингари бирликлар ташкил этади (Охунов, 1989: 33): *Ойимчақақир, Ойим, Оталиқ, Дастурхончи, Қози-қузот* (Ўзбекистон т.), *Катта Амиробод, Кичик Амиробод* (Данғара т.), *Ғазначи, Понсод* (Бувайда т.), *Баковул* (Учкўприк т.), *Шикорбеги, Ноиб кўприги* (Қўқон ш.), *Офтобачичек* (Олтинкўл т.), *Хонқўрғон, Қозиқўрғон, Шаҳрихон* (Шаҳрихон т.); қайд этилган бирликларнинг аксарияти киши исмлари билан ҳам биргаликда қўлланиб, антропотопонимларни ҳосил қилади: *Қурбонмерган, Аширқулмерган* (Ўзбекистон т.), *Холматдодҳо* (Асака т.), *Назармаҳрам* (Шаҳрихон т.), *Шарифмерган* (Уйчи т.), *Шукурмерган* (Марҳамат т.) каби.

Мазкур турда ясалган соцтопонимлар собиқ шўролар даври учун ҳам хос бўлиб, улар таркибига даврнинг сиёсий-мафкуравий қарашлари ва тузумнинг ўз шахсий манфаатларига мослаштирилган қуйидагича лексемалардан таркиб топган топонимларни киритиш мумкин: *Коммунистов, Советобод, Комсомолобод, Совет, Коммунизм, Коммунист, Интернационал, Коммуна, Партсъезд, Социализм, Пионерская, Инқилоб, Иттифоқ, Комсомольская, Красноармейская, Пролетар, Советская* кабилар.

Шунингдек, ижтимоий-сиёсий терминлар билан ҳосил қилинган номлар мустақиллик даврида яратилган топонимик тизимда ҳам учрайди ва уларни *Мустақиллик, Истиқлол, Истиқбол, Халқлар дўстлиги, Миллий тикланиш, Тинчлик, Бирдамлик, Хамдўстлик, Ҳуррият, Озодлик* каби миллий ғоя ва менталитетимиз билан алоқадор ҳолда яратилган неотопонимлар ташкил қилади.

2. Киши исмлари асосида ҳосил қилинган топонимлар. Антропотопонимларнинг вужудга келиши ҳам жамиятдаги маълум ўзгариш ва қонуниятлар билан алоқадор ҳисобланиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос ушбу гуруҳга оид номлар мажмуи бор. Жумладан, ҳозирда Фарғона водийси ҳудудида кенг тарқалган антропотопонимларнинг катта бир қисми Қўқон хонлиги даврида юзага келган ва уларнинг яратилишида асосан кишиларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи муҳим аҳамиятга эга саналган. Объектнинг номланишида эса шахснинг жой билан алоқадорлиги ҳисобга олинган (Охунов, 1997: 26). Чунончи, бу даврдаги антропотопонимларнинг аксарияти хонлар ва уларнинг фарзандлари, ака-укалари, қариндош-уруғлари, саройда муҳим мавқега эга бўлган амалдорлар, уламолар, ҳарбий саркардалар, дин арбоблари номлари орқали юзага келган. Масалан: *Шераличек, Насриддинобод, Ўрмонбек, Султонмуродбек* (Балиқчи т.), *Холматдодҳо* (Асака т.), *Жумабойчек, Маллахон, Худоёрхон, Аширқулмерган* (Ўзбекистон т.), *Ҳасанқўрғонча, Юсуфқўрғонча, Ҳакимтўра, Алимерган, Раҳматилло* (Бувайда т.), *Ботирхўжа, Қурбон қашқар, Ўрозмерган, Эшимбек, Усмонбек, Бобошбек* (Учкўприк т.), *Сайдалиобод, Чек Насриддин* (Риш. т.), *Чек Жўрабек, Чек Шариф, Нуъмонобод* (Фурқат т.) ва бошқалар.

Собик шўролар даври антропотопонимларини эса уларнинг тузум ва мафкураларидан келиб чиққан ҳолда шўролар давлати дохийлари, коммунистик партия арбоблари, ҳарбий саркардалар ва инқилоб ҳаракати намоёндалари, рус адабиёти вакиллари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ва машҳур пахта усталари исмидан ҳосил қилинган топонимлар ташкил қилган: *Ленин, Карл Маркс, Ленинобод, Ф.Энгельс, Куйбишев, Дзержинский, Киров, Фрунзе, Оржоникидзе, Калинин, Жуковский, Островский, М.Горький, Академик Павлов, Академик Кассирский, Циолковский, Ломоносов, Мичурин, Гостелло, Собир Раҳимов, Мамажон Тошиматов, Мелиқўзи Умрзоқов.*

Мустақиллик даврида юзага келган ушбу қатламга мансуб объект номлари учун эса юртимизда етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар, халқ қаҳрамонлари, мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари, машҳур фан арбоблари ва санъаткорлар исми асос қилиб олинган: *Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Ал-Хоразмий; Соҳибқирон Темури, Амир Темури, Алпомии, Тўмарис, Афросиёб, Жалолиддин Мангуберди, Широқ, Муқанна; Чўлпон, Ибрат, Фитрат, Абдулла Қодирий, Озод Шарафиддинов; Аҳрор Музаффаров, Сирож Саҳобиддинов; Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов* кабилар.

3. Касб-хунар номлари билан аталган топонимлар. Жой номларининг бундай тури халқнинг иқтисодий турмуш тарзи – шуғулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни, социолингвистик нуқтаи назардан ёндашилганда эса жамият ҳаётида ушбу соҳа билан алоқадор тарзда рўй берган ўзгариш ва ривожланишларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, яратилиши анча қадимийроқ саналган бу каби топонимлар номинациясида

халқнинг қўл меҳнатига асосланган темирчилик, михгарлик, мисгарлик, анжомсозлик, заргарлик, тикувчилик, тўқувчилик каби ҳунармандлик фаолияти мотив қилиб олинган: *Мисгарлик, Парпашабон, Дегрезлик* (Қўқон ш.), *Ўқчи Даши, Ўқчи Ражабгарди, Ўқчи бозорбоши, Ўқчи Қушқўноқ, Ўқчи туман* (Ўзбекистон т.), *Юқори Ўқчи, Ўқчи, Карнайчи, Бордончи* (Қўштепа т.), *Михчагар, Таррачи* (Бувайда т.), *Ипакчи, Косибчилик, Милтиқсоз, Йўрмадўз, Пичоқчи* (Марғилон ш.), *Сўкчилик, Кигизчилик, Қамчипуруш* (Тошлоқ т.), *Дўзанда, Заргарон* (Чуст т.), *Читгар* (Косон т.);

Пайдо бўлиши жуда яқин ўтмишимиз билан, хусусан, замоннинг тараққий этиши, фан-техника, турли соҳаларнинг ривожланиши билан боғланадиган топонимлар номланиши учун эса маълум касб ёки мутахассислик номлари асос қилиб олинганини кўриш мумкин: *Ўрмончилар, Тўқимачилар, Қурувчилар, Мураббийлар, Шифокорлар, Кимёгарлар, Авиасозлар* (Фарғона ш.), *Темирйўлчи* (Қўқон ш.), *Нефтчилар, Шифокор* (Фарғона т.), *Зиёкор* (Ўзбекистон т.), *Ўқитувчилар* (Қўштепа т.), *Саноатчилар* (Қува т.), *Ёш тадбиркорлар, Иқтисодчи, Тадбиркор* (Қўрғонтепа т.) ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, топонимлар жамиятда юз берган ҳар қандай ижтимоий ўзгаришларнинг кўзгусидир. Номларнинг ижодкори ўз навбатида халқ ҳисобланиб, топонимлар жамият (инсонлар) тафаккури ифодаси сифатида юзага келади. Топонимлар номинацияси билан боғлиқ ўзгаришларни социалингвистик жиҳатдан таҳлил этиш эса муайян даврнинг, тузумнинг номлаш учун асос бўлган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти ҳамда мафкуравий қарашларига оид муҳим жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

Адабиётлар

1. Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социалингвистикаси. – Хўжанд, 2015.
2. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985.
3. Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009.
4. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989.
5. Охунов Н. Фарғона водийси антропоойконимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997 йил, 2-сон.
6. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва: Наука, 1973.

Жабборова Э., ассистент
(Ўзбекистон)

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек тилшунослиги туркий тилшунослик сирасидаги энг пешкадам, ўзига хос йуналишларга, таълимотларга, илмий - назарий ва амалиёт билан боғлиқ жиддий ва пухта тадқиқотларга эга булган етакчи тилшунослиқдир. Ҳақиқатан, туркий тилшунослиқда етакчи тилшунослиқлардан бири сифатида тан олинган ҳозирги ўзбек тилшунослигининг мустаҳкам пойдеворини

яратишда, тилшуносликнинг деярли барча соҳд ва йуналишлари буйича жиддий изланишлар олиб борган, салмокли - фундаментал тадқиқотлар яратган ва яратиб келаётган олимларнинг ҳамда ёш авлод тилшуносларининг хизматлари каттадир.

Жаҳон тилшунослиги тарихи бир уммонки, ундан имкониятга, талаб ва мақсадга кура хабардор булиш, шу йуналишда билимга эга булиш, ундан фойдаланиш ва тадқиқотларда ушбу «уммонга» асосланиш ҳар бир жиддий тадқиқотчи учун, тилшунос учун шарафдир. Чунки тилшунослик фанининг келажаги аслида тилшунослик тарихидан, лисоний битмас - туганмас хазинадан бошланади. Шунингдек, тилшуносликнинг илмий-назарий муаммоларининг асоси, пойдевори ҳам мантиқан тилшунослик тарихидадир. Айни тарихни мукаммал билмасдан, уни тасаввур қилмасдан, уни англамасдан туриб, тилшуносликнинг назарий - фалсафий масалалари хақида фикр юритиш мақсадга мутлақо мувофиқ эмасдир, дилетантликдир.

Лингвистика термини қатор Европа мамлакатлари: инглиз, француз, немис, испан, рус ва бошқа тилларда фаол қулланилиб, тил ҳақидаги фанни англатади. Ушбу сузнинг узаги *lingua* булиб, тил деган маънони беради. Бинобарин, лингвистика терминининг ўзбек тилидаги муқобили, маънодоши тилшунослик булиб, улар узаро синонимик муносабатга киришади. Лингвистика ёки тилшунослик фани узага хос мураккаб ижтимоий ҳодиса булган алоқа қуролини - тилни система сифатида - бир бутун объект сифатида тадқиқ ва таҳлил қилади. Айни жараёнда у турли қуринишларда, шаклларда қузатилади. Бу ижтимоий характерга эга булган тилнинг мо[^]иятидан, уни турли томондан урганиш> текшириш лозимлигидан ва бу илмийлик нуқтаи назаридан мутлақо тугри эканлигидан келиб чиқади. Лингвистика ниҳоятда қудратли маънавият белгиси, миллат қузгуси, бойлиги булган тилни урганиш жараёнида қуйидаги қуринишларда намоён булади:

1. Динамик лингвистика. Динамик лингвистика, асосан, тилни реал мавжудлигида, коммуникатив жараёнда турлича вазибаларни фаол бажаришда, «тараккиётда», узгаришда тадқиқ қилади.

2. Статик лингвистика. Статик лингвистика тил фаолиятидаги тулик синхронлашган муайян бир даврни (булакни) ажратади ва уни тасвирлайди.

3. Атомистик лингвистика. Атомистик лингвистика диққат-эътиборини ҳар бир индивидуал тил бирликларининг тараккиётини, ушшини алоҳида урганишга қаратади.

4. Структурал лингвистика. Структурал лингвистика тил системасидаги ички муносабат ва алоқаларни тадқиқ қилади.

5. Синхрон лингвистика. Синхрон лингвистика статик ва структурал лингвистика билан узвий боғлиқ булиб, тилнинг маълум бир даврдаги «котган», «туррун» ҳолатини тасвирлашга хизмат қилади.

6. Диахрон лингвистика. Диахрон лингвистика динамик ва атомистик лингвистика билан узвий боғлиқ булиб, тилнинг тараккиёт, тил бирликларининг эса ривожланиш қонуниятлари ҳамда натижаларини урганади.

7. Интралингвистика (ички лингвистика). Ички лингвистика тил бирликларининг систем алоқасини, муносабатини экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлмаган ҳолда урганади.

8. Экстралингвистика (ташки лингвистика). Ташки лингвистика тилнинг тараккиёти ва вазифасини ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-тарихий, этник, жугрофий каби факторлар билан боғлиқ ҳолда урганади.

9. Макролингвистика. Макролингвистика тилни кенг доирада, «катта хажмда» олиб, уни статистик усуллар асосида тадқиқ қилади. Аниқроғи, ушбу соҳа тилни статистик усуллар орқали таҳдид қилади.

10. Микролингвистика. Микролингвистика тил системаси таркибидаги (структурасидаги) алоқалар, узаро муносабатлар ва қарама-қаршиликларни урганади.

11. Паралингвистика. Паралингвистика бевосита нутқ фаолияти билан боғлиқ булиб, нутқ жараёнида фикр ифодалаш билан бир вақтда юзага келувчи, сузлашув нутқининг доимий ҳамроҳи бўлган қул ва юз ҳаракатларини (имо-ишора, мимика), нутқнинг баландлиги, экспрессив-эмоционал бўёқ каби қатор жиҳатларни урганувчи соҳадир.

12. Психолингвистика. Психолингвистика психология ва лингвистика фанларининг умумлашмаси (синтези) сифатида нутқ жараёнини мазмун нуқтаи назаридан, коммуникатив аҳамияти, нутқ актининг муайян ижтимоий-амалий мақсадга йуналтирилганлиги, шунга мувофиқлиги жиҳатидан урганади.

13. Социолингвистика. Социолингвистика социология ва лингвистика фанларининг зарурий ва мантикий боғлиқлигидан ҳосил булиб, жамият ва тил (тил ва жамият) муносабати масаласи билан шугулланади. У тилни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилади.

14. Этнолингвистика. Этнолингвистика этнография ва лингвистика фанларининг узаро муносабатидан шаклланиб, этник белги бўлган тилга халқ тарихий тараккиётининг, ривожланишининг, халқ турмуш, урф-одатларининг, моддий ва маънавий маданиятининг таъсирини, уларнинг тилда воқе бўлишини урганади.

15. Математик лингвистика. Математик лингвистика тилни урганиш ва тасвирлаш жараёнида математик усулларнинг (масалан, статистик усул, информация назарияси қабиларнинг) қулланиш имқониятларини текширади.

16. Нейролингвистика. Нейролингвистика нейрон ва лингвистика сузларининг узаро бирикувидан, қушилишидан ҳосил булиб, инсон миясидаги нерв ҳужайраларининг, нейронларнинг тилни-сузларни ҳосил қилишдаги вазифасини урганади.

17. Компьютер лингвистикаси. Компьютер лингвистикаси амалий тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, унинг асосий мақсади тилшуносликка

оид муаммоларни компьютер воситасида, бевосита унинг “рахбарлигида” хал қилишдир. Аниқроғи, компьютер лингвистикаси тилларни уқитиш (урганиш), муайян фанга оид билимларни баҳолаш, матнларни тахрирлаш, бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилиш, статистик тадқиқотлар олиб бориш каби катор жараёнларда фаол хизмат қилмоқда.

18. Когнитив лингвистика. Когнитив лингвистика тилшуносликдаги энг янги йўналишлардан биридир. Ушбу тилшунослик когнитология (инсон билимини урганувчи фан) ва лингвистика фанларининг узаро зарурий боғланишидан, ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида юзага келган.

Тил иккиламчи материал система сифатида идеал системаларнинг, яъни гоёлар, фикрлар, тушунчаларнинг «моддийлашиши», вокеланиши учун хизмат қилади. Тил системаси - бу лисоний (лингвистик) бирликлар ва уларнинг жамият талабига - коммуникатив жараёнга мос ҳолда узаро боғланиши, мантикий муносабатга киришиши учун хизмат қиладиган муайян қоидалар ҳазинасидир, имкониятдир. Тил системаси таркибидаги моддий - коммуникатив бирликлар муайян қоидалар асосида узаро зарурий алоқага, муносабатга киришадилар, муайян гуруҳларни (парадигмаларни) тузадилар, нутқ бирликларини - ҳосилаларини яратадилар. Бу алоқа, муносабатлар мутлақо мантикий, объектив, ижтимоий бўлиб, икки йўналишда - парадигматик ва синтагматик боғланишларда кузатилади, реаллашади, ушбу аспектларда тадқиқ ва таҳлил қилинади, урганилади. Аниқи, тил бирликлари орасидаги боғланиш, алоқа парадигматик ва синтагматик муносабатни ҳосил қилади. Демак, тил системаси таркибидаги бирликларнинг асосий муносабатлари парадигматик ва синтагматик муносабатлар ҳисобланади. Тил системаси фаолияти, амалиёти, ҳаракати, мавжудлиги айнан мана шу парадигматик ва синтагматик муносабатлар асосида юз беради. Шунга кура тил системаси билан бевосита - табиий боғлиқ парадигматика - парадигматик муносабат ва синтагматика - синтагматик муносабат каби тушунчаларни аниқлаш, уларнинг тил системасидаги мавқеини, ахамиятини, урнини белгилаш назарий тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Тил системаси уз мавжудлиги ва амалий қудратини, ижтимоий ҳаракатини ушбу таянч, энг асосий муносабатларга кура амалга оширар экан, қайд этилган саволнинг берилиши мутлақо мантикийдир. Таъкидлаймиз, тил системаси-унинг бирликлари ва қоидалари-парадигматика-парадигматик муносабат бирликлари - парадигма аъзолари тил ходисаси, тил факти сифатида узининг таъсир кучини, ҳаракатини, ижтимоий-амалий фаоллигини ва фаолиятини-коммуникатив вазифасини синтагматикада-синтагматик муносабатда намоён қилади, курсатади. Чунки парадигматик муносабат бирликлари ижтимоий амалиёт натижаси, факти, ходисаси сифатида синтагматик муносабат орқалигина-тил бирликларининг валентлик муносабатига киришуви-семантик-синтактик боғланишига кура амалга ошади. Маълум бўлдики, тил системаси бирликларининг фаоллашиши, нутқнинг аниқ бирлигига айланиши синтагма

тика, синтагматик муносабат туфайли юз беради. Бундан мантикий равишда парадигматиканинг синтагматика билан боғлиқлиги келиб чиқади. Айтиш мумкинки, синтагматика парадигматиканинг мавжудлик ва намоён булиш шаклидир. Демак, лисоний бирликларнинг - масалан, сузларнинг нутк фаолиятида кетма-кет келиши, муайян тартибда жойлашиши синтагматика сифатида намоён булади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1990.
3. Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. - Т.: Фан, 1981.
4. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.

Зияева М., ўқитувчи
Суюнова Д., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

БУЮК ДАВЛАТ ТИЛИ БОҚИЙДИР!

Жуда нозик мавзу - тил сиёсати ҳақида ғоят мухтасар фикрлар билдирилгани айни муддао бўлди. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, Унда миллат яшар, унда тил яшар!

Энди, айнан ўзимизнинг миллатдошларимиз бўлган баъзи русийзамон ака-опаларимиз билиб-билмай ҳазиллашиб қўйганини биз ҳам ҳазил-ҳузилга йўйсак қандоқ бўларкан? Ахир, ҳазил-ҳазилдан ўқ чиқар... деган бадбўйгина ҳикматни ҳам унутмаслик лозим.

Шу қисқа йил ичида халқимиз она тилимиз – инсон маънавиятининг кўзгуси, уни асраб авайлаш ҳар биримизнинг энг олий бурчларимиздан бири эканлигини англаб етди. Байрам муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Мақсад: она тилимизнинг бой маънавий меърос эканлигини, уни аждодларимиздан қандай олган бўлсак авлодларга ҳам ўз ҳолича етказиш зарурлигини ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Она тилимиз ўз жозибаси ҳамда қиёси йўқ бетакрорликка эга. Дунёда тиллар кўп бироқ улар орасида Ўзбек тилидек сўзга, ибора ва ибратларга бой тил бўлмаса керак. Ҳа, ҳам шундай. Бугун дунё тилшунослари ўзбек тилидаги бой маънавий меъросни ўрганиб шу мазмундаги гапларни такидлашмоқдалар. Бундай тадқиқот ишларидан фақат фахр ва ифтихор туйғуларини туясан, киши.

Дарҳақиқат. Илк бор онанинг тилидан айтилган алла. Шу орқали миллий куй ва миллий тилимиз онда шакллланади. Бунда эса гўдакка алладаги эзгуликлар ва яхшиликлар ҳамроҳ бўлади. Биргина алла туфайли унинг ҳаёлида она Ватан, тарих, тинчлик каби тушунчалар пайдо бўлади. Биз биламизки, тил ижтимоий ҳодиса. Жамият тараққий этиши билан у ҳам маълум даражада шакланиб боради. Бизнинг ўзбек тилимиз ҳам асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келмоқда. Бунда албатта Махмуд Қошғарий, Юсуф ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ҳамда Ҳазрат Алишер Навоийларнинг ўрни беқиёсдир.

Келажагимизга бўлган ишонч юртимизда маънавиятга бўлган эътибордандир. Бугун кимдан сўрамайлик мустақиллигимиз ва бугунги дориламон кунларимизга шукрона айтишади. Биз келажаги буюк давлатлар қаторидамиз. Бугун бизнинг тилимизни дунё тан олди. Жаҳон ареналарида эса Ўзбекистон деб аталувчи давлат номи қайта-қайта такрорланмоқда. Ўзбек ўғлони “мен ўзбекман” деб, кўзларида фақат қувонч ёшлари билан байроғимизни кучмоқда. Бунда эса ўзбек тилида сўзлашадиган ҳар бир кишининг кўнглида муқаддас тилимизга нисбатан янада ғурурланиш туйғуси пайдо бўлади. Зеро, тил миллат ва Ватан тимсоли.

Ҳар бир халқнинг ўзлигини намоён этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлари бўлади. Тириклик учун тоза ҳаво билан қуёш нури, нону сув қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, миллатнинг яшаши ва равнақ топишини ҳам она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мустақиллигимиз йилларида яратилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги, сўзга бой ҳамда тарихий илдизлари чуқур эканлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Лекин баъзан тилимизни соф туркийча қиламиз деб ҳаммага тушунарли бўлган байналмилал сўзларни ҳам ўзбекчалаштиришга уриниш ҳоллари учрамоқда. Бунинг ўрнига тилимизнинг асл бойликларини кўпроқ ўрганиш муҳим. Айниқса, Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби мутафаккир-шоирларимиз ва Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир сингари улуғ адибларимизнинг ранг-баранг тили, халқчил ва сержило услубини чуқур ўрганиш маънавиятимизни ҳам, нутқ ва тафаккуримизни ҳам беҳад бойитади.

Миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли илмий-амалий соҳа ёки мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳақида қайғуриш, она тилининг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун курашдир. Бу энг улуғ муҳорабадир.

Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижоди ва фаолияти барча авлодларга юксак намуна. Буюк мутафаккир “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида бу муҳим муаммо хусусида шундай ёзади: “халқ орасидан чиққан истеъдод аҳли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тиллари

да кўпроқ ёзсалар эди”. Навоий ҳақиқий миллатпарвар шоир сифатида ўзбек тили ва адабиётимизнинг нечоғлик бой, ранг-баранглиги ва чексиз имкониятларини бутун ижоди ва серқирра фаолияти билан исботлаб, унинг нуфузини жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Улуғ ижодкорлар халқ тилини ўрганишни ҳамisha асосий вазифа деб қараган. Бинобарин, бу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳор ҳозирги ижодкор ёшлар олдида эъзозли бир устоз бўлиб гавдаланади. Негаки, у умрининг охирига қадар ижод қилишдан тўхтамаганидек, тилни ўрганишни ҳам ҳамisha ёзувчилик меҳнатининг ажралмас бир қисми деб билган. Чунончи, 1967 йили “Вопросы литературы” журнали саволларига жавоб берар экан, жумладан, қуйидагиларни айтган эди: “Агар ёзувчи тоза виждонли бўлса, унинг учун асар ёзиш йил сайин қийинлашиб боради. Ёзувчи ҳеч қачон “Мен ёзишни яхши ўрганиб олдим” деб, ўзини хотиржам қилмаслиги керак”. Бу сўзлар ёш ижодкорларни ўзларига талабчанликни оширишга ва бадиий тил сирларини эгаллаш йўлида доимий изланишга ундовчи эзгу даъватдир.

Абдулла Қаҳҳор она тилимизнинг матонатли жонкуярларидан эди. Ибратли бир ҳолат: адибнинг адабиёт ва танқидчилик ёхуд ёшлар маънавияти ҳамда маданиятига бағишланган биронта нутқ ё мақоласи йўқки, унда адабий тилимизнинг беқиёс бойлиги ва имкониятларидан фахрланиб ёзмаган, унинг жиддий муаммоларидан ташвишланиб, кескин фикрлар айтмаган бўлсин. Афсуски, бугун ёшларимизда она тили ва адабиётимизни ўрганишга меҳр, иштиёқ сустлашган, шу боис уларда саводхонлик ҳам паст. Бу жиҳатдан олий таълим муассасаларига ўқишга киришда абитуриентларнинг она тили фанидан имтиҳон топширишлари шарт қилиб қўйилгани барчамизни хурсанд қилади. Лекин бўлажак филолог ва педагог-ўқитувчилар она тили ва адабиётдан иншо ёзишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўқиш давомида ҳам барча йўналишларда ўзбек тили ва адабиёти ўтилиши зарур. Аммо илмий-назарий тушунча ва қоидалар мажмуасидан иборат фан сифатида эмас, бадиият ва нафосатни қалбан англаш, ижодий фикрлаш ҳамда мушоҳадага ўргатувчи санъат тури сифатида ўтилса, ёшларнинг комил инсон бўлишларида беқиёс аҳамият касб этади.

Ёшларимиз мумтоз асарларни тушуниб ёдлаш, улардаги бадиий сўз жиолари ва тағмаъноларини ҳаёт билан, инсон руҳияти билан боғлаб таҳлил этишни ўргансалар эди. Кўп йиллик тажрибамдан бир-икки мисол келтирай. Навоийнинг қуйидаги сатрлари маъноси ва шоирнинг ғоявий-бадиий нияти ҳақида юзлаб талабалардан сўралганда, тўрт-бештаси умумийроқ тарзда ҳаминқадар жавоб беришга интилди.

Баъзи таниқли танқидчи-адабиётшуносларимизнинг мақола ва тадқиқотларида бадиий асар тили масаласига деярли эътибор берилмаслиги ҳам жиддий муаммо. Етук бир шеър, дoston ё ҳикоя, қисса ё роман ҳақида тақриз ё салмоқли мақола ёзсагу, ўша бадиий асарнинг тили, услуби ва муаллифнинг сўз санъати ҳақида деярли фикр юритмасак, шуни таҳлил ва тадқиқ деб атаб

бўладими? Санъаткор ва олимларимиз чиқишларида фикрларини адабий тилда айтсалар, ёшлар улардан ибрат олиши, тайин. Сўзи, фикрлари гўзал суҳандонлар, таниқли актёримиз таълим муассасаларида нутқ маданияти дарсларига таклиф этилса, ёшларимиз она тили ва адабиётнинг сеҳри-жозибасидан кўпроқ баҳраманд бўлади.

Адабиётлар

1. Муминов О., Тургунов Р. Ёзма таржима. - Т., 2008. - 86 б.
2. Мусаев К. Стилистические вопросы художественного перевода с английского языка на ўзбекский. Автореф. дисс.канд. филол. наук. - Самарканд, 1967. - 31 с. 15.
3. Мусаев К.. М. Таржима назарияси асослари. - Т., 2005. - 352 б. 16.
4. Рахимов Ф. Замонавий социолингвистиканинг долзарб масалалари. - Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2007. - 108 б

**Зарипов Р., доктрант
(Ўзбекистон)**

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗБЕК-ТОЖИК БИЛИНГВИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДАГИ ҲОЛАТИ

Тил тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб туради, бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди. Жамиятда бўлиб турадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тарққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислохотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг юзага келишини, айна пайтда маълум сўз лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади.

Тиллар тараққиётини белгиловчи асосий икки хил омил тилшуносликда фарқланади:

Лингвистик [лисоний] омиллар.

Экстралингвистик [нолисоний] омиллар.

1. Лингвистик [лисоний] омиллар. Буларга муайян тилнинг структуравий ва системавий хусусиятлари, фонемалар тизими, луғат бойлиги, морфема типлари, сўз яшаш моделлари, грамматик қурилиши, лексик, грамматик бирликларнинг семантик ва функционал хусусиятлари, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни белгиловчи қоида-қонуниятлар киради. Адабий тил тараққиёти, биринчи навбатда, ана шуларга таянади.

2. Экстралингвистик [нолисоний] омиллар. Буларга тилдан ташқарида мавжуд бўлган факторлар киради: ижтимоий тузум формалари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривожини, ишлаб чиқариш ва техника тарққиёти,

ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонлар шулар жумласидандир.

Ўзбек тили тараққиётида ҳам ушбу икки омилнинг таъсирини сезиш қийин эмас. Ўзбек тили мустахлакчи давлатлар тиллари таъсирида қатор ўзгаришларга юз тутиш билан бирга, базавий бойиш имкониятига ҳам эга бўлди. Мустақиллик йилларига келиб эса, ўзбек тили ўзининг расмий мақомига эга бўлгач ўзбек тилининг ҳар бир сатҳи мукамал ишланди. Бу жараёнда ўзбек тили тараққиётига таъсир кўрсатган тилларнинг айрим қонуниятлари ўзбек тили билан чамбарчас боғъланиб кетганлиги, уларнинг ўзбек тилининг ўз мулкига айланганлиги, ўзбек тили меёрлари қаторида этироф этилишига олиб келди.

Ўзбек тилига катта таъсир кўрсатган тиллардан бири бу форс-тожик тили бўлиб, ушбу тил ўзбек халқи нутқида кенг қўлланди ва лексик бирликларнинг ўзлашишига замин яратди. Шунингдек, фаол ўзбек тожик икки тиллилигининг шаклланишига олиб келди.

Ўзбек – тожик билингвизмининг юзага келишида бир қатор лингвистик омиллар муҳим рол ўйнади. Булар ҳақида кўпгина тилшунослар ўз фикрларини баён этиб ўтишган. Бизнинг назаримизда эса, профессор Ҳ.Жамолхоновнинг кўрсатган омиллари ўзбек-тожик билингвизмини очиб беришда анчагина самара беради. Бу омиллар қуйидагича:

ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир [ёки қўшни] ҳудудда, бир хил ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий - маънавий муҳитда яшаб келаётганлиги;

ўзбек - тожик ва тожик-ўзбек икки тиллилигининг [билингвизмнинг] кенг тарқалганлиги;

тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги;

Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида тожик тилининг алоҳида мавқега эга бўлганлиги;

адабиёт, санъат, маданият, урф-одатдаги муштараклик ва бошқалар [Жамолхонов, 2005: 191].

Юқорида келтирилган омиллардан шуни кузатиш мумкинки, ўзбек ва тожик халқлари азал-азалдан ёнма-ён, биртан-у бир жон бўлиб, барча соҳаларда мустаҳкам алоқаларни амалга ошириб келмоқда, таълим-тарбия соҳасидами, маданий-маърифий соҳаларда бўладими биргаликда ҳамкорликда бир қатор истиқболли мақсадларни амалга ошириб, қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил бўлиб яшаб келишмоқда. Табиийки, бу икки миллат бир ҳудудда истиқомат қилар экан, уларнинг маданияти, тили бир-бирига таъсир кўрсатади. Бу эса маданиятлараро ўзаро муносабатни ҳамда билингвизм ҳодисасининг юзага келишини тақозо этади. Қуйида биз бу икки халқлар тилининг бир-бирига таъсири ва билингвизм ҳодисасининг юзага келишидаги лингвистик омилларни кўриб чиқамиз.

Ушбу тиллар ўз навбатида икки тил гуруҳи оиласига киради, ўзбек тили олтой тиллар оиласига кировчи туркий тиллардан бири бўлса, форс-тожик тили ҳинд европа тиллари оиласига киради. Шундай экан, бу тилларнинг қурилишида маълум фарқлар кўзга ташланади. Шунга қарамай ўзбек ва тожик халқлари ёнма-ён яшагани туфайли бу икки тилнинг бир- бирига таъсири яққол сезилади ва уларнинг лингвистик жиҳатларида ҳам маълум ўзгаришлар бор. Яъни биридан иккинчисига сўз ўтиши, қўшимчаларнинг у тилдан бу тилга ўтиб сўзлар ясашда иштирок этиш, оғзаки нутқда эса билингвизм, диглоссия ва кодлар аралашуви ҳодисалари кузатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида форс-тожик тилларидан кириб келган сўзлар орасида отлар [*сартарош, авра, авра-астар, базм, барг, бахт, дарахт, дарахтзор, ҳунар, ҳунарманд*], сифатлар [*бадбўй, баджаҳл, баланд, баравар, барваста, бардам, барзанги, барра, бахтиёр, бачкана, озода, тоза*], равишлар [*бажонидил, баногоҳ, дўстона, тез, базўр, астойдил, чунон*], боғловчилар [*чунки, ёки, агар, гарчи, ҳам*], ундовлар [*балли, дод*], юкламалар [*хўш, худди*], модал сўзлар [*чунончи, бинобарин*] учрайди.

Форс-тожик тилларидан ўзбек тилига бир қатор префикс ва суффикслар ҳам ўзлашган: префикслар – “бе-”, “ба-”, “но-”, “ҳам-”, “бар-”, “кам-”, “хуш-”; суффикслар “-кор”, “-зор”, “-хўр”, “-парвар”, “-каш”, “-боп”, “-боз”, “-дўз”, “-намо”, “-паз”, “-фуруш” ва бошқалар. Улар дастлаб форс-тожик сўзлари таркибида қўлланган, кейинчалик ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари қаторидан ўрин олиб, янги сўзларнинг ясалишида иштирок этган, шу йўл билан ўзбек тили лексикасини янада бойитган. Масалан, *бадавлат, беаёв, бебош, бебошлик, носоғ, нотўғри, ҳамётоқ, ҳамкурс, ҳамюрт, баркамол, камсув, камсувлик, камсуқум, камсуқумлик, хушбичим, хушқамас, ўрикзор, олмазор, тўқайзор, бугдойзор, бугдойкор, нафақахўр, текинхўр, адолатпарвар, чизмакаш, сомсапаз, юбкабон, кастумбон, группабоз, буйруқбоз, махсидўз, телбанома, ипакфуруш* каби. Булардан ташқари, тожик тилидан ўзлашган *хона, нома* сўзлари ўзбек тилида аффиксоид вазифасида қўлланиб, *йилнома, ойнома, ишхона, босмахона* каби сўзларнинг ясалишида иштирок этган.

Биз юқорида тожикча аффикс ва аффиксоидларнинг туб туркий сўзлардан ўзбекча сўз ясаш функцияларини кўриб ўтдик. Ўзбек тилида, шунингдек, тожик тилидан кирган бир қатор олд қўшимчалар [префикс ва префиксоидлар] мавжуд. Бундай қўшимчаларнинг айримлари туб туркий сўзлардан, шунингдек, ўзлашма лексемалардан бир қатор ўзбекча сўзлар ҳосил қилиш имконини беради. Булар ба-, бо-, бе-, но-, сер- префиксларидир. Бу префиксларнинг ўзбек адабий тилида янги сўзлар ҳосил қилиш хусусиятлари ҳақида мавжуд лингвистик адабиётларда маълум фикрлар баён қилинган.

Шунингдек, тожик тилига ўзбек тилининг, туркий тилларнинг таъсири, айниқса, ҳозирги кунда кўп учрайди. Социолингвистик нуқтайи-назардан кузатадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи тожик миллатли кишиларнинг нутқида ўзбек тилининг таъсири яққол намоён бўлади, бундай

инсонларнинг сўзлаш жараёнида ўзбек тилининг лингвистик хусусиятларини учратиш мумкин. Шунингдек, ўзбек-тожик билингвизми ҳам яққол кўзга ташланади. Биз тадқиқот олиб бурган Наманган вилояти Чуст туманида истиқомат қилувчи ўзбек ва тожик халқлар тилида икки тилнинг ҳам таъсири яққол сезилди. Тожиклар нутқида ўзбекча сўзлар учраса, баъзи ўзбеклар нутқида тожикча сўзлар учрайди. Бу ҳудудда маданиятлар туташувини ҳамда билингвизм ҳодисаси кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Бегматов Э. Ҳозирги Ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: “Фан”, 1985.
2. Жамолхонов Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: “Талқин”, 2005. 191 б.
3. Навоий А. Танланган асарлар. 1-3- том. – Тошкент, 1967.

Зияева Х., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

МУЛОҚОТДАГИ ПРОСОДИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ХУСУСИДА

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишлардан бири моҳият ва ҳодисадир.

Моҳият нарса ва ҳодисаларнинг ички, энг муҳим ўзаро боғланишлари, шу боғланишларнинг қонуний алоқадорликларини ташкил топл этувчи томонлар, хусусиятлар ва боғланишларнинг намоён бўлиш шакли саналади.

Биз объектив борлиқда бевосита ҳодисаларни кўрамиз. Уларни сезги аъзоларимиз орқали ҳис қиламиз. Моҳият объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишлари, алоқадорликларини ифодалаганлари учун уни бевосита жонли кузатишда кўриш, ушлаш мумкин эмас. У нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиси сифатида бу нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш орқали идрок этилади. Масалан, бевосита кузатишда турли хил жонли организмларни кўрамиз. Уларни бир-бирига солиштириш, чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган муҳим белгини аниқлаймиз. Бу белги барча тирик организмлар учун хос, уларнинг ҳар бирида такрорланиши керак. Ана шу муҳим белги модда алмашинув белгисидир.

Демак, конкрет турли кўринишдаги жонли организмлар ҳодисалар бўлса, уларнинг ҳаммаси учун умумий моҳият модда алмашинувидир.

Моҳият билан ҳодиса ўзаро зич боғлиқ бўлиши билан бирга бир-бири билан қарама-қарши хусусиятга ҳам эга. Уларнинг қарама-қаршилиги борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўз табиатидан келиб чиқади. Моҳият ҳодисада яширин ва уни бевосита сезги аъзолар орқали билиш мумкин эмас. Ҳодиса нарсаларнинг намоён бўлиш шаклларида. Улар ҳеч қачон миқдор

жиҳатдан бир-бирига мос келмайди. Агар нарсаларнинг намоён бўлиш шакллари бўлган ҳодисалар билан моҳият ўзаро мос келганда эди, ҳар қандай фан ортиқча бўлиб қолар эди.

Коммуникация жараёнида нутққа хос просодик паузалар ва турли психофизиологик ҳодисаларни кузатиш мумкинки, (йиғи-сиғи, йўтал, кулги, турли хил нафас олишлар, турли қилиқлар ва ҳ.к.) уларни тилшуносликдаги просодик ва экстралингвистик вазиятлар, паралингвистик ҳолатлар сарасига киритишимиз мумкин.

Просодика – бу нутқнинг баландлиги, ундаги товуш ва бўғинларнинг қаттиқ ва кучлилиги, унинг тембри, тони каби ритмик-интонацион томонларининг умумий номланиши, уғуларда акс этувчи жараён бўлса, экстралингвистика, том маънода, сўзловчининг нутққа ўзгача ва турли хил психофизиологик ҳодисаларни киритишидир.

Просодик ва экстралингвистик воситалар ёрдамида нутқ оқими бошқарилади, мулоқотнинг тил воситалари тежалади, улар эса, ўз навбатида, нутқий ифодани тўлдиради, гўзал қилади, ҳиссий ҳолатни ифодалайди. Нутқнинг интонацион қурилишини нафақат эшита олиш, балки уни тинглай билиш, овознинг кучи ва тонини, нутқ тезлигини баҳолай олиш лозим, буларнинг барчаси бизнинг ҳис-туйғуларимиз ва фикрларимизни амалда ифодалашга имкон беради. “Ҳақиқат сўзловчининг сўзларида эмас, балки тингловчининг қулоқларидадир” деган ҳикматли сўз бежиз айтилмаган. Шунинг учун экстралингвистик ва ички лингвистик факторларнинг муносабати ҳақидаги масала... доим ва асосли равишда тилшуносликнинг энг асосий масалаларидан ҳисобланиб келган [Накашидзе, 1980: 71].

Дарҳақиқат, инсон нутқдаги овоз ўз ичига эгаси ҳақидаги кўплаб маълумотларни олади. Тажрибали мутахассис овозга қараб сўзловчининг ёши, яшаш манзили, саломатлик ҳолати, хулқи ва феъл-атворини аниқлай олади. Табиат одамларни ажойиб овозли нутқ билан сийлаган бўлса-да, улар нутқ товушларига гўзалликни ўзлари берадилар. Овоз баландлигини кескин алмаштириш хусусиятига эга бўлганлар, қоидага кўра, монотон оҳангда сўзловчиларга нисбатан, тетикроқ, киришимлироқ, ишончлироқ, билимлироқ ва янада ёқимлироқ бўладилар.

Сўзловчи кечирган ҳис-туйғулар, аввало, унинг овоз тонида ўз ифодасини топади. Унда ҳис-туйғулар, янграётган сўзнинг маъносига боғлиқ бўлмаган ҳолда, акс этади. Шундай қилиб, қувонч, жаҳл ёки ғам-ғусса осон англанади.

Просодик ва экстралингвистик воситалар ёрдамида бошқарилаётган нутқ оқимида:

1. Овознинг *кучлилиги* ва товушларнинг *баланд ва пастлиги* ҳам кўп маълумот беради. Айрим ҳиссиётлар, жумладан, интузиазм, қувонч ва ишончсизлик, жаҳл ва кўрқув ҳам, одатда, *баланд* овозда ифодаланади, овоз тони, кучи ва баландлиги ҳам кенг диапазонда бўлади. Қайғу, ташвиш, чарчок

каби туйғулар, одатда, *юмшоқ* ва *паст* овозда, ҳар бир фикрнинг сўнгида интонациянинг пасайиши билан ифодаланади.

2. Нутқнинг *тезлиги* ҳам ўзида ҳис-туйғуларни акс эттиради. Агар одам тўлқинлаган, безовталанган бўлса, тез гапиради, ўзининг шахсий қийинчиликлари ҳақида сўзлайди ёки бизни нимагадир ишонтиришни хоҳлайди.

3. Оҳиста ва сокин нутқ, энг аввало, эзилиш ҳолати, қайғу, такаббурлик ёки чарчоқдан дарак беради.

4. Аксарият кишилар нутқида сезиларсиз хатоларга йўл қўйган ҳолда, масалан, сўзларни такрорлаб, уларни ишончсиз ёки нотўғри танлаб, фикрни яримта гап билан айтиб, ихтиёрсиз равишда ўз туйғуларини акс эттирадилар ва мақсадларини ифода этадилар. Бундай ҳолатларда, яъни сўз танлашдаги хатоликлар, сўзловчи ўзига ишонмаганда ёки бизни ҳайратлантиришга уринганда рўй беради. Одатда нутқий камчилик ва етишмовчиликлар одам тўлқинланганда ёки у ўз суҳбатдошини алдашга уринган ва уринаётганда яна ҳам кўпроқ намоён бўлади.

Модомики, нутқдаги овоз ва товушлар тавсифи тананинг турли органлари ишига боғлиқ экан, унда ушбу органларнинг ҳолати акс этади. Ҳис-ҳаяжон нафас олиш ритмини ўзгартиради, масалан: 1) кўрув ҳиқилдоқни бўғиб қўяди, товуш пайчаларига куч келади, овоз “ўтиради” – чиқмай қолади; 2) кайфият яхши бўлганда овоз янада чуқур ва нафисликка бой бўлади. У бошқаларни тинчлантиради ва кўпроқ ишончга сазовор бўлади.

Шунингдек, тескари боғлиқлик ҳам мавжуд: нафас ёрдамида ҳис-ҳаяжонга таъсир этиш мумкин. Бунинг учун, оғизни кенг очган ҳолда, шовқин билан нафас олиш тавсия этилади. Агар одам кўксини тўлдириб нафас олса ва катта миқдордаги нафасни чиқариб юборса, унинг кайфияти кўтарилади, овози эса беихтиёр пасаяди.

Ҳар қандай инсоннинг истаклари, ички руҳий ҳолати, темпераменти ва характери ҳақида унинг имо-ишоралар ҳам сўзлаши мумкин. Имо-ишораларнинг ўзига хослигининг асосий қирраси шундаки, мулоқот чоғида суҳбатдошнинг бирор-бир хусусияти ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Такесика мулоқот чоғидаги тегинишларни ўрганади. Мулоқотнинг такесик воситаларига: *қўл бериш, қарсак чалиш, ўпиш* шаклидаги динамик ҳолатлар киради. Олимларнинг исботланишича, динамик тегинишлар қўзғалишнинг зарурий табиий шакли ҳисобланади [worklib.ru].

Мулоқотда динамик тегинишлардан фойдаланиш кўплаб омиллар билан изоҳланади: а) шерикларнинг ижтимоий ҳолати; б) уларнинг ёши; в) жинси; д) танишлик даражаси.

Шахснинг такесик воситалардан номувофиқ фойдаланиши мулоқотдаги қарама-қаршиликка олиб келиши мумкин. Масалан, елкага қоқиш фақатгина

яқин муносабатлар, жамиятдаги ижтимоий аҳволи тенг бўлган шароитларда мумкин.

Энг кенг тарқалган такесик восита – ҳар қандай учрашув ва хайрлашувнинг зарурий белгиси – қўл беришдир.

Қўл бериш мулоқотнинг энг қадимги – ибтидоий шаклидир.

Ибтидоий одамлар учрашганларида бир-бирларига очик кафтлари билан қўл узатганлар, бу уларнинг қуролсиз эканини билдирган. Бу имо-ишора вақтлар ўтиши билан турли ўзгаришларга учради: *қўлни ҳавода силкитиш, қўлни кўксига қўйиш ва хайрлашаётганда қўл бериш* каби вариантлари пайдо бўлди.

Кўпинча қўл бериш, айниқса, унинг турли кўринишлари, шиддати ва давомийлиги жуда кўп нарсани англатиши мумкин.

Қўл бериш уч турга бўлинади: 1. Етакчи (қўл тепада, кафт пастга қараган бўлади). 2. Тобе (қўл пастда, кафт тепага қаратилган бўлади). 3. Тенг ҳуқуқли. (қўл кафти вертикал ҳолатда бўлади).

Етакчи қўл бериш, унинг энг агрессив шакли ҳисобланади. Етакчи (ҳоким) қўл беришда бир одам бошқа одамга мулоқот жараёнида бошчилик қилишин ҳақида маълумот беради. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 78% юқори давлат амалдорлари нафақат биринчи бўлиб қўл узатганлар, балки, қўл беришнинг етакчилик усулидан фойдаланишган [narod.ru].

Тобе қўл беришга, одам ташаббусни бошқага беришни, унинг ушбу вазиятда ўзини хўжайиндек ҳис қилишини хоҳлаган ҳолларида зарурат туғилади.

Хуллас, тилнинг ички тузилишигагина эътибор қаратадиган анъанавий тилшуносликда мулоқот, алоқа-аралашувида “тилнинг ички тузилишига кирмайдиган, маълум ахборот ташиш учун хизмат қиладиган жуда кўп воситалар лисоний таҳлилдан четда қолади” [Николаева, 1969: 60].

Новербал воситалар нутқий мулоқотда вербал ифоданинг ўрнида қўлланиб, диологик нутқнинг юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этар экан, ҳар бир тилдаги алоқа-аралашувнинг бу каби воситаларини ўрганиш эътибордан четда қолмаслиги керак. Ўзбекларнинг алоқа-аралашувини кузатар эканмиз, маълум ахборот тингловчиларга етказиш жараёнида қўл, бош, елка, гавда, юз ҳаракатлари; овознинг баландлиги, паст, чўзик, тўхталиб талаффуз қилиниши аҳамиятли саналади [Саидхонов, 2008: 5].

Воқеалар рўёби моҳиятни ёритигани каби, просодик ва экстралингвистик воситаларнинг хусусусиятларини ўрганиш орқали ҳар қандай тилининг табиати очилади. Шундай экан, ўзбек тилидаги бундай аҳамиятли жараёнларни тўлиқ ўрганмасдан туриб умумўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича фикр юритиш мумкин эмас.

Адабиётлар

1. Накашидзе Н.В. Вербальная интерпретация паралингвистических средств в тексте//сборник научных трудов МГПИИЯ.М. – Тореца 1980, вып. 141. С. – 71.
2. Николаева Т.М. Невербальные средств человеческой коммуникации и их место переподавании языка//Роль и место страноведения в практике преподавания русского языка как иностранного.М.:МГУ,1969, с-60.
3. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. Тошкент. «Фан», 2008. 5-бет.
4. <http://www.worklib.ru/dic>;
5. <http://vocabulary.ru/dictionary/978/word/prosodicheskie-harakteristiki>.
6. http://icefoto.narod.ru/germ_aks.htm;
7. <http://lingvisticheskiy-slovar.ru/description/prosodiia/505>;
8. <http://www.puzikov.com>

*Исомиддинов Ф., дотсент
Зокиров М., дотсент
(Ўзбекистон)*

ЧАНД АФКОР ДАР БОРАИ ШУГУНҲО

*Хирадро кунад рои ту пешгӯӣ,
Вафоро кунад аҳли ту тарҷумонӣ.
Унсурӣ*

Шугун ё худ гуфтаҳо, фолномаҳо, ки дар баъзе маҳалҳо ва дар баъзе мавридҳо онҳоро ирим-сирим ҳам мегӯянд, байни мардуми тоҷик аз замони қадим вучуд дошта, пайдоиши онҳо бештар ба ҳодисаҳои табиат, хусусан вазъи обу ҳаво, рафтору кирдори одамон алоқамандии зич дорад. Аз ин боис, иримҳоро дар ҳамаи соҳаҳои ҳаёти инсонӣ дарёфтани мумкин аст ва аҷоиботи қор дар он аст, ки ирим-сиримҳо на танҳо дар ҳаёти мардумони тоҷикӣ ўзбек, балки дар ҳаёти ҳамаи миллатҳои дунё арзи вучуд кардаву то ба ҳол идома мекунад. Дар иримҳо хислатҳои неку бад, эҳсоси шодиву ғам, хушбахтию бадбахтӣ ва дигар тазодҳои зиндагии мардум акси худро ёфтааст. Зотан, онҳо маҳсули таҷрибаи чандинҳазорсолаи одамон буда, дар онҳо унсурҳои даврони ибтидоии ҳаёти инсонӣ, аз ҷумлаи унсурҳои оташпарастии дини зардуштӣ, ақидаҳои то исломиву исломӣ пайваставу омехта зухур кардааст. Ҳарчанд, аксарияти ин шугунҳо хурофотӣ ба назар падида ояд ҳам, дар зимни онҳо маъноӣ амиқи тарбияи инсон ва ахлоқи ӯ меистад.

Жанри шугунҳо матни шифохист, ки мисли зарбулмасалу мақолҳо, ҳаҷман хурд буда, хусусиятҳои асосии он аз рӯи ягон нишона, ҳодиса, воқеа, ҳолатҳои табиӣ, рафтору ҳаракат муайян гардида, хулосаҳои ҳар яки он натиҷаи таҷрибаи асрҳои аср аз сар гузаронидаи мардум мебошад. Имрӯзҳо ҳам дар қатори дигар миллату халқиятҳо, байни ўзбекону тоҷикон ҳам итоат ва эътимод ба иримҳо идома ёфта, бе онҳо тамаддуни мардуми таҳҷоии минтақаҳо

ро тасаввур кардан ғайри имкон аст, зеро рӯзе нест, ки мо бо нишонаҳои ирим-сирим дучор наоем, аз тарафи калонсолон “ин тавр кардан мумкин нест, он тавр кардан мукин нест”-ро нашунида бошем. Масалан, “Пагоҳии барвақт, писарам ё духтарам аз ҷои хобат бо пойи ростат хез, сару рӯятро бо дастони ростат шӯй, ҷойро бо дасти ростат дароз кун, нонмайдари таги дастархон нагузор” ва ин қабил суханони насихатомези мӯйсафедонро борҳо шунидаем ва хуб медонем, ки зери ин гуфтаҳо ҳикмате нуҳуфтааст. Пайдоиши ҳар ирим ва кашфи ҳикмати он, дар форклоршиносии тоҷик ва ўзбек, таҳқиқ меҳодад.

Як қисми ириму сиримҳо аз замонҳои қадим сарчашма гирифтааст. Одамон ба ҳамаи ҳодисаҳои табиат: боридани барфу борон, садои тундар, тӯфону бўрон, омадани селу обҳезӣ, заминларзаву вазидани шамолу гирифтани ҳаво, сабабҳои торикии шабу равшании рӯз маълумот надоштанд ва пайдоиши баъзе ириму сиримҳо аз ҳамин ҷо сарчашма мегирад. Ҳатто баъзе онҳоро дар “Авасто” ва дигар манбаҳои таърихӣ ҳам дидан мукин аст.

Шугунро баъзеҳо яке аз жанрҳои хурофотӣ мепиндоранд ва таъкид ҷоиз аст, ки бо вучуди хурофотӣ буданаш, дар замири ҳар ирим ният ва мақсади неке низ қарор дорад. Ириму сиримҳо на танҳо дар мамолики мусалмонӣ рушд кардааст, балки дар тамоми мамлакатҳои касоду мутараққии дунё низ фаровон истифода мешавад, аз қабилҳои Япония, Амрико, Фарансия, Англия, Руссия, Хитой, Корея, Ҳиндустону Эрон ва ғайра. Ҳоло ҳам дар баъзеи ин мамлакатҳои мутараққӣ аз рақами 13 ва 99 парҳездоранд, ки гӯё ин рақамҳо бебарор бошанд, ҳатто дар меҳмонхонаҳо ҳуҷраҳои №13 ва №99 вучуд надорад, дар биноҳои серошӯна, баъди қабати 12, қабати 14 рақамгузорӣ гаштааст.

Вожаи иримро дар луғатҳо ба маъноҳои бо ягон мақсадеву нияте иҷроӣ кореро вобаста ба хурофот эзоҳ додаанд. Чунончӣ, баъзеҳо аз тӯйхонаҳо ба нияти неке ягон чизеро ҳамроҳи худ гирифта меравад, то ҳамин гуна маракаи хуш дар оилаи онҳо ҳам ба вуқӯъ пайвандад.

Одатан иримҳоро барои аз чашми бад нигоҳ доштани худу наздикон, аз зиёну зарарҳои чизҳои мавҳум, барои наҷот ёфтани аз балоҳо, пешомадҳои нохуш истифода мекунанд. Аксари иримҳо ҳар яки моро барои ба тартибу низом даровардани одобу ахлоқ, аз ҳар гуна корҳои ношоам, парҳез аз одобу ахлоқи бад, тозаву озода нигоҳ доштани хонаву ҷойи зист, дурусту ҷо ба ҷо гузоштани асбобу анҷоми рӯзгор, доду гирифтани чизҳоро бо пайвандону ҳамсоҳо водор менамояд. Аслан иримҳо хушдор медиҳад, ки аз ҳодисаю воқеаҳои зиндагӣ воқиф бошем, ба решаҳои асливу асотирии қавми хеш бештар тавачҷӯҳ зоҳир намоем, пайвандӣ ба гузаштаву имрӯзу ояндаи худро нигоҳ дорем. Шугун чун эътиқоди мардумӣ барои чуқуртар омӯхтани ҳодисаву воқеаҳои ҳаёту зиндагӣ кӯмак расонда, ин жанрро агарчӣ хурофотӣ қаламдод намоянд ҳам, моро бо гузаштаи дури ақоиди мардумамон шинос менамояд. Шугун чунин жанри хурдест, ки вобаста ба ҳодисаю воқеа, рафтори одамону ҷонварон ва ҳолатҳои рӯҳии инсонӣ пешгӯӣ ва фол гирифта мешавад. Дар асл бошад, иримҳо дар асоси тақрори ҳодисаҳо ва таҷрибаи ҳаёт пайдо гардида,

боварӣ нисбати онҳо аз ин ҷиҳат афзуда, ки ҳодиса ва воқеаҳои ғайриоддиву ғайричашмдоште, ки дар зиндагӣ мувофиқи қонуниятҳои ба худ хоси ҳаёти вомехӯраду бо ягон чизе иртибот дорад. Иримчӣ-шахсест, ки ба ҳар гуна зиёну зарар, аз Худо неву аз ғайр ҳам бовар дорад. Саволе ба миён омаданаҷ табиист, ки чунин ҳодиса ва воқеаҳои, ки дар ҳаёти инсонӣ рух медиҳанд, чаро дар дини ислом мамнӯъ гаштааст. Шояд ҷавобаш ин бошад, ки аз такрори ин бовариҳо дар одамоне ширк пайдо мегардад, зеро дар яке аз рукноҳои имон ҳам таъкид ёфта, ки тақдир неку бадро бояд аз Парвардигор донист на аз ҳодисаю воқеаҳои дигар.

Ба шугунҳо бовар кардану эътиқод доштан низ яке аз анъанаҳои мардумӣ маҳсуб меёбад. Мардум, ки офарандаҳои шугунҳоанд, ин анъанаро аз насл ба насл интиқол медиҳанд. Илова бар он, қариб дар ҳамаи соҳаҳои ҳаёт дар шаклҳои гуногун боварӣ ва эътиқоди мардумӣ дида мешавад. Дар сураи “Нисо”, ояти 48 омадааст: “Албатта, Парвардигор ба худ (ягон чизро) шарик кардагиро намегузорад. Гуноҳҳои дигаронро барои бандҳои хостагӣ мегузорад, касе ба Аллоҳ (касе ва чизро) шарик кунад, пас ӯ гуноҳи бузургро ба худ раво дидааст”.

Парвардигор ба пайғамбарон - мӯъҷиза, ба авлиёҳо - қаромат ва ба бандҳои хоси худ - илзомро ато намудааст. Ва дар ҳаёт ин чор ҳолати фавқуллода, нақши худро доштааст:

1. Мӯъҷиза - як ҳодиса ва ҳолатест, ки пайғамбарон барои дафъи мункириён бо нишон додани баъзе ҳолу ҳолатҳо истифода кардаанд.

2. Қаромат - ҳолатҳост, ки аз тарафи авлиёҳо ва шахсони хоси аҳли шариат, ки худотарсу худочӯянд, нишон дода мешавад.

3. Маунат - ҳаводиси ғайритабиист, ки аз ҷониби шахсони ҷудогона зоҳир гардида, асоснокӣ он фаш карда намешавад.

4. Макр ва истидроҷ - ҳолати онҳост, ки аҳли бидъат ва малайи Дачҷоланд. Онҳо иддаои худогӣ доранд ва баъзе ҳодисаҳоеро зоҳир менамоянд ба монанди сеҳру ҷоду, ки аз тарафи Парвардигор барои боз ҳам худнамоӣ кардани онҳо дода мешавад. Дар ин хусус ояти Парвардигор аст, ки мегӯяд: “Ба онҳое, ки роҳи қуфрро интиҳоб намудаанд, ба онҳо мӯҳлати (ва майдон) оқибат додаем, то пиндоранд, ки онҳо қорҳои неқро анҷом дода истодаанд. Лекин мо баҳри зиёда гуноҳ кардани онҳо имкон додаем. Дар асл баҳри онҳо залолат хоҳад буд. (сураи “Оли Имрон” ояти -178).

Дар ҳадисе ҳам омадааст: “Ҷодугарӣ ва хурофот бо бутпарастӣ алоқаманд аст”. Дар ҳадиси дигар низ таъкид ёфта: “Шахсе, ки фолбинӣ мекунад, аз аҳли ислом нест”. Халифа Ҳорун-ар Рашид аз донишманд Абӯ Юсуф пурсид:

-“Шабона нохун гирифта мумкин аст?”.

Абӯ Юсуф дар ҷавоб гуфт:

-қорҳои хуб тағйирнопазиранд.

Дар ҳамин бобат бояд қайд кард, дар замонҳои қадим ҷароғҳои равшанидеҳи мувофиқ набуданд, одамоне, ки чашмонашон хиратар бошад,

ҳангоми шабона гирифтани нохун ба худ ҷароҳате расонданашон мумкин буд. Бинобарин рӯзона гирифтани нохунро тавсия карда, ана, аз ҳамин ҷо шабона нагирифтани нохун ба ирим табдил ёфтааст.

Дар Юнони қадим мегуфтаанд, ки шахсе дурӯғ гӯяд, дандонаш дард мекунад.

Боре, Ян Юан, ки яке аз шогирдони донишманди қадими Хитой Конфутсий будааст (ҳамзамони пайғамбарон Нӯҳ Иброҳим алайҳиссалом мебошад), пурсидааст:

-Устод, бигӯед, ки одамӣ чист?

Устод дар ҷавоб гуфтааст:

-Худро забт карда тавонистан ва ба урфу одатҳои мардумӣ амал кардан.

Чун Ян Юан шарҳ мекоҳад, устод чунин ҷавоб додааст:

Урф набошад – нигоҳ накун,

Урф набошад – гӯш накун,

Урф набошад – гап назан,

Урф набошад – амал макун.

Дар дини ислом, мо акси ин таълимотро мебинем, чунки ҳама гуна хурофот одамро ба гумроҳӣ ва сӯи куфр мебарад. Алишер Навоӣ дар асари машҳури худ “Маҳбуб-ул-қулуб”, дар боби 22, ки “Танбеҳот” унвон дорад, чунин менигорад: “Ёр ҳамон аст, ки ҳар чизеро ба худ раво набинад, ба ёри худ ҳам раво набинад, чизеро, ки баҳри худ лойиқ медонад, ба ёри худ ҳам лойиқ донад”. Ин шакли таълимотро мо дар гуфтаҳои Конфутсий ҳам мебинем, ба шогирдаш Товит гуфта буд: “Чизеро, ки худат бад мебинӣ, ба дӯстат ҳам раво мабин”. Чун ириму сиримҳо ҳам ба урфу одатҳои суннатӣ мубаддал гардидаанд, онҳоро вобаста ба моҳияташон метавон чунин гурӯҳбандӣ кард:

1. Иримҳое, ки орзуву омили мардумро ифода мекунанд.
2. Гуфтаҳои ириммонанде, ки аслан ирим нестанд.
3. Иримҳое, ки саҳт хурофотианд.

Ба гурӯҳи аввал иримҳое дохил мешаванд, ки дар онҳо орзуву омол ва ниятҳои неки мардум акси худро ёфта бошанд ҳам, асосҳои илмӣ надоранд. Масалан, волидон ҳангоми номгузорӣ ба фарзандон номҳои одамони машҳур, пайғамбарон, олимон, ҳунармандону санъаткорони маъруф ва дигар шахсони дӯстдоштаи худро мегузоранд, амсоли Довуд, Исо, Мӯсо, Иброҳим, Муҳаммад, Сино, Саъдӣ, Ҳофиз, Шероз ва ғайраҳо. Бояд таъкид кард, ки ин баҳши иримҳоро боз ба якчанд зербандҳо тақсим кардан мумкин аст.

Ба гурӯҳи дуввум гуфтаҳое, ки ба иримҳо шабоҳат доранд, лекин дар асл онҳо ирим нестанд. Чунки онҳо асосҳои илмӣ доранд ва аксари онҳо панду андарз ё худ ҳикматро мемонанд. Ин қабил гуфтаҳо бештар байни аҳли шариат сураат мегирад. Чунончӣ: ҳама корро аз тарафи рост сар кардан; яъне ҳангоми ба ҷойҳои пок даромадан бояд ба пойи рост даромад ва ба ҷойҳои нопок бо пойи чап. Маълум аст, ки ҳангоми пойи ростро гузоштан одам агар афтад, ба пеш

меафтад, яъне ба чойи пок ва ҳангоми пойи чапро гузоштан афтад, ба қафо меафтад, яъне боз ба чойи пок.

Ба иримҳои хурофотӣ ҳамон ириму сиримҳое дохил мешаванд, ки ягон асоси илмӣ надоранд, бофтаҳои ҳаёлотие беш нестанд. Ин гуна иримҳоро иримҳои (бунявӣ) генетикӣ, ё худ хунӣ гуфтан ҷоиз аст, чунки аз хун ба хун ё худ аз пушт ба пушт гузашта, давом ёфта меояд ва чуноне қаблан ҳам зикр намудем, ин гуна иримҳо на танҳо байни мусулмонҳо балки дар тамаддуни ҳамаи миллатҳои дунё ба ҷашм мерасад. Ҳатто мамлакатҳои пешрафтаи дунё аз ин гуна иримҳо ори нестанд. Баракс дар баъзе мамлакатҳои мутараққии дунё ин гуна иримҳо ба дараҷаи давлатӣ расидааст. Масалан, дар аксарияти мамолики дунё агар гурбаи сиёҳ пеши роҳи касеро бурида гузарад, фоли бад аст, лекин ягон ҳуҷҷат, далел ё исботи илмӣ оварда наметавонанд.

Аксари иримҳо панду ҳикматро мемонанд, лекин бо баъзе ҷиҳатҳои худ аз ҳамдигар фарқ доранд, масалан дар панду ҳикматҳо ҳулосаҳои мантиқӣ мавҷуданд. Дар иримҳо бошанд, аксаран ба чойи ҳулосаҳои мантиқӣ, пешгӯи ва фол иштирок мекунанд. Агар пандҳои машҳури Рӯдакиро мисол орем, айён мешавад, ки дар аксарияти пандҳо маъноҳои мантиқӣ ҳастанд.

Ин ҷаҳонро нигар бо ҷашми хирад,
Не бад-он ҷашм, ки андар ӯ нигарӣ.
Ҳамчу дарёст в-аз нақӯкорӣ,
Киштие соз то аз он бигзарӣ.

Дар ин панди болоӣ Рӯдакӣ таъкид дорад, ки ба ин ҷаҳон бо ҷашмони оддии сар не, балки бо ҷашми дил, бо ақлу хирад нигоҳ кун, аз нақӯкорӣ метавон киштие сохт, ки туро дар ин дунёву он дунё ба манзили мақсуд расонад. Дар ин панди зер бошад, ба чойи ҳулосаи мантиқӣ, пешгӯии шоир аз ҳаводиси рӯзгор падида омадааст:

Бирав, зи тачрибаи рӯзгор баҳра бигир,
Ки баҳри дафъӣ ҳаводис туро ба кор ояд.

Шоир гуфтанист, ки агар инсон ҳаррӯза аз ҳаёти худ баҳра гираду ҳулосаҳои дуруст барорад, оянда ӯро аз ҳар гуна ҳодисаҳои номатлуб нигоҳ хоҳад дошт. Ана, ҳамин тачрибаи ҳаёт одамонро аз ҳар гуна пешомадҳои нохуш муҳофизат хоҳад кард ва ин пешгӯӣ шоирона ин байтро шабеҳи ирим кардааст.

Иримҳоро дар сатҳи давлатӣ ҳам дидан мумкин аст, масалан калимаи аэропорто дар Тоҷикистон бо вожаи “фурӯдгоҳ” иваз кардаанд. Саволе ба миён меояд, чаро парвозгоҳ, ё худ, тайёрагоҳ неву айнан фурудгоҳ. Айнан ирим дар ҳамин вожа ифода ёфтааст, агар парвозгоҳ гӯем натиҷаи дилхоҳ намоён нест, парвоз кард, ба манзил рафта фурумад ё не маълум нест. Дар калимаи фурудгоҳ ҳулосаи мантиқӣ ё худ натиҷаи амал намоён аст, яъне тайёра бегазанд омада фурумад. Ана ҳамин пешгӯӣ ирим аст ва аз натиҷаи неки амали содиршаванда дарак дода истодааст. Дар рӯзи Наврӯз дастархони пур аз нозу неъматро муҳайё кардан ҳам намунае аз ирим маҳсуб меёбад. Ин маънои онро

дорад, ки тамоми сол дастархони мо пур аз нозу неъмат, мисли дастурхони наврӯзӣ хоҳад гашт.

*Ибрагимова Э., доцент,
(Ўзбекистон)*

БАДИЙ АСАР ТИЛИ - НУТҚНИНГ ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАРИДАН БИРИ

Бадиий асар тилини нутқнинг функционал услубларидан бири – бадиий услубнинг намоён бўлиши тарзида ўрганиш ҳам муҳим ва зарурий йўналиш бўлиб, унда, таъбир жоиз бўлса, тирик тилнинг ўзига хос, ёзувчининг индивидуал маҳорати маҳсули сифатидаги ва айни пайтда унинг “мен”и ҳам ўз ифодасини топган ҳаракати ўрганилмоғи лозим. Аниқроқ айтиладиган бўлса, бадиий асар тили “санъат тили” маъносида талқин, таҳлил ва тадқиқ этилиб, тегишли хулосалар қилинмоғи мақсадга мувофиқ. Бадиий асар тилини «стилистик аспект»да ўрганишда ана шу мақсад кўзда тутилади, аммо бу мақсадга эришиш ҳамиша ҳам осон кечмайди. Бу ўринда масала тилнинг турли вазибаларга эгаллигига бориб тақалади.

Ўз илмий ижодининг асосий қисмини бадиий асар тилини ўрганишга бағишлаган Г.О.Винокур тилшуносликда анча эскидан тилнинг коммуникатив ва экспрессив вазибалари фарқлана бошлаганини таъкидлар экан, фикрининг далили сифатида олмон тилшуноси Г. фон дер Габеленцнинг 1891 йилда нашр этилган китобидаги қуйидаги қарашини келтиради: «Тил фикрнинг бўлакларга бўлинган ҳолдаги ифодаси, фикр эса тушунчаларнинг боғланишидир. Лекин инсон тили фақат боғланаётган тушунчалар ва уларнинг мантикий муносабатларинигина эмас, балки сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳам ифодалашни истади; мен фақат ниманидир айтишнигина эмас, балки ўзимни ҳам ифодалашни хоҳлайман ва шу тарзда мантикий омилга уни ҳар жиҳатдан тўйинтирган ҳолда психологик омил қўшилади». (Винокур, 1991: 44).

Машҳур рус филологи Р.А.Будагов “Бадиий асар тили” номли мақоласида бадиий асарда тил ёзувчининг китобхонга фақат ғоявий эмас, балки эстетик таъсир этиш истаги билан махсус қўшимча вазибани олиб, фавқулудда қудратга эга бўлишини алоҳида таъкидлайди (Будагов, 1980: 278). Албатта, бу қўшимча вазиба тилнинг аслий моҳиятида мавжуд бўлган эстетик вазибадир.

Ўзбек филологиясининг бир неча асрлик бой тарихида бадиий тил масаласига бўлган эътибор ҳеч қачон сусайган эмас. Биргина улуғ Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” рисоласини олиб кўрайлик. М.Қодиров жуда ўринли таъкидлаганидек, “Муҳокаматул луғатайн”нинг биз тилшунос ва адабиётшуносларга ўрнатилган бўладиган яна бир хислати бор. Навоий асарда тил масалаларини адабиётдан – бадииятдан ажратиб, алоҳида ҳолда текширмайди, тилдаги хусусиятларни бадиий нутқ талабига эвирган ҳолда кўради. Агар бу асарни чуқурроқ ўрганиб чиқсак, ҳозирги тил ва адабиёт илмидаги кемтикнинг сабабларини сеза бошлаймиз”. (Қодиров, 2002:85). Бу ва бошқа кўплаб

асарларида Алишер Навоий сўз, маъно ва бадиият масалаларига катта масъулият билан қараган.

Адабиётни тилнинг “безанган, зийнатланган бир шакли” (Фитрат, IV жилд.:132) деб билган Фитрат “Адабиёт қоидалари” асарида бадиий тилнинг ўзига хосликлари, услуб билан боғлиқ муаммолар, бадиий санъатлар ва уларнинг юзага келишида тил воситаларининг ўрни, бадиий асар тилидаги мақбул ва номақбул жиҳатлар каби масалаларни бадиий асарлар тилидан олинган фактик мисоллар асосида ўта синчковлик билан таҳлил этган.

Замонавий ўзбек филологиясида XX асрнинг биринчи ярмида бадиий асар тилини илмий асосда ўрганишнинг бошланиши икки аллома – адабиётшунос ва адиб Иззат Султон ҳамда беназир тилшунос Айюб Ғулом номлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш мумкин. Улар бадиий тилни ўрганишнинг адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назарларидан илмий-назарий асослари, тамойилларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар.

Академик Ш.Шоабдурахмоновнинг 1949 йилда ҳимоя қилинган “Равшан” достонининг тил хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган номзодлик диссертацияси (Шоабдурахмонов, 1949:24) ҳам бадиий тил муаммоларини ўрганиш борасидаги жиддий ишлардан биридир.

Йирик тилшунос Ғ. Абдурахмонов «Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида» деб номланган мақоласида бадиий асар тилини тадқиқ этишнинг ўзига хос йўллари белгилаб берган. Олим алоҳида таъкидлайдики, кўп ҳолларда асар тили ҳақидаги ишларда «танқидчилар ёки ўқитувчилар бирор асарни таҳлил қилар эканлар, асардаги қаҳрамонларни салбий ва ижобий образларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини характерлаш билан чекланадилар, асарнинг тили, бу тилнинг мазмунга муносабати, воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда қандай бадиий тил воситаларидан фойдаланиш, ёзувчининг бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлари эътибордан четда қолди (ёки ана шундай таҳлил якунида асарнинг тили ҳақида ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган бир-икки оғиз сўз айтиш билан кифояланадилар)». Бадиий асар тилини бу тарзда текшириш тўғри эмаслигини муаллиф аниқ далиллар билан очиқ берган, бадиий тилни ўрганишда эътибор қилиниши шарт бўлган жиҳатларни бирма-бир кўрсатган.

Мақоладаги қуйидаги фикрлар ҳам диққатга сазовор: “Шуни эсда тутиш керакки, асарнинг тили асарнинг мазмунини таҳлил қилгандан сўнг эмас, балки унинг мазмун таҳлили билан баробар олиб борилиши зарур... Ёзувчи умумхалқ тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, адабий тилни бойитади, мукаммаллаштиради. Ёзувчининг мазкур имкониятлардан қандай фойдаланганини ўрганиш асосий вазифалардан биридир”.

Ўзбек тилшунослигида бадиий тил, бадиий нутқ стилистикаси, алоҳида ёзувчининг асарлари тили ва услуби муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар катта миқдорни ташкил этади ва уларнинг аксарияти илмий ечимларининг пухталиги, асослилиги билан ажралиб туради. Масалан, бир қатор ишларда Алишер Навоийнинг насрий ва назмий асарларининг тили

бадий маҳорат жиҳатидан ўрганилган, улуғ мутафаккирнинг бадий услубига хос лисоний воситалар, лафзий санъатларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. (Рустамов, 1979:32)

Бадий асар тили, бадий нутқ стилистикаси ҳақида гап кетганда, Б.Йўлдошев, Х.Дониёров ва С.Мирзаев, Л.Абдуллаева, Э.Қиличев, С.Каримов, Х.Абдурахмонов ва Н.Маҳмудов каби ва айрим ижодкорлар тили ва услубини тадқиқ этган яна бошқа кўплаб олимларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи бирликларини қўллашдаги ўзига хосликларини муфассал кўрсатишга бағишланган жуда кўплаб тадқиқотлар юзага келганлиги қувонарлидир. Айни пайтда айтиш лозимки, бадий тилни ўрганишда кўпроқ лексик birlikларнинг стилистикасига эътибор қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, тилшунос Л.Абдуллаева ўзининг монографиясида ўзбек бадий адабиёти тилининг лексик стилистикаси муаммолари ҳақида фикр юритган. Э.Қиличев эса «Бадий тасвирнинг лексик воситалари» китобида бадий тасвирда иштирок этадиган лексик воситалар, уларнинг ифода имкониятлари билан боғлиқ масалалар устида тўхталган. Б.Умурқуловнинг «Поэтик нутқ лексикаси» монографиясида ҳозирги ўзбек шеърининг тилининг лексик манбалари, поэтик лексика, анъанавий поэтизмлар, сўз вариантлари ва уларнинг эстетик қиммати каби масалалар тадқиқ этилган. Кўриниб турганидек, ўзбек тилшунослигида бадий асар тилининг стилистикаси бўйича анча-мунча иш қилинган. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар доираси нечоғли катта бўлишига қарамасдан, улар адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган жиддий асарларнинг барчасини қамраб олган деб бўлмайди. Бунинг устига, мазкур тадқиқотларнинг илмий савиясини ҳам бир хил деб айтиш қийин. Шунингдек, кўпинча муайян тил бирлиги ёки ҳодисаси яхлит эстетик бутунлик сифатидаги бадий асарнинг бир унсури тарзида эмас, балки умумий мазмундан узиб олинган ҳолда таҳлил этилган, баъзан сўз ёки бошқа birlikнинг тўғри-нотўғри қўлланилганлиги атрофидаги бадииятга алоқасиз баҳсларга катта ўрин берилган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, юқорида келтирилган “бадий асар тили ... адабий асарнинг бошқа барча компонентлари билан узвий birlikда яшайди. Шунинг учун бадий тилнинг ғоявий-эстетик хусусиятларини адабиётшунослик фанига хос методлар билан тадқиқ этиш керак” кабилидаги кескин ҳукмда анча бирёқламалик бор. Чунки материалнинг моҳияти, таркибини билмасдан туриб, бу материалдан бирор соғлом иншоот қуриш ёки қурилган иншоотнинг соғломлигини баҳолаш мумкин эмас. Бунинг устига ҳалигача адабиётшуносликда бадий асар тили теран ўрганилган тадқиқотлар ошиб-тошиб ётгани йўқ.

Адабиётлар

1. Будагов Р.А. Филология и культура. – М.: МГУ, 1980. – С. 278.

3. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. –М.: Высшая школа, 1991. – С. 44.
4. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. д-ри ...дис. автореф. –Тошкент, 1993.
5. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси н-ти, 2007. – Б. 42.
6. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ти, 1979; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. –Ташкент, 1973; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр” Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. –Ташкент, 1982 ва бошқалар.
7. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. -Тошкент: Фан, 1990.
8. Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд... – Б.132.
9. Шаабдурахманов Ш. О художественных особенностях поэмы “Равшан”: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. – Ташкент, 1949.
10. Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент: Фан, 1973.– 165.
11. Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. -Тошкент: Фан, 1982.

Исомиддинов Ф., дотсент
(Ўзбекистон)

ҒАНОВАТИ ЗАБОНҲО

Баъд аз он ки забони ўзбекӣ дар давлати соҳибхитиёри Ўзбекистон мақоми давлатӣ гирифт, боз ҳам такмил ва инкишоф ёфт ва таркиби луғавии вай бой гардид. Маълум, ки дар дунё забоне арзи вучуд надорад, ки фақат аз ҳисоби фонди луғавии худ ғанӣ гашта бошад. Бинобар он он миллату элатҳое, ки дар Ўзбекистон сукунат доранд ва қору фаъолият мебаранд, донишани забони ўзбекӣ муҳим арзёбӣ мешавад.

Маълум аст, ки забон чун падидаи чомаи инсонӣ ҳамеша дар рушду такомул қарор дорад, пайваста тағйир мепазирад, ба тарзи доимӣ ба фонди луғавии забон мафҳумҳои нав ворид мегарданд. Забонҳо тавассути расонаҳои ахборӣ, муносибатҳои дӯстона, равобити дутарафаи фарҳангӣ ва боз чанд омилҳои зиёде дар пайвастагӣ бо ҳамдигар инкишоф меёбанд. Илова бар ин, танзиму такмил ва рушди забонҳо аз ҳисоби ҳамдигарӣ, сарчашмаҳои дигарро ҳам дорост. Ҳамзистии миллатҳои гуногун, дӯстиву рафоқат, бардарихо, қудову андагӣ, пайвандҳои хешутабории миллатҳо барои бой гардидани забонҳо мусоидат мекунад.

Қобили қайд аст, ки халқҳои тоҷику ўзбек ҳам аз замонҳои қадим дар як сарзамин бо ҳам дар печидагӣ, канори ҳамдигарзистӣ, як будани урфу одат, ягонагии табиату муҳиту тарзи зист, умумияти мазҳабӣ, расму оин, маросимҳои динӣ, хонасозиву хонадорӣ, либосу либоспӯшӣ, тӯю маърақаҳо,

рӯҳияти ба ҳам наздик доштани ин ду халқ ба бойшавии таркиби луғавии забонҳои тоҷикиву ўзбекӣ натавонанд бетаъсир намондааст, балки заминаҳои устувореро боқӣ гузоштааст. Халқҳои тоҷику ўзбек соҳиби мазҳабу фарҳанге ҳастанд, ки бо ҳам қаробати наздик доранд ва ин омил яке аз сарчашмаҳои ғанигардии забонашон аз ҳисоби ҳамдигарӣ маҳсуб меёбад. Забони ўзбекӣ метавонист бойшавии фонди луғавии худро аз ҳисоби дигар забонҳои туркӣ, аз ҷумла забони туркӣ, озарӣ, туркманӣ, қирғизӣ ва қазоқӣ бой гардонад. Лекин тафовути урфу одат, муҳит ва тарзи зисташон ба ин имкон намодааст ва таваҷҷӯҳ бештар ба забони тоҷикӣ афзуда, ба фонди луғавии забони ўзбекӣ аз ҳисоби забони тоҷикӣ вожаҳои зиёдеро ворид намудааст, ки чӣ дар гузашта ва имрӯз ҳам ниёзи забон ба он вожаҳо боқӣ мондааст.

Мавриди қайд аст, ғановати забони тоҷикӣ нисбати дигар забонҳо дар он зоҳир мегардад, ки вожаҳои ин забон таърихи куҳани зиёда аз сеҳазорсола дошта, аз забонҳои порсии қадим, суғдӣ, авастой сарчашма мегирад. Дар аҳди Сомониён ба дараҷаи забони давлатӣ бардошта шудани он натавонанд боиси рушду нумӯи ин забон гардид, балки дар даврони минбаъда ҳамчун забони аҳли дарбору ҳуҷҷатнигорӣ боқӣ монда, дар рушду такомули дигар забонҳо, аз ҷумла забони ўзбекӣ ҳам нақши муҳиеро бозидааст. Ҳарчанд забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ ба оилаҳои гуногуни забонҳо дохил мешаванду вожаҳои ин ду забон пайвандаҳои решагӣ надоранд, аммо муҳити зисти якхела, ҳаёти иҷтимоии онҳо дар давраҳои гуногуни таърихӣ забони онҳоро ҳам чунон қарин гардондааст, ки гоҳо мутахассисони соҳа дар муайян намудани этимологияи ин ё он калима душворӣ мекашанд. Гӯиё Амир Хусрави Деҳлавӣ ин ҳолатро ҳафтсад сол пеш пайхас намуда, гуфтааст:

Ту ман шудӣ, ман ту шудам,
Ман тан шудам, ту чон шудӣ.
То кас нагӯяд баъд аз ин,
Мар дигарам, ту дигарӣ...

Дар фарҳангҳои тафсирии ўзбекӣ ва тоҷикӣ калимаҳои **бобо**, **бибӣ**, **додар**, **оча**, **акою** **уко** ва ҷанде дигар чун вожаҳои асл қаламдод шудааст. Яъне, калимаҳои мазкур дар фарҳангҳои тоҷикӣ чун вожаҳои тоҷикӣ ва дар фарҳангҳои ўзбекӣ чун калимаи ўзбекӣ нишон дода шудаанд. Ё худ калимаҳои **офтоб**, **гул**, **лаб**, **бахор**, **бод**, **тоза**, **озодаро** аксарияти вакилони забони ўзбекӣ вожаҳои ўзбекӣ мепиндоранд. Аз як ҷиҳат онҳо ҳақ доранд, чунки дар муҳити ҳамзистии дурудароз ин қабил калимаҳо дар фонди луғавии забони ўзбекӣ устувор қарор гирифтааст ва чун калимаҳои аслиашон ба воситаҳои маъмулу серистеъмоли забонашон мубаддал гардидаанд. Аксари ин гуна калимаҳо муродифоти ўзбекӣ дошта бошад ҳам, лекин дар адабиёти бадеӣ бештар ба муродифоти тоҷикии ин вожаҳо муроҷиат мекунанд. Масалан: **гул** (чечак), **лаб** (дудок), **бахор** (ёз), **чашм** (куз), **сар** (бош), **забон** (тил), **дандон** (тиш), **чехра** (юз), **офтоб** қуёш), **моҳтоб** (ой), **даст** (кул), **замин** (ер) ва амсоли инҳо, ки ин калимаҳо шаклҳои ўзбекӣ ва ё туркӣ доранд.

Калимасозӣ яке аз роҳҳои тавлиди вожаҳои нав маҳсуб ёфта, бо ин роҳ дар забони тоҷикӣ шаклҳои нави калимаҳоро пайдо кардан мумкин аст, ки решаи ягона доранд ва ин қабил калимаҳои тоҷикӣ низ дар таркиби луғавии забони ўзбекӣ хеле зиёд ба чашм мерасанд, аз қабил **шоҳобча, фармуда, гулдон, дилбар, навбахор** ва ғайраҳо. Хусусан дар забони ашъори шоирони гузаштаву имрӯзи халқи ўзбек калимаҳои фаровони тоҷикӣ қорбаст шудаанд, ки маърифати шеър бе надониستاني маънии луғавии он имкон надорад. Бинобарин, Комил Хоразмӣ барои соҳибзабонон дониستاني забону тобишҳои гуногуни маъноии калимаҳоро таъкид карда, менигорад:

“Оҳ –сарду чехра-зарду нола-дарду чисм-гард,
Ашк-хуну қад-нагуну қалб-сўзон алғиёс.
Ёр ғофил, ҳаҷр –котил, ҳол-мушкул, хаста-дил,
Марг-толиб, ранҷ-ғолиб, мен ҳаросон алғиёс”.

Ҳақиқати ҳол аст, ки тақдир ин ду халқ муштарак буда, риштаҳои ногуастание ҳаёти онҳоро ба ҳам саҳт пайваستاаст. Аз ин лиҳоз, эътиқоди яхела, рӯҳияти монанд, ҷаҳонбинии ягонаву ҳамбастагии онҳоро наметавон дар алоҳидагӣ тасаввур кард.

*Искандарова Ш., профессор
Кахаров Қ., тадқиқотчи
(Ўзбекистон)*

ЎЗБЕК ВА НЕМИС МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ ХУСУСИДА

Бизга маълумки, муурожаат турли йўналишлар томонидан ўрганилганлиги сабабли, унинг вазифаси ҳам турлича кўрсатилади. Муурожаат шакллари ўзларининг услубий вазифаларига кўра мулоқот оҳангини, алоқаралашувнинг функционал соҳасини ифодалайдилар[5,11]¹.

З.Ақбарова муурожаатнинг муайян ижтимоий муносабатларини ифодаловчи восита эканлиги ҳақида фикр юритар экан: “Муурожаатнинг мазмунан ҳар хил шаклланиши – қувонч, таъна, кўрқинч, гина, илтифот, нафрат каби маъно оттенкалари қўшилган ҳолда ифодаланиши, энг аввало, ижтимоий муҳит ва шароитдан келиб чиқадиган муносабатга боғлиқ. Тил эса ана шу муносабатни қандай бўлса ўшандай, аслига мос ҳолда рўёбга чиқиши учун восита бўлади”, деб таъкидлайди[1,8].

Муурожаат нутқий этикетнинг асосий бирлиги сифатида ҳам хизмат қилади. Муурожаат шакллари барча тилларда мулоқотни нутқий меъёр талабларига риоя қилган ҳолда олиб боришда катта аҳамиятга эга. Муурожаат орқали тингловчининг қайси ижтимоий гуруҳга хослиги, ёши, жинси, бажараёт

¹ Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.11.

ган вазифаси, қолаверса, характер хусусиятлари, айти дамдаги кайфияти каби қатор жиҳатлар ёритилиши мумкин. Мурожаат шакллари ўз вазифасига кўра, алоҳида ўрин тутати. Сўзлашувчиларнинг ижтимоий муносабатлари, уларнинг ижтимоий вазифалари ва мавқелари асосида белгиланадилар. Мурожаат фақат чақириш, хитоб маъноларинигина англамай, баъзан вазият асосидаги бошқа мақсадларни ифодалашда ҳам хизмат қилиши учратилади.

Ўзбек тилида “ошина”, “ўртоқ”, “тақсир”, “бегим”, немис тилидаги “Kamerad”(ўртоқ), “Fräulein”(хоним) сўзлари кўшимча ижтимоий вазифалар оқибатида ўз вазифасини ўзгартирган. Жумладан, “бегим” мурожаат шакли XV-XVI асрларда хотин-қизларга қарата ишлатилган бўлиб, кейинги даврларда эркакларга нисбатан қўлланганини ўша даврлар учун хос тарихий асарлардан билишимиз мумкин. Аслида “бек + ум” (ум – арабча “она”) яъни бек онаси ёки кенг маънода бек оиласининг барча аёл жинсли вакиллари учун ишлатилган бу шакл кейинчалик ўз маъно мундарижасини кенгайтирган. “Kamerad”(ўртоқ) сўзи социалистик мамлакатларнинг расмий доираларида бир-бирларига исмлари ёки фамилиялари олдида қўлланилган. Масалан, ўртоқ Тожибоев, Kamerad Walser (ўртоқ Валсер) ёки ўртоқ Карим Хасанов, Kamerad Peter Gärtner (ўртоқ Петер Гертнер) тарзида. “Fräulein”(хоним) мурожаат шакли ўтган асрнинг 60-70 йилларига қадар турмушга чиқмаган қизларга нисбатан қўлланган. Бугунги кунда эса у нутқий этикет шакли сифатида истеъмолдан чиқа бошлаган.

Ўзбек халқида нотаниш тингловчилар билан мулоқот жараёнида қариндошлик гипонимлари саналувчи мурожаат шаклларида фойдаланиш, одатда, ёш ва жинс белгилари билан ажралиб туради. Масалан, келинойи, янга, хола ёки тоға, амаки, почча, деб мурожаат қилинади. Немис халқида эса нотаниш адресантларга нисбатан ёш ва жинс белгиси у қадар актив эмас. Уларда ёшидан қатъи назар “Entschuldigung...” (Кечирасиз,...) деб мурожаат қилинаверади. Ҳар иккала халқда ҳам яқин оила аъзолари, қадрдон танишларга нисбатан мурожаатда баъзан исмларнинг қисқартириб айтилиши учрайди. Масалан, немис халқида Katarina исмли қизни Karin, Evangelija исмли қизни Eva, Stefan исмли ўғил болани Stefi, Rudolf исмли ўғил болани Rudi, деб қисқартириб айтиш одат тусини олган. Бу қисқартириб мурожаат қилиш орқали эрқалаш маъносини ҳам тушуниш мумкин. Бундай ҳолат ўзбек халқига ҳам хос бўлиб, бунда ҳам мурожаат қилувчининг яқинлик маъноси англашилади.

Ўзбекларда мурожаатда никоҳ ва никоҳдан кейинги ҳолатлар алоҳида эътиборга олинади. Масалан, оилага янги келин бўлиб тушган қиз янги қариндошларининг исмини тўлиқ ва ҳурмат тариқасида -хон, -жон, -бек, -ой, -ойим шакллари билан кўшиб ишлатади. Бунда уларнинг ўзаро яқинлик белгиси ҳам нейтраллашади. Масалан, Салимахон, Бехзоджон, Шерзодбек каби. Оиланинг бошқа аъзолари барчаси қисқарган шаклдан фойдаланган ҳолатда ҳам, келинчак ўз нутқида бу кишилар (улар кичик ёшдаги болалар бўлса ҳам ёки никоҳгача яқин дугонаси бўлган тақдирда ҳам) исмини ҳар доим умрбод

тўлиқ ҳолатда айтади. Бу ўзбек аёлларининг ўз турмушига нисбатан ҳурмати, одоби ва нутқий этикетини кўрсатади.

Ўзбеклардаги қариндош бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилаётган қариндошлик номлари кўшимча маъно олади. Бунда фақат мурожаат шаклларигина эмас, балки жумла таркибида тил бирлиги сифатида ишлатилаётган барча мос белгилар ҳам кўшимча маъно олади. Бундай мурожаатлар баҳолаш ва коннотатив хусусиятга эга бўлиб, улар мулоқот иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг нозик томонларини белгилайди.

Немис халқида қариндош бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилаётган қариндошликнинг иккиламчи номланишлари умуман учрамайди. Уларда ўзидан катта, кичик ёки тенгдошларга нисбатан бирдай исми билан чақириш одат ҳисобланади.

Ўзбек халқига хос нутқий этикетлар катта ёшли суҳбатдошларга ҳурмат кўрсатади. Тенгдошлар ўртасидаги дадиллик, кескинлик, катта ёшлилар билан мулоқотда зарур birlikлар ва мулоқот оҳангга алмашади.

Қариндошлик гипонимлари саналувчи “ота”, “отахон”, “онахон”, “бувижон”, “бобожон”, “опоқи” каби турли мурожаат шакллари ёшлар ва ўрта ёшдаги адресатлар томонидан таниш ёки нотаниш кексаларга нисбатан ишлатилади, натижада юқоридаги сўзларнинг борлиқ (денотатив) маъноси ўзгаради ва нутқнинг иккиламчи номинацияси вужудга келади.

Ўзбек халқида “акахон”, “опахон” сингари мурожаат шакллари ёш йигитлар нутқида, “дугонажон”, “ўртоқжон” каби ундалмалар эса ёш аёллар, қизларнинг ўзаро мулоқотида кўп ишлатилади. “Жўра”, “ошна”, “оғайни” кабилар кўпроқ ёш йигитларга мансуб бўлиб, бундай мурожаатлар кексайгунча ҳам давом этиши мумкин. Тенгдошлар ўртасида бир-бирларини турли лақаблар билан аташ улар нутқини белгиловчи асосий воситалардан ҳисобланади.

Глобаллашув майдони тобора кенгайиб, удумларни йўқ қилиб бормоқда. Лекин ушбу меъёрнинг сақланмаган, бузилган ҳолати шахс характерини очиб беради. Бу усулдан оғзаки сўзлашув ҳолатларида ва бадий асар тилида кенг фойдаланилади. Ўзбек оилаларида одатда қайнонанинг келинларга нисбатан “сизлаб” мурожаат этиши меъёр ҳисоблангани ҳолда, бу ўринда сўзловчининг “сен”лаш шаклидан фойдаланиши унинг характер жиҳатларини очиб беришга ёрдам берган.

Немис халқининг ёшлар нутқи ўзбек ёшлари нутқидан кескин фарқ қилиб, тенгдошлар бир-бирларига исмларини айтиб ёки нотаниш тенгдошларга “Entschuldigung” (Кечирасиз), деб мурожаат қилиш меъёр саналади.

Ёшлар тилини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш бир қанча немис олимларининг тадқиқот объекти бўлган. Масалан, немис тилшунос олимаси Сузанне Аугенштайн (Susanne Augenstein) ўзининг “Funktionen von Jugendsprache“, „Studien zu verschiedenen Gesprächstypen des Dialogs Jugendlicher mit Erwachsenen“ (Ёшлар тилининг вазифалари. Ёшларнинг ўсмирлар билан ҳар

хил суҳбат турларини ўрганиш) каби тадқиқотларида, немис тилшуноси Sedlaczek, R. Das Lexikon der Jugendsprache. (Ёшлар тили лексикони). Bredow, W. Medien und Gesellschaft. (Ахборот воситалари ва жамият). Lüger, H.-H. Pressesprache. (Матбуот тили) мавзуларида тадқиқот олиб борганлар.

XVIII асрдаёқ ёшлар тилларида қўлланилаётган ифодалар билан тўпламлар нашр этила бошланди. XX асрнинг ўрталаригача ёшлар тилининг ўзига хос хусусиятларини кўпроқ талабаларда кўриш мумкин бўлган. Мазкур асрда поп (муסיқа тури) маданияти кенг тарқалиши билан, ёшлар тилининг янада кенгайишига, бойишига олиб келди. Айниқса, сўнгги йилларда техниканинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши маълум даражада ёшлар тилига ўз таъсирини ўтказди ва бу ҳолат яна давом этмоқда.

Немис тилшунос олими Susanne Augenstein мулоқот асосий тўрт омилнинг маҳсулоти сифатида кузатилиши лозимлигини таъкидлайди. “Бу тўрт омиллар қуйидагилар: сўзловчи, тингловчи, референц объекти, яъни ички ва ташқи дунё, тил воситаси“[6,11].

Нутқий этикетларнинг ўзига хос кўринишлари аёллар мулоқотида кўзга ташланади. Кишиларнинг ўзаро алоқага киришувида эркаклар ва аёллар дискурси ажратилар экан, бу ҳам эркак ёки аёлнинг жамиятдаги ижтимоий ролига боғлиқ ҳолда юзага келади. Инсонлараро кундалик алоқаларни дискурсив мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзаро мулоқот жараёнида инсон лисоний шахс сифатида ўзини намоён қилади. Мулоқот жараёнида тилдаги лингвостилистик воситалардан ўринли фойдаланган ҳолда лисоний шахснинг ўз фикрларини ифодалаш имкониятига эгаллиги, шунингдек, мулоқот жараёни юзага келиши учун талаб қилинадиган дискурсив вазият, мулоқот кечаётган муҳит, ўз коммуникатив мақсади, дискурс қаратилган шахсга хос хусусиятлар ва унга бўлган муносабатини эътиборга олган ҳолда, алоқага кириша олиши уни бошқалардан фарқлаб туради. Кундалик ҳаётда ўзаро мулоқот жараёнида белгиланган ролнинг бир хил тарзда мунтазам давом этиши аёл ёки эркакнинг дискурсига, унинг хулқига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу эса уларнинг фикр ифодалашда қандай дискурсив тактикалар қўллашлари, қандай тил бирликлари воситасида ўз коммуникатив мақсадларига эришишига боғлиқ бўлади. Бу ҳолат, айниқса, эркаклар ва аёлларнинг муружаатида яққол акс этиб туради.

Ўзбек аёллари умр йўлдошлари ҳақида бошқаларга гапирганда, уларни ҳурматлаб “у киши”, “у кишим”, “бу киши”, “бу кишим”, “улар” каби воситаларни қўллайдилар, бу ҳам миллий-худудий этикетлар билан боғлиқдир. Севиниш, эркалаш, ачиниш, кўрқиш, хавас, саросималаниш, койиш, алам сингари қатор ички ҳолатларнинг юзага чиқишида бу лисоний воситалар маълум даражада аҳамиятга эга.

Манбаларда нутқий этикетнинг норасмий шароитларида кўринадиган айрим ижтимоий белгиларни ҳисобга олиш зарурлигини, бунда хотин-қизлар ҳам бошқа ижтимоий гуруҳ аъзолари қатори ўз социал ролларини

ўзгартиришлари мумкинлигини таъкидланади. Расмий шароитда эса аёл-адресант учун хос бўлган аксар хусусиятлар йўқолади, унда аёл ҳам касб-ҳунари, маълумоти, савияси асосида ижтимоий вазифа бажаради. Чунки “индивиднинг касб-кори, лавозими, мавқеи таъсирида шаклланган характери (хукуқи) шу шахснинг мажбурияти (бурчи) билан бирга унинг коммуникатив актда эгаллайдиган позициясини белгилаб беради. Индивид ана шу белгиланган позицияда туриб ўзининг ижтимоий ролини рўёбга чиқаради”[4,7].

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ўзбек тилида бир қатор соҳаларга тегишли нутқий мезонлар муайян тил стандартлари даражасида белгиланади. Жумладан, “юридик фаолиятда касбий нутқнинг тушунарлилиги мантиқийлиги ва мақсадга мувофиқлиги унинг тил стандартлари даражасида шаклланиши долзарб масала” сифатида қаралади[3,5].

Баъзан муаллиф персонаж хусусиятини индивидуаллаштириш, унинг ўзига хос қиёфасини очиш мақсадида турли жинсдаги қаҳрамонлар нутқига мансуб бирликларни алмаштириб ифодалайди[2,27].

Адабиётлар

1. Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.
2. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993.
3. Мўйдинов Қ.А. Ўзбек тили суд нутқи лексикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019.
4. Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.
5. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972.
6. Augenstein S. Funktionen von Jugendsprache. Studien zu verschiedenen Gesprächstypen des Dialogs Jugendlicher mit Erwachsenen. – Tübingen, 1998.

*Искандарова Ш., профессор
Рахматуллаева Д., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ИЛМ-МАЪРИФАТ” СЕМАЛИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тилшуносликда муайян лисоний бирликларнинг нутқ жараёнида намоён бўлиши, уларнинг услубий имкониятлари таҳлилига қаратилган бир қатор ишлар мавжуд бўлиб, бу тадқиқотлар нутқ услубларининг шаклланиш ва тараққиёт омилларини ёритиш, ҳар қайси нутқ услубининг ўзига хос белгиларини аниқлаш, маълум бир тарихий давр, алоҳида ижодкор томонидан яратилган бадиий манбаларининг луғавий-услубий жиҳатларини очиб бериш,

муайян нутқ типларининг нутқ услубларидаги кўринишларини ўрганиш, сўз туркумларининг функционал-стилистик хусусиятларини аниқлаш, бадий асарлар тилининг маъновий-услубий жиҳатларини ёритиш билан боғлиқ равишда олиб борилди.

Борлиқ ҳодисаларини идрок этишда тилнинг луғавий сатҳини ташкил этувчи сўзнинг ўрнини алоҳида кўрсатиш зарур. Чунки “Борлиқдаги ҳар қандай мавжудлот каби лексемалар ҳам серкиррадир. Уларда моддийлик, қурилиш, тарихий-этимологик, мансублик, маъно, шакл, қўлланиш, услубий бўёқ ва бошқа жиҳатлар бор. Лексемалар ҳар бир жиҳати (кирраси, белгиси) асосида мустақил тасниф манбаи бўла олади” [2,18].

М.Юлдашев бадий матнни тадқиқ этишда шакл ва мазмун, замон ва макон, бадий матнда интертекстуаллик масалаларига тўхталар экан, айти шу мезонлар бадий услубнинг бошқа нутқ услубларидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатларини таъминлашини таъкидлаб ўтади [8,27].

Ҳақиқатан ҳам, нутқ услублари орасида бадий матн таъсирчанлик, бўёқдорлик, серкирралик белгилари билан бирга, интертекстуаллик хусусиятига ҳам эга бўлади. Чунончи, ифода этилаётган воқеа-ҳодиса, муайян жараённи ишонарли, тушунарли тарзда ёритиш мақсадида бадий матнда турлича нутқ услубларининг маълум элементлари берилиши мумкин. Жумладан, турлича соҳа вакиллари ҳаёти, дунёқараши, нутқий ўзига хослигини тўлақонли ёритиш учун ана шу соҳа вакилларининг кундалик маиший турмуш тарзи, касбий фаолиятини кўрсатувчи далиллар хусусида маълумот олишимиз мумкин.

Ўзбек тили лексик системасида “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг услубий хусусиятлари борасида фикр юритилганда, уларнинг бу жиҳатдан ранг-баранг функционал табиатга эга эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “илм-маърифат” семали умумий тушунчалар номлари; шахс номлари; жой номлари; нарса-предмет номлари; белги ифодаловчи номлар; ҳаракат ифодаловчи сўзларнинг ҳар қайсиси турли нутқ услубларида турли-туман ҳолатда намоён бўлади.

Айниқса, бу ранг-баранглик бадий ва сўзлашув услубида яққол кўзга ташланади. Хусусан, бадий услубдаги мазкур тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятларини айрим насрий ва лирик асарлардан олинган парчалар мисолида кузатиш мумкин. *Китоб* сўзининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги маъноларига эътибор қаратамиз:

Китоб – 1. Маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим қўлёзма ҳам) асар.

2. Умуман, маълум шахс, воқеа-ҳодисага ва бошқаларга оид тугал, одатда, нашр этишга (китоб бўлишга) мўлжалланган асар [5,376].

Менимча, ўша кунлар умрим китобининг унутилмас зарварақлари бўлди (К.Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас).

Умрим китоби бирикмасида эса *китоб* лексемасининг “давомийлик”, “миқдор”, “жамланган” семалари намоён бўляпти.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *дарс* лексемаси шундай изоҳланади:

Дарс – 1. Таълим муассасаларида илм, маълумот бериш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти, сабоқ.

2. Ҳаётий тажрибадан келажак учун чиқарилган фойдали натижа, ибрат, сабоқ[4,569].

Сабоқ лексемасининг изоҳига диққат қилинг:

Сабоқ – 1. Дарс, машғулоти, билим, фан.

2. Дарсда (ўқувчиларга) бериладиган вазифа, топширик.

3. Кўчма. Ибрат, ўрнак, намуна бўладиган, ҳаёт тажрибасини оширадиган иш, ҳаракат, воқеа-ҳодиса[6,411].

Ҳар икки лексеманинг маънолари таркибида “машғулоти”, “маълумот бериш”, “ибрат”, “ўрнак” семалари етакчилик қилади. Айниқса, бу лексемаларнинг кейинги маънолари бу сўзларнинг услубий имкониятини тўлақонли намоён этишга хизмат қилади.

Шунингдек, “тафаккур” архисемали фраземалар «ўйламоқ», «фаҳхламоқ» семалари асосида бирлашади. Булар сирасига *миясига келмоқ*, *эсига келмоқ*, *хаёлига келмоқ*, *хаёлидан ўтмоқ*, *кўнглидан ўтмоқ*, *бошидан кечмоқ*, *хаёл сурмоқ*, *ўй сурмоқ*, *хаёлга ботмоқ*, *хаёлга чўммоқ*, *ўйга ботмоқ*, *пинакка кетмоқ* каби фраземалар мансуб бўлиб, улар ўзаро «тафаккур» семаси орқали бир парадигмани ташкил этади[1,107].

“Илм-маърифат” семали лексемалар орасида денотатив маъноси таркибидаги айрим семаларини сақлаб, маълум услубий мақсадларга қаратилган ҳолда қўлланилувчи луғавий бирликлар ҳам талайгина. Масалан:

Ўтламоқ – 2. мавзуга оид бўлмаган, керакли-кераксиз, оғзига келган гапларни гапирмоқ[7,180].

Кўринадик, мазкур лексеманинг коннотатив маъноси орқали “адашиш”, “мавзудан узоқлашиш”, “ўринсиз сўзлаш” белгилари билан намоён бўлади. Бу сўзнинг коннотатив маъноси кўпроқ оғзаки сўзлашув жараёнида кузатилади:

Эй, нималар деясан?! Ўтлаб кетдинг-ку!(Сўзлашувдан)

Бу ерда қўлланилган *ўтлаб кетдинг* феъли мавзудан узоқлашиш, масаланинг моҳиятидан чалғиш маъносига тўғри келади. Худди шундай *билагон* сўзининг ҳам кейинги маъноси билан оғзаки сўзлашувда функционал хусусиятлари ўзгаради:

Билагон – 1. Кўп нарсадан хабардор бўлган, кўп биладиган, билармон.

2. “Аслида ҳеч нарсани билмайдиган”, аравани куруқ олиб қочувчи[4,259].

Кейинги маънода “билмаслик”, “ўзини билимдон қилиб кўрсатиш” семаси устунлик қилади.

Н.Маҳмудов ва Ё.Одиловлар антонимия ва энантиосемия ҳодисалари хусусида баҳс юритиб, улар ўртасидаги умумий ва хусусий жиҳатларни

батафсил изоҳлайдилар. Хусусан: ”Энантисемия ҳам, антонимия ҳам маънолар ўртасидаги қарама-қарши муносабатга асосланади. Аммо энантисемия сўзда, антонимия сўзларда воқеланади. Антонимия англатадиган зидликни контекстсиз ҳам тушуниш мумкин, аммо энантисемия англатадиган зидликни нутқий вазият намоён этади” [3,48].

Ўзбек кино санъатининг ажойиб намуналаридан бири бўлган “Суюнчи” бадий фильмида Анзират холанинг набираси, *профессор* лақабини олган йигит (10 ўғилнинг тўнғичи) айни вақтда мустақил, мулоҳаза орқали фикр юритишга эга бўлмаган, хали деярли ҳаётга тайёр бўлмаган бола сифатида гавдаланади. Бу ерда профессор тушунчаси халқона соддаликка йўғрилган, бироз юмор билан қўлланилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *зиё* сўз шундай изоҳланади:

Зиё – 1. Ёғду, ёруғлик, нур.

2. Билим, маърифат, илм; онгни ёритувчи ҳар қандай нарса[5,146].

Изоҳдан маълум бўладики, бу лексеманинг иккинчи маъноси ушбу сўзнинг “илм-маърифат” семали гуруҳ таркибига кириши учун асос бўлади. Англашиладики, билим, илм, маърифат тушунчалари инсон онгини ёритувчи нурга тенгдир. Масалан: *Мактаб – зиё маскани* гапида мактаб, билим, маърифат сингари тушунчаларнинг узвий боғлиқ эканлигига ишора қилинади.

Таълим билан боғлиқ жой номлари орасида *мактаб* лексемаси функционал имкониятлари кенг бўлиб, энг фаол қўлланилади. *Мактаб* лексемаси таркибида “жой”, “бино”, “муассаса”, “илм-маърифат”, “таълим” семалари мавжуд:

Мактабда сенга шуни таълим берадимми? (А.Қаҳҳор)

“Илм-маърифат” семали луғавий бирликлар орасида *кенгаш* сўзи ҳам алоҳида хусусият касб этади. Луғатда бу сўзнинг изоҳи шундай берилади:

Кенгаш – 1. Бирор иш, ҳаракат юзасидан фикр-мулоҳаза, йўл-йўриқ; маслаҳат.

2. Ўзаро, биргаликдаги муҳокама; шундай муҳокама мажлиси; йиғилиш.

3. Бирор корхона, муассаса, жамиятнинг фармойиш ёки маслаҳат берувчи органи [5,352].

Кўринадигани, изоҳли луғатда мазкур сўзнинг барча маънолари таҳлил этилаётган гуруҳ таркибига олиб киради.

Сўзнинг дастлабки маъноси “маслаҳат”, “йўл-йўриқ” семаси билан; иккинчи маъноси “мажлис”, “муҳокама” семаси билан; учинчи маъноси эса “ваколатли орган” семаси билан кўзга ташланади. Лексеманинг дастлабки маъноси кейинги маънолари орқали функционал жиҳатдан анча кенгайган.

Бадий услубда “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг ўзига хос коннотатив маъноси гавдаланади.

Масалан:

*Ватан танангдаги жондир, қондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

(А.Орипов, Имтиҳон)

Имтиҳон лексемасининг маънолари таркибидаги “синов” семаси коннотатив маънога асос бўлмоқда.

*Қаршингда турибди ёш бир истеъдод,
Балки оламшумул бўлажак даҳо.*

*Бир оғиз сўз айтиб, берсанг гар имдод,
Тилларинг кесилиб қолгаймикан ё?*

(А.Орипов, Бахиллик).

Бу сатрларда шоир шеърий матннинг талабларидан келиб чиқиб, ифоданинг бадийлигини таъминлаш, сўзнинг таъсир кучини ошириш мақсадида *истеъдод*, *даҳо* сўзларининг эллипсисга учраган шаклидан фойдаланган. Бу ўринда *истеъдод*, *даҳо* сўзлари бевосита шахс ва унинг белгисини ифодалашга хизмат қилган.

Айрим ҳолларда иборалар ҳам шоирнинг маълум мақсадидан келиб, ўзига хос тарзда қўлланилади:

*Қавмимни қанчалик зукко деб билманг,
Афсус, кўп учратдим савиясизни.*

*Гапинг тузсиз десанг, ҳеч парво қилмай,
Олдинга келтириб қўяди тузни.*

(А.Орипов, Тарбиячи)

Ушбу шеърий парчада *гап*нинг белгиси сифатида *тузсиз* сўзидан фойдаланилган. Шоир бу ифода орқали кишилар орасида мулоҳазасиз фикр юритадиган, ўйлаб-ўйламай гапирадиган айрим савиясиз кишиларнинг ҳам мавжудлигини қайд этган ва уларни танқид остига олган.

Адабиётлар

1. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. Тошкент: Фан, 2007.
2. Мадраҳимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари: Филол. фанл. номз...дисс. автореф. Тошкент, 1994.
3. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Тошкент: Akademnashr, 2014.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2006.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2006.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2007.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2008.

8. Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 2009.

Йигиталиев У., доцент
Умиджонов Ш., студент
(Ўзбекистан),

О ЛИНГВО-ГРАММАТИЧЕСКОМ ВЫРАЖЕНИИ КОНЦЕПТА «РОДА» В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Объединение лингвистических единиц в определённые парадигмы на основании определённого общего значения породило теорию поля.

Истоки ее зарождения приходятся на 20-30-е годы прошлого столетия, что связано с новым толкованием теории В.Гумбольдта «о внутренней форме языков». Научные дискуссии по вопросам о внутренней форме языков, являющихся основным объектом крупномасштабных лингвистических исследований того периода, стали основой создания подобной теории.

В последнее время проделана большая работа в области исследования проблем теории поля. По утверждению Г.С.Щура, опубликовано свыше тысячи статей, посвященных теории поля. В узбекском языкознании также появились работы, связанные с теорией поля. На наш взгляд, данный метод способствует более подробному изучению масштаба реализации лингвистических единиц. Рассмотрим понятие лингвистический компонент – «концепт» (утверждение наше.–У.Й.), а также его семантико-функциональную реализацию в лингвистических ярусах узбекского языкознания. Лингвистический концепт, как и другие лингвистические единицы (ЛЕ), имеет особенность разложения, обособленности для носителей определенного языка. Рассмотрим лингвистический концепт (ЛК) *рода*. Однако, прежде чем осветить масштабы семантико-функциональной реализации ЛК *рода* в лингвистических ярусах, рассмотрим само понятие «род».

В узбекском языке слово «жинс» заимствовано из арабского. В «Толковом словаре узбекского языка» даются следующие его определения:

1) *биол.* – один из двух (самка и самец) видов живых организмов по биологическим и фразеологическим особенностям: *Эркак жинс. Хотин жинси*;
2) вид, сорт, разновидность; 3) социальная группа, сословие; род, происхождение, принимать в свою среду: *Ота, бу синглим, –табассум билан деди Йўлчи. – Бойникида яшашни маъқул кўрмадим. – Яхши қилибсан: Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс. Тўғри улар қариндошинг, лекин улар сени ўз жинсига қўшмайди. Улар пул жинсидан.* (Ойбек, «Кутлуғ қон»). (*Верно, они твои родственники, но тебя они не примут в свою среду. Они из рода денег*);
4) *геол.* – минерал, образующий определённый слой земной коры. Горные породы.

Из общего числа определений в качестве объекта исследования мы выбрали лишь понятие «биологический род».

Лингвистический концепт *рода* – это некое общее, специфически реализующееся в лексико-семантической системе нашего языка. Ранее [8: ст.55], нами было проанализировано это лексико-семантическое общее. В данной статье рассмотрим функциональную реализацию данного концепта в грамматической системе. Грамматическая система, как правило, рассматривается в качестве комплекса синтаксического и морфологического ярусов. Так как в предыдущей указанной статье нами были приведены масштабы семантико-функциональной реализации ЛК *рода* в самостоятельных и служебных лексемах, здесь мы их не будем анализировать. Действительно, в грамматико-функциональном плане морфологических категорий не встречается лингвистический концепт *рода*. Поэтому основное внимание мы уделили функциональной реализации синтаксического яруса. В синтаксической системе, особенно в простых предложениях, ЛК *рода* проявляется очень ярко. Например, ЛК мужского рода в семантике повествовательных предложений: *Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади. Юрагим сен эдинг, Гулнор* (Прохладный ветерок играет волосами девчонки. Ты была моим сердцем, Гульнор); в семантике вопросительных предложений: *Оптоқ қиз, қаерга борамиз?, Нима маслаҳат берасиз, Ойгул?* (Девушка, куда пойдём? Что скажешь, Айгуль?), в семантике побудительных предложений: *Э, халойиқ, бутун кучимизни бир куч қилиб тўплайлик! Куннинг тигида нима қиласан, салқинда ўтирсанг-чи!* (Друзья, соберем свои силы в единый кулак! Зачем ходить в такую жару, сиди дома!), либо ЛК женского рода в составе повествовательных предложений типа *Вой, овсин-эй, хомсиз-да ҳали. Эрнинг гапига лаққа тушиб юраверасиз* (Эх, вы, подружка, ещё не вы не опытные. Верите каждому слову мужа.) и вопросительно-побудительных предложений типа *Нигорани, яхши, ўзига тўқ хонадонга берамиз, дадаси?!* (Нигору отдадим замуж за хорошего, обеспеченного человека). ЛК *рода* может повторяться также в грамматико-функциональном плане сложных предложений и крупных синтаксических единиц – *текстов*. Например:

1. *Вой, ўлай, шунча ёшга кириб, совчиликка эркак киши келганини биринчи кўришим* [С.Кароматов, романа «Олтин кум». –С.174.] (Боже мой, столько прожив, впервые слышу, чтобы сватать приходил мужчина).

2. *У тўй қилсам бировдан сўрарлик бўлмасин, деб чинни идишларни ҳам етарли қилиб қўйган эди*[Саид Аҳмад, роман «Уфк». – С.123]. (Она достатично запаслась фарфоровой посудой, чтобы в случае свадьбы не спрашивать у других).

3. *У жон ҳолатда, қандай ўтирган бўлса шундай – яланг оёқ, яланг бош, уйдан югуриб чиқди*[Одил Ёкубов, роман «Диёнат». –С.151]. (Она в чём была – без платка и без тапочек выбежала из дома). В функциональном плане данных синтаксических конструкций скрыто понятие женского рода. А в следу

ющих сложных предложениях ведущую позицию занимает ЛК мужского рода. Например:

1. – *Эҳтиёт бўлинг, хоним, – совуққонлик билан гапирди йигит, жонингизга жабр қилиб қўясиз* [А.Дюма, роман «Уч мушкетёр». – С.97.] (*Будьте осторожны, мадам, – сказал парень, – вы можете навредить себе*).

2. *Хотин, юравер, Тогага айтдим, майли деди* [Саид Аҳмад, роман «Уфк». – С.99] (*Идём, жена, я сказал дяде, он согласен.*)

Грамматико-функциональный аспект следующих текстов подтверждает, что целый текст содержит ЛК женского или мужского рода:

1. *Ҳа... Э, бу кишини тирик тарих деса бўлади! Шу Тошкентда, Бешёғоч даҳасидаги маишхур Маъдихон эшон мадрасида таҳсил кўрганлар. Кейин оқ пошшо-герман уриши боиланиб, қишлоқда дўкандорлик қилган оталари «синганлар» у бу киши бир кундаёқ, мулламиркуруқ муллаваччага айланиб, мардикорликка кетганлар*[Одил Ёқубов, роман «Диёнат». – С.142] (*Да... Этот человек – живая история! Он получил образование здесь, в Ташкенте. В известном медресе Маъдихан на Бешагаче. Затем началась русско-германская война, его отец, который имел небольшую лавку в кишлаке, разорился, а этот человек был вынужден стать подёнщиком*).

2. *У ёшлигида текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди. Атлас кўйлагини қора мойга белаб тракторчининг орқасида юрар, у тушликка чиққанда сўрамай тракторни ҳайдаб қоларди. Қишлоқ кўчаларини чангитиб, товуқларни қақалатиб яна жойига келтириб қўйиб, зойиб бўларди* [Одил Ёқубов, роман «Диёнат». – С.171.] (*В молодости она никому спуску не давала. В запачканном масле атласном платье она ходила за трактористом, а когда он уходил на обед, без спросу садилась на трактор и угоняла его. Поднимая пыл на улицах кишлака, распугивая кур, возвращала трактор на место и бесследно исчезла*).

Таким образом, приведённые примеры доказывают верность нашего научного предположения о выражении ЛК *рода* в данном ярусе и образовании на основе этого особых концептуальных групп.

Иными словами, это гармонирует с процессом превращения в лингвистическую истину естественнoхимического явления «валентности» 40-х годов прошлого столетия.

Литературы

1. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1984. – 397 с.
2. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. 451 с.
3. Кароматов С. Олтин кум. Роман. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 275 б.
4. Саид Аҳмад. Уфк. Роман. – Тошкент: Шарқ НМК Бош тахририяти, 1996. – 386 б.

5. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование . – М.: Наука, 1971. –292.
6. Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. –696с.
7. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л.: Наука, 1974.
8. Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. –М.: Наука, 1974. – С.19.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.– Москва: Русский язык, 1981. –Б. 282.

**Каримова Ф., кичик илмий ходим
(Ўзбекистон)**

ПОЛ ГРАЙС ПОСТУЛАТЛАРИ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ДИАЛОГЛАР

Муваффақиятли мулоқотни амалга ошириш ҳақидаги ниятлар тилшуносларни доимо қизиқтириб келган. Диалог муҳити бу учун доимо энг яхши танлов бўлган. Чунки диалогнинг аниқ макон ва замонда, маълум ижтимоий ва маданий муҳитда ва кўпинча бир-бири ҳақида умумий маълумотга эга бўлган сўзловчи ва тингловчи ўртасида юз беришини ҳисобга олсак, у сўзловчи ва тингловчининг лисоний мақсадларини амалга оширишда энг мақбул нутқий майдон эканлигини англаймиз. Шунингдек, диалогда нолисоний омиллар ҳисобланган имо-ишора ва нутқ кечаётган вазиятнинг доимо ёндош ҳолда мавжуд бўлиши ҳам мақсадга эршишда муҳим аҳамият касб этади.

Мулоқотнинг муваффақиятли қонун-қоидаларини ишлаб чиққан файласуф-тилшунослардан бири британиялик Герберт Пол Грайсдир. Грайс одамларнинг кундалик нутқини мантиқ нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, унинг моҳиятини куйидагича шакллантиради: “Сухбатнинг ушбу босқичида сизнинг коммуникатив ҳиссангиз ушбу диалогнинг биргаликдаги қабул қилинган мақсади талаб қиладиган даражада бўлиши керак”. (Грайс, 1985: 222). Унинг нутқий мулоқотга доир қоидалар йиғиндиси ёки “Ҳамкорлик тамойили” деб юритилувчи назариясида 4 асосий категория мавжуд бўлиб, унга амал қилиш орқали мулоқот самарадорлигига эришиш мумкин, деган ғоя илгари сурилади. Пол Грайс ушбу категорияларни немис файласуфи И.Кант изидан бориб ишлаб чиққанлигини айтиб ўтади. (Грайс, 1985: 222). И.Кант фалсафасида ҳам мулоқот учун Микдор, Сифат, Муносабат, Усул постулатлари келтирилган. (Интернет манба: Сусов И.П. Споры вокруг имликатуры. /page: <https://studfile.net/preview/453844647/>)

Пол Грайс ҳам ўз қоидаларини айнан шу номлар билан 4 турга бўлган ҳолда келтиради.

Микдор постулати ўз моҳиятига кўра куйидаги қоидаларни қамраб олади:

1. Сизнинг жумлангиз талаб қилинган маълумотлардан кам бўлмаслиги керак.

2. Сизнинг жумлангиз талаб қилинган маълумотлардан кўп бўлмаслиги керак.

Ортиқча маълумотларнинг келтирилишини Пол Грайс шунинг учун инкор қиладики, у диалог мазмунига билвосита таъсир қилиб, тинловчида нотўғри ахборотнинг пайдо бўлишига ва сўзловчининг бошқа мақсади ва алоҳида мазмунли хабари борлиги ҳақидаги тахминларни келтириб чиқаришига йўл қўяди, натижада тинловчида чалкашлик юзага келади. (Грайс, 1985: 222).

Сифат постулатини қамраб олувчи мазмунга кўра, “Жумлаларингиз ҳақиқатга мос бўлишига ҳаракат қилинг” қоидаси олинган. Шундан келиб чиққан ҳолда яна икки қоида келтирилади:

1. Ўзингиз тўғри деб билмаган нарсаларни гапирманг.

2. Ўзингизда етарлича асос бўлмаган нарсалар ҳақида сўзламанг.

Муносабат постулатига эса “Мавзудан четга чиқманг” қоидаси асосий тамойил бўлиб ҳисобланади. Бунда жумланинг мавзу билан мос келишига эътибор қаратилиши керак. Муносабат постулатига кўра сўзловчи бераётган ахборот мавзу қамрови доирасидан чиқмаслиги керак, яъни Грайс тили билан айтганда, қисқача: “Мавзудан четга чиқманг” тамойили асосида баён этилиши керак. (Грайс, 1985: 223). Муаллиф ушбу қоиданинг бузилишига қуйидагича нутқий вазиятни мисол қилиб келтиради. Бунда А суҳбатдошнинг “*Х хоним - қари ялмоғиз*”, деган таъкидидан сўнг орага жимлик чўкиши ва бир оздан сўнг Б суҳбатдош томонидан “*Бу йил ёз жуда ажойиб келди-да, тўғримасми?*” (Грайс, 1985: 231). тарзидаги тасдиқловчи хабарнинг яширин усулда берилиши мазкур қоидадаги мавзудан четга чиққан ҳолда унга ўз муносабатини яширин тарзда ифодалаш деб тушуниш мумкин.

Усул постулатига кўра эса асосий қоида “Фикрни аниқ ифодаланг” қоидаси бўлиб, у бир неча қисмларни ўз ичига олади. (Усул постулати Аниқлик постулати деб ҳам номланади)

1. Ноаниқ жумлалардан қочинг.

2. Ноаниқликдан узоқлашинг.

3. Лўнда ва қисқа сўзланг (Кўп гапирманг)

1. Ташкиллашган, изчил ҳолда бўлинг. (Грайс, 1985: 223).

Грайс постулатларига мурожаат қилган тадқиқот ишларида шундай фикрлар бор: “Грайс тадқиқотидаги тушунчанинг маъноси тадқиқотчи ўзи тахмин қилгандан кўра кенгроқ бўлган. Г.П.Грайс таъкидлашича, нутқий мулоқот постулатларига риоя қилган ҳолда қабул қилувчи матндан ушбу матнни узатувчи томонидан жойлаштирилган яширин маълумотларни ҳам чиқариб олиши мумкин.” (Интернет манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/postulaty-g-p-graysa-kak-sredstvo-opredeleniya-adresata-reklamno-go-teksta/viewer>). Пол Грайс ва у ишлаб чиққан нутқий мулоқот қоидаларига қизиқиш билдирган тилшунослар томонидан турли фикрлар ўртага ташланган. (Сафаров, 2008: 129). Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Грайс ушбу постулатларни тавсифлашдан олдин импликатура деб

номланган яширин, кўзда тутилган ҳолат ҳақидаги ўз фикрларини баён этади. *Импликатура* сўзи инглизча “implicit”-яширин, ошкора ифодаланмаган, кўзда тутилган маъноларини англатувчи сифат билан ўзакдош ҳисобланади. Пол Грайс келтирган *импликатура* термини остида сўзловчи ва тингловчи учун маълум бўлган муайян ахборотнинг кўзда тутилиши ва суҳбатдошларнинг уни назарда тутган ҳолда ўша нарсага ишора қилган ҳолда мулоқотни амалга ошириш жараёни тушунилади.

Ушбу мавзуга қизиқиш билдирган тадқиқотчилардан бири импликатура ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: “Импликатураларни идрок қилиш, яъни нутқни тўғри тушуниш негизида, биринчидан, ҳар бир қобилиятли тил соҳибига хос бўлган самарали мулоқот қоидаларини билиш ётса, иккинчидан, суҳбатдошнинг оқилона презумпцияси (эҳтимолликка ёки тахминга асосланган фараз) муҳимдир”. (Шаҳмаҳмудова, 2017: 97). Муаллиф ушбу фикри билан сўзловчи ва тингловчининг ҳар иккисига бирдек тааллуқли бўлган умумий билимлар фонди (билиш хазинаси) (Грайс импликатурани ана шу маънода келтирган)ни кўзда тутди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки. Г.П.Грайс постулатларини барча тилшунослар бирдек маъқулламаганлар. Мазкур постулатларни самарали фойда беришига шубҳа ва эътироз билдирган тилшунослар ҳам мавжуд. Файласуф тилшунос Кент Бахнинг фикрича, “Ҳамкорлик импликатураси умуман мавжуд бўлолмайди, унинг борлиги ҳақидаги нарса афсона, холос”. (Интернет манба: <https://studfile.net/preview/4538446/page:47/>) Тилшунос олим Ш.Сафаров Грайс постулатларидан қоникмаганлигини қатъий таъкидлаб: “Хуллас, мулоқот самарасини таъминловчи қоидалар турлича, уларнинг сони Ҳ.Грайс ажратган икки жуфт максима билан чегаранмайди”, - дейди. (Сафаров, 2008: 129). Олим унинг ўрнига Ҳусайн Воиз Кошифийнинг суҳбат одобининг мартабага етмаганлар учун жоиз бўлган 8 қоидасини келтиришни маъқул кўради. (Сафаров, 2008: 130). Олим бу ҳақдаги фикрини давом эттирар экан: “Ғарб прагмалингвистлари ҳам Ҳ.Грайс таснифидан охиригача қоникмадилар”, - деган хулосага келади. (Сафаров, 2008: 130). Бизнинг назаримизда, мукамаллик умидида бор қоидалардан ҳам воз кечмай, уларнинг самарасидан мақсадли фойдаланишни ўйлаб иш тутиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бизнингча, ушбу постулатларнинг инобатга олиниши мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси учун фақатгина фойда бўлибгина қолмай, ҳам лисоний, ҳам ижтимоий қоидалар қаторида унга риоя этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ушбу тамойиллар суҳбатдошларни ҳаққонийлик, самимийлик, ортиқча сўзламаслик ва ҳурмат чегараларидан чиқмасликка, мавзудан четланмасликка ундайди. Пол Грайс постулатлари икки жиҳати билан бизнинг эътиборимизни тортди. Биринчидан, ушбу постулатлар мантиқан, тўғри тузилган мулоқот намунаси сифатида қоидаларга атайлаб “бўйсунмаган” мулоқот намуналари учун эталон вазифасини ўтайди. Иккинчи турдаги мулоқот намуналарининг

Грайс постулатларига қиёсланиши диалог жараёнида юзага келувчи турли прагматик ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради.

Иккинчидан, инсонларнинг ўз мулоқотимизда нутқий мулоқот қоидаларига амал қилишдан кўра бу қоидалардан четга чиқиш ҳолатлари нисбатан кўп учрайди. Бу каби “қоидабузарлик”, назаримизда, ихтиёрий (англанган) ва беихтиёр (англанмаган) тарзда амалга ошади ва ҳар икки вазият ҳам лингвопрагматик тадқиқотлар учун қизиқарли материалларни беради. Яна бир нарса қизиқки, уларга амал қилиниши тилшуносларни қандай қизиқтирган бўлса, мазкур қоидалардан қочиш, унга бўйсунмаслик ҳақидаги ҳолатлар ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Жумладан, Пол Грайс постулатларини ўта кўтаринки руҳда баҳолаган рус тилшуноси Т.М.Николаева ундан четга чиқиш, оғиш ҳолатларига мисоллар келтиради ва бундай диалогларни “муваффақиятсиз диалоглар” тарзида баҳолайди. (Николаева, 1990: 225-230). Қуйидаги матнга эътибор беринг:

Аптека.

- Сизда юрак дориси борми ва у қанақа идишда? (Суюқми ё таблетками?)

- 30 тийин .

- А, у таблетками ё суюқликми?

- Айтдим-ку, 30 тийинга олса бўлади деб.

Бундай “нишонга тегмаган” диалогларнинг юз беришида бир қанча омиллар сабаб бўлади. Улар қаторига лисоний тежамлилик тамойили, нутқий вазият, суҳбат иштирокчиларининг субъектив (ахлоқий, нутқ маданиятини эгаллаганлик даражаси) хусусиятлари кабиларни киритиш мумкин. Бизнинг кузатишимизча, бу ҳолат ўзбекча диалогларда бир оз “юмшоқроқ” ҳолда юз бериши мумкин. Шу ўринда маҳоратли адиб Ў. Ҳошимовнинг қуйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб билдик. “”Ўтган кунлар” романининг бошида шундай тасвир бор. Марғилонда, Отабек қўнган карвонсарой хўжрасига Раҳмат билан Ҳомид кириб келади. Бир оздан кейин хонага Ҳасанали ҳам киради. Отабек унга “ота” деб мурожаат қилади, ҳол-аҳвол сўрайди. Шундан сўнг “баъзи юмушлар буюрсам майлими... бизга чой қайнатиб берсангиз”, деб илтимос қилади. Ҳасанали чикқач, Раҳмат Отабекдан бу киши кимлигини сўрайди. Адибнинг кейинги тасвирига эътибор беринг. “Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини хўжрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди: - Қулимиз...”

Қизиқ, Отабек нима учун ўзининг қулига салом беради? “Ота” деб мурожаат қилади? Юмуш буюришдан олдин “майлими” деб рухсат ҳам сўрайди? Бу ҳам етмагандек, Раҳматнинг саволига “чолни узоқлатиб”, шундан кейин жавоб беради? Бошқа адабиётда, дейлик Европа адибининг асарида шундай вазият тасвирланса, хўжайин қулига “ота” деб мурожаат қилиш у ёқда турсин, “сен”лаб гапирган, бояги саволга эса унинг ўзини олдида “буми, бу менинг қулим” деб жавоб берган бўлур эди. Отабек эса ундай қилолмайди. Негаки, у – ўзбек”. (Ҳошимов, 2019: 206-207)

Ўзбек миллатининг суҳбатлашиш одобидаги ҳазил-мутойиба ва суҳбатдоши олдида чекиниш ҳолатларига кўплаб дуч келамиз ва бу шарқоналикларнинг ғарбликлар нисбатан кескин хулоса чиқаришдан кўра келишиб кетиш, кулгили ишора билан маълум совуқ ҳолатларнинг олдини олиш одатлари билан изоҳланиши мумкин. Қуйидаги матнга эътибор беринг:

Ярим соатдан кейин кўришдик. Режиссёр сочи елкасига тушган, ўртачароқ мўйлов қўйган йигит экан.

- Қалай? – деди у тўсатдан.

- Нима қалай?

- Бизнинг фильмлар?

Чайналиб қолдим. Ростини айтсам, шу режиссёрнинг киноларини жиним сўймасди.

- Билмасам, - дедим мингиллаб. – *Фильмингиздаги одамлар галатиноқми-ей.. Томошабин экранда ўзига ўхшаган одамларни кўрса яхши бўлармиди.* (Ў.Ҳошимов. Мен, бувам ва рангли телевизор).

Мазкур диалогдаги саволга жавоб берувчи суҳбатдош “Сизнинг фильмларингиз ёмон” тарзидаги иллокутив мақсадини яширин тарзда Сифат постулатини бузилиши ҳисобига баён этмоқда. Тингловчининг яширин тарздаги мақсади “чайналиб қолдим” ва “жиним сўймасди” иборалари билан ҳам ойдинлашган. Пол Грайс ушбу постулат бузилишига тағмаъно ва муболағанинг кичрайтириш ва бўрттириш усулларида фойдаланилган ифодаланишларни мисол қилиб келтиради. Ўзбек мулоқот маданиятида бундай мисоллар сирасига қаттиқ касал бўлган одамнинг уни йўқлаб келган инсон олдида камтарлик билан “Сал мазам бўлмабди” тарзидаги ахборот сифатини яширувчи жумлаларни ҳам қўшиш мумкин.

У қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал дарвоза гурсиллай бошлади. Бу сафар Обид Расулевич шошмасдан бориб очди.

- Яна нима гап, Ҳолиқбой? – деди совуқ оҳангда.

- *Ия, қанақа уйқучи одамсиз домла, онангиз ёстиқ билан қўшиб туққанмилар? Бўлинг тезроқ, Кўчқор қассоб хотинига йигирма қияпти. Шундоқ ойдек хотин суяк тиқилиб ўлиб қолса, денг! Фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради, деб шуни айтади-да.* (Ў.Ҳошимов.Ош).

Диалогнинг жавоб мазмуни “Кўчқор қассобникига ошга борамиз” пропозициясидан иборат. Лекин бу жумла ўрнида суҳбатдошнинг субъектив мазмунга эга бўлган “ортиқча” маълумотларни берувчи бир неча жумлалари тизилиб келганлигини кўриб турибмиз. Суҳбатдошини койишга бўлган уриниш сифатидаги “қанақа уйқучи одамсиз” (дакки бериш), “онангиз ёстиқ билан қўшиб туққанмилар” (ранжитиш), “ойдек хотин суяк тиқилиб ўлиб қолса-я” (баҳолаш), “фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради” (далиллаш) каби мақсадларда баён этилган, асосий мавзудан четга чиқувчи жумлалари П.Грайс келтирган “Ҳамкорлик тамойили” даги Микдор постулатининг бузилишига олиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. **Усул** постулатининг

бузилиши эса кўпинча нутқий мулоқотдаги коннотациянинг сезиларли равишда кучайишини келтириб чиқаради. Унда тағмаънога кенг йўл очилади. Масалан:

Шу қадар ажойиб, хуш бир гул. Бир ой ўтиб-ўтмай, иккита гунча тугди - гунчасиям ажиб: яшил тўн кийган, тўнинг остидан пушти қабоси хиёл кўриниб турипти, қабонинг четлари нозик нақшлар билан мунаққаш бўлган. Бундай либос оламдаги ҳеч бир гулда йўқ.

- *Эртага қушчага айланиб учиб кетиб қолмайсизми? – деб сўраб қўяман эркалаб.*

У мағрур, ўзига жуда бино қўйган – жавобни-да раво кўрмайди.

Тарвақайлаган карнайгулларни, жой танламас беоргулларни ёмон кўрдим. Иккитасини таг-туғи билан кесиб ташладим. Натижада қайсарим теграси анча кенгайди. Эртасига атиргулларнинг нарироққа сурилиб олишганини кўрдим – улар ҳамма нарсадан ҳам ўз жонларини асраб-авайлашларини мен билмасам экан?! (Э.Аъзам. Менинг гулим).

Парчада келтирилган нутқий жараёндаги жумлалар мазмуни ойдинлашиши учун пропозитив мазмун камлик қилади. Сўзловчи мақсадини билиш учун жумлаларнинг яширин маъноси – тағмаънога мурожаат қилишга тўғри келади. Шу ўринда профессор М.Ҳакимовнинг тағмаъно ҳақидаги куйидаги фикрлари ёдга тушади: “...тағмаънонинг қўлланишидан мақсад кимдандир маълум ахборот кўринишининг сир сақланишидир. Шунга кўра маълум бир воқелик ёки ҳодисага ишора қилувчи тағмаъно мазмуни нутқ иштирокчиларидан бирига номаълум бўлади”. (Ҳакимов, 2013: 115-116). Мулоқотдаги сўзловчи назаридаги гул - унинг севган қизи, *Эртага қушчага айланиб учиб кетиб қолмайсизми?* жумласининг мазмуни эса “Мени ташлаб кетмайсизми?” пропозициясига мос келади. *Тарвақайлаган карнайгуллар, жой танламас беоргуллар* эса қизнинг атрофидаги ибодатдан узоқ бўлган дугоналарини англатади. Сўзловчининг улардан қизни ҳам, ўзини ҳам халос этишини *Иккитасини таг-туғи билан кесиб ташладим. Натижада қайсарим теграси анча кенгайди* жумлаларидан билиб оламиз. *Эртасига атиргулларни нарироққа сурилиб олишганини кўрдим* жумласида сўзловчи четлаштиргани учун ундан ранжиган қизлар атиргулга – тиканли гулга ўхшатишган. Сўзловчи томонидан мазкур яширин тағмаъноли жумлаларни ошкора қўллаб бўлмаслигининг сабаблари миллий-маданий руҳият билан ҳам (муҳаббат ҳақидаги икир-чикирларни ҳар кимга ошкор қилиш одоб доирасига кирмаслиги), севгига йўлиққан ошиқ йигитнинг руҳий ҳолатидаги андиша, уят туйғуларининг устунлиги учун пардага ўраб гапириш одат туси эканлиги билан изоҳланади.

Келтирилган парчадан яна шундай хулоса келиб чиқадики, Услуб постулатига амал қилмаслик ҳам доимо салбий ҳодиса саналмайди, балки у ўз ўрнида инсоний-ахлоқий тушунчаларни акс эттиришда ва миллий-маданий руҳни сақлашда қўл келади.

Нутқий мулоқотда, сўзловчи кўпинча мавжуд нутқий вазиятни кўзда тутган ҳолда кўпмаъноликдан фойдаланиши мумкин. Мисол учун:

Ўғил:

- *Ота, сизда гапим бор эди.*

Ота ишлари кўплигини айтиб:

- *Кеч қайтаман, мени кутмай овқатланаверинглар, – дея эшикни қарсиллатиб ёпиб кетди. (Ҳаётий мисол)*

Яна бир мисол:

Ошно бир гал ёмон койиган эди. Худди Маматқуловга ўхшаган галварс эканман, тузилган кунига соат совга қилувдим, олди-ю, тавбамга таянтирди,

- *Ўртоқ Яхшибоев, - деди, - биламан, сиз мендан кўпроқ пул топасиз, лекин мендан бойроқ эканингизни намоёни қилишингиз шартми?*

- *Биз китоб ёзолмаймиз, ўртоқ Яхшибоев, - деди, - лекин ўзимизга яраша ориятимиз бор, сиздақа китоб ёзадиганларга ўзимизни ҳақорат этишига йўл қўймаймиз!*

Яхшибоев шу сўзларни эслаб ҳайрон бўлди: ўзбек тилида-ю, мутлақо ўзбекча эмас. Русча ҳам эмас, бошқа тилда ҳам эмас, барча тилларнинг йигиндисими ёки?.. Ким билсин... Ишқилиб анча галати тил. (М.М.Дўст. Лолазор).

Берилган мисолдаги асар қаҳрамони Ошнонинг “Менга совга берманг” мазмунидаги фикрини айланма йўл орқали, яъни ўзи ва Яхшибоевнинг ижтимоий-моддий ва касбий фаолиятини солиштириш усулида ифода этиши маълум ният билан – ўзини ҳам Яхшибоевнинг ҳам кўнглига оғир ботмаслик мақсадида қўлланган усул деб тушуниш лозим. *Ўзбек тилида-ю, мутлақо ўзбекча эмас. Русча ҳам эмас,* тарзидаги жумлалардан **Муносабат** усулига дарз кетганига ишорани билиш мумкин.

Хулоса тарзида айтиб ўтиш керакки, Грайс постулатларининг бузилиши доимо самарасиз мулоқотни кафолатламайди. Бу жараён баъзан анланган ҳолда ҳам амалга ошиши мумкин. Юқоридаги мисоллар буни тасдиқлайди. Шунингдек, буни биз ўзбек диалогларда эвфемизмларнинг қўлланилиши ва баъзи жумлаларнинг тўғри усулда эмас, айланма йўл орқали метафорик усулда етказилишида ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун, совчиликка келган меҳмонлар “Сизларга совчи бўлиб келдик” жумласи ўрнига “Эшигингизга қулчиликка келдик” ёки қизнинг қанақалигини ҳали яхши билмаган совчилар “Шу йўлдан ўтиб кетаётгандик, бир кириб ўтайлик дедик” тарзида, тўсатдан вафот этган бола ёки янги туғилган чақалоқ ўлими ҳақидаги хабар “Ўзи мазаси йўқ эди” каби қўшимча ахборот билан ёки “Учиб қолибди” ибораси билан берилишини келтириш мумкин.

Нутқий мулоқотнинг самарали кечиши ҳақидаги ниятлар фақатгина П.Грайснигина эмас, бошқа бир қатор файласуф ва тилшуносларни ҳам қизиқтирган. Улардан бири Дж.Лич ишлаб чиққан “Мулойимлик тамойили”

бўлиб, мазкур тамойил ҳам бир неча қоидалардан иборат. (Интернет манба: <https://studfile.net/preview/4538446/page:40/>)

Улар қуйидагилар:

1. **Одоб қоидаси.** Унинг асосий мазмуни икки кичик қоида билан асосланади:

- 1) бошқалар учун маънавий зарарни энг кам даражага камайтиринг;
- 2) бошқалар учун фойдани энг юқори даражага қўпайтиринг.

2. Бағрикенглик қоидаси

1. Ўзингиз учун фойдани энг кам даражага туширинг.
2. Ўзингиз учун йўқотишларни энг юқори даражага чиқаринг.

3. Маъқуллаш қоидаси

1. Бировни қоралашни энг кам даражага туширинг.
2. Бошқани мақташни энг юқори даражага кўтаринг.

4. Камтарлик қоидаси

1. Ўзингизни мақташни энг кам даражага туширинг.
2. Ўзингизни айблашни энг юқори даражага олиб боринг.

5. Розилик қоидаси

1. Бошқалар ва ўзингиз орасидаги келишмовчиликни энг кам даражага туширинг.

2. Бошқалар ва ўзингиз орасидаги келишувни (тил топишни) энг юқори даражага олиб боринг.

6. Хушёқиш қоидаси

1. Ўзингиз ва бошқалар орасидаги ёқтирмаслик ҳиссини энг кам даражага туширинг.

2. Ўзингиз ва бошқалар орасидаги илиқ муносабатни энг юқори даражага олиб боринг. (Интернет манба: <https://studfile.net/preview/4538446/page:60/>)

Лич тамойилидаги ҳар бир қоида ичида келтирилган жуфт ҳолдаги қоидалар қарама-қарши кутбга эга бўлиб, тингловчи учун фойда бўлган нарса сўзловчи учун йўқотиш тарзидаги диадалар шаклида берилган. Мазкур қоидаларга ўз муносабатини билдирган олим Ш.Сафаров ғарб дунёқарашини шарқона оҳанг билан талқин этиб, шундай ёзади: “Ж.Лич келтирган ҳурмат тамойилларининг асосий мазмунини қуйидагича тавсифлаш мумкин: агарда хушмуомала бўлишни истасанг ёки шундай кўриниш ниятинг бўлса, хатти-ҳаракатда ва нутқда одобли, ҳимматли ва камтарин бўл, суҳбатдошингга салбий муносабатда бўлма ва имкони борича унинг фикрини қўлла”. (Сафаров, 2008: 133).

Нутқий мулоқот самарадорлиги ҳақидаги Г.П.Грайс ва Ж.Лич постулатлари шу қадар машҳур бўлдики, улар тадқиқоти умумлаштирилиб, Мулоқот кодекси сифатида баҳоланди. Кодексга берилган изоҳлар ҳам буни тасдиқлайди. Жумладан, “Мулоқот кодекси – бу ҳар икки томоннинг нутқий

ҳатти-ҳаракатлари мулоҳазали ва англаб қилинган нутқий ҳаракатлар деб қараладиган диалог қуриш тамойиллари тизимидир”. (Интернетманба: https://ru.wikipedia.org/wiki/Коммуникативный_кодекс)

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мулоқот жарёнига оид Пол Грайс ва Ж.Лич қоидаларидан бошқа олимларнинг, жумладан, Ж.Гордон, Ж.Лакофларнинг “Нутқий мулоқот постулатлари”, Д.Уилсон ва Д.Сперберларнинг “Релевантлик назарияси” каби қатор қоидалари мавжуд бўлиб, улар бевосита Грайс назарияси таъсирида юзага келган. Грайс “Ҳамкорлик тамойили”нинг мулоқот назариясига қўшган ҳиссаси шундаки, ундан бугунгача тилшунос ва социологлар, психологлар эталон қоида сифатида фойдаланиб келмоқдалар. Келгусида мазкур қоидалар бошқа соҳа вакилларининг ҳам эътиборини жалб этиши шубҳасиздир.

Адабиётлар

1. Грайс. П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. – Москва.: Прогресс, 1985.– Вып. XVI. – С. 222-237.
2. Николаева Т.М. О принципе “Некооперации” и/или о категориях социолнгвистического воздействия // Логический анализ языка. Противоречивость и аномальность текста. – М.: Наука. 1990. – С.225-230.
3. Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент, 2008. – Б.129-133.
4. Шамахмудова А. Нутқий мулоқотда имплицитликнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, Тошкент, 2017. – №3. – Б.97.
5. Ҳақимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. - Б.115-116.
6. Ҳошимов Ў. Юзма-юз // Дафтар хошиясидаги битиклар. – Тошкент.: Book media nashr, 2019. – Б. 206-207
7. <https://studfile.net/preview/4538446/page:60/>
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/postulaty-g-p-graysa-kak-sredstvo-opredeleniya-adresata-reklamnogo-teksta/viewer>
9. Сусов И.П. Споры вокруг имплицатуры. /page: <https://studfile.net/preview/453844647/>
10. https://ru.wikipedia.org/wiki/Коммуникативный_кодекс

Қўрғонов З., дотсент
(Тоҷикистон)

ТАҲАВВУЛОТИ СОҲТОРИВУ МАЪНОИИ БАЪЗЕ АЗ УНСУРҲОИ ЁВАРИ СЕРВАЗИФА ДАР АҲДИ БОСТОН ВА МИЁНА

Маълум аст, ки забон ин амри собит набуда, дар ҳар даври замон дучори тағйирот ва таҳаввул мегардад. Аз ҷониби дигар, барои дарёфтани қонунҳои забон дар ҳар даври бояд ба суратҳои мухталифе, ки дар адвори пешин доштааст, тавачҷуҳ кард то асл ва маншай ҳар нукта падидор шавад. Дар он

вақт мо метавонем чигунагии тағйироти забонро, ки аз як шакл ба шакли дигар майл кардааст, мушаххас созем. Таҳқиқи гузаштаи дури ин ё он забон дар сурате амалӣ мегардад, ки агар мо маводи фаровоне барои ташхис дар ихтиёр дошта бошем. Катибаҳои Ҳахоманишӣ ва аз ҷумла маълуми мафҳумтарини онҳо катибаи Бесутун аст, ки имкони ҷунин баррасиҳоро барои ин забон фароҳам месозад. Ба доираи таҳқиқ кашидани забони форсии бостон ва осори барҷоймондаи он аз ду ҷиҳат муҳим аст. Нахуст ин ки забони форсии бостон аслу мабдаи забони тоҷикӣ буда, осори аз ин забон ба мо омада шакл ва сохтори забони тоҷикиро дар миёнаҳои ҳазораи аввали пеш аз мелод нишон медиҳад. Дигар ин ки ин осори пурарзиши таърихӣ ҷузъе аз гаронбаҳотарин мероси миллии мо ба шумор меравад. Осори бозмондаи мазкур ҳам аз лиҳози забоншиносӣ ва ҳам аз дидгоҳи таърихӣ аҳамияти ғавқулода дорад. Аммо бо вучуди ин таҳқиқу баррасии ҷунин осор, ба ҷуз қайдҳои ҷудогона, аз назари забоншиносон дур мондааст. Бояд гуфт, ки мустаҳриқини аврупоӣ зиёдтар ба кашфи асрори забонҳои аҳди бостон муваффақ шудаанд.

Кори мондагоре, ки оид ба шинохти таърихи забон ва давраҳои он баҳс мекунад, ба қалами Асосгузори сулҳу ваҳдати миллий – Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон, муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон дахл дорад. Дар ин сарчашмаи арзишманд Пешвои миллат моро ба он ҳидоят мекунад, ки тамоми нозуқиҳои осори аҳди бостонро омӯхта, онро ҳифз намоем: «Донишмандон [муҳаққиқони аврупоӣ – Қ.З.] дар асоси равиши муқоисавии таърихӣ аз забонҳои авестӣ, форсии бостон, форсии миёна дар муқоиса бо ҳиндии бостон истифода бурда, таърихи забони моро аз аҳди бостон то давари нав бар асоси манобеи хаттӣ бо таври амиқ таҳқиқ карданд. Имрӯз аз дастовардҳои илми ховаршиносии ҷаҳон дар иртибот ба забонҳои бостон истифода бурда, бояд муқаррар намоем, ки таърихи забонҳои эронӣ, аз ҷумла таърихи забони модарии мо аз ҳазорсолаҳои пеш аз мелод то даврони пайдоиши забони форсии дарӣ (тоҷикӣ) аз қучо оғоз ва ба қучо анҷом меёбад. Аз ин рӯ, мо – ворисони забони модариро лозим аст, то сатрҳои заррини осори таърихӣ хешро, ки аз гузаштаҳои дур ба мерос мондаанд, бештар омӯзем ва ҳамчун ганҷи арзишманди сарвати миллий ҳифз намоем» [1, 47].

Муҳаққиқи эронӣ Муҳаммади Маҳдӣ низ маҳз ба ҳамин масъала тавачҷуҳ карда ҷунин гуфтааст: «Дар Эрон чандон мавриди тавачҷуҳи муҳаққиқон қарор нагирифта (таҳқиқи забони форсии бостон – Қ.З.) ва ба ҷуз чанд асар китобе мустақил дар бораи дастури забон, адабиёт, бозхонӣ, шарҳ ва гузориши он ва фарҳанги луғот ба забони форсӣ навишта нашудааст. Ин дар ҳоле аст, ки дар маҳофили илми эроншиносии мағрибзамин аз замони интишори нахустин тарҷумаи катибаи Бесутун тавассути Ровлинсун дар соли 1848 м. то кунун, яъне дар даврони мутаҷовиз аз як қарну ним, донишмандон ва мутаҳассисони ғайриэронӣ даҳҳо асари илми арзанда дар қолаби китоб, мақола ва рисола дар бораи мавзӯот ва масоили гуногуни марбут ба забони форсии бостон ба забони аврупоӣ мунташир кардаанд» [3, 94].

Аз гурӯҳҳои оилаи забонҳои аксар оилаи забонҳои ҳиндуаврупоӣ мавриди омӯзиши густардаи забоншиносон қарор гирифтааст. Ин оилаи забонҳои назар ба оилаҳои дигар фарогири бештари забонҳои мебошад. Аз лиҳози чуғрофӣ он аз Осиёи Ҷанубӣ ва Эрон то кулли минтақаҳои Аврупою Амрико фаро дарбар мегирад. Ба шояхӣ шарқии забонҳои ҳиндуаврупоӣ зершояхӣ ҳиндуэронӣ дохил мешавад, ки он шояхӣ ду шояхӣ: а) забонҳои эронӣ ва б) забонҳои ҳиндӣ аст. Қавмҳои, ки бо ин забонҳои сухан мекарданд, ҳудуди 3000 сол қабл аз мелод дар минтақаҳои Ҳиндустон ва Эрон мезистанд.

Лозим ба ёдоварист, ки оид ба мухтасоти забони забонҳои аҳди бостон ва давраи миёна муҳаққиқони ватаниву хориҷӣ ба мисли профессорон Д. Саймиддинов [8; 9; 10], А. Ҳасанов [11], Ф.Шарипова [13], А.Мирбобоев [7], Е. Блоше [16, 151 – 159], К. Залеман [26, 111 – 113], Х. Бруннер [18, 116 – 158], Ф.Жиню [20, с.103 – 113], Ж. Лазар [21, 1 – 13], Д. Маккензӣ [22, 478 – 495], М.Бойс [17], Ҳ. Нюберг [24; 25], М.Абулқосимӣ [2] ва дигарон таваҷҷуҳи махсус зоҳир кардаанд.

Забони форсии бостон забоне ба шумор меравад, ки дар давраи Ҳахоманишиён дар минтақаи Порс бо он тақаллум мекарданд. Осори мактубии он катибаҳои Ҳахоманишӣ ҳастанд, ки бо хатти меҳӣ навишта шудаанд, аммо забони девонӣ ва мукотиба забони «оромӣ» буд. Аз рӯи табақабандии забоншиносон забони форсии бостон ба шояхӣ ғарбии забонҳои эронии бостон мансуб буда, он бо забонҳои авестой ва санскрит хешӣ наздик дорад. Ин забон, ки аз забонҳои форсии ҷанубӣ - ғарбӣ аст, бо забони модӣ низ робита дорад. Забони форсии бостон аз забонҳои ҳиндуаврупоӣ аст, ки, эҳтимол, дар падидаи муҷоҷирати ориёиён бо ҳамроҳии забонҳои модӣ ва авестой вориди Эрон шудааст.

Сангнавиштаи Бесутун яке аз беҳтарин ва машҳуртарин санадҳои таърихи ҷаҳон ва муҳимтарин матни таърихӣ дар замони Ҳахоманишиён аст. Бино ба қавли Р. Лесоқ [П. Лукук] номи «Баҳсутонун» вожаи форсӣ (ё модӣ) аст. Вожаи «*Vaga – stāna*» ба маънои «ҷойгоҳи Худоён» мебошад. Имрӯз ҳанӯз барои номидани минтақаи муҷовир номи «Баҳсутон» ё «Баҳсутун» ва ё зерӣ таъсири фарҳанги омма «Бесутун» - ро ба қор мебаранд [5, 86].

Ҳарчанд миқдори пешояндҳо дар забони форсии бостон нисбат ба давораи миёна камтар бошад ҳам, лекин нақши онҳо дар баёни маъно хеле густарда буд. Аз рӯи мушоҳидаи мо дар матни катибаи Бесутун пешояндҳо аксари вақт, чун ҳозира, пеш аз калимаҳо омада, барои ифодаи мафҳумҳои гуногун истифода шудаанд. Ҳоло ҷиҳати тақвияти ин андеша аз матни катибаи Бесутун, ки аз ҷониби профессор Д.Саймиддинов тартиб дода шудааст, намунаҳои ба унвони далел дар зер нишон хоҳем дод:

antār didām – андаруни диз [сутуни дувум, банди ҳафтоду ҳашт] [9, 95 - 98].

pasa manā – аз пушти ман [сутуни сеюм, банди суву ду] [9, 100 - 103].

abiy avam Fravartim – ба сӯи он Фравартӣ [сутуни дувум, банди ҳабдаҳ] [9, 93 – 96].

hada Ūvçiyaibiš – бо хузиён [сутуни панҷум, банди даҳум] [9, 112 – 113].

patiš Artavardiyam – бо Артавардия [сутуни сеюм, банди сиву шаш] [9, 101 – 103].

Дар намунаҳои ангуштшумор пешояндҳо пас аз калимаҳои марбут ба худашон омада, мафҳумҳои гуногунро ифода кардаанд:

kārašim hacā – мардум аз ӯ [сутуни аввал, банди панҷоҳ] [9, 87 – 91].

viθā pati – дар коҳ [сутани сеюм, банди бисту шаш] [9, 100 – 103].

Пешояндҳо дар мутуни забонҳои форсии миёна, бешак, бозмондаи пешояндҳои забонҳои форсии бостонанд. Дар забонҳои форсии бостон ва авастой нақши грамматикӣ онҳо бо анҷомаҳои сарфӣ таъйин мешуд. Пешояндҳо, ки дар ин забонҳо тасриф намешуданд, дорои анвои гуногунанд ва бархе аз онҳо ҳамчун зарф, пешвандҳои феълӣ ва пайвандак низ ба кор мераванд.

Бо таҳаввули забон аз даврони бостон ба миёна, ба тадриҷ аҳамияти нақши пешояндҳо афзуда шуд. Ҳолатҳо (падеж) – и ҳаштгонаи сарфӣ ба ду ҳолат: фобилӣ (муस्ताқим) ва ғайрифобилӣ (ғайримустақим) таҳаввул ёфтанд ва бо аз байн рафтани анҷомаҳои сарфӣ, бархе аз ҳолатҳои грамматикӣ вожаҳо бо пешояндҳо муайян гардид. Нақши ин унсурҳои луғавӣ ба дараҷае буд, ки маънои умумии ҷумлаҳо бе иштироки онҳо тасаввурнопазир буд. Пешояндҳо дар ин забонҳо бо калимаҳои гуногун омада, барои ифодаи муносибатҳои мухталиф хидмат мекарданд, ки ду далели зер ин андешаро собит хоҳад кард: **Ka Zardušt xāmōš abāg bud ēstād ātaxš be ō pāy ēstād u-š wināhgārīh ī Krešasp andar xwēš be guft** [24, 34]. «Ҳангоме ки Зардушт хомӯш шуд, оташ ба по истод ва гуноҳкориҳои Гаршосбро нисбат ба хеш бигуфт». Мисоли дигар: **bē az ašmā ērān kē rawēd ud az Zarirān kēn xwāhēd** [24, с.25]. «Аммо аз шумо озодагон кист, ки равад ва кини Зарирро хоҳад?».

Бо вучуди ин, мавридҳои низ вучуд доштанд, ки бе истифода аз пешояндҳо, дарки маънои дақиқ ва нақши вожа аз тариқи маънои куллии ҷумла муяссар мешуд:

Ud an Kerdīr ī mowbed yazdān ud Ardašīr šāhān šāh ud Šābuhr šāhān šāh huparistā ud hukāmag ānān [20, 50]. «Ва ман Картири мӯбад нисбати Яздон ва Ардашери шоҳоншоҳ ва Шопури шоҳоншоҳ хидматгузор ва некхоҳ будам».

bē agar ašmā bayān sahed man nilēd tā šawēm ud pidarān kēn xwāhēm [24, 27]. «Аммо агар шумо бағон (аълоҳазрат) салоҳ бидонед, маро бигзоред то биравам ва кини падар бихоҳам».

Баъзе аз пешояндҳои забони форсии бостон дар давраи миёна низ фаъл буданд. Аммо намунаҳои бостонии бархе аз онҳоро дар мутуни маҳдуди форсии бостон, ки то замони мо расидааст, наметавон пайдо кард. Ба назари мо, гунаҳои онро метавон аз забонҳои дигари аҳди бостон, ба мисли забони авестой

ва ё забонҳои дигари хеш, чустучў кард. Бояд гуфт, ки баъзе аз калимаҳое, ки ба ҳайси вожаҳои зарфӣ, чонишинӣ, пешвандҳо ва пайвандакҳо дар забони форсии бостон дар истифода буданд, дар давраи миёна ҳамчун пешоянд истифода шуданд. Дар давраи миёна низ ба монанди давраи бостон баъзе калимаҳо ба унвони пешояндҳо ба кор рафтанд.

Дар ин ҷо таъкиди як нукта хеле муҳим аст. Зарурияти он ба ин рабт дорад, ки ҳангоми таҳлилу тадқиқи пешояндҳо мо ба усули таҳқиқи шарқшиносони аврупоӣ така кардем. Дигар ин ки манзараи пешояндҳои забони адабии ҳозираи тоҷикӣ, ки мо дар назар дорем, бо пешояндҳои аҳди бостон ва давраи миёна забонҳо камтар монанд аст. Масалан, пешоянди «**барои**» имрӯз дар забони адабии ҳозираи тоҷикӣ ҳамчун «пешоянди содаи аслий» шинохта шудааст. Ҳол он ки дар мутуни ин давр унсури мазкур ба гунаи «**pad ... rāy**» истифода шудааст, ки истилоҳи имрӯзаи онро бо давраи миёна татбиқ кардан нашояд. Ё унсурҳои **padiš, aziš, awiš, hammi/š, padisā/y, tarist** ва **hassār** ки аз ҷониби забоншиносон ҳамчун пешояндҳои мураккаби боризи давраи миёна забт шудааст, дар забони адабии ҳозираи тоҷикӣ чунин фаҳмиш вучуд надорад. Аз ин дидгоҳ, ҳангоми таснифи сохтори пешояндҳои ин давр бештар ба андешаҳои матраҳкардаи онҳо, ки нишонаҳои пешояндии калимаҳоро бо далелҳо исбот кардаанд, майл кардем.

Муҳаққиқони аврупоӣ пешояндҳои забонҳои паҳлавиро аз лиҳози сохтори берунӣ ба ду гурӯҳ ҷудо кардаанд: а) пешояндҳои фардӣ (single pre/post – positions) ва б) ғайрифардӣ.

Таҳти мафҳуми пешояндҳои фардӣ пешояндҳое фаҳмида мешавад, ки онҳо ба танҳои бе ҳамроҳ гаштани пешояндҳои дигар ба кор рафтаанд. Пешояндҳои фардӣ аз рӯи сохти дохилиашон ба ду гурӯҳ ҷудо мешаванд. Ба гурӯҳи аввал пешояндҳои сода [simple prepositions] дохил мешаванд, ки ба ҷузъҳои нисбатан хурди сарфӣ таъзия намешаванд. Ба ибораи дигар, суратҳои таҳаввулфтаи калимаҳои содаи аҳди бостонанд, ки онҳо ба тариқи зайланд: **pad, az, ō, abar, abāg, andar, andarg, be** (паҳлави китобӣ) \ **ba** (форсии миёнаи турфонӣ), **rāy, rōn, tā** (паҳлави киобӣ) \ **dā** (форсии миёнаи турфонӣ), **tare/ tar** (форсии миёнаи турфонӣ tr/try) ва **wašn** (форсии миёнаи турфонӣ).

Барои бархе аз ин пешояндҳо дар мутуни форсии бостон ё авестой низ далелҳои кофӣ мавҷуданд. Аммо баъзеи онҳо, чунонки дар форсии миёна мебошанд, дар алоҳидагӣ истифода нашуда, ҳамеша бо таркибҳои алоҳида меоянд. Масалан, унсури **abē** –, ки маънояш «бидуни; бе» мебошад, танҳо дар заминаи таркибҳо ташаккул ёфта, дар алоҳидагӣ истифода намешавад. Суратҳои таҳаввулфтаи пешояндҳои ин ду забонро ба таври зайл метавон нишон дод:

patiy>pad	rādiy>rāy
hacā>az	yātā>tā/dā
avi/aoi>ō	tara>tar
upariy>abar	vašna>wašn

antar>andar**antarka>andarg**

Дар ин миён се пешоянд **be/ba**, **abāg** ва **rōn**, ки дар шумори пешояндҳои форсии бостон ва авестой вучуд надоранд, аз чумлаи унсурҳое мебошанд, ки дар забони форсии миёна ҳамчун пешоянд мавриди истифода қарор гирифтаанд. Онҳо дар мутуни форсии бостон бештар барои ифодаи зарфҳо истифода мешуданд, ки ин вижагӣ дар зимни маънои грамматикӣ онҳо (яъне дар давраи миёна) низ боқӣ монд.

Пешоянди **abāg**, ки маънояш «бо; ҳамроҳ бо (дорой)» аст, дар баробари пешоянди **hadā** – и забони форсии бостон қарор мегирад. Ин унсур на дар мутуни паҳлавӣ ва на дар матнҳои форсии миёнаи турфонӣ боқӣ мондааст. Дар ҳоле ки дар матнҳои портии турфонӣ ба шакли **ad** ҳифз шудааст. Олимон ҳаде задаанд, ки «ин вожа (**abāg** - Қ.З.) эҳтимолан аз сурати наздик ба вожаи **upāka**, дар забони санскрит ба маънои «наздик; мучовир», муштак шудааст [25, 21]. Ҳамчунин шакли **upā** дар катибаҳои форсии бостон ба ҳамин маъно истифода шудааст: ...**kāra pārsa utā māda hya upā mām āha hauv kamnam āha** [19, 132]. «Сипоҳи форсӣ ва модӣ, ки ҳамроҳи ман буд, он кам буд». Ҳоло намунае ба унвони мисол аз «Қорномаи Ардашери Бобакон» оварда мешавад: «**(ud) Burzag ud Burzādur ō pēš xwāst (ud) abāg uskārd**» [4, 52]. / призвал (к себе) Бурзака и Бурзатура и посоветовался (с ними) [4, 76]. Чумлаи мазкур дар тарҷумаи профессор Д.Саймиддинов чунин омадааст: «Бурзу Барзодурро ба пеш хост ва ба эшон машвара кард» [8, 37].

Бояд гуфт, ки ҳадафи меҳварии тадқиқоти моро дар давраи миёна матни «Қорномаи Ардашери Бобакон», ки аз ҷониби муҳаққиқ О.М.Чунакова тартиб дода шудааст, фаро гирифта, барои равшан шудани манзараи ифодаи мафҳуми гуногуни пешояндҳо (дар қорбурдҳои мухталифи грамматикӣ) матни русӣ ва тоҷикӣ он низ дар паҳлуяш оварда шуд. Азбаски тобишҳои комили маъноӣ ва вазифаҳои пешояндҳо танҳо дар заминаи матн (ақаллан дар сатҳи як чумлаи воҳид) муайян мегардад, бинобар ин ихтисор кардани чумлаҳо зарур доништа нашуд. Тарҷумаи тоҷикӣ ин матн аз китоби профессор Д.Саймиддинов, ки бо номи «Адабиёти паҳлавӣ» chop шудааст, баргирифта, дар мавридҳои зарурӣ ба мутуни дигари он низ ручӯъ шуд. Ин матнҳо аз ҷониби Содик Ҳидоят [12, 56-277] ва доктор Муҳаммадҷаводи Машкур [6] тартиб дода шудааст.

Унсури **be/ba** аз чумлаи вожаҳое аст, ки баҳсҳои зиёде дар байни забоншиносон ангехтааст ва асли бостонии он ҳанӯз дақиқан маълум нест. Масалан, забоншинос М. Бак бар он аст, ки ин калима аз вожаи ориёии **bad ē badā** (дар ҳиндии бостон **badā ē bat**) гирифта шудааст [14, 204]. Ҳамчунин калимаи **bāda**- и авестой ба маънои «аммо, балки» вожаи дигаре аст, ки барои ифодаи «берун; хорич» омада, наметавонад бо **bahih** - и ҳиндӣ робита дошта бошад [23, 730; 15, 953]. Вай бар асоси шакли портии **bēh byh**, ки онро аз **baḍi** медонад, сурати форсии бостони **badi** - ро бозсозӣ мекунад. Ҳамин тариқ,

тахмин мекунад, ки муодили ҳинди он **bahi** аз решаи **badhi** буда, барои ифодаи ҳар ду шакл **be/ba** тавъам аст [14, 204].

Пешоянди **rōn** зоҳиран сарчашмаи худро аз калимаи авастоии **ravan**, ки маънои аслиаш «рӯд; масири рӯд» [15, 1512] мебошад, гирифта, баъдҳо ба маънои «сӯй ва чихат» тағйир ёфт. Бояд гуфт, ки ин унсур оҳиста – оҳиста маънои аслии худро аз даст дода, дар сурати бо калимаҳои ҳаммаънои худ омадан, бештар ҷойи дуомро ишғол мекард ва маънои аслии он хеле хира шуда, баръакси ин ҳол маънои грамматикияш равшан мешуд. Масалан, он бо калимаи мушобеҳи худ **kust/ag**, ки маъноаш «ҷониб, сӯй; ноҳия» мебошад, омада, ҳамин вижагиро касб кардааст:

u-š pursīd kū ān dō aswār ī ō ēn kustag rōn mad čē zamān be widard? [24, 7]. «Пурсид, ки он ду савор, ки ба ин сӯ (ба сӯи ин тараф/ҷониб) омаданд, чӣ замон гузаштанд?».

Дар матни тартибдодаи О. М. Чунакова ин ҷумла ба таври зайл омадааст: «**u- š pursīd kū ān 2 aswār ī ō ēn kust rōn āmad čē zamān bē widard** [4, 44] / И спросил: «В какое время здесь прошли те два всадника, которые направлялись в эту сторону?» [4, 70]. Тарҷумааш: «Ў пурсид, ки он ду савор, ки ба ин сӯй омаданд, кай гузаштанд?» [8, 30]. Чунонки мушоҳида мегардад, дар матни мазкур калимаи **kust** бе замимаи унсури **ag** омадааст. Аз шарҳи муаллиф маълум мегардад, ки агар ин калима ба шакли **kust** «сторона», Pad~ē «в стороне». Мн.ч. ~ īhā «окрестности...» ояд, бешубҳа, бо унсури **rōn** ҳамвазифа аст. Дар сурати ба гунаи **kustag** омадан низ ҳамон маъноро ифода мекунад, аммо доираи маъноӣ андак густарда мешавад. Чунонки: «сторона, **область** [таъкид аз мост – Қ.З.]. Мн.ч. - īhā. ~ «из (разных) областей» [4, 126]. Бояд гуфт, ки қолаби мазкур дар «КАБ» ҳамагӣ як маротиба истифода шудааст.

Лозим ба ёдоварист, ки оид ба тарзи навишт ва маънои вожаи «куста» дар байни муҳаққиқон андешаҳои мухталиф ба назар мерасад. Масалан, ин калима дар нусхаи тартибдодаи Содиқ Ҳидоят ба гунаи «**каста [бидуни вов] – كسته [ба забони фаронсаи қадим costē] ба маънои «сӯи», «ҷониби»** [12, 177] забт шуда бошад, дар айни ҳамин сарчашма ҷои дигар ба маънои «**навоҳӣ, атроф**» [12, 170] омадааст. Дар нусхаи Муҳаммадҷаводи Машкур «куста» ба маънои «**бахш**» [талаффузнигорияш: **кустӣ** – 6, 115 – «Сипоҳон ва Порс ва **бахшҳои** наздиктар ба он ба дасти Ардавони сардор буд» 6, 175] омадааст. Ҷои дигар ба маънои «ҷониби» [талаффузнигорияш: **кустак** – 6, 124] – «...ва аз Баҳром (Миррих) ва Ноҳид ба **ҷониби** ҳафт авранг ва Шерахтар... 6, 181] забт шудааст. Профессор Д.Саймиддинов низ оид ба шакл ва имлои навишти ин калима тавачҷуҳ зоҳир карда, ҷунин навиштааст: «Пажӯҳишгарон ин вожаро ҳар гуна ташреҳ кардаанд: аз **kust** «рахнамо» ва ё «сӯй», яъне он чи ки раҳнамоӣ кунад; ҳамчуни «ҳад» ва ё «марз», яъне нишони ташхисдиҳандаи ононе, ки дар ҷониби оини зардуштианд. М.Ҳауг ва Э.Уэст бунёди ин истилохро аз **kušt** «камар» маънӣ кардаанд» [10, 197].

Муҳаққиқон гурӯҳи дуюми пешояндҳои дар забонҳои давраи миёна истифодашударо аз лиҳози сохт ба мураккаб (compound prepositions) чудо намудаанд, ки онҳо ҳосили таҳаввули ду ва як вожаи аҳди бостонанд. Ба ҳайси ин навъи пешояндҳо калимаҳои **padiš, aziš, awiš, hammi/īs, padisā/y, tarist** ва **hassār** дохил мешаванд [14, 251; 25, 227].

pati-šaiy>padiš **pati sāyām; pati-sāyā** – «дар сояи»
haca- šaiy>aziš **(hama-miça-) > hammi/īs**
avi- šaiy>awiš **(tara+išta-) tarist**

Сурати бостонии пешоянди **hassār** дақиқан мушаххас нест. Ин калима аз лиҳози шакл ва маъно муодили вожаи портии **hawsār** ба маънои «шабех; монанд» аст:

u-š bōdītān wirāšt ēw... kē kēž hawsār nē ast [17, 37]. «Ба бӯстоне орошт...ки барои касе (ҳеч кас) монанди он нест». Дар ин шакл шояд ҷузъи нахусти ин вожа пешванди **ham-** бошад. Ҳамсадои **-m** бо ҷузъи дуюми калима (**-sār**), ки бо ҳамсадои **s-** шурӯъ мешавад, ҳамгун шудааст. Ҷузъи дувуми он низ **-sār** ба маънои «навъ, гуна» аст, ки дар вожаи монанди **čand- sārāg** ба маънои «гуногун» боқӣ мондааст:

Ud was būd hēnd kē-m tab ud rarz čand- sārāg aziš ānāft [17, 45]. «Ба бисёр буданд (касоне ки) ман табу ларзи гуногунро аз онҳо дур кардам».

Ҳамин тариқ, мавриди таҳқиқ қарор додани тобишҳои маъноӣ ва сохтори пешояндҳои аҳди бостон ва давраи миёнаи забонҳо ин нуктаро мусаллам месозад, ки дар забоншиносии тоҷик то ҳол баъзе аз вазифа ва маъноҳои ин навъ унсурҳои забонӣ ба таври бояду шояд забт нашудааст. Аз ин рӯ, кашфи чунин вижагии пешояндҳо, бидуни тардид, дар ошкор сохтани манзараи дақиқи таҳаввул ва ташаккули забони тоҷикӣ нақши муҳимро дорад.

Адабиётҳо

1. Раҳмон Э. Забони миллат – ҳастии миллат/Э.Раҳмон. – Душанбе:Эр – граф, 2016. – 516 с.
2. Абулқосимӣ М. Таърихи мухтасари забони форсӣ/М.Абулқосимӣ. – Техрон,1378. – 139 с.
3. Исмоилӣ М., Ҳасанпур Ф. Қавоиди сохти созайии форсии бостон дар катибаи Бесутун//Маҷаллаи забоншиносӣ, 1360. – С.93 – 109.
4. Книга деяний Ардашира сына Папака. Транскрипция текста, перевод со среднеперсидского, введение, комментарий и глоссарий О.М.Чунаковой. – Москва, 1987. – 163 с.
5. Лукук П. Катибаҳои Ҳахоманишӣ. Тарҷумаи Бозило Халхолӣ. – Техрон:Фарзон, 1382.
6. Машкур Муҳаммадҷавод. Корномаи Ардашери Бобакон/М.Машкур. – Техрон, 1369. – 342 с.
7. Мирбобоев А. Муқаддимаи филологияи эронӣ/А.Мирбобоев. – Душанбе, 2015. – 326 с.

8. Саймиддинов Д. Адабиёти паҳлавӣ/Д.Саймиддинов. – Душанбе, 2003. – 232 с.
9. Саймиддинов Д. Форсии бостон/Д.Саймиддинов. – Душанбе, 2007. – 190 с.
10. Саймиддинов Д. Вожашиноси забони форсии миёна/Д.Саймиддинов. – Душанбе, 2001. – 310 с.
11. Ҳасанов А. Таърихи забони тоҷикӣ/А.Ҳасанов. Қисмҳои 1 – 2. – Хучанд, 2004 – 2005.
12. Ҳидоят С. Занду ҳуманисн ва Корномаи Ардашери Попакон/С.Ҳидоят. – Техрон, 1342. – 300 с.
13. Шарипова Ф. Таҳаввули ҷумлаи содаи забони тоҷикӣ/Ф.Шарипова. – Қ.1. – Душанбе, 2012. – 224 с.
14. Back, M. [1978]. Die Sassanidischen staatschriften. Acta Iranica 18. Leiden: E.J. Brill.
15. Bartholomae, C. 1961. Altiranisches Wörterbuch, Berlin: W. De Gruyter.
16. Blochet, E. [1905]. Études de grammaire Pehlevie. Paris: Librairie Oriental Et Americane.
17. Boyce, M. 1975. A Reader in Manichaean Middle Persian and Parthian [Acta Iranica 9], Leiden: E.J. Brill.
18. Brunner, Ch. j. 1977. A Syntax of Western Middle Iranian, Delmar, New York: Caravan Books.
19. Dhabhar E.B., 1913 The Pahlavi Rivāyāt Accompanying the Dādistān I Dinik, Bombay
20. Gignoux, Ph. [1991]. Les Quatre Inscriptions du Mage kirdīr, Textes et Concordances. Studia Iranica-Cahier 9. Paris: L'association pour l'avancement des études Iraniennes.
21. Lazard, G. [1975]. Le preverbe moyen-perse bē/ba. Acta Iranica 5. Leiden: E.J.Brill, 1-13.
22. MacKenzie, D.N. [1990]. «When is a postposition not a postposition». Proceedings of the First European Conference of Iranian Studies, Part 2, Middle and New Studies. Rome: 487-495.
23. Monier-Williams, M. 1899. A Sanskrit-English Dictionary, Oxford: The Clarendon Press.
24. Nyberg, H.S. [1964]. A manual of Pahlavi, part I: Texts. Wiesbaden:Otto Harrassowitz.
25. Nyberg H.S [1974]. A Manual of Pahlavi. Pt. II. Glossary. – Wiesbaden
26. Salemann, C. [1930]. A middle Persian grammar. Bombay: British India Press, Mazgaon.

Қосимов У., профессор
Хидирова М. таянч докторант
(Ўзбекистон)

БАДИЙ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИ

Бадиий тил барча замонларда ҳам адабиётнинг, демакки, танқид ва адабиётшунос ликнинг ҳам асосий муаммоларидан бири бўлиб келган. Чунки сўз, энг аввало, фикр-туйғуларни ифодаловчи бебаҳо руҳий неъмат. Адабиётшунослик дарсликларидан ҳам “Тасвирийлик ва эмоционаллик бадиий тилнинг муҳим хусусиятлари эканлиги таъкидла нади”.¹ Барча улуғ адиблар бадиий асар тилига ва ундаги ҳар бир сўз ва иборага алоҳида эътибор билан қарашган. Асрлар давомида ривожланиб, бардавом бўлиб келаётган бу анъана бадиий ижоднинг муқаддас бир қонуниятига айланган, десак хато бўлмайди.

Алишер Навоийни маънавий устоз деб билган Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Миртемир, Эркин Воҳидов ва Тоғай Мурод каби машҳур адибларимиз тилга муносабатда, сўзни муқаддас ва қудратли куч деб билишда ҳам буюк шоирнинг адабий-эстетик анъаналарини ижодий давом эттирганлар. “Асли ёзғучилиқ айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда. Сўз қолип, фикр хумдондаги ғишт янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин”,-дея таъкидлаган Қодирий сўз қўллашда узоқ андиша ва масъулият лозимлигини ижоднинг қатъий мезони деб биларди. Бундай талабчанлик кўплаб истеъдодли адиблар, жумладан, Тоғай Мурод ижодига, унинг шоирона ва халқона тили ва услубига ҳам хосдир. Адибнинг бадиий тил хусусидаги бахшиёна мушоҳадалари ҳам устозлар фикрлари билан муштарак ва ҳамоҳанглиги эътиборга лойиқ: ”Бадиий асар-- бир минора. Асар пойдевори-- тил.”² Ёш ёзувчининг элимизга манзур бўлган қисса ва романлари завқ билан ўқилишига сабаб-омиллардан бири ҳам--уларнинг халқ оғзаки бадиий ижодидан озикланган миллий ва оҳорли тилидир. Атоқли адиб ва мунаққидлар бежиз Тоғай Мурод тилини шоирона, халқона деб таърифламаганлар.

Абдулла Қаҳҳор учун ҳам тил ҳамиша адабиёт ривожининг асосий шarti, омили эди. “Адабиёт-бу тил! Мен шу вақтга қадар бирор ёзувчи тилсиз, имо-ишоралар билан бадиий асар яратганини эшитганим йўқ”. Мумтоз шоир ва ёзувчиларимизнинг бадиий асар тили учун кураши *ҳеч* қачон бирёқлама, яъни зоҳирий шакл учунгина бўлмай, балки у чуқур мазмун ва юксак ғоявийлик учун ҳам курашиш эди. Чунки тил шунчаки ташқи бир безак ёки либос бўлиб эмас, балки асар мазмунининг, ёзувчи ғоявий-эстетик мақсадининг бади ий ифодаси

¹Н.Шукуров, Н.Хотамов, Ш.Холматов, М.Маҳмудов. Адабиётшуносликка кириш. 1979. 117-б.

Б.Тўхлиев. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т.: 2006. 100-б.;

²Тоғай Мурод. Ёш қаламкашларга тилакларим. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Т.: 2001. 199-б. *Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6-т. 1971.

бўлиб яшайди. Чунончи, Абдулла Қаҳҳор санъат асарининг асосий шартини бўлган шакл ва мазмуннинг яхлитлигини шундай таъкидлайди: "Адабий асарнинг жони- -унинг мазмуни, лекин бу жоннинг жон бўлиши учун жасад ҳам керак. Жонни жасадсиз тасаввур қилиш мумкин эмас".* Бундай теран фикрлар асосида ҳам Жомий ва Навоийнинг "назмда ҳам асл анга маъни", яъни мазмуннинг ҳамиша устуворлиги ҳақидаги юксак мезон ва ақидалари ижодий бир дастур бўлиб хизмат қилганини пайқаш қийин эмас.

Туркий тилимиз ва адабиётимизнинг буюк яловбардори Навоий, айни пайтда, форс ва араб тилларини ҳам мукаммал билганлиги унинг фавқуллода нодир истеъдодининг ёрқин бир қирраси эди. Улуғ шоирнинг "Девони Фоний" ва пири комил Жомий асарларидан таъсирланиб ва илҳомланиб яратган "Тухфат ул -- афкор" қасидаси, шунингдек, кўплаб рубоийларидаги сўз санъаткорлиги ҳам фикримизга далил бўла олади. Шеърларининг деярли барчасига хос бўлган ёрқин фазилят бор: бу -- уларнинг ҳам маънан, ҳам шаклан поэтик мукамаллигидир. Бундай ғоявий-бадиий юксакликка эришишда, аввало, Навоий нинг ўзбек тилимизнинг сержило, маънодорлиги каби ўзига хос жиҳатлари ва бой имкониятларидан моҳирона фойдалангани устувор аҳамият касб этган. Шу билан бирга шеър ва дostonларида кенг қўлланган форс ва арабча сўз-ибораларнинг ҳам муайян ўрни борлиги айни ҳақиқатдир. "Сўз ва иборадан мақсад маънодир"¹ деб билган Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркий тилнинг ўзига хослиги ва чексиз имкониятларини ёритиш билан бирга араб ва форс тилларининг ҳам фасоҳат ва тафовутларини, уларнинг бадиият зийнати юксак қадрланишини ҳам эътироф этади. Зеро, Навоийга эътимоди юксак бўлган ва ул зотга муносиб издош бўла олган машҳур шоирларимиздан бири Эркин Воҳидов айтганидек, ўзбек тилимиз уч дарёдан (форс, араб ва туркий тилларидан) сув ичган, баҳра олиб, ривожланган ва бойиганлиги ҳам онгу тафаккуримиз ва маънавиятимиз илдизлари теранлигига ёрқин далилдир.* Бу илмий-назарий қарашлар қанчалар асосли эканлигига Навоий ва бошқа мумтоз адиблар ижоди мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, беназир зуллисонайн шоиримизнинг рубоийларидан бирига разм солайлик:

Хуб эл била **сухбат** тутубон, **хуб** ўлғил,
Яхшини **талаб** қилғилу **матлуб** ўлғил.
Ширин сўз ила халққа **марғуб** ўлғил,
Юмшоқ де **ҳадисингнию маҳбуб** ўлғил.

Томчида қуёш акс этганидек, Навоийнинг ҳамиша инсонларни комилликка бошлашдек олижаноб мақсади ва чуқур ҳаётий ғоя-фикрларни гўзал шаклда ифодалаш санъати ушбу мухтасар шеърида ҳам яққол намоён. Шеър матнидаги барча сўзлар маънодор ва оҳанг дорлиги билан унинг таъсирчанлигини

¹Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Т.: 2014, 69-б.

оширади. Гарчи қофиялари **арабча** ва **форсча** сўзлар бўлса-да, (**хуб**-яхши, **матлуб**-талаб қилинган, **марғуб**-ёқимли, **махбуб**-севимли, дўст маъноларида қўлланган) улар ўзбекча сўз-иборалардек асосий фикр ва туйғуларни кучайтириб, шеърнинг ғоявий мазмунини ёрқин ифодалашга хизмат қилади. Сўзни малҳам деб билган Навоий мазкур рубоий матнидаги ҳар бир сўз, ҳатто товуш-оҳангигача эътибор берган. Шеърдаги туркий “**ўлғил**” сўзини “**бўлғил**” шаклига хаёлан алмаштириб кўрайлик. Аввало, икки **б** ундош товушининг ёнма-ён қўлланиши талаффузни оғир лаштиради ва мисраларнинг мутаносиб ритми, оҳангдорлигига ҳам халал беради. Бинобар ин, “зийнатланган шеър” матнидаги наинки сўз, ҳатто харфни ҳам алмаштириш мушкул. Бундай ёрқин мисолларни улуғ шоир “санъатхонаси”дан истаганча келтириш мумкин.

Навоийнинг бундай маҳорат сабоқлари ва қутлуғ анъаналари кейинги асрларда ҳам кўплаб етук шоиру ёзувчиларимиз томонидан муваффақиятли давом эттирилди. Жумла дан, Гулханий, Увайсий ва Нодира, Муқимий ва Фурқат шеърлятида форс-арабча сўзлар нинг кенг қўллангани бадиий тилнинг серқирралиги ва полифониясини кўрсатади. Гулха нийнинг “Зарбулмасал”идаги Туянинг Бўталоққа айтган “Меңда бўлса эди ихтиёр, Бўлмас эдим **“зери бор”** (яъни юкнинг остида) форсча сўзлар орқали меҳнаткаш халқнинг эркисиз, ҳақ-ҳуқуқсиз яшаганлигини образли тарзда чуқур акс эттирганлигини англаш қийин эмас.

Навоий ва Бобурлар қатъий амал қилган бу юксак эстетик тамойил ва ижодий анъаналар замонавий адабиётимизга ҳам хос бир фазилатга айланган. Масалан. Абдулла Қодирий нинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида кўплаб **арабча, форсча** сўзларга дуч келамиз. Булардан ташқари, ушбу романларда форс адабиётининг буюк намояндаси шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Физулийлар нинг нодир асарларидан иқтибослар ҳам келтирилган. Чунончи, “Меҳробдан чаён” роман ида шайх Саъдийнинг қуйидаги ҳикматомиз шеъри Анвар, Раъно ва Султоналиларнинг чинакам дўстлик ҳақидаги умумий қарашларини ва айни пайтда, уларга хос муштарак садоқат туйғуларини ҳам теран ифодалаган:

“Бишўй, эй хирадманд, аз он дўст даст,
Ки бо душманонат бувад ҳам нишаст”

(Яъни: Эй ҳушёр киши, душманларинг билан бирга ўлтуришкан-ҳамсуҳбат бўлган дўст ингдан қўл ювгил. “Меҳробдан чаён”.Т. 1994. 537-б.)

Форс-тожик ва араб тилларини яхши билиш ва бу тиллардаги сўзларнинг маънолари ни тушуна олиш нафақат мумтоз адабиётимиз, балки ҳозирги замон адибларининг ҳам асарларидаги маъно-мазмунни ва муаллифнинг ғоявий-бадиий мақсадини тўғри ва янада чуқур англашга ҳам ёрдам беради. Зеро, улуғ шоир ва мутафаккирлар таъкидлаганидек,

Калиди ганжи маъни забондир,
Агар бир нуқта кўп бўлса зиёндир.(Сўфи Оллоёр)

Яъни санъат асарининг мазмун-моҳияти ва тағмаъносини англаш, гўзалликларидан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун, энг аввало, кенг лисоний билим ҳамда хорижий тилларни *Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Тошкент. Ўзбекистон. 2018. 10-б.

пухта билиш ҳам талаб этилади. Бинобарин, Қодирий романларидаги арабча-форсча сўз-иборалар ва диний-маърифий истилоҳлар ўз ўрнида маҳорат билан қўлланган. “Ўткан кунлар”нинг охирги фаслида Кумушнинг фожеона ўлими билан боғлиқ воқеа-тафсилот лар тасвирланар экан, ёзувчи арабча **мақтула**, **мадфун** каби сўзларини қўллайди: ”Эртаси кун дафн маросими бўлди. Жанозага Тошканднинг ҳар бир маҳалласидан деярли кишилар иштирок қилди. Фақат мақтуланинг энг яқинларигина бу тантанага етиб келолмади лар”(373-б) Бу сўзлар бежиз қўлланмаган. Кумуш ўз ажали билан эмас, балки кундоши Зайнаб томонидан заҳарлаб ўлдирилди, **қатл этилди**. Шу боис ҳам бу ўринда Кумушга нисбатан марҳума сўзини эмас, балки мақтула сўзининг танланиши ҳар жиҳатдан мақбул.

Форс-тожикча сўз ва иборалар Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам кўп ва санъаткорона қўлланган. Ёзувчининг “Тўйда аза” ҳикоясига “**Зўри беҳуда миён мешиканад**” (“Беҳуда чираниш белни синдирад”) деган мақол эпиграф қилиб олинган.(1.374) Ҳикоя қаҳрамони кекса домланинг ёш бир танноз, олифта жувонга уйланиб, ўзини зўр бериб ёш йигитдай кўрсатишга беҳуда уринишлари, чамандагул дўппи, тор шим кийиб юриши-ю, номуносиб қилиқлари алал-оқибат унинг ҳам маънан, ҳам жисман ўлимига сабаб бўлганлигини чуқурроқ тушунишимизда бу мақол ўзига хос бир очқич вазифасини ўтайди. Бундай мисоллар бошқа адиблар ижодида ҳам кўплаб учрайдики, айримларига диққат қилайлик.

Масалан, қадимий форсий бир ибора Асқад Мухтор учун етук фалсафий шеър яратишига асос бўлгани ҳам ибратли ҳолдир. Манбаларда келтирилишича, бир ҳукмдор (ёхуд пайғамбар) кўлидаги узукка бир сатр шеър ёздирди: “**Ин ҳам мегузарад**” (“Бу ҳам ўтади”) Ана шу оддий ҳикматомиз ибора Асқад Мухтор талқинида бу дунёнинг ўткинчи эканлиги, инсон умрининг моҳияти ва қадри ҳақида теран мушоҳада юритишга ундовчи поэтик деталга айланади: “**Ин ҳам мегузарад**”.

Бали, тугиб олинг дилга.

Чиндан, ҳамма нарса сўзсиз ўтади.

Лекин ўтган ҳар бир нарса ўзи билан бирга

Умрнинг бир қисмин олиб кетади.

Ёки машҳур шоирларимиз -- Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг шеър ва дostonларида ўзбек тилимизнинг беқиёс луғат бойликлари ва ранг-баранг бадий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилганлигига гувоҳ бўламиз. Айни вақтда, ҳассос шоирлар имизнинг дурдона шеърларида форс-тожикча ва арабча сўз-иборалар ҳамда қўшимчалар ҳам моҳирона қўллангани ҳам уларнинг тил маҳоратидан далолат беради. Эркин Воҳидов нинг қатор шеър ва

газалларида санъаткорона қўлланган форсий-арабий сўз ва қўшимча лар мазкур асарлар мазмуни ва оҳангдорлигини кучайтириши билан бирга уларнинг ифодалилиги, эмоционал-таъсирчанлиги ва мусиқийлигини ҳам оширган. Истиқлолимизга бағишланган “Ватан умиди” (1991) шеъридаги байтлар матнига назар ташлайлик:

Агарчи исмим Эркин, эрки йўқ, **банди** кишан бўлдим.

Дилим доғлиқ, кўзим боғлиқ, тилим йўқ, **бесухан** бўлдим,

Муаззам Сайхуну Жайхун лабида ташналаб қолдим,

Кийинтирдим жаҳонни, жисми урён **бекафан** бўлдим...

Форс-тожик тилидаги “**бе**” қўшимчаси билан ясалган сўзларнинг (**бесухан, бекафан, беватан...**) ёки “**банди кишан**”, “**соҳиби чаман**” каби **изофали ибораларнинг** танлаб ишлатилганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Шунингдек, Абдулла Ориповнинг 80-йил лар ёзилган, аммо ҳукмрон мафкурага хуш келмаган “**Савоб**” номли шеъридаги арабча-форсча сўзларнинг маънодор, таъсирчанлиги худди узукка кўз қўйгандек ярашиқлидир:

“Ўзга эрур **бидъат** ва **карам**,

Ҳиммату саховат тирикларга хос...”

Ёхуд шоирнинг фалсафий бир тўртлигидаги “**бисёр** бўлса бол ҳам **бекадр**” сатрида форсча сўз ва қўшимчанинг моҳирона қўллангани ҳам эътиборни жалб этади. Матндаги “**бе**” қўшимчаси ўрнига ўзбек тилимиздаги “**сиз**” қўшимчаси қўйиб кўрилса, мисралардаги ритм ва оҳанг ҳам ўзгариб, улардаги табиийлик ва жарангдорлик йўқолади, таъсирчанлиги ҳам пасаяди. Яна бир қиёс: **бисёр** сўзини **кўп, мўл, сероб** каби маънодош-синоним сўзлар билан алмаштириб кўрилса ҳам, мазкур сатрлардаги поэтик мукамалликка салбий таъсир кўрсатади. Форс ва арабча сўзларнинг, хусусан, биргина “**бе**” қўшимчаси билан ясалган “**бетўхтов**” сўзининг қўлланиши билан боғлиқ характерли мисолларни Абдулла Қаҳҳор асарлари тилида кузатиш ҳам шу жиҳатдан мароқли ижодий бир сабоқ бўла олади.

Бадиий адабиёт шу қадар ранг-баранг, тасвир кўлами кенг ва теран оламки, баъзан айни бир сўз такрори ҳам турли даражадаги маъно, оҳанг ва таъсирчанлик “кашф” этиши мумкин. Бундай ноёб бадиий фусункорликнинг ҳайратангиз намуналарини Навоий ёхуд Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов ёки Тоғай Мурод сингари машҳур сўз заргарларининг асарларидан кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Абдулла Қаҳҳор “бетўхтов” сўзини машҳур “Ўғри” номли ҳикоясида бир неча марта қўллайди: “**Элликбоши бетўхтов аминга хабар қилмоқчи бўлиб чиқиб кетди**”, “**Амин ҳам “Мен бетўхтов приставга хабар бераман”, дейди**”, “**Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов пристав га яхишлаб тушунтиришга ваъда қилди..**”, “**Простав Қобил бобонинг бахт ига, бетўхтов ҳокимга хабар бераман демасдан, аминга бор деб кўя қолди.**”

Ўқувчида савол туғилиши мумкин: халқ тилининг тан олинган моҳир заргари бўлган Қаҳҳор нега бир сўзни қайта-қайта ишлатди экан? Ваҳоланки,

тилимизда бу сўзнинг маънодош-синонимлари бўлган “тўхтовсиз”, “дарров», “дарҳол” ва “тезда” каби муқобил сўзларимиз ҳам бор ва уларнинг маъноларини ҳам адибимиз жуда яхши билган, албатта. Бизнинг фикримизча, Абдулла Қаҳҳор бу сўзларнинг кўз илғамас фарқларигача, энг нозик маъно бўёқларигача эътибор беради ва ҳаракат-тезлик маъноси кучлироқ эканлиги ҳамда нисбатан жарангли, салмоқли бўлгани учун, **”бетўхтов”** сўзини танлайди. Энг муҳими, бу сўз «оқ ит, қора ит - бари бир ит» бўлмиш амин ва элликбошиларнинг таъмагирилиги қаллобликда бир-биридан қолишмаслиги, қолаверса, уларнинг қуруқ ваъдабозликлари ва баландпарвоз оҳангда сўзлашга ўрганиб қолганлигини ҳам чуқурроқ ифодалай олган.

Мазкур сўз ёзувчининг «Ўтмишдан эртактлар» қиссасида ҳам учрайди: **«Амин гапни кўпайтирмабди, одамларнинг гапига ҳам қулоқ солмабди, дадамга «Қишлоқ дан бетўхтов кўчиб кетинг!»- дебди»**. Бу ўринда ҳам «бетўхтов» сўзи амин қиёфасини аниқ гавдалантиришда муҳим ғоявий-эстетик салмоққа эга. Ниҳоят, бу сўз замирида ёзувчининг пристав, амин ва элликбошиларнинг меҳнаткаш халқнинг, оддий бечораҳол одамларнинг ғам-ташвишидан жуда йироқ одамлар эканлиги ва уларнинг ўта мунофиқ ва муғомбирлигини масхаралаш оҳанги ҳам сезилиб туради. Шундай экан, «бетўхтов» сўзи нинг такрор қўлланиши ҳам асар тилининг қашшоқлигидан эмас, балки адибнинг сўз танлаш маҳоратидан ва тилнинг ҳақиқий заршуноси эканлигидан бир нишонадир.

Булардан шундай хулоса келиб чиқадики, арабча-форсча сўз-иборалар қўлланиши ҳам ижодий бир анъана сифатида кенг тарқалган. Араб-форсча сўз-иборалар халқларнинг тарихий ўтмишидан гувоҳлик бериши билан бирга уларнинг яшаш тарзи, тили ва дини, маданияти ва руҳиятидаги ўзаро яқинлик ва муштаракликни ҳам акс эттириб туради. Бу эса тилларнинг бамисоли бир гулдаста янглиғ ўзаро бир-бирини бойитишидан ҳамда адабий асарлар мазмуни, оҳангдорлигини кучайтиришидан ҳам ёрқин далолатдир. Булар дунё халқларининг завол билмас умуминсоний маънавий қадриятлари ва байналмилал фазилятлари сифатида бугун ҳам муҳим ижтимоий-эстетик аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Қиличев Б., доцент
(Ўзбекистон)**

АТОҚЛИ ОТЛАРДА КЎЧИШ ҲОДИСАСИ

Атоқли отлар ўз табиатида кўра тилнинг ғоятда турғун, кам ўзгарувчан, ўзга тилларга таржимасиз бериладиган материалдир. Шу хусусиятига кўра атоқли отлар тарихий, лисоний ва нутқий жиҳатдан илмий тадқиқот учун энг ишончли далилий восита бўлади. Айниқса, атоқли отларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг тузилиш ва ясаиш хусусиятларини ўрганиш лингвистик аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида атоқли отларнинг ясалиши бўйича Э.Бегматов, З.Дўсимов, Т.Нафасов, Т.Раҳматов, Н.Охунов, Н.Улуқов каби тадқиқотчиларнинг қатор илмий ишлари нашр қилинган. Ушбу тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тилда онимларнинг ҳосил бўлиши аффиксация, композиция, конверсия каби усуллар билан амалга оширилади. Ушбу ахборотда онимик босқичли атоқли отларнинг ҳосил қилиниши ҳақида айрим мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Онимик босқичли (онимик стадияли) атамаси остида атоқли отнинг апеллятив босқичсиз бирдан ҳосил қилинадиган ҳолати тушунилади. Бунда кўпроқ сунъий номлар пайдо бўлади [Бегматов Э., Улуқов Н., 2006: 59].

Атоқли отлар номинатив-функционал хусусиятларига кўра ўзаро фарқланувчи, шу билан бирга, бир-бири билан боғлиқ ва ўз навбатида бири иккинчисига қарама-қарши лисоний мавжудликдир. Атоқли отлар ясалиш тамойили жихатидан ўзбек тили сўз ясалишига ўхшаса-да, бундай отларнинг ҳосил бўлишида айрим ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Шулардан бири атоқли отларнинг атоқли отлардан ҳосил бўлишидир. Бу ҳодисани апеллятив (турдош от) ҳамда бошқа сўз туркумларидан юзага келувчи конверсия ва дериватив усулда ясалган атоқли отлардан ҳам фарқлаш лозим.

Ономастикага оид тадқиқотларда сўз ясалишининг лексик-семантик усулини ономастик конверсия деб юритиш кўп кузатилади. Ономастик конверсия *апеллятив лексиканинг ҳеч қандай ясовчи воситасиз атоқли от вазифасига ўтишидир* [Бегматов Э., Улуқов Н., 2006: 61].

Конверсия усулида ономик ясалишнинг икки кўриниши: ташқи конверсия ва ички конверсия мавжудлиги илмий адабиётларда қайд қилинган. Жумладан, Н.Улуқов Наманган вилояти гидронимиясида ономастик конверсия ҳақида фикр юритиб, уларни қандай манба доирасида юзага келишига кўра иккига ажратади: ташқи ва ички гидронимик конверсия.

Ташқи гидронимик конверсияда ономастик сатҳга мансуб бўлмаган луғавий бирликлар, яъни апеллятив сўзлардан гидронимлар ясалади: жийда апеллятивидан Жийда (Чортоқ туманидаги ариқ) мисолини келтиради. Ички конверсия эса тил луғат таркибининг ономастик сатҳи, яъни атоқли от доирасида гидронимлар ясашидир деб изоҳлайди. Бунда ойконим, ороним, зооним, фитоним каби атоқли отлар гидронимик сатҳга ўтади. Аниқроғи атоқли отдан яна бир атоқли от ясалади, деб қайд этади [Улуқов Н., 2007: 77].

Фикримизча, атоқли отлар доирасида атоқли от ҳосил қилинишини конверсия (кўчиш)нинг бир кўриниши дейишдан кўра, уни атоқли от ясашнинг мустақил бир усули сифатида транзитив (ўтиш), яъни бир тур атоқли отнинг бошқа тур атоқли отига ўтиши натижасида от ясаш деб баҳолаш лозим. Бунда антропоним ҳеч ўзгаришсиз топонимга, топоним эса гидронимга ва аксинча ўтишлар назарда тутилади. Бу ҳодиса рус тилшунослигида: «трансонимизация – номнинг бир турдан бошқа тур номига ўтиши», - деб кўрсатилган [Подольская Н.В., 1978: 152-153]. Трансонимизация ҳодисасининг турлари сифатида трансантропонимизация, транстопонимизация турлари ҳам мавжуд қайд

қилинган. Трансантропонимизация – антропонимларни бир турдан иккинчи турга, яъни исмнинг фамилияга, фамилиянинг ота исмига (отчество)га ўтиши, транстопонимизацияда эса топонимнинг бир турдан иккинчи бир турга ўтиши деб изоҳланади [Горбаневский М.В., 1980: 14].

Бизнингча, ономастик сатҳдаги барча атоқли отлардан атоқли от ясалишларига нисбатан ҳам трансноминизация термини ва тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳодиса қандай талқин қилинмасин, оқибат атоқли отдан атоқли от ҳосил қилиш устида боради.

Йиғилган фактик материаллар тилимизда трансноминизация усули билан ҳосил қилинган атоқли отлар миқдори салмоқли эканлигини кўрсатди. Улар қуйидагилар:

Транстопонимизация. Ономастик тизимда жой номларининг атоқли оти билан кишиларнинг атоқли отлари бир-бирига жуда яқиндир. Булар кундалик нутқда энг кўп қўлланадиган ва миқдоран салмоқдорлиги билан бошқа атоқли отлардан ажралиб туради. Бундай атоқли отлар тилимизда энг қадимий бўлиб, кишилар нутқида фаол, деярли ҳар кун ёнма-ён ишлатилади. Бу ҳол уларнинг бирини иккинчисига ўтиб ишлатилишида қулайлик туғдиради. Бошқача айтганда, киши атоқли отлари жойнинг ҳам атоқли оти сифатида ишлатилади. Бунда кўпинча тилдаги экстралингвистик факторлар, яъни ижтимоий-сиёсий ҳолатлар сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам киши атоқли отларининг жой номлари сифатида аталиши кенг тарқалган ҳодиса бўлса, жой номларнинг киши номларига айланиши оз миқдорда бўлса ҳам, учраб туради. Бу ҳақда қуйироқда алоҳида фикр юритамиз.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда транстопонимик атоқли отларнинг юзага келишида фалсафадаги инкорни инкор қонунининг тилдаги аксини кўриш мумкин. Жумладан, собиқ иттифоқнинг парчаланиши, миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши натижасида миллий бошқарувнинг вужудга келиши муносабати билан инкорни инкор қонуни асосида янги жой номлари пайдо бўлди. Янги топонимларнинг вужудга келишида инкорни инкор, яъни асли антропоним бўлган атоқли от топонимга ўтади. Натижада, сўз (ном)нинг антропонимлиги барҳам топади, инкор этилади. Транстопонимизация вужудга келади: Навоий (антропоним) – Навоий (шаҳар номи), Ғафур Ғулом (антропоним) – Ғафур Ғулом (метро бекати), Абдумажид (антропоним) – Абдумажид (Вобкент туманидаги фермер хўжалиги) ва ҳ.к.

Бундай жараён билан боғлиқ фактларни ҳозирги пайтда ҳамма худудларда ҳам учратиш мумкин. Топонимлар жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ўзгаришлари ва уларга кишиларнинг муносабати билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади [Суперанская А.В., 1966: 87]. Жамият тараққиёти, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар транстопонимизацияга олиб келади. Бундай топонимларнинг ички тузилиши (номланиши)да ҳам инкорни инкор қонунияти асосида ўзгариш бўлади. Масалан, Бухоро шаҳридаги Ленин номли кўча Баҳовуддин Нақшбанд номидаги кўча; Свердлов тумани Жондор тумани деб юритилмоқда. Хуллас,

инкорни инкор қонунияти асосида пайдо бўлган транстопонимизацияга экстралингвистик ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим.

Атоқли отларнинг апеллятив босқичсиз бирдан ҳосил қилинадиган сунъий ном сифатида қўлланиши, яъни онимик босқичли транстопонимлар кўпинча космонимик объектларнинг атоқли отлари доирасида ҳам учрайди. Жумладан, Ерга энг яқин йўлдош Ой планетасининг илмий жиҳатдан чуқур ўрганилиши натижасида унинг табиий-физик объектларини махсус номлаш билан боғлиқ бир қатор атоқли номлар пайдо бўлди. Бундай номлар тилда аввалдан мавжуд бўлган атоқли от (антропоним)ларни сунъий кўчириш орқали атоқли от ҳосил қилиш натижасида пайдо бўлди. Бунда икки мақсад кўзда тутилган. Биринчидан, фан, техника ва маданият соҳасида умумоммага танилган инсонлар номини улуғлаш ва абадийлаштириш бўлса, иккинчидан, янги объект, нарса-ҳодиса номини аташдир. Масалан, Ой планетасида одий кўз билан қараганда кўринадиган каттароқ қора доғли денгизларни Галилей антропоними билан аталган. Ойдаги бироз ёруғроқ объектлар, чуқурликлар Ломоносов, Жолью Кюри деб номланган. меркурий планетасидаги денгиз Промитей деб номланган ва бошқалар.

Юқорида баён қилинган фикрлардан кўринадикки, транстопонимларнинг бир кўринишини транскосмонимлар деб ҳам аташ мумкин.

Трансантропонимизация. Бу усул билан атоқли от ҳосил қилиш тилдаги жой номи атоқли отнинг антропонимга ўтиши, уни аташи тушунилади. Трансантропонимлар топонимик, космонимик, гидронимик каби атоқли отларнинг антропонимга ўтиши орқали ҳосил бўлади: Бухор – қадимий санскритча сўз. Бухоро шаҳрида туғилган ёки таваллуди қандайдир ўша шаҳар билан алоқадор бўлган бола. Шакллари: Бухорбой, Бухорбек, Бухоржон, Бухориддин, Бухормухаммад [Бегматов Э.А., 2007: 80]. Тошкан, Тошканбой – ўзбекча + сўғдча. Тошкентда туғилган ёки отаси (бирор қариндоши) тошкентга кетганда ёки келганда туғилган бола [Бегматов Э.А., 2007: 421].

Тилда осмон жисмларини атовчи астрономик (юнонча: астро – юлдуз, онома - ном) атоқли отлари ҳам ўзига хос махсус лекски тизимни ташкил қилади. Фаннинг кейинги тараққиётида космосни ўзлаштириш билан қатор янги тушунча ва атамалар пайдо бўлганлиги кўпчиликка маълум. Тилимиздаги коинот жисмлари номларининг кўпчилиги Европа тилига мансуб. Масалан, Марс, Венера, Юпитер каби. Ўзбек тили луғат таркибида ҳам Қуёш, Ой, Зухра, Чўлпон каби табиий-физик объектларнинг атоқли отлари қадимдан фаол қўлланиб келинмоқда.

Кейинги даврда ўзбек тили ономастикаси тизимида Венера, Марс, Юпитер каби трансантропонимлар пайдо бўлди. Бундай номлар тилимиз учун неологизм ва айни замонда сунъий номлардир.

Бу ўринда трансонимизация ҳодисасида икки ҳолат мавжудлигини қайд этиш лозим. Дастлаб космонимлардан трансантропонимлар ҳосил қилинган.

Чунки астрономик жисмларга ўхшатма, тақлид сифатида инсонларга ном берилган. Планеталарнинг илмий ўрганилиши, у ердаги табиий-физик жойларни номлаш зарурати туфайли бундай номларга сунъий равишда киши номлари берилмоқда. Масалан, Ой планетасидаги турли доғлар Галилей тоғи, Гагарин кратери деб аталган. Худди шундай ҳолатни Менделеев жадвалидаги 99-элементга Эйнштейн, 101-элементга Менделеев, 102-элементга Нобель номлари берилганлигида ҳам кўриш мумкин бўлади.

Сув объектларига атаб қўйилган атоқли отлар – гидронимлар ҳам трансантропонимларни ҳосил қилади: Зарафшон (дарё номи) – Зарафшон антропоним, Сирдарё (дарё номи) – Сирдарё (антропоним) ва бошқалар.

Хулоса қилганда, трансонимизация тилда атоқли отлардан атоқли от ҳосил қилишнинг алоҳида бир усули бўлиб, бундай усулда юзага келган атоқли отлар апеллятив лексикадан ясалган атоқли отлардан ҳам, деривацион усулда ҳосил қилинган атоқли отлардан ҳам фарқ қилади. Уларни апеллятив босқичисиз тўсатдан ҳосил қилинган, ўзи атаётган объектга сунъий равишда қўйилган атоқли отлар дейиш мумкин.

Адабиётлар

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. Наманган, 2006, 59-б.
2. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. Т.: 2007, 80-б.
3. Горбаневский М.В. Лексико-семантический словообразовательный анализ русского ойконимии (Междуречья Оки, Москвы Нары) Автореф. диссер.канд наук, 1980, с.14.
4. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М.: 1978, с.152-153.
5. Суперанская А.В. Наименования и перенаименования в городах. Сб: изучение географических названий. М.: 1966, с.87.
6. Улуқов Н. Наманган вилояти гидронимиясида ономастик конверсия ва трансонимизация// Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 5, 77-б.

**Қодирова З., ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ПЕРИФРАЗАНИНГ НУТҚИЙ ҚИММАТИ

Тилни тизим сифатида ўрганувчи тилшунослик оқими вакиллари назариярида тил ва нутқ ҳодисаси алоҳида фарқланади. Систем тилшунослик асосчиси швед олими Фердинанд де Соссюр XIX аср охири ва XX аср бошларида тил ва нутқнинг фарқли экалигини асослаш, бу икки ҳодисанинг алоҳида моҳиятга эғалигини тушунтиришнинг илмий - назарий асосларини яратишга ҳаракат қилди. Лекин тил ва нутқнинг алоҳида воқеа эканлиги Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилган: “Тил мунча шараф била нутқнинг олоти (қуроли)дур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир

бўлса, тилнинг офатидур”[1.94]. Бундан кўринадики тил ва нутқ ҳақидаги илк қарашлар ўзбек тилшунослигида XV асрдан шаклланган экан.

Тилнинг лексик қатламини ўрганиш ва унинг бойишига ҳисса қўшиш мақсадида ўзбек тилшунослигида ҳам арзирли тадқиқотлар амалга оширилган ва изланишлар давом этмоқда. Биргина мисол сифатида ўзбек тили синонимлари ва граданомияси ўртасидаги боғлиқлик масаласига бағишланган Ш. Раҳматуллаев, Р.Юнусов, Э. Қиличев, Э.Бегматов, Х.Неъматов, А.Нурмонов, Р.Расулов, С. Ғиёсов, Р.Сафарова, О.Бозоров, Д.Хўжаева, Ш.Орифжонова, Х.Шамсиддинов, Л.Худойбердиева, Н. Ширинова, Ж.Жумабоеваларнинг тадқиқотлари[2.47] лингвистик лексикологиянинг қай даражада тадқиқ этилганлигидан далолат беради.

Тилимизда мавжуд бўлган турғун бирикмалар бевосита тил ҳодисаси сифатида ўрганилади. Бунга сабаб эса ибора, мақол, перифраза, эвфемизмлар, идиомалар, айнан, тилда тайёр нутқий қурол сифатида шаклланиб бўлган бирлик ҳисобланади. Бу каби турғун бирикмалар лингвопоэтиканинг энг сермахсул ва нутқий қимматга эга бўлган бирликлари ҳисобланади. Шу билан бир қаторда турғун бирикмаларнинг аксарияти миллийлик, менталитетни ифодалаш хусусиятига ҳам эгадир. Масалан, “*барака уруғи*” перифразасида ўзбек халқи учун буғдой, ун ва ундан тайёрланадиган нон маҳсулотлари қадрлангани, ҳаёт учун асосий озуқа сифатида кўрилгани аён бўлади. Шу билан бир қаторда қуйидаги мисолда идеоматик бирликларда ҳам миллийлик ифодаси учун хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Яъни, ўзбек халқи таоми асосида юзага келган ва бўш, кўлидан тайинли бир иш келмайдиган инсонларга нисбатан “*қўли атала ичган*” идеомаси мавжуд бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Узун тумани аҳолиси нутқида ишлатилади[3.368].

Бу каби бирликларнинг нутқий вазиятида тўғри ва ўрнида қўлланилиши мулоқотнинг мазмунли бўлиши ва маълум бадий асар матнининг таъсирчанлигини таъминлайди.

Содда тушунчанинг бадий ифода, кўчим билан ифодаланиши перифраза ҳодисаси ҳисобланади ва бу ҳодисанинг бадий нутқ ҳосил қилишдаги аҳамияти чексиз.

Бадий ва публицистик услубнинг асосини ташкил этувчи перифразалар матн эҳтиёжига кўра бадийлик ифодаси орқали таъсирчанликни ошириш айрим ўринларда ўқувчига номаълум бўлган маълумотларни ошкор қилиш вазифасида ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, Шукур Холмирзаевнинг “Бодом қишда гуллади” асарида “Тун қуши охиста учиб ўтди, унинг қизғиш кўзлари кўринди” жумласи қўлланилади. Бунда “*тун қуши*” перифразаик бирикма ҳисобланиб, тун қуши бойўғли эканлиги ва унинг доим тунда ўз инидан чиқиши ҳақидаги илмий маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бундан ташқари шундай перифразалар ҳам борки у қўлланилган матнда бадий ифода яққол кўриниб туради. Масалан, “Меҳнатдан бахт топган дала захматкашлари” рукни остида эълон қилинган мақолада[4] “деҳқон” тушунчасини “*дала*

заҳматкашлари” бирикмаси орқали ифодаланган бўлиб, бадиийлик бўёғини янада кучайтириш ва тингловчида эстетик тасаввур уйғотишга ёрдам берган.

Юқорида айтилган фикрлардан шу нарса маълум бўладики ҳар қандай перифраза бирикмаси матн эҳтиёжига мувофиқ тарзда юзага келади ва матн ичидагина маълум бадиий ва эстетик қимматга эга бўлади.

Перифразалар ўз мазмуни ва бажарадиган вазифасига кўра қуйидаги жиҳатларни намоён қилади:

- турғун бирикмалар ёрдамидаги образли ифода юзага келади;
- тингловчида илк марта маълумот олаётган предмет ва воқеа-ҳодиса ҳақида тасаввур пайдо бўлади;
- ёзувчининг бадиий қобилятини намоён бўлади;
- шахсни ён – атрофга эътиборли бўлишга ўргатади;
- ҳар бир халқнинг миллий менталитети ва урф-одатларини намоён қилиш хусусиятига эга;
- инсон тасаввурурининг кенгайиши учун асос вазифасини ўтайди.

Перифразаларнинг нутқий қиммати нафақат бадиий матнлардаги образлилиқни ошириш балки, халқ ижодкорлиги, ақл ва зеҳни чархлаш учун хизмат қиладиган топишмоқ жанрининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Қора уйда минг чирок, уйни ёритмас[5.10]”(осмон ва юдузлар) топишмоғида айтилмоқчи бўлган тушунча яъни тунги осмон “*қора уй*” перифразаси орқали ифодаланган.

Перифразанинг юзага келишида тушунчанинг қуйидаги хусусият ва жиҳатлари асос вазифасини ўтайди:

- предмет шакли: оқ ғиштим бор ўтдан, Жуммоқ қуйдим чўтдан(қанд)[5.106];
- ранги ва кўриниши: *Қизилгина кўзачак, Ичи тўла зирачак(қалампир)[6];*
- маза- таъми: *тузсиз таом* (сумалак);
- фаолият тури асосида: *ҳашаротлар бўз тўқувчиси(ўргимчак);*
- касб-кори ва жамиятдаги мавқеи: трагедия отаси(Шекспир), ўзбек драматургияси асосчиси(Бехбудий), халқчил шоир(Завқий)[7], зиё тарқатувчилар (кутубхоначилар)[8] кабилар.

Бундан ташқари паремиологиянинг ўрганиш объекти бўлган айрим мақоллар ҳам перифразаик нуқтайи назардан шаклланган. Мақоллар ўзи ихчам бўлса ҳам, уларда табиатнинг борлиққа, борлиқнинг инсонга, инсоннинг инсонга ижобий ёки салбий таъсири билан боғлиқ тарзда, халқнинг асрлар давомида шаклланган ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатлари, ҳаётий тажрибалари асосида шаклланган баҳо ва хулосалари ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам баҳо семасини ўзида акс эттириб турадиган перифразалар мақоллар таркибида учраб туради. Улар ўзи англатган денотат билан эга-кесим муносабатини ташкил этиб, денотатни баҳолашга хизмат қилади: Олов – тилсиз ёв, Ер – деҳқоннинг хазинаси, Сув – экиннинг жони каби. Лекин перифразалар орқали шаклланган мақоллар

умумий миқдорга нисбатан жуда кам фоизни ташкил этади . Айнан перифразаларнинг нутқий қиммати бадиийлик ифодаси учун хизмат қилаётганида яққол намоён бўлади.

Публисистик услубда ёзилган матнларни ҳам тасвирий ифода(перифраза)ларсиз тасаввур қилиш қийин. Омма эътиборини тортишга, маълумот, ахборот беришга қаратилган бундай қўлёзмаларнинг ҳатто сарлавҳасида ҳам жимжимадорлик, кўтаринкилик, бадиийлик мавжуд бўлади. Бунга сабаб тингловчиларни тезликда жалб қилиш ва айтилган маълумотларнинг эслаб қолиш давомийлигини ошириш ҳисобланади. Шу билан бир қаторда журналист ўзи ёритаётган мавзу объектини ижобий ёки салбий баҳолаш билан ўз муносабатини газетхонларга, тингловчиларга ёки томошабинларга етказишга интилади[9.37]. Масалан, “Сув-оби ҳаёт, тириклик манбайи[10]” мавзусида тайёрланган кўрсатувда ҳам сув инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаши учун қанчалик аҳамият касб этиши биргина сарлавҳа орқали изоҳлаб берилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, биз оламни қиёслар, ўхшатишлар ва перифразаик ифодалар каби унсурлар асосида тасаввур қиламиз ҳамда шунинг натижаси ўлароқ ички индивидуал характеримизни ҳам тасаввурда ҳосил бўлган фикримизга ҳамоҳанг ҳолда атрофдагиларга етказамиз. Демак, перифраза инсоннинг ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий хусусиятларини намоён қилиш, ҳамда предмет, воқеа – ҳодисага мос образлар орқали баҳо бериш, ифодалаш каби қимматли вазифаларни ҳам бажаради.

Адабиётлар

1. Иззат Султон ва бош. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти Тошкент —1998. 94-бет
2. Eshmuminov, A. (2019). Problems of creating national corpus of the Uzbek language. Level of synonyms. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (73), 47-50.
3. Begmatova, G. K. (2020). Idioms in Turkish languages. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (86), 368-371.
4. <https://uza.uz/uz/society/mehnatdan-baxt-topgan-dala-zahmatkashlari-07-09-2019>
5. Xusainova Z. An'anaviy topishmoqlar. G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1981.
6. <https://n.ziyouz.com>
7. <https://saviya.uz>
8. <https://adti.uz>
9. Айтбаев Д. Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талқини. Филология фанлари номзоди: Филол. ф. д-ри ... дис. –Тошкент, 2007. – Б. 37 .

Қозоқова Н., доцент
(Ўзбекистон)

МАТН СЕМАНТИКАСИНИ МУРАККАБЛАШТИРУВЧИ ЛИСОНИЙ ҲОДИСАЛАР

Ҳар қандай гап, шунингдек, йирик синтактик бирликлар семантикаси ҳақида сўз борганда, унинг мазмунида пропозитив, модал ва коммуникатив аспектлар иштирок этиши маълум. Модал ва коммуникатив жиҳатлар синтактик бирликнинг прагматик томонини ташкил этади.

Матннинг коммуникатив-прагматик таҳлили ҳақида сўз борганда матн имплицатураси масаласи тилшунослар диққатини тортади. Бу тушунча дастлаб П. Грайс томонидан тилшуносликка олиб кирилган. Файласуф П. Грайснинг прагматика назариясига кўра, нутқий акт орқали узатилган ахборот икки қисмга ажралади: нима дейилди? (“what is said”), нимани назарда тутилди? (“what is meant”), айнан бу оппозицияда имплицатура жойлашади [1.217-237]. Маълумки, мулоқот жараёни мураккаб бўлиб, ҳар қандай нутқий тузилманинг моҳияти айнан уни ифодалаётган грамматик асосларга, семантикага, пропозицияга мувофиқ келмаслиги, бу эса сўзловчи ёки муаллифнинг мўлжали ва коммуникатив стратегияси асосида шаклланиши мумкин. Айнан шу ҳолатда матн имплицатураси юзага келади. Имплицатуранинг икки тури кузатилади: грамматик имплицатура (импликация), семантик имплицатура (импликация). Грамматик импликация нутқий жараёнда кенг кузатиладиган ҳодиса бўлиб, тилнинг тежамкорлик тамойили натижасидир.

Прагмалингвистика учун семантик импликациялашув аҳамиятли бўлиб, референциал тағмаёно, пресуппозиция, аллюзия кабилар импликациялашув кўринишлари сифатида кўрсатилади.

Аллюзия (лат.allusio ҳазил) услубий фигура сифатида тарихий шахслар, воқеа-ҳодисаларга ишора қилиш, машҳур шахсларнинг нутқларидан парча келтириш санъати бўлиб, тилшунослик нуқтаи назаридан интертекстуалликнинг бир кўринишини ифодалайди. Тарихий шахслар, диний-мифологик қарашлар билан боғлиқ қаҳрамонлар, асар персонажларига ишора қилиш, уларнинг нутқидан вазиятга мос парча келтириш, шу орқали яширин маъно ифодалаш аллюзиянинг моҳиятини ташкил қилади. Масалан: *Мулла Мамажон ўз даврида ялқовлик билан “Алиф лайла ва лайлата” даги Абу Танбални бир чўқишда қочирадиган киши бўлган экан* (Ғ.Ғулом “Тирилган мурда”). Муаллиф мақсади, албатта, асар қаҳрамонининг нақадар ялқовлигини бўрттириб, таъсирли ифодалаш. Ўқувчидан бу жараёнда эсга олинган асар қаҳрамони ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади. Ғафур Ғулом асар бошида мурожаат қилинган асардан парча келтириб, қиёслашнинг моҳиятини ўқувчига яна ҳам аниқроқ етказишга ҳаракат қилади: *“Хўш десангиз, Богдод деган шаҳарда Абу Танбал деган бир ялқов йигит ўз онаси қошида яшар экан. Онаси топиб келган овқатни ҳам чайнаб оззига солса, ютгани эринар экан.*

Доимо ёнбошлаб ётар экану ўрнидан туришига ҳафсаласи келмас экан...” (Ғ.Ғулом “Тирилган мурда”) Аслида “Минг бир кеча” асари қаҳрамонлари бутун дунёга машҳур бўлиб, Европа адабиётида ҳам бир қатор асарларда аллюзияни юзага келтиришда асос вазифасини бажарган. Ч.Диккенс, Э.Гаскелл, Ш.Бронте, У.Теккерей каби адиблар асарларида шу асар қаҳрамонларига ишора қилиш орқали жорий асар қаҳрамонларига хос хусусиятларни бўрттириш, ўқувчи билиш фонди ва ассоциатив тафаккурига таянган ҳолда импликация ифодалаш кузатилади. Шунинг учун ҳам аллюзия нафақат услубий фигура, балки матн прагматик мазмунини, имплицит маънони шакллантирувчи ҳодиса ҳам ҳисобланади. Ўқувчи ёки тингловчи матндаги ассоциатив боғланишдан хабардор бўлмаса, унинг мазмун-моҳиятини етарлича англай олмайди. Масалан: *Бирданига мен билан Омонга кўзи тушиб қолди. Худди имом Ҳасан билан имом Ҳусанни тирик кўргандек қувониб кетди* (Ғ.Ғулом “Шум бола”). Ислом динида машҳур имом Ҳасан, имом Ҳусан ва улар билан боғлиқ воқеалардан беҳабар китобхон бу аллюзив номларнинг қўлланишини тўлиқ тушуна олмайди.

Тилнинг прагматик вазифасини кўрсатувчи ҳодисалардан яна бири пресуппозициядир. Бу ҳодиса гапнинг тўғри англаниши учун энг зарур компонентдир. Чунки пресуппозиция гапнинг вазият, контекст ҳамда сўзловчи ва тингловчиларнинг олдиндан маълум бўлган умумий билимлари каби элементларни ўз ичига олувчи ҳодисадир. Шунинг учун ҳар қандай гап пресуппозиция ҳодисаси асосида таҳлил этилмаса, тўғри баҳоланмайди [5.3]

Пресуппозиция ҳодисасига нисбатан тағбилим термини ҳам қўлланади. Чунки пресуппозиция фон билимга таянади. Пресуппозиция кўпинча лисоний шакл билан боғлиқ бўлиб, муайян шакл пресуппозиция сигнали вазифасини бажаради. Ўзбек тилшунослигида А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, У.Раҳимовларнинг илмий тадқиқотларида мазкур ҳодисанинг моҳияти ва турлари таҳлил қилинган. Маълумки, пресуппозиция ҳодисаси нутқий тежамлиликни таъминловчи ҳодисалардандир. Профессор Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, ҳар қандай текст пресуппозицияга кўра формал жиҳатдан ихчамлашиб, қисқариб боради. Тил тараққиётининг етакчи тенденцияси бўлган тил воситаларининг экономияси тенденцияси пресуппозицияларини формал тасвирланиши лозим бўлса, унда текст ҳажман катталашади. Нутқ темаси билан тингловчи (ўқувчи) таниш бўлмаган ҳолатларда зарурий равишда шундай қилинади ҳам, яъни айни нутқ билан боғлиқ пресуппозициялар бирин-кетин эксплицит тасвирланади [2.31].

Профессор А. Нурмоновнинг фикрича, фақат маълум ташқи сигналлар (грамматик кўрсаткичлар) орқали англашилган пресуппозиция лингвистик пресуппозиция ҳисобланиши керак. Масалан, *Аҳмад ҳам келди* гапида икки пропозиция: биринчиси Аҳмаднинг келганлиги, иккинчиси яна бошқасининг (Карим, Ҳалим, Салим ва бошқалар) келганлиги мавжуд бўлиб, иккинчиси лингвистик пресуппозициядир. Чунки бу пропозицияга ишора қилувчи махсус сигнал – ҳам юкламаси иштирок этяпти [3. 239]

Тадқиқотчи У.Раҳимов пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларни морфологик, синтактик, просодик ва экстралингвистик воситаларга ажратади. Морфологик воситалар қаторига мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, мустақил сўз туркумларидаги категориялар, синтактик воситалар сирасига сўроқ гаплар, ўхшатишли қурилмалар иштирок этган гаплар, сўз тартиби кабиларни, экстралингвистик воситаларга ҳаётда мавжуд бўлган турли вазиятлар, паралингвистик воситалар, социал воситаларни киритади [4.21].

Демак, матн имплицатурасининг юзага келишининг асосий турлари сифатида аллюзия ва пресуппозиция аҳамиятли бўлиб, тингловчи ёки китобхоннинг ассоциатив тафаккури ҳамда тағбилимига, ахборотларнинг занжирсимон боғланишига асосланади.

Адабиётлар

1. Грайс П. Логика и речевое общение / Новое в зарубежной лингвистике. Москва: Прогресс, 1985. – Вып.16. Лингвистическая прагматика. – С. 217-237.
2. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1986. – №6.
3. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2013.
4. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: филол. фанлари номзоди ... дисс. – Самарқанд, 1994.

Мамажонов А., профессор
(Ўзбекистон)

БИНАР ҚЎШМА ГАПЛАР ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, қўшма гаплар фикр ифодалашнинг алоҳида бир шаклланган тури ҳисобланиб, энг камида икки предикатив бирликнинг семантик-грамматик алоқасидан ташкил топади. Қўшма гапларнинг ўзи “таркиб жихатдан оддий ва мураккаб бўлиши мумкин” (Камол Ф. 1955:62).

Оддий қўшма гаплар таркиби фақат кесим предикатив бирликнинг ўзаро боғланишидан ташкил топади ва содда гапга қараганда, мураккаброқ фикрни ифодалаш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам машҳур рус тилшунос олими Пешковский қўшма гапларни “Сложное целое” атамаси остида ўрганишни тавсия этади (Пешковский 8).

Иккидан ортиқ содда гапдан тузиладиган қўшма гаплар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар алоҳида текширишни талаб этади (Абдурахмонов Ғ, 1958: 312). Таркиби иккидан ортиқ предикатив бирликдан ташкил топган қўшма гаплар ўзбек тилшунослигида “мураккаб қўшма гаплар” атамаси остида талқин этилиб келинади (Абдурахмонов Ғ. 1964:7; Асқарова М, 1962:646-647). Мураккаб қўшма гапларнинг шаклий-ритмик-мелодик ва динамик характер касб этувчи алоҳида кўриниши ўзбек тилшунослигида “период” атамаси остида махсус ўрганилган (Мамажонов А. 1975).

Бинар¹ қўшма гаплар мураккаб қўшма гапларнинг махсус қолип асосида жуфтлашган ҳолда шаклланган ўзига хос лисоний ифодаси ҳисобланади. Шаклий қурилиши жиҳатидан бир хил структурага эга бўлган икки ва ундан ортиқ қўшма гапларнинг жуфтлашиш ва синтактик алоқаси асосида воқеланадиган синтактик бутунликлар “бинар қўшма гаплар”, дейилади. Уларнинг бундай аталишига сабаб шуки, мураккаб қўшма гапларнинг бу тури бир хил қолипда жуфтлашган қўшма гаплардан таркиб топади, бошқача айтганда, бир хил структурали қўшма гапларнинг қўшалок ҳолда қўлланишидан иборат бўлади. Бинар қўшма гапларнинг ҳар бири синтактик такрор асосида шаклланиб, синтактик бирликнинг ҳар бир компоненти айнан такрорланган қўшма гапдан иборат бўлади.

Бинар қўшма гаплар миллий қадриятларимиз, миллий менталитетимизнинг асл моҳияти ва мазмунини аниқ ифода этувчи синтактик, услубий-семантик восита ҳисобланади. Бинар қўшма гаплар миллий қадриятларимиз негизида қадимдан шаклланиб келаётган “етти ўлчаб, бир кесилган” жумлалардан иборат бўлиб, кўпинча, халқ мақоллари ва ҳикматли иборалари кўринишида шаклланади.

Бинар синтактик бирликлар ўзида икки қўшма гап бирлигининг мавжудлигини таъминлаш учун хизмат қилади, услубий-семантик оппозиция усули асосида реаллашади.

Бор бўлса, кўролмайдди, йўқ бўлса, беролмайдди. (Мақол)

Бинар қўшма гап компонентлари орқали қуйидаги семантик муносабатлар мазмунини воқеалантириш учун қўлланади:

1.Ижтимоий муносабат мазмуни:

Тўртовлон тўла бўлса, бўлмаганни бўлдиран,
Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдиран. (Мақол)

2.Филологик муносабат мазмуни:

Инсонлар бор: тиригида ўликдир,
Инсонлар бор: ўлган одам тирикдир,

3.Эмоционал муносабат мазмуни:

Агар ҳаёт қайғу эса, ишқ унинг давосидир,
Агар ҳаёт кўрқув эса, ишқ унинг шифосидир. (Ашраф Шамъизода)

4. Этик муносабат мазмуни:

Одамлар бор: йўлига сочасан гуллар,
Одамлар бор: садқай гул кетсин. (А.Навоий)
Одам борки, одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир. (А.Навоий)

5.Эстетик муносабат мазмуни:

¹“Бинар” сўзи латинча “binarys” сўзидан олинган бўлиб, “икки”, “қўшалок” деган маъноларни англатади/Ўзбек тилининг изоҳли луғати.“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.Тошкент. Биринчи жилд. 265-бет.

Гул ўсса ернинг кўрки, киз ўсса, элнинг кўрки. (Мақол)

6.Интеллектуал муносабат мазмуни:

Мард курашда синалади, дўст – ташвишда.

Доно ғазабда синалади, аҳмоқ- суҳбатда. (Ибора)

7.Сиёсий муносабат мазмуни:

Подшо одил бўлса, юрт ўзар, подшо золим бўлса, юрт тўзар. (Мақол)

8. Касбий муносабат мазмуни:

Бировнинг бергани – кўргилик, меҳнатнинг бергани- тўйгулик. (Мақол)

9. Моддий муносабат мазмуни:

Бор бўлса – кабоб,йўқ бўлса-жавоб. (Мақол)

Бор бўлса-чилик-чилик, йўқ бўлса-йўқчилик. (Мақол)

Бой бўлсанг, кунда хайит, кунда тўй,

Йўқ бўлсанг, кунда ҳасрат, кунда ўй. (Тарихий ибора)

10. Характерга хос муносабат мазмуни:

Биров бор: бахтини кўради гулда, биров бор: бахтини кўради пулда.

(Шухрат)

11.Белги-хусусиятга хос муносабат мазмуни:

Сўзлар бор: харсангдек бошга тушади,

Сўзлар бор: қанотга қанот қўшади. (З.Обидов)

Бинар кўшма гапларнинг асосий белгиси бир хил қолипда жуфт ҳолда қўлланишидир.Масалан:

1.Бир хил шаклий ва мазмуний қурилишдаги боғловчисиз кўшма гаплар жуфтлиги:

а) Ер семирди, боғ бўлди, Мол семирди, ёғ бўлди. (Мақол)

б) Қизгинанинг боғи бор, боғбони йўқ,

Юрагининг дарди бор, дармони йўқ. (Кўшиқ)

в) Сўзлар борки, бол топар, куз сувидай беғубор,

Сўзлар борки, дил ёнар, сўнг қолгувчи доғи бор. (Г.Нуруллаева)

2.Бир хил шаклий ва мазмуний қурилишдаги эргаш гапли кўшма гаплар жуфтлиги:

Гулни гул дерму киши, гулнинг тикони бўлмаса?

Ёрни ёр дерму киши, ёрнинг вафоси бўлмаса?! (Халқ кўшиғи)

Эргаш гапли бинар кўшма гапларнинг тобе компоненти (қисми)

қуйидаги эргаш гап шакли ва мазмунида бўлиши мумкин:

1.Шарт эргаш гап шакли ва мазмунида :

Оға-ининг тотув бўлса, от кўп,

Опа-синглинг тотув бўлса, ош кўп. (Мақол)

2. Аниқловчи эргаш гап шакли ва мазмунида :

Бир тонгки, ўзингдай танти, дилрабо

Бир тонгки, кўзингдай тиниқ, мусаффо . (Т.Сайдали)

Одам борки, одамларнинг нақшидир

Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир. (Алишер Навоий)

3. Тўлдирувчи эргаш гап шакли ва мазмунида :

Тойчалар кишнашади, от бўлдим, деб,
Келинлар йиғлашади, ёт бўлдим, деб. (Қўшиқ)

Кузатишлар шуни кўрсатадики, кесим эргаш гапли бинар қўшма гаплар нутқда, деярли, қўлланмайди.

4. Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар :

а) тўсиқсиз эргаш гап шакли ва мазмунида :

Ўзи шу ерда бўлса ҳам, хаёли аллақаяқда, кўзи тароқда бўлса ҳам, қулоғи дўкон ичида эди. (Ҳ.Ғулом)

б) полисемантик эргаш гаплар мазмунида.

Бундай гапларда бирдан ортиқ мазмун қоришиб кетган бўлади:

в) пайт + сабаб эргаш гаплар мазмуни:

Тикилсам қурийди, дарёнинг гуми,
Наъра тортсам, қулар қўрғоннинг тими.

(“Алпомиш” достонидан)

г) шарт + пайт + сабаб эргаш гаплар мазмуни:

Белги бўлса, йўлдан адашмас,
Ақл бўлса, сўздан адашмас. (Мақол)
Бол бўлса – чивин бор,
Тўй бўлса – йиғин. (Мақол)

д) эга + кесим + аниқловчи эргаш гаплар мазмуни:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур хабар жонга жонондин. (Алишер Навоий)

Мисоллардан кўринадики, полисемантик эргаш гапларнинг мазмуни синкрет ҳолда ифода этилади.

Бинар қўшма гаплардан ташкил топган синтактик бутунликлар бадий нутқда, кўпроқ поэтик нутқ, қисман прозаик асарларда қўлланади. Бинар қўшма гаплар халқ оғзаки ижоди материалларида, хусусан, мақоллар шаклида кўп учрайди:

Ош келса, егин , гап келса дегин.

Ўтни ковласанг, ўчар, қўшнини ковласанг, кўчар.

Ерга ошатсанг, ош битар, ошатмасанг, тош битар.

Иш келса, меҳнат, ош келса, давлат. (Мақол)

Бинар қўшма гапли мураккаб синтактик конструкцияларда эргаш гаплар ва бош гапларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида интонацион-ритмик-мелодик бирикмани- синтагмани ташкил этади.

Бинар қўшма гаплар структурал такрор (параллелизм) усули асосида шаклланади. Маълумки, структурал параллелизм услубий воситалар (Мамажонов А., Маҳмудов У. 1996:20) сирасига киради ва синтактик-стилистик (поэтик) фигуралардан бири саналади.

Синтактик фигуралар такрорланувчи мусиқали фразалар каби нутқни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор қилиши, шу йўл билан унинг тингловчи томонидан осонлик билан тез ва эсда қоларли даражада қабул қилинишида

муҳим рол ўйнайдиган стилистик воситалар ҳисобланади (Шомақсудов А. 1983: 228)

Бинар қўшма гаплар баъзан уюшиб келиб, бир бутун йирик синтактик структурани – микроматнларнинг шаклланишига олиб келади:

Мерган деб шуни айтинг:

Нишонга ўқи бориса.

Ботир деб шуни айтинг:

Ёвдан элни кўриса.

Югурик от деб шуни айтинг:

Кўпкари пойгани тўриса.

Шоир деб шуни айтинг:

Сўзи халқига дориса. (Халқ кўшиғи)

Юқоридаги нутқ парчасида тўртта боғловчисиз қўшма гап такрорланиб келгани ҳолда, битта микроматндан иборат халқ кўшиғининг яратилишини таъминлаган. Бу микроматн бир хил синтактик структурадаги бинар қўшма гапларнинг уюшиб келиши натижасида ҳосил бўлган.

Қуйидаги поэтик нутқ кўриниши эса бир неча уюшган эргаш гапли бинар қўшма гаплар ёрдамида шаклланган бир бутун шеърий асардан иборатдир:

Агар боғлар гулласа, демак, боғбон ўлмабди,

Агар чироқ порласа, ҳа, чароғбон ўлмабди.

Агар қанот қоқилса, демак, шунқор ўлмабди,

Ширилласа сув агар, демак, мироб ўлмабди.

Агар бўлса китобхон, демак, китоб ўлмабди,

Йўлда ёлғиз бўлмасам, демак, йўлдош яшайди,

Байроғимиз яшаркан, азиз Ватан яшайди.

Модомики номим бор, демакки, тан яшайди. (М.Шайхзода)

Қуйидаги мураккаб синтактик бутунлик аралаш услубий фигуралар - такрор, анафора, эпифора, структурал параллелизм қолипида воқеаланган боғловчисиз бинар қўшма гаплардан ташкил топган.

Биров бор:бахтини гулда кўради,

Биров бор:бахтини кўкда,юлдузда.

Биров бор:бахтини пулда кўради,

Биров бор:бахтини кўради қизда. (Шухрат)

Бинар конструкциялар оддий қўшма гаплар кўринишида ҳам кўп қўлланади:

Ёшнинг хурмати-қарз,

Қарининг хурмати-фарз. (Ибора)

Бургутнинг кучи-қанотида,

Одамнинг кучи-дўстида. (Мақол)

Бинар характерга эга бўлган нутқ бирликлари баъзи лингвистик адабиётларда “аксиологик диада” атамаси остида изоҳланади (Багаутдинова Г.А. 2007:31).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бинар синтактик бирликлар оддий қўшма гаплар, мураккаблашган қўшма гаплар, суперсинтактик бутунликлар (матннинг йирик бирлиги) шаклида намоён бўлиши мумкин. Нутқ бирлигининг бундай кўринишлари, асосан, поэтик услубда жуда кенг қўлланади, прозаик нутқда, деярли, кам учрайди. Бинар синтактик бирликлар, кўпинча, **диада** ва **триада** шаклларида воқеаланади.

Бинар қўшма гаплар поэтик нутқ услубини белгиловчи, унинг бадийлигини таъминловчи, эмоционал-экспрессивлигини оширувчи поэтик синтаксиснинг асосий бирлиги ҳисобланади, уларнинг воқеаланиши услубий-семантик оппозиция усули асосида юз беради.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари.-Тошкент.1964.
2. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси.-Тошкент.,1958.
3. Асқарова М.Ҳозирги замон ўзбек тилида эргашиш усуллари ва эргаш гаплар .Док . дисс.-Тошкент, 1962.
4. Багаутдинова Г.А.Человек во фразеологии:антропоцентрический и аксиологический аспекти.Автореф.дисс.доктора филол.наук.-Казан, 2007.
5. Камол Ф.Қўшма гапларга доир масалалар.-Тошкент, 1955.
6. Мамажонов А. Периоди в современном узбекском литературном языке. АКД.-Тошкент, 1975.
7. Мамажонов А., Махмудов У. Услубий воситалар. “Фарғона нашриёти”.1996.
8. Пешковский .Русский синтаксис в научном освещении.-Москва, 1956.
9. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси.-Тошкент, 1983, “Ўқитувчи” нашриёти.

**Мадвалиев А., Маҳкамов Н. етакчи илмий
ходимлар (Ўзбекистон)**

ХАЛҚАРО ТЕРМИНЭЛЕМЕНТЛАР ВА ТЕРМИН ИЖОДҚОРЛИГИ

Ҳар қандай амалдаги тил доим ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу, ўз навбатида, терминологик тизимга ҳам ўз таъсирини кўрсатади, янги тушунчалар, терминлар вужудга келади.

Ўзбек тили лексикасининг энг бой, энг ҳаракатчан ва ўта ўзгарувчан қатламларидан бири бўлган терминларнинг бош вазифаси тушунча моҳиятини, мазмунини тўлақонли англантишдир. Термин тушунча моҳиятини қанчалик аниқ ва тўлиқ ифодаласа, у шакл жиҳатдан мураккаб, яъни бир неча компонентли қўшма терминларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

“Қўшма сўзлар, – деб ёзган эди Г.О.Винокур, – фақат янги сўзларга бўлган эҳтиёжни қондириш учунгина эмас, балки кўпроқ ҳақиқатан ҳам, икки тушунчани бир сўз орқали ифода этиш зарурати бўлгани учун ҳам зарурдир”[1.46]. Ҳозирги кунда фан ва техниканинг турли соҳаларида юзага

келаётган кўплаб кўшма терминлар айна шу мақсад – бир сўзда икки тушунчани ифодалаш учун хизмат қилмоқда.

Кейинги даврда тилимизда кўшма сўзларнинг янги тип ва моделлари пайдо бўлиб, булар, асосан, янги-янги тушунчаларни ифодаловчи кўшма терминлардир. Кўшма терминлар ҳам кўшма сўзлар каби ўз сўзларимиздан, бошқа тил материалларидан ҳамда ҳар иккала манбанинг ўзаро комбинациясидан туғилади. Ўзбек тили материаллари асосида юзага келган кўшма терминлар, асосан, умумистеъмолдаги тайёр кўшма сўзларнинг илмий термин ёки номен сифатида терминологик системаларга қабул қилиниши маҳсулидир.

Ҳар қандай соҳада ҳам янги бир тушунчанинг пайдо бўлиши ва уни тилда ифодалаш зарурияти оқибатида муайян терминологик тизим шаклланишининг илк босқичида синонимиянинг вужудга келиши табиий бир ҳол ҳисобланади. Мутахассислар синонимияни терминологиядаги асосий қусурли ҳодиса сифатида алоҳида таъкидлайдилар. Терминларни тартибга солишда тушунча ёки предметнинг энг характерли томонини, вазифасини, ижтимоий моҳияти ва қимматини ифодалаган терминни танлаб олиш асосий тамойил бўлмоғи керак. Шунингдек, синонимик қатордан ҳар томонлама талабга жавоб берадиган терминни танлашда аниқлик, қисқалик мезонлари асосий ўринни эгалламоғи лозим.

Ўзбек тилига четдан ўзлашган сўзлар семантикасини ёки улар таркибидаги терминэлементлар маъносини ҳисобга олмаслик кўп ҳолларда терминлардаги аниқлик, қисқалик мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, терминлар ясашда сўзнинг дериваторлик хусусиятини ҳисобга олмаслик ҳам мантиқсиз, нотўғри терминларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Демак, ҳар бир соҳада терминларни тартибга солиб туриш узлуксиз жараён экан, бунда терминологик тамойиллар ва меъёрларга амал қилиш бош мезон бўлмоғи керак.

Ўзбек тили терминологиясидаги муаммоли масалалардан яна бири турли соҳаларга оид, ўзга тилга тегишли терминларнинг таржима қилиниб, кенг кўламда ишлатилаётганлигидир. Ҳар қандай бошқа тилдаги терминни ўзбек тилига калькаләш орқали янги термин ҳосил қилиш мумкин деб қараш тўғри эмас. Ўзбек тилига таржима қилинаётган ёки муқобили топилаётган ҳар қандай терминни яратишда тилимизнинг бой ифода имкониятларидан, сўз яшаш қоидаларидан тўғри ва унумли фойдаланиш зарур.

Фан ва техниканинг турли соҳаларига оид халқаро терминларнинг аксарияти жаҳон тилларининг кўпчилигида анча устувор ҳолда қўлланиб келаётган бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирига ўзбекча муқобил топишга ҳаракат қилишни ижобий ҳодиса деб бўлмайди. Буни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ҳар қандай термин маълум бир соҳадаги тушунчани ифодалаш учун қўлланар экан, у ўша фаннинг коммуникатив бирлиги ҳисобланади. Иккинчидан, ҳар қандай фан дунёвий бўлиб, фанни миллийлаштиришга ҳаракат қилиш мантиқсизлиқдир. Бирон-бир халқаро

терминни алмаштиришда эса унинг муайян тилдаги муқобили шу сўз англатаётган барча маъноларни қоплай олиши ва терминологик талабларга жавоб бера олиши энг асосий мезон бўлиши керак.

Ўзбек тилининг терминологик тизимларини шакллантириш ва бойитишда ўзлашма сўзлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараён бошқа тиллардан терминларни айнан ўзлаштириш ёки чет тил терминларини калькалаш орқали амалга оширилмоқда. Айниқса, халқаро терминэлементлар асосида ўзбек тилида янги лексик бирликлар ҳосил қилиш анча фаоллашди. Кўпгина тилларда халқаро терминэлементлар сифатида эътироф этилиб, кенг қўлланаётган мингдан ортиқ терминэлемент, асосан, лотинча ва юнонча морфемалардан, сўзлардан иборат. Уларнинг баъзилари турли соҳа терминларини ҳосил қилишда иштирок этса, айримлари маълум соҳалардагина термин ясайди. Бошқа тиллар терминологиясида бўлганидек, ўзбек терминологиясида ҳам илмий-техник тушунчаларни ифодалаш учун юзлаб халқаро терминэлементлардан фойдаланиб келинмоқда. Халқаро терминэлементларнинг асосий қисми генетик жиҳатдан мустақил бўлган *авто-, агро-, аэро-, био-, макро-, микро-, ультра-* сингари сўзларни қисқартиришдан ҳосил қилинган термин ясовчилар бўлса, бир қисми *-лог, -логия, -бус, -фоб, -скоп, -изм* каби ўз семантикасига эга бўлган фаол термин ясовчи морфемалардир. Бирорта фан соҳаси йўқки, бундай морфемалар билан термин ясалмаган бўлсин.

Халқаро терминэлементлар фан ва техника тилида муҳим роль ўйнайди ва мамлакатлараро илмий-техникавий алоқаларнинг ривожланишини осонлаштиради ва мустаҳкамлайди. Халқаро терминэлементларни қўллаш ҳолати ё бирон фан соҳасида бир типдаги тушунчалар учун бир қолипни терминлар яратиш зарурати (талаби) туфайли, ёки бирон-бир сабаб билан миллий терминэлементлардан аниқ ва қисқа термин яратиш мумкин бўлмаганлигидан келиб чиқади. Халқаро терминэлементлардан хийла осонлик билан (қўшма) терминлар ҳосил қилиш мумкин, чунки улар ўзаро осон бирикади ва янада кўпроқ терминлар яратиш имконини беради.

Бугунги кунда таркибида халқаро терминэлементлар мавжуд бўлган минглаб сўзлар ўзбек тили луғат таркибини ва унинг терминологик тизимини бойитмоқда. Бундай терминэлементлар ўзбекча сўзларга ҳам қўшилиб, янги терминлар ясаши, ясама терминнинг қисқалиги, тушунчани аниқ ифодалай олиши, қўшиб ёзилиши жиҳатидан терминологик талабларга жавоб бера олиши сабабли уларнинг миқдори ошиб бормоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ўзбек терминологиясидаги гибрид қўшма терминларни тадқиқ қилган А.Мадвалиев ўзбек тили терминологик тизимларида гибрид терминларни ҳосил қилувчи халқаро терминэлементлар миқдори 50 дан ортиқ эканлигини таъкидлаган бўлса[2.58], бугунги кунда ўзбек тилида уларнинг сони 100 дан ошиб кетди.

Умуман, дунёнинг етакчи тиллари илмий лексикаси 1000 дан ортиқ ана шундай юнон-лотин, қисман инглиз, француз ва бошқа тилларнинг ўзак ва морфемаларидан фойдаланади. Чунончи, В.Флуд ўзининг “Терминлар. Уларнинг структураси ва маъноси” луғатида инглиз тили учун 1150 га яқин шундай терминэлементларни келтиради. Н.В.Юшманов ўзининг “Халқаро терминология элементлари” луғат-маълумотномасида рус тили учун 1100 дан ортиқроқ терминэлементни қайд этади[3.3-4].

Ана шундай катта миқдордаги халқаро препозитив терминэлементлардан 75 таси янги 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га (2006 – 2008) ҳам киритилиб, улар бош сўз мақомидаги бошқа терминлар сингари расмийлаштирилди, яъни бош сўз, унинг этимологияси берилиб, маъноси (ёки маънолари) изоҳланди ва шу элемент иштирокида шакллантирилган терминлардан намуналар келтирилди. Масалан:

ВИДЕО- [лот. video – кўряпман] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сўзнинг тасвири электрон сигналлар асосида етказиб беришга алоқадорлигини билдиради: *видеомагнитофон, видеотелефон*.

ГЕМО-, ГЕМАТО- [юн. haima, haimatos – қон] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, қонга алоқадорликни билдиради: *гемодез, гематология*.

ТЕТР-, ТЕТРА- [юн. tetra – тўрт] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, муайян сўз (тушунча)нинг “4” рақами билан боғлиқлигини билдиради, мас., *тетралогия, тетрод* ва ҳоказо.

Мазкур терминэлементлар бевосита ёки интерфикс (асосан, бириктирувчи **о**, баъзан **и** унлиси) ёрдамида бошқа сўзлар билан осонгина бирика олади. «Бу сўзларнинг ўта агглютинативлик хусусияти уларнинг турли-туман сўзлар билан фавқулодда кенг равишда қўшила олишига имкон берадики, бунда ҳосил бўлган бирикмаларнинг турли қисмлари орасида қатъий бирмаънолилик муносабатлари пайдо бўлади. Айни маҳалда улар ихчам ҳамда қўлланишда жуда қулайдир»[4.155-156].

Юқоридаги сингари халқаро препозитив терминэлементлар лингвистик адабиётда, хусусан, лексикология ва терминологияга оид асарларда турлича номланиб келади. Масалан: «сифат морфема» (В.В.Виноградов), «префикс», «приставка», «префиксоид» (В.П.Даниленко), «препозитив блоклар» ёки «аналитик аниқловчилар» (В.В.Акуленко) ва ҳоказо.

Препозитив терминэлементларнинг, бошқача айтганда, аналитик аниқловчиларнинг аксарияти қўлланиш доирасига кўра анча махсуслашгандир, яъни улар муайян фан соҳасидагина ишлатилади. Масалан, *азо-, ацет-, карб(он), нитро-, сульфо-, тио-* каби элементлар асосан кимёда ишлатилса, *ангио-, гемо-, кардио-, ларинго-, лейко-, мио-, тромбо-* кабилар кўпинча тиббий терминларнинг шаклланишига хизмат қилади. Сонларнинг маъносини ифодаловчи элементлар (*уни-, би-, ди-, тетра-, гекса-, дека-*) ҳамда *а-, анти-, гео-, изо-, макро-, микро-, моно-, поли-, теле-* каби терминэлементлар қўлланишда универсал бўлиб, бир неча фан соҳаларини қамраб олади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, халқаро терминэлементларнинг терминологиядаги имконияти жуда кенг, улар соҳалар терминологиясини тартибга солишда, системалаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Агар халқаро қўшма терминнинг ҳар иккала (ёки уч) компоненти ўзбек тилида мустақил термин ёки терминэлемент сифатида қўлланса, бундай терминлар ўзбек тилида ҳам қўшма саналади. Масалан: *карбонводород, электрстанция, радиостанция, фотосинтез, кинофильм, электрмотор, вакуумметр, бутилкаучук, томасилак, кристаллгидрат, кинокомедия* кабиларнинг ҳар иккала компоненти ҳам ўзбек тили терминологик системаларида мустақил термин бўла олади, шунинг учун бу типдаги сўзлар ўзбек тилида қўшма терминлар саналади.

Биринчи қисми халқаро терминэлементдан ёки мустақил қўлланувчи атрибутив элементнинг қисқартмасидан, иккинчи қисми эса мустақил терминдан тузилган терминлар ҳам ўзбек тилида қўшма ҳисобланмоғи керак. Масалан, *анти-* терминэлементи билан математикада *антиоктава, антикосинус, антисимметрия, антирадикал, антисимвол* сингари ўндан ортиқ қўшма терминлар ҳосил қилинган. Техникада *автомобиль, автоматик* сўзларининг қисқартмаси бўлган *авто-* иштирокида бир неча ўнлаб қўшма терминлар ясалган: *автобаза, автобензин, автогрейдер, автокатализ, автокран, авторентген* ва бошқалар. Бу типдаги қўшма терминларнинг ясалиши ва материали, компонентларининг маъноси тегишли соҳаларнинг мутахассислари учун тушунарлидир. Юқоридаги ҳар икки кўринишдаги қўшма терминлар ўзбек тилида *ўзлаштирма қўшма терминлар* дейилади. Шу типдаги айрим русча қўшма терминларнинг иккинчи қисмидаги ясовчи қўшимчаларни тегишли ўзбекча аффиксларга алмаштириш билан қайтадан қўшма термин ҳосил қилинади: “автозаправитель” – *автозаправкалагич*, “автоморфность” – *автоморфлик*, “антиокислитель” – *антиоксидловчи* ва бошқалар.

Турли тилларга мансуб сўз бирликларидан ҳосил бўлган (гибрид) қўшма терминлар кейинги пайтларда *дурагай қўшма сўзлар* [5.33] ёки *гибрид терминлар* номи билан юритилмоқда. Бироқ *гибрид терминлар* атамаси ўзбек тилидаги таркибида халқаро терминэлементлар бўлган қўшма терминларга нисбатангина қўлланмоқда.

Гибрид терминлар ўзбек илмий-техникавий терминологиясида кейинги йилларда пайдо бўлган янги типдаги қўшма терминлардир. Гибрид сўз кенг маънода “турли тил элементларидан тузилган “дурагай” сўздир”[6.98]. Масалан, физикадаги *квализарралар* термини гибрид сўз бўлиб, у лотинча *quasi* (сохта, ёлғон) сўз шакли ҳамда ўзбек тилидаги *зарра* сўзининг қўшилишидан ясалган. Демак, ўзбек терминологиясидаги гибрид қўшма терминлар, асосан, *халқаро терминэлементлар* деб аталувчи сўз-ўзаклар билан ўзбекча сўзларнинг қўшилишидан ясаиб, бунда халқаро терминэлементлар сифатида юнонча ва лотинча префиксал характердаги боғлиқ морфемалар иштирок этади. Масалан, *авиасаноат, аэрофотосурат, гидротузлар, ультратовуш* сингари гибрид қўшма терминларнинг биринчи компонентлари (*авиа-, аэро-, гидро-, ультра-*)

ана шундай халқаро терминэлементлар, иккинчи компонентлари эса ўзбекча сўзлардир.

Баъзан биргина аналитик аниқловчи билан ҳосил қилинган бундай гибридларнинг ўзи бутун бир терминологик майдонни ташкил этади. Чунончи, физика луғатида келтирилган, *радио-* элементи иштирокида ясалган 140 қўшма терминдан 20 таси гибрид қўшма терминдир. Буларга яна кундалик ҳаётдаги *радиосуҳбат, радиоэшиттириш, радиоҳикоя, радиомунозара, радиотингловчи, радиоустахона, радиоқулоқ, радиоҳаваскор* сингари қўшма сўз-терминларни киритиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, аниқ ва табиий фанлар терминологик системаларида гибрид қўшма терминлар ҳосил қилувчи юнонча *алло-* (аллодолчин кислота), *ксанто-* (ксантогузлар), *лейко-* (лейкобирикмалар), *мета-* (метаҳолат), *родо-* (родотузлар), *прото-* (протоюлдуз), *пиро-* (пироузум кислота), *стерео-* (стереотузилиш), *тио-* (тиотузлар), *эритро-* (эритротузлар) ва лотинча *ацето-* (ацетосирка кислота), *карбо-* (карбозанжирли), *мульти-* (мультитурғунлик), *сульфо-* (сульфоҳосила), *флаво-* (флавогузлар) каби кўплаб аналитик аниқловчилар фаол қўлланмоқда.

Бундай гибрид терминларнинг қисқалиги ва семантик ҳажмдорлиги терминга бўлган асосий талабларга айна мос келади. Гибрид терминларнинг бу хусусиятлари уларнинг тегишли бирикма терминлардан ва тавсифий терминлардан афзаллигини белгилайди.

Халқаро терминэлементлар иштирокида ҳосил қилинган соҳавий терминлар қуйидаги хусусиятларга кўра афзалликларга эга:

1. Маълумки, терминологик тамойилларга кўра, термин шаклан қисқа ва ихчам бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан халқаро терминэлементларни таржима қилиш натижасида ҳосил қилинган бирикмали ёки тавсифий терминлар билан уларнинг яримкалькалаш орқали ясалган шаклини қиёслаб кўрайлик: *табиатни муҳофаза қилиш ҳаракати – экология ҳаракати; чегаралар орқали ўтувчи дарёлар – трансчегаравий дарёлар*. Ушбу синонимик жуфтликларнинг яримкалькаланган шаклларидаги *экология, транс-* сўзларини қисқарган шаклда *экоҳаракат, трансчегаравий (дарёлар)* тарзида қўллаш икки тушунчани бир сўз орқали ифодалаш мумкинлигини кўрсатади.

2. Бирор тушунчани ифодаловчи, ўзга тилга хос терминга ўзбекча муқобил топишда янгидан ҳосил қилинаётган лексик бирликнинг ахборот қабул қилиш ва узатишда имкон қадар аниқ ифодага, яъни семантикага эга бўлиши энг муҳим омил саналади. Шу сабабли ҳам ҳар доим халқаро терминэлементлар семантикасини тўлиқ қамраб олувчи муқобил сўз танлаб олиш анча қийин кечади. Масалан, ҳарбий терминологияда фаол қўлланувчи *контратака* термини ўзбек тилида *қарши ҳужум* тарзида қўлланмоқда. Ташқи жиҳатдан шаклан қараганда бундай қўлланиш меъёрий ҳолга ўхшайди. Ҳолбуки, *контр-* терминэлементи семантикасида “*жавобан*” семаси мавжуд (душман ҳужумига

жавобан қарши ҳужум). Ўзбекча муқобилида эса мазкур сема ифодаланмаган. Бу ерда *контрҳужум* тарзида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

3. Баъзи халқаро терминэлементлар семантик кўламининг кенглиги ўзбек тилида уларни барча ҳолатларда муқобили билан алмаштиришга имкон бермайди. Масалан, *макро-* терминэлементини *макрозарра*, *макросурат* сўзларида *йирик*, *катта* сўзлари билан алмаштириш мумкин, бироқ *макроиқтисодиёт*, *макроиқлим* терминларида уларни синоним сифатида ишлатиб бўлмайди.

4. Халқаро терминэлементларнинг сўз таркибида турли ўринларда, яъни сўз олдида, сўз ўртасида, сўз охирида жойлаша олиши, шунингдек, бир термин таркибида икки ва ундан ортиқ терминэлементларнинг кетма-кет кела олиши уларнинг соҳавий терминлар ясашдаги имконияти кенглигини кўрсатиб турибди.

Халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган терминлар, асосан, моносемантик хусусиятга эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ҳол, ўз навбатида, терминэлементларни махсуслаштиришда қўл келади. Ўзбек тилидаги *-гич* (техника терминологиясида), *-симон*, *-дошлар* (ботаника терминологиясида), *-лаш*, *-лаштириш*, *-шунос*, *-шунослик* каби морфемаларнинг терминэлементларга айланиб боришида халқаро терминэлементларнинг таъсири катта.

Терминлар имлоси стандартлаштирилаётган терминларни тил нуқтаи назаридан шакллантиришнинг муҳим бир жиҳати эканлигини терминшунослар алоҳида таъкидлашади [7.28]. Ўзбек тили терминологиясида қўшма терминлар имлосини кузатар эканмиз, уларда бир қатор чалкашликлар кўзга ташланади. Терминэлементлар воситасида ҳосил қилинган қўшма терминларнинг барчаси, яъни ўзбек тилига тайёр ҳолда ўзлаштирилган *радиоаппаратура*, *фотосинтез*, *автобензин* каби қўшма терминлар, халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган *авиайўналиш*, *аэрофотосурат*, *радиолавҳа*, *киноюлдуз* каби гибрид терминларнинг қўшиб ёзилиши бирмунча меъёрлашган бўлса-да, халқаро терминэлементлар ўзбекча муқобиллар билан ифодаланган ҳолларда, уларнинг имлоси қатъий эмас. Масалан, *ультрақисқа* – *ўта қисқа* // *ўтақисқа*, *автоағдаргич* – *ўзиағдаргич* // *ўзи ағдаргич* каби компонентларни махсус луғатларда, илмий матнларда гоҳ қўшиб ёзиш, гоҳ ажратиб ёзиш ҳоллари учраб турибди. Маълумки, қўшма терминларни ҳосил қилувчи лисоний бирликларни қайси ҳолларда қўшиб, қайси ҳолларда ажратиб ёзишнинг илмий асослари ўз тадқиқини кутмоқда. Бироқ халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган ҳар қандай терминни – у хоҳ айнан ўзлаштирилган бўлсин, хоҳ яримкалька қилинган бўлсин, қўшиб ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, соҳавий терминологияларда халқаро терминэлементлардан унумли фойдаланиш, бир томондан, терминлар маъносига аниқлик киритиб, шаклий ихчамликка олиб келса, иккинчи томондан, терминологиямизда сўз ясаш имко-

ниятини ошириб, терминларни тартибга солишда муҳим ижобий аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Винокур Г. О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т. V. – М., 1939. – С. 3-54.
2. Мадвалиев А. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари / Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 47-66.
3. Юшманов Н. В. Элементы международной терминологии. Словарь-справочник. – М.: Наука, 1968.
4. Лексика современного русского литературного языка. – М.: Наука, 1968.
5. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент: Фан, 1982.
6. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969.
7. Қаранг: Даниленко В. П. Лингвистические требования к стандартизуемой терминологии / Терминология и норма. – М.: Наука, 1972. – С. 26-37.

Минниқулов И., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ТИЛИДА ШАРТ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ “ИШОНТИРИШ” ДИРЕКТИВ АКТИ СИФАТИДА

Ушбу мақолада ўзбек тилида шарт муносабатини ифодаловчи тил бирликларининг маълум коммуникатив муҳитда “ишонтириш” директив нутқ актини воқелантириш имконияти таҳлилга тортилади. Тадқиқотда шарт конструкциялари лингвистик термини шарт гапларга ишора қилади. Тадқиқот методологиясига кўра, у маълумот йиғиш ва таҳлил қилишда амалий характерга эга.

Ушбу тадқиқотда прагматик таҳлил усули қўлланилган бўлиб, у нутқ акти назарияси асосида ёритилган. Ўзбек тилшунос олими Ш.Сафаровнинг эътирофича, нутқ акти назарияси локуция, иллокуция ва перлокуция сингари уч босқичли фаолият сифатида қаралиши мумкин (Сафаров, 2008: 81). Бунда иллокуция нутқ актининг иккинчи қатлами бўлиб, “ишонтириш” нутқ акти ушбу қатламга мансубдир.

Қуйидаги дискурс намуналарида ўзбек тилида шарт муносабат ифодаловчи конструкцияларнинг маълум перформатив нутқ акти, яъни директив акт сифатида ифодаланиши таҳлил қилинади. Ўзбек тилида шарт муносабат ифодаловчи конструкциялар маълум контекстда бевосита шарт маъно ифодалашдан ташқари “ишонтириш” мазмунидаги перформатив нутқ акти вазифасини бажаради.

Контекст: Султонхон Ҳақимжонни чақирди ва Ҳақимжон меҳмонхонадан чиқиб келгач, ундан кечаги хатни олганлиги ва уни ўқиб жаҳли чиқмаганлигини сўради ва кичкина хужрада кеча-кундуз бир ўзингиз зерикмайсизми деб сўради.

Ҳақимжон: Зериксам қандоқ қилай? Худо, овунчоқ бериб қолар...

Султонхон: **Астойдил тилаб турсангиз, ажаб эмас.** Ҳа, боринг энди, сизни қийнаб кўйдим... (Чўлпон, 2015: 239).

Ушбу мисолдан маълумки, сўзловчи ўз нутқида шарт конструкцияси *Астойдил тилаб турсангиз, ажаб эмас* дан фойдаланар экан, тингловчини маълум воқеа-ходисанинг рўй беришига, амалга ошишига ишонтиришга уринади. Бунда сўзловчи нутқида “ишонтирмоқ” лексик воситаси қўлланилмаса-да, мазкур иллокутив куч контекстдан англашилади.

Контекст: Қумарикдаги деҳқонлар Акбарали мингбошининг устидан ариза берган. Буни Нойиб туранинг сўзидан билиб олган Мингбоши Мирёқубдан бу кимнинг ишилигини аниқлаб, уларни жазолашни буйуради. Мирёқув мингбошидан Нойиб туранинг айтган сўзларини батафсил айтиб беришини сўрайди ва Мингбоши батафсил айтади, натижада бу ишнинг орқасида Ёдгор эчки билан Умарали пучуқ турганини билиб олади. Мингбоши эса, уларни топиб, жазолашни Мирёқубга топширар экан, Мирёқуб хўжайинига масаланинг тагига яхшилаб етиш кераклигини айтади:

Мингбоши: Ёдгор эчки билан Умарали пучуқнинг бир одобини бермасам, кўнглим тинчимайди. Бир иложини қил! Сенга айтаман!

Мирёқиб: Хўп, хўжайин! Шошманг, мен яна бир суриштирай.

Мингбоши: Суриштиришнинг нима кераги бор? Ўшалардан бошқа ким қилади?

Мирёқиб: Эҳтиёт шарт, хўжайин! Одоб бериш қочмайди... Масаланинг тагига етайлик, балки бошқа гаплар ҳам чиқиб қолар...

Мингбоши: Нима дединг?! Бошқа гап ҳам чиқиб қолади, дедингми? Бу нима деганинг?

Мирёқиб: Эҳтиёт шарт, дейман мен! Эҳтиёт! **Яхшироқ суриштирсак, яхшироқ биламиз-да, ахир!** Сизнинг ишингиз бўлмасин, мен ўзим икки кунда тагига етиб, сизга арз қиламан.

Мингбоши: Ҳа, майли, суриштира! Судрама лекин! Ҳа!..

Мирёқуб: Бўлди хўжайин, хотиржам! (Чўлпон, 2015: 74-75).

Мазкур мисолда сўзловчи нутқида *Яхшироқ суриштирсак, яхшироқ биламиз-да, ахир!* шарт конструкциясидан фойдаланиш орқали тингловчини ўз фикрига ишонтиришга ҳаракат қилади. Яъни, ўз нутқида шарт формасидан фойдаланар экан, тингловчини содир бўлаётган ва содир бўлган ишни янада аниқроқ ва яхшироқ билиш мақсадида суриштирув ишларини олиб боришга ишонтиради. Таъкидлаш жоизки, бунда сўзловчи нутқида “ишонтириш” лексик воситасига оид бирор бир лингвистик восита иштирок этмайди. Бироқ *ишонтириш* мазмуни контекстдан англашилади.

Контекст: Ўлмасжоннинг отаси ва онаси ўғлининг иши ва унинг самарадорлиги ҳақида суҳбатлашар экан, она ўғлининг ишини ўзгартириш, бошқа иш топиш тўғрисида жон куйдиради. Ота эса, онани шукроналикка, сабр қилишга ундайди.

Она: Йўқ, аравакашлиги курсин! Бошқа ишга берамиз... бўлмади бу. Бошини есин карвонинг!..

Ота: Бошқа иш осон, дейсанми? Дунёда осон иш борми? Пулинг бўлса, давлатинг бўлса, оғзинг билан гапириб топсанг... қани эди... Бу давлатни худованди карим ҳаммага бермас экан! Берганга берар экан!

Она: Бермади, деб ётаверасизми? «Олма пиш, оғзимга туш!» билан бўладими? Ахтарган топади! **Истасангиз, болангизга дурустроқ касб ҳам топилади.** Сал мундоқ дам олиб яйрайдиган бўлсин-да!

Ота: Кечагина қизлар билан кишлокқа бориб, бир ҳафта ўйнаб келди-ку! (Чўлпон, 2015: 91).

Ушбу мисолда ҳам сўзловчи ўз нутқида **Истасангиз, болангизга дурустроқ касб ҳам топилади** каби шарт конструкциясини қўллаш орқали тингловчини маълум ҳаракат қилишга ишонтиради. Бунда сўзловчи нутқида “ишонтирмоқ” лексик воситаси қўлланилмаса-да, мазкур иллокутив куч контекстдан англашилади. Бунда сўзловчи тингловчини боласи учун яхшироқ касб топилишига умид қилишига, ишонишига ундайди.

Контекст: Мингбоши жадид мактабини ёптиришни Нойиб тўра буйурганлиги учун ёптирганлигини тилга олар экан, Нойиб тўранинг ёнига бориб, бу масала (газетда чиққан мақола назарда тутиляпти)ни ҳал қилишни сўрамоқчи бўлади. Мирёкуб эса, бунинг фойдасизлигини уқтиришга урунади.

Мингбоши: Йўқ, шошма, мен нойиб тўранинг ёнларига бораман, «Иложини қилинг, ўзингиз айтгансиз», дейман. Қани, йўқ десин-чи!

Мирёкуб: Йўқ дейишдан кўрқармиди? Йўқ, дейди, тониб тура беради...

Мингбоши: Нега, ахир? Нега?

Мирёкуб: Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди? (Чўлпон, 2015: 100).

Мазкур мисолдан аниқ бўлишича, Мирёкуб ўз нутқида **Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди?** каби шарт формасидан фойдаланар экан, тингловчини ўз сўзига ишонтиришга уринади. Бунда у ўз нутқида “ишонтирмоқ” лингвистик воситасини қўлламаса-да, мазкур мазмунни шарт конструкциясидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли ифодалайди. Бунда мазкур мазмунни ҳосил қилишда контекстнинг роли катта.

Контекст: Мирёкуб икки ойлик сафарга кетишини хотинига айтганда хотини йиғидан ўзини тўхтата олмади. У хотинини болаларимга етарлича пул қолдирдим, икки ой ўтади-кетади деб хотинини овутди. Хотини болаларининг ёнига Мирёкубга жой қилиб қўйганини айтганда, Мирёкуб шундай деди:

Хотини: Мен сизга ана у сўрига жой қилиб қўйдим. Кетадиган кунингиз болаларингиз билан бирга ётинг энди.

Мирёқуб: Сен ўзинг биласанки, мен ичкарида ётолмайман. **Ичкарида ётсам, кечаси билан кўзимга уйқу келмайди.** Гугуртни бер, чиқиб ташқарида, айвончада ётай. Тинч ухласам, сахар туриб, жўнаб кетаман (Чўлпон, 2015: 200).

Мазкур мисолдан маълумки, сўзловчи ўз нутқида **Ичкарида ётсам, кечаси билан кўзимга уйқу келмайди** каби шарт формасидан фойдаланади ва тингловчини ўз фикрига ишонтиришга уринади. Бунда у ўз нутқида “ишонтирмоқ” сўзини эксплицит тарзда ишлатмаса-да, имплицит тарзда реаллаштиради ва тингловчини ўз нутқида ишонтиришга эришади.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

а) ўзбек тилида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликлари, хусусан, шарт гаплар маълум мулоқот шароитида “ишонтириш” директив нутк актини воқелантириш имкониятига эга;

б) ўзбек тилида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликлари (шарт гаплар) маълум мулоқот муҳитида “ишонтириш” директив актини ҳосил қилишда лингвистик (лингвистик воситалар, белгилар, элементлар) ва экстралингвистик (контекст, сўзловчининг мақсади) омиллар роль ўйнайди;

в) ўзбек тилида шарт гаплар “ишонтириш” мазмунидаги иллокутив кучига эга.

Адабиётлар

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.
2. Чўлпон. Кеча ва кундуз: Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 332 б.

Мамиров О., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

БАДИЙ АСАРЛАРДА ТИЛ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ

Бизга маълумки, адабий тилнинг том маънодаги ижодкори халқ ҳисобланади. Ҳар бир халқ ўз тилини тўлақонли адабий тил шаклида ривожлантиришга алоҳида бир эҳтиёж сезади. Чунки, муайян адабий тил-ўша халқнинг ўзлигини намоён этиши билан бирга, айни вақтда, унинг маданияти, шу жумладан, адабиётни ривожлантиришда ҳам энг муҳим, қудратли воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир халқнинг ватанпарвар фарзандлари ўз она тиллари равнақи учун курашган даврларда ўз она тилларининг афзалликларини биринчи ўринга қўйиб тарғиб қилганликлари ғоят ибратли бир анъанага айлангани шубҳасиздир. Дарҳақиқат, ушбу ўринда буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқ жоиздир: “Форсий тилни афзал кўрадиган ва ўша тилда ижод қилишни осонроқ деб ўйлайдиган турк йигитлари ҳақиқатни билмайдилар. Ҳақиқат шундаки, туркий тил уларнинг она тиллари бўлгани учун бу тилда

ижод қилиш уларга осонроқдир, чунки бу тилни улар болаликдан яхши биладилар, унинг ҳамма бойликлари, ҳамма имкониятлари улар учун очикдир”(Навоий. 1978: 117-118).

Зеро, бизнинг айна замонамизда жуда кўплаб ёшларимиз орасида ўзбек тилини менсимасдан оддий ўзбекча сўзлар ўрнига ҳам русча ёки бошқа тилдан кириб келган сўзларни ноўрин ишлатиш одат тусига кириб бормоқда. Мисол учун: Бу биззи пахан. Бу биззи брат. Ҳамма жой чиста. Юринг гулят қиламиз. Каби иборалар ўз она тилимизга беписандлик бўлиб қолмасдан, балки ўшаларнинг маънавий қашшоқлигини ҳам кўрсатади. Шу тариқа ажнабий сўзларни ўзбекчага бундай ўринсиз қориштириб ишлатиш тилимизнинг софлигини, маъно имкониятлари кенглигини чеклаб қўйиши, минг афсуски, эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ачинарли ҳолларни ҳисобга олмасак, шубҳасиз, Истиклол йилларида ўзбек адабий тилимиз ривожланишнинг янги бир поғонасига кўтарилди ва тилимиз равнақи учун беқиёс имкониятлар яралди. Айниқса, бу йилларда чин маънода ҳақиқий ўзбек матбуоти, телевидениеси тили беқиёс имкониятларга эга бўлди. Жумладан, Мустақиллик шарофати билан таъсис этилган ўнлаб янги рўзнома ва журналлар ўзининг ранг-баранг мазмуни билан халқимизнинг маънавий-эстетик оламини бойитиш баробарида тилимизнинг бениҳоя сўзга бой, сержилолиги, энг мураккаб, энг нозик фикр ва туйғуларни ҳам ифодалаш имконияти кенг эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Бадий асарнинг сифати ва қиммати, ёзувчининг индивидуал услуби, биринчи навбатда, унинг мақсад ва ниятини кенг китобхон оммасига етказиб берадиган жозибадор тили билан белгиланади. Шунга мувофиқ, бадий асар тили ва ёзувчининг ўзига хос услуби масалалари билан, бадий нутқ стилистикаси билан шуғулланиш илмий жамоатчиликнинг диққатини жалб этиб келаётган энг муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Бадий адабиётда тил жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бадий асарда тилнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги ҳамда асар тилининг гўзал ва сермазмун бўлиши лозимлиги тўғрисида Алишер Навоий ва Лев Толстой, А.Авлоний, Фитрат, Ойбек, А.Қаҳҳор ва бошқа йирик сўз усталари ҳам ўз вақтларида қимматли фикрларини билдириб ўтишган.

Масалан, Абдулла Қодирий бадий асар тилига ва сўзига, унинг бадий-эстетик ҳамда ижтимоий ролига катта аҳамият берар ва ёш қаламкашлардан ҳам шуни талаб қилар эди: “Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз-қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чикқач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин....” (Қодирий А. 1969: 186-187). Ойбек ҳам ўзининг адабий-танқидий мақолаларида санъаткорнинг бадий асар тилидаги маҳорати масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди. Шуниси муҳимки, Ойбек ўзбек танқидчилигида биринчи бўлиб 30-йиллардаёқ, бадий асар, жумладан, шеърят тили масаласига оид махсус мақола ёзди. Бу мақолада у кўпчилик шоир ва ёзувчиларни тил-бадий асарнинг узвий тўқимаси, уни юзага келти-

рувчи бош ҳужайралар мажмуаси эканлигини тушуниб етмасликда айблайди, ўз қаламкаш дўстларини “сўз танлашда жиддий ўйлашга”, “ҳар бир сўзни чертиб” ишлатишга чақиради (Ойбек. 1974: 238-244).

Дарҳақиқат, “тирик жонларнинг униб-ўсиши учун тоза ҳавонинг аҳамияти қанчалик катта бўлса, адабиётимизнинг равнақи учун чинакам бадиий тилнинг аҳамияти ҳам шунчалик зўр”(Қодиров П., 1977: 140). Чунки бадиий адабиёт сўзнинг беқиёс товланишлари орқали инсоннинг барча хусусиятларини санъатнинг рассомлик, ҳайкалтарошлик, мусиқа сингари бошқа турларнинг тасвирлаганидек ҳам образли, ҳам жонли, худди қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлганидек қилиб акс эттиради. Ёзувчи учун сўз ҳам қурол, ҳам бўёқ, ҳам соз, ҳам товуш, ҳам мўйқалам вазифасини бажаради, яъни сўз моҳир ёзувчилар қўлида образли фикрлаш, гўзал поэтик манзаралар чизиш учун ажиб восита бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда машҳур адибимиз А.Қаҳҳорнинг тил ҳақидаги қарашларини анча кенг ўрганган адабиётшунос олим Усмонжон Қосимовнинг қуйидаги фикрларини ҳам келтириб ўтмоқчимиз: “Адибларимиз орасида бадиий асар тили масаласига Абдулла Қаҳҳор каби катта ва жиддий эътибор берган бошқа ёзувчи топилмаса керак”(Қосимов У. 1995: 25). Дарҳақиқат, Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий асар тили ҳақидаги қарашлари кўпгина ижодкорларнинг фикрлари билан муштараклик касб этса-да, айти пайтда, улардан фарқ ҳам қилади.

Абдулла Қаҳҳор тилни – адабиётнинг “асосий қуроли” деб таърифлайди. Тил дарҳақиқат, ёзувчининг асосий қуроли ва асар мазмунининг муносиб бир шаклда намоён бўлишидир. Бу ҳақда ёзувчи шундай дейди: “Адабиёт-бу тил. Мен шу вақтга қадар бирор ёзувчининг тилсиз, имо-ишоралар билан бадиий асар яратганини эшитганим йўқ... Агар ҳозир мендан “Сиз учун тил бадиий ижоднинг бошқа муаммолари ўртасида қандай ўрин тутаети?” деб сўрашса, мен жавоб беришга қийналаман. “Асосий ўринни”, - дейишдан бошқа сўзим йўқ” (Вопросы литературы. 1967: 114-116).

Адибнинг бу сўзларидан “яхши тили йўқ асарда чуқур мазмун ҳам йўқ”, - деб хулоса чиқариш мумкин. Негаки, тил шундай бир кўзгуки, унда бадиий адабиётнинг барча фазилат ва нуқсонлари акс этади. Дарҳақиқат, мумтоз адабиёт вакилларининг мукаммал мазмун яратиш мақсадида асар тилидаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўз ва ҳатто айрим товушларга ҳам жиддий эътибор бериши - бадиий ижоднинг “олтин қонун”ларидан бирига айланган. Асар тилининг соддалиги ва тиниқлиги шу билан белгиланадики, у ёзувчи фикрини китобхонга тўлиқ аңглантиши ва асарда тасвирланаётган инсон қиёфасини, предмет ёки муайян ҳолатни ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантира олсин.

Ёзувчи ва шоирларимиз ўз асарларида маълум бир даврни, маълум бир муҳитни ва хилма-хил инсоний характерларни ўзига хос тил ва миллий руҳ воситаси билан тасвирлаш жараёнида адабий тилимизга жуда катта сўз бойликлари олиб кириш баробарида унинг ифода кучини беқиёс даражада ошириб борадилар.

Ёзувчининг ижодий мушоҳадакорлиги, ўзига хос фикр ва фантазияси, ҳис ва туйғулари унинг нималарни ёзганидагина эмас, қандай услуб билан ёзганида ҳам кўринади. Йирик бадий асарларда кўплаб ҳар хил характерлар тасвирланади, турли воқеалар кўз олдимиздан ўтади. Буларнинг ҳаммасини ичдан бирлаштириб, яхлит бир асар қилиб турган нарса ягона ғоя, сюжет, композиция, конфликт ва ҳоказоларгина эмас. Ғоя ҳам, сюжет, композиция ва конфликт ҳам фақат ёзувчининг ички дунёсида бир-бирига пайванд бўлиб, яхлитланади. Шу сабабли адабиёт нималигини яхши биладиган кишилар янги асарларни кўлга олганларида ундан фақат ҳаёт тасвирларинигина эмас, балки муаллифнинг ўзига хос услубини ҳам англаб етишга ҳаракат қиладилар. Бадий адабиётда реализм ҳамма вақт ижодий метод бирлигига путур етказмаган ҳолда шахсий услубларнинг ҳам хилма-хил бўлишига имкон беради. Шахсий услуб ҳақида француз ёзувчиси Бюффон “Услуб демак – одам демакдир”, деган эди. Бюффон бу ерда одам деб, ёзувчининг ўз шахсини назарда тутаётганлигини англаш қийин эмас.

Шахсининг характери нима иш қилганлиги билангина эмас, балки бу ишни қандай қилиб, қайси йўллар билан амалга оширганлиги билан ҳам белгиланади. Дарҳақиқат, шундай экан, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услуби бир воқеани қандай сўзлар воситасида, қайси образларда акс эттириши билан кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Адабиётлар

1. Вопросы литературы. 1967. №6
2. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик, 14-том. –Т: Фан. 1978 йил
3. Ойбек. Ўзбек поэзиясида тил. Асарлар. Ўн томлик. IX том. –Т: Фан. 1974.
4. Қодирий Абдулла. Кичик асарлар. –Т: Адабиёт ва санъат. 1969 йил
5. Қодиров П. Бадий тил муаммолари//Мақолалар тўплами. –Т: Миллий гвардия. 1977 йил
6. Қосимов У. Ёзувчининг сирлари. –Т: Иқтисод-молия. 1995 йил

**Мирзоаҳмедов М., доцент
(Тоҷикистон)**

ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ

Жаҳон тилшунослиги илми, жумладан ўзбек тилшунослиги ўтган асрда юқори даражада ривожланди.

Шу даврга қадар тилшунослик тараққиётининг турли даврларида жамият ҳаётидаги ижтимоий, этнографик, сотсиолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик масалаларнинг тилшунослик билан боғлиқ жиҳатлари-ни ўрганиш замирида тилшунослик илмининг сотсиолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика соҳалари юзага келди.

XX асрнинг 90-йилларида дунё жамоатчилигида, дунё давлатлари миқёсида қонун устуворлигининг мустаҳкамланиши, қонун ва қонунчиликнинг жаҳон миқёсида мустаҳкам ўрин тутганлиги боис жаҳон тилшунослиги-да яна бир янги соҳа – юрислингвистика юзага келди. Жаҳон ва рус тилшунослигида юрислингвистика ва лингвоюрисстика атамалари кенг қўлланила бошлади.

Ҳақиқатан, инсоният ҳаёти ва жамият фаолияти ҳамиша ҳуқуқий масалалар билан чамбарчас боғлиқ. Жамият ҳаётининг ҳар бир куни давлат қонунчилиги асосида иш юритишни талаб қилади. Шу боис барча ҳуқуқий атамалар ва уларнинг моҳияти оммага тушунарли бўлиши, мазкур соҳага оид ҳужжатлар ҳуқуқий ва лисоний меъёрларга мос келиши шарт ва зарур. Мазкур масала эса фақатгина тилшунослик илми ёки ҳуқуқшунослик илми томонидан ўз ечимини топмайди, яъни ҳуқуқий атамаларнинг лисоний хусусиятларини лингвоюрисдик тадқиқотларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу борада тилшуносликнинг янги соҳаси ҳисобланмиш юрислингвистика муҳим аҳамият касб этади.

Юрислингвистика – юриспруденсия ва лингвистика (юрисдик лингвистика) атамаларининг бирикувидан вужудга келган бўлиб, ижтимоий тилшунослик масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Масаланинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу икки атама икки йирик илм соҳасини туташтиради. Ушбу соҳа эса икки йирик илмий сатҳни туташтирувчи янги сатҳдир.

Юрислингвистика тилшуносликнинг алоҳида бир сатҳи бўлиб, ҳуқуқшунослик атамаларини, уларнинг луғавий маъноларини, морфологик, синтактик, услубий хусусиятлари ва вазифаларини ўрганиш масалалари билан шуғулланади. Ҳуқуқий атамалар луғавий маъноларининг тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши мазкур соҳа атамаларининг тўғри талқин қилинишига, мавжуд муаммоларнинг ўз ечимини топишига ёрдам беради.

Ўзбек тили юрислингвистикаси, унинг вазифаси, муаммолари ва перспективасини ўрганиш масалалари бугунги ўзбек тилшунослиги олдидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланди.

Тилшуносликнинг ушбу соҳаси лингвистика ва юриспруденсия масалалари тўқнашуви нуқтасида юзага келган янги соҳадир. Жамиятнинг демократлашуви жараёни жамият аъзолари муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилиши жараёнида тил имкониятларидан унумли фойдаланиш эҳтиёжларини юзага келтиради.

Ҳуқуқшунослик терминологияси умумий терминологиянинг ажралмас қисми бўлиб, лингвостилистик, юрислингвистик ва лингвоюрисдик хусусият ва характерга эга.

Қонунчилик терминологияси турли манбалар асосида, узлуксиз равиш-да бойиб боради. Ушбу атамалар қонунчилик органларининг иш жараёнлари-да, иш юритиш ҳужжатларида, ҳозирги адабий тилнинг луғавий фонди тар-кибида

кенг қўлланилади. Шунингдек, ушбу соҳага хос ўзлашма атамалар ҳам кенг қўлланилади.

Ҳуқуқий атамаларнинг мантиқий-семантик хусусиятлари шундан иборатки, тил луғат фондидаги ҳар бир сўз қонунчилик ҳужжатларида ўзининг тор соҳавий маъноси ва бўёқдорлиги билан иштирок этиши мумкин. Бу эса тил луғат фондидаги сўзларнинг кўп маънолилиги билан боғлиқ ҳодисадир. Масалан, умумистеъмолда қўлланувчи оддий **ҳаракат** сўзи ҳуқуқий тушунча сифатида қўлланган вақтда ижобий ва салбий маъноларни касб этиши мумкин. Уни аниқлаш эса мазкур ҳаракатнинг натижасига боғлиқ. Агар ҳаракат қоида бузилишининг олдини олган бўлса, у ижобий. Ушбу ҳаракат натижаси қонун-қоида бузилишига сабаб бўлса, у ҳолда салбий ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳолатда ҳамиша ҳаракат ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланади. Шунинг учун ҳам лингвистика ва юриспруденсия муносабати тил ва сотсиология, тил ва этнография, тил ва психология муносабатларидан кам эмас. Агар сотсиолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика тилшуносликнинг алоҳида соҳалари сифатида тан олинган бўлса, у ҳолда юрислингвистика ҳам тилшуносликнинг юқоридаги соҳалари каби ўз ўрнига эга ва тилшуносликнинг ушбу соҳаси ўзбек тилшунослиги материаллари асосида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши шарт ва зарур.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида ушбу соҳа бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар ва диссертатсиялар амалга оширилган бўлса-да, юрислингвистика алоҳида сатҳ сифатида тадқиқот объектига тортилмаган. Агар мазкур масала тадқиқига шу нуқтаи назардан ёндашилса, унинг натижалари ўзбек тилшунослигида юрислингвистика соҳаси критерияларини белгилаш жараёнида муҳим ўринга эга бўлиши мумкин.

Бу масалада рус тилшунослигида Голев Н.Д., Горбаневский М.В., Исақров В.Б., Матвеева Т.В. Милославская Д.И., томонидан жуда кўп илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди ва юрислингвистика аллақачон ўз ўрнига эга бўлди.

Тил ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси, лисоний категорияларнинг ҳуқуқий хусусиятлари, ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишида тил ва ҳуқуқнинг мавқеи, ҳуқуқий ҳужжатлар ва материалларнинг мантиқий категориялар билан боғлиқлиги, ҳуқуқий таҳлилда тилнинг мавқеи, ҳуқуқий ҳужжатларда тил меъёрларидан фойдаланиш, ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунларнинг тили ва услуби масалалари рус тилшунослари юрислингвистик тадқиқотларининг моҳиятини ташкил қилар эди.

Мазкур масалада Олтой давлат университетида профессор Голев Н.А. раҳбарлигида йирик ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ушбу университетда умумий “Юрислингвистика” номи билан 11 та илмий мақолалар тўплами нашр қилинди.

Биринчи тўпланда юрислингвистиканинг тилшунослик фанининг алоҳида бир соҳаси сифатида муаммолари ва перспективалари нималардан иборат эканлиги хусусида баҳс юритилган (1). У қуйидаги тўрт қисмни ўз ичига олади:

1. Юрислингвистика предмети.
2. Юрислингвистика ва юриспруденция.
3. Юрислингвистика ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ маҳсули бўлмиш материалларнинг юрислингвистик таҳлили масалалари хусусида).
4. Лингвоюрисдика – “рус тили унинг табиий ва юридик асоси”.

Иккинчи тўпдамда эса тилшунослик ва ҳуқуқшунослик фанларининг туташган ўринларида амал қилувчи назарий ва амалий масалалар билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилган. Мақола муаллифлари ҳуқуқшунослик тили билан табиий тилнинг муносабатларини, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари-да мавжуд бўлган низоларни ҳал қилиш жараёнида тил ва қонун ҳамкорлиги имкониятларидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқишган.

Шунингдек, ушбу тадқиқотларда назарий сатҳ масалаларини ўрганишдан амалий сатҳ масалаларига ўтиш зарурлигига асосий эътибор қаратилган.

Шунингдек, монографик тадқиқотларда ҳам юрислингвистиканинг конкрет тематик сатҳлари ўрганилади. Чунки ҳуқуқий атамалар тил луғат фондининг алоҳида ички бир тизими сифатида аллақачон мутахассислар эътиборини жалб қилган эди. Ҳуқуқий атамаларни ўрганиш жараёнида жуда кўп илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Бу борада соф лингвистик сатҳда Мишина Е.Ф., Антадзе Н.А., Мазо С.Э., Снетов Г.П., Сергеев Ф.П., Сергеева М.Ф., Майоров А.П. сингари олимлар тадқиқот ишлари олиб боришди.

Валехина Т.М., Городецкая Л.А. эса қадимги рус тили ёдгорликлари тилини ўрганиш асосида XI-XVI асрлар рус тилида юридик лексиканинг юзага келиши ва шаклланиши масалаларини ўрганиб чиқишди.

Рус тилшунослигида жиноят ҳуқуқи (Ершова Е.Б., Прянишникова Е.А., Уорт Д.О.), оила ҳуқуқи (Юрчука О.Ф.), меҳнат ҳуқуқи (Головин С.Ю.), маъмурий ҳуқуқ соҳаси атамалари (Игнатенко В.В.), давлат бошқаруви ҳуқуқи (Нгуен Ти Тху Ван) атамалари махсус ўрганилди.

Мазкур тадқиқот ишларида ушбу соҳаларга доир ҳуқуқий атамалар маълум бир тизимга келтирилди. Муаллифлар ўз тадқиқотларида ҳуқуқий атамаларнинг лексик-семантик, вазифавий хусусиятларини таҳлил қилишган. Шунингдек, ушбу соҳаларга хос атамаларнинг умумистеъмолдаги сўзлар билан муносабати масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ушбу соҳага оид анчагина илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди (1). Гарчанд сўнгги ўн йил давомида олимларимиз ушбу масала билан мунтазам шуғулланиб келаётган бўлса-да, аммо ҳозирга қадар ушбу сатҳга хос масалалар ўз ечимини тўлалигича топгани йўқ.

Мазкур соҳани ўрганишдан мақсад шуки, ҳуқуқий атамаларнинг лек-сик, семантик ҳамда структур хусусиятлари ўрганиш, уларнинг қўлланилиш кўламини белгилашдан иборат. Шунингдек, улар асосида чиқарилган хулосалар қонунлар, кодекслар, ҳуқуқий ҳужжатлар, дарслик китоблар, ўқув қўлланма

лари, энциклопедик, изоҳли ҳамда соҳавий луғатларнинг яратилишида кенг қўлланилиши мумкин.

Бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари амалий фаолиятида ҳамда юрислингвистика ва лингвоюрестика масалалари билан қизиқувчиларга қўл келиши мумкин.

Жумладан, ушбу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг катта бир гуруҳи қиёсий характерга эга. Масалан, Моршакова Т.В. томони-дан жиноят ҳуқуқи атамаларининг семантик хусусиятлари ўрганилган бўлиб, ушбу тадқиқот иши қиёсий характерга эга (2). Тадқиқот ишида рус, инглиз ва немис тиллари материаллари асосида жиноят ҳуқуқи соҳасига оид атамаларнинг мантиқий-семантик хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

Бизнинг илмий-тадқиқот ишимизда ҳам ана шундай масала, яъни ўзбек тилининг луғат фондидан ўрин олган ҳуқуқий атамаларни тожик адабий тилидаги ана шундай қатлам луғавий бирликлари билан қиёсий ўрганиш тадқиқот олдига асосий мақсад қилиб қўйилган. Ўзбек тили ҳуқуқий атамаларини тожик тилидаги муқобиллари билан қиёслаб ўрганиш замона-вий ва долзарб масалалар сирасига киради.

Бу борада замонавий тожик тилшунослигида амалга оширилган қуйидаги илмий ишларга муурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир (3).

Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида тожик ва ўзбек тиллари учун умумий характерга эга бўлган ҳуқуқий атамаларни аниқлаш, уларнинг сабабларини ёритиш, шунингдек фақат ўзбек тили, фақат тожик тили учун хос бўлган ҳуқуқий атамаларни ҳам аниқлаш, уларнинг тавсифини белгилаш ва ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Мухими, ҳуқуқий атамаларни синхрон-қиёсий сатҳда ўрганиш ўзбек ва тожик тиллари лексик сатҳини янада илмий тасаввур этиш имкониятини яратади.

Адабиётлар

1. Юрислингвистика-1. Проблемы и перспективы (Межвузовский сборник научных трудов). Под ред. Н.Д.Голева. Барнаул: Изд-во Алтайского университета, 1999. -224с.
2. Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Авт.дисс.канд.филол.наук.-Ташкент, 1985.-24с; Ёдгоров Ҳ.Э. Ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг синхроник тадқиқи. Филол.фанл.канд.дисс.авт. -Тошкент, 1996.-25с.
3. Моршакова Т.В. Семантические характеристики терминов уголовного закона (на материале русского, немецкого и английского языков). Дисс.канд.филол.наук. -М, 1992.-172с.
4. Пулотова Н.Ю. Семасиологические отношения в терминологии (на материале юридической лексики таджикского и английского языков). Дисс.канд.филол.наук. -Душанбе, 2006.-167с; Шокиров Т.С. Инкишофи истилоҳоти ҳуқуқшиносии тоисломӣ дар забони тоҷикӣ. -Хучанд: Хуросон,

2008.-118с; Шокиров Т.С. Термины мусульманского права в таджикском языке (юрислингвистическое исследование). -Душанбе, 2010.-116с; Шокиров Т.С. Юридические термины и их лингвистические особенности. -Худжанд: Хуросон, 2017.-278с.

**Мамажонова М. катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

СИФАТИЙ ВА МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАР АЛОҚАДОРЛИГИ

Тилшунослар миқдор категориясини юзага чиқарувчи воситалари, миқдорийлик маънолари билан боғлиқ муаммоларни ўрганганлар. Бунда “миқдор” билан терминологик яқин тушунчалар сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилган: миқдор, миқдорийлик ва квантитативлик. Миқдор дейилганда саналиш ва ўлчаниш имконияти тушунилади, миқдорийлик – миқдор категориясига асосланган хусусиятдир, квантитативлик эса турли сатҳларда миқдорийлик мазмунига эга бўлган тушунчалар комплекси ҳақида тасаввурни юзага чиқарувчи мантикий-семантик категория ҳисобланади. Миқдорийлик мазмуни миқдор, сон, кўплик, қисқалик кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, квантитативлик маъноси тартиб, ўлчов параметрларига алоқадор тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Тилда дискрет кўплик кўпгина тилларда, хусусан, ўзбек тилида сон грамматик категорияси ёрдамида ифодаланади ва сон бирлик ҳамда кўплик асосида ҳосил қилинади. Бу орқали бинар оппозитивлик кўринади. Айрим тилларда, масалан, араб тилида дискрет кўплик тернар оппозитивлик асосида ифода қилинади: бирлик, иккилик ва кўплик. Шу ўринда айтиш зарурки, ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида бирлик ва кўплик ўртасида ”оралиқ учинчи” ҳисобланган иккилик ҳам мавжуд бўлган, иккиликни кўрсатувчи махсус грамматик шакл ҳам бўлган. Буни кўз, ёноқ, дудоқ, эгиз сўзларида кўриш мумкин.

Квантитативлик белгисига эга бўлган предмет, ўз навбатида, сифатий белгига ҳам эга бўлади. Дискрет предметларнинг сифатий белгиси квантификацияни четлаб ўта олмайди, чунки муайян кўплик, жамлик, умуман олганда, миқдорийлик асосида сифатий белги ҳосил бўлади. Кўпчилик олимлар, хусусан, В.З.Панфилов, М.Пенчевалар сифат категориясини квантитативлик ҳақидаги билимни олдиндан белгилаб берувчи муҳим категория сифатида баҳолаганлар (Панфилов, 1971:3-19). Сифат категориясининг миқдор категориясига муносабати предметларнинг моҳияти билан боғлиқ. Предметларнинг сифатий белгилари турли дискрет кўпликни ўз ичига олади. Шунга мувофиқ, нарсаларнинг сифати ва миқдори ёнма-ён таҳлил этиб борилади.

Олим И.С.Тимофеевнинг фикрига кўра, сифатий ва миқдорий белгиларнинг муштарак ҳамда фарқли томонлари предметлар ранг-баранглигини кўрсатувчи масштаб билан боғлиқдир. Сифатий тафовут фақат

кенгроқ масштабда юзага чиқади (масалан, оқ-оқ эмас), миқдорий тафовут эса у ёки бу сифатнинг чегараларида мавжуд бўлади (масалан, маълум элементлар кўплигининг катта ёки кичик ҳажмда фарқланиши: оқ-оқиш). Сифатнинг мазмуний абстракциясида аниқ саналадиган бирликлар ажратилади, бунда дискрет кўпликни шакллантириш учун зарур бўлган белгилар муҳим ҳисобланади. Яъни “ҳисоб процедураси учун шарт-шароит нималар асосида яратилишини белгилаш зарур ёки нима билан санашдан олдин нимани санашни билиши лозимдир”(Тимофеев, 1972:22).

Ҳисоблаш ва сон туркуми тараққиёти натижасида (“битта-кўп”, “бир-бирдан ортик” тарзидаги зидланиш) дискрет квантитативлик ифодаланишидаги ўзининг биринчи даражали когнитив аҳамиятини йўқота бошлади. Дастлаб санок сонлар аниқ предметлар ҳисоби учун, кейинроқ дискрет кўпликни билдирувчи мавҳум предметларнинг экспликацияси учун ишлатила бошланди.

Дискрет квантитативлик ҳақида фикр юритилганда, алоҳидалик категориясини четлаб ўтиб бўлмайди. Алоҳидалик— миқдор ва кўплик тушунчасини шакллантирувчи дискрет квантитативликнинг ўзига хос муҳим хоссасидир. Негаки маълум дискрет кўпликни ҳосил қилувчи узвлар алоҳидалик сифатида олиб қаралади (Панфилов, 1977:245).

Алоҳидалик тушунчасини кенг ва тор маънода талқин этиш мумкин. Мазкур терминнинг тор маъноси муайян белги бўйича ўзаро ўхшаш бўлган, бир ёки бир турдаги предметлар, яъни дискрет кўплик узвларини билдиради (Потапова, 1983:130-141). Масалан, икки қиз, икки бола, бешта олма каби. Алоҳидалик тушунчасининг кенг маъноси кўпликни шакллантирувчи унсурларнинг умумий хоссаси билан боғлиқ бўлиб, бунда предметларнинг ўхшашлиги ёки бир хиллиги муҳим эмас, яъни у маълум предмет кўплигининг барча хусусиятларини қамраб олади. Масалан, тўртала одам (икки аёл ва икки эркак). Демак, алоҳидалик тушунчасида дискрет кўплик унсурлари учун умумий бўлган белги мавжудми ёки йўқми деган масала аҳамиятсиз бўлиб қолади. Маълум кўпликка тегишли бўлган унсурларнинг бир хил бўлишида улар орасидаги ўзига хос сифатий фарқланишларга эътибор берилмайди. Юқорида айтиб ўтилган “тўрт одам” бирикмасида ифодаланаётган кўплик ва миқдор маъноси муҳим, бу ўринда уларнинг сифатий тафовути (яъни эркак ва аёллиги) аҳамиятсиз ҳисобланади.

Дискрет квантитативлик категорияси макон ва замон тушунчалари билан ҳам узвий алоқадор. Кўпликни шакллантириш учун, уларнинг квантификацияси ва дискретлигини кўрсатиш учун макон ва замон ифодасига ҳам эҳтиёж сезамиз. Квантитатив белгини шарҳлашда макон ва замон аспектининг мавжудлиги замон ва макон фалсафий категорияларига асосланишни тақозо қилади. Бу хусусда Т.В.Булыгина ҳамда А.Д.Шмелевлар шундай ёзади: “Ҳар қандай тилда гапнинг макон ва замон локализацияси шакллантирилади” (Булыгина, 1988:60).

Замон ва макон категорияларининг когнитив тавсифи уларнинг ўзаро алоқадорлигида кўринади ва бутун гапни эгалловчи ягона суперкатегория— макон-замон локализациясини юзага чиқаради.

Динамик аспект асосида субстанциал миқдор ҳақида фикр юритилганда фақат аниқ миқдорларни эмас, балки жараён билан боғлиқ бўлган процессуал миқдорни ҳам назарда тутиш лозим. Бунда вақт ўқи билан боғлиқ равишда даражаланувчи миқдорий ўзгариш маъносини ифодалайдиган сўзларни ҳам эътиборга олиш лозим. Масалан, иккилантирмоқ, кенгайтирмоқ, кўпайтирмоқ, камайтирмоқ, қисқартирмоқ, қўшмоқ каби.

Ҳисоблаш операциялари (амаллари) — кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш кабиларнинг тилда ифодаланиши соф миқдорни ва динамик аспекти аниқлаб беради. Дискрет квантитативликнинг динамик аспекти турли синтактик қурилмалар ёрдамида аниқроқ ифодаланади: иккига иккини кўшилса, тўрт бўлади. Олтидан икки айирилса, тўрт бўлади. Иккига уч кўпайтирилса, олти бўлади.

Квантитатив белги тил сатҳлари ўртасида энг кенг тарқалган таснифловчи белгилардан ҳисобланади. Квантитатив белгини муайян сатҳ бирликларини ажратишда ёхуд ўзаро қиёсланувчи сатҳларнинг бирликлари орасидаги ўхшашлик ҳамда фарқларни белгилашда муҳим критерий сифатида қўллаш мумкин. Квантитатив белги тил воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда, айрим товушдан тортиб бутун бир матнлар орқали ҳам ифода қилиниши кузатилади. Баъзан миқдорий белги тил воситалари таҳлилида ифода плани орқали умуман сезилмасдан, фақатгина мазмун планини чуқур таҳлил этилганда намоён бўлиши ушбу категориянинг мураккаб ва нозик қирраларидан бири саналади.

Квантитативлик тилда нарсалар, одамлар, моддалар, масофа кабиларни аниқ ёки тахминий ўлчаш зарурати туфайли юзага келган. Тил тараққиёти натижасида квантитативлик маъносини ифодаловчи янги лексемалар шаклланиб боради.

Квантитативлик категорияси тилда локаллик, темпораллик, субстанционаллик каби бошқа категориялар билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Масофа, узунлик, кенглик, баландлик, ҳажм, майдон кабиларни ўз ичига жамлаган “макон” тушунчаси миқдорий тавсиф асосида аниқлашади, ёрқинроқ ифодаланади. Макон эса локаллик категорияси билан боғлиқ бўлиб, у миқдорий тавсиф бўлмаса, яланғоч ва қуруқ категория ҳисобланади.

Умумий маънога эга бўлган турли сатҳ бирликларини комплекс анализ қилиш ушбу бирликларни грамматик-лексик ёки функционал-семантик майдон сифатида ўрганишга асос бўлди. Миқдор сон, миқдор равиши, миқдор олмошларининг мазмун мундарижасида миқдор семаси бўлгани учун матн таркибида бири ўрнида бошқаси алмашиб келиши мумкин. Алмашган ҳолатда турли мазмуний ўзгаришлар рўй беради, лекин уларни трансформация қилиш

мумкин: Ҳар қандай ўқувчи ўз вазифасини бажаради. Ҳамма ўқувчи ўз вазифасини бажаради.

Сон жиҳатдан қарама-қаршилик табиатда ҳам, тилда ҳам бир-кўп чизиғида эмас, нол-нолдан кўп чизиғида боради. Микдорий меъёрни куйидаги тартибда кўрсатиш мумкин: куйи меъёр-меъёр-юқори меъёр. Масалан: томмоқ-оқмоқ-шарилламоқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, квантитативлик тасниф қилиш хусусиятига эга бўлган инсон тафаккурининг мураккаб маҳсули ҳамда ранг-баранг шаклларда намоён бўлувчи, тилнинг ҳар қандай сатҳида фаол амал қилувчи кенг қамровли категориядир. Микдорийлик қобиғи турли ривожланган тилларда ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради. У тил структурасининг барча асосий сатҳларига дахлдор: лексика, сўз ясалиши, морфология, фонетика, синтаксис. Тилшуносларнинг квантитативлик категориясига нисбатан билдирган фикрлари ҳамда бу категорияни таснифлаш бўйича қилган таклифлари турлича. Квантитатив методлар, айниқса, статистика тилшуносликда аллақачон ўзининг мустақам ўрнини эгаллаган. Квантитатив анализ тил ҳодисаларини аниқ ва атрофлича тадқиқ қилиш имкониятини беради, шу билан бирга, тил бирликларини тартибли жойлаштириш, тўғри ўринлашувига эришишга кўмаклашади.

Умуман, предмет моҳиятини англашда микдорий белги сифатий белги билан баробар аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. Булыгина Т.В., Шмелев А.Д. Механизмы квантификации в русском языке и семантика количественной оценки// Референция и проблемы текстообразования. –М., 1988. –С.60.
2. Панфилов В.З. Категории мышления и языка. Становление и развитие категории количества в языке// Вопросы языкознания, 1971.-N 5, С.3-19.
3. Панфилов В.З. Философские проблемы языкознания. –М., 1977. N 2. –С.245.
4. Потапова М.Д. Категории числа в свете понятия множества// Серия лит. и яз., Т.42. 1983. N2/ -С.130-141.
5. Тимофеев И.С. Методологическое значение категорий «качество» и «количество». –М., 1972. –С.22.

Муҳаммадалиева М., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АЙРИМ ЯНГИ КАСБ-ҲУНАР НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, ислохотлар ва янгиланишлар таъсирида ўзбек тилининг

луғавий таркибидаги бошқа маъновий гуруҳлар каби касб-ҳунар номлари мавзуй гуруҳи янги луғавий бирликлар билан бойиди. Сўнги йилларда тилимизга кириб келган *брокер, маклер, бизнесмен, дилер, блогер, имижмейкер, маркетинг, нанотехнолог, веб-услугачи, веб-дизайнер, логист-нақлиётчи, пайнетчи, дастурчи* каби касб номлари фикримиз далилидир.

Брокер сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида “фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма” маъносида ишлатилади. Брокерлар миждоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик қилгани учун томонларнинг келишувига кўра, биржа қўмитаси жорий этган такса (қатъий баҳо)га мувофиқ, олди-сотдининг муайян фоиз миқдорида ҳақ олади.

Маклер немисча сўз бўлиб, *воситачи, даллол* деган маънони англатади. Ҳозирги ўзбек тилида фонд, товар ва валюта биржаларида тузиладиган келишувларда даллол; пулли воситачилик хизматларини амалга оширувчи ишбилармон.

Бизнесмен касб-ҳунар номи инглизча *бизнесмен* сўзидан олинган бўлиб, даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи шахсга нисбатан қўлланади.

Маркетинг – бозор бўйича мутахассис. Моҳиятига кўра бозор маконида кечадиган жараёнларни кузатувчиси. Маркетинг айти вақтда қандай товар ва хизматларга талаб юқори ёки ўсиб бормоқда, қайсиларига эса чегараланган ёки умуман талаб йўқлигини аниқлаш вазифасини бажаради. Сўнгра иложи борица кўпроқ турғун харидор-истеъмолчиларни жалб қилиш учун нималар қилишни, яъни ўз товар ва хизматларини қай тарзда бозорга олиб чиқиш ҳамда харидорлигини таъминлашга қўмаклашиш каби вазифаларни бажаради.

Блог – инглиз тилидаги веблог сўзларидан ясалган бўлиб, “*интернет-журнал, ҳодиса, интернет-кундалик, онлайн-кундалик*” деган маъноларни англатади. Аввалига блог *шахсий онлайн кундалик* сифатида қабул қилинган. Одамлар ўз фикрлари, бирор воқеа ёки ҳодисага нисбатан муносабатини бошқалар билан мунтазам бўлишиб борган. Бугунга келиб *блог* тушунчаси анча кенгайди, матн, тасвир ёки мултимедиани ўз ичига олган, мунтазам ёзувлар қўшиб бориладиган веб-сайт назарда тутилади.

Блогнинг қуйидаги турларини санаб ўтиш мумкин: *матнли блог* (Ўзбекистонда ҳозирча энг оммалашгани), *фотоблог, артблог* (Раис бува каби блог муаллифи чизган расмлардан иборат), *музикавий блог, видеоблог, микроблог*. Кўриниб турибдики, блогда ҳар қандай кўринишдаги материал, файл ва маълумотларни жойлаштириш мумкин. Бу блогер танлаган йўналишга боғлиқ, истаса ҳамма турларини қориштириб юбориши ҳам мумкин, чунки блог учун ҳеч қандай қатъий қоида, шаблон ёки мезонлар йўқ.

Блогер – блог юритувчи шахс. У юритаётган блогни кичик газетага ўхшатиш мумкин. Фақат унинг штатида биргина мухбир – блогер бор. У бирвақтнинг ўзида ҳаммуаллиф, ҳаммуҳаррир, ҳамсаҳифаловчи. У СММ, СЕО, дизайнерлик, дастурчилик, фото ва видеолар монтажчиси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Тил лексикасининг бойиши ва тараққиётида сўз ясаш энг муҳим омилдир. Бу касб-хунар номларида ҳам ёрқин кузатилади.

1. *Пайнет* – Ўзбекистонда амал қилувчи электрон тўлов қабул қилиш тизимидир [<https://uz.m.wikipedia>].

Пайнет сўзига -чи касб-хунар номларини ясовчи қўшимчани қўшиш орқали “*турли хил электрон тўлов қабул қилиш ишини амалга оширувчи шахс*” маъносини англатадиган *пайнетчи* касб-хунар номи юзага келди ва ҳозирги кунда фаол қўлланмоқда.

Истиқлол даври лексикасида янги маъно касб этган сўзлардан бири *дастурдир*. Программа сўзининг муқобили сифатида тилимизда фаоллашган мазкур сўз кейинги йилларда “*компьютер, ноутбук, планшет каби электрон қурилмаларнинг ишлашини таъминлайдиган, шундай электрон қурилмалар учун ишлаб чиқилган йўриқнома*” маъносига эга бўлади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *дастур* сўзининг қуйидаги икки маъноси берилган:

1. Муайян мақсад, иш-ҳаракат ёки тадбирнинг олдиндан белгилаб чиқилган йўл-йўриғи, уни амалга оширишнинг тартиби, қонун-қоидаси; программа. *Соғлом авлод дастури*.

2. Бажариладиган тадбирлар тартиби, қилинадиган ишлар рўйхати. *Анжуман дастури*.

2. Сўзнинг учинчи маъноси сифатида эса “*компьютер, ноутбук, планшет каби электрон қурилмаларнинг ишлашини таъминлайдиган, шундай электрон қурилмалар учун ишлаб чиқилган йўриқнома*”ни кўрсатиш мумкин. Албатта, мазкур маъно кейинги йилларда тилда барқорорлашгани боис уни изоҳли луғатнинг кейинги нашрларида акс эттириш лозим [Одилов, 2016: 10-11].

Дастур сўзига -чи шахс оти ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали “*компьютер, планшет, телефон каби қурилмалар учун дастурлар яратувчи мутахассис*” ҳамда “*компьютер, планшет, телефон каби қурилмаларга маълум бир дастурларни ўрнатиш билан шуғулланувчи киши*” маъноларини англатадиган *дастурчи* ясалмаси юзага келди ва айти сўз юқоридаги маънолар ифодаси сифатида истифода этилмоқда. Масалан, *Жумладан, олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида “БестСофт Чалленге” дастурчилар танлови голиблари тақдирланди*. (Маърифат, 2015, 16 сентябрь)

Имиджмейкер (инг.) – муайян шахслар, ташкилотлар, партиялар машҳурлиги ва обрўсини янада ошириш мақсадида ташкилотлар, реклама ва

пиар компаниялар имиджини яратиш бўйича мутахассис [Маркетинг терминлари изоҳли луғати, 2012: 165].

Имижмейкер – имиж ясовчи, инсоннинг ташқи кўриниши қиёфаси устида иш олиб боровчи. Назарий жиҳатдан имижмейкер комил “қиёфа” моделини яратади. Имижмейкер хизматидан асосан сиёсатчилар ўз кучига ишонмаганда ёки ўзини ёқимсиз кўринишли сиёсатчи деб ҳисоблаганда фойдаланилади. Сиёсий имижмейкер хусусий реклама мутахассисларидан келиб чиққан.

Нанотехнолог – нанотехнология мутахассиси, олими. Нанотехнолог атом ва атомлар гуруҳидан махсус мосламалар ёрдамида инсон учун керакли бўлган нарсаларни яратиш билан шуғулланувчи касб эгалари. Масалан, *Муслима нанотехнолог “бактериялар мулоқоти”ни тинлашга*

Маркетинг (инг. market – бозор, бозордаги ҳаракат, фаолият) – корхонанинг товарлар ишлаб чиқариш ва сотишини ташкил этиш ҳамда бошқариш шакли. *Маркетинг* термини тарихий-этимологик жиҳатдан инглизча *marker* – бозор сўзидан олинган бўлиб, бозор ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш ва олдиндан баҳолаш асосида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу тариқа яхши фойда топишни уюштириш маъносида қўлланади [Маркетинг терминлари изоҳли луғати, 2012: 238].

Истиқлол йилларида тилимизга маркетинг соҳаси билан шуғулланувчи *аудитор, бизнесмен, брокер, аутсайдер, диллер, маклер, имиджмейкер, маркетинг* касб номлари кириб келди ва фаол қўлланмоқда.

Аудитор – фирма, компания, акциядорлик жамиятларининг молия-хўжалик ҳолатини шартнома асосида тартибга келтирувчи шахс.

Бизнесмен (инг. *Businessmen*) – бизнес билан шуғулланувчи шахс. Манбаларда *бизнесмен* ўрнида *корчалон, тадбиркор, коммерсант* атамалари ҳам қўлланади.

Бизнесмен касб номи инглизча *бизнесмен* сўзидан олинган бўлиб, даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи шахсга нисбатан қўлланади.

Брокер (инг. *Broker*) – харидорлар ва сотувчиларни бир жойда юзлаштирувчи мустақил воситачи [Маркетинг терминлари изоҳли луғати, 2012: 93].

Брокер сўзи тарихий-этимологик манбасига кўра инглизча бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида *фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллолик) қиладиган айрим шахс ёки фирма* маъносида ишлатилади. Брокерлар мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик қилгани учун томонларнинг келишувига кўра, биржа қўмитаси жорий этган такса (қатъий баҳо)га мувофиқ, олди-сотдининг муайян фоизи миқдорида ҳақ олади.

Брокернинг *аутсайдер*, *онлайн брокер* каби турлари ҳам бор.

Аутсайдер – биржа аъзоси саналмайдиган брокер [Маркетинг терминлари изоҳли луғати, 2012: 34].

Онлайн брокер – интернет орқали ўз хизматларини тақдим қиладиган брокер.

Дилер инглизча бўлиб, *биржа даллоли* деган луғавий маънони англатади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *дилер* сўзи қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Товарлар (маҳсулот) олди-сотдиси билан шуғулланувчи, ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобидан ҳаракат қилувчи жисмоний шахс.

2. Қимматбаҳо қоғозлар, валюталар, қимматбаҳо металллар олди-сотдиси билан шуғулланувчи, ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобидан ҳаракат қилувчи фонд биржаси аъзоси, жисмоний ёки юридик шахс [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2008: 615].

Маклер немисча бўлиб, *воситачи*, *даллол* деган маънони англатади. Ҳозирги ўзбек тилида фонд, товар ва валюта биржаларида тузиладиган келишувларда даллол; пулли воситачилик хизматларини амалга оширувчи ишбилармон. Бизнингча, *маклер* ўрнида *даллол* сўзини қўллаш ҳам мумкин.

Имиджмейкер (инг.) – муайян шахслар, ташкилотлар, партиялар машҳурлиги ва обрўсини янада ошириш мақсадида ташкилотлар, реклама ва пиар компаниялар имиджини яратиш бўйича мутахассис [Маркетинг терминлари изоҳли луғати, 2012: 165].

Маркетолог – бозор бўйича мутахассис. Моҳиятига кўра бозор маконида кечадиган жараёнларни кузатувчиси. *Маркетолог* айти вақтда қандай товар ва хизматларга талаб юқори ёки ўсиб бормоқда, қайсиларига эса чегараланган ёки умуман талаб йўқлигини аниқлаш вазифасини бажаради. Сўнгра иложи борича кўпроқ турғун харидор-истеъмолчиларни жалб қилиш учун нималар қилишни, яъни ўз товар ва хизматларини қай тарзда бозорга олиб чиқиш ҳамда харидорлигини таъминлашга қўмаклашиш каби вазифаларни бажаради.

Адабиётлар

1. <https://uz.m.wikipedia>.
2. Одилов Ё. Ахборот-коммуникация лексикасидаги маъновий ўзгаришлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. №5. – Б.10-11.
3. Маркетинг терминлари изоҳли луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар / Масъул муҳаррир: Баҳодир Эргашев. – Тошкент: Sharq, 2012. – 512 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 1-жилд. – 679 б.

Маматов А., профессор
(Ўзбекистон)

АДАБИЙ НОРМАНИНГ АСОСИЙ МЕЗОН ВА БЕЛГИЛАРИ

Тил нормасининг моҳиятини аниқлашда унинг асосий мезон ва белгилари ҳақида тўхталмасдан бўлмайди, аксинча, норма ҳақидаги келтирилган фикрлар куруқ гапдан бошқа нарса бўлмай қолади. Ҳозирги замон тилшунослигида адабий норманинг сифатий белгилари ва мезонлари тўғрисида турли фикрлар баён қилинган.

Масалан, тилшунос Е.С.Истрина манбаларнинг нуфузлилиги норманинг асосий белгиси деб уқтиради ва шундай ёзади: “Норма манбаларнинг нуфузлилиги шароитида тил бирликларининг қўллаш даражасига қараб аниқланади. Умуман олганда, нима кўп қўлланилса, ана ўшанинг ўзи тил нормасини ташкил қилади” (Истрина, 1948: 16). Мюнхен университетининг профессори К.Фосслер норманинг мезонларидан бири – бу нутқни индивидуал фахмлаш, нутқ дидини сеза билиш (“чуства вкуса”) (Фосслер, 2001: 73), деб ҳисоблайди.

Адабий норманинг мезон ва белгиларини аниқлашга қаратилган баъзи ишларда адабий тилни ишлов берилган, сайқалланган, амалиётда синалган, синовдан ўтказилган, барқарор, жамият томонидан англланган ва эгалланган, шунингдек, тан олинган нормалар системасидан иборат деб таърифланган. Тилшунос А.Ҳожиёвнинг фикрича, ишланганлик, сайқал берилганлик, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи белгилари нормага мезон бўла олади (Ҳожиёв, 1985:34).

Адабий норма муаммосига бағишланган ишларда адабий норманинг бири-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки, эстетик ва миқдорий мезонлари фарқланади. Бундан ташқари тадқиқотчининг нуқтаи назаридаги юқори даражадаги частоталик, ёзма манбалардиги юқори даражадаги частоталик, тил ҳодисаларининг бадий адабиётда қайта тикланишлари каби мезонлар норманинг хусусиятларига киритилади,

Бунга ўхшаш норманинг миқдорий ва юқори частоталик мезонларини бошқа ишларда ҳам кузатамиз. Масалан, К.Б.Бектоев ва Р.Г.Пиотровскийлар (Бектаев, Пиотровский др,1973:184) ўз тадқиқотларида тил фактларининг нормативлигини аниқлашда статистик мезонни етакчи омил деб ҳисоблайдилар, Р.Р.Каспранский эса норма учун кенг тарқалганлик ва стандартлик мезонлари хос, деган хулосага келади (Каспранский, 1986: 96).

Шуни қайд қилиш керакки, статистик мезоннинг ўзи олимлар томонидан турлича талқин қилинади ва тушунилади. Баъзи ҳолатларда тил ҳодисаларининг тез-тез қайталаниши жараёнини билдирса, жуда кўп ҳолларда кенг тарқалганлик, яъни кўпчилик кишилар нутқида узлуксиз қўлланиш, деган маънони беради. Бу ҳолларда тил бирликларининг статистик белгиси нуфузлилик тушунчаси билан уйғунлашиб кетади. Нуфузлилик эса тил

жамоаси томонидан маъқулланиб, баҳоланган бўлади, шунинг учун ҳам нуфузлилик нормативликнинг асосий мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тил бирликларининг нормага муносабатини аниқлашда статистик мезоннинг камчилигини, заифлигини тилшунос К.С.Гарбачевич шундай изоҳлайди: “Баъзи тадқиқотчилар адабий тил нормасининг муҳим белгиси тил бирликларининг қўлланиш даражасидир деб ҳисоблайдилар, яъни соф миқдорий омил. Албатта, нормани аниқлашда бу белгини назарда тутиш жуда муҳим, лекин ўз-ўзидан маълумки, нутқ ҳодисаларининг кенг тарқалганлиги белгиси уларнинг нормативлигини белгилайдиган ишончли кўрсаткич эмас” (Горбачевич, 1971: 86). С.И.Ожегов эса тил нормаси бу статистик ҳодиса эмас, балки норма тил учун типик ҳодисадир деб, шундай ёзади: “Тил нормаси – бу статистик ҳодиса эмас, чунки тилда кенг тарқалган ва тез – тез такрорланиб турувчи бирликлар хато бўлиши ҳам мумкин. Тил нормаси фақат кенг тарқалган, одатдаги тил бирликлари эмас, балки биринчи навбатда, маълум ижтимоий–тарихий ҳодисаларнинг моҳиятига мос келувчи типик ҳодисадир. Шунинг учун ҳам тил нормасини қандайдир статистик оралиқ деб қараш асло мумкин эмас” (Ожегов, 1974: 223).

К.С.Гарбачевичнинг фикрича, тил моделларига мувофиқлик мезони нормативликни ҳал қилувчи ва асосий белгисидир, ижтимоий нуфузлилик эса норманинг иккинчи даражали белгиси ҳисобланади. Шу билан бирга К.С.Горбачевич тил ҳодисаларининг миқдорий баҳоланиши имкониятларини инкор қилмайди, лекин кенг тарқалганлик нормативликнинг белгиси бўлмайди, балки нормативликдан дарак берувчи белги (симптом)дир деб ҳисоблайди (Горбачевич, 1971: 116). Айтилганлардан ташқари К.С.Горбачевич яна адабий норманинг умумий тарқалганлиги, мажбурийлиги, қўлланувчанлиги, одатийлиги ёки кўникилганлиги ҳамда маданий – эстетик нуқтаи назардан мақбуллиги мезонларини ҳам келтиради.

Э.Бегматов ва А.Маматовлар эса “Адабий норма максимал турғунликка эгадир. Нормадаги бу хусусият консерватив бўлишга олиб келади. Турғунлик, максимал барқарорлик, традиционлик ва консерватизм норманинг жамият аъзолари ўзаро фикр алмашиши учун имкон берувчи муҳим шартидир”, – деб ёзадилар (Бегматов, Маматов, 2001: 112). Бу билан улар норманинг турғунлик, барқарорлик, анъанавийлик ва консервативлик мезонларини аниқлайди ҳамда адабий норманинг традицион ҳодиса эканлигини эътироф этадилар.

Баъзи ишларда адабий норманинг қўшимча мезонлари фарқланади, яъни зарурийлик, онгли йўналтирилгинлик, маълум намунали манбага таянганлик ва махсус белгиланганлик, тилнинг ривожланиш тенденцияларига мувофиқ келиш ва яроқлилик мезонларини фарқлайдилар. Жуда кўп ишларда адабий норманинг стабиллиги, онгли бошқарилиши, мажбурийлиги, танланганлик, тушунилган бўлишлиги мезонлари қайд этилади. Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда нормативликнинг яна бир неча анъанавий мезонини фарқлаш мумкин: 1) тил ҳодисаларининг кенг тарқалганлиги, 2) тил

системаси имкониятларининг мос келиши, 3) тил бирликларининг умумхалқ томонидан ижобий баҳоланганлиги ва умумжамоа томонидан маъқулланганлиги мезонларидир.

Шуни унитмаслик керакки, тил ходисаларининг кенг тарқалганлик мезони ҳар доим ҳам маъқул бўлавермайди, чунки (оғзаки) нутқда жуда кам учрайдиган тил элементлари ҳам бор, лекин бу бирликлар нормага зид бўлмаслиги мумкин.

Тил системаси имкониятларининг мувофиқ келиши шундаки, бу мезон сўзловчиларнинг сеза олиш қобилиятига асослангандир, шу боисдан ҳам бу мезон унчалик катта аҳамият касб этмайди.

Оғзаки нутқда энг тўғри ва нуфузлиси бу адабий тилда гаплашувчилар нутқидир. Юқорида баён қилинган фикрлар асосида оғзаки нутқ нормативлигини аниқлашда яна икки мезонни фарқлаш мумкин: 1) маълум тил бирликларининг адабий тилда сўзловчилар нутқида қўлланилиши.

Ф.П.Филин адабий норманинг муҳим хусусиятларидан бири тартибга солиш, тўғрилаш мезонлари эканлигини қайд қилади ва қоидага солинган нормалар, яъни адабий норма ҳақида қоидаларни тартибга солинган нормалар атамаси билан махсус ажратади (Филин,1966:76). Айрим мақолаларда эса норматив воситаларнинг “тўғрилиги”, “мажбурийлиги” мезонлари ҳам мавжуд эканлиги қайд қилинган.

Айрим тилшунослар тилнинг ўзи ривожланиш жараёнида ўзгариб туришини назарда тутиб, адабий норманинг ҳам ўзгариб туришини англаган ҳолда, адабий норманинг ҳам ўзгариб турувчи категория эканлиги тасдиқласалар, бошқалари адабий норманинг турғунлиги, барқарорлиги нисбий эканлигини, бу турғунлик, барқарорлик жуда қатъий бўлмасдан, балки маълум маданий-эстетик шакл, ташқи кўринишларга эга эканлигини таъкидлайдилар. Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, уларнинг маъносини чақадиган бўлсак, ўз-ўзидан келиб чиқадики, ривожланувчанлик, яъни динамиклик мезони ҳам адабий нормага хос хусусиятлардан бири экан.

Жуда кўп илмий ишларнинг муаллифлари тилда вариант воситалар ва вариант ифода усуллари мавжудлиги ҳисобга олиб, адабий норманинг вариантдор ҳодиса эканлигини тасдиқлайдилар. Адабий норманинг онгли ишланганлик, маълум тартиб-қоидага солинганлик, қатъий регламентация қилинганлик, танланганлик, ёзувда мустаҳкамланганлик мезонлари унинг кодификацияланганлик белгисини ҳам келтириб чиқаради. Норма ва унинг кодификацияланганлигига бағишланган ишлар бу ҳодисанинг реал эканлигидан далолат бериб турибди.

Э.Косериунинг машҳур схемаси (система-норма-узус)га асосланиб, В.Г.Костомаров ва А.А.Леонтьевлар нормани психология ва лингвистика фанлари билан бир-бирига чоғиштириб ўрганадилар ва “коммуникатив мақсадга мувофиқлик” мезонини тавсия қиладилар. Бу мезонга биноан норма нутқий алоқанинг ҳар хил шароитида ўзгариб туради ва коммуникатив-стили-

тик мақсадга мувофиқлик вазифасини бажаради. Уларнинг фикрича: “Бадиий ифодаланишнинг тўғрилиги коммуникатив-стилистик мақсадга мувофиқлик вазифасини амалга оширади, бошқача айтганда, мазкур фикрнинг мувофиқлиги (шунингдек, боғлиқлик кучининг камайиши ҳар бир вазиятнинг, нутқ жанри, услуби, умуман фикрни кенг доирада қўлланилиши)дир” (Костомаров, Леонтьев, 1966: 71). Муаллифлар яна шуни таъкидлайдиларки, коммуникатив мақсадга мувофиқлик мезони тил ҳодисаларининг нормативлигини аниқлашда ва умуман нутқ маданияти соҳасида муҳимдир, чунки, аввало, тил кишилар ўртасида алоқа воситасидир, ҳар қандай алоқанинг эса мақсадга мувофиқ бўлиши табиий.

Э.Бегматов адабий тил нормаси ва унинг хусусиятларини аниқлашда рус тилшуносларнинг фикрларини чуқур илмий полемик тарзда таҳлил қилиб, адабий тил нормасини характерловчи қуйидаги энг муҳим 22 та белги ва мезонларни тартибга солган ҳолда жуда аниқ келтиради: адабий тил нормаси реал ва объектив, кодификацияланган, танланган ва баҳоланган, барқарор, консерватив, ривожланувчи (динамик), анъанавий изчил, типик, кенг ва умумтарқалган, яъни коллектив равишда қўлланадиган, вариантли, қатъий регламентация қилинган, услубий тармоқланган, ёзувда мустаҳкамланган, стандарт, намунали ва мўтабар, умумхалқий ва халқчил, кўпчилик томонидан онгли ўзлаштирилган, анланган ҳамда тан олинган, функционал зарур, маданий эстетик жиҳатдан баҳоланган, диалект ва шевалардан устун турувчи (наддиалектал) бўлишлигини қайд қилади (Бегматов, 1997: 65).

Юқорида келтирилган адабий норманинг ҳамма белги ва мезонларини унга тааллуқли, унинг асосий хусусиятлари деб тан олган ҳолда, биз уларнинг орасида энг муҳими тўрт мезон, яъни барқарорлик (стабиллик), ривожланувчанлик (динамиклик), қонунлаштирилганлик (кодификацияланган) ва муқобилдорлик (вариантдорлик) мезонлари деб биламиз, қолганлари эса қўшимча, яъни ана шу тўрт мезонни тўлдириб, мустаҳкамлаб борувчи, бу асосий мезонларнинг яшаш учун шароит яратувчи мезонлардир. Чунки қолганлари шу тўрт мезон негизида ётади ва уларнинг асосида намоён бўлади.

Ана шу фикрга асосланган ҳолда адабий тил нормасига биз қуйидагича таъриф берамиз: Адабий тил нормаси – бу кодификацияланган, барқарор, шу билан бирга доимо ривожланиб, ўзгариб турувчи (динамиклик), вариантдорлик хусусиятига эга бўлган, тил системаси томонидан йўл қўйилган тил ҳодисаларининг йиғиндиси ҳисобланиб, маълум тилда сўзловчилар нутқида танланиб олинган ва мустаҳкамланган, шунингдек маълум давр ичида адабий тилни мукамал эгаллаган кишилар учун умуммажбурий бўлган лисоний ҳодисадир.

Адабиётлар

1. Бегматов Э.А. Адабий норма ва нутқ маданияти. Тошкент: 1997.
2. Бегматов Э. А., Маматов А.Э. Адабий норма назарияси. 2- қисм Тошкент: 2001.

3. Бектаев К.Б., Пиотровский Р.Г. Математические методы в языкознании. Ч. II. Теория вероятности и моделирование нормы языка. Алма-Ата: 1973.
4. Головин Б.Н. Как говорить правильно. Горький: 1966.С.35.
5. Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка.Л.: 1971.
6. Истрина Е.С. Нормы русского литературного языка и культуры речи. М.-Л.:1948.
7. Каспранский Р.Р. К понятиям системк, нормк и стиля.// Теория и практика лингвистического описания разговорной речи. Горький: 1968.
8. Костомаров В.Г., Леонтьев А.А. Некоторые теоретические вопросы культуры речи.// Вопросы языкознания, 1966, №5.
9. Ожегов С.И. Лексикология.Лексикография.Культура речи.М.:1974
- Скворцов Л.И. Норма. Литературный язык. Культуры речи.// Актуальные проблемы культуры речи. М.: 1970.
10. Филин Ф.П. Несколько слов о языковой норма и культуре речи.//Вопросы культуре речи. Вып.VII. М.: 1986.
11. Фосслер К. К вопросу об отношении между “правильным” и “истинным”. М.: 1910.
12. Ҳожиёв А.П. Лингвистик терминлар изоҳли луғати.Тошкент:1985.

**Мамажоновна М., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

СИФАТИЙ ВА МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАР АЛОҚАДОРЛИГИ

Тилшунослар миқдор категориясини юзага чиқарувчи воситалари, миқдорийлик маънолари билан боғлиқ муаммоларни ўрганганлар. Бунда “миқдор” билан терминологик яқин тушунчалар сифатида куйидагилар ажратиб кўрсатилган: миқдор, миқдорийлик ва квантитативлик. Миқдор дейилганда саналиш ва ўлчаниш имконияти тушунилади, миқдорийлик – миқдор категориясига асосланган хусусиятдир, квантитативлик эса турли сатҳларда миқдорийлик мазмунига эга бўлган тушунчалар комплекси ҳақида тасаввурни юзага чиқарувчи мантикий-семантик категория ҳисобланади. Миқдорийлик мазмуни миқдор, сон, кўплик, қисқалик кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, квантитативлик маъноси тартиб, ўлчов параметрларига алоқадор тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Тилда дискрет кўплик кўпгина тилларда, хусусан, ўзбек тилида сон грамматик категорияси ёрдамида ифодаланади ва сон бирлик ҳамда кўплик асосида ҳосил қилинади. Бу орқали бинар оппозитивлик кўринади. Айрим тилларда, масалан, араб тилида дискрет кўплик тернар оппозитивлик асосида ифода қилинади: бирлик, иккилик ва кўплик. Шу ўринда айтиш зарурки, ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида бирлик ва кўплик ўртасида “оралиқ учинчи” ҳисобланган иккилик ҳам мавжуд бўлган, иккиликни кўрсатувчи

махсус грамматик шакл ҳам бўлган. Буни кўз, ёнок, дудок, эгиз сўзларида кўриш мумкин.

Квантитативлик белгисига эга бўлган предмет, ўз навбатида, сифатий белгига ҳам эга бўлади. Дискрет предметларнинг сифатий белгиси квантификацияни четлаб ўта олмайди, чунки муайян кўплик, жамлик, умуман олганда, миқдорийлик асосида сифатий белги ҳосил бўлади. Кўпчилик олимлар, хусусан, В.З.Панфилов, М.Пенчевалар сифат категориясини квантитативлик ҳақидаги билимни олдиндан белгилаб берувчи муҳим категория сифатида баҳолаганлар (Панфилов, 1971:3-19). Сифат категориясининг миқдор категориясига муносабати предметларнинг моҳияти билан боғлиқ. Предметларнинг сифатий белгилари турли дискрет кўпликни ўз ичига олади. Шунга мувофиқ, нарсаларнинг сифати ва миқдори ёнма-ён таҳлил этиб борилади.

Олим И.С.Тимофеевнинг фикрига кўра, сифатий ва миқдорий белгиларнинг муштарак ҳамда фарқли томонлари предметлар ранг-баранглигини кўрсатувчи масштаб билан боғлиқдир. Сифатий тафовут фақат кенгрок масштабда юзага чиқади (масалан, оқ-оқ эмас), миқдорий тафовут эса у ёки бу сифатнинг чегараларида мавжуд бўлади (масалан, маълум элементлар кўплигининг катта ёки кичик ҳажмда фарқланиши: оқ-оқиш). Сифатнинг мазмуний абстракциясида аниқ саналадиган бирликлар ажратилади, бунда дискрет кўпликни шакллантириш учун зарур бўлган белгилар муҳим ҳисобланади. Яъни “ҳисоб процедураси учун шарт-шароит нималар асосида яратилишини белгилаш зарур ёки нима билан санашдан олдин нимани санашни билиши лозимдир”(Тимофеев, 1972:22).

Ҳисоблаш ва сон туркуми тараққиёти натижасида (“битта-кўп”, “бир-бирдан ортик” тарзидаги зидланиш) дискрет квантитативлик ифодаланишидаги ўзининг биринчи даражали когнитив аҳамиятини йўқота бошлади. Дастлаб санок сонлар аниқ предметлар ҳисоби учун, кейинроқ дискрет кўпликни билдирувчи мавҳум предметларнинг экспликацияси учун ишлатила бошланди.

Дискрет квантитативлик ҳақида фикр юритилганда, алоҳидалик категориясини четлаб ўтиб бўлмайди. Алоҳидалик— миқдор ва кўплик тушунчасини шакллантирувчи дискрет квантитативликнинг ўзига хос муҳим хоссасидир. Негаки маълум дискрет кўпликни ҳосил қилувчи узвлар алоҳидалик сифатида олиб қаралади (Панфилов, 1977:245).

Алоҳидалик тушунчасини кенг ва тор маънода талқин этиш мумкин. Мазкур терминнинг тор маъноси муайян белги бўйича ўзаро ўхшаш бўлган, бир ёки бир турдаги предметлар, яъни дискрет кўплик узвларини билдиради (Потапова, 1983:130-141). Масалан, икки қиз, икки бола, бешта олма каби. Алоҳидалик тушунчасининг кенг маъноси кўпликни шакллантирувчи унсурларнинг умумий хоссаси билан боғлиқ бўлиб, бунда предметларнинг ўхшашлиги ёки бир хиллиги муҳим эмас, яъни у маълум предмет кўплигининг барча хусусиятларини қамраб олади. Масалан, тўртала одам (икки аёл ва икки

эркак). Демак, алоҳидалик тушунчасида дискрет кўплик унсурлари учун умумий бўлган белги мавжудми ёки йўқми деган масала аҳамиятсиз бўлиб қолади. Маълум кўплика тегишли бўлган унсурларнинг бир хил бўлишида улар орасидаги ўзига хос сифатий фарқланишларга эътибор берилмайди. Юқорида айтиб ўтилган “тўрт одам” бирикмасида ифодаланаётган кўплик ва миқдор маъноси муҳим, бу ўринда уларнинг сифатий тафовути (яъни эркак ва аёллиги) аҳамиятсиз ҳисобланади.

Дискрет квантитативлик категорияси макон ва замон тушунчалари билан ҳам узвий алоқадор. Кўпликни шакллантириш учун, уларнинг квантификацияси ва дискретлигини кўрсатиш учун макон ва замон ифодасига ҳам эҳтиёж сезамиз. Квантитатив белгини шарҳлашда макон ва замон аспектининг мавжудлиги замон ва макон фалсафий категорияларига асосланишни тақозо қилади. Бу хусусда Т.В.Булыгина ҳамда А.Д.Шмелевлар шундай ёзади: “Ҳар қандай тилда гапнинг макон ва замон локализацияси шакллантирилади” (Булыгина, 1988:60).

Замон ва макон категорияларининг когнитив тавсифи уларнинг ўзаро алоқадорлигида кўринади ва бутун гапни эгалловчи ягона суперкатегория— макон-замон локализациясини юзага чиқаради.

Динамик аспект асосида субстанциал миқдор ҳақида фикр юритилганда фақат аниқ миқдорларни эмас, балки жараён билан боғлиқ бўлган процессуал миқдорни ҳам назарда тутиш лозим. Бунда вақт ўқи билан боғлиқ равишда даражаланувчи миқдорий ўзгариш маъносини ифодаладиган сўзларни ҳам эътиборга олиш лозим. Масалан, иккилантирмоқ, кенгайтирмоқ, кўпайтирмоқ, камайтирмоқ, қисқартирмоқ, қўшмоқ каби.

Ҳисоблаш операциялари (амаллари) — қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш кабиларнинг тилда ифодаланиши соф миқдорни ва динамик аспекти англатади. Дискрет квантитативликнинг динамик аспекти турли синтактик қурилмалар ёрдамида аниқроқ ифодаланади: иккига иккини қўшилса, тўрт бўлади. Олтидан икки айирилса, тўрт бўлади. Иккига уч кўпайтирилса, олти бўлади.

Квантитатив белги тил сатҳлари ўртасида энг кенг тарқалган таснифловчи белгилардан ҳисобланади. Квантитатив белгини муайян сатҳ бирликларини ажратишда ёхуд ўзаро қиёсланувчи сатҳларнинг бирликлари орасидаги ўхшашлик ҳамда фарқларни белгилашда муҳим критерий сифатида қўллаш мумкин. Квантитатив белги тил воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда, айрим товушдан тортиб бутун бир матнлар орқали ҳам ифода қилиниши кузатилади. Баъзан миқдорий белги тил воситалари таҳлилида ифода плани орқали умуман сезилмасдан, фақатгина мазмун планини чуқур таҳлил этилганда намоён бўлиши ушбу категориянинг мураккаб ва нозик қирраларидан бири саналади.

Квантитативлик тилда нарсалар, одамлар, моддалар, масофа кабиларни аниқ ёки тахминий ўлчаш зарурати туфайли юзага келган. Тил тараққиёти натижаси-

да квантитативлик маъносини ифодаловчи янги лексемалар шаклланмоқда.

Квантитативлик категорияси тилда локаллик, темпораллик, субстанционаллик каби бошқа категориялар билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Масофа, узунлик, кенглик, баландлик, ҳажм, майдон кабиларни ўз ичига жамлаган “макон” тушунчаси миқдорий тавсиф асосида аниқлашади, ёрқинроқ ифодаланади. Макон эса локаллик категорияси билан боғлиқ бўлиб, у миқдорий тавсиф бўлмаса, яланғоч ва қуруқ категория ҳисобланади.

Умумий маънога эга бўлган турли сатҳ бирликларини комплекс анализ қилиш ушбу бирликларни грамматик-лексик ёки функционал-семантик майдон сифатида ўрганишга асос бўлди. Миқдор сон, миқдор равиши, миқдор олмошларининг мазмун мундарижасида миқдор семаси бўлгани учун матн таркибида бири ўрнида бошқаси алмашиб келиши мумкин. Алмашган ҳолатда турли мазмуний ўзгаришлар рўй беради, лекин уларни трансформация қилиш мумкин: Ҳар қандай ўқувчи ўз вазифасини бажаради. Ҳамма ўқувчи ўз вазифасини бажаради.

Сон жиҳатдан қарама-қаршилик табиатда ҳам, тилда ҳам бир-кўп чизиғида эмас, нол-нолдан кўп чизиғида боради. Миқдорий меъёрни қуйидаги тартибда кўрсатиш мумкин: қуйи меъёр-меъёр-юқори меъёр. Масалан: томмоқ-оқмоқ-шарилламоқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, квантитативлик тасниф қилиш хусусиятига эга бўлган инсон тафаккурининг мураккаб маҳсули ҳамда ранг-баранг шаклларда намоён бўлувчи, тилнинг ҳар қандай сатҳида фаол амал қилувчи кенг қамровли категориядир. Миқдорийлик қобиғи турли ривожланган тилларда ўзининг серкирралиги билан ажралиб туради. У тил структурасининг барча асосий сатҳларига дахлдор: лексика, сўз ясалиши, морфология, фонетика, синтаксис. Тилшуносларнинг квантитативлик категориясига нисбатан билдирган фикрлари ҳамда бу категорияни таснифлаш бўйича қилган таклифлари турлича. Квантитатив методлар, айниқса, статистика тилшуносликда аллақачон ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаган. Квантитатив анализ тил ҳодисаларини аниқ ва атрофлича тадқиқ қилиш имкониятини беради, шу билан бирга, тил бирликларини тартибли жойлаштириш, тўғри ўринлашувига эришишга кўмаклашади.

Умуман, предмет моҳиятини англашда миқдорий белги сифатий белги билан баробар аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. Булыгина Т.В., Шмелев А.Д. Механизмы квантификации в русском языке и семантика количественной оценки// Референция и проблемы текстообразования. –М., 1988. –С.60.
2. Панфилов В.З. Категории мышления и языка. Становление и развитие категории количества в языке// Вопросы языкознания, 1971.-N 5, С.3-19.
3. Панфилов В.З. Философские проблемы языкознания. –М., 1977. N 2.–С.245.

4.Потапова М.Д. Категории числа в свете понятия множества// Серия лит. и яз., Т.42. 1983. N2/ -С.130-141.

5.Тимофеев И.С. Методологическое значение категорий «качество» и «количество». –М., 1972. –С.22.

*Мавлонова Ў., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

КИНОЯНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Киноя ходисаси ўзига хос маъноси ва уни амалга ошириш воситаси сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларида тилшуносликнинг турли соҳаларида бир неча бор тадқиқот объектига айланиб улгурди. Киноянинг энг муҳим таърифи бу маъно шаклларида бирида тақдим этилишидир, бунда одатда, шакли ва мазмуни ўртасидаги асимметриянинг акси сифатида ёки мазмун режасини ифода режаси билан тўлиқ қамраб олмаган ҳолда кўриб чиқилади. Киноя бу нутқнинг шундай шаклики, унда сўзларнинг мўлжалланган маъноси уларнинг ҳақиқий маъносидан фарқ қилади. Бу, умуман олганда, кутилганидан анча бошқача тарзда тугайдиган ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Оддий қилиб айтганда, бу ташқи кўриниш ва ҳақиқат ўртасидаги фарқ **(Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.)**

Кишилар кўпинча суҳбатдан кўнгиш ёзиш ёки умуман бировга масхараомуз қилиб гап едириш учун киноядан фойдаланадилар. Киноя ишлатилган сўзларнинг аниқ маъноли мақсадидан ташқари ифодаланган келишмовчилик ёхуд зиддиятни англатадиган риторик восита ёки адабий усул, ёки вазиятдир.

Киши ўзи айтмоқчи бўлган нарсага умуман қарама-қарши нарсани мулойимлик билан аниқ айтганда оғзаки киноя содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари, томошабинлар нима юз бераётганини аниқ билган ҳолда, қаҳрамонлардан бири атрофда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлмаса, бу драматик киноя бўлиши мумкин; ушбу концепция кўпинча драмалар билан боғлиқ. Ҳақиқий натижа аслида кутилганга қарама-қарши бўлиб чиқса, вазиятли киноя содир бўлади.

Қандай грамматик жиҳат бўлишидан қатъи назар, киноя, истехзо мунтазам мулоқотнинг ажралмас қисмига айланди. Келинг, ушбу концепцияни яхшироқ тушунишингизга ёрдам берадиган бир нечта кинояга оид мисолларни кўриб чиқайлик:

Доктор давоси йўқ касалликка чалинди *(Аслида бу касб эгасининг ўзи касалларни даволайди)*.

Ўт ўчирувчилар биноти ёниб кетди *(Ўт ўчирувчиларнинг вазифаси биноларни ёнгиндан сақлаш бўлса-да, ўзининг биноти ёниб кетган)*.

Қассобхона эгаси вегетариан *(Бу касб эгаси ўзи гўшт сотади, лекин ўзи умуман гўшт истеъмол қилмайди)*.

Этикдўзнинг оёғидаги пойафзали йиртилган эди (*Аслида унинг ўзи оёқ кийимларини ямайди*).

Луғатдаги “қисқа” сўзининг изоҳи жуда ҳам узун еди.

“Вафодорингман” кўшиғини куйлаган кўшиқчи аёл аслида уч марта турмушга чиққан (*Кўшиқчининг куйлаган кўшиғи билан қилган амали тўғри келмайди*).

Парашютда юқоридан сакраган учувчи кўрқувдан юрагини ҳовучлаб, кўм-кўк майсалар устига тушди (*Аслида баланд фазода фаолият бажарадиган кишининг сакрашдан кўрқиши мантиққа тўғри келмайди*).

Мия тадқиқотлари шуни кўрсатадики, одамларнинг атиги йигирма фоизда киноя туйғуси бор, демак, дунёнинг саксон фоизи ҳамма нарсани асл қиймати билан қабул қилади.-Doug Coupland (*Tulika Nair. Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day*).

Киноя кўп йиллар давомида нутқда, санъатда ва кундалик ҳаётда ишлатилган адабий усул ва риторик воситадир. Гарчи киноя узоқ вақтдан бери ишлатилган бўлса-да, шу ўтган йиллар давомида унга оид аниқ таърифлар мавжуд эмас эди, аммо умумий келишув қуйидагича: Киноя— бу қутилган ва аслида содир бўладиган нарсалар ўртасидаги зиддият ёки номувофиқлик бўлган нутқ шакли.

Чунончи, ушбу атаманинг ўзига хос маъноси ҳақида кўпинча келишмовчиликлар мавжуд бўлса-да, киноя таърифларининг аксарияти шу йўналишлардаги бирор нарса бўлиб ҳисобланади. Оддий киноя таърифини баён қилиш бироз чўчитиб қўйиши мумкин. Бу жуда ҳам катта тушунча, аммо кинояни учта катта асосий тоифага ажратиш мумкин. Биз мазкур учта асосий киноя турларини ҳар бирини аниқлаймиз ва пьесалар, қисса, эссе ва шеърлардан унинг турларига мисоллар келтирамиз.

Демак, киноянинг учта тури мавжуд: оғзаки, вазиятли ва драматик. Оғзаки киноя бу сўзларни инсоннинг аслида айтадиган сўзларидан фарқли маънода ишлатишдир. Оғзаки киноя, гапирувчининг нияти у айтаётган нарсага тескари бўлганда содир бўлади. Масалан, кўчада чанг-тўзонни кўриб, "Қандай ажойиб об-ҳаво!" деганда кузатилади (чанг-тўзонли об-ҳаво ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмаган ёхуд ажойиб бўлмаган. Бунда сўзловчи ўзи айтганига тескари об-ҳавони назарда тутди).

Оғзаки истехзонинг уни бошқа турдаги киноялардан ажратиш турадиган асосий хусусияти шундаки, у сўзловчи томонидан атайлаб ишлатилади. Бу суҳбат давомида юзага келади, бу ерда киши ўз сўзлари асл маъносидан тўғридан-тўғри фарқ қиладиган маънони тушунтиришга интилади. Оғзаки истехзога қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

“Катта раҳмат сизларга! Ҳеч қайси жадвал тўлиқ тўлдирилмаган, қандай қилиб мен ҳозир буни бошлиққа топшираман?” (ҳеч бир ишни қойил қилмаганларга раҳматнинг айтилиши).

Юқоридаги мисолда кишининг кўрқуви ёки умидсизлигини ифодалаш учун киноя ишлатилган. Оғзаки киноя икки хил ҳолатда:

- Ортиқча баҳолаш – одам бирор нарсанинг моҳиятини бўрттириб кўрсатганда;

- Тушунмовчилик – одам бирор нарсанинг хусусиятига путур етказганда юзага келади (<http://typesofirony.com/#google>).

Аксарият ҳолларда истехзо ва оғзаки киноя бир-бирининг ўрнида ишлатилади. Бироқ, иккаласи ўртасида аниқ фарқ бор. Истехзо кўпгина ҳолларда кимнидир ҳақорат қилиш ёки хафа қилиш учун ишлатилади: "Шу ҳам санъат асарими?" – деди у заҳархандалик билан. Оғзаки киноя аслида тилга олинган нарсанинг тескари маъносини назарда тутса, истехзо эса асосан хафа қилиш учун мўлжалланган қаттиқ ва тўғридан-тўғри баёнот сифатида ишлатилади.

Вазиятли киноя нима содир бўлиши кутилган ва ҳақиқатда нима содир бўлиши ўртасидаги номувофикликни ўз ичига олади. Мисол учун, кимдир ўзини ҳимоя қилиш учун қурол сотиб оладиган вазият бўлиши мумкин, аммо ўша қуролни бошқа бир одам унга шикаст етказиш учун ишлатади. Қурол унинг хавфсизлигини таъминлайди деб кутиш мумкин, лекин аслида қурол унга жароҳат етказган. Бироқ, вазиятли киноя ва тасодиф ёки омадсизлик ўртасида фарқ бор. Бирор киши деразаларини яхшилаб тозаласаю, бирдан ёмғир ёғса, бу шунчаки омадсизлик; ёмғир ёғади деган фикр уни хаёлига ҳам келмаган. Бироқ, телевидениеда об-ҳаво ҳақида ахборот берувчи бошловчи бирдан кутилмаган бўронга тушиб қолса, бу жуда кулгили, кинояли, чунки у об-ҳавонинг аниқ ўзгаришини билиши керак. Вазиятли киноя кўпинча ситком(вазиятли комедия)ларда ишлатилади. Масалан, фарзандлар оналарига қанчалик ғамхўрликларини кўрсатиш мақсадида унга кутилмаган туғилган кунни нишонлашга кўп вақт ва пул сарфлашни режалаштиришган. Бироқ оналарининг туғилган куни кейинги ой бўлиб чиқади ва уларнинг ҳеч бири аниқ санани билмайди. Натижада она ҳеч ким унинг туғилган куни санасини эсламаганидан ғазабланади.

Драматик киноя фильмлар, китоблар, шеърлар ва драмалар каби асарларда машҳур. Томошабинлар спектакль, фильм ёки роман қаҳрамонлари билмайдиган асосий маълумотларни билиб туришса, драматик киноя вужудга келади. Драматик кинояга шаҳарда содир этилаётган жиноятлар учун жавобгар жиноятчи ўзининг шериги эканлигини билмаган изкувар ҳақидаги фильмни мисол келтириш мумкин. Бироқ, томошабинлар бу ҳақиқатни аллақачон англаб етишган ва қаҳрамон буни билиб қолганда, нима бўлишини интиқлик билан кутишмоқда. Драматик киноянинг уч босқичи мавжуд:

- Ўрнатиш – томошабинларга персонаж билмайдиган нарсалар ҳақида ахборот бериш;

- Эксплуатация – томошабинлар ўртасида қизиқувчанликни орттириш мақсадида шу ахборотдан фойдаланиш;

- Қарор – қаҳрамон ниҳоят нима бўлаётганидан хабар топса нима содир бўлади? (<http://typesofirony.com/#google>)

Tragic irony occurs when a character in a play does or says something that communicates a meaning unknown to her but recognized by the audience.

Драматик киноянинг махсус тоифаси – бу фожиали киноя. Фожиали киноя, спектаклдаги қахрамон ўзи учун номаълум, амма томошабинларга таниш маънога эга бўлган нарсани айтганда ёки қилганда содир бўлади. Қахрамон ўзини ўлдириш учун заҳар кўшилган овқат буюрганида томошабинлар унинг тақдирида заҳарли овқатдан ўлиш борлигини билишади. Бу эса фожиали кинояга мисол бўлади.

Қадимги Юнонистон афсоналаридаги ҳаёт тасвирланган драмаларда фожиали киноя кенг тарқалган эди. Томошабинлар спектаклни кўришдан олдин ундаги қахрамонларнинг тақдирини аллақачон билишган. Буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг энг машҳур “Отелло”, “Ромео ва Жульетта”, “Генрий XII”; ўзбек драматургларида Абдурауф Фитратнинг “Арслон”, “Чин севиш” драмалари драматик кинояга бой бўлиб, уларни ўқиган сари уларнинг рангли ифодалари китобхонни ўзига жалб қилаверади.

Хўш, ёзувчилар нима учун ўз асарларида киноядан фойдаланишади? Чунки киноя бизнинг умидларимизни ўзгартиради, биз учун кутилмаган бурилишни яратиши мумкин: ҳазил ёки ҳикоя яқунида биз кулиб хурсанд бўламиз ёки йиғлаймиз. Оғзаки киноя кулгили бўлиши мумкин, вазиятли киноя кулгили ёки фожиали бўлади, драматик киноя эса кўпгина ҳолларда фожиали бўлади. Хуллас, киноя ёзувчиларнинг драмаларини ғоявийлигини ва бадиийлигини оширади, энг муҳими, уларнинг халқчиллиги ва таъсирчанлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.**
2. Ironyexamples.iloveindia.com
3. Tulika Nair. Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day
4. <http://typesofirony.com/#google>
5. *Mavlanova Ugiloy Khamdamovna, Ruzieva Dilfuza Salimboevna, Babaeva Vasila Toshpulatovna. Irony in dramatic works//International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 3.*
6. *Mavlonova U. K., Maxmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.*
7. *Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS*
8. *Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>*

9. *Mavlonova U.K., Makhmurova M.Kh., Kodirov T.D.* DESCRIPTION OF ART MEDIA IN LITERATURE // LXIV International Correspondence Scientific and Practical Conference “EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY» June 5-9, 2020. London, United Kingdom
10. *Sharipova D.Sh , Mavlonova U.Kh., Ibatova N.I.* BEHAVIORAL LANGUAGE ETIQUETTE IN UZBEK PROVERBS AND SAYINGS // ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 11(89). Часть 3. 2020. P: 51-53

**Набиев Р., ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ФОРИШ ШЕВАСИНИНГ БАЪЗИ БИР ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИГА БИР НАЗАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги “ Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850 Фармони ҳамда 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг эълон қилиниши ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Бу эса ўзбек тилининг ижтимоий моҳиятини ошириш баробарида адабий тил озикланадиган халқ шеваларини ўрганишга кенг йўл очиб берди.

Ўзбек тилининг бошқа шевалари қатори Жиззах вилояти Фориш тумани шевалари ҳам зига хос фонетик, лексик ҳамда грамматик хусусиятлари билан ўзбек адабий тилидан маълум даражада фарқланиб туради.

Маълумки, тилшуносликнинг асосини ташкил қиладиган морфология сўзнинг грамматик хусусиятларини, яъни сўзларнинг шакли, қурилиши ҳамда ўзгаришини ўрганади. Шу боис ҳам биз мазкур ишимизда тадқиқот объектимиш бўлган Фориш тумани шеваларининг айрим ва энг муҳим морфологик хусусиятлари хусусида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилшунослигида шеваларнинг морфологик хусусиятлари юзасидан У. Кенжаев, Н. Ражабов, Э.Шералиев томонидан турли ҳудудларга оид материаллар юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Биз уларнинг ишларига таянган ҳолда тадқиқот объекти юзасидан кузатишлар олиб бордик.

Фориш тумани шеvasи ўзининг морфологик хусусиятларига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилидан бир оз фарқ қиладди. Бу ҳолатни келишик, эгалик ҳамда кўпликни ифодаловчи қўшимчаларининг хилма хил фонетик вариантларида, уларнинг қўлланиши ва маъно ифодалаш сингари вазифаларни бажариш жараёнларида кўриш мумкин.

Тадқиқот объектидаги келишик қўшимчаларининг қандай шаклда қўлланишини қуйидаги мисолида кўриш мумкин:

Бош келишик : етук, мўймон, боғ, ука, тоғ.

Тушум келишиги: етукнъ, мўймоннъ, боғнъ, уканъ, тоғнъ.

Жўналиш келишиги: етукка, мўйманга, боғга, укага, тоғга.

Ўрин-пайт келишиги: етукка, мўймонга, боғга, укага, тоғга.

Чиқиш келишиги: етуктон\тгн, мўймондан\дын, боғдан\дын, укадан\дгн, тоғдан//дгн.

Шевада жўналиш келишигининг –га\ға кўшимчалари сўз ўзагида г, ғ товуши билан келганда ассимиляцияга учрамаслиги шеванинг ўзига хослигидан дарак беради. Боғга, тоғга, соғга кабилар. Ҳозирги лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувининг “Имло қоидалари”да мазкур ҳолат шундай талаффуз қилиниши ва ёзилиши қайд этилган.

Жўналиш келишигидаги –ка,-ко, -қа,-го, о\а кўшимчалари фақатгина I-II шахс эгалик кўшимчаларини олган сўзлардагина ишлатилади: кўзума, укама, отомо, боғама ва ҳакоза.

Тушум келишигидаги сўзлар –н\л ундошлари билан тугаган сўзларда ассимиляцияга учраб, -нъ\ль шаклида талаффуз қилинади: толль, ьт буннь ва ҳакоза.

Ўрин-пайт келишиги кўшимчалари –то\до\та\да шаклида қўлланади: мактапда, оқшта, и:што, уйда каби.

Чиқиш келишигининг қадимий шакли бўлган –дын\ дгн\тын\тгн кўшимчалари туманнинг бошқа шеваларига нисбатан, хусусан, Деристон қишлоғи шевасида сақланиб қолганлигини алоҳида қайд этиш лозимдир. Шунингдек ҳудуд шеваларида чиқиш келишигининг –тон\тан, -дон\дан, тон\дон сингари шакллари ҳам қўлланади: ат-тан(отдан), иш-тан(ишдан), уй-тан(уйдан) ва бошқалар.

Шева материаллари бўйича олиб борилган дастлабки кузатишлардан маълум бўлишича, қаратқич келишиги деярли кам қўлланади, унинг вазифасини кўпинча тушум келишиги бажаради. Меҳмоннинг олди-мўймани алдъга, тоғнинг тоши- тағнь ташъ ва ҳакоза.

Ўзбек адабий тилидаги этик, меҳмон, боғ, ука каби сўзлар тадқиқот объектида эгалик кўшимчалари билан турланиши қуйидаги ҳолатда юзага келади:

Бирлик сонда

I - атгузъм, мўймоным, боғым, укам.

II – отугънг, мўймонинг, боғинг, уканг.

III- отуғъ, мўймонъ, боғы, укась.

Кўплик сонда

I – ўтуғъвъз, мўймонывъз, боғывыз, укавъз.

II – отугънгъз, мўймонгыз, боғчангыз, укангъз.

III - отуғъ, мўймонъ, боғы, укась.

Шевада кўпликни ифодаловчи –лар кўшимчасининг қўлланиши адабий тилда деярли фарқ қилмайди. -лар \ -лер шаклида қўлланади: укамлар, би:злар, сенлер каби.

Фориш шевасининг яна бир хусусияти шундаки, унда лаб оҳанги хусусияти сақланган. Шу боис бўлса керакки, эгалик қўшимчалари ҳам адабий тилга нисбатан –м, -им, шаклида –миз ўрнида –м, -ум\\, -виз\\-вуз\\\выз шакллари учрайди: оғлум(ўғлим), оғлунг(ўғлинг), оғли(ўғли), ўғлувыз(ўғлимиз), оғлунгъз(ўғлингиз) оғли(ўғли) ва ҳакоза.

Худуд шевасида айрим сўз ясовчи қўшимчалар ўз фонетик вариантларига ҳамда бошқа айрим хусусиятларига кўра адабий тилдан ва бошқа шевалардан фарқ қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1.Адабий тилдаги –гиз\\-киз\\-гиз, шевада –гуз\\-куз\\куз\\гуз шаклида қўлланади: кьргуз(киргиз), кеткуз(кеткиз), откуз(ўткиз), баргуз(боргиз) ва ҳ.

2. Тадқиқот объектларидан бири бўлган манғит уруғига мансуб Бағдон шеваси вакиллари нутқида эски ўзбек тилига хос қуйидаги қўшимчалар фаол қўлланишдадир:

-турук\\дурук:бурундурук, бойунтурук, соқолдурук каби.

-ду\\ту: келаду, бораду, борыйотту, келойотту ва б.

-лук\\луқ: бойлук(бойлик), сойлук(сойлик) ва ҳ.

3.Шевага хос феъл ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг айрим турлари ҳам адабий тилдан фарқ қилиш ҳолатларини ҳам кўриш мумкин: ўтирибмиз(отуруптъвуз), бораётир (бораттумон, боратсан, боратту ,бораттувуз\\ боатъвъз), бораманми (борамдыман), борамсанмъ\\ барамсан, барамду, барамду, барамдувуз, баромсъз) шаклида қўлланади.

4. Адабий тилдаги феълнинг бўлишсиз шакллари -ма, -мас, эмасларнинг ўрни қуйидагича ифодаланади: сўкмоймон (сўкмайман), сокмойман (сўкмайсан), сокмайду (сўкмайди), сокмойдъвъз\\ сокмойдувуз (сўкмаймиз) кабилар.

Шунингдек, найман уруғига мансуб худудлар аҳолисининг тил хусусиятлари манғит гуруҳига тегишли қишлоқлар вакиллариникидан сезиларли тарзда фарқ қилади. Масалан, найман гуруҳига тегишли шева вакиллари нутқида йъгътса(йигитсан), отарса(ўтарсан), йевотъпма(ебётирман), оғлум(ўғлим), ойъбъз(уйимиз), йемейма(емайман) ва ҳакоза.

-чъл\\чыл: копчъл(кўпчилик), комчъл(камчилик), топчыл\\топчыллък(тахчил) каби.

Хуллас, ўзбек адабий тили ва унинг шеваларидан маълум даражада фарқ қиладиган Фориш тумани шеваларини ҳар томонлама ўрганиш тилшунослик фани олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

2018-2020 йилларда олиб борилган дала амалиётлари ва экспедициялар материаллари.

Низомиддинова Д., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЭТНООЙКОНИМ

Ойконимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби–маълум ҳудудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, уруғ, қавмлар муҳим роль ўйнаган. Аҳоли масканларининг кўпчилиги кишиларнинг ижтимоий гуруҳига – қайси қабила ва уруғ, қавмга мансублигига нисбатан ном ола бошлаган. Этнонимдан ясалган ойконимлар–этноойконимлар, одатда, турли қабила, уруғ вакиллари кўшни, аралаш яшаган ҳудудларда, этнонимлар фарқ этувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда юзага келган. Бундай номлар ўша қабила, уруғ вакиллариининг ўзлари томонидан берилмаган, балки кўшни, иккинчи қабила кишилари томонидан қўйилган. Этноойконимларни ўрганиш орқали айрим этносларни ўтмишда яшаган жойларини аниқлаш мумкин.

Фарғона вилояти ҳудудидаги аҳоли масканларининг салмоқли қисми ўтмишдаги уруғ, қабила, қавм номлари–этнонимлар билан аталган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бошқа туркий халқлар каби ўзбек халқи ҳам тарихан бир қанча уруғ–қабилалардан таркиб топган. Одатда, 92 ўзбек уруғи бўлган, деб ҳисоблайдилар. Қипчоқлар, қўнғиротлар, манғитлар, кенагаслар, жалойирлар, курамалар, саройлар, найманлар, дўрмонлар, қанғлилар, минглар, юзлар, қотағонлар, барлослар, қовчинлар энг йирик қабилалардан саналганлар. Бу уруғ, қабилаларнинг ҳар бири бир неча майда узвлар, бўлаклар, тўпларга бўлинганлар. Даврлар ўтиши билан уларнинг бир қисми унутилиб кетган. Аммо уруғ номларининг аксарияти жой номлари сифатида сақланиб қолган. Қуйида шундай этноойконимларининг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Қипчоқ қабиласи ўзбек халқининг энг катта ва нуфузли қабилаларидан биридир. Республикамиз ҳудудида қипчоқлар Фарғона водийсида, Зарафшон воҳасида, Хоразмда яшаганлар. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент томонларда ҳам уларнинг айрим гуруҳлари ўтроқлашиб қолганлар. Профессор Карим Шониёзовнинг ёзишича, XIX аср охирларида Фарғона водийсидаги қипчоқлар 70 минг кишини ташкил этганлар. 1917 йилги аҳоли рўйхатига кўра водийда 84 та қипчоқ қишлоқлари мавжуд бўлган¹. Бинобарин вилоятимизнинг Бешариқ, Тошлоқ, Риштон туманларидаги Қипчоқ деб аталувчи қишлоқлар шу этнонимдан ном олган. Қўқон шаҳри ва Тошлоқ туманидаги Қипчоқариқ гидроойконимларининг номланиши ҳам бевосита қипчоқ этнонимига алоқадордир. Бу ерда яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қипчоқлар ўтмишда бир неча уруғларга: қўғай, буғач, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучуғой, элатон, бўғаз, оғим, тоз, сирмоқ, черик, кўкбўйин, тўрайғир, товулди, чанғароқчи, чиял, қулон, оқбўйра, бошқирт, тикон, қоратикон, қорабовур, қорабўйин сингариларга бўлинган эди. Ҳозирги вақтда мазкур қипчоқ уруғларининг бир қисми вилоятимизда улар яшаган жойларда ойконимлар сифатида сақланиб қолган. Данғара туманидаги Яшиқ, Тўрайғир, Қизилмуш, Бешариқ туманидаги Қорабўйин, Товул, Учкўприк туманидаги Пучуғой, Бувай-

да туманидаги Бачқир, Олтиариқ туманидаги Оқбўйра кишлоқларининг номлари буларга мисол бўла олади.

Жалойир–бир неча туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган йирик қабилалардан бирининг номидир. “Ўзбек энциклопедияси”да қайд этилишича, ўзбеклар таркибига кирган жалойирлар ўтмишда Тошкент ва Бухоро воҳаларида, Нурота тоғ этакларида, Жиззах, Каттақўрғон томонларда, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида яшаганлар. 1920 ва 1926 йиллардаги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда яшовчи жалойирларнинг сони 25 минг кишига яқин эканлиги аниқланган². Ҳозирда ўлкамизда жалойир қабиласи номи кишлоқ номлари тарзида кўп учрайди. Хусусан Фарғона вилоятида бир неча аҳоли маскани Жалаер номи билан юритилади. Бу кишлоқлар Учкўприк, Фурқат, Бағдод, Бувайда, Риштон, Қува туманлари ҳудудида жойлашган.

Найман 92 бовли ўзбек халқнинг энг катта ва энг қадимий қабилаларидан биридир. Профессор Х.Дониёровнинг ёзишича, найман қабиласига мансуб кишилар республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида, хусусан Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразмда яшайдилар³. Найман этноними ўлкамиз харитасида жой номи тарзида тез-тез учраб туради. Жумладан, Фарғона водийсида 20 дан ортиқ кишлоқ ва маҳаллалар Найман номи билан юритилади. Вилоятимизнинг Бувайда, Тошлоқ, Кўштепа, Қува, Олтиариқ туманларида ва Қувасой шаҳрида Найман, Данғара туманида эса Найманча деган аҳоли масканлари мавжуд.

Ўзбек халқи таркибига кирган нуфузли этник гуруҳлардан яна бири турклардир. Тарихчи В.П.Наливкиннинг “Кўқон хонлигининг қисқача тарихи” асарида қайд этилишича, Фарғона водийсидаги турклар асосан Марғилон билан Аравон оралиғидаги жойларда тарқалган бўлиб, ярим кўчманчилик ҳолатида ҳаёт кечирганлар, ёз мавсумларида Олой тоғининг яйловларида мол-қўй боқиб, чорвачилик билан шуғулланганлар⁴. “Ўзбек энциклопедияси”да кўрсатилишича, 1924-1925 йиллардаги статистик маълумотга қараганда, Фарғона водийсида яшаган турклар 24 минг 279 кишидан иборат бўлган⁵. Фарғона вилоятидаги Катта Турк, Кичик Турк (Данғара тумани), Туркравот (Қува тумани), Турк (Бувайда тумани), Турклар (Тошлоқ тумани) ойконимлари мана шу турк қабиласи номи билан аталган.

Қадимги йирик қабилалардан бири–манғитлардир. Тарихчи Н.Норқуловнинг ёзишича, XVIII асрда Мовароуннаҳрда манғитлар 12000 ўйликни ташкил қилганлар⁶. 1923-1926 йиллар маълумотларига кўра, Ўзбекистонда яшовчи манғитларнинг умумий сони 130 мингдан ошиқроқ бўлган⁷. Вилоятимизнинг Данғара, Бувайда туманларидаги Манғит кишлоқлари шу этноним асосида ном олган. Бешариқ тумани Деҳқонтўда кишлоғи ўрамидаги маҳаллалардан бири ҳам Манғит деб юритилган. Шунингдек, Бувайда туманида Бўри Манғит, Кўр Манғит, Сор Манғит ойконимлари учрайдики, булар манғит қабиласининг шахобчалари номи билан аталгандир.

Қангли ҳам қадимги ва нуфузли қабилалардан биридир. Этнограф олим К.Шониёзовнинг зикр этишича, қанглиларнинг кўпчилик қисми XVI-XVIII асрларда Дашти Қипчоқдан Ўзбекистонга келиб ўрнашиб қолганлар. Улар XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкент, Мирзачўл, Фарғона ва Зарафшон воҳаларида яшаганлар. Бу ҳудудларда ўз этник номларини сақлаб қолган қанглилар 24 минг кишидан иборат бўлган. Қанглилар ўтмишда 42 та уруғга бўлинган. Фарғона вилоятидаги қанглилар ҳозирги Учкўприк туманидаги 2 та қишлоқда ҳамда Бағдод туманидаги 3 та аҳоли пунктида истиқомат қилиб, жами 6 минг кишини ташкил этишган⁸. Ўрганилаётган ҳудуддаги Қанғил (Учкўприк тумани) ойконими бевосита шу этнонимнинг ўзи билан аталган. Қангли товуш ўзгариши туфайли Қанғил шаклида қўлланилиб кетган. Ирғоли Қангли, Болғали Қангли, Қўғали Қангли (Бағдод тумани) ойконимлари эса қангли қабиласи ва унинг тармоқлари номи билан юритилган. Дарҳақиқат, ирғоли, болғали, қўғали–қангли қабиласи таркибига кирувчи уруғ номларидир.

Фарғона водийсида 10 дан ортиқ аҳоли маскани юз этнонимидан ном олган. Дарҳақиқат, юзлар ўтмишда 92 бовли ўзбек уруғ ва қабилалари орасида энг катта қабилалардан ҳисобланган. Профессор Х.Дониёровнинг ёзишича, юз қабиласи аввало учта катта бўлакка бўлинган: марқа боласи, қаропчи, ражаб боласи. Марқа ўз навбатида иккига ажралган: уяс солин ва хитой юзи. Уяс олтига, солин ҳам шунча гуруҳга, хитой юзи эса 12 отага бўлинган. Юзнинг қаропчи, ражаб боласи бўлаклари ҳам бир неча тармоқларга бўлиниб кетган⁹. “Ўзбек энциклопедияси”да уқтирилишича, 1920, 1923 ва 1970 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида юзлардан қарийб 60 мингга яқин киши яшаган¹⁰. Юзларнинг бир қисми Фарғона водийси, жумладан вилоятимиз ҳудудида ҳам истиқомат қилганлар. Юзлар (Қува, Шаҳрихон, Олтинкўл туманлари), Юзия (Шаҳрихон, Қува туманлари), Юзмаҳалла (Қува тумани), Қаропчиюз (Шаҳрихон тумани), Марқаюз, Қаропчи, Ғанчиюз (Асака тумани), Чўжаюзия (Шаҳрихон тумани), Улюз (Марҳамат тумани) ойконимлари юз этноними ва унинг тармоқлари, узвлари номлари билан аталгандир. Бундан ташқари, ўтган асрнинг бошларида тузилган аҳоли пунктларининг рўйхатида кўрсатилишича, собиқ Қўқон уездининг Қипчоқ волостида қарашли Сарой қишлоқ жамоасида (бу ҳудуд ҳозирда Данғара туманига қарайди) Юзлар қишлоғи мавжуд бўлган. Шунингдек, Қўқон шаҳри маҳаллаларидан бири XX асрнинг 30-йилларида Юзлар деб аталган. Шаҳар топонимия комиссияси қарори билан бу тарихий этноойконим тикланиб, қайта истемолга киритилди.

Вилоятимизнинг Данғара туманидаги Топтиқсарой, Капасарой, Бағдод туманидаги Чексарой, Ўзбекистон туманидаги Дўнгсарой қишлоқларининг номи сарой этноними билан алоқадордир. Манбаларда баён қилинишича, сарой этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Дашти Қипчоқда шаклланган бўлиб, XVI асрда бошқа ўзбек қабилалари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган. 1924-1926 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра ўлкамизда яшовчи саройларнинг умумий сони 50 мингдан

ортиқ бўлган. С.Қораевнинг ёзишича, сарой қабиласи Бухоро, Кармана, Гиждувон, Каттакўрғон, Самарқанд ва Жиззах атрофларида, қисман Фарғона водийсида яшаган¹¹. Юқорида мисол қилиб келтирилган этноойконимлар Фарғона вилоятининг баъзи жойларида сарой қабиласига мансуб кишилар яшаганлигидан далолат беради.

Булардан ташқари, Фарғона вилоятида Ғозиёғлик (Қўқон шаҳри), Олчин (Бағдод тумани), Қоракўрпа (Данғара тумани), Чимбой (Бешариқ, Қува туманлари) Унгут (Бешариқ тумани), Чуваланчи (Бағдод тумани), Қияли, Қиёт (Бешариқ тумани), Телов (Бешариқ, Ўзбекистон туманлари), Қушчи (Фурқат тумани), Қорақушчи (Қўштепа тумани), Туячи (Риштон тумани), Болғали (Ўзбекистон, Бағдод туманлари), Уймовуд, Уйрот (Риштон тумани), Бешэчки (Фурқат тумани), Қўчқорчи (Қувасой шаҳри), Келарчи (Олтиариқ тумани), Калтатой, Турғоқ (Учкўприк тумани), Тома (Данғара тумани), Жов (Бувайда тумани), Тўқибой, Қорақунос, Қорақозон, Ромадон (Тошлоқ тумани), Овчи (Ўзбекистон тумани), Бешқовоқ (Данғара тумани), Қорасоқол (Ёзёвон тумани) ойконимлари мавжуд бўлиб, буларнинг асосида ҳам этнонимлар ётади.

Хуллас, аҳолининг этник таркиби, уларнинг қайси уруғ, қабила, миллат, халққа мансублигини ифодаловчи турар жой номлари–этноойконимлар Фарғона вилояти жой номлари тизимида алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бу хил ойконимлар вилоят ҳудудида қадим замонлардан бошлаб ҳаёт кечирган турли қабилалар, қавмлар, халқларга оид янги маълумотлар беради. Этноойконимларни ўрганиш ва таҳлил этиш тилшунослик, тарих, этнография фанлари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. 88-бет.
2. Дониёров Х. Кўрсатилган асар, 83-84-бетлар.
3. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886. С.6.
4. Норқулов Н. Бобокалонлар шаҳри // Фан ва турмуш, 1990, 9-сон, 14-бет.
5. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. С.109-110.
6. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. 138-140,142-бетлар.
7. ЎзСЭ. 4-жилд. Тошкент, 1973. 294-бет.
8. ЎзСЭ. 11-жилд. Тошкент, 1978. 364-бет.
9. ЎзСЭ. 6-жилд. Тошкент, 1975. 594-бет.
10. Қораев С. Этнонимика. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. 9-бет.

Назаров Н., профессор
(Ўзбекистон)

ТУРКОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТУРК РУНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ

Маълумки, туркий халқларга хос этно-ижтимоий, маданий ва тарихий жараёнлар тадрижий такомилни «Туркология» фани ўрганади. Туркология фанининг тадрижий босқичларига эътибор қаратгудек бўлсак, 1889 йилда Россия География Жамиятининг Шарқий Сибир бўлими Н.М.Ядринцев бошчилигида экспедиция ташкиллаштириб, Ўрхун ва Енисей дарёлари ҳавзаларидаги бир қатор ёдгорликларни ўрганди. Ўрхун ёдгорликларининг кашф этилиши Туркологиянинг шаклланишида янги шарафли саҳифани очиб, бу шарафли саҳифа Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тадқиқи билан бошланди. Бундай тадқиқот йўналиши тилшунослик, илк туркий ёзма ижод намунаси сифатида адабий манба ва тарихий нуқтаи назардан тадқиқ ва таҳлил этилишига илмий доираларни ўзига жалб этганлиги билан аҳамиятлидир. Ва бундай иштиёқ ва зарурат Туркология фанининг шаклланишига шарт-шароит яратиб, бугунги кунда ҳам унинг ривожини таъминлаб келмоқда.

Бугунги кунга келиб, бу фаннинг тадқиқот ва таъсир доираси анча кенгайиб кетди. «Туркология – шаклланиш жараёни туркий бўлган, туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг тилини, адабиётини, тарихини, этнографиясини, маданиятини яна рухоний, маданий қадриятларини тадқиқ этувчи илмнинг соҳаси. Туркология илмининг номланиши ҳозирги туркий халқларга хос, уларнинг аجدодлари, VI-IX асрларда яшаб, Ўрхун, Енисей, Талас ва бошқа ёзма ёдгорликларни келажак авлодларга мерос этиб қолдирган, бир-неча уруғ ва қабилалар иттифоқидан ташкил топган макроэтнокалик бирлик – Туркларнинг номи билан шаклланиб, ривожланди» (Туймебаев, Ескеева, 2015: 14). Яъни, Туркология фани туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, тарихи, этнографияси, дунёқараши, оғзаки ижоди, урф-одат ва анъалари, диалектал ўзига хослик ўзакларида мужассамлашган умумийлик каби жиҳатларни ўрганувчи фан. Туркология фани туркий халқларнинг тадрижий такомил босқичларида ушбу элга хос бўлган тарихий-ғоявий жараёнлар эволюциясини ўрганиш учун манба сифатида тошбитиклардан ҳам манба сифатида фойдаланади. «Ҳозирги туркология фанида турли хил белгилар билан ёзилган туркий ёдгорликлар кенг тарқалган ҳамда улар ўрганилган бўлиб, булар руник, уйғур, манихей, брахма, араб, арман-қипчоқ, чиғатой ёзувларидир» (Великая степь, 2018: 492). Ва бу тошбитиклар турклар тарихини ўрганиш билан бир қаторда ҳар бир ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган ғоявий жараёнларни ўрганишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Инсоният тарихий тараққиёти бевосита мавҳум, номаълум ва сирли деб ҳисобланган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар ҳамда артефактларнинг ихтиро ва кашф этиши билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, тафаккур соҳиби бўлган инсон ихтиро этишга ҳамда ўзидан олдин ўтган аждодларидан қолган моддий ва

маънавий мерос намуналари моҳиятини англашга мойиллиги билан инсондир. Ҳар қандай артефакт мазмун ва моҳияти англангунча сирли характер касб этиб боради. Рун (run) – қадимги скандинавия тилида сир, сирли маъноларини англатсада, фанда рун, руник тушунчалари сирли ёзув ва белгиларга нисбатан ишлатилган.

Дастлаб, «Рунлар, руник ёзувлар II-XIII асрлар мобайнида қадимги скандинав ва герман халқлари томонидан ёғочлар ва тошларга ўйиб битилган белгиларга нисбатан қўлланилган» (Словарь, 2000: 545). Лекин, дастлаб этимологик ва қўлланиш тарихи юқорида таъкидланган омил билан боғлиқ бўлсада, XVIII – асрдан бошлаб, қадимги турк ёзма ёдгорликларига нисбатан фаол қўлланила бошланди. Манбаларда таъкидланишича: «Руник ёзувлар оромий ёзувлари асосида битилган қадимги турк ёзувларидир» (Словарь, 2000: 545).

Туркий халқлар маънавий меросининг илк босқичларини ўрганишда Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг ўрни аҳамиятлидир. Бу белгиларга юз йилликлар давомида ҳеч кимнинг тиши ўтмасдан, ўқилмай келганлиги боис, сирли моҳият касб этиб, руник деган атамани олди. «Runo – моҳияти яширин, сирли, сеҳрли» (Arntz, 2000: 276). Ва бу сеҳрли белгилар фақатгина ўн тўққизинчи асрнинг охириги ўн йиллигига келиб, ўз сири ва сеҳрини инсониятга оча бошлади. «Бизнинг эрамиздаги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб Енисей ва Ўрхуннинг юқори оқимларидаги ҳавзаларда жойлашган турк қабилалари ўзларининг ёзув тизимидан фойдаланганлар. Ушбу қадимги туркий ёзувларни айрим тадқиқотчилар нотўғри талқин этишган» (Батманов, 1962: 14).

Қадимги туркий тошбитикларини ўрганиш туркий халқлар ўтмиши тарихий таҳлилининг муҳим жиҳати сифатида тарихий онг ривожини таъминлаши билан эътиборга лойиқ. Туркий рунлар тадқиқи бир неча авлод филологлари ва тарихчиларининг асарларида амалга оширилганлигини ифтихор ҳисси билан эслашимиз лозим. Улар ўз асарларида асосан ёдгорликларга хос бўлган фактик маълумотларни бошқа манбалардаги (Хитой, Эрон, Византия, араб ва бошқа) маълумотлар билан таққослаб, тарихий маълумотларнинг нечоғлиқ аниқлигига эътиборни қаратдилар. Бундай машаққатли ишдан мақсад қадимги турклар тарихи ўзига хос жиҳатларини, уларнинг ён-атрофдаги қўшнилари билан муносабатларининг нечоғлиқ эканлиги, турк қабилалари орасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳолати, шунингдек, руник матнларда учрайдиган баъзи тарихий атамалар моҳиятини талқин қилишдан иборат эди. Умуман олганда тадқиқотчилар томонидан бундай ёндашув прогрессив моҳиятга эга бўлиб, қадимги турклар тарихини ҳаққоний манбалар асосида ўрганиш бугунги туркий халқлар тарихини, антропологиясини, этнологиясини, тарихий географиясини, этнологиясини, фалсафасини, тарихий тафаккур қаърида куртаклаган ғоясини ўрганишда зарурий аҳамиятга эга. Ўрхун-Енисей ёдгорликларини тадқиқ этиш натижасида руник ёдгорликларнинг ноёб моҳияти, ундаги маълумотларнинг тарихий

жараёнлар билан мос эканлиги, асосан чорвадор бўлган аждодларимизнинг қадимги тарихи ўз борлигини намоён этади. Тошбитикларнинг аждодларимиз томонидан ёзилиб, ҳарбий-сиёсий жараёнларга муносабат билдирганликлари – буларнинг барчаси тарихий манба сифатида муҳим бўлиб, тарихий тафаккурнинг ривожини ҳам таъминлаб боради. Демакки, Туркология фанининг тамал тошини қўйган Ўрхун-Енисей тошбитиклари моҳиятини талқин этиш, ўзлигимизни англаб, қўшни халқлар билан ўзаро ҳамкорликда яшашимизни таъминлайди.

Тарихий таҳлил кўп қиррали ҳодиса бўлиб, у хронологик ёки воқеалар ва ҳодисаларга муносабат билдиришгина бўлмасдан, тарихий тафаккур асосида унинг ўтмиш жараёнлари силсиласида тутган ўрни, туркий бирликнинг давр сиёсий-ҳарбий жараёнларда эгаллаган мавқеи ва охир-оқибат бугунги туркий тафаккур ривожига ўша давр тарихий воқеаларнинг таъсири каби масалаларни ҳам ўрганиш тарих фани зиммасидаги вазифалардан биридир. Албатта, тарихий манбалар таҳлилида тарих тилшунослик билан мустаҳкам алоқада эканлиги маълум бўлади. Зеро, тарихий матнни тўғри ва аниқ талқин қилиш учун нафақат ушбу матн ёзилган тилнинг грамматикаси ва морфологиясини билиш, балки сўзларнинг маъно англатиш хусусиятларига ҳам эътибор қаратишимиз лозимки, бунингсиз тарихий жараёнларнинг ҳаққоний таҳлили ғайриимкондир. Шу маънода, қадимги туркий ёзувидаги тошбитикларнинг аксарияти тарихий моҳиятга эга бўлиб, турк ҳоқонлиги тарихи билан чамбарчас боғланганлиги, яъни ушбу ҳоқонликнинг муайян даврдаги тарихини ифода этганлиги билан аҳамиятлидир. Албатта, шарқий турк ҳоқонлигининг ташкил этилганлигидан бошлаб, унинг таназзулга юз тутишигача бўлган даврни ифодаловчи тошбитиклар илмий жамоатчилик орасида кенг тарқалган. Ҳарбий-сиёсий жараёнлар баёни ва таҳлилига бағишланган бундай хронологик маълумотлар қадимги турклар тарихининг ноёб саҳифаларини ўзида мужассам этади. Шунингдек, турк ҳоқонлигининг таназзулга учраши сабабларининг ифода этилиши қабилалараро ижтимоий-иқтисодий низолар ва ҳокимият учун ҳарбий қарама-қаршилиқларнинг акс этилиши тошбитикларнинг тарихий аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Гарчи, Ўрхун-Енисей тошбитикларини ўрганишда тилшунослар асосан филология фанининг ўрганиш объекти бўлган стилистика ва муайян жанр ўзлигини намоён этиб, матннинг бадиий тузилиши, сўз ясаишларига эътибор қаратсалар, тарихчилар матннинг тарихий моҳиятига, яъни тарихий жараёнларни қанчалик акс эттиришига эътибор қаратадилар. Шу нуқтаи-назардан қадимги турк тошбитикларини ўрганиш тарихий-филологик ёндашувни талаб этиб, шу билан биргаликда ўтмиш воқеаларини тошбитиклардан ташқари мавжуд манбалар билан таққослаб ўрганишни ҳам тақозо қилади. Шунингдек, тошбитикнинг ғоявий-фалсафий моҳиятини ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим. Зеро, ҳар қандай тарихий маълумот ўзининг

ғоя ташувчи функцияси билан аҳамиятли бўлиб, ҳар қандай жамиятдаги ғоявий жараёнлар бевосита тарихий манбалардан озиқланади.

Тошбитиклар матнини таҳлил этган тилшуносларимизнинг асардаги лингвистик ва бадий жиҳатларнинг тадқиқи муҳим эканлиги фикрларига тўла қўшилган ҳолда унинг тарихий-фалсафий аҳамиятига ҳам урғу бериш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, тарихий воқеа-ҳодисаларни ифода этишда бадий имкониятлардан фойдаланишга интиламиз. Яъни, ҳар қандай тарихий манба замирида ҳам бадий ёндашув элементлари мужассамдир. Ҳ. Уайтнинг ўзининг "Metahistory..." асарида: «тарихчиларнинг барча асарларига даставвал адабий асар сифатида қараб, асарнинг вужудга келишига туртки бўлган "поэтик импульс"ни ҳис эта билиш лозим» (White, 1974: 16-17). лигини таъкидлайди.

Турк руник тошбитиклари бўйича россиялик мутахассис И.Л. Кизласов шундай дейди: "Чўл руни ёзувларининг жанр хилма-хиллиги муаммоси туркийшунослик учун янги ҳисобланади. Эпитаф матнларини кенг жамоатчилик манфаати учун махсус равишда текстологик таҳлил этиш муҳим масала. Матннинг тузилишини адабий тил намуналари сифатида ўрганиб, палеографик, лингвистик, текстологик, адабий ва тарихий нуқтаи-назардан ўрганиш вақти келди» (Кизласов, 1994: 180). Демак, Турк рунологияси деб тан олинган Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари Туркология фанининг шаклланишида муҳим ўрин тутганлиги билан бир қаторда, улар тадқиқи ва тарғибига эътибор қаратиш:

1. Ёдгорликларнинг нафақат тили ёки луғавий ва грамматик тузилиш нуқтаи назаридан, балки тарихий шаклланиш жараёнлари ҳам умумий бўлган туркий халқларнинг ўтмишини ифодалаб, аجدодлар тарихининг муайян қисми сифатида аҳамиятлидир.

2. Тарих ўтмишдаги лисоний жараёнлар билан мустаҳкам алоқадор. Шу маънода қадимги тошбитиклар тили ҳам туркий тилларнинг ибтидоий сарчашмаси сифатида эътиборли. Лексик нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ёдгорликларнинг луғат тузилишидаги ва замонавий туркий тиллардаги сўзларнинг аксарияти товуш ва маъно жиҳатидан деярли ўхшаш.

3. Фонетика соҳасида бир хил умумий турк сўзларида хос бўлган товушлардаги умумий қонуният ва мутаносиблик кузатилади. Бунга боис, қадимги туркларнинг ҳозирги туркий халқлар билан ўзаро муносабатлари нафақат генетик, балки маданияти, маънавияти, демакки тили жиҳатидан ҳам яхлит умумийликка эгадир.

4. Морфология соҳасида, ҳозирги турк тилларида бўлгани каби, сўзга ва унинг турли шаклларида ўзакка ҳар хил лотин аффикслари қўшилиб шакллантириш ҳолатлари кузатилади. Ёдгорлик жумлаларидаги турланиш ва тусланиш ҳолатлари замонавий туркий тиллардаги ҳолатларга мос бўлиб, аксарият ҳолларда улар бир хил ёки жуда ўхшаш аффикслардан фойдаланадилар.

5. Тошбитиклардаги текстларнинг синтаксиси, яъни сўз тузилиши замонавий туркий тиллардаги жумла тузиш қоидаларига жуда ўхшашлиги туркий халқлар тадрижий такомил босқичларида маданий-маънавий жараёнларнинг ворисийлик асосида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётганлигини тасдиқлаб, тарихий жараёнлар, тарихий онг нафақат ворисийликда моддий омилларнинг, балки маънавий омилларнинг ҳам устуворлигини таъминлаб боради.

Умуман олганда, туркий ёзувларнинг энг қадимий шакли турк руналаридир. Ушбу алифбо Битиг ёки Ўрхун-Енисей алифбоси деб номланиб, эл ҳаётига оид тарихий маълумотларни қамраб оладиги, бу маълумотлар филология, тарих, этнография, фалсафа соҳаларининг ўрганиш объекти сифатида ҳам муҳимдир. Зеро, Туркология фани доираси бугунги кунда кенгайиб, туркий халқлар маънавий ҳамда тафаккур тараққиётини барча соҳаларини қамраб олади.

Руник ёдгорликлар деб танилган Ўрхун-Енисей матнлари тадқиқи ва тарғиби асосида жамият аъзоларининг ҳоқонлар ҳукмронлиги ёки қадимги турклар ижтимоий-маданий турмуш тарзи тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлиши ижтимоий дунёқарашнинг юксалишига хизмат қилади. Қадимги турклар тарихий онгининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини, уларнинг тарихий воқеаларни умумий жараёнлардан ажратиб олиб, аجدодлар босиб ўтган шарафли ва сабоқ берувчи йўллар машаққати ва заҳматини ўз вужудларида ҳис этишларига улкан имконият яратади. Тарихий онгни шакллантириш масъулиятли вазифа бўлиши билан бир қаторда туркий руник ёзувлар тарихий жараёнлар субъекти сифатида, яъни тарихнинг муайян давр занжиридаги боғловчи ҳалқа сифатида муҳимдир. Рун ёдгорликларининг пайдо бўлиши Иккинчи Турк хоқонлиги вужудга келган даврга тўғри келиши бежиз эмас. Чорвадор туркийлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги мураккаблик уларнинг онгида табиий ўзгаришларни келтириб чиқарди, улар бошқа кадриятлар қаторида тарихни эъзозлаб, бугунни яратиб, келажакка ижобий асосларни яратиш ғоясининг барқарор моҳият касб этишида ҳам намоён бўлди. Ушбу ғоя давр ўзгаришлари ва туркий ментал хусусиятларни мужассамлаштирган ҳолда ёдгорликлар матнларида акс эттирилганлиги эътиборлидир. Руник ёзувларни нафақат қадимги тил ёки ёзувнинг манбаи сифатида, балки туркий тилли халқларнинг умумий ва ягона тарихий илдизи сифатида ўрганиш ўзлигимизни англаб, туркий халқларнинг бирлигини мустаҳкамлашда муҳим. Ушбу жиҳат туркий халқларни атрофдаги қўшни халқлар билан ҳам дўстона муносабатда тараққиётнинг оптимал ривожини таъминлаб яшашга чорлайдики, бугунги ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳил қўшничилик ва қон-қариндошликка урғу берилаётган паллада зарурий омилдир.

Адабиётлар

1. Arntz H. Handbuch der Runenkunde. – Halle, 1944. P. 276.

2. Батманов И.А., Арагачи З.Б., Бабушкин Г.Ф. Современная и древняя Енисейка. – Фрунзе: Изд-во АН Киргизской ССР, 1962. – С. 14
3. Великая степь: Материалы III Форума гуманитарных наук. I-том. – Астана, 2018. – С. 492.
4. White Hayden. Metahistory: The Historical Imagination in Nineteenth Century Europe. - Baltimore: The Johns Hopkins University Press, 1974. – P/ 16-17.
5. Кызласов И.Л. Рунические письменности евразийских степей.1. Москва: Восточная литература, 1994. – С. 180.
6. Словарь иностранных слов и выражений. Автор-составитель Е.С. Зенович. – Москва: Олимп: ООО «Фирма «Издательство АСТ», 2000. – с. 545.
7. Туймебаев Ж.Ж., Ескеева М. Туркитанудын тарихи-лингвистикалык негиздери (Историко-лингвистические основы Тюркологии). – Алматы, 2015. – Б. 14.

Пўлодова Ш., дотсент
Хочаева М., дотсент
(Тоҷикистон)

БАҲСЕ ДАР АТРОФИ ВИЖАГИҶОИ СОҲТОРИИ КАЛИМОТ

Фарҳангшиносӣ яке аз соҳаҳои муҳими осори ғании хаттии форсу тоҷик дар қуруни вусто ба шумор рафта, таърихи ҳазорсола дорад. Таълифи миқдори зиёди фарҳангномаҳо далолат бар он дорад, ки дар асрҳои миёна ин гуна осор ҳамеша мавриди ниёзи хонандагони сершумор қарор мегирифтанд. Бино ба таъкиди олими шинохтаи Эрон, устод Саид Нафисӣ дар тӯли ҳазор сол дар сарзаминҳои, ки забони форсии тоҷикӣ дар онҳо ривочу раванг дошт, бештар аз 200 фарҳанги тафсири интишор ёфтааст (1,71). Лозим ба зикр аст, ки устод Нафисӣ ба феҳристи худ танҳо фарҳангҳои форсӣ ба форсиро ворид сохтааст.

Фарҳангҳо барои лексикологияи таърихи забони форсии тоҷикӣ ва лаҳҷашиносии таърихӣ, таърихи адабиёти классикӣ ва матншиносӣ, ҳамчунин мардумшиносӣ, чуғрофиёи таърихӣ ва таърихи фарҳанги моддӣ маводи пурқиматро ҳифз кардаанд. «Чароғи ҳидоят» яке аз фарҳангҳои тафсирии фразеологияи форсӣ-тоҷикӣ буда, Сирочуддин Алихони Орзу онро соли 1734 таълиф кардааст. В.А.Капранов муаллифи «Чароғи ҳидоят»-ро «лексикограф ва забоншиноси интиқодгаро» номида, таъкид мекунад, ки фарҳангҳои «Сироч-ул-луғот» ва «Чароғи ҳидоят», асосан, вожаҳои форсиро шомиланд (3,127).

Фарҳанги «Чароғи ҳидоят» дафтари дувуми фарҳанги «Сироч-ул-луғот» буда, бештар аз 2075 калимаю ибораро дар бар мегирад. Бино ба гуфти муҳаққиқи ин фарҳанг дар Тоҷикистон Д.Баҳриддинов, дар «Чароғи ҳидоят» 37 сарчашмаи илмию лексикографӣ ва осори манзуму мансур истифода шуда, аз 186 асари шоиру нависандагони форсизабони Ҳиндустон, Эрон, Мовароуннаҳр, Хуросон, Озарбойҷон ва Туркия мисолҳо оварда шудаанд, ки аз 1913 байт ва 14

порчаи насрӣ иборатанд. Аз онҳо 51 байт ба худи Орзу тааллуқ дорад (9,61). Зиёда аз нисфи калимаю ибораҳое, ки дар фарҳанг эзоҳ ёфтаанд, бо андак дигаргунии шаклу маъно дар забони имрӯзаи тоҷикӣ истеъмол мешаванд.

Дар фарҳанги «Чароғи ҳидоят» чунин тарзҳо ва шаклҳои калимасозе дида мешаванд, ки то имрӯз роиҷ ва сермаҳсул мондаанд ё чунин воситаҳое ба назар мерасанд, ки қудрати калимасозӣ надошта, вале то кунун дар забонамон нигоҳ дошта шудаанд. Маводи асари номбурда гувоҳи он аст, ки усулҳои калимасозӣ дар раванди инкишофи забон дучори каму беш тағйирот гардида, вале асосан устувор ва дар ҷараёни инкишофи забон хусусиятҳои худро нигоҳ доштаанд. Аз тарафи дигар, дар «Чароғи ҳидоят» баъзе калимаҳои мураккаби тобеъе дида мешаванд, ки ба он маъно дар забони форсии тоҷикӣ мавриди истифода қарор надоранд.

Таҳлилу таҳқиқи исмҳои мураккаб нишон медиҳад, ки бештарини исмҳои мураккаби тобеъ аз ибораҳои гуногун сохта мешаванд. Дар калимасозии исмҳои мураккаб хусусиятҳои вижаи ҳар як забон бештар зоҳир мегардад. Масалан, калимасозии «факки изофат» хоси забони тоҷикӣ буда, дар забонҳое, ки бандаки изофӣ истифода намешавад, мавҷуд будани ин қолиб аз имкон дур аст.

Ҳарчанд дар хусуси аз таркибҳои синтаксисӣ, аз ибораҳо сохтани калимаҳои мураккаб олимони забоншинос хеле барвақт маълумот додаанд, ин назария дар забоншиносии тоҷик таърихи қадимтаре дорад. Аксари олимоне, ки дар бораи «факки изофат» сухан меронанд, ба маълумоти муаллифи фарҳанги «Ғиёс-ул-луғот»-и Муҳаммад Ғиёсуддин ибни Ҷамолуддини Ромпурӣ (соли таълиф 1827) истинод мекунанд.

А.Нуров дар пешгуфтори наشري кириллии «Ғиёс-ул-луғот» барҳақ таъкид менамояд, ки дар фарҳанги мазкур «... як қатор мақолаҳо ... аз ҷиҳати ҳаҷм чандин саҳифаро фаро гирифта, ҳамчун рисолаҳои алоҳидаи тадқиқотии ба фарҳанг дохилгардида ба назар мерасанд. Мақолаҳои луғавии **арӯз, истиора, чамъ, хафт иқлим, фаслӣ** баъзе вазифаҳои грамматикӣ суффикс ва ҳиссаҳои ёридиҳандаи нутқ ва ғайра аз ҳамин қабиланд» (2,5).

Мақолаи «Изофат» низ аз ҷумлаи ҳамин мақолаҳост. Муаллиф дар бораи даҳ намуд ё қисми изофат маълумоти муфассал дода, сипас ба мавзӯи мавриди таваҷҷуҳи мо мегузарад: ... Ва бояд донист дар калимае, ки охири он **ҳои мухтафӣ** бошад, вақти изофат ва тавсиф онҳоро бо ҳамзайи мулаййина бадал кунанд, чун хӯшай ангур ва бодаи соф ва гоҳе бино бар таҳфифи калом музофилайҳро бар музоф муқаддам намоянд, дар ин сурат касраи музоф ҳазф созанд ва ин услубро **изофати билқалб** номанд ва баъзе **изофати мақлӯбӣ** гӯянд, чунонки **аврангзеб**, яъне зеби авранг ва **наччорписар**, яъне писари наччор ва неқмард, яъне марди неқ ва **чаҳонподшоҳӣ**, яъне подшоҳии чаҳон ва **гардунофтоб**, яъне офтоби гардун ва **гулоб**, яъне оби гул. Ва аз чанд алфози муайяна бар зарурати шеърӣ ё касрати истеъмол ё ғалабаи исмиёт музоф бар музофилайҳ ҳамчунон муқаддам бошад ва касраи аломати изофатро аз охири

музоф соқит кунанд ва ин амрро «**факки изофат**» хонанд ва он алфоз ин аст, мисли сар ва соҳиб ва қобил ва душман ва ошиқ ва нисор ва молик. Ва алфозе, ки дар авохирин он баъди маддае нун бошад ва алалумум ин қоидаи факки изофат, ин қисми нун қоиз набошад, магар он ки чанд лафз бар самъ мавкуф бошанд, ин бар қиёс. Ва алфозе, ки дар авохирин он ҳои мухтафӣ бошад, чунонки сархайл ва саргурӯх ... (2,70-71).

Чи тавре ки мебинем, Ғиёсуддини Ромпурӣ дар моддаи луғавии «изофат» ба ҳодисаи фонетикии «факки изофат» аз рӯи зарурати мавзӯ назари иҷмолий андохтааст ва рочеъ ба ин ҳодиса хеле мухтасаран изҳори назар намудааст. Сабаби изофаи мақлубро Ғиёсуддини Ромпурӣ «тахфифи калом» донистааст. Ва дар идомаи суханаш сабабҳои соқит шудани касраи аломати изофатро аз охири музоф ба тариқи зайл зикр кардааст:

1.Зарурати шеърӣ; 2.Касрати истеъмол; 3.Ғалабаи исмият. Ҳамчунин Ромпурӣ калимаҳоро (сар, соҳиб, пас, ним, вали...) номбар кардааст, ки дар вақти бо онҳо сохтани калимаҳои мураккаб, ин калимаҳо, ба қавли соҳиби фарҳанг, «мақтӯбулизофат» мегардад».

Дар иқтибоси боло истилоҳи «ҳамзаи мулаййина» каме шарҳталаб аст. Муҳаққиқи соҳа ин истилоҳро чунин шарҳ медиҳад: «Аз истилоҳоти фонетикӣ, ки дар фарҳангномаи мавриди назар ба чашм расида, дар дигар фарҳангномаҳо истифода нашудааст, истилоҳи «мулаййина» аст. Тарзи навишти калимаи «лўлайн»-ро муаллиф чунин овардааст: «бо ду лом ва вои маҷхул ва ломии дувуми мафтӯх ва ҳамзаи мулаййина ба ё-и расида».

Муҳаммад Чаводи Шариат хангоми тавсифи ҳарфи алиф зикр кардааст: «...ин ҳарфро алифи лаййина муқобили ҳамза ё алифи мутаҳаррика меноманд» (8,12). Вале дар «Дастури забони форсӣ» истилоҳи «мулаййина» ба назар нарасид.

Муҳаммад Муин дар «Фарҳанги форсӣ» баъди овардани маънои вожаи «лаййин»-нарма муқобили «ҳашин» истилоҳи «ҳуруфи лаййин»-ро чунин шарҳ додааст: «Хуруфи лаййин-алифу вов ва ё-и сокини моқабли мафтӯх, монанди айн ва ҳавл» (4,63-64).

Лозим ба таъкид аст, ки ишора дар бораи калимасозӣ бо роҳи афтодани изофат ё «факки изофат» дар фарҳангҳои дигар, аз ҷумла, дар «Ҷароғи ҳидоят» низ дучор мешавад. Ба ибораи дигар гӯем, Орзу ханӯз сад сол пеш аз Ғиёсуддини Ромпурӣ ба ин ҳодисаи забонӣ ишорат карда, дар моддаи «Ҳамирасандал» овардааст: «Бидон, ки лафзе, ки дар охири он ҳои мухтафӣ бошад, ҳақиқатан чунон ки дар алфози форсия мисли хона ва шона ва хоҳ маҷозӣ, чунонки ҳое, ки дар охири алфози арабия бошад, мисли хамира, кудамо факки изофати он билошубҳа қоиз доштаанд, чунонки бар мутатаббеъ пӯшида нест. Ва баъзе мутааххирин низ қоиз доштаанд, дар баъзе алфоз. Таъсир гӯяд, байт:

Бубин чон аст он хури биҳиштӣ,
Хамирасандал аз ширинсириштӣ» (6,94).

Дар чои дигар Орзу яке аз сабабҳои асосии афтодани изофатро номбар кардааст: «Шоҳбандар –ҳокими бандар. Ва факки изофат ба сабаби касрати истеъмол аст ва ҳукми як калима пайдо карда» (5,138) .

Дар шарҳи моддаи луғавии «шоҳбандар» ду нукта таъкид ёфтааст: аввалан, ба сабаби бисёрии истеъмол афтодани «и»-и изофат; сониян «ҳукми» як калима, яъне калимаи мураккаби тобеъро гирифтани ибораи «шоҳи бандар»-«шоҳбандар»-ро зикр намудааст.

Муносибати синтаксисии калимаҳои таркиби ибора бо ёрии воситаҳои грамматикӣ сурат мегирад. Калимаҳои таркиби ибора ба ҳиссаҳои гуногуни нутқ мансубанд ва мувофиқи категорияҳои ҳамон ҳиссаҳои нутқ тағйир меёбанд. Масалан, агар яке аз калимаҳои ибора исм бошад, вай метавонад, дар шакли танҳо ва ё чамъ ояд, артикл қабул кунад, бо бандакҳо ва ё пешоянду пасояндҳо ояд ва ғайра. Вақте ки калимаи мураккаб ба вучуд меояду ҷузъҳои калима ба ҳам пайваست мешаванд, онҳо ҳуқуқи калимагиро аз даст дода, ба асосҳо табдил меёбанд, асосҳо бошанд, морфема ба шумор мераванд.

Ба ибораи дигар ҷузъҳои калимаи мураккаб аслан ба ҳисаҳои мухталифи нутқ мансуб бошанд ҳам, пас аз ба ҳукми морфема даромаданашон мувофиқи он ҳиссаҳои нутқ тасниф намешаванд, категорияи морфологияи онҳоро қабул намекунанд, балки ба як воҳиди луғавӣ-морфологӣ табдил ёфта, мувофиқи талаботи ҳамон тасниф мешаванд. Масалан, калимаи «ҷуробдӯз»-ро гирем: «Ҷуробдӯз» он ки «ҷуроб» дӯзад; ва «ҷуроб» навъест аз кафш ва мӯза» (6,74-75).

Калимаи мураккаби «ҷуробдӯз» аз калимаҳои «ҷуроб» ва «дӯз», ки яке аслан исм ва дигаре асоси замони ҳозираи феъли «дӯхтан» аст, сохта шудааст. Калимаҳои ҷузъи ин калимаи мураккаб мувофиқи талаботи категорияҳои исм (масалан, ҷуробҳо) ва феъл (масалан, дӯзам, дӯзӣ, дӯз...) тағйир меёбанд. Вале калимаи мураккаби «ҷуробдӯз» танҳо ҳамчун исми фоил тасниф мешавад. Аз қайдҳои муаллиф метавон ба хулосае расид, ки аввалин фарқи калимаи мураккаб аз ибора ташаккули ягона ва пурраи калима ба шумор меравад.

Маълум аст, ки дар забони тоҷикӣ дар ибора задаи грамматикӣ ба микдори калимаҳо вобаста аст. Дар ибора ҳар қадар калимаи мустақил бошад, ҳамон қадар задаи грамматикӣ низ мавҷуд аст. Баъди ба ҳам васл шудани ҷузъҳои ибора ва ба калимаи мураккаб табдил ёфтани он, калимаи мураккаб як задаи грамматикӣ қабул мекунад.

Аз хусуси тафовути дигари калимаи мураккаб ва ибора М.А.Кумаҳов чунин изҳори мулоҳиза мекунад: «Сабаби ба калимаи мураккаб гузаштани ибора он аст, ки вай предметонида шуда, вазифаи номинативӣ мегирад. Асосҳои ба калимаи мураккаб табдил ёфтани ибора ҳанӯз дар ибтидои номинатсияшавии он гузашта шудаанд, вале ибораи исмӣ маънои предметонӣ

надорад, балки танҳо муносибати атрибутивии ду аъзои чумларо ифода мекунад» (5,59).

Мулоҳизаи олими мазкурро Ш. Рустамов хеле возеҳу равшан дар мисоли ибораи «сад барг» ва калимаи мураккаби «садбарг» тавзеҳ додааст. «Дар чумлаи «Сафедори баланд як нуктаю сад барги тар дорад» ибораи «сад барг» на предмети конкрет, балки муносибати атрибутии муайянкунанадаи «сад» ва муайяншавандаи «барг»-ро нишон медиҳад, яъне дар ин ҷо дар назари аввал на предмети конкрет, балки бисёрии предмет дар дар назар дошта шудааст. Дар чумлаи «Гулбаҳор як даста садбарг овард» бошад, «садбарг» танҳо предметро ифода мекунад ва дар он муносибати атрибутие, ки дар ибораи «сад барги тар» ҳаст, мушоҳида намешавад».

Дар забоншиносии муосири тоҷик нуктаи назари ҳам муаллифи «Ғиёс-ул-луғот» ва ҳам олимони муосири дигарро Ш. Рустамов дар китоби «Калимасозии исм дар забони адабии ҳозираи тоҷик» чамъбаст кардааст. Аз чумла, Ш. Рустамов мисолҳои барои «изофати билқалб» ё «изофати мақлубӣ» овардаи муаллифи «Ғиёс-ул-луғот»-ро таҳлил намуда, менависад: «Дар калимаҳои мурғобӣ, гулнор, гулғаз ҷузъи якум, вале дар калимаҳои аврангзеб, некмард ва гулоб ҷузъи дувум асосӣ мебошад. Бино бар ин, барои аз ибораҳои изофӣ бо усули факки изофат сохта шудани калимаҳои дувум ҳеч гуна асоси грамматикӣ надорем» (5,63).

Муҳаммадҷаводи Шариат бошад, бар он аст, ки дар изофаи мақлуб низ факки изофат мавҷуд аст: Агар ду калима мучовири якдигар бошанд ва охири аввалин калима (агар ҳарфи изофа набошад) касрае вучуд дошта бошад, ҳолати изофа эҷод мегардад. Калимаи аввалро дар истилоҳи дастури забон музоф (муайяншаванда) ва калимаи дувумро музофилайҳ (муайянкунанда) гӯянд.

Музофилайҳ, дар ҳақиқат, мутаммими музоф аст ва қадре онро возеҳтар мекунад ва аз назари маънӣ мақсуд аз изофа ғолибан музоф аст, вале дар изофа мушаббахунбиҳӣ (образи муқоиса) ба мушаббаҳи (предмети муқоиса) музофилайҳ мақсуд аст. Ғоҳе касраро ҳазф мекунанд ва ин ҳазфи касраро «факки изофа» гӯянд ва дар ин ҳолат музоф ва музофилайҳ дар ҳукми як калимаи мураккаб аст. Монанди падарзан ё соҳибдил, ки ба сурати падари зан ва соҳиби дил будан касраи изофа хонда мешавад. Ин навъи изофаро «изофаи мавсул» меноманд. Ғоҳе низ ҷои музоф ва музофилайҳ бо якдигар иваз мешавад, яъне музофилайҳ қабл аз музоф қарор мегирад. Ин изофаро «изофаи мақлуб» мегӯянд. Ва дар изофаи мақлуб ҳам факки изофа ба вучуд меояд, яъне касраи изофа ҳазф мешавад. Монанди оби гул, ки ба сурати гулоб ё ҳоли хуш, ки ба сурати хушҳол дармеояд (7,361).

Калимасозии исмҳои мураккаб яке аз масъалаҳои душвори забони адабии ҳозираи тоҷикӣ мебошад. Муҳаққиқон собит сохтаанд, ки бештарини калимаҳои мураккаби тобеъ аз ибораҳои гуногун сохта мешаванд. Хосияти вижаи ҳар забон бештар дар калимасозии исмҳои мураккаб зоҳир мегардад. Фарқи калимаҳои мураккаб аз ибора дар хусусиятҳои зерин зоҳир мешавад:

а) баъди ба ҳукми морфема даромадан аз категорияҳои морфологияи калимаҳои таркиби худ маҳрум гардидани калимаҳои мураккаб;

б) ба ҷойи задаҳои ҷузъҳои таркибии калимаҳои мураккаб як зада гирифтани он;

в) вазифаи номенативӣ гирифтани калимаи мураккаб.

Хулоса, масъалаи ташаккули калимаи мураккаб ҳанӯз аз давраҳои қуруни вусто мавриди тавачҷуҳи фарҳангшиносон қарор гирифтааст. Аксари забоншиносони тоҷик, ки дар бораи «факки изофат» ибрози ақида намудаанд, ба маълумоти муаллифи фарҳанги «Ғиёс-ул-луғот»-и Ғиёсуддини Ромпурӣ истинод мекунанд, вале ҳанӯз тақрибан сад сол пештар усулҳои сохтани вожаҳои мураккаб ва истилоҳоти марбут ба он аз ҷониби Алихони Орзу шарҳ ёфтааст.

Адабиётҳо

1. Бурҳони қотей. Дар панҷ мучаллад. Бо эҳтимоми М.Муин. Ҷ. 1.- Техрон: Амири Кабир, 1357.
2. Ғиёсуддин, Муҳаммад. Ғиёс-ул-луғот. Ҷ.1.- таҳияи матн бо пешгуфтор, мулҳақот, тавзеҳот ва феҳристи Амон Нуров.- Душанбе: Адиб, 1987.
3. Капранов В.А. Таджикско-персидская лексикография в Индии XV1-X1X вв.- Душанбе: Дониш, 1987.
4. Муин, Муҳаммад. Фарҳанги форсӣ. Дар шаш мучаллад. Ҷ.1.-Техрон: Амири Кабир, 1375.
5. Рустамов Ш. Калимсозии исм дар забони адабии ҳозираи тоҷик. –Душанбе: Дониш, 1972.
6. Сирочиддин Алихони Орзу. Чароғи ҳидоят.- Душанбе: Ирфон, 1992.
7. Хоҷаева М. Инъикоси масоили фонетикӣ дар «Чароғи ҳидоят»-и Орзу // Номаи ДДХ ба номи Б.Ғафуров, силсилаи илмҳои ҷомеашиносӣ, 2013, шумораи 1.- Хучанд: Нури маърифат, 2013.
8. Шариат, Муҳаммад Чавод. Дастури забони форсӣ.-Техрон: Асотир, 1371.
9. Энциклопедияи советии тоҷик. Ҷилди 8.- Душанбе, 1988.

Раджапова У., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

“ЛАҲЖУТУ-Л-ЛУҒОТ” – ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИ ЛЕКСИКАСИ ТАДҚИҚИДА МУҲИМ МАНБА

Шайхулислом Муҳаммад Асъад бин Исмоил Афанди томонидан 1145 ҳижрий (1732 милодий) йилда ёзилган “Лаҳжату-л-луғот” машҳур “Абушқа”дан кейин туркий сўзлар учун махсус ёзилган луғат сифатида қадрлидир. Унда 3661 та луғат мақола изоҳланиб, улар ўртасида маъно фарқлари, ўзаро умумий ва хусусий жиҳатлари кўрсатиб берилган. (Eminoğlu, 2010: 21) Луғат Истанбулда 1216/1801 йилда “Дору-л-тибооти-л-маъмура” матбаасида (10+851 саҳифа) ҳамда шу шаҳарда 1844 йилларда нашр қилинган. (Eminoğlu, 2010: 74) Асарнинг Бурса, Истанбул каби шаҳарлар кутубхоналари-

да бир неча қўлёзмаси мавжуд бўлиб, биз улардан Роғиб Пошо кутубхонасида 1440-ашё рақами остида сақланаётган, 1166 //1753 йилда кўчирилган қўлёзма билан танишишга мушарраф бўлдик (Лажҳа, қўлёзма)

Ушбу луғат моҳиятан туркий-арабий-форсий луғатдир. Луғат мақолалари изчил тамойил асосида шакллантирилган бўлиб, унда алифбо тартибида (сўзнинг биринчи ва охири ҳарфлари эътибори билан) туркий сўз сўнгра унинг “арабийси” эслатмаси билан араб тилидаги, ундай кейин “форсийси” эслатмаси билан форс тилида эквивалентлари келтирилади. Муҳими, келтирилган арабча ва форсча сўзларнинг катта кўпчилиги ўзбек мумтоз адиблари асарлари тилида мавжудлигидир. Шунинг учун луғат ўзбек мумтоз адиблари асарлари лексикасини мавзуйий-маъновий таснифлаш, эъроблар муфассал баёни билан берилгани боис сўзни тўғри ўқиш, омонимларни фарқлаш, маълум асар линвопоэтик тадқиқи, ўзбек мумтоз адиблари асарлари тилининг мавзуйий луғатини яратиш каби ўта муҳим масалалар ечимида катта аҳамиятга эга. Қуйида мисол тариқасида луғатдан айрим моддаларни келтираамиз:

“ОЙ **أى** арабийси “қоф”нинг, “мим”нинг фатҳалари, “ройи муҳмала ила “қамар” **قمر** дир. “Фурсати ғанимат бил, вақти фавт айлама” держак маҳалда араблар зарби масал эдуб “**سرو قمر لك**” дерлар. “Фалон нанса гарчи ийидир, аммо фалон андин дахи ийидир” держак маҳалда араб зарби масал эдуб **فى القمر ضياء و الشمس اضواء منه** “Фи-л-қамари зиёун ва аш-шамсу азвау минҳи” (Ойда ёғду бор, аммо қуёш ундан ёлқинрок) дерлар.

Ва “зойи муъжама”нинг касри, “бойи муваҳҳада”нинг сукуни, “ройи муҳмала”нинг дахи касри, “қоф”нинг фатҳ ва мадди охиринда “нун” ила “зибриқон” **زبرقان** “қамар” кабидир.

Ва “ҳо”нинг касри, “лом”нинг фатҳ ва мадди, охирида яна “лом” ила – “ҳилол” **هلال** “янги ой”дир. Жамъи ҳамзанинг фатҳи, “ҳо”нинг касри, “лом”нинг фатҳ ва ташдиди, охирида “ҳо” вақф ила “аҳилла” **اهله** келур.

Ва “ҳойи муҳмала”нинг фатҳ ва мадди, “сини муҳмала”нинг касри, охирида “нун” ила “ҳосин” **حاسن** “қамар” кабидир.

Ва ҳамзанинг касри, “бойи муваҳҳада”нинг сукуни, охирида “нун” ва “мим”нинг замми, “зойи муъжаманинг сукуни, “нун”нинг фатҳи, охирида “ҳо” ила “ибну музнаҳ” **ابن مزنه** “ҳилол” маъносинда “янги кўринган ой”дир.

Ва “мим”нинг замми, “лом”нинг фатҳи, “йойи таҳтоний”нинг сукуни, “сини муҳмала”нинг фатҳ ва мадди-ла “милайсо” **مليسا** сафар ойидир.

Ва “бойи муваҳҳада”нинг замми, “соди муҳмала”нинг фатҳ, мадд ва ташдиди, охирида “нун” ила “бассон” **بصان** рабиъ ул-охир ойидир.

Ва “вов”нинг фатҳи, “ройи муҳмала”нинг сукуни, “нун”нинг фатҳи, охирида “ҳо” вақф ила “варна” **ورنه** зилқаъда ойидир.

Ва “ҳойи муъжама”нинг замми, “вов”нинг фатҳи ва ташдиди, охирида “нун” ила “хуввон” **خوان** рабиъ ул-аввал ойидир.

Ва “ҳойи муҳмала”нинг касри, “нун”нинг каср ва мадд, ташдиди, охирда “нун” ила хиннийн حنين ва “ҳойи муҳмала”нинг фатҳи, “нун”нинг каср ва мадди, охирда “нун” ила хинийн حنين жумоди ул-аввал ва жумоди ул-охир ойларидир. Жамъи “ҳойи муҳмала”нинг фатҳи, “нун” фатҳи, “нун”нинг фатҳ ва мадди, “йойи таҳтония”нинг касри, охирда “нун” ила ҳанойин حناين ва ҳамзанинг фатҳи, “ҳойи муҳмала”нинг сукуни, “нун”нинг касри, охирда “ҳо” вақф ила аҳнийа احنيه ва “ҳойи муҳмала”нинг замми ва мадди, охирда “нун” ила ҳунун حنون келур.

Ва “ҳо”нинг замми, “вов”нинг фатҳ ва мадди, охирда “айни муҳмала” ила “ҳавоъ” هواع зилқаъда ойидир. Жамъи “ҳамза”нинг фатҳи, “ҳо”нинг сукуни, “вов”нинг касри, “айни муҳмала”нинг фатҳи, охирда “ҳо” вақф ила аҳвиъа اهوعه келур.

Форсийси: “мим”нинг фатҳи ва мадди, охирда “ҳо” ила моҳ ماه дир. Ва ҳазфи “алиф” ила маҳ مه дир. Бир киши бир кишининг сабаби ила нафъ кўруб, муродина восил ўлса, ажам масал зарб эдуб, “моҳи нав барўйи у дидам” ماه نو “унинг юзида янги чиққан ой кўрдим” дер.

Ва “мим”нинг фатҳ ва мадди, охирда “жим” ила “мож” ماج “моҳ” кабидир.

Ва “ҳо”нинг замм ва мадди, охирда “ройи муҳмала” ила “ҳур” هور “мож” кабидир.

Ва “ҳо”нинг фатҳи ва “вов”нинг сукуни, “ройи муҳмала”нинг каср ва мадди, охирда “мим” ила ҳуврийм هوريم “ҳур” каби “ой”дир. (Лажха, қўлёзма: 79-80)

Шунингдек, луғатда “ойдинлик”, “ой боши”, “ой сўнғи” мақолалари ҳам берилган бўлиб, унда келтирилган жуда кўплаб сўзлар ўзбек мумтоз адиблари тилида ишлатилган. Бундан ташқари, бу сўзлар орасида ўзбек ва тожик тилларида маъно ўзгаришига учраган ёки араб тилида мавжуд маъноларидан биригина фаол бўлган сўзлар ҳам мавжудки, бу ўзбек тилидаги ўзлашма сўзлар тараққиёти, этимологияси каби масалалар тадқиқида катта аҳамиятга эга. Масалан, *ишва* عشوه сўзи ўзбек тилида “юз, кўз, қош жилваси, ноз, адо” (ЎТИЛ, 2: 256), тожик тилида “рафтори дилрабоёнаи маъшуқа барои чазби дили ошиқ, карашма, ноз, ғамза” (ФТЗТ, 1: 570) маъноларида ишлатилади. “Лажха” орқали бу сўзнинг асл маъноси “оташ ойдинлиғи” – “олов ёлқини” (Лажха, 80^a) эканини билиб оламиз.

Ушбу луғат мақолаларида келтирилган катор сўзлар ўзбек адабиётининг номдор вакили Муҳаммад Ризо Огаҳий асарларида мавжуд. Шулардан *моҳ* умумэроний сўз бўлиб, “Авесто”да *моҳях* ой илоҳасининг номи. Маздапарастларнинг беш машҳур алқовидан учинчиси (“Хурда Авесто”да 12 бандли) мазкур илоҳага бағишланган. Уни ойнинг 30 куни давомида 3 марта: ҳилол кўринган пайт, бадр вақти, ойнинг охирги куни ўқийдилар (Ўразбоев, 2018: 211). *Моҳ* сўзи ҳам осмон жисми, ҳам вақт ҳисоби маъноларида ишлатилади. Мумтоз адибларимиз тилида *моҳ* сўзи – *маҳ* шаклида ҳам учрайди. *Моҳ* (ой) ва *моҳи* (балиқ) сўзларининг шаклан яқинлиги боис “бошдан-оёқ”,

“бутун борлик” маъносида “моҳ то моҳи” (буни арабча сўзлар билан “самодан самаккагача” дейиш ҳам учрайди, “самак” – арабча “балиқ”) деган гўзал ибора кўп учрайди. Шунингдек, *ҳилол*, *гурра*, *бадр* сўзлари ўзаро маъно фарқига эга. Луғатда изоҳланган сўзлардан бири *салх* эса “ойнинг охириги кун, эртасига янги ой кўринадиган кун” маъносини беради. Арабча бу сўзнинг ўзаги “салаха” – “пўстини тилмоқ” феълига бориб тақалди. Шунинг учун илоннинг пўст ташлаши *салху-с-саъбон* дейилади. Ғиёсиддин Рампурий ҳам шу ўзакни келтириб, бунинг важҳи тасмия – аталиш сабабини ниҳоятда мўътабар бўлган “Илми нужум рисоласи”га асосланиб, бу кунда ой куёш нури остидан чиқади, шунинг учун бу кунни шу ном билан атаганлар, деб ёзади. (ҒЛ, 562) Демак, фалон ойнинг салхи дейилса, ўша ойнинг охириги кунини тушунамиз. *Салх* ўзаги асосида ясалган “қассоб” маъносидаги “саллох”, “кушхона” маъносидаги “саллохона” сўзлари адабий тилимизда мавжуд. Таркибида форсий “хона” аффиксида мавжуд бўлган бу сўз араб тилида ҳам “салаххона” шаклида учрайди ва Хоразм шеваларида *саллаххана* сўзи фаол ишлатилади. Бундан ташқари, ўзбек тилининг тарихий лексикасида ойнинг шакл ва палла (вақт)лардан бирини ифодаловчи “маҳоқ” сўзи ҳам бор бўлиб, қоронғу тун, эски ва янги ой оралиғидаги вақт маъносини англатади.

Луғатда изоҳланган сўзлар бири *гурра* غر арабча сўз бўлиб, янги чиққан ой маъносини англатади. У *гарра* غر “чалғитмоқ”, “шубҳага солмоқ”, “алдамоқ”, “йўлдан оздирмоқ” феъли асосида ясалган. Ҳижрий-қамарий ойнинг биринчи кунига *гурра* деб айтилади. Шу ўзак асосидаги “нуқсонлик” маъносида *гирор* сўзи мавжудки, бунда номланиш сабабини *ҳилол* сўзига қиёслаб ёритса бўлади. Ойнинг бошланишини *гурра* деб аташ натижасида мазкур сўзнинг ибтидо, бошланиш маъноси келиб чиққан. Масалан, “шаъбон ойнининг ғурраси” дейилганда шаъбон ойнининг дастлабки кунини тушунамиз. Мисол учун, Огаҳий ёзади: “...Якшанба куниким, жумодуссоний ойнининг *гурраи гарросининг* илҳомнишон имоси билан ҳазрат ҳадиви комкор офтоби пуранвордек озим бўлиб... Кечқирон отлиғ марҳала машриқидин толеъ қилди”. (РД, 5364: 271^а) Парчада *гурраи гарро* ва *офтоби пуранвор* бирикмалари *Ғурраи гарро* бирикмасида ҳам товущдошлик, ҳам иштиқоқ санъатлари мавжуд. *Ғарро* сўзи “аниқ”, “аён”, “намоён” сифатининг муаннас шаклидир. Демак, *гурраи гарро* ибораси нурли тун маъносини беради. *Ғурра*, шунингдек, “нурли тун” маъносини ҳам беради. Бундан ташқари, *гарро* сўзининг музаккар шакли *агар* отнинг пешонасидаги оқ белги, қашқа, пешонадаги тамға маъноларини англатади. Тилимиздаги “Пешонани ғурра қилмоқ” ибораси ҳам шу “ғурра”нинг янги чиққан ой маъноси билан боғлиқ. Бунда шаклий ўхшатишга асосланган метафора мавжуд. *Ғарро* ва *агар* сўзларининг кўплик шакли *гурдир*. Бу тип сифатларининг кўплик шакли умумий қолипга эга. Тилимиздаги “ғар”, “ғарча” вулгаризмлари *гарра* феълининг “алдамоқ”, “йўлдан оздирмоқ” маънолари орқали *гурра* сўзи билан ўзакдош ҳисобланади. Мумтоз адибилар-

миз тилида *zurra* сўзи билан диахрон омограф бўлган *zarra* (ғурур, кибр) сўзи ҳам учрайди.

Кўринадики, “Лаҳжату-л-луғот” туркий-арабий-форсий луғат сифатида туркология билан бир қаторда тожик тили ва адабиёти мутахассислари томонидан ҳам кенг тадқиқ этиши лозим.

Адабиётлар

Eminoğlu: 2010: Emin Eminoğlu. Türk dilinin sözlükleri kaynakçası. – İstanbul: Asitan, 2010.

ҒЛ – Ғиёсиддин Муҳаммад бин Жалолиддин бин Шарафиддин Ромпурий. Ғиёсу-л-луғот. Бо ҳавошӣ ва изофот. Ба кушиши Муҳаммади Дабири Сиёқӣ. – Техрон: Чопи “Гилон”

ФТЗТ – Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ, ҷилди 1. – Душанбе, 2008.

Ўразбоев, 2018 – Ўразбоев А.Д. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси. Филол. фанлари доктори (DSc) ... дисс... – Тошкент, 2018. 248 б.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

*Расулова М., профессор
(Ўзбекистон)*

XXI АСРДА ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ҳар бир фан қарама-қарши йўналишда тараққий этади. У, аввало, ўз предметининг моҳиятини очишга интилади, иккинчидан ушбу фаннинг предмети бошқа фанларнинг предметлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлганлиги учун бу фанларнинг ютуқларига бефарқ қараб тура олмайди. Учинчидан объектив олам қурилиши ва тараққиётининг шундай универсал қонунлари борки, улар турли фанларнинг объектларига умуман олганда хос бўлиб, ҳар бир фан воқелигида ўзига хос хусусиятлар касб этади. Ушбу омилларнинг барчаси фанлар интеграцияси ва дифференциациясини вужудга келтиради.

Ушбу мақолада фанлар интеграциясини ва дифференциациясини гендер тилшунослиги мисолида кўриб чиқамиз.

Ҳозирги кунда айнан тил ва коммуникация соҳалари доирасида гендер муаммоси кун сайин тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб этмоқда. Сабаби гендер коммуникатив жараён сифатига таъсир қилувчи муҳим омил хисобланади. В.фон Гумбольдт “тил - ҳаракат” деган фикрига қўшилиб, гендер ҳам тилда ва нутқда фаолият кўрсатади деб таъкидлаган эди, чунки уни “ҳаракатланувчи”, “ўзгарувчи” ва “шаклланувчи” ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида таърифлаш мумкин деган эди буюк олим [Гумбольдт, 1985]. Баъзан гендерни “сузиб юрувчи” (плавающий) параметр сифатида ҳам таърифлашади

[Кирилина, 2002, 10]. Шунга кўра у ўзгарувчан ва ҳар хил контекстда турлича намоён бўладиган ходиса сифатида қаралади.

Мунтазам тараққий этаётган замонавий ижтимоий илм-фан *жинс* ва *гендер* тушунчаларини бир-биридан ажратиш ва улар орасидаги фарқни яққол кўрсатиб бериш зарурияти пайдо бўлганлигини, ҳамда бу масалада ойдинлик киритилиш эҳтиёжи борлиги хис этилганлигини кўрсатмоқда.

Бизнингча жинс ва гендер терминларининг фарқли хусусиятлари кўйидаги параметрлар билан белгиланади:

Жинс биологик категория сифатида шахснинг анатомик-физиологик хусусиятини белгилайди, гендер ижтимоий-маданий меъёрлар таъсирида аёл ва эркекларнинг ўзига хос гендерини, яъни уларнинг психологияси, фаолияти ва жамият томонидан бириктирилган андозаларни ўзлаштириш қонуниятлари мажмуидир. Шунга кўра, “гендер” термини жинслараро фарқни ижтимоий маданий нуқтаи назардан кўриб чиқиш эҳтиёжининг юзага келиши натижасида пайдо бўлган.

Гендер маданиятни яратади, чунки у ижтимоий ходиса сифатида жамиятда шаклланади ва ривожланади. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш жоиз-ки, тил тизимида гендер андозаларининг бутун мажмуаси мавжуд, бироқ уларнинг тилда қўлланиши бир хил эмас. Тил манбаларини айнан гендер нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жамиятда мавжуд бўлган андозаларнинг қўлланилиш хусусиятлари ва доирасини аниқлаш имконини беради.

Замонавий гендер тилшунослиги у ёки бу жинс эгасининг нутқий фаолияти ва тилга таъсирини эмас, балки ҳар бир жинснинг ўзига хос гендерини ҳосил бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши учун тилда мавжуд воситаларни тадқиқ этади.

Гендерни муҳим томонларидан бири шуки, у фанлараро хусусиятга эга бўлиб, илм-фаннинг ҳар бир соҳасида тадқиқ этилишини тақозо этади.

Тилнинг маданиятлараро коммуникация объекти сифатида ўрганилиши ва, шунингдек, тил, маданият ва онгнинг ўзаро боғлиқлиги муаммолари замонавий тилшуносликда катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу муаммолар лингвомаданиятшунослик, когнитив ва гендер тилшунослигига оид тадқиқотларда ўз ифодасини топмоқда. Мазкур масалани ўрганиш учун турли миллий маданиятларни ифодаловчи тиллардаги воситаларни қиёслаш, миллий менталитет ва уни ифодаловчи хусусиятларни таҳлил этиш лозим. Турли тизимли тилларнинг гендер нуқтаи назаридан қиёсий-чоғиштира таҳлили социология ва психология соҳаси мутахассислари учун ҳам муҳим назарий ва амалий ғояларни тақдим этади. Бу лингвистик гендерологиянинг социолингвистика ва психолингвистика билан узвий боғлиқлигидан дарак беради.

Шу сабабли гендер омилини турли хил тилларда лисоний воситаларни танлашга бўлган таъсирини ўрганиш тилшуносликда изланишларнинг янги жабхалари хисобланади.

Замонавий тилшуносликнинг асосий йўналишларидан бири бу экспансионизм ёки фанлараро дифференциация ва интеграциядир. Фан тараққи

ёти ушбу икки жараён билан узвий боғлиқ бўлиб, қуйидаги шаклда намоён бўлади:

- ✓ ташқи - тилшунослик фанини икки ва ундан ортиқ гуманитар ёки табиий фанлар билан интеграцияси;
- ✓ ички - нутқ жараёнида тилнинг барча тармоқлари интеграцияси.

Гендерни ташқи интеграцияси бу мураккаб ижтимоий-маданий тузилма бўлиб турли фанларда, айнан жамиятшунослик, психология, тарих, антропология, фалсафа, маданиятшунослик ҳамда тилшуносликда фаол равишда ўрганилиб келинмоқда.

Гендер атамаси тарихига мурожаат қилсак бу терминни биринчи бўлиб 1958 йили Калифорния университетига рухшунос-аналитик сифатида фаолият юритган олим Роберт Столлер томонидан фанга киритилган. 1963 йили Стокгольмда ўтказилган рухшунос-аналитиклар конгрессида у гендер тушунчасини психологлар, жамиятшунослар ва тилшунослар олиб борадиган илмий изланишларнинг бош объекти бўлиши мумкин деган ғояни илгари сурди ва ушбу таклиф, замонавий гуманитар фанлар орасида янги йўналиш – гендер тилшунослиги вужудга келишига муҳим омил бўлди. 90-йиллар охиридан тортиб то ҳозирги пайтгача гендер назарияси ривожланишига нафақат АҚШда ва Ғарбий Европада, балки Африка, Осиё, Шарқий Европа ҳамда Россия каби мамлакатларда ҳам гуманитар фанларнинг тан олинган йўналиши сифатида қаралмоқда. Ўзбек тилшунослигига эса лингвистик гендерология ўзининг илк қадамларини қўймоқда.

Ҳозирги кунда гендер термини ижтимоий жинс маъносини англашиб, яъни эркак ва аёллар ўртасидаги фарқни биологик омилларга боғлаб эмас, балки ижтимоий-маданий шарт-шароитларга боғлаган ҳолда тушинишдир (Абубикирова, 1996).

Гендер аслини олганда, мураккаб ижтимоий-маданий жараён бўлиб, жамиятда аёл ва эркак роли, хулқи, ментал ва эмоционал хусусиятларидаги тафовутларнинг шаклланишини билдиради. Гендерли тафовутлар пайдо бўлишининг асосий элементлари “аёлга хос” ва “эркакка хос” тушунча ва ходисаларнинг бир бирига қарши қўйилиши хисобланади. Демак, инсон жинси нафақат ижтимоий, балки маданий рамзий интерпретацияга ҳам эга бўлиб, халқ маданиятида аёл ва эркак символикасида намоён бўлади ва мустахкамланади. Шу аснода “аёлга хос” (*табиат, қоронгулик, итоаткорлик, ожизалик, ношудлик, нофаоллик, бўшлик*) ва “эркакка хос” (*художўйлик, ижодийлик, кучлилик, ёруғлик, фаоллик, рационаллик*) деган рамзий маънолар пайдо бўлади.

Замонавий гендер назарияси икки жинс ўртасидаги у ёки бу биологик, ижтимоий, психологик тафовутларнинг мавжудлиги ҳақида бахслашишга уринмайди. Бу назария учун муҳими, сиёсий қиймати асосидаги хоқимлик (устунлик) тизимини қурилишидир.

Шу сабабли гендерологияга бағишланган илмий тадқиқотларнинг асоси аёл ва эркекнинг ҳаётдаги роли, мақоми ва муносабатлари орқали жамиятда тасдиқланган устунлик, ҳамда эгаллик қилиш тушунчаларини таҳлил қилишдан иборатдир. Шу аснода XX асрнинг 60-йилларига келиб тил ва жамиятнинг ўзаро алоқаларини ўрганувчи ижтимоий тилшунослик, прагматика, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, коммуникатив тилшунослик ва дискурс назарияси каби тилшуносликнинг замонавий йўналишлари пайдо бўлди.

Демак, гендер тилшунослиги когнитив тилшунослик асосида пайдо бўлиб, унинг ташқи интеграцияси авваламбор фалсафа ва мантиқ фанларига боғлиқ. Бундан ташқани бир қатор фанлар, яъни тарих, психология, маданиятшунослик, маданиятлараро коммуникация, антропология каби фанлар билан ҳам боғлиқлик томони мавжуд.

Фанлараро интеграциянинг иккинчи хусусияти – ички интеграция гендерни нутқда намоён бўлиши, яъни жинснинг нутқ жараёнида қай тарзда ифодаланишини, аёллар ва эркеклар нутқларининг фарқини ўрганади.

Бу йўналиш бўйича қилинган изланишлар негизида тилшунос олимлар шундай хулосага келишади-ки, аёллар нутқи кўпроқ хис туйғуга тўла бўлиб, улар камдан-кам холларда вульгар лексикани ишлатишади. Аёлларга ижобий фикрни ифодаловчи ундов сўз, сифат ва равишларни кўпроқ ишлатиш хос бўлса, эркеклар учун эса экспрессив сўзлар, стилистик жихатдан суст сўзлар, ҳамда терминларни ишлатиш хосдир. [Кирилина <http://www.strana-oz.ru/?numid=23&article=1038>].

Шундай қилиб, ҳозирги давр тилшунослигининг тараққиёти, унинг бошқа фанлар билан дифференциацияси ва интеграцияси кучайиб бормокда. Сабаби, ҳозирги пайтда тилшуносликда ономасиологик ёндошув асосида илмий тадқиқотлар олиб борилад экан ички ва ташқи фанлараро интеграциясига асосланиш на фақат назарияни кучайтириш, балки чет тилларни ўрганиш ва ўргатиш таълимига ҳам юксак даражада таъсирини кўрсатмаслиги мустасно эмас. Бахс талаб этувчи бу жараён тилшунос олимлардан жиддий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Адабиётлар

1. Абубикирова Н.И. Что такое гендер? // Общественные науки и современность. – 1996, № 6. – с. 123-125.
2. Гумбольдт В. фон. О различии полов и его влиянии на органическую природу. // Языку и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985.
3. Кирилина <http://www.strana-oz.ru/?numid=23&article=1038>.
4. Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием //Гендер: язык, культура, коммуникация. - М., 2002
5. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005.

*Собиров А., профессор
(Ўзбекистон)*

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР

Алишер Навоийни ўзбек мумтоз адабиётининг саркори, эски ўзбек адабий тилининг асосчиси деймиз. Унинг туркий, араб тилларидан ташқари форс-тожик тилини ҳам мукаммал билганлигидан, бу тилда Фоний тахаллуси билан ижод қилганидан ҳаммамиз яхши хабардормиз. Нафақат Алишер Навоий, балки Марказий Осиёда истиқомат қилган ҳар бир зиёли, маърифатли инсон ўзбек форс-тожик тилини, ўз навбатида тожик халқи вакиллари туркий тилни яхши билган, минтақада тожик-ўзбек иккитиллилиги барқарор бўлган. Бир сўз билан ифодаладиган бўлсак, ўзбек ва тожик халқларининг тиллари бошқа-бошқа бўлгани билан, эътиқоди, урф-одатлари, маданияти, санъати битта бўлган. Шу заминдан етишиб чиққан буюк инсонлар ҳар иккала халқнинг фахри, ифтихори, Навоий таъбири билан айтсак, улар “шамсул миллат” саналган. Ана шундай улуғ шарафга эга бўлган инсонлардан бири академик Б.Ғафуровдир.

Б.Ғафуров Тожикистон ҳукумати раҳбари, нуфузли илмий идоранинг бошлиғи сифатида ҳар доим республика ҳудудида амалда бўлган тожик ва ўзбек тилларининг тақдирига, ривожига масъулият билан қараб келган. Она тилларимизнинг тараққиёти учун етарли шарт-шароитларни амалга оширишга интилган. Шу боис, тилларимиз тақдири устида бош қотириш билан Б.Ғафуровнинг руҳини ҳам шод қилган бўламиз.

Бугун дунёни қайтадан бўлиб олиш мақсадида эзгулик билан ёвузлик кучлари ўртасида муросасиз кураш кечмоқда. Ёвуз кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда янгича усулларни қўллашга ўтди. Улар қурол-яроғ билан эмас, ижтимоий тармоқларда тарғибот, ташвиқот, сўз орқали ҳамюртларимиз онгини заҳарлашга, уларни йўлдан оздиришга астойдил уринмоқдалар. Қайси томон ён берса, унинг ютқазishi, иллатнинг таназзулга юз тутиши аниқ бўлиб қолди. Мустақилликдан сўнг чегараларимизнинг очиб қўйилиши, ҳамюртларимиз учун четга чиқиш учун имкониятининг яратилиши бир томондан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун йўл очган бўлса, иккинчи томондан юртимизга информацион хуружлар кириб келди. Иродасиз, эътиқоди суст, тафаккури заиф инсонлар.

Эътибор берадиган бўлсак, дунёдаги 7000 дан ортиқ тил бор ва бу тиллар олами ичида тожик ҳамда ўзбек тиллари тарихан ўз ўрни ҳамда муайян мавқега эга бўлиб келган, аммо собиқ иттифоқ даврида ҳар иккала тилнинг кўлами ва нуфузини пасайтириш сиёсати олиб борилган. Натижажа сон жиҳатидан ҳам турли-туман маълумотларга дуч келинади. Масалан, дунёда ўзбекларнинг сони 35 миллион, шундан Ўзбекистонда 2 миллион, Афғонистонда 2,3-2,7 миллион, Тожикистонда 1,3 миллион, Қирғизистонда 918262 нафар, Қозоғистонда

576000, Россияда 289862 нафар, Туркменистонда 250000, Туркия, Покистон, АҚШ ларида 70-80 мингдан кўп ўзбеклар истиқомат қилиши айtilган. Нуфуз жиҳатидан дунё тиллари ўртасида 41-ўринда туриши таъкидланган. (<https://ru.wikipedia.org/wiki/uzbeki>)

Бу фактлар бир ёқлама, асосан, рус туркологлари ва мутахассисларининг маълумотларига таяниб берилган. Мисол учун юқоридаги сайтда Афғонистонда 2,3-2,7 миллион атрофида ўзбекларнинг яшаши айtilган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил топгандан буён Афғонистондан 3 мартаба вакиллар келди ва Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида “Афғон фуқаролари учун таълим маркази” ташкил этилди. Маълум бўлишича, Афғонистоннинг 9 та вилоятида сал кам 10 миллиондан ортиқ ўзбек истиқомат қилар экан. 2,7 миллион қаёқда-ю, 10 миллион қаёқда?.. Қўшни қардош давлатларда яшаётган ўзбекларнинг сони ҳам бошқача бўлиши аниқ. Ҳатто сайтда берилган ўзбекларнинг сони кўшиб чиқилса ҳам 37 миллиондан ортиқни ташкил қилмоқда.

Иккинчи бир манбада ўзбекларнинг сони 50 миллиондан ортиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган ва нуфузи 32-ўрин деб белгиланган. (<https://uz.m.wikipedia.org/wiki/uzbeki>) Бу маълумотга қўшилса бўлади.

Худди шунингдек, тожикларнинг умумий сони 20 миллион атрофида, шундан 9,12 миллиони Тожикистонда, 14 миллиони Афғонистонда 1,8 миллиони Ўзбекистонда, 1,2 миллиони Покистонда яшаши айtilган. (<ru.wikipedia.org/wiki/tadjiki>)

50 миллион ва 20 миллионлик халқлар бу шунчаки халқ эмас. Бундай нуфузга эга бўлган халқлар асрлар синовидан ўтган, тили, манадиёти, санъати қиёмига етган ва бошқаларга ибрат бўла оладиган халқ саналади. Бугун ҳар иккала давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат буни амалда кўрсатмоқда. Дунё Ўзбекистон ва Тожикистон томонга, ўз навбатида биз дунё томонга интилишни бошладик.

Демак, биринчи галда биз – тилшуносларнинг бажарадигшан ввазифамиз дунёнинг бошқа мамлакатларида истиқомат қиладиган миллатдошларимиз билан боғланиб, ижтимоий тармоқларда халқларимизнинг нуфузи тўғрисида берилаётган турли-туман маълумотларга чек қўйиб, аниқ фактларни бериш ва ўзбек ва тожик тилларининг халқаро майдондаги нуфузини белгилаб беришдан иборат. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 21 октябрь ва 2020 йилнинг 20 октябрь кунлари чиқарган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5850- (“Халқ сўзи”, 2019 йил 22 октябрь кунги 218-сон, 1-2 саҳифалар) ҳамда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6084-сонли Фармонлари (“Халқ сўзи” 2020 йил 19 октябрь кунги 221-222 сон, 1-, 9-саҳифалар) эътиборли. Уларда “давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари

истиқболларини белгилаш; хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш” ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш; бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, 2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги **17** тадан **60** тагача кўпайтириш; 2025 йилга қадар “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари сонини **30** тага, 2030 йилгача эса **40** тага етказиш; хорижий олий таълим муассасаларида **ўзбек тили курсларини** зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар миқдорини ошириш” каби масалалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Иккинчидан, она тилларимиз бошига соя солиб турган катта хавф бор.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 2010 йилда “Йўқолиш арафасида турган дунё тиллари харитаси” (“Atlas of the World’s Languages in Danger”) тузилган бўлиб, унга 2500 та тил киритилиб, таназзулга юз тутган тилларга мисоллар келтирилган. Масалан, энг сўнгги вакили дунёдан ўтиши билан Аляскадаги эяк тили мангуга йўқолгани айтилади ва яқин йилларда сўзлашувчиларининг сони 2000 дан кам бўлган 1492 та тилни шундай тақдир кутиб тургани таъкидланади. (ru.euro.news.som)

Асримиз охирига бориб, инсоният ҳозирда мавжуд бўлган тилларнинг ярмини мангуга бой бериши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Дунё тиллари бир неча гуруҳга бўлиниб, “Хавфдан ҳоли”, “Ҳимояланмаган”, “Хавф остида турган”, “Кучли хавф остида турган”, “Йўқолиш арафасида турган” ва “Ўлик тиллар” каби гуруҳларга ажратилган. Асоий мезон сифатида тилнинг ҳамма даврларда қўлланиб келинаётгани ва авлодлар ўртасида узилиш бўлмагани эътиборга олинган.

Ўзбек ва тожик тиллари 2-гуруҳга “Ҳимояланмаган тиллар”га киритилган. Бу бизни сергакликка, хушёрликка чақиради лозим. Тилларнинг йўқолиб кетишини глобаллашув жараёнлари ва урбанизация ҳодисасининг кучайишига олиб бориб тақашмоқда. Улардан ҳам кўра ортиқроқ омил бу – илм-фан, техника ривожидир. Биз ҳам ўз уйимизда қимирламасдан, хорижий ташрифлар ва маҳсулотларга маҳлиё бўлиб ўтираверсак, тез орада кўчаларимиз, дўконларимиз, дастурхонимизни “босиб кетган” *гамбургер, бургер, хот-дог, маркетлардан* қутила олмай қоламиз. Жадал суръатларда ўзбек ва тожик тилларининг машинавий тилини амалга киритишимиз лозим, замонавий ахборот технологиялари билан тилларимизнинг интеграциясини тезлаштирсак, аниқ фанлар соҳалари: физика, математика, кимё, биология ва шу кабиларда давлат тилларидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйсак, соҳавий ва

терминологик луғатларнинг янги авлодларини яратсак, тилларимизни бундай хавфдан қутқариб қолган бўламиз. Кечиксак, кейинги авлод бизни асло кечирмайди. Зеро, Абдулла авлоний таъкидлаганидек: “Дунёда ҳар бир миллатнинг борлигин кўрсатудурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак – миллат руҳини йўқотмакдур”. (Абдулла Авлоний, 1992: 32)

Учинчидан, фақат тил соҳасини эмас, илм-фан, техника, таълим-тарбия, санъат ва маданият, медицина, дипломатия, молия-кредит, машинасозлик ва ҳ.к. соҳаларни ривожлантириш, мазкур соҳаларда фаол қўлланадиган сўз ва терминларни тизимга солиш, улар устида илмий изланишлар олиб бориш зарур. Бунда фанлараро интеграцияга алоҳида аҳамият бериш даркор. Боиси жаҳондаги илғор халқлар ўз тиллари устида жиддий изланишлар олиб бориб, тилшуносликнинг янгидан-янги йўналишларга асос солди. Бугун тилшуносликда ареал лингвистика, математик лингвистика, географик лингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика каби соҳалари билан биргаликда когнитив лингвистика, эколингвистика, биоллингвистика, корпус лингвистикаси, гендер лингвистикаси, интернет-лингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика, менталлингвистика сингари замонавий йўналишлари пайдо бўлди ва жадал ривожланмоқда. Ушбу йўналишлар глобаллашув шароитида фанларнинг бир-бирига таъсири, интеграциялашуви натижасида юзага келган. Бизнинг олдимизда юқоридаги янги йўналишларнинг барчасида бемолол ишлай оладиган филологларнинг ва улар билан бирга ишлайдиган бошқа соҳа вакилларининг янги авлодини тайёрлаб беришдек улкан вазифа турибди.

Тўртинчидан, Мустақиллик йилларида ҳар икки давлатда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига монанд равишда биноларимизга мос номлар қўйилди. Улар “Давлат тили ҳақида”ги қонун талабларига тўла жавоб беради. Масалан Ўзбекистонда “*Туркистон*” саройи, “*Азиз меҳмон*” меҳмонхонаси, “*Райҳон*” оилавий ресторани, “*Кенг макон*” ишлаб чиқариш корхонаси, “*Жайрон*” экомаркази, “*Забардаст*” фермер хўжалиги, “*Зебо*” салони, “*Фазо*” ресторани, “*Болажон*” супермаркети каби. Бундай номларни муҳташам биноларимиз чиройига хол бўлиб тушган. Бундай ҳолат Тожикистонда ҳам мавжуд бўлиши керак.

Аммо, *Плаза*”, “*Браво*”, “*Golden chicken*”, “*Miss Sanam*”, “*Тополина интер стар*”, “*Идеал*”, “*Элегант*”, “*Z OIL*”, “*Эльдарадо*”, “*EVER MEN*”, “*Petrol*” сингари номлар устида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди. Дунё тилларида нейминг, брендология деган йўналишлар бор. Ҳар қандай атам ном қўйиш андозаларига, талабларига мос келиши ҳисобга олинади. Ном қўйишда миллийлик, ҳудудийлик, қисқалик, аниқлик, тушунарлилик тамойилларига амал қилинади. Юқоридаги номларнинг биронтасида мазкур тамойилларга риоя этилмаган. Ном қўйишда хорижга таклид, кўр-кўроналик кўриниб турибди.

“Индаба”, “Нек стар”, “Раййона Ишонч-сервис Х.К”, “Алёр текс”, “Раиш милк”, “Динур-ленд”, “Чинкамол”, “Асклепий” сингари номлар ўзбек халқи ва ўзбек тили учун ҳеч қандай маъно англатмайди. ККБФМНKM вилоят бошқармаси, “Хоразм Диёр, Макс сервис”, “Алоқа Print” МЧЖ, “Асака МАК МЧЖ”, “Алоқа “Самошертекс”, Ўз-Донг Жу Пэинт Ко” МЧЖ, “Мерастекстиль”, “СулШерЖаҳон” сингари номларнинг маъносини тушунтириб беришда ҳар қандай тил ожиз.

Бешинчидан, бу каби номларга индамаслик она тилига беписандлик демакдир. *Бургер* ёнида *нонбургер*, *дружбабургер*, *Хадра нон-бургер* пайдо бўлди. Аста-секин тарқалиш майдони кенгайиб бормоқда. Билмаймизки, ном остида ғоя, мафкур ётганини. Жаҳон майдонида гегемонликни даъво қилаётган давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олиш умидида ядровий қуролларидан кўра, мафкуравий йўл билан бошқа халқларни бўйсундиришга иштиёқи ортган бир пайтда бу каби ҳолатларга индамасдан, мутелик билан, узоқни ўйламасдан туриб ёндашиш, шахсий қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда дўконига, фирмага, фермер хўжалигига, меҳмонхонага дуч келган номни қўйиб олиш тўғри эмас. Шундай қилсак, миллийлигимиз қаерга кетди?! Эртага кейинги авлодга нима деймиз?! Бу тилимизнинг қашшоқлиги, камбағиллиги нишонаси эмас, балки мутасадди шахсларнинг эътиборсизлиги, тил саводсизлиги туфайлидир.

Қаранг, қандай чиройли, бетакрор номларимиз бор: *Яшнабод*, *Тўққизариқ*, *Кўшариқ*, *Исломобод*, *Далварзинтепа*, *Сардоба*, *Варахша*, *Боғибаланд*, *Заркамар*, *Сангардак*, *Ўғузработ*, *Хосиён*, *Насаф*, *Чўпонота*, *Сақичмон*, *Бўрижар*, *Тахтапул*, *Учбулоқ*, *Қаландархона*, *Ойдинбулоқ*, *Мингчинор*, *Кужгон*, *Улуғнор*, *Сарбонтена*, *Қатортерак*, *Ахсикент*, *Ғишткўприк*, *Янгиқўрган*, *Мойбоғча*, *Мирпўстин* ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикада 87 000 та шундай ном бор экан.

Турмуш тарзимизнинг ўзгариши, янгиликларнинг таъсири натижасида ички имкониятлар асосида “Тарона”, “Тасанно”, “Ниҳол”, “Ислом нури”, “Ҳидоят” каби бирликларнинг пайдо бўлиши бу – тилимизнинг жилоланиши, янгича талқинларда бўй кўрсатиши демакдир. Шу тарзда ўзбекча ёки хорижий бўлса ҳам тилимизга мос номни қўйсак, ким бизга эътироз билдирди? Ҳеч ким! Ном қўйишда келажак умиди билан ёндашиш ҳар биримизнинг она тили олдидаги фарзандлик бурчимиз ва вазифамиздир. Буни асло унутмаслигимиз керак.

Олтинчидан, ўрни келганда шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз: ҳар бир миллий тил бошқа тиллардан айрича яшамайди, инсонлар бир-бирлари билан муомала-муносабатларда бўлгани каби тиллар ҳам бир-бирлари билан доимий алоқада яшайди. Шу боис, бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг ўтиб туриши қонуний ҳол саналади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек ва тожик тиллари дунёдаги энг бой ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган буюк тиллардан саналади. Она тилла

римизни юртимиздаги қадим ва муқаддас, мўъзизавий булоқлардек тоза ва мусаффо, истеъмолга доим яроқли бўлиши шарт. Унинг ички имкониятлари чексиз ва мислсиздир. Ундан ўринли фойдаланиш, тилнинг софлиги, табиийлиги учун курашиш, оғзаки ва ёзма нутқда тил меъёрларига тўлиқ риоя қилиш, она тилининг булоқдек мусаффолигини ва тароватини сақлаб қолиш барчамизнинг элу юрт олдидаги шарафли ва айни чоғда муқаддас бурчимиздир.

Адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 168 бет.
2. Халқ сўзи”, 2019 йил 22 октябрь кунги 218-сон, 1-2 саҳифалар
3. “Халқ сўзи” 2020 йил 19 октябрь кунги 221-222 сон, 1-, 9-саҳифалар
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/uzbeki>
5. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/uzbeki>
6. ru.wikipedia.org/wiki/tadjiki
7. ru.euro.news.som

Сапарбаева Г., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ОҒЗАКИ МУЛОҚОТ УСЛУБИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тил информацияси тил структураси ва нутқ вазиятида намоён бўлади. Аънавий лингвистик тадқиқотлар, асосан, микролингвистикани, яъни нутқнинг ички томонини сегментланадиган бирликлар - фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гапларни текширишга қаратилган, унинг ташқи плани, хусусан, овознинг турли хил интонацион модуляцияси, нутқ темпи, товуш бўёғи, турли хил имо-ишоралар, мимикалар суҳбатдошнинг мулоқот услуги замонавий тилшуносликнинг долзарб масаласига айланган.

“Д.Ж.Лоцнинг маълумотига қараганда,- дейди О.С.Ахмонова, - лингвистик ёки микролингвистик элементлар берилаётган нутқий ахборотдаги барча информациянинг жуда оз қисмини ташкил этади. Информациянинг бошқа томонлари эса сўзловчининг овозини фарқлашга имкон берадиган, овоз тактининг хусусияти, унинг физик ҳолати, барча ситуацияга муносабати, эмоционал ҳолати, социал алоқадорлиги ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилиш ҳисобига бўлади” (Ахманова, 1991: 9). Масалан, ўзбек тилида *Маҳмуд* сўзи нутқ бирлиги сифатида аънавий лингвистик таҳлил бўйича беш фонема, икки бўғин, бир морфема ва бир сўздан иборат. Семантик жиҳатдан шахсни ифодалайди. Аммо бу тил бирлиги жонли нутқда турли суперсегмент воситалар билан бирга ишлатилиб, қўшимча яна бир қанча маъноларни билдиради. Жумладан, турли интонемалар ёрдамида: 1) жавоб; 2) савол; 3) ундалма; 4) чақирик; 5) чақирикнинг иккинчи варианты; 6) қувноқ ҳайратланиш; 7) норози оҳангда ҳайрон бўлиш; 8) огоҳлантириш; 9) қаҳр; 10)

таъна; 11) жирканиш; 12) юмшоқ сўраш; 13) ялиниш; 14) ғурур; 15) кўрқинч ва бошқалар. Кинемалар кўшилганда, хусусан, калла ёки лабнинг ўнг томонга бир силкиниши ёрдамида, 16) “кетдик” каби маънолар ифодаланади. (Ахманова, 1991:10)

Кўриниб турибдики, инсон нутқи ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унинг жуда кўп томонларини ёзувда бериш имконияти бўлмайди. Натижада анъанавий лингвистик таҳлилдан четда қолади. Тил информациясининг тўла манзарасини намоён қилиш учун эса нутқнинг барча томонларини комплекс равишда текшириш зарурлиги сезилади. “Фақат, барча вазият комплекси мулоқот фрагментининг тўлиқ ва ҳақиқий маъносини кўрсатади.” (Нурмонов, 2012: 214-215)

Имо-ишоралар эса доимо нутқ билан биргаликда қўланилиб, унга ёрдам берувчи иккинчи даражали восита бўлиб келган. Чунки фикр ўзининг моддий асосига эга бўлиши керак. Ана шу моддий асос нутқдир. Нутқ фақат фикр ифодаловчи восита эмас, балки фикрни шакллантирувчи восита ҳамдир. Ҳар қандай фикр маълум бир тил асосида шаклланади. Полиглотлар доимо қайси тилда фикрлаётганини биладилар. Агар бирон тилдаги ифода нотўғри чиқиб қолса, мен фалон тилда фикр қилиб, бу тилда гапирибман, деб хатосини тан оладилар. Инсон ўз фикрини нутқ товушлари ёрдамида ифода қилмаган тақдирда ҳам ўйлаш жараёнидаги нутқ органларини махсус аппаратлар ёрдамида кузатиш мумкин. Шунингдек, айрим кишилар бирор нарсани ичида ўқиётганда ҳам нутқ органларининг ҳаракати аниқ сезилиб туради. Имо-ишоралар вербал воситани тўла компенсация қилганда ҳам, вербал воситанинг изи - артикуляция сезилади. Бундай имо-ишоранинг маълум нутқ вазияти тақозоси билан фикр ифодалаш вазифасида қўлланилиши вақтинча – факультатив экани кўринади.

Жаҳон халқлари орасида иқтисодий ва маданий алоқалар жуда кучайган ҳозирги даврда маданиятлараро мулоқот воситаси бўлган тил ва тилга боғланган, нутқнинг ажралмас элементлари бўлган имо-ишора, урф-одат ва муомала маданияти ва бошқа бир қатор шу халқ учун характерли томонлар оғзаки мулоқот актининг ажралмас қисми сифатида таништирилади.

Шунингдек, имо-ишоралар ҳам онгда маълум маънога хосланади. Яъни объектив борлиқдаги нарса ва ҳодиса (ҳаракат, ҳолат ҳам) онгда акс этади ва у имо-ишора орқали баён қилинади. Демак, бу жиҳатдан сўз ҳам, имо-ишора ҳам бир хил вазифани бажаради, ҳар иккиси ҳам бирдир.

Конкрет нутқ вазиятида маълум бир маъно ифодаловчи имо-ишоралар шу нутқ вазиятини қайта ҳикоя қилиб бериш жараёнида маълум лингвистик бирликлар ёрдамида тасаввур қилинади. Демак, ҳар бир тилда имо-ишораларни ифодаловчи бир қатор феъллар мавжуд. Мазкур феъллар семантик томондан ишора феъллари деб юритилади. Масалан, кўз қисди, лабини бурди ва бошқалар.

Имо-ишораларнинг кўп маънолилиги, турлари, уларни ифодаловчи лингвистик воситалар алоҳида тадқиқот объекти сифатида паралингвистикада тадқиқ қилиниши тилшуносликда тилнинг ифода қудратини оширувчи омилар сифатида бу борадаги билимларнинг кенгайишига ёрдам беради.

Ўзбек тилида мулоқот қилувчи шахслар ўртасида тарқалган паралингвистик воситаларнинг фақат айримларинигина кўриб ўтдик. Унинг ўзига хос барча муомала қоидалари (саломлашиш, хайрлашиш, табриклаш, иззат-икромни билдириш, қаҳр -ғазабни ифодалаш ва ҳоказо) ҳамда имо - ишораларни ўрганиш, уларнинг бошқа халқларникига қийслаган ҳолда интернационал ва конвенционал, шу жамият учунгина шартланиш хусусиятларини аниқлаш ўзбек тилшунослари, этнографларининг навбатдаги муҳим вазифаларидан бирига айланиши керак. (Нурмонов, 2012: 234)

Тилшуносликда тил ва нутқ ўзаро фарқлангандан буён уларнинг бирликлари ҳам ўзаро алоқада бўладиган алоҳида-алоҳида бирликлар сифатида ажратиладиган бўлди. В. Й. Звегинцев ва Ф. де Соссюрнинг тил -нутқ қарама-қаршилиги асосида мазкур ҳодисаларнинг куйидаги фарқли белгиларини кўрсатади:

1. Нутқ - индивидуал, тил умумий ҳодисадир.
2. Умумхалқ тили доимо ва албатта алоҳида нутқий кўникмаларида тил системасида маълум ўзгаришга учрайди. Нутқ - психик ҳодиса, тил социалдир.
3. Нутқ - ҳаракатчан, динамик, тил стабилликка, статикликка интилади.
4. Нутқ тарихий, тил синхроник хусусиятга эга.
5. Нутқий элементлар ўртасида сабабий тобелик, тил элементлари ўртасида функционал тобелик мавжуд.
6. Тил лингвистик қонуниятларга бўйсунди. Тил лингвистик регуляр, нутқ эса лингвистик нерегуляр, спородик характерга эга.
7. Нутқ доимо моддийликка хос. У ўзининг функциясини реал моддий сифатга эга бирликлар сифатида бажара олади. Тил абстракт система сифатида мавжуд, бундай фарқланиш субстанция ва форма ўртасидаги фарқланиш кабидир.

Н.А. Слюсарева шу кунга қадар тил ва нутқ қарама-қаршилигига бағишланган ишларни умумлаштирган ҳолда, тил ва нутқни қутбий зиддият (бинар оппозиция) асосида уч хил йўл билан аниқлаш мумкин эканлигини кўрсатади:

1. Билиш назарияси нуқтаи назаридан - гносеологик аниқлаш.
2. Тил ва нутқнинг предметлик хусусияти нуқтаи назаридан - антологик аниқлаш.

3. Қўлланиш доирасида ва фойдаланиш тарзи нуқтаи назаридан –прагматик аниқлаш. Бу уч хил йўл бир-бирини тўлдирди. Гносеологик жиҳатдан тил ва нутқ куйидаги белгилар асосида фарқланади: умумийлик - хусусийлик; абстрактлик-конкретлик; муҳим-номуҳимлик; моҳият-ҳодиса; зарурийлик – тасодифийлик; сифат-миқдор. (Слюсарева,1990:564)

Антологик жиҳатдан етти белги асосида фарқланиши ва ҳар қайси белги ўз ичида майда белгиларга бўлиниши мумкин;

- Психик – физик - физиологик; виртуал - актуал; имконият - акт ва б.
- Система-текст; система-функция; парадигматика-синтагматика.
- Бир хиллик- ҳар хиллик.
- Инвариантлик – вариантлик.
- Ўзгармаслик-ўзгарувчанлик; барқарорлик-дақиқалик ва ҳокозо.
- Бутун –қисм.
- Жараён –квант жараён.
- Онг-тафаккур.

Прагматик жиҳатдан қуйидаги уч белги асосида фарқланади: социал-индивидуал; алоқа воситаси -алоқа жараёни; воситалар системаси- бу воситаларга амалий эгаллик қилиш; автоматизм- эркинлик; узуал –оқказионал; код-хабар. (Слюсарева,1990:564)

Тилшуносликда лингвистик бирликлар ва нутқ оппозициясига кўра икки хил эмик (тил сатҳига мансуб) ва этик (нутқий бирликларга) бўлинади. (Нурманов,2012:234)

Тилшуносликда тил бирликлари тушунчаси билан бирга лингвистик бирлик деган тушунча ҳам мавжуд. Бу тушунча тил бирликларини ҳам, нутқ бирликларини ҳам қамраб олади. Тилнинг системавийлик табиати шундаки, у санокли фигурал, яъни бирликларнинг турли комбинациялари орқали, чексиз ахборотларни узатиш инкониятига эга. Шунинг учун тил бирликларининг миқдори чегараланган, бармоқ билан санарлидир. Имконият тарзидаги бу санокли бирликлар нутқий жараёнда хилма-хил шаклда воқеланади. Тил бирликларининг нутқий жараёндаги реал кўринишлари нутқ бирликлари саналади. Дескриптив тилшунослик вакиллари фақат уч тил бирлиги мавжудлигини эътироф этадилар: фонема, морфема, конструкция. Элементлар сифатида морфемадан юқори бирликларнинг барчаси конструкция ҳисобланади.

А.И. Смирницкий тил бирлиги деганда, товуш ва маъно томонига эга бўлган ҳамда улар ўртасидаги муносабат тил хотирасида сақланувчи, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилувчи бирликларни тушунади. Бундай бирликлар сифатида “тилнинг лексик бирликлари” номи билан сўзни (“отдельные слова“) ва бундай сўз таркибига кирувчи морфемаларни белгилайди. (Смирницкий, 1954: 49) Шунинг учун у фонемаларни маъно билдирмай, маъноли бирликларнинг қобиғи бўлиб хизмат қилиши туфайли тил бирликлари қаторига киритмайди. Уларни тилнинг қурилиш бирликлари деб ҳисоблайди. Натижада лингвистик бирликларни уч гуруҳга ажратади.

Тилнинг қурилиш бирликлари сифатида фонема ва тил бирликлари, яъни сўз айрим морфемалар, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган фразеологик бирликлар ва таркибий терминларни ҳам тил бирликлари қаторига киритиш

лозимлигини айтади. Шунингдек, формулалар ва тил бирликлари, яъни сўзларнинг эркин бирикмалари (шу жумладан жумла ҳам тил бирликлари бўлмайди) қаторига киритиш. (Нурмонов, 2012:106)

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, оғзаки мулоқот услубини белгилашда юқорида кўрсатилган омилларнинг аҳамияти каттадир.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С. Семиотика и прагматика английских фразовых глаголов. Вопросы лингвистики и преподавания иностранных языков, Выпуск 5. Изд. Московский государственный университет, 1991. - С.9.
2. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. - Тошкент, 2012. – Б.234.
3. Слюсарева Н.А. Функции языка. ЛЭС. М., 1990. - С.564- 565.
4. Смирницкий А.И. К вопросу о слове (Проблема отдельности слова) *К вопросу о слове. (Проблема «тождества слова»)* [В кн.: Труды Института языкознания АН. Том IV. М., 1954. - С. 3–49.](#)

Салиходжаева Х., доцент
(Ўзбекистон)

ГЕОРТОНИМЛАРНИНГ БОШҚА ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ВА АТОҚЛИ ОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Байрамлар, ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий, санъат, спорт билан боғлиқ оммавий тадбирлар, фестиваллар, концертлар ўзбек халқи ҳаётидан муҳим ўрин олган. Бунинг натижасида тилда геортонимлар билан боғлиқ тил бирликлари: мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар, шиорлар ва бошқа атоқли отлар юзага келган.

Ана шундай бирликлардан бири байрамлар билан боғлиқ шиорлардир. *Шиор* сўзи тарихий-этимологик жиҳатдан арабча бўлиб, “*даъват, чақириқ, белги, фарқ; девиз, шиор*” семаларига эга. Ҳозирги ўзбек адабий тилида “*бош гоя, масала ёки сиёсий талабни ифодаловчи, қисқа шаклда баён қилинган чақириқ*” маъносида қўлланади [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2008: 575].

Истиклол йилларида Мустақиллик байрами билан боғлиқ шиорлар туркуми юзага келди: “*Ўзбекистон: Мустақиллик, Тинчлик, ҳамкорлик!*” (1992), “*Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик!*” (1993), “*Мустақиллик биз учун ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир*” (2009), “*Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!*” (2010), “*Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!*” (2011), “*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*” (2012), “*Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!*” (2013), “*Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!*” (2014), “*Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!*” (2015), “*Гўзал ва бетакрорсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!*” (2016), “*Фидойинг*

бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” (2017), “*Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистон!*” (2018), “*Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!*” (2019) каби.

Бу шиорларни мазмун-мундарижасига кўра умумлаштириб, “Мустақиллик шиорлари” деб аташ мумкин. Мустақиллик шиорлари ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида бутун ўзбек халқининг орзу-истаклари, ўйу фикрлари мужассама сифатида қабул қилинади, йилдан-йилга мазмунан бойиб, сайқалланиб боради.

Мустақиллик шиорлари Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, халқаро сиёсатининг аниқ, қисқа, лўнда ифодаси сифатида сиёсий моҳиятга ҳам эга. Мустақиллик шиорлари публицистик ва сўзлашув нутқида фаол қўлланиб, кишиларни эзгу ишларни бажаришга, фаолликка чорлайди. Мустақиллик шиорлари йил давомида кишиларга байрамона руҳ бағишлайди, уларларни мустақилликни, истиклолни, тинчлик, озодлик, ватан ва инсонни қадрлаш ҳамда эъзозлашга, бу йўлда курашга, меҳнат қилишга, фидойиликка ундайди ҳамда ёшларда халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларини тарбиялайди.

Мустақил, озод ва обод юртда деярли ҳар куни байрам. Бунинг ёрқин исботини келажаги буюк Ўзбекистонимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Истиклол йилларида қадимий ва тарихий миллий, диний байрамларимиз яна ҳаётга қайтди, кенг нишонландиган бўлди. Ўзбек байрамлари сираси янги касбий байрамлар билан бойиди. Байрамлар ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий ҳаётининг асосини ташкил этгани боис, ўзбек тили байрамларни ифодаловчи перифразалар билан ҳам бойиди.

Перифраза (грек. *paraphrasis* – тавсифий ифода, тасвир) – нарса, воқеа-ҳодисани ўз номи билан эмас, балки уларнинг характерли белги-хусусиятлари асосида тасвирий усул орқали ифодалаш ва шундай усул жараёнида юзага келган бирлик [Ахманова О.С., 1966:312]. Илмий адабиётларда перифразанинг муқобили сифатида *тасвирий ифода* термини ҳам қўлланади.

Перифразалар апеллятив лексик бирликлар доирасидагина эмас, ономастик бирликлар, жумладан, геортонимлар, яъни байрам ва байрамона тадбирларнинг атоқли номлари доирасида ҳам кузатилади. Масалан, *Уйғониш байрами – Наврўз, Покланиш айёми – Рамазон* каби.

Перифразавий геортонимлар байрам, фестивал, хотира кунлари ва ана шундай бошқа тадбирларнинг сайқалланган (ишлов берилган), таъсирчан номларидир.

Перифразалар нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган муҳим хусусиятларини тасвирлаб, бўрттириб, изоҳлаб ва тўлдириб кўрсатади, номни таъсирчан ифодалашга хизмат қилади [Расулов Р., Умиров И., 1997: 3]. Бу қуйидаги байрам билан боғлиқ перифразаларда ҳам яққол кўринади. Масалан, *Наврўз байрами* билан боғлиқ перифразалар: *йилбоши, шарқона янги йил, уйғониш байрами, яшарши байрами, кўклам байрами,*

меҳнат байрами, қадриятлар байрами, дўстлик байрами, меҳр-мурувват байрами, бахт ва тинчлик байрами каби.

Маълумки, Наврўз байрами нишонланиш, ўтказилиш вақтига кўра фаслий геортонимлар сирасига мансуб бўлиб, баҳор фаслида нишонланади, бироқ Наврўз баҳор байрамини эмас, у янги йил айёмидир. Демак, Наврўз – табиат, яъни янгиланиш ва яшариш байрами. Шу боис Наврўз геортоними айрим манбаларда “йил боши”, “шарқона янги йил” перифразалари билан ҳам ифодаланади:

*Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейшар.
Йил боши Хурмузу эди варфардин,
Дилда на гам қолди, на адоват кин.*

(Абдулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”)

Шарқона Янги йилимиз – Наврўзи оламнинг қадами қутлуг ва баракали келсин! (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нуткидан // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2019, 22 март, 1-бет).

Мустақиллик байрами билан боғлиқ белги-хусусиятларни ифодаловчи *хуррият байрами* перефразасига арабча “*сиёсий, иқтисодий ва бошқа зулм, тазийқдан халослик; эркинлик ва озодлик*” [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2008:565] маъноларини англатувчи *хуррият* апеллятивининг “*эркинлик*”, “*озодлик*” семалари асос қилиб олинган: *Бу хуррият байрамида халқимизнинг шодумон кайфияти тўла намоён бўлди* [info@fergana.uz.]. Мазкур перифразада Мустақиллик байрамининг мазмун-моҳияти, озодлик, хурлик айёми эканлиги ифодаланган бўлиб, у бадий, публицистик услубда қўлланади.

Ўзбек тилида диний геортонимлар билан боғлиқ перифразалар салмоқли ўрин тутади. Улар миллат тафаккурининг ўзига хос кўриниши сифатида, халқнинг дунёқараши, диний эътиқоди, билим ва тушунчалари-нинг амалий ифодаси сифатида лингвомаданий моҳиятга ҳам эга.

Қурбон ҳайити ва *Рамазон ҳайити* геортонимлари миллий диний байрам сифатида мусулмон халқлари қатори ўзбек эли ҳаётининг мазмунига айланган. Шу боис мазкур геортонимлар билан боғлиқ: “*асл байрам*”, “*зийнат кун*”, “*зийрат кун*”, “*саховат байрами*”, “*ойлар султони*”, “*моҳи шариф*”, “*моҳи рамазон*”, “*рўзаи рамазон*”, “*мукаррам ой*”, “*муборак ой*”, “*қутлуг ой*”, “*покланиш ойи*”, “*покланиш айёми*” “*дўстлик ва муҳаббат ойи*”, “*барокот ойи*” ва “*Қуръон ойи*” каби перифразалар шаклланган.

Хуллас, таҳлиллардан кўринадики, ўзбек тилидаги байрамлар билан боғлиқ перифразаларда байрамларнинг маданий, маънавий моҳияти, улар билан боғлиқ миллий анъаналар, урф-одатлар, эзгу ниятлар таъсирчан, образли ифодаланган. Улар халқ тафаккурининг ўткир мушоҳадаси-ю зийраклиги орқали юзага келган мафтункор ва бетакрор номлар сифатида асрлар давомида

ўз мазмун-моҳиятини йўқотмайди. Шу жиҳати билан ҳам мазкур тил бирликлари лингвомаданий моҳиятга эга.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – С.312; Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати.– Тошкент: Ўқитувчи, 1985.– Б. 67.
2. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 281.
3. Буюк ва бетимсол Ватанимизнинг улуғ байрами. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган байрам тантанаси // info@fergana.uz.
4. Расулов Р., Умиров И. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 3.
5. Матлаббека Улуғбек қизи. Ҳикматлар гулдастаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 107-109.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж. – Б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 5-ж. – Б.565.
8. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990. – 528 б.
9. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б.434.

Саидхонов М.,доцент
(Ўзбекистон)

ИМО-ИШОРАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ

Фердинанд де Соссюр: «Лингвистика шундай фанлар сирасига кирадики, тадқиқот объекти ўрганиш усулини эмас, балки қайси нуқтаи назардан ўрганиш тадқиқот объектини белгилаб беради», (Соссюр Ф.де. 2004: 27) - деганда ҳақ эди. Шунга асосан олим тилшуносликни ички ва ташқи турларга ажратади ва гарчи ўзининг назарий хулосаларини ички тилшунослик борасидаги қарашлари орқали баён этса-да, интра- ва экстралингвистикани диалектик боғлиқ ҳолда ўзаро алоқадорликда эканини эътироф этади.

Тилнинг ички тузилиши масаласи ўзбек тилшунослигида ҳам кенг қамровда тадқиқ этилди. Адабий тил ва диалектлар муносабати, ўзбек тилининг тарихи, тараққиёт босқичлари, бойиш манбалари, маъно ўзгаришлари ва бошқа соҳалари бўйича назарий хулосалар чиқарилди. Бугунги ўзбек тилшунослиги эришган ютуқлар бирданига қўлга киритилмади, балки тадрижий йўсинда, назариянинг узлуксиз равишда амалиётда тадбиқи асосида баҳс-мунозаралар орқали юзага келди.

Ўтган асрнинг 2-ярмида тилга семантик нуқтаи назардан ёндашиш асосий ўринни эгаллагач, тилшуносликнинг ўрганиш объекти янада кенгайди ва натижада тилшуносликнинг янги тадқиқ йўналишлари таркиб топди.

Тилшуносликнинг ўрганув объектига ташқи жиҳат – экстралингвистик факторлар ҳам тааллуқли экани, бу эса тил тадқиқи тўла коммуникатив актни ўз ичига олиши кераклиги ҳақидаги қарашлар айтилгач ва тилнинг бирламчи вазифаси унинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси экани ҳақидаги тезис олға сурилгач, унга функционал-семантик асосда ёндашила бошлади. Тилнинг коммуникатив назарияси билан жонли табиий нуқтий жараёни ўз ичига олган жонли тил ўрганила бошлади. Ахборот узатишда тил алоқа-аралашувнинг бир узви бўлиб, унда адресант томонидан узатилган хабарнинг адресат томонидан интерпретация қилиниши ва қабул қилиб олинишида коммуникантларнинг хусусиятлари (ёши, жинси, мавқеи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқалар), ифода жараёни, ментал ва бошқа жиҳатлар ҳам эътиборга олинади. «Тил ижтимоий ҳодиса экан, у жамиятдаги кишиларнинг фаолияти бўлиб, ўз эгаси – инсондан ажралиб қолмаслиги» (Сафаров Ш. 2008: 35) керак ва, аксинча, уни инсон билан бирга ўрганиш зарур.

Тилнинг ички тузилишига кирмайдиган, лекин алоқа-аралашувда маълум ахборот ташиш учун хизмат қилувчи жуда кўп воситалар борки, улар лисоний таҳлилдан четда қолиб кетар эди. Тилшунослик жонли нутқий алоқа-аралашув жараёнини коммуникатив нуқтаи назардан текшира бошлагач, нутқий коммуникация, алоқа-аралашув жараёни, унинг юзага чиқишини таъмин этувчи воситалар бўлмиш ишоралар, мимика, гавда ҳаракатлари, турли маъно ифодаловчи овоздаги ўзига хосликлар коммуникацияда иштирок этувчи ёндош воситалар сифатида тадқиқ этила бошлади. Бу новербал воситалар бўлиб, паралингвистика (пара - ёндош) да ўрганилади.

XX асрнинг 60-йилларида тилшуносликда паралингвистик йўналишдаги асарлар ҳосил бўлди ва юқоридаги ҳодисалар алоқа-аралашув воситаси деб қаралиб, тилшунослар томонидан ўрганила бошлади, чунки сўзловчи томонидан юборилган ахборотни тингловчи тўлалигича қабул қилиб олиши учун «фикрни тўлдириб келувчи унга ёндош бўлган имо-ишора тилини муттасил равишда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир» (Пражский лингвистический кружок. 1967: 25)

Кўриниб турибдики, фикр ифодалаш вазифасини бажариб келувчи ишоралар ахборот узатиш нуқтаи назаридан тилшунослик билан боғлиқ бўлиб, уларни бирлаштирувчи узв ҳар иккаласининг белги эканидир.

Борлиқдаги нарса, ҳаракат, ҳолат ҳақидаги тасаввурларимиз белгилар орқали ифода этилар экан, бу вазифани ишоралар ҳам бажариши ва вербал воситани (нутқий воситани) компенсация қилиши, қўшимча маъно ифодалашни ёки кузатиб бориши мумкин бўлади. «Ҳа» тасдиқ маъносини бошни вертикал

ҳаракатлантириш орқали, «бу ёққа кел» маъносини кўрсаткич бармоқни ўзи томон букиш орқали ... ифодалаш мумкин. Бу каби ишоралар тилда **ишора феъллари** орқали ифодаланади.

Денотати киши органининг ҳаракатидан иборат бўлган ва структур жиҳатдан «киши органи ва унинг ҳаракати»ни билдирувчи сўзлардан ташкил топган ишора феъллари «иккиламчи номлаш» асосига қурилгани билан ҳам структур жиҳатдан, ҳам номинатив-семантик жиҳатдан бошқа феъллардан фарқланади. Бу эса уларнинг алоҳида лексик-семантик гуруҳга уюшишини билдиради: **бош қимирлатмоқ, бош ирғамоқ, қўл силтамоқ, елкасини қисмоқ, лаб бурмоқ, бурнини жийирмоқ, кўз қисмоқ** ва бошқалар. Шунингдек, ишораси денотатив жиҳатдан мавҳум бўлган, лекин маъноси контекстда очиб бериладиган **ишора қилмоқ, имо қилмоқ, им қоқмоқ** каби феъллар ҳам мавжуд.

Инсоннинг алоқа-аралашувда имо-ишоралардан фойдаланиши мулоқотнинг атрибутига айланиб қолган бўлиб, ахборотнинг 8 фоизи нутқий восита билан узатилса, 37 фоизи ишоралар билан, қолган 55 фоизи овознинг турли оҳангдорлиги орқали баён этилади. Шунинг учун ҳам кўп ўринларда мулоқот сўзсиз: нигоҳлар, хатти-ҳаракатлар, мимик ҳолатлар орқали амалга оширилади.

Бадиий матнда персонажларнинг маълум ахборот узатувчи хатти-ҳаракатлари нутқий-ишоравий ҳаракатлар бўлиб, бадиий асардаги персонажларнинг ҳолатини, руҳиятини, хусусиятларини очиб беришда аҳамиятли саналади. Бу ўринда диалогларда намоён бўлувчи нутқий-ишоравий ҳаракат муаллиф нутқи, ремарка, репликалар ва бошқалар орқали китобхонга узатилади. Умуман олганда, бадиий матн ҳам ахборот узатиш воситаси бўлиб, ёзувчи (адресант)нинг ахбороти китобхон (адресат)га узатилади ва коммуникантлар ўзаро «мулоқот»га киришадилар.

Кўриниб турибдики, кишилар ўртасидаги алоқа-аралашувда ишлатилувчи ишоралар тилнинг прагматик аспектига кирса, уларнинг лисоний ифодаси тилшуносликнинг ички тузилиши доирасида тадқиқ этилади ва экстралингвистик ва ички лингвистик факторларнинг муносабати ҳақидаги масала ... доимо асосий масала бўлиб келган. (Накашидзе Н.В. 1980: 71)

Ишоралар алоқа-аралашув воситаси сифатида мулоқотни шакллантирувчи унсур бўлиб, прагматикнинг тадқиқот объекти бўлса, унинг вербал ифодаси тилнинг ички тузилиши билан боғлиқ экан, уларни ўзаро алоқадорликда ўрганиш тилни систем-структур жиҳатдан таҳлил этишни тақозо этади. Зеро, тил белгилар тизимидан иборат экан ва Ч.Пирс томонидан семиотика уч йўналишни – синтактика, семантика ва прагматикани илмий соҳалар сифатида ажратган экан, (Қаранг: Сафаров Ш. 2008: 9) уларнинг бирини иккинчисидан айро тасаввур этиш мумкин эмас. Негаки улар «ўзаро

муносабатда бўлган элементлар мажмуасидан иборат бир бутун объектдир» (Солнцев В.М. 1977: 103)

Инсон маълум белги орқали ниманидир идрок қилар экан, ўша нарса (воқеа, ҳаракат, хусусият) шартли белги орқали ифода этилади. Обьектив борлиқ ҳақидаги тасаввурнинг ифодаси сўз орқалигина эмас, балки имо-ишора, юз ва бадан ҳаракатлари ёки бошқа воситалар орқали ҳам рўёбга чиқиши мумкин. Жумладан, чақирув ҳаракати ҳақидаги тушунча “кел” сўзи орқали, шу билан бирга, “кўрсаткич бармоқни ўзи томон букиш” орқали амалга оширилиши мумкин. Демак, бир хил тасаввурни ифодалаш 2 хил йўл билан амалга оширилмоқда: товушлар ёрдамида ва имо-ишора ёрдамида. Ҳар иккаласини умумлаштирувчи ҳолат уларнинг белги эканлигидир.

Алоқа-аралашувда ишлатиладиган ишора (новербал восита)нинг лингвистик жиҳатдан вербал ифодаси ишора феъллари ҳисобланади. Ишора феъллари обьектив борлиқдаги маълум ҳаракатнинг атамаси бўлиб, киши органининг ҳаракатини ифодалаб келади ва бу категориядаги феъллар семантик жиҳатдан ҳаракат маъноси билан боғлиқ бўлади. Чунки бундай феъллар таркибида киши органи+ҳаракати мазмунини билдирувчи сўзлар бўлади.

Инсоннинг алоқа-аралашувда маълум ахборотни адресатга етказишда ишлатилувчи ҳаракатларнинг номинацияси феъл лексик-семантик гуруҳини ташкил эта оладими?

Кейинги йилларда “феъл энг мураккаб ва кенг сиғимли грамматик категория” (В.В.Виноградов. 1947: 425) бўлгани учун ҳамда гапнинг семантик структурасида марказий ўринни эгаллагани туфайли феълларнинг семантик таҳлилига эътибор кучаймоқда. Бу жиҳатдан А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, И.Кўчқортёев, Қ.Ҳолиқов, М.Содиқова, А.Нурмонов, Р.Расулов, С.Мухамедова, Х.Мухитдинова ва қатор тадқиқотчиларнинг асарларини айтиш жоиздир.

Феълларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларига кўра таснифида Қ.Ҳолиқов томонидан 5 гуруҳ таъкидланади ва ҳаракат маъносини англатувчи феъллар субъектнинг макон ва замондаги ҳаракатланишини ифода этиши айтиб ўтилади. (Қ. Холиқов. 1967: 3)

Тадқиқотчи кейинги илмий ишларида “ҳали илмий тадқиқотга мансуб қатор феъл разрядлари мавжуд, шунингдек, феълларнинг лексик-семантик таснифи, уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари атрофлича ўрганилиши зарур”, – эканини таъкидлайди ва “Ўзбек тилидаги феълларнинг семантикасига доир” деб номланган мақоласида туб семантик белгиларига кўра феълларни 12 лексик-семантик гуруҳга бўлади. (Қ.Холиқов. 1981: 177-182)

Феълларни лексик-семантик гуруҳга ажратган бошқа тадқиқотчилар ҳам (А.Х.Востоков, А.Г.Безруков, И.Н.Шмаркова, И.К.Дмитриев, Л.М.Васильев ва бошқалар) ҳаракат феъллари гуруҳида ишора феъллари ҳақида тўхталиб ўтмайдилар, балки умумий ҳаракат маъносини ифодаловчи феъл ичида санаб ўтадилар.

М. Содиқова “Феъл стилистикаси” монографиясида феълларни семантик жаҳатдан 3 та катта гуруҳга ажратади (ҳаракат, ҳолат, муносабат феъллари). “Субъект ўзининг руҳий ҳолатини, объектив борлиққа ўзгача бўлган экспрессив, модал муносабатини ўзининг ҳаракатлари, қилиқ (жест)лари орқали ҳам билдиради (М. Содиқова. 1975: 61) – деб таъкидлаган муаллиф ҳаракат феъллари ЛСГ таркибига “хатти-ҳаракат” ифодаловчи феъллар”ни алоҳида гуруҳ сифатида киритади.

Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек тили” ўқув қўлланмасида **ҳаракат, нутқ, ҳолат, натижали фаолият, тафаккур, муносабат** феъллари каби мазмуний гуруҳлар келтириб ўтилади ва ҳаракат феъллари “юриш, таъсир этиш ва зарб бериш” каби кўринишларда бўлиши, “қўл, оёқ, юз, оғиз, гавда билан боғлиқ ҳаракатларда ҳаракатланувчи объектлар яққол кўриниб туриши” (Сайфуллаева Р. ва бошқ. 2007) айтилади.

А.Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида ишора феъллари феълларнинг маъно гуруҳлари ичида алоҳида гуруҳ сифатида берилган бўлиб, **имо қилди, лабини бурди, кўзини қисди** каби феъллар мисолида келтирилган. (Нурмонов А. ва бошқ. 2002: 248-249)

Ишора мазмунини ифода этувчи новербал воситаларнинг вербал ифодаси бўлмиш ишора феъллари лексик-семантик, грамматик, тузилиши ҳамда услубий жиҳатларига кўра бошқа феъл лексик-семантик гуруҳларидан фарқланиши сабабли алоҳида ЛСГ сифатида ўрганилиши тарафдоримиз.

Ишора феълларининг семантик таҳлили шуни кўрсатадики, бундай феълларда ҳаракатнинг объектив борлиқдаги ифодасидан англашилган тўғри маънодан ташқари иккиламчи – “ҳосил маъно” мавжуд бўлади.

Масалан: қўл кўтармоқ – 1) қўлни кўтариш,
2) таслим бўлиш.

Ишора феълларидаги иккиламчи маъно новербал восита атамасининг қайта номланиш асосидаги маъносини ифода этади. Ишора феълларининг ҳосила маъноси кишининг маълум органининг ҳаракати ЛСГ таркибига кирса-да, алоқа-аралашув жараёнидаги маъноси жиҳатидан нутқ феъллари лексик-семантик гуруҳига яқин туради.

Кўриниб турибдики, ишора феъллари новербал воситанинг атамаси сифатида иккиламчи номлаш хусусиятига эга бўлса, мазмун планида соф ҳаракат феъллари лексик-семантик гуруҳига кирувчи феъллардан фарқ қилади. Феъл бирликларини семантик тасниф қилишда ҳозирги тилшунослик тажрибасида 3 та жиҳат эътиборга олинишини (денотатив, парадигматик, синтагматик) (Л.М.Васильев. 1982: 11) ҳисобга олсак, денотатив нуқтаи назардан ишора феълларини ҳаракат феъллари ЛСГга киритиш тўғри бўлади. Маълум тилни билиш унинг вербал ва новербал воситаларини билишдир. (А.А.Акишина, Х.Кано. 1982.)

Алоқа-аралашувининг таъсирли ва самарали бўлишида лисоний бирликларни танлаш қанчалар аҳамиятли бўлса, новербал воситаларининг ишлатилиши ҳам шунчалик аҳамият касб этади. Вербал ифоданинг доимий ҳамроҳи бўлган новербал воситалар алоқа-аралашувнинг самарадор бўлиши учун катта таъсир кўрсатади.

Адабиётлар

1. Акишина А.А., Кано Х. Национальная специфика коммуникации и словарь русских жестов// Словари и лингвострановедение. М: Русский язык, 1982.
2. Васильев Л.М. Семантические классы русских глаголов. Свердловск, 1982.
3. Виноградов В.В. Русский язык. М. – Л., 1947.
4. Накашидзе Н.В. Вербальная интерпретация паралингвистических средств в тексте // сборник научных трудов МГПИИЯ им. М.Горького. 1980., вып.191.
5. Нурмонов А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., “Шарқ”. 2002.
6. Пражский лингвистический кружок. М.: Прогресс. 1967.
7. Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек тили. Т., 2007.
8. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Т., ЎМЭ Давлат илмий нашриёти. Т., 2008.
9. Содиқова М. Феъл стилистикаси. Т: Фан. 1975.
10. Солнцев В.М. Язык – как системно-структурное образование. М: Наука, 1977.
11. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. М., УРСС. 2004.
12. Холиқов К. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке. Самарканд. АҚД. 1967.
13. Холиқов Қ. Ўзбек тилидаги феълларнинг семантикасига доир / Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Т., 1981, 177-182-б.

Саидов Ё., профессор
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДАГИ ТОЖИКЧА ЛЕКСИКАНИНГ МАВЗУИЙ ТАСНИФИ

Дунё олимлари томонидан Туркистон жадидларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти, илмий-адабий меросини тадқиқ этишга эътиборнинг ҳозир анча кучайганлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш ўринлидир. Ижтимоий давр ва онг тараққиёти ўзбек жадид адабиёти намояндалари, хусусан, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Муҳаммадшариф Сўфизода, Каримбек Камий, Сиддиқий-Ажзий, Сирожиддин Сидқий, Абдулҳамид Мажидий, Исҳоқхон Ибрат, Элбек, Боту кабиларнинг ўзбек адабий тилининг луғат таркибини бойитиш ва янгилашдаги хизматларини белгилаш, уларнинг ўзбек адабий тили ривожига

тарихий ўрнини баҳолаш, бадий асарларининг лингвистик хусусиятларини замонавий тамойил, қолип ва илмий-методологик дунёқарашлар асосида яхлит ўрганиш талабини кўймоқда.

Ўзбек тили тарихига назар солинса, у мураккаб шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. У ўтмишда бир қатор қардош бўлмаган, бошқа тил оиласига мансуб тиллар билан маълум ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра ўзаро алоқада бўлган. Мазкур алоқанинг таъсир даражаси ва сифатий кўриниши бошқа тизимдаги тилларнинг ҳар бири билан турлича. Ўзбек тили алоқада бўлган баъзи ёт тиллар унга, хусусан, унинг лексик таркибининг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатган бўлса, айримларининг эса таъсири сезиларли эмас. Шу нуқтаи назардан, ўзбек тили алоқада бўлган тилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ўзбек тили, чунончи, унинг лексик таркибига кучли таъсир этган ёт тиллар. Булар форс, тожик, араб ва рус тилларидир. Мазкур тиллардан ўзлашган сўзлар миқдори анча кўп бўлиб, улар ўзбек тили лексикасида алоҳида-алоҳида луғавий қатламни ташкил этади.

2. Ўзбек тили лексикасида сезиларли из қолдирмаган ёт тиллар. Хитой, ҳинд, грек, мўғул тиллари кабиларни шундай тиллар жумласига киритиш мумкин. Ўзбек тилига мазкур тиллардан санокли сўзларгина ўзлаштирилган бўлиб, улар алоҳида луғавий қатламни ташкил этмайди [Бегматов, 1985: 107].

Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири масалалари илмий мақола, рисола ва тадқиқотларда муайян даражада баён этилган [Навоий, 1948: 171-209; Боровков, 1952; Усмонов, 1968; Орзибеков, 1968: 39-40; Юсупов, 1974; Бегматов, 1985: 78-93]. Тожикча сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашиши бир даврнинг маҳсули эмас. Уларнинг ўзлашиши бир неча тарихий тараққиёт даврлари билан боғлиқ.

Ўзбек халқи ва тилининг шаклланишида қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ уруғлари билан бирга тожикзабон уруғлар (суғдийлар, хоразмликлар, саклар)нинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Тожик аҳоли билан туркий аҳолининг ижтимоий этник алоқаси туфайли ўзбек тилига кўплаб тожикча сўзлар ўзлашган. Маълумки, сомонийлар ҳукмронлиги даврида, айниқса, XIII-XIV асрлардан бошлаб тожик тилининг маҳаллий туркий тилларга таъсири ортди, икки тиллилик кучайди, шоир ва ёзувчилар тожик ёки ўзбек (туркий) тилида ижод қилдилар. Расмий ҳужжатлар кўпроқ тожик тилида олиб борилди [Абдурахмонов, 1999: 14].

Алишер Навоий тожик тилининг ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, таъсири хусусида “Муҳокаматул-луғатайн” асарида қуйидагиларни ёзганлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлса керак: “... *туркнинг улугдин кичигига дегинча, на навкардин бегига дегинча сорт* (форсий, тожик — Ё.С) *тилидин баҳраманддурлар. Андоққим, ўз хурд аҳволига кўра айтаолурлар, балки баъзи фасоҳат ва балогат била ҳам такаллум қилурлар*” [Навоий, 1948: 177].

Алишер Навоий асарлари тилини адабий меъёр сифатида анъанавий давом эттиришга ҳаракат қилган ўзбек жаҳид адабиёти намояндалари шеърляти тилида тожикча ўзлашма луғавий бирликларнинг қўлланиши тарихий асосга эгадир. Уларнинг шеърляти тилида қўлланган тожикча сўзлар қуйидаги мавзуй гуруҳлар бўйича таснифланди:

1. Нарса-буюм номлари: сағана, парда, тож, тахт, хирмон, олов, заҳар, омбир, қоғоз, камар, арра, теша, най, карнай, жойнамоз, шам, сават, хуржун, дурбин, гулхан, даста, чойшаб, дурра (аёллар ўрайдиган кичик рўмол) ва бошқалар.

2. Қариндошлик-яқинлик тушунчасини англатувчи номлар: биродар, дўст, фарзанд, ҳамроҳ, ошно, домод (куёв), зан (хотин), писар (ўғил), пушт (зурриёт; авлод) ва ҳ.к.

3. Мансаб-мартаба ва касб-кор номлари: подшоҳ, шоҳ, савдогар, деҳқон, қаландар, сўфи (ф-т<а), уста, хўжа, навкар (хизматкор), дўкондор (савдогар маъносида), эшон, созанда, дурадгор, гадо, нонвой, дўзанда (тикувчи, косиб), жоҳ (мансаб, юқори даражали ўрин, амал, мартаба), гўрков, зириҳгар (зириҳсоз), оҳангар (темирчи), пайк (элчи), раҳбар, сардор (бошлиқ, йўлбошчи) ва бошқ.

4. Табиат ҳодисалари ва коинот жисмларининг номи: баҳор, шабнам, осмон, моҳ (ой), гардун (фалак, осмон, кўк), ҳур (куёш, кунаш, офтоб), ахтар (юлдуз), абр (булут), борон (ёмғир), гардун (осмон, фалак), ситора (юлдуз), сипехр (осмон, фалак) ва ҳ.к.

5. Қуш, парранда ва ҳайвонлар номи: хўроз, оҳу (кийик), шер, барра (қўзичок), барс (илвирс), каптар, шабпарак (кўршапалак), мурғ (товуқ), дарранда (йиртқич ҳайвон), моҳи (балиқ), гов (хўкиз), хар (эшак), мор (илон), гўсала (бузоқ), нархар (урғочи эшак), пода, тўти, нахчир (ов ҳайвони; қулон), рўбоҳ (тулки), хук (чўчка), зоғ (қарға), боз (лочин), говмиш (қўтос), каждум (чаён), гўрг (бўри), занбур (ари), кабк (каклик), рубоҳ (тулки) ва бошқ.

6. Ўсимлик, дарахт ва улар билан алоқадор тушунчалар номи: гул, барг, анжир, анор, дарахт, хирмон, гунафша, бинафша, лола, мева, баргак (толнинг эрта кўкламда барг ёзиб, попуқлар чиқарган сурх новдаси), пиёз, карам, шолғом, шоли, пахта, алаф (ўт, кўкат, ўлан), гиёҳ (гиё, ўсимлик), дона (дона, уруғ), кунжут банг (наша) ва ҳ.к.

7. Мавҳум тушунча билдирувчи сўзлар: ёр, дард, ноз, армуғон (совға, тортиқ, тухфа), армон, умид, дард, бахт, пушаймон, андуҳ (руҳий азоб, ғам, қайғу), андиша, афғон (фарёд, нола, фиғон), баҳона, гумон, гуноҳ, меҳр, фиғон, шарм, озод, мотам, базм, орзу ва бошқ.

8. Озиқ-овқат ва ичимликлар номи: ош, нон, кулча (кичик нон, кулча), май, гўшт, хўрдани (озиқ-овқат, егулик), хўриш (овқат), об (сув), шўрва, биринж (гуруч), гулқанд (атиргул япроғи билан шакарни аралаштириб офтобда пиширилган ҳолва), захроб (заҳарли сув), зулол (тип-тиник сув), шир (сут), мул (май, шароб), бода ва ҳ.к.

9. Диний тушунча ва тасаввурлар номи: худо, жон, пари, бут (санам), бутхона, мотам, намоз, мусулмон, дўзах, дев, афсона, афсун, банда, пайғамбар, пари, дарвеш, шабчироқ (қоронғиликда нур сочиб турадиган афсонавий тош), чорёр (Муҳаммаднинг тўртта энг яқин сафдоши), беҳишт (жаннат), боғи эрам (жаннат боғи), самандар (гўё ўт ичида туғиладиган ва ўтда яшайдиган афсонавий махлуқ) ва ҳ.к.

10. Ҳарбий терминлар: ниш (найза маъносида), найза, сипар (қалқон), сипоҳ (аскар, қўшин), тир (ўқ, камон ўқи), тирдон (ўқдон), зириҳ (ўқ ва тиг ўтмайдиган уруш кийими), лашкаркаш (лашкар бошлиғи, қўмондони), новак (камоннинг ўқи), новакандоз (ўқ отувчи, мерган), суфор (ёй ўқининг бош томонидаги кемтик жойи), тийр (ўқ, камон ўқи), тийрдон (ўқдон) ва бошқ.

11. Одам ва хайвон аъзолари номи: оғуш (қучоқ, қўйин, бағр), пой (оёқ), калла, тан, чеҳра, сийна, пешона, панжа, пой (оёқ), лаб, дил (юрак, қалб), забон (тил), зулф, чашм (кўз), устухон (суяк) хол, дийда (кўз), дандон (тиш), миён (бел), гўш (қулоқ), гардан (бўйин) ва ҳ.к.

12. Белги-хусусият билдирувчи сўзлар: нозанин, шўр, гулистон, тоза, меҳрибон, нигоҳбон, дилбар, бемор, дилдор, хуштор, хушёр, хандон, камбағал, паришон, банди, барно, дурдона, дароз, баланд, паст, хўб (яхши маъносида), дардкаш, гулистон, ширин, биёбон, дилбар, мастона, хаста, саргардон, парвона, бемор, афтода (дармонсиз, заиф), кўхна, хурсанд, маст, мардона, дилозор, ситамкор (золим, азобловчи), маст, маҳтоб (ойдин), маҳмадона, покиза, пуркор (кўп иш қилувчи; ишчан), гумроҳ, гунг ва бошқ.

13. Вақт, замон тушунчаси билан боғлиқ сўзлар: дам (он, лаҳза, кез, пайт), баҳор, ҳуфтон, ҳафта, жаҳон, Наврўз, замон, навбаҳор (эрта баҳор; кўклам чоғи), найсон (баҳор ойи), пагоҳ (саҳар), рўзи шаб (кеча-кундуз), ялдо (қишнинг энг қоронғи ва энг узун кечаси), одина (жума) ва ҳ.к.

14. Шахс тушунчасини англатувчи сўзлар: ёр, жувон, бева, банда (умуман одам, киши), жонон, мардум (одамлар, кишилар), гўдак, кас (киши), мард (одам, инсон маъносида), мардум (одамлар), занги (занжи, қора танли, негр), бону (хоним, ойим), бачча (бола) ва бошқ.

15. Жой тушунчасини ифодаловчи сўзлар: замин, сарой, кўча, шаҳар, гулзор, боғ, ҳовли, биёбон, мозор, майдон, жой, зиндон, дара (жарлик), майхона, дашт, кўҳ (тоғ), гўр (қабр), дабистон (мактаб), карвонсарой, бозор, корхон, давохона, ошхона ва ҳ.к.

Мавзу таҳлили юзасидан куйидаги хулосаларга келинди:

1. Қадимдан бошланган ўзбек-тожик билингвизм (иккитиллилик) ҳодисаси XX аср бошлари даврида ҳам анъанавий давом этганлигини кузатиш мумкин. Алоҳида эътироф этиш лозимки, ўзбек жаид адабиёти намояндаларининг аксарияти форс, тожик тили ва адабиётини чуқур ҳамда мукаммал билган, айримлари шу тилда юксак даражадаги ижод намуналарини яратган.

2. Ўзбек жаид шеърияти тилида белги-хусусият, ҳолат, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи тожикча ўзлашма сўзлар бошқа тушунчаларга нисбатан кўпчиликини ташкил этади.

3. Ўзбек жаид шеърияти тилида қўлланган тожикча ўзлашма сўзларнинг деярли барчаси эски ўзбек адабий тилида, чунончи, Алишер Навоий асарлари тилида истеъмолда бўлган. Шунингдек, уларнинг асарларидаги тожикча ўзлашма сўзларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам, халқнинг жонли сўзлашув нутқида ҳам кенг қўлланишда давом этмоқда. Сўфизода, Сидқий Хондайлиқий, Исҳоқхон Иброт, Сиддиқий Ажзий каби ижодкорларнинг шеърлари тилида қўлланган бир қисм форсча-тожикча луғавий бирликлар ҳозирги даврга келиб истеъмолдан чиққан ва улар изоҳталабдир. Иккинчи бир қисм сўзлар эса эронлашган ўзбек халқ шеваларида у ёки бу даражада учрайди.

4. Тарихий ривожланиш жараёнларида ўзлашган тожикча сўзларнинг фонетик қурилиши ва лексик маъносида ўзгариш у қадар юз бермаган. Аксарият тожикча сўзлар эски ўзбек адабий тилидаги шакл ва маънода истифода этилган.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. –Т.: 1999. -98 б.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. -189 б.
3. Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков / Лингвистический сборник. том IV. -М.: 1952.
4. Навоий. Муҳокаматул-луғатайн / Танланган асарлар. –Т.: Фан, 1948. -3 том. –Б. 171-209.
5. Орзибеков Р., Комилов Н. ЗуллISONАЙНЛИК // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1968. -№ 1. -Б. 39-40.
6. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форс ва арабча сўзлар / Навоийга армуғон. -Т.: 1968. –Б. 28-34.
7. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. –Т.: Фан, 1974.

Сафарова М., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ОЙКОНИМЛАР ТАРКИБИДАГИ ҚЎШИМЧАЛАР ХУСУСИДА

Тарихда рўй берган воқеалар, халқларнинг ўзаро муносабати, бир худудда истиқомат қилган турли миллатларнинг шаклланиш ва ривожланиш шажараси жой номларида ўз аксини топади. Жой номлари халқнинг узоқ тарих давомида босиб ўтган йўли, унинг турмуш тарзидан дарак беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлатнинг топонимлар масалаларига алоҳида эътибор бераётгани, республика, вилоят, туман ва шаҳар топонимия комиссияларининг фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас. Бунинг натижасида жой номларига эътибор кучайди. Авваллари турли сабабларга кўра унутилган кўпгина тарихий номлар тикланди, жой номлари мафкуравий қарашлар, шахсий муносабат ва майллар, шунингдек, бошқа хил салбий муносабатлардан халос қилинди [Бегматов, 2009: 9-15].

Жой номларининг барчаси ўз маъносига, тарихига эга. Топонимлар, яъни жой номлари миллатнинг маданиятини, миллийлигини, урф-одати, турмуш-тарзини кўрсатиб турувчи муҳим бир манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жой номларини номлашда ёки маълум бир зарурат билан бошқасига алмаштиришда тарихимиз ва миллийлигимиздан келиб чиқиб ёндашишимиз керак бўлади.

Жой номлари – тарихнинг бир бўлаги. Уларни сақлаб қолиш, асраш, келажак авлодга асл ҳолида етказиш, унутилиб кетган тарихий жой номларини қайта тиклаш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Жой номларининг яшовчанлигини даврнинг ўзи кўрсатади. Давр синовидан ўтган, ҳар қандай замонда ҳам ўз тарихий-маданий, ижтимоий аҳамиятни сақлаб қолган топонимлар узоқ яшайди ва оғиздан-оғизга ўтиб келаверади. Жой номлари ҳар бир жойнинг географияси, бу ерда яшовчи аҳолининг тил хусусиятлари, машғулоти билан уйғун ҳолда пайдо бўлади ва уларни ўзида акс эттиради. Ном, албатта, жойнинг ўзидан кейин пайдо бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда жой номларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- 1) у ёки бу жойнинг табиати, табиий географияси, табиий шароити билан боғлиқ жой номлари;
- 2) аҳолининг машғулотини ифода этувчи жой номлари;
- 3) аҳолининг этник мансублигини акс эттирувчи номлар.

Биринчисига *Кўксарой, Кўҳибаланд, Шаҳрисабз, Тошлоқ, Мевазор, Узумзор* ва ҳ.к; иккинчисига *Косагарон, Дегрези, Ҳолвагарон, Чармгарон, Қамчинбоф* ва бошқалар; учинчисига *Баҳрин, Қовчин, Арғун, Қиёт, Манғит, Халач, Туркон, Ўзбекон, Мўғулон, Арабон* ва ҳ.к. киради.

Бухоро шаҳри ва воҳаси тарихий ойконимларга бой масканлардан бири. Бухородаги жой номларининг аксарияти икки компонентли, баъзида ҳатто уч компонентли ва асосан форс-тожик тилининг хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шунингдек, суғдий тил оҳанглари билан сақлаб қолган топонимлар ҳам мавжуд. Жумладан, *Варахша, Навмичкат* ва ҳ.к. [Тўраев, Қиличев, 2017: 3].

Биз шаҳар, кўча, қишлоқ, овул номларини, яъни маълум бир аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуд номларини топонимиканинг таркибий қисми ҳисобланган ойконимикада ўрганамиз. Ойконимлар топонимиянинг энг ўзгарувчан тармоғи саналади. Оика табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса-воқеалар,

аҳолининг касб-хунарлари номлари, аҳоли пунктини биринчи бўлиб ўзлаштирган ёки унга асос солган кишининг исми, ёйинки, унда қандай қавм вакиллари яшагани ёки яшаётганига қараб уруғ-қабиланинг номи – этноним шаҳар-қишлоқ номларида ўз аксини топади. Ойконимлар барча топонимлар орасида тарихий, лисоний (лингвистик) жиҳатдан энг қимматли ёдгорликлар саналади [Қораев, 2006: 50-51]. Шунинг учун ҳам ойконимларни лексик-семантик, грамматик жиҳатдан ўрганиб таҳлил қилиш мумкин.

Ойконимлар тузилишига кўра содда ва қўшма каби кўринишларга эга. Содда ойконимларни таркибига қараб қўшимчали ва қўшимчасиз ойконимларга ажратишимиз мумкин.

Таркибида аффикс, яъни ҳеч қандай қўшимча иштирок этмаган ойконимлар қўшимчасиз ойконимлар саналади. Улар биргина отдан иборат бўлади. Масалан, *Қатаган, Ўзбек, Баҳрин, Баёт, Мангит, Тотор, Олот, Сорт, Сарой, Ўба, Гузар, Ирмоқ, Кўл, Наққош, Барака, Эҳсон, Обод, Тинчлик* каби. Бу сингари номларда турли халқларнинг қавмлари, жойлашиш ўрни, шарт-шароити, ундаги аҳолининг турмуш-тарзи, шуғулланадиган машғулотлари асос қилиб олинади. Бу ойконимлар қўшимчасиз, бош келишиқда ифодаланса ҳам нутқ талаби билан айрим қўшимчаларни олиши мумкин.

Шунингдек, ойконимлар аффиксация усули билан ҳам ҳосил қилинади. Ойконимлар ҳосил қилишда куйидаги аффикслар иштирок этиши мумкин:

-лар аффикси билан ифодаланган ойконимлар: *Аробакашлар* (Ғиждувон тумани), *Баққоллар* (Ғиждувон тумани), *Маврилар* (маврилар миллатига мансуб аҳоли яшаб ўтганлиги сабабли шу номга эга. Вобкент тумани), *Лўлилар* (Бухоро шаҳри), *Шехлар* (Бухоро тумани), *Минглар* (Вобкент тумани).

А.Ғуломов –лар қўшимчасини сўз ясовчи сифатида қайд этмаган [Ғуломов, 1977: 427]. Лекин юқорида зикр этилган номларда ушбу қўшимча сўз ясовчи сифатида намоён бўлган.

-чи аффикси билан ифодаланган ойконимлар: *Ипакчи, Тикончи, Товуқчи* (Бухоро тумани), *Пичоқчи* (Олот тумани), *Сурмачи* (Қоракўл тумани), *Қудуқчи* (Бухоро шаҳри).

-хона аффикси билан ифодаланган ойконимлар: *Ёбухона* (Бухоро тумани), *Жанафархона* (Бухоро шаҳар), *Каптархона* (Когон тумани).

-каш аффикси билан ифодаланган ойконимлар: *Хоркаш* (“янтоқ ташувчи” маъносида. Пешкў тумани), *Захкаш* (Пешкў тумани), *Ганчкаш* (Ганч тортувчи. Когон тумани).

-зор аффикси билан ифодаланган ойконимлар: *Ўрикзор* (Когон тумани), *Кўчатзор* (Когон тумани), *Гулзор* (Вобкент тумани).

-соз аффикси билан ифодаланган ойконимлар: *Ойнасоз* (ойна ясовчи усталар яшаган худуд. Когон тумани), *Дарсозлар* (эшик ясовчилар. Ғиждувон тумани), *Қуттисоз* (Бухоро тумани).

-кор аффикси маълум бир худудда бирор машғулот билан шуғулланувчилар фаолиятдан келиб чиқиб, ўша аҳоли истиқомат қилувчи жой

номига кўчади. Масалан: *Сиёҳкорон* (Бухоро шаҳри), *Мошкорон*, *Пахтакор* (Бухоро тумани), *Сарикор* (Вобкент тумани), *Ваҳмкор* (Пешкў тумани), *Пиёзкор* (Ромитан тумани), *Сабзикор* (Шофиркон тумани), *Хинокорон*, *Кундакор* (Ғиждувон тумани).

-лик аффикси бир неча маъноси билан топонимлар таркибида учрайди. –лик 1: географик номларга қўшилганда шахснинг ўша ерга тегишли эканлиги, у ерлик эканлиги англашилади: *Қаршилик* (Қарши томонлардан келиб ўрнашган жой маъносида), -лик 2: борлик, мавжудликни ифодалайди: *Тераклик* (Вобкент тумани), -лик 3: тегишлиликни билдиради: *Беклик* (Шофиркон тумани).

-истон аффикси халқ номига қўшилиб, у яшайдиган жойни атайди. Бу қўшимча билан ифодаланган ойконимлар: *Тохаристон* (Ғиждувон тумани), *Шаҳристон* (Бухоро шаҳар), *Регистон* (рег заминли ер, қумли ерлар маъносида. Бухоро шаҳар).

-он аффикси **-лар** аффикси билан маънодош ҳолатда ишлатилади. –он форс-тожик тилидан ўзлашган номлар таркибида энг кўп учрайдиган бирлик саналади. Кўп ҳолларда мунтазам бирор машғулот билан шуғулланувчилар ҳамда халқ, қабила, уруғ номларига қўшилиб ойконим ҳосил қилишда иштирок этади: *Сиёҳкорон* (“қора рангга бўёвчилар” маъносида), *Тағбандбофон*, *Гавкушон*, *Ғозиён*, *Равғангарон* (ёғ-мой тайёрловчилар), *Косагарон* (Бухоро шаҳри), *Шергирон* (Бухоро тумани), *Туркон* (Бухоро тумани), *Муғолон* (Бухоро, Шофиркон, Пешкў тумани), *Манғитон* (Бухоро тумани), *Арабон* (Қорақўл, Қоровулбозор, Вобкент тумани) бу каби ойконимларни Бухоро вилоятининг деярли барча туманларида учратиш мумкин.

Шунингдек, Бухоро топонимиясида –ли (Аламли, Мачитли), -лоқ (Қумлоқ, Тошлоқ), -ак (Хумдонак, Ҳовузак), -дўз (Тоқидўз, Мўзадўз), -хўр (Бўзахўр, Бўламахўр) ва бошқа қўшимчалар борки, улар бугунги кун нуқтаи назаридан ажралмас ҳолатга келиб қолган.

Хуллас, ойконимлар маълум бир гуруҳ вакилларининг турли ҳудудда истиқомат қилиши, уларнинг яшаш турмуш тарзи, географик ҳудуд, муҳитнинг шарт-шароитидан келиб чиқиб номланади. Юқорида биз санаб ўтган аффикслар эса худди шу хусусиятларни аниқлаштириб кўрсатади, яъни индикатор вазифасини бажаради.

Адабиётлар

1. Бегматов Э. Мустақиллик ва топонимия//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2009. – 5-сон. – Б. 9-15.
2. Qorayev S. Toponimika. –Т.: 2006. 51-б.
3. Тўраев Ҳ.Ҳ., Қиличев Б.Э. Бухоро вилояти топонимлари: шарҳ ва тавсия. –Бухоро, 2017. 88 б.
4. Ғуломов А, Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. –Т.: 1977. 461 б.

*Собиров А., профессор
(Ўзбекистон)*

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР

Алишер Навоийни ўзбек мумтоз адабиётининг саркори, эски ўзбек адабий тилининг асосчиси деймиз. Унинг туркий, араб тилларидан ташқари форс-тожик тилини ҳам мукаммал билганлигидан, бу тилда Фоний тахаллуси билан ижод қилганидан ҳаммамиз яхши хабардоримиз. Нафақат Алишер Навоий, балки Марказий Осиёда истиқомат қилган ҳар бир зиёли, маърифатли инсон ўзбек форс-тожик тилини, ўз навбатида тожик халқи вакиллари туркий тилни яхши билган, минтақада тожик-ўзбек иккитиллилиги барқарор бўлган. Бир сўз билан ифодаладиган бўлсак, ўзбек ва тожик халқларининг тиллари бошқа-бошқа бўлгани билан, эътиқоди, урф-одатлари, маданияти, санъати битта бўлган. Шу заминдан етишиб чиққан буюк инсонлар ҳар иккала халқнинг фахри, ифтихори, Навоий таъбири билан айтсак, улар “шамсул миллат” саналган. Ана шундай улуғ шарафга эга бўлган инсонлардан бири академик Б.Ғафуровдир.

Б.Ғафуров Тожикистон ҳукумати раҳбари, нуфузли илмий идоранинг бошлиғи сифатида ҳар доим республика ҳудудида амалда бўлган тожик ва ўзбек тилларининг тақдирига, ривожига масъулият билан қараб келган. Она тилларимизнинг тараққиёти учун етарли шарт-шароитларни амалга оширишга интиланган. Шу боис, тилларимиз тақдири устида бош қотириш билан Б.Ғафуровнинг руҳини ҳам шод қилган бўламиз.

Бугун дунёни қайтадан бўлиб олиш мақсадида эзгулик билан ёвузлик кучлари ўртасида мурасасиз кураш кечмоқда. Ёвуз кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда янгича усулларни қўллашга ўтди. Улар қурол-яроғ билан эмас, ижтимоий тармоқларда тарғибот, ташвиқот, сўз орқали ҳамюртларимиз онгини заҳарлашга, уларни йўлдан оздиришга астойдил уринмоқдалар. Қайси томон ён берса, унинг ютқазishi, иллатнинг таназзулга юз тутиши аниқ бўлиб қолди. Мустақилликдан сўнг чегараларимизнинг очиб қўйилиши, ҳамюртларимиз учун четга чиқиш учун имкониятининг яратилиши бир томондан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун йўл очган бўлса, иккинчи томондан юртимизга информацион хуружлар кириб келди. Иродасиз, эътиқоди суст, тафаккури заиф инсонлар.

Эътибор берадиган бўлсак, дунёдаги 7000 дан ортиқ тил бор ва бу тиллар олами ичида тожик ҳамда ўзбек тиллари тарихан ўз ўрни ҳамда муайян мавқега эга бўлиб келган, аммо собиқ иттифоқ даврида ҳар иккала тилнинг қўлами ва нуфузини пасайтириш сиёсати олиб борилган. Натижажа сон жиҳатидан ҳам турли-туман маълумотларга дуч келинади. Масалан, дунёда ўзбекларнинг сони 35 миллион, шундан Ўзбекистонда 2 миллион, Афғонистонда 2,3-2,7 миллион, Тожикистонда 1,3 миллион, Қирғизистонда 918262 нафар, Қозоғистонда 576000, Россияда 289862 нафар, Туркменистонда

250000, Туркия, Покистон, АҚШ ларида 70-80 мингдан кўп ўзбеклар истиқомат қилиши айтилган. Нуфуз жиҳатидан дунё тиллари ўртасида 41-ўринда туриши таъкидланган. (<https://ru.wikipedia.org/wiki/uzbeki>)

Бу фактлар бир ёқлама, асосан, рус туркологлари ва мутахассисларининг маълумотларига таяниб берилган. Мисол учун юқоридаги сайтда Афғонистонда 2,3-2,7 миллион атрофида ўзбекларнинг яшаши айтилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил топгандан буён Афғонистондан 3 маротаба вакиллар келди ва Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида “Афғон фуқаролари учун таълим маркази” ташкил этилди. Маълум бўлишича, Афғонистоннинг 9 та вилоятида сал кам 10 миллиондан ортиқ ўзбек истиқомат қилар экан. 2,7 миллион қаёқда-ю, 10 миллион қаёқда?.. Қўшни қардош давлатларда яшаётган ўзбекларнинг сони ҳам бошқача бўлиши аниқ. Ҳатто сайтда берилган ўзбекларнинг сони кўшиб чиқилса ҳам 37 миллиондан ортиқни ташкил қилмоқда.

Иккинчи бир манбада ўзбекларнинг сони 50 миллиондан ортиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган ва нуфузи 32-ўрин деб белгиланган. (<https://uz.m.wikipedia.org/wiki/uzbeki>) Бу маълумотга қўшилса бўлади.

Худди шунингдек, тожикларнинг умумий сони 20 миллион атрофида, шундан 9,12 миллиони Тожикистонда, 14 миллиони Афғонистонда 1,8 миллиони Ўзбекистонда, 1,2 миллиони Покистонда яшаши айтилган. (ru.wikipedia.org/wiki/tadjiki)

50 миллион ва 20 миллионлик халқлар бу шунчаки халқ эмас. Бундай нуфузга эга бўлган халқлар асрлар синовидан ўтган, тили, манадияти, санъати қиёмига етган ва бошқаларга ибрат бўла оладиган халқ саналади. Бугун ҳар иккала давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат буни амалда кўрсатмоқда. Дунё Ўзбекистон ва Тожикистон томонга, ўз навбатида биз дунё томонга интилишни бошладик.

Демак, биринчи галда биз – тилшуносларнинг бажарадиган ввазифамиз дунёнинг бошқа мамлакатларида истиқомат қиладиган миллатдошларимиз билан боғланиб, ижтимоий тармоқларда халқларимизнинг нуфузи тўғрисида берилаётган турли-туман маълумотларга чек қўйиб, аниқ фактларни бериш ва ўзбек ва тожик тилларининг халқаро майдондаги нуфузини белгилаб беришдан иборат. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 21 октябрь ва 2020 йилнинг 20 октябрь кунлари чиқарган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5850- (“Халқ сўзи”, 2019 йил 22 октябрь кунги 218-сон, 1-2 саҳифалар) ҳамда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6084-сонли Фармонлари (“Халқ сўзи” 2020 йил 19 октябрь кунги 221-222 сон, 1-, 9-саҳифалар) эътиборли. Уларда “давлат тилининг халқаро микёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш; хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек

тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш” ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш; бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, 2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги **17** тадан **60** тагача кўпайтириш; 2025 йилга қадар “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари сонини **30** тага, 2030 йилгача эса **40** тага етказиш; хорижий олий таълим муассасаларида **ўзбек тили курсларини** зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар миқдорини ошириш” каби масалалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Икинчидан, она тилларимиз бошига соя солиб турган катта хавф бор. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 2010 йилда “Йўқолиш арафасида турган дунё тиллари харитаси” (“Atlas of the World’s Languages in Danger”) тузилган бўлиб, унга 2500 та тил киритилиб, таназулга юз тутган тилларга мисоллар келтирилган. Масалан, энг сўнгги вакили дунёдан ўтиши билан Аляскадаги эяк тили мангуга йўқолгани айтилади ва яқин йилларда сўзлашувчиларининг сони 2000 дан кам бўлган 1492 та тилни шундай тақдир кутиб тургани таъкидланади. (ru.euro.news.som)

Асримиз охирига бориб, инсоният ҳозирда мавжуд бўлган тилларнинг ярмини мангуга бой бериши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Дунё тиллари бир неча гуруҳга бўлиниб, “Хавфдан ҳоли”, “Ҳимояланмаган”, “Хавф остида турган”, “Кучли хавф остида турган”, “Йўқолиш арафасидатурган” ва “Ўлик тиллар” каби гуруҳларга ажратилган. Асоий мезон сифатида тилнинг ҳамма даврларда қўлланиб келинаётгани ва авлодлар ўртасида узилиш бўлмагани эътиборга олинган.

Ўзбек ва тожик тиллари 2-гуруҳга “Ҳимояланмаган тиллар”га киритилган. Бу бизни сергакликка, хушёрликка чақиради лозим. Тилларнинг йўқолиб кетишини глобаллашув жараёнлари ва урбанизация ҳодисасининг кучайишига олиб бориб тақашмоқда. Улардан ҳам кўра ортиқроқ омил бу – илм-фан, техника ривожидир. Биз ҳам ўз уйимизда қимирламасдан, хорижий ташрифлар ва маҳсулотларга маҳлиё бўлиб ўтираверсак, тез орада кўчаларимиз, дўконларимиз, дастурхонимизни “босиб кетган” *гамбургер, бургер, хот-дог, маркет*лардан қутила олмай қоламиз. Жадал суръатларда ўзбек ва тожик тилларининг машинавий тилини амалга киритишимиз лозим, замонавий ахборот технологиялари билан тилларимизнинг интеграциясини тезлаштирсак, аниқ фанлар соҳалари: физика, математика, кимё, биология ва шу кабиларда давлат тилларидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйсак, соҳавий ва терминологик луғатларнинг янги авлодларини яратсак, тилларимизни бундай хавфдан қутқариб қолган бўламиз. Кечиксак, кейинги авлод бизни асло кечирмайди. Зеро, Абдулла авлоний таъкидлаганидек: “Дунёда ҳар бир миллатнинг борлигин кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак – миллат руҳини йўқотмакдур”. (Абдулла Авлоний, 1992: 32)

Учинчидан, фақат тил соҳасини эмас, илм-фан, техника, таълим-тарбия, санъат ва маданият, медицина, дипломатия, молия-кредит, машинасозлик ва ҳ.к. соҳаларни ривожлантириш, мазкур соҳаларда фаол қўлланадиган сўз ва терминларни тизимга солиш, улар устида илмий изланишлар олиб бориш зарур. Бунда фанлараро интеграцияга алоҳида аҳамият бериш даркор. Боиси жаҳондаги илғор халқлар ўз тиллари устида жиддий изланишлар олиб бориб, тилшуносликнинг янгидан-янги йўналишларга асос солди. Бугун тилшуносликда ареал лингвистика, математик лингвистика, географик лингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика каби соҳалари билан биргаликда когнитив лингвистика, эколлингвистика, биоллингвистика, корпус лингвистикаси, гендер лингвистикаси, интернет-лингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика, менталлингвистика сингари замонавий йўналишлари пайдо бўлди ва жадал ривожланмоқда. Ушбу йўналишлар глобаллашув шароитида фанларнинг бир-бирига таъсири, интеграциялашуви натижасида юзага келган. Бизнинг олдимизда юқоридаги янги йўналишларнинг барчасида бемолол ишлай оладиган филологларнинг ва улар билан бирга ишлайдиган бошқа соҳа вакилларининг янги авлодини тайёрлаб беришдек улкан вазифа турибди.

Тўртинчидан, Мустақиллик йилларида ҳар икки давлатда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига монанд равишда биноларимизга мос номлар қўйилди. Улар “Давлат тили ҳақида”ги қонун талабларига тўла жавоб беради. Масалан Ўзбекистонда “*Туркистон*” саройи, “*Азиз меҳмон*” меҳмонхонаси, “*Райҳон*” оилавий ресторани, “*Кенг макон*” ишлаб чиқариш корхонаси, “*Жайрон*” экомаркази, “*Забардаст*” фермер хўжалиги, “*Зебо*” салони, “*Фазо*” ресторани, “*Болажон*” супермаркети каби. Бундай номларни муҳташам биноларимиз чиройига хол бўлиб тушган. Бундай ҳолат Тожикистонда ҳам мавжуд бўлиши керак.

Аммо, *Плаза*”, “*Браво*”, “*Golden chicken*”, “*Miss Sanam*”, “*Тополина интер стар*”, “*Идеал*”, “*Элегант*”, “*Z OIL*”, “*Эльдарадо*”, “*EVER MEN*”, “*Petrol*” сингари номлар устида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди. Дунё тилларида нейминг, брендология деган йўналишлар бор. Ҳар қандай атам ном қўйиш андозаларига, талабларига мос келиши ҳисобга олинади. Ном қўйишда миллийлик, ҳудудийлик, қисқалик, аниқлик, тушунарлик тамойилларига амал қилинади. Юқоридаги номларнинг биронтасида мазкур тамойилларга риоя этилмаган. Ном қўйишда хорижга тақлид, кўр-кўроналик кўриниб турибди. “*Индаба*”, “*Нек стар*”, “*Раййона Ишонч-сервис Х.К*”, “*Алёр текс*”, “*Раи милк*”, “*Динур-ленд*”, “*Чинкамол*”, “*Асклепий*” сингари номлар ўзбек халқи ва ўзбек тили учун ҳеч қандай маъно англатмайди. *ККБФМНКМ вилоят бошқармаси*, “*Хоразм Диёр, Макс сервис*”, “*Алоқа Print*” МЧЖ, “*Асака МАК МЧЖ*”, “*Алоқа “Самошертекс*”, “*Ўз-Донг Жу Пэинт Ко*” МЧЖ, “*Мерастекс*

тиль”, “*СулШерЖаҳон*” сингари номларнинг маъносини тушунтириб беришда ҳар қандай тил ожиз.

Бешинчидан, бу каби номларга индамаслик она тилига беписандлик демакдир. *Бургер* ёнида *нонбургер*, *дружбабургер*, *Хадра нон-бургер* пайдо бўлди. Аста-секин тарқалиш майдони кенгайиб бормоқда. Билмаймизки, ном остида ғоя, мафкур ётганини. Жаҳон майдонида гегемонликни даъво қилаётган давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олиш умидида ядровий курулларидан кўра, мафкуравий йўл билан бошқа халқларни бўйсундиришга иштиёқи ортган бир пайтда бу каби ҳолатларга индамасдан, мутелик билан, узоқни ўйламасдан туриб ёндашиш, шахсий қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда дўконига, фирмага, фермер хўжалигига, меҳмонхонага дуч келган номни қўйиб олиш тўғри эмас. Шундай қилсак, миллийлигимиз қаерга кетди?! Эртага кейинги авлодга нима деймиз?! Бу тилимизнинг қашшоқлиги, камбағиллиги нишонаси эмас, балки мутасадди шахсларнинг эътиборсизлиги, тил саводсизлиги туфайлидир.

Қаранг, қандай чиройли, бетакрор номларимиз бор: *Яшнабод*, *Тўққизариқ*, *Қўшариқ*, *Исломобод*, *Далварзинтепа*, *Сардоба*, *Варахша*, *Боғибаланд*, *Заркамар*, *Сангардак*, *Ўғузработ*, *Хосиён*, *Насаф*, *Чўпонота*, *Сақичмон*, *Бўрижар*, *Тахтапул*, *Учбулоқ*, *Қаландархона*, *Ойдинбулоқ*, *Мингчинор*, *Кужгон*, *Улуғнор*, *Сарбонтена*, *Қатортерак*, *Ахсикент*, *Ғишткўприк*, *Янгиқўрғон*, *Мойбоғча*, *Мирпўстин* ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикада 87 000 та шундай ном бор экан.

Турмуш тарзимизнинг ўзгариши, янгиликларнинг таъсири натижасида ички имкониятлар асосида “Тарона”, “Тасанно”, “Ниҳол”, “Ислом нури”, “Ҳидоят” каби бирликларнинг пайдо бўлиши бу – тилимизнинг жилोलаниши, янгича талқинларда бўй кўрсатиши демакдир. Шу тарзда ўзбекча ёки хорижий бўлса ҳам тилимизга мос номни қўйсақ, ким бизга эътироз билдирди? Ҳеч ким! Ном қўйишда келажак умиди билан ёндашиш ҳар биримизнинг она тили олдидаги фарзандлик бурчимиз ва вазифамиздир. Буни асло унутмаслигимиз керак.

Олтинчидан, ўрни келганда шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз: ҳар бир миллий тил бошқа тиллардан айрича яшамайди, инсонлар бир-бирлари билан муомала-муносабатларда бўлгани каби тиллар ҳам бир-бирлари билан доимий алоқада яшайди. Шу боис, бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг ўтиб туриши қонуний ҳол саналади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек ва тожик тиллари дунёдаги энг бой ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган буюк тиллардан саналади. Она тилларимизни юртимиздаги қадим ва муқаддас, мўъзизавий булоқлардек тоза ва мусаффо, истеъмолга доим яроқли бўлиши шарт. Унинг ички имкониятлари чексиз ва мислсиздир. Ундан ўринли фойдаланиш, тилнинг софлиги, табиийлиги учун курашиш, оғзаки ва ёзма нутқда тил меъёрларига тўлиқ риоя

қилиш, она тилининг булоқдек мусаффолигини ва тароватини сақлаб қолиш барчамизнинг элу юрт олдидаги шарафли ва айни чоғда муқаддас бурчимиздир.

Адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 168 бет.
2. Халқ сўзи”, 2019 йил 22 октябрь кунги 218-сон, 1-2 саҳифалар
3. “Халқ сўзи” 2020 йил 19 октябрь кунги 221-222 сон, 1-, 9-саҳифалар
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/uzbeki>
5. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/uzbeki>
6. ru.wikipedia.org/wiki/tadjiki
7. ru.euro.news.som.

*Тошпўлатов А., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЗАМОН ШАКЛЛАРИ ПРАГМАТИКАСИ

Маълумки, феъл орқали ифодаланадиган ҳаракат муайян бир маконда ва замонда содир бўлади. Нутқ momentiга нисбатан белгиланадиган пайт маъноси грамматик замон категориясини шакллантиради. Грамматик замон категорияси бу феълдан англашилган воқелик (иш-ҳаракат, жараён, ҳолат каби)ларнинг нутқ пайтига нисбатан қай вақтда (ҳозирги, ўтган ва келаси замонда) ва қай (аниқ, давомсиз, давомли, тугал) тарзда амалга оширилиши, яъни воқеаланишини ифодаловчи категориядир. Ўзбек тилшунослигида замон категорияси юзасидан қатор илмий тадқиқотлар¹ олиб борилганига қарамай, мунозарали ўринлар, кенгроқ ўрганишни талаб қиладиган масалалар мавжудлиги муаммога тўғри ёндашилганлигини кўрсатади.

Ўзбек тилида барча илмий манбаларда 3 та замон тури ажратилса-да, уларнинг ички турларга бўлиниши хусусида, асосан, 2 хил анъана мавжуд. Айрим дарслик ва қўлланмалар²да фақат асосий уч тур (ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замон)га бўлиш ва шу турларга оид грамматик шаклларни тавсифлаш йўлидан борилса, яна бир гуруҳ манбаларда ички бўлинишларга асосланилади, лекин бу йўналишда ҳам турлича қарашлар мавжуд бўлиб, ҳозиргача бир тўхтамга келинган эмас. 9 тадан то 15 тагача замон шакллари бор эканлиги эътироф этилган, шу билан бирга бу ички бўлинишдаги номланишларда ҳам тафовутлар мавжуд.

¹ Жўраев Ж. Категория будущего времени глагола в современном узбекском языке: Автореферат канд. ...дисс. – Т., 1961; Коклянова А. Категория времени в современном узбекском языке, – М., 1963; Сулаймонов А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўтган замон феъл категорияси: Автореф. канд. ...дисс. – Самарқанд, 1949.

² Ўзбек тили грамматикаси. Сайфуллаева Р. Р., Менглиев Б. Р., Боқиева Г. Ҳ., Қурбонова М. М., Юнусова З. Қ., Абузалова М. Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. –Т., 2006.

Р. Сайфуллаева, Б. Менглиев, Г. Боқиева, М. Қурбонова, З. Юнусова, М. Абузаловалар ҳаракат маъноларидаги «давомийлик», «тугамаганлик» унсурларини ундаги бошқа категория тажаллиси сифатида ёндашадилар. Бу қараш субстанциал ёндашув бўлиб, тил бирликларининг моҳиятига йўналган. Прагматика эса тил бирликларини моҳиятларнинг бирлашиб юзага чиқишида, тирик ва ўзгарувчан ҳолида кузатади. Шу нуқтаи назардан феъл замонларидаги ички турларини белгилаган маъқул деб ҳисоблаймиз. Тил бирликларидаги умумийлик-хусусийлик муносабати, улардаги хусусий маънонинг сон-саноксиз бўлиши нутқий имкониятларнинг чексизлигини таъминлашга асос бўлар экан, “давомийлик”, “эшитилганлик” каби умумийлик қуршовида муайян замон оралиғига хос инвариантларни белгилашга асос бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Замон парадигмаси ичидаги кичик парадигмаларни номлашда турлича ёндашувга сабаб бўлган омиллардан бири шуки, тадқиқотчилар айрим ҳолларда бир томонлама ёндашганини кузатиш мумкин. Масалан, –(и)б аффикси ёрдамида ҳосил бўладиган ўтган замон шакли “*ўтган замон ҳикоя феъли*”, “*ўтган замон эшитилганлик феъли*” каби номланади. Бундай ҳар хилликка сабаб, ҳар бир коммуникатив нутқий вазият доирасида маъно нозикликлари билан фарқланувчи ситуатив вариантлар хилма-хиллиги баъзан уларни бир уяга бирлаштиришда ўзгачалиқларга олиб келади. Масалан, *кеча келибди* бирикмасида сўзловчининг ўзи кўрган – билган ҳодиса ҳақида эмас, кимдандир эшитиб гапирётганлиги англашилади, яъни ҳам эшитганлиги, ҳам эшитганини ҳикоя қилиб бериши қаватланади. *Яхшиям, келибман* синтактик қурилмасида эса ўзи билган, ўзи содир этган ҳаракатни ифодалаб, сўзлаганлик (баён қилиш, ҳикоя қилиш) маъноси юзага чиқади. Р. Қўнғуров феъл замонларига оид грамматик шаклларнинг ана шундай полифункционалликка эътибор қаратган эди. Олим бир грамматик шакл турли нутқий вазиятларда ўзаро фарқли оттенкаларга эга бўлиши ҳам мумкинлиги, баъзан эса бундай фарқлар йўқ даражага келганда, бири ўрнида иккинчисини ишлата бериш мумкинлигини таъкидлайди. “*Ўтган замон феълнинг –(и)б ва шахс-сон аффикси кўшилишидан ҳосил бўлган формаси ўз кўзи билан кўрган, билган ҳаракатини англатганда, шу замонни кўрсатувчи –ди формаси билан синоним бўлиши мумкин: Ялиниб-ёлвориб Шокирвойни зўрга қутқариб олибман. (Ҳ. Нўъмон) // Зўрга қутқариб олдим.*”¹ Демак, бундай ҳолатда грамматик синонимия юзага келади.

Шу тариқа, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”га оид дарслик ва қўлланмалардаги таснифларни таҳлил қилиш ва қиёслаш асосида қуйидаги таснифни маъқул деб топдик:

I. Ўтган замон феъллари:

1) яқин ўтган замон феъли (ўқиди)

2) узоқ ўтган замон феъли (ўқиган эди, ўқиганди, ўқиган)

¹ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. б.

3) ўтган замон давом феъли (ўқир эди, ўқирди)

4) ўтган замон ҳикоя феъли (ўқибди)

5) ўтган замон мақсад феъли (ўқимоқчи эди).

II. Ҳозирги замон феъллари:

1) ҳозирги замон давом феъли (ўқияпти, ўқимоқда, ўқиётир)

2) ҳозирги - келаси замон феъли (лицейда ўқийман, тўгаракка бораман).

III. Келаси замон феъллари:

1) аниқ келаси замон феъли (роман ўқийман, Тошкентга бораман)

2) келаси замон мақсад феъли (ўқимоқчиман)

3) келаси замон гумон феъли (ўқирман).¹

Мулоқот жараёнида ҳар бир нутқий ҳодисанинг коммуникатив-услубий жиҳатлари, ҳар бир вариантнинг дискурсив аҳамиятини аниқлаш имкониятининг мавжудлиги лингвопрагматик таҳлилга бўлган эътибор ва талабни кучайтирмоқда. Контекстда синтагматик маънолар билан боғлиқ ҳолда замон шакллариининг функционал хусусияти ўзгариб, бир шакл бошқасининг вазифасини бажариши мумкин. Бундай ҳолда матн замон шакллариининг ўзида белгиланган ҳозирги, ўтган, келаси замон каби умумий грамматик маънолари учун ноқулай бўлиб, уларнинг синтагматик маъноси учун қулай бўлади. Бу вазиятда феъл шакллари парадигматик жиҳатдан морфологик замон категориясини ифодаласа, феъл шаклининг матн унсурлари билан ўзаро таъсири натижасида контекстуал замон категорияси ҳосил бўлади, яъни замон шаклининг маъноси ўзгариб, бошқа замонни ифодалаш мумкин.²

Услубшунослар ушбу масалага стилистик нуқтаи назардан замон шакллариининг кўпмаънолилиги ва синонимияси тарзида ёндашадилар.³ “Маълум бир феъл шакли маълум бир матнда ўзи англатиши лозим бўлган асосий замон доирасидан ташқарига чиқиб, бошқа замон маъносини ҳам англатишга қодир бўлган экан, демак бу икки ҳодисадан далолат беради: иккинчи маъно феълнинг замонни кўрсатиш табиатида ё аввалдан бўлиб, кейинчалик йўқолган ва яна қайта тикланган, ёки унинг замонни англатишида силжиш рўй бериб, имконияти кенгайган. Ҳозирги тилимизда унинг ўзининг асосий замонни кўрсатиш маъносидан ташқари иккинчи замон маъносини ҳам билдириши тил тараққиёти, унинг стилистик имкониятларининг яна ҳам кенгая бораётганидан далолат деб тушунамиз.”⁴ Биз олимнинг иккинчи фикри, яъни “замонни англатишда силжиш рўй бериб,

¹ Муҳитдинова Х., Худойберганова Д., Умиров И., Жиянова Н., Юсупова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ilm ziyo, 2004. – Б. 118.

² Рўзиев Я. Б. Немис тили замон шакллари транспозициясининг прагмастилистик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док-ри (PhD) ...дисс. автореф. – Т., 2019. – Б. 12.

³ Каримов С. А. Ўзбек тилининг грамматик услубияти (Маърузалар матни). – Самарқанд, 2012.; Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

⁴ Каримов С. А. Ўзбек тилининг грамматик услубияти (Маърузалар матни). – Самарқанд, 2012. – Б. 170.

замон категориясининг ифода имконияти кенгайган” деб қарашини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Нутқимизда, хусусан, сўзлашув, бадий ва оммабоп услубда бир замон шаклининг иккинчиси вазифасида қўлланиши кўп учрайди, илмий ва расмий услубда эса замон шакллари анча стабил характерга эга. Замон шакллариининг парадигматик ва синтагматик муносабатларига доир бундай ўзига хос жиҳатларнинг назарий асосларини белгилаш, юқорида айтиб ўтилганидек, транспозиция ҳодисаси билан боғлиқдир.

Феълларда бир замонни ифодаловчи грамматик шаклнинг прагмастилистик мақсадда бошқа замон маъносини ифодалаш ҳам транспозиция ҳисобланади. “Кўчиш” муаммоси нафақат шаклий, балки семантик ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Феъллар динамик транспозицион жараёнлар манбаи сифатида нутқий вазиятларда қўлланишдаги ўзига хос хусусиятларини, семантик параметрларини аниқлаш, транспозициянинг бошқарувчиси сифатида эса тил меъёрлари механизмининг моҳиятини очиб бериш, грамматик шаклларнинг кўп статусли ўрнини аниқлашга хизмат қилади.

Муайян нутқ вазиятидаги “замон шакллариининг қўлланиш чегарасини аниқлаш, уларнинг прагматик ва стилистик имкониятларини белгилаш, транспозициянинг юзага келиш сабаблари, ушбу ҳодисанинг матнда намоён бўладиган семантик-функционал хусусиятларини батафсил ўрганиш зарурияти”¹ феъл замон шакллариини тизимли равишда тадқиқ қилишни тақозо этади. Феълнинг прагмастилистик талқини ушбу сўз туркумига оид грамматик шакллар билан боғлиқ бир қатор ноаниқликлар муаммосини ечишга имкон беради. Зероки, дискурсив таҳлил усулининг “тил бирликларининг нутқий вазиятлардаги фаолияти ранг-баранглиги” тамойили феълга хос жиҳатларнинг моҳиятини яхлитликда англаш ва тавсифлашга имкон беради. Анъанавий тилшуносликда феълга оид тадқиқотларда транспозиция ҳодисасисига оид ўзгачаликлар грамматик шакллардан “ғайритабий” фойдаланиш сифатида нутқий вазиятда хусусий тарзда шаклланган далиллар услубий хосланиш деб қараб келинган. “Контекстуал ва ситуатив маъно реал маънога (форманинг одатдаги маъносига) мос келмай қолиши натижасида маънода кўчиш юз беради, яъни маълум форма ўзи англатиши керак бўлган маънони эмас, балки бошқа маънони ифодалаш учун хизмат қилади.”²

“Транспозициянинг вазифаси транспозицияланувчи шакл билан контекстнинг умумий мазмуни орасидаги карама-қаршилик туфайли эришиладиган образлилик, муайян прагмастилистик бўёқдорликни ҳосил қилишдан иборат. Бутун контекст ва вазият тингловчи ёки китобхонни

¹ Рўзиев Я. Б. Немис тили замон шакллари транспозициясининг прагмастилистик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док-ри (PhD) ...дисс. автореф. – Т.: 2019. — Б. 21.

² Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 128 б.

гўёки маълум бир замон шаклини қўллашга чоғлайди-ю, бироқ охириги лаҳзада унинг ўрнига дабдурустан бошқа шакл қўлланади. Бу тарздаги баён транспозицияланувчи аъзо ўз асосий маъносини сақлаб қолиши натижасида ҳосил бўладиган бўёқдорлик ва жозибаторлик билан йўғрилиб, субъектив кутилмаганлик эффекти вужудга келади.”¹

Ҳозирги ўзбек тилида феъл замонлари шаклларида вақтинчалик фойдаланиш (кўчиш)нинг куйидаги турлари мавжуд:

I. Ҳозирги замон шакли:

Ҳозирги замон шаклининг ўтган замонга оид ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиши жуда кўп учрайди. Бундай ҳолларда сўзловчи ўзини ўтган замонга олади ва ҳаракатни унинг бевосита кузатувчиси сифатида баён этади: *Онанг чиқадиган кунни гулдаста кўтариб борсам, бир ўзи келяпти.* (келди маъносида). (Тоҳир Малик, “Алвидо, болалик”).

II. Ҳозирги-келаси замон шакли (-а, -й кўшимчалари):

1) илмий услубда аниқ замонни эмас, балки умуман, замонни, одатийликни билдириш учун қўлланади: *Бу ҳаракатда электроннинг энергияси камаяди, унинг айланиш орбитаси кичраяди ва ядрога яқинлаша боради.* (“Физика” дарслиги) Ёки: *Биосферада гидросфера муҳим ўрин тутади, у Ерда ҳаётнинг барқарорлигини таъминловчи асосий манба саналади. Иқлим шароитининг мўтадиллиги ва сувнинг даврий айланишини таъминлайди.* (“Биология” дарслиги)

2) бадий услубда тавсифий ва тасвирий ўринларда ҳам мана шу усул қўлланади: *Тўғри-да, Муҳаммадjon ака Юсуф учун ўзга сайёрадан ташириф буюрган антиқа нусхадек гап: Каттакон ҳовлида бир ўзи яшайди, ўзи уй сутириб, ўзи овқат қилиб, ўзи кир ювади.* (Улуғбек Ҳамдам, “Мувозанат”)

3) бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилинаётганда: *Шундан кейин бир-икки ой ўтар-ўтмай, авф тегиб, Муҳаммадjon ака қамоқдан чиқиб келади. Аммо қамалган, “урилган” деган ном тавқи лаънатдек унинг кейинги тақдирига ёпишади-қолади. Ўзи хоҳлаган ва олдин ишлаган жойларга ҳатто мактабга ўқитувчилик лавозимига ҳам олишмайди.* (Улуғбек Ҳамдам, “Мувозанат”)

4) ўтган замон маъносини ифодалаш учун: *Нима дейди (деди маъносида) бу? Шу бўйинг сингурнинг гапи чинми? (Кўчқор Норқобил, “Биз ҳам одаммиз”). - Нега одамнинг устидан қуласан (кулдинг маъносида)? – дўқ урди Рихсивой.* (Фарҳод Мусажонов, “Бир култум булоқ суви”)

III. Ўтган замон -ди шакли:

1) ҳозирги замон маъносида: - *Бўпти, мен кетдим* (кетяпман маъносида), - *ерга қараб тўнгилади Рихсивой.* (Фарҳод Мусажонов, “Бир култум булоқ суви”)

¹ Рўзиев Я. Б. Немис тили замон шакллари транспозициясининг прагмастилистик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док-ри (PhD) ...дисс. автореф. – Т., 2019. – Б. 21.

2) келаси замон маъносида: *Адирдаги қўй-қўзини олиб бориб сўйди* (сўйди маъносида) *нима-ю, халқнинг қўрасидаги қўй-қўзини ўғирлаб сўйди нима. Икковиям, бир ҳодиса эмасми?* (Қўчқор Норқобил, “Биз ҳам одаммиз”)

Бундай ҳолатларни таҳлил қилишда антропоцентрик ёндашув етакчи омил ҳисобланади. Айрим ўринларда замон маъносини ифодалашда сўзловчи олдида ўзгача ифодалаш зарурати туғилади. Бу муаммони бартараф этишда сўзловчи мана шу тил тизимида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланади. Демак, тил унсурларининг функционал кўчиши жараёни кўпроқ сўзловчи омили ва унинг борлиққа муносабати, коммуникатив интенцияси – нияти асосида юзага келади. Нутқий вазиятни яратишда сўзловчининг дунёни тил ёрдамида англаши, тасвирлаши транспозиция жараёнида тил унсурлари табиатини чуқурроқ тушуниши, идрок этишида психологик омиллар ёрдамга келади. Функционал грамматикада тил бирликларининг тил тизимида бажарадиган вазифаси ўрганилар экан, айнан, бу тизимдан фойдаланувчи инсоннинг ундан қайси ўринларда қандай мақсадларда ва қай даражада фойдаланишига боғлиқ эканлигини ўрганиш бугунги замонавий фанлараро йўналишларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Функционал кўчим грамматик шакл табиатини ўзгартиради ва унда янги маъно кўлами, янги коммуникатив вазифаларнинг пайдо бўлиши билан тил бирликларига фаоллик, кенг кўламлик бағишлайди. Бу эса тилнинг доимий тараққиётини белгилаб берувчи зарурий шартлардан биридир.

Турдиматова Ш. тадқиқотчи
(Тоҷикистон)

ПАРЕМАЛАР ТАРКИБИДА ИШТИРОК ЭТГАН КИЙИМ-КЕЧАК МАЪНОСИДАГИ ФУНКЦИОНИМЛАР ҲАҚИДА

I. Анъанавий тилшуносликда луғавий сатҳ бирликларидан лисоний муносабатлар улараро шаклдошлик ва маънодошлик хусусиятига кўра ўрганилар эди. Шу асосда луғавий бирликлар кўп маъноли(полисемия), омонимия, омограф, омофон(луғавий бирликларнинг шакл муносабатига кўра турлари); синонимия, дублет ва антоним (луғавий бирликларнинг маъно муносабатига кўра турлари) сингари гуруҳларга ажратилиб текширилди эди.

Проф. А.Бердиалиев луғавий бирликларидан лисоний муносабатларни замонавий тилшунослик тадбиқлари асосида, анъанавий тилшунослик тавсиясидан кескин фарқ қилувчи бошқача йўсинда талқин этади. Олим “Луғавий бирликларидан лисоний муносабатлар масаласига доир” номи билан 2011 йили чоп этилган мақоласида сўзларидан лисоний муносабатларни “шаклдош сўзлар”, “оҳангдош сўзлар” ва “маънодош сўзлар” сингари уч гуруҳга ажратади. У “маънодош сўзлар” гуруҳини “зид маъноли” ва “зид маъноли бўлмаган” номи билан яна икки таггуруҳга бўлади. Биринчи таггуруҳга антоним ва конверсивлардан иборат оппозитивларни киритади. Сўзларидан лисоний муносабатларнинг зид маъноли бўлмаган гуруҳини “дено

татив асоси бир луғавий бирликлар” ва “денотатив асоси ҳар хил луғавий бирликлар” сингари таггуруҳларга ажратиб, уларнинг иккинчи таггуруҳига гипоним, эквоним, партоним ва градуонимларни киритади (1)

А.Бердиалиев ўзбек тилининг лексикологияси ва фразеологиясига бағишланган алоҳида китобида эса, “денотатив асоси ҳар хил луғавий бирликлар” гуруҳини **ф у н к ц и о н и м л а р** деб аталувчи яна бошқа бир таггуруҳ ҳисобига кенгайтиради.

Функционим ҳақидаги дастлабки маълумот Р.Сафарованинг 1996 йили “Лексик-семантик муносабатнинг турлари” номи билан нашр этилган рисолаида учрайди ва гипонимияга ёндош ҳодиса сифатида талқин этилади. Бу рисолада ушбу ҳодиса қуйидагича тавсифланади: “Функционимия атамаси остида денотатларнинг ўзаро бир хил ёки яқин вазифа бажариши асосида ҳосил бўлган сўзлар қатори тушунилади”(2).

Профессор А. Бердиалиев бу ҳодисани, яъни функционимлар ҳақидаги маълумотни анча мукаммаллаштирган ҳолда, олий мактаб дарсликларига олиб киради.(3).

II. Мазкур илмий ахборотда ўзбек тили паремалари таркибида иштирок этган функционимларнинг айрим лисоний хусусиятлари ҳақида фикр юритиш мақсад этилган.

Лингвокультурологиянинг ўрганиш объектларидан бири саналмиш мақолларда, яъни паремаларда халқ ўзининг бор тажрибасини ақл-заковати билан уйғунлаштирган ҳолда, намоён қилади. Паремалар онгда стереотип даражасида ўрнишади ва шу асосда инсон атрофида ва ўзида кечаётган ҳар бир ҳодисани баҳолайди. Шу тарзда мақол ва маталлар борлиқни баҳолашнинг миллий маданий мезони сифатида яшайди.

Паремалар таркибида кийим-кечак лексик-семантик майдонига тегишли функционимларнинг уч луғавий-мазмуний гуруҳга мансуб бирликлари иштирок этади. Улар:

- а) тана кийимлари маъносидаги функционимлар;
- б) бош кийими маъносидаги функционимлар;
- в) оёқ кийими маъносидаги функционимлар.

II.1.Тана кийими маъносидаги функционимлар паремалар ҳосил қилишда бош ва оёқ кийими маъносидаги функционимларга нисбатан анча фаолки, бу нарса тана кийими маъносидаги функционимлар иштирок этган паремаларнинг миқдоран кўплиги билан исботланади.

Паремалар таркибида тана кийими маъноси билан иштирок этган функционимларни дастлаб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) танани тўлалигича қоплайдиган кийим маъносидаги функционимлар: *чопон, пўстин, тўн*: *Ургани пўстинли яхши; Фақир киши –панада, пўстини сомонхонада; Эски чопоннинг иссиғи йўқ; Кенг тўн йиртилмайди, кенгашли тўй бузилмайди; Кенг тўн тўзимас, кенгашли иш бузилмас; Кийган тўнинг*

эскийди, *кийдирганинг* эскимас *тўнинг* кир бўлса, *қўшининг* борида юв; Бировнинг *чопони* бировга *тўзри* келмайди ва б.

б) тананинг муайян бир қисмини қоплайдиган функционимлар: *кўйлак*, *иштон*, : *Уйида иштон* бичолмас, *далада тўн* бичар, *Ўзига иштон* бичолмаган-бировга *тўн* бичар; *Ўзингдан бир куйлак* илгари *тўздирганидан* ақл *сўра*; *Иштони* бутун қандай ҳоҳласа шундай *ўтирар* ва б.

II.2. Бош кийими маъносидаги функционимлар иштирокида ҳосил бўлган паремалар тана кийими маъносидаги функционимлар иштирок этган паремаларга нисбатан камроқ бўлиб, бундай функционимларга *дўппи*, *салла*, *қалпоқ*, *бўрк*, *телпак* киради: *Бош ёрилса дўппи* остида; *Бош эсон бўлса, дўппи* топилар; *Булутда чиққан кунга қалпоқ* чидамайди; *Калла бўлса, салла* топилади; *Калла- бошқа, салла* бошқа; *Лаганликка гап* бўлма, *телпакликка* сўз бўлма ва б.

II.3. Оёқ кийими маъносидаги функционимлар иштирокида ҳам маълум миқдорда паремалар ҳосил бўлган. Бундай функционимларни ҳам икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) оёқнинг ички кийими маъносидаги функционимлар. Бу функционимга *пайтава* лексемаси киради: *Пайтавасига* қурт тушди; б) оёқнинг ташқи кийими маъносидаги функционимлар: *этик*, *чориқ*: *Ўтган кунингни* унутма, *эски чоригингни* қуритма; *Сувни кўриб, этик* солади; *Сувга –ариқ, йўлга – чориқ*; *Сувга қараб этик* еч!; *Сув кўрмай этик* ечма !ва б.

III. Булардан ташқари, паремалар таркибида гипероним ва партоним характеридаги функционимлар ҳам иштирок этганки, уларга *кийим*, *либос*, *оёқ кийими* сингари лексема ва сўз бирикмалари киради: *Кийимнинг* янгиси яхши, *дўстнинг –эскиси*; *Чўпга-либос*; *Кийим* тўзар, *той ўзар*; *Кийим қанча эски бўлса ҳам ёмғирга* ярар ва б.

Партонимлар характеридаги функционимларга *ёқа*, *этак*, *енг*, *қирғоқ*, *жияк*, *кисса*, *чет* ва ҳ.к. киради: *Ёмоннинг ёқаси* йиртиқ; *Ёмоннинг ёқаси* йиртиқ, *бир қилиги ҳаммадан ортиқ*; *Нокадан қарздор* бўлма, *олиб киссанга* солма; *Онасини кўр, қизини ол, арқогини* кўр, *бўзини ол*; *Онасини кўр қизини ол, четини* кўр *бўзини ол*; *Қайтарсам- этагим*, *қайирсам –енгим* ва ш.к.

Ўзбек тили паремалари тизимида шундай мақоллар ҳам борки, улар таркибида кийим-кечак маъносидаги икки функционим иштирок этиб, улардан бири бутун маъносидаги, бошқаси унинг қисми(партоним) маъносидаги функционимлар тавсифида бўлади. Масалан, *Кир иштонга зар жияк*; *Кир куйлакка –жун жияк*; *Кир куйлакка-кишан ёқа*; *Кўйлаги йўқ энги* йиртиққа *кулибди*; *Иштони йўқ тиззаси* йиртиққа *кулибди* сингари паремаларда *иштон*, *кўйлак* лексемалари бутун маъносидаги; *жияк*, *ёқа*, *тизза(си)* лексемалари эса, уларнинг қисми маъносидаги функционимлардир, яъни партонимлардир.

Хуллас, бизнинг кузатишларимиз шунга гувоҳлик берадики, паремалар(ва фраземалар) таркибида иштирок этган функционимлар лисоний жиҳатдан шу

даражада характерлики, улар монографик режада махсус тадқиқот мавзуси бўла олади.

А д а б и ё т л а р

1. Бердиалиев А. Луғавий бирликлараро лисоний муносабатлар масаласига доир // Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Хужанд, 2011, 13 -14 –бетлар
2. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996. 2 -бет.;
3. Бердиалиев А. Лексикология, Фразеология // Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. Хужанд: “Раҳим Ҷалил давлат нашриёти”, 2013; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, 112 -б.

Турсунов А., научный сотрудник
(Узбекистан)

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ СЛОВООБРАЗОВАНИЯ

Особое место в развитии морфологии узбекского языка в XX веке занимает выдающийся ученый Саид Усманов. С. Усманов защитил кандидатскую диссертацию в 1953 г. под руководством лингвиста Т. Ибрагимова. Это была его первая серьезная работа по морфологии. После этого был опубликован ряд работ ученого по морфологии. «Отдельный справочник по слову и его морфологическому строению» (1957 г.), «О семантико-грамматической природе слова, повторяемого в общей согласной форме» (1957 г.), «О некоторых формах глагола» (1966 г.), 1963, «Морфологическая классификация языков и агглютинация в тюркских языках» (1963), «Прикрепленная речь» (1969), «Грамматические формы слов в узбекском языке» (1964), «Проблема использования и формы словоформ в современном узбекском языке» (1963). 1964), «Морфология и функции слова Анализ» (1965), а также многие другие.

Все взгляды С. Усманова на развитие морфологии тюркских языков в целом, в том числе и узбекского, особенно отражены в его фундаментальном исследовании «Морфологические особенности современного узбекского языка». Это было исследование, написанное для получения докторской степени. Первая глава работы озаглавлена «Типологическая классификация языков и агглютинация в тюркских языках». С. Усманов отмечает, что внимание к морфологической классификации языка началось в конце XVIII в. В европейской лингвистике, и это имело место в глазах брата Шлегеля, а затем и Штейн хала, и Дж. Гримм, А. Шлейхера, А. И. Томсона. Лингвист, который впервые ввел термин «агглютинация» в лингвистику, но отметил, что Ф. Бопп создал теорию агглютинации, разделив язык на две группы в форме гибкого и агглютинативного языка. С. Усманов подчеркивает, что подход к агглютинации

имеет особое направление. Он знал, что очень важно прояснить этот вопрос в своих исследованиях морфологии тюркских языков. После Ф. Боппа важной особенностью агглютинации стало использование первой линии V. Ученый отмечает, что Гумбольдт высказал свои взгляды и показал природу явления.

С. Усманов определяет Фердинада де Сосье как второго представителя. Фердинад де Соссюр отмечает, что показаны три характеристики агглютинации. Ученый обратил особое внимание на представителей третьего направления, которое оценивалось как агглютинация с ядром (или основанием), соединение цепи, соединение как часть цепи и выражение грамматического значения, А. Шлейхер, В. А. Богородский, В. В. Он реагирует на взгляды такого ученого, как Радлов.

С. Усманов уделял особое внимание грамматической форме слова. Хорошо известно, что морфология на самом деле является доктриной грамматической формы. Словоформа, грамматическая форма; Ученый, сделавший важные замечания о синтетической и аналитической форме, определяет словарный запас грамматического значения и функции.

Работы В.В.Решетова, Е.Д.Поливанова, А.Н.Кононова, С.Н.Иванова, А.М.Щербака служат научно-методическим основанием в морфологии узбекской лингвистики XX века. Конечно, стоит отметить, что особую роль играет книга Веса Решетова «Основы фонетики и грамматики узбекского языка» (1960).

В 1950-е годы такие ученые, как О. Косимходжаева, Б. Мадвалиев, А. Ходжаев, З. Маупов, С. Фердаус, С. Фузайлов, А. Сулаймонов внесли значительный вклад в развитие морфологии в 1960-х гг. Известный турколог А. Н. Кононов, сотрудничавший с такими учеными, как А. Боровков, проделал большую работу в этой области.

Среди важных исследований в области тюркской и узбекской лингвистики с 50-х годов XX века работы Г.Г. Гулямова отличаются глубокими мыслями и новыми научными выводами. Только недавно было признано, что наши богатые научные и исторические источники, художественные произведения, фольклорные и поэтические аргументы внесли большой вклад в развитие общих исследований с использованием научных методов и мышления. Это признание относится, в частности, к лингвистике.

И. А. Бодуэн де Куртен, Н. В. Крушевский, М. М. Покровский, А. А. Потеня, Теория и фабрикация отношений в сравнительной и исторической лингвистике Связь между формой и содержанием в слове была тщательно изучена. В отношении того же явления термины «аналогия» (И. А. Бодуэн де Куртен) определяются как «упрощение», «морфологическое перераспределение» (А. А. Потеня). его значение связано с семантической природой его компонентов ». Например, когда штукатурка, штукатурка, штукатурка получены из значения частей орнамента, значение слова «молчать» берется из значения частей.

Словообразование, по мнению ученого, основано на «одноразовых» (синхронных) отношениях, тогда как «временное» (диахроническое) представляет собой набор принципов, используемых для объяснения изменений и развития во времени: не первое"), а следующее (вторичное) событие: оно зависит от другого события (по смыслу и в других отношениях), его семантические и структурные свойства определяются этим первым событием. Исторические, диахронические факты в словообразовательном анализе приводятся, принимаются во внимание, но не в зависимости от того, где они необходимы. В работах Г. Г. Гулямова были также ссылки на феномен «внутренней формы (языка) языка» (фон Гумбольдта), «внутренней формы (формы) слова» (А. А. Потебня) в общей лингвистике, причины происхождения слова и его мотивация. Основы изложены: «Новое слово рождается из требования жизни. Это требование зависит от прогресса общества в связи с этим ... оно является источником всех новостей, динамики и всех изменений".

Это один из главных символов социолингвистического, прагматического аспекта словообразования: слова носят спорадический, логический и лингвистический характер, на котором основаны определенные методы и инструменты. По этой причине А.Г. Гулямов применяет понятие «модели словообразования»: модель абстракции, обобщенное абстрактное явление в смысле создания схемы. Вот некоторые из них: 1) слова, которые не идентичны модели проекта, похожи по структуре и значению; 2) являются ли модели словообразования неэффективными или нет, потому что модель в структуре создает новый шаблон: суммируя структуру структуры слова, определяются шаблоны создания слова, а бумодели образуют систему создания слова.

Было сказано, что серьезные исследования были проведены по изучению исторической и современной морфологии. Кроме того, было проведено серьезное исследование европейской и мировой лингвистики, и все ее достижения были применены к узбекской лингвистике.

В результате встреч и дискуссий с такими великими учеными, как Н. А. Баскаков, А. Н. Кононов, С. Н. Иванов с узбекскими лингвистами, рядом серьезных исследователей морфологии Ф. Камолов, Т. Ибрагимов, С. Усманов, А. Гуламов с ученым. А. Ходжиев, М. Содикова, Р. Кунгуров, И. Кучкортоев, А. Сулейманов («Авторы современного узбекского литературного языка»), Г. Абдурахманов («Основы современного узбекского литературного языка»), Ж. Мухторов («Связи на современном узбекском языке»), Б. Уринбоев («Призывная категория в современном узбекском языке»), Т. Ходжаев («Порядок глаголов в современном узбекском литературном языке»), А. Абдуазизов, И. Расулов, Х. Камилова, А. Мадгазиев В начале 1970-х годов М. Аламова, М. Нариманова и М. Джураба Ева, Ю. Тожиев, А. Бердиалиев, Т. Мирзакулов, С. Маматкулов, С. Султонсаидова начали много научных исследований в области морфологии.

Литературы

1. Усманов С. Морфологическая структура слова на узбекском языке. Ташкент 2010
2. Усманов С. О морфемическом и функциональном анализе слов // Узбекский язык и литература. 1965,1.
3. Усманов С. Морфологическая структура слова в современном // // Научные статьи ЦПИ в Уставе, том 42, кн. I. - Ташкент, 1963.
4. Усманов С. Руководство по слову и его морфологическому строению Ташкент, 1957., 43
5. Севортян Е.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке - М

Тиллаева М., доцент
(Ўзбекистон)

ТУРКИЙ СОЛНОМАЛАР ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ТАДҚИҚИДА ШАКЛДОШЛИККА ЭЪТИБОР ЎРНИ

Туркий тилларда битилган солномаларни ўқиш, табдил ва таржима қилиш ҳамда илмий муомалага киритиш жараёнида ушбу асарлар лексикасидаги сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, жумладан, шаклдош сўзлар хусусида етарли билимга эга бўлиш лозим. Бундан ташқари, шаклдошлик синтактик бирликлар ўртасида ҳам бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Чунки булар қўлёзма матнида баён қилинган воқеликни, шу билан унинг бадиий қимматини, мумтоз тарихнависликнинг ўзига хосликларини тўла англашда катта аҳамиятга эга. Биз бу масалага Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809 – 1874) тарихий асарлари қўлёзмалари мисолида диққат қаратдик.

Эски ўзбек тилида ижод қилиб юксак бадиий қимматли девон тузган истеъдодли шоир Хива хонлари тарихи акс этган бешта йирик тарихий-адабий асар муаллифи ва турли давр муаллифлари томонидан форс тилида битилган бешта тарихий асар таржимони ҳамдир. Жаҳон туркологиясида унинг тарихий асарлари, хусусан, тарихий асарлари қўлёзмаларига оид йирик илмий ишлар мавжуд.

Туркий тарихий асарлар – солномалар лексикасини ўз даври, воқеа баён қилинаётган давлат ёки давлатлар сиёсий тузуми, шунингдек, муаллифининг хос услуги кабиларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва англаш зарурдир. Жумладан, Огаҳий етук шоир ва таржимон бўлгани боис ўзининг тарихий асарларига фақатгина тарихий воқеликни баён қилувчи солнома эмас, адабий асар сифатида ҳам қараган. Шу маънода ёзган асарларининг таъсирчанлиги, халқ руҳига яқинлигини ошириш мақсадида айрим сўзларнинг муқобили ёки асар матни орасидаги шеърий мисраларнинг бадиияти нуқтаи назаридан маънодошлари, шаклдошларини ҳам ўринли қўллаган. Демак, уларни таҳлил ва тадқиқ этишда, хусусан, қўлёзмалари тадқиқида мана шу ҳолатларни эътиборга олмақ лозим.

Хива хонлиги солномалари, хусусан, Огаҳий тарихий асарлари юзасидан ўзбек олимлари томонидан йирик тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай, масалага филологик, матншунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан умумий ёндашилган ишлар деярли мавжуд эмас. Масалага А.Ўрозбоев лексик ресурсларнинг лингвоэстетик жиҳати томонидан эътибор қаратган. [А.Ўрозбоев, 2018: 185 – 207]

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги сўзларни тасниф қилишда диахрон аспектда, яъни Огаҳий тилининг оригинал имлоси нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Бизнингча, бунда Л.В.Малоховский таснифига асосланиб М.Рустамий таклиф қилган усулдан фойдаланиш маъкулдир. [Rustamiy Muhibbek: 28 – 34]

Муаррих турли генетик мансубликдаги сўзларни ўзбек тили қонуниятлари, поэтик имкониятларига мослай олган. Огаҳий тарихий асарлари лексикасидаги шаклдош сўзларни генетик мансублигига кўра ҳам бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Туркий сўزلаро омонимия: *bâr* (мавжуд) – *bâr* (фёъл).
2. Туркий ва эроний сўзлар ўртасидаги омонимия: *bâr* (мавжуд) – *bâr* (юк).
3. Туркий ва арабча сўзлар ўртасидаги шаклдошлик: *ashiq* (шу шаклдаги сифат ва фёъл) – *âshiq*.
4. Эроний сўزلаро шаклдошлик: *bâz* (яна) – *bâz* (бургут).
5. Арабча сўزلаро шаклдошлик: *âlâqâ* (муносабат) – *âlâqâ* (салла).

Туркий матнларда шаклдошликнинг юзага келиш омилларидан айримлари қуйидагилардир. а) бирор ҳарфнинг имлода акс этган ҳолда талаффуз этилмаслиги. Масалан, “дастурхон” маъносидаги “*khân*” خان да “вов” و ҳарфи ёзилса ҳам, ўқилмайди. Бунда форс орфографиясидаги “хв” ҳарф бирикмасидан кейин келган “вов” талаффуз қилинмаслиги қоидасига асосланилади. Натижада ижтимоий-сиёсий термин “*khân*” خان билан омонимлик (омофонлик) касб этади; б) араб алифбосида айрим ундошлар учун икки, уч ёки тўрт ҳарфнинг мавжудлиги. Бу ҳарфлар (масалан, “*ce*” ث, “*to*” ط, “*cod*” ص, “*zod*” ض, “*ayn*” ع) ифода этган товушлар араб тилида бошқа-бошқа фонемалар бўлса ҳам, ўзбек тилида уларнинг талаффузи фарқланмайди. Дейлик, араб тилида тил олди, портловчи, жарангсиз “т”ни “те” ифода этса, эмфатик “т”ни “то” ҳарф ифодалайди. Ўзбек тилига эса ҳар иккала ҳарф воситасида акс этган ундош тил олди, портловчи, жарангсиз “т” сифатида қабул қилинган. Бундай ҳолат араб имлосига асосланилган эски ўзбек ёзувида 1924 йилдаги ислохотга қадар араб ва форсий ўзлашмалар имлосида тарихий-анъанавий тамойилга тўла риоя қилиш натижасида юзага келган.

Эски ўзбек тилида битилган қўлёзмалар хусусиятларини эътиборга олсак, қўлёзма ва хат турларига боғлиқ равишда юзага келган, аслида, нуқталарининг сони билан фарқланса ҳам, бир хил ёзилган, табиийки, талаффузда фарқланувчи сўзларни шартли равишда *муваққат омонимлар* термини билан қайд этишни лозим топдик. Кўриниб турибдики, омонимларнинг бу тури

хусусида фақат маълум бир қўлёзманинг хусусиятлари, котибнинг тутган принципини эътиборга олиб сўз юритиш мумкин. Огаҳий тарихий асарларининг айрим қўлёзмаларида қўлланилган *bənd* بند – *pənd* پند; *kəram* كرم – *gərm* گرم каби сўзлар айнан биз назарда тутаётган омонимлар ҳисобланади. Уларни “муваққат омоним” термини билан аташни маъқул топганимиз сабаби эса маълум бир қўлёзмада бир хил шаклда ёзилган, имлоси шаклдошлик касб этган, дейлик, юқоридаги сўзлар бошқа бир котиб қаламида аслига мувофиқ ёзилиши билан имловий шаклдошлик хусусиятини йўқотади. Бу жиҳатга мумтоз поэтикада ҳам эътибор қаратилган бўлиб, омонимлар асосида юзага келадиган тажниснинг бир кўринишини ёзувда нуқталар миқдори билан фарқланувчи сўзлар ҳосил қилади. [Husseini Atoullah, 1981.: 48] Масалан, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асаридаги ушбу байт биз назарда тутган тажниснинг гўзал намунаси бўла олади:

Bu dedi: “Kerək qulâğigə *pənd*”,

Ul dedi: “Kerək əyâğigə *bənd*”. [Alisher Navai, 1992: 108]

Бу каби луғавий бирликлар мумтоз поэтикада *тажниси муҳарраф* – ҳарфий тажнис ҳосил қилади. Бунда жумлада қўлланилган сўзлар асос ҳарфлар эътибори билан шаклдош бўлиб, ҳаракатлар ва нуқталар миқдори каби жиҳатдан фарқланади. Масалан, *usrət* عسرت (қийинчилик) ва *ishrət* عشرت сўзлари ҳаракатлари ва нуқталар миқдори билан фарқ қилиб, асос ҳарфлари бир бир хил: “Məsrət qānuniniḡ əvtāri həsrət zəxməsədin uzulub, *ishrət* shāhidiniḡ suvrəti *usrət* kisvətidə pinhān bōldi”. [Riyaz al-dawla, manuscript. 247⁶] Маъноси: “Шодлик қонуни (муסיқа асбоби)нинг торлари ғам зарбаси сабаб узилиб, ишрат гўзалининг сурати усрат (ғамгинлик) либосида яширинди”. Эътибор қаратсак, ушбу парчада бундан ташқари бир неча бадий санъат намунаси мавжуд. Жумладаги *məsrət*, *həsrət*, *ishrət*, *suvrət*, *usrət*, *kisvət* сўзлари қофиядошлиги ички оҳангдошликни таъминлаган бўлса, *qānun*, *əvtâr*, *ishrət* сўзлари муסיқа терминлари сифатида; *həsrət*, *zəxmə* тиббиёт атамалари сифатида таносубни, *suvrət*, *kisvət* зидлиги эса тазодни ҳосил қилмоқда.

Яна бир мисол: Огаҳий тарихий асарларида *арз* шаклида учта шаклдош сўз қўлланилган бўлиб, ҳар учаласи ҳам араб тилидан ўзлашган.

АРЗ I عَرْضُ – изҳор, баён, мурожаат, истак. Шу асосида “арз қилмоқ” қўшма феъли *баён қилмоқ*, *мурожаат қилмоқ*, *ўз истагини баён айламоқ* каби маъноларни англатади: “fəqiri mələləttəxmīr Muhəmməd Rizā mirāb əl-mutəxəllis bi-l-Āgəhiy ibn Erniyāzbek,.. mundāq *ərz qilurkim*,... [JVS, manuscript. 6^b] Маъноси: “гуноҳларга ботган Огаҳий тахаллусли Муҳаммад Ризо мироб Эниёзбекнинг ўғли бундай арз қиладики,..” Мазкур феълнинг қайд этилган маъноси ҳозирги ўзбек адабий тилида нофаол бўлиб, айрим эвфемик мурожаатлардагина ишлатилади. Бу феълнинг Огаҳий лексофондида ҳозирги адабий тилимизда фаол “шикоят қилмоқ” маъносида ҳам кенг ишлатилгани кўзга ташланади: “*iztirār və zārliḡ bilə ərz qildikim*...” [JVS, manuscript. 175^a]. Маъноси: “хокисорлик ва зорланиш билан арз қилдики,..”

Хулоса қилиб айтганда, тарихий асарлардаги омонимлар тадқиқи асарда баён қилинган тарихий воқеликни тўғри англаш, тарихий асарларнинг бадиийлигини тўғри тушуниш, унда омонимларга боғлиқ тажнис, ийҳом каби мумтоз бадиий санъатларнинг қўлланиши орқали лингвопоэтик хусусиятларни ёрқинроқ ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

Alisher Navai, 1990. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-том. Тошкент: Фан. 1990.

Alisher Navai, 1992. Мукамал асарлар тўплами. 9-том. – Тошкент: Фан, 1992.

Borhân-i Qâte', 1997. Shamsuddin Mohammad bin Khlaf Tabrizi. Borhân-i Qâte'. Edited and etymological notes by Mohammad Mu'in. Tehran, Amir-i Kabir. 1997.

Bregel Yuri. 1988. Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbal: History of Khorezm. Ed. by Yu. Bregel. Leiden: Brill, 1988.

Bregel Yuri. 1999. Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbal: History of Khorezm. Translated from Chaghatay and annotated by Yu. Bregel. Leiden, Boston, Koeln: Brill, 1999.

DNW, 1972. Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари луғати. Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Dorj 3. Al-rams. www. mehrarham.com.

EDANW, 1983. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1983.

Husseini Atoullah. 1981. Badoye'u-s-Sanoye'. Translated by Alibek Rustami. Tashkent: Literature and art. 1981.

JVS, manuscript. Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami' al-vaqi'at-i sultani. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. №9786.

Rustamiy Muhibbek. 1994. Рустамий М. Луғавий шаклдошлик ва унинг турларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1994.

Urazboev Abdulla, 2018. The lexis of the historical works of Agahi. Doctoral (DSc) dissertation on philological sciences. Tashkent, 2018.

**Турдибеков М., доцент
(Ўзбекистон)**

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН - ТИЛШУНОС

XVII асрда яшаб ижод қилган Абулғозий Баҳодирхон Хоразм салтанатида ўз сулоласининг шон-у шавкати сақлаш йўлида тинимсиз кураш олиб борган тож соҳиби бўлиши билан бирга шарқ халқлари тарихи, маданияти, тили ва адабиётининг ўткир билимдони, илм-фанга чуқур эътиқод қўйган ўз она тилининг софлиги учун толмас курашчи, нодир меъморий ёдгорликларнинг юзага келишида бевосита ҳомийлик қилган маърифатпарвар давлат арбоби эди. Абулғозий Баҳодирхон номи ижодкор олим сифатида XVII аср маданий ҳаётида алоҳида мавқега ва рутбага эга. У "Шажарайи тарокима", "Шажарайи турк" ва "Манофеул - инсон" (Инсон учун фойдали тадбирлар) каби тарихий-бадиий ҳамда табибликка оид нодир асарлар ёзди. Бу асарлар Абу Рай

ҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. "Шажарайи турк" асарининг ёзилиш сабаблари тўғрисида муаллиф қуйидагиларни ёзади: "Аmmo бизнинг ота ақаларимизнинг бепарволиқи ва Хоразм халқининг бевуфқлиги, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук, ҳеч муносиб киши топмадук, зарур бўлди ва ул сабабдин ўзимиз айтдук". "Шажарайи турк" Абулғозий Баҳодирхон ижодидагина эмас балки, XVI-XVII аср ўзбек маданияти тарихида ҳам алоҳида ўрин тутган мемуар асардир. Зеро бу асарни бир қатор тарихчилар, тилшунослар, адабиётшунослар Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг мемуар асари "Бобурнома" қаторига қўйишлари ҳам бесабаб эмас. Венгриялик шарқшунос олим Херман Вамбери Абулғозийнинг илмий салоҳияти ва юксак истеъдодига баҳо бериб шундай ёзган эди: "Абулғозий Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади. ... Жаҳон унинг "Шажарайи турк" асари учун ундан миннатдор". Абулғозий Баҳодирхоннинг тарихий асарлари XIX асрдан бошлаб рус ва Ғарбий Европа тарихчилари, этнографлари ва тилшуносларининг диққатини жалб этганини бу катта маданий ёдгорликларнинг тарихий-илмий аҳамиятининг жаҳон илм-у фани зукколари томонидан эътироф этилиши деб баҳоламоқ жоиздир. "Шажарайи турк" Қозон шаҳрида 1825-йилда Румянцев, 1854 йилда Саблуков, 1871 йилда эса Демизон томонидан нашр этилган. Демизон бу асарни 1871-1874 йиллар орасида француз тилига таржима қилади. Асарнинг бу таржимаси орқали Абулғозийнинг номи фақат Франциядагина эмас, балки Англия ва Америка халқлари ўртасида ҳам танилишига омил бўлади. Абулғозийхон нафақат адиб ва тарихчи, балки етук тилшунос ҳам бўлган. У араб, форс, хитой, мўғул, эрон тилларини яхши билган. "Шажарайи турк" асарида Абулғозийхон топонимлар, антропонимлар, гидронимлар, этнонимлар этимологияси ҳақида сўз юритиб, уларнинг турли тиллардаги номланишини ҳам қайд этади. Абулғози Баҳодирхоннинг тилшунос олим сифатидаги фаолияти ҳақида айрим илмий ишлар ва кузатишлар олиб борилган. Мақола муаллифи томонидан "Шажарайи турк ономастикаси" номли диссертация ҳимоя қилинган. Қ. Каримов томонидан езилган "Абулғозийнинг тилга оид баъзи қайдлари" номли мақола ҳам шулар жумласидандир. Абулғозихон бир неча жой номлари, шахслар ва уларнинг лақаблари, мансаб ва унвон номлари, уруғлар ва халқлар номлари ҳамда айрим ҳодисалар номлари тарихи ҳақида фикр юритар экан, уларнинг номланишига асос бўлган предмет, белги, хусусият ва ҳолатларга асосий эътиборни қаратади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг этимологиясини ёритади. "Шажарайи турк" да бир қатор тарихий ва афсонавий шахслар ҳамда айрим лақаб номлари, қабила ва уруг номлари изоҳланади. Шиш – пайғамбар номи. Асарда бу ном қуйидагича изоҳланади: "Шишнинг маъноси Ҳайбатуллоҳ темак бўлур". Ануш – Шиш пайғамбарнинг ўғли. Бу ном қуйидагича изоҳланади: "Анушнинг маъноси

содик темак бўлур”. Деббоқуйхон – дебнинг маъноси тахтнинг ери, боқуйнинг маъноси эл улуғи темак бўлур. Қипчоқ – қадим турк тилинда ичи қўш ёғочни қипчоқ дерлар экандур. Анинг учун ул оғлон ёғоч ичинда туғилди теб отин Қипчоқ қўйдилар. Бу вақтда ҳам ичи қўш ёғочни қипчоқ дейтурурлар. Арлат – иккинчи ўғли Арлат. Анинг маъноси отанинг севар ўғли темак бўлур. Арлат бир кишининг оти турур. Анинг отаси кўп севар ерди. Анинг учун Арлат тедилар. Барча Арлат ели анинг насли турур. Абулғозихон ўз асарларида сўзлар этимологияси ҳақида баҳс юритар экан уларни мўғул, хитой, турк, араб ва тожик тиллари орқали ўзаро қиёслайди. Абулғозихон нафақат сўзлар этимологиясига, балки воқеа-ҳодиса рўй берган жой ва вақти ҳақида ҳам тўлиқ маълумот беради.

Чурчут теган бир улуг юрт турур. Шахрлари ва кентлари кўп. Хитойнинг Темир қозик тарафинда бўлур хинд ва тожик ани Чин дерлар.

... Каюмарс ўлиб ерди. Хўшангни хануз подшоҳ кўтармай турурлар эрди. Андак вақтни араб мулуку тавоиф дер. Маъноси андак ким ҳар бир тўп элда бир тўра темак бўлур. Абулғозий сой сўзини қуйидагича изоҳлайди: "Оқиб боратурғон улуг сувни туркий тилинда сой дер. Тожик кичигин руд улукин рудхона дер ва араб водий дер. Мўғул муран дер". Дарҳақиқат, сой сўзи ўзбек тилининг янги нашрдаги изоҳли лугатида 1) икки адир ёки тоғ оралигидаги купинча оқар сувлар ҳаракати ва бошқалар натижасида ҳосил бўлган пастлик жой, сув йўли, водий. 2) шундай водийда пастликка доимий ёки мавсумий оқадиган кичик дарё, ариқ, ирмоқ деб изоҳланган бўлса, Тожик тили изоҳли лугатида рутхона 1) дарё, нахр. 2) меҳрожи дарё деб изоҳланади. "Русско – монголский словарь"да река сўзи мурен деб изоҳланади. Таҳлиллардан ҳам кўриниб турибдики, Абулғозий Баҳодирхон бир неча тилларни мукамал билган. Дунёга ўз вазоҳати билан донг таратган, дунёни эгаллашга интилган Чингизхон эса мўғул тилидан бошқа тил билмаган экан. Қуйидаги мисолда бу ҳолни кўришимиз мумкин: "Бир киши бор ерди. Муҳаммад пайғамбарнинг динига мункир эрди. Бир куни Чингизхоннинг ўғли Ўгадай Қоонга келиб айтди ким, бу кеча бир туш кўрдим Чингизхон менга айтди ким, бориб Ўгадайга айтгил, мусулмонларни ўлтурсин. Қоон айтди, бу сўзни Чингизхон ўзи айттиму ва ё тиламоч айттиму? Ул киши айтди. Хоннинг ўзи айтди. Андин сўнг Қоон сўрди ким, сен мўғул тили билурмусан теб. Ул киши билман теди. Қоон айтди, бу кишини ўлтуринг теди. Анинг учун ким сўзни ёлғон айтатурур. Чингизхон мўғул тилидин ўзга тил билмас теди".

Аждодларимиз азиз кишиларига ота сўзини қўшиб айтганлар. Занги ота, Сайид ота каби. Бу ҳол ҳозир ҳам мавжуд. "Шажарайи турк"да мўғул халқида ҳам бу одат борлиги қайд этилган. Турк халқи азиз инсонинг ота тер. Масалан, Наким ота, Сайид ота. Менглик мўғулнинг азиз кишиси эрди. Ани Менглик ижака дер. Ежака мўғул тили турур. Ота темак бўлур. "Шажарайи турк"дан Буюк Хитой девори ҳақида ҳам маълумот олишимиз мумкин. Хитой халқи ўз юртининг тошидин бир баланд девор тортиб, икки узун тенгизга етказиб

эрдилар. Андақ деворни араб сад дер. Хитой халқи унгу дерлар. Ул шаҳрни мўғул Губалиқ дер. Ғу нинг маъноси яхши ва балиқнинг маъноси шаҳр. Абулғозий халқ жонли тилини ва урф-одатларини яхши билар эди. Баъзи урф-одатлар мўғул ва туркий халқларда бир хил эканлигини қуйидаги мисол орқали биламиз: "Кенжа ўғлини мўғул ўтжигин дер. Ўтжигиннинг маъноси ўт эгаси темак бўлур. Анинг учун ўзга ўғлонларни эвлантируб, узата-узата эвда якка кенжа қолур. Тақи отасининг ўчоқининг эгаси бўлур". Бу ҳол ўзбекларда ҳам мавжуд бўлиб айниқса қишлоқларда ҳозир ҳам кенжа ўғилни ўчоқ эгаси, чироқ эгаси деб ота-оналар эъзозлашади. Жўжи мўғулча сўз бўлиб меҳмон деган маънони англатар экан. Ёшлигимизда оналаримиз бўжи келди, жўжи келди деб қўрқитардилар. Ёшимиз улғайгач Жўжи Чингизхоннинг жоҳил ўғли Жўжигани нисбат бериб айтилганлигини билганмиз. Дарҳақиқат, Жўжи қиличидан қон томган жоҳил инсон бўлган. Бўжи эса Жўжигани гапда синонимик вазифани ўтаган. Чингизхон катта ўғли туғилганда уйимизга янги меҳмон келди шунинг учун унинг отини меҳмон (Жўжи) деб қўямиз деган экан. Туркий қавмларда етти отагача билиш қадимдан урф бўлган. Бу ҳол қозоқларда тўлиқ сақланган. "Шажарайи турк"да қайд этилишича, тожикларда ҳам етти авлодгача билиш урф бўлган экан. ... турк халқи айтур етти орқадин бери темурчиман ва ё етти отам шу ерда ўтган. Тожик ҳам шундоқ дер.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғозийхон тўрт оилага мансуб тилларни қиёслаган ва шу асосда Заҳриддин Муҳаммад Бобур томонидан ривожлантирилган қиёсий-тарихий тилшунослик фанини яна бир поғонага кўтаради. Абулғозий Баҳодирхонни ҳам қиёсий-тарихий тилшунослик фани асосчиларидан бири сифатида эътироф этиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Адабиётлар

1. Абулғозий Баҳодирхон "Шажарайи турк" ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди. Инв. Рақами 7668
2. Абулғозий Баҳодирхон "Шажарайи турк". – Тошкент: Чўлпон, 1992 -192-бет
3. Фарҳанги забони тожик. Икки томлик. Издательство «СОВЕТСКАЯ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ» Москва — 1969
4. Руско монголски словарь 1956-йил Likes
5. Вамбери Г.А. История Бухари и Моварауннахра. Т. 1. – М.:Изд. АН СССР, 1964. – 148 бет
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати беш томлик Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2006-2008 йиллар.

Ўразбоев А., доцент
Нарбоева Ш., доцент
(Ўзбекистон)

-БОН ҚЎШИМЧАСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАЪНО ҚИРРАЛАРИ

Ўзбек мумтоз адиблари тилида форс ва тожик тилларидан ўзлашган қўшимчалар миқдори ва шу қўшимчалар орқали ясалмалар ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан кўпчиликти ташкил қилади. Хусусан, *-бон*, *-гар*, *-дор* каби қўшимчаларнинг сермахсуллигини кузатамиз. Мазкур қўшимчаларнинг ҳар бири алоҳида лексик ва морфологик хусусиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, *-бон* بان қўшимчаси ҳозирги форс, тожик, дарий тилларда қуйидаги мазмунларни ифодалайди:

1. Шахснинг касб-кори, машғулоти турини англатади. Масалан, *боғбон*, *дарбон* каби.

2. Мансаб номларини ясайди: *марзбон*, *посбон*.

3. Феълнинг ўтган замон ўзагига қўшилган ҳолда ҳам касб-кор номини ясайди: *дидбон* каби.

4. Нарса-буюм номини ясайди: *соябон* каби (Забони адаби, 1973: 140-141).

Мисол тариқасида Муҳаммад Ризо Огаҳий тарихий асарларидаги ушбу қўшимча ёрдамида ясалган айрим сўзларни таҳлил қилиш орқали унинг янги вазифавий жиҳатларини кўришимиз мумкин. *-бон* қўшимчаси “сақловчи, муҳофаза қилувчи” маъносида “Авесто”да *rapa* шаклида учрайди. Санскрит тилида ҳам худди шу шакл ва маънони англатади. Мазкур қўшимча паҳлавий тилида *rāp* шаклида ишлатилган (БҚ, 1997: 228). Огаҳийнинг тарихий асарларида мазкур қўшимча орқали ясалган қатор сўзлар учрайди.

Марзбон مرزبان сўзи ҳозирги форс тилида қуйидаги маъноларни англатади:

1. Чегарачи; эскирган: чегара истехкоми. 2. Тарихий: марзбон (сосонийлар Эронида чегара вилоят ҳокими); 3. Эскирган: ҳоким, волий (ПРС, 1983: 494). Форс тилида ушбу сўзнинг *марздор* مرزدار шакли ҳам бор. Бу сўзнинг ўзаги бўлган *марз* مرز сўзи “Авесто”да *terezu* шаклида бирор ўлка чегараси деган маънони англатади. Мазкур элементлар арманчадаги *marz*, чот тилидаги *marka* (чегара белгиси), қадимги ирландча *bruig, mruig*, лотинча *margo* (чекка, қирғоқ) сўзлари билан умумий ўзакка эга (БҚ, 1997: 1986).

Марз сўзининг тўртбурчак шаклига келтирилиб, атрофи баланд қилинган экин майдони деган маъноси ҳам бор. Ўзбек тилидаги *марза* худди шу ўзакдан, дейиш мумкин.

Тарихий сўз сифатида *марзбон* қуйидаги маъноларни англатганини кўриш мумкин:

1. Чегарачи, соқчи:

Қилиб тортган чоғда тиғи забон,

Ки қилмай туман тиғлик *марзбон*. (Дадабоев, 2003: 79)

2.Чегара вилоят ҳокими.

Огаҳий тарихий асарларида ҳам мазкур сўзнинг иккинчи маънода қўлланганини кўришимиз мумкин: “Ул жумладин бири улким, Дарагаз кўрғонининг ҳокими олийшони Беклархонким, ул ҳаволининг *марзбонидурур...*” (РД, 5364: 261^б) Парчада зикр этилган Дарагаз кўрғони Сарахс вилоятида бўлиб, Эрон Хуросони билан чегара ҳудудда жойлашган. Машҳур Аллоҳу Акбар чўққисининг шимолий тарафида жойлашган бу ҳудуд ҳозирги кунда ҳам Туркменистон Республикаси ва Эрон ўртасидаги чегарада (ФФ, 5: 523). Хуллас, *марзбон* қадимги Ароҳда вилоят ҳоқимларига берилган унвон. Дастанда чегарага ёндош ўлканинг ҳоқими *марзбон* деб аталган. Ҳозирги тилда *посбон* – чегарачи маъносида ишлатилади. Табарий, Балазурий каби тарихчилар асарларида ҳам *марзбон* сўзи учрайди. Сурёний тилида *marzbano*, *marzabono* тарзида, эски арман манбаларида *marzipan*, *marzvan* шаклида ишлатилган (БҚ, 1997: 352).

Посбон پاسبان сўзи ҳам *пос* ва *-бон* қисмларидан иборат.

Пос پاس сўзи қуйидаги маъноларни англатади: 1. Сақлаш, кўриқлаш. 2. Сутка (кеча-кундуз)нинг саккиздан бир қисми, ҳар бир бўлагини *посий* дейишади. 3. Навбат.

Мазкур сўз “Авесто”да *pâthra*, паҳлавийда *pâs*, қадимги форс тилида *pâsa* шаклида қўлланган (БҚ, 1997: 353). *Пос*нинг дастандаки маъносига асосан эски ўзбек тилида “пос тутмоқ” *сақламоқ*, *қоровулламоқ*, *кўриқламоқ*, *посбон қўймоқ* маъноларини англатади:

Қалъа даврин кечиб *тутар эди пос*,

Кўнглида бийм йўқ, ичинда ҳарос. (“Садди Искандарий”дан).

“Риёз уд-давлат”да *пос*нинг ушбу маъноси асосида *пос тутмоқ* феъли *ҳурмат қилмоқ*, *ҳурмат сақламоқ* маъносини ҳам касб этганини кўраемиз: “...Шаҳзодаи давлатпаноҳ хадиви хуршидкулоҳнинг илтимосин *пос тутуб*, барча тарокима аҳлининг аъёни ва мутеъ ўлғон элларнинг хониға... рухсат берди”. (РД, 263^а)

*Пос*ни кеча-кундузнинг бир бўлаги маъносида Алишер Навоий асарларида ҳам учратиш мумкин:

Урмағайсен *посбонлиғ* лофи кўк кўрғонида,

Воқиф ўлсанг, эй ажал, ҳажрин туни бир *посидин* (Алишер Навоий, 1990: 318).

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “бирпас” бирикмасида “пас” *пос*нинг айна шу вақт бўлаги маъносидан келиб чиққан. Бу сўзнинг *навбат* маъносини ҳам Алишер Навоий асарларида учратиш мумкин:

Ани асарлар эрди *пос* бирла,

Йўлида қум тўшаб олмос бирла (Алишер Навоий, 1993: 153).

Айрим адабий манбаларда *пос* сўзининг ўзи *посбон*, *кўриқчи*, *муҳофиз* маъноларидан ишлатилган.

Огаҳийнинг тарихий асарларида *посбон* сўзининг қуйидаги маъноларда қўлланганини кўрамиз.

1. Қўриқчи, *посбон*: “Марв вилоятининг ҳокими ҳукмрони ва ул вилоят улусининг барча офат ва балиётдин ҳорис ва *посбони* эрди,..” (РД, 5364: 289^б)

2. Қўшма сўзлар таркибида “...билан сақланувчи, ...билан муҳофаза қилинган” маъносида. Бу маънода Огаҳий тарихий асарларида *давлатпосбон*, *малоикпосбон*, *зафарпосбон*, *нусратпосбон*, *ҳавропосбон* каби кўплаб қўшма сўзлар мавжуд.

Давлатпосбон – давлат ҳимоясидаги одам: давлатпосбон туробиға жабҳаандоз ва бу давлатдин муҳобот авжиға тараққийпардоз бўлдилар. (РД, 5364: 271^б)

Малоикпосбон // *малойикпосбон* – фаришталар ҳимоятидаги, фаришталар қўриқловчи шахс, нарса, жой: “...остони *малойикпосбон* жорубкашларин назуроти бисёр ва садақоти бешумор инъоми била дунёдин мустағний қилиб, арк жониби сори мурожаат кўргузди”. (РД, 5364: 255^а)

Нусратпосбон – ғалаба ёр, ғалабанинг ўзи ҳимоя қилувчиси, қўриқчиси бўлган шахс, нарса, жой: “Ва тонгдин бурун остони *нусратпосбон* пешгоҳиға элтти. (ФИ, 1988: 1096)

Ҳавропосбон – ҳавро томонидан қўриқланувчи. “Ҳавро” “хур” сўзининг бирлик шакли бўлиб, “қора кўзли аёл; жаннатда аёл” (King Dehkhoda) деган маънони англади. А.Рустамов ёзишича, “сочи, қоши, киприги қоп-қора, кўзи ҳам тимқора ва катта бўлган оппоқ қиз “ҳавро” деб аталади. Диний эътиқодга кўра жаннат қизлари “ҳавро” кўринишидадир. Бинобарин “хур” сўзи *жаннат қизлари* деган маънода ҳам қўлланади. (Рустамов, 1987: 48). Огаҳийда бу сўз марҳумни улуғлаш, ҳурматлаш вазифасида ишлатилган: “Баъзи воқеъот ва ҳодисот зикриким, ҳазрати соҳибқирони ҳавропосбон сафари мазкурдин қайтиб келиб, доруссалтанайн тахтида ором ва макон тутғандин сўнг зухур оламида жилвагар бўлди”. (РД, 5364: 343^а)

-бон қўшимчаси ўзбек, хусусан, Хоразм шевалари лексикасига мансуб айрим сўзларда ўзининг тарихий варианты *-ман* шаклини сақлаб қолган. Масалан, *сайъсман* – отбоқар. *Сайис* ва *-ман* (*харазман*, *пешман*, *тарашман* сўзларидаги каби) қисмлари бирикувидан ташкил топган.

Харазман сўзига келсак, айрим манбаларда унинг *хараз* қисми *хар* – эшак ва *ос* – тегирмон сўзларидан ташкил топиб, “эшак тегирмон” маъносини англатиши ва бунда Хоразм воҳаси шароитида тегирмон эшак воситасида айлантирилгани сабаб бўлгани қайд қилинган. Бизнингча, *хараз* сўзи вазифасига кўра эмас, қиёслаш тамойилига асосланган бўлиб, унинг таркибидаги *хар* сўзи кўчма маънода катта, улкан маъносини англатади ва *хараз* унга нисбатан кичик тегирмонлар, жумладан, қўлтегирмон – дастос (даст ва ос)дан фарқланган. Катта ҳажм ёки мавқели нарса-ҳодисалар дастлаб дев каби тасаввурдаги мавҳум жонзотлар (*Девқалъа* каби), кейинчалик йирик жуссали

ёки бақувват ҳайвонлар (*эшакари, харсанг* каби), сўнгра юқори мавқели шахслар (*шоҳбайт*)га нисбат берилган.

Сўзнинг биринчи компоненти *хар* сўзининг этимологияси билан танишиш бошқа бир фаразни келтириб чиқаради. Чунки *хар* дастлаб “кулранг” маъносини англатган. Эҳтимол, *хараз* айнан “кулранг тегирмон” (тош назарда тutilган ҳолда) маъносини бериши мумкин. *Ос* сўзининг ўзи ҳам *тош* маъносини англатади. Бу сўз “Авесто”да *asan* шаклида шу маънода ишлатилган. Кейинчалик тегирмон маъносини билдириб, *харос, дастос* (қўл тегирмон), *осёб* (сув тегирмон), *бодос* (шамол тегирмон) сўзлари таркибида мавжуд. Қадимги форс тилида *хара*, ўрта форс тили ва паҳлавий тилларида *хар*, балуж тилида *хар, kхар*, пушту тилида *хар*, парфиян тилида *khor*, арман тилида *хар, хре*, яғноб тилида *хар*, сўғд тилида *хоро* бўлган бу сўз хоразмий тилида ҳам ҳаг шаклига эга бўлган (Абаев, 1989: 177). В.Абаев “кулранг” маъносидаги сўзнинг эшак маъносини олишини француз тилида эшак маъносида *grison*, нидерланд тилида шу маънодаги *grauwije* ҳам аслида айнан *кулранг* маъносини бериши, шунингдек, қадимги ҳинд тилида *кулранг* маъносидаги *kхара* ҳинд тилига ҳаг шаклида ўтгани билан асослайди. В.Абаев бу сўзнинг осетин тилидаги ўсимлик номи *хæægdym* (*Evonymus europæus*) таркибида ҳам борлигини қайд этади. Кўринадики, бу фитоним форс тилидаги буғдой маъносидаги *гандум* билан бир хил таркибга эга.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзбек ва тожик тилларидаги муштарак қўшимчаларнинг компонент таҳлили ҳар иккала тилга оид бой фактик материал бера олади.

Адабиётлар

King Dekhoda – King Dekhoda. Kingroid.co@gmail.com

Абаев, 1989 – Абаев В.И. Историко–этимологический словарь осетинского языка. Том IV. – Л.: Наука, 1989.

Алишер Навоий, 1963 – Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Илмий-танқидий матн. / Тузувчи: Порсо Шамсиев. – Тошкент, 1963..

Алишер Навоий, 1990 – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990.

БҚ – Шамсиддин Муҳаммад бин Халафи Табризий. Бурҳони қотей. Бо эҳтимоми доктор Муҳаммади Муъин. – Техрон: Амири Кабир, 1997.

Дадабоев, 2003 – Дадабоев Х.Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент: Университет, 2003.

Забони адаби, 1973 – Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология, фонетика ва морфология. Қисми 1. – Душанбе: Ирфон, 1973

ПРС – Персидско-русский словарь. Том 2. – М.: Русский язык, 1983.

РД, 5364 – Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёзу-д-давла. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. №5364 // II.

Рустамов, 1987 – Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.

ФИ, 1988 – Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. T.J.Brill. – Leiden–New York–Kobenhavn–Koln, 1988.

ФФ – Муҳаммади Муъин. Фарҳанги форсӣ. – Техрон: Амири Кабир. 1375 х.к.

*Усмонова Х., профессор
(Ўзбекистон)*

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРНИНГ ГАПДАГИ МАҚОМИ

Ўзбек тилшунослигида ҳам, рус тилшунослигида ҳам гапнинг таркибида тобе вазиятда муайян сўроққа жавоб бўлувчи ҳар қандай иккинчи даражали бўлак гап таркибидан бир вақтда ажратилади. Бундай ажратиш кўпчилик учун одатий ҳолга айланди. Масалан: *Оқил киши доно, олийжаноб, ростгўй кишиларга дўст бўлади* жумласи икки бош бўлакка - *киши* (эга) ва *дўст бўлади* (кесим)га ажратилиши билан бирга *кишиларга* (тўлдирувчи) *оқил, доно, олийжаноб, ростгўй* (аниқловчи) сингари иккинчи даражали бўлакларга ҳам ажратилади. Дастлаб, гап таркибидаги бош бўлаклар аниқланади ва ундан сўнг гапнинг иккинчи даражали бўлаклари белгиланади. Иккинчи даражали бўлакларни белгилашда уларнинг гап ёки унинг бир қисмининг бўлаги эканлиги ҳисобга олинмайди.

Баъзи ўзбек тилшунослари ҳам иккинчи даражали бўлакларнинг гапдаги мақоми борасида анъанавий қарашларга танқидий муносабатда бўлдилар. Хусусан, проф. Ш.Раҳматуллаев 1970 йилдаёқ гап бўлакларини, жумладан, иккинчи даражали бўлакларни ажратишда мавжуд қарашларга танқидий нуқтаи назардан қараган эди. Жумладан, у қуйидагиларни ёзади: «...Шуни таъкидлаш керакки, сифатловчига сўроқни сифатланмишдан келиб чиқиб берамиз. Демак, сифатловчининг сўроғи маълум маънода ички сўроқ бўлади. Бирор бўлак вазифасида сифатловчили бирикма келади. Сифатловчига бериладиган сўроқ ана шу бўлак вазифасида келган бирикманинг ички тузилишига доир бўлади.

Юқорида айтилган ички хусусият (тартиб эркинлигини йўқлиги ва ички сўроққа жавоб бўлиши) сифатловчининг синтактик моҳиятини белгилаб қўяди. Сифатловчи бўлак ичидаги бўлак, бўлакнинг бўлаги бўлиб келади.

Сифатловчининг ўзига хос айримликлари борлигидан келиб чиқиб, уни бир вақтлар **учинчи даражали бўлак** деб ҳам юритишган, аммо кейинчалик бу тушунча ва терминдан воз кечилган. Аслида бу термин ҳодисанинг моҳиятини аниқ очиб бермайди. Бизнингча, сифатловчини (кенроқ олсак аниқловчиларнинг барча турларини) гапнинг бўлаги деб эмас, бирикманинг бўлаги деб аташ тўғри [4.19].

Проф. Н.Маҳмудов аниқловчиларни гапнинг конструктив бўлаги ҳисобламагани ҳолда, тўлдирувчи ва ҳолларнинг ҳам гапдаги вазифасини фарқлаш лозимлигини кўрсатади [3.46]. Унинг таъкидлашича, икки ва ундан ортиқ предикат қатнашганда, улардан бири асосий, қолганлари иккинчи даражали ҳолатда бўлади. Лекин ҳар бир предикат, у хоҳ асосий, хоҳ иккинчи даражали бўлсин, муайян объект муносабати билан боғлиқ бўлади. Бу ҳолат, таркибида иккинчи даражали предикатли сифатдош ва равишдош ўрамлар (оборотлар), ҳаракатлар номи ва шарт феълли қурилмалар, шунингдек, предикатив сўзлар (*бор*, *йўқ* сингари сўзлар) билан шаклланган қурилмалар мавжуд бўлган содда гапларда кузатилади. Масалан: ***Унинг дардини енгилатадиган сўзни инсон боласи ҳали ярата олгани йўқ*** (С.Аҳмад) гапида иккинчи даражали предикатли ***унинг дардини енгилатадиган*** сифатдош обороти иштирок этган. Гапда иккита предикат мавжуд бўлиб, улардан бири, яъни ***ярата олгани йўқ*** феъл шакли билан ифодаланган асосий (кесим вазиятида), иккинчиси, яъни ***енгилатадиган*** сифатдаги шакли билан ифодалангани эса иккинчи даражалидир. Асосий предикат (***сўзни***) сўз шакли орқали ифодаланган объект муносабати билан боғлиқ бўлса, иккинчи даражали предикат ***дардини*** сўз шакли орқали ифодаланган воситасиз объект муносабати билан боғлиқ. Аммо бу икки объект предикатларга муносабати жиҳатидан айнан ўхшаш бўлса ҳам, уларни бир-бири билан мутлақо тенглаштириш мантиқан тўғри эмас. Чунки мазкур предикатларнинг ўзи мавқеи жиҳатидан бир-бири билан айнан тенг эмас, яъни бири асосий, иккинчиси эса иккинчи даражалидир. Шунинг учун ҳам мазкур гапнинг синтактик тузилишида иккита айнан бир мақомга эга бўлган воситасиз тўлдирувчи мавжуд, деб қарашнинг ўзи илмий асосга эга эмас.

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, бундай тўлдирувчилар функционалик жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Иккинчи даражали предикатлар вазиятни эгаллайди. Шунга кўра муайян синтактик вазиятдаги бундай қурилмалар гапнинг ёйиқ, бирикмали, кенгайтирилган бўлаклари сифатида баҳоланади [1,2,3].

Равишдош, сифатдош, ҳаракат номли, шарт феълли ўрамларнинг гап таркибида бир бутун ҳолда, бир синтактик вазиятни эгаллаши, бир бўлак деб баҳоланиши, бундай ўрамларнинг ички бўлинишлари бутун гап учун нофункционал, фақат ўрамнинггина ички бўлиниши эканлиги проф. А.Нурмонов томонидан ҳам кўрсатилган эди.

Таркибида бутун гап учун нофункционал бўлаги бўлган синтактик бутунлик учун пропозитив номланиш атамасидан фойдаланишни маъқул кўрдик.

Пропозитив номланиш турли синтактик позицияларда келиши мумкин:

1. Эга позициясида: ***Шамолдан тез учган поездлар ҳам то Шимолга етгунча кетади ҳолдан.*** (Ҳ.Олимжон).

2. Тўлдирувчи позициясида: ***Укамни богчадан олиб келишни буюрди.***

3. Ҳол позициясида: *Шимолга етгунча* кетади ҳолдан.

Юқорида берилган синтактик бирликлар бир бутун ҳолда гап таркибида муайян синтактик позицияда келса, унинг таркибидаги узвлар бутун гапга нисбатан нофункционал саналади. Уларнинг функционаллашуви фақат пропозитив номланиш таркибида пропозицияни ҳосил қилувчи таянчга нисбатан бўлади. Пропозитив номланиш таркибидаги узвларни аниқлаш, уларни семантик ва грамматик таҳлил қилиш ҳамда таснифлаш ишимизнинг бош мақсадидир.

Гапнинг структур схемасини кесим ва унинг «бўш ўринлари» нуқтаи назаридан белгилаш аниқловчи ва изоҳловчиларга мутлақо бошқача ёндашувни талаб қилади. Чунки бу бўлақлар кесимнинг бўш ўринларини тўлдирувчи мустақил бўлақ сифатида кела олмайди, кесимнинг «бўш ўринлари»ни тўлдириб, унга нисбатан муайян синтактик позицияни эгаллайди.

Масалан: *Қип-қизил гулларнинг майин ҳидлари сабо билан тарқалади* гапида ўзаро муносабатда бўлаётган иккита гап бўлаги бўлиб, тарқалади кесимининг «бўш ўрин»ларини тўлдириб, икки синтактик позицияда келади: биринчиси - эга позициясида, иккинчиси - воситали тўлдирувчи позициясида. Эга позициясида келган биринчи синтактик бирликлар аниқловчилар билан кенгайиб, пропозиция ҳосил қилган. Унинг таркибидаги аниқловчи шу бутунликнинг ички бўлинишига мансуб бўлиб, бутун гап тузилиши учун алоқасиздир.

Шунингдек, гапнинг кесими ҳам аниқловчилар билан кенгайиб келиши мумкин.

Масалан: *Сен Саиднинг севган синглиси.*

Англашиладики, аниқловчилар фақат пропозитив номланиш таркибида функцияланиб, кесим, эга, тўлдирувчи, ҳол синтактик позицияларида келаётган бўлақларнинг таркибий қисми саналади. Улар фақат пропозицияни ички узвларга ажратгандагина унинг таркибидан ажралади.

Шундай қилиб, ҳозирги тилшуносликда иккинчи даражали бўлақларнинг ҳаммаси ҳам гап тузилишида бир хил мақомга эга эмаслиги маълум бўлмоқда.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Х. Гап бўлақларининг тузилишига кўра таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. - № 3. – Б. 34.
2. Асқарова М. Бирикмали гап бўлақлари ва унинг эргаш гапларга муносабати // Тилшунослик масалалари. – Тошкент, 1970. – Б. 119-128.
3. Маҳмудов Н. Функционал ва нофункционал тўлдирувчилар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. - №1. – Б. 43-46.
4. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Т., 1970.-Б.19-20.

Усмонова С., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ҚЎҚОН ШАҲРИ ТОПОНИМИЯСИДА ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМАЛАР

Жой номларини ўрганишда топоним учун асос бўлган сўзнинг тарихий-генетик нуқтаи назардан қайси тилга мансублигини аниқлаш ва унинг маъноларини очиқ бериш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, республикамиз географик номлари системасига назар ташласак, уларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар лексикасига оид сўзлардан ташкил топганлигининг гувоҳи бўламиз. Умумтуркий ва ўзбекча сўзлар билан бир қаторда бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар орқали ҳам жой номлари шаклланганлигини кўрамиз.

Маълумки, ҳар бир халқ ўз тараққиёти давомида бошқа халқлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлган. Бундай алоқа уларнинг тилларида ҳам ўз аксини топган. Ўзбек тилининг луғат таркибида ўз сўзларимиздан ташқари, бошқа тиллардан кирган ва ўзлашиб кетган талайгина сўзлар бор. (Охунов, 1988:3).

Топонимларни ўрганиш масаласи борасида профессор Х.Ҳасановнинг қуйидаги фикрлари ўринли: “Жой номларини (топонимияни) тўғри изоҳлаш жуда мушкул иш. Бунинг учун ўзбек тилини (тарихи ва қоидалари билан) пухта билиш ва қўшни тиллардан ҳам хабардор бўлиш керак. Ватанимиз тарихини, қадимда ўтган қабилаларни, аҳолининг хўжалик фаолиятини ва, албатта, ҳар бир жойнинг географик хусусиятларини яхши билиш керак. Ана шундай ҳар томонлама маълумотларни бир-бирига солиштириб, қўшиб, жой номининг тарихини апиқлай оласиз. Ўшанда ҳам айрим номларнинг сирини бутунлай очиқ бўлмаслиги мумкин” (Ҳасанов, 1968: 3-4).

Жой номларини қайси тилга мансублигига кўра: 1. Ўз қатлам сўзларидан ташкил топган. 2. Ўзлашган қатлам сўзларидан ташкил топган топонимларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Қўқон шаҳри топонимияси таркибида ҳам генетик жиҳатдан бошқа тилларга мансуб бўлган сўзлар салмоқли ўринни эгаллаган. Мазкур мақолада форс-тожик тили лексикаси асосида шаклланган топонимлар ҳақида фикр юритилади.

Ўзбеклар билан тожиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган ҳудуднинг жой номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Бинобарин, ўтмишда Қўқон хонлиги даврида бу ерга жойлашган тожикларнинг ўзбеклар билан аралаш яшашлари, яқин алоқадорлик, қуда-андачилик муносабатлар ва бошқа хил сабаблар шаҳар топонимиясида форсча-тожикча номларнинг вужудга келишига замин бўлган.

Қўқон шаҳрида “об”компоненти Обиравон, Обираҳмат топонимлари таркибида иштирок этади.

Обиравон – “об” (ф-т) сув + “равон” (ф-т) бир текис, тўхтовсиз – (ЎТИЛ.1 545-610), сув бир текис оқадиган жой, -и форсий изофа. Сувнинг равон оқадиган қисмини халқ шундай номлаган, кейинчалик бу топонимга айланган.

Обираҳмат – форс-тожикча сўзга арабча “раҳмат” (ЎТИЛ 1. 618)сўзи қўшилишидан ҳосил бўлган ном. Сув келмаган жойга халқ ариқ қазиб, сув келгач, худо берган сув, яъни обираҳмат дея номлаганлар, кейинчалик бу сўз ном сифатида қолган, шаҳарда шу номлар билан аталувчи кўчалар ҳозир ҳам бор.

Хонлик даврида шаҳарда Аспжаллоб, Говжаллоб номли кўчалар бўлган, “асп” форс-тожикча – от, “жаллоб” – арабча “савдогар”, яъни “от билан савдотик қилувчи савдогар” маъносини англатади. Номшунос олим Н.Охуновнинг маълумотларига кўра Қўқон шаҳрига ёндош Ўзбекистон тумани ҳудудидаги Ўртақишлоқнинг аввалги, эски номи Аспжаллоб деб аталган. Қўқон ўлкашунослик музейи илмий ходими Яҳёхон Дадабоев “Ном муайян бир аспжаллобга даҳлдордир. Унинг номини шу депарага оид ер-мулк ва қозилик ҳужжатларидан қидиришга тўғри келди. Бир “баййи-бот” деб аталадиган олди-соттига оид ҳужжатда сотиладиган ҳовлининг жуғрофий ўрни тасвирида унинг кунюрар томони (жануб томони) аспжаллоб Мирҳомид синчи Мирёқуб ўғли ҳовлисига туташ эканлиги таъкидланади. Бу одамнинг исми ва касби нима учун маҳаллага ном бўлиб қолганлигини аниқлаш имкони бўлмади. Истиқлол йилларида тарихий ном тикланди” (Дадабоев, 2004: 90-91). Демак, юқорида номлари зикр этилган олимлар иккита алоҳида жой номи ҳақида фикр юритишган.

Манбаларда Қўқонга энг яқин жойлашган ҳозирги Данғара тумани ҳудудида Говжаллоб қишлоғи бўлганлиги қайд этилган. Говжаллоб – “қорамол савдоси билан шуғулланувчи олибсотар” маъносидадир (Охунов, 1994:6-7)). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да “гов” (ф-т) – “катта, улкан” маъносида берилган (ЎТИЛ.1, 1981:192). Қадимда от ва қорамол савдоси билан шуғулланган савдогарлар яшаган кўча шундай номланган.

Қўқон шаҳри жой номлари таркибида форс-тожикча –он кўплик қўшимчаси кўп учрайди. Бу қўшимча нафақат тожикча, балки ўзбекча сўзлар (Ўзбекон, Элатон каби)га ҳам қўшилганини кузатамиз.

Топонимлар таркибида асос ҳам қўшимча ҳам форс-тожикча бўлган номлар кўп. Боён -“бой-он”- бойлар - мулкдор кишилар. (ЎТИЛ.1.1981:125). Боғбонон – “боғбон+он” – боғбонлар (мевали боғ билан шуғулланувчилар. (ЎТИЛ.1.1981:141). Дехқонон – “деҳқон+он” – деҳқонлар (ерга ишлов бериб, экин билан шуғулланувчилар. (ЎТИЛ.1.1981:222.). Боғбонон ва Дехқонон истиқлол йилларида қайта тикланган.

Тожикча топонимларнинг маълум бир қисми касб-ҳунарни ифодаловчи сўзлар билан аталган.

Бахмалбоф. Бахмал – ипакдан тўқилган қалин, момикли пухта мато – бофтан тўқиш дегани. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тожикча бахмал сўзи

араб тилига мухмал бўлиб ўтганлиги кўрсатилади (ЎТИЛ.1.1981:85). Хунармандлар “Сидирға”, “От туёқ”, “Нимбахмал”, “Чий бахмал” ва бошқа тур бахмал тўқиганлар. Шўролар даврида фақат Бахмалбоф ва Дегрезлик кўчалари номи расман сақланган.

Дасторбоф. Дастор – салла демакдир (ЎТИЛ.1.1981:214). Салла учун ҳар қандай мато тўғри келавермайди, шунинг учун докага ўхшаш алоҳида майин, юпқа, ихчам мато ихтиро этганлар, буни тўқувчи усталар дасторбоф деб аталган.

Хосабоф. Хоса – ипак, майин юнг, зар ва кумуш тола кўшиб тўқиладиган ҳукмдорлар, юқори матрабали мансабдорлар, бойларга хос матоҳ. Ўтмишда маҳалла уч таркибий қисм: Хосабофи боло, Хосабофи миён, Хосабофи поёндан иборат бўлган. Истиқлол йилларида Хосабофи поён номи тикланган.

Читгарон - пахта толасидан тўқилган чит матосига гул босувчилар яшаган маҳалла, кўча номи. (ЎТИЛ. 2.1981: 373).

Мисгарлик - мис буюмлар яшаш ва уларни тузатиш билан шуғулланувчи хунарманд. (ЎТИЛ.1.1981:467).

Дегрезлик - “дег” – қозон, рехтан (рез) - куйиш демакдир. Дегрезлар чўяндан қозон, омоч тиши, манқалдон, панжара қолип каби кўплаб уй-рўзғор ва ишлаб чиқариш учун зарурий бумларни куйганлар.

Сўзанадўз – хонлик даврида катта ҳажмли матога нақш, гул солиб безатадиган усталар истиқомат қилган кўча номи. Бу касб билан нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам шуғулланганлар.

Конигил. Гил – тупроқнинг бир тури. Кўқон худудида соз тупроқ (лёсс) йўқлигидан, кўқонлик кулоллар гилдан фойдаланганлар ва шу жой гил кони маъносида Конигил дея номланган.

Кўқон хонлиги даврида ҳарбий атама, унвон, мансаб номи билан боғлиқ номлар ҳам талайгина.

Сарбоз – хон кўшинидаги оддий аскар. Худоёрхон ўрдасининг жанубий тарафида сарбозлар яшайдиган кўрғон қурилиб, “Сарбозхона” деб аталган. Кейинчалик Сарбоз номи сақланиб қолган.

Сарбонон. Сарбон - туя етакловчи маъносини билдирсада, карвонларни ташкил этувчи, карвонни улов билан таъминловчи кишилар ҳам сарбон деб аталганлар. Хонлик даврида Шоҳроҳ (бош, асосий) кўчасига яқин жойлашган, ном Сарбон кўринишида тикланган.

Яксувор. Яксувор – жанг бошланиши олдида яккама-якка жангга кирувчи, ҳар қандай қуролни ишлата оладиган, махсус кураш сирларини билладиган жангчилар демакдир. Улар жуда катта имтиёзга эга бўлганлар (Дадабоев, 2007:10).

Шаҳсувор. Шаҳсувор дастаси хонни кўриқлайдиган махсус отлик қисм бўлиб, хон ўрдадан ташқарига чиққанда, сафарда, овда, жангда унинг атрофини қуршаб юрар, ўз жонидан кечиб бўлсада, хон ҳаётини асрашга бурчли бўлганлар (Дадабоев, 2007:10). Бу даста хонлик тугатилгач, тарқатиб юборил

ган, лекин у жойлашган ерлар Шахсувор деб номланиб кетган. Ҳозирда бу ном қайта тикланган.

Боғинав, Чорчаман, Чорчинор ва бошқа тожик тилидан ўзлашган жой номларининг мавжуд эканлиги қадимдан ўзбек-тожик халқларининг бир-бирлари билан жуда яқин алоқада бўлганлигидан далолатдир.

Адабиётлар

1. Муҳаммад Яҳёхон Дадабоев. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – “Фарғона” нашриёти, 2004.
2. Н.Охунов. Тил ва жой номлари. - Т.: Ўзбекистон, 1988.
3. Н.Охунов. Жой намлари таъбири. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
4. Ҳ.Ҳасанов. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент. “Фан” 1965.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. Москва. 1981.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. Москва. 1981.

Улуқов Н., профессори
(Ўзбекистон)

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “МЕХРОБДАН ЧАЁН” РОМАНИДА ҚЎЛЛАНГАН МАҚОЛЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ВА УСЛУБИЙ ТАҲЛИЛИ

Рус ёзувчиси Николай Михайлович Карамзиннинг “Сўзлар – асрга, фикрлар эса асрларга татийди” деган ҳикматли сўзлари гўё мақоллар ҳақида айтилгандай. Ўзбек халқида “Сўз сараси – мақол”, “Сўз кўрки – мақол” каби пурмаъно мақоллар қўлланади. Албатта, бу фикрларда асос ва ҳақиқат бор. Ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибалари маҳсули бўлган мақол ва маталлари – нутқ кўрки, безаги.

Ғ.Саломов мақоллар ҳақида фикр юритар экан, “Халқ мақоли – халқнинг мулкидир. Мақол қайғуси – халқ қайғуси, мақол ғзаби – халқ ғзаби, мақол кулгуси – халқ кулгуси ва мақол кинояси – халқ кинояси демакдир”, – деб ёзади [Саломов, 1961: 7].

Абдулла Қодирийнинг бошқа асарлари қатори “Меҳробдан чаён” романининг бадиияти, ифода услубида мақол ва маталлар алоҳида ўрин тутди.

Бадий асарда қўлланган мақол ва маталлар, аввало, фикрнинг образлили, бадий, таъсирчан, халқона тарзда сиқик, лўнда ифодалашга хизмат қилади. Масалан, Солиҳ махдумнинг Нигорхонимга уйланиши, синглиси Наимахонимнинг келин олинган уйга узатилиши можоролари баёнини мақол воситасида қуйидагича халқона тасвирлайди: *“Ҳай этти, хуй этти, икки коски тўй этти”* деганларидек ҳар икки тўй ҳам бир ҳафта ичида ўтти... [Қодирий, 2015: 13].

Романнинг “Махдумнинг баъзи хислатлари” фаслида Солиҳ махдумнинг характери, хусусан, хасислиги, кийиниши бадий тасвирини чизаркан, фикрини пурмаъно мақол билан бошлайди: *Ойни этак билан яшириб бўлмайди.*

Махдумнинг хасисликка ўхшаш ҳолатлари албатта бор эди [Қодирий, 2015: 14].

Бу ўринда қўлланган *“Ойни этак билан яшириб бўлмайдир”* мақоли кейинги ўринларда Солиҳ махдумнинг кийиниш бобида хасислиги, зикналиги тасвирининг муқоясаси, лўнда ифодаси, ўз навбатида, худди шундай салбий тавсифлашга иймангани ва истиҳоласини ифодалаш билан мукаммал услубий вазифа бажарган.

Асарнинг *“Оила ва кишилар билан муомала”* фаслида эса адиб мактабда болалардан унга ё бунга *“солиқ солиниши”* ҳолатлари ҳаддан зиёд ортикчалигини халқона матал билан ўзига хос образли тасвирланган: *Панжшанбалик бўлса мактабнинг асос ҳаққи ва булардан бошқа “Қулёга қўймоқ – Аммага бўғирсоқ – Ёсинга юпқа”* деган гаплар ҳам бўлар эди [Қодирий, 2015: 17].

Адиб Солиҳ махдумнигина эмас бошқа тимсоллар тасвирида ҳам халқ мақол ва маталларидан юксак маҳорат билан фойдаланган. Ёзувчи *“Нигорхоним”* фаслида унинг аввал фақир, бойигандан сўнг ўта хасис, зикна эр билан яшашдаги чидами, сабри тавсифини ҳам ирония билан суғорилган мақол билан ифодалайди: *“Хотин кишининг боши уй ичининг оғир тоши”* эмиш... [Қодирий, 2015: 19].

Солиҳ махдумга хос мол-дунёга ўчлик, виждонсизлик иллатларини фаслдан-фаслга унинг нутқида қўлланган мақоллар воситасида фош этиб боради: *“Чунончи, ушбунинг мисоли туркийда ҳам бор: “Чумчуқдан кўрқиб, тариқ экмаган”, деб кўрқоқ кишиларни масхара қиладирлар. Шунга ўхшаш сен ҳам чумчуқдан кўрқиб, тариқ экмагувчилар хилидан бўлсанг... мен янглишиб юрган эканман-да, болам!”* [Қодирий, 2015: 41].

Ёки:

– *Ҳабба, – деди махдум тамом очилган қиёфатда, гўдаклик лозим эмас, жабонат кўб мазмум суфат, “Осилсанг ҳам баланд дорға осил”* мақоли кўб пурҳикмат сўз [Қодирий, 2015: 44].

Солиҳ махдум нутқида қўлланган *“Куфрони неъмат, нон тепкулик”* мақолида ҳам унинг характер қирралари очилиб борган.

Адиб махдумга хос хасислик унга тугал сингиб кетганлигини ва ҳатто, бойиса-да, бу давом этишига ҳам матал воситасида тавсиф беради: *“Лекин махдум шунчалик даромад билан ҳам эски табиатини бир зарра ўзгартмас, ҳамон эски тос, эски ҳаммом: ҳар кун суюқ ош, Худо ёрлақазан кун озодлиқнинг палови...”* [Қодирий, 2015: 59].

Солиҳ махдумга хос салбий камбағалроқ кишиларни кўра олмаслик, ичи қоралик унинг ўйларини ифодаланган куйидаги паремияларда ёрқин ифодаланган: *“Анварнинг бирарта камбағал билан “эзилишиб” ўлтурганини кўрса, ичидан аччиғланиб “куллушайъин яржиъу ило аслиҳи...”* **паст ҳамиша пастлигини қиладир... Сут билан кирган – жон билан чиқар,** мақоли кўб

тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четка кетар эди [Қодирий, 2015: 99].

“Янги ҳунар” тарзида ирония билан номланган фаслда адиб Солиҳ махдумнинг Анварга арзга келганлардан нимадир ундиришга ҳаракати тасвирида унинг нутқида яна бир мақолни қўллаш билан унга хос “янги ҳунари”ни янада киноялироқ, салбийроқ, ҳаётийроқ ифодалашга эришади:

“Ҳатто баъзи вақт икки оғиз сўз билан қайтиб чиққан кишидан ҳам бир нарса ундиришга тиришар, мишиқ офтобга текин чиқмайдир, сиздан ақча сўрашқа ийманган-да, менга бир нарса ташлаб кетсангиз, ўзим унга бериб қўярман” [Қодирий, 2015: 149-150].

Адиб бир неча ўринларда мақоллар воситасида Солиҳ махдумнинг ўзининг салбий характеридан қувонишини, айрим ўринларда уларни яширишга уринишини ҳам ўзига хос тарзда ёритишга эришган: *“Кишиларни жўнатиб хотиржам бўлгач, жарақ-жарақ ақча билан ичкарига кириб кетар, ичкарида бу кунги “даромад”ни санаб, бир пулни беш пулдан, тангани чақадан ажратиб, “ҳе, гап билгунча иш бил, бачча талоқ”, деб ўзича кулар эди* [Қодирий, 2015: 150].

Ёки:

– Сенга бир сўз тегмасин, қизим, – деди кулиб махдум. – Ошни суст еган киши, ишда ҳам суст бўладир [Қодирий, 2015: 158].

Асардаги Абдурахмон домла, Худоёрхон каби салбий қаҳрамонлар нутқида қўлланган халқ мақол ва маталлар ҳам муҳим услубий вазифа бажариб, тимсолларнинг характерини, салбий, ижобий қирраларини ёрқин чизишга хизмат қилган ҳамда ёзувчи услубининг халқчиллигини, ўзига хослигини таъминлаган.

Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён” романининг мавзуси тўғрисида сўз юритар экан, “Албатта, мен сўнгги марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар ўз ҳолича олишқа тиришдим. Уларнинг хон ва уламога қарши исёни табиий – шаърийдир. Чунки ундан ортиғи сохта бўлиши устига китобнинг кадрили тушуради эди. Шу икки синф курашини тасвир қилиш воситасида хон ҳарамлари, хотинлари, қирқ қизлар, тарихий ва этнографиявий лавҳалар, ўзбек ҳаёти, қизиқчилиғи, танқидчилиғи, ўзбек хотин-қизлари орасидаги истеъдод, шоирлар, азкиячилик ва бошқа яна кўб нуқталарни камраб олинди”, – деб ёзади [Қодирий, 2015: 5].

Адиб асарда Абдурахмон домла бошлиқ Шаҳодат муфти, Калоншоҳ каби қора гуруҳлар, жирканч ниятли амалдорлар, дин аҳллари ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун иғво, қабиҳлик билан мачит-мадраса меҳробидан соф кўнгилли кишиларга заҳар сочишини уларнинг нутқида ҳам ёритган.

Адиб услубига хос яна бир хусусият – бадий тимсоллар характерини уларнинг ёки улар атрофидаги бошқа тимсолларнинг нутқ орқали очади. Асардаги Солиҳ махдум, Абдурахмон домла, Худоёрхон каби қаҳрамонлар нутқи фикримизнинг ёрқин далилидир. Уларнинг нутқида қўлланган халқ мақол ва маталлари ҳам муҳим услубий вазифа бажариб, тимсолларнинг

характерини, ўзига хос салбий ижобий қирраларини ифодаланишига хизмат қилган.

Бошқа бир ўринга эътибор қаратамиз: Сафар бўзчи Абдурахмон домланинг мирзоликдан бўшаб қолганини эшитгач:

– *Шунчалик ҳолинг бор экан, думингга қумгон боғлашин нима ҳожат эди, деб куламан. Эгри тўнкага – эгри тўқмоқ; мирзам хўб яхши қилганлар-да* [Қодирий, 2015: 194].

Кўринадикки, содда, ҳақиқатгўй Сафар бўзчи нутқида халқона ибора ва мақоллар воситасида Абдурахмон домлага тўғри баҳо берилади.

Султонали асарнинг бошқа бир ўрнида ўрдадаги муфтиларга қуйидагича баҳо беради:

– *Бор, бор: пул берсангиз ҳаром ўлган эшакнинг ҳалоллигига фатво берадиган муфтилар* [Қодирий, 2015: 195].

Султонали нутқида қўлланган адиб маҳорати билан янгича сайқал топган *ҳаром ўлган эшакнинг ҳалоллигига фатво бермоқ* ибораси ўрдадаги Шаҳодат муфти, Калоншоҳ, Абдурахмон домлаларнинг пулга ўчлигини образли халқона ифодалашга хизмат қилган.

Асарда Абдурахмон домланинг мирзоликдан бўшаб, “сувга тушган нондек” шилқилаб қолганини эшитган Сафар бўзчи ўз мулоҳазасини мақол воситасида қуйидагича ифодалайди: *“Кўрпангга қараб оёғ узат, муллабачча”*. Султонали Абдурахмоннинг ишдан бўшатиладиган кейинги аҳволини сўраганда у яна халқона ибора, мақоллар билан жавоб беради: *“думингга қумгон боғлашининг нима ҳожса эди, деб куламан. Эгри тўнкага – эгри тўқмоқ”*, деб жавоб беради.

Сафар бўзчи нутқида қўлланган барқарор бирикмалар унинг Абдурахмон домлага нисбатан кўрилган чорадан хурсандлигини, халқнинг, оддий меҳнат аҳлининг Абдурахмон каби ёвузларга бўлган нафратини образли, таъсирчан, халқона ифодалаш вазифасини бажарган. Бу ҳам, албатта, Абдулла Қодирийга хос юксак маҳорат маҳсулидир.

“Меҳробдан чаён”да Анварнинг сарой хизматида ўтиши, мирзабошилиқ даражасигача боришини кўрсатиш воситасида муаллиф китобхонни Худоёрхон ўрдасининг ички муҳити билан таништиради, хон ҳарами, хоним ойимлар, қирқ қизлар, қизиқлар билан, сарой мирзолари ҳаёти билан ошно қилади – умуман феодал хонлик тузумининг ич-ичидан емирилиб келаётганлигига эътибор беради. Гарчи хон ва сарой ҳаётининг ташқи кўринишда серҳашамат, ёзувчи таъбири билан айтганда, “ялтирасин” қабилида иш кўрилган бўлса ҳам, лекин ички томондан қараганда, яъни моҳиятда унинг чириб келаётганлиги, “ялтирасин” эмас, балки “қалтирасин” бўлаётгани диққатни жалб этади. Худоёрнинг *“ялтирасин шаъну шавкат”* ишларини ёзувчи халқнинг *“Ўчадиган чироз ёниб ўчади”* деган ажойиб мақоли билан образли ифодалайди [Мирзаев, 1975: 50-51].

Асар халқ мақоллари билан безак ва сайқал топган десак янглишмаймиз.

Саҳифадан-саҳифага ўтар экансиз, воқеалар баёнига, бадий тимсоллар характериға мос мақоллар қўлланганини кузатасиз.

Адабиётлар

1. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Шарқ, 2015. – 288 б.
2. Абдулла Қодирий. Рўмоннинг мавзуси тўғрисида // Меҳробдан чаён. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б.5.
3. Мирзаев И. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.50-51.
4. Саломов Ғ. Мақол ва идемалар таржимаси. – Тошкент, 1961. – Б.

Усманова М., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ГУЛ НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қандай миллатнинг тили узоқ давом этган тарихий воқеалар, халқнинг яшаш тарзи ва урф-одатлари негизида шаклланади. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: *«Жамики эзу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир. Она тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»*. (Каримов И. А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 59-б.)

Жамиятда содир бўлган ҳар қандай ўзгариш ёки янгилик тилда, унинг сўз бойлигида ўз ифодасини топади. Шу сабабли илмий тадқиқотларда тил тарихий тараққиётининг турли босқичларида юз берган воқеликларни ҳисобга олиш, уларнинг тилнинг шаклланиши ва ривожига муҳим ўрнини белгилаш муҳим, чунки “халқ тарихи - тил тарихи, тил тарихи эса халқ тарихидир”. (Жуковский П.М. Культурные растения и их сородичи, изд. 2. Л., 1965, с.5.)

Мустақилликдан сўнг аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан ва бебаҳо маданий-маънавий меросни тиклаш, уни ўрганиш ва халқга етказиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Навоий асарларининг луғат бойлиги деб аталувчи лексик тизимнинг моҳиятини, сўзларнинг қўлланиш доирасини, ҳажми ва чегарасини белгилаш ўзбек тилшунослик фани учун долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир сўз ва терминлар махсус ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабий тили тарихининг тўлиқ шаклланиш даври ҳисобланган Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ мукамал, умумлаштирилган лексикологик тадқиқотлар кўп эмас.

Навоий асарлари тили лексик бойлигининг маълум қисмини ўсимликлар дунёсини акс эттирган сўзлар ташкил қилади.

Алишер Навоий асарлари тилидаги ўсимлик номлари тўпланиб, улар генеологик, лексик - семантик ва семантик-услубий йўналишларда тадқиқ этилди, таркибида ўсимлик ва дарахт номлари бўлган қўшма сўзлар, сўз бирикмаларининг ҳам семантик-услубий жиҳатлари, бадииятдаги ўрни таҳлил

қилдик. Бу долзарб масаланинг ижобий ҳал этилиши Навоий асарлари лексик бойлиги ҳақидаги илмий, назарий билимларни тўлдиради, ўзбек тили лексикаси тараққиёт йўлини тўғри белгилашда улуш бўлиб қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2020 йил 21 октябрдаги ПФ – 5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий мақоламиз натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Ўсимлик номлари ҳар бир халқ тилида маълум қатламни ташкил қилади. Ўсимлик номларида шу халқ яшаб келган тарихий-географик ҳудудга ва иқлимга мос келувчи наботот олами кўлами ҳам намоён бўлади.

Алишер Навоий асарлари тилидаги бир мавзуй гуруҳ сўзлари - фитонимларни ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш сўз қўллаш тарихини мукамалроқ ёритишга, сўзларнинг тарихий-этимологик қиёфасини аниқлашга, сўзларнинг диахроник ўзгаришлари ва синхрон ҳолатдаги шаклини баҳолашга, ўрганилаётган тилга қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг лексика жиҳатидан таъсирини баҳолашга, сўзларнинг лексик-семантик, семантик-услубий хусусиятларини кенгроқ ёритишга имконият беради.

Фитонимлар лисоний ва ботаник бирлик сифатида селекция, нав ва унинг хилини, қандай ўсимлик (сабзаёт, полиз, резавор, донли экинларни, мевали ва манзарали дарахтлар)ни ифодалаш, пишиш вақти ва бошқа табиий белги-хусусиятларига кўра таснифланади.

Навоий асарларидаги фитонимларнинг семантик майдонини табиий бўлинишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Гул номларини ифодаловчи фитонимлар.

II. Мевали ва мевасиз дарахтларни ифодаловчи фитонимлар.

III. Маданий экинлар ва ёввойи ўсимликларни ифодаловчи фитонимлар.

IV. Сабзаёт ва полиз экинларини ифодаловчи фитонимлар

Маълумки, бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, ўсимлик номида шу ўсимликнинг «тупи» тушунчаси ҳам, «меваси» тушунчаси ҳам, «гули» тушунчаси ҳам ифодаланади. Унинг «тупи», ёки «меваси», ёки «гули» маънода эканлиги нутқий бирликдан (контекстдан) англашилади.

Г.Ҳ. Неъматова тўғри таъкидлаганидек, «Ўзбек тили ўсимлик номлари лексемаларининг маъновий қиймати «ўсимлик», «ҳосил», «маҳсулот» каби асосий семаларни ўз ичига олади ва нутқда шароит, қуришов сўзлари таъсири

остида бу маънолардан бирини воқеалантиради». (Нейматова Г. Х. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланиши. Филол. фан. номз... дис. автореф. - Тошкент, 1998, 14-б.)

Номшуносликда «ўсимлик номлари» бирикмаси ўсимликлар ва уларнинг туркум, тур, нав ва хилларини атаб келувчи туб, ясама сўзлар (**гул, райхон, лола, шалғам, беҳи, гулбун, гулбарг** ва ҳ.) ва сўз бирикмалари (**гули раъно, гули садбарг, оқ терак, кўк терак** ва ҳ.) мажмуасини англатади. Шу сабабли содда, қўшма ҳамда «сўз бирикмаси» тузилишли ўсимлик номларини таҳлилга тортилди, шунингдек, ўсимлик номлари лексемалари иштирокида тузилиб, ўсимлик номини эмас, бошқа маъноларни англатиши ҳам ўрганилди.

Алишер Навоий асарлари тилида гул турларини ифодаловчи 18 та сўз мавжуд . Улардан учтаси (абҳар, саман ва сунбул) араб тилига, қолганлари форс-тожик тилига мансуб сўзлар бўлиб чиқди.

1. Абҳар ҳозирги ўзбек тилидаги бўтакўз англатадиган гул тури ўрнида қўлланган:

Урди нафас нафҳам анбар насим,

Етти варақ сафҳам абҳар шамим.

2. Арғавон//арғувон ҳозирги ўзбек тилидаги арғувон (қизил гул) ўрнида ишлатилган:

Кўзумда қатра қонлар боғлаган эрмас ҳамонким,

Назар боғида шавқингдин очилган арғувондир бу.

Бу сўз: а) арғувони май форсий изофаси таркибида «қизил» маъноси учун ҳам хизмат қилдирилган:

Ўзи илгида арғувони май,

Этти олида ҳасм қони ҳай.

б) туркий (ўзбекча) феълнинг аналитик шаклида «қизармоқ» маъносини шакллантирган:

Юзунг ҳажрида билким қон ёшим оқмиш чаман ичра,

Қачон кўрсангки, ҳар бир шох уза гул арғувон бўлмиш

3. Бўстонафрўз ҳозирги ўзбек тилидаги гултожихўроз ифодаладиган гулни англатиш учун қўлланган:

Бўлди бўстони узоринг бодадин афрухта,

Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг.

4. Вард «атиргул», «қизил гул» маъносини ифодалаган:

Меҳнат тиконидан очилиб вард,

Райҳону машаққату гули дард.

Бу сўз: а) вард термоқ бирикмасида келиб, «яхши нарса», «гўзаллик» маъносини ифодалайди:

Юзи гулзоридин чун вард тергунг,

Не айтаймен ўзинг инсоф бергунг.

б) феълнинг аналитик шакли (вард ўлмоқ)да «севикли» маъносини англатади:

Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай,

Вой ангаки, яхшилардин ул фард ўлғай.

в) арабча изофа вардият ун-насойим бирлигида «атиргул ҳидини анқитадиган шабада» маъносини ифодалашда қатнашган:

Ҳам субҳу оразингдур вардият ун-насойим,

Ҳам шоми сунбулунгдур миският ун-шамойим.

5. Гулнор «анор гули, қизил гул» маъносида қўлланади:

Бу ҳурмат бирла эрмас оташин гул оқ гул эрдиким,

Юзунг барқидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнори.

Бу сўз: а) гулнори ҳарир форсий изофа бирлигида «қизил» маъносини англатади:

Келиб ул ким ҳарири гулнори,

Ҳулла анинг юзида зангори.

б) Гулнор айламоқ феъли таркибида «қизил тусга кирмоқ» ҳаракат-ҳолат маъносини ифодалашда қатнашади:

Майи гулгун юзунгга шуъла солиб,

Ул гулунгни бу гул айлаб гулнор.

6. Ишқпечон «зарпечак тусли гул» маъносида қўлланган:

Бу сариқ юз бирла ўлсам кўйида тобутима,

Шохлар боғланг хазони ишқпечон торидин.

7. Лола сўзи ҳозирги ўзбек тилидагидек гул турини ифодалаган:

Чун лола ғунчаси зоҳир бўлар чоғ,

Неча кўнглида асрар ёшурун доғ.

Бу сўз: а) кўчма маънода («қон» маъносида) бадиий тасвир учун хизмат қилдирилган:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,

Лолалар эрмаски бағримдин эрур парголалар.

б) лолаи нўмон форсий изофа бирлигида «тўқ қизил», «энг чиройли» маъносини англатади:

Тоза доқ атрофида жисмимда тим-тим қон кўрунг,

Дарду ғам тоғида, ваҳ-ваҳ, лолаи нўмон кўрунг.

в) лола айламоқ феълнинг аналитик шакли таркибида «қизартирмоқ» маъносини юзага келтиришга хизмат қилган:

Юзи ойини соғар лола айлаб,

Ул ойға сабзасидин ҳола айлаб.

8. Наргис ҳозирги ўзбек тилида «Оқ ёки сариқ гулли кўп йиллик ўт ва унинг чиройли гули» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Икки томлик, I том, - Тошкент, 1981, 195-б) маъносидаги ўсимликни англатиш учун қўлланган:

Ики наргис аро юз қатра лола,

Совуғ оҳи била гулранг жола.

Бу сўз: а) наргиси нимхоб форсий изофада «хумор кўз, уйқу аралаш кўз» маъносини англатади:

Чу беҳуш уза септи андоқ гулоб,

Очилди анга наргиси нимхоб.

б) наргис кўзлик бирикмасида «шахло кўз» маъносида қўлланган:

Наргис кўзлук ва ғунча оғизлиғ гульузори...

9. Насрин «оқ хушбўй гул» турини аташда қўлланган:

Хулла ичра баданингким кўринур,

Гўйиё гулбарг аро насриндур.

10. Настаран «оқ рангли гул» турини англатади:

Қаҳҳорлиғи сарсари учурурға собит ва сайёр настараннинг сочилғон яфроғлари...

11. Нилуфар худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, «сувда ўсадиган кўкимтир ёки сариқ рангли гул»ни ифодалайди:

Кўқарган доғидур ғам тошларининг хаста жисмимда,

Қуруғ шох узра чирмашиб очилғай нилуфар ҳар ён.

12. Савсан ҳозирги ўзбек тилидаги гулсапсар ўрнида қўлланган:

Гул аҳмар, савсан азрак бу чаман ичра бўлуб андин,

Ки елдин тарбият кожин аларға еткуруб маҳкам.

13. Саман ҳозирги ўзбек тилидаги ясмин, («ўткир хушбўй оқ гулли, бутасимон ўсимлик»¹) ўрнида қўлланган:

Неча қамчи тушубтур ул қади сийминбадан узра,

Паёпай сойқа тушкан киби сарву саман узра.

14. Суман «хушбўй оқ гул» турини ифодалаган:

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,

Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

15. Сунбул ҳозирги ўзбек тилида ҳам айна шу шаклдаги «Пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш учун баргли, ўтсимон декоратив ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбўй, чиройли гули» маъносида қўлланган:

Гул қизарибтуру, сунбул қорарибдур, гўё,

Боғ аро қилди аён зулф ила рухсор ул шўх.

Навоий асарларида сунбулнинг узун барги рамзи асосида ўхшатиш қилиниб, «севгилининг сочи», «маҳбубанинг зулфи» маъноларида ҳам қўлланган:

Эй сунбулунг ҳалқаси бўйнуғиға тақиб расан,

Ҳар тобида юз бало, ҳар торида минг ишкан.

Шунингдек, бу сўз форсий изофали бирикмаларда: а) «зулф» маъносида қўлланган:

Лубати ҳиндзоди чинийваш,

Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш.

б) «қайрилма кокил» маъносида ишлатилган:

Сунбули печон бўлуб афъи мисол,

Ғунча анинг нишидин озурдаҳол.

в) «яшноқ гул, ҳидли гул» маъносида қўлланган:

... рақами ул гул ва лола орасида мушки ноб сепилган ва сунбули сероб экилганидин нишона кўргузур эрди: етишти.

16. Занбақ «сунбул, декоратив гул ўсимлиги» маъносида:

Занбақ анда лолагун буткай, шажарлар сурхбед,

Ҳар чаманга барча сув қонлиғ сиришким ёғини.

Занбақ варақи аро сепар мушк,

Ким атри димоғини қилар хушк.

17. Муасфар «бир турли сариқ гулнинг номи» маъносида:

Ошиқ дема кимни кўрсанг асфар,

Ким, бўлмади заъфарон муасфар.

Бу сўз гули муасфар форсий изофасида қатнашиб, бирикманинг «сариқ гул» тушунчасини шакллантиради:

Танги нафас этти они асфар,

Ул ранг илаким, гули муасфар.

18. Бинафш - бинафшагул.

Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,

Ваҳки, ёқмас хотиримга ҳеч ранг илло бинафш

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбек тилининг қардош туркий тиллар орасида энг бой ва серқатлам бўлишида, ривожланган жаҳон тиллари қаторидан муносиб жой эгаллашида, ўзбек адабий тилининг тараққиётида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс. Алишер Навоий асарлари тафаккур гулшани бўлиш билан бирга, ғоят бой сўз хазинаси ҳамдир. Шоир асарларида ўзбек халқи турмуш тарзи ва дунёқарашининг барча соҳаларига оид сўз ва иборалар мавжуд. "...ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар таёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур." (Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ // Халқ сўзи. 2019 йил 22 октябрь.) Бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати: 4 томлик. - Тошкент: Фан, 1983-1985. Т. I - 782 б. Т. II - 642. Т. III- 622. Т. IV - 636.
2. Жуковский П.М. Культурные растения и их сородичи, изд. 2. Л., 1965, с.5.
3. Каримов И. А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 59-б
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ // Халқ сўзи. 2019 йил 22 октябрь.

5. Неъматова Г. Х. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланиши. Филол. фан. номз... дис. автореф. - Тошкент, 1998, 14-б.

**Фазлиева А., ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

КЎЧМА МАЪНОЛИ СЎЗЛАР ОРҚАЛИ КОННОТАТИВ МАЪНОНИНГ ҲОСИЛ ҚИЛИНИШИ

Маълумки, ҳозирги замон тилшунослигида эмоционал-экспрессивлик тушунчасига узвий боғланган, баъзан унинг синоними сифатида баҳоланувчи коннотация тушунчаси ҳам кенг қўлланилади. Тилшуносликда лингвопоэтикага бўлган эътиборнинг кучайиши коннотация ва унинг ифода воситаларига доир кўплаб тадқиқотларнинг юзага келишига туртки. Тилшунос олим А.Липгарднинг қайд этишича, лингвопоэтик таҳлил семантик ва метасемиотик таҳлил асосида ойдинлашади. Метасемиотик таҳлил тилнинг “мулоқот-хабар-таъсир этиш вазифалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни намоён этади (Телия, 1989:51). Бу эса тилнинг таъсир этиш функцияси, яъни коннотатив аспекти таҳлилда муҳим тутишини кўрсатади.

Шу кунга қадар тилшуносликда коннотация ҳодисасининг уч йўналишида тадқиқ этилганлигини кузатиш мумкин: семантик, психолингвистик ва соф лингвистик йўналишлар (Мамаражабова, 2004:24).

Коннотация ҳодисасининг моҳияти унинг тил ва нутқдаги ўрни масаласи ҳозирги кунда рус тилшунослигида илмий таҳлил этилган. Шунга кўра мазкур масала таҳлилига оид қатор ишларда аташ ва коннотатив маънони фарқлаш, коннотация ва денотация муносабати, уларнинг ўзаро алоқаси ва фарқли жиҳатлари, коннотация ва синонимиянинг лингвистик мақомини белгилаш масаласига муносабат билдирилди (Звигинцев, 1957: 57).

Коннотация – тил бирликлари семантикасига узуал ва окказионал тарзда кирувчи семантик мавжудлик бўлиб, у нутқ субъектининг борлиққа эмотив баҳолаш ва услубий белгиланган муносабатни ифода этади (Телия, 1986:7). И.В.Говардевский денотация ва коннотация, коннотация даражалари, коннотатив таҳлил, тиллараро коннотатив қиёсой лексикани ўрганadi (Говардевский, 1989:106). И.В.Арнолднинг фикрича, коннотация таркибига тўртта асосий: эмоционал, баҳолаш, экспрессив, стилистик компонентлар киришини кўрсатиб ўтади. Бу тўртта компонент бир вақтнинг ўзида ҳар хил кўринишда ёки умуман қатнашмаслиги мумкинмаслигини таъкидлайди (Арнольд, 1981:106).

А.В.Филиппов шундай фикр билдиради: “Коннотация деганда, биз маълум лисоний бирлик семантикасига кирувчи ва уни тўлалигича намоён этувчи денотатив ва грамматик маънони тушунамиз. Бундай маънони эмоционал, услубий-стилистик мазмун деб номлаш керак” (Филиппов, 1978:57).

У коннотация таркибига эмоционаллик ва услубий бўёқдан ташқари баҳо муносабатини ҳам киргизади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бу масала ўрганилган. Коннотация – тил бирлигининг коннотатив маъно (стилистик, экспрессив муносабат каби қўшимча маъно ёки маъноларнинг) ифодаси саналиб, унинг асл моҳияти денотация ёки денотатив маъно қиёсан ўрганилганда юзага чиқади.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган қатор тадқиқот ишларда коннотация муаммоси тилнинг турли сатҳ бирликлари доирасида ўрганилганлиги кузатилади. Жумладан, ўзбек тилшунослигида М.Мамадалиеванинг “Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти, З.Мамаражабованинг “Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тизими”, Н.Аҳмедованинг “Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив таҳлили” мавзусидаги номзодлик диссертацияларида, шунингдек, Е.Қиличев, Б.Қиличевларнинг “Коннотатив маъно ва унунг ифодаланиши” номли илмий мақоласида мазкур масала таҳлили юзасидан қимматли назарий хулосалар чиқарилган.

М.Мамадалиева коннотация прагматик ҳодиса сифатида баҳо муносабати билан узвий боғланганлигини унга сўз (ва бошқа бирлик)ларнинг барча маънолари асосида объективлик ва субъективликларни боғловчи восита сифатида муносабатда бўлиш лозимлигини таъкидлайди (Мамадалиева, 1997:29).

З.Мамаражабова эса коннотатив маънонинг экспрессив бўёқ асосида боғланишини, яъни унинг экспрессивликка ишора қилишини қайд этади (Мамаражабова, 2004:24). Н.Аҳмедова ҳар қандай коннотатив ифодада денотатив маънонинг сақланиши, сўзловчи ўзининг прагматик мақсадини намоён этишда ана шу сема (белги)дан узоқлашмаслигини таъкидлайди (Қиличев Э., Қиличев Б., 2006:68).

Е.Қиличев ва Б.Қиличевлар эса коннотатив маънонинг (К) сўз семантикасида (С) денотатив маъно (Д) ажралгандан кейин ҳосил бўлган айирмага тенглигини кўрсатадилар. Яъни: К – С-Д

Уларнинг қайд этишларича, сўзнинг коннотатив маъноси нафақат контекстда, балки муайян синонимик қаторда ҳам юзага чиқиши мумкин. Бунда коннотатив маъно сўзларнинг парадигматик муносабати асосида белгиланади.

Ҳозирги кунда А.Қаҳҳор асарларида коннотатив маънонинг ифодаланиши масаласи алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Зеро, адибнинг ўзига хос услубини ўрганиш муаммосига доир мавжуд назарий маълумотларни у ёки бу даражада тўлдиради.

Маълумки, ёзувчи ва шоирлар ўз асари билан китобхонга маънавий озуқа бериш билан бирга, тилининг бой имкониятларини намоён этиш масъулиятини ҳам ҳис этиб ижод қиладилар. Тилга ўзбек халқининг бебаҳо қадрияти сифатида чексиз ҳурмат билан ёндашиш, унинг имкониятларини жилвалантириш, айниқса, А.Қаҳҳорда кучли. Ёзувчининг асарлари халқчил,

халқнинг ўтмишдаги дард-у ҳасрати ва замоннинг зайли қисқа ҳажмли ҳикояларида ҳам ўз аксини топган.

Коннотатив прагматик маъно ҳосил қилишда муҳим ўрин тутувчи ҳодисалардан бири кўчимдир. Кўчим бадий матннинг образлигини, таъсирчанлигини таъминловчи восита саналади.

Илмий манбаларда сўз маъноларининг кўчиши ҳодисаси атрофлича ўрганилган.

Кўчимларнинг энг кенг қўлланувчи тури – метафора нутқда маълум стилистик мақсад учун хизмат қилади. Нутқда метафоранинг юзага келиш қонуниятлари мавжуд. Г.Қобулжонова метафоранинг юзага келишида қуйидаги унсурларнинг талаб қилинишини қайд этади:

Объектив ва субъектив борлиқдаги нарсалар орасида (кенг маънода) ўхшашлик.

Шу ўхшашликнинг лисоний акси бўлмиш мутаносиб семалар... Нарсалардан бирининг баъзан бадий ифодасининг номи (айни нутқий шароит учун) йўқлиги.

Албатта, метафорик қўлланишлар нутқ эгасининг муайян мақсади асосида ўзига хос тил қонуниятлари орқали ҳосил қилинади.

Сўзларни метафорик маънода қўллашнинг асосий вазифаси нутқнинг образлигини, тасвирийлигини ошириш бўлса, шу образлилик ва тасвирийлик асосида матнда йузага келувчи эмоционал-экспрессивлик коннотатив маънодир.

А.Қаҳҳор ҳам бадий нутқнинг образлигини оширишда метафорадан унумли фойдаланади.

Метафорани қўллашда бирор предмет шаклининг, белгисининг, ҳаракати ва ҳолатининг ўхшаш томони бошқа бир предметга кўчирилади. Манбаларда метафоранинг икки тури фарқланади: лингвистик ва хусусий – муаллифлик метафоралари.

Лингвистик метафоралар образлилик, тасвирийликдан холи бўлса, хусусий – муаллиф метафоралаи айна шу хусусиятлар асосига қурилади.

А,Қаҳҳор ҳам хусусий метафорик кўчимлар билан асарларнинг бадий қимматини оширишга муваффақ бўлган. Жумладан, ёзувчи метафорани ҳосил қилишда от, сифат, сон, феъл туркумидаги сўзлардан кенг фойдаланади. Масалан:

Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тўғрисида Сотиболдининг билгани шу; салқин, тинч паркда, дарахтлар ичига қўмилган баланд ва чиройли оқ иморат, шиша қабзали кул ранг эшигида қўнғироқ тугмаси бор. Чигит, пўчоқ ва кунжара билан савдо қиладиган хўжайини Абдуғанибой омборда кулаб кетган қоплар остида қолиб ўладиган бўлганида бу докторхонага бормай симга кетган эди. Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди. (“Бемор”)

Бу парчада 25 сўмлик пул метафорик маънода қўлланган бўлиб, унинг асл маъноси фақат пул бирлиги, лекин ёзувчи 25 сўмлик пулни Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати келишини тасвирлар экан, жамиятнинг оғриқли ҳолатини, ночорликни тасвирлаган. Бунда ёзувчи ўхшатиш орқали коннотатив маъно ҳосил қилган.

Метафора унсурларининг ўзаро муносабатига кўра турлари. Бизга маълумки, метафора уч унсур – тема, ифода воситаси ва қиёс учун асосдан тузилади. Масалан, ...Қишлоқнинг бўриси ҳам юзбоши, тулкиси ҳам юзбоши (А.Қаҳҳор) гапида қуйидаги метафоралар амал қилади: —юзбоши – бўри, —юзбоши – тулки метафорасида бўри ва тулки сўзларида, —Бўри сўзи шавқатсиз, очкўз, юлғич маъноларини ифодалайди, —тулки – ифода воситаси, айёр, юлғич – тема. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, метафорада ном кўчиш одатда миқдоран тенглик асосига қурилавермайди. Фақат мазмуний тенглик зарурий ҳисобланади. Шунингдек, бу тенглик ҳам нисбий аниқланади. Яъни метафорик қўлланган бир сўз айнан битта сўзнинг ўрнида келган деб бўлмайди. Юқоридаги мисолда қиёсланг: бўри – шавқатсиз, очкўз...

Демак, бу ерда миқдорий эмас, мазмуний тенглик назарда тутилади ва бу тенглик ҳам нисбийдир. Чунки —бўри сўзида қиёслаш учун асос бўлган семалар билан мутаносиб мотивлар нутқий шароит талабига кўра турлича бўла олади: характер жиҳати, табиий жиҳатлар, ташқи кўриниш ва ҳоказо. Метафорага хос бўлган ана шу хусусият ҳақида фикр юритиб, Дж. Миллер метафора яратувчи —...аниқ сўзларни назарда тутган ҳам, тутмаган ҳам бўлиши мумкин, улар ишлатилмагани туфайли биз буни ҳеч қачон аниқлай олмаймиз... дейди. Метафора унсурларининг бу хил муносабати янада чуқурлаштирилиши мумкин. Яъни темагина эмас, ифода воситаси ҳам конкрет сўзлар билан ифодаланмайди: ...—чикди - чикди деган гап ўрмалади (А.Қаҳҳор).

Ўрмалаш гапга хос хусусият эмас, демак, бу ерда метафора бор. Аммо гап нима деб тасаввур қилинапти? конкрет жавоб йўқ. Шугина маълумки, у қандайдир ўрмалай оладиган жонзотга қиёсланмоқда, яъни метафора яратувчи ўз ифода воситасини конкрет айтмайди, балки метафора қабул қилувчини —йўллайди. Метафорани охиригача ечиш адресат ихтиёрида қолади. Келиб чиқадикки, метафора унсурлари муносабатининг мутаносиблик ва конкретлик табиатига кўра икки хил экан:

1. Ифода воситаси тема билан мазмунан мутаносиб ва конкрет ифодаланган (яъни метафоранинг асосий унсурлари мавжуд) – асос метафора.

2. Ифода воситаси конкрет ифодаланмаганлиги сабабли мазмуний мутаносиблик ҳам қисман ноаниқлашган. Бироқ уни аниқлаштириш учун йўлланма компонент мавжуд – йўлловчи метафора. Бу ўринда шунга эътибор қаратиш лозимки, йўлловчи метафоранинг мураккаб лисоний табиати мутлақо уларнинг кенг тарқалишига тўсиқ бўлмайди. Йўлловчи метафора турлари бўлмиш жонлантириш ёки шахслантириш ҳақида олиб борилган тадқиқотлар унинг энг кўп тарқалган метафора турларидан бири эканлигини кўрсатади.

Метафоранинг синтагматик қатордаги муносабат белгисига кўра турлари. Метафорик қўлланган сўз синтагматик муносабатга киришувчи сўзни шартли равишда метафораланаётган сўз деб атаймиз. Масалан, ...Улар мардикорликка юборилган юрт – совуқ дўзах дейишибди... (А.Қаҳҳор). Бу ерда метафорик сўз – совуқ дўзах (аниқроғи, дўзах). Метафораланаётган сўз юрт. Метафораланаётган ва метафорик сўз ўзаро синтагматик муносабатда туради. Аммо бу синтагматик муносабат икки хил бўла олади:

1. Тор – бир жумла доирасида: ...Валихон сўфи мулойим супурги бўлиб ... (А.Қаҳҳор).

2. Кенг матн (контекст) доирасида ёки шароит (конситуация) доирасида: Аямнинг одам заводида туққани оғизга тушиб кетди. (А.Қаҳҳор). Одам заводи (аниқроғи, завод) метафорик сўз боғланадиган сўз —туғруқхона (анча кенг матндан маълум бўлади). Арслоним уятга қолмасин деб, икки сават узум бериб юборувдим (—Шу кунлар шиддати, 118-бет). —Арслоним синтагматик боғланувчи сўз — эр ситуатив синтагма (агар шундай таъбир мумкин бўлса, ассоциатив синтагма) да муносабатда турувчи метафораларни шу синтагматик муносабатларнинг аниқлиги ҳисобига —очик, кенг синтагматик муносабатда турувчи метафораларни эса —ёпиқ деб атаймиз.

Хуллас, метафорик муносабат маълум шароитда, маълум воқеа-ҳодисани тасвир этишда икки предмет ёки ҳодиса ўртасидаги умумийликка асосланган ҳолда белгиланади. Улар ўртасидаги умумий кўринишлар, ҳислатлар биридан иккинчисига кўчирилади. Бунда асосан образли тушунчалар юзага келади.

Адабиётлар

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка.-Л.1981.-С-106
2. Аҳмедова Н. Кўрсатилган манба.-б.14
3. Говардевский И.В. Коннотемная структура слова.-Харьков, 1989.-С.106
4. Звигинцев В.А. Семасиология.-М.-1957
5. Мамадалиева М. Номловчи бирликларнинг ички маънолари// ўзбек тили ва адабиёти.Е-Е-Т, 2000, 6-сон 40
7. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти.Фил.фан.ном.дис.-Т-1997,-29
8. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари.Фил.фан.ном.диссертация-Т,2004,-Б.24
9. Телия В.Н. Коннотемная структура слова. – Харьков, 1989.-С.9-51.
10. Телия В.Н.Коннотативный аспект семантики номинативных единиц.-М: «Науки» 1986.-С-7.
11. Филиппов А.В. Л проблеме лексической коннотация// Вопросы языкознания-Москва, 1978, №1.-С.57.
12. Қиличев Э., Қиличев Б. Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши// Ўзбек тили ва адабиёти.-2006.-№6-68.

*Ҳасанов А., докторант
(Ўзбекистон)*

ДИАЛЕКТИЗМЛАР БИЛАН ТИЛ ЛЕКСИКАСИНИ БОЙИТИШ МЕЗОНЛАРИ

Дунё ҳамжамиятида глобаллашув ва интеграция авж олаётган бугунги даврда ҳар бир миллат ўзлигини, маданиятини, қадриятларини ва тилини сақлаб қолишга интилмоқда. Бу табиий жараёнда ҳар бир халқ ўз ўтмишининг келажак билан тиллаша олиши учун ўз она тилини авлодларга имкон қадар соф ва асл ҳолича етказиши зарур. Акс ҳолда миллатнинг номи ҳам унинг тили каби тарих қаърида қолиб кетиши мумкин.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида тил софлиги ва равнақи учун курашиб келган. Бу кураш ҳозирда ҳам тадрижий давом этиб келмоқда. Бироқ ҳозирги дунёдаги мафкуравий жараёнлар силсиласини кузатиб бу тадрижийлик миқёсини бир қадар жадаллатиш зарурлигини ҳеч ким инкор этмайди.

Тилнинг лексик фондиди софлигича сақлаш борасида Ўзбекистонда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳатто бу борадаги ишларга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 декабрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияда ўзбек тилининг бугунги ҳолати танқидий таҳлил этилиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар йўналиши кўрсатиб берилган. Хусусан, ижтимоий соҳалардаги кўплаб атамаларни ўзбекчалаштириш, янги атамаларга мос муқобил сўзларни топиш, шева сўзларини ўрганишни такомиллаштириш, тил софлигини таъминлаш учун зарурий чораларни кўриш белгиланган. Ижтимоий соҳага оид атамаларни илмий асослаш ва уларни кенг қўлланилиши учун тил луғат бойлигига киритиш бу борадаги ишларнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилган. Бу эса тилшунос олимлар ва тадқиқотчилардан бажариладиган илмий тадқиқот ишларида тил софлигини таъминлаш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини кўрсатади. Бу борадаги изланишлар ва тадқиқотлар, саъй-ҳаракатлар фақатгина давлатнинг тилга нисбатан эътибори бўлиб қолмасдан, тил орқали миллий маданиятимиз, қадриятларимизни сақлаб қолиш ва шунинг баробарида, бебаҳо ёдгорлик бўлган тилни ўз шакл-у шамойилини сақлаган ҳолда келажак авлодга етиб боришини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, банк молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, бу соҳалардаги

терминларни имкони борича ўзбекчалаштириш, муқобили бўлмаган тушунчаларга шеваларимиздан мос сўзни танлаш ва уларни кенг миқёсли муомаласига кўмаклашиш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни илмий асослаш ва унинг муқобилларини ўзбек халқ шеваларидан топиш ҳамда оммалаштириш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тили лексикасини илмий асосда ҳар томонлама ўрганиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик лакуна (бўшлиқ)ларни тўлдириш, бу борада шевалардаги сўзларни адабий тилга олиб кириш ва шу асосда тил лексикасини бойитишдир. Бу борада айрим ишлар амалга оширилган бўлсада, тил лексикасини лакунар бўшлиқлари ва уни шева сўзлари билан тўлдиришга алоҳида диққат қаратилмаган. Сўнгги йилларда ўзбек адабий тили лексикасининг халқ шевалари билан бойитиш масалалари, мазкур жараёнда амал қиладиган қонуниятлар, лингвистик ва экстралингвистик омиллар каби масалаларни ўрганишга махсус бағишланган ишлар кам. Лекин мазкур масалага боғлиқ ёки қисман алоқадор ишлар анчагина бор. Масалан, Ф.Абдуллаевнинг «Тил қандай ривожланади?» Г.Муҳаммаджонованинг «Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари», Э.Шералиев «Тожикистондаги ўзбек шеваларида умумтуркий сўзлар», М. Пўлатовнинг «Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири ҳақида», Н.Ғуломованинг «Русские лексические заимствования в узбекском языке» номли ишлари шулар жумласидандир. Лекин мазкур тадқиқотлар анча йиллар олдин амалга оширилган. Бу эса бугунги кунда тил лексикасини шева сўзлари билан бойитиш масаласига жиддий аҳамият қаратиш заруратини юзага келтиради.

Мазкур ҳолат ўзбек тилшунослигида қуйидаги муҳим вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади:

- Адабий меъёр даражасига кўтарилган шева сўзларининг лисоний хусусиятларини унинг барқарорлашув жараёнига боғлаб ўрганиш;
- Шева сўзларининг қўшимча вазифаларни бажаришдаги имкониятлари ва уларнинг юзага чиқиш жараёнларини тадқиқ этиш;
- Шева сўзларининг ҳозирги ўзбек адабий тилида лексикасини бойитиш манбаи сифатидаги аҳамиятини ёритиш;
- Шева сўзларида қадимий ва замонавий тил хусусиятларининг намоён бўлишини таҳлил қилиш;
- Турли соҳаларга оид лексик лакуналарни шева сўзлари билан тўлдириш борасида илмий таклифлар ишлаб чиқиш ва уни асослаш;
- Янги тушунчаларни номлаш жараёнида шевага оид сўзлардан унумли фойдаланиш мезонларини ишлаб чиқиш ва ҳ.

Тилнинг тараққиётида унинг лексикаси бошқа сатҳларига нисбатан тез ва сезиларли даражада ўзгаришларга учраши кўпгина адабиётларда қайд этилган (Бегматов, 1982: 88). Дарҳақиқат, борлиқда содир бўладиган турли-туман

ўзгаришлар натижасида юз берадиган, пайдо бўладиган нарса ва ҳодисалар, жараён ва ҳолатлар энг аввало тилда уни номловчи махсус атамалар бўлишини талаб этади. Айни шу объектив сабаблар асосида тилда янги-янги сўзлар пайдо бўлади ва тил луғат таркиби бойиб бораверади. Албатта бу жараёнда шева сўзларининг адабий тил лексикасини бойитишда асосий манба бўлиши ўз-ўзидан равшан. Лекин ҳар қандай шева сўзлари ҳам адабий тил бирлиги даражасига кўтарила олмайди. Боз устига кўп шеваларга эга бўлган ўзбек тили учун бу ҳолат табиий тартибни келтириб чиқаради: бир тушунчани ифодалаш учун битта сўзни адабий тилга қабул қилиш етарли. Мазкур тартиб адабий тилнинг нормаланиш жараёни учун ҳам жуда атта аҳамиятга эга.

Ўзбек адабий тилининг XX асргача ва XX асрдан кейинги ҳолатига баҳо берилганда шу икки фарқли ҳолатни ёдда тутиш керак: 1. Адабий тилнинг барқарорлашуви (нормалашуви)да ОАВ ҳамда сўз усталари шоир ва адиблар асарлари катта аҳамиятга эга бўлади (Решетов, Шоабдурахмонов, 1978: 168). 2. Тилнинг бойиш ва ривожланиш жараёнларига бошқа тил(лар)нинг фаол таъсири салбий натижаларга олиб келади. Аввало қайд этиш керакки, ўзбек тилининг XX асрда бошқа тиллар билан алоқаси, ўзга тилнинг ўзбек тилига таъсири масаласида фақат унинг рус тили билан алоқаси, рус тилининг ўзбек тилига таъсирини кўриш мумкин. Лекин шевалардан сўз олиш борасида XX асрнинг бошларидаёқ тилшунос олимларимизнинг кўпчилиги ўзбек халқ шеваларининг ҳаммасидан сўз олиш борасида ўз таклифларини билдирган (Муҳаммаджонова, 1982: 68). Буюк жаҳид маърифатпарвари ва тилшунос олим Абдурауф Фитрат бу масалага “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф, Наҳв” номли ўзбек тили дарслигининг сўз бошисида алоҳида тўхталган ва ўзбек шеваларига ўз муносабатини қуйидагича билдирган эди: “Биламизки, бизнинг шаҳарларимиз юзлаб йиллардан бери араб, форсий адабиётнинг ҳукми остида яшайдир. Шунинг учун бизда шаҳар тили бузулғондир. Тилимизнинг соф шаклини даладаги эл-аймоқларимизда кўра оламиз”.

Диалектизмларнинг адабий тил бирлиги сифатида нормалашуви муайян меъёр ва мезонларни талаб этади. Маълумки, миллий адабий тил умумхалқ тилининг сайқалланган, маълум нормаларга солинган шаклидир. Нормаланиш эса узоқ вақт давом этадиган, ривожланаётган тил учун эса доимий (ҳамма вақт бўлиб турадиган, давом этиб турадиган) ҳодисадир. Нормаланиш, айниқса, ҳар бир миллий адабий тилнинг шаклланиш жараёнида аниқ-ошкор тарзда, турли баҳс-мунозаралар билан, махсус имло луғатлари яратиш билан амалга ошиб боради. Нормаланиш ва нормалаш турли соҳаларга нисбатан, тилнинг лексика соҳасида нисбатан қийинроқ кечадиган жараёндир. Бунда икки характерли ҳолатни қайд этиш керак бўлади. Биринчидан, лексикада нормаланадиган (нормаланиш, нормага солиниши керак бўлган) бирликнинг (луғавий бирликнинг - сўз ва ибораларнинг) ўзи кўп бўлади. Иккинчидан, ўзбек тили кўп диалектли тил бўлиб, адабий тил учун норма сифатида бу диалект ва шеваларга

оид сўзлардан қайси бирини танлаш, белгилаш анча мураккаб масала. Ниҳоят, учинчидан, тилда доим янги сўзлар пайдо бўлиб турадики, буларни ҳам адабий тил учун қабул қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини белгилаб бериш талаб этилади ва бу ҳам осон ишлардан эмас. Нормаланишда лексиканинг бошқа соҳаларга нисбатан ўзига хослиги сифатида яна шуни айтиш мумкинки, лексика соҳасидаги нормаланиш бошқа соҳалардаги нормаланишга нисбатан “стихияли” тарзда бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, лексик нормалар махсус қонун-қондалар билан расмийлаштирилмайди (Каримов, 2002: 38). Бу эса ўз навбатида шева сўзларининг адабий тил томонидан осонликча қабул қилинмаслигини кўрсатади. Яъни, диалектизмнинг дадбий тил лексиконидан жой олиши муайян мезонлар бўлишини талаб этади. Қуйида айтиш жараёнда амал қилиниши керак бўлган меёрларнинг айримларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

1. Тил лексиконига олиб кирилаётган диалектизм қўллашга қулай, иложи борича соф туркона ва айтиш дамда кенг оммаланишга имкониятли бўлиши лозим. Айтишса бу борада эски ўзбек тилида (ёки туркий тилда) қўлланилган, соф туркона оҳангга эга бўлган сўзларга алоҳида имтиёз бериш жуда тўғри йўлдир. Бу орқали тилнинг софлиги таъминланиши баробарида ўзбек тилининг туркий тиллар билан уйғунлашуви ҳам амалга ошиши шубҳасиз.

Ўзбекистоннинг турли худудларидаги шеваларда қўлланилувчи шувот сўзини таҳлилга тортайлик. Бу сўз билан боғлиқ шиваламоқ феъли ҳам шеваларда фаол қўлланилади. Шунинг баробарида у соф туркий тилга хос бўлиб, қардош тилларда ҳам мавжуд сўзлардан биридир. Шувот сўзининг маъноси зарра (томчи эмас!) ҳолида ёғаетган ёмғирни ифодалайди.

2. Диалектизмни адабий тил лексикасига олиб киришда унга муқобил сўз мавжуд эмаслигига ва шу сўзга лисоний-нутқий эҳтиёж мавжудлигига алоҳида эътибор бериш керак. Масалан аксар қарлуқ шеваларида мавжуд бўлган пайхас қилмоқ сўзи воқеликдаги муайян жиҳатларга эътибор бериш ҳаракатини ифодаловчи сўз сифатида ишлатилади. Адабий тилда бу сўзнинг маънодоши ёки муқобили йўқ. Бу эса мазкур сўзни тил лексикасига олиб кириш заруриятини келтириб чиқаради.

3. Адабий тилга олиб кирилаётган диалектизм унга вариантдош ва эквивалент бўлган бошқа диалектизм (ёки ўзлашма)лардан қулайроқ ва имкониятлироқ бўлиши даркор. Умумхалқ тилида пайи чўзилмоқ, мускули лат емоқ каби бир неча сўз билан ифодаланувчи жароҳатни номлайдиган тойишмоқ диалектизми ана шундай хусусиятларга эга. Бу сўз бошқа эквивалентларга нисбатан анча қулайлиги билан ажралиб туради ва бу унинг адабий тилга олиб киришга имконият яратади.

4. Тил лексиконига олиб кирилаётган диалектизм ижтимоий ва лисоний жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим. Жуда тор соҳада қўлланилувчи, омма учун зарурий бўлмаган тушунчаларни номловчи сўзнинг тилда оммалаштиришга уриниш ярамайди. Хусусан, чорвачиликда фақат қирқим жараёнида қўлланилувчи қўй-эчкиларнинг жунини қирқувчи мослама – шушанг диалектизми у қадар катта ижтимоий аҳамият касб этмайди. Гарчи бу сўз муайян асбобни номласа-да, бутун ўзбек миллати учун зарурий муҳимликка эга эмас.

5. Лексикализация жараёни тугалланмаган баъзи диалектизмларни бир бутун лексик бирлик сифатида қабул қилиш ҳам ўзини оқламайди. Шеваларда мавжуд бўлган бериёқ, норпўс (анор пўсти), уйчиқармоқ (уйдаги барча тўшанчиларни ташқарига чиқариб қоқмоқ, тозалармоқ), нонемас (қизғанчиқ, бировга нафи тегмайдиган), олаоғиз каби диалектизмлар муайян лексик лакунани номласа-да, адабий тил лексикаси учун биров “хом”лиги сезилади. Лекин бу сўзлар орасида олаоғиз, нонемас сўзлари ўзлари ифодалаган тушунчанинг аҳамиятлилиги сабаб адабий тилда оммалашishi мумкин.

6. Адабий тилда мавжуд бўлган сўзнинг фонетик варианты янги (ёки ўша вариант ифодалаган тушунчага ёндош) тушунчани номлаш учун қўллаш ҳам ўзини оқламайди. Зеро адабий тилда барқарорлашган бўғин-бўғим, мен-ман каби бирликлар ҳам айни бир тушунчани номласа-да, ёзувда турфахилликни (бошбошдоқликни) шаклланишига йўл очувчи омиллардан саналади.

Кун-тун, кўз-кўр каби фонетик усулда сўз ясаши тил тараққиётининг катта даврида рўй бериши мумкин ва бундай ҳолатлар жуда кам учрайди. Шу жиҳатларга кўра, шевалардаги фатинжон (патинжон – помидор маъносида), солқим (салқи маъносида) каби диалектизмларни тегишлича ёндош тушунчаларни номлаш учун жалб қилиш номақбулдир.

7. Диалектизмлар орасидан танлаб олинадиган сўз бошқа унга ёндош диалектизмларга қараганда тушунишли (оммабоп) бўлиши зарур. Одатда бир тушунчани ифодаловчи диалектизмлар сони саноқли бўлиб, уларнинг бири бошқаларига қараганда кўпроқ диалектларда учраши ва осон тушунилиши билан ажралиб туради. Танлаш жараёнида албатта бу жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Эркалар соч ўрими (перечёска) маъносида қўлланилувчи кузама, бурум, ўрим каби сўзлар орасида кузама диалектизми нисбатан кўпроқ шеваларда ишлатилади ва бошқаларга ҳам осон тушунилади. Чунки кузамоқ сўзи билан алоқадорлик унинг осон тушунилишини таъминлаб туради.

8. Лексик лақунани номлашда талаффузи бошқа сўзни эслатувчи диалектизмлардан фойдаланмаслик керак. Турли шеваларда учрайдиган бовулдириқ, бойқўзи (янги кийим кийганга бериладиган “суюнчи”), фарсангсўз (чўлда адашмаслик учун қўйилган “йўл белгилари”), ҳаккаш (чизмачи, архитектор) каби диалектизмларнинг англанилиши уни илк бор ва, умуман, эшитилиш жараёнида бошқа асоциатсияларни қўзғатади. Хусусан, фарсангсўз бадий-эстетик бўёққа эга бўлган тушунчани, ёки бойқўзи диалектизми киши исми ёки ёш болани эркалаб чақиршни ифодаловчи бирликни эсга солади.

9. Ҳали барқарорлашиб улгурмаган соҳавий терминларни ўзбекчалаштириш учун шевалардан сўз танлашда мазкур диалектизмнинг соф ўзбекча (ёки туркий) бўлишига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Йўқса бу терминни ўз ҳолича қабул қилган маъқул.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларида тил софлигини таъминлаш борасида қилинган ташаббусларнинг айримлари, хусусан, тил лексикасига таҳсилгоҳ, мажалла, минбаргоҳ, ноҳия каби сўзларни оммалаштиришга қаратилган тадбирлар тил ривожини учун жиддий таъсир кўрсатмагани бу типдаги саъй-ҳаракатларда муайян тамойилларга таяниш лозимлигини кўрсатади (Маҳмудов, 2017: 148). Чунончи, оммалаштирилиши тавсия этилаётган сўз туркий тил элементи бўлиши ва оммалаштиришга имкониятли бўлиши жуда муҳим.

Тан олиш керакки, ўша пайтларда оммалаштириш тавсия этилган таҳсилгоҳ, минбаргоҳ, рўзнома каби сўзларнинг ўзи ўзлашма қатламга мансуб ёки ўзлашма компонентли бўлганлиги ва бу тил софлиги учун жиддий наф бермаслиги мазкур сўзларнинг истемолдан тез чиқиб кетиши билан далилланди.

10. Фарқлаш эҳтиёжи зарур бўлган тушунчаларни номлашда диалектизмлар жуда қўл келади. Беморни тузатиш учун унинг организмига юборилувчи ҳар қандай кимёвий-фармацевтик восита дори номи остида умумлаштирилади. Шунингдек, бу воситаларнинг қаттиқ шакли таблетка, юмшоқ ва шилимшиқ шакли маз, суяқ шакли капсула терминлари билан ҳам номланади. Бироқ бемор уларни қайси усулда қабул қилишига кўра номланмагани уларни шу жиҳатдан ҳам фарқлаш эҳтиёжини юзага келтиради. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг бемор танасига қандай қабул қилинишига кўра ичиртки, суртма, қуйма каби диалектизмлар билан номлаш мумкин.

Тил тараққиёти ўз ички имкониятлари асосида ва тадрижий тарзда кечар экан, албатта унга инсон у ёки бу тарзда таъсир кўрсата олади. Албатта бу таъсир тил тараққиётини нормал ва мақсадга мувофиқ ҳолда таъминлаши зарур. (Абдуллаев, 1972: 53). Бу таъсир натижасида қадимий ва навқирон ўзбек тили ўз бағридаги ноёб дурдоналар орқали ўз ифода имкониятларини кенгайтириши ва юксалиши аниқ. Фақат бу жараёнда тилшунос олимлар халқ шеваларидаги

муносиб сўзларни ҳар томонлама илмий асослаб, сўнг муомалага киритишлари талаб этилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан англашиладики, ҳар қандай диалектизмнинг адабий тил лексикасидан жой олишида тил эгаларининг муҳим нутқий-лисоний эҳтиёжлари жуда муҳим саналади. Шунингдек, мазкур жараёнда тил соҳибларининг унумли ва оқилона ёндашувлари ҳам катта аҳамият касб этади.

Адабий тил лексикасининг шева сўзлари билан бойитилиши унинг яшовчанлигини таъминлаш билан бирга қардош туркий тиллар билан уйғунлашувига ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, тилда бутун миллат учун тушунилиши ва қўлланилиши осон бўлган сўзлар салмоғи ортади. Шунингдек, мазкур жараён ўзбек тилини унга турли чет сўзларнинг асоссиз суқилишидан ихоталаб туради.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? –Тошкент, 1972.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.–Тошкент, Фан, 1982.
3. Бегматов Э. Адабий талаффуз нормалари. –Тошкент, Ўзбекистон, 1982.
4. Бегматов Э. Адабий норма назарияси. –Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов С. Тил таълимида меъёр. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Абдулла Қодири й номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
6. Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. Тошкент, “Mumtoz so‘z”, 2017.
7. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш., Ўзбек диалектологияси. - Тошкент. 1962.
8. Совет даври ўзбек адабий тилининг тараққиёти III том. – Тошкент, 1991.
9. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. Тошкент. 1960.
10. Ўзбек халқ шевалари луғати. (масъул муҳаррир Шоабдурахмонов Ш.) Тошкент, “Фан”, 1971.

Холмухамедов Б., катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон)

ЛЕКСЕМАЛАШУВ ҲОДИСАСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Лексемалашув тилда сўз ясалишига хизмат қилувчи ҳодиса сифатида мавжуд экан, унинг моҳияти билан боғлиқ саволларга жавоб топиш лозим бўлади. Хўш, бу қандай лингвистик ҳодиса ва тилшуносликда қай даражада ўрганилган? У лисоний ҳодисами ёки нутқ ҳодисаси? Лексемалашув қандай ҳолатларда юзага келади ва унинг сўз ясалишига муносабати қандай? Лексемалашув ҳодисасини тилшуносликнинг қайси соҳаси ўрганади?

Лексемалашув жараёнининг ўзбек тили лексикаси тараққиётидаги иштироки нималарда кўринади?

Мазкур саволларга жавоб беришдан аввал лексемалашув ҳодисасининг лингвистик манбалардаги таърифларига мурожаат қиламиз. Рус ва Европа тилшунослигидаги лингвистик манбаларда мазкур ҳодиса “лексикализация” термини билан аталади, мазкур термин остидаги ҳодисанинг моҳиятини тушунтиришда бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилган. Хусусан, “Лингвистик энциклопедик луғат”да “лексикализация – тил элементлари (морфема, сўз шакли)нинг ёки элемент бирикмаларининг алоҳида сўзга ёки унга муқобил бўлган бошқа луғавий бирликка айланиши” дир [Лингвистический энциклопедический словарь. 1990: 258] дейилган.

О.С.Ахманованинг луғатида рус тилида лексемалашув деб айтиладиган термин инглиз тилида “lexicalization”, француз тилида “lexicalisation”, испан тилида “lexicalización” деб номланиши, айрим элементларнинг (морфема ва шу кабиларнинг) ёки бирикма элементларининг (сўз бирикмаларининг) тилнинг алоҳида сўз муқобили сифатида амал қиладиган турғун элементларига айланиш жараёни” лексемалашув сифатида тушунтирилади [Ахманова, 1969: 215].

Ж.Марузо эркин сўз бирикмасининг бир тушунча ифодаладиган, бир гап бўлаги вазифасини бажарадиган сўзга айланиши эканлигини, лексемалашув маҳсули бўлган бирликнинг маънолари бирикма қисмларининг йиғиндиси ифодаладиган маъноларга тенг келмаслигини таъкидлайди [Марузо, 1960:146].

А.Ҳожиёв эса “синтактик бирлик (сўз бирикмаси ёки гап)нинг лексик бирликка (луғавий бирликка), яъни сўз ёки турғун иборага айланиши. Мас., *ми ҳақи, темир йўл, минг боши* бирикмаларининг луғавий бирликка айланиши”ни лексемалашув сифатида изоҳлайди [Ҳожиёв, 2002:56].

Келтирилган тавсифлар ичида Ж.Марузо берган таъриф бир қадар тугал ва тўлиқдек туюлса ҳам, айрим ишонарсиз жиҳат ҳам борки, бу лексемалашган бирикманинг қисмлари маъносининг ясалмада акс этмаслигидир. Агар Ж.Марузо таъкидлаганидек, лексемалашиб бўлган бирлик маъноси унинг лексемалашидан олдинги ҳолати – бирикма қисмларининг маъносидан келиб чиқмаганда ёки шу бирикма қисмларининг умумий маъносига алоқадор бўлмаганда эди, эркин бирикма лексемалашувга тортилмаган бўлар эди. Эркин бирикма ва лексемалашган лисоний бирлик ўртасида мантиқий-мазмуний боғлиқлик борлиги учун ҳам лексемалашув юз беради. Ўзбек тили материаллари ҳам лексемалашувга тортилган эркин бирикма ва ҳосила лексеманинг маънолари ўртасида умумийлик, яқинлик мавжудлиги, ҳатто эркин бирикма қисмларининг маънолари лексемалашган бирликда тўлиқ акс этишини кўрсатди. Масалан, *белбоғ* лексемаси англатадиган маъно *бел* ва *боғ* сўзларининг маънолари билан яқин боғлиқликда.

Мавжуд адабиётлар билан танишиш шундан далолат берадики, дунё тилшунослигида лексемалашув ҳодисаси юзасидан анчагина ишлар амалга оширилган. Жумладан, Е.Б.Яковлеванинг диссертациясида инглиз тилидаги

тузилиши ва кўлами турлича бўлган лексик ва синтактик қўшилмалар қиёсий таҳлил қилинган, шу асосда морфология ҳамда синтаксис ўртасидаги муносабат аниқланган [Яковлева, 1976:23].

Таъкидланишича, грамматик маъно тушунчаси тилнинг умумий қонуниятларига боғлиқ феноменлардан фарқли равишда тилнинг индивидуал фактларига асосланади. Айнан ана шунга боғлиқ тарзда лексик феноменлар грамматик феноменларга айланиши ёки унинг акси ҳам бўлиши мумкин. Грамматикализация ва лексемалашув ҳодисларида ана шу жараён кузатилади. Аммо уларнинг фарқи шундаки, грамматикализацияда индивидуал ҳолатлардан умумий, яъни бу ҳодиса туфайли тил бирлигининг лексик маъно англашиш имконияти чегараланиб, грамматик вазифани бажаришга, лексемалашувда умумий феноменлар ўзгариб, конкретлашиб, аниқ бир тушунча ифодаловчи янги шакл юзага келади [Кузнецова, 1978:111-114].

Айтиш мумкинки, тадқиқотчи лексемалашувни лингвистик жараёнлар силсиласида яхши ўрганган. У “ҳар қандай тилнинг тараққиётида бир-бирига боғлиқ икки тенденция: айрим мустақил сўзларнинг ёрдамчи воситаларга айлантирадиган грамматикалашув ҳамда ёрдамчи воситаларнинг сўзнинг узвий қисмига, яъни морфемаларга айлантирувчи лексемалашув”лигини таъкидлаб, бу агглютинатив тиллар, жумладан, туркий тилларда кузатилишини уқтиради. Айтилган мулоҳазалардан лексемалашув ҳодисасини нограмматикалашиш, грамматикалашув ҳодисасини эса нолексемалашуш тарзида тушуниш ҳам мумкин.

Лексемалашув ҳодисасининг моҳияти шундан иборатки, бунда у ёки бу грамматик шакл ўз парадигмасидан ажралиб чиқиб, мустақил сўз – *лексема* сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Шу тарзда тилда кўплаб отлар, сифатлар, равишлар, кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар пайдо бўлади.

Лексемалашув синтагматиклашувга қиёслаб ҳам ўрганилган [Балаж, 1972:23-47]. Мақола муаллифининг қайд этишича, лексикологиянинг асосий тамойиллари ҳам тилшуносликнинг бошқа соҳаларидаги каби тилнинг умумий назариясига мувофиқ бўлиши лозим. Бунинг учун лексикологияга тилшуносликнинг энг илғор ютуқларига таянган ҳолда назарий асослар топилиши зарур. Маълумки, В. фон Гумбольдтга қадар тилни асар деб тушунилган. Аммо у биринчи бўлиб тилни фаолият деб баҳолади, тилнинг фақат нутқий жараёнда мавжуд бўлиши ҳақидаги ғояни илгари сурди. Ана шу қараш “тил муомала жараёнида реаллашадиган индивидуал акт (жараён)дир” тарзида Ф.де Соссюр томонидан илгари сурилди.

Тил нутқда алоқа қилиш, ахборот бериш вазифасинигина ўтамай, бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Шу боис ҳам В.В.Виноградов тилнинг алоқа, хабар, таъсир этишдан иборат бўлган уч хил ижтимоий вазифаси борлигини таъкидлаган эди [Виноградов, 1963:6]. Нутқий жараёнда вазифалар кўламининг бу тарзда кенгайиб бориши коммуникатив жараённи дифференциациялаш ва ихтисослаш билан бирга, унга турли тил бирликлари ва воситаларини жалб

қилишни ҳам тақозо этади. Я.Балаж кўшимча вазифа бажаришга турли тил белгилари ва воситаларининг жалб этилиши, аниқроғи, бу воситаларни жалб этишнинг йўлларини излаш ҳақида мулоҳаза юритар экан, синтагматиклашув ва лексемалашув ҳодисаларини айна вазифаларнинг амалга ошишига кўмаклашувчи лингвистик жараёнлар сифатида эътироф этади. Зеро, бизнинг тадқиқ объектимиш бўлган лексемалашувнинг нутқий-амалий аҳамияти ҳам ана шундан иборат.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, биз синтагматиклашув ва лексемалашувнинг фарқини қуйидагича тушунтирамиз: бу ҳодисаларга учраган бирликларнинг нутқда бошқа бўлақлар билан боғланиш йўллари турлича. Масалан, лексемалашувга учраган бирлик гапда яхлит бўлақ вазифасини ўтаса, синтагматиклашувда қўшилма таркибидаги ҳар бир қисм ҳоким бўлақка алоҳида-алоҳида боғланади. Юқоридаги мисолни келтирамиз: *Жамоамиз / пахта планини / муддатдан илгари / ошириб бажаради* гапидаги *пахта* сўзи *план* га аниқловчи+аниқланмиш, *ошириб* сўзи *бажарди* га ҳол+кесим бирикувида боғланган.

Ўзбек тилшунослигида лексемалашув ҳодисасини ёритишга бағишланган махсус тадқиқот йўқ, йўл-йўлакай айтилган қайдлар мавжуд. Хусусан, “лексемалар ҳосил бўлишининг навбатдаги кенг тарқалган усули лексемалашидир. Тарихан сўз бирикмалари (ҳатто гап) қолипларининг ҳосиласи бўлган сўз бирикмалари (гап қисмлари) орасидаги синтактик алоқанинг йўқолиши ва бу ҳосилаларнинг шакл ҳамда мазмун бутунлиги, тайёр, турғун бирликларга айланиши лексемалашидир дейилади. Масалан, [бошоғриқ, белбоғ, ишбоши, қўлқоп, кўзойнак ва ҳ.к.] каби лексемалар шулар жумласидандир” [Неъматов Х., Расулов Р., 1995:45]. Аммо лексемалашув сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодиса бўлгани боис сўз ясалиши, лексикология ва грамматикага оид кузатишларда қисқа мулоҳазалар билдирилган.

Тилшуносликда *сўз ясалиши* терминини тил материали асосида янги сўз ҳосил қилиш ва сўз ясалиши масалаларини ўрганувчи бўлим маъноларида тушунилар экан, лексемалашув ҳодисасини ҳам биринчи маъно доирасида қарашга тўғри келади.

Лексемалашув ҳодисасини тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деган савол ҳам аҳамиятлидир. Бу жараённинг юз беришида, албатта, икки ва ундан ортиқ бирлик иштирок этади ва улар ўзаро грамматик алоқага киришади. Шундай экан, лексемалашувни грамматика доирасида қарашга маълум асос бор. Ҳосила маъно лексемага тенг бўлади. Лексема эса лексикологиянинг ўрганиш объекти саналади. Бинобарин, лексемалашувни лексикология бўлимига тааллуқли деб қараш ҳам мумкин. Тилдаги икки элементнинг грамматик алоқага киришиб, янги ҳосила маънонинг юзага келиши уни сўз ясалиш қисмида ўрганишга ҳам асос бўлади. Кўринадики, лексемалашув тилшуносликнинг уч сатҳи бирликлари алоқадорлигида содир бўлади. Аммо бундан қатъи назар, ҳодисанинг содир

бўлиш моҳиятидан келиб чиқиб, маълум бир сатҳ доирасида ўрганилиши шарт. Аниқлик зарурати шуни тақозо қилади. Масала шу тарзда қўйилганда лексемалашувни сўз ясаиши сатҳида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ, чунки сўз ясаиши моҳият эътибори билан грамматиканинг ҳам, лексикологиянинг ҳам элементларини ўзида мужассам этади ва уларнинг манфаатига хизмат қилади. Сўз ясаиши жараёнида шакл ва мазмун диалектикаси нуқтаи назаридан уларнинг ҳар иккаласи ҳам қатнашади.

Демак, лексемалашувни грамматикага мансуб деб ҳисобланганда бу жараённинг содир бўлишида тилдаги икки ёки ундан ортиқ элементнинг грамматик алоқаси, лексикологияга алоқадор дейилганда ҳосила маънонинг лексемага тенглиги назарда тутилади. Аммо уларнинг иккаласи ҳам лексемалашув ҳодисасининг моҳиятини тўла очиб беролмайди, негаки у том маънода сўз ясаишидир.

Адабиётлар

1. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 258.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969. -С.215.
3. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.,1963. –С.6.
4. Кузнецова О.Д. О понятии лексикализации. Лексикализация фонетических явлений в говорах // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. - №2. - С.111-114.
5. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М.: Изд-во иност.лит-ры, 1960. -С.146.
6. Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б.45.
7. Яковлева Е.Б. Просодия атрибутивной синтагматики в современном английском языке: Автореф дисс.канд.филол.наук. – Москва, 1976. -23 с.
8. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. -Б.56.

Хазраткулова А., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ТИЛНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Тил бу маданий ҳодисадир; шунинг учун ҳар мамлакатнинг мероси унинг тилига боғлиқ. Маълумки, бугунги инглиз тили халқаро мулоқот тили ҳисобланади, у ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб борган ва сиёсий ҳамда иқтисодий масалаларни ҳал этишни осонлаштиради, десак адашмаган бўламиз. Бироқ тилшунос сифатида ўйлашимча, ҳар бир мамлакат ўз тилини сақлаб қолишга ҳаракат қилиши керак, чунки айнан тил уни ўзига хос қилади ва бошқа

мамлакатлардан ажратиб туради. Биз кўп тилли дунёни сақлаб қолишни истар эдик, чунки ҳар бир тилни ўрганишимиз билан биз янги билимларга эга бўламиз, Гёте шундай деган: «Инсон нечта тил билса, у шунча марта одамдир». Бошқа тарафдан эса бугунги кунда дунё аҳолисининг катта қисми сўзлашадиган инглиз тилини билишга етарлича баҳо бермаслик ҳам тўғри эмас, чунки у иқтисодиётнинг ривожланишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида миллат, мамлакат ва умуман жамият ривожланишига ёрдам кўрсатади. Инсон, энг аввало, мулоқот қилувчи зотдир, шу боис, фикримча миллатларнинг тилини унутмаслик зарур, бироқ ривожланишимиз ва комил бўлишимиз учун бир-биримизни тушуниш қобилиятига эга бўлишимиз шарт. Бутун тарих давомида мамлакатлар кўпгина масалаларни ечиш учун бир-бирига эҳтиёж сезган ва умумий тил уларнинг ўзаро мулоқотини амалга ошириш имконини берган.

Тилнинг миллат, давлат, жамият тараққиётидаги ўрни жуда муҳим, ўта зарурий ва долзарб деб изоҳлаган бўлар эдим. Зеро, бу тушунчалар ўзаро диалектик боғлиқ ва ўзаро алоқадор тушунчалардир. Миллат, давлат, жамият тараққий қилар экан, унинг тили ва тилшунослиги тараққий қилиб боради.

Давлат, жамиятдаги ўзгаришлар биринчи навбатда тилда, хусусан, унинг лексикасида – луғат бойлигида ўз аксини топади. Модомики, тил ижтимоий характерга эга экан, ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт тилдаги тараққиётни белгилаб беради. Ва ўз навбатида тил ва тилшуносликнинг тараққиёти жамият, давлат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади... Бунинг исботини бугунги кундаги дунё манзарасидан топиш мумкин – қайси мамлакатда – жамиятда тинчлик, фаровонлик ҳукм сураётган бўлса, шу ерда тил ва тилшунослик тараққий қиляпти ва бунинг акси бўлган мамлакатларда тил ва тилшунослик ривожини ҳақида фикр юритиш амримаҳол.

Қолаверса, тил, аввало, миллатни миллат қилувчи восита, у миллатнинг кўзгусидир. Зеро, тилимизда бизнинг қиёфамиз, маънавиятимиз акс этади, тил миллат вакилининг маънавиятини намоён қилади. Мустақиллик даврининг энг улуғ имконият ва неъматларидан бири бу ўзбек тилининг ўз ерида обрў, эътибор топиши, Давлат тили мақомини олишидир. Бугунги кунда ўзбек тили миллий мафкурамизнинг таркибий қисмларидан ва мустақиллигимизнинг бош белгиларидан бири бўлиб қолмоқда.

Чет тилини ўрганиш «яхши таассурот қолдирадиган» таржимаи ҳолга эга бўлиш ёки саёҳат қилишда қўл келадиган воситадан ҳам жиддийроқ аҳамиятга эга. У сизни ақллироқ, тез қарорга келувчи инсонга айлантиради ва ҳатто суҳбат олиб бориш қобилиятингизни оширади. Психологик тадқиқотлар ҳам икки ва ундан ортиқ тилда сўзлашиш афзалликларини намоён этмоқда. Икки тилни биладиган одамнинг мияси бир тилда сўзлашадиган одамникидан бошқача ишлайди. Афсуски, бугунги кунда қўлланаётган баъзи тил ўргатиш методлари талабаларнинг вақти ва пулини беҳуда сарфлайдиган машғулотлар, холос. Тил ўқитувчилари чет тилини ўргатишда адабиётни ўқиш ва грамматик қоидаларни батафсил таҳлил қилишга эмас, балки кўпроқ суҳбатлашиш кўникма ва малакаларига алоҳида эътибор

беришларини хоҳлар эдим. Бундай дарсларда ўқиш ва ёзишга асосий эътибор қаратилади, сўзлашув ва тинглаб тушунишга жуда кам ёки умуман изчил эътибор берилмайди.

Бугун ер юзида олти мингга яқин тил ва лаҳжа бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. Улар орасида ўзбек тили ҳам борлиги бизнинг бахтимиз, фахримиздир. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзбек тилининг давлат тили сифатида ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб берилди. Шу тариқа, ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Қарангки, дунё халқлари тарихини, айниқса, 20 асрдаги, кузатар эканмиз, не ажабки, уларнинг кўпчилиги ўз миллий мустақиллиги учун курашни ўз она тилига давлат тили мақоми бериш учун курашишдан бошлашган. Хусусан, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби Англиянинг, Африкадаги Франциянинг, Америкадаги Испаниянинг мустамлакалари бўлган давлатларда мустақиллик йўлидаги дастлабки кураш айнан ўз она тилига давлат тили мақоми бериш учун курашлардан бошланган. Аммо, афсуски, уларнинг барчаси ҳам ҳали-ҳануз ўз ниятига эришган эмас. Ҳозиргача ҳам айрим давлатларда инглиз, испан, француз ва португал тиллари давлат тили ҳисобланади.

Ўзбек тили оддий тил эмас, у агглютинатив тиллардан бири бўлиб хушмуомалаликнинг турли шаклларига эгадир. Бу тил бошқа тилларда мавжуд бўлмаган грамматик элементларга эгадир. Шунинг учун ушбу тилни ўрганаётганлар турли қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Чунки, уни ўзлаштириш асносида улар нутқнинг бутунлай янги қирралари билан тўқнаш келишади. Бироқ бу билан улар умидсизликка тушмаслиги зарур, ҳар қандай тилни ўрганиш мумкин ва ўзбек тилини ўрганиш янги ҳамда қизиқарли маданият билан танишишни, бой лексикани ўрганишни билдиради.

Сўнги 2 йил ичида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Юртимиздаги инвестиция учун яратилган қулай шароитлар сабабли тадбиркорлар, банкирлар, дунё сайёҳлари учун энг қизиқарли мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда. Мана яқинда интернетда нуфузли социологик тадқиқот марказларининг хулосалари асосида дунёнинг бориб кўриш зарур бўлган энг жозибали 50 та шаҳари эълон қилинди. Бу рўйхатда Самарқанд шаҳри энг олдинги ўринларда турибди. Шунга кўра, дунё халқлари орасида ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж ва эътибор ортиши мумкин. Япония, Хитой, Корея ёшларининг ўзбек тилига бўлган қизиқишлари ва имкониятлари кучли, улар соф ўзбек тилида нутқ тузиш имкониятига эга. Гарчи АҚШ ва Европа ёшлари, славян халқлари вакиллари ўзбек тилига хос бўлган специфик товушларни тўлиқ ва тўғри талаффуз қила олмасалар-да, уларда ҳам ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж кучли. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга келиб таълим олиши мумкин, лекин бунинг учун Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришимиз керак. Шунингдек, 10дан ортиқ - АҚШ, Корея, Хитой, Япония, Туркия, Украина, Россия,

Озарбойжон каби хорижий университетларда ҳам ўзбек тили фан сифатида «Шарк тиллари» кафедрасидаги фанлар сирасида ўқитилади. Ўзбек олимлар бу таълим масканлари билан ҳамкорлик қилиб, ўзбек тили бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзишни бошлашлари керак.

Технологиялар тез суръатлар билан ривожламоқда ва бу таълимга катта таъсир кўрсатмоқда. Масофали таълим, ИКТ воситаларидан фойдаланиш, бугунги кунда дафтар ва китобларнинг ўрнини босаётган баъзи элементлар ҳисобланиб бугунги кунда таълим жараёнида фойдаланиб келинмоқда. Бошқа тарафдан шундай мактаблар борки, улар таълим учун бошқа муҳитни таклиф қилади ва мақсадларни кўзлайди. Технологияларни суистеъмол қилиш мумкин эмас, талабалар ўзларига қизиқарли масалаларда қарорлар қабул қилишда иштирок этишлари керак, таълим рағбатлантирилиши лозим, тўлиқ шахс сифатида шаклланиш учун амалий билимларга эга бўлишлари лозим.

Тилнинг барча тамойиллари бир хилдек муҳимдир ва уларнинг ҳаммаси ўрганилиши шарт, чунки ҳеч бир тил тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ва унда доимо қандайдир янги қирраси чиқади ва у очилиши керак. Шунингдек, янги ва охиргача ўрганилмаган соҳалардан бири бу нейролингвистика ҳисобланади. Мия сирли бир нарса ҳисобланади ва агар уни тил билан кўриб чиқадиган бўлсак ҳали жавоби топилмаган кўпгина саволлар туғилади. Шунинг учун тилшунос олимлар тилни қандай идрок этишимиз, қандай суҳбатлашимиз, грамматикани қандай ўрганишимизни тадқиқ қилишлари керак. Технологияларнинг ривожланиши билан яқин йилларда ушбу ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур билиб олсак, ажаб эмас. Бугунги кунда барча тилшунослар шу нарсада яқдилки, одамлар сўзлашадиган тилни билиш бу абстракт предметни билишдир. Бундай билим конкрет товушлар, сўзлар ва жумлаларни билишдан кўра овоз чиқариб айтишнинг ва товушлар кўлланилишининг қоидаларини, йўлларини ва усулларини билиш ҳисобланади. Бу тилга нима тегишли ва нима тегишли эмаслигини билишдир, нимани айтса бўлади ва нимани айтса бўлмасликни билишдир.

Бу аввал эшитмаган жумлаларни қандай тушунишимизни тушунтириб беради ва бошқалар *грамматик жиҳатдан нотўғри* эканликларини рад қилишни кўрсатади. Одамлар орасида бир тилда мулоқот қилиш қачон мумкин, қачонки улар ушбу тилни ўзаро тушунишса; бироқ ушбу тил улар тарафидан қандай тушунилиши, қандай ўзлаштирилишини тушуниш мураккаб масаладир. Албатта, бу ерда психологик, ижтимоий ва генетик омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Тил умумий фойдаланиш предмети ҳисобланади ва бир вақтнинг ўзида абстракт моҳиятга эга.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1990.

3. Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. - Т.: Фан, 1981.
4. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.

Хайдарова К., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ОЛМА ВА УНИНГ НОМЛАРИНИ БИЛДИРУВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР

Замонлар оша туркий халқларнинг деҳқончилиги билан бир қаторда боғдорчилиги ҳам ўсди ва ривож топди. Бунинг натижасида мевали дарахтлар ва улар навларининг хилма –хил турлари яратилди. Бу янги яратилган мевали дарахт номлари ва улар навларини ифодаловчи сўз-терминларнинг туркий тилларда ва уларнинг диалектларида янги номлари, уларнинг хар-ҳил турлари пайдо бўлди. Булардан ташқари туркий халқлар халқ хўжалигининг тинимсиз тараққиёти натижасида боғдорчиликка оид мазкур номларни ифодаловчи сўзлар иштирокида ҳар хил янги сўзлар, номлар, фразеологик бирликлар ва бошқа иборалар вужудга келди: ёнғоқзор, ёнғоқчилик, ёнғоқгулликлар, ёнғоқсимон дарахтлар, Ёнғоқлисой деган қишлоқ; тутчилик, Яккатут, Қўштут, Учтут, юраги тутдек тўкилди; олмазор боғ, Олмалиқ деган шаҳар, “Олмазор” массиви ўсимликларнинг умумий номи каби. Бундай сўзлар ўз навбатида ўзбек тили лексикасида маълум бир лексик қатламни ташкил қилади.

Ўзбек тилидаги бундай сўзлар ва сўз терминларининг тарихий-тадрижий бундай тараққиёти, фонетик, лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан тарихий-қиёсий тизимда ўрганиш ўзбек тили тарихий тараққиётини белгилашда маълум аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги мевали дарахт номлари ва уларнинг навларини ифодаловчи сўз терминларининг тарихий-тадрижий тараққиётини ва фонетик, лексик-семантик ҳамда морфологик хусусиятларини тарихий-қиёсий тизимда ўрганиш ҳам амалий ва ҳам назарий аҳамият касб этади.

Мазкур мавзуга бағишланган бир қанча ишларни ва айрим мева номлари ҳақидаги мақолаларни учратишимиз мумкин. Масалан: Ю.Эшонқуловнинг “Ўзбек тилидаги мева номларининг тарихи ҳақида” (“К истирии названий плодов в узбекском языке”) деган ишида *олма, узум, емиш, мева, туш, кат, самар, бор, бар* каби сўзларнинг ишлатилиши, таркиби ва уларнинг маъноларини тарихий-этимологик жиҳатдан баъзи туркий ёдгорликлар материаллари асосида уларни ҳозирги ўзбек тили материалларига қиёсан анализ қилинади. Булардан ташқари ишда муаллиф Ўзбекистонда боғдорчилик тарихига оид материаллар беради.

К. М. Мусаевнинг “Лексика тюркских языков в сравнительном освещении” деган китобида ҳам мевали дарахт номларининг айримлари умумтуркий тизимда ёритиб ўтилади. Бунда муаллиф мевали дарахт номлари ва уларнинг

навларини ифодаловчи сўзларнинг маънолари ва уларнинг фонетик вариантлари ҳақида баъзи ботаник ва терминологик луғатларда ишлатилиши ҳақида маълумот беради.

Мавзуга оид ушбу ишлардан ташқари, мавжуд луғатлар: икки тилли, изоҳли, диалектологик, терминологик, орфографиква энциклопедик луғат материаллари шуни кўрсатадики, ҳозирги ўзбек тилидаги мевали дарахт номлари ва улар навларини ифодаловчи терминлар ва улар асосида ясалган лексик бирликлар лингвистик жиҳатидан тўлиқ ўрганилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида халқ оғзаки ижодига оид фольклор асарларида, халқ кўшиқларида, мақол ва маталларида, топишмоқларида, фразеологик бирликларида мевали дарахт номларини ифодаловчи сўзлар кўчма маънода ҳам кўп қўлланилади. Ушбу манбаларнинг барчаси мевали дарахт номларини ифодаловчи сўзларни ва улар асосида ясалган лексик бирликларни ҳар тарафлама чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатиладиган *олма* сўзи унинг диалектларида асосан уч хил кўринишда учрайди: *елме*, *алма*, *олма* каби. Унинг *елме* формаси нисбатан кенг территорияда, *алма* эса Хоразмнинг ўғиз диалектида, қисман кипчоқ шеваларида ишлатилади. Ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма ҳисобланган *олма* шакли Тошкент-Фарғона типидagi шеваларда кўп тирқалган. Кўқон, Ўш шеваларида эса *елме* шакли учрайди. *Олма* сўзи ўзбек тилида жуда кенг ва очик бўлиб, тил орқа қатор унли тивуш тарзида талаффуз этилади.

Бу сўз қадимги туркий ёдгорликларда ҳам кўп учрайди. Маҳмуд Қошғарий ўғизларида у *алма* ва бошқа туркий халқларда эса *алмила* шаклида ишлатилади[5]. У “Аттуҳфа” ва “Замахшарий” луғатларида *а:лма* шаклида берилган[1].

Ўзбек адабий тилида *олма* сўзи ўз лексик маъносига кўра *олма* дарахти билан унинг меваси маъносини ифодалайди. Масалан: *олма экилди*, *пишган олма ширин бўлади* каби гапларнинг биринчисидagi *олма* сўзи кўчат, дарахт маъносини ва иккинчи гапдаги *олма* сўзи эса мева маъносини, яъни олманинг ўзини ва унинг ҳосилини ифодалаган.

Уфққа туташган олма боғлари

Тўкибди беадад барака-ҳосил.

Нашвати, ноқ,олма, ол ёноқлари

Кичик куёш каби солланар енгил

(Ҳолид Расул. “Олқиш”).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *олма* сўзидан асосан -ли,-лик,-зор,-дай ва баъзан -чи, -ча,-хон, -дош,-симон аффикслари ёрдамида баъзан от ва баъзан сифат ясалади. Масалан: *олмазор*,*олмали пирог*, *олмачи*, *олмачилик*.

Олма сўзи ёрдами билан ясалган кўшма сўзларни ҳам учратиш мумкин ва бу сўз ёрдамида ясалган кўшма сўзлар асосан “сифат+олма” (*оқ олма*, *қизил олма*), “от+олма” (*беҳи олма*, *тилла олма*), ”олма+от (*олма қанд*, *олма чой*), каби

шаклларда ясалган кўшма отлардан иборатдир. Булар тилнинг тарихий ривожланиши жараёнида сўз бирикмаларининг лексикализацияга учраши натижасида вужудга келган кўшма сўзлар туркумига киради.

Бундай кўшма сўзлар куйидаги маъноларни ифодалаб келади:

1. Ушбу сўзларнинг кўпчилик қисмини олма навларининг номларини ифодаловчи терминлар ташкил қилади: *қандил олма, тарғил олма, қумоқ олма, эшак олма, тош олма*.
2. Олмадан тайёрланадиган ноз-неъмат номларини ифодаловчи отларни англантиб келади: *олма чой, олма қиём, олмақоқи, олмақанд*.
3. Шаҳар, қуш, қурол ва бошқа нарсаларнинг номини ифодалайди: *Олмаота* (шаҳар), *олмабош* (қуш тури), *олма гули* (пушти ранг), *олмагуллилар оиласи* (ўсимликлар оиласи), *олмагулоби* (қовун тури).
4. Географик номларни ифода қилади: *Олмалиқсой, Қизилолмасой* булоқ чашмаси.
5. Ҳозирга ўзбек адабий тилида тана аъзоларини олмага қиёс қилиш йўли билан ясалган кўшма сифатларни ҳам учратамиз: *оқ олма юзли*.
6. Атоқли отларни ифодалайди.

Булардан ташқари олма сўзи нутқни таъсирли ифодалаш воситаси сифатида (кўчма маънода) эмоционал нутқларда, мақол ва маталларда, турғун сўз ёки фразеологик бирликлар таркибида ва умуман фольклорда ишлатилади. Масалан: *олма оғочидан олисга тушмас* (мақол), *ўзи кўм -кўк, юзи қип -қизил* (Олма)[2].

Олма сўзининг этимологияси ҳақида ҳар хил фикрлар учрайди. Масалан Ю. Ишанкуловнинг фикрича, *олма* сўзи кўшма сўз бўлиб, у ме “дикое кислое” ва *а:л* “алый, красный” (*а-л+ме>алме*) каби сўзлардан иборат[3]. К.Маҳмудов, у *олу+мо* (ар.сув)>*олма* тарзида келиб чиққан, дейди[4]. Баъзи кишилар эса *олма* сўзи икки қисмдан иборат, яъни у *ол* (олмоқ) феъли билан *ма* “на, бери” юкламасининг кўшилишидан келиб чиққан дейди. Булардан биринчи фикр ҳақиқатга яқинроқ кўринади[7].

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *олма* навларини ифодаловчи терминларнинг маълум кўпчилик қисмини *олма* навларидаги айрим хусусиятларни ўзида акс эттирувчи терминлар ташкил қилади. Улар *олма* навларининг ўзига хос бўлган куйидаги хусусиятлари, белгиларига кўра аталган терминлар:

1. Рангига кўра: *пушти зарафшон, оқ олма, қизил олма*.
2. Маъзаси, таъмига кўра: *қимизак олма, аччиқ олма, ширин олма, чучук олма*.
3. Ҳар хил нарса ва предметларга тақлид қилиш, қиёс қилиш, ўхшатиш йўли билан номланган олмаларни ифодаловчи терминлар: *тилла олма, беҳи олма, тош олма, эшак олма, лимон олма*.
4. Жойига, ўрнига, келиб чиққан ерига кўра аталган олмаларни ифодаловчи терминлар: *Олмаота аэропорти, Самарқанд олма, Самарқанд тўнғичи*[6].

Адабиётлар

1. Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия/Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Тошкент, 1968. 31-бет;

2. Исмоилов И, Мелиев К, Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллири лексикасидан тадқиқот-Тошкент: Ўзбекистон ССЖ “Фан” нашриёти, 1990
3. Ишанкулов Ю. К истории названий плодов в узбекском языке. С 56.
4. Маҳмудов К. Мева номлари. Тошкент оқшоми. 1972. 22 январь
5. Маҳмуд Қошғарий. Девони луғотит турк. Тошкент. 1960
6. Холиқов С., Шоназаров Р. Ўсимликларнинг ҳам ватани бор//Фан ва турмуш. 1966. 8-сон
7. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Т. III М., 1971; Хайдаков С.М. Сравнительно-сопоставительный словарь дагестанских языков. М., 1973

Ҳасанова Д., доцент
(Ўзбекистон)

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ЙЎНАЛИШИ ҲАҚИДА

Социолингвистика-тилнинг ички қурилишини ўрганувчи лингвистика (интролингвистика) ва жамиятшунослик фанлари оралиғида вужудга келган янги фан. Шунинг учун бу фан тил қурилишининг ижтимоий томонини ўрганади.

Инсоният яратилгандан буён тил кишилар ўртасидаги муносабатнинг энг муҳим қуроли, жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ва умуминсоний манфаатларни ифода этадиган асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилоқда. Тилнинг пайдо бўлиши қадимданок нафақат олимларни, балки бутун инсониятни қизиқтириб келган. Тил -- мураккаб ва ўзгарувчан ҳодиса ва у халқлар тарихи қадар қадимийдир. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тилшунослик билан бир қаторда бошқа кўплаб фанларнинг ҳам ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Тилшунос олимларнинг олиб борган илмий изланишларига қарамасдан тил қачон, қаерда, қай ҳолатда пайдо бўлган ва дастлаб нечта тил бўлган деган саволларга ҳалигача муқаммал жавоб топилган эмас. Бироқ уларнинг саъй – ҳаракатлари натижасида тилнинг эвалутсиясига оид бўлган назариялар ва маълумотлар бойиб борди. Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири бўлган ёзув тафаккур тараққиётини тезлаштирди, фикрлаш, ўйлаш ва исботлашнинг янада юқори даражага кўтарилишида муҳим рол ўйнади. Натижада, тил тўғрисидаги тасаввурлар жонлана бошлади. Бугунги кунда тил тараққиётининг ёзув пайдо бўлишидан аввалги ҳолати тахминий назариялар асосида ўрганилмоқда.

Энг қадимги даврда яшаган кишиларнинг ҳаёт тарзини фараз қилиб кўрайлик. Улар яшаш учун ҳар қандай табиат офатларига, турли

қийинчиликларга бардош берганлар ҳамда ташқи кучлардан ўзларини ҳимоя қилиш, ҳаёт кечириш учун тошлардан ва дарахт шохларидан кўплаб меҳнат қуролларини ясаганлар. Шу боисдан ҳам бир-бирлари билан алоқа қилиш эҳтиёжи юзага келган. Натижада, ўз атрофларидаги предметларнинг чиқарган товушларига тақлид қилиш орқали дастлабки сўзлар, нарса-буюмларнинг номларини ярата бошлайдилар. Ҳайвонларнинг бақириқлари, қушларнинг сайраши, шамол ва шаршараларнинг овозларига тақлид қилишга ҳаракат қилишган. Масалан: кук-ку, гумбур-гумбур, шир-шир, тақ-туқ ва ҳоказо.

Даврлар ўтиши билан кишилар онги аста-секин тараққий эта бошлади, бу ҳодисалар эса тилда ҳам ўз аксини топди. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши инсоният, жамият билан узвий боғлиқдир. Кишилиқ тарихидан шу нарса маълумки, аввал уруғдош тили, кейин эса қабила, элат, халқ ва миллат тили шаклланган. Узоқ йиллар мобайнида жамият ривож ва тараққиёти бевосита тилда намоён бўлади. Айниқса, XII асрга келиб, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий каби алломалар етишиб чиқдилар ва “Девони луғотит-турк”, “Қутадғу билиг”, “Ҳиббат ул-ҳақойиқ” каби кўплаб нодир асарлар яратдилар. Шунингдек ХИВ-ХВ асрларда эса тил тараққиёти янада юқори поғонага кўтарилди. Буюк мутаффақир боболаримиз Алишер Навоий, З.М. Бобурларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўша даврда кучли адабий муҳит юзага келди. Алишер Навоий асарлари билан танишиш орқали ўша давр ҳаётини чуқурроқ ўрганамиз, ўзимизни тарих қаърига тушиб қолгандек ҳис қиламиз. Навоий яшаган замонада “телефон”, “телевизор”, “автобус”, “компютер”, каби сўзлар мутлақо учрамайди, аксинча, унинг ижодида “ораз”, “лавҳ”, “нихон”, “қалам”, “хома” каби адабий сўзларга дуч келамиз. Демак, жамият тараққий этиб бориши билан бирга ундаги ўзгаришларга оид тушунчалар ва уларни ифодаловчи янги-янги сўзлар тилда ҳам пайдо бўлиб бораверади.

Тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фалсафа, ижтимоий психология, этнография билан боғлиқ жиҳатларини ўрганувчи соҳа Социолингвистика дейилади. Тил ва жамият, тил ва тафаккур ўртасидаги боғланишлар энг мураккаб ва доимо долзарб масала сифатида талқин этиб келинган. Социолингвистика тилнинг жамиятда тутган ўрни ва хизматини ўрганадиган, унинг жамиятдаги турли табақалар ва касб эгалари томонидан қўлланишидаги хусусиятларни илмий татбиқ этадиган соҳа ҳисобланади. Социолингвистика қуйидаги масалаларни ўрганади:

- 1) жамият ва тил ўзаро боғлиқ, мутаносиб, тарихий ҳодисадир;
- 2) жамият тараққий эта борган сари тилнинг ижтимоий вазифалари ҳам такомиллашиб боради;
- 3) адабий тилнинг, шеваларнинг луғат бойлиги кенгаяди;
- 4) яшаш муҳити яқин, турмуш тарзи ўхшаш ҳамда ўзаро иқтисодий муносабатлари шаклланган халқларнинг тиллари бир-бирига таъсир кўрсатади.

Илмий манбалардан шу нарса маълумки, асрлар мобайнида кўплаб олимларимиз бутун дунё тилларининг ўзига хос хусусиятлари, яратилиш тарихи ва ривожланиш тараққиётига оид турли тадқиқотларни амалга оширганлар ҳамда бир қанча илмий изланишлар олиб борганлар. Яратилган илмий назарияларнинг бош мақсади, асосан, тил ва жамият талқинига бағишланади. Чунки тилнинг жамият билан боғлиқ томонларини ўрганиш унинг ички қурилиши, муайян имкониятларини яратишда катта аҳамият касб этади. Тилни халқ яратади ва ўз навбатида, жамият тараққиёти билан ҳамнафас оҳангда такомил топиб бораверади. Одамзоднинг тилдек буюк неъматга ноил бўлиши энг мураккаб жараёндир ва бу ҳолатда ижтимоий муҳит, кишилиқ жамияти ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бироқ бу олий ҳақиқатни инсон онги англаб етгунга қадар кўп замонлар ўтди. Тилсиз жамият, жамиятсиз эса тилни тасаввур эта олмаймиз. Тил кишилиқ жамиятининг асрлар давомидаги меҳнат фаолияти, яшаш шароити, тарихий-ижтимоий тажрибаси асосида юзага келган алоқа воситасидир. Шу боисдан ҳам жамиятда юз бераётган ҳар бир ҳодиса, воқелиқлар тилда ўз аксини топиб бораверади. Социоллингвистика тилнинг ижтимоий табиатини ёритишда ва таҳлил этишда тарихийлик, ҳаётийлик, меъёрийлик, ҳудудийлик, каби мезонларга амал қилади. Кишилиқ жамияти тараққиёти давомида алоқа воситаси ҳисобланган тилнинг жамият билан муносабати турлича изоҳланади.

Тил-ижтимоий ҳодиса унинг пайдо бўлиши ҳам ривож топиши ҳам муайян даврда бажарадиган вазифаси ҳам тил жамоасининг этник қатламларига муносабати ҳам қардош ва қардош бўлмаган бошқа тиллар билан муносабати ҳам ва бошқа-бошқалар тилнинг ижтимоийлигига даҳлдор тушунчалардир. Тил билан алоқадор бу хусусиятларнинг барчаси лингвистика фанининг социоллингвистика деб аталувчи тармоғида ўрганилади. Бир сўз билан айтганда социоллингвистика-бу социол, яъни ижтимоий тилшуносликдир.

Хуллас, айтилган бу фикрлар социоллингвистиканинг муайян бир мамлакатнинг сиёсий тузуми ва унинг мафқурасига ҳизмат қилувчи синфий фан тармоғи эканлигига далолатдир.

Адабиётлар

1. А.Бердиалиев. Ўзбек синхрон социоллингвистикаси. Ўқув қўлланма. Хўжанд. 2015. 8 бет.
2. З.Холмонова. Тилшуносликка кириш. Тошкент. 2007.
3. Рўзиқул Нормуродов. Социоллингвистика. Услубий қўлланма. Термиз. 2008.
4. А.Бердиалиев. Ўзбек синхрон социоллингвистикаси. Ўқув қўлланма. Хўжанд. 2015. 12-13 бетлар.
5. Н.Бекмухаммедова. Социоллингвистика. Тошкент. 2014.

Хидиров Р., доцент
(Тожикистон)

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДА АЙИРИМ ПАРЕМА ВА ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маънавийтимиз равнақи кўп жиҳатдан тилимиз тараққиётига: сўзларни тўғри ва ўринли қўллаш, тилни тоза сақлаш, меъёрида қўллаш, кишилар билан онгли муомалада бўлиш кабиларга боғлиқдир. Хусусан, халқларнинг мақол, ҳикматли сўзлар ва фраземаларининг тилда кенг қўлланиши ва шакллана боришини ўрганиш тил эгаларининг маданияти тарихи, урф-одатлари, ички ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, ҳувиятини аниқлашга ёрдам беради. “Фразеологик бирликлар ҳар қандай миллий тилнинг юрагидир, унда ҳайратланарли даражада миллатнинг руҳи ва ўзига хослиги ифодаланади”. (Маслова, 2004:11).

Ўзбек ва тожик тилларининг парема ва фраземаларга бойлигини, уларнинг хилма –хиллигини, лексикологияда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини кенг қамровли ўрганиб чиқиш тилшуносларнинг олдида турган долзарб муаммо ҳисобланади. Парема ва фраземаларни тадқиқ этиш ўзбек ва тожик тилларининг нафақат луғавий захирасининг такомиллашувига, шунингдек бу халқларнинг узоқ тарихий дўстлик илдизлари, ҳаётий тажрибалари ва кузатишлари, тафаккур қонуниятларини ёрқинроқ далиллашга имкон беради. Ўзбек ва тожик тилларининг мақол, ҳикматли сўзлар ва фраземаларининг бири иккинчисига тематик ўхшашлиги, бир-бирини тўлдиришлик хусусиятлари, семасиологик жиҳатдан уйғунлиги бу икки халқ ўтмишининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий алоқалари натижасидир. Рус тилшуноси, фразеология соҳасининг етук мутахассиси, Москва шаҳар фразеологияси мактаби асосчиси, Вероника Николаевна Телия фраземалар таркиби ҳақида шундай баҳо беради: “Тилнинг фразеологик таркиби – бу лингвокультурал жамоанинг миллий ўзига хослигини аниқлайдиган кўзгудир. (Телия, 1996:104). Дарҳақиқат, бу халқлар оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш орқали психолингвистика, этнолингвистика, социолингвистика, лингвокуль- турология ва когнитолингвистика соҳалари учун етарлича манбаларга эга бўлиш мумкин. Масалан: Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида «*Ўкуз азақи бўлгинча, бузағу баши бўлса йик*» (Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхши) мақоли бор. Мақолда “*ўкуз азақи бўлгинча*” (хўкизнинг оёғи бўлгунча) ва “*бузағу баши бўлса йик*” (бузоқнинг боши бўлган яхши) қисмлари бир-бирига нисбатан антитеза шаклида бирикиб, вазифадошлик (функционал) йўли асосида пайдо бўлган. Маъноларидан бири: “*ўкуз азақи бўлгинча*” катта корхонанинг оддий ишчиси бўлгунча, “*бузағу баши бўлса йик*” кичик корхонанинг раҳбари бўлиш яхши, шунга ўхшаш маъноларни келтириш мумкин, умуман, «мустақиллик - бўйсунидан яхши» деган маънода қўлланади. (Қошғарий, 1963:112). Ёки

«*Тавғач ханнинг тўркуси телим, тенгламазиб бичмас*» (Қорахитой хоқонининг ипак газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди). Бу мақол метонимия йўли асосида юзага келган, *тўркуси телим*, яъни *газмоли* – бойликларидан бири; улар *тенгламазиб бичмас* – ўлчанмай, аниқланмай сарфланмайди. Бунда ишни бошида пухта ўйлаш, эҳтиёткор бўлишга ундаб ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик уқтирилган. (Қошғарий, 1963:110). Тожик тилида “*Бе пир марав ту дар амонӣ, ҳарчанд Искандари замонӣ*” (Сен қанчалик кучли, бақувват ва доно бўлсанг ҳам, тажрибали кексалар маслахатисиз, раҳбарисиз бирор ишни бошлама). (Калонтаров, 1989:216). Бу мақол метонимия йўли билан *пир* сўзи *ота*, *кекса*, *раҳбар* сўзларини қайта номлаш асосида пайдо бўлган. Ёки “*Ба ҷойгаҳи худ нигоҳ карда, пой дароз кун!*” (Кўрпангга қараб оёқ узат), яъни ҳар ким ўз молиявий шароитга қараб иш қилиши, ортиқча исрофгарчиликдан сақланиши айтилади. Мақолда *ҷойгаҳ* – *кўрна* луғавий бирлиги кишини ёмон кунлардан асровчи нарса маъносида келган, синегдоха йўли билан ҳосил бўлган. (Фозилов, 1975:200).

Парема ва фраземаларда лисоний бирликларнинг ифода ва мазмун жабҳалари номутаносибликка асосланади. Фраземанинг ифода жабҳаси, унинг мазмун жабҳасига қараганда, мураккаброқдир. (Бердиалиев, Хидиров, 2013:123). Масалан, *Кампирнинг дарди – ғўза* лисоний бирлигини олайлик. Бу - фразема, яъни фразеологик ибора, грамматик шаклланган уч лексемадан *кампирнинг, дарди, ғўзадан* тузилган. Бироқ шу ибора таркибида улардан бирортаси ўз номинатив (луғавий) маъносини сақлаган эмас, *мақсад* деган маънога эга. Грамматик жиҳатдан шаклланган бу уч лексема ўзаро семантик боғланишга мутлақо эга бўлмаган *мақсад* маъносидаги семемага тенглашган. Бу фразеологик бирликнинг тожикча кўринишида – *Дарди кампир ғўза* ўзбек тилида юзага келган ҳодиса сингари уч лексема ўзаро бирикиб, умумтилда *мақсад* луғавий маъно ифодаси учун расмийлашган: *Кампирнинг дарди– ғўза - Дарди кампир ғўза*, яъни ҳар ким ўз мақсадига эга.

Оддий кўринишдаги фаземаларнинг ҳам маънолари анча бўлади, чунки иборалар ҳаммаси мажозий маъноларда қўлланади, шунинг учун ҳам фраземаларда *бир маъноли* ва *кўп маъноли* атамалари қўлланмайди. Масалан: *осмон билан ерча* фраземасини олиб кўрадиган бўлсак - ниҳоят баланд нарса; жуда катта нарса кўплаб маъноларини кўрсатиш мумкин.

Фраземаларда омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари ва бошқа кўринишлари анча кўп. Масалан: омонимия ўзб. *гапга солмоқ* – 1) *яхши гап билан йўлга солмоқ*; 2) *гап билан банд қилмоқ*; 3) *тилга кирмоқ*; 4) *рози қилмоқ*; 5) *турли саволлар бериб билиб олмоқ* ва б.; тож. *ба гап андохтан* – 1) *бо гапи хуб ба роҳ андохтан*; 2) *ба гуфтугў даровардан*; 3) *бо гап банд кардан*; 4) *забонаширо гўё кардан*; 5) *саволҳои гуногун дода фаҳмида гирифтан* ва б.; 2) синонимия ўзб. *гап саллада эмас, гап каллада* – *ақл бўйда эмас, ақл ўйда*; *аҳмоқ ўзи сўзлаб, ўзи кулар* – *аҳмоқ ўзин билдирар, тўгарагин кулдирар*; тож. *бо як тир ду нишон задан* – *аз ду чашма обнўш шуда мондан*; *гап паррандон* –

луқма додан; 3) антонимия ўзб. *киши юртида шох бўлгунча*, ўз юртингда гадо бўл; *элга қўшилган мой ютар*, элдан айрилган қон ютар; тож. *дар чавонӣ мастӣ*, *дар пирӣ сустӣ*; *дар ҳар зараре*, *нафъе ҳаст*. (Калонтаров, 1989:348).

Парема ва фраземаларнинг семантик доирасида юзага келган ўзгаришлар, омонимия, синонимия, антонимия ва бошқа ҳодисаларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаби, мажозий маъноларининг кўплигидадир. Албатта, бу маъноларнинг бир қисми маълум вақт ичида нутқда сусайиб, бошқа янги маънолар касб этиши ёки қайта эски маъноларининг тикланиши каби ҳодисаларга ҳам учрайди.

Хулоса, бугунги кунда ўзбек ва тожик тилларининг парема ва фраземалари қамрови ҳодисаларини кўпроқ тадқиқ этиш, турли тизимдаги тиллар билан алоқаларни изчил ўрганишимиз замон талаби деб ўйлайман.

Адабиётлар

1. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. -Хўжанд, 2013. -150 б.
2. Калонтаров Я.И. Мудрость трех народов. Панду ҳикматҳои се халқ. Уч халқнинг ҳикматлари. -Душанбе: Адиб, 1989.-432 б.
3. Қошғарий Маҳмуд. Девону луғатит турк. Том 2., -Тошкент, 1963.-427 б.
4. Маслова В.А. Лингвокультурология: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. 2-е изд., стереотип. -М.: Издат. Центр Академия, 2004.-272 с.
5. Телия В.Н. Русская фразеология (Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты). -М., 1996. -226 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдлик, А.Мадвалиев таҳрири остида. -Тошкент, 2006-2008.
7. Ўзбек халқ мақоллари. Тўплам. Кўп томлик. -Тошкент, 1989. -512 б.
8. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Тошкент, 1985.-145б.
9. Фаҳанги забони тоҷикӣ. II ҷил, зери таҳ. С. Назарзода ва ғ.-Душанбе, 2008.
10. Фозилов М. Фарҳанги зарбулмасал, мақол ва афоризмҳои тоҷикию форсӣ. -Душанбе: Ирфон, 1976.-368 с.

Хамдамова Х., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ОНА ТИЛИ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Она тилимиз мансуб бўлган туркий тиллар оиласига 30 дан зиёд тил киради ва уларда Ер юзида 250 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Олимларнинг фикрича, бугун туркий тиллар орасида фақат олтита тилнинг ҳолати барқарор деб баҳоланган. Булар давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз тилларидир.

Тарихга назар ташласак, асрлар, даврлар ўтиши билан кўплаб тиллар истеъмолдан чиқиб, “ўлик тил”га айланганини кўрамиз. Лотин, оромий, қадимги юнон, сурёний, кельт, шумер, аккад, хетт тиллари... Улар қатори бир пайтлар юртимиз ҳудудида муомалада бўлган қадимги хоразмий, сўғд,

бохтарий (бактрий) тилларини ҳам келтириш мумкин. Турли босқинлар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, авлодлар, дин ва мафкуралар алмашуви сингари омиллар тилларнинг тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этаётир. Ҳар йили ўнлаб тиллар муомаладан чиқиб, “мархум”лар рўйхатига тиркалмоқда.

Чиндан тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ёмон эмас. Дунё миқёсида ўзбек тилида гаплашувчиларнинг умумий сони 50 миллионга етади. Википедия маълумотларига таянсақ, ўзбек тили сўзлашувчилар сони бўйича дунёда 27-ўринда туради. Агар дунёда 7000 га яқин тил ва лаҳжа мавжудлигини эътиборга олсак, бу ёмон кўрсаткич эмас.

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилди. Ва қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда 21 октябрь ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди.

Тил миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси, кўзгуси ҳамдир. Шу сабаб ҳам “Тил бойлиги – эл бойлиги” дейишади. Тилни асраш, авайлаш, бойитиш, мазмунли сўзлаш ҳар бир инсоннинг бурчи, вазифаси ҳисобланади. Қадимда элчиларнинг тилига, гапириш оҳангига разм солиб, халқининг маданияти, дини ва урф одатларигача илғаб олишган. Адиблардан бири: “Тил – миллатнинг юрагидир” деган эди.

Ўзбек тили Мавлоно Лутфий, Ҳазрат Алишер Навоий, Бобур мирзолардан то шу кунларгача машаққатли ва олис йўлни босиб ўтди. Аждодларимиз, олимларимиз асрлар давомида ўзбек тилининг давлат тили бўлишини орзу қилишди, яратганга беҳисоб шукрки бундай неъмат билан Аллоҳ бизни сийлаб қўйди. Ҳолбуки, ҳамма тилни хурматлаш одобини нутқ маданиятини ўрганиш ҳар биримиз учун зарур омил ҳисобланади. Зеро, оғзаки нутқ маданиятини билиш, ўрганиш, тилга хурмат - элга хурмат маъносида ҳам юксак фазилат ҳисобланади. Ҳазрат Навоий айтганларидек: Тилга эътибор – элга эътибор.

Сўзимиз интиҳосида шоир Аваз Ўтарнинг қўйидаги мисраларини айтиб ўтишни жоиз деб билдик:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,

Тил воситаи робитаи оламиёнду.

Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,

Ким илму хунарлар билонки ондин аёнду.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг, фоида кондур.
Илму фан уйиға юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.
Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин они бағри тўла қондур

Ўзбек тили XI асрдан мустақил тил сифатида шакллана бошлаган ва XIX асрда умумий халқ Ўзбек адабий тили вужудга келган. Ўзбек тили бизнинг Ўзбек миллатимизни ватанимизни, жонажон Ўзбекистонимизни кўрки, ифтихори, бойлиги ва шу жумладан она тилимиздир. Биз шундай Ўзбек тилимизнинг борлигидан қанчалик фахирлансак ҳам оздир чунки Ўзбек тилимизнинг пайдо бўлиши жуда узок йиларга бориб тақалади. Ўзбек адабий тилининг ривожланишда Алишер Навойининг хизмати жуда катта Навойий ўзининг бадий ва илмий асарларда Ўзбек тили бой тиллардан бири эканлигини амалий исботлаб: назарий асослаб берган. Алишер Навойий Ўзбек тилида ажойиб бадий асарлар ёзган. Тил масалаларида бошланган «Муҳокамат – уллуғатайн» номи умумий асарлар ёзган. Бизнинг Ўзбек тилимиз 1989 йили 21 октябрда « Давлат тили » деб эълон қилинган. Бизнинг давлат тилимиз яни, Ўзбек тилимиз асирлар оша ўзининг нуфузини ҳеч қачон йўқотмайди чунки Ўзбек тилимизда нафақат Ўзбеклар, балки бошқа миллат халқлари ҳам фойдаланишади.

Сен тилни шарафла , ел учун номус бил,
Тарихни тавоф айла , буюк қомус бил.
Бу кухна дунёни сен китоб билма фақат,
Йуларни ёритгувчи гузал фонус бил.

Ха, биз тилимизни шарафлаб уни кукларга кўтариб мукамал ўрганишимиз даркор. Чунки биз келажак авлодга бизнинг Алишер Навойидек буюк боболаримиз биз ёшларни ўргансин, хунарли бўлсин, деб курашганлар.

Хар тилни билув эмди бани одамжондир,
Тил вастаю , рабита-ю оламиёндир,
Гайри тилни сайир этинг билгани ёшлар,
Ким илму хунарлар ривожин андин аёндир,
Лозимсиз-а хар тилни билув она тилдек .
Билмока ани ғайрат этинг фойдаий кундир,
Илми фан уйиға юборингиз болангизни,
Анда ўқиганлар бори яктайий замондир.

Айтиш мумкинки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили, маданияти ва қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк, эҳтимолки, бирламчи бойлиги бор. Бу – унинг тили. Айнан тил одамлар

гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, яъни халқни – халқ, миллатни – миллат қилади.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, «Кўнгил қулфи махранинг қулфи тил ва гулфин калитин сўз бил». Яъни, инсон қалбининг хазинаси тил, бу қалб хазинасининг калити сўздир. Ўзбек тилининг сўзлари шу қадар маъноли, бойки, битта маънога эга бўлган тушунчани, бир неча сўзлар орқали ифодалаш мумкин. Масалан, биргина кўз сўзининг бир неча маънолари бор. Биламизки бир тушунчага тегишли сўз, бир неча сўзлар билан ифодаланса, яъни синоним сўзлари қанчалик кўп бўлса, айти шу тил бой тил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида инсоният олдида турган энг муҳим масалалар хусусида ўзбек тилида нутқ сўзлагани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида яна бир қадам бўлди. Зотан, она тили – миллатнинг руҳи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидларнинг намунаси.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон учун унинг ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик қадрли бўлса, унинг она тили ҳам шу қадар азиз ва муқаддас бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз».

Олимлар инсоният тарихида 9000 мингдан ортиқ тил йўқ бўлиб кетганини айтишади. Нафақат босиб олинган ҳудудлардаги халқларнинг тиллари, балки фотиҳларнинг тиллари ҳам йўқолиб кетгани тарихдан маълум. Бу борада қадимги юнон, оромий, лотин, санскрит, ведий, асурий, қадимги форс тилларини мисол сифатида келтириш мумкин. ЮНЕСКО мутахассислари ўлиб ва йўқолиб бораётган тилларни қутқариб қолиш мумкинлигини айтишади. Мисол тариқасида ўтган асрнинг 80 йилларида атиги 8 киши сўзлашган Япониянинг Хоккайдо оролидаги айн тилини келтириш мумкин. Бугунги кунда тикланган бу тилда бир неча минг киши гаплашмоқда. Икки минг йил давомида ўлик тил ҳисобланиб келинган иврит тили ҳам қайта истеъмолга киритилди. Бугунги кунда иврит тилида 9 миллион киши суҳбатлашади.

Қачонки болалар ўз она тилларида ўқишни тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки, халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1990.
3. Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. - Т.: Фан, 1981.
4. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.
6. Кодухов В.И. Общее языкознание. - М., 2009.

Чумъаи ҚАМОЛ, омўзгор
(Ўзбекистон)

ТАҒЙИРОТҲОИ САВТИИ ВОЖАҲОИ ТОЧИКӢ ДАР ЗАБОНИ ЎЗБЕКӢ

Таърихи забони ўзбекӣ, ки мансуби оилаи забонҳои туркист, ба сарнавишти дурударози халқамон, ба орзуву ҳавас, дарду армон, зафар ва муваффақиятҳояш саҳт алоқаманд аст.

Ш. Мирзиёев.

Таърихи таҳаввулоти забонҳои дунё ба таърихи соҳибзабонон саҳт пайванд аст. Пӯшида нест, ки забони форсии тоҷикӣ аз забонҳои авастоию паҳлавиву суғдӣ сарчашма мегирад ва дарозии қарнҳои зиёд то кунун якҷанд марҳалаи рушдро аз сар гузаронидааст. Ҳар як марҳалаи рушди забон аз бақову пайдорӣ, паҳноии домангустарӣ ва мавриди истифодаи умум қарор гирифтани забони форсӣ гувоҳӣ медиҳад ва ин боис ба забонҳои ақвоми дигар низ бетаъсир намондааст. Арабҳо зимни истилои ҳеш тавонистанд дини мардумро дигар кунанд, исломро қорӣ намоянд, аммо натавонистанд мардуми таҳҷоиро арабзабон гардонанд. Чунки ниёгонамон ҳам хувиат ва асолату ғурури миллии ҳешро қабл аз ҳама дар тозагӣ ва пайдории забон дидаанд ва онро чун гавҳари чашм ҳифз кардаву то ба мо расондаанд. Ба сифати забони расмии давлати Сомониён қабул шудани забони форсии тоҷикӣ, имрӯз ҳам аҳамияти иҷтимоии ҳешро гум накардааст ва таъсиру нуфузи ин забонро дар забони гуфтугӯиву адабии мардумоне, ки тӯли садаҳои зиёд дар ҳамбастагӣ бо мардуми форсизабон иқомат доштанд, дидан мумкин аст. Таъсири як забон ба забони дигар, пеш аз ҳама, дар иқтибоси калимаҳо ва бо истифода аз он бо созаҳои забони ҳеш сохтани вожаҳои нав низ падида меояд.

Мардуми тоҷику ўзбек асрҳои зиёдест, ки ҳаёти тавҷам доранд ва ин муштаракии зиндагӣ дар забони ин ду халқ ҳам акси худро ёфтааст. Забони ўзбекӣ, ки яке аз шохаҳои забони туркӣ мебошад, аз забони қадимаи ҳеш сарчашма мегирад ва Шоири халқии Ўзбекистон, Қаҳрамони Ўзбекистон Эркин Воҳидов таъкид менамояд, ки халқи ўзбек аз забони арабӣ ва форсӣ баҳраманда гардида, ҳеч чизро набохтааст ва "...ба онҳо муборизаи хӯфиёна бурда, худамон хароб шудем... Забони ўзбекӣ аз се дарё об нӯшидааст. Истилоҳоти динӣ, илмӣ, иҷтимоӣ - асосан аз забони арабӣ, номи асбобҳои корӣ, вожаҳои ифодакунандаи ҳунармандиву каломи дорои услуби баланди шеърӣ - аз забони форсӣ, вожаҳои ифодакунандаи ҳаракат бошад - асосан аз забони туркист. Аксари калимоти ўзбекӣ, арабӣ ва форсӣ дар забонамон баробар мавриди истифода қарор доранд... Оллоҳ (арабӣ), Худо (форсӣ), тенгриӣ (туркӣ), қалб (арабӣ), дил (форсӣ), юрак (туркӣ)..." (Э.Воҳидов, 2018).

Дар ҳақиқат, таркиби луғавии забони ўзбекӣ хеле рангин аст ва ин забон ҳам якҷанд марҳалаҳои рушди худро аз сар гузаронда, аз якҷанд сарчашмаҳое, ки зикрашон дар боло рафт, баҳраманда гардида, дар таркиби луғавӣ ва захираи асосии худ бисёр калимаҳои форсии тоҷикиро ба сифати калимаҳои иқтибосӣ қабул намуда, онро имрӯзҳо ҳам ба таври васеъ мавриди истифода қарор додаанд, ки чанде аз онро ин ҷо баррасӣ менамоем.

Ҳар забон махсусиятҳои савтии хос дорад, ки соҳибзабонон онро, пеш аз ҳама, аз модар меомӯзанд. Ашхосе, ки бо ду ва ё зиёда забон имкони гуфтугӯ карданро дорад, инро ба зудӣ эҳсос мекунад. Дар ҳодисаҳои савтӣ тавлиди овозҳои садоноку ҳамсадо, ҷойивазкунӣ (метатеза), монандшавӣ (ассимилятсия), дуршавӣ (диссимилятсия), афзоиш, коҳиш, бадалшавӣ, таҳфиф, афтодан ва ихтисоршавии овозҳо мақоми махсусро соҳибанд, ки хусусиятҳои савтии ҳар забонро муайян мекунад. Вақте кас бо забони ғайр гуфтугӯ кардан мехоҳад, баъзе махсусиятҳои овозии он забонро риоя карда наметавонад ва беихтиёр онро ба хусусиятҳои овозии забони модарии ҳеш мувофиқ намуда, талаффуз мекунад, ки дар натиҷа базарда ва ё иҷборан талаффуз кардан (аксент) ба мушоҳида мерасад. Ҳамин гуна ҳодисаҳои овозӣ дар вожаҳое, ки аз забони тоҷикӣ ва ё арабӣ ба забони ўзбекӣ чун калимаҳои вомӣ гузаштаанд, хеле зиёд ба чашм мерасанд. Сабаби ба тағйироти савтӣ дучор омадани вожаҳои тоҷикӣ дар забони ўзбекӣ пеш аз ҳама дар он аст, ки тавассути тағйир додани овозҳои садонок ва ё ҳамсадоҳо ҳамнишинии овозҳо аз ҷиҳати савтӣ таъмин шудаанд ва онро пойгоҳи талаффузи ўзбекӣ номидан мумкин аст, зеро тадричан "талаффузи номуназзами овозҳои ҷудогона ба талаффузи муназзаму мураттаби системаи муайяни овозҳо табдил ёфта, мустаҳкам мегардад. Аз ҳамин рӯ, бо вучуди умумияти сохти физиологии узвҳои нутқи ирқҳои гуногун, ҳар як халқ дастгоҳи овозсозии ба худ хос дорад ва бо хусусиятҳои хоси худ аз забонҳои дигар фарқ мекунад" (Т. Н. Хаскашев, 1989).

Сабаби дигар ин аст, ки вожаҳои тоҷикии лаҳҷавӣ пеш аз ҳама байни мардумони таҳҷоиву ҳамсоияи ду халқу миллат дар муомилот васеъ истифода

гардида, батадрич доман паҳн кардаанд ва ҳамон шакли шевагӣ оҳиста-оҳиста ба забони адабии ўзбекӣ роҳ ёфтааст. Табдили фонемаҳои вожаҳои тоҷикӣ ҳам дар овозҳои садонок ва ҳам овозҳои ҳамсадо дар забони ўзбекӣ мустаъмал шуда, шакли ассимилятсионии калимаҳои амбор, замбар, замбӯр, шамбе ва монанди инҳо қабул гардидаанд, ки дар шаклҳои анбор, занбар, занбӯр, шанбе дар забони адабии тоҷикӣ маъмул мебошанд. Ҳодисаҳои ба диссимилятсия дучоргардии калимаҳои тоҷикии пӯстлох-пӯстлок, чароғ-чироқро низ дидан мумкин аст. Сабаби ба табдил, афзоиш, коҳиш ва ихтисор дучоршавии овозҳои вожаҳои тоҷикӣ дар забони ўзбекӣ, пеш аз ҳама, ба душвории талаффузи ин вожаҳо дучор омадани ўзбекон мебошад ва ё роҳи осони баёни онро қобили қабул ҳисобидаанд ва ба истиснои баъзе ҳолатҳо, ҳамон гунае ки талаффуз мешавад, дар хат низ ҳамон тавр акс меёбад. Масалан, дар забони ўзбекӣ овози “**ч**” вучуд дошта бошад ҳам, ҳамаи вожаҳои, ки дар таркибашон ин овоз аст, бо ҳарфи “**ж**” навишта машаванд, чунончӣ: авч-авж, бачо-бажо, гач-гаж, ганч-ганж, панча-панжа, чӯра-жӯра, чав-жав, чавоб-жавоб, чойдорӣ-жайдари, чамбият-жамият, чафо-жафо, занҷир-занҷир, чаннат-жаннат, чигар-жигар, чилва-жилва, чаҳон-жаҳон, чиннӣ-жинни, чодугар-жодугар, чозибача-жозибача, чавон-жувон, чуфт-жуфт, чӯча-жӯжа, чӯйбор-жӯйвор, тоҷ-тож, тороч-тороҷ ва амсоли инҳо.

Дар хусуси мавҷудияти овози “**ф**” дар забони ўзбекӣ дар гузашта ва имрӯз ҳам баҳсҳои домнадоре ба вуқӯъ меояд ва яке аз муҳаққиқони ин соҳа М. Т. Зокиров муътақид бар он аст, ки “...ба пайдо шудани “**Ф**” дар сохтори фонемаҳои забони ўзбекӣ таъсири забони арабиву форсӣ ва вожаҳои вомие, ки дар таркибашон овози “**ф**” доранд, сабаб гардида бошад ҳам, “**ф**”-и таҳти таъсири русҳо ва арабҳову форсҳо эҳёшуда аз ҳам тафовут доранд” (А.Бердиалиев, М.Т. Зокиров, 2018). Гарчанде ин овоз дар лафзи гуфториву хаттии забони кунунии ўзбекӣ мавриди истифода қарор дошта бошад ҳам, дар баъзе калимаҳои вомии тоҷикӣ табдили ин овоз ба овози **пе** ба мушоҳида мерасад, чунончӣ: кафтар-каптар, кафгир-капгир, рафида-рапида, тафт-тапт, чархфалак-чархпалак, чорсӯфа-чорсуна, қаламфургул-қалампиргул, фалахмон-палахмон ва ғ.

Роҷеъ ба табдили овози **а** ба **о** ва **о** ба **а** ҳам мунозираҳои хеле афзудааст ва чуноне дар мақолаи “Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири” (М.Т. Зокиров, С.М. Қурбонова, 2019) муаллифон ёдовар мешаванд, зимни таъсири забони тоҷикиро ба системаи савтии забони ўзбекӣ аз назар гузаронидан, қабл аз ҳама дар забони ўзбекӣ ба масъалаи фонемаи “**о**” таваҷҷӯҳ зоҳир мегардад. Ин муаммоест, ки дар баҳши туркология боиси баҳсу мунозираҳои зиёде гардида, пайдоиши ҳодисаи “**о**”-шавиро забоншиносон аз ҳар манбаъ чустаанд... Як гурӯҳи олимон (Е. Д. Поливанов) пайдоиши фонемаи “**о**”-ро таҳти таъсири забони тоҷикӣ медонад. Гурӯҳи дигар (А.К.Боровков, Ҳ. Неъматов, Ш. Шоабдурахмонов) мувофиқ ба қонуниятҳои сохтори савтии забони ўзбекӣ меҳисобад ва гурӯҳи савум бошад (А.М.Шчербак, М. М.

Мирзаев), афкори ин ду гурӯҳро муттаҳид намуда, ба далелҳои раднопазир собит менамоянд, ки дар ин чараён омилҳои дохилу беруна таъсир расонида, дар баъзе шеваҳои таҳти таъсири забони тоҷикӣ (Самарқанд, Бухоро, Қаршӣ, Шаҳрисабз) ҳодисаи ба “о” мубаддалшавӣ “а” ба мушоҳида расад, дар баъзе шеваҳои, ки умуман таҳти таъсири забони тоҷикӣ набудаанд (Тошканд, Фарғона), овози “о” ташаккули позитсионӣ дорад.

Муаллифони мақолаи мазкур ба фикри гурӯҳи сеюм таъя мекунанд ва мо низ онро қобили қабул донем ҳам, ба делеле, ки Тошканду Фарғона аз таъсири забони тоҷикӣ берун бадааст, розӣ шуда наметавонем. Чунин ҳодиса натавон дар калимаҳои ўзбекӣ, балки дар калимаҳои аз забони тоҷикӣ ба ўзбекӣ вомишуда низ хеле зиёданд: андоза-андаза, воҳима-вахима, донак-данак, дандона-дандана, пешона-пешана, думғоза-думғаз, дўлона-дўлана, дона-дана, зормонда-зорманда, марворид-марварид, тароша-тараша, тағора-тағара, хозонак-хазонак, хориш-хариш, хошок-хашак, якто-якта, ҳангома- ҳангама, чорво-чорва, шаббода-шабада, шўрдонак-шўрдонак, корвон-карвон, яхмолак-яхмолак, угро-угра, тилло-тилла, ҳиногул-ҳинагул, ягона-яғана, ногаҳон-ногоҳон, оҳар-оҳор, покдоман-покдомон, қоғаз-қоғоз, шалвар-шалвор, шалғам-шолғом, кавш-ковш, хирман-хирмон ва ғ.

Ёдовар шудан бамаврид аст, ки “...имрӯзҳо ҳам дар забони тоҷикӣ ва ҳам дар забони ўзбекӣ системаи садонокҳо аз 6 фонема иборатанд. Таҳти таъсири забони тоҷикӣ фонемаҳои садонокӣ забони адабии ўзбек ихтисор шуда, ба шаш адад расидааст. Дар ин система фарқ танҳо дар фонемаи **й** дида мешавад. Фонемаҳои садонок дар ҳар ду забон ҳам вобаста ба се хусусият: иштироки лабҳо, дараҷаи ковокии даҳон ва ҳаракати амудиву уфуқии забон тасниф мегарданд” (А. Бердиалиев, М.Т. Зокиров, 2018). Як гурӯҳ калимаҳои вомии тоҷикӣ, ки дар таркибашон овози **е** доранд дар забони ўзбекӣ ба **и** табил ёфтааст ва овози **й**-и тоҷикӣ, ки танҳо дар охири калимаҳо воқеъ мешавад, бо овози **и-и** оддӣ ва **ё** бо иловаи фонемаи **й** ифода мегардад: абрешим-абришим, аламангез-аламангиз, андеша-андиша, умед-умид, гирех-гирих, говмеш-говмиш, дарег-дариғ, даҳлез-даҳлиз, омехта-омихта, теғ-тиғ, фиреб-фириб, ҳамеша-ҳамиша, парешон-паришон, челонгар-чилангар, шабехун-шабихун, шамшер-шамшир, неш-ниш, нештар-ништар, мех-мих, Берунӣ-Берунӣ, Навоӣ-Навоӣ, деворӣ-деворӣ, намунавӣ-намунавӣ, кошкӣ-кошки, гулихайрӣ-гулихайри, яғоначӣ-яғаначи, даҳонакӣ-даҳанаки, хомакӣ-хамаки ва ғ.

Табдили фонемаи **у** ба **и** дар калимаҳои: бунафша-бинафша, гармдору-гармдори, дорухона-дорихона, кокул-кокил, кофтуков-кофтиков, нозук-нозик, тарозу-тарози ва амсоли инҳо. Чунин ҳодисаи савтӣ дар аксари ҳолат дар мобайну охири калимаҳо ба вуқӯъ паваста, табдили фонемаи **б** ба **в** дар калимаҳои: бойбачча-бойвачча, зирбак-зирвак, калоба-калава, лаблабӯ-лавлави, мошоба-мошова, набот-наввот, обтоба-обтова, поиноб-понов, чарбу-чарви, чилбур-чилвир, шўрбо-шўрва, аробакаш-аравакаш, баробар-баравар ва

ғайра хеле зиёд ба чашм бармехўранд. Чунин ҳодисаро дар худди забони тоҷикӣ ва баъзе шеваҳои он низ дидан мумкин аст, масалан: **гўрқоб-гўрқов**, **себ-сев**, **лаб-лав**, **об-ов**, **шабона-шавона** ва ғ. Ҳодисаҳои табдили дигар овозҳои садонок нисбати калимаҳои мазкур камтар ба мушоҳида мерасанд, чунончи дар калимаҳои: **шинос-шунос**, **бародар-биродар**, **тиркаш-таркаш**, **фирўз-ферўз**, **боб-боп**, **туб-туп**, **турб-турп**, **хуб-хуп**, **ҳасиб-ҳасип**, **мичча-мичча**, **таксинч-тагсинч**, **гурунч-гурунч**, **дурўя-дурая**, **пўстлох-пўстлоқ**, **тахмон-тахмон**, **тагдор-тегдор**, **шанбе-шамба** ва ғ. Дар аксар вожаҳо яке аз овозҳо дучори тағйироти савтӣ гардида бошад, дар баъзе вожаҳо ду овози як вожа баробар ба тағйирот дучор омадаанд: **пўлод-пўлат**, **чароғ-чиноқ**, **ғалбер-ғалвир**, **мўйлаб-мўйлов** ва ғ.

Афзоиши овози “й” дар калимаҳои озмоиш-озмоиш, дидагирён-дийдагирён, дидор-дийдор, намоиш-намоиш, формоиш-фармоиш, худоихона-худоихона, шайдой-шайдойи, шоҳӣ-шо(ҳ)ӣи, шўрида-шўрида, зиннат-зийнат, тин-тийин, тирак-тийрак ва ғайра мувофиқ ба меъёрҳои талаффузи забони тоҷикӣ бошад ҳам, дар хат инъикос намеёбад, аммо дар навиштори ўзбекӣ инъикос мегардад. Дар калимаҳои захр-заҳар, кавш-кавуш, мағз-мағиз, тухм-тухум, турш-туруш, чатр-чатир, шармсор-шармисор, шаҳр-шаҳар, ҳазл-ҳазил ва амсоли инҳо асосан дар ҳиҷои охир байни ду ҳамсадо як овозҳои садонок афзуда шудааст, ки ин яке аз хусусиятҳои хоси савтиёти забони ўзбекӣ буда, барояшон тарзи талаффузро осон мегардад.

Афтодани овози ҳамсадо ва садонокҳо аз ҳодисаҳои воқеии савтӣ маҳсуб ёфта, инро дар калимаҳои газанд-газан, гиёҳ-гиё, дамдузд-дамдуз, одамизод-одамзод, нимдошт-нимдош, ҳалқаб-ҳалқоб, чукбурон-чуқурон, шоҳкоса-шокоса, шахтут-шотут, ҳарифона-ҳалфана ва ғайраҳо дидан мумкин аст. Ҳамсадои ҳалқии **ъ**, ки хоси забони арабист, дар бисёр мавридҳо дар забони ўзбекӣ ҳам истисно мешаванд, ба мисли: **фаъол-фаол**, **таърих-тарих**, **ҷумъа-жума**, **ҷамъи-жами** ва ғ. Суоле ба миён омаданаш мумкин аст, ки ҳангоми афтодани овоз таркиби решагии вожа ноқис мегардад, масалан дар калимаҳои гиё, газан, шокоса ва ғайра. Ё худ калимаи сохтаи “бача+гона”-ро, ки дар шакли “бачкана” дар забони ўзбекӣ хеле маъмул аст. Бо чунин тағйироти савтӣ ба забони адабии ўзбекӣ ин калимаҳои вомгардида чун калимаҳои решагӣ қабул шудаанд ва вожаи шокоса, шотут, бачкана ва монанди инҳо чун калимаҳои соддаи якрешагӣ маҳсуб мегарданд.

Иқтибоси калимаҳои забони тоҷикӣ дар забони ўзбекӣ марҳилаи дурударози таърихро фарогир аст ва тағйиротҳои савтии он ҳам сараввал дар шеваҳои ўзбекӣ ба вуқӯъ пайваста, ба тадриҷ ба таркиби луғавӣ ва фонди асосии забони ўзбекӣ ворид шуда, дар забони адабии кулассикӣ ва муосири ўзбекӣ мустаъмал гардидаанд. Ба мақоми давлатӣ соҳибгардидани қабул шудани “Қонун дар бораи забони давлатӣ” барои рушди минбаъдаи забони ўзбекӣ дар ҳудуди Республикаи Ўзбекистон ва берун аз он имкониятҳои мусоидеро фароҳам овард, ки соҳибзабонон аз таърихи забони хеш, ки заминаи

асосӣ ва сарчашмаи муҳими забони адабии муосир маҳсуб меёбаду ифтихори милии халқи Ўзбекистон мебошад, ҳарчӣ бештар баҳрабардорӣ намоянд, онро чун аслияту хувият ва арзиши миллӣ пос доранд. Осори адибону уламои пешин дар нусхаи асл манзури хонандагон гардад, луғатҳои тафсириву шарҳҳо ба осори гузаштагон бештар офарида шавад, заминаи гусастаи иртиботи забони тоҷикиву ўзбекӣ аз нав пайванд гардад ва дар пайвастагӣ ба ҷомеаи ҷаҳонӣ омӯзиши забонҳои дигари хоричӣ низ афзояд. Ҳамин нуктаҳо дар нутқи Президенти мамлакат мӯҳтарам Ш. Мирзиёев дар 30-солагии ба мақоми давлатӣ соҳиб шудани забони ўзбекӣ таъкид ёфтаанд ва ёдовар шудан ба маврид аст, ки бе надониستاني таърихи забони милливу заминаҳои инкишофи он таъмини рушди минбаъдаи забон ғайриимкон аст ва забоне, ки ғизо аз решаи аслии намегирад, рӯ ба завол меоварад.

Адабиётҳо

1. М. Т. Зокиров, С.М. Қурбонова, “Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро фонетик таъсири”.
2. А. Бердиалиев, М.Т. Зокиров, “Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари”, Фарғона, 2018
3. З. Қурғонов, “Забони адабии ҳозираи тоҷик (овошиносӣ)”, Хучанд, Ношир, 2016
4. “Забони адабии ҳозираи тоҷик. Фонетика”, Душанбе, “ЭР-граф”, 2017
5. Т. Н. Хаскашев, “Фонетикаи забони адабии тоҷик”, Душанбе, Маориф, 1989.
6. “Забони адабии ҳозираи тоҷик, қисми 1”, Душанбе, Ирфон, 1973
7. Э. Воҳидов, “Сўз латофати”, Тошкент, “Ўзбекистон, 2018.
8. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, иборат аз 5 ҷилд, Тошкент, 2008

*Шокиров Т., профессор
(Тоҷикистон)*

ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ СООТНОШЕНИЕ И ВЗАИМОСВЯЗЬ ПОНЯТИЙ «СЛОВО», «ТЕРМИН» И «ТЕРМИНОЛОГИЯ» (НА ПРИМЕРЕ ГЕОЛОГО - МИНЕРАЛОГИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В ТАДЖИКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКОВ)

Язык являясь одним из важнейших компонентов науки, постоянно совершенствуется и развивается. Однако в настоящее время язык многих отраслей науки, из-за неразвитости логической части недостаточно формализован [5, с.75].

В исследовании терминов, в частности, структурно-семантических особенностей термина таджикской и английской отраслевой терминологии,

особое внимание уделяется понятиям слово (калима) и термин (истилоҳ), в том числе, соотношению, имеющемуся между словом и термином, и их значению.

Слово является одним из основных структурных единиц языка. Оно используется для того, чтобы давать предметам наименование, характеризовать и описывать их качества. В том числе слово используется для наименования понятий, которые созданы человеческим воображением.

Слово — это аксиома лингвистики и ее основа. С точки зрения науки, данная языковая единица считается очень сложным понятием. Языковедами проделана огромная работа, чтобы раскрыть всю его суть [5, с. 8]. Естественно, слово имеет свои основные признаки. Среди них следует, в первую очередь, выделить графические признаки, то есть «если в одном слове поменять даже одну букву», то весь его смысл может поменяться. Наряду с этим необходимо обратить внимание на фонетические признаки, т. е. звучание и ударение слова, тоже несёт в себе его значение, синтаксические признаки, когда одно слово может быть предложением и нести некий определённый смысл, а может быть составляющей предложения и передавать определённую информацию. Существуют и другие признаки слова, которые отвечают за его смысл, значение и логические особенности в составе предложения. Следовательно, слова могут иметь свою классификацию по значению, употреблению и происхождению. Они могут иметь грамматическое и лексическое значение. Многие языковые явления, такие как синонимия, антонимия, омонимия, паронимия и другие исследуются с точки зрения значения слов и лексем. Лексема помогает нам выразить вслух свои мысли, с помощью них мы воспроизводить речь, между людьми происходит общение, в рамках которого самая главная роль принадлежит всё тому же слову. Ведь в народе говорят, что словом можно и ранить, и успокоить человека. Также, известно, что сила слова иногда бывает очень значимой.

Отмечая специфику слово как лексической единицы и средство выражения мысли, Ш. Балли говорит, что «понятие слово обычно считается понятным, но на деле это одно из наиболее двусмысленных понятий, которые можно встретить в языкознании» [2, с. 315].

Слова также характеризуется в аспекте лексиса и логоса, которые отражают лексическую и семантическую единицу слова. Лексема как единица строя языка, взаимосвязана с синтагмой и морфемой. Слово наряду с происхождением также имеет сфера употребления, в зависимости от которого определяется предел его использование. Предел, граница и конец употребление слово в лингвистике обозначается латинским словом **terminus**, что в переводе на таджикский означает «истилоҳ».

Термин это специальное слово или словосочетание, применяемое в определенной профессиональной сфере и употребляемое в особых условиях. Термин от слово отличается словесным обозначением понятия, входящего в систему понятий определенной области профессиональных знаний.

Терминология, как совокупность терминов, составляет автономный сектор национального языка, тесно связанный с профессиональной деятельностью. Термины каждой отрасли науки, техники, производства формируют свои системы, определяемые, впервые очередь, понятийными связями профессионального знания при стремлении выразить эти связи языковыми средствами, по этому их необходимо изучать в «постоянном режиме». Как указал Ф. Соссюр: «Следует собрать и изучить основные особенности терминологий, а также определить структуру связей между ними, в основном связи, которые определяют функцию одних определений от других» [14, с. 12]. Прежде всего необходимо отметить, что термины - это специальные слова, однозначные, ограниченные своим особым назначением. Термин- это точное выражение понятий и названия вещей, что очень необходимо в науке, технике, политике и дипломатии.

Термин является членом определенной терминологической системы, относящейся к той или иной области науки, техники, производства. Каждый термин имеет свое точное научное определение.

В отличие от «обиходных» слов, в языке употребляются термины, которые внутри своего терминологического поля обычно однозначны. Одно и то же слово может быть термином нескольких областей знаний. Однако, термины не имеют полисемантические особенности, они имеют омонимические специфики; напр. в таджикском языке термин модда в философии воспринимается как материя(material), в химии употребляется как вещество (substance), а в юриспруденции понимается как статья закона или кодекса (article of law or code).

Термины противопоставляются общей лексике также в том отношении, что они связаны с определёнными научными концепциями. Они отражают результаты научных изысканий и их теоретическое осмысление. Таковыми могут стать и искусственно созданные слова.

Термины существуют не просто в языке, а в составе определенной терминологии. Если в языке, вне данной конкретной терминологии, слово может быть многозначным, то, попадая в определенную терминологический ряд, он приобретает однозначность.

Термин не нуждается в контексте, как обычное слово, так как он имеет следующие отличительные черты: 1) член определенной терминологии, что и употребляется вместо контекста; 2) может употребляться изолированно и в отдельности, например в реестрах, заказах, словарях или в технике; 3) для чего

и должен быть однозначным не вообще в языке, а в пределах данной терминологии.

Понятие — это мысль о предметах и явлениях, отражающая их общие и существенные признаки. Чтобы правильно понять, о чем идет речь в каком-то конкретном случае, необходимо соотнести это слово с контекстом, в котором оно стоит. Термин в отличие от слов общего языка не может нести эмоциональную окраску, а должен представлять собой точное и практичное понятие из какой-либо сферы жизни. Но всегда есть тенденция: со временем некоторые термины начинают использовать слова общественного языка, или, наоборот, некоторые общие слова становятся терминами [7, с. 19].

С точки зрения звучания и написания, большинство термины идентичны с обычными словами.

Термины могут быть представлены как отдельные слова, и как словосочетания. Также можно указать на особенности, которые в большей степени свойственны терминам и значительно меньше выражены в не терминах или совсем не встречаются в последних. Так, термины обладают сложной структурой, чем основная масса обычных слов. Особой сложноструктурной комбинацией отличаются научные (систематические) названия: *mineralization* - минералогизация- минералшавӣ, минералонидан *crystallization*- кристаллизация – кристаллизатсия и др.

При создании многих терминов в терминологии словарное богатство древнегреческого и латинского языков принимается как основным лексикографическом фондом [8, с. 89].

В эпоху современной лингвистики значительная часть новых терминов образуются путем использования европоизмов.

С точки зрения научного понятия, термин отличается от обычных понятий с тем, что он является результатом научного теоретического обобщения, которое выражено определенной научной теорией и научной системой знаний. Во многих языках термины подвергаются стандартизации. Термин может быть выражением и словом языка какой-нибудь науки или области деятельности. Термин является основной частью терминологии данной области деятельности. Термины, которые входят в терминологию, определяются максимально четко, у них нет случайных смыслов или значений, за исключением конкретных определений.

Из лексического фонда таджикского языка основными условиями отбора слов в качестве эквивалента английскому минералогическому термину являются:

- соответствие хотя бы одного лексического значения английскому термину-слову;
- в таджикском слове должен быть выражен один из основных признаков английского термина;

- при терминообразовании в основном используются прилагательные и существительные, в том числе, в подобных терминах их таджикские эквиваленты также должны быть представлены этими именными частями речи [11, с. 117].

Особенность образования терминов заключается в том, что они являются заметным процессом и средствами общения в рабочих условиях определенных групп людей. Терминологические единицы определяются развитием техники и науки, и контролируются в ходе их создания и развития [18, с. 145].

Осмысленность процесса образования терминов заключается в том, что термин выражает толкование научного понятия, для наименования которого он предназначен. Внешняя структура в определенной форме изображает внутреннюю форму слова - термина.

Технический термин – это слово или словосочетание, употребляемое в технической сфере, которое требует дефиниции и отвечает определенным требованиям (однозначность, нормативная правильность, краткость, точность) [6, с. 17; 10, с. 38]. Термины как и во всех языках в таджикском и английском бывают: а) простыми: ақиқ– agate - агат – як навъ санги қимматбаҳо, ки сурхранг ва зарди норанҷӣ аст [15, қ.1, с. 50], руҳ–zink- цинк - яке аз мухраҳои шатранҷ, ки ба шакли бурҷ аст, гаҷ–alabaster – алебастер - модаи сафеди шабеҳи оҳақ, ки дар натиҷаи сӯзондани гачсанг ба даст меояд ва дар сохтмон (гачкорӣ) ҳайкалтарошӣ, тиб ба қор меравад [15, қ. 1, с. 314] - в таджикском языке; gem – санғҳои қимматбаҳо – драгоценный камень -a precious stone [16, с. 196], тилло- gold- золото -a precious yellow metal [16, с. 205], санг- rock– каменъ -a large stone or boulder, the hard part of the earth's crust, under the soil; талқ(абрак)- talc–талък - и т. п. Иногда во время перевода структурное отношение терминов не соответствует со структурой языка оригинала, напр. гаҷ- alabaster – алебастер.

б) производными: фирӯза – turquoise - бирюза -навъе аз санғҳои қимматбаҳои қабудранг ё осмониранг ки барои зебу зинат ба қор мебаранд [15, қ. 2, с. 64], ёкут –sapphire – сапфир -санги қимматбаҳои қонӣ, ки ба ранғҳои сурх, зард, қабуд ва сафед во мехурад ва дар оташ нобуд намешавад, тоҷикит -tadzhikite – таҷжикит- по стране находки, Таджикистан - в таджикском языке; бултфонтейнит – бултфонтейнит – бултфонтейнит - алмазное месторождение Бултфонтейн ЮАР, алюминит– алюминит - алюминит – по высокому содержания алюминия в составе; қад/жад- jade – жад - жадеит, агат, нефрит.

в) сложными: забарҷад – topaz – топаз (забар+ҷад)– санги қимматбаҳои сабзи ба зард моил [15, қ. 1, с. 424], марворид -pearl - жемчуг (мар+ворид)- модаи саҳти сафеди дурахшон, ки дар даруни садафи (гӯшмоҳӣ) баҳрӣ ба вучуд меояд, дурр, гавҳар, марҷон – coral–қоралл -

марчони сурх ки монанди гул бар танаи оҳакмонанд қарор дорад - в таджикском языке; cobaltpirite – кобальтпирит - кобальтпирит (cobalt+pirite), Отдельные английские сложные термины в таджикском языке переводятся в словосочетательном шаблоне: feldspar – шпати даштӣ - полевой шпат (feld+spar), nickeliron – оҳани никеландуда - никелистое железо (nickel+iron) [4, с. 467].

Большая часть сложных терминов области минералогии в основном появилась на основе терминосочетаний [17, с. 28]. Например, минерал шоҳаи нуқра – horn silver - роговое серебро. В минералогическом словаре В. Г. Кривовичева этот термин образуется по способу словосложения: hornsilver (horn – шоҳа+silver -нуқра) [9, с. 296];

г) Составные термины (иногда употребляется в шаблоне термин-словосочетание) : санги аҳзар – malachite – малахит; санги қайроқ – cobble stone -булыжник(қайроқсанг); метали сиёҳ – black metal - черный металл, маъдани ранга – coloured metal - цветной металл - в таджикском языке[3]; rock cork – санги пук - пробковый камень, rock crystal - булӯри кӯҳӣ - горный хрусталь, rock hound – чамъкунандаи маъдан - коллекционер минералов, riband jasper – яшми раҳдор - полосчатая яшма, agate jasper – яшмовый агат – ақиқи яшмӣ – в английском языке.

Анализ языкового материала показывает, что огромная часть терминов как в таджикском, так и в английском языках образована путем терминосочетаний. Например, александрити кабуд – blue alexandrite – голубой александрит - название минерала состоит из сложного прилагательного blue – отображающего цвет минерала и производного термина александрит. В научном языке этот минерал называют корунд – corundum – корунд – санги бисёр саҳт, ки лаъл ва ёқут аз чинси он мебошад [15, 33].

Подробное двойное наименование часто используется в названиях или свойствах предмета, что считается синонимией. Перевод термина «голубой александрит» на таджикский язык происходит путем полукалькирования с помощью изафета и присоединения к существительному: александрити кабуд.

При аффиксальном терминообразовании (в частности суффикс -ite) имя собственное (персональное название) используется в качестве производящей основы (корня) производного термина. Например, у каждого драгоценного, недрагоценного и полудрагоценного камня есть свое название. Одно название может считаться основным, а остальные его синонимами. Некоторые названия минералов в таджикском и английском являются архаизмами, и их происхождение невозможно определить. Отраслевые термины имеют разнообразные особенности. Например, отдельные геолого-минералогические термины в современном таджикском языке идентифицированы по личным именам: файзиевит – faizievite – файзиевит –

ба шарафи олими олими бузурги тоҷик, минералогии намӯён, узви вобастаи АИ ҚТ, профессор Абдулҳақ Раҷабович Файзиев номгузорӣ шудааст [3, с. 111]; uvarovite – уваровит - уваровит – в честь графа С. С. Уварова; по местам находки (географические названия), например, бадахшонит – badakhshonite – бадахшанит – дорожный пегматит, Рангкульское пегматитовое поле, хребет Туракулова, Восточный Памир, Горно-Бадахшанская автономная область, Таджикистан, андалузит – andalousite- андалузит – по месту находки в Андалузии, Испания ; по химическому составу, например, ёкути азрак, берил – beryl – берилл - элементҳои химиявӣ, метали бисёр сабук [12, с. 46], vanadinite - ванадинит - ванадинит – по составу содержит ванадий; по физическим свойствам, напр., рух – zinc- цинк – яке аз мӯҳраҳои шатранҷ, ки ба шакли бурҷ аст, асмита - акмит - акмит – по заостренному габитусу кристаллов.

Как свидетельствует приведённый пример, в таджикских терминах встречаются слова исконного и заимствованного характера. Заимствованные слова по своей структуре схожи с английскими терминами, так как пришли в таджикский язык посредством русского.

Таким образом, термины и терминология в современном этапе развития языков приобретают все более специфичность и тем самым с одной стороны обогащают полисемантизируют лексическое значение слова и лексический состав языка, с другой стороны проявляются с новыми лексико-грамматическими особенностями.

Литература:

1. Арутюнова Н. Д. Аспекты семантических исследований. / Н. Д. Арутюнова. М.: Наука, 1980. - 356 с.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка / Ш. Балли, Ред. Р. А. Будагов, пер. с французского. (Лингвистическое наследие XX века). - Изд. Стереотип. М.: УРСС, 2001. - 416 с.
3. Бобохочаев С., Чанобилов М. Луғати тафсирии русӣ ба тоҷикии истилоҳоти геология / С. Бобохочаев – Д.: Маориф, 1992. – 175с.
4. Васюкова И. А. Англо-русский словарь геологических терминов /И. А. Васюкова. – М.: Аст-пресс, 1999.
5. Даниленко В. П. Терминология и норма. /В. П. Даниленко – М.: наука, 1972. – 274 с.
6. Джураев Т. К. Отраслевая техническая терминология современного таджикского языка (в сопоставлении с русским, персидским и дари) /Т. К. Джураев. Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Душанбе 2010. – 29 с.
7. Джаматов С. Становление и развитие лингвистической терминологии таджикского и английского языков /С. Джаматов. - ОАО «Чопхонаи дониш» 2017. – 412 с.

8. Котелова Н. З. К вопросу о специфике термина / Н. З. Котелова //Лингвистические проблемы научно-технической терминологии.-М.: Наука, 1970.- С. 88-99.
9. Кривовичев В. Г. Минералогический словарь/В. Г. Кривовичев. - Издательство С.-Петербургского университета, 2008. – 556 с.
- 10.Лазаренко Е. К. Основные понятия минералогии / Е. К. Лазаренко. – Киев.: Наукова думка, 1978.- 137 с.
11. Нуров П. Г. Таджикская научно-техническая терминология / Г. П. Нуров.– Душанбе: Дониш, 2009. -183 с.
12. Нуров П. Фарҳанги мухтасари русӣ ба тоҷикии истилоҳоти илмҳои дақиқ ва техникӣ /Нуров П. Нашр. Royal origin Душанбе 2013. – 615 с.
13. Расцветаева Р. К. Как открыть новый минерал /Р. К. Расцветаева //Природа, 2006, №5.- С. 3-11.
14. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. /Ф. Соссюр. - М. 1961. – 532 с.
15. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷ.1, - М.: СЭ, 1969.-951 с.; Ҷ.2, 952 с.
16. Хокинс Дж., Делахант Э., Макдональд Ф. Толковый словарь английского языка /Дж. Хокинс и др. – М.: Астрель, 2008. – 556 с.
17. Шангина А. А. Морфологическая структура английского геологического термина и способы его перевода на русский язык /А. А. Шангина //Вып. Квалификационная работа. -Тюмень: ТГУ, 2018. -94 с.
18. Шокиров Т. С. Юрислингвистическое изучение юридических терминов. Монография / Т. С. Шокиров.- Palmarium Academic Publishing. Германия, 2013.- 376 с.

Шеронов Б., дотсент
Ҳамрақулов Ф., дотсент
(Тоҷикистон)

ОИДИ ЗОҲИРШАВИИ МАФҲУМҲОИ МАНТИҚӢ-ЛИСОНӢ

Дар илми мантиқ забон барои пайдоиши фикрҳо воситаи асосӣ мебошад. Забон воситаест, ки бо ёрии он фикрҳо ифода карда мешаванд. Ҳар як шакли фикр: мафҳум , муҳокима, хулосабарорӣ ба воситаи забон, калима ва алоқмандии калима бо ҷумлаҳо ифода меёбад. Муҳокимаҳое, ки ҷузъи онҳо муҳокима шуда метовонад, муҳокимаҳои мураккаб ном доранд, ки конъюнкция ба ба муҳокимаи муттасила ба ҳисоб меравад.

Дар забоншиносӣ истилоҳи конъюнксия баробарҳуқуқии ба системаи мантиқӣро ифода мекунад. Дар китоби «Мантиқ» конъюнксия пайвасти номида шуда (конъюнксия аз латинӣ - пайвандак, робита) амали мантиқӣ барои пайвастании ду ва ё якчанд дар гуфтори мураккаб қабул карда

шудааст. (Нуриддин Саид,2019: 295). Проф. АБердиалиев ба ақидаҳои муҳаққиқон таъя намуда таъкид доштанд, ки дар математикаи мантиқӣ чамъи аз ду ва ё зиёда шаклҳои рамзӣ ҳарфӣро, ки «операсия»ҳои бо воситаи пайвандаки пайвастунадаи ва ба амал меояд конъюнксия номида мешавад. Олим ба хулоса меоянд, ки бо воситаи конъюнксия қисмҳои баробарҳуқуқ пайваст мегардад (Бердиалиев,1994:7) . Ҳамин тавр, дар забоншиносӣ истилоҳи конъюнксия мафҳуми полисемантикӣ буда, дар забони лотинӣ чун маънои алоқа (пайвастшавӣ), пайвандакро инъикос менамояд. Ў барои шакли конъюнктив (сиғаи шартӣ // шарт майли) истифода бурда мешавад. (Будагов,19652 :327). Барои ифодаи қолаби маънои синтагматика низ аз истилоҳи конъюнксия истифода мебаранд. (Касевич, 1977: 43) Бояд қайд кард, ки истилоҳи конъюнксия дар забоншиносӣ пайвастшавии баробарҳуқуқии мафҳумҳои мантиқӣ дорои ситемаи муайянро алоқаманд мебошад, ифода мекунад. Масалан: воҳидҳои инсон (тоҷ) // ўзб), чамъият (тоҷ), жамият (ўзб) гарм (тоҷ)- иссиқ (ўзб) , хунук (тоҷ) совуқ (ўзб) ; мафҳумҳои дорои як категорияи мантиқӣ мебошад. Пайвастшавии воҳидҳои бо тарзи инсон ва чамъият-чамъият ва инсон) (тоҷ), инсон ва жамият, жамият ва инсон (ўзб) ; гарм ва хунук (хунук ва гарм) (тоҷ); ; иссиқ ва совуқ (совуқ ва иссиқ) (ўзб) дорои мақоми пайвандшавии конъюнсионалӣ ба шумор меравад. Аз он бармеояд, ки баробари мантиқӣ дар асоси пайвандшавии баробарӣ (конъюнксия) лисонӣ бо алоқаи пайвасткунӣ чун аъзоҳои баробарҳуқуқ бо ҳам пайваст мешаванд .(Касевич, 1977: 12) Дар ҷумлаҳои полиредикативӣ қисмҳои функционалӣ бо алоқаи пайвастшавӣ ба вучуд омада, тавсифи конъюнксияи мантиқӣ дошта, дар натиҷа муносибати мантиқӣро ифода намудааст: Мо падар ва писар – аз хона баромада ба ҳавлиии бобоям рафтем (С. А) // Биз, ота ва ўғил уйдан чиқиб, бобомнинг уйлариға бордик. Офтобойим ба ин суханони Кумуш дигар тоқат наоварда ўро маҳкам ба оғўш кашид ва духтару модар ҳамроҳ борони ашк мерахтанд. (А.Қод) // Офтобойим Кумушнинг бу сўзлариға чидай олмасдан бағриға маҳкам босди ва она-бола бирға кўз ёшларини тўкишти. Бевафо ҳаё надорад ва беҳаё вафо надорад (Навой)- //Ҳаёсизда вафо йўқ ва вафосизда ҳаё йўқ. (ўзб). Ҳамин тавр, мафҳуми конъюнксияи мантиқӣ ва алоқаи мантиқӣ дар асоси қисмҳои фикрӣ ба амал меояд ва дар забонҳои муқоясашаванда бо воситаи пайвандаки ва зоҳир мегардад.

Дар аслият маънои конъюнксия бо алоқаи пайвастшавӣ характери мутобиқӣ дорад. Муҳаққиқон алоқаи пайвастиро дар сатҳи забони табиӣ ва мантиқан ҳаммуносибат чун дар дараҷаи категорияи семантикӣ талқин меномоянд. Аз он ҷумла, Л.Г. Брутян конъюнксияи мантиқӣро ҳамчун инварианти ифодакунандаи алоқаи пайвастиро дар ҳама забонҳои табиӣ

шуморида, муайян намудани ва шарҳ додани яке вазифаҳои асосии таҳқиқотҳои забоншиносӣ мешуморанд. Ба имкониятҳои зухуроти лисонии маъноӣ конъюнксияи бевосита ва бавосита баҳои алоҳида медиҳанд. Хусусан, дар забони русӣ пайвандҳои и, а на-ро ба ифодакунандаи конъюнксияи бевосита дохил мекунад. Бинобарин он ҳиссаҳои характери шумурӣ доштаро аввалин (первый) ва фақат (только) ро ифодакунандаи конъюнксияи бавосита эзоҳ (интерпретасия) эътироф кардааст (Брутян, 1983:31).

Аз ин лиҳоз маълум мегардад), ки конъюнксия ва муносибати конъюнксиявӣ дар таркиби ҷумлаҳои пайвандҳои пайвасти дошта вучуд дорад. Ҷумлаҳои мазкур одатан ба ҷумлаҳои содда дорои муносибати баробар ҳуқуқи ҷумлаҳои чидаъзоӣ ва ҷумлаҳои мураккаби пайваста дохил мегардад. Муносибати конъюнксиявӣ аз ҷиҳати грамматикӣ ҷумлаҳои баробарҳуқуқи аъзоҳои ҷумла дошта ва бо ҷумлаҳои мураккаби пайвастаи бо як дигар мазмунан алоқа доштаро ва ҷумлаҳои сода ҳамчун муқобили ихтисоршудаи синтаксисӣ ҷумлаҳои мураккаби пайвастаро нишон медиҳад, ки дар байни ҷумлаҳои баробарҳуқуқи аъзоӣ чидаъзоӣ ҷумла дошта фарқиати чиддӣ надоранд.

Қобили қайд аст, ки конъюнксия ва муносибати конъюнксиявӣ дар ҷумлаҳои бо оҳанги пайваст ба вучуд омадааст, ки ҷумлаҳои баробарҳуқуқи аъзоҳои чида дошта ва ҷумлаҳои беспайвандак низ ба амал меояд. Масалан, Лабҳои нам, илиқи зан ба ҷабинам, рӯйҳоям часпид (Ў.Ҳошимов) // Хотиннинг илиқ, нам лаблари пешонамга, юзларимга, кӯзимга ёпишди) ҷумлаҳои чидаъзоӣ содда; Ҳабиба аз ҳамаи духтарони дигар ба ман меҳрубонтар буд, ӯ сабақҳои маро ба ман ёд дод ва ба ман зочаҳо (бозичаҳо)и хушрӯй сохта меод (С.Айнӣ) // Ҳабиба бошқа кизларга қараганда менга ҳаммадан кӯпроқ меҳрибон эди ва у ўтилган дарсларни ўргатар ва менга чиройли ўйинчоқлар ясаб берарди (ҷумлаи мураккаби пайваст).

Фарқиати грамматикӣ (синтаксисӣ) байни ҷумлаҳои соддаи бо пайвандҳои пайваст бо ҷумлаҳои пайвасти мураккаб ба ғайр аз ҷабҳаи мазмунӣ бо вазифаи воситаҳои пайвандҳои пайваст муайян карда мешавад. Фарқиати мазкурро А.В. Супрун бо мафҳумҳои конъюнксияи стенсионалӣ ва конъюнксияи термӣ (овая) эзоҳ медиҳад. Конъюнксияи термӣ(овая) конъюнксияи ашё-предметҳоро инъикос менамояд. Дар он алоқаи предметҳои як чинса дар назар дошта мешавад, актантиҳои ҷумла (субъект, объект) дар пайвастшавии аъзоҳои ҷумла алоқаи мазкур иштирок менамояд. Конъюнксияи стенсионалӣ -ин конъюнксияи ҷумлаҳо мебошад бо воситаи мафҳуми мазкур қисмҳои дорои мақоми ҷумла дар сохти синтаксисӣ ягона ба алоқаи грамматикӣ дохил мешавад.(Супрун, 1983 :45). Мафҳумҳои

пайвандашавии стенсионалӣ ва термӣ (овая) аз мантиқ иқтибос гирифта шудааст. Масалан, дар пайвандшавии стенсионалӣ як аз ду зиёд ҷумлаи нава ба вучуд меояд. Пайвандшавии мазкурро навъҳои як ҷоя сингулярӣ ва ҳам бинарӣ вучуд дорад. Агар пайвандшавии ду ҷумла ва аз он ташкили ҷумлаи нава пайвандшавии стенсионалӣ характери бинарӣ дошта бошад; ташкилшавии ҷумлаи нава аз ҷумла пайвандшавии сингулярӣ сетенсионалӣ ба ҳисоб меравад. (Супрун, 1977:123).

Маълум аст, ки, дар ҷумлаҳои мураккаб (аз он ҷумла ҷумлаҳои муракаби пайваст) аз як зиёд пропозитсия ифода карда мешавад. Шахсе, ки ноҳақ аст, ў аввалин шуда маротиба қаҳр мекунад. («Гулшани тафаккур») - шахсе ноҳақ қаҳр мекунад - Кимки ноҳақ бўлса, у биринчи аччиқланади («Гулшани тафаккур») – ноҳақ бўлган аччиқланади - (намудҳои синтаксисии ҷумлаҳои муракаби тобеъ аз он мустасно). Синтезшавии (омӯхташавии) ду пропозитсия ба як пропозитсия дар вазъияти нутқии муштаракӣ асоснок мешавад, дар он хусусияти муайяни аломатӣ ва ҳаракат-ҳолати дар он (пропозитсия) ба иштирокчиёни зиёда як аз актанҳо тааллуқ дошта мешавад (Супрун, 1977:93). Аъзоҳои чидаъзои ҷумла бо пайвандакҳо бо як дигар пайваст мешавад. Маъноҳои ҷумлаҳои амсоли Муҳаммадрофеъ ва Розия месарояд; Мадина ва Нозима таҳсил мекунад синтез мешавад – ҷумлаи конъюксионӣ сентенсионалӣ ба ҷумлаи конъюксионӣ термовӣ тадбил меёбад.

Аз нуқтаи назари мақоми конъюнксия ҷумлаҳои стенсионал конъюнктивӣ ба тадбил ёфтани ҷумлаҳои чидаъзо термҳо дар таркиби ҷумлаи муракаби пайваст қисмҳои вазифавӣ (предикативӣ) аз ҷиҳати семантикӣ ва грамматикӣ дорои арзиши баробарӣ дорад; дар ҳолати ҷумлаи муракаб ба ҷумлаи сода тадбил дода шавад низ ба арзиши семантикӣ ва грамматикӣ бетағйир хоҳад монд.: Муҳаммадрофеъ месарояд ва Розия месарояд. Дар ҷумлаҳои конъюксионӣ стенсионалӣ воҳидҳои Муҳаммадроеъ ва Розия бо маънои субъект дар вазифаи ибтидо истифода бурда шудааст. Ҷумлаҳои дорои конъюнксияи стенсионалӣ дар муқобилҳои он конъюнксияи термовӣ шаклҳои калимаҳои мазкур Муҳаммадрофеъ, Розия мавқеи ибтидиро ишғол кардааст. Қобили қайд аст, ки субъектҳои ҷумлаҳои мазкур мувофиқи предикатҳои он, дар ҷумлаҳои конъюнксияи стенсионалӣ чи гуна арзиши грамматикӣ ва семантикӣ дошта бошад, ва дар ҷумлаҳои конъюнксияи термовӣ низ пурра арзиши мазкурро дар ҷумла нигоҳ доштааст: Муҳаммадрофеъ месарояд ва Розия месарояд - Муҳаммадрофеъ ва Розия месарояд.

Дар забоншиносӣ моҳияти зоҳиршавии истилоҳоти конъюнксия, муносибати конъюнктивӣ дар маъноҳои дигар низ таҳқиқ шудааст. Дар ин ҷода профессор А.Н.Нурмонов ҷумлаҳои чидаъзои монопредикативӣро бо

чумлаҳои мураккаб ҳамчун мутаҳидшавандаи дар доираи як инвариант эътироф кардааст. Дар он ақидаҳои Е.В. Падучеваро дастгирӣ менамояд, ки чумлаҳои чидааъзо намудҳои ихтисоршудаи чумлаҳои муракаби пайваст мебошад, дар айни замон чумлаҳои мураккаби пайваст муродифи чумлаҳои монопредикатив ба ҳисоб меравад ва дар он вазифаи чуфти ихтисорнашударо иҷро менамояд. Мувофиқи ақидаи олим чумлаҳои мисли Карим ва Салим омад дар асоси чумлаҳои Карим омад ва Салим омад ба вучуд омадааст (Нурмонов, 1982:23) Ба назари мо, чумлаҳои монопредикативии мисли Карим ва Салим омад пайдоиши воҳидҳои синтаксисӣ ба марҳилаи севвум тааллуқ дорад. Дар марҳилаи аввалин алоқаи баробарӣ иштирок намекунад, дар тарзи одитарин чумлаҳои монопредикативӣ ба вучуд меояд. Карим омад. Салим омад. Дар марҳилаи дуввум бо воситаи ҳиссаҳои ёридиҳанда, хусусан, пайвандакҳои (пайвасткунанда ва тобеъкунанда) пайваст мешавад ва дар он чумлаҳои монопредикативӣ бо воситаи алоқаи пайвастшавӣ ва ифодакунандаи воситаҳои он дар таркиби чумлаи полипредикативӣ ифода мегардад. Чумлаҳои полипредикативӣ алоқаи пайвастӣ дошта тадбилёбии чумлаҳои монопредикативӣ (чумлаҳои чидааъзо) ба марҳилаи севвум дахл дорад. Маълум мешавад, ки алоқаи пайвастшавӣ ва воситаҳои он ба пайдоиши чумлаҳои поли- ва монопредикативӣ ба марҳилаи дуввум ва севвум тааллуқ дорад.

Дар забонҳои тоҷикӣ конъюнксияи мантиқӣ дар чумлаҳои пайвандакӣ ва дошта ифода мешавад. Сабаби он дар он аст, ки ва дар байни пайвандакҳо фаълтарин мебошад. Пайвандакӣ мазкур тавсифи полифункционалӣ ва полисемикӣ дорад. Хусусияти полисемикӣ пайвандакӣ ва дар он аст, ки пайвадакӣ мазкур:

1) ашёҳои ду ва аз он зиёда дорои як майдони семантики -луғавӣ, хусусияти- аломатӣ мебошад; амал-ҳаракат ва хусусияти аломати он; Умуман, дар Соктаре, ки деҳаи “девбандон” ва дуохонон буд, афсонаҳои дев, чин ва аждаҳо бисёр буд (С.Айнӣ). // Хуллас, Соктаре “девлар” ва жинлар қишлоғи эди, дев, жин ва аждаҳолар ҳақида эртақлар кўп эди.

2) пайдоиши як чанд лаҳзаҳои предаксионӣ- денотативӣ ва зухуроти онҳо дар як лаҳза –муносибати ҳамроҳӣ. Амин “хўш, тақсир гўён давида ба рўд даромад ва аз дасти хашарчиён каландро гирифта ба замин зада хок кандан гирифт (С.Айнӣ).// Амин “хўш, тақсир, дея югуриб ариққа тушди ва хашарчиларнинг қўлидан кетмонни олиб, тупроқ қазий бошлади.

3) пайхам зохиршави ду ва зиёда аз он лаҳзаҳои предикасионӣ – денотативӣ- муносибати эзоҳӣ. Ман мурғро ба хона овардам, пеши-пеши ман Хайбар бозикунон ва шодикунон медавид (С.Айнӣ) // Мен товукни уйга олиб келдим, олдимда Хайбар ўйнаб ва хурсанд бўлиб югуриб борарди.

4) дар лаҳзаҳои денотативии предикатсионии нутқӣ зоҳиршавии маъноӣ, ки барои ба як дигар сабабшавӣ ва натиҷа ифода менамояд: муносибати сабабу –натиҷа . Мардуми деҳаро хабар доданд ва ҳамон рӯз баъд аз пешин мурдаро бардоштанд ва баҳавлии масҷид бурда чаноза хонданд (С.Айнӣ). // Қишлоқ аҳлига хабар беришди ва шу куни пешин намозидан кейин мурдани кўтардилар ва масҷид ҳовлисига олиб бориб, жанозани ўқишди.

Бо мурури замон ифодакунандаи чумлаҳои бо воситаи пайвандаки ва тағйир ёфтааст. Конъюнксияи мантиқӣ дар бо воситаи чумлаҳои танҳо воқеъшавандаи пайвандаки ва зухур мекунад. Қобили қайд аст, ки дар забони ўзбекӣ ҳиссаҳои ҳам, билан; -у, -ю, -да ба пайвандаки ва дар мақоми ҳамвазифа истифода бурда шаванд ҳам, мавқеи амаликунии он ба мавқеи пайвандаки ва баробар шуда наметованад. Масалан, пайвандаки ва барои ҳама қатораҳои қидъазохоро ташкил намуда метовонад, вале ба он ҳамвазифа ҳиссаҳои билан (бо) дорои имконияти мазкур нестанд, ин пайвандак воҳидҳои исм, сифат, шумора ва характери шумора доштаро ҳосил мекунад, воҳидҳои зарф ва феъл тусланган бо воситаи ҳиссаҳои билан ҳосил намешвад. Ба ғайр аз он ҳиссаҳои билан қисмҳои чумлаҳои мураккаби пайвстро пайваст қарда наметовонад. Маҳдудияти мазкур дар дараҷаи муайян барои ҳиссаҳои ҳам (ҳамда) дахлдор аст.

Ҳамин тавр, мафҳуми мантиқии лисонӣ конъюнксия амалишавии он дар сатҳи синтаксисӣ ба қонуниятҳои наҳви забон мусоидат мекунад.

Адабиётҳо

- 1.Бердиалиев А. Оид баъзе асосҳои мантиқӣ пайвастшавии синтагматикӣ // Масаълаҳои забоншиносии ўзбекӣ . Маҷмӯаи илмӣ. Китоби 4. (бо забони ўзбекӣ) Хучанд, 1994. с. 4-9.
- 2.Будагов Р.А. Введение в науку о языке. 2-изд. М., 1965, с.327.
3. Бозидов Н. Пайвандакҳо дар забони адабии ҳозираи тоҷик: Душанбе, «Маориф», 1985. 103 с.
- 4.Брутян Л. Г. Лингвистический анализ языковых выражений конъюнксия. Ереван: Изд-во Ереванского университета, 1983., 176 с. 5.Грамматикаи забони адабии ҳозираи тоҷик. Ҷ.2 – Тошкент, Душанбе: Дониш, 1989.- 224 с
- 6.Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики. М., 1977. 167 с.
- 7.Саид Н. С., Аҳмадов С. А., Назаров М.А. Мантиқ (китоби дарсӣ барои донишҷӯёни муассисаҳои таҳсилоти олии ксбӣ) _Душанбе: Маориф, 2017. 340 саҳ.
8. Супрун А.В. Грамматика и семантика простого предложения. М.: Наука, 1977, с159.

9. Нурманов А. Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Т.: Фан, 1982. 152 с.

Шералиев Э., дотсент
(Тожикистон)

ДЕВАШТИЧ НОҲИЯСИ КЕНАГАС ҚИШЛОҚ ШЕВАСИДАГИ КЕЛИШИК АФФИКСЛАРИ

1. Кириш

Грамматик муносабатлар ифодалашда келишиклар энг фаол воситалардан бири ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам келишиклар ҳар бир тилда ўзига хос грамматик аффикслар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Келишикларнинг фаоллиги шундаки, бу тизимга кирувчи аъзолар ёрдамида ҳосил бўлган нутқ парчасида от ва от (кенг маънода), от ва феъл тавсифи (арабча муфассал таъриф, баён, тасвир)даги луғавий бирликларнинг грамматик муносабати воқеаланади. А.А.Потебня эътироф этган “категориал маънолар” (1) нинг шаклий маркери (франс. белгиламоқ, белги қўймоқ) вазифасида хизмат қилади. Бу маънолар сўз ўзгариши тизимини ўз ичига олган сўз туркумларига тегишли бўлади, от ва феъл бундай имкониятларга бой сўз туркумлари саналади.

Ўзбек адабий тилида келишиклар олтига бўлиб, уларнинг шакли ва маъно хусусиятлари профессор А.Ғуломовнинг “Ўзбек тилида келишиклар” (1941) брошюрасида баён қилинган.

Ўзбек халқ шеваларида келишик категориясига бағишланган махсус иш мавжуд (2) бўлса ҳам, аммо у биз танлаган ҳудуддаги ўзбек шеваларининг келишик хусусиятларини назарда тутмаган.

Кенагас қишлоқ шеvasи қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига мансуб бўлиб, келишиклар миқдори бешта, чунки қаратқич ва тушум келишиклари шакл жиҳатдан фарқланмайди. Ўзбек шеваларидаги қаратқич ва тушум келишиклари ҳақида тадқиқотчилар ўз фикрларини билдириб, қаратқич – тушум келишиги битта, улар шеваларда алоҳида – алоҳида шакл эмас, балки иккита омоним шакл, деганлар ва бошқа мулоҳазалар ҳам билдиришган. (3)

Бош келишикнинг кўрсаткичи бўлмаганлиги туфайли у ҳақда фикр билдирмаймиз.

2. Қаратқич келишиги

Ушбу шевада қаратқич келишиги аффиксининг, тушум келишиги аффиксидаги сингари, ўзак (асос) морфеманинг қандай товуш билан тугаганлигига боғлиқ ҳолда турли шакллар юзага келади: бөръ + нь кۆзь (бўрининг кўзи), сьз + дь рэсмъйъз (сизнинг расмингиз), эмоч + ть ч/шьшь (омочнинг тиши), кенэгэсть пэсэжъръ (Кенагаснинг пасажири), дерэк + ть

шэхъ (теракнинг шохи), қошнъм + дъ тэвуғъ (қўшнимнинг товуғи) в.б. Юқорида – нъ, -дъ, -тъ каби вариантларга мисоллар бериш билан кифояландик. У вариантлар Тошкент, Ниёзбоши, Наманган, Паркент ва бошқа шеваларда ҳам бор.

Қаратқич келишиги шаклидаги сўз ҳамма вақт бошқа сўз билан, яъни эгалик аффиксидаги сўзлар билан боғланади. Формал жиҳатдан туширилган, аммо мазмунан сақланган қаратқич келишиги адабий тилга нисбатан шеваларда кўпроқ қўлланади, лекин у тушум келишиги шаклида бўлади: укәм + мъ пәспәртъ (укамнинг паспорти), чәңңәл + дъ тъкәнъ (чангалнинг тикани) каби.

Юқоридаги мисоллардаги қаратқични эгалик аффикси (қаралмиш)га қараб билиб олиш мумкин. Шеваларда қаратқич аффиксининг туширилиши сўз бирикмасидаги элементларнинг ниҳоятда яқинлашиши натижасида қўшма сўз ясалиши билан ҳам боғлиқ: әрәвә чърәк (арава чироқ), бузәвәшъ (бузоқбоши – зоол.) каби.

Қаратқич келишигининг қуйидаги конструкцияси (лот. тўплам, йиғиш, тузилиш) киши диққатини ўзига тортади: әкәм ышкә бәръшъ керәк каби. У гап қуйидагича қўлланади:

а) қаратқич келишиги кўрсатқичи билан: мазмунан қаратқич келишиги шаклини олган сўз шахс-сонда керәк сўзидан олдин турган ҳаракат номи билан шахс ва сонда мослашади. Бу мослашув у сўзга эгалик аффиксининг қўшилиши туфайли содир бўлади: ышкә бәръшъ керәк, ышкә бәръшъм керәк в.б.;

б) қаратқич келишигисиз эгалик аффикси сақланади: у бәръш+ъ керәк, мән бәръшъм керәк в.б.

Ҳар иккала конструкцияда бирининг иккинчисига ўзгариши гап бўлақларидаги паузани ўзгартиради.

Гап конструкциясида бирининг иккинчисига ўзгариши гап бўлақларидаги паузани ўзгартиради. Гап конструкцияларидаги бундай аста-секинлик билан бўладиган тарихий ўзгариш “синтактик қайта бўлиниш” ҳисобланади. (А.Ғуломов)

Қаратқич келишиги шаклининг тушум келишиги шакли билан мос келиши, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлган. (4)

Қаратқич келишиги шакли ва унинг тарихий тараққиёти ҳақида олимлар орасида турли фикрлар мавжуд. (Қононов А.Н.)

Мазкур аффиксининг тушум келишиги аффикси (-ни) билан бир хил кўрсатқичга эга бўлиши –нинг охиридаги –нг (ң) ундошининг тушиб қолиши (ёки айрим тилшунослар кўрсатганидек, қаратқич келишигининг тушум келишиги билан контаминатсияси (лот. икки сўзнинг қўшилиши натижасида янги сўз ёки ибора пайдо бўлиши) туфайли содир бўлган ана шундай қўлланиш қорачой-балқар ва қўмиқ тиллари учун ҳам хосдир.

В.А.Богородитский қаратқич келишиги дастлаб -н // -ин бўлиб, мең, сен кишилиқ олмошларининг таркибидаги “н” ундоши “морфологик қайта бўлиниш натижасида” қўшимча таркибига ўтиб, -ниң // -ның варианты вужудга

келган, - деган. Г.М.Рамстедтнинг фикрича, унинг дастлабки кўрсаткичи “н” – “ң” бўлиб, су + н + су + ң, унлилардан сўнг –ниң, ундошлардан сўнг –иң варианты юзага келган. Н.К.Дмитриев эса –ин // -иң, ін // ің бўлганлигини қайд этган. (9)

Хуллас, ўзбек тили шеваларида қаратқич келишиги кўрсаткичи (асосий фонетик вариантларини ҳисобга олганда) 50 тага яқиндир.

3. Тушум келишиги

Бошқа ўзбек шеваларида бўлгани каби, Кенагас қишлоқ шевасида ҳам тушум келишигининг морфологик кўрсаткичи –нъ ҳисобланади: кэртъшкэнь хэть + нъ (арик, қатор) чөлгә қаратьп тэрт (Кенагас); бу эдэмлэр + ни көчөгә чиқарди (Самарқанд). У + нъ қувъп чъқарвэредь (Фарғона): Кэръм + нъ бэзэрга кордъм (Каттақўрғон); нънэ + нъ бэр – вэр (Жиззах) в.б. Тушум келишигининг –дъ, –тъ аффикслари билан қўлланиш ҳолатлари мавжуд: йулдуз + дъ көрдънъмъ? (Кенагас); қэрэ кэ:къл қъз + дъ, куш + тъ, эт + тъ этэ - энэсини элдъгэ эбрдъ. (Андижон), ьт + тъ қэппас, эт + тъ теппас деб бомайдъ (Қарши) каби.

Шунингдек, Тошкент, Ниёзбоши, Паркент, Наманган (шаҳар), Тағоб, Олабуқа – Оқтом шеваларида тушум келишигининг қаратқич келишиги сингари 20 дан ортиқ ассимилятив вариантлари мавжуд.

Ўғуз гуруҳидаги туркий тилларда гўндўз + ўн, қыш + ын (қишда) каби сўзлар ҳам учрайди. Қыш + ын – жаз + ын каби мисолларни қипчоқ тип лаҳжаларга хос шеваларда ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Булар қадимги ёзма ёдгорликлар тилида алоҳида келишикни, яъни қурол келишигини ташкил этган бўлиб, ҳозирги вақтда бу хусусият айрим туркий тилларда –н, – ын, –ун каби шакллари сақланиб қолганлигини кўрамиз. Уларнинг айримлари ҳозирги вақтда ҳолат ва вақт равишларини ифода этади.

–ын, –ин аффикси Ўрхун – Энасой ёзма ёдгорликлари, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам учрайди. Тарихий ёзма ёдгорликларда ҳозирги –ны, –ни кўрсаткичлари ҳам тўла равишда қўлланилган.

Тушум келишигининг белгисиз ҳолда қўлланиши Кенагас қишлоқ шевасида ҳам учрайди: гэзит оқъдъм, кетман чэптъм каби. Ҳар учала лаҳжаларида ҳам учрайди. Улардаги тушум келишиги белгили ва белгисиз келиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам турли хил вазифаларни бажаради. Улар нарсанинг аниқ ва ноаниқ, умумий ва хусусий маъносига алоқадор бўлмайди. Қуйидаги Кенагас қишлоқ шевасига хос мисолларни фақат тушум келишигининг белгисиз шакли деб қараш мумкин. Чунончи: бьттэ къ - тэп көрсэтъң, хэт жазмақ, ьш пьтърмақ каби. Умуман, тушум келишиги аффиксининг ўзбек шеваларида 30 дан ортиқ вариантлари бор.

4. Жўналиш келишиги

Ҳозирги ўзбек адабий тилида жўналиш келишиги –га, –ка, қа каби вариантлар ёрдамида шаклга киради. Мазкур аффиксининг **–а, –га, –на; – гару, –**

ғару, - кару, -қару; - гар, -гар; - ру, - ра, - р, - кар; - қо, - ғо каби тарихий диалектал шакллари ҳам бор. (2)

Ушбу шевада жўналиш келишиги – гä аффикси шаклида қўлланади. Бу кўрсаткич унли ва ундошлар билан ўзак (асос) морфемаларга қўшилиб келаверади: дэlä + гä чькть, хэләмдъкъ + гä бэрәмән; дәйрә - гä - эткән оғъм (ўк + им) узәк + қä кетть каби.

Ўзак морфемаларнинг охири “к”, “п”, “с”, “т”, “ш” каби жарангсиз ундошлар билан тугаганда жўналиш келишигининг аффикси –қä шаклида қўлланилади: бедәнъ орьш + қä чуштъ, от + қä сәлдъм.

Чукур тил орқа “қ”, “ғ” ундошлари билан битган ўзак (асос)ларга –гä аффикси қўшилганда, жўналиш келишиги аффикси – қа шаклига эга бўлади: тәвуқ +қä дән бер; бәк + қа бәрдык; сьтмәк (мослама)+қа тушкән тулкьнъ ушләвәлдъм каби.

Жанубий Тожикистон лақай шевасида жўналиш келишиги – ге, -ке шаклларида қўлланилади: ўй+га, иш+ке, йешик+ке каби.

Ўзбек шеваларининг кўпчилигида бўлгани каби, ушбу шевада ҳам жўналиш келишиги аффикси –на тарзида ҳам учрайди. Бу аффикс ўзак – морфемага кўпроқ сонар “н” товушидан сўнг қўшилади: мең + нä әпкә; гәптъ гәпър уққаң + на; у гәп + ть әпә (она)ң +нә айт. Спорадик (грек. “онда - сонда”) равишда бўлса ҳам, мазкур аффикс қисқариб, III ш. эгалик аффиксларидан сўнг – ä тарзида қўлланади: әшнә болдъм өзъң + ä. Бу аффикс кўпроқ фольклор асарларида учрайди. Шунингдек, ўзбек тилининг Хоразм (ўғуз), Шўраҳон, Қўшқўпир, Қоракўл, Шаҳрисабз, Андижон шеваларида ҳам қўлланилади. Қиёс қилинг: иззәттъ билган одам+а қил. (Қ. кўп.), өй + а галмади, дағ + а чықавадик. (Шўраҳон), қазан+а (Қ.кўл) в.б.

Қилич қишлоқ шевасида ҳам жўналиш келишиги аффиксининг –ä билан ишлатилиш ҳолати учрайди:

Бър корганда әшъқ болдум сан қъз + а,
Сандън бошқа жонан корунмас коз+а.
Кечаларъ зәр йъғлайман ҳажрънда,
Арзъм айтай куләк сәлгън сан қъз + а. (7)

Ушбу характерли хусусиятни Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари тилида ҳам кузатиш мумкин:

Жамолингни жаҳонга жилва қилди,
Мени ул сурат + а ҳайрон яратти.
Сиз + а теб келди Хоразмийни асранг,
Ким асрарлар қамуқ шаҳлар гадойин.

Далиллардан кўринадики, жўналиш келишиги ҳам, бошқа келишиклар сингари, маъно жиҳатдан хилма-хил муносабатларни ифодалайди. У иш-ҳаракатнинг қаратилган ўрнини, ҳаракат қилувчи шахснинг борадиган жойини билдиради.

Хуллас, ўзбек тилининг барча шеваларида жўналиш келишигининг йигирматтадан ортиқроқ вариантлари мавжуд.

Адабиётлар

1. Потебня А. А. Из записок по русской грамматике, том I, II, Москва -1958
2. Шоиноятова М. Ш. Падежи в узбекских говорах. Автореферат дис. канд, филол. наук. Ташкент-1971, 34с
3. Ўзбек халқ шевалари морфологияси Тошкент Ўз ССР “Фан” нашриёти, 1984 280саҳифа Б:35с
4. Севортян Э.В. К истории падежной системы тюркских языках. Учён. записки Военного института иностранных языков. Москва-1948, № 6, с.:90-95; Щчербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII в.в из Восточного Туркестана.-Москва –Ленинград, изд,-во АН СССР, 1961,204 стр., - С.: 80.
5. Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков.-Москва, 1962,-С.: 155
6. Бердиалиев Абдували- гару аффикси ҳақида // С.М.Киров номидаги ЛДПИ. Тил ва адабиёт масалалари. XXXIV-Ленинобод,1970,-Б.: 150; Қўнғуров Р.Х. Стилистика имени существительного в узбекском языке. Ташкент, «Фан», 1983, 161стр.
7. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том Морфология.-Тошкент “Фан”-1975,-610 саҳифа.
8. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида келишиқлар.-Тошкент,-1941, 31 саҳифа.
9. Маматов А. Келишиқ кўшимчаларининг Андижон шевасида кўлланилиши// Уч.запис. ТГПИИЯ вып.VII.-Ташкент- 1963, стр. 131-151
10. Исхаков Ф.Ғ. Имя существительное // ИСГТЯ, ч. 2.-Москва, 1952
11. Ўзбек халқ шевалари морфологияси. Тошкент “Фан” нашриёти , 1984, 280 саҳифа
12. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент-1968.

Э.Эшмуродов, доцент
Б.Нишонов, доцент
(Тожикистон)

ТЕНГ ВА ТОБЕДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Фанда ўз ечимини топмаган ходисалар анча. Шулардан бири синтактик алоқалар ходисасидир. Синтактик алоқалар бўйича кузатишар туркий тилшуносликда кўп узоқ тарихга эга эмас. Бу масалани ўрганиш XX асрнинг қирқинчи йилларидан бошланган. Синтактик алоқалар юзасидан олиб борилган тадқиқотларда бири бошқаси билан алмашинувчи икки тенденция эътироф этилган. Уларнинг биринчиси кейингисига нисбатан кенг тармоқланган бўлиб, туркий тиллардаги сўз боғланишларини назарда тутди. Унда сўзнинг келишикли, кўмакчили шакллари, тартиб ва сўз туркумларининг шакл кўринишлари ҳақида фикр юритилади. Бунда сўз шакллариининг тенгланиш ва тобеланишга хосланган мақомларини белгилашга хизмат қилади.

Тенг алоқа тобе алоқа билан биргаликда тилнинг синтактик алоқалар тизимини ташкил қилади. Ҳар хил тавсифдаги синтактик бутунликлар ҳосил қилиш ва ана шу синтактик бутунлик қисмларининг ҳар хил тавсиф ва мақомга эга бўлиши жиҳатидан бу алоқалар (тенг ва тобе) ўзаро фарқ қилади.

Тенг алоқа, юқорида ҳам айтилганидек, кўпроқ грамматик қиймати муштарак бўлган қисмлар алоқиси саналса, тобе алоқа унинг аксидир. Бу алоқа ёрдамида грамматик қиймати кескин фарқланувчи қисмлар боғланади. Кейинги йиллар тадқиқотларида, хусусан, А. Бердиалиевнинг илмий кузатишларида тобе алоқалар тизими тобедошлик алоқаси ва тобеланиш алоқаси каби икки қарама-қарши гуруҳга ажратилади. Тобедошлик координатив алоқа, тобеланиш субординатив алоқа атамалари билан номланади. Тобедошлик ва тобеланиш алоқаларининг зид қўйилишида тобеликнинг йўналиши асосга олинади.

Тобедошлик алоқаси (координатив)да алоқа йўналиши икки тарафлама бўлади. Бу алоқа ёрдамида ҳосил бўлган бутунлик қисмларидан бирини мутлақ ҳоким, бошқасини мутлақ тобе деб бўлмайди. Уларнинг ҳар бирида ҳам ҳокимлик, ҳам тобелик белгилари мавжуд бўлади. Шу боис тобеликнинг йўналиши икки томонлама бўлади. Масалан, менинг китобим сўз бирикмаси ва унинг қисмлариаро синтактик алоқага эътибор берсак қаратқич келишиги шаклидаги биринчи қисм (шартли А деб белгилаймиз), биринчи шахс эгалик шаклидаги иккинчи қисм (шартли Б деб белгилаймиз) билан тобедошлик (координатив) алоқа ёрдамида бириккан. Грамматик жиҳатдан қаралганда, А ҳарфи билан шартланган менинг сўз шакли Б ҳарфи билан шартланган китобим сўз шаклига тобе, айти ўринда Б ҳарфи билан шартланган китобим сўз шакли А ҳарфи билан шартланган менинг сўз шаклига тобе. Шу билан бир қаторда, А ҳарфи билан шартланган менинг сўз шакли Б ҳарфи билан шартланган китобим сўз шаклига нисбатан ҳоким, айти ўринда Б ҳарфи билан шартланган китобим сўз шакли ҳам А ҳарфи билан шартланган менинг сўз шаклига нисбатан ҳокимлик белгисига эга. Мана, сезиладики, тобедошлик (координация) алоқаси ёрдамида ҳосил бўлган бутунлик қисмларида ҳам тобелик, ҳам ҳокимлик белгилари бир вақтда мавжуд бўлади. Шу боис, синтактик алоқанинг бу турини ҳам тенг, ҳам тобе алоқалардан фарқлаган ҳолда, учинчи алоқида тур сифатида ажратиш ва уни ҳоким - тобелик алоқаси деб аташ маъқулга ўхшайди. Бундай пайтда синтактик алоқалар тизими, анъанавий йўсинда бўлганидек, икки асосий гуруҳ (тенг алоқа, тобе алоқа)га эмас, балки уч асосий гуруҳга ажратилиши лозим бўлади, яъни: 1) тенг алоқа, 2) тобе алоқа, 3) ҳокимдошлик-тобедошлик алоқаси (тобедошлик алоқаси).

Бизнинг мақсадимиз синтактик алоқалар тизими ва унинг гуруҳланиши ҳақида батафсил фикр юритиш эмас, балки тенг алоқанинг тобе алоқа ва унинг айрим кўринишларига муносабати масаласи ҳақидаги ўз мулоҳазаларимизни баён этишдир.

Тенг алоқанинг тобе алоқа тизимидаги тобедошликка ўхшаши ҳақида Э. Эшмуродовнинг номзодлик диссертациясида ҳам асосли фикрлар ёзилган. Унда шу нарсалар эътироф этилади: «Тенг алоқа ўзига хос баъзи хусусиятлари билан тобедошлик алоқасига ўхшайди. Тенг алоқанинг тобедошликка ўхшашлиги шундаки, унда шу алоқа ёрдамида ҳосил бўлган бутунлик қисмлари бири бошқасига муносабатдош бўлади. Масалан, укамнинг ўртоғи сўз бирикмаси тобедошлик алоқаси ёрдамида ҳосил бўлган. Бу ўринда укамнинг сўз шакли ўртоғи сўз шакли учун, аксинча, ўртоғи сўз шакли укамнинг сўз шакли учун қанчалик зарур саналса, шаҳар ва қишлоқ сўз тизмаси учун шаҳар сўзи қишлоқ сўзи учун, қишлоқ сўзи шаҳар сўзи учун шунчалик зарурдир. Акс ҳолда, ҳосил бўлаётган бутунликнинг синтактик қиймати инкор этилади, бутунлик барҳам топади». Тенг ва тобедошлик алоқалари ва улар ёрдамида ҳосил бўлувчи бутунликлар қисмларининг ўхшашлиги шундаки, шу алоқалар ёрдамида бирикадиган қисмларда бири бошқасини тақозо этиш хусусияти мавжуд бўлади.

Анварнинг китоби, менинг дўстим сингари бутунликда қисмларига хос тобедошлик, ота ва она, ўқиди ҳамда ёзди каби бутунликлар қисмлари учун ҳам хос ва шартдир. Шуниси ҳам борки, келтирилган синтактик бутунликлар ва уларнинг тақозодошлик тавсифидаги синтактик алоқалари ўзаро фарқ ҳам қилади.

Тенг алоқанинг тобе алоқа туридан фарқи валентлик ва унинг хусусиятига кўра ҳам кўзга ташланади. Тобе алоқанинг барча турлари, айниқса, тобедошлик ва бошқарувни валентлик тушунчасисиз тасаввур этиш қийин. Битишув ҳам валентлик билан боғланади, фақат у семантик валентликни рўёбга чиқаради.

Тенг алоқа ёрдамида вужудга келувчи бутунликларда уларнинг қисмлари морфологик-морфем жиҳатдан кўпинча муштарак бўлади: тобедошлик алоқаси ёрдамида вужудга келувчи бутунлик қисмлари морфем- морфологик жиҳатдан ҳар хил бўлади - бу жиҳатига кўра ҳам бу икки алоқа ўзаро фарқ қилади.

Тенг ва тобедошлик алоқалари ўзаро ўхшаш бўлганлиги учун ҳам, тобедошлик ёрдамида ҳосил бўлган айрим бутунликларда тобеликнинг кучи, таъсири сусаяди. Қовун сайили (қовуннинг сайили эмас), мол савдоси (молнинг савдоси эмас) каби.

Хуллас, синтактик алоқалар синтактик сатҳда ўзига хос тизимдир. Бу ҳодиса синтаксис мундарижасини тўлалигича қамрайди. Анъанавий тилшуносликда синтактик алоқаларнинг бири бошқасига зид кўйилувчи икки асосий тури – тенг ва тобе алоқа муштарак эътироф этилади. Тил синтактик қурилишда ҳар икки алоқанинг ҳам ўз мавқеи, вазифаси ва аҳамияти бор. Уларнинг бирини бошқасига нисбатан улуғлаб ҳам, камситиб ҳам бўлмайди. Синтактик қурилишда тенг алоқа ҳам, тобе алоқа ҳам ўзига хос микротизимлардир. Тобедошлик – тобе алоқа эмас, у синтактик алоқалар тизимида тобе ва тенг алоқа каби алоҳида тур саналади. Унда тобеликнинг икки томонлама йўналиши мавжуд бўлади. Бу алоқага нисбатан координатив, тобе

алоқанинг унга зидланувчи (бошқарув, битишув, детерминатив) бошқа турларига нисбатан субординатив атамаларининг нисбатланиши ҳам бежиз эмас. Шу жиҳатдан ҳам характери кўра, ҳам ифода воситаларига кўра тобе ва тенг алоқалардан кескин фарқланади. Синтаксиснинг куйи, ўрта ва юқори сатҳларида бир хил амалда бўлади. Синтактик алоқанинг уч тури мавжуд: тенг алоқа, тобе алоқа, тобедошлик алоқаси. Тобедошлик алоқаси алоқалар тизимидан мустақил кўриниш сифатида ажраб чиққан.

Адабиётлар

1. Бердиалиев А. Семантика – сигнификативная прагматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. АДД., 1989.
2. Бердиалиев А. Ўзбек тили эргаш гапли кўшма гапларида синтактик алоқа ва синтактик муносабатлар. Т. 1993.
3. Нишонов Б. М. Ўзбек тилида тенг алоқа: конъюнкция ва дизъюнкция. НД, Хужанд, 2003.
4. Эшмуродов Э.Т. Ўзбек тилида тобедошлик алоқаси. НД, Хужанд, 2003.
5. Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксис. Т., 1976. 560 б.

*Эшонқулов Б., доцент
(Тожикистон)*

АРАБ ЛЕКСИК ЎЗЛАШМАЛАРИНИНГ СИНОНИМИЯГА МУНОСАБАТИ

Синонимия шакл ва мазмун номуносаблиги (асимметрия)ни вужудга келтирувчи омиллардан бири саналади ва у тилнинг фонемадан йирик барча сатҳ бирликлари учун тааллуқли бўлади. Синонимия қамровида луғавий бирликларнинг маънодошлиги марказий масала ҳисобланади.

Синонимлар илмий ва илмий-амалий қўлланмаларда «талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бири хил (умумий) бўлган, кўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлар»¹ сифатида таърифланади.

Луғавий синонимия ва унинг назарий масалаларини ўрганишга бағишланган ишлар ўзбек тилшунослигида анча. Бизнинг тадқиқот туфайли кўзда тутган мақсадимиз уларнинг ҳар бирига шарҳ бериш, муносабат билдириш эмас. Чунки, синонимия хусусида айтилган фикрларни, билдирилган

¹ Қаранг: Хожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974. 3-бет.

мулоҳазаларни такрорлаш бирор-бир илмий қимматга эга бўлмаслиги аниқ. Тадқиқотимиз тавсифидан келиб чиқиб, биз ўзбек тили луғавий синонимияси тизимининг шаклланиши ва бойишида ўзлашма қатлам бирликларининг, хусусан, араб луғавий ўзлашмаларининг ҳиссаси хусусида фикр юритамиз, холос.

Рус тилшуноси М.Ф. Полевская синонимларнинг семантик, стилистик ва семантик-стилистик каби уч турини ажратадики¹, уларни бизнинг текшириш ашёларимиз бўйича ҳам кузатса бўлади. Хусусан, араб луғавий ўзлашмалари иштирок этган ўзбекча синонимик қаторларнинг аёл-хотин, хур-озод, касал-бемор кабилари семантик гуруҳга; афт-башара-турқ, муҳаббат-ишқ-севги кабилари стилистик гуруҳга ва биноан-шунга кўра, само-кўк-осмон кабилари семантик-стилистик гуруҳга мансубдир.

Тилнинг бошқа ҳодисаларида кузатилгани каби, луғавий бирликлар синонимиясининг ўзига хос системага айланишида бошқа тиллардан ўзлашган лисоний бирликларнинг ҳам сезиларли ҳиссаси бор. Бу хусусият ўзбек адабий тили лексик синонимиясига ҳам дахлдордир. Хусусан, ўзбек тили луғат таркибининг ўзлашган қатламида бегоналик белгилари сўниб, ўзбек тилининг ўз сўзлари каби сингиб кетган. Масалан, китоб, касб, мактаб, муҳаббат, дунё, олам, вафо, сир, адабиёт, табиат, ҳовли ва ҳоказо луғавий бирликларнинг бошқа тил бирликлари эканлиги ҳеч кимни шубҳага солмайди.

Уларнинг айримлари фақат араб сўзларидан ташкил топган (масалан: вазият-аҳвол-ҳолат-шароит; воқеа-ҳодиса; дунё-олам-қоинот; завқ-мароқ-шавқ; зулм-истибдод; инқироз-таназул; ихтиёр-изн-майл; мақсад-ният-муддао-мурод; муҳим-аҳамиятли; эътибор-нуфуз; раҳмат-ташаккур; ривож-тараққий-тараққий-равнақ; роҳат-ҳузур-маза-лаззат-сафо ва бошқалар). Шу фактнинг ўзиёқ араб луғавий ўзлашмаларининг ўзбек тили лексикасидаги салмоқли ўрнини кўрсатишга хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги даврда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва руҳий оламида юз бераётган турли хил ўзгаришлар туфайли ўзбек тили луғат составининг ўзлашган қатламида ўзгача социолингвистик таъсир вужудга келди. Бунинг оқибатида бир вақтлар ўзлашиб истеъмоли чекланган кўпгина арабча сўзларга эҳтиёж яна кучайди. Бу ҳол ўзбек тилида истеъмолини «мустаҳкамлаган», чин маънода байналмилал ёхуд совет-интернационал деб аталувчи, луғавий бирликларга бўлган «тазйик»ни кучайтирди. Натижада республика-жумҳурият, совет-мажлис, компания-маърака, автор-муаллиф, инженер-муҳандис, агроном-ҳосилот сингари кўплаб янги «замонавий» парадигматик қаторлар пайдо бўлди. Ўзбек тилининг луғавий синонимиясида шу нарсани кузатиш мумкинки, унда синонимик қаторлар таркиби ҳар хил, уларда муқобиллашувчи аъзолар кўпинча турли тилларга хос бўлади. Шу

¹ Амиров Г.С. Синонимы в произведениях Г. Тукая//Тюркская лексикология и лексикография. М.: Наука, 1971. –с. 51.

жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тили лексик синонимиясини қуйидаги тарзда тасаввур этиш мумкин:

1. Ўзбекча сўзлар билан ўзбекча сўзлар синонимияси;
2. Арабча-ўзбекча сўзлар синонимияси;
3. Арабча-арабча сўзлар синонимияси;
4. Арабча-тожикча-форсча сўзлар синонимияси;
5. Арабча-русча сўзлар синонимияси;
6. Мураккаб таркибли синонимиялар.

Синонимия (омонимия ҳодисасида бўлгани каби) ҳодисасини кенг ва тор маъноларда икки хил қараш мумкин. Кенг маънода қаралганда, синонимия дублетлик ҳодисасини ҳам ўз ичига олади. Тор маънода эса, аксинча, синонимия ва дублетлилик ўзаро ёндош ҳодисалар сифатида фарқланади. Шу боис ҳам баъзи илмий манбаларда тор маънодаги синонимлик беқарор синонимия, кенг маънодаги синонимлик эса барқарор синонимия атамалари билан номланади. Мазкур ишда биз синонимияга кенг маъно нуқтаи назаридан ёндошганмиз ва республика-жумҳурият, автор-муаллиф типидagi барқарор муқобилликларни ҳам синонимия тарзида баҳолаганмиз.

Ўзбек тилининг ўзлашган сўзлари билан ўз сўзлари синонимиясида арабча ўзлашма сўзлар билан ўзбекча сўзларнинг синонимиялашуви миқдоран салмоқли ўрин эгаллайди. Баъзи ўринларда синонимия қаторидаги компонентлар бир неча хил бўлади, улар ўзаро стилистик ва семантик хусусиятлари билан фарқланади. Айрим далилларга эътибор берайлик:

Авлод—сўзи иштирокидаги синонимик уя. Бир давр кишиларининг наслини бирлаштирувчи маъносини ифодаловчи авлод сўзи бўгин сўзи билан бир синонимия парадигмасида туташади. Лекин бўгин сўзи бу маънода айрим сўз бирикмалари таркибидагина қўлланади. Мен эса, кўз ёшинг булоғи қуримаслиги учун Аҳмоний авлодидан бўлган подшолар ҳақидаги ривоятни айтиб бераман (Я.Илёсов). Етти бўгинимизда қулоғим бундай сатанг номини эшитгани йўқ эди ({амза).

Даво—сўзи иштирок этган синонимик уя. Бу сўз ўзбек тилида муолажа қилиш йўли билан касални кетказиш маъносидаги тузатмоқ сўзи билан синонимик муносабатда бўлади. Унда даво сўз ясалиши бағрига тортилади: унда ясовчи асос (даво-ламоқ) даво топмоқ вазифасини ўтайди. Даволамоқ сўзи касални тузатишининг дори-дармон билан бўладиган усулини билдиради; тузатмоқ феъли эса, қандай йўл билан бўлишидан қатъий назар, умуман касални кетказиш, дард-касалидан холи қилиш маъносини билдиради.

Заҳар-оғу, имзо-қўл, истиқбол-келажак, натижа-яқун-оқибат, раҳмат-қуллуқ-ташаккур, савол-сўроқ, муҳаббат-севги-ишқ, турмуш-ҳаёт каби синонимик қаторларида ҳам турли-туман ўзига хос лексик-семантик хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек тилида фикрни ранг-баранг ифодалаш учун хизмат қилади.

Ўзбек тили лексик синонимиясида муқобиллари фақат араб тилига тегишли бўлган лексик бирликли парадигматик қаторлар анча.

Бирор нарса, ҳолатни ёқлаш, маъқуллаш мақсадида ўтказиладиган муҳокама каби бирлаштирувчи маънога эга бўлган мунозара ва мубоҳаса сўзлари ўзаро синонимик қаторни ташкил этади. Бу синонимик қатордаги ҳар бир сўз ҳам семантик, ҳам стилистик жиҳатдан бир хил қўлланаверса-да, баҳс ҳамда тортишув фикр-мулоҳаза этишувчилар икки ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Мунозара ва мубоҳаса сўзлари китобий услубга хос. Мунозара сўзи фикр-мулоҳаза айтувчилар кўплиги маъносини англатади. Мубоҳаса сўзининг эса кейинги пайтларда қўлланиш доираси бирмунча кенгайган. Бу сўз рус тилидан ўзлашган интервью сўзи билан дублет маъносига киришган.

Садақа-эхсон-хайр-ҳадя-назр. Бу сўзларнинг умумий бирлаштирувчи маъноси зор-муҳтожларга бериладиган нарса, пулдир. Назр сўзи диний тушунча, эътиқод билан атаб бериладиган нарсани билдиради. Эҳсон сўзи уларга нисбатан кам қўлланади. Кейинги пайтларда бу синонимик қатор яна бир арабча сўз ҳисобига кўпайди. Бу сўз хайрия бўлиб, авваллари архаизмга айланган эди. {озирда хайрия сўзи маълум сабабларга кўра зор-муҳтож кишиларга бериладиган ёрдам (наrsa, пул) маъносида ишлатилади.

Ўзбек тили синонимик тизимида арабча ва форсча-тожикча луғавий бирликлардан ташкил топувчи парадигматик уялар ҳам бирмунча. Масалан, арабча дунё сўзи форсча-тожикча жаҳон сўзи билан бутун борлиқ ёки унинг маълум қисмини англатиши жиҳатидан синонимия ҳосил қилади. Дунё, жаҳон сўзлари асосан борлиқнинг ер билан боғлиқ қисмини билдиради. Энди билса, дунёнинг ишларида бошқача мантиқ бор экан (Э. Усмон). У киши сўзни айлантириб, «сиздай ота жаҳонда йўқ»-деди (Ойбек). Бироқ дунё сўзи бойлик, мол-мулк маъносида ишлатилганда борлиқ маъносидаги синонимик хусусиятини йўқотади. Ҳеч қандай мерос, мол-дунё менга керак эмас (Ҳамза).

Айб-гуноҳ синонимияси. Айб сўзи форсча гуноҳ сўзи билан расм-одат нормаларига, қонун-қоидага қарама-карши хатти-ҳаракат маънолари билан яқинликка эга. Гуноҳ ва айб сўзлари семантик-стилистик жиҳатдан деярли бир хил қўлланаверса-да, гуноҳ сўзининг маъноси айб сўзининг маъносига нисбатан бирмунча кучли оттенкага эга. Бу унинг диний тушунча ифода этиши билан боғлиқлигида бўлса керак. Менинг шу аҳволга тушиб қолганим унинг айби эмасми? (Я.Илёсов). - Нима гуноҳ қилиб қаҳрингни келтирдим, эй ёруғлик худоси? (Я. Илёсов).

Арабча-русча сўзлар синонимияси ўзига хос характерли хусусият касб этади. Хусусан, улар конкрет маъно англатувчи сўзлар жумласидан ҳисобланиб, барқарор синонимик қаторлар ҳосил қилади. Масалан, муаллиф сўзи русча автор сўзи билан бадий-илмий, адабий асарни яратган, ниманидир ихтиро қилган киши маъносини англатиши билан маънодошлик белгисига эга.

Кейинги пайтларда муаллиф сўзининг истеъмоли бирмунча кенгайди ва бу нарса автор-муаллиф дублетлилигига чек қўйди.

Фаол-актив, маъруза-доклад, таътил-каникул, таъмир-ремонт каби сўзлар ҳам идеографик характердаги синонимлар бўлиб, улар ҳам барқарор синонимик муносабатга киришади.

Юқорида биз арабча сўзларнинг ўзбекча, форсча, арабча, русча сўзлар билан синонимлашуви орқали ўзига хос лексик-семантик хусусиятлар касб этишини кузатдик. Бундан ташқари арабча ўзлашмалар айна пайтда ҳам арабча, ҳам форсча, ҳам ўзбекча сўзлар билан синонимик уя ташкил қилиши мумкин. Масалан: хат (арабча) –мактуб (арабча)-нома (форсча); чиқим (ўзбекча)- сарф-харажат (арабча); ўлик (ўзбекча)-мурда (форсча)-жасад (арабча) каби сўзлар ўзаро семантик оттенкалар касб этиб, синонимик қаторда унинг аъзолари сифатида қўлланилади. Хуллас, ўзбек тилидаги синонимик парадигмаларининг таркибида араб тилидан ўзлашган сўзлар иштирок этади. Ўзлашган сўзлар билан ўзбек тилидаги сўзларнинг синонимлашувида ўзига хос хусусият мавжуд. Қисқаси, арабча ўзлашма сўзлар синонимияси ўзбек тили луғат составини бойитган, улар оғзаки ҳамда ёзма нутқда катта аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек тили луғат таркибига арабча сўзлар бевосита, яъни форс-тожик тиллари орқали кирган¹. Шу сабабли ўзбек тили лексик синонимиясининг шаклланишида арабча луғавий бирликлардан ташқари, ана шу тилларнинг морфем сатҳига хос элементларнинг ҳам сезиларли ҳиссаси бор. Масалага мана шу нуқтаи назардан қараганда, тилдаги арабча ўзлашма сўзларнинг синонимик қатор аъзоларидан бири ясама сўз характерида, бошқаси эса туб сўз характерида бўлади. Масалан: а) баодоб-одобли, боақл-ақлли, бамаъни-маънили сингари жуфтликларда уларнинг аъзолари сўз ясовчи бо- ва – ли аффиксларининг маънодошлиги туфайли парадигматик муносабатга киришган; б) араб ўзлашмалари мавжуд бўлган синонимик қаторларда ҳам маънодошлик парадигмасига киришувчи муқобил бирликлар стилистик ва семантик хусусиятлар билан ўзаро фарқланади. Бир синонимик қаторга киришувчи сўзларнинг тенг маънога эга бўлиши, бир хил қўлланиши ҳамда маъно оттенкаларининг фарқига кўра синонимларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Идеографик синонимлар ҳар қандай матнда бир хил лисоний-маъновий қиймат билан тенг қўлланиладиган, ўзаро бир-бирини алмаштирадиган синонимлар (идеографик синонимлар кўпинча дублетларга тенг келади).

¹ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар// Навоийга армуғон. Тошкент:Фан, 1968.

Масалан: дунё—жаҳон —олам —коинот, республика—жумҳурият, туман—ноҳия—район, вилоят—область, муаллиф—автор, тарихчи—муаррих кабилар.

Стилистик синонимлар — ҳар қандай матнда кенг ишлатилмайдиган, баъзи бир маъно нозикликлари билан ўзаро фарқланиб турувчи синонимлардир. Масалан: киши бошининг олд қисми, олд томони маъноларини ифода этувчи юз, бет, афт, башара, чеҳра, жамол, дийдор, ораз, рухсор, узор сўзлари ўзаро барқарор синонимик қатор ҳосил қилган. Бироқ улар баъзи маъно оттенкалари билан ўзаро фарқланади. Қиёсланг: бет сўзи маъноси қўлланиши билан юз сўзига жуда яқин бўлиб, юз сўзига нисбатан сал салбий оттенкага эга. Афт сўзи эса бет сўзига нисбатан салбий оттенкага эга. Башара сўзида салбий оттенка афт сўзидагига нисбатан ҳам кучли. Чеҳра ижобий маънога эга. Жамол сўзида ижобий оттенка чеҳра сўзидагига нисбатан ҳам кучли бўлиб, бу сўз асосан шеърӣ услубга хосдир. Жамол сўзи гўзаллик маъноси хусн, чирой сўзлари билан ҳам ўзаро синонимик қатор ҳосил қилади. Узор, ораз, рухсор сўзлари китобӣ услубга хос бўлиб, ҳозирда эскирган.

Сўз туркумлари бўйича арабча синонимлар ном, белги билдирадиган сўзлар доирасида асосан от ва сифат туркумларига хос эканлигини кузатиш мумкин. Масалан:

1. Бахт-саодат-толе-иқбол, жаҳон-дунё-олам, мазмун-маъно, авлиё-вали-каронатчи, она-волида-модар, кўк-само-осмон, ёв-рақиб-душман, уруш-муҳораба-жанг каби сўзлар от синонимлар жумласидандир.
2. Ақлли-боақл-оқил, ботир-жасур-мард кабилар сифат синонимлардир.
3. Ва-ҳам, аммо-лекин-бирок кабилар боғловчи синонимлардир.
4. Маълум бўлмоқ-аён бўлмоқ-аниқ бўлмоқ, ваъдалашмоқ-ахдлашмоқ каби феъл синонимлар гуруҳи мавжуддир.

Хуллас, араб луғавӣ ўзлашмаларининг маънодошлик хусусияти асосида ўзбек тилига сингиши турли лисонӣ қонуният ва ҳолатларни юзага келтиради.

**Эрматов И.,доцент
(Ўзбекистон)**

ЛИНГВИСТИК ТЕРМИНОЛОГИЯДА ГИПЕРО-ГИПОНИМИК МУНОСАБАТЛАР

Ҳар қандай тилнинг ажралмас қисми бу, шубҳасиз, унинг лексикаси бўлади. Салмоқли қисмларидан бирини халқ жалиги, фан ва техникага доир терминлар ташкил қилади ва уларнинг тизими махсус луғатларда намоён бўлади. Шунинг учун тилнинг бойлигини кўрсатишда терминологик луғатларнинг ҳам ўрни катта.

Фан-техника тараққиёти махсус луғат, яъни терминологик луғатлар ривож

ланишини рағбатлантиради. Махсус луғатлар соҳа терминологиясини аниқлаш ва шакллантиришга ҳисса қўшади ва уларни такомиллаштиришни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида кўпгина терминлар тизими етарлича ўрганилмаган. Фан-техника эса пухта ўрганишни ва тизимлаштиришни талаб қилади. Махсус луғатлар таркибидаги бундай қатламлардан бири тилшунослик терминологиясидир.

Мамлакатимизда тилга берилаётган эътибор, айниқса, жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилсиз замонавий жамият ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбек тилшунослиги терминологияси ўз тараққиётини акс эттирган ҳолда, шаклланиш ва ривожланишнинг қийин йўлини босиб ўтди ва босиб ўтмоқда.

Тиллар тизими, жумладан терминологик лексика ҳам бошқа тиллар учун ҳамиша очик. Маълум бир тилнинг терминологик тизими ўзи танҳо ривожлана олмайди ва бошқа соҳавий луғат тизимлари билан умумий тилнинг терминлаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ.

Тил соҳасининг жадал ривожланиши билан махсус луғатлар тузиш ва уларни бойитиб бориш талаб этилади. Махсус луғатлар тартибга солинмас экан, улар чет сўзлар билан асоссиз тўлдирилишида давом этаверади. Бугунги долзарб масала, умуман ўзбек тилининг терминологик тизимини жиддий тадқиқ этишни давр тақозо этмоқда.

Лексик гипонимик парадигмалар ҳар доим дунёдаги барча тилларда очик луғавий микротизимларни ташкил қилади. Бу шундай микротизимки, унинг таркиби узлуксиз янги элементлар билан бойиб боради. Айни замонда худди мана шу янги элементлар орасида ўзаро янги маъно муносабатларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тил ўзининг луғат таркибида мавжуд бўлган гипо-гиперонимик парадигмаларни бойитиш соҳасида чексиз имкониятларга эга¹.

Терминлар одатда “таббий тил” сўзларидир. Адабий тил лексемаларидан фарқли ўлароқ, атамалар улар белгилаган воқеликка (тушунчаларга) мутлақо боғланган. Тилшунослик терминлари соҳасининг яхлитлиги ва изчиллиги унинг таркибий қисмлари ўртасидаги турли хил лексик ва семантик муносабатлар, хусусан, гиперо-гипонимик муносабатлар туфайли юзага келади². Гиперо-гипонимия ҳодисаси ҳар қандай соҳа луғатида мавжуд, чунки жинс-тур муносабатларини ифодалашда, аввало, терминологиянинг тизимли табиати намоён бўлади³. Гиперо-гипонимик муносабатларни аниқламасдан, терминологиянинг тизимли ташкил этилишини тавсифлаш қийин.

¹Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б.17.

²Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е, испр. и доп. Назрань: Пилигрим, 2010. – 486 с.

³Агабабян С. Р., Барабанова И. Г. Гипер-гипонимические отношения в языке Рунета // Успехи современной науки и образования. 2016. Т. 6. № 12. С. 43-46; Коновалова Е. А. Гипер-гипонимия в экономической терминологии // Философские студии. 2001. № 2. – С. 79-85.

Гипер-гипонимик гуруҳларда турли хил ўзига хослик даражасида бир хил семантик атрибут (лот. *attributum* – қўшиб қўйиш, қўшимча қилиш)ни¹ ифода этувчи бирлаштирилган атамалар мавжуд. Масалан, *ундош товуш* гипероними 25 дан ортиқ *гипонимлар*ни ўз ичига олади, улар орасида *жарангли ундош, жарангсиз ундош, сонор ундош, лаб ундош, тил ундош, бўғиз ундош, шовқинли ундош, портловчи ундош, сиргалувчи ундош, титроқ ундош, унлилараро ундош, юмшоқ ундош, қўш ундош, бурун ундош, ён ундош, лаб-лаб ундош, лаб-тиш ундош, танглай-тиш ундош, увуляр ундош, интервокал ундош, веляр ундош, фарингал ундош, фрикатив ундош, альвеоляр ундош, билабиал ундош* ва бошқалар².

Ҳосил бўлиш ўрнига кўра гипро-гипонимик терминларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: бир компонентли, икки компонентли, уч ва ундан ортиқ компонентли. Мас., бир компонентли – *сон* гиперонимининг гипонимлари *бирлик, кўплик*; икки компонентли – *феъл нисбатлари* гиперонимининг гипонимлари *аниқ нисбат, ўзлик нисбати, орттирма нисбат, мажхул нисбат, биргалик нисбат*; уч компонентли – *эргаш гап* гиперонимининг гипонимлари *эга эргаш гап, кесим эргаш гап, аниқловчи эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, ҳол эргаш гап, пайт эргаш гап, ўрин эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, натижа эргаш гап, ўхшатиш эргаш гап, равиш эргаш гап* ва б³.

Шу билан бирга гипро-гипонимик қаторларни “тўғри шаклланган” ва “нотўғри шаклланган” гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Тўғри шаклланган” гуруҳлар – бу иккита характерли гипонимни ўз ичига олган таркибий қисмлар бўлиб, улар маълум бир белги мавжудлиги ёки йўқлиги билан зидлик асосида шакллантирилади, масалан: *жарангли ундош* – *жарангсиз ундош (ундош)*, *лабланган товуш* – *лабланмаган товуш (товуш)*, *содда гап* – *қўшма гап (гап)*, *прогрессив ассимиляция* – *регрессив ассимиляция (ассимиляция)*, *очиқ бўғин* – *ёпиқ бўғин (бўғин)*.

“Нотўғри шаклланган” гуруҳларда гипро-гипонимик гуруҳлар асосан иккитадан кўп гипонимларни ўз ичига олади. Масалан, *гап турлари* гиперонимида 10 дан ортиқ гипонимлар мавжуд: *содда гап, қўшма гап, дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, ҳис-ҳаяжонли гап, ҳис-ҳаяжонсиз гап, эмоционал гап, ноэмоционал гап, интеллектуал гап* ва ҳ.к. Ҳар қандай соҳа терминологик тизими тушунчаларни англатиши билан тилнинг маълум қонунларига бўйсунди. Гипро-гипонимик қаторларнинг асосий таркибий турлари иерархик тузилишга бўйсунди.

¹Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.19.

²Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug’ati. – Т.: Fan, 2013. – В. 15-94.

³Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.19-115.

Иерархия тил бирликларининг босқичли кетма-кетлик муносабати. Мас., фонетика сатҳида товушлардан бўгинларнинг, бўгинлардан сўз ва тактларнинг, тактлардан фразаларнинг, фразалардан матнларнинг ҳосил бўлиши каби.

Бунда семантик майдонларнинг иерархик тузилишини асосан гипонимияда кўриш мумкин. Улар юқоридан қуйигача кузатилиши мумкин, бу ерда юқори даража умумий, пастки сатҳ эса аниқ бўлади. Масалан, сўз *туркумлари* кузатиладиган энг юқори даража, энг паст даражаси *сон, эгалик, келишик* бўлиши мумкин.

Гиперо-гипонимик муносабатлар ўртасида қарама-қаршиликнинг икки тури мавжуд: хусусий ва эквивалент¹. Терминлардаги қарама-қаршиликларнинг шаклланишини гипероним ва ҳар бир гипоним ўртасида кузатиш мумкин. Шу билан бирга ушбу гипонимларнинг ҳар бири, ажралиб турувчи таркибий қисм бўйича, бошқа бир қатор гипонимик атамалар учун гипероним ролини ўйнаши мумкин. Бундай қарама-қаршиликлар *эквивалент* деб аталади. Масалан, *товуш* гиперонимининг *ундош товуш, унли товуш* гипонимлари мавжуд бўлиб, улар бир қатор бошқа гипонимларни ҳам ҳосил қилади, жумладан – *ундош товуш* – *жарангли ундош, жарангсиз ундош* каби.

Хусусий ва эквивалент қарама-қаршиликлар терминологиянинг яхлитлиги ва изчиллигини кўрсатди. Терминологияни тизимли шакллантиришда гиперо-гипонимик муносабатларнинг ўрни алоҳида. Терминлар жинс-тур муносабатларга асосланган гиперо-гипонимик гуруҳларга бирлаштирилиб, соҳа тушунчаларининг иерархияси ва ўзаро боғлиқлигини акс эттиради.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 608 с.
2. Агабабян С. Р., Барабанова И. Г. Гипер-гипонимические отношения в языке Рунета // Успехи современной науки и образования. – М.: 2016.
3. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хужанд: Раҳим Жалил, 2013. – 207 б.
4. Даниленко В. П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. М.: Наука, 1977. – 246 с.
5. Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е, испр. и доп. Назрань: Пилигрим, 2010. – 486 с.
6. Коновалова Е. А. Гипер-гипонимия в экономической терминологии // Философские студии. – М., 2001. № 2. – С. 79-85.
7. Лайонз Дж. Лингвистическая семантика / Дж. Лайонз. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – 400 с.

¹Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е, испр. и доп. Назрань: Пилигрим, 2010. 486 с.

8. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – T.: Fan, 2013. – 144 b.

9. Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.

10. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.

Эгамназаров Х., доцент
(Таджикистан)

СИНХРОННЫЙ АНАЛИЗ ТЕРМИНОВ РОДСТВА В В РАЗНОСТРУКТУРНЫХ ЯЗЫКАХ

Сегодня существует потребность в поиске новаций в сфере лингвистики. Возникла необходимость в поиске нового взгляда на существующие проблемы языкознания, в исследовании многих вопросов, которые до сих пор не изучены и касаются задач и перспектив лексикологии, а также теории оценок и значений. До сих пор, когда речь идет о сопоставительном значении языков, главным образом исследователи работают в грамматическом направлении. И это абсолютно понятно и имеет определенные закономерности. Ведь сопоставлять языковые явления проще и грамотнее, если ограничиваться лишь сводом устоявшихся правил.

Грамматика по своей сути обладает нормативным характером. Поэтому она легче поддается сравнительному анализу. Она очень отличается в этом от таких расплывчатых языковых направлений, как фразеология и лексика [6, с.125]. Но сегодня существует достаточно большой опыт сравнительного исследования грамматических структур разных языков. И поэтому лингвисты начинают обращать свое внимание на иные интересующие их вопросы. И фразеология, и лексика занимает в этой области немалое место.

Сегодня именно эти сферы становятся предметом исследования для сопоставления разных языков. Особенно это касается вопросов терминов родства. С точки зрения лингвистики, терминологическая лексика до сих пор не исчерпала своей проблематики. Это позволяет рассматривать терминологию в качестве внутренней системы литературного языка сквозь призму грамматики и семантики.

Термины, обозначающие родство в русском и английском языках являются наиболее развитой группой семантического и лексического характера [2, с.245]. У слова «термин» есть много разных определений, среди которых сложно выделить принятое всеми учеными. Многие соглашаются с позицией Н.М. Шанского. Термин – это слово или фраза научного или технического языка, которое создается для точного выражения разных понятий или предметов [6, с.75].

Учитывая это определение термин:

- это слово или фраза;
- является частью специальной речи;
- появляется целенаправленно;
- соотнесен с понятием;
- имеет номинативную функцию.

Термины, связанные с родством, обычно имеют глубокие корни, интересную историю развития. Многие подобные термины имеют интернациональный характер. Ученые считают, что многие термины возникли еще до объединения разных языков в единые семьи. Более того, нужно понимать, что очень многие термины родства обладают большим количеством функций, они полисемантические, и это свойственно не только для русского, но и для английского языка. Обе языковые системы сохраняют классификационную систему для терминов родства [1, с.87].

Многие из них относятся к классам лиц, которые могут обозначаться в русской системе лишь индивидуальными или описательными терминами. Такую же особенность можно заменить и в системе терминов родства в английском языке. К примеру, слово *brother* используется для обозначения всех братьев. А вот если речь идет о братьях отца, то используется специальный термин *uncle*. Если же речь идет о старших сестрах, то о них говорят, как об *elder*. А младшие сестры – это *little sister*.

В тюркских языках, в отличие от языков индоевропейской семьи, значения "старший брат" и "младший брат" выражаются лексическим способом, а именно – отдельной лексемой. Следует отметить, что семантический состав понятия "братья" имеет характер сложного строения, в нем существуют значения "старший брат" и "младший брат". Значение "братья" в английском языке передается через словосочетание *elder brother u little brother, younger brother, brothers*, в узбекском языке через парное слово *ога-уни* и *ака-ука* [7, с.164].

Термины родства переплетаются с явлениями гиперонимии и гипонимии. Они очень плохо изучены во многих языках. Это же касается и английского, а также и русского. Подобные отношения между словами разных разделов лексики сегодня очень актуальные и являются важной проблемой языковедения. Гиперонимы – это такие слова или фразы, которые имеют либо родовые, либо обобщенные значения по отношению к другим словам видового значения (менее обобщенного), а также к родовым и видовым понятиям. Обычно в состав гиперонимов входят гипонимы, представляющие собой слова или фразы, которые выражают видовые понятия без специальных значений в отношении слов и фраз, а также более обобщенные родовые понятия. Например, гипонимические отношения можно заметить между термином «дед по отцовской линии» и гиперонимом «предок». «Мать и отец» - это гиперонимы к слову «родители», английским эквивалентом которых являются *father* и *grandfather* "дед по линии отца" по отношению к гиперониму *ancestors*,

grandsires "предки"; а также являются гипонимами "отец" и mother она "мать" по отношению к гиперонимам, parents "родители".

В этом отношении "*oma*" соответствует английскому эквиваленту "*father*", в узбекском языке "*oma*", а в английском "*father*" являются доминантами по отношению к другим членам синонимического ряда, инвариантным значением которого является "*oma* (родной отец)". Сходство между английскими и узбекскими эквивалентами *father//oma* заключается в том, что оба они употребляются и в значении "кровного родства" прямой линии. Кроме того, оба они используются в функции формы почтительного обращения к лицам пожилого возраста мужчин, как знак уважения.

В некоторых случаях родовые гипонимические термины совпадают с гетеронимическими [2, с.65]. Гетеронимы могут возникнуть в результате супплетивизма, что не всегда относится к гипонимам и отношениям, образуемым ими. В супплетивизме под воздействием ассоциации речевые единицы всегда предполагают друг друга, что приводит к появлению особой семантической парадигматической микросистемы. Гетеронимические отношения приводят к образованию парных слов. Любая подобная пара имеет однозначные характеристики семантического и функционального плана слов между собой.

При лексическом супплетивизме разные единицы словаря под давлением ассоциации обязательно предполагают друг друга и образуют своеобразную парадигматическую семантическую микро систему: в английском языке father "отец" - mother "мать", elder, older sister "старшая сестра" — little sister "младшая сестра", elder, older brother "старший брат" - little brother "младший брат" [3, с.96].

Слово-термин *father//oma* со значением "родной отец" входит в супплетивно-гетеронимическую связь с другими словами - терминами, имеющими значение кровного родства, и образуют своеобразные функционально-семантические микросистемы: в узбекском языке "*oma-бобо, oma – она, oma – бола*"; в английском "*ancestor*"-"*father -son*" "*children*" *oma-она* "*parents*" – "родители".

Гетеронимические отношения возникают при парадигматической связи разнокоренных единиц, различных по морфемно-семантической структуре. В частности, английский термин "*father*"—"отец" имеет гетеронимическую связь со словами "*grandfather*" "дед" "*father-grandfather*", "отец, дед", *mother* "мать" ("*father-mother*", "отец-мать"), "*child*", "дитя" ("*father-mother*" "отец дитя"). Термин "*child*" семантически безразличен по отношению к естественному роду под давлением нейтрализации признака различия мужского и женского пола, кроме этого, "*father*"—"отец" имеет функционально-семантическую связь со словами *uncle//амаки* "дядя по отцовской линии", *amma//aunt* "тётя по отцовской линии".

Термины, обозначающие кровное родство как в английском, так и в русском языках можно разделить на два направления: обозначающие либо вертикальное родство, либо горизонтальное родство. К терминам вертикальной линии родства входят; mother "мать", father "отец", son "сын", daughter "дочь", girl "девочка", grandfather "дед по линии отца", "дед по линии матери", grandmother "бабушка по__ линии отца", "бабушка по линии матери". К терминам горизонтальной линии родства состоят из лексем; elder brother "старший брат", little brother "младший брат", elder sister "старшая сестра", little sister "младшая сестра", uncle "дядя по линии отца", uncle "дядя по линии матери", aunt "тетя по линии отца", aunt "тетя по линии матери", niece/nephew "племянник//племянница" по линии отца, niece/nephew "племянник//племянница по линии матери". Значение родства можно рассматривать как самостоятельный компонент отдельных функционально-семантических микросистем [5, с.76].

Термины, обозначающие родственные отношения между людьми, выражаются либо в словосочетаниях, либо в словах. Они играют промежуточное значение между обычным словом и научным термином. Термины родства имеют более близкие черты к терминам, относящимся ко второй группе. Они имеют отличия от терминов номенклатур. И различие между ними в том, что их используют более экспрессивно и эмоционально. Обычно теоретические термины, а также номенклатурные понятия обладают строгим нейтральным стилистическим оттенком. У них отсутствуют эмоциональные и экспрессивные оттенки. Если сравнивать английский и русский язык при обращении, то можно отметить особые отличия, которые связаны с функциями обращений. Например, в английском языке часто используется слово Mr. Mrs. Madam, Miss, когда обращаются как к знакомым, так и к незнакомым людям. Обычно их используют к людям, которые старше адресата высказывания. В русском же языке их подобные формы «госпожа» или «господин» имеют юмористический оттенок. Их не принято произносить в отношении тех, к кому обращена речь за исключением некоторых особых случаев [2, с.220].

Употребление других терминов родства - таких, как отец, папа, мать, мама и т.д. - в обоих языках носит однозначный характер. Более того, в русском языке существуют концепты, с помощью которых можно четко разделить разные поколения родства в вертикальном и горизонтальном направлениях. К примеру, по вертикальному направлению: прапрадед, прабабушка. Это же самое касается и для обозначения родства в горизонтальном направлении. К примеру, существуют такие термины, как двоюродный и троюродный. Во время уроков английского языка я стараюсь познакомить учеников с терминами родства, как с обращениями. В этом языке значительно больше вариативных форм терминов, которые могут быть использованы для семейного дискурса на английском языке. Например, слова wife или husband звучат довольно реже и

подразумевают, что произойдет смена прагматического значения. Термины *husband* и *wife* встречаются крайне редко и сигнализируют о смене прагматического значения. – *Oh, my dear wife, you've got so much to learn....I wonder if you might even become a recognizable human being yourself. But I doubt it.*

Если, к примеру, муж проявляет снисходительность по отношению к жене, он этим самым пытается продемонстрировать свое покровительство над ней. Обращаясь к своим детям, взрослые часто используют апеллятивы *daughter* или *son*, имеющие нейтральное оценочное свойство. Наподобие полных форм родственных терминов они играют номинативную роль, а иллокутивная речь в этом случае возникает в силу контекста. Как и полные формы терминов родства *mother, father, mam, dad*, они выполняют номинативную функцию, а иллокутивная сила речевого акта в таком случае зависит от контекста: – *Mother! I'm talking to you. Just listen a second.* Если сын хочет привлечь внимание своей матери и показать ей свое раздражение, он делает это так: – *Father, get the bath in for me please. Mother, where's them curtains.* Дочь же может попросить мать о помощи: *Beatie (turning on her mother violently). MOTHER! I could kill you when you do that* Эти термины английского языка часто пишутся заглавными буквами, что говорит о том, что с их помощью пытаются выразить уважение к своим родителям. Также это позволяет продемонстрировать, какая близость в отношении между детьми и их родителями. Другие термины позволяют выразить положительное эмоциональное отношение с помощью терминов *daddy* и т.п. Уменьшительно-ласкательные *daddy, mommy, granny, ma* несут в себе положительную эмоциональную нагрузку, являясь интимными или фамильярными: – *Got any tea Ma? I'm gonna unpack.*

– *Good morning, Daddy. (She kisses him).*

Чтобы подчеркнуть то, какое семейное положение у слушателя, а также показать, что говорящий к нему относится положительно, можно использовать такую короткую фразу, указывающую на родство – *Hello poppy Bryant.* Когда англоязычные дети обращаются друг к другу в семье, они очень редко используют краткие формы имен собственных. И если это происходит, то по отношению к старшим сестрам или братьям применяются особые эллиптические формы: *sis (sissy), bro, buddy:*

– *Hi, sis. I hate like hell to bother you, Kat. I really do. But I got into a small jam.* Проанализировав всю эту информацию, мы пришли к следующим выводам. Термины родства обладают особой ролью во время семейной коммуникации и являются частью разных регистров. Как в английском, так и в русском языке наборы терминов в своей полной форме очень похожи друг на друга (мама, мать, отец, брат, *Mother, Dad, sister*). Но так как в русском языке очень развито словообразование с помощью суффиксов, диапазон их эллиптических форм намного более широк, нежели в английском [6, с. 98].

Таким образом, термины родства в русском, английском и других языках отражают определенный тип семейно-родственных отношений, правила и обязательства членов семьи.

Литературы

1. Антрушина, Г.Б. Лексикология английского языка: Учебник для бакалавров / Г.Б. Антрушина, О.В. Афанасьева, Н.Н. Морозова. - М.: Юрайт, 2013. - 287 с.
2. Арнольд, И.В. Лексикология современного английского языка: Учебное пособие / И.В. Арнольд. - М.: Флинта, 2014. - 376 с.
3. Бруннер, К. История английского языка; М.: Эдиториал УРСС - Москва, 2003. - 720 с.
4. Кустиков, М.М. A reader for advanced students of english. Science and technology; МАЯК - Москва, 2009. - 150 с.
5. Шадрин, Н.Л Русско-английский словарь устойчивых сравнений; СПб: Золотой век - Москва, 2003. - 528 с.
6. Шанский, Н.М. Лексикология современного русского языка / Н.М. Шанский. - М.: Ленанд, 2015. – 250 с.
7. Ўзбек тили изоҳли луғати. – М., 1980. Т. I-II. – С. 200–560.

Эргашев Қ., катта илмий ходим
(Ўзбекистон)

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МЕМУАР-БИОГРАФИК АСАРЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Ҳар қандай ёзувчи ижодининг энг қимматли жиҳати унинг ўзига хослигидир. Адибнинг истеъдоди қанчалик улкан бўлса, ундаги ўзига хослик ҳам шунчалик кўпроқ намоён бўлади, хусусан, буюк даҳо ижодкорлар ҳеч қачон мавжуд анъаналар қобиғида қолиб кетмайдилар. Буни Алишер Навоийнинг насрий мероси мисолида ҳам кўришимиз мумкин, жумладан, унинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Вақфия”, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” сингари асарлари, бир томондан, Навоийнинг ўзигача бўлган насрнинг энг яхши жиҳатларини ўзлаштиргани, иккинчи томондан, мавжуд анъаналар қобиғини ёриб чиқа олгани ва бутунлай ўзига хос асарлар яратганини тасдиқловчи ёрқин мисоллардир. Улар ўзларининг мазмун-мундарижаси, мақсад ва ғояси, жанрий-услубий хусусиятларига кўра ажралиб туради ҳамда ўз даври насри учун янги ҳодисалар сифатида намоён бўлади.

Буни ўша давр адибларининг мазкур асарларга муносабатидан ҳам сезиб олиш мумкин. Улар Навоийнинг насрий мероси ҳақида сўз кетганда, асосан,

унинг иншолари, тарихий асарлари, илмий рисолаларини тилга оладилар. Бобур “Бобурнома”да фақат “Муншаот” ва “Мезон ул-авзон”га тўхталиб ўтади. (Заҳиридин Муҳаммад Бобур, 2002: 132) Хондамир ўзининг тарихий асарида Навоий ижодига оид маълумотларни ҳам келтиради, унинг насрий асарлари орасидан иншоларига ва тарихий асарларига алоҳида тўхталган ва мақтаган. Лекин “Маҳбуб ул-қулуб”дек асар ҳақида Бобур ҳам, Хондамир ҳам, ўша даврнинг бошқа адиблари ҳам ҳеч нарса демаганлар. Шунингдек, “Вақфия” ва “Ҳолот”лар ҳам уларнинг диққатини кўпда жалб этмаган. Бунинг сабаби шундаки, ўша даврда шарқ адабиётида тарихий асарлар, иншолар, тазкиралар, манокіблар насрнинг асосий турлари деб ҳисобланган ва юқоридаги адиблар Навоий насрий мероси ҳақида сўз кетганда ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фикр билдирганлар.

Шуниси қизиқки, айнан улар индамай ўтган асарлар ҳақида адабиётшунослик тараққиётининг бугунги даражасидан туриб ҳам сўз айтиш мушқил, жумладан, уларнинг жанрий мансубиятини белгилаш, жанрий-услубий хусусиятларини ёритиш ҳам анчагина диққат-эътиборни талаб қилади. Адабиётшунос С.Ғаниева “Навоий прозаси” рисоласида Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини биографик-мемуар асарлар сифатида тасниф қилган. (Ғаниева, 1981: 3) Шу билан бирга адабиётшуносликда уларга манокіблар ёки манокібларнинг бир тури сифатида қараш ҳам бор.

Албатта, ушбу асарларнинг яратилишида ҳам адабий анъаналар маълум роль ўйнаган. Алишер Навоий бу яратмаларида ҳам ўзининг бутун ижодида бўлгани сингари Шарқ адабиётида, хусусан насрий ижод соҳасида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланган. Шу сабабли “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларига, шубҳасиз, Навоийгача ва унинг даврида яратилган насрий асарлар, шу жумладан, манокіблар ҳам муайян таъсир кўрсатган. Лекин муаллифнинг ғоявий-бадий нияти, ижодий онгининг ўзига хослиги ва бошқа бир қатор омиллар туфайли адабиётимизда бутунлай янги ҳодисалар сифатида баҳолаш мумкин бўлган асарлар юзага келган.

Бу асарларга манокіблар сифатида қараш тўғри эмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов олдинга сурган эди. Олим ўз фикрини, асосан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” мисолида исботлайди. У муҳим бир далилни келтиради, яъни Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” муқаддимасида асарни ёзишдан кўзда тутган мақсади ҳақида ёзган сўзларига эътибор қаратади: “... хаёлға андоқ келдиким, ул сипехру иззу иқбол била бу хокийваши фурумоя орасида ўтган ҳолатдин бир неча варақ нигориш қилғаймен”.

Демак, Навоийнинг мақсади Жомийнинг “ҳолотини” ёзиш эмас, Жомий билан ўзи ўртасида ўтган “ҳолот”ни қаламга олиш бўлган. Бир муқаддима, уч мақола ва хотимадан иборат бўлган асарнинг мундарижаси ва мазмуни ҳам ана

шу мақсадга бўйсундирилган. Беш қисмда баён қилинган воқеалар марказида фақат Жомий (“алар”) турмайди, балки Навоий (“фақир”) ҳам убила ёнма-ён туради. Муқаддима: “Аларнинг насаблари-ю валодатлари... бу фақир алар хизматиға қачон мушарраф бўлғаним”. Биринчи мақолот: “Алар била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умуру ғаробатлиқ сўзларким, андин аларнинг бу фақирға хусусият ва илтифотлари маълум бўлур”. Иккинчи мақолот: “Алар била бу фақир орасида битилган руқъалар бобида...”. Учинчи мақолот: “Кутуб ва расойил бобидаким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен...”.

Шундай қилиб, асарнинг асосий мазмунини Жомий ва Навоий орасида ўтган “ҳолот” ташкил қилади ва айнан мана шу ўзига хослик уни маноқиблардан ажратиб турувчи асосий жанрий белгилардан биридир.

Мазкур “ҳолот” асарнинг марказида, ҳам муаллифнинг диққат марказида туради. Маноқибларда эса асар марказида маноқиб қайси шайх ва валийга бағишланган бўлса ўша шахс туради. Маноқиблар бутунлай ўзига хос мазмун-мундарижага эга асарлардир. Уларда, асосан, авлиёларнинг, сўфийларнинг маноқибий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Маноқибий ҳаёт эса реал биографиядан фарқ қилади. Маноқибларнинг муаллифлари реал, тарихий фактлардан кўра кўпроқ ривоятлар, нақлларга суянадилар. Шунингдек, зикр этилаётган авлиённинг кароматлари ҳақидаги ҳикоятлар маноқибларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу жиҳатдан қараганда, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ни ҳам, “Ҳолот” ларни ҳам маноқиблар сирасига киритишга мутлоқо асаос йўқ. Зеро, Навоий ҳар учала асарида ҳам фақат ишончли маълумотларни келтиради. Уларда баён қилинган воқеаларнинг аксариятига Навоийнинг ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган, уларнинг асосида ривоятлар, нақллар эмас, реал фактлар ва ҳаётий ҳодисалар ётади. Масалан, “Фаноия” боғини яратиш пайтида боғбон Дарвеш Ҳожи билан Жомий ўртасида бўлиб ўтган муноқаша; Навоийнинг бир анжуманда Хасан Дехлавийга тегишли бир байтнинг мазмуни хусусида мажлис аҳли билан баҳслашиб қолиши ва гаров боғлаши ҳамда ҳакамликка Жомийни танлашлари, Жомийнинг Навоий фикрини қуватловчи жавоб ёзиб юборгани; Мавлоно Шайх Абдуллоҳ котибнинг Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” асарини Навоий ҳузурига олиб келгани ва Навоий уни бир ўтиришда ўқиб чиққани ва худди шундай ҳол Жомий билан ҳам юз бергани; Жомий Балх юришидан қайтаётган Султон Хусайн Бойқарон кутиб олиш учун Мурғоб вилоятига келганда юз берган воқеа; “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад”да Навоийнинг Султон Абусаид мирзо замонида Машҳадда касал бўлиб ётиб қолгани ва Пахлавон Муҳаммаднинг ундан хабар олиб туриши ҳамда шу аснода бемор дўстини оғир ҳаёллардан чалғитиш мақсадида қилган ҳазили шулар жумласидандир.

Тўғри, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий билан боғлиқ “ғариб нималар” (Навоий таъбири – Қ.Э.) тўғрисидаги ҳикоятлар ҳам бор. Булар Жомийни ҳақорат қилган ва беш-ўн кундан сўнг бир киши томонидан ўлирилган

Маҳмуд Ҳабиб; Жомий девони саҳифаларини бир-бир ўтга солиб куйдирган ва уч –тўрт кундан сўнг касалликка чалиниб ўлим топган Сейидам Ироқий; Жомийга мункир бўлган талаба Ноҳиқий, шунингдек, Ҳожа Дехдорнинг Жомийни тушида кўриши, Жомийнинг унга “қуръон ўқи” деб хитоб қилиши ва ўттиз беш йилдан кейин Жомий ўлим тўшагида ётганда Ҳожа Дехдор етиб келиб, унинг бошида Қуръон ўқиши ҳақидаги хикоятлардир. Лекин ушбу хикоятларни келтиришдан олдин муаллиф Жомийнинг “хавориқи одат изҳорига Ҳақ таоло амри била маъмур” бўлмаганлигини таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари, улар асарнинг асосий мазмунини ташкил этмайди. Мазкур хикоятларнинг асосий қисмда эмас, асар хотимасида берилганлиги ҳам шунини тасдиқлайди. Асосий ўринни эса, Жомий биографияси ва ижодий фаолиятига оид малумотлар, Навоий ва Жомий муносабатлари, улар ўртасидаги ёзишмалар ҳамда юқорида айтиб ўтилганидек, уларни одатий турмуш тарзи фонида тасвирловчи хикоятлар эгаллайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ҳар уч асарни мемуар-биграфик характердаги асарлар сифатида тасниф қилинишини тўғри деб ҳисоблаймиз.

“Ҳамсат ул-муттаҳайирин, “ Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер, “ Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарлари ўзларининг услубий хусусиятларига кўра ажралиб туради. Ё. Исоқов улар ҳақида “ бизнинг тарихий -қиёсий йўсиндаги кузатувимиз Навоийнинг мазкур асарлари ўрта аср ўзбек адабиёти тарихида мутлоқо янги ҳодиса бўлган, деб айтишга асос беради” , - деб ёзар экан, бунда ўша асарларнинг услубий хусусиятларининг ҳам назарда тутган. (Исоқов, 2001: 5) Кузатишларимиз шунини кўрсатадики, ҳар уч асарда ҳам мемуар –эсдалик ифода услуби етакчилик қилади. Баён оҳанги, қўлланилган сўзлар ва иборалардан муаллифнинг олдин бўлиб ўтган воқеаларни эслаб қоғозга тушираётганини сезиб олиш мумкин. Буни муаллифнинг ўзи ҳам тез тез таъкидлаб туради ва шу мақсадда “ул айёмда”, “ул йили”, “ул (хамул) учурда “, “ул замонда” , “ул вақтда”, “бу авқотда” , “фалон подшоҳ замонида” каби сўзлар ва иборалардан фойдаланади: “Ҳамул учурда подшоҳ Марв қишлоғига озим бўлдилар” (“Ҳамсат ул –мутаҳайирин”); “Иттифоқо, Паҳлавон хизматлари ҳам ул айёмда Машҳадда эрди” (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”); “ Ва бу авқотдаким, бу навъ риндликларга муртақиб эрдилар... “ (“Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”). Шунингдек , муаллиф баён қилинаётган воқеанинг юз берган вақтини кўрсатиш учун кўп ўринларда тарихий воқеаларни ёки асар қаҳрамони ҳаётидаги бирон муҳим воқеани тилга олиб ўтиш усулидан фойдаланади. Масалан: “Подшоҳ ул йили Хуросон тахтини олғондаким, “Жаҳонаро” боғи тарҳин солдилар...” (“Ҳамсат ул-мутаҳайирин”); “Алар Макка сафаридан қайтиб шаҳарга келганда...” (“Ҳамсат ул-муттаҳайирин”). Бундан ташқари мазкур асарлар матнида ўтган замон феълларининг кўп қўлланишини кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси мемуар-эсдалик ифода услубига хос хусусиятлардир.

“Ҳамсат ул-мутаҳайирин” борасида Ё.Исоқов шундай ёзади: “Муаллифнинг мутлоқо ўзига хос баён услуби рисола ни янги насрнинг етук

намунаси даражасига кўтарган”.(Исҳоқов, 2001: 5) Мазкур фикрни Навоийнинг тасвир услубига ҳам тегишли дейиш мумкин. Асарда воқеалар ва персонажлар реал ҳаёт, одатий турмуш тарзи фониди тасвирланади. Персонажларнинг табиати, феъл-атвори ҳам ана шу фонди очиб берилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги ҳикоятларнинг ҳар бири персонажларнинг, биринчи навбатда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг табиатидаги у ёки бу хусусиятни очиб беришга, уларнинг инсон, шахс сифатидаги фазилатларини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, ҳарбий юришдан қайтаётган подшоҳ билан Навоий Мурғобда турган ва Жомий уларни кутиб олиш учун борган вақтда юз берган воқеа, Жомийнинг Соғарий билан қилган ҳазил-мутойибалари унда юмор туйғусининг кучли бўлганлигини кўрсатса, Навоий ва Жомий йўлда келаётиб, араваларга терак юклаб келаётган боғбонни учратганлари ҳақидаги лавҳа Навоий шахсиятининг ўзига хос бир қиррасини – ундаги ҳозиржавобликни намоён этади. Навоий Жомийни кўриб келиш учун Хожа Дехдорни совғалар билан юборгани баён қилинган ўринларда эса муаллиф фақат Жомийнинг эмас, Хожа Дехдорнинг ҳам табиатига хос хусусиятларни кўрсатишга муваффақ бўлади.

Юқорида баён этилганлардан мазкур асарлар тўлақонли реалистик асарлар ва уларнинг услуби ҳам тўлақонли реалистик услуб, деган хулоса чиқмайди. Гарчи ҳар уч асарнинг асосида реал воқеалар, биографик фактлар ётса-да ҳамда реалистик тасвир унсурлари мавжуд эса-да, биз уларни реалистик асарлар деб эътироф эта олмаймиз.

Гап шундаки, ижодий онг ҳаётий воқеаларни, фактларни, турмуш ҳодисаларини материал сифатида олар экан, уларни сидирға, яхлит олмайди, балки танлаб олади. Материалнинг қай тарзда танлаб олиниши эса бадий тафаккур типига боғлиқ ва ёзувчининг ижодий методини ҳам бадий тафаккур типини белгилайди. Реалистик бадий тафаккур типини реалистик асарларни ва реализмни, романтик тафаккур типини романтик асарларни ва романтизмни юзага келтиради. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларида ҳаётини материал реалистик бадий тафаккур асосида танланмаган. Шу сабабли Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад образлари ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан холи шахслардир. Улар идеал образлар бўлиб, Навоийнинг комил инсон ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужассам этади.

Адабиётлар

1. Заҳиридин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Т., 2002, 132-бет.
2. Исҳоқов. Ё. Икки жаҳон ҳалқига ҳайрат// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001, 9 февраль.
3. Ғаниева С. Навоийнинг прозаик асарлари. Тошкент, 1981, 3-бет.

Эрназарова М., ассистент
(Ўзбекистон)

ТИЛШУНОСЛИК ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎЗАРО БОГЛИКЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шахснинг маънавий юксалишида тилнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун тил тадқиқи ва таълими соҳасида олиб борилаётган ишларда ҳам шахснинг маънавий камолоти масаласи юқори ўринларда туриши айти ҳақиқат. Зеро, давр глобаллашув шароитида тилшуносликнинг ҳам ўз ўрганиш объектига миллат ва шахс маънавияти нуқтаи назаридан ёндашувини янада долзарблаштирмоқда.

Ҳар қандай тадқиқот бевосита ёки билвосита ўрганиш объектини ёхуд ундан фойдаланишни такомиллаштириш билан шуғулланади. Шу маънода, луғатшунослик билан бевосита боғлиқ ишлар, гарчи санокли бўлса-да, таҳсинга лойиқ, албатта.

Тилшунослик ўтган асрда шахс саводхонлиги учун лингвистик база тайёрлаш мақсадида таълимий йўналишда ривожланган бўлса, ХХІ асрда унинг компьютер “саводхонлиги”, яъни компьютерни “эгаллаши” учун табиий тилни математик моделлаштиришга хизмат қиладиган замин ҳозирлаши жуда зарур.

Мамлакатимизда шиддат билан ривожланаётган бозор муносабатлари мақсадли йўналтирилган, истеъмолчи талаби асосида бажариладиган иқтисодий ва ижтимоий самарадор тилшунослик йўналишларининг ривожланишини талаб этмоқда. Бунинг учун, тегишли соҳа вазирлик ва давлат қўмиталари, корхона ва ташкилотлари лингвистик тадқиқот йўли билан ҳал қилинадиган масалаларни аниқлаб, муаммолар банкини яратиши, уларни фан йўналишлари бўйича таснифлаши ва илмий иш бажарувчи ташкилот ва корхоналарга юбориши зарур; муайян фан йўналишлари бўйича фаолият юритадиган илмий ва ўқув-илмий муассасалар тегишли соҳалардаги лингвистик тадқиқот йўли билан ҳал қилинадиган масалаларни аниқлаш, муаммолар банкини яратиш ва таснифлашда уларга кўмаклашиши лозим; тилшунослик фан йўналишлари бўйича фаолият юритадиган илмий ва ўқув-илмий муассасалар ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш соҳалари бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни ичига оладиган хизмат тизими ва структурасини ишлаб чиқиши зарур; тегишли фан йўналишлари бўйича фаолият юритадиган илмий ва ўқув-илмий муассасалар ишлаб чиқариш соҳалари бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни ичига оладиган хизматларни таклиф этиши керак; юридик шахсларнинг ушбу фан йўналишларига ҳомийлик хизматини жорий қилиш ва бунинг учун уларга имтиёз ва қулайликлар яратиш керак.

Тилшунослик фан ва ишлаб чиқариш узвийлигида бундай йўсинда иш юритишга ҳали ўтгани йўқ. Масалан, тил ва маънавият яхлитлиги ҳақида гап кетар экан, маънавий-маърифий фаолият самарадорлиги учун зарур тилшунослик тадқиқотларига тегишли муассасалардан ҳануз бирорта ҳам

буюртма берилгани йўқ. Ҳолбуки, янги асрда фақат ҳаётий амалий татбиққа эга, натижаларини истеъмолчилар сўрайдиган ва уларга ижтимоий-иқтисодий самарани таклиф этадиган тилшуносликкина яшашга ҳақлидир. Янги юз йиллик - глобал муаммолар асри. Бу муаммоларни санаб адоғига етиш қийин. Лекин уларнинг баъзилари бошқаларини келтириб чиқаришини инобатга оладиган, уларга тизимли ёндашадиган бўлсак, бирламчи ва иккиламчи, бош ва ёрдамчи муаммоларни фарқлаш мумкин. Шахс маънавияти глобал масалалар қаторида марказий ўринни эгаллайди. Зеро, жуда кўп муаммолар диалектик нуқтаи назардан оқибат характериға эга бўлиб, уларнинг аксарияти учун шахс маънавияти масаласи сабаб булмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг маънавият масаласи миллий муаммо, халқимизнинг тараққиёт шарти сифатида кун тартибига қўйилди. Икки жилд ўзбек тилининг изоҳли луғатида маънавият истилоҳи йўқлиғига кўра ушбу масаланинг истиқлолгача қай ҳолатда бўлганини тасаввур этиш қийин эмас. Бу луғатда маънавий сўзи берилгани (1-жилд, 454-саҳифа) унинг ижтимоий онгда фақат белги сифатида мавжуд бўлганидан, алоҳида борлик ҳодисаси мақомиға эга бўлмаганидан далолат беради. Балки бунга маънавият сўзининг рус ва бошқа Европа тилларида муқобили йўқлиғи ҳам сабаб бўлгандир. Мустақиллик йилларида маънавият алоҳида ўқув предмети сифатида ўқитила бошланди. Кўплаб ўқув адабиётлари, қомус ва луғатлар чоп этилди, таълим йўналишлари йўлга қўйилди. Бу борада мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди.

Тил - маънавиятнинг ифодаловчиси ва сақловчиси, бойитувчиси ва узатувчиси. “Она тили -миллатнинг руҳи” ғояси эътироф этилди. Бугунги кунда жадал глобаллашув маънавият муаммосини янада ўткирлаштириб, бошқа тегишли фанлар қатори тилшунослик зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Бу эса тил ва маънавият муаммосини ўрганадиган алоҳида соҳа - тилшунослик ва маънавит йўналиши шаклланишини талаб этади. Тил ва маънавият муштарақлиғи муаммосининг тилшуносликда ечиладиган хусусий ва бошқа фанлар билан ҳамкорликда тизимли ҳал этиладиган умумий томонлари мавжуд.

Таълим йўналиши эса, бир томондан, “маънавият” лисоний категорияси унсурлари моҳиятини ўқувчиларга синдириш, иккинчи томондан, ушбу тизимга кирувчи тил ифодаларининг маънавий моҳияти таълими орқали улар шахсий маънавиятини юксалтириш механизмини такомиллаштириш вазифаларини ўз зиммасига олади.

Ҳар бир давр фан ёки унинг йўналишлари олдиға муайян мақсад ва вазифаларни кўяди. Ижтимоий ёки давлат буюртмасидан келиб чиқиб белгиланган аниқ мақсад ва вазифалар фан ёки унинг йўналиши фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Тилшунослик ва маънавият йўналишининг бош мақсади - юксак маънавиятли шахс тарбиясига хизмат қиладиган илмий-амалий механизм учун муайян лингвистик таъминотни вужудға келтириш.

Тилшунослик ва маънавият тадқиқотлари умумий ва хусусий методологик тамойилларга асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва тарбия, китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича фармон ва қарорлари, маъруза ва чиқишлари, фикрлари, Вазирлар Маҳкамасининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш ҳақидаги қарорлари, таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, фан ва таълим-тарбия уй-ғунлиги тамойиллари йўналиш тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамиятини кучайтиришга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг тил, маънавият ва маданият муштараклиги масаласига доир қарашлари, хусусан, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида эътироф этилган тилнинг аккумулятив (сақловчи) вазифасини “маънавият” лисоний категорияси бирликлари мисолида ёритиш, уларда тил ва маънавият муштараклигини кўрсатиш, тилшунослик ва маънавият таҳлили натижаларини таълимда амалий фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтириш учун таянч вазифасини ўтайди.

Лингвистик характердаги лисон, меъёр, нутқнинг яхлитлиги ва алоҳидалиги ҳақидаги таълимот мазкур категорияга мулоқот, муносабат ва фаолият системаси кўзгусида қараб, бу системанинг шаклланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тилшунослик ва маънавият тадқиқотларида, соф лингвистик тадқиқ усулларида ташқари, культурологик ва социологик методлар — концепт таҳлили, фреймал, нарратив анализ, тасниф ва тавсиф, лингвистик реконструкция усуллари, маънонинг макрокомпонент ва микрокомпонент модели, психосоциокультурологик экспериментлар, матнларнинг лингвомаънавий таҳлили – герменевтик метод кабилар қўйилган муаммоларнинг самарали ечими учун муҳим воситалар бўлиб хизмат қилади. Тилшунослик ва маънавият тадқиқотлари таълим-тарбия учун хизмат қилувчи, аниқ самарани кўзлаб ишлайдиган яхлит системанинг лингвомаънавий базасини шакллантиради. Кун са-йин чуқурлашиб, ўткирлашиб бораётган шахс маънавияти муаммосини ҳал этиш, келажак яратувчилари бўлган юксак маънавиятли ёш авлодни вояга етказишнинг илмий ва амалий асосларини вужудга келтиради. Аслида, инсоншунослик фани бўлган лингвистиканинг шахс тарбиясига ўзининг муносиб ва табиий ҳиссасини қўшишини таъминлайди. Тилшуносликнинг шунчаки “тадқиқотлар тадқиқотлар учун” тамойили асосида иш кўришидан шахс маънавияти ривожига, ёш авлоднинг шахсий такомиллашувига кўмаклашадиган, керак бўлса, бунга дахлдор соҳалар оқимида етакчи ўринга кўтарилишига олиб келади. Тилшунослик ва маънавият тақлид ва эргашувчанликдан холи бўлиб, мамлакатимизда шаклланган ва дунё

тилшунослиги саҳнасига чиқаётган амалий самарадор миллий фан йўналиши бўлади.

Адабиётлар

1. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. - Тошкент. 1978.
2. Саломов Ғ., Отажонов Н. Таржима маҳорати. - Тошкент. 1989.
3. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.
4. Халлиева Г. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Т., Akademnashr, 2020. 11. Қосимов А., Ҳамроқулов А.,
5. Хўжаев С. Қиёсий адабиётшуносликка кириш. – Ф., Фарғон адавлат университети, 2019

Юсупов Қ. ассистент
(Ўзбекистон)

ОНА ТИЛИ – МИЛЛАТНИНГ РУҲИДИР

Курраи заминда 7000га яқин тил мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўз-ўзига тегишли бўлган ҳуқуқий мақоми, жаҳон миқёсида тутган ўрни ва қўлланиш доираси бор. Ўзбек тили ҳам халқимизнинг кўп асрлик маданий, маънавий-маърифий ва бадиий тафаккурини, илмий салоҳияти маҳсули бўлиб, энг қадимий тиллардан биридир. Бетакрор бадиий ва илмий асарлари ила она тилимиз мавқеини кўтарган ва уни нечоғлик латиф ва рангин, луғат бойлиги миқдори жиҳатидан ҳам, ифода жиҳатидан ҳам бениҳоя қудратли эканини исботлаб бера олган буюк мутаффақир бобомиз Алишер Навоий тилимизни нозик гавҳарга менгзайди. Дарҳақиқат, она тилимиз ўзбек халқининг минг йиллик тафаккури ва тасаввурининг бепаён ва сарҳадсиз эканидан дарак беради.

Тилнинг муқаррар яшаши, унинг софлиги шу тилдан фойдаланувчи халқнинг таффақурига ва миллий ўзлигига боғлиқ экани ҳеч ким учун сир эмас. Жамият ҳаётидаги турли эврилишлар, дунё халқларининг моддий, мафкуравий ва маданий алоқалари тилнинг ўзгаришига ёки унинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган омиллардан биридир.

Она тилимиз ҳозирги кунга қадар бир қатор баланду пастликларни кўрган, кези келганда чўққиларни забт этган, кези келганда жарлик остонасида заиф ва бахтсиз титраган тилдир. Мустабид тизим даврида миллатнинг маданиятини, санъати ва тилини асраб қолиш учун курашган маърифатпарвар зиёлилар-жадидлар буни теран англаб етганлар. Зеро, миллатни асраш-унинг дину диёнати, имон-эътиқоди, ахлоқ одоб, урф-одат, анъаналари ва тилини асраш демакдир.

Юртимизда 1989 йил 21 октябрда миллатпарвар инсонларнинг жиддий саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган

ва курашиб келган она тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Бу эса миллий озодлигимиз, мамлакатимиз мустақиллиги учун қўйилган илк қадам эди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун, шунингдек, ўзбек тилининг давлат тили мақомини мустаҳкам белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида тил сиёсатида ўта муҳим жараёнларни бошлаб берди. Ўтган давр мобайнида она тилимизнинг кенг имкониятларини очиб бериш, унинг миллат ҳаёти ва маънавий-мафкуравий қарашларидаги таъсирини янада кучайтириш мақсадида жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Натижада она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда.

Шунингдек, Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллат бойлиги ҳисобланмиш она тилимизга, халқимизнинг минг йиллик тарихи, урф-одатлари ва анъналарига ҳурмат ҳиссида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг муҳим –“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санасини ”Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиниши мамлакатимизда давлат тилининг тўлақонли жорий этилишини таъминлашга қаратилган яна бир жиддий қадамдир. Унга кўра, давлат тили тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати ташкил қилиниб, уни ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритилиши каби бир қатор амалий ишлар кўзда тутилган.

Дунё цивилизациясига бемисл ҳисса қўшган энг буюк аждодлардан мерос қолган бебаҳо бойлигимиз – она тилимизни асраб-авайлаш, чинакам ворислик қилиш, тил ривожини ва софлигини йўлида, ёш авлодга миллийлик, ватанпарварлик руҳини сингдиришда барча бирдек масъул эканини унутмайлик. Зеро, қайси мамлакатда миллий тил давлат тилига айланган бўлса ўша мамлакатнинг тараққий этиши, халқининг маънавий ва мафкуравий қарашлари ўсиб бораверади.

Она тили – миллатнинг руҳидир. Тил — давлат тимсоли, мулки. Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз

берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидандир.

Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга деб айтолмаймиз. Чунки бу халқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи халқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакиллариининг сўзларига қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 мингтагача етган бўлса, бугунги кунда сайёрамизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатларнинг тилларидир. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан бебаҳрадир. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувларига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку айтмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологияларнинг ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилларидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бугун Интернет тилининг 81 фоизи инглиз тилига тўғри келади. Тўғри, авваллари ҳам тиллар пайдо бўлган, муаммолада бўлиб, маълум вақтдан сўнг йўқ бўлиб кетган. Лекин ҳозиргидек тилларнинг жадаллик билан йўқолиши тарихда кузатилмаган. Йўқолиб кетиш ҳавфида бўлган тилларнинг сақлаб қолиш йўлида амалга оширилаётган сабъ-ҳаракатларнинг асосий мақсади ҳам маданиятлар ва тиллар хилма-хиллигини таъминлашдан иборатдир. Чунки айнан тил туфайли халқ ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолади, сайёрамизда яшаётган халқларнинг ўтмиши ва маданияти ҳурмат қилинади. Тилшунослар йўқолиб кетиш арафасида турган тилларни сақлаб қолишнинг имкониятлари ҳозирча қўлдан бой берилмаганини айтишади. Тилларни сақлаб қолиш учун эса, БМТ экспертларининг фикрича, бу тиллардан таълим тизимида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муаммола воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу

халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва хурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолатидир. Шу сабабли ҳам хар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши учун ҳаракат қилади.

Лингвист олимларнинг фикрича, яна 25 йилдан сўнг ҳозир муамолада бўлган тилларнинг ўнтасидан биттаси сақланиб қолар экан.

Бугунги кунда дунёда 6809 та тил мавжуд бўлиб, уларнинг тенг ярми саккизта давлат – Мексика, Индонезия, Камерун, Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Россия хиссасига тўғри келади. Энг кўп тилли мамлакат сифатида Ҳиндистон тан олинади. Бу мамлакатда аҳоли 845 тил ва лахжада сўзлашади. Иккинчи ўринда эса 600та тил ва шевада сўзлашувчи Папуа — Янги Гвинея туради. Сайёрамизда энг кўп аҳоли сўзлашадиган тил сифатида хитой, инглиз ва испан тиллари тан олинган. Биринчи ўнликка ҳинди, бенгал, араб, португал, немец, рус ва япон тиллари ҳам киритилган. Жаҳон тилларининг атиги 4 фоизи Европа қитъасига тўғри келса-да, энг кўп сўзлашувчи тилларнинг тенг ярми “кўхна қитъа”да экани маълум бўлди. 341 миллион киши инглиз тилини она тили сифатида тан олади, бироқ яна 350 миллион киши бу тилни иккинчи она тили сифатида кўришини маълум қилган. Тахлилчилар хитой ва инглиз тиллари фойдаланиш бўйича ўз мавқеини ошириб бораётганини айтишади. Вазиятни ўрганаётган кузатувчиларнинг фикрича, фойдаланувчилар сони бўйича айтилган дамба инглиз тили етакчилик қилаётган бўлса, XXI аср ўрталарига бориб, хитой тили асосий тил бўлиб олиши мумкин.

Бугунги кунда 357 тилда атиги 50 нафар киши сўзлашар экан. 46 тилдан эса атиги бир кишининг фойдаланиши айтилади. Уларнинг ўлими билан бу тиллар ҳам йўқолади. Олимларнинг фикрича, тил яшаб қолиши учун ундан камида бир миллион киши сўзлашиши керак экан. Бироқ бундай тиллар дунёда атиги 250 тадир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - М.: Просвещение, 1990.
3. Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. - Т.: Фан, 1981.
4. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.

Юнусова З. унвончӯ
(Тоҷикистон)

ДОИР БА МАСЪАЛАИ СИНКРЕТИЗМИ ФУНКЦИОНАЛӢ-СЕМАНТИКӢ СИСТЕМАИ ТЕРМИНОЛОГИИ САТӢИ ФОНЕТИКӢ-ФОНОЛОГИИ ЗАБОНШИНОСИИ ТОҶИКУ ЎЗБЕК

Терминология (истилоҳшиносӣ) бо вучуди он ки аз қабати лексикӣ умумиҳалқӣ бо баъзе ҷиҳатҳои худ фарқ мекунад, ҷабҳаҳои ифода ва мазмуни воҳидҳои лисонӣ ин шояд аз ҷабҳаҳои ифода ва мазмуни воҳидҳои луғавӣ қабати лексикӣ умумиҳалқӣ тафовут намекунад. Ин хусусияти изоморфиро дар истилоҳоти забоншиносӣ, хусусан, дар системаи истилоҳоти фонетикӣ ва фонологӣ низ вохӯрдан мумкин аст. Чунончи, системаи терминологии сатҳи фонетикӣ-фонологӣ низ ба мисли воҳидҳои луғавӣ умумиҳалқӣ аз мафҳумҳои гипонимҳо, эквонимҳо, партонимҳо ва градуонимҳо, ки асоси денотативӣ онҳо гуногун аст, таркиб меёбад.¹

Дар низоми истилоҳҳои сатҳи фонетикӣ-фонологӣ мафҳуми *фонетика* дорои мақоми супергипероним буда, гипонимҳои он *фонетикаи умумӣ*, *фонетикаи таърихӣ*, *фонетикаи қиёсӣ*, *фонетикаи тасвирӣ*, *фонетикаи экспериенталӣ мебошанд*. Дар забоншиносии тоҷик низ мафҳуми *фонетика* нисбат ба гипонимҳои *фонетикаи умумӣ*, *фонетикаи таърихӣ*, *фонетикаи таҷрибавӣ* (*фонетикаи эксперименталӣ*), *фонетикаи баёнӣ*² мақоми супергипонимиро дорад.

Бояд гуфт, ки дар системаи истилоҳот низ номи истилоҳи аз ҷиҳати вусъати мафҳуми муайян тобеъ гипоним маҳсуб меёбад. Масалан, истилоҳи **системаи садонокҳо (вокализм)** ҳамчун номи мафҳуми фонетикӣ пурвусъат **гипероним** маҳсуб ёбад, номи зермафҳумҳое, ки ба маънои луғавӣ истилоҳи мазкур иртибот доранд, дар мақоми **гипоним** қарор доранд. Муносибатҳои гиперо-гипонимикӣ дар байни тамоми истилоҳҳое, ки мафҳумҳои сатҳи фонетикӣ-фонологиро номгузорӣ менамоянд, вучуд дорад.

Дар забоншиносии ўзбек истилоҳи *таркиби овоз* ҳамчун гипероним истилоҳҳои гипонимии *овози нутқ*, *ҷиҳати акустикӣ овози нутқ*, *ҷиҳати физиологӣ овози нутқ*, *артикулятсияи овози нутқ* (аз ҷиҳати талаффуз), *ҷиҳати лингвистӣ овози нутқ*ро дарбар мегирад. Айнан чунин хусусиятро дар тамоми ҷабҳаҳои сатҳи фонетикӣ-фонологии забоншиносии тоҷик низ дидан мумкин аст. Масалан, истилоҳҳои *ҳичо*, *зада*, *ассимилятсия*, *диссимилятсия*, *метатеза* гипонимҳое маҳсуб меёбанд, ки дар доираи гипероними *овозҳои дар ҷараёни нутқ* қарор доранд³. Ҳамчунин *ассимилятсия* низ ҳамчун истилоҳи гиперонимӣ мафҳумҳои *ассимилятсияи*

¹ Бердиалиев А. Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. Хужанд: Р.Жалил номидаги Давлат нашриёти, 2013. 82-88 б.

² Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология, фонетика ва морфология. Қисми 1. Душанбе: "Ирфон", 1973. С. 83.. 84.

³ Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология, фонетика ва морфология. Душанбе, 1973. С. 104..108.

*прогессивӣ (роста), ассимилятсияи регрессивӣ (чапна), ассимилятсияи куллӣ, ассимилятсияи чузъиро ба ҳам овардааст*¹.

Истилоҳи **эқвоним** низ бо истилоҳи гипоним ҳамнисбат буда, инҳо воҳидҳоеанд, ки аз ҷиҳати маънову вазифа ҳаммонанд мебошанд. Дар забони умумихалқӣ ҳар як воҳиди луғавие, ки характери эқвонимӣ дорад, аз дигар воҳиди луғавии ҳаммавқеи худ аз рӯи денотати инъикосёфтааш тафовут мекунад. Дар системаи истилоҳшиносӣ бошад, мафҳумҳое, ки эқвонимҳои характерноки гипонимиро ифода менамоянд, аз рӯи баъзе хусусиятҳои чашмасоби ҳамин мафҳумҳо фарқ мекунад. Масалан, истилоҳи **овози нутқ** мафҳуми воҳиди хурдтарини сегментии нутқро ифода менамояд. Ин истилоҳ ҳамчун термини гиперонимӣ **овози садонок** ва **овози ҳамсадо** барин терминҳои гипонимиро ба худ тобеъ менамояд. Дар асл, ҳам **садонок** ва ҳам **ҳамсадо** овози нутқанд. Мафҳуми **овозе**, ки ин истилоҳҳо ифода менамояд, ҳосил гардидани онҳо аз рӯи хусусияти иштирок кардан ва ё накардани садо (овоз) аз ҳам тафовут мекунад. Ин фарқият ба сифати асоси зиддият (оппозитсия)-и истилоҳҳои **овози садонок ва ҳамсадо** хидмат менамояд. Фарқияте, ки дар байни истилоҳҳои **овози садонок ва овози ҳамсадо** ифода меёбад, мезон (критерия)-и асосиест, ки характери эқвонимии ин ду истилоҳро муайян менамояд.

Чунин вижагӣ ба мафҳумҳои **овозҳои (фонемаҳои) садонок, овозҳои (фонемаҳои) ҳамсадо**, ки ҳамчун гипоним ба истилоҳи **овозҳои нутқ** тобеъ мешаванд, хос мебошад, яъне ин ду истилоҳ нисбат ба истилоҳи гиперонимии **овозҳои нутқ** гипонимҳо ба шумор равад, нисбат ба якдигар **эқвонимҳо** мебошанд. Дар доираи як истилоҳ ба ҳам омадани гипонимҳо бо эқвонимҳо, яъне дучор омадани онҳо дар сатҳи фонетикии забони тоҷикӣ - дар термини **ассимилятсия** низ вучуд дорад. Ба истилоҳи мазкур мафҳумҳои **ассимилятсияи пурра, ассимилятсияи нопурра, ассимилятсияи прогессивӣ, ассимилятсияи регрессивӣ** дар мақоми **гипонимҳо** тобеъ мегардад ва айнан дар ҳамин парадигма дар муносибати истилоҳҳои гипонимии **ассимилятсияи пурра ва ассимилятсияи нопурра** ва ҳам дар муносибати мафҳумҳои гипонимии **ассимилятсияи прогессивӣ** ва **ассимилятсияи регрессивӣ** хусусияти эқвонимӣ мавҷуд аст, яъне **ассимилятсияи пурра** ва **ассимилятсияи нопурра**; **ассимилятсияи прогессивӣ** ва **ассимилятсияи регрессивӣ** дар доираи истилоҳи **ассимилятсия** ҳам гипоним, ҳам эқвонимҳо мебошанд. Ҳам гипоним, ҳам эқвоним маҳсуб ёфтани як истилоҳ ба терминҳои **садонокҳои лабӣ** ва **садонокҳои гайрилабӣ** низ хос мебошад. Ин истилоҳҳо нисбат ба истилоҳи характерноки гиперонимии **садонокҳои аз ҷиҳати лабӣ** ҳам гипоним, ҳам эқвоним ба ҳисоб меравад. Дар доираи истилоҳи гиперонимии **дараҷаи бардошти забон** дар муносибати мафҳумҳои

¹ Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология, фонетика ва морфология. С. 108.

аз ҷихати функционалӣ-семантикӣ тобеи он - *садонокҳои бардошти боло, садонокҳои бардошти поён* илова ба *вижагиҳои гипонимӣ, эквонимӣ* хусусияти *градуонимӣ* низ дида мешавад.

Дар доираи як истилоҳ ифода ёфтани хусусиятҳои гипонимӣ, эквонимӣ ва градуонимӣ дар муносибати мафҳумҳои ба *садонокҳои бардошти забон* тобешаванда, ба монанди *садонокҳои ҳаракати уфуқӣ, садонокҳои горизонталӣ забон; садонокҳои қатори пеш, садонокҳои қатори миёна, садонокҳои қатори ақиб* низ мавҷуд аст..

Дар қабати терминологӣ дар як вақт вобаста ба мавқеъ хусусиятҳои функционалӣ-семантикии ба монанди *гиперонимӣ, гипонимӣ, эквонимӣ, партонимӣ, градуоними*ро ифода кардани як истилоҳ синкретизми функционалӣ-семантикӣ (З. Ю.: истилоҳ аз мо) номида мешавад. Дар мақолаи мазкур мо танҳо дар доираи як истилоҳ ба таври синхронӣ-синкретӣ ифода гардидани мафҳумҳои *гипонимӣ* ва *эквоними*ро дида баромадем.

Дар системаи терминологии синкретизми функционалӣ-семантикӣ, хусусан, дар сатҳи фонетикӣ-фонологӣ, намудҳои амалкунандаи *гипонимӣ* ва *партонимӣ, холонимӣ* ва *меронимӣ* низ мавҷуд буда, мавзӯи баҳси онҳо дар мақолаи алоҳида баррасӣ хоҳад гардид.

Адабиётҳо

1.Бердиалиев А. Хидиров Р.Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология.Лексикография.Хужанд:Р.

Жалил номидаги Давлат нашриёти,2013.82 88 б.

2.Забони адабии ҳозираи тоҷик.Лексикология ,фонетика ва морфология. Қисми 1.Душанбе: “Ирфон”,1973.с.83..84.

3.Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология,фонетика ва морфология. Қисми 1. Душанбе: “Ирфон”, 1973.с.104..108.

4.Забони адабии ҳозираи тоҷик. Лексикология,фонетика ва морфология . Қисми 1. Душанбе: “Ирфон” , с.108.

Юнусова Б., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ ХИЗМАТКОР АЁЛЛАРНИНГ ИСМЛАРИ ХУСУСИДА

Бадий асарларда, жумладан, халқ достонларида қўлланган ҳар бир тил бирлиги мавзу ва ғояга муносиб тарзда маълум услубий вазифа бажаради. Бу, албатта, достонларда қўлланган ономастик бирликлар, жумладан, антропонимларга ҳам хосдир. “Алпомиш” достонида қўлланган бадий тимсоллар исм ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Достондаги бош тимсолларнинг исмларидан тортиб оддий персонажларнинг исм ва лақабларида уларнинг ташқи кўриниши, ички дунёси, характери, ижобий хислатлари, иллатлари, асар сюжетида тутган ўрни,

вазифаси ва бошқа жиҳатлар маълум маънода ифодаланган. Биз куйида дostonдаги персонаж мақомидаги оддий тимсолларнинг исм ва лақаблари таҳлили асосида буни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ҳакимбекнинг синглиси Қалдирғоч ойимнинг *Хатича* исмли канизаги бўлган: «*Қалдирғочнинг Хатича деган яхши кўрган канизи бор эди. «Акамни ўзим бориб, жўнатиб юбормасам, Қултойчол от бермайди», – деб Хатичани ияртиб, қорама-қора орқасидан кета берди*» [Алпомиш. Берди бахши варианты, 2015: 239].

Аслида бу исмнинг тўғри шакли *Ҳадича*. Шеваларда айнан юқоридаги *Хатича* вариантыда ҳам қўлланади. Исмнинг луғавий асоси арабча бўлиб, “*чала тугилган*” деган маънони англатади [Бегматов, 1998: 566].

Суқсурой – Барчиннинг канизи.

Тушин айтиб суюнчини сўради,

Суюнчига Барчин тилла беради,

Суқсуройнинг вақти хуш бўп қолади,

Тушининг табгирин шундай жўради [Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты, 2015:133].

Суқсурой антропонимига қуш номини ифодаловчи *суқсур* апеллятиви луғавий асос бўлган. *Суқсурой* антропоними “*сухсурдек чиройли, мўтабар қиз*” маъносини англатади [Э.Бегматов, 1998: 402].

Суқсур – ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари узун ва ингичка қуш. Илмий манбаларда бигиздум деб ҳам аталади. Наридурчиш даврида жуда чиройли: боши ва бўйи тўк, кўнғир, бошининг тепа қисми яшил, бинафша тусда товланади, кўкраги оқ, орқаси қорайўлли кулранг, қорни холли оқ. Қушнинг биринчи номи шунга нисбат бериб шундай аталган.

Ўрта бошқарув патлари ингичка ва узун. Шунга нисбат бериб, бигиздум номи берилган [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004:175]. Мазкур сўз ўзбек тилида *сухсур*, *суқсур* вариантларида кузатилади. Дostonда қуш номи сифатида ҳам кузатилади:

Кўкқамиш кўлидан суқсур учирдим,

Суқсурни излаган лочин бўламан.

Ўзбекларда *Сухсур* – гўзаллик ва соғломлик рамзи.

Ўзбек тилида *сухсурдай*// *сухсурдек* сўзлари ҳам бўлиб, “*сухсур каби чиройли*”, “*кап-катта, кўзга кўринган*” маъноларида қўлланади [Маҳмудов Н., Худойберганова Д., 2013: 201, 320]. *Суқсурдай* икки ўғлингиз бор ахир ... (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат).

Оқсулув – Барчиннинг канизи: “*Шу кунини Барчин бир туш кўриб эди. Кўрган тушинини Оқсулув деган канизига, йиглаб айтиб ўтириб эди*” [Алпомиш. Берди бахши варианты, 2015: 248]

Дostonда Ултонтознинг энаси *Бодом* тимсоли ҳам бор: “*Илгарини Ултонтознинг энасини Бодом чўри дер эди, бу вақтларда Бодом бикач дейди.*”

Ҳадди одам йўқ, **Бодом чўри** деган кишининг тилини қирқади” [Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты, 2015: 433].

Бодом антропонимига тарихий-этимологик жиҳатдан форс-тожикча *бодом* апеллятиви луғавий асос бўлган. Мазкур исмининг мотивацион асоси икки хил:

а) бодом гуллаганда туғилган қиз;

б) бодом каби мустаҳкам, маҳкам қиз [Э.Бегматов, 1998: 65].

Бизнингча, дostonдаги бу тимсол исмига иккинчи мотив асос бўлган.

Достон ва унинг вариантларида вазият ва ҳолатга кўра, бу тимсол исми турли антропонимик индикаторлар билан *Бодом бикач*, *Бодом буви*, *Бодом момо*, *Бодом енга*, *Бодомгул* вариантларида қўлланган: “Шунда Қултой аввал ўлан айтмоқчи бўлиб, орқасидан **Бодом буви** – иккови бир-бирига савол-жавоб бериб, аввал Қултой, сўнгра **Бодом буви** ўлан айтишиб турибди” [“Алпомиш” достони. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты, 2015: 205]. “Қариганда қадрдон қайинингман, ёр-ёр, Беш-олти оғиз ўлан айтай, **Бодом енга**, ёр-ёр” [Алпомиш. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты, 2015: 206]. “Шунда кайвони кампирлар хам Ултонтознинг энаси **Бодом соқовни** банди килиб, Бойбўрибекнинг олдига олиб келди” [Алпомиш. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты, 2015: 220].

“Нимча мойни бойимга олдириб, яйимча мойни ўзим яшийиб олиб, **Бодомгул** қайиндошим, деб 9та қатлама қилиб солиб эдим, – деди” [Алпомиш. Саидмурод Паноҳ ўғли варианты, 2015: 390]. “Кенгашиб одамлар айтди: – “Қултой бобонинг” тенги **Бодом момом**. Шундан бошла “Қултой бобонинг” тенги-қатори йўқ” [Алпомиш. Бекмурод Жўрабой ўғли варианты, 2016: 221].

Исмининг вариантлари унинг ёши билан боғлиқ тарзда бошқа тимсолларнинг унга ҳурмати, эътибори асосида юзага келган. *Бодом чўри* варианты унинг хизматкорлигига, ижтимоий вазифасига, табақасига ишора қилса, *Бодом соқов* варианты унинг физиологик камчилиги, нутқий қусурлари ифодаси сифатида юзага келган исм-лақабдир.

Бодом антропоними ва унинг услубий вариантлари тимсолнинг касби, ёши, физиологик қусурлари ва бошқаларнинг унга муносабатини ёрқин ифодалаши билан лексик-семантик ва услубий юк ташийди.

“Алпомиш” достонининг қорақалпоқча вариантларида Ултонтознинг онаси *Гулчин* исми билан берилган: “... ерге келди бир наўбет, жерге келди бир наўбет”, басыма деўлет айланды, ханлық қулға келди деп, “атан мурап болганша, жерин ой болсын” деген нақыл бар еди, балам, атан *Ғодар* қул еди, енен **Гулишин шоры** еди [Алпамыс. Хожамберган Ниязов варианты, 2016: 79]. *Ултан ханнын бир енеси бар еди, атын Гулишин шоры дейтузгын еди* [Алпамыс. Хожамберган Ниязов варианты, 2016: 79].

Бодом, *Гулишин* антропонимларининг қўлланишида умумийлик кузатилади. Ултонтоз тахтга чиқиб, подшоҳ бўлгач, *Бодом чўри*, *Бодом соқов* лақаб исмлари *Бодом момо*, *Бодом буви*га айланганидек, *Гулишин шоры*, *Гулишин*

соқов лақаблари ҳам *Гулчин ойимга* айланади: “*Баласы Ултан Қоныраттын халықларын аўзына қаратып, алтын тахқа минип, журт сорап патша болғаннан кейин, бунын шоры деген атын айтыўга Ултаннан айбынып, Гулишин айым дейтуғын еди. Гулишин айымнин тилинде кишкеине сал шулжинлик бар еди, сол ушын буни бир қанша қатынлар Гулишин сақаў деп те айтатуғын еди* [Алпамыс. Хожамберган Ниязов варианты, 2016: 252].

Достоннинг қорақалпоқча вариантларида *Гулишин* антропоними *Гулишинай, Гулишинжан* вариантларида ҳам кузатилади:

Ултан уйқилап қалғанди,

Бираз ешкини қуўалап,

Кеткен екен Гулишинай,

Байсын кўлдин бойында. [Алпамыс. Қурбанбай жыраў Тажибаев варианты, 2016: 362].

– Есик алди шалқар суў, теренг жапты, яр-яр,

Мен айтпайман, Гулишинжан, ҳаргиз лаптқ, яр-яр,

Бугинде қашқў тартпа Гулишин шорқ,

Тахтта отқрган баландқ кимнен таптқн, яр-яр [Алпамыс. Арзымбет жыраў варианты, 2016: 679].

Достоннинг баъзи ўзбекча вариантларида ҳам бу исм қўлланган: “*Хотинларнинг ичида бир чўлоқ хотин бор эди, Гулчин дейдилар эди, соқов эди*” [Алпомиш. Саидмурод Паноҳ ўғли варианты, 2015: 390].

Гулишин ўзбек тилидаги *Гулчин* антропонимининг қорақалпоқча варианты. *Гулчин* исмига “*гуллар тўпловчи, йиғувчи, гулчи, гуллар боғбони*” маъноларини англатувчи *гулчин* апеллятивни луғавий асос бўлган [Бегматов, 1998:103].

Адабиётлар

1. «Алпомиш» достони. Бекмурод Жўрабой ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 10-жилд.

2. «Алпомиш» достони. Берди бахши (Бердиёр Пиримкул ўғли) варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 4-жилд. – Б.225-338.

3. «Алпомиш» достони. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 4-жилд. – Б.23-224.

4. «Алпомиш» достони. Саидмурод Паноҳ ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 4-жилд. – Б. 339-412.

5. Алпамыс. Арзымбет жыраў варианты. Қарақалпақ фольклоры. 6-том. – Нукус: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 611-684.

6. Алпамыс. Қурбанбай жыраў Тажибаев варианты. Қарақалпақ фольклоры. 3-том. – Нукус: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 265-400.

7. Алпамыс. Хожамберген Ниязов варианты. Қарақалпақ фольклоры. 1-том. – Нукус: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 5-86.

8. Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 1-жилд. – 512 б.

9. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – 608 б.

10. Маҳмудов Н., Худойбергана Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 201. 320 б.

11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 3-ж. – Б.599.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 8-ж. – Б. 175.

Юлдашев О., докторант
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК ТИЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИНИНГ НОМЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ономастик бирликлар таркибига кирувчи матбуот нашрлари: газета ва журналларнинг махсус номлари – гемеронимлар лисоний вазифаси, маъноси ва номинацион-мотивацион хусусиятларига кўра апеллятив лексикадан фарқ қилади.

Номинация юзага келиш жараёнини икки омил билан боғлаш мумкин. Биринчи омил нарса ва ҳодисага берилган дастлабки, ном бўлса, иккинчи омил эса дастлабки ном устига қўйилган ясама ном ҳисобланади. Масалан, қишлоқ, маҳалла, кўча каби турдош отлар биринчи, *Янгиер*, *Янгийўл*, *Тошбулоқ*, *Яккатог*, *Олтиариқ* каби топонимлар иккинчи номинация маҳсулидир.

Илк номинация жараёни кейинги ном юзага келишига асос бўлади. Бунда тилда мавжуд сўз, сўз бирикмаларидан қайта фойдаланган ҳолда янги ном ҳосил қилинади, ясалади. С.Кенжаева номинация жараёнини *биринчи номинация* ва *иккинчи номинация*га ажратади [Кенжаева.С.Э, 2019: 14]. Иккинчи тип номинация ҳар доим ҳам турғунлик касб этмай, айрим лексемаларни номлашда икки ва ундан ортиқ ҳолатларда номланиш ҳам учрайди. Профессор С.Мўминов мотивация ҳақида назарий қарашларини талқин қилар экан, уларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи мотивацияга бўлишни таклиф этади. Олим “иккиламчи ва учламчи мотивацияларга лексик-семантик усул билан ясалган айрим антропоним ва топонимларни киритиш мумкин”лигини таъкидлайди [Мўминов.С, 1986: 74]. Фикримизча, бу жиҳатдан, гемеронимлар ҳам шу иккиламчи мотивация турига мансубдир. Матбуот нашрлари бирламчи номинацияга кўра *газета*, *журнал* деб аталган. Кейин уларга “*Чархпалак*”, “*Гулчехралар*”, “*Темирйўлчи*”, “*Бойчечак*”, “*Бегойим*”,

“Адолат кўзгуси”, “Шарафли йўл”, “Шарқ зиёси”, “Саволлар олами”, “Yoshlar ovozi” каби махсус атоқли номлар берилган. Натижада гемеронимлар – матбуот нашрларининг махсус атоқли отлари юзага келган.

Номинация жараёни бевосита мотивация билан уйғунликда юзага келади. Объект номи ўзи англатаётган тушунчанинг асосий белгиси, хусусиятига қанчалик мос тушиши мотивланганлик мезони ҳисобланса [Бегматов Э., Улуков, 2006: 48], ном бериш, қандай номланиш жараёни лингвистик ва нолингвистик асослари, одатда мотивланган ёки мотивланмаганлик белгисига кўра фарқланади. Шу жиҳатдан, гемеронимларнинг вужудга келишида номинация ва мотивация муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Ислом нури”, “Ҳидоят”, “Мўминалар”, “Нақшбандия”, “Ҳилол”, “Тамаддун”, “Тамаддун нури” каби гемеронимлар номинацион-мотивацион жиҳатдан асосан диний тушунчалар билан боғлиқ.

“Ислом нури”, “Ҳидоят”, “Мўминалар” гемеронимлари мотивланганлик мезонига тўлиқ мос келади, чунки ушбу гемеронимлар билан у англатаётган нашр орасида боғлиқлик, алоқа мавжуд. Гемероним асоси етакчи белги хусусиятига бутунлай мос келганлиги учун ўқувчи тушуниши, матбуот нашрида нима ёритилишини олдиндан сезади. Бундай номланиш мотивланган номланиш ҳисобланади.

“Нақшбандия”, “Ҳилол”, “Тамаддун”, “Тамаддун нури” каби гемеронимлар луғавий асосига келсак, Нақшбандия – тасаввуфнинг 14-асрда асос солинган тариқатларидан бири ҳисобланса, Ҳилол арабча янги чиққан ойни, антропонимни ва турли рамзий тушунчаларни: *янгилиши*, *покланиши* каби маъноларни ифода этади. Бу нашрнинг номланишига ойнинг бошида чоп этилиши асос қилиб олинган. Тамаддун, цивилизация, маданият, сўзлари ўзаро бир лексик маънони ифодалаб, *нур* лексемаси билан ҳамоҳанглик касб этган.

Қуйида гемеронимларни мотивланиш белги-хусусиятига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Мавзу моҳияти ва ўқувчиларнинг ёшига кўра номланган матбуот нашрлари.

“Нуроний”, “Keksalik gashti”, “Оталар сўзи” каби гемеронимлар мавзусига кўра нуронийлар, кексалар учун мўлжалланганлигига кўра шундай аталган.

Болалар учун мўлжалланган матбуот нашрлари “Бола ва замон”, “Болажон”, “Булбулча доно”, “Bolalar adabiyoti”, “G‘uncha”, “Gulxan”, “Бахтли болажон”, “Yangi avlod”, “Болалар спорти”, “Соғлом авлод”, “Жажжи академик” тарзида номланган. Масалан, “Булбулча доно” гемероними бирикма тарзида *булбул + ча* ва *доно* сўзларини кўшилуви орқали тузилган бўлиб, бу гемероним таркибида *булбул* сўзи қушни ифодалайди, *-ча* аффикси кўшилиши орқали унга эркалаш-кичрайтириш маъноларини юкланиб, *доно* сўзини бирикишидан рамзий маънода кичик ёшдаги болалар билимдон, зукко бўлиб, улғайишлари учун мўлжалланганлиги ифодаланади.

2. Нашр ҳудудий мансублиги асосида номланган матбуот нашрлари:

“Наманган ҳақиқати”, “Тошкент ҳақиқати”, “Тошкент оқишми”, “Зарафшон”, “Гулистон”, “Воҳа”, “Водий гавҳари”, “Ўзбекистон овози”, “Ўзбекистон бунёдкори”, “Ўзбекистон футболли” каби. Мазкур матбуот нашрлари вилоят, республика номларига матбуот нашрини ифодаловчи индикаторларни қўшиш асосида ҳосил қилинган.

3. Гендер хусусиятига кўра номланган матбуот нашрлари.

Аёл ва эркак жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро фарқланишлар, асосан, уларнинг қизиқишларида, ҳатто, газета-журнал мутоласида ҳам сезилади. Шу боис матбуот нашрлари мавзу-мундарижаси, гендер хусусиятларига кўра фарқланади. Масалан, аёллар кўпроқ мода, гўзаллик, пазандачилик, уй-рўзгор техникалари, оила каби мавзулар бериб бориладиган матбуот нашрларини ўқишса, эркаклар мавзуси жиҳатидан, дунё янгиликлари, спорт ва машиналар ҳақидаги нашрларни кўпроқ ўқишлари кузатилади. Шу жиҳатдан, гемеронимлар ҳам гендер хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, “Дугоналар”, “Бегойим”, “Бекажон”, “Зулфияхоним”, “Tadbirkor ayol”, “Қайнона”, “Gulchehralar”, “Келинчак”, “Рўзгор”, “Маслаҳат”, “Сугдиёна”, “Рўзгор санъати”, “Саодат” каби гемеронимлар аёлларга мўлжалланган. газета ва журналларнинг атоқли номларидир.

“Ватанпарвар”, “Ўзбекистон армияси”, “Avto plyus”, “Avtohamroh” “GM-Uz-avto press”, “Интер футбол”, “Футбол Экспресс”, “Интер спорт” каби гемеронимлар эркаклар учун мўлжалланган газета ва журналларнинг атоқли номларидир.

4. Соҳавий хосланганлигига кўра номланган матбуот нашрлари:

- а) тиббиётга оид матбуот нашрлари;
- б) таълим-тарбияга оид матбуот нашрлари;
- в) иқтисодий-сиёсий матбуот нашрлари;
- г) табиат, экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга оид матбуот нашрлари;
- д) ҳуқуққа оид матбуот нашрлари;
- с) спортга оид матбуот нашрлари ва бошқалар. Бундай бўлинишни давом эттириш мумкин. и

Тиббиёт, тиббий маслаҳатларни берувчи “Саломатлик дастурхони”, “Саломатлик сандиги”, “Таълим”, “Шифо инфо”, “Шифокор суҳбатиди”, “Veterinariya meditsinasi”, “Инфекция, иммунитет ва фармакология”, “Nevrologiya”, “Психолог маслаҳати”, “Педиатрия”, “Salomat bo'ling”, “Фармацевтика”, “Ҳамира”, “Шарқ табобати”, “Salomatlik” каби матбуот нашрларининг кўпига шу соҳага оид сўз, сўз бирикмалари луғавий асос бўлган. Бу таълим-тарбия соҳасига оид: “Маърифат”, “Маърифат гулиани”, “Маърифат саодати”, “Мактабгача таълим”, “Ta'lim texnologiyalari”, “Til va adabiyot ta'limi”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Xalq ta'limi”, “Педагог минбари” каби; иқтисодий-сиёсий соҳага оид: “Иқтисодий

газета”, “Бозор, пул ва кредит”, “Иқтисод ва молия”, “Бизнес Эксперт”, “Бизнес: аудит, баҳо, мулк”, “Иқтисод ва молия”, “Тадбиркор ва истеъмолчи”, “Халқ сўзи”, “Milliy tiklanish” каби гемемеронимларда ҳам кузатилади.

“Agro kimyo himoya va o‘simliklar karantini”, “Фермер”, Фермер ҳаёти”, “Fermer ta’limotnomasi”, “Фермер ва томорқачи”, “Agro Biznes Inform”, “Agro ilm”, “Агротехника дунёси”, “Irrigatsiya va melioratsiya”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Ўзбекистон балиқчилиги”, “ЭкоМувозанат”, “Экологик хабарнома”, “Еко ҳаёт”, “Муҳофаза +”, “Еко olam press”, “Еко olam” каби гемемеронимларда табиат, экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги бўйича тажрибалар, тавсиялар, маслаҳатлар ёритилиши ёрқин ифодаланган.

Таҳлиллардан англашиладики, гемемеронимлар халқнинг бутун тарихий-замонавий, маданий бойлигини ифода этувчи ономастик бирлик сифатида, номинатив вазифа бажариши билан бир қаторда ўзига хос номинацион-мотивацион хусусиятларга ҳам эга.

Адабиётлар

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 48.
2. Кенжаева.С.Э. Ўзбек тили антропонимларининг номинцион-мотивацион асослари ва тавсифи: PhD автореф. – Қарши, 2019. – Б. 14.
3. Мўминов С. Ўзбек тилшунослиги терминларида мотивация // Ўзбек терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.74.

Elder, Ted Unvonjo’у
(Tajikistan)

FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF UZBEK IDENTITY IN TAJIKISTAN

In order to more accurately understand questions of identity today among the Uzbeks in Tajikistan, it is important to understand the historical development of these identities. A survey of relevant literature yields a substantial amount of information, and a diversity of opinions on questions related to identity.

First, I will discuss general interpretations of Uzbek identity. Then I will examine the different peoples who make up today’s Uzbeks in Tajikistan. Next, I’ll discuss the issue of Uzbek identity as it relates to Tajik identity. Then I will address how the officials of the Soviet Union approached the question of identity in Central Asia, and the role they played in its development. Finally, I will look at the situation of Uzbeks in Tajikistan, and how the different groups of Uzbeks came to live there.

Interpretations of Uzbek Identity

Of those who write about the issue of the development of the Uzbek identity, they can be roughly divided into two groups: 1) those who see the Uzbeks as having a long and great history, and 2) those who see the current Uzbek identity as having been largely crafted by Soviet authorities (Abdullaev, 2012), then honed by the leaders of independent Uzbekistan (Torbakov, 2000). Sergei Abashin from the Russian Academy of Sciences labels these two interpretations as “primordialism” and “constructivism” (Abashin, 2003: 32). Those in the first category are primarily those who are writing as a part of the Soviet state, or of independent Uzbekistan. This seems to be largely a case of a state employing history and/or anthropology to achieve its own ends (Lui, 2011: 118).

Those in the second group explain a much different picture. The khans who ruled their khanates in Central Asia had a total lack of interest in the ethnic composition of their population (Bergne, 2007). Before 1917, those who are today considered Uzbeks had no consciousness of belonging to a modern, well-defined nation (Allworth, 1990: ix, 179) (Olimov, 2002)). Igor Torbakov writes that “prior to the 19th century Russian invasion of Central Asia, notions of ethnicity and nationality were largely alien to the peoples of the region.” (Torbakov, 2000) Even Vasiliy Barthold, Russian’s leading specialist in oriental studies wrote as late as 1927, “The settled peoples of Central Asia regard themselves first as Muslims and then as inhabitants of any given town or region; ethnic concepts having virtually no significance in their eyes” (Torbakov, 2000).

So, if those called Uzbeks today did not have a sense of being a distinct ethnic group a hundred years ago, where did they come from and how did the current ethnic sense develop? The Uzbeks are made up of those from a more pure Turkic tribal background, as well as those who are part of the intermixed Turko-Persian peoples who were collectively known as “Sarts”.

Uzbeks from a Tribal Background

Many of the people who are today called Uzbek came from a variety of different Turkic tribes, some of which were nomadic, or semi-nomadic (Bergne, 2007: 44). Khanykov listed 97 Uzbek tribes and clans known in the middle of the 19th century (Chika, 2001: 119). Karamesheva has a list of more than twenty different tribes under the heading of “Uzbek” that lived in what is now southern Uzbekistan and Tajikistan during the late 19th and early 20th century (Karamesheva, 1976: 70). Schoeberlein, in his 1994 thesis on Uzbek identity presents a table listing over 100 tribes and sub-tribes from a census of Bukhoro taken by the Soviets in 1924 (Schoeberlein, 1994: 154-155). While it is beyond the scope of this paper to investigate the different tribes, what is worth noting is that these tribal identities were clearly known and used by insiders and outsiders during the 19th and 20th centuries.

Sarts

Others of those who are today referred to as Uzbek came from the sedentary people living in what is now Uzbekistan and Tajikistan who were a mix of Turkic and Persian and who were often collectively referred to as “Sarts” (Allworth, 1990: 42; Schoeberlein, 1997, p.5). Sart can be a bit of a confusing term, because it was used in different ways by different people at different times (Schoeberlein, 1994: 168; Bergne, p.8) It was used in Central Asia before the arrival of tsarist Russians, seemingly to refer to the “settled people” as opposed to the “nomadic people” (Allworth, 1990: 177).

The term “Sart” was used to refer collectively to both Turkic people who had settled down and mixed with Persians, and Persians who had become “Turkified”, thus being a bit of an ambiguous term (Starr, 2011: 279). Sarts were usually bilingual, speaking both Turkic and Persian (Bergne, 2007: 7; Nazaroff, 1932: 56). It is interesting to note that even Lenin and Stalin, in their early appeals to the masses were addressed to the “Sarts of Turkistan”, instead of to the “Uzbeks” or to the “Tajiks” (Allworth, 1990: 178). Nazaroff, a Russian, and Krist, an Austrian, living in Central Asia at the time of the Bolshevik revolution both refer mainly to Sarts, with minor references to Uzbeks and to Tajiks, both of which were distinct from Sarts in their eyes (Nazaroff, 1932: 17, 41) (Krist, 1939: 78, 107, 117). So it seems there was this broad ethnic spectrum, from the semi-nomadic Turkic peoples (Uzbeks) on one end, to the mountain dwelling Persian-speaking peoples on the other end (Tajiks) with a large mass of Sarts in the middle, and no clear boundaries along the spectrum (Bergne, 2007: 9) (Chika, 2001:113-114). According to a Russian Academy of Sciences Report, Soviet commissioners found cultural-linguistic barriers “extremely diffuse” (Allworth, 1990: 179, 186). Again, the primary identifiers for these people were their religious affiliation (Muslim), then their region of origin, and then their social position (Torbakov, 2000). Ethnic identity was a distant fourth identifier, and “Sart” was fine for many of the settled peoples, of mixed Turkic and Persian heritage. “Sarts, Tajiks, and Uzbeks ... lacked feelings of group exclusiveness and cohesion” (Allworth, 1990: 196).

Uzbek and Tajik

The still hardening identities of Uzbek and Tajik as used today are in no way representative of the way those identities were understood prior to the Soviet arrival in Central Asia. Alisher Navoi wrote,

“These two peoples have been strongly mixed with each other in all generations. There is much mixing and communication between the two peoples, and they can speak with and understand each other without hindrance.”

That is why the Tajik language has an abundance of Turkic elements, and why the Uzbek language, more so than the other Turkic languages, has a whole range of Persian elements (Shermatov, 1993: 108). Inter-marriage was so common that they themselves had difficulty deciding who was “Tajik” and who was “Uzbek” (Rowe, 2002: 258). Starr puts it another way, saying “identity is more a matter preference than of genes” (Starr, 2008: 11). Indeed when the Soviets established the Turkistan Commission to divide Turkistan into area according to ethnicity, they suggested dividing it into areas for the “Kirgiz” (though later they discovered they meant “Kazakh”), Turkmen, and the “Uzbek-Tajiks” (Allworth, 1900: 181). To the commission the Uzbeks and Tajiks together constituted one group. Though their languages are distinct, the cultures of the Tajiks and Uzbeks settled on the plains are largely indistinguishable.

A current Tajik historian, Kamol Abdullaev explains it this way, “the Uzbeks aren’t wholly Turkic, and the Tajiks are not wholly Iranian” (Abdullaev, 2012). Schoeberlein says the “great majority of Central Asians belong to a single culture that is at the same time highly diverse and highly intermixed, making it impossible to identify a distinct culture of the ‘Tajiks’ or ‘Uzbeks’” (Schoeberlein, 1994: 21). Another author says using the strict ethnic categories of “Uzbek” and “Tajik” is insufficient to “grasp the distinctions around highlander/lowlander, nomad/trader/agriculturalist, autochthonous/resettled that animate intra-ethnic relations” (Ferrando, 2013: 49).

That is why even in 1925 a report by the Tajik Organizational Bureau to the Central Asian Bureau in Tashkent said it struggled to find Tajiks due to their assimilation with the Turkic-speaking groups (Kassumbekova, 2011: 361). This was true during the Soviet era, when many lived in a mixed ethnic environment, where ethnic identity had little meaning (Parshin). Indeed for many Samarkandis of the 1990’s, having some family members identified as Uzbek and others as Tajik, was “a matter of amusement at most, and more often of complete insignificance” (Schoeberlein, 1994: 122).

Another reason for this assimilation is that the Persian speakers of Samarkand, Bukhoro and the Ferghana Valley felt more affinity for their Turkic-speaking neighbors than they did for the Persian-speaking Iranis in Bukhoro (who had migrated from Merv in 1785), or for the Persian-speaking peoples in the mountain valleys, like in Karategin and Darvoz. At first the Soviet authorities created a Persian-speaking branch of the communist party led by Iranis from Bukhoro. The Soviets failed to understand the barrier that separated these Iranis from the other Persian-speakers, the fact that they were Shiites. Persian-speaking Sunnis felt more affinity for the Turkic-speaking Sunnis than for Persian-speaking Shiites, even though both were their neighbors (Bergne, 2007: 23). Additionally, the Persian-speakers of the

plains had very different economic and cultural environments from the Persian-speakers of the mountain valleys. Indeed, they had very little direct contact with one another (Akiner, 2001: 7).

Soviet “Creation” of Identities

to define. But since Soviet officials sought to create a national territory, a language and culture, for each ethnic minority, these identities had to be solidified (Martin, 1998: 859). While these identities did exist in some blurred and diffused form prior to the Soviet era, the Soviets set about defining and homogenizing them (Liu, 2011: 118). For example, they created, however imperfectly, a link between territory (the Soviet Republic of Uzbekistan) and the newly defined Uzbek national identity (Fumagalli, 2005: 39).

After Uzbekistan was established, the term, Sart, was dropped, and all Turkic speaking Sarts became “Uzbeks,” while all Persian speaking Sarts became “Tajiks” (Schoeberlein, 1997: 5). This was the suggestion of Turkologist Aleksandr Samiolovich, and the term, Sart, was not a choice in the category of ethnic group on the 1926 census (Hirsch, 2000: 222). The obvious problem with this approach was that most Sarts were bilingual. So in Uzbekistan, particularly in the Ferghana Valley, most Sarts became classified as Uzbeks. The smaller, more tribal Turkic groups like the Loqay, Qarluq, and Chagatay were also enfolded into the broad category of “Uzbek” (Schoeberlein, 1997: 6). Faizulla Khojaev, one of the early leaders of Uzbekistan, is a classic example of a “Sart” who was fluent in both Turkic and Persian, who after returning to Uzbekistan from studying in Russia decided that it would be a prudent political decision for him to be an “Uzbek” (Chika, 2001). Not that he was “Tajik, or “not Uzbek” before, just that he didn’t think in those rigid ethnic categories.

Indeed ethnographers of the early Soviet era described the peoples as inter-mixed, but the local elites, who had political ambitions, adopted the Soviet paradigm of distinct ethnicities. These elites described an “age old” antagonistic relationship between Tajiks and Uzbeks, which was in direct conflict with the reports of ethnographers that it was not straightforward even for locals to differentiate between “Tajiks” and “Uzbeks”. One ethnographer, Khudikov, explained that the people’s self-definition did not fit into the Soviet regime’s standard definitions (Hirsch, 2000: 222-3).

One thing that helped the Tajik identity to solidify as distinct from Uzbek, however, was the way that the new “Uzbeks” of the Soviet Republic of Uzbekistan promoted themselves and the Turkic language in ways that left the Persian-speakers feeling left out and looked down on. This proved to be a stimulus to the Persian-speakers to identify with the Soviet-defined “Tajik” group (Bergne, 2007).

As a result of the efforts to clarify ethnic and national identities for both Uzbeks and Tajiks, these peoples which have traditionally had a very symbiotic relationship, slowly became rivals competing with each other for territory and cultural symbols (Subtelny). The Soviet attempt to define clear ethnic identities out of the ambiguous realities was largely successful, and these new identities were attached to the territories that had been defined by the Soviet authorities. As such most current day

“Uzbeks” and “Tajiks” have completely embraced this “meta-narrative” of having long been distinct peoples and are oblivious to the position of many scholars, including some from the former Soviet Union, of an “organic and inextricable Irano-Turkic” connection (Horak, 2010: 73).

Uzbeks in Tajikistan

Uzbeks outside of Uzbekistan, however, did not go through the homogenization process (described above) nearly to the same degree as those in Uzbekistan. So while the Uzbeks of Uzbekistan are not entirely homogeneous, the Uzbeks of Tajikistan are even less so (Bleuer, 2007: 29). As well, the Uzbeks in Tajikistan were not treated as a minority group in the “normal” way minorities are within the Soviet system, because the Uzbeks were a “titular” nation in the Uzbek SSR (Fumagalli, 2005: 89). These two things explain why those classified as “Uzbeks” in Tajikistan are much more diverse than the “Uzbeks” in Uzbekistan, and why many of them have other, and sometimes stronger, identities than simply “Uzbek”. Indeed maybe the best way to think of “Uzbek” is as an “umbrella term” for the different groups that have different histories of how they came to live in what is now Tajikistan (Akiner, 2001: 9).

Akiner notes three primary groups of “Uzbeks” in Tajikistan:

First the descendants of the first wave of Turkic tribes who live mainly in the southwest.

Second, the descendants of the second wave arrivals who live mainly in the center-west and who until recent times were semi-nomadic.

The largest group are descendants of the third wave, like the present day Loqays.

She also mentions there are smaller communities of Uzbeks who settled in Tajikistan voluntarily or as a result of deportation (Akiner, 2001: 9).

Olimov and Olimova explain it another way. They divide Uzbeks of Tajikistan into the “diaspora” and the “irredenta” or indigenous people. The diaspora are those who have moved in from Uzbekistan since the Bolshevik revolution. The irredenta can be subdivided into two groups. The first being those living in compact settlements of Uzbeks living primarily in regions adjacent to Uzbekistan, who have lost their tribal affiliations. The second being those more recently arrived nomadic tribes, such as the Loqay, Qarluq, and others. (Olimov, 2002)

Others think diaspora is not an accurate term, because the Uzbeks who have come from what is now Uzbekistan, do not see themselves as belonging to it in any way (Fumagalli, 2007: 581) (Fumagalli, 2005:184) (Liu, 2011: 65)

It is insightful to examine the percentage of Uzbeks as recorded in official population statistics of the autonomous Tajik SSR in 1926.

<u>Province</u>	<u>%</u>
Hissar	32
Kuliab	20
Kurgan-Tuibe	54.9
Garm	0
Badakhshan	0
Penjikent	19.3
Ura-Tiube	33.1

(Kassymbekova, 2011: 356)

Population Transfers

One other important element in understanding the questions of Uzbek identity in Tajikistan are the population transfers that occurred during the 20th century. To understand this, we must look at population transfers as they were conceived in the former Soviet Union. It was the Bolsheviks’ “belief in their ability to ‘repair’ all natural and social ‘defects,’ in particular by means of planned resettlement, thus overcoming the historic discrepancy between the natural and demographic resources of the giant country that was Russia/USSR” (Polian, 2004: 64). Indeed between 1930 and 1940 2.5 million people were forcibly resettled within the Soviet Union, 81% of those from 1930-32 for a variety of different reasons (Polian, 2004: 86). Polian distinguishes between “repressive” and “non-repressive” migrations. Those that occurred in Tajikistan he refers to as “planned” or “voluntary-compulsory” migrations. More exactly they are in his category of the “from the mountains to the plain” or “agrarian” resettlement (Polian, 2004: 45).

In Tajikistan between 1925 and 1940, more than 48,000 households were resettled to the southern plains, primarily from the mountainous areas (Karategin and Darvoz), but also from outside the republic (Kurbonova, 1993: 63). A primary reason for this resettlement was to cultivate cotton (Polain, 2004: 67) (Ferrando, 2013: 39). While it was first thought that the settled Tajiks from the mountains would be better at cultivating cotton than the semi-nomadic Uzbeks/Loqays, it seems the mountain born Tajiks had not the experience needed to cultivate cotton on the plains, nor the interest. Edel'son and others proposed bringing in experienced cotton growers from Uzbekistan (Kassymbekova, 2011: 360). Between 1935 and 1938 the National Committee for Land planned to resettle 6000 households from northern Tajikistan and 9000 households from the Ferghana Valley in Uzbekistan, a region traditionally famous for cotton growing (Kassymbekova, 2011: 360). According the Olivier, 100,000 people from the Uzbek part of the Ferghana Valley and other Central Asian republics were resettled between 1925-1939. These settled in the Vakhsh Valley, in Kurgan-Tyube and Kulyab, and in Hissar (Ferrando, 2013: 41). Uzbek kulaks (wealthy peasants) from the Ferghana valley were also among those deported to what is now Xatlon oblast (Akiner, 2001: 22).

This resettlement so transformed the upper Vakhsh valley, that by the 1980's, 90% of the population were newcomers, including Uzbeks from the Ferghana Valley, and from other parts of Uzbekistan. The remaining 10% were the long-established Uzbek tribes such as the Loqay and Qong'orot (Akiner, 2001: 23).

Others moved from Uzbekistan to Tajikistan of their own volition and have a bit of a different history than those who moved as part of "population transfers". In the Soviet Union's efforts to entice Slavic people to move to Tajikistan and help in the building of TajikistanSSR, many goods and services were available, particularly in Dushanbe, and particularly after WW2. Weary of the economic conditions in Urgut region of Uzbekistan, many Uzbeks chose to move from there to the urban centers of Tajikistan, where they found housing and many opportunities for making a livelihood.

The Uzbeks of Tajikistan in the 1980's, including both the long-established tribal groups and the resettled and more recently arrived groups, experienced another upheaval during Tajikistan's civil war after independence, 1991-92, particularly in the southern part of the country. Many fled to neighboring countries and/or relocated during the war. This further muddied the waters of the questions of Uzbek identity.

According official Tajikistan population statistics, Uzbeks accounted for 23% of the country's population in 1979, and 23.5% in 1989. In 2000, however, Uzbeks accounted for 15.3 % of the country's population (Monographiya, 2005: 20). This decrease was in part due to a change in the definitions used in the census, as several tribal groups were counted as distinct from Uzbeks in 2000, namely Loqay, Qong'orot, and others (Rowland, 2005: 217). Whereas before all had been included in the one "Uzbek" group. This decline could also have been due to emigration, and

to the “possible reidentification of some Uzbeks as Tajiks” (Rowland, 2005: 217). It is worthy to note that according to these 2000 census figures, Uzbeks comprise a majority of two regions in the north (Dzhabbor Rasulov and Nau/Spitamen), and more than 30% of four regions in the south, particularly those adjoining Uzbekistan (Rowland, 2005: 218).

Conclusion

Many factors contribute to the development of the concept of identity among Uzbeks in Tajikistan. An appreciation of these factors enables one to see beyond simplistic ethnic categories and understand the complex phenomenon of identity when trying to understand the similarities and differences among Uzbeks in Tajikistan today.

References Cited

- Abashin, Sergei. 2003. ‘The transformation of ethnic identity in Central Asia: a case study of the Uzbeks and Tajiks’, *Russian Regional Perspectives Journal*, Vol. 1(2).
- Abdullaev, K. 2012. ‘Repairing Broken Tajik-Uzbek Relationship’ Institute for War and Peace Reporting <http://iwpr.net/report-news/repairing-broken-tajik-uzbek-relationship>
- Akiner, Shirin. 2001. *Tajikistan: Disintegration or Reconciliation?* London: Royal Institute of International Affairs.
- Allworth, Edward A. 1990. *The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present, A Cultural History*. Hoover Institution Press: Stanford, California.
- Bergne, Paul. 2007. *The Birth of Tajikistan: National Identity and the Origins of the Republic*. London/New York: I. B. Tauris.
- Bleuer, Christian. 2007. *Uzbeks Versus the Center: Mobilization as an Ethnic Minority in the Tajikistan and Afghanistan Civil Wars*. MA, Indiana University.
- Chika, Obiya. 2001. ‘When Faizulla Khojaev Decided to Be an Uzbek’, in *Islam and Politics in Russia and Central Asia (Early Eighteenth to Late Twentieth Centuries)*. Stéphane Dudoignon and Komatsu Hisao (editors). London/New York: Kegan Paul.
- Ferrando, Olivier. 2013. ‘Soviet Population Transfers and Inter-ethnic relations in Tajikistan: Assessing the Concept of Ethnicity’, in *The Transformation of Tajikistan*, by John Heathershaw and Edmund Herzig, editors. Oxon/New York: Routledge.
- Fumagalli, Matteo. 2005. *The Dynamics of Uzbek Ethno-political Mobilization in Kyrgyzstan and Tajikistan: 1991-2003*. PhD dissertation. University of Edinburgh.
- Fumagalli, Mattea. 2007. ‘Framing Ethnic Minority Mobilisation in Central Asia: The Cases of Uzbeks in Kyrgyzstan and Tajikistan’, in *Europe-Asia Studies*, Vol. 59, No. 4, June 2007, 567 – 590.

Hirsch, Francine. 2000. 'Toward An Empire of Nations: Boarder-making and the formations of the Soviet national identities', in *The Russian Review*, 59 (2), 201-226.

Horak, Slavormir. 'In Search of the History of Tajikistan: What are Tajik and Uzbek Historians Arguing About?', in *Russian Politics and Law*, Vol 45, No. 5, September-October 2010, pp. 65-77.

Ilkhamov, Alisher., editor. 2003. *Etnicheskii Atlas Uzbekistana* (Tashkent, Institut Otkrytoe Obshchestvo).

Ilkhamov, Alisher. <http://alisherilkhamov.com/>

Karmysheva, B. X. 1976. *Ocherki Etnicheskoy Istorii Yujnyx Rayonov Tadjikistana i Uzbekistana*. Moscow: Izdatel'stvo "Nauka".

Kassumbekova, Botakoz. 2011. 'Humans as Territory: Forced Resettlement and the Making of Soviet Tajikistan, 1920-38', in *Central Asian Survey*, 30:3-4, 349-370.

Krist, Gustav. 1939. *Alone Through the Forbidden Land*. London: Readers' Union Limited.

Kurbonova, Sh. 1993. *Pereselenie – kak eto bylo*. Dushanbe: Infon.

Lui, Morgan Y. 'Central Asia in the Post-Cold War World', in *Annual Review of Anthropology*. 2011. 40:115-31.

Martin, Terry. 'The Origins of Soviet Ethnic Cleansing', in *The Journal of Modern History*, Vol 70, No 4. (Dec., 1998). pp. 813-861. University of Chicago Press.

Monographiya i atlas Respubliki Tadjikistan po dannym Bseobshey perepisi naseleniya 2000 goda. 2005. Dushanbe: Gosudarstvennyy Komitet Statistiki Raspubliki Tadjikistan.

Nazaroff, Paul. 1932. *Hunted Through Central Asia*. Oxford University Press.

Olimov, M. A. and Saodat Olimova. 2002 'Ethnic Factors and Local Self-Government in Tajikistan', in Valery Tishkov and Elena Filippova (editors) *Local Governance and Minority Empowerment in the CIS*. Budapest: LGI Books/ Open Society Institute.

Parshin, Konstantin. *Uzbekistan and Tajikistan: Souring Political Relations Damaging Human Ties*. 03 October 2012.

<http://www.eurasianet.org/node/65994>

Polian, Pavel. 2004. *Against Their Will: The History and Geography of Forced Migration in the USSR*. Budapest/New York: Central European University Press.

Rowe, Jr., William Campbell. 2002. *On the Edge of Empires: The Hisor Valley of Tajikistan*. PhD dissertation, The University of Texas at Austin.

Rowland, Richard H. 'National and Regional Population Trends in Tajikistan: Results from the Recent Census', in *Eurasian Geography and Economics*, 2005, 46, No. 3, pp. 202-223.

Schoeberlein-Engel, John S. 1994. *Identity in Central Asia: Construction and contention in the conceptions of "Ozbek," "Tajik," "Muslim," "Samarqandi" and other groups*. PhD dissertation, Harvard University.

Schoeberlein-Engel, John S. 1997. *The Propects for Uzbek National Identity*, Washington D. C.: The National Council for Soviet and Eastern European Research.

Shermatov, A. 1993. 'A New Stage in the Development of Uzbek Dialectology', in *Essays on Uzbek History, Culture, and Language*. Nazarov, B and Sinor D., editors. Bloomington: Indiana University.

Starr, S. Fredrick, editor. *Ferghana Valley: The Heart of Central Asia*. 2011. London/New York: M. E. Sharpe.

Subtelny, Maria Eva. 1994. 'The Symbiosis of Turk and Tajik', in *Central Asia in Historical Perspective*. Edited by B. F. Manz. Oxford: Westview Press.

Torbakov, I. 2000. 'Tajik-Uzbek Relations: National Historiographies threaten to aggravate tensions', *Russkaya mysl*.

<http://www.eurasianet.org/departments/culture/articles/eav061201.shtml>

Nizamova I., student (Uzbekistan)

The special peculiarities of the language used in ICT and the comparison of lexicographic Internet abbreviations in Uzbek and English languages

Over the past few decades, a prevailing international consensus has emerged that information and communications technologies (ICTs) developed a new type of language which is distinguished by its focus on language and language use. To many, electronic discourse may take a back seat and it may be deemed unimportant and overlooked. However, this is a new form of communication which is having tremendous effects on modern English. The language of ICT mainly includes different types of shortenings which comprise initialisms, omissions, clippings, nonstandard spelling and genuine novelties as well as emoticons, logograms. Crystal claims that the electronic medium provides us with a channel which at the same time facilitates and constraints the human ability to communicate in ways rather different from any other situations.

The preliminary studies indicate that past researches are mainly focused on how frequently shortenings or other abbreviations occurred and the orthographic problems came with them. This article examines significant features of the language

in information and communications technologies and some peculiarities of shortenings which are utilized in Internet discourse. More specifically, it will concentrate on some of their specific characters of shortenings in Uzbek language.

Definition of the language used in ICT

One of the main characteristics of ICT discourse is that it provides the user with numerous graphic tools in order to make communication flow easier and faster. By utilizing these tools one can express himself with a minimal number of key-strokes.

Internet discourse can be considered an eclectic resource, but is arguably more than just a combination of spoken and written features. Crystal considers it “a new species of communication,” while Baron (in Crystal, 2015: 48) defines it, metaphorically, “an emerging language centaur - part speech, part writing.” Crystal continues to develop the metaphor further to include “speech + writing + electronically mediated properties.” In fact, Crystal names Internet discourse a genuine “third medium,” constituting several properties of both speech and writing, united with the properties electronic texts display. In accordance with the definitions it can be stated that Internet Discourse is at a midpoint on a continuum between Spoken and Written Discourses. While this accurately captures strong influences from both spoken and written forms of discourse, it fails to consider the peculiar features of Internet Discourse. Therefore, instead of analyzing ICT language as a cross between Spoken Discourse and Written Discourse, Netspeak should be placed at its own corner in a triangular continuum. In this way, a three way characteristic of connections is captured; showing that communication can take place and use all three forms, while each form of discourse has its own features,

Distinguishing characters of Netspeak

According to Crystal one of the most visible characteristics of electronic discourse is the lexicon which is related to the internet (Crystal, David , 2016). The lexicon is found whenever someone enters one of the Internet situations. Terms traditionally are encountered in technology and computer science, such as *cable*, *disk*, *bit*, *binary*, and *computer* are not part of this lexicon, as they constitute a part of the jargon of science and technology, widening well beyond the Internet. However, there exists a huge number of words and phrases that have emerged in the realm of Internet- restricted activities and situations in which all important lexical processes in English take place.

According to Hudson, one of the reasons of language modification is emergence of new meanings. With the changes in societies, there is always a demand to express new meanings in languages. Hudson claims that it is the characteristic of openness that enables languages instantly to invent new words to express new things, events, and ideas that come along. (Hudson, Grover, 2015)

As far as new meaning is concerned. Hudson (2000: 241) argues that there is no grounds that languages put any limits on imagination, or consequently on novel possibilities of meaning. Owing to the principle of limited novelty, new meanings with new forms are relatively uncommon. Nevertheless, one of the ways to get such words, particularly in an Internet situation, is invention.

Both linguists approve of the fact that Netspeak straightly created new lexicon in use. Although some of these words are easily identified, others heavily depend on the emerging technology, resulting in their radical and speedy changes.

Shortenings which can be found on the Internet do not only vary according to length and meaning, but most of them are specifically used in different Internet situations. Some of them are used in gaming communities, some of them in chat rooms, date sites; social networks etc. This also means that some are more widely understood than others. Their primary use is to express emotions in a quick and simple way. The other function is to help make communication easier, faster and to lift the conversation to a level of universal clarity so that all of the conversationalists could understand one another, regardless of their nationality and mother language. However, it is important to analyse the ways of how and where to use them in different languages as they may have various formation and function in different languages.

Comparison of Internet shortenings in English and Uzbek languages

Shortenings of Internet discourse in Uzbek language are not so much popular and widely-used as in English. But this does not mean that there is no any abbreviation or Internet slang. Having said that, Uzbek linguists have not carefully done many researches and analyzed this new language, its formation and effects on the communication of future generation. I had to some research, read online chats, comments. It has become clear for me that being different from English Uzbek language has its own unique ways of abbreviating words.

As we know, linguistic typology which is the analysis, comparison, and classification of languages according to their common structural features and forms helps us distinguish the character of linguistic mediums more clearly.

Linguistic comparison of shortenings is currently in a state of considerable flux and controversy. A wide range of criteria are currently under discussion, and it will be some years before reliable methods of classifying languages are firmly established. Regarding typological analysis of English and Uzbek lexicographic abbreviations in Internet discourse, it is also a new complicated subject for linguists and there is not any reliable resources to understand it yet.

Using comparative method I have made out some discoveries:

	English	Uzbek
Omitting vowels	ABT – about CLD-could HV-have PLS-please PPL-people	qld-qildi (did) blamn-bilaman (I know) km-kim (who) qdrb-qidirib (searching) dd-dedi (said)
Conjunctions are abbreviated	W/-with 4- for	bn-bilan (with) un-uchun (for) ln-lekin (but)
Modal verbs are abbreviated	SB-should be	kk-kearak (needed) lm – lozim (needed)

Words are abbreviated according to the sound of letters	YF-wife WK-week U-you B-be CU-see you	
Words are abbreviated according to the pronunciation of numbers	4-for 10x-thanks 10Q- thank you 1CE-once 2B-to be 2N8- tonight 4EVA-forever 2MORO-tomorrow CR8-create L8R-later	
Words are abbreviated with single letters	B-back, be E-enemy G-grin H-hug K-okay P-partner Q-queue R-are V-very X-kiss Z-zero	
Phrases are abbreviated	NVM - never mind. OFC - of course. ALM-all my love WB-welcome back ONM- on my way TIA-thanks in advance OMG-oh my God	
Sentences are abbreviated	LMK means Let me know. ILY means I love you. YOLO means You only live once. IKR means I know, right. 143-I love you 9-Parent is watching' CWYL-chat with you later	
Homonym abbreviations	BC-because BC-be cool	

	BB-be back BB-big brother CB-cofee break CB-chat break DD-dear daughter DD-due diligence DM-deosn't matter DM-direct message DM-do me Dm-Dungeon Master (online gaming)	
Letters are replaced by numbers or letters according to their shape		6 – o' 6qi (read) 4 – ch Ke4a- kecha W - Sh Uxlaw-uxlash (sleeping)
Postpositions and particles are abbreviated	-	Db-deb Ft-faqat Xs-xolos

The table given above shows clear similarities and differences of abbreviations in Internet discourse between English and Uzbek languages. Even the information the this table is not enough to compare and analyze the whole typological differences, the general points can be noticed.

Conclusion

After analyzing the language used in ICT from different angles and perspectives, one can come to the conclusion that the changes in the language is not only a bidirectional process, but a process which just keeps on evolving. This transformation was started by the influence of the language on the Internet, but as one could see through the text, it is the Internet which is steadily increasing its impact on the language. David Crystal shares this opinion, as he says, that the current Internet situations are likely to change and evolve with time. He contributes this rapid change to technological development which is “putting users under constant pressure to adapt their language to the demands of new contexts, and giving them new chances to interact in novel ways”. (Crystal David, 2013) The number of newly coined abbreviations, initialisms and acronyms in Uzbek will rise with each day, following the evolution of Internet language, making communication on the Internet even easier, faster and more creative. These newly coined terms will probably continue enriching vocabularies dictionaries of different languages. Owing to the probable and announced technological development this is a highly expected consequence. All of the above mentioned elements will also aid in the evolution of the newly emerged linguistic discipline, Internet linguistics.

While Internet changing the languages, especially written form of the words, different languages as English and Uzbek are starting to share some common features such as ways of abbreviation. Doing typological analysis and being conversant in the above-stated rules and techniques of abbreviations in two languages, namely English and Uzbek, is not the only needed to understand Internet discourse, but also helps to

confront problems of shortenings which can make understanding the modern way of communication difficult.

The future of the co-relation between language and the Internet is hard to predict. This is due to the fact that no one can predict the changes new technologies will bring. Nevertheless, some facts are certain, such as that the process of influence between the both will only evolve and is not likely to cease in the near future, and that the increasing influence of the ICT on the language is likely to increase even more, because there is not much language can give the Internet that has not already been given. That is why we, a new generation of linguists should work on this problem and create sufficient materials to help people to understand modern language and its features.

References

1. **Barron N.S.** *The Written Turn*. London, English Language and Linguistics Department, 2015.
2. **Crystal, David** *A Glossary of Netspeak and Textspeak*. Edinburgh, Edinburgh University Press, 2016.
3. **Crystal, David** *Language and the Internet*. Cambridge, Cambridge University Press, 2015.
4. **Crystal, David** *Language Play*. London, Penguin, 2013.
5. **Crystal, David** *Language and the Internet*. Crystal David book auth.. *Language and the Internet*. Cambridge, Cambridge University Press, 2015.
6. **Davis, Boyd H., Jeutonne Brewer** *Electronic Discourse: Linguistic Individuals in Virtual Space*. Albany, NY, State University of New York Press, 2017.
7. **Freiermuth, Mark** *Features of Electronic Synchronous Communication: A Comparative Analysis of Online Chat, Spoken ad Written Texts*. Oxf, Oklakhoma State University Press, A Comparative Analysis of Online Chat. 2017.
8. **Halliday M.A. K.** *Language as Social Semiotic: The Social Interpretation of Language and Meaning*. London, Edward Arold, 2014.
9. **Hudson, Grover** *Essential Introductory Linguistics*, Oxford, Blackwell, 2015.

АДАБИЁТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Абдуллоев О., Ойматова М., доцентлар
(Тожикистон)

ШАВКАТ РАҲМОННИНГ “ЁРИЛГАН ҲАРАКАТ БАЁНИ” ШЕЪРИДА РАМЗИЙЛИК

XX аср 2 – ярми ўзбек адабиёти ўз Ватани, миллати тарихидан чуқур хабардор бўлган ва унга фарзанд бўлганлигидан фахрланадиган, оқибатда шу Ватан ва миллатнинг ифтихорига айланган бир қатор шоирларга бойдир. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Усмон Азим, Хуршид Даврон ва бошқа шу каби бир қанча шоирларни шундай ижодкорларга мисол тарзида келтирилар экан, ҳеч шубҳасиз, Шавкат Раҳмон ушбу иқтидорлар орасида олдинги ўринлардан бирида туради.

Маълумки, *“шеър оддий ҳолатни эмас, фавқулодда ҳолатни, қаттиқ ҳиссиётни, ҳаяжонли тафаккурни ифода этади”*¹.

Ҳар қандай шеър шоирнинг билим даражасини ифода эта олади. Шоир тафаккури, унинг тарихий ва бошқа билимлардан қанчалик хабардорлиги, бадиият мезонларини қай даражада ўзлаштиргани, шеър ёзиш жараёнидаги ҳиссиёти яратган шеърига сингиб кетади.

Маҳоратли шоирга фикрини айтишга макон ва замон тўсқинлик қила олмайди. У айтмоқчи бўлган фикрларини рамзлар воситасида англатади.

Буни ЧЧ асрнинг 2 – ярми ўзбек шеъриятининг иқтидорли, оташнафас, ватанини чин дилдан севувчи, миллатпарвар ва эркесвар шоири Шавкат Раҳмоннинг *“Ёрилган ҳаракат баёни”* шеъри воситасида ҳам кузатишимиз мумкин:

*Бир одам изладим...
изладим гариб,
жуфти йўқ бургутдай хунук қишладим.
Кездим армон тўла бир жом кўтариб,
малаклар йиғлади,
итлар тишлади.*²

Шоир ўзи каби покиза фазилатларга эга бўлган дилдош бир одам изламоқда. Бироқ уни топа олмаганлиги боис худди жуфтсиз бургут каби ёлғиз. Шоирнинг айнан бургут тимсолини танлаганлиги бургутнинг хислатларини яхши билганлигидан. Қушлар шоҳи бургутда ижобий хислатлар жуда кўп. Шулардан бири унинг ўлимни мардларча қарши олишидир.

Шоир кўтариб юрган армон тўла жом бу унинг армонларга тўла юраги, йиғлаётган малаклар эрк дея жонини қурбон қилган юрт фарзандлари, итлар эса, нафс қурбонига айланган одам шаклидагилар.

¹ Иззат Султон. Адабиёт назарияси, 2-том, Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 288-бет.

² Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

*Умринг узоқ бўлсин,
эй, дарёжоним,
хуснингга ҳирс билан назар солмадим.
Занжирлар товшига тўлганда ёдим
ўзингдан ўзга бир дилдор қолмади.¹*

Дарё, сув, оби ҳаёт – поклик, мусаффоликни ифодалайди. Шоир дарё сўзи орқали ифодаланган Ватанига узоқ умр тилар экан, унга ҳирс билан назар солмаганлигини таъкидламоқда. Бу гўзал Ватанга ҳирс билан назар солганлар унинг қанчадан-қанча бойликларини созуриб, ташиб кетишди. Келтирилган парчадаги кейинги рамз “занжирлар товши”. Эрк, озодлик, юрт дея оҳ чекканларнинг оёқ-кўлларига, бўйинларига боғланган занжирлар, солинган кишанлар товуши. Шу билан биргаликда, рамзий маънода Ватан фарзандларини ўтмишидан, хотирасидан, тилидан айирмоқчи, уларни манқуртларга айлантarmoқчи бўлган нусхалар товуши. Шундай оғриқли лаҳзаларда шоир ёнида битта дилдор қолади. Бу – ВАТАН! Душманлар одамларни бошқа юртларга кўчириб юбориши, бадарға қилиши мумкин. Бироқ юрт тупроғини, тоғларини, дарёларини бадарға қила олишмайди. Чунки, улар дилдор – Ватан бағрида, унинг ардоғида. Демак, дилдор – рамз, у Ватанни ифодалаб келмоқда.

*Қолмади бир илинж,
ишонч қолмади,
Ваҳший даҳоларнинг макри билинди.
Ит базми қизиган ойсиз шомлардан
Қизғониб обқочдим дарё дилимни.²*

Нима учун бир илинжу ишонч қолмаган? Қайси ваҳший даҳолар макри ошкор бўлди? Буни билиш учун яқин тарихга назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади. Ўзини дохий дея атаганлар яхлит бир юртни парчалашди, миллатни миллатга қарши қўйишди. Миллатларнинг энг сара фарзандларини йўқ қилишди. Оқибат “ойсиз шом”ларда “ит базми” қизигандан-қизиди. Шоир нафс бандиларига айланган бандалар уюштираётган базмлар боис нурсизланган шомлардан дарё каби покиза дилини қизғанади, “обқочади”. Яъни, нафс бандаларига дилини банди бўлишдан асрайди.

*Бу чиркин оғизлар...
Синган каллалар...
изводан, бўҳтондан осилган тиллар...
ҳирслар лашкарлари босган паллада
шоҳларин бўғизлаб ташлаган диллар.³*

¹ Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

² Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

³ Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

Ваҳший даҳоларнинг макрлари сабаб дуолар ўрнига сўкиш, қарғиш, иғво, бўҳтонлар чиқишининг кўпайганлиги боис чиркинлашган оғизлар. Иғво, бўҳтонлари билан Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби миллат фарзандларини “ҳирслар лашкарлари”га топшириб, яна тилларини осилтириб турган, ҳайвонлашган диллар.

Халқимизда “калласига тош теккан” ибораси бор. Бу ибора тўғри иш қолиб, нотўғри ишни қилаётганларга, шу қилаётган нотўғри ишини тўғри деб ҳисоблайдиганларга нисбатан ишлатилади. Табиийки, тош теккан калла синади ва шоир таъбиридаги “*синган калла*”га айланади. Ана энди бу “*синган каллалар*” тўғри йўл қолиб, нотўғри йўлдан юрар экан, ўзининг йўлини тўғри деб билади. “*Осилган тиллар*” ибораси ҳам алоҳида маънога эга. Тилни осилтириб туриш эгасидан хушомад кутган итларга хос. Бу ибора ўзининг одамлигини унутиб, итлашган, манкуртлашган одамларга нисбатан ишлатилган. Бу “*осилган тиллар*”нинг одамийликдан йироқлашган диллари “*ҳирслар лашкарлари*” юртимизни босиб олиш учун келганда ўзларининг улуғларини бўғизлаб ташлаган.

Бу қуёш хўрланган...

бу ой зўрланган...

зарлари таланган бу содда жабал.

Қон, ароқ, пешобни эмиб тўралган

Буваклар бўкириб йиғлаган маҳал

ё худо дедиму

нурлар ўйнаган

пешонам илк бора тупроққа тегди,

ё худо дедиму

эркин гуллаган

дарёдил самога дилимни бердим.¹

Қуёш ва ой кўкда эркин сузиб юрган бўлса, уларни ким хўрлаши, зўрлаши мумкин? Гап шундаки, қуёш ва ой сўзлари ҳам рамзий маъноларда келган. Ҳазрати Алишер Навоий ўз қитъаларидан бирида ота-онани қуёш ва ойга ўхшатганлар. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, кўз ўнгимизга босқинчилар томонидан хўрланган оталар, зўрланган аёллар келади. “*Зарлари таланган бу содда жабал*” мисрасини ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода тушуниш мумкин. Ўз маъносида *жабал*²даги зарлар талаб олиб кетилган, кўчма маъносида *жабал* – гўё миллат, буни унга нисбатан сифатлаш учун келтирилган *содда сўзи(содда жабал)*дан янада теранроқ англаш мумкин. Энди бу мисра янада кенгроқ маънони ифодалайди. Миллат маънавий ва моддий бойликларининг (китоблар, осору атиқалар ва ҳ.к.) содда халқни алдаб, чув тушириб талаб кетилиши.

¹ Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

² Жабал – тоғ. Ўзбек классик адабиёти учун асарлари учун қисқача луғат. Тошкент -1953. 103-бет.

Парчанинг давомида *бувак*¹ларнинг бўкириб йиғлашига урғу қаратилган. *Буваклар*нинг бўкириб йиғлашини ким эшитган? Одатда чақалоққа нисбатан чинқириб йиғлади ибораси қўлланилади. Шоир тасвиридаги бўкириб йиғлаётган *буваклар* демак, катта ёшли одамлар. Фақат улар манфур ниятларини аста-секин амалга ошириб бориш учун қонга, ароққа ўргатилиб улғайтирилган *буваклар*. Гоҳида ёш болаларга нисбатан “худди катталардек фикрлайди” дейилади. Улар (яъни *буваклар*) эса, таъбир жоиз бўлса, “кичиклардек фикрлашади”, яъни ўз мустақил фикрларига эга эмас. Ана шуларни англаган шоир буюк қудратни ва қудрат соҳибини идрок этади ҳамда нурлар ўйнаган пешанасини жонажон тупроққа – Ватан тупроғига қўяди, дилини “эркин гуллаган дарёдил само”га беради. Чунки, аслида тупроқ – эркин, тутқун – одамлар, уларнинг манқуртлаштирилган юраклари ва ҳатто мушоҳадалари-да тутқун. Само – эркин, озод. Шоир кўрган одамлар сингари тутқун эмас!!!

*Умринг узоқ бўлсин,
эй, дарёжоним,
кечалар қаърида бир гул йиғлади,
юзимга сачради бир булбул қони,
кўнглимга бу дунё
нечук сизмади?!²*

Шундай экан, эрксевар шоир, эркин тупроғига, озод самосига эга бўлган Ватанига узоқ умр тилайди. Зеро, унда яна эрксевар авлод вояга етажак ва орзусига эришажак! Аммо кеча (тарих) қаъридан бир гул йиғисини эшитади. У Ватан, эрк, озодлик, миллат дея жонини фидо қилган Усмон Носири, Чўлпони, Фитрати, Абдулла Қодирию Алихонтўра Соғунийси ва бошқа фарзандлари учун учун куюнаётган она Ватан йиғиси эмасми? Шоирнинг юзига сачраган булбул қони Ватан дея жон берганлар қони эмасми? Шуларни англари экан, юраги озодлик дея ҳайқираётган бир одам излаган шоирнинг кўнглига “*буваклари бўкириб йиғлаётган*”, “*қуёши хўрланган*”, “*ойи зўрланган*” дунё нечук сиғсин?!

*Нечук бағрингдаман,
кимнинг ишқида?
Нечук ёлвораман умрингни тилаб?
Улкан жасадимни тошлар ичида
юварсан энг нозик қўлларинг билан.
Айтгил, эй, дарёжон,
бормиди зулм?*

¹ Бувак *диал.* Янги туғилган бола, чақалоқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981. 144-бет.

² Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 5-бет.

**Тозлар силсиласин бузворди нола:
“Гулларнинг баргини емаган, гулим,
булбуллар қонини ичмаган, болам”.¹**

Шоир, ўлка бағрида, Ватан ишқида, юртнинг умрини тилаб ёлворар экан, унга савол беради ва бир нола эшитади. Ватан гуллари тугул ҳатто уларнинг баргини емаган. Озодлик дея ҳайқирган бегуноҳ одамлар қонини ичганлар, уларнинг умрини еганлар “*ҳирслар лашкарлари*”га тобе бўлган, фикрлаши, амаллари-да манқуртлашган, тиллари осилган итлардир.

Шеърнинг бирор жойида Ватан ибораси йўқ, бироқ биз унинг Ватан ҳақида эканлигини англаймиз. Ҳеч бир жойида бирор миллат, юрт номи йўқ. Бу унинг савиясини янада кенгайтирган ҳамда Ватанини ардоқлаган барча миллатлар учун бирдек сеvimли, ўқимишли шеърга айланттирган.

Адабиётлар

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси, 2-том, Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
2. Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997.
3. Ўзбек классик адабиёти учун асарлари учун қисқача луғат. Тошкент -1953.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981.

**Адамбаева Н., тадқиқотчи
(Ўзбекистон)**

ХОРАЗМ ТУРКИЙ АДАБИЙ МАНБАЛАРИ ТАДҚИҚИДА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек адабиётшунослигида **Хоразм туркий адабий манбалари бўйича** яратилган илмий тадқиқотларнинг деярли барчасида у ёки бу даражада шоирларнинг бадиий маҳорати масалалари ёритилган. Умуман, бадиий маҳорат масаласи жуда серқирра бўлиб, илмий адабиётларда унинг 10 та мезони ажратиб кўрсатилган: гуманизм (инсонпарварлик), эстетик туйғуни шакллантира олиш, ҳаётий ҳақиқатга содиқлик, чуқур мушоҳада, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, умумлаштириш ва типиклаштириш қобиляти, бадиий деталларнинг аниқлиги ва қайсидир ғояга хизмат қилиши, сюжет қурилиши ва образлар тизимини яратишдаги маҳорат, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши, асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги.

“Бадиий асар композициясига хизмат қиладиган ҳар бир унсурнинг поэтикасини ўрганиш ва шу асосда илмий тадқиқот олиб бориш мумкин” (Халлиева, 2020; 48). Ушбу фикрни Хоразм адабий манбалари тадқиқига

¹ Шавкат Раҳмон (сайланма). Тошкент: Шарқ, 1997. 6-бет.

татбиқ қиладиган бўлсак, юқорида келтирилган 10 та мезон юзлаб диссертацияларнинг яралишига замин ҳозирлайди. Масалан, А.Ўрозбоевнинг докторлик диссертациясида асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги Огаҳийнинг тарихий-бадий асарлари мисолида исботлаб берилган (Ўрозбоев, 2013). Адабиётшунос олим Н.Жумаев Мунис ғазалиётини тадқиқ қилиш баробарида лирик қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилишини ёритган (Жумаев, 1991).

М.Юлдашевнинг тадқиқоти Хоразмнинг етук шоири Аваз шеърлятидаги анъана ва маҳорат масалари тадқиқига бағишланган (Юлдашева, 2006). Тадқиқот мақсади Аваз ижодий мероси таҳлили асосида унинг ЧЧ аср ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилаш, лирик жанрларни ғоявий бадий жиҳатдан бойитишда адабий анъана ва янгиликни уйғунлаштирган йирик сўз санъаткори сифатидаги бадий маҳоратини тадқиқ этишдан иборат. Илмий ишда авазшуносликда ҳозиргача қилинган ишларга холисона муносабат билдирилган, шоир мероси миллий истиқлол ғояси, янги тафаккур асосида тадқиқ этилан, шоир лирикасини мазмун ва жанрлар жиҳатидан тасниф ва талқин қилиниб, мумтоз шеърлятда етакчи ўрин тутган ғазал ва мухаммас жанрларида акс этган поэтик маҳорат кўрсатилган. Жумладан, **поэтик образ, бадий тил, индивидуал услуб, шеърли санъатлар ва шаклий унсурлардан** фойдаланишда шоир ўзига хослиги таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот шу каби бошқа илмий манбалардан Аваз Ўтар шеърлятининг шаклланиши ва такомилдаги адабий эстетик ва ижтимоий омиллар, бой фактик материаллар ва бирламчи манбалар таҳлили асосида яратилгани, барҳаёт бадий анъаналарга муносабат, даҳо сўз санъаткорларига издошлик шакллари, поэтик маҳоратнинг ижодкор дунёқараш ва бадий салоҳияти билан алоқадорликда бўлган ўзак масалаларга эътибор қаратилганлиги билан фарқ қилади. Тадқиқотчи шоирнинг поэтик маънони таъсирчан ва ўзига хос ифодалашда вазн, қофия, радиф каби унсурларни ўринли қўллашдаги маҳоратини ёрқин мисолларда очиб беради.

Муаллифнинг хулосасига кўра, “Аваз лирик қаҳрамони чинакам ошиқ, шу билан бирга, ўз даврининг зукко вакили, жаҳолат ва зулмга қарши маърифат ва ҳуррият учун кураш фидойиси ҳамда исёнкордир. Унинг тадрижий такомилдаги вафо ва садоқат каби типологик хусусиятлар давр тақозосига кўра янги фазилатлар - адолатсизликка ва хўрликка қарши муросасизлик ҳамда эрксеварлик билан бойиди”. Шунингдек, “Аваз маҳоратининг яна бир қирраси шоир шеърлари бадииятининг юксаклигида кўринади. Аруз тизимининг турли рукн ва баҳрларида битилган шеърларидаги вазн имкониятлари, рангдор

бўёқлар, қофия ва радиф шоир бадий иқтидоридан далолатдир. Шунингдек, шеърини санъатлар таровати, бадий-тасвирий воситалар жоллари, содда услуб ва халқ тили бойлиги ҳамда ҳикматларидан усталик билан фойдаланиш ҳам Аваз санъаткорлигининг ёрқин ифодасидир” (Юлдашева, 2006; 18)/

Навбатдаги тадқиқотда юртимиз шоирлари қаторида Хоразм шоирлари ижодидаги услубий изланишлар тадқиқ қилинган. Жумладан, олима қатор илмий изланишларида нуктадон шоир Матназар Абдулҳакимовнинг бадий маҳоратини ёрқин мисолларда очиб берган (Жуманиязова, 2-6). Хусусан, тадқиқотчи Матназар Абдулҳаким лирикасида дарахт, қор, тош, уйқу, беҳи каби анъанавий рамзларнинг маъно қирралари билан бойитилган ифодасини унинг шеърлари мисолида таҳлил қиларкан, услубий йўналишлар характерини белгилашда давр етакчи поэтик анъаналари, адабий жараён хусусиятлари ҳамда ижодкорларнинг индивидуаллиги асосий мезон экани, ҳар бир йўналишда муайян санъаткор гуруҳига хос асосий жиҳатлар мужассамлашса ҳам, бу ҳол алоҳида ижодкорларнинг фақат ўзига мансуб бетакрорликни инкор этмаслиги ҳақидаги хулосага келади.

Н.Жуманиёзова ўз тадқиқотларида қўпроқ қиёсий - тарихий методга таянади. Жумладан, илмий ишида рамзий-мажозий талқинни Омон Матжон, Матназар Абдулҳаким, Рўзимухаммад, Фахриёр, Гўзал Бегим каби шоирлар ижодини қиёслаш орқали очиб беради. Олиманинг таъкидлашича, рамз ва мажозлар барча ижодкорлар учун ғоявий-бадий мазмунни таъсирли ифодалаш ва тасвирда эмоционалликни ошириш имкониятидир. Аммо бунда ҳар бир шоирга хос ижодий индивидуаллик, поэтик маҳорат, ўзига хослик каби хусусиятлар муҳим рол ўйнайди. Жумладан, рамзий-мажозий талқинлар Омон Матжон, Матназар Абдулҳаким, Шавкат Раҳмон, Тоҳир Қаҳҳор каби шоирлар асарларида, асосан, фалсафий-интеллектуал мазмунни фалсафий-ижтимоий йўналишда, Баҳром Рўзимухаммад шеърларида эса инсон руҳияти, ҳиссий эврилиш оламини рамзий-мажозий йўналишда тадқиқ этишга қаратилган (Жуманиязова, 2011; 16).

Баъзи тадқиқотлар Хоразм шоирларининг **образ яратишдаги маҳоратини** тадқиқ қилишга қаратилган. Хусусан, Т. Матяқубованинг илмий иши Огаҳий шеърларида анъанавий образлар талқинига бағишланган бўлиб, тадқиқотнинг асосий мақсади баъзи мифологик ва диний-тарихий образларнинг шоир лирикасидаги ўрни ва талқинини таҳлил қилишдан иборат. Мазкур тадқиқотда поэтик анъана ва ўзига хослик масалалари шоир лирикасидаги анъанавий образлар билан боғлиқликда тадқиқ этилган; ўзбек фольклоридаги мифологик образларнинг шоир талқинида муайян семантик ўзгаришларга учраганлигини ва Огаҳийнинг новаторлиги ёритилган; Огаҳийнинг мифологик, диний-тарихий образлардан ижодий фойдаланиш ва ўзига хос

кашф этишдаги поэтик маҳорати илмий асосланган; ёзма адабиёт ва фолҲклорга хос анъанавий образлар ҳамда бадиий тасвир воситаларининг мумтоз адабиётдаги кўринишларини қиёсий таҳлил этилган; диний-тарихий образларнинг шоир лирикасидаги истиоравий-мажозий мохиятини кўрсатилган; халқ дунёқараши, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатлари ҳамда турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган фольклор образларининг ёзма адабиётга кўчиб ўтганлиги Огаҳий ижоди мисолида исботланган.

Т.Матякубова шоирнинг фалсафий, ахлоқий қарашларини, лирик қаҳрамоннинг ранг-баранг руҳий оламини аниқ мисолларда таҳлил қилиб, Огаҳийнинг ўзига хос санъаткорлигини очиб берган(Матякубова, 2001). Тадқиқотчининг фикрича, Огаҳий мумтоз адабиётимиз тасаввуфий мантиғига хос анҲанавий ижодий давомчиси саналиб, унинг лирик шеърлятида садоқат, сабру қаноат, ҳалоллик имон эътиқод, ирода, шукр, хокисорлик каби туйғулар ифодаланган. Бундай сифат ва хусусиятларни акс этиришда шоир мифологик, диний-тарихий образлардан моҳирона фойдаланган(Матякубова,2001;26). **Бизнингча**, шоир фақат ушбу фазилатлар ифодаси учун эмас, умуман лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини ифодалаш учун ҳам турли хил образлардан унумли фойдаланган. Масалан, қуйидаги шеърда лирик ошиқ изтироби Фарҳод ва Мажнун образлари изтиробидан ҳам устунлиги қайд этилган:

*Ишиқ аро Фарҳод ила Мажнунга ҳаргиз етмади
Бунчаким етди фалакдик дард ила меҳнат санго*
(Матякубова,2001;26).

Адабиётшунос олим А.Ҳожиаҳмедовнинг илмий ишида лирик баён нафосати Огаҳий назм дурдоналаридаги шеърй санъатлар таҳлили мисолида ёритилган. Учта бобдан иборат бу фундаментал тадқиқотда 50 дан ортиқ шеърй санъатлар мисолида шоирнинг бадиий маҳорати кўрсатилган(Ҳожиаҳмедов, 1999). Олимнинг фикрича, Огаҳийнинг бадиий маҳорати 4 та муҳим жиҳат орқали намоён бўлади. **Биринчидан**, шоир қўллаган кўплаб шеърй санъатларнинг мантиқий изчиллиги, ҳаёт ҳақиқатига мувофиқлиги. **Иккинчидан**, шоир турли шеърй санъатларга мурожаат қилар экан, ҳар қайси лирик тимсол, бадиий лавҳа ва манзаранинг теран англанишига, тушунарли бўлишига эътибор билан қарайди. **Учинчидан**, Огаҳий ўз асарлари бадиияти устида ишлар экан, шеърй санъатларни қўллашда уларнинг нафислиги, гўзаллиги, ўқувчида ижобий ҳиссиётлар, завқу шавқни рўёбга чиқариш имкониятига ҳам алоҳида аҳамият беради. **Тўртинчидан**, Огаҳий бадииятига хос бўлган яна бир тамойил, чизилган тамсиллару лавҳаларнинг шарқона одоб қоидаларига ҳам мувофиқлигидир (Ҳожиаҳмедов, 1999; 5-7).

Кўпгина тадқиқотларда Хоразм шоирлари шеърлятидаги шеърй санъатлар таҳлил қилинган, лекин А.Ҳожиаҳмедовнинг илмий иши, бу

тадқиқотлар ичида энг мукаммали саналади. Олимнинг таъкидига кўра, “шоир шеъриятидаги ҳар қайси безавол тасвир, бетакрор тимсол, жозибали манзара, ҳайратомуз лавҳа Огаҳийнинг буюк ижодий даҳоси, бадий тафаккур салоҳиёти, бениҳоя кенг хаёлот олами олмос қиррасининг ёрқин жилосидир” (Ҳожиаҳмедов, 1999; 158).

Хоразм туркий адабий манбалари тадқиқи асосида олимлар турли даражада ўзлари ўрганаётган шоирларнинг бадий маҳоратини ёритишга ҳаракат қилганлар ва фан тараққиёти учун жуда муҳим илмий -назарий хулосаларга келганлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. / бадий маҳорат масалалари. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 160 б
2. Жуманиязова Матназар Абдулҳаким шеъриятида метафоризм. Баий тафаккур ва адабий жараён. Тошкент, 2008. №10.-Б.26-28.
3. Н.Жуманиязова Матназар Абдулҳаким шеъриятида афористик маъно қирралари//Баий тафаккур ва адабий жараён, Тошкент.2009, №11. -Б38-44
4. Н.Жуманиязова Матназар Абдулҳаким шеърларида мажозий тасвир усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент. 2008, №6.-Б.92-94
5. Н.Жуманиязова Метафорик талқин хусусиятлари //Филологик тадқиқотлар. Тошкент, 2009, -Б.38-40.
6. Н.Жуманиязова Истиклол даври ўзбек лирикасида услубий изланишлар илол. фанлари номз. ... дисс.автореф. -Тошкент. 2011.
7. Матёкубова Т.Р. Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини: филол. фанлари дисс. автореф. – Т., 2001. - 27 б.
8. Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. Ўқув қўлланма.- Тошкент, Мумтоз сўз, 2020. -Б.48
9. Ўрозбоев А. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси. - Тошкент: «Мғнаққик nashқiyoti», 2013. -140 б.
10. Юлдашева М.Т. Аваз шеъриятида анъана ва маҳорат: филол. фанлари номз. ... дисс.автореф. Тошкент, 2006.
11. Ҳожиаҳмедов А. Огаҳийнинг олмос қирралари.-Тошкент.:Халқ мероси нашриёти, 1999.

Азимова Д., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

УРУШ ДАВРИ УМУМИНСОНИЙ ФОЖИАСИНИНГ САИДА ЗУННУНОВА ДОСТОНЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Уруш мавзуси Саида Зуннунова достонларида ҳам етакчи мавзу ҳисобланади. “Руҳ билан суҳбат”(1966), “Кўшниларим ”(1968), “Алла”(1972), “Лирик нутқ”(1974) кабилар шу жумласидандир. Адабиётшунос И. Ғафуров Саида Зуннунова асарлари ҳақида шундай дейди: “У хотирани поэзия ва

бадий фалсафа даражасига олиб чиқди. Унинг энг яхши қисса ва ҳикоялари, “Рух билан суҳбат”, “Кўшнилари”, “Алла”, “Лирик нутқ” сингари ёрқин дostonлари чинакам хотира поэзиясидир (Ғафуров, 1987:117). Дарҳақиқат, Саида Зуннунова ижодида уруш даври хотиралари, уруш ва аёллар мавзуси алоҳида ўрин тутди. Урушнинг асоратлари, хотиралари шоиранинг дostonларига кўчиб ўтган. “Уруш йилларида маҳалладаги аёлларнинг ҳаётлари менга қаттиқ таъсир қилар эди. Юриб-юриб “Она” деган шеъримни ёздим, лекин кўнглим бўшамади, ўзим қаноатланмадим. Узоқ вақт дилимда кўтариб юрган бу дардни охири “Рух билан суҳбат”да тўқдим. Яна нимадир етишмади, “Кўшнилари” ёзилди”- дейди. “Кўшнилари” дostonи “Гулистон” журналининг 1968 йил, 9-сонида эълон қилинди. “Кўшнилари”да лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари нозик ифодаланади. Дostonда ички ҳаракат динамикаси етакчилик қилади. Саида Зуннунова лирик қаҳрамон характерини яратишда психологик тасвирга алоҳида эътибор қаратади. Психологизм, айниқса, лирик қаҳрамоннинг ёшлигини кўмсаши, ўзи туғилиб ўсган, улғайган, макони, уруш даври одамларининг қиёфаси тасвирида очиқ сезилади. Дostonда воқеалар биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Ўзбекларда мусибат, дард инсонларни бир-бирига яқинлаштиради деган тушунча бор. Бу ҳолат Саида Зуннунованинг “Кўшнилари” дostonида яққол кўзга ташланади. Дostonда лирик кечинмалар силсиласи етакчилик қилади. “Кўшнилари” – шоиранинг ўзи туғилиб ўсган юрти, маҳалласи, кўшнилари – болалик қадрдонларига нисбатан эҳтироми ва соғинчи ифодаси, шоиранинг ўзига хос носталгиясидир. Дostonда шоиранинг туғилиб ўсган маҳалласи, кўшнилари лирик мушоҳада объектига айланади. Асарнинг дастлабки сатрлариёқ жонли тасвирлари билан эътиборни ўзига қаратади. Масалан:

Олис-олисларга тортқилайди ўй,

Қалбим хаёлларнинг кўксига қарахт (Зуннунова, 2001:127)

Дostonдаги бу каби сатрлар туйғуларнинг қуюқлигини, шоиранинг бадий олами ниҳоятда бойлигини кўрсатиб турибди. Мунаққид С. Мамажонов “Инсоннинг ҳиссиёт дунёсини таҳлил этиш, психологик чуқурликка мойиллик Саида Зуннунова асарларига хос хусусиятлардандир” (Мамажонов, 1973:220) деганида ҳақ эди. Дoston тилини ташбеҳлар, жонлантиришларсиз тасаввур этиб бўлмайди:

Сўлим бир богчаки, мевалар шигил,

Ишкомга ёнбошлаб мудрайди узум.

Дostonда шоира ўзи туғилиб ўсган макон колоритини тасвирлаш орқали бизни асосий бадий ғоя томон етаклайди. Уруш бошланиб, “Оламга сиғмаган шодликлар тингани, оталар урушга жўнаб, болалар тирик етим бўлиб қолгани”ни ёзади.

Ўн саккиз баҳорни, ўн саккиз ёшни

Бўз кўйлагу малла жомакорларда

Кўтиб олган эдик, азиз тенгдошлар,

Ҳаққимиз қолгандир не баҳорларда...

Бу даврнинг ёшлари урушдан аламзада, уларда “йўқотилган авлод” кайфияти мужассам. Чунки уларнинг авжи гуллаган ёшлик фасли мотамсароликда, фожеалар ичра кечди. Келинликка аталган либосларнинг оҳори тўкилмай туриб, ҳижрон чангалида қолган келинлар, ўғил ўстириб, тўй кўрмаган оталар, урушда бир эмас, тўрт азамат ўғлидан жудо бўлган онанинг дарди тасвири ушбу фожеаларни бор даҳшати билан акс эттиради. Достонда дастлаб, элегиявийлик руҳи устунлик қилаётгандек туюлади. Лекин асар охирида шоира ўзининг биринчи олами бўлмиш маҳалласи бузилишга тушганидан қайғураётганини, лирик қаҳрамон учун ўзи улғайган бу мўъжаз макондан жудо бўлиш оғир йўқотиш эканини кўради. Бу эса достонда идиллиявийлик руҳи устун эканини кўрсатади. У ўз қадрдон гўшасини йўқотишни истамайди. Шу боис шаҳар мутасаддиларидан бу маҳалла аҳлига атаб бир ҳайкал қуришни сўраб ўтинади. Токи бу ҳайкал етмиш йиллик қадрдон кўшнилари бирлаштириб турувчи восита бўлсин:

Токи етмиш йиллик қадрдон кўшни,

Учрашиб турсалар бунда гоҳ-гоҳ

Авал-ку, бўлишиб ердилар ошни,

Энди ганиматдир бир дийдор – нигоҳ... (Зуннунова, 2001:239)

Саида Зуннунованинг “Қарз” ҳикояси билан “Кўшнилари” достони, “Қўллар” ҳикояси билан “Рух билан суҳбат” достони ўртасида мавзу жиҳатидан муштарақлик мавжуд. “Рух билан суҳбат” достонида ўзбек аёлининг ички ҳис-туйғулари, бахтли онда онанинг ўз севиқли ёри руҳи билан сўзлашуви ғоят табиий тасвирланган. Шоира асарларида намоён бўлувчи садоқатли аёл тимсоли достонда оригинал услубда намоён бўлган. Бу аёлни урушнинг оғир асоратларига сабр-тоқат билан чидаган минглаб оналарнинг тимсоли десак, хато бўлмайди. Саида Зуннунова достонларида уруш даври аёлининг қиёфаси такрор гавдаланади. Жумладан, “Алла” достонида ҳам аёл, онанинг тимсоли яратилган. Шоира достонда она “Тангри ҳам, жаннат ҳам, ишқ ҳам ўзингиз” дея таърифлайди. “Онамнинг ҳаёти оғир бўлди, жуда кўп йўқотиш, қийинчилик кўрди, айниқса, ёшгина бир синглимнинг вафотидан кейин онамнинг соғлиғи мени жуда қаттиқ ташвишга соларди, кўрқардим, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилардим. Унинг синглим шаънига айтиб йиғлаган байтлари қулоғимга кириб ўрнашиб қолар, қуюн сингари югуриб юрардим, беркинолмасдим. Ўша кунлардаги изтироб ва муҳаббатнинг маҳсули бўлиб “Алла” достоним ёзилди” – дейди шоира. Достонда онанинг болага узок йиллар давомида сингган машаққатли меҳнати, чексиз меҳр-муҳаббати, садоқати, қувончи, эзгу ниятлари, умид ва ташвишлари, қалб кўри ҳар хил оҳанг ва рангларда чизиб берилади. Биз асарни ўқиб, бола камолотида алланинг беқиёс таъсир кучини чуқур ҳис этамиз. Алла бу ерда меҳр-мурувват, нафосат, бола қувончи, эзулик, ҳаёт ва тириклик рамзи – кўшиғи бўлиб келган.

“Алла” достони юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳаётини воқеа таъсирида шоиранинг онаси Сабоҳон аяга бағишланган. Алла онанинг боласига атаб

куйлайдиган кўшиғи, Оллоҳдан фарзанди бахти, камолини сўраб қиладиган ниятларидир. Ёш тадқиқотчи Ф.Атаев “Дунё ва туркий тил” (Атаев, 2013:88) мақоласида “алла” сўзининг келиб чиқишини Аллоҳ сўзи билан боғлайди. Алла сўзи инглиз тилида “I’llайуў” дейилади. Инглизча “Good йуў” –хайр, яхши қолинг, худо ёр бўлсин сўзи, аслида, “Good йуў уоғ”- худо сиз билан иборасидан келиб чиққан. Тадқиқотчи фикрича, “I’llайуў” сўзи ҳам “Allah йу уоғ”- Оллоҳ сен билан иборасидан олинган бўлиши мумкин. Онанинг гўдагига айтаётган алласида Оллоҳга ўтинч (фарзанди омонлиги, бахту камолини тилаш маъносида) мужассамлигини назарда тутадиган бўлсак, мазкур фикрларда жон бордек. Бу дostonда фақат оналик мадҳ этилмасдан, она қалби орқали дунёга назар ташланади. “*Мен унинг йиғисин эшитмай ҳеч вақт, чидашим осонроқ дўзах ўтига*” дейди. Афсуски, уруш оналарни йиғлатди. Улар энди бўй етган фарзандларни жангга юбордилар. Уруш жудолик, сўнгсиз андуҳ, айрилиқ азоблари, жисмоний ва рухий жароҳатлар, қон ва кўз ёшлар олиб келди. Минглаб оналар жигарбандларидан қорахат олиб, бўзлаб қолдилар. “Алла” достони ана шу оналарга кўйилган маънавий ҳайкал бўлиб яратилди. Бизга яхши маълумки, Саида Зуннунова назм ва насрда бирдек қалам тебратган. Шоиранинг айтишича, “Мен шеър ёзганда қалбим бамисоли симобдек қалқиб туради, ўзлимни тамомила унутиб қўяман, шеър битгандан кейин ҳам талай вақт ўзимга келолмай юраман. Шеър туғилиш дамлари ҳаётимнинг олий палласи десам бўлар, бундай дамлар мен учун мислсиз азоб ва тенгсиз роҳат. Прозада эса ўзгача, насрий асар устидаги ишларим нисбатан осойишта кечади” (Норматов, 2010:279). Бу фикрлар исботини шоиранинг кучли пафос билан яратилган турли жанрдаги дostonлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Атаев Ф. Дунё ва туркий тил// Шарқ юлдузи, 2013 йил, 3 сон.– Б.88.
2. Зуннунова С. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 232.
3. Мамажонов С. Дostonда ғоя ва эпик тасвир кўлами//Ўзбек тили ва адабиёти, 1973 йил, 9-сон, –Б. 220.
4. Норматов У. Нафосат гурунглари –Т.: Муҳаррир, 2010.– Б. 279.
5. Ғафуров И. Гулхаёл// Ўттиз йил изҳори.–Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987йил, –Б. 117.

Азимов У., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ТАСАВВУФ ВА УНИНГ ҒАРБ АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ

Турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси, ҳамкорлиги ва бирига таъсири масаласи адабиётшуносликнинг ғоят муҳим ва долзарб масалаларидан биридир. Бу жараёни ўрганиш, маданий ва адабий алоқалар соҳасидаги бой тажрибаларни умумлаштириш ғоят муҳим илмий-назарий

аҳамиятга эга. Шу билан бирга адабий алоқалар ва адабий таъсирлар масаласи алоҳида олинган бир соҳа – сўфизм адабиёти мисолида чуқур таҳлил қилиниши халқаро аҳамиятга ҳам молик ишдир. Ғарб олимлари ичида турли йўллар билан Шарқнинг Ғарбга таъсирини атайин бузиб, рад этиб кўрсатишга уринувчилар бор. Адабий алоқалар ва маданий ҳамкорликнинг таркибий қисми бўлмиш сўфизм адабиётини Америка ва Англия адабиётига таъсири масаласини ҳар томонлама ўрганиш мана шундай “олим”ларнинг уйдирмаларига, тухмат ва бўҳтонларига қақшатгич зарба беради. Демак, бу масала ҳозирга вазиятда муҳим сиёсий аҳамиятга ҳам эга.

Шарқ ва Ғарб олимлари бу мураккаб муаммони атрофлича ўрганиш соҳасида анча ишларни амалга оширганлар. Шарқ адабиёти билан чет эл адабиётларининг алоқаларини ёритувчи кўплаб монография ва мақолалар мавжуд. Бу ўринда атоқли шарқшунослар В.В.Бартолд, А.Шиммел, А.Паласиос, В.Жирмунский, Фаранг Жаҳонпур, М.Пидал, А.Арберри, И.Красновский, И.Орбели, И.Конрад, Идрис Шох, Карл Эрнест, Дэвид Стиф, Р.Никольсон, Мюге Гэлинларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ўзбек шарқшунос олими Н.Комиловнинг Ўзбекистонда бу борада олиб борган ишлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Олим Ғарбу Шарқ адабий-маданий алоқалари ва ўзаро таъсири масаласига бағишлаб кўплаб мақолалар, китоблар эълон қилди. Уларда Шарқ маданияти, айниқса, Ислон дунёсида вужудга келган илм-фан ютуқлари, улуғ алломаларимиз Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абунаслр Форобий, Абу Бакр Розий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек меросининг жаҳон бўйлаб тарқалиши, Бокаччо, Алфонс, Сервантес ижодига баракали таъсири, мусиқа, рақс, меъморчилик соҳасидаги Шарқу Ғарбнинг ўзаро баҳрамандлиги ҳақида қизиқарли кузатишлар қилинган. Амир Темур образининг яратилиши, темурийлар ва темурийзодалар ижод қилган асарларнинг дунё адабиётидаги маъқеи ўрганилган. Шу каби Шарқу Ғарб адабий-фикрий алоқасининг маҳсулдор даври – ҶҶ аср таржималари, жумладан, Актор, Румий, Хайём, Навоий, Бобур асарларининг олмон, инглиз, рус, америка, фаранг адабиётларига самарали таъсири ёритилган (Комилов, 1999. 35).

Шарқу Ғарб маданий ҳамкорлиги масаласи Ф.Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” китобида батафсил ўрганилган. Ф.Сулаймонованинг ушбу китобида араблар томонидан Испаниянинг босиб олиниши, мамлакатда илғор Шарқ, айниқса, Марказий Осиё маданияти, илм-фани, шеърляти ва насрий асарларининг минтақада ривожланиши, Франция ва Италияга таъсири натижасида Оврупа мамлакатларида маданият ҳамда турли фанлар билан бирга дунёвий мазмундаги шеърлятининг тараққий этуви ва Европа адабиётига Шарқ таъсири масаласи ёритилган (Сулаймонова, 1998.40).

Жаҳон адабиёти тараққиёти йўлларида турли миллий адабиётлар бир-бирига дуч келадиган, бир-бири билан учрашадиган чорраҳалар кўп. Жаҳон адабиётининг ҳамма босқичларида миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва

бир-бирига таъсири адабий жараённинг муҳим омили сифатида кўзга ташланади. Шарқ ва Ғарб халқлари адабиёти тарихида бу фикрни тасдиқловчи мисоллар кўп.


Адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси тақлидчиликни, тайёр усуллар ва сюжетларни, муаммо ва характерларни кўчириб олишни инкор қилади. Бу алоқалар ўзаро ўрганиш, ижодий характерга эга бўлгандагина, бир адабиётдан ўрганилган нарса ўрганаётган ёзувчининг ижодий лабораториясида қайта ишланиб, бойитилган ҳолда янгидан туғилади.

Шарқу Ғарб адабий-маданий алоқалари жуда катта даврни қамраб олувчи кўп тармоқли соҳадир. Талай тадқиқотлар битилиб, муҳим муаммолар ёритилган эса-да, бу борада ҳали ҳам бир қатор умумий ва жузъий масалалар пухта ўрганилмаган. Ана шулардан бири сўфизм адабиётининг Ғарб адабиётига таъсири масаласидир. Биз ушбу ишимизда Шарқу Ғарб адабий алоқаларининг маҳсулдор соҳаларидан бири – сўфизм адабиётининг Ғарбга бориши масаласининг таҳлили ҳамда талқинига тўхталдик, холос.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз миллий ва маданий қадриятларимизни тўла ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу борада Ислом дини бағрида юзага келган тасаввуф, унинг тарихи ва жамиятга кўрсатган таъсири, ижтимоий асослари, энг муҳими, юртимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнига оид масалаларни тадқиқ этиш долзарб мавзулардан саналади. Ҳозиргача мамлакатимизда олиб борилган тасаввуфга оид тадқиқотларда, асосан, тариқатлар шаклланган давр, яъни ҚП асрдан кейинги давр тасаввуфини ўрганишга катта эътибор берилляпти. Жумладан, яссавия, кубравия, накшбандия, чиштия тариқатлари ҳақида кўплаб илмий, илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинди, бир қатор китоб ва рисоалар чоп этилди. Улар орасида Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Б.Валихўжаев, Садриддин Салим Бухорий, У.Уватов, О.Усмон, С.Рафъиддинов, М.Ҳасаний, Ҳ.Исмоилий, С.Олимов, Г.Наврўзова ва бошқаларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бироқ сўфизмнинг маънавий, ахлоқий, руҳий ва ижтимоий соҳа сифатида Европа адабиётига, жумладан, Англия ва Америка адабиётига таъсири масаласи ҳали етарлича ўрганилмаган. Ҳолбуки, тасаввуф инсонни руҳий ва ахлоқий камолотга етказувчи таълимот сифатида Англия, Германия, Франция, Америка, Австрия, Австралия, Дания, Швеция ва Швецария каби бошқа кўплаб хорижий мамлакатларнинг адиблари диққатини ўзига жалб қилиб келаётган, ва уларнинг бадиий асарларида инсонпарварлик ғояси сифатида ўз ифодасини топиб келаётган муҳим маънавий қадриятларимиздандир.

Америка ва Англиянинг айрим ёзувчилари ижодида сўфизмнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий жиҳатлари асос сифатида ифода этилган. Америка ва Англия ёзувчиларининг асарлари бу таълимотнинг турли йўналишларини ўз

қамровига олган. Уларни мақсад ва моҳиятига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:



Сўфизм таълимотининг Америка ва Англия адабиётида ўз ифодасини топишига сабаб бўлган бир неча омиллар мавжуд. Булар қуйидагилар: 1) Шарқда яратилган сўфиёна руҳдаги бадиий асарларнинг Европа халқлари тилларига таржима қилиниши; 2) Шарқу Ғарб орасида адабий-маданий ҳамкорликнинг шаклланиши; 3) бу халқлар орасида савдо-сотик, бордикелдининг кучайиши; 4) Европа сайёҳлари томонидан сўфизмга оид адабиётларнинг бу юртларга олиб келиниши; 5) сўфизмга оид илмий манбаларнинг бу юртларда тадқиқ қилиниши; 6) тариқатлар орқали бу таълимотнинг амалда жорий бўлиши, яъни тариқат пирларига эргашувчиларнинг пайдо бўлиши ва ҳоказо.

Тасаввуфга оид илмий тадқиқотлар ичида Дж. Сн. Тримингем, Франц Майер, Берн Радтке, А. Шиммел, А. Д. Кныш, Юрген Паул, Девин Ди Уис, Анке Фон КюгелҲгенларнинг илмий мақола, монография ва китобларини алоҳида қайд этиш лозим. Бу тадқиқотлар бевосита сўфизмнинг Европа бадиий адабиётига кириб боришига йўл очган.

Нақшбандия тариқати чет элларда нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам кенг тарқалган. Айни пайтда, Англия, Америка, Германия, Франция, Голландия, Дания каби кўплаб мамлакатларда нақшбандия тариқатига кириб, унинг ахлоку одобига амал қилувчилар бор. Бу жараён ҳам Европада тасаввуфий адабиётнинг пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатган.

Рус олими В.Г.Белинский таъбири билан айтганда (Сборник статей, 1969.29), бир ёзувчининг иккинчи ёзувчига таъсири қуёшнинг гиёҳга таъсирига ўхшайди. Дарҳақиқат, адабиётлар дўстлиги, уларнинг мустаҳкам алоқаси, ўзаро таъсири жамиятда шундай қудратли бир кучки, у қуёш каби ҳар қайси

миллий адабиётнинг тараққиёт йўлини ёритиб туради, унинг ички кучларини тўлароқ рўёбга чиқаради, юқори чўққиларга кўтарилишига кўмак беради. Шарқ ёзувчиларининг сўфиёна руҳидаги бадий адабиёти ва сўфизм таълимоти ҳам куёш каби дунё адабиётига, жумладан, Англия ва Америка миллий адабиётининг тараққиёт йўлини ёритишда хизмат қила олган.

Адабиётлар

1. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.35.
2. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент: Фан, 1998. – Б.40.
3. Теоретические проблемы восточных литератур. Сборник статей. – М.: Наука. 1969. – Б.29.

**Азимов Ю., доцент
(Ўзбекистон)**

АБДУРАУФИ ФИТРАТ ВА “НАВОДИР-УЛ-ВАҚОЕЪ”-И АҲМАДИ ДОНИШ

Бухорои Шариф як қатор фарзандони барўмандеро тарбият намуда ба камол расонидааст, ки онҳо ба пешрафти тамаддуни ҷаҳонӣ ҳиссаи арзандаи хешро гузошта омадаанд. Яке аз чунин фарзандони шарафманди Бухорои бостонӣ Аҳмади Дониш мебошад, ки бо офаридаҳои беназири хеш ба худ пайкараи абадзинда гузошта рафтааст. Аҳмади Дониш дар осмони илму адабиёти тоҷик ҳамчун ситораи дурахшон нурпошӣ намуда, ба олами тираву тори ҳамзамонаш нури маърифат ва худшиносӣ пошидааст. Ҳақ бар ҷониби академик Бобочон Ғафуров аст, ки гуфта буд: «Бузургтарин хизмати Аҳмади Дониш аз он иборат аст, ки ӯ тавонист дар атрофи худ як гурӯҳ пайравон – маорифпарварони асри XIX тоҷикро муттаҳид кунад» (Ғафуров Б.Ғ. 1985: 280).

Мероси бои ин адиби нозуктаб, шоири соҳирқалам, сиёсатмадори одил ва марди фозилу ҳикматдӯст то ҳол ҳаматарафа ва бояду шояд омӯхтаю тадқиқ нагаштааст. Асарҳои ӯ – «Наводир-ул-вақоъ», «Манозир-ул-кавокиб», «Таърихча», «Меъёр-ул-тадайюн», «Рисола фи аъмол-ил-кура», «Таодули хамсаи мутаҳайира», ки аҳамияти бузурги иҷтимоӣ-фалсафӣ ва илмӣ-бадеиро дороанд, бо тамоми бузургӣ ва қиматашон пешкаши хонандагон гардонида нашудааст. Мактаби адабие, ки Аҳмади Дониш асос гузошт, то ҳол дар адабиётшиносӣ баҳои сазовори хешро наёфтааст. Аз ин мактаб садҳо шоиру адибон, зиёён ва аҳли илму дониш баҳраҳо бардошта, фитрат ва ҷаҳонбинии худро сайқал додаанд. Муайян намудани таъсири ғояю услуби Аҳмади Дониш бо муҳити адабию илмӣ асрҳои XIX – XX яке аз масъалаҳои рӯзмарраи адабиётшиносони тоҷик ба ҳисоб меравад.

«Наводир-ул-вақоъ» намунаи барҷаста ва нишонаи нотақрори бузургвории шахсияту истеъдоди серпахлӯи Аҳмади Дониш мебошад. Асар миёни солҳои 1868-1873 навишта шуда, дертар, пас аз соли 1875 чанд бори

дигар аз нав таҳрир гаштааст. «Наводир-ул-воқоъ» асари энциклопедист. Дар он масоили фалсафаи ҳаёт, илму дониш, маданияти ҷаҳонӣ ва мақоми инсон талқин гардидааст. Ба назар чунин мерасад, ки Аҳмади Дониш тамоми борикии дониш, фитрат ва тафаккури ҳайратангези хешро ба қор бурда, ба мардуми тоҷик дастури маънавии бебаҳое боқӣ гузоштааст. Бемуболиға гуфтан мумкин аст, ки «Наводир-ул-вақоъ» ба чандин адибону зиёиёни тоҷику мамолики Шарқ чашми бино ва устои раҳомӯз гашта, ба тафаккур, ҷаҳонбинии онҳо тағйироти кулӣ даровард, ки онро аксарият сармашқи зиндагию эҷод қарор доданд.

Яке аз чунин шахсони равшанзамиру ватандӯсте, ки аз осори Аҳмади Дониш баҳраи бисёр бардоштааст, Абдурауфи Фитрати Бухороӣ мебошад. Ин шоир ва адиби бомаҳорат аз асарҳои Дониш як олам маънӣ ва нерӯ гирифта, қаламу фитрати хешро сайқал додааст.

Пӯшида нест, ки ҷадидон аз ақидаҳои маорифпарварии Аҳмади Дониш ҳамчун аслиҳаи маънавий ва воситаи асосии мубориза бар зидди инқирози маънавию сиёсии ҷомеаашон истифода бурдаанд. Аз ин рӯ гуфтан мумкин аст, ки дар ҷаҳонбинӣ, ақидаю ғояҳо ва усули баёни Аҳмади Дониш ва Абдурауфи Фитрат ҳамоҳангӣ ва қаробатӣ ба назар мерасад. Бояд қайд намуд, ки дар ҳар ду адиб низ ҳисси ифтихор ва ватандӯстӣ ниҳоят барҷаста аст. Онҳо аз ватани бостониашон мефаҳранду давои дарду иллати онро мечӯянд, фикрашон баҳри беҳбудию эҳёи худшиносии халқ равона гаштааст.

Аҳмади Дониш дар «Наводир-ул-вақоъ» тамоми ғояҳои ҷадиду кўҳнаро баҳри беҳбудии ҳаёти халқаш менигаронад. Таассуротҳои сафарҳои Петербург, тасвирҳои ихтирооти нав, тарғиби илмҳои гуногуни ҷаҳонӣ, дастовардҳои фарангииён – ин ҳама усулҳоеанд баҳри талқини ақидаҳои маорифпарваронаи адиб. Ҳамин усули талқину тарғиби ақидаҳо дар Абдурауфи Фитрат низ пурқувват аст.

Аҳмади Дониш яке аз сабабҳои харобии мамлакат ва қашшоқии дунёфаҳмии халқро аз ҷоҳилию нодонии уламои дин медонад. Ба фикри вай ин гурӯҳ динфурӯшӣ мекарданду қисаи халқро бо чормағзҳои пуч пур менамуданд. Дар ин бора Аҳмади Дониш дар боби «Дар ҳикояти фаромӯшхона ва баёни қурби соат»-и «Наводир-ул-вақоъ» чунин меорад: «Дар фаслу боби маҷлис гоҳе сухан аз безабтии замона мерафт ва душвории касби обу дона ва гоҳе аз хар...ии умаро ва динфурӯшии уламо. ...Азизон зубдаи машоҳири шаҳранд ва умдаи маорифи даҳр ва ҳар як бо худ гумоне аз фазлу камол доранд ва Бӯалию Фалотуне ба истиқлол мепиндоранд. Донистани «фи» - дар «ало»-бар -ро илм донанд, тарсеъи «дар Самарқанд гурба ях намехӯрад»-ро ҳунар шуморанд. Бад-ин ду поя халқеро забуни худ гиранд ва дун пиндоранд ва мўҳмалаке чанд дунболи инон гиранд ва ба камоли донишу илм мўътақиди эшон» (Аҳмади Дониш. 1988: 116-117). Аҳмади Дониш фикри болоро дар як байт чунин хулоса мекунад:

Мурғе, ки хабар надорад аз оби зулол,

Минқор дар оби шўр дорад ҳама сол (Аҳмади Дониш. 1988: 117).

Асоси «Мунозара»-и Абдурауфи Фитрати Бухороиро низ ғояи мазкур ташкил медиҳад. Аз ин рӯ гуфтан мумкин аст, ки барои навишта шудани чунин як асари пураарзиши Фитрат таъсири «Наводир-ул-вақоеъ» бузург аст. Мувофиқи ақидаи яке аз қаҳрамонҳои асосии «Мунозара» - Фарангӣ, ки прототипи ӯ худ Фитрат аст, инқирози маънавии миллат ва парешонии аҳли ислом аз бедонишӣ ва хиёнати уламои дин сар задааст: «Чаноб, ман (Фарангӣ – Ю.А.) аз пайғамбари шумо ин ҳадисҳоро барои он нагуфта, ки шумо асбоби пешгоҳнишини маҷлис созед, балки матлуб ин буд, ки уламо низ атвори анбиёро маслаки худ қарор дода, аз дарсфурӯшӣ ва фатвофурӯшӣ, ба ибораи дигар шариатфурӯшист, парҳез намоянд. То қай шумо уламо бояд мафтунӣ ҳавои нафс буда ба хилофи мақсади муқаддаси Муҳаммадӣ рафтор намоед» (Абдурауфи Фитрат. 1992: 134).

Ин гуна порчаҳое, ки аз бесуботи эътиқоди диндорон, илми беамал ва шариатфурӯшию ҷоҳилии онҳо сухан меравад, чун «Наводир-ул-вақоеъ» дар «Мунозара»-и Фитрат бисёр вомерҷанд. Адиби ватандӯст дар «Мунозара»-аш ақидаҳои ҷадидонаи Аҳмади Донишро боз ҳам ривож дода, ба онҳо рангу ҷилои тоза бахшида, ҳамчу даъватнома ба хонандагон пешкаш менамояд.

Абдурауфи Фитрат низ, чунон ки таъкид намудем, аз асари Дониш илҳом ва таъсир гирифтааст ва аз ин ҷост, ки яке аз қаҳрамонҳои асосии «Мунозара»-и ҳешро дар симои Фарангӣ ба қалам мегирад. Қаҳрамони Фитрат дар ақлу дониш ва фаҳму фаросат аз баъзе уламоҳои дини ислом бартарӣ дорад. Вай на танҳо аз таърихи тамаддуни халқи ҳеш, балки аз таърихи илму фарҳанги мамолики исломӣ низ хуб хабардор аст. Баҳри исботи фикр аз суханони ба мударриси бухорӣ гуфтаи ӯ иқтибос мекунем: «Мо, фарангон, бо он ки душмани дини мубини шумо ва хусумати динии мо тақозо мекунад, ки Қуръон ва аҳодиси шуморо бисўзем, ҷиҳати ҷалби манофеи худ хусумати динии шуморо канор гузошта, ба қуръон ва аҳодиси шумо диққат намудем, ба амраш кор бастем, ба ин тараққиёти фавқуллода расидем ва шумо ба воситаи ғафлат аз аҳкоми саодатанҷоми Қуръон ва мазомини ҳикматиини аҳбор ба ҳазизи танозуллоти ҳолия афтодед» (Абдурауфи Фитрат. 1992: 107).

Агар ба асарҳои Абдурауфи Фитрат амиқтар ва бо назари тадқиқ назар андозем, дар онҳо ғояҳои мушобех ва якранги осори Аҳмади Донишро баръало мебинем. Ин ҳамоҳангиҳо бештар дар масоили муносибат ба илму фарҳанги Фарангистон, тавачҷӯх ба ихтирооти ҷаҳонӣ ва ҷизҳои ҷадид, тарғиби сафар қардану оламу одам дидан, танқиди уламои ҷоҳил, талқини тарғиби оятҳои қуръонӣ ва ҳадисҳо, ғами эҳёи худшиносӣ ва ҳудогоҳии мардуми тоҷик бештар намоён мегардад.

Адабиётҳо

1. Ғафуров Б.Ғ. Тоҷикон (Иборат аз 2 китоб). Китоби 2: Охириҳои асри миёна ва давраи нав. –Душанбе: Ирфон, 1985, саҳ. 280.

2. Аҳмади Дониш. Наводир-ул-вақоеъ. Китоби I. –Душанбе: Дониш, 1988, саҳ. 116-117.
3. Ҳамон чо, саҳ. 117.
4. Абдурауфи Фитрат. Мунозара. –Душанбе, 1992, саҳ. 13.
5. Аҳмади Дониш. Наводир-ул-вақоеъ. Китоби I. –Душанбе: Дониш, 1988, саҳ. 193-194.
6. Ҳамон чо, саҳ. 147.
7. Абдурауфи Фитрат. Мунозара. –Душанбе, 1992, саҳ. 10.

Алимов О., филология
фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

ЖОМИЙ ШАХСИЯТИ НАВОИЙ НИГОҲИДА

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодлари икки халқ ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларни мустақамлашга хизмат қилди. Халқлар дўстлиги ғоясини куйлаган бу улуғларнинг дўстлигу ҳамкорлиги ушбу икки халқ маданияти ва адабиёти ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир. Жомий ва Навоий ўртасидаги маърифий алоқа воситасида вужудга келган устоз–шогирд муносабати икки халқнинг маданият арбоблари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликка айланди. Навоий Жомийдан сиёсий фаолиятида ҳам, бадиий ижодда ҳам маслаҳатлар олди. Ўз навбатида Жомийнинг ҳам баъзи асарларини вужудга келишида Навоийнинг ўрни бекиёс. Бундай чин муҳаббат ва ўзаро ҳамкорликнинг қай даражада эканлиги бу икки буюк сиймолар асарларида ҳам ўз аксини топганининг гувоҳи бўламиз.

Ҳазрат Абдурахмон Жомий “Баҳористон”ида Алишер Навоий ҳақида шундай таъриф берадики, бу таърифдан Алишер Навоийнинг буюклик мартабасини намоён этишни удралайди: “Соҳиб давлатки, замонамиз унинг вужуди билан шарафлидир... инсоф шуки, ҳар қаерда бу тоифа бўлсалар – у бошидир, ҳар қачон бу табақа ёзилса – у дафтарнинг тепасидадир... Унинг гавҳар номи шундай улугроқдирки, назмининг ҳар тури унинг садафи бўла олур ва шеърнинг ҳар мақоми ундан шараф топа олур” (Алишер Навоий, 1967: 249).

Бу ўринда Навоийнинг ҳам Жомийга бағишлаб ёзган “Хамсат ул-мутаҳаййирийн” асарида қуйидаги мўътабар сатрларни баён қилади:

“Ҳазрати Махдумий, шайх ул-исломий Мавлоно Нуруддин Абдурахмон Жомий мадда зиллуҳудурким, то жаҳон бўлгай, аларнинг ёруқ хотирларининг натойижи жаҳон аҳлидин кам бўлмасун ва то сипеҳр эврулгай, аларнинг очуқ кўнгулларининг фавойиди даврон халойиқидин ўксулмасун. Чун бу мухтасарда мазкур бўлгон жамоатнинг раъс ва раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мастур

бўлгон гуруҳнинг муқтадо ва пешвоси ул гавҳари яктодур, муборак исмлари бу авроқда сабт бўлурдин гузир ва ёзилмаса дилпазир эмас эрди, журъат бўлди. Чун аларнинг латойифи назми андин кўпракдурким, ҳожат бўлгайким, баъзи битилгай ва андин машхурроқким, эҳтиёж бўлгайким, бирори сабт этилгай. Кутубларининг оти битилса, бу авроқдин ошар ва мусаннафотлари дурлари зикри қилилса, гардун баҳри андин тошар, ложарам чун бу маъно билилур дуо била хатм қилилур:

*Ё раб, бу маъоний дуррининг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони
Ким, айладинг они олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзоний”*

(Алишер Навоий, 2011: 772).

Бу икки буюк зот ўртасидаги кўп киррали ҳамкорлик туфайли улар нафақат қалбан балки руҳан яқинлашган эдилар. Асар сўнггида ўттиз йиллик ўзаро боғлиқлик, устоз-шогирдлик, ота-болалик ҳиссиётлари билан қалбан йўғрилган Алишер Навоийни Ҳазрат Жомийнинг вафоти мудҳиш қайғуга солганини акс эттирувчи 140 мисрадан иборат таркиббанд тарзида ёзилган форсий тилдаги **марсия** келтирилган. Марсияни мутолаа қилган киши унинг қандай буюк шахсга атаб ёзилганини, унинг ҳароратини ҳис қилади. Шу боис ҳам бундай ҳароратли марсияни Султон Ҳусайн Бойқаронинг буйруғи билан ўша даврнинг буюк нотики ҳисобланган Ҳусайн Воъиз Кошифий минбар устида кучли ҳаяжон ва масъулият билан бутун Ҳирот аҳлига қарата ўқиган.

Марсияни академик Азиз Қажумов таржимаси асосида таҳлил қиламиз:

*Ҳар дам чарх юзидин ўзга жафолар келадир,
Юлдузин ҳар биридин турли балолар келадир.
Устбоши кечаю кундузи доим қорадир,
Тунлари мотаму кун бошқа азолар келадир.*

деб бошланувчи аввалги ўн байти “келадир” рафиди ёрдамида амалга оширилган бўлиб, унда хушоҳанглик, хушжарангдорлик ўз аксини топган. Яъни: Аллоҳ таоло Одам (а.с.)ни яратиб унинг устидан 40 кун ёки 40 йил ёмғир ёғдирган бўлса, ана шу қирқ сонининг ўттиз тўққизида Одам (а.с.) устидан ғам-қайғу ёмғири ва фақатгина бир кун ёки бир йил раҳмат ёмғирини ёғдиргани ва шу боис инсон зоти яратилибдики, унинг ҳаётида хурсандчилик кунларидан кўра қайғу тўла ғамли кунлари кўпроқдир. Яъни, ҳар дам инсон зотига осмону фалақдан янги-янги жафолар, синовлар келади. Осмонга боқсанг ундаги юлдузлар шу қадар кўпки, гўё уларнинг ҳар биридан инсон учун турли синов имтиҳонларга тўла балолар келадигандек.

Бошимиз узра турган бу осмону фалақнинг уст-боши гўё кечаю кундуз доим қорадек, Жомий вафотидан сўнг гўё бутун дунё, ундаги барча инсонларнинг либослари, кеча ва кундуз ҳам бир қора рангга буркангандек, кечанинг қоронғулигидан сўнг гўё тонг отмаётгандек, агарда тонг отадиган бўлса эрта кун яна бошқа азолар келадигандек ҳолат баён қилинади.

*Балки ҳар лаҳза азо келгуси йўқлик чўлидан,
Ҳар қачон мавт, ажал чанги фанолар келади.*

Яъни: Инсон тақдири шундай экан, шу боис тақдир аталмиш ҳаёт даштидан ҳар дам мусибат қайғуга сабаб бўлгуси ўлим, фано, жудоликнинг гарду чанги келади.

*Дунё бир мотам уйидирки, анинг ҳар ёнидан
Бошқача оҳ тутуни, нолаю воҳлар келади.
Оҳлари оширади дилда қоронғуликни,
Войи ҳам орттирабон қайғуни ҳар жо келади.*

Яъни: Бутун дунё бир ягона мотам уйига, мусибатхонага айланганлиги, унинг ҳар тарафидан, хоҳ машриқу хоҳ мағрибига қарама, барча томонидан турли оҳ-воҳлар, нолаю фиғонлар овози эшитилаётганлиги баён қилинади. Бу оҳлар эса қайғуга тўла дилдаги сиёҳликни орттириб, мусибат тўла жонга ҳар тарафдан азият бериш билан бирга, юрак ярасини янада тирнаётгандек гўё.

*Бог гулин парчалади шиддати мотамзадалиқ,
Ҳар бири пора бўлиб чок яқолар келади.*

Яъни: Бу кунгача Сизнинг билан ўтган даврларда боғсифат бўлган қалблармиз мусибат шиддатидан, ҳар бири юз пора-пора бўлиб, бу боғ эгаларининг ёқалари чок-чок бўлиб кетди. Ёки бу дунё жаннатмакон боғ-роғ эди ва ундаги инсонлар эса бу гўзал масканнинг гулу райҳонлари эдилар. Сизнинг вафотингиздан сўнг бу жаннатмисол дунё гўё дўзахга айлангандек ва ундаги гулу райҳонларнинг қалблари эса пора-пора бўлди.

*Сувидир захр, ҳавоси яна бадбў, не ажаб
Ўша манзилга яна қанча ваболар келади.*

Яъни: Жомий вафотидан сўнг бу “боғ”нинг “кавсар” суви энди оғу каби, ёқимли, нафис ҳавоси эса кишига ёқимсиз бадбўйдек. Бу ҳолат бошланиши, яна қанчадан-қанча бу каби балолар, ваболар келади, кишиларни қалбига дилхираликлар бўлади – деб ёзади Навоий.

*Аҳли дил орзу қилар гулшани поклик томонин,
Чунки ундан алара соф ҳаволар келади.
Эътиқоддилар учун ўтгучи дунё жой эмас,
Пок дилларга ватан бўлгуси жолар келади.*

Яъни: Навоий ўз устози Абдурахмон Жомийни “маърифат” мақомига эришган аҳли диллардан эканлигини эътироф этади. Аҳли диллар бундай киши руҳига жафо бўлгучи оғу каби бадбўй манзилни эмас, балки пок бўлган манзилларни ирода этишларини баён қилади. Чунки бундай мақомга этишган том маънодаги эътиқоддилар учун бу дунё жой бўла олмаслиги, балки яратганнинг ҳузури уларга асл ватан эканлигини хабари берилади.

*Шул сабаб майли қадаҳ сархуи этиб ориф Жом
Қилди мастликда фанодан ватани сори хиром.*

Яъни: Қуръони каримнинг *كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ ثُمَّ إِلَيْنَا تُرْجَعُونَ* “Анкабут” сураси 57–оятига (Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир! Сўнгра бизга қайтарилир

сизлар (Куръони карим маъноларининг таржимаси, 2001: 403)) ишора қилган ҳолда Навоий ёзадики, - шул сабаб ўлим шарбатини тотган Жомий бу шарбатнинг сархушлигидан бу фоний дунё саройидан асл ватан бўлмиш Яратган Аллоҳ таъолонинг хузурига хиром қилиб кетди.

Марсиянинг **иккинчи бандида** Навоий Жомийнинг омонат руҳларини топширишлари ва жанозаси ҳолати баён этар экан, Азроил (а.с.) Ҳазрат Жомий руҳларини қабз қилиб аршга сайр қилганларида бошқа фаришталар унинг ҳаққига дуолар қилганликлари ҳамда Ҳазрат Жомий фаришталарданда улуғроқ мартабага эришганликлари ҳолати акс эттирилади. Бу ҳолатни далилловчи яъни, инсоннинг фаришталарданда улуғроқ мартабага эришиши мумкин эканлиги ислом шариати хабарлари орқали ўз аксини топган. Марсиянинг давомида Жомийнинг омонат руҳи жасадларини тарк этиб Аллоҳ хузурига бориши, гўё фалакда бу руҳ янги офтоб каби порлашлиги баён этилади. Яна бу жанозага тўққиз фалакдаги барча малаклар иштирок этгани, кутблар руҳлари унда ҳозир бўлганлиги, Ҳазрат Жомийнинг охир манзиллари, яъни қабрлари пирлари Саъдуддин Кошғарий қабри ёнида бўлса-да, асл маконлари дўстлари қалбида абадий эканлиги тараннум этилади.

Учинчи бандда айрилиқ истироблари, Жомий бу фоний дунёни тарк этганидан сўнг, инсонлар гўё ўзларини Ҳақ сари етакловчи йўлбошчиларидан ажралгандек ҳис қилганликлари, балки уларнинг диллари куйганлигидан ҳосил бўлган тутун бу дунё осмонида гумбаз бўлиб ёйилганлиги баён этилади. Яна Ҳазрат Жомий барча илм аҳлининг устози, олимларнинг олими эканлиги, у кишининг илм машъали ўчганлиги оқибатида қиёматгача ер юзи нурсиз ҳолатга тушканлиги ҳамда бунинг оқибатида дунёга худбинлик, инсофсизлик каби жирканч ишлар авж олиб, бутун ислом элига тушқунлик тушганлиги ўз аксини топган.

Ҳазрат Алишер Навоий марсиянинг **тўртинчи бандида** жаноза ҳолати, ундаги кўринишлар, унда содир бўлаётган мотамзадалик, бу жаноза маросимида иштирок этган зотлар кимлар бўлганликлари баён этадики, марсияни мутолаа этган кишининг кўз ўнгида бу манзара бирма-бир намоён бўлади. Тобутни оху фиғонлар билан шоҳу гадолар кўтаргани, бу тобут кўтарилиб кетилаётганида ёққан ёмғирни Навоий булутлар жам бўлишиб ўкириб йиғлаётгандек дея таъриф беради. Навоий яна пири бўлган Жомий мартабасини шундай ифодалайдики, ўзи бир олам бўлган зотни бошқа оламга элтмоқ учун, уни кўтараётганлар ҳам шу мартабага яқин зотлар бўлиши лозимлигини, яъни тобутни кўтариб кетаётган кишилар орасида малаклар ҳам ҳозир бўлганлигини уқтиради.

Навоий марсиянинг **бешинчи бандида** пиру устозлари Жомий ҳазратларининг дафн қилиниш маросимини тасвирлайди. Унда Навоий Ҳазрат Жомийнинг жасадларини гавҳардек аста-секинлик билан, авайлаб кўйганликларини, балки бир конни (ҳақиқатда ҳам шундай) кўмганликларини баён қилади. Жомий бу дунёга барча айбу нуқсонлардан пок бўлиб келиб, яна

худди шу ҳолатда Аллоҳ уни ўз ҳузурига чорлаганлигини хабарини беради. Навоий Жомий қабрини гўё яратганга етишув, яъни боғловчи бир денгиз эканлигини ва Жомийнинг бу қабрга қўйилиши гўё унинг денгизга шўнғиб, нариги қирғоқдан Яратганнинг мукофотига эришиш ҳолатини акс эттиради. Яъни, Алишер Навоий бу пок руҳ соҳибининг Аллоҳ ризолигига эришишдек мукофоти олдида унинг бу жонсиз жасади ерда бўлишининг нима аҳамияти бор? – дея марсияни давом эттиради. Жомийнинг бу дунёда Муҳаммад (с.а.в.) суннатларига тўла мутобаат этганликлари, у кишининг инсонларга кўрсатган меҳру муҳаббатлари, инсонийлик фазилатлари оқибатида шундай юксак мақомларга эришганликлари туфайли, Муҳаммад (с.а.в.) у кишини ўзларига ҳамроҳ бўлишини Аллоҳдан тилаганлиги баёни акс этади.

Марсиянинг **олтинчи бандида** Навоий устози Жомийнинг гўзал сифатларини чексиз қайғу ва андуҳ билан ёд этади. Унда Жомий ўз даврининг нодир, ҳаммадан афзалу фасиҳ бир инсон эканлигини, ўлик қалбларга жон бергувчи Исо нафас Ҳизр каби эканлиги, уйларидаги хужралари у кишининг йўқлигидан бўш, ундаги китобларнинг эгаси бўлган, бу бой кутубхонани тўплаган ва уларга муборак назарларини солувчи илм жонкуяри эканлиги ва бу сифатлар соҳибининг энди бу дунёда йўқ эканлиги баён қилинади.

Ва ниҳоят **еттинчи бандда** Навоий бу фоний дунё эканлиги, унда барча бир ғариб, мусофир эканлиги, аввалнинг охири борлигини баён этар экан шундай дейди:

*Эй сафар қилгучи, бил йўл узоқдир ва дароз,
Йўлга чиққан ҳар одам орқасига қайтмади боз.*

Яъни: Эй бу дунёни тарк этувчи инсон, билгинки у томон қилинган сафар жуда йироқ йўлдир. Бу сафар отига минган ҳар бир инсон ҳеч қачон ортга қайтган эмас. Шундай экан, бу дунёда инсонга фақат яхшилик амалларини бажармоқлик, Яратганнинг биз бандаларига ўз элчилари орқали етказган буйруқларига сўзсиз итоат қилмоқлик лозимлиги, биз учун белгиланган умр дея аталувчи муддат жуда қисқа эканлигини баён қилади ва Қуръони каримнинг ... الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا ... оятига ишора қилади (“Мулк” сураси, 2-оят).

“(У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир” (Қуръони карим маъноларининг таржимаси, 2001: 562).

Демак, биз инсонлар биз учун бир марта бериладиган умрни ўзимизнинг охиратимиз учун фойдали ишларга сарф қилмоқлигимизни Навоий таълим бермоқда.

*Ё қалам учиданмики, сеҳр боғлабсен,
Ёки тил банди билан офоққа ўтказдинг эъжоз.*

Яъни: Навоий устозлари Жомийнинг умрларини ана шундай фойдали ишларнинг энг хайрлиси ҳисобланган илму ирфонга сарф қилганликларини баён қиларкан, - қаламингиз учидан қолдирган сатрларингиз шу қадар сеҳрли

бўлганки, ёки насихат қилган сўзларингиз бу дунёга ўзининг ҳайрат таъсирини ўтказди, дея таъриф қилади.

*Нафси покликни ўзгадан топса бўлмас,
Эгадир оламда анга фақат набийи мумтоз.*

Яъни: Муҳаммад с.а.в. дан сўнг Ҳазрат Жомийдек пок инсонни бу дунёда то қиёматгача топиб бўлмайди.

*Шоҳнинг жонида ҳижрон ўтининг чўғлари бор,
Банданинг кўнглини вайрон этадир доғи гудоз.*

Яъни: Шоҳ Ҳусайн Бойқаро кўнглида ҳам ҳижрон ўти чўғдек ёнмоқдаки, менинг кўнглимни оловдан ҳосил бўлган доғ вайрон этмоқда.

*На шоҳу банда қиёматгача бу дунёда
Кимки ҳам бўлса, сенинг мотаминг айлар эъвоз.*

Яъни: Бу дунёда шоҳу фақир бўлмасин, то қиёматгача Сизнинг мотамингизда, ҳажрингизда, фироқингизда Сизни улуғлаган ҳолда фарёд қиладир, - дея Жомий ҳақларига дуода бўлишга даъват этади Навоий.

*Гарчи юз ёпган эсанг васлдин, аммо ўйнаб
То абад масканинг ўлсин ҳарамии иззату ноз.*

Яъни: Гарчи буд дунёда бирга бўлишдан юзингизни яширган бўлсангизда, яъни юзингиз устидан тупроқ тортилган бўлса-да ҳамда Сиз у боқий дунёга хурсанд, розиликда кетган бўлсангиз-да, гарчи бу дунёдан кўз умган бўлсангизда, масканингиз, борар жойингиз иззат ва ноз ҳарамии, мағфират маскани бўлмиш жаннат бўлсин бўлсин, - дея Навоий ўзи ҳам устозлари ҳақларига дуо қилади.

*Мадад эт нурли руҳинг шуълаларин бизга еткур
Айрилиқдан бузилиб битди жамиъ аҳли ниёз.*

Яъни: Нурли руҳингиз шуълаларин бизга етказиб мадад бериб турингки, йўқса мана бир йил бўлмасданоқ жудоликдан жамики мухтожлар эътиқодлари бузилиб кетдилар, қолганларининг ҳам эътиқодларига зарар етмасин.

*Дўстларим, ҳама иш охири шундай бўладир,
Яхшидир охирини ўйламоқ иш топса оғоз.
Йўл топиб юз аср агарда яшаса ҳар ким ҳам,
Кеткизар они жаҳондан бу фалак – масхарабоз.*

Яъни: Эй дўстлар! – дея нидо қилади Навоий. Ҳар бир ишнинг аввали ва охири бордирки, шу боис ҳар бир ишга киришишдан олдин охирини ўйлаб иш тутиш яхшидир. Гарчи бу дунёда юз аср яшаган кимсани ҳам томоша кўрсатувчи бу фалак деб аталмиш тақдир, уни ҳам бир кун бу дунёдан олиб кетади. Яъни, не-не одамлар бу дунёдан ўтдиларки, бизлар ҳам бир кун ана шундай қисматга етамиз, дея “Жумъа” сураси 8-оятига ишора қилади Навоий. Унда шундай деб марҳамат қилинади:

قُلْ إِنَّ الْمَوْتَ الَّذِي تَفِرُونَ مِنْهُ فَإِنَّهُ مَلَأَقِيكُمْ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عَالِمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

Яъни: Айтинг: “Сизлар қочаётган ўлим, албатта, сизларга йўлиқувчидир! Сўнгра сизлар яширин ва ошкора нарсаларни билувчи (Аллоҳ)га қайтарилур

сиз. Бас, У зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур” (Қуръони карим маъноларининг таржимаси, 2001: 553).

*Маъни шоҳининг агар суврати шундай эркан,
Шоҳ ва маъно сувратларигадир омийн.*

Яъни: Бу дунёда яшамоқликнинг маъноси ва унинг кўриниши агар Жомийнинг тутган йўлидек бўлса, қиёматгача ана шундай маъно ва кўриниш давомий бўлсин, омийн! – дея Навоий бу ғамгин марсияни якунлайди.

Хуллас, марсия таржималарини мутолаа қилган ҳар бир инсон борки, Алишер Навоийнинг санъаткорлик маҳоратини юксак баҳолаш билан бир қаторда, марсиядаги “*Оламеро ба суи олами дигар бурданд, Натавон жуз ба чунин боркашони огоҳ*” (*Ўзи олам кишини бошқа жаҳонга элтмоқлик, Мумкин эрмас юкчилари бўлмаса шундай огоҳ*) (Хамсат ул-мутаҳаййирийн, 2015: 82; Устоз Абдурахмон Жомий вафотига ёзилган марсия, 2014: 23) байти орқали Жомийнинг улуғвор портретини чизиш билан жудоликни шу қадар чуқур лиризм билан ифодалайдики (Н.Маллаев, 1965: 468), Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг вафотлари Алишер Навоий учун нақадар мушкул мусибат, оғир айрилиқ бўлганини ҳамда бу мотамда бежизга Алишер Навоий “Соҳиб азо” бўлмаганларини яна бир бора ҳис этади. Бундай аччиқ дард ва устозларига бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббатнинг акси намоён бўлган бу марсия икки халқ дўстлигининг, инсоний бағрикенгликнинг, устоз ва шогирдликнинг буюк тимсоли сифатида ўзбек-тожик адабий-илмий алоқаларини ривожлантиришда авлодларга ибрат ўлароқ хизмат этса, юқоридаги фикрларни ҳис этишда устоз академик Азиз Қаюмовнинг моҳирона таржималари алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Ўн тўртинчи том. –Т., “Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 1967.
2. Алишер Навоий. ТАТ (Тўла асарлар тўплами). 10 томлик. 5-том. –Т. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011.
3. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирийн. Танқидий матн. Танқидий матнни тузувчи ва сўзбоши муаллифи: Озодбек Алимов. – Т., “Мумтоз сўз”, 2015.
4. Алишер Навои. Пятерица изумлений. Перевод на русский язык: А.Каюмова, Д.Азимовой. –Т.: Изд-во НационалҲной библиотеки Узбекистана им. Алишера Навои, 2015.
5. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т., “Ўқитувчи”, 1965.
6. Устоз Абдурахмон Жомий вафотига ёзилган марсия. Нашрга тайёрловчи: О.Алимов. – Т., “Мумтоз сўз”, 2014.
7. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т., “Тошкент ислом университети”, 2001.

МАЖЗУБ НАМАНГОНИЙ – ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИР

Абдулазиз Мулла Ҳасан Кўчак ўғли Мажзуб Намангоний тахаллуси билан танилган сўфий шоир ва тасаввуф шайхидир. У XIҶ аср нақшбандия тариқатининг йирик давомчиси, аввал Фарғона водийси ва Қошғарда, сўнгра Туркистон бўйлаб кенг ёйилган мажзубийлик ирфоний оқимининг асосчиси ва халқона услубда ижод қилган ҳикматгўй шоир бўлган. Унинг шеърлари халқ орасида жуда севиб ўқилган, мажзубийлар ўтказиб турган махсус зикр ва самоъ мажлисларида унинг сўфиёна байтлари махсус оҳанг билан куйланган.

Қатор манбалар, шоирнинг ўз асарлари ҳамда ижодкорнинг баъзи издошлари берган маълумотларга таяниладиган бўлса, йирик шайх ва шоир Мажзуб Намангоний Наманганнинг Дегрезлик маҳалласида туғилган, умрининг асосий қисмини Бухорода ўтказган. Ҳаётининг сўнгги йилларида Наманганга қайтган ва шу ерда вафот этган. Наманган шаҳридаги Мавлавий Шариф қабристонига дафн қилинган. Туғилган йили номаълум, вафот санаси борасида ҳам турлича маълумотлар мавжуд. Нисбатан ишончлироқ манбаларда 1857 йил деб кўрсатилган (П. Қайюмов. 1998: 187).

Абдулазиз Мажзубдан бизгача туркий ва форсий шеърларни ўз ичига олган “Девон”, асосан ўз даври шайх-авлиёлари ҳақида нақл қилувчи “Тазкираи Эшон Мажзуб Намангоний” асарлари етиб келган. Манбаларда муаллифнинг “Дар тавзеҳ” номида сўфийлик атамалари шарҳига бағишланган рисола ёзганлиги ҳақида маълумотлар бўлса-да, асар ҳали топилган эмас. Абдулазиз Намангоний асарларининг қирққа яқин тошбосма ва қўлёзма нусхалари бугунги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди, Ҳ.Сулаймонов фонди, А.Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи, Қўқондаги Адабиёт ва Ўлкашунослик музейлари хазинаси ва бир қатор мажзубхонларнинг шахсий кутубхоналарида сақланади.

Мажзуб Намангоний ҳам зуллисонайнлик поэтик анъанасининг муносиб давомчиси бўлган. И.С.Брагинский тадқиқотларида ЧIҶ – ЧII асрларда зуллисонайнлик ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилгани таъкидланади (И. Брагинский, 1977: 206). Абдулазиз Мажзуб ҳам айти шу давр диний-ирфоний шеърляти вакили ўлароқ ўзбек ва форс-тожик тилларида баравар ижод қилди. Шоир асарларининг салмоқли қисмини форс-тожик тилидаги ижод намуналари ташкил этади. Атоқли адабиёт билимдони Пўлотжон Қайюмов домла ибораси билан айтганда, Мажзубнинг ҳажман “ўртача бир девони”да туркий шеърлар билан бир қаторда форсий наътлар, ғазаллар, мухаммаслар, мусаббаъ ва муламмаъ жанридаги юқори бадииятга эга ижод намуналари ҳам мавжуд. “Девони Мажзуб”нинг 1903 йил Г.И.Яковлев матбаасида чоп этилган тошбосма нусхасида тўрт юз мисрага яқин форсий шеърлар мавжуд. Мажзубнинг форсий шеърларини қуйидаги икки гуруҳга

ажратиш мумкин: 1.Тўлиғича форс тилидаги шеърлар. 2. Муламмаъ шеърлар.

Бошдан оёқ форс тилида яратилган шеърларининг салмоқли қисмини ғазал, мухаммас, мусаббаъ жанридаги шеърий тизмалар ташкил этади. Йирик шайх ва шоир тариқат етакчиси ўлароқ ўзбекча шеърларидаги каби форс тилидаги ижодида ҳам диний-ирфоний ғояларга содиқ қолади. У форсий ғазалларидан бирида ёзади:

*Зи шавқи ишқ дар шўрам, зи масти мезанам ху-ху,
Зи жоми бода махмурам, зи масти мезанам ху-ху.
Шаҳиди тиги дилдорам, қатили гамзаи ёрам,
Бувад девонаги корам, зи масти мезанам ху-ху.*

(М.Намангоний, 1903:78)

Сатрларда келтирилган бода (май), дилдор (ёр) тимсоллари ишқ ва Биру бор маъносини ифодалайди. Ғазалда Илоҳ ишқида шаҳидликка-да тайёр, дилини ишқ ўти куйдираётган сержунун ошиқнинг рухий пўртаналари акс этган. Абдулазиз Намангоний шеърияти гўё “дили куйиб ҳалок бўлмаслик” учун айтилаётган “Ху” зикрининг инъикосидир. “Ху” зикри раббано сифатида шоир ғазалларида жуда кўп учрайди ва маълум ғоялар ташийти.

Шоир Мажзуб шеъриятига хос яна бир хусусият унинг девонида ҳамд ва наът мазмунидаги шеърларнинг кўплигидир. Юқорида тилга олинган тошбосма нусхадан ғазал ва маснавий шаклида ёзилган 11 та ҳамд ва 4 та наът ўрин олган. Наътларидан биттаси форс тилида яратилган бўлиб, “Фи наъти салаллоху алайҳи васаллам” деб сарлавҳаланган. Мураббаъ шаклида қофияланган мазкур наът шундай мисралар билан бошланади:

Зи боғи фитрат гул аст мақсуд

Гули дигар буд туфайли ў шуд (М.Намангоний, 1903:146)

Ўттиз олти мисралик ушбу наътда муаллиф боғ (дунё) фитрати – яратилишидан мақсад гул (пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоху алайҳи васаллам) эканлиги ва бошқа гуллар ҳам у туфайли зухур этилганини таъкидлаб, истиоранинг гўзал намунасини яратган. “Девони Мажзуб”ни ўқир эканмиз, унинг диний-ирфоний шеъриятга хос анъанавий ғояларни гўзал поэтик шаклларда ифодаланишининг гувоҳи бўламиз. Мажзубнинг туркий шеърларидаги бадий маҳорати форсий ижодида янада сайқалланганлик, серқирралик касб этганини кўриш мумкин.

Олима Махфират Қурбоналиева тадқиқотларида ҚVIII-ҚIҒ асрларда муламмаъ ёки ширу шакар услуби шеъриятнинг кенг тарқалган услубларидан бирига айлангани қайд этилади (Қурбоналиева, 2016: isciyuncy.in.fo/aqkhyv). Мажзуб Намангоний ўз даври адабий анъаналарини давом эттириб, туркий - форсий тилда дилбар муламмалар яратган. Назарий адабиётларда муламмалар қофияланиш шакли (муламмаъ-ғазал, муламмаъ-мухаммас каби) ва нечта тилда

(икки тилда ёзилса “ширу шакар”, уч тилда яратилса, “шахду шакар”) яратилганига кўра маълум турларга ажратилган (Умуров, 2004:165) .

Бундан ташқари, Мажзуб ижодида талмиё санъатининг бетакрор кўриниши –муламмаё қофия тури учрайдики, бу ўз давридаги камёб бадий ҳодисалардан биридир. Шеър бошдан оёқ кўшма феъл шаклидаги форсча қофияга асосланган. Тошбосма девоннинг 99-саҳифасида йигирма олти мисралик муламмаё қофияли ғазал шундай бошланади:

*Кўрсатиб жамолингни вақти гулшани карди,
Хуснунгни этиб пинҳон охир гулхани карди .*

Мазкур поэтик услуб илоҳий ишқ мавзусидаги ғазалнинг янада оҳангдор, дилбар ва таъсирчан бўлишини таъминлаган.

Мажзуб Намангоний шеърятининг яна бир ўзига хос жиҳати борки, муаллиф ҳам туркий, ҳам форсийдаги шеърларида ана шу оригиналликка бирдек содиқ қолган. Бу шоир асарларидаги алоҳида шаклий хусусиятлар билан боғлиқ. Маълумки, адабиёт қондасига кўра, ғазалларнинг ўртача ҳажми 7 ё 9 байтдан иборат бўлиши лозим. Мажзуб ғазалларининг аксарияти эса 15-20 байтдан иборат ғазаллардир. Пўлотжон Домулло Қайюмов ўз тазкирасида “ғазаллари ҳамиша қасида, поэма шаклида бордур” деганида ҳам Мажзуб шеърларининг бошқа мумтоз шоирлариникига ўхшамаган ҳажмий кўламдорлигига ишора қилади (П. Қайюмов. 1998: 187). Бу хусусиятни нафақат ғазалларида, балки мухаммас, мураббаё ва маснавий жанридаги шеърӣ тизмаларида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, унинг “ “Бе овози дўлоб масти кунанд” нақаротли форсий мухаммаси 19 банд, 95 мисрадан иборат бўлса, ширу шакар услубида яратилган “ Ки зи ёди он ягона” муламмаё-мухаммаси 14 банд, 90 мисрани ташкил қилади.

Мажзуб Намангонийнинг форс тилидаги ижоди фақат шеърлари билан кифояланмайди. Йирик тасаввуф шайхининг “Тазкират ул-авлиёи Мажзуб “(иккинчи номи “ Маноқибӣ аҳли сулук”) асари ҳам форс тилида яратилган. Ҳали илмий тадқиқот майдонига тортилмаган ушбу асарнинг учта кўлёзма нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланади. Тазкира маъно-моҳият эътибори билан манқабавий (агиографик) асарлар сирасига киради. Асар асосан муаллифга замондош ва унга яқин тарихий давр (ҶVII-ҶIҶ асрлар) да яшаган икки юзга яқин тариқат арбоблари ҳамда авлиёлар зикрига бағишланган.

Тазкиранинг тасаввуфшуносликдаги қиймати шундаки, унда ҳиндистонлик Шайх Аҳмад Сирҳиндий сарҳалқа бўлган нақшбандия-мужаддия тариқатининг Даҳбид тасаввуф мактаби етакчиси Мусохон Даҳбидий ва унинг халифалари, издошлари зикри асосий ўрин эгаллайди. Шу жиҳатни инобатга олсак, Мулла Жумакули Ургутийнинг “Тарихи Хумулий” асари билан “Тазкираи Мажзуб” бир-бирини тўлдиради. Демак, Мажзуб тазкираси нақшбандия-мужаддия тариқатининг ҶVIII асрдан кейинги Туркистондаги

ривожи, тариқат пешволари ҳақида ҳикоя қилувчи икки ноёб манбанинг биридир.

“Тазкираи Мажзуб Намангоний” асарини тадқиқ этиш ҚVIII-ҚIҶ аср ўзбек адабиёти тарихини ёритишга, нақшбандия-муҷаддия тариқатининг Туркистондаги ривожи ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ойдинлаштиришга, дин пешволарининг давлат бошқарувига таъсири билан боғлиқ тарихий ёндашувларни кенгайтиришга ҳамда тасаввуфшунослик фанини янги илмий маъулумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Келтирилган далиллар Мажзуб Намангонийнинг ҳам туркий, ҳам форсийда маъно-мазмун, тилу услуб ва бадий маҳорат нуқтайи назаридан ўзига хос зуллисонан ижодкор бўлганини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Брагинский И.С. Исследование по таджикской кулҳтуре. – М.: Наука, 1977.
2. Мажзуб Намангоний. Шеърлар. -Т: Г. И. Яковлев матбааси, 1903.
3. Пўлотжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. 2-дафтар. -Т.: 1998.
4. Қурбоналиева М. Ўзбек-тожик адабий алоқаларида зуллисонанлик ҳодисаси. isci.uncu.in.fo/akkhuv. Сборник международное научные Конференции. Филологические науки. 2016 год 26-27 июня.
5. Ҳ. Умуров. Адабиётшунослик назарияси. -Т: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.

*Алламбергенов А.,
таънч докторант
(Ўзбекистон)*

“КЎҲНА ДУНЁ” РОМАНИДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ОБРАЗИ

Одил Ёқубов “Кўҳна дунё” романида мозийда ўчмас из қолдирган учта тарихий шахс умр шомининг тасвири акслантирилган. Булар Абу Райҳон Беруний, султон Маҳмуд Ғазнавий ва Абу Али ибн Синолардир. Бош қаҳрамонларнинг хотиралари ёрдамида акс эттирилган ёшлик даври, ўрта ёш пайтлари, романда тасвирланаётган замондаги ўй кечинмалари, тасвир-у, таҳлиллар умуман олганда бутун ҳаёти ўртача катталиқдаги яъни 375 бет ҳажмда ёзилган бу асарда тенг тақсимлангандай. Роман йигирма тўққиз бобдан иборат, шулардан ўн тўрт бобида Абу Райҳон Беруний ҳаёти, фаолияти, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлари талқин қилинган. Асарнинг ҳар бир бош образи учун деярли ўн боб, ўн бобдан ажратган ёзувчи, Беруний образини романинг ўн тўрт бобида ҳаракатлантиради уч, тўрт боб воқеаларида бош қаҳрамонлар тўқнашади ва уларнинг қоришиқ тасвирлари намоён бўлади. Асарда тарихий шахслар бор бўй басти, бутун салобати, салоҳияти билан кўрсатишга уринилган. Шунинг билан бирга тўққима образлар ҳам фаол иштирок этган. Факт ва тўққималарга ижодкор лабораториясида яхшигина ишлов берилган ҳолда ўқувчига ҳавола

этилган. “Агар ижодкор маълум тарихий давр ҳақида чуқур билимга эга бўлсагина, уни чуқур ҳис қила олсагина тарихий шахс ҳаёти ва фаолияти ҳақида жиддий ва маъноли асар яратиши мумкин. Тарихий биографик жанрдаги бадиий асар ижодкорнинг тасвирланмиш давр бағрига дадил кириб бориш жараёнида, тарихий факт ва бадиий тўқиманинг ижодий устахонасида яратилиши мумкин. Факт ва тўқиманинг уйғунлиги тарихий асар муаллифи учун беқиёс имкониятлар ятаради.” (Каримов, 1999: 31) Асарда Абу Райҳон Беруний образи Маҳмуд Ғазнавий ва Абу Али ибн Сино каби бош қаҳрамонларнинг бири сифатида берилган бўлса ҳам, ўқувчида алломанинг турли хил зиддиятларга бой ҳаёт йўли ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун юқроқда номи зикр этилган икки қаҳрамонга бадиий юк юкланганини сезамиз. Романда ибн Сино ва Ғазнавий персонажларини бир бирига боғловчи восита Беруний образидир. Романдаги айрим бобларда Беруний ва султон Маҳмуд образи тўқнашса, айрим бобларда Беруний билан ибн Сино образлари ҳаракатланади. Асар қолган икки бош қаҳрамондан фарқли ўлароқ дастлабки боблариданоқ Беруний образи тасвири билан бошланади. Ёзувчи яқундаги бобларда ҳам кульминацион нуқтада ҳам образни эътибордан четта қолдирмаган ҳолда унга мурожаат қилади. Романда ёш Абу Райҳоннинг болалиги келажакдаги серқирра фаолият эгасига монанд бўлсин учун дебоचा тарзида қуйидагича тасвирланади. “Кичкина Абу Райҳон эсини танибдики, кундуз кунлари гузар дўконларининг хизматини қилади. Уларга кудукдан сув ташийди, дўконларини супуради, ҳолвафурушларнинг ўчоғига ўт ёқади, сомсапазларнинг сомсаларини сотиб беради, кулолларнинг дастгоҳини айлантиради, темирчиларнинг босқонини босади. Қўл-оёғи чаққон бу озғин, қорамтир болакайни ҳамма яхши кўради, чунки у араблар растасида юриб араб тилини, ҳиндлар растасида ҳинд тилини, ҳатто бидир-бидир сўзларини ҳеч ким уқолмайдиган чин савдогарларининг тилини ҳам тез билиб олади ва бепул, беғалва тилмочлик қилади.” (Ёқубов, 2018: 121) Асарда Берунийнинг болалиги ғайратли ҳамда чаққон тарзда тасвирланса, устозлик мақомида эса меҳрибон ва ғамхўр сифати билан тасвирланади буни биз асарнинг иккинчи боб ўттиз олтинчи, ўттиз еттинчи саҳифаларида берилган Лоҳур кўчаларидан топиб олган етим бола Сабҳу мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Тарихнинг реал манзарасини яратиш учун тарихнинг аниқ фактлари билан бадиий тўқиманинг органик уйғунлашуви керак бўлади. Тарихий асар муаллифи ўз ҳаёлининг маҳсулларида, тўқима образ ва воқеалардан агар улар тадқиқодга, тарихий жараённинг ёритилишига, тарихий шахснинг чинакам характер қиррасини очишга, умуман, тарихий ҳақиқатни англашга ёрдам берса – кенг миқёсда фойдаланиш ҳуқуқига эга” (Каримов, 1999:31) . Иқтибосда келтирилганидек адиб тарихий факт ва тўқимани органик уйғунлаштириш мақсадида асарга бир нечта тўқима образлар сингари етим бола Сабҳу образини ҳам олиб киради. Романда адиб буюк аждодимизнинг миллатлар ва турли халқларга юксак эҳтиромини ҳар хил кўринишларда тасвирлайди. Шулардан бири сифатида Ҳиндистонда учратиб қолган етим бола Сабҳунини ўз тарбиясига олиб, хат-савод ўргатганлиги орқали ҳам

кўрсатиб беради. Тўғри бу шунчаки бадий тўқима, лекин китобхонда, илм-фанда ҳам, меҳр-шафқатда ҳам аждодларга муносиб авлод бўлиш ҳиссини уйғотишга хизмат қилувчи воситадир.

Ўрганишларимиз натижасида Одил Ёкубов “Кўҳна дунё” сени ёзишда анча мунача материаллар йиғган. Бу йиғилган манбалар ичида алломанинг қаламига мансуб асарлар ҳам борлиги тайин. Айниқса “Таҳқиқ мо лил Ҳинд мин маъқула фи-л-ақл ав марзула” яъни “Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби” қисқача “Ҳиндистон” ва “Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир” яъни “Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби” қисқа қилиб айтганда “Минералогия” асарларидан унумли фойдалангани роман воқелар ривожидида қабариб кўринади. Асарга тўқима персонаж сифатида киритилган Пири Букрий билан Берунийнинг икки даъфа кескин тўқнашуви жараёнида Абу Райҳоннинг олимлик ва чин инсонийлик қиёфаси юксак ҳамда ёрқин кўриниш касб этади. Букрийнинг устози вафот топган куни кечаси унинг кизи Райҳонабонуга тажовузи вақтида Беруний билан қаттиқ тўқнашувидан қарийб қирқ йил ўтиб яна айнан шу каби масалада юзма юз келади. Букрий бу сафар Берунийнинг Садафбиби исмли жорияси (қули)га “ишқибоз”, унга эғалик қилиш мақсадида алдаш, авраш, сотиб олиш усулларида фойдаланишга уринади. Ёзувчи тўқима персанажларни ҳаракатга келтирар экан тарихий шахс образининг мукамал қиёфасини беришга хизмат қилдиради. Бу каби персонажлардан бири юқорида сўз юритганимиз Сабҳу бўлса, иккинчиси Пири Букрийдир. Алломанинг “Минералогия” асарида қуйидаги фикрлар келтирилган. “Оллоҳ таоло ҳамма одамларга ўтмишдан келажак учун фойдали хулосалар қилмоқ, бу ҳақда фикрламоқ қобилиятини берсин! Уларни доимий оғирчиликлардан чидам билан озига қаноат қилмоқ орқали сақлай берсин! Уларга шавқат ва қарам кўрсатиб алдамчилар ва ёвузлардан беҳавф этсин” (Абу Райҳон Беруний, 2017: 31) Берунийнинг бундай хулосага келишига ҳаётда Пири Букрийга ўхшаганлардан чеккан азиятлари, кўрган истамлари туфайли бўлиши мумкин. Ижодкор аллома шахсининг нафс қули эмаслигини, ҳар қандай мол-у дунё, ҳар қандай бойлик инсон қадр-қиммати, шаъни, ор-номусига тенглашолмайди деган қараш эгаси сифатида тасвирлайди. Буни Букрийнинг қиймати ярим Ғазнани сотиб олишга етадиган жавоҳирни Садафбиби учун Берунийга таклиф қилган пайтда унинг кескин эътирозига учрашида кўришимиз мумкин. Бундай суҳбат ва ҳатто тасодифий учрашувлардан ҳам қочишга интиладиган Берунийни олимлиги, илмга ҳирс кўйганлигидан фойдаланмоқчи бўлиб, бир пайтлар Хорун ар-Рашид хазинаси беаган қимматбаҳо тош баҳосини билиш баҳонаси билан муддаосини илгари сураётган Букрийнинг характери ғоят мураккаб тасвирланганки, унга нисбатан гоҳ ачиниш, гоҳ нафрат туйғуси кўнгилдан кечади. Ўқувчи кўнглида шу ачиниш ва нафрат орасида Беруний шахсига нисбатан меҳр, хурмат туйғулари мавжланади.

Асарда Берунийнинг Ҳиндистон билан боғлиқ бўлган ўринлари қисқа-қисқа берилишига қарамасдан анчагина. Лекин бироз эътирозли жиҳатлар ҳам учрайди.

Масалан, романнинг 241-242 саҳифаларида Абу Райҳон Беруний ҳинд диёрининг Нанда шаҳрида эканлигида ер шаклининг қандайлиги ҳақидаги ҳаёллари мукамал бир шаклга келган эди деб берилади. Аслида Беруний Ҳиндистонга бормасидан анча аввал 21 ёшида Кот шаҳридалигида диаметри 6 фудли (5 метрлик) ернинг шакл-у шамоилини яъни глобусни ясаб бўлганлиги ҳақида тўхталиб ўтмайди. Тўғри, адабиётда бадиий тўқима, ижодий фантазия тушунчалари мавжуд. Юқоридаги ҳолатни биз тўлалигича тўқима ҳам деёлмаймиз. Адибнинг тарихда маълум бир замон ва маконда содир бўлган воқеликни ўз асарида бошқа бир замон ва маконга кўчириб кўрсатиши дея изоҳлашимиз мумкин. Бу ерда "...гап мавжуд тарихий фактни "бадиият қозони"да қайнатиш, реал воқеа замирида яширинган ҳақиқатдан бугунги кун учун зарур, нурли, оптимистик ғоялар чиқариб олиш мақсадида тарихий фактга ижодий талқин бера билиш маҳорати ҳақида кетяпти" (Қаттабеков, 1988: 76). Маълум бир пайтда содир бўлган тарихий воқеликни ижодий талқин қилиш йўли билан бошқа бир вақтга кўчирган адиб Абу Райҳон Берунийни образини ҳар қандай вазиятда ҳам илм-фанга садоқат билан хизмат қилган шахс ўлароқ тасвирлаган. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг фармони билан зиндонга банди қилинган аллома у ердалигида ҳам илм, маърифат, ижод ва тадқиқодлари билан шуғилланишни орзулайди ва имкони қадар бу ишларни билан шуғилланади ҳам. Одил Ёқубов даҳо зотнинг кузатувчанлигини, тасодифий ҳолатлардан ҳам илмий хулосалар чиқаришга, шу вазият сабаб бўлган омилни тушинишга, илғашга бўлган интилишларини асарнинг ўнлаб ўринларида бериб кетади. Шулардан бирини қуйидаги келтирилган парчада кўришимиз мумкин. "Аммо... туйнукдан ногаҳон узилиб тушган бу тош! Қумғон жумрагидан оқиб тушган бу бир неча томчи сув! Ажабо, жуда оддийгина бу ҳодиса Берунийнинг миясида кўпдан бери айланиб юрган мураккаб бир муаммога кутилмаган бир тиниқлик киритди!" (Ёқубов, 2018: 144-145). Кўпдан бери жавоҳирлар ҳақида китоб ёзишни ўйлаб юрган аллома учун бу тасодиф маданларнинг оғирлигини ўлчаш учун тарозу ясаш борасидаги ҳаёлларининг бир тўхтамага келишига сабаб бўлади. "Бу тарозу шундай нозик ва "сезгир" бўлсинки, бир мисқолнинг ўндан бирини ҳам аниқлай олсин!" (Ёқубов, 2018: 145). Ёзувчи асрда Беруний образини, аллома зот Абу Райҳон Беруний шахси каби тарихшунос, ҳиндшунос, диншунос, тилшунос, маданшунос, астроном, таржимон сифатида тарсвирлайди. Умуман олганда, қомусий олимнинг заҳматлар ичра кечган ҳаётини ҳаққоний кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Романни бошдан охири қадар диққат билан ўқиш жараёнида олимнинг серқирра фаолияти воқеалар занжирига моҳирона уланганини кўриб академик Й.Крачковскийнинг сўзлари эсимизга тушади. "Беруний ... қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб чиқиш осонроқ" (Тўраев 2015: 10) Сўзимиз орасида алломанинг серқирра фаолияти воқеалар занжирига моҳирона уланганлиги ҳақида айтдик. Бу уламлар орқали ёзувчи муаллиф тилидан Беруний даҳосига бўлган ҳурмати, унинг изланишлар жараёнидаги матонатини, сабрини, вақт аталмиш неъмат унинг учун нақадар қадрли

эканлигини муаллиф тили орқали ўзгача эҳтиром билан қисқа-қисқа шаклда бериб кетади. Қуйидаги мисоллар сўзимиз далили бўлади. “Беруний сўнгги йилларда, ёшлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйганидан бери фурсат деб аталмиш неъматнинг қадрини жуда юксак баҳолайдиган бўлди. Беҳуда ўтган ҳар бир дақиқа уни қаттиқ изтиробга солар, ҳатто ҳордиқ онлари ҳам ҳузур ўрнига кўнгилни ғаш қиларди.” (Ёқубов, 2018, 238) Ёзувчи Берунийнинг нисбатан кексалик даврларида вақтни ўта даражада қадрлайдиган инсон бўлган деган тасаввур ҳосил қиладиган жумлаларни келтирган бу ўринда. Аслида бизгача етиб келган аниқ манбалар ва турли хил ҳикоят ҳамда ривоятларда такидланишича, Беруний шахси бутун умри давомида меҳнат қилишдан ҳеч ҳам тўхтамаган, вақтни юксак даражада қадрлаган, ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланишга тиришадиган инсон бўлган. Таъкидлаган фикрларимизни Ёқубов ал-Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-убадо” асири олтинчи жилдида Беруний ҳақидаги ёзганларидан келтирган ҳолда далилламоқчимиз. “Худо раҳмат қилгур анча кексайганлиги ва умуман мункайиб қолганига қарамай, турли-туман илмлар таҳсилига муккасидан кетган, китоблар таснифига шўнғиган экан. У (доимо) илмлар эшикларини очар, унинг йўлларини, узоқ ва яқинларини қамраб олар экан. Унинг қўли қаламдан, қўзи (китобга) қарашдан, кўнгли фикрлашдан сира бўшамаган. Фақат йилига икки бор наврўз ва меҳржон кунларигина тирикчилиги учун етарли овқат ва бир оз кийим-кечак тайёрлаб олиш учун бўшар экан, йилнинг бошқа кунларида уларга қарамас экан.” (Берунийнинг 1000 йиллигига бағишланган тўплам, 1973: 225). Ал-Беруний оддий инсон сифатида беҳуда қон тўкилишини, турли хил талон тарождликларни ёқламаган ҳамда қаттиқ қоралаган. Султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистон юришлари чоғида Абу Райҳон Берунийни тилмоч сифатида ҳамроҳ қилиб олиб юрган. Лекин романда бундай тафсилотлар батафсил ёритилмайди, қаҳрамонлар хотиралари орқали эсланади. Султон ва ҳиндлар ўртасида таржимонлик қилган Беруний кўпинча руҳий жиҳатдан қийналади. “Ўлимга маҳкум этилган элик минг маҳбуснинг баробар тиз чўкиб айтган ва гўё мунгли қўшиқдай янграган бу ибодати ҳануз қулоғи остида турибди, эсласа ҳануз ларзага солади уни, гўё бу бешавқат қирғин султон Маҳмуд Ғазнавийнинг амри билан эмас, унинг амри билан бўлгандай, аъзойи бадани қақшаб кетади. Уни Ҳиндистонда қолишга даъват қилган нарса ҳам мана шу гуноҳкорлик туйғуси бўлди. Ҳиндлар юртига жиндак хизмат қилиб бўлса ҳам, кўнглидаги бу ғуборни ювиш бўлди.” (Ёқубов, 2018: 36) Адиб бу парча орқали Беруний образининг адолатсизликка бўлган ички исённи намоён қилмоқда. Виждони олдида ҳисоб берадиган, ҳисоб берганда ҳам ҳиндлар диёрида қолиб шу юрт учун қандайдир бир йўл билан хизмат қилиш шаклида бермоқда. Бундан ташқари, Абу Райҳон Берунийни Ҳинд диёри бошқа халқларга ўхшамайдига, улардан тубдан фарқ қиладиган ўзига хослиги билан ҳам жалб қилиб турган. Тарихдан маълумки, Беруний ўн уч йил мобайнида Ҳиндистонда бўлган ҳинд халқининг тилини, адабиётини, маданиятини, тарихини, урф-одатларини, этнографиясини, динини мукаммал ўрганган. У қисқа вақт ичида санскрит тилини

ҳам ўрганиб олган. “Берунийни Ҳиндистон маданияти қизиқтирарди. Беруний учун тамоман янги ҳисобланган бу соҳани билиш ўз даври ижтимоий масалаларини тушиниб етишни англатар эди. Шунинг учун, ундан санскрит тилида ёзилган ҳинд файласуфлари ва олимларининг асарлари устида узлуксиз ишлаш ва мутолаа қилиш, оғир меҳнатни талаб этган. Санскрит тилидаги асосий манбалар “Маҳабхарата”, “Бхагаватҳита”, Капиланинг “Санкхья”си, Патанжаланинг “Йогасутра” асари ва бошқаларни чуқур ўрганган.” (Қурбонбоева, 2018: 21) 1030 йилда ҳинд диёри билан боғлиқ бўлган “Ҳиндистон” асарини ёзиб тугатади. Ёзувчи маҳоратини шу жойда алоҳида эътироф этиш ўринлидек бизнингча.

Асар туганч қисмида Султон Маҳмуд Ғазнавий вафот этади. Абу Али ибн Сино эса Ғазнадан кетишни, Абу Райҳон Беруний эса қолишни ихтиёр қилади. “Дарҳақиқат, ҳақиқий асар ўқувчини воқеалар иштирокчисига айлантиради. Китобхон асар қаҳрамони сингари фикрлайди. Санъаткор айрим воқеалар ечимини, қаҳрамонларнинг баъзи ҳаракатларини ўқувчининг ўзига ҳавола қилади” (Расулов, 1978: 78) Ҳар бир ўқувчи икки даҳонинг кейинг тақдири ҳақида ўзига яраша хулоса чиқаради, ўзига яраша яқун ясайди. Адиб Беруний образи орқали ўз китобхонига аждодларга муносиб авлод бўлишни, уларнинг серқирра фаолиятини боболарга муносиб ворис ўлароқ давом эттириш кераклигини, ҳар қандай шароитда излаган кишига, изланган кишига имкон борлигини, улардаги жидду жаҳт, шижоат, сабр ва матонат ҳамиш ибрат эканлигини кўрсатиб беришга интиланган. Бу интилиш натижаси ўлароқ Абу Райҳон Берунийнинг Одил Ёқубов талқинида маълум бир қиёфаси шаклланди. Ёзувчининг “Кўҳна дунё”си Абу Райҳон Беруний образи талқин қилинган илк роман сифатида ўзбек адабиёти тарихида қолди.

Адабиётлар

1. Абу Райҳон Беруний “100 Ҳикмат” нашрга тайёрловчи А.Ирисов Т.: Фан нашриёти 1993 йил
2. Абу Райҳон Беруний “Минералогия” Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти 2017 йил
3. Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам Т.: 1973. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти
4. Булгаков П.Г. “ЖизнҲ и труды Беруний”, Тошкент, “Фан”, 1972 г., С. 206.
5. Ёқубов О. “Кўҳна дунё” Т.: Шарқ нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. 2018 й.
6. Йўлдшев С. Аждодларимиз мероси – мафкурамиз гавҳари Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 2001 йил
7. Каттабеков А. “Адабиёт ва санъат” адабий танқидий мақолалар Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1988 й.

8. Каримов Ҳ.Ў. “Тарихий шахс ва бадиий образ” ф.ф.н илмий даражасини олиш учун тақдим этган диссертатсияси Тошкент 1999 йил илмий раҳбар С.Мамажонов.

9. Раҳимов З.А. “Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романи поетикаси” ф.ф.н илмий даражасини олиш учун тақдим этган диссертатсияси Фарғона 2000 йил

10. Қурбонбоева У. “Абу Райҳон Беруний асарларида Ҳиндистон тасвири” // Тамаддун нури. 2018 №5. –Б 21.

11. Қаюмов А. Беруний ва адабиёт. Т.: - Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1974 йил

12. Расулов А. “Янги замон – янги қахрамон” Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Т.: 1978 йил

13. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Т.: “Маънавият”, “Мовароуннахр” 2010 йил

**Амонова З., доцент
(Ўзбекистон)**

НАСИМИЙ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Халқ оғзаки ижоди тарихи узоқ, шакл ва мазмуни турфа хил бўлган юксак адабиётдир. У асрлар давомида шаклланиб, инсоният тараққиёти ва дунёқарашини ўзида акс эттирган. Айниқса, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик маҳсули бўлган ушбу ижод намунаси ҳар бир халқ билан ёнма-ён яшаб улғайди. Қатор ўзига хос хусусиятларни намоён этиб, миллат тафаккур доирасининг кенгайишига ўзининг беминнат ҳиссасини қўшди. Зеро, олим В.М.Миллер халқ ижодиётига “халқшуносликнинг таркибий қисми”(Сафаров, 2010:6) сифатида баҳо берганда мутлақо ҳақ эди. Фольклор намуналарида халқнинг ижодий салоҳияти, орзу-умидлари, фикр-ўйлари акс этади. Насимий ва халқ оғзаки ижоди мавзуси ҳақида тўхталар эканмиз, айти масалага икки жиҳатдан ёндашишимиз мумкин:

1) Халқ оғзаки ижодининг Насимий ижодига таъсири;

2) Насимий ҳаёти ва ижодининг фольклорга таъсири.

Фольклорнинг Насимий ижодига таъсири ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, қуйидаги адабий таъсирларни қайд этиш мумкин:

1) Шоир ғазаллари таркибида халқ мақоллари мазмуни сингдирилган байтлар ҳам мавжудки, уларда шоирнинг ирсол ул масал санъатидан фойдаланиш маҳорати намоён бўлади:

Фазилатдан, Насимий, урма лоф кўп,

Ўзини мақтаганлар оқил ўлмас (Насимий, 2018:11).

Барча туркий халқларда бўлгани каби озару ўзбекларда ҳам “Сен ўзингни мақтама, сени биров мақтасин” ёки “Ўзини мақтаган нодон” каби халқ мақоллари учрайди. Мазкур мақолларнинг ғоявий мазмунини Насимий юқоридаги мисраларда ифодалаб, нидо санъатидан ҳам ўринли фойдаланган.

Ундалмаларни келтириш орқали ҳосил қилинадиган бу санъат тури фикр таъсирчанлигининг ортишига хизмат қилади. Насимий бу орқали барча китобхонларни халқ мақолининг ғоясини тўғри англашга чақиради.

2) фольклор образларининг Насимий асарларида акс этиши:

Манзили ошиқнинг ул оламдадир,
Билмас ул оламни ким, мотамдадир,
Кунту канзан гавҳари одамдадир,
Одам ул майдирки, жоми Жамдадир. (Насимий, 2018:47).

Мазкур тўртликда илоҳий ишқ талқини ўз ифодасини топган. Зеро, инсоннинг яратилиши ишқ билан боғлиқ эди. “Кунту канзан” бирикмаси ҳам инсоннинг яратилиши ва унда илоҳий тажаллининг акс этишига ишорадир. Чунки Оллоҳ таолло инсонни тупроқдан яратиб унга ўзидан жон-руҳ берди. Инсон учун қалб-кўнгил берди. Шу кўнгилни ўзига тахт деб билди ва ўзининг руҳини шу тахтга ўтқазиб, шундай деди: “Кунту канзан аммахфиё”, яъни пинҳон эдим, истадимки, танилсам ўз жамолимни кўрсатсам...” (Х.Даврон, 1999:173)

Май – тасаввуф адабиётида илоҳий тажалли тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлиш маъноларини билдиради. Жоми Жам эса, фольклор образларидан бири бўлиб, қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид “Жоми жаҳоннамо” – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилганлиги, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс эттирганлиги ҳақидаги мулоҳазалар афсоналарда айтилади. Одам ул майдирки, дейиш орқали комил инсон қалбининг илоҳий сирларни ўзида сақлаши назарда тутилади. Зеро, Жамшид жомидаги май ичган билан сира тугамаганлиги каби комил инсон қалбидаги илоҳий сирлар ҳам шундай лимо-лим туради.

3) Халқона айтишувларининг Насимий лирикасида ифодаланиши:

“Якка Аҳмад” достонида бир қанча савол-жавоб характеридаги шеърый айтишувлар келтирилган:

Савол:

Отажон, кўлинг даври давронинг,
Бу келганлар сенинг катта душманинг,
Қаердан, жон ота, келган меҳмонинг,
Ота, бу келганлар қандай кишидир?

Жавоб:

Қаладан қалампир юклар қалачи,
Мадад қилсин Бобозанги подачи,
Дўрмандан келибди ўзингга совчи,
Қизим, бу келганлар қуда кишидир (Якка Аҳмад, 2016: 254)

Халқ бахшиларининг савол характеридаги байтларида қаҳрамонларнинг бирор воқеага муносабати, ишқий кечинмалар ёки диний мазмунга эга

мулоҳазалар баён этилса, Насимийда фалсафий моҳият касб этади. Юқоридаги шеърӣй парчаларга эътибор қаратсак, “Якка Аҳмад” достонидаги парчада Оқбилак ойимнинг Аҳмадга мактуб жўнатиб, ундан жавоб кутиб турган пайтида хонадонига ташриф буюрган Бобоайёр ва унинг одамларини кўриб, хавотирга тушиб, отасига савол тарзидаги мурожаати савол-жавоб тарзида берилган. Отаси ҳам айни пайтда унга шеърӣй жавоб қайтаради. Оқбилак ойимнинг отаси – Сарихонга Бобоайёр ва унинг одамлари ёлғондан ўзларини Аҳмаднинг совчилари деб таништирадилар. Сарихон ҳам бу гапга ишониб, уларни меҳмон қилиб, ҳурматларини жойига қўяди. Шу боис Сарихон томонидан айтилган шеърӣй жавобда Дўрмандан Аҳмад юборган совчилар ҳақидаги фикрлар айтилади. Демак, асар сюжети билан боғлиқ мулоҳазалар қаҳрамонлар орасида шеърӣй баён этилган.

Насимийнинг савол характеридаги шеърӣда дин ва тасаввуф билан боғлиқ мушоҳадаларга кенг ўрин берилади. Жумладан, тўрт ирмоқ ҳақида биринчи мисрада тўхталади. Саҳиҳ ривоятларга кўра, Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар меърож кечаси тўрт ариқни кўрганлар ва ушбу ариқларнинг оқ марвариддан бино бўлган улкан гумбаз ичидан чиқишига, унинг деворларида “Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм” сўзлари ёзилган бўлиб, тўрт ариқнинг манбаси шу басмала эканлигига гувоҳ бўлганлар. Шунингдек, жаннат ва ундаги ариқлар хусусида Қуръони Каримда ҳам фикр-мулоҳазалар мавжуд. Шоир шу манбаларга таяниб, тўрт ариқ ирмоғи билан боғлиқ фикрларни биринчи мисрада савол характерида баён этган. Иккинчи мисрада эса, жаннатнинг саккиз эшиги топишмоқ тарзида айтилган. Айни мулоҳаза билан боғлиқ саҳиҳ ҳадис Муслим ривоятида берилган: “Сизлардан ким таҳорат олса ва таҳоратини мукамал қилса, таҳоратдан фориф бўлгач, “Ашҳаду аллаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ”, деса, унга жаннатнинг саккиз эшиги очилади ва у хоҳлаганидан киради” (Саҳиҳи Муслим, 2017:144).

Айтишларича, туб (тубо) жаннатдаги дарахтнинг номи. Насимий таносуб санъатидан ўринли фойдаланиб, иккинчи ва учинчи мисраларда жаннат ҳақидаги мулоҳазаларни баён этган. Охирги мисрада эса эр киши (мард) ҳақида айтилади. Бундай инсон албатта, иймонли, ўз нафсини таниган ва уни идора қила оладиган, шариат ва тариқат амалларини сидқидилдан адо этадиган, одамлардан ёрдам қўлини тортмайдиган шахслар эр киши саналади. Шоир айни талабларга жавоб бера олмайдиганларни “диши” аёл киши сифатида эътироф этади.

Савол-жавоб тарзидаги топишмоқ приёmidан фойдаланган шеърларнинг Насимий ижодида мавжудлиги шоир ижодида маълум маънода халқ оғзаки ижодининг таъсири борлигини кўрсатади. Аммо халқ достонларидаги айтишувлардан фарқли ўлароқ, Насимий савол характеридаги топишмоқларнинг жавобини келтирмайди, балки зукко китобхон ҳукмига ҳавола қилади.

Халқимиз Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир каби бир қанча истеъдодли бахшиларнинг айтган дostonларидан бахраманд бўлиб келган. Ҳар бир бахшининг ҳам ўз ижро услуби, ижод мактаби мавжуд. Улардаги одамийлик, халқпарварлик, илм ва маърифатга ошнолик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Эргаш Жуманбулбул дostonларига юқорида номлари зикр этилган сўфий-шоирлар қатори Имомиддин Насимий номи зикр этилганлигини кўриш мумкин. Бу бевосита Насимий ҳаёти ва ижодининг фольклорга таъсирини кўрсатади.

Жумладан, Эргаш Жуманбулбул томонидан айtilган “Якка Аҳмад” дostonида Насимийнинг аянчли қисмати шеърий баён этилади:

Ўтгинангда тинмай куйсам,

Кўрсам, гулдай юзинг суйсам,

Насимийдай терим суйсам,

Топарманми болам сани? (Якка Аҳмад, 2016: 271)

Мазкур парча дostonдаги бош образ Аҳмадхоннинг отаси Қорахон номидан айtilган. Қорахон Дўрман элининг ҳокими бўлиб, очикқўнгил, халқпарвар эди. У ўзининг ёлғиз ўғли Аҳмадхонни Сарихоннинг қизи Оқбилак ойимга унаштириб қўйганди. Аммо Сарихон аразлаб Қубодшоҳ юртига кетади. Қубодшоҳ хирож-закоат асосида Сарихонни юртида истиқомат қилишга рухсат беради, аммо қизи Оқбилакойимнинг қўлини сўраб совчи юборади. Оқбилакойим хат ёзиб карвон билан Дўрман юртига – Аҳмадхонга юборади. Шунинг учун Аҳмадхон Оқбилакойимни қутқариш ва унга уйланиш учун кетади. Унинг отаси Қорахон ўғли Аҳмадхонни Бобоайёр ва унинг одамлари томонидан ўлдирилган деган хабарни эшитиб, уни излаб йўлга чиқади ва ушбу марсия-шеърни айтиб боради.

“Якка Аҳмад” дostonида Насимий образи билан бирга у кучли эътиқод қўйган Мансур Ҳаллож номи ҳам тилга олинади:

Жиржисдай мойда қайнасам,

Мансурдай дорга ўйнасам,

Намруддай олов чайнасам,

Кўрарманми болам сани? (Якка Аҳмад, 2016: 271)

Нафақат “Якка Аҳмад” дostonида балки Эргаш Жуманбулбул куйлаган бошқа дostonларда ҳам Мансур Ҳаллож ва унинг “Анал ҳақ” ғояси билан боғлиқ мулоҳазалар берилади. Жумладан, у куйлаган “Кунтуғмиш” дostonидаги Холбек тилидан айtilган шеърий парчага эътибор қаратсак:

Қаладин қалампир юклар қалачи,

Дурдонадин анбар тоғнинг оғочи,

“Анал Ҳақ” деб Мансур сенга осилди,

Ассалом алайкум, дорнинг оғочи.

Шонаман таралар қизларнинг сочи,

Мадад қилинг, Бобо Занги подачи,

“Анал Ҳақ” деб Мансур сенга осилди,

Ассалом алайкум, дорнинг оғочи (Кунтуғмиш, 2016 : 153).

Маълумки, буюк ҳақшунос Мансур Ҳаллож жоҳил шарият пешволарининг фармони билан дорга осилгандан сўнг, Шарқ мумтоз адабиётида дор ишқи ва унинг таърифи ифодаланган асарлар яратилди. Ушбу жиҳат ёзма ва оғзаки адабиётда ўз аксини топди. Эргаш Жуманбулбул куйлаган дostonларда ҳам ана шу руҳ уфуриб туради. Эргаш шоирда дарвештабиатлик, Машраб билан руҳдошлик сезилиб туради. Машраб ҳақида баҳс юритилганда, беихтиёр улуғ Насимий, Насимий дейилганда эса, “Анал Ҳақ”чи Мансур Ҳаллож эсланади. Қайси бир ўзбек бахшиси асарларида шу силсилага ошуфталигини кўрсатадиган далил топилади? Бизнингча, Эргаш Жуманбулбулдан бошқасида учрамайди(Ҳаққулов, 2018:20).

Халқ оғзаки ижодининг Насимий ижодига таъсири ҳамда Насимий ҳаёти ва ижодининг фольклорга таъсири борлигини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Арасли Ҳ. Насимий. Т.: Фан. 1973й.
2. Даврон Х. Шаҳидлар шоҳи. Т.:Қатортол-камолот. 1998й.
3. Кунтуғмиш. 2016й. WWW.ziyoufz.
4. Маллаев Н.Навоий ва халқ оғзаки ижоди. Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015й.
5. Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Т., Мовароуннаҳр, 2018.
6. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: Муסיқа нашриёти, 2010й.
7. Саҳиҳи Муслим, Дорул Арабия ширкати, 2017й
8. Якка Аҳмад. WWW.ziyoufz.
9. Ҳаққулов И. Ўзбек тили ва адабиёти. 2018 й. №5

**Амонов Ш. доцент
(Ўзбекистон)**

АҲМАД ТАБИБИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитининг ривожига ўзининг бетакрор ижод намуналари билан ҳисса қўшган сўз санъаткорларидан бири зуллисонайн шоир Аҳмаджон Табибийдир. Гарчи илм аҳли Табибий шахсияти, ижоди ҳақида айрим тасаввурларга эга бўлса-да, шоирнинг таржимаи ҳоли, фаолияти ва ижодий меросига оид манбалар тўла тадқиқ этилгани йўқ.

Аҳмад Табибий мумтоз адабиётимизнинг деярли барча жанрида ижод қилди, ўзидан бой адабий мерос қолдирди. Зеро, у мумтоз адабий анъаналарни муносиб давом эттирган, анъанага мувофиқ форсигўй ва туркигўй салафларига ўхшатмалар ёзган. У гўзал ва бетакрор лирик бадиият намуналари битиш баробарида замондош шоирлар шеърларига ўхшатмалар ёзиш орқали ўзининг

шеърий иқтидорини намоён этди. Бу фикрни унинг туркий тилдаги “Тухфату-с-султон”, “Мунису-л-ушшоқ”, “Ҳайрату-л-ушшоқ” (бу девон мавжуд тадқиқотларда “Ҳайрат ул-ошиқин” тарзида номланиб келади) девонлари, форс-тожик тилида тузилган “Миръоту-л-ишк” ва “Маҳзару-л-иштиёк” девонлари ҳам тасдиқлайди. Бундан ташқари, шоирнинг Хоразм шоирлари тазкирасини тузгани (шеърий усулда), “Вомиқ ва Азро” достонининг ўзбекча вариантини (шеърий усулда), “Нозир ва Манзур” достонини ёзганлиги, озарбайжонлик шоир Муҳаммад Фузулийнинг “Ҳафт жом” асарини форсийдан ўзбекчага таржима қилиб, шу таржима таъсирида ўзининг “Етти равза” номли асарини (асарнинг асосий қисми шеърий усулда) ёзганлиги ҳам Табибийнинг шоирлик салоҳияти нақадар баланд бўлганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Табибий бадиий ижодда Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмийлар қаторида истеъдодли шоир, дostonнавис, тазкиранавис, мутаржим сифатида иқтидорини намоён этди. Бундан ташқари, у замонасининг машҳур табиби сифатида ҳам эътироф этилади.

Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижоди ҳақида замондошлари Муҳаммад Юсуф Баёний, Ҳасанмуродқори Муҳаммадамин Лаффасий, Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим, рус шарқшуноси А.Н.Самойловичлар асарларида маълумотлар учрайди. Шунингдек, Аҳмад Табибий ўзи ҳақидаги айрим маълумотларни ўзининг девонлари дебочасида ҳам қайд этиб ўтади.

Бундан ташқари, Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар 1945 йилда тузилган “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”, Раҳмат Мажидийнинг “Ўзбек адабиёти” китобида ҳам берилган. Шунингдек, филология фанлари доктори М.Юнусовнинг “Комил Хоразмий” (Т., 1960), В.Мирзаевнинг “Аваз Ўтар ўғли” (Т., 1961), профессор Ғ.Каримовнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” (учинчи китоб, Т., 1987) асарларида ҳам Аҳмад Табибий ҳақида маълумотлар учрайди. Бундан ташқари ҚҚ асрнинг иккинчи ярми ва ҚҚ аср бошлари Хоразм адабий муҳити, унинг намояндалари ижоди билан боғлиқ деярли барча илмий тадқиқотларда Аҳмад Табибий ижодига оид фикр ва мулоҳазалар бериб ўтилади.

Ўзбек адабиёти тарихида Фатҳулла Ғанихўжаев Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқот яратган. Жумладан, Ф.Ғанихўжаев 1968 йилда Табибийнинг ҳаёти ва ижодий мероси мавзuida номзодлик диссертацияси ёқлаган. Шу йили олим Табибийнинг “Танланган асарлар”ини нашр эттиради. Олим 1978 йилда эса “Аҳмад Табибий” (ҳаёти ва ижоди) номли монографиясини нашр эттиради. Ушбу тадқиқотида олим Табибийнинг ҳаёт йўли, асарлари, уларнинг манбалари, шоир ижодининг жанрлар кўлами, мавзу мундарижаси, адабий таъсир каби масалалар ҳақида қимматли маълумотларни беради. Айниқса, олимнинг Табибий асарлари мавжуд 20 га яқин қўлёзма ва тошбосма манбалар борлигини аниқлагани, шоир лирик асарларидан айримларини табдил қилиб, нашр эттиргани (15 та ғазал, 11 банддан иборат бир мураббаъ, 7 банддан иборат бир мухаммас, 2 та Навоий ғазалига, битта Лутфий

ғазалига, битта Фузулий ғазалига, битта Мунис ғазалига, битта Оғаҳий ғазалига, битта Комил ғазалига, битта Аваз ғазалига боғланган мухаммаслар, 5 банддан иборат бир мусаддас, 7 банддан иборат бир мусамман, 4 банддан иборат бир муашшар, 18 та рубоий, 2 та тўрт мисрали қитъа) эътиборлидир. Ф.Ғанихўжаевнинг мазкур тадқиқоти ўша замоннинг мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ этилгани, шунинг учун, Аҳмад Табибийнинг бутун бошли мумтоз адабий анъаналарни ўзида мужассам этган девонлари қолиб, ҳукмрон мафкура ғояларига мос келувчи айрим ижтимоий-сиёсий мавзудаги лирик асарлар нашр этилган. Ваҳоланки, шоир ижод намуналари мумтоз адабиётимизнинг гўзал намуналари сифатида қимматли. Улар бадий жиҳатдан мукаммал, ўзида бетакрор бадий санъатларни мужассам этган лирик асарлардир. Айниқса, шоирнинг девонларига ёзган дебочаси, ҳамд мазмунидаги ва бошқа айрим шеърларида муқаддас Қуръони карим оятлари ва пайғамбар ҳадисларидан намуналар берилгани билан аҳамиятлидир.

Гарчи манбаларда Аҳмад Табибийнинг туғилган санаси ҳақида маълумот бўлмасда, тадқиқотларда унинг 1869 йили Хива шаҳрида туғилгани айтилади. Лаффасий шоирнинг вафотини ҳижрий 1328 (1910 йил октябрь ойида) 42 ёшида “*кулли нафси закоти алмавт нидосига вобаста бўлиб, ушбу фалаки золим жафокордин шиквалар қилиб, кўнгил мақсудига етиша билмасдин ҳасратлар қилиб оҳ-надоматлар билан бу дунёдин кўз юмиб, охират сафари қилиб жаннат бўстониди манзил қиладур*” – деган маълумотни келтирса, Ходим эса шоир вафоти ҳақида “... шоир Аҳмаджон Табибий неча ёшида вафот этган, вафоти ўзини тугулгон жойида вафот этганму ёки бошқа жойда вафот этганму? деган саволга шоирларни контрўли Бобожон Тарроҳ–Ходим тўғри жавоб берадиким, шоир Аҳмаджон Табибий 45 ёшларида вафот этган бўлиши керак. 1911 йилда вафот бўлгон тақдирда, 1967 йилда ҳаёт бўлгон бўлса, шоир Аҳмаджон Табибий ўзи тугулгон жойда вафот этган. Бошқа жойда вафот этмаган” – деган маълумотни келтиради. Шунингдек, Ф.Ғанихўжаевнинг юқорида таъкидланган тадқиқотида (Лаффасий келтирган маълумотларга асосан) Табибийнинг отаси асли афғонистонлик бўлиб, кейинчалик Хоразмга келиб турғун бўлиб қолган дейилади: ““Аҳмаджон Табибийким, ул асли афғонистонли Али Маҳрамнинг ўғли бўлиб, ... Ферузнинг фармони билан Аҳмаджон дағи Табибий тахаллус билан шеър машқин қилиб, анча абётлар ёзиб Ферузга мақбули таъб бўлиб, тўрт мужаллад девон асар тасниф қиладир. Икки мужаллад форсий тилда, икки мужаллад туркий ўзбек тилида бўлиб онлардин дигар (бошқа) Ферузнинг фармони билан бир йил муддат ичра жаъми шуарони тартибга солиб ёзиб чиқадуру” (Лаффасий, 1992: 62).

Бироқ Ходимнинг “Хоразм навозандалари” тазкирасида шоирнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида бошқача маълумот келтирилади. Жумладан, Ходим шоир Аҳмад Табибий ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради:

“Тўртинжи нўмир баёнолда кўрсатилган мазмуни шундан иборатким, шоир Аҳмаджон Табибийнинг ижтимоий чиқиши қандай деган саволга шоирларни контраўли Бобожон Тарроҳ–Ходим тўғри жавоб берадиким, шоир Аҳмаджон Табибийнинг отасини Эрон мамлакатидин... отаси Али маҳрам эски саройда чарчилик дўкони очиб, дори-дармон тузатиб сотишга шугуллангон. Шунинг учун ҳам шоир Аҳмаджон Табибийни ижтимоий чиқиши эзилган камбағал оилада туғулгон деб баҳо берилса бўлади”.

Аҳмад Табибий қисқа умри давомида салмоқли адабий мерос қолдирди. Унинг беш девони бор. “Тухфату-с-султон”, “Мунису-л-ушшоқ”, “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонлари туркий (ўзбек) тилидаги шеърларидан, “Миръоту-л-ишқ”, “Мазҳару-л-иштиёқ” девонлари эса форс-тожик тилидаги шеърларидан ташкил топган. Уларнинг тўрттаси бизгача етиб келган. Юқорида таъкидланганидек, Ф.Ғанихўжаевнинг маълумот беришича, шоирнинг “Тухфатус-султон” девони Душанбедаги А.С.Семёнов уй-музейида сақланади. Қолган тўрттаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Аҳмад Табибийнинг туркий тилда тартиб берган девонларидан бири “Мунису-л-ушшоқ” деб номланган. Ушбу девони 1327 (1909) - йилда котиб Бобожон Тарро ибн Абдулазиз Махсум томонидан кўчирилган. Девон 1328 (1910) - йилда Хивада тошбосмада босилган. Девоннинг қўлёзма ва тошбосма вариантлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади.

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №3460 инвентар рақами билан сақланаётган қўлёзма манбада Аҳмаджон Табибий ижодига мансуб лирик асарлар жамланган. Ушбу қўлёзма манба қалин мошранг муқовада бўлиб, муқовалар унвонланган. Қўлёзманинг 1^б-саҳифаси ўртасида “Икиланчи девони Табибий туркий мусаммо баҳайрату-л-ошиқин” деб қизил сиёҳда ёзилган. Сўнг қора сиёҳда “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим” деб ёзилиб, Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ”¹ девонидаги лирик асарлари кўчирилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида Аҳмад Табибий “Мунису-л-ушшоқ” девонининг иккита қўлёзмаси мавжуд. Фонддаги манбаларни ўрганиш натижалари ҳозирча Табибий “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонининг ягона тўлиқ қўлёзмаси №3460 инвентар рақамли манба экани кўрсатади.

Аҳмад Табибий ижодида *газал, фард, рубоий, қитъа, туюқ, чистон, таърих, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ,*

¹ “Ҳайрату-л-ушшоқ” девони шу пайтгача шоир ижоди билан боғлиқ маълумотларда “Ҳайрат ул-ошиқин” тарзида номланиб келинган. 3460 инвентар рақамли қўлёзма “Икиланчи девони Табибий туркий мусаммо ба Ҳайрату-л-ошиқин” тарзида котиб томонидан сарлавҳаланган. Эҳтимол, шу сабабли девон “Ҳайрат ул-ошиқин” деб номланиб келинган. Бироқ Табибий ўзининг “Мунису-л-ушшоқ” девони дебوحасида ушбу девонини “Ҳайрату-л-ушшоқ” тарзида келтиради.

муашишар, қасида, таржеъбанд, мустазод, даҳрнома, соқийнома, ширу шакар, варсоқи (бармоқ вазнидаги тўртликлар), *бахри тавил* каби назм намуналари мавжуд.

Табибий лирикасининг бош мавзуи ишқ-муҳаббат. Шоир ишқий шеърларининг мазмундорлиги, оҳангдорлиги, шаклий ранг-баранглиги, бадий тасвир воситаларига бойлиги жиҳатидан аҳамиятлидир. Унинг лирик асарлари мазмунини ҳақиқий муҳаббат, ёрга чексиз садоқат, ҳижрон билан курашиш, ҳар қандай азоб-укубатга сабр билан бардош бериб, унинг васлига етишиш ғоялари ташкил этади.

Табибий ижодида табиат тасвирига бағишланган шеърлар ҳам учрайди. Унинг “Баҳор”, “Булбул”, “Бўлса” ва бошқа кўплаб шеърлари бунга мисол.

Табибийнинг ҳам замондош ижодкорлар сингари мусиқага муҳаббати баланд бўлган. Бу ҳол унинг “Ғижжак”, “Танбур”, “Дутор” радибли шеърларида намоён бўлади.

Аҳмад Табибий девонларидаги шеърларнинг барчаси ишқ-муҳаббат мавзуида бўлмай, унда ижтимоий-сиёсий, чуқур мазмунни ўзида мужассам этган фалсафий лирик асарлар ҳам мавжуд. Унинг қатор ғазал ва рубойлари замонасининг акс-садоси сифатида яратилган.

Аҳмад Табибий ижодида рубой алоҳида ўринга эга. Чунки шоир девонларида рубой жанрига мансуб асарлар салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, Табибий рубойлари шоир адабий-эстетик қарашларининг энг мукамал шаклларида хисобланади. Табибийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, унинг ҳаётга, инсонларнинг бир-бирига муносабатларини билдирувчи фикрлар шоирнинг рубойларида ҳам акс этган:

*Юз йил агар ўт ичра бўлур маҳл манга,
Ҳар навъ ёқар ўт доғи бори саҳл манга,
Қўйгил бу сифат ўтники дўзахдин ҳам,
Бўлғуси батар суҳбати ноаҳл манга.*

(“Мунису-л-ушшоқ”. 10-рубой)

Демак, шоирнинг фикрича, нодон кишилар суҳбатида ўтиришдан кўра юз йил ўтда ёнган яхши. Бу билан шоир аҳли фозилларнинг даражаси нақадар баланд эканини кўрсатмоқчи бўлади.

Шунингдек, шоир рубойларининг аксарияти ҳамд ва наът мазмунидадир:

*Ҳамд ўлсун онгаки бор қодири якто,
Қилди ики ҳарфдин жаҳонни пайдо,
Не ушбу жаҳонки ўн сакиз минг олам,
Бил дўзахи жаннат, инсу жин, арзи само.*

(“Мунису-л-ушшоқ”. 1-рубой)

Хулоса қилиб айтганда, Табибий шеър илмини пухта эгаллаган. Унинг ижодида арузнинг *ҳазаж, рамал, ражас* баҳрлари кўп учрайди. Бундай лирик асарлар гўзал бадий санъатлар воситасида бетакрор шаклларда ёзилган.

Аҳмад Табибий ўз ижодида кўплаб туркигўй ва форсигўй сўз санъаткорлари бадий маҳоратидан илҳомланган. Шоир девонларидаги лирик асарларни таҳлил этар эканмиз, Табибийнинг 80 га яқин шоирлар шеърларига туркий (ўзбек) тилда ўхшатма ва мухаммаслар ёзганини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. Аҳмад Табибий. Танланган асарлар. Тошкент. Бадий адабиёт, 1968.
2. Лаффасий. Тазкираи шуаро. Хоразм-Урганч. 1992.
3. Ходим. Хоразм навозандалари. Тошкент. “Tafakkўq qanoti”, 2011.
4. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги №11499, №9494, №12561, № 12561, №1134, №3460, №3461, 2662 инвентар рақамли қўлёзма манбалар.
5. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 8989 инвентар рақамли тошбосма манба.
6. Қосимов Б. Излай-излай топганим. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1983.
7. Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. Тошкент, Фан, 1978.

**Асадов М., филология фанлари доктори
(Ўзбекистон)**

МАҲМУД АСЪАД ЖЎШОН ВА ТАСАВВУФ

Сўзи завққа, завқи ҳолга, ҳоли файзга айланган улуғ зотлар бўладики, илм йўли уларнинг ақлу закосидан, қалб зиёсидан чароғон ва нурлидир. Улуғ ватандошимиз, профессор Маҳмуд Асъад Жўшон, шубҳасиз, ана шундай бир файз соҳиби, мутасаввиф ва нуктадон олимдир. Бу зот Туркиядаги нақшбандия тариқатининг энг нуфузли марказларидан бўлмиш Искандарпошо даргоҳида имомлик қилган ва нақшбандийликнинг йирик муршиди сифатида дунё микёсида кенг фаолият олиб борган. Маҳмуд Асъад Жўшоннинг дин, тасаввуф, ахлоқ, адабиёт ва ёзув малакаси тадқиқига бағишланган кўплаб китоблари жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган.

Тасаввуф инсоннинг маънавий камолотга, руҳий эркинликка эришиш йўлини кўрсатувчи, инсонга ўзини, ўзлигини танитувчи ҳамда дин, тарих, ахлоқ, адабиёт, руҳиятшунослик каби кишилик жамиятининг нафақат ижтимоий, маиший, балки маърифий ва маънавий ҳаёт тарзига ҳам бевосита дахлдор бўлган етук таълимотдир. Унинг пайдо бўлиши, тадрижи ва тараққиёт босқичлари ҳақида илмда турли фикрлар билдирилган, яъни қадимги ҳинд фалсафаси таъсирида, юнон маърифатчилиги асосида, Тибет фалсафий дунёқарашидаги таркидунёчилик одатлари замирида ривожлангани ҳам айтилган¹. Дарҳақиқат, умумбашарий ахлоқий қадриятларнинг ҳар қандай миллат ва халқнинг асрлар мобайнида шаклланган урф-одатлари, анъаналари билан ўзаро уйғунлашуви маданий ҳаётнинг ривожланишига хизмат қилиши

¹ Қаранг: Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 12.

шубҳасиздир. Аммо ислом тасаввуфи хусусида мулоҳаза юритганда, ислом дини мафкуриси, эътиқод ва одоб-ахлоқ талабларини алоҳида эътиборда тутмоқ лозим. Чунки “Тасаввуф бир ҳовуз каби бўлса, унинг сувлари Қуръони каримдан гулдираб келади. Топ-тоза, мусаффо, ҳаётбахш бир сув... Ҳазрати пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларидан ҳам келади. У ҳам Аллоҳнинг каломи... Ҳадиси шарифнинг манбаси ҳам, Қуръони каримни туширган ҳам Аллоҳ. Бу икки чашмадан маънавият ҳовузига шилдираб-шилдираб, биллур каби тоза сувлар оқиб киради...”¹. Образли тафаккур имкониятлари асосида масаланинг асл моҳиятини жонли тарзда очиб берган бу таъриф ўқувчида эстетик завқ уйғотибгина қолмай, тасаввуф ҳақидаги тасаввурларга ҳам муайян аниқликлар киритади, албатта.

Илмда ёритилишича, Шарқда азалдан турли-туман фалсафий қарашлар, назариялар яратишга мойиллик кучли бўлган. Аммо бу йўлда эътиқод собитлигидан бир лаҳза ҳам чекинилмаган. Тасаввуф истилоҳлари адабиёт ва илм аҳлига мана шу имкониятни – ислом дини ақидаларига содиқликни ва дунёни тимсоллар воситасида фалсафий идрок этиш имтиёзини берган². Давр ва замон ўзгаришлари, вақт мезонлари ва тараққиёт таъсирида инсоннинг тафаккур тарзи, оламни ижтимоий, фалсафий, бадий, илмий мушоҳада қилиш қонуниятлари ҳам ўзгариб боради. Маҳмуд Аъсад Жўшон асарлари, жумладан тасаввуфга оид илмий мушоҳадалари ўқувчини ўзига оҳанграбодай жалб қилади. Уларда ифодаланаётган фикр жамият, табиат ва инсоният ҳаётига доир у ёки бу ҳаётий лавҳа воситасида исбот қилинади. Ўзига хос тасвир маҳорати, ифода йўли, ёзувчи, олим, ориф, руҳиятшунос каби бир қатор қиёфаларда намоён бўладиган муаллиф эстетик идеалининг нозик қирраларини, истеъдодининг ёрқин жиҳатларини юзага чиқариб, фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Маълумки, услуб ижодкорнинг ҳаётий тажрибаси, моддий борлиққа муносабатини акс эттирувчи кўзгудир. У индивидуал характерга эга. Энг аввало, услуб тил, нутқ ва тафаккур уйғунлигининг маҳсулидир. Маҳмуд Аъсад Жўшоннинг илмий асарлари ана шу – услубига кўра ҳам бетакрор: бадий асар – ҳаётий, реал ҳикоя ёки воқеа каби катта қизиқиш билан ўқилади. Бу асарлар равонлиги, соддалиги, жумлаларнинг қисқа ва аниқлиги, енгил ва осон тушунилиши билан ўқувчи хотирасида тез ўрнашади, онгу шуурига чуқур сингади. Шарқ адабиётшунослиги тарихида кўпинча ҳикмат, ривоят ёки нақлларни мисол келтириб фикрни илмий ва назарий жиҳатдан асослаш тамойили устунлик қилгани маълум. Маҳмуд Аъсад Жўшонда эса қадимги ривоят ва афсоналар ўрнини муаллифнинг ҳаёт йўли, хотираларига дахлдор воқеликлар эгаллайди, фикр лўнда, пухта ва тугал ифодаланади. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги иқтибосни келтириш ўринли

¹ Кўрсатилган китоб. – Б. 14.

² Бертельс Е.Э. Происхождение суфизма и зарождение суфийской литературы // Избранные труды. Том III. Суфизм и суфийская литература. – М.: Восточная литература, 1965. – С. 419.

бўлади: “Тасаввуф деганда хотирангизга келган биринчи сўзни айтинг!”, – десам, шак-шубҳасиз, барчангиз кўп нарсаларни ўйлаб, “Зикр” дейсиз. Зеро, аслида зикр ҳам Қуръони каримдандир. Ислом бу – илм. Ислом бу – маърифат. Ислом бу – комил инсонни тарбиялаш воситаси.

Мактаб ўқиб юрган кезларим бир куни эрталаб мактабга бордим. Ўртоқларим мени табассум-ла бағоят қувноқ ҳолда ҳазил-ҳузул билан қарши олишди. “Қани, ўзингга маъкул рангни айт-чи? – дейишди. Елкамни қисиб: “Қизил”, – дедим. Шундай кучли қаҳқаҳа янградик, ўртоқларим ерга юмалаб кулишарди. “Бунинг нимаси кулгил, қизил ранг эмасми?” – дедим. “Йўк, унга эмас, кимдан сўрасак, барча “Қизил” деб жавоб беряпти, шунга куляпмиз”, – дейишди улар. Демак, илк хаёлга келадиган ранг қизил экан. Аслида эса бу ҳам бежиз эмас, балки психологик бир ҳодиса.

Худди шу каби “Қани, айтинглар-чи, тасаввуф деганда хаёлга биринчи бўлиб қайси фикр келади?” – деб савол берилса, даврадагиларнинг кўпчилиги, тахминан 75 фоизи “Зикр” дейди”¹.

Агар мана шу ҳаётий ҳикоя бўлмаса, тасаввуфнинг зикр билан боғлиқлиги ҳақидаги ҳақиқат хотирага мустаҳкам ўрнашмайди. Олимнинг “Мен мавзуларни ҳаётда рўй берган воқеалар билан шарҳлашни яхши кўраман. Чунки бу нарса кўпроқ эсда қолади”, – деган гаплари ҳам бу борадаги фикримизни қувватлайди. Бу улуғ зотнинг турли мавзудаги асарларидан юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мундарижа – ҳаётий лавҳа – Қуръони карим оятини параллел қўллаш матннинг ички мутаносиблиги ва ўзига хослигини кўрсатади. Мундарижада муддао ҳали умумий, баён, фикрни хулосалаш бор, ўқувчини асосий мақсадга буткул йўналтириш учун эса реал, ижтимоий ҳодиса тамсил келтирилиб исботланади ва Қуръон оятларига асосланиб хулосаланади. Уларнинг ички тартибини ўзгартириш, бири ўрнида иккинчисини қўллаш, ўрнини алмаштириш мушкул. Чунки тасаввуфга оид тушунча, тимсол ёки фикрнинг илдизи ҳам, олимнинг хулосалари ҳам, энг аввало, Қуръони каримга боғланади: “Қуръонда зикр билан алоқадор саксонга яқин амр бор. Инчунун, тасаввуф ҳам Қуръонга мувофиқ бир фаолият, зеро нафс тарбияси ҳам Қуръондан, зикр ҳам Қуръондан”².

Олимнинг ёзишича, тасаввуф “тавҳид ақидасининг байроғини фикр қалъасининг чўққисига тикади”. Бу қалъанинг асоси, пойдевори-чи? Шубҳасиз, “Қуръони карим ва Суннати санийя”дир: “Исломда тасаввуф деган муҳим бир шаръий илм бор экан, бу илмга амал қилмай туриб имоний завқни топиб яшаш, Исломнинг моҳиятини, руҳиятини, назокатини, асрорини фаҳмлаш ҳар даврнинг, жумладан, бугунги кунимизнинг инсонини учун ҳам имконсиздир. Чунки тасаввуф Қуръон ахлоқи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг

¹ Маҳмуд Асабад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14.

² Маҳмуд Асабад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14.

ҳаёт тарзи, шариатнинг нозик одобидир”¹. Турли ҳудудлардаги тасаввуфий қарашлар хилма-хил бўлиши мумкин. Бу ҳақиқатни олим содда ва жонли кўрсатиб беради. Атлантика океанидан Ҳинд океанигача, Сибир текисликларидан Африканинг шимолигача, дунёнинг жуда катта қисмига ёйилгани учун, у етиб борган ерлардаги “ранг”лар унинг “оқ”лигига, яъни аслига бир оз бошқа “ранг”-тус аралаштирганини мен шунга ўхшатаман. Турли ҳудудлардаги тасаввуфларда нисбатан фарқлар борлиги ҳам шу сабабдандир”². Кўринадики, бу фикрлар ўқувчига нафақат тасаввуф ҳақида маълумот беради, балки тасаввур ва тафаккур завқини туйиш, оламни бадий жихатдан идрок қилиш малакасини ҳам шакллантиради.

Тасаввуфда инсонни камолотга элтувчи икки асосий йўл мавжудлиги айтилади: бири инсон иродаси, нафсини тарбиялайдиган риёзат йўли (Маҳмуд Асаъад Жўшон бунини “руҳ риёзати, руҳий машқ” деб таърифлайди. – М.А), яна бири ишқ, севги ва муҳаббат йўли – “жўшқинлик ҳоли”. Маҳмуд Асаъад Жўшонга кўра, “Ҳақиқий диндорларнинг барчаси, аввало, Оллоҳнинг ошиғи бўлган кишилардир”³. Улар ишқ мақомининг сир-асроридан, чин муҳаббатнинг завқу шавқидан хабардор, борлиғу борлиги илоҳий жамолга ташна бўлган хос бандалардир. Ишқ мақоми эса “қалбда – кучли туғённинг бош кўтариши, бетоқату безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Тангри томон талпинишдир”⁴. Шарқ мумтоз адабиёти ҳам, аслида, ана шундай ишқ шарҳи, тавсифу таърифига бағишланган бир адабиёт. Жумладан, “Фузулий, Мавлоно Ҳожи Бектоши Вали, Юнус Эмро, Аҳмад Яссавий – булар Хуросоннинг ишқ ва севги мактабининг вакиллари, тамсилчилари”⁵ саналади.

Тасаввуфда ишқнинг даражалари 8 тага ажратилган. Буларнинг биринчиси муваддат бўлиб, ошиқнинг соғинч туйғуси, маъшуқа васлини қўмсашини демак. Иккинчиси, ҳаво, яъни Ҳақ ошиғини чуқур изтиробга солган, ёр ёдида бетоқат қилиб, кўз ёш тўкишга-да мажбур қилган севги. Учинчиси ҳиллат – ошиқнинг маъшуқа муҳаббати ва илтифоти билан сармаст бўлиши. Тўртинчи даражанинг номи муҳаббат аталиб, барча ёмон феъллар, ўткинчи ҳою-ҳаваслардан буткул фориғ бўлиб, маъшуқага лойиқ бўлиш, унга яқинлашиш тушуниланган. Бешинчиси шаъф, яъни қалбни қийноққа, оташга солган жўшқин муҳаббат. Олтинчиси ҳуём – ўзини унутиб қўядиган даражада, аниқроғи, телбаларча севги бўлса, еттинчиси волеҳ – бутун борлиқни севгилининг дилбар қиёфасида кўриб, муҳаббат шароби ила ўзликни буткул унутиш. Ва ниҳоят ишқ – ошиқнинг ўз хоҳиш-истакларидан тамомила воз

¹ Маҳмуд Асаъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент, 1998. – Б. 27 – 28.

² Маҳмуд Асаъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 8 – 9.

³ Маҳмуд Асаъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 19.

⁴ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 32.

⁵ Маҳмуд Асаъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 19.

кечиб, севгилининг хоҳиш-истаклари билан яшай бошлаши. Унинг учун фақатгина маъшуканинг бор бўлиши. Дарҳақиқат, ошиқ қалбида севги, муҳаббат ва ёр соғинчи ҳамиша ҳукмрон бўлади. Аммо ишқ мақомига кўтарилган ошиқнинг иродаси, бутун борлиғи ана шу – ишққа тобеликдир¹.

Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ишқ ҳақидаги қарашларида ошиқ ана шундай сифатларга эга бўлган маънавий ҳол соҳиби сифатида талқин қилинган. Шунингдек, олимнинг асарларида келтирилган “ишқ бўлмаса, машқ бўлмас” тамойили Нақшбандия тариқатининг бош ғояси – “Қўлинг ишда, қалбинг Ёр – Оллоҳда бўлсин” (“Дил ба ёру даст ба кор”) ғоясига муштарак

Хуллас, Шарқ тасаввуф адабиёти ва мумтоз фалсафани билиш, уларда ёритилган энг мураккаб ва жумбоқли мавзуларни ҳам тўғри талқин қилиш олимнинг маънавий қиёфасини, иқтидор ва истеъдодини ёрқин намоён этади. Маҳмуд Асъад Жўшон асарларига хос тамсил усули – фикрни ҳаётий воқелик воситасида асослаш тасаввуф, унинг мазмун-моҳияти, тарихи, тараққиёт босқичлари ва назарий масалалари ҳақида билдирилган кўплаб мулоҳазаларни осон ва жонли тушунишга имкон беради.

**Аҳмедова Ш., профессор
(Ўзбекистон)**

АДАБИЙ ТАҢҚИД ЖАНРЛАРИ РИВОЖИДА САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ЎРНИ

XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу даврда яшаган ёзувчилар бадиий ижоддан ташқари адабий жараён ва танқид билан кенг миқёсда шуғулланиб, унинг ривожланиш жараёнини тезлаштирдилар. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ижодкорлар билан бир қаторда С.Айний ҳам адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасини бойитишга ўз ҳиссасини қўшди. Ўзининг тадқиқотлари билан адабий танқиднинг илмий–биографик монография, рисола, адабий-танқидий мақола, адабий портрет, танқидий-биографик очерк каби жанрларининг шаклланиши ва тараққиётида сезиларли из қолдирди. Аммо ҳозиргача унинг адабий танқид жанрларини ривожлантиришдаги маҳорати алоҳида ўрганилган эмас.

С.Айнийнинг тадқиқотларини ўқир экансиз, кўз олдингизда адабиёт тарихининг зукко билимдони, ўз даврининг моҳир мунаққиди сифатида гавдаланади. Уларнинг кўпчилиги илмий – биографик характерда бўлиб, улуғ инсонлар қиёфасини яратишга бағишланади. Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Бедил ва Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлар бунга мисол бўла олади. Аммо С.Айнийни Бухоро адабий муҳити вакиллари ижоди ҳам доимо ўзига тортиб келди. Шу боис

¹ Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 59.

С.Айний ўзбек ва тожик адабиётининг узоқ тарихий негизларини, буюк сиймолари ижодини адабиётшунослик фанида биринчилардан бўлиб тадқиқ этди.

С.Айнийнинг ҳаёти ва ижоди билан уни ҳамisha ўзига тортиб келган замондоши Аҳмад Донишга бағишланган тадқиқоти адабий портрет характерида бўлиб, унда олимнинг илмий–ижодий қиёфаси яратилган. С.Айний Аҳмад Дониш шахсига бўлган қизиқишларини таржимаи ҳоли ва «Эсдаликлар»ида кўрсатган эди. «Қисқача таржимаи ҳолим»да А.Донишнинг насрдаги услуби, «Наводирул вақое»нинг содда тилда ёзилганлигини кўрсатиб ўтади (Айний. 1963:61).

«Эсдаликлар»нинг иккинчи қисмида А.Донишнинг одамлар билан муомаласи, муносабатини очиб беради. «Ажойиб одам», «Аҳмад Махдумнинг ҳовлисида» деган бобларда А.Донишнинг шахси, ижоди ҳақида фикр юритиб, адабий портретга хос чизиқларни кўпайтиради. Масалан, «У ажойиб одамнинг номи Аҳмад Махдум, унинг адабий таҳаллуси Дониш, илмий таҳаллуси муҳандис (ҳандасадон)лик ва мунажжимлик (юлдузшунослик) экан. У одамнинг боши ҳаддан ортиқ катта бўлганидан, унга «Калла» деган лақаб берганлар» (Айний. 1965:205). Танқидчи бу ўринда А.Донишнинг мадрасада ой тутилиши билан боғлиқ мулоҳазаларининг талаба ва муллалар орасида турли хилда гап-сўзларга сабаб бўлиши воқеаларини қизиқарли, содда тилда ҳикоя қилиб беради.

Дониш шахсига, ижодига қизиқиши, ҳурмати туфайли кейинчалик С.Айний «Аҳмад Махдум –Дониш (Аҳмад Калла» деган адабий портретини яратади ва бу асар А.Дониш ҳақидаги «Қисқача таржимаи ҳолим» ва «Эсдаликлар»даги мулоҳазаларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган, ва С.Айний «Танланган илмий асарлар»ига киритилган (Айний. 1978).

Тадқиқотда А.Донишнинг маънавий, руҳий ва ижодий жиҳатдан бир бутун қиёфасини яратиш асосий ўринда туради, шу боис уни адабий портрет жанрига мансуб деб ҳисоблаш мумкин. Мунаққиднинг замондошига бўлган катта ҳурмати асарнинг бош фазилатини ташкил этган. Шунинг учун ҳам унда А.Донишнинг инсон ва шахс, ижодкор сифатидаги хусусиятларини кўрсатиш устуворлик қилади.

XX асрнинг 70-йилларида яратилган жуда кўп адабий портретларнинг асосий нуқсони шунда эдики, уларда ижодкорнинг шахси масаласига эътибор қилинмас эди. Ҳолбуки, биографик методнинг энг йирик вакилларида бири Сент-Беёв адабий портретда ёзувчининг фақат ички дунёсини эмас, балки уларнинг уй-жой тасвирига ҳам чуқурроқ киришга интилиш зарурлигини таъкидлайди (Сент-БХёв. 1970: 336). С.Айний ҳам жанрнинг талабларини тўғри тушунган зукко мунаққид сифатида А.Донишнинг мухтасар портретини яратишга киришади ва бунга эришади. Унда таъкидлаганимиз айнан шу фазилат–олимнинг дунёсига чуқур кириб бориш руҳи сезилиб туради. «Эсдаликлар»да ҳам алоҳида қисми Аҳмад Махдумнинг ҳовлиси тасвирига бағишлайди, шу орқали ҳам унинг инсонийлик фазилатларини очиб беради: муҳандислиги, мунофиқликни ёмон кўриши, босиқ, оғир табиатли инсон эканлигига урғу беради. Адабий портретда эса ўз даврининг донишманд олими А.Донишнинг бир бутун қиёфасини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантиради.

Адабий портретнинг дастлабки қисмлари обзор характеридадир, унда Бухоро адабий муҳитнинг вакиллари: Саҳбо, Шоҳин ҳақида маълумот берилиб, кейин А.Донишга ўтилади. Унинг ёшлиги, илм-фанга қизиқишини замондошларининг хотиралари асосида, ўзининг асарларидан мисоллар келтириб илмий асосда таҳлил қилиб беради.

Адабий портрет ўзига хос композицион тузилишга эга: 1. Аҳмад Махдумнинг кундалик ҳаёти. 2. Аҳмад махдумнинг ҳар йили қиладиган саёҳатлари. 3. Аҳмад Дониш вафотининг хабари. 4. Аҳмад Донишнинг йирик асари «Наводирул-вақое» билан биринчи танишувим» деб номланган қисмлардан иборат. Бу қисмлар бирлашиб, А.Донишнинг адабий портретини ҳосил қилади. Унда С.Айнийнинг диққатини «энг кўп жалб этган улуғ зот»нинг улуғлиги: ўз даврининг зукко билимдони, ҳалол, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайдиган, мунофиқликни ёмон кўрадиган, уста рассом, бинокор, муҳандис, ижодкорлик қиёфасини ўзи кўрганлари, эшитганлари ва хотиралар асосида яққол тасвирлайди.

Адабий-танқидий асарнинг халққа манзур, ўқимишли бўлишини таъминлайдиган фазилатлардан бири унинг содда ва ширали тилда ёзилишидир. Бу мунаққиддан катта маҳоратни талаб қилади. С.Айнийнинг адабий- танқидий асарларида мана шу хусусият – тилга эътибор бўртиб туради. Ҳатто унинг ўзи танқидчилар олдида шундай талаб қўяди: «Мунаққид аллома сифатида ақл ва тафаккур билан танқид қилишни ўз олдида вазифа қилиб қўйиши керак. Асарни чуқур ўрганиш ва ёзувчи воқеликни қандай акс эттирганлигини тўғри ва холисанилло баҳолай билиш зарур..

Кўп танқидчилар ёзувчиларда бўлгани сингари ёмон ёзадилар, чунки тилга нўноқлар. Тил эса уларнинг асосий қуролидир» (Айний, 1967: 380).

Аҳмад Донишнинг «Наводирул- вақое» асари таҳлили С.Айнийнинг ўз фикрларига қатъий амал этишини кўрсатади. У асарнинг қомусийлик жиҳатларига эга эканлигини таъкидласа-да, кўпроқ А.Донишнинг ижтимоий, инсонпарварлик қарашларига тўхталади.

Ҳатто ўзининг «содда тилда ёзиш фикри» «Наводирул-вақое» билан танишганида пайдо бўлганлигини очиқ эътироф этади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида адабий портрет яратишнинг турли усуллари мавжуд: ҳикоячи (танқидчи) тилидан баён этиш, суҳбатдан фойдаланиш в.х. Воқеликни «мен» тилидан баён этиш жуда кам учрайди. Танқидчилар ижодкорни ўзлари таниб, у билан суҳбатда бўлган бўлсалар ҳам, бу усулни кам қўллашади. С.Айний моҳир мунаққид сифатида шу усулдан фойдаланиб, ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеаларни, баъзан турли хотираларни келтириш йўли билан илмий тадқиқотнинг ўзига хос услубини таъмин эта олган. Тўғри, - С.Айний А.Донишнинг ички дунёси, руҳияти тасвирига кўп ўрин ажратмайди. Бизнингча, унинг А.Дониш билан суҳбатдош бўлолмаганлиги сабаб бўлса керак, чунки танқидчи аниқликни хуш кўрганлиги бошқа тадқиқотларида ҳам кўринади.

С.Айнийнинг Аҳмад Дониш ҳаёти ва ижоди тасвирланган адабий портретининг аҳамияти бугун ҳам йўқолмаган:

- С.Айнийнинг Аҳмад Дониш шахсига бўлган самимий хурмати, симпатияси аниқ кўриниб турадики, бу илмий- биографик характердаги танқидий асарларнинг энг бош ва асосий талабларидан биридир, чунки адабиётга меҳр бўлмаган жойда, ҳақиқий асар яратиш жуда қийин.

- Адабий портрет содда тилда, реал, илмий-бадиий тафаккурга тўйинган ҳолда яратилган.

- С.Айний мунаққид сифатида адабий танқидчиликнинг шакллари бойитишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олганини биргина шу асар орқали ҳам кўриш мумкин.

XX асрнинг 20-йиллари адабиётшунослик ва адабий танқидчилигининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг қоришиқ ҳолда келиши, шу сабабли ҳали янги ўзбек адабиётининг етук вакиллари етишиб чиқмаган бир замонда танқидий асарларнинг аксарияти ўтмиш адабий мероси ва унинг вакиллари ижодига бағишланганлигидир. Шу сабабли адиб ва мунаққидлар ҳаёти, ижоди кам ўрганилган ижодкорлар ҳақида танқидий-биографик ёндашув асосида тадқиқотлар яратишга киришдилар. Бу жиҳатдан замондошлари Фитрат, Чўлпон сингари С.Айний ҳам олдинда борди.

Ўзбек танқидчилигида бу жанр XX асрнинг 30-йиллари ривожланиб, Олим Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий», С.Айнийнинг «Шайхур-раис Абу Али ибн Сино» ва бошқа қатор асарлари яратилди. Биографик методни бойитган «Шайх-ур-раис Абу Али ибн Сино» деб номланган асар жанри ҳақида олимлар кўпинча бир-бирига яқин хулосаларни берадилар. И.Брагинский уни «адабий очерклар» деб атаса (Брагинский. 1948:98), Н.Раҳимов «илмий-популяр характердаги очерк» дейди (Раҳимов.1954: 38). А.Қаҳҳор эса бу типдаги асарларни «тарихий-адабий очерклар» сирасига киритади (Айний.1965: 25). Аслида бу асар танқидий - биографик очерк жанрига мансубдир. Унда буюк инсоннинг ҳаёти ва ижодини батафсил ёритиш асосий ўринда туради.

Танқидий - биографик очеркнинг мақсади буюк инсонларнинг, ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳоли, илмий-ижодий ҳаётини тадқиқ этишдан иборат. С.Айний шу асосда Ибн Сино образини яратди. И.Брагинский Айнийнинг бу асари бошқа ҳар хил филологик асарларга ўхшамаслиги ҳақида гапирар экан, «унинг очерки шоир ёки олимнинг, тирик одамнинг ёрқин, мукамал тавсифидир» дея асарга юқори баҳо беради. Бой ҳаётий ва аниқ далилларни чуқур илмий таҳлил этиш асосига қурилган танқидий-биографик очеркда Абу Али ибн Сино образи ўзининг ҳаётийлиги ва ишонарлилиги билан ўқувчи эътиборини тортади. С.Айний асарда гарчанд улуғ даҳо ҳақидаги кўплаб ривоятларни келтирса-да, асосан, аниқ, тарихий далилларга суянади. Бу хусусият асарнинг композицион жиҳатдан бир бутунлигини таъминлай олган.

Очерк муаллифи ҳаётий далилларни тасвирлар экан, бадиий адабиётда бўлганидек, ҳар бир санъаткор сингари муҳим жиҳатларни, инсон ҳаёти ва фаолиятидаги асосий қирраларни, унинг ҳаётга муносабатини танлаб олади. Жанр мақсадидан келиб чиқиб, сарсон-саргардонликда кечган умрини халқ

бахту саодатига бахш этиш, турли-туман қаршиликларга қарамасдан илмга фидойилик олим ҳаётининг бош мазмуни эканлигини С.Айний ўқувчи кўз ўнгида олимнинг мукамал қиёфасини очиб бериш асносида ёритади. Айнийшунос И.Брагинский образнинг ҳаётгиллиги, қавариклиги ва ишонарли чиққанидан, баъзан бу очеркларни “аллақачонлар яшаган ва ўлиб кетган ёзувчилар ҳақидаги тадқиқот эмас, балки сўз устасининг худди ўз замондошлари, тенгдошлари, бир-бирини чақираётган, “худди тириклар билан тирикларча гапиргандай” таассурот қолдирадиган эсдаликлар сифатида таърифлайди. Асарда Ибн Сино ҳақидаги ривоятларнинг келтирилиши ва уларга муносабатда олим Айнийдан кўра ёзувчи Айний маҳорати ёрқин сезилади. Айний илмий-бадий тафаккурининг кенглиги асарларидаги илмийлик ва ҳаётгилликда мужассам бўлганлиги ушбу танқидий - биографик очеркда яққол кўринади. Хулоса шуки:

1. Танқидий- биографик очерк далиллар асосидаги хулосалар бирлигидан ташкил топиб, унда даҳонинг ҳаёти, ижоди ҳақида қиёс, таҳлил ва ривоятлар орқали илмий умумлашмалар чиқарилган.

2. Очеркда ибн Синонинг ҳаёт йўли, ижоди тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган. Олим ҳаёти ва ижодининг муҳим қирраларини ёритиш асарнинг асосий ютуқларидандир.

3. Очеркда ёш авлод учун ўрнак бўладиган фазилатларга урғу бериш, эркин, самимий фикр юритиш, улкан олим шахсига ҳурмат ва муҳаббат билан қараш асарнинг жозибаси ва абадийлигини таъминлай олган. “Инсон руҳининг барҳаётлиги,- дейди Чингиз Айтматов, - буюк шахс тақдири билан боғлиқдир. Бундай шахс ҳамиша дунёга, ҳақиқатга тик боқади ва жаҳолатга, фикрий қолоқликка нисбатан мурасасиз бўлади”. Шу сабабли буюк зотларнинг таржимаи ҳоли, қисмати севиб ўрганилади. Уларнинг тақдири инсон характерини, одамларнинг ҳаётдаги ўрнини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради”(Ҳаққул И.1990:187). Шу жиҳатдан қараганда, Абу Али ибн Синога бағишланган танқидий-биографик очерк йиллар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмайдиган асарлардан бўлиб қолади.

Кўринадикки, С.Айний ижодида адабиётнинг улкан намояндалари ижодини монографик йўналишда чуқур ўрганиш ва тадқиқотлар яратиш кенг ўрин ола бошлади. Шу билан бирга йирик олим сифатида С.Айний адабий танқид жанрларини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшди.

Адабиётлар

1. Айний. Асарлар. 8 томлик.1-том.Тошкент.1963.61-б.
2. Айний. Асарлар. 5-том. Т.1965. 205-бет.
3. Айний С. Асарлар. 8 томлик. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат адабиёт нашриёти,, 1965.Т.8 – 25 б.
4. Айний С. Танланган илмий асарлар.Тошкент. »Фан», 1978.
5. Брагинский И. Садриддин Айни. – Москва : 1948. – С. 98.
6. Раҳимов Н. Садриддин Айний. – Тошкент, 1954. – 38 б.
7. Шарль Сент-Бьёв. Литературные портреты. Критические очерки. – Москва: Худож. лит. 1970. – 336 с.
8. Ҳаққул И.Абадият фарзандлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 187 б.

**Баракаев Р., филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)**

**Ашуров Б., филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)**

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Фасллар ўзгариши, янгилинишни болалар сингари интизорлик билан кутадиган одам бўлмаса керак. Чунки кун сайин, соат сайин ўсиб-ўзгараётган, янгиланаётган бола табиати узок вақт давом этадиган бир хилликни, доимийликни қабул қилолмайди. У табиатнинг ҳам ўзи сингари тезкорлик билан ўзгаришини истайди. Шу сабабли ҳам у фасллар келинчаги бўлган баҳор кириб келишини қанчалик соғинса, қишда жонига теккан иссиқ кийимларидан тезроқ қутулиб, енгилгина бўлиб, кўча-кўйларда тиним билмай югуриб ўйнашни, варрақлар учириб қувнашни қанчалик интизорлик билан кутган бўлса, мева-чевалар пишиб етиладиган, дарслардан қутулиб, оромгоҳларда дам олиш, саёҳатларга чиқиш, сувларда маза қилиб чўмилиш имконияти туғиладиган жазирама ёзни ҳам шу қадар интиқлик билан кутади. Бироқ ёз қанчалик гўзал бўлмасин, у тез орада қадрдон мактабини, дўстларини соғинади, тезроқ куз бошланиб, мактабига борадиган кун келишини интиқлик билан кутади, пишиқчилик фасли бўлмиш кузда қанчалик тўкин-сочинлик бўлмасин, у энди гупиллаб ёғадиган қорлар фасли бўлмиш қишни соғинади ва ҳ.к.

Шу боисдан ҳам табиат тасвири ҳамда фасллар мадҳига бағишланган асарлар болалар адабиётида алоҳида ўрин тутади. Зеро, ватанни қанчалик Она-Ватан деб ардоқласак, табиатни ҳам бежиз она табиат демаймиз. Ватанни севиш эса ҳар бир мавжудотнинг қонида бор. Ватан туйғуси инсон туғилган кундан бошланади. Киндик қони тўкилган тупроқнинг ҳар бир зарраси ҳар бир инсон учун азиз, мўътабар. Шунинг учун ҳам туғилиб ўсган ер Она-Ватан дейилади ва бу мавзу болалар адабиётимизиинг илк саҳифаларидан бошланади. Шоирларимиз дил туғёнларининг энг баланд пардаларини доимо азиру мукаррам Она-Ватан васфига бағишлайдилар, унинг гўзалликларини тўлиб-тошиб мадҳ этадилар. Зеро, Ватан Она қадар муқаддас, Она қадар мукаррам, Она қадар мусаффордир. Ватаннинг ноз-неъматлари, бойликлари қанчалик қадрли, боғу бўстонлари, гулзору чаманзорлари қанчалик гўзал бўлса, тоғу тошлари, чўлу биёбонлари ҳам шунчалар гўзал ва қадрлидир. Бинобарин, ватанпарвар шоир Ватаннинг қаҳратон қишидан ҳам, гулларга бурканган баҳоридан ҳам, жазирама ёзидан ҳам, тўкин-сочин кузидан ҳам бирдай гўзаллик излайди ва кашф қилади:

Эман барги товуснинг / Қуйруғидай серҳашам,
Кийик юрган сўқмоқлар – / Қирда йўл-йўл беқасам...

Яшил тароқ арчалар / Кенг ёзиб қулочини,
Эринмасдан шамолнинг / Тарар пахмоқ сочини¹.

Она Ватан табиати ошуфтаси Т.Адашбоевнинг «Чилла чиқиб» сарлавҳали ушбу шеърида Ватан қишининг мукамал манзараси чизилган.

Бугунги ўзбек болалар шеърятининг етакчи намоёндаларидан бири бўлмиш Т.Адашбоев шеърларига кўз ташлар экансиз, унинг Она-Ватан куйчиси, Она-Ватан табиати шайдоси эканига имон келтирасиз. Шоир қалами Она-Ватаннинг турфа манзараларини моҳир мусаввирдек ҳассослик билан чизади, ёш китобхонни ҳам Она-Ватан ошуфтасига айлантиради. Айниқса, Т.Адашбоев тасвиридаги табиат келинчаги – баҳор манзаралари шу жиҳатдан бетакрордир:

Булут қоплаб бирданига / Тинди шамол ғир-ғири.
Майсаларга тақди сирға / Илк баҳорнинг ёмғири...
Ҳалқобланди оёқ ости, / Дур сочилди тоғларга.
Қуёш кейин дазмол босди / Дала, адир, боғларга...
(«Жўнатаман қуёшни», 21)

Аввало, баҳор ёмғири – обираҳмат, дала-тузга жон бахш этувчи неъмат. Майсаларга қўнган ана шу илк баҳор ёмғирининг сирғага, қуёшнинг дала, адир, боғлардаги ёмғир томчиларини қуритиши дазмол босишга ўхшатилиши, бир жиҳатдан, ажойиб топилмалар бўлса, иккинчидан, баҳор ёмғирининг табиатни жонлантириши, майсаларга қўнган ёмғирнинг гўзал келинчак қулоғидаги сирғага ўхшатилиши билан ушбу – «Дур сочилди тоғларга» шеърида янада табиийлик, янада ўзгача гўзаллик, тароват кашф этилган, ёш китобхон кўз ўнгида Ватан баҳорининг яхлит манзараси намоён қилинган.

«Булутлар йиғлар» шеъри «Дур сочилди тоғларга»нинг мантиқий давоми – унда Ватан баҳорининг янада ўзгача манзараси тасвирланади:

Ялт-ялт этиб осмонни / Чақмоқ тилиб ташлади,
Бир зумдаёқ булутлар / Кўзларини ёшлади.
Тунукали томларни / Тасир-тусур қамчилаб,
Майсалар бетин ювди / Муздек гавҳар томчилар
(«Жўнатаман қуёшни», 31).

Аввалги шеърда осмонни бирданига булут қоплаб, ёмғир ёққан бўлса, бунисида чақмоқ осмонни ўткир пичокдай парчалаб, тилиб ташлайди, булутларнинг кўзини ёшлади. Бу сафарги ёмғирнинг муздек гавҳар томчилари майсаларнинг бетини ювади.

Бу шеърларда шоир баҳор манзарасига моҳир мусаввирдай чизган чизгиларидан «Баҳор тушиб келар тоғдан» шеърида мукамал портрет яратади:

¹ Адашбоев Т. Жўнатаман қуёшни. - Тошкент, 1982. 24-бет (Кейинги мисоллар саҳифаси қавсда кўрсатилади).

Қорлар эриб,/ Туни билан, / Ерга ёзиб / Яшил гилам,
Баҳор тушиб келар тоғдан.
Тобланиб / Қиш аёзида, / Синчалакнинг / Баёзида,
Баҳор тушиб келар тоғдан.
Бойчечакдан / Чамбар бошда, / Таъзим қилиб, / Юрт, қуёшга,
Баҳор тушиб келар тоғдан.
Кўлга олиб / Янғроқ торин, / Кўз-кўз қилиб / Иқтидорин,
Баҳор тушиб келар тоғдан
(«Жўнатаман қуёшни», 9).

Бу шеърда табиатнинг гўзал келинчаги – Баҳор том маънода жонлантирилади, у қиш аёзида пишиб-етилиб, ерга чечаклардан яшил гилам тўшаб, синчалакнинг шодон қўшиғида, бошига бойчечаклардан чамбар тақиб, Она юртга таъзим бажо айлаб, тоғлардан саллона-саллона тушиб келади.

Т.Адашбоев «Шанбалик» шеърида Шўро даврида барчанинг меъдасига тегиб, энсасини қотирадиган тадбирга айланиб қолган анъанавий шанбалик маросимини қаламга олади ва ана шу тадбирдан ҳам гўзаллик излаб топади. Зеро, баҳор – табиатнинг уйғониш фасли. Бу ҳолат эриган қорларнинг суви кўкка буғ бўлиб ўрлаётгани ва оқ булутларга айланиб, чўққиларга байроқ (туғ) сингари илиниб қолаётгани манзарасини чизиш билан ифодаланади.

Т.Адашбоевнинг «Арслонбоб афсонаси» тўпламига сўзбоши ёзган таниқли мунаққид П.Шермухамедовнинг қуйидаги сўзлари шоир ижодининг моҳиятини очишда ўзига хос ўрин тутади: «Т.Адашбоевнинг ижоди хусусида сўз юритар эканман, иккита муҳим нуқтани тилга олиб ўтишни истар эдим. Биринчиси, шоир шеърлари ва дostonлари қат-қатига сингиб кетган фидойилик туйғуси... Биз бу ерда шоирнинг ижодкор-гражданин сифатида тутган ижтимоий ўрни ва теварак-атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатини кўзда тутаётирмиз. Иккинчиси, шоир туйғуларининг самимийлиги ҳақида», дейди у¹.

Дарҳақиқат, Т.Адашбоев асарларининг айна шу жиҳатлари унинг деярли барча шеър у дostonларига кўрк бағишлайди. Бинобарин, у болалар адабиёти Ватаннинг эртасини яратувчи авлодни тарбиялаб етказишга масъул эканини бир дақиқа ҳам назаридан қочирмайди. Унинг юқорида тилга олинган табиат манзаралари ҳақидаги шеърлари ҳам, ҳатто фарзандларимизнинг кундалик меҳнат ташвишларига меъеридан ортиқроқ жалб қилинаётганликлари ҳақидаги жонкуярлик маҳсули бўлмиш шеърларида ҳам айна шу – фидойилик, ватанпарварлик ҳис-туйғулари барқ уриб туради. Шу маънода айниқса, унинг Ватанимиз тарихи ва тарихий жойларига бағишланган шеърлари диққатга сазовордир:

¹ Шермухамедов П. Тоза ният / Т.Адашбоев. Арслонбоб афсонаси. - Тошкент, 1988. 3-бет.

Чорак аср шаҳри Ўшдаман, / Оқбурадек оқар йил, ойлар,
«Оқ сарой»ни асрай олмадик, / Қурсак ҳамки кўркам уй-жойлар
(«Арслонбоб афсонаси», 13),

дейди шоир «Ўш» шеърисида. Ўшда яшаб ўтган, киндик қони тўкилган, пойқадами теккан улуғ зотларни, Она юртнинг тоғ-тошлари-ю, дарё-адирларини, тарихий жойларини шоир бежиз тилга олмайди. У:

Дўстим, наҳот Барокўҳ тоғин / Тақдиримдан айри кўргайман,
Буюк Ҳабиб Абдулла ҳаққи, / Руҳан ундан мадад сўрайман,

дер экан, бунда ёш авлодга хитоб, ана шундай муборак жойларни кўз қорачиғидай асрашга мурожаат бор. Чунки 1917 йил октябридан кейинги етмиш йил ичида неча-неча «Оқ сарой»ларни эскилик қолдиғи сифатида яқсон қилмадик, қанчадан-қанча масжиду мадрасаларни омборга айлантирмадик, ота-боболаримизнинг жаҳон тарихи, илми, санъати, маданияти ва адабиётига қўшган улкан ҳиссаларини диний қолдик, ижтимоий тенгсизлик рамзи сифатида инкор қилмадик, ўзимизни ўзимиз саводсизга чиқармадик, ахир?! Худди шу маънода Ўш тоғида, Барокўҳда тилсимга айланиб ётган «Уч паҳлавон», нортуядек пишқириб оқаётган, шаҳарга алла айтаётган, ўзбеғу қирғиз учун ризқ манбаи бўлмиш, кек-у адоват билмас шифобахш «Оқбура тўлқинлари» ана шу муборак Она тупрокнинг турфа нишонлари, шоир қалбидан ёш китобхон юрагига кўчиб ўрнашаётган, бир умрга сингиб қолувчи зарралардир.

«Ўзимизнинг чумоли» («Арслонбоб афсонаси», 81) шеърисида оромгоҳда дам олаётган неварасини кўргани она қишлоқ ноз-неъматларидан олиб келган чол ва ушбу мева-чевалар орасидан чиқиб қолган чумолини кўриб, хурсандлиги оламга сиғмаётган болакай ҳаяжонлари тасвирланади. Бир қарашда, арзимагандай бўлиб туйиладиган ушбу тасвирга шоир оламжаҳон мазмунни жо қила олган. Зеро, мева-чеваларга илашиб келган «Ўзимизнинг чумоли»да юрт нафаси, тафти бор ва ана шу тафт болакайнинг қалбини нурга тўлдиради. Шу маънода ушбу шеърининг ҳатто сарлавҳаси ҳам маълум ижтимоий моҳият касб этади, ёш китобхон қалбида Она-Ватаннинг ҳар бир зарраси, ҳатто арзимаган кумурсқаси ҳам Ватаннинг ажралмас бир парчаси сифатида мустаҳкам ўрин эгаллашига замин ҳозирлайди.

Т.Адашбоевнинг ўлкамизнинг тарихий жойлари ва бетакрор табиати тасвирига бағишланган шеърларида Она-Ватан, киндик қони тўкилган муқаддас тупрокқа меҳр-муҳаббат туйғулари минг йиллик қадриятларимизга шу қадар самимият билан йўғрилганки, бу дилнавоз сатрлар ёш китобхон қалбига бир ўқишда жо бўлади. Зеро, адабиёт инсоншунослик бўлар экан, ижодкор қайси мавзуда асар яратишидан қатъи назар, унинг асари китобхонни энг яхши инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилиши керак. Шу маънода, ҳатто табиат ва йил фасллари таърифига бағишланган асарлар моҳиятида ҳам Она-Ватанни улуғлаш, шарафлаш, ватан гўзалликларини мадҳ этиш ҳамда китобхон қалбига ушбу туйғуларни кўчириш ётиши табиий.

Бинобарин, аслида, табиат ва йил фасллари тасвирига бағишланган бўлса-да, моҳиятан ватан ва ватанпарварлик мавзуларига чамбарчас боғланиб кетадиган шеърлардаги бетакрор, қутилмаган ўхшатиш ва жонлантиришлар, шоир қалб кўридан пайдо бўлган самимий сатрлар беихтиёр ёш китобхон қалбига кўчади, ёш, беғубор қалбга Она-Ватан муҳаббатининг бир умрлик шайдолигини ошно қилади.

Барзиев О.,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
(Ўзбекистон)

ВИКТОР ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ **(Муқимий, Писандий, Завқий шеърляти мисолида)**

Миллий уйғониш даври ўзбек шеърляти ҳақида гап кетганда, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт муаммолари кўз олдимизда гавдаланади. Сабаби, бу давр шеърляти реал ҳаётда юз берган долғали воқеликларни рўй-рост ёритиб берганлиги билан аҳамиятлидир. Давр шеърляти тасвирийликка бой бўлиб, унда реалистик образлар тасвир майдонига чиққан. Ўз даврининг амалдорларидан бири бўлган Виктор образи Фарғона водийси ижодкорларининг кўплаб лирик асарларида учрайди. Айниқса, бу образ XIX асрнинг охири – XX аср бошларида яратилган ижтимоий мавзудаги лирик асарларнинг асосий лейтмотивини ташкил этган. Ўзининг лирик асарларида Виктор образига мурожаат қилган Муқимий, Писандий, Завқий, Мухйи, Зорий, Рожий, Ғурбат каби миллий уйғониш даври намояндаларининг ижодида анъанавий поэтик туркумлар сақланиб келган. Номлари зикр қилинган шоирлар шеърлятини тадқиқ қилган Ғулом Каримов, Абдурашид Абдуғафуров, Ҳошимжон Раззоқов, Рустам Тожибоев каби олимларнинг Виктор ва ундан жабр кўрган бошқа амалдорлар хусусида билдирган қимматли фикрлари аҳамиятлидир.

Виктор образи асосида майдонга келган поэтик туркумлар асосан сатирик шеърларда учрайди. Бу образнинг хатти-ҳаракати, амалга оширган ишлари, маҳаллий бойлар ҳамда оддий халққа озор етказганлиги каби тасвирларни ёритиш шеърляти асарларда анъанавий мавзу саналади. Давр шеърлятида Виктор образига мурожаат қилиш асосан прогрессив шоирлар ижодида учрайди. Бу ҳақда адабиётшунос Матназар Пирназаровнинг: “...жамият адолатсизликлари, зулм-зўрлик сабабларини англашга бўлган интилиш илғор прогрессив адиблар кўлига сатира қаламини тутқазди” (Пирназаров, 1989:47) деган фикрлари давр ижодкорларининг юртни ҳимоя қилиш ҳамда унинг илк раҳнамози сифатида “кураш майдони”га отланганлигини исботлайди.

Миллий уйғониш даври ўзбек шеърляти тарихида ёрқин из қолдирган ўз даврининг “кордон”и, яъни “ишбилармон тадбиркор”и бўлган Виктор образи хусусида турли фикрлар мавжуд. У аслида реалистик образ бўлиб,

Муқимийнинг юмористик шеърларида учровчи Қўқондаги ака-ука Каменскийларнинг савдо конторасида иш бошқарувчи сифатида хизмат қилган ва одамларнинг ишончига кирган Виктор Демитрович Ахматов ҳисобланади. Ўз даврида савдо ишлари билан ном қозонган Виктор маҳаллий амалдорларга Москвадан арзон баҳода мол йиғиб олиб келиш ваъдасини берган ҳолда улардан катта миқдорда қарз олган ва натижада ўзи дом-дараксиз йўқ бўлган. Тез орада товламачи ва фирибгар номини олган ҳамда шеърятда унинг номи билан юритиладиган поэтик туркум вужудга келган. Унинг кирдикорлари шоирлар ижодида ўзига хос йўсинда талқин қилинган.

Муқимийнинг машҳур “Ҳажви Виктор Бой”, “Ҳажви Виктор”, “Воқиаи Виктор”, Писандий мухаммаси, Завқийнинг сатирик шеърлари ва “Бектурбой” радибли ғазалида мазкур образ ёрқин бўёқлар орқали реалистик усулда очиб берилган. Бу каби лирик асарларнинг деярли барчаси юмористик руҳ билан суғорилган. Уларда асосий қаҳрамон – Виктор образининг халқни алдаш, товламачилик, ўзгаларнинг ҳақиқага хиёнат қилиш каби салбий фазилатлари ёритилган. Маълумки, юмористик шеърятда аччиқ, захарханда кулги яширинган бўлади. Уни сатирик асарлардан фарқлаш лозим. Бу ҳақда адабиётшунос олим Ғ.Каримов “Агар сатира “санъаткор руҳининг қаҳр-ғазаби, чакмоқ ва момақалдиуроғи” бўлса, юмор унинг кулгиси, ҳазил-мутойибасидир”, (Каримов, 1987: 112) деб тўғри таъкидлаган эди.

Муқимийнинг “Ҳажви Виктор Бой” мухаммасида Виктор бой номи радибли сифатида келади ва асосий урғу унинг қилган ишларининг оқибатларини тасвирлашга қаратилган. Шоир мухаммасининг биринчи бандида уни “Қўқонлик шайтон” деб атаса, банд сўнггида “бир курашда йиқитган полвон” сифатида тавсиф этади.

“Ҳажви Виктор” мухаммасида Викторнинг очкўзлиги ва хасислиги ҳақида баён қилинади. Мухаммасда Андижонлик раҳнамолари унга қилган юз минг такаллуфлари-ю, илтифотлари ёритилади ҳамда унинг ўз мақсади йўлида амалга оширган ишлари аёвсиз очиб берилади. Яна икки амалдорларидан Карим охун, Қосим даллоллар унга пир деб эргашиб, Викторнинг этагини ушлаган:

Кўриб даъволарингни билмас эрдилар юрокингдан,

Ҳамиша судрар эрдилар кириб эгри учокингдан.

Карим охун, Қосим даллол пир ушлаб этокингдан,

Бурун, албатта, огоҳ бо хабар воқиф кечокингдан,

Хаёл айлардилар инсофлик шайхи замон Виктор.(Муқимий, 1960:)

Ёки шоирнинг “Воқиаи Виктор” асари жами 66 байтдан иборат бўлиб, унда савдо ишлари жараёнида юз бераётган бировнинг ҳақиқага хиёнат қилиш масаласи устувор саналади. Бу асар байтларида ҳам ўз даврининг машҳур амалдор қаҳрамонлари: Карим охун, Қосим образлари ўзига хос характерланади. Мазкур лирик меросда Виктор ва унинг гумашталари водий

аҳолисининг бошига солган қора кунлари унинг тугалланишида юксак бадий маҳорат билан очилган:

Гадо қўлида кўрса ногоҳ нон,
Дегай – “берган одам эмас мусулмон!” (Муқимий, 1960: 24)

Қўқон адабий муҳитининг пешқадам шоирларидан бири Писандий (1816-1918)нинг мухаммаси жами 32 банддан иборат бўлиб, унда Виктор образи Бектур номи билан юритилган. У халқнинг тилида, яъни талаффузда Бектур (Бектор) номларми билан оммалашган эди. Мухаммасда Бектурга қўл берган ва унинг дастлаб ҳамтовоқлари саналган содда, лакма бўлган бир неча амалдорлар: Ниёз кўса, Қосимбой, ҳожи Собир, Абдужаббор, жоҳил Ғуломжон, Карим охун, Божонбойи харишўр, шоҳ Носир, Мирбоқи, Назар кўр, Мирҳожибой, Мираброр, Абдурахмон, ҳожи Содик, сартарош Айюб, Мардон, Зиёбой қарға, Авазбой, харис Атожон, Хайриддин, Мансуркули инок, Хайриддинхўжа, Шамсиддинхўжа кабилар бойлик ортириш илинжида чув тушганлиги ҳажв қилинади. Шоир бу каби реалистик образларни келтириш орқали талмеҳ санъатидан бадий мақсад йўлида фойдаланган. Писандий мухаммасида ҳам, Муқимий ғазалиётида ҳам Карим охун ва Қосимбой каби амалдорлар образи учрайди ҳамда улар Виктор образи атрофида ҳаракатланади. Бу эса поэтик туркум анъаналарининг сайқалланиб борганлиги ва реалистик образга мурожаат қилишнинг муштараклигидан далолат беради:

Пири иродатидек Карим охун ёпишти,
Кал кални тумшуғидин гўё таниб топушти,
Бир нечаларга бўлди кафил арога тушти,
Ўзи тушуб бу ўтға бир нечалар қовушти,
Бектурни захрин ичти, йўқ кеча-кун фароғат.(Асрлар нидоси, 1982:105)

Мазкур мухаммасдан ижодий таъсирланган шоир Завқий машҳур “Ҳажви аҳли раста” шеърида 46 нафар амалдорлар образини кулгили йўсинда тавсиф этган эди. Натижада лирик асарларда амалдорларнинг салбий жиҳатларини танқид қилиш ғояси XIX асрнинг охири – XX аср бошлари ўзбек адабиётида юқори поғонага чиқди.

Ҳақиқатан ҳам, савдо ишларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида халқнинг ишончига кириб олишни мақсад қилган Виктор ва тижорат соҳасига энди кириб келаётган, унга эргашган бошқа амалдорлар танг аҳволда қолган эди. Давр шеъриятини мукамал ўрганган олим А. Абдуғафуровнинг “...шоҳ, хон, ҳоким, беклар ўрнини Муқимий, Завқий, Ҳамзаларнинг сатирик асарларида капиталистлар ва “масковчи бойлар”, фабрикантлар ва гумашталар, фирибгар “бектурлар” ва чор чиновниклар мединскийлар эгаллади”,(Абдуғафуров,1972:240) деган фикрлари орқали ўша замоннинг руҳиятини чуқурроқ тасаввур қиламиз.

Кези келганда, Виктор асосан аҳолининг бой табақаси, яъни савдо соҳаси билан шуғулланадиган кишилари билан мулоқот қилганлиги ва уларни бўлиб ўтган бу кўнгилсиз воқелик Виктор ҳажвияси билан ном олганлиги айтилиши кўнглидан йўл топиб, тез орада қайтариш шарти билан қарз йиғиб олиб, Европа томонларга қочиб кетганлигини айтиб ўтиш жоиз. Тарихда савдо соҳасида ҳақиқатдир. Бу ҳақда адабиётшунослар томонидан “...ijtimoiy-siyosiy hayotning savdo-sotiq, tijokat sohasida Qo’qonda ko’u йўқган voq’ya adabiyotimiz ta’kidida “Најви йўқтққйоу” saqlavhasi йилан уўтй кўлган”,(Айдрўллауёва, 2012:16) деган фикрларни қўллаб-қувватлаш лозим.

Ёки шоир Завқий қаламига мансуб “Дар ҳажви шоҳ Иноят кўрбоши” сатирасида ҳам анъанавий поэтик туркум намунаси Виктор образида мужассам. Сатирада Виктор Кўқон шаҳар ҳокими пинжигига тикилиб олган ҳолда амалга оширган ишлари айтилади. Асосан водийлик бойларни талаган Виктор хусусида адабиётшунос олим Ғ. Каримов: “...маҳаллий амалдор Шоҳ Иноят кўрбоши шаҳар ҳокими колонизатор Мединский пинжигига тикилиб олгани ва унинг ҳимояси раҳбарлигида зулм тифини ишга солгани кўрсатилади”,(Каримов,1987:239) дея тўғри изоҳ беради. Завқий ижодида унинг ҳукмдорлар орқасига яширинган ҳолда ҳаракат қилиб, ўз мақсадига етишганлиги ёритилган. Муғамбир ва ўз ишининг устаси бўлган бу образ шоирнинг сатирик йўналишда ёзилган шеърларининг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади.

Ёки Муқимий ва Писандий ижодий услубига жуда яқин бўлган 15 байтли “Бектурбой” радибли ғазалида ҳам Виктор образи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўша Карим охун, Қосим образларини учратамиз. Бу эса ҳар учала шоирнинг ҳам образ танлаш йўлида бир-биридан таъсирланганлигини ифодалайди:

Қосим даллол бўлди бой, Карим охун(д) ҳой-ҳой,
Бирга ҳаён, бировга зиён экан Бектурбой. (Завқий, 2003:108)

Дарҳақиқат, ушбу ғазалда ҳам тасвирланишича, Виктор жамиятнинг юқори табақали кишилари билан ўзаро тил бириктириб, бошқаларга савдо –сотик ишларининг юришида зиён келтирган, оқибатда одамларнинг юз бор алам ва қарғишига қолган.

Юқоридаги фикрлардан муайян хулосаларга келиш мумкин:

- 1.Муқимий шеърлятидаги Виктор образи водийлик бошқа шоирларнинг сатирик асарларига таъсир этди. Бу эса образ қўллашда поэтик туркум анъанасини вужудга келтирди.
- 2.Писандий мухаммаси бошдан-оёқ ҳажв ва юмор асосига қурилган бўлиб, унда Виктор ўз даврининг бошқа амалдорларни синдирганлиги билан ҳаракатланади. Ўхшаш жиҳати – ҳар икки шоир ҳам ўз лирик асарларини амалдорлар устидан шикоят қилишдан бошлайди.
- 3.Завқий сатираси ва ғазалларида учрайдиган Виктор эса юқори табақали ҳукмдорларга эргашган. У ҳоким ва тўралар соясида яширинча иш битказган.

Юқоридаги лирик мерослардаги умумий жиҳат – ижодкорлар поэзиясида поэтик туркум анъаналари Виктор образи орқали намоён бўлган.

Адабиётлар

1. Айдрўлауўва D. O'zbyk adabiyotida an'anaviy po'itik tʻrkʻmlak. XIʻ asrning II va XX asr ʻoshlaki) Nayot nashkʻiyoti, 2012.
2. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972.
3. Асрлар нидоси. Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар./ Тахрир ҳайъати Зоҳидов В., Қаюмов А., Ҳайитметов А. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
- 5.Завқий. Ажаб замона. Шеърлар. / Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифлари: Мадаминов А., Турдиалиев А. – Тошкент: Шарқ, 2003.
- 6.Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. (XIʻ асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача). – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
7. Муқимий. Икки томлик. Асарлар тўплами. II том. / Нашрга тайёрловчи Каримов Ғ. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960.
8. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихий Азизий. (Фарғона чор мустамлакаси даврида). – Тошкент: Маънавият, 1999.
- 9.Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. (XIʻ ва XX аср бошлар туркий халқлар поэзиясида ғазал ва гошма). – Тошкент: Фан, 1989.

Бекова Н., доцент
(Ўзбекистон)

ЖОМИЙ ҒАЗАЛИГА МУНОСИБ ЖАВОБИЯ

Алишер Навоий маҳоратли ижодкорга хос йўл танлайди. У устод ижодкорларнинг асарларига назира айтиш, жавобия битишга жазм қилар экан, “назирагўйликни ҳам ўзига улуғ мактаб, ҳам устозларининг ҳурмат-эҳтиромини жойига етказиш воситаси, кейинроқ эса ўзидан олдин ўтган форсигўй шоирлар билан беллашмоқ майдони, мусобақа тури деб қабул қилган эди” (Ўзбек адабиёти тарихи, 1978:171). Дарҳақиқат, назирагўйлик ҳамма вақт ҳам айтилган гапни куруқ такрорлаш, кўр-кўрона таклид қилиш ёхуд эргашиш воситаси бўлмай, маълум даражада ижодий мусобақа, назмий мушоира тусини олган. Назирани ана шундай кенг маънода тушунган ва талқин этган ижод аҳли қаламидан чиққан асарлар эса оригинал шеърлар сифатида шуҳрат қозониб келган. Шунинг учун ҳам Навоий-Фоний форс-тожик адабиётининг улуғ сиймолари асарларига жавобия айтиш йўлидан боради. Шоир учун ўзининг эстетик принциплари, ижодий идеалига мос келадиган дунёвийлик пафоси юқори бўлган шеърлар кўпроқ манзур тушади. Алишер Навоийнинг устозлар даврасидан Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Хусрав ва Ҳасан Дехлавийлар, Қосим Анвор, Амир Шоҳий, Абдурахмон Жомий, шунингдек, замондошлари қаторидан Амир Шайхим Суҳайлий, Амир Вафой, Котибий, Ҳусайн Боқаро,

Орифий, Хўжа Авҳад ва бошқаларни танлашида ҳам ўша гоёвий-эстетик талаблар, ижодий идеалдаги яқинлик ётади.

Алишер Навоийнинг татаббуъ ғазалларини назардан ўтказар эканмиз, унинг жавобия айтиш анъаналари доирасидан анчагина четга чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Улуғ ўзбек шоирининг бундай ҳаракати кўпроқ мавзунинг ранг-баранг қирраларини кашф этиш, ўз мақсад-муддаосини образли ифодалаш учун уринишида кўринади. Ўз фикримизни қуйида келтирилган ғазалларни қиёслаш мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Жомий:

Резам зи мижа кавкаб бе моҳи руҳат шабҳо,

Торикшабе дорам бо ин ҳама кавкабҳо.

Чун аз дили гарми ман бигзашт хаданги ту,

Аз бўсаи пайконаш шуд обилаам лабҳо.

Аз баски гирифторон мурданд ба кўи ту,

Бодаш ҳама жон бошад, хокаш ҳама қолабҳо.

Аз тобу таби ҳижрон гуфтам сухани васлат,

Буд ин ғазайн оре, хосияти он табҳо.

То даст бароварди з-он ғамза ба хунрези,

Бар чарх равад ҳар дам аз дасти ту “Ё рабҳо”.

Шуд насх хати ёкут, акнун ҳама раъноён

Таълими хат аз лаълат гиранд ба мактабҳо.

Жоми, ки пай мазҳаб атрофи жаҳон гашти,

Бо мазҳаби ишқи ту гашт аз ҳама мазҳабҳо (Ҷомӣ, 1964:12).

Навоий-Фонӣ:

Бе рӯи ту шуд тира аз ашк маро шабҳо,

Равшан нашавад шабҳо бе моҳ зи кавкабҳо.

Аз тирагии ҳажрат шуд рӯзу шабам яксон,

К-аз шаб сияҳам рӯз аст в-аз рӯз сияҳ шабҳо.

Ушшоқ, ки аз ҳажрат карданд тиҳи қолаб,

Боз аз лаби жонбахўат жон рафт бо қолабҳо.

Бе қадди ту дар бўстон ҳар шох ки пурбарг аст,

Морест маро к-аз вай овехта акрабҳо.

Як қатра май, эй соқи, бас гар диҳиям, лекин.

З-он май, ки туро гардад олуда ба он лабҳо,

Ман масти шароб, эй дил, зухҳоду ғами кавсар.

Дури бувадам з-эшон аз зўрии машрабҳо.

Дар дайри муғон, Фони, як жом хўрад акнун,

Як жоми дигар хоҳад бо нолаи ё рабҳо (Навоий, 1965:38).

Мазкур ғазални Тожикистон фанлар академияси академиги А.М.Мирзоев Навоий-Фонийнинг Жомий ғазалига татаббуи сифатида келтиради (Мирзоев 1968: 46-47). Бироқ “Девони Фоний”нинг Тошкент нашридаги сарлавҳада “Татаббуи Мир” тарзида келган. Амир Хусравнинг “Осори мунтахаб”ида эса

юқоридаги ғазалларнинг услуб, радиф ва ғоявий-маънавий руҳига монанд икки шеър мавжуд (Деҳлавий, 1975:79 -82.).

Амир Хусрав, Жомий ва Навоий-Фонийнинг мазкур ғазалларини солиштирганимизда, улар орасида ҳар жиҳатдан яқинлик борлиги аниқланди. Аммо вазн ва оҳангдошлик нуқтаи назаридан Навоий-Фоний ғазали Жомий шеърига бирмунча яқин туради. Шу далил мисолида асарлараро алоқа ва ўзаро таъсирнинг доира бўйлаб ҳаракати кўзга ташланади. Яъни, Амир Хусрав ғазалига Жомий ва Жомий шеърига эса Навоий-Фоний татаббуъ қилган кўринади. Шу тарзда мантиқий яқунга келиш мумкинки, издошлик анъанаси ва шартлилик занжири ўз ҳаракатини асрлар оша ранг-баранг кўринишларда давом эттирган.

Ҳар иккала ғазалнинг ҳам мавзуи бир. Алишер Навоий Абдурахмон Жомийнинг ўйноқи бу ғазалига жавоб айтишга жазм этар экан, унинг мавзуини сақлаш билан бир қаторда, қофияларини ҳам деярли айнан такрорлашга ҳаракат қилади. Навоий-Фоний ғазалида қўлланган икки қофиядош сўзгина (ақрабҳо, машрабҳо) Жомий шеърида учрамайди. Масалага шаклий товланишлар нуқтаи назаридан эътибор қилинадиган бўлса, бу шеърларда гўё ўша икки сўздан бошқа тафовут йўқдай кўринади. Аммо анъанавий мавзу талқини, ҳаётий деталларни танлаш, уни шеърга киритиш, ўртага қўйилган фикр-мулоҳазалар жиҳатидан бу икки ғазал муқояса қилинадиган бўлса, улар ўртасидаги фарқлар очиқ-ойдин кўзга ташланади. Уларнинг матлаида ҳам гап лирик қаҳрамон – ошиқнинг маъшуқадан айрилиқ дамлари устида боради. Аммо ана ўша ҳолат тасвирида ўзига хосликка интилиш аломатлари зухур этади. Абдурахмон Жомий матлаида маҳбуба жамоли ойга, ёр кўзидан оққан ёшлар эса юлдузларга нисбат берилади. Ошиқ кечалари ёрини кутади, унинг ҳажрида ёш тўкади. Ана шу изтироблари туфайли унинг қалбини зим-зиё зулмат қоплайди. Алишер Навоийнинг мисраларида ҳам шу деталлар сақланади. Яъни ёр жамоли ойга, ошиқ ашки юлдузга қиёсланади. Аслида бу ташбеҳлар муҳаббат мавзуининг доимий йўлдоши ҳисобланади. Жомий ва Навоийгача, улардан сўнг ҳам бу ўхшатишлар ижод аҳли учун хизмат қилиб келди. Лекин синчков ижодкорлар ана шу анъанавий предметларнинг ҳам янги-янги қирраларини топишга ҳаракат қилганлар. Шундай уриниш Алишер Навоий байтида кўзга ташланади.

Аниқроғи, Навоий-Фоний Жомий ғазалидаги ташбеҳни сақлагани ҳолда, уни янгича жилода ўз ўқувчиларига тақдим этади.

Навоий-Фоний талқинидаги ошиқ ҳам зўр рағбат билан ёрини кутади, бироқ ундан дарак йўқ. Ошиқ изтироб гирдобида ёш тўкади, қалбини хуфтон қоронғилиги қоплайди. Шоир ана тун қоронғилиги ва ошиқ қалбининг хиралиги ўртасида вобасталик кўради. Шеърда ана шу манзара чуқурлашиб боради. Шоир тасвирига биноан ошиқ юрагининг хиралиги тунга таъсир қилиб, унинг янада қоронғилашиб қолишини таъмин этган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий табиат қонуниятлари, осмон жисмлари, сайёралар ва уларнинг ҳаракат ҳамда ҳолатидан хабардор сўз санъаткоридир. Шоир асарларидаги қайдлар

шундан далолат беради. Шунинг учун бўлса керак, у тасвир талабига маҳлиё бўлиб, ҳаёт ҳақиқатининг бузилиши, мазмун бутунлигига доғ тушиши учун йўл қўймайди, қатъий меъёрга амал қилади. Табиат қонунига кўра, туннинг ёғдули бўлиши ойнанинг ҳаракат ва ҳолатига боғлиқдир. Ойнанинг кўриниши учун имкон бўлмаган самода юлдузлар ҳам кўринмай қолади. Бу ҳақиқат улуғ ўзбек шоири учун ошно. Шоир танлаган мавзу, тасвир учун танланган лирик қаҳрамон – ошиқнинг руҳий ҳолати ҳам шуни тақозо этади. Ошиқ ёрни интиқ бўлиб кутади. Ҳижрон азобида қолган ёр фиғон чекади, беҳисоб ёш тўкади. Уни ана шундай вазиятдан фақат маҳбубагина чиқаради.

Шоир ана шу манзарани образли ифодалаш учун яна само, ой, юлдузлар ҳолатига мурожаат қилади. Бир жиҳатдан у шундай қилишга мажбур. Негаки, Алишер Навоийга таъсир этган, уни жавоб айтишга ундаган ғазалда ўша предметлар иштирок этади. Жавобия айтиш талаблари ҳам уларнинг имкони борича сақлаб қолинишини талаб қилади. Ана шу икки мақсад якуни сифатида майдонга келган мисра образли фикрлаш жиҳатидан жуда оригинал чиққан. Абдурахмон Жомийдаги “Беҳисоб юлдузлар бўлса-да туним қоронғу” тарзидаги мазмунни ташувчи мисра Алишер Навоийнинг сеҳргар қалами туфайли “Ойсиз тун юлдузлар билан ёруғ бўлолмайди” сифатида акс-садо беради. Тўғри, ҳар иккала сўз санъаткорида ҳам сўзларни ўйнатиш (асл ва рамзий маъноларни кашф этиш) санъати кучли. Буни мисралардаги “кавқаб” (кавқаб – юлдуз – кўз ёши) сўзи мисолида ёрқин кўриш мумкин. Аммо Алишер Навоий мисрасида тақрордан қочиш билан бир қаторда, мақсад аниқлигига (чунки юлдузли тунларнинг нурсизлигига сабаб ойдир) интилиш майли ҳам кучли. Кўринадики, анъанавий мавзу, образ ва ташбеҳлар ижодкорнинг новаторликка интилишига бўлган майли олдини ололмайди. Алишер Навоийнинг ғазал матлаида ибтидо топган услубий мустақилликка бўлган бундай ҳаракати шеър мактабига қадар давом этади. Абдурахмон Жомий ғазалида матладан сўнгги байтда маъшуқа портретининг айрим элементлари чизилади. Хусусан, унинг ошиқни мафтун қилувчи пайкони – киприклари ва у келтирган жароҳатлар тасвири берилади.

Алишер Навоий ғазалида бир ўзгача манзарага дуч келамиз. Шоир матладаги тасвирни, ошиқ руҳий олами баёнини ундан сўнгги мисраларда ривожлантиради. Маъшуқа ҳижрони келтирган изтироб азобларининг давоми берилади. Ошиқ учун ёрсиз ўтган дамлар, унинг кеча ё кундузлигидан қатъий назар, хуфтон зулматига тенг. Кўринадики, Алишер Навоий байтида матлаб билан узвийлик мавжуд. Айни чоқда, Жомий ғазалидаги байт мазмунидан фарқи борлиги маълум бўлади. Таҳлил қилинаётган ҳар иккала ғазалда ҳам лирик қаҳрамон бошига ишқи оламсўз солган турли савдолар баёни давом этади. Жомий ғазалининг учинчи байтида маҳбуба фазилатлари мадҳ қилинади. Шоир талқинидаги ёр хушбичим ва дилбар. Шунинг учун унинг мафтунлари кўп. Ўша мафтун бўлганлар оддий ошиқлар эмас, улар ишқ мулкининг ҳақиқий

фидойилари. Улар ўз бисотидаги ҳамма нарсасини, ҳатто, жону қалбини ҳам маъшуқа йўлида нисор этишга тайёр.

Алишер Навоий тасвиридаги ошиқ ва маъшуқа ҳам айтилган сифатлардан холи эмас. Бироқ улуғ ўзбек шоири Жомий ғазалидаги қофияларини айнан сақлагани ҳолда, лирик қаҳрамон кайфиятини чизишда мустақил йўл тутади. Аниқроғи, олдинги байтларда бўлгани каби, таҳлил этилаётган мисраларда ҳам ўз услубига, тасвирдаги узвийликка риоя қилади. Шоир учун матладаги ҳажр гўё мантиқ маркази бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, ғазалнинг сўнгги мисраларидаги фикр ришталари ўша марказдан бошланади ва шу марказга бориб туташади. Мазкур фикрнинг тасдиғини ғазалнинг учинчи байтида ҳам кўрсатиб бўлади. Бу ўринда гап яна ўша ҳижронга боғланади. Навоий-Фоний талқинидаги ошиқ ҳам зўр рағбат билан ўз маҳбубасини кутади, бироқ ундан дарак йўқ. Ҳижрон изтироблари гирдобидида қолган ошиқ беҳад кўп кўз ёш тўкади, унинг қалбини хуфтон қоронғулиги қоплайди. Шоир ана шу тун қорнғулиги ва ошиқ қалбининг хиралиги ўртасида вобасталик кўради. Шеърда таъкидланган айни икки манзаранинг бадиий тасвири чуқурлашиб боради. Алишер Навоий тасвирига биноан, ошиқ юрагининг хиралиги тунда (шомда) таъсир кўрсатиб, унинг янада қоронғулашиб қолишини, зулмат қуюқлигини таъмин этган.

Маҳбуба ҳажри дастидан ошиқлар қалбдан жудо бўладилар. Яъни жон билан видолашадилар. Қўлдан кетган қалбни қайтариш, унга жон ато этиш мумкин. Бу ишни фақатгина маъшуқа уддалай олади, холос. Кўринадикки, бу байтда ҳам устоз ва шогирд қалами тухфа этган мисралар ўзгача мазмун, айрича маъно ташийдди.

Бу ғазалларни бир-бирига таққослаб кўрсак, Навоий татаббуъси оригинал ташбеҳларга бойлиги билан Жомий ғазалидан асло қолишмайди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий форсий девонида Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Камол Хўжандий ва бошқа шоирларга издошлик қилар экан, улар йўлидан бориб, ажиб нозик ҳис-туйғуларга тўла лирик шеърлар яратди.

Адабиётлар

1. Абдурахмон Ҷомӣ. Асарҳои мунтахаб дар панҷ чилд. Чилди I. –Д.1964. – саҳ.12.
2. Амир Хусрав Дехлавий. Осори мунтахаб. –Д.: “Ирфон”. 1975. –Саҳ.79 - 82.
3. Алишер Навоий. Асарлар. 5-том. 1-китоб. –Т. 1965–Б.38.
4. Мирзоев А. Алишер Навоӣ ва Абдурахмон Ҷомӣ. –Д.:”Ирфон”. 1968. – Саҳ. 46-47.
5. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2-том. –Б.171.

ҲОФИЗ ИЖОДИНИНГ ФОНИЙ ШЕЪРИЯТИГА ТАЪСИРИ

Навоий – Фоний риндона тафаккурининг шаклланишида Ҳофиз Шерозий таъсири кучли. Буни шоирнинг ўзи ҳам эътироф этади: “Яна форсий ғазалиёт девони Ҳожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан адолар ва назм пайролар назарида мустахсан ва матбуъдир, тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеъриға татаббуъ воқеъ бўлўбтур”(Навоий, 1967:125).

Фоний девонидаги кўп ғазаллар унинг даҳо тафаккури такомиллашувига сабаб бўлган шеърларга жавоб тариқасида битилган, айти пайтда шоирнинг ушбу анъанага ижобий муносабатини ифода этувчи юксак бадииятли татаббуълар ва таврлар билан қувватланган. Ҳофиз Шерозий шеъриятининг Навоий – Фоний ижодига таъсири девондаги татаббуъ ва таврларда намоён бўлади, адабий таъсирнинг адабиёт таракқиётида муҳим ҳодиса эканлигини кўрсатади. Навоий – Фонийнинг татаббуъ ва тавр яратиш маҳорати “Девони Фоний”да акс этган. Девондаги асосий татаббуъ ва таврлар Ҳофиз Шерозий ғазалларига боғланган.

Тавр ижодий ёндашув усулларидадан бўлиб, “луғавий маънода бирор нарса атрофида айланиш, тарз, йўсин, усул, тартиб, одат (манера)ни англатади; адабиётшуносликда бирор шеърнинг моҳияти услубини олиб, шу йўсинда асар ёзишдир. Бундай ғазалларда вазн, қофия мезон қилиб олинмайди, балки услуб, мазмуннинг шеърий талқинига, услуб, рангга риоя қилинади” (Қаранг: Навоий, 1989: 420).

Татаббуънинг муҳим шартларидан ҳисобланган қофия, вазнга таврда риоя этмаслик мазкур йўналишда ижодкор имкониятини кенгайтиради. Татаббуъни аниқлашда реал поэтик унсурларга таянилса, таврда шеърий асарнинг умумий руҳи таянч мезон вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан таврга асос бўлган ғазални аниқлаш ҳар бир ғазалда ҳукм сурадиган ижодий – руҳий аурани илғаш билан амалга ошади. Ва улар ўртасидаги мазмуний мутаносиблик таврни белгилашга кўмак беради. Назарий мулоҳазаларимизни кенгроқ ифода этиш ниятида адабий алоқа ва ижодий таъсирга намуна бўлган Ҳофиз ва Фоний ғазалларини таҳлил қиламиз.

Ҳофиз ғазали:

*Ба кўи майкада, ё раб, саҳар чӣ машғала буд?
Ки чўши шоҳиду соқиву шамъу машғала буд.
Ҳадиси ишқ, ки аз харфу савт мустағнист,
Ба нолаи дафу най дар хурўшу валвала буд.
Мубоҳисе, ки дар он мачлисе чунун мерафт,
Варои мадрасаву қолу қили масъала буд.
Дил аз караимаи соқӣ ба шукр буд, вале
Зи номусоиди бахташ андаке гила буд.
Қиёс кардаму он чашии ҳодувонаи маст
Ҳазор соҳири чун Сомиреш дар гала буд.*

Бигуфтамаиш: “Ба лабам бўсае ҳаловат кун”.
Ба ханда гуфт: “Қаят бо ман ин муомила буд?”
Зи ахтарам назаре саъд дар раҳ аст, ки дӯш:
Миёни моҳу рухи ёри ман муқобила буд.
Даҳони ёр, ки дармони дарди Ҳофиз дошт,
Физон, ки вақти мурувват чӣ тангҳавсала буд.

Мақолада Ҳофиз ғазалининг Хуршид таржимасидан фойдаланамиз:

Бу кеча майкадада базму айш фаровон эди:
Хурушда соқию кундуз каби чароғон эди.
Эмасдур ишқ сўзи овозу ҳарфга ҳеч муҳтож,
Хурўшга солғучи най, дафлар этган афғон эди.
Бу телбалар йиғинида на ўтса баҳсу жавоб,
У мадраса ҳақида қилу қолу дoston эди.
Кўнгил қувончда эди соқийнинг карашмасидан,
Бу бахт қайтмоғи бир оз кўнгилга армон эди.
Аниқладим: у икки маст жоду кўзларни –
Сеҳрчи сомирийнинг минги банда фармон эди.
Дедимки: “Менга лабингдан ҳавола қил бўса”,
Кулиб дедики:”Қачон бизда бунча бўлғон эди?”
Аниқки, бахту саодат менга юз очди кеча –
Ой ила ёр юзи бир-бир билан гилахон эди.
Ул ой лаби эди Ҳофизни дардига дармон,
Карам чоғида бироқ дўстига камэхсон эди (Шерозий, 2006: 80)

Фоний ғазали:

Буд об зада соҳати майдони харобот,
Базми тараб омода дар айвони харобот.
Бинашаста дар ў пири харобот қадаҳнўш,
Дар хидмати ў саф зада риндони харобот.
Чо карда, бараиш муғбачаи шўх ба мастӣ
Дар кишвари ҳусн омада султони харобот.
Ҳар лаҳза паи бурдани дил турфа муғаннӣ
Бо лаҳни муғона зада достони харобот.
Аз пири харобот ба риндон шуда зоҳир
Дар ҳар қадаҳе нуктаи пинҳони харобот.
З-он нукта ҳар он к-ў хабаре ёфта сармаст,
Беҳуш фитода ба шабистони харобот.
Май деҳ, ки ба сад хилъати шоҳӣ нафурўшад,
Як журъаи май сойили урёни харобот.
Ҳар васф, ки аз кавсару аз равза шунидӣ,
Андар ҳақи май омаду дар шони харобот.

*Фоний ба хароботи фано дар шуду вораст,
Аз нанги худӣ гашт чу меҳмони харобот.*

Фоний ғазалининг мазмуни:

Харобот айвонига сув сепилган, унинг
айвонида шоду хуррамлик базмига ҳозирлик кўрилган.
У ерда харобот пири май ичиб ўтирибди,
унинг хизматида харобот риндлари саф тортганлар.
(Харобот пири) ёнида бир шўх муғбача маст ўтирибди,
(У) ҳусн мулкида харобот султонидир.
Ҳар лаҳза дилни овламоқ учун ажойиб хонанда
муғона оҳангда харобот достонини ўқир эди.
Майхона пиридан риндларга ҳар бир қадахда
харобот сирлари очилар эди.
У махфий сирлардан воқиф бўлган кишилар маст бўлиб,
харобот шабистонида беҳуш бўлиб йиқиларди.
Май бергилки, унинг бир қултумини хароботдаги гадолар
Юзта шоҳона либосга алишмайдилар.
Кавсару жаннат тўғрисида ҳар бир мақтовни эшитган
бўлсанг, у май ҳақида ва харобот шаънидадир.
Фоний меҳмонхонада меҳмон бўлгач, фано
хароботига кириб, ўзлик номусидан қутулгандай бўлди
(Навоий, 1965: 156).

Ғазаллар, аввало, воқеабанд эканлиги билан бир-бирига яқин. Воқеалар майкада, харобот номлари билан аталган бир хил жойда рўй беради. Матлаълардаёқ акс этган кўтаринки рух, қурилган базм кайфияти ғазалларнинг бири иккинчисига жавоб тариқасида ёзилганлигидан далолат беради. Майкада – харобот майдонига риндларнинг йиғилиши, базм қуриб, улашилаётган майдан бахтиёрлик топиш сахни риндона ғазалларнинг энг оммабоп тасвирларидан. Ғазалнинг мазмун – моҳиятини ана шу тасвир қамраб олади. Ҳофиз матлаъсидаги хуруш (бонгу садо, фарёд, ҳайқириқ, ғавғо) мафҳуми риндона ғазаллардаги энг кулҳминацион руҳий ҳолатларни акс эттирувчи поэтик танланма бўлиб, мазкур типдаги ғазаллар поэтикаси талабига кўра, ушбу ғазалда ҳам ижобий ҳолат тасвири учун хизмат қилган: *Хурӯшда соқию кундуз каби чарогон эди.* Майкададаги *бонгу садо, ғавғо* беозор, беинтиҳо, гўзал илоҳий соғинч ҳайқириқларидир. Мазкур матлаъда акс этган ҳол ҳайратлари бутун ғазал моҳиятини ўзида қамрайди ва кейинги байтлар унинг ечими учун хизмат қилади. Фоний кўлига қалам ушлашига сабаб бўлган байт ҳам ушбу байтдир. Унга жавоб беришда иккала шоир икки хил йўлдан боради: Ҳофиз ўзининг анъанасига кўра, ғалаёнли, риндона – ошиқона йўлдан борса, Фоний риндона, шунингдек, ўшбу ғазалга хос тамкинли йўлдан боради. Ана шу ҳолу ҳайратларга элтгувчи йўл – Ишқ йўли эканлигини Ҳофиз иккинчи

байтда таъкидлайди ва ошиқликни сўз ифодаларисиз, ҳол орқали намоён этиш мумкинлигини ва ҳайрат мақомига етишишда наю дафлар афғони ҳам муҳим эканлигини айтади. Тасаввуфда мусиқага инсон руҳиятига таъсир этувчи, уни акс эттирувчи, ҳол – кайфият ҳосил қилувчи, юксалтирувчи омил сифатида қаралади. Яъни “Мусиқа инсонни “ғайб олами” подшолигига етказди ва Ҳақ билан қўшилилишига имкон беради” (Курбанмамедов, 1987: 65). Шоир мазкур ўринда ҳам ана шундай қарашни назарда тутмоқда. Фоний таврида ушбу мазмунга майл қуйидаги байтда акс этади:

Ҳар лаҳза дилни овламоқ учун ажойиб хонанда
муғона оҳангда харобот достонин ўқир эди.

Мазкур байт Ҳофиз ғазалининг учинчи байтига ҳам ойдинлик беради:

*Бу телбалар йиғинида на ўтса баҳсу жавоб,
У мадраса ҳақида қилу қолу достон эди.*

Баҳсу мунозараси тилларда достон бўлувчи телбалар – булар харобот эгаларидир. Улар дунё кишилари англаб етмайдиган руҳоний олам сирлари ҳақида мунозара қиладилар. Ва уларнинг мақоми шундай баландки, Фоний таъкилаганидек, уларнинг ҳолу кайфиятини достон қилиб куйлаш билан дил мулкига чўғ тушади, илоҳий сирлар оламига йўл очилади. Бу оламнинг ҳар лаҳзаси, ҳар бир манзараси шундай бетакрорки, соқийнинг ҳимматидан етишаётган бундай файз, бахт бетакрорлиги билан кўнгилга армон солади:

*Кўнгил қувончда эди соқийнинг карашмасидан,
Бу бахт қайтмоғи бир оз кўнгилга армон эди.*

Фоний бу ҳолни риндона услубда тушунтиради:

Майхона пиридан риндларга ҳар бир қадаҳда
харобот сирлари очилар эди.

ва: У махфий сирлардан воқиф бўлган кишилар маст бўлиб,
харобот шабистонида беҳуш бўлиб йиқилдилар.

Харобот сирларига етган, сир ҳайратларида ўзини унутган, ўзлик асаридан мосиво ринд ҳолини акс эттирган мазкур байтлар Ҳофиз ғазалидаги Ишқ сўзи билан ифода этилган қуйидаги байт юқтирган кайфиятга жавоб тариқасида ёзилган:

*Аниқки, бахту саодат менга юз очди кеча –
Ой ила ёр юзи бир- бири билан гилахон эди.*

Бунда *ой билан ёр юзи бир-бири билан гилахон – гинахон эди*, дейилганда ошиқона таҳлил услубига кўра, гўзаллик, ҳусн талабидан аразлашган тимсоллар қиёфаси гавдаланади. Риндона кайфият нуқтаи назаридан қаралганда, ой ва ёр тимсолларини илоҳий сирлар оламига етган солиққа ҳавас билан қараган, унинг тақдирида тутган ўрин билан талашган ушбу мақомгача бўлган маънавий манзиллар деб тушуниш мумкин.

Бақо манзили файзларини ошиқона тасвир усулида ифодалаган Ҳофиз бу манзилга етаклаган Ишқни шундай тасвирлайди:

Аниқладим: у икки маст жоду кўзларни –

Сеҳрчи сомирийнинг минги банда фармон эди.

Ишқ солиқ қалбига кириб, уни ўзига жодулаб, шундай ром этадики, Исроил қавмини ўз жодуси билан йўлдан адаштирган Сомирийларнинг мингтаси унинг фармонига мунтазирдир.

Майкадада улашиладиган илоҳий файз, илоҳий иноят Ҳофиз мақтаъсида маъшуқа лаби тимсолида акс этади:

Ул ой лаби эди Ҳофизни дардига дармон,

Карам чоғида бироқ дўстига камэхсон эди.

Ҳақ ошиғи – Унинг дўстидир. Илоҳий лутф чоғида дўстнинг камэхсон қолиши Карам соҳибининг мурувватидандир. Чунки Маъшуқ қанча йироқлашса, ошиқ шунча Унга қараб интилади, комиллашади.

Тажаллий неъматини риндона тимсол – май орқали ифодалаган Фоний уни жаннату кавсарга тенглаштиради ва мақтаъда *фано хароботи* истиорасини қўллаш билан орифона, риндона қарашлар моҳиятан тенглигини таъкидлайди:

Фоний майхонада меҳмон бўлгач, фано

хароботига кириб, ўзлик номусидан қутулгандай бўлди.

Демак, Ҳофиз ижоди Навоий – Фоний риндона олами поэтик қувват билан дунё юзини кўришида муҳим аҳамият касб этади. Бунга айниқса, Навоийнинг ўзи эътироф этган Ҳофиз ижодига боғланган ҳар битта татаббуъ ва таврни таҳлил этиш жараёнида иқрор бўламиз.

Адабиётлар

1. Курбанмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе : “Дониш”. – 1987.
2. Навоий Алишер. Ўн беш жилдлик. 14-жилд . – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 125-бет.
3. Навоий Алишер. Йигирма жилдлик. 18-жилд. – Тошкент: Фан, 1989.
4. Навоий Алишер. Девони Фоний. Ўн беш жилдлик. Бешинчи жилд. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
5. Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти. 2006.

Бойсинов С. , катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ИДА ИНСОН КАМОЛОТИ МАСАЛАЛАРИ

“Қутадғу билиг” нинг яратилиши туркий халқлар адабиёти тарихида бутун бир даврни – туркий халқлар илк классик шеърятининг камолот даврини ташкил этади.

Асарда тилга олинган масалалар кўлами шунчалик кенги, уларни оддийгина санашнинг ўзиёқ бир неча саҳифаларни ташкил этади. Бу ерда айрим сарлавҳаларни келтириш билан кифояланамиз: Баҳор мадҳи; Етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақида; Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурдадир;

Тилнинг фазилат ва манфаатлари ҳақида; Китоб эгасининг узри; Билим ва уқувнинг фарқи ҳақида ҳикоя қилади; Ойтўлдиннинг эликга бахт ҳақидаги ҳикояси; Кунтуғди элик Ойтўлдига Адолат ҳақида ҳикоя қилади; Ўгдулмиш эликга бек (лашкар бошлиғи, ошпаз, хазиначи, эшик оғаси, элчи, дастурхончи...) қандай бўлиш кераклигини сўзлайди; Ўғил ва қизлар туғилса уларни қандай тарбиялаш лозимлигини айтади; Меҳмонга борганда ўзини қандай тутиш кераклигини сўзлайди; Адолатга адолат, одамгарчиликка одамгарчилик билан жавоб бериш ҳақида гапиради; Ўтган йигитликка афсус ва қариликдан шикоят; Вақтнинг бебаҳолиги ва дўстларнинг бевафолиги ҳақида; Китоб эгаси Юсуф Хос Ҳожибнинг ўз-ўзига ўғитлари...

“...Кўриниб турибдики, “Қутадғу билиг”да тилга олинган масалаларнинг қамрови кенг. Аммо унда битта бош масала борки, шу масала бутун асар бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади ва асарнинг яхлит бир бутунлигини таъминлайди. Бу – Инсон масаласидир”. (Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. Тошкент. 1990. 21-22 бет)

Инсоннинг моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси шоир томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади. Лекин бу йўналишларнинг ҳаммаси бирлашадиган бир нуқта борки, у ҳам бўлса инсоннинг инсон учун яшаши, инсоннинг инсоният учун хизмат қилишидир:

Кишилар ора. Кўр, киши ул бўлур,

Онингдин кишилар осифлар бўлур.

(Кишилар орасида (ҳақиқий) киши шу бўладики,

Ундан (бошқа) кишилар манфаат топади), -

дейди шоир.

Шу улуғ ният билан яшаган шоир бошқалар манфаатини ўйламасдан, ўзининг тор шахсий мақсадлари орасида кўмилиб қолганларни тириклар қаторига қўшмайди, уларни тўғридан-тўғри “ўлик” деб атаydi:

Тирик ялигуқ ўғли тўсулган керак,

Тўсулмаз киши туғса, ўлган керак.

(Тирик одам боласи фойдаси тегадиган бўлиши керак,

Фойдаси тегмайдиган киши туғилса, ўлган (бўлиши)

керак, яъни ўлгани яхшироқ).

Шоир демоқчики, инсон туғилдими кимгадир фойдаси тегадиган бўлиб улғайиши, фойдаси тегмайдиган бўлса у ўлик билан тенглигини уқтиради.

Асарда комил инсон ҳақида гап борар экан, камолотнинг қатор белгиларига тўхталинади. Бу инсоннинг бошқалар ғами билан ҳам яшай олиши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишидир:

Кишига тўсулғу керак бу тириг,

Тирик тутса отин, кўпурса эриг.

(Тирик (жон) одамларга фойда келтириши керак,

(Токи) отини тирик тутсинлар, кишини улуғласинлар).

Худди шундай одам эзгу киши дейилишга лойикдир. Эзгу кишининг фазилатлари фақат яхшиликка бўйсундирилган бўлади:

Ақилиқ, кишилиқ, осиф, эзгулуг

Бу эзгу кишидин келир белгулуг.

(Саҳоват, одамгарчилик, наф ва эзгуликлар

Эзгу кишилардан келади, бу аниқ).

Эзгу киши бўлиш учун, эзгу фазилатлар билан зийнатланиш учун қатор шарт-шароитлар талаб қилинади. Уларнинг биринчиси билимдир. Шоир бутун асар давомида билим ҳақида фикр юритади. Асар қаҳрамонларининг билимга бўлган муносабатини алоҳида таъкидлайди.

“Қутадғу билиг”да билим ҳақида алоҳида боб мавжуд. Бу боб “Билиг уқуш адримни, асғин аюр” (“Билим ўқув-идрок фарқини, нафини айтади”) деб номланган. Бу бобда билимсизлик қоронғи зулматга, билим эса шу зулматни ёритувчи машъалага ўхшатилади. Билимнинг асосий хусусияти киши учун фойдали эканлигида, унга кадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтиришда, деб билади шоир:

Уқушун ағар ул, билигин бедур,

Бу икки била эр ағирлиқ кўрур.

(Ўқув-идрок билан (киши) юксалади, билим билан улғаяди,

Бу иккиси туфайли эр кадрланади).

Шоир билимга юксак баҳо беради, уни кўкларга кўтаради. Ўз фикрининг китобхонга тез ва осон сингиши учун турли поэтик санъатларни ишга солади. Шу мақсадга бўйсундирилган поэтик санъатларнинг бири ўхшатишдир. Шоир билимни кимё, ипор, бойлик, кишан, кийим, емиш каби нарса-ҳодисаларга қиёслайди. Булар шоир фикрининг реалликка айланишида муҳим бадий-тасвирий восита бўла олган.

Асарнинг бадий структураси тамомила ўзига хос бўлиб, туркий адабиётдаги бир қатор шеърӣ жанрларнинг шаклланиш йўллари ва тараққиётини кузатиш учун дастлабки муҳим ёзма манба ролини ўтайди. Бу масаланинг ҳал этилиши, ўз навбатида, адабиёт тарихининг бир қатор масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода туркий адабиётдаги тўртлик шаклининг шаклланиши, поэтикасига эътибор, айтилса, муҳимдир.

“Қутадғу билиг”даги тўртликлар ўз мавзусига кўра, асосан, фалсафӣ-дидактик характерга эгадир. Бу ҳолни муаллифнинг тўртлик яратишда тажнислардан фойдаланишида ҳам очиқ-ойдин кўришимиз мумкин:

Қамуғ нангга вақт ул куни **белгулуг**,

Нафас, тин тўқурқа сани **белгулуг**.

Йил, ай, кун кечартег тириглиг кечар,

Кечар кун кечургай сени **белгулуг**. (4,326)

Бир қарашда радиф бўлиб кўринадиган “белгулуг” сўзи шу ўринда тажнисдир. Дастлабки байтда у чиндан ҳам радиф вазифасини адо этади: у ерда “белгилик”, “белгиланган” каби маъноларни англатади. Аммо охириги мисрада у

“шубҳасиз”, “албатта” каби сўзлар ўрнида қўлланган. Буни байтнинг ҳозирги тилимизга ўгирилган ҳолатида аниқроқ тасаввур этиш мумкин:

Барча нарсанинг вақти-соати ва куни **белгиликдир**,
Нафас ва тин олишнинг сони **белгиликдир**.
Йил, ой, кун ўтганидек тириклик ҳам ўтади,
Ўтаётган кунлар сени ҳам **албатта** ўтказади.

Тўртликларда тажниснинг тасодифий эмаслигини кўрсатиш учун яна бир мисол келтирайлик:

Тили ялган эрнинг жафа қилқи ул,
Жафа кимда эрса ушул **йилқи** ул.
Киши йалганинда тилама вафа,
Бу бир сўз синамиш ўкуш **йилқи** ул (4,337)

Бу ерда “йилқи” сўзлари “хайвон”, “йиллик” маъноларида қўлланиб, тажнис ҳосил қиляпти:

Тили ёлғон кишининг қиладиган иши жафодир,
Жафо кимда бўлса, ўша **йилқидир**.
Кишининг ёлғончисидан вафо кутма,
Бу сўз **кўп йиллардан** бери синалгандир.

Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларида тажниснинг қўлланилиши унинг қийматини оширган. Тўртликларнинг ҳар бир мисраси катта мазмун касб этиши унда реал ҳаётга боғлиқ ҳолда кенг маъно бериш имконияти мавжудлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, фикрларнинг ихчам, лўнда ва таъсирчан ифодаланиши ўқувчи эътиборини тортади. Шунингдек, муаллиф тўртликларида халқ адабиётига яқинликнинг мавжудлиги улар мазмунини ҳазм қилишни енгиллаштиради.

“Қутадғу билиг”даги масалаларнинг бош хусусияти, юқорида айтилганидек, уларнинг дидактик характеридадир. Бироқ, муаллиф дидактикаси панд-насихат, ўғитларнинг яланғоч ифодаси эмас. Шоир дидактикасида чуқур гуманизм мавжуд. Унинг мисраларида башариятнинг бутун тарихи давомида интиланган ижобий хусусиятларни кўкларга кўтариш, инсонийликни, инсоний фазилатларни тарғиб қилишни кўриш мумкин. Зеро бу каби масалаларни ўрганишга интилишнинг бардавомлиги башарият ўртасида инсонийликнинг сақланиб қолишига бир сабаб бўла олади.

Адабиётлар

1. Ақат Қ.Қ. Ўski тғққ shiiki. Тғққ Тақih кғқғmғ йasimўvi – Анкақа, 1991
2. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ва айрим жанрлар такомилли. Тошкент, 2004.
3. Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. Тошкент, Фан, 1990.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим), транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи К.Каримов. Тошкент, Фан, 1971

**Болтабоева О., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Ўзбекистон)**

ХИЛВАТИЙНИНГ “МАВЛУДИ ШАРИФ” АСАРИ ХУСУСИДА

Ўзбек адабиёти тарихини чуқур ўрганиш мақсадида мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ аждодларимизнинг нодир асарлари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш ва ўтмиш шоирларимиз ҳаёти ва ижодини ҳаққоний тадқиқ этиш каби ишлар амалга оширила бошланди. Шу борада наманганлик шоир Хилватий ижодини ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаш халқимиз мустақиллиги туфайли эришилган имкониятларнинг самараси бўлди. Хилватий ижоди давомида Аҳмад Яссавий, Сўфи Аллоёр, Сулаймон Боқирғоний, Ҳожи Муҳйилар каби ахлоқий-таълимий мавзуда қалам тебратди, ёшларни мусулмончиликнинг тартиб-қоидалари билан таништирди. Шоир ижодида илоҳий ишқ тараннум этилгани сабаб мустақиллигимизгача ушбу шоир ижодини мукамал ўрганиш имкони бўлмаган. Шоир ижодига назар ташласак, унинг ижодида ишқ мавзуси етакчилик қилиши кузатилади. Хилватий мадраса илми билангина чекланиб қолмай, буюк Шарқ олимлари асарларини мустақил мутолаа қилган, араб, форс тилларини чуқур ўрганган. Асарларида икки тиллик (зуллисонайн) анъанаси давом этган. Маориф ва маданиятнинг равақ топиши, халқ онгининг шаклланиши ва ривожланишида ҳам бу серқирра истеъдод соҳибининг хизматлари беқиёс.

Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари халқ орасида “Мавлуди шарифи туркий” номи билан машҳур бўлган ва кўпчиликнинг талабига кўра, 1899, 1908, 1911, 1913, 1916 йилларда қайта-қайта чоп этилган.

Хилватий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ айрим маълумотлар “Тазкираи Қайюмий”да ҳам учрайди. П.Қайюмов ушбу манбада шоирнинг “Мавлуди шариф” асарини Барзанжийнинг худди шу мазмундаги асари таржимаси деб қайд этади. Аммо у таржима асар эмас, чунки “Мавлуди шариф” Муҳаммад алайҳиссалом мавлудлари ҳақида туркий тилда битилган мустақил шеърый асар. Бундай агиографик мазмунга эга асарлар, яъни Муҳаммад (с.а.в) ва у кишининг асҳоблари ҳаёти, ҳарбий сафару зафарларини тасвирловчи асарлар дастлаб араб тилида яратилгани маълум. Араб шоири Саййид Жаъфар Барзанжий (1763-йилда вафот этган)нинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таваллудлари ҳақидаги “Иқдул-жавҳар фи мавлид ан-набий ал-азҳар” (Набийнинг нурли таваллуди ҳақида гавҳар маржон) асарини фақат араб тилини яхши билган олимлар ўқишгани боис, китобхонлар орасида Хилватийнинг туркий тил назмида битган ушбу асарига эҳтиёж кўп бўлган. Хилватийнинг ушбу асари композицион қурилиш ва ривоятларни ҳикоя қилиш усули жиҳатидан ҳам Барзанжийнинг насрий асаридан фарқ қилади.

Асарнинг ҳижрий 1331 (милодий 1913) йилда хаттот Абдуқодир Шоший томонидан кўчирилган тошбосма нусхаси шахсий кутубхонамизда сақланади. Мустақиллик шарофати билан диний асарларни нашр этиш имконияти туғилди. Масалан, Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари 1991 йил Хайрулла Қосим Элтурк, 2000 йилда эса Абдулҳамид Қурбонов томонидан нашр этилди. Халқимизнинг диний эътиқоди мустаҳкамлана бораётган бир шароитда асарни ўқишга бўлган талаб кундан кун ортиб борди. “Мавлуди шариф”нинг янги нашрлари Хилватийнинг XX аср бошларида чоп эттирган тошбосма асари нусхалари асосида нашр этилмоқда. Хусусан, ушбу асар 2003, 2004, 2013, 2015, 2017 йилларда ҳам кирилл ёзувида нашрдан чиқди. Шоир Аллоҳга ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га бўлган муҳаббатини “Мавлуди шариф” асарида изҳор этади. Асар 10 байт ҳамд ва 14 байт наът, 33 байт “Мавлуди шариф” ўқишнинг хосияти ва уч мисра салавот, 69 байтли ҳикоят, яна бир 62 байтли ҳикоят ва уч мисра салавот, 11-бобдан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келишлари шарафига ёзилган иккита ғазал, 14-бобдан сўнг яна бир 28 байтли ҳикоят, сўнгра яна 6 боб ва Меърожнома ҳамда хотимадан иборат.

Маснавий усулида ёзилган ушбу асар қуйидаги байтлар билан бошланади:

Ҳамд ул зотиғаким, Рабби жаҳон,

Холиқи арзу самоу инсу жон.

Подшоҳи бесипоҳу бевазир,

Тождори бекулоҳу бесарир(Хилватий, 2000: 2).

Асарнинг 11-бобидан сўнг икки наът-ғазал берилган. Уларда икки олам сарварининг сифатлари ва дунёга келиши васф этилади:

Бу фано дайр ичра, эй нури Худо, хуш келдингиз,

Мабдаи нури зиёд, кони сафо, хуш келдингиз.

Шуълаи шамъи рисолат, партави хуршиди қурб,

Ахтари буржи нубувват, Аҳмадо, хуш келдингиз

(Хилватий, 2000: 37).

Асарнинг 14-бобидан сўнг пайғамбаримиз туғилганларида боболари Абдулмутталибнинг қандай хурсанд бўлгани ҳақида 28 байтли ҳикоят, сўнгра яна олти бобда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) туғилишлари билан оламда юз берган кўп хайрли ишлар тасвирланган. Асар 29 байтли хотима билан яқунланади. Демак, асар кириш, 20 бобли асосий қисм ва хотимадан таркиб топган. “Мавлуди шариф” маснавийда, рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилон, айрим байтлари эса фоилотун, фоилотун, фоилун, яъни рамали мусаддаси маҳзуф –V– – // – V – – // – V –) вазнида ёзилган:

Ул Муҳаммадким, расулуллоҳдур,

Сарвари жумла гадоу шохдур.

Андалиби гулшани ловлок ул,

Қурб дарёсида дурри пок ул.

Мазҳари барча халойиқ нуридур,

Мабдаи жумла халойиқ нуридур(Хилватий, 2000: 7).

Асар қуйидаги байт билан якунланган:

Афв этиб журму хатосини тамом,

Неъматидийдор бергил, вассалом(Хилватий, 2000: 73).

Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асарида Муҳаммад (с.а.в) нинг меърожлари баёни учрайди. Бу асар Хилватийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) меърожлари билан боғлиқ Шарқ адабиётида яратилган “Меърожнома”лардан хабардор эканини билдиради. Жумладан, у Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Алишер Навоий, Машраб, Имом Барзанжий, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг Муҳаммад (с.а.в) мавлудлари ҳақидаги асарларидан таъсирланган. Шоир улардан илҳомланиб, анъанавий мазмунга ўзгача тасвир услубини қўшади. Унда Муҳаммад (с.а.в) нуридан бу олам яратилгани, яъни нури муборак, дастлаб, тўрт қисмга бўлингани, биринчисидан қалам, иккинчисидан лавҳ, учинчисидан арши азим ва ниҳоят, тўртинчи қисмини яна тўрт қисмга бўлиб, биринчисидан осмон, иккинчисидан ер ҳамда учинчисидан жаннат ва дўзах яратилади. Нури муборакнинг тўртинчи қисми яна тўрт қисмга ажратилиб, биринчисидан мўмин аҳли кўзларига нур, иккинчисидан дилларига нур, учинчисидан эса кароматлар ва ниҳоят тўртинчи қисмидан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) нури мавжуд қилингани баён этилади. Воқеаларни бу тарзда схемали тасвирлаш шоирнинг халқ оғзаки ижоди ҳамда Қуръон оятларидан яхши хабардор эканини англатади. Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асарида 189 байтли “Меърожи ан-набий саллаллоҳу алайҳи васаллам” номли бобнинг берилиши асар композицияси бошқа “Меърожнома”ларга нисбатан анча мукамал сюжетга эгалигидан далолат беради. Айрим ўринларда асар сюжети билан боғлиқ воқеалар баёнида фарқли жиҳатлар мавжуд. Масалан, ранглар тасвири билан боғлиқ эпизодларда Меърож жараёнида юз берган воқеалар турлича ҳикоя қилинади. Хилватий “Меърожнома”сида кўкка парвоз қилиш йўлида оққан маржон-маржон терлардан, яъни Муҳаммад (с.а.в) терларидан оқ гул, Буроқ исмли тулпорларидан оққан тердан кўк гул, Жаброил (с.а.в) терларидан яшил майса ва қизил гул униб чиққани айтилган. Бошқа адабиётларда, жумладан, Сулаймон Боқирғоний ижодида эса меърож билан боғлиқ воқеаларда сариқ, яшил, қизил, оқ рангли тўн ҳақида сўз боради:

Тўрт тўн келди расула: сориғ, яшил, қизил, оқ,

Сориғ, қизилни қўйди, яшил, оқни олдиё,

Пайғамбарлар тўнидир, яхши қилдинг тедиё.

Расул айди, эй амин, ажабдурур бу мушкул,

Соғдин-сўлдин келгон ун, на ундур ул тедиё

(Меърожнома, 1955: 13).

Рабғузийнинг “Қисасул анбиёи туркий” асарида эса меърож ҳақидаги тасвирлардан бирида оқ, яшил, қора, сариқ ранглар билан боғлиқ воқеа учрайди: “Андин ўтуб борур эрдим, бир фаришта тўрт тўн келтирди. Бири оқ,

бири яшил, бири қора, бири сариғ экан. Оқ бирла яшилни хоҳладим. Биродарим: оқ тўн шариат, яшил тўн мўъминлар, қораси кофирлар, сариғи жуҳудлар тўни эрди, ани олмоғонингиз хўб бўлди,– дедилар”(Меърожнома, 1955:67). Бу ранглар изоҳи билан боғлиқ тасвирлар бошқа меърожномаларда учрамайди.

XX аср бошларида яшаб ижод этган шоирлар Нисо ва Хоний адабий меросида ҳам Муҳаммад (с.а.в) ҳақидаги қиссаларнинг шеърий шакллари учрайди (Эшонова С, 2006: 97). Уларда воқеалар мусаддас жанрида тасвирланган, Хилватий эса маснавий усулида Муҳаммад (с.а.в) ҳаётлари ҳақидаги воқеаларни нисбатан мукамал эпик тасвирда баён этган. Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари инсон камолотини шакллантириш ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг гўзал табиатлари, ҳаётлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Имом Барзанжий. Мавлиди шариф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 104 б;
2. Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1955. – 96 б.
3. Хилватий. Муҳаммад алайҳи с-салом туғилишлари / Нашрга тайёрловчи: Элтурк Х.Қ / Эй, туркий эл. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.155-215;
4. Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2000. – 76 б.
5. Эшонова С. XX аср бошларидаги Қўқон шоирлари (Нисо ва Хоний): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 97.

**Дониярова Ш.,
филология фанлари доктори
(Ўзбекистон)**

РОМАНДА МИЛЛИЙ РУҲ МАСАЛАСИ

Миллий руҳ фақатгина ўзида тарихийлик тамойилини чуқур акс эттирган, кучли тарихий шахслар талқинида эмас, балки кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учраши мумкин бўлган оддий одамлар қисматида ҳам акс этиши мумкин. Асарни ана шу руҳда баҳолашга ҳаракат қилган академик Б.Назаров ёзади: «Миллийлик, энг аввало, руҳдадир. Руҳ эса, олисларга парвоз қилиши мумкин, лекин унинг асосий қуввати илдизидадир»¹. Демак, романдаги миллий руҳ воқеа–ҳодисаларнинг ташқи ривожидоғина эмас, балки миллий анъаналарга чирмашиб кетган миллий руҳнинг илдизида ўз ифодасини топиши мумкин. Бироқ миллийликнинг илдизи деганда қайси тамойиллар асосида иш кўриб уни юзага чиқариш мумкин, деган муаммога адиб ҳам, мунаққид ҳам дуч келиши мумкин. Миллийликнинг илдизи Нуҳ пайғамбарнинг авлодларидан саналган Абут Турқдан сақланиб келаётган удумлардами, ёки кишилар феълига сингган,

¹ Назаров Б. Ёзувчи олдидаги қарз // Жаҳон адабиёти. – 1998. – Январь. – Б. 29.

нимаси биландир (Б.Қосимов ёзгани каби) бошқа миллат вакилларидан ажралиб турган феълдами, ё давр тазйиқига қарамасдан ўзларининг руҳиятига сингдирган эрксеварлик жиҳатидами, бу каби ҳақли саволларга миллийликни англаш йўлида яратилган романлардан жавоб олишимиз мумкин.

Лотин Америкаси мамлакатлари романчилигидаги янги тенденцияларни кузатар экан, тадқиқотчилар замон қарама-қаршиликларини ифода қилишда Хулио Кортасарнинг «Мумтозларга тақлид» («Игра в классики») романида бошланган руҳ Аргентина романчилигида бутун XX аср давомида ҳукмронлик қилганини таъкидлайдилар¹.

Ўзбек миллий романчилигида мана шундай маданий-маънавий кўтарилиш орзусида романчиликка кўл урган Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романидан бошланган миллий руҳ адибнинг кейинги романларида акс этган турли тақдирларнинг бадиий талқинида ўзига хос тарзда бўй кўрсатди. Дарҳақиқат, илк романида муаллиф миллийликни бир асар доирасида имкон қадар ҳар қандай бадиий унusrлар воситасида акс эттиришга ҳаракат қилганди. Миллий удумларни сақлаб қолиш илинжида бўлган Сабоҳат хатто ўз ўлими маросимларида ҳам нафақат ўша анъаналарга амал қилиш, балки ўша маросимларни шу баҳонада ёзиб олиб, авлодларга қолдиришни васият этган эди. Романдаги Маҳмуд Кошғарий мактаби педагогика жамоаси, уларнинг турфа феъллари воситасида ҳам имкон қадар миллат кишисининг турли феълларини, улар характерларида жилоланган кирраларини акс эттиришни бурчи деб билганди.

Шукур Холмирзаев ижодида миллий туйғу абадий ва азалий мавзу бўлса-да, бош масала ҳамиша ҳам инсон ҳаётининг сир-синоатлари замирига курилади. Жумладан, ёзувчининг «Олабўжи» романи ҳам инсонни тадқиқ этишга, унинг ўзига хос табиатини бадиий талқин қилишга қаратилгандир. Адабиётшунос Қ. Йўлдошов «Олабўжи» романига муносабат билдириб, «унда қарашлари, тутимлари билан жамиятдан, атрофдагилардан илгарилаб кетган, маънавияти юксак, имони бутун одамга яшаш нечоғлик қийин бўлиши, у нафақат бегоналар, балки яқинлари назарида ҳам олабўжи бўлиб қолиши Ултоннинг мураккаб қисмати мисолида ғоят таъсирчан акс эттирилган»лигини қайд этган². Дарвоқе, “олабўжи” дейилганда давраларга сиғмаган, ҳамманинг кўзига “эмас” кўринадиган, ўз оиласидан ҳам, жамоасидан ҳам ажралиб қолган кишининг фожеаси кўз олдимизга келади. Ёзувчининг мақсади миллат кишисида акс этган ана шу “олабўжи”лик сифатларини, уни вужудга келтирган муҳитдаги маънавий омилларни кўрсатишдан иборат эди.

Ёзувчининг «Олабўжи» романидаги бадиий тасвир, асосан, тоғлар бағрида ўсиб –улғайган, ўз тақдири билан табиат тақдирини уйғун деб билган инсон қисматининг жайдари ва самимий характери орқали ёритилганидир.

¹ Кутейщикова В., Осповат Л. Новый латино-американский роман. – М.: Сов. писатель, 1983. – С.259.

² Йўлдошов Қ. Руҳият сувратлари. // Ўзбекистон овози. - 2000. – 20 июнь.

“Асардаги Тўқлибой Қўчқоров «ҳақиқий арбоб», у партия котиби сифатида партия сиёсатини изчиллик билан ўтказди. Котиблик бурчи вазифасини қойил қилиб адо этади”¹. Аслида ўқитувчи бўлган, узоқ йиллар ёшлар тарбияси билан шуғулланган, кейинчалик эса амал курсисига ўтириб юртни бошқараётган раҳбар ходим бўлса-да, «янгичадан ҳам, эскичадан ҳам хабардор, «рўзи машҳар»ни ҳам эслаб туради»². Шу сабаб гарчи тилида бошқача гапирса-да, дилида миллий тарихимизни яхши билгани учун миллий тарихимизга оид муносабатда мустақил фикрларга эга, кўпгина тарихий воқеа-ҳодисаларга муносабатда мустақил қарашлари мавжуд шахс. Қолаверса, гарчи тарихчи бўлса-да, ўзбек мумтоз шеърятининг, айниқса, Машраб ижодининг шайдоси. Чунки унинг ўзи ҳам шеърлар ёзиб туради, шу боис шоир ва журналистларни қаттиқ ҳурмат қилади.

Ёзувчи ушбу қаҳрамон ҳақида ҳолис қалам тебратадики, Тўқлибой Қўчқоров ўзи бевосита туман миқёсида партия сиёсатини астойидил, сўзсиз бажарадиган раҳбар ходим бўлишига қарамай, бироқ партия сиёсати зимдан мақулламайди. Бу даврлар бир кун келиб барҳам топишини, пичоқ суякка бориб тақалишини яхши билади. Шу боис бу соҳта сиёсатга муккасидан кетганларни устидан зимдан кулади. Чунки асар қаҳрамони «босмачи» деб бадном этилган миллий озодлик курашчиларининг тарихдаги асл ўрнини, хизматларини яхши билади ва уларни руҳан қадрлайди, бир кун келиб уларнинг пок номлари оқланишини юракдан ҳис этади.

М.Булгаковнинг «Итюррак» асаридаги Тараканов каби маънавий қашшоқ одамларнинг кирдикорларини батафсил билади, давлат ва партия олдида турган асл мақсадларни онгли тарзда тушунади, миллатга хос бўлган маънавий-диний қадриятларни атайлаб оёқости қилинаётганлигини англаб этади, айниқса бошқа миллат вақлари томонидан юрт бойликларининг таланиши, она табиатнинг топталиши, ҳатто мактаб ўқувчиларининг мурғак жуссаси ҳам оғир меҳнатда эзилиши, ногирон бўлиб қолиши каби нохуш ишлардан қалби ўртансада ўзи ҳам ижрочи ходим сифатида бу адолатсиз сиёсатнинг изчил давом этишида бевосита иштирок этаверади. Бизга маълумки, худди шундай шўро даври иллатлари туфайли икки ўт орасида қолган қаҳрамон руҳияти ва тақдирининг бадий чизгиларини Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» ва «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» каби романларида ҳам пахта яккаҳокимлиги, русларнинг мутахассис етказиб бериш баҳонасида жойлашиб олишлари ва қадимий анъаналарни ҳамда бой қадриятларимизни топташ эвазига маънавий бойликларни пойтахтга ташиш каби чизгилар атрофлича тасвирланган. Шукур Холмирзаевнинг ушбу асарлардаги қаҳрамонлар ҳам бошқа асарларидагидек асосан, тоғлик, Сурхон кишилари, уларнинг дарди-дунёси орзу-истаклари ва яшаш тарзи ҳамда шу

¹ Норматов У. Шахс жумбоғи // ЎзАС. – 2001. – 19 январь.

² Ўша манба.

юртнинг арбобларининг ўзига хос ички кечинмалари ҳамда ўзига хос тўпори ва қайсар, мард ва танги характерларга эга бўлган кишилардир. Бундай шахслар одатда онгли равишда баъзан сиёсат учун шунчаки бир қўғирчоқ, итоаткор, қарам, ҳокимиятни қули эканнини ҳам тушуниб етишган, аммо ўзлари эгарда турганини асло унута олмаганлар. Очиқроғи, унутишнинг оқибатларини ҳам билишган. «Бу дунёнинг ишларини ўйлайверсанг, жинни бўласан», – дейди у¹. Жинни бўлиб қолишдан асрайдиган йўлни ўзича айш-ишрат билан яхши яшашда деб билади. Шу сабаб у соддадил, пок қалбли, бир дунё орзулар билан юрган содиқ шогирди Ултонга хиёнат қилади. Унинг тоза, энди куртак ёзган туйғуларини, орзуларини ва йигитлик шаънини топтайди. Бир неча йиллардан буён ўзига ўйнаш бўлган маккора аёл Баҳорни унга рўпара қилиб, сахий киши сифатида дабдабали тўй ҳам қилиб беради. Кўп ўтмай ўз кирдикорларини фош этиб, тўйдан сўнг хиёнат устида қўлга тушади ва бу воқеалардан гангиб, ақлини ўнглаб улгурмаган Ултонни жиннихонага жўнатиб юборади. Юзаки қараганда, бу қўли узун арбоб қўл остидаги бир оддий ўқитувчини ўзи бош бўлиб ўйлантириб қўяди, сўнг эса унинг тақдирини шунчаки эрмак қилиб ўйнайди. Янги келин саналган Баҳорнинг тўшагида ўзи ишонган устозини, вилоят ҳокимини тасодифан кўриб қолган куёвни жиннихонадан чиқариб олиш эвазига сукут сақлаб юришга ундайди. Ҳатто отасини йўқ қилиш мумкин бўлган йўлларни ҳам унга тушунтиридилар. Унинг бундай худбинликлари ёш шоир, табиат шайдоси, инжа туйғулар эгаси бўлган содда ва самимий бир йигитнинг ҳаётини остун-устун қилиб юборади. Натижада яхши кишининг умри ҳам, истеъдоди ҳам бесамар хазон бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ултон шаҳар кўрган, зиёли ва мулоҳазали йигит эди. Шу сабаб Баҳорни учратган илк кунидан бошлаб гарчи унинг гўзаллиги, жамият ва табиат ҳақидаги дадил фикрлари, шўх ва самимий гап-сўзлари, ўзига жуда ярашиб турган хатти-ҳаракатидан қувонса-да, унга нисбатан ичида гумонлар юради.

Ўзи ишонган, ўзига яқин бўлган қизнинг атрофидагилардан у ҳақида сўраб суриштиради. Баҳорнинг ўтмиши билан қизиқади. Бироқ ҳамма келишиб олгандек, бу қиз сизга муносиб деб баҳо беришади. Ваҳоланки, бу қиз ҳақида Ултондан бошқа барча қизнинг кирдикорларидан, вилоят раҳбарининг ўйнаши эканлигидан огоҳ, лекин улар оғиз очишга ҳокимнинг ғазабидан кўрқиб ботина олмайдилар. Баҳор ва Ултоннинг муҳаббатига хайрихоҳлик қиладилар. Тўйга эса сидқидилдан ёрдамлашиб, югуруб-елиб хизмат қилишади.

Асарни ўқиш жараёнида китобхон миллий ўзликнинг топталиши, миллий кадриятларнинг поймол этилиши ва миллат қишиси эътиқодининг хўрланишига гувоҳ бўлади. Масжитларнинг бузилиши, зиёратгоҳларнинг оёқости қилиниши, ҳатто нонвойхона қуриш, чойхона очиш, тўн ва дўппи кийиш, никоҳ

¹ Холмирзаев Ш. Олабўжи. // Шарқ юлдузи. – 1996. 2-сон. – Б. 57.

ҳамда жаноза ўқитиш ҳам эскилик сарқити сифатида қаралишини, бу эса одамлар қалбига озор беришини ишонарли тасвирлайди. Шунингдек, табиатнинг топталиши, ер ости бойликларининг рус келгиндилари томонидан таланиши, жонзодларни эса аёвсиз қирилиши асарнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланади.

Бир гуруҳ амалдор ва бойваччаларнинг кирдикорлари фош этилади. Қўшиб ёзиш иллатининг сабаблари ёритилади. Бу ижтимоий воқеликнинг бадий тасвири сифатида Ултон образи зиммасига юклатилади. У тарихни асл ҳолида талқин этилиши, қатағон қилинганлар ижодининг ўрганилиши ва номларининг окланишини, Афғон урушининг асл мақсадларини фош этилишини истади. Бироқ бу истаклари сароб бўлиб, ёвузликка бир ўзи қарши курашмоқчи бўлиб хато қилади. Охир-оқибатда уни яна жиннихонага жойлаштиридилар. Ёзувчи асар сўнгида тоғда бир айиқ пайдо бўлганлигини, у гоҳида қишлоққа яқин келишини, одамлар эса ўз фарзандларини «Олабўжи» келади, деб кўрқитишини ёзади. Шу ўринда асар қаҳрамонларининг сўнги қисматларидан маълумотлар ҳам берилади. Ш.Холмирзаевнинг «Олабўжи» асарида тасвирланган баъзи деталларни кейинчалик унинг бошқа асарларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, ғор билан боғлиқ тасвирлар, у ердаги қозон, кумғонларни кўмиб белги қўйилиши ота-боболардан қолган анъанавий одат эканлиги тўғрисидаги маълумотлар «Динозавр» романида ҳам учрайди. Шунингдек, Бўтабой сўфи уйидаги оёғидан боғланган қуш, қирғийнинг ҳайкалини тирик деб ўйлаб унга бориб урилиши, қушнинг озодликка интилиши каби тасвирлар ёзувчининг «Банди бургут» ҳикоясида анча кенг тасвир этилган. Демак, Шукур Холмирзаевнинг бу романда ҳам инсон ва табиат муаммосини уйғунлаштириб тасвирланганлигини кузатиш мумкин.

Адабиётлар

1. Б. Назаров. Шукур Холмирзаев. Т.: Ўқитувчи. 1999.
2. У. Норматов. Ўзига хослик сирлари. Т: 1983.
3. Ш. Дониярова Ижодкор ва услуб. Т: 2014.
4. Р. Қўчқоров. Уч ҳикоя талқини. Т. 1986
5. Sh. ҶоImiқzayўv. «So'nggi йўkat». -Т.: «Yosh gvaқdiya», 1976.
6. Sh. ҶоImiқzayўv. «Hayot айadiy». -Т.: " Adaiiyot va san'at" nashkiyot, 1974.
7. Sh. ҶоImiқzayўv. «Tog'laқga qoқ tʻshdi». -Т.: «Yosh gvaқdiya», 1987.
8. Sh. ҶоImiқzayўv. Og'іқ tosh ko'chsa... Hikoyalақ. -Т.: «Yosh gvaқdiya», 1980.
9. Sh. ҶоImiқzayўv. Yo'llақ, yo'ldoshlaқ. -Т.: «Yosh gvaқdiya», 1984.
10. Sh. ҶоImiқzayўv. “Диназавир”, “Олабўжи”. Ёшлик. 2000.

Жабборова М., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Шарқ адабиётидаги Жамшид образи ўзбек мумтоз шеъриятида анъанавий образлардан бири сифатида яшаб келган. Лирикада машхур шахсларга ишора қилиш, диний-тарихий шахслар, афсонавий-мифологик образлардан фойдаланиш анъана тусига кирган. Муаллиф ғоявий-бадий мақсадини амалга ошириш учун ўрни билан уларга мурожаат қилади, образга хос сифатларни биргина сўз замирида бекитади, ишора қилиб ўтади. Талмеҳ санъатини ҳосил қилувчи бу каби мисралар кичик, аммо маъно юкига кўра чуқур бўлади. Анъанавий мавзу ва сюжетлар талқинида уларнинг ҳар бирининг ўзига хос ўрни, қўлланиш доираси бўлгани каби Жамшид мавзуси ҳам, асосан, шоҳлар, тазод санъатини ҳосил қилганда шоҳ ва гадо тушунчалари доирасида қўлланади. Асардаги ҳукмдорлар шоҳ Жамшидга қиёсланади, ибрат олишга даъват этилади. Ушбу жараёнда ижодкорларнинг юксак бадий маҳорати, сўздан мохирона фойдаланиш санъати туфайли анъанавий Жамшид образи ўзбек мумтоз лирикасида ҳам ўз ўрнига эга, ўзига хос тимсолга айланди.

Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшид образидан фойдаланиш масаласини қуйидагича таснифлаб олдик:

1. Шеъриятда шоҳ Жамшиднинг тарихий қиёфасидан фойдаланиш. Жамшид образи асрлар давомида шаклланиб, тараққий этиб борди. Жамшиднинг ёзма адабиётдан халқ оғзаки ижодига кўчиши, шунингдек, оғзаки ижоддан яна тарихий-бадий асарлар қаҳрамонига айланиши жараёнида образнинг подшоҳ, подачи, худо, кашфиётчи қиёфаларида намоён бўлганини кузатиш мумкин. Бироқ Жамшидга хос бўлган илк нисбат – унинг қудратли подшоҳ сифатидаги қиёфаси барча даврларда ҳам сақланиб қолди. Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшид қаҳрамонининг ана шу подшоҳлик тасвири етакчилик қилади. Муаллифлар шоҳ Жамшид қиёфасидан турли мақсадларда фойдаланган. Биринчидан, ижодкор подшоҳ Жамшид фаолиятига ишора қилиб, тарихий далил воситасида умрнинг, мол-дунёнинг ўткинчилигини уқтиради. Иккинчидан, ижодкор лирик қаҳрамон ҳолатини Жамшидга қиёслайди. Натижада воқеа ёки қаҳрамон ҳолатига ойдинлик киритилади. Учинчидан, Жамшид шоирни ижод қилишга ундайдиган, унга куч берадиган ҳомий қиёфасида намоён бўлади.

Мавлоно Лутфийнинг Шоҳруҳ Мирзога бағишланган қасидасида подшоҳ Жамшид номи муаллиф фикрларининг исботи, бадий ниятининг ўзига хос ифодалаш воситаси сифатида тилга олинган. Лутфий тожу тахтга кўнгил бермаслик лозимлигини, тарихда ўтган Жамшид, Искандар, Фаридун каби буюк шоҳларга ҳам амал курсиси вафо қилмаганини таъкидлайди. Бу ерда шоир ўз фикрини очиш учун талмеҳ санъатидан фойдаланади:

*Қани Жамшид, Искандар, доғи Маҳмуд бирла Санжар,
Ким олсалар олар андин бу кун расми жаҳонбони.*
(Лутфий, 2012: 19.)

Лутфий байтда Жамшид, Искандар, Маҳмуд каби жаҳондор подшоҳларнинг номини келтириш орқали темурий шаҳзодаларга тарихий далил билан насихат қилади; тахту тожга маҳлиё бўлмасликни, ўткинчи шон-шуҳратга ишониб қолмасликни уқтиради. Чунки “расми жаҳонбони” неча қудратли шоҳларнинг қўлига ўтгани, қанча ҳукмдорлар бу тахт учун қонлар тўккани, урушлар олиб боргани ва алал-оқибат уларнинг ҳеч бирига бу “расми жаҳонбони” садоқат кўрсатмагани анъанавий образлар мисолида тасвирланади.

Алишер Навоий байтларида бу дунё гадога ҳам, довруғи оламга таралган буюк ҳукмдорларга ҳам вафо қилмаслиги Жамшид мисолида келтирилади. Бундай мазмундаги байтлар Алишер Навоий ғазалларининг кўп ўринларида учрайди. Уларда шоир фалсафий мулоҳаза юритиш баробарида анъанавий образлардан унумли фойдаланади, фикрларини ишонарли далиллайди.

*Қани Хотам, қани Қорун, қани Жамшиду Аффридун?
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғоч.*

(Алишер Навоий, 1-жилд. 2011: 118.)

*Тутай жаҳонда Сулаймон сени ва ё Жамшид,
Не мунга жом вафо айлади, не анга, узук.*

(Алишер Навоий, 4-жилд. 2011: 336.)

Мазкур байтларда шоирнинг мушоҳадалари акс этади, тарихдан ўтган буюк ҳукмдорлар – Қорун, Хотам, Фаридун, Жамшид, Искандар ва Сулаймон ҳам ана шу бевафолик қурбони бўлишганини “довруғи етти иқлимга етган” подшоҳлар мисолида эслатиб ўтади.

*Ки, на Жам қолдию не Искандар,
Итти ул жом ила ул кўзгу ҳам.*

(Алишер Навоий, 3-жилд. 2011: 401.)

Шоирнинг кўпгина байтларида Жамшид тимсоли муаллифнинг олам ва унинг ўткинчи, муваққат эканлиги ҳақидаги мушоҳадалари учун бир восита бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоийдан кейинги давр адабиётида ҳам Жамшид образи буюк ва қудратли шоҳ қиёфасида акс этади, мазкур давр шеърлятида муаллифлар инсон бу дунёга омонат эканлигини Жамшиддек жаҳондор шоҳлар мисолида далиллайди:

*Қолмади Жамшид, Искандар, қани Афросиё?
Топмади дасти ажалдин хона обод оқибат.*

(Машраб Бобораҳим, 1990: 211.)

Машраб шеърлятида қаландарлик кайфияти – бу оламнинг инсониятни ўзига оҳанрабодек жалб этувчи бойлигидан воз кечиш, ҳеч кимга вафо қилмаган қисқа умрнинг ғанимат дамларида ўткинчи ҳавасларга берилмаслик,

дунёнинг омонатлиги тайин ва у буюк подшоҳларга ҳам вафо қилмаганлиги ишонарли далиллар орқали акс этади.

Ўзбек шоири Ҳувайдонинг бир байтида ҳам айнан шундай ифодани кузатиш мумкин:

Қани Жамшиду Жами Жам, қани Нуширавон, Хотам?

Қани золим, қани одил, қани шоҳу гадо, мулло?

(Ҳувайдо Хожаназар, 2007: 23.)

Ҳувайдо бу дунёдан рихлат қилган буюк жаҳондор, адолатпарвар ва сахий инсонларни ёдга олиб, қисмат ҳамма учун баробарлигини уқтиради.

2. Шоҳ Жамшид ва тожу тахт мадҳи. Мумтоз лирикада Жамшиднинг буюк подшоҳ мақомидаги қиёфасига мурожаат этилган байтлар ҳам мавжуд. Унда маъшуканинг остонаси, лирик қаҳрамоннинг эгаллаган мақоми Жамшид тахтидан ҳам улуғ эканлиги таъкидланади, натижада ошиқнинг ҳолати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлади. Масалан, Лутфийнинг бир байтида лирик қаҳрамон ошиқ қиёфасида намоён бўлади ва унинг учун маъшуканинг эшигидан ўзга ерда бахт йўқ, ёрнинг пой-қадами эса ошиқ учун тождир. Ошиқнинг маъшуқа пойида эришган бу давлатига ҳатто Жамшид, Фаридун каби подшоҳлар ҳам эришолмаган.

Эшикиндур бахту давлат, хоки пойинг афсарим,

Топмади Жамшиду Афридун бу қадру жоҳни.

(Лутфий., 2012: 301.)

Лутфий Жамшид образига шунчаки мурожаат қилмайди, ушбу образ воситасида фикрларини жонли, ишонарли тасвирлашга эришади. Байтда тасвирланган ошиқ гўзал ёрнинг остонасини ўзи учун макон этди, деб куруққина таърифланса, лирик қаҳрамон ёр васлидан умидвор, бечораҳол дарвешнамо ошиқ қиёфасида намоён бўлар эди.

Ўзбек шеъриятида лирик қаҳрамоннинг Жамшидга қиёсланиши, балки ундан ҳам юқори туришининг эътироф этилиши муаллифнинг қаҳрамонга муносабатини ҳам англатади:

Муҳаммад Хўжабек Жамшиди сони,

Жаҳоннинг орзуси, халқ хони.

(Хоразмий, 1987: 38.)

Хоразмий ушбу байтда Муҳаммад Хўжабекка ҳурматини изҳор қилиб, ўз ҳомийсининг халқ орзу қилган адолатпарвар ва шавкатли подшоҳ эканлигини мадҳ этади. Ҳатто, уни иккинчи Жамшид, деб атайди. Натижада Муҳаммад Хўжабек қиёфасини Жамшид тимсолига қиёслаш орқали биринчидан, унга ҳурмати баландлигини билдирса, иккинчидан, ортиқча мадҳиябозлик, баёнчиликдан қутулиб, ўз фикрини ишонарли ва лўнда етказди.

Яна шундай муносабатни Сайид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асарида ҳам кўриш мумкин. Байтда шоир шавкатли шоҳ Жамшид образидан ўртак олиш, қиёслаш ўрнида фойдаланади.

*Шаҳанишоҳи жаҳон Доройи аъзам,
Фаридун сийрату Жамшид мақдам.*

(Сайид Аҳмад, 1987: 123.)

Муаллиф темурийзода Шоҳруҳ Мирзони буюкликда Дорога, шоншавкатда Фаридунга, қадам олишини – ҳар ерга қўли етишини эса Жамшидга қиёслайди.

Шоир Сайид Қосимийнинг “Садоқатнома” асарида ҳам жаҳоннинг, тахту салтанатнинг ўткинчилиги, бу бевафо дунёга ортиқча маҳлиё бўлмаслик лозимлиги тарихий мисоллар орқали уқтирилади:

*Қани Кай Хусраву Заҳхоку Жамшид,
Жаҳондин бордилар бориси навмид.*

(Сайид Қосимий, 1987: 208.)

Муҳаммад Хоразмийнинг яна бир байтида Жамшиднинг яратувчилик сифатларига ишора қилиб, ундан ижод йўлида мадад тилайди:

*Назар бирла агар Жамсен гар Осаф,
“Муҳаббатнома” қилсанг мушарраф.*

(Хоразмий, 1987: 39.)

Байтда Жамшид буюк қудрат соҳиби сифатида тилга олинади. Муаллиф яратувчига мурожаат қилиб, “агар сен Яратувчи Жамшид бўлсанг, менга назар қил, “Муҳаббатнома”ни ёзишдек бахтга мушарраф қилгин”, деб сўрайди.

*Бўлур тийра кўзгунг, тўлар захраи жоминг
Тутайким, бўл Искандару Жамга солис.*

(Алишер Навоий, 8-жилд. 2011: 94.)

Алишер Навоий ижодида қадимги подшоҳларнинг номи кўпинча ибрат, намуна ёки мисол тариқасида эсга олинади. Юқоридаги байтда шоирнинг амални севувчи, мансабпараст кимсаларга қарата қилган панд-насихати Искандар ва Жамшид образлари мисолида уқтирилади. Шоир ўтмишнинг буюк ҳукмдорларини эслаш орқали дунёнинг ўткинчилигини; амал, бойлик, молдавлат ҳаммаси бевафо эканлигини эътироф этади. Кўзгунинг қорайиши ва жомнинг захар билан тўлиши эса рамзий тасвир бўлиб, инсоннинг ҳеч қачон мукамал Яратувчи бўла олмаслигига ишорадир.

Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”сида Жамшид гўё муаллифга шоир бўлиш учун ундаган, ёрдам берган шахс сифатида эсга олинади.

*Бу Жамшид ўлди жоним дастгири,
Ки бўлдум шеър мулкининг Амири.*

(Юсуф Амирий, 1987: 119.)

Фуркатнинг “Шуълаи шамъи рухинг моҳи мунаввардеккина” деб бошланувчи ғазалида ҳам ёр оstonаси Жамшид тахтига қиёсланади.

*Остонанг гўшаси Жамшид тахтидаккина,
Мақдаминг туфроғидир тожи Сикандардеккина.*

(Фуркат, 2009: 169.)

Жамшид тахти куёшдек нур сочиб, оламни мунаввар этгани қадимги афсоналарда мадҳ этилган. Унга кўра Жамшид тахтга чиққанда, девлар уни осмонга кўтаради. Одамлар тахтнинг кўзни қамаштирувчи нуридан ҳайратланиб, осмонда яна бир куёш пайдо бўлди, деб унга талпинишади. Байтдаги лирик қаҳрамон ҳам ёрнинг остонасига талпинади, чунки у жойдаги маъшуканинг қадамларидан сачраган тупроқ гўё Искандарнинг олтин тожи каби ярқирайди, ошиқни ўзига тортади. Муаллиф остонани тахтга қиёслаш воситасида қаҳрамоннинг руҳияти ва ҳолатини ҳам моҳирона очиб берган.

Демак, ўзбек мумтоз лирикасига шоҳ Жамшид образи ўзининг мифологик, тарихий ҳаёт йўлини босиб ўтган, муайян қиёфага эга бўлган образ сифатида кўчиб ўтган. Образга хос бўлган буюк подшоҳлик, кашфиётчилик ва ҳомийлик қирралари шеърятда муаллиф мақсадини амалга оширувчи восита сифатида қўлланилди. Натижада, назмнинг поэтик кўламини кенгайтиришга ҳисса бўлиб кўшилди. Тарихий-бадиий асарларда Жамшид образи алоҳида мустақил мавзу сифатида ёритилган бўлса, мумтоз шеърятда асосий ўринни лирик қаҳрамон эгаллади ва бу жараёнда Жамшид каби анъанавий образлар поэтик вазифани бажарувчи иккиламчи образларга айланди. Шоҳ Жамшид ва унинг жоми ўзбек лирикасида кўп мадҳ этилган анъанавий тимсол сифатида даврлар оша яшаб борди.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011
2. Лутфий. Девон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
3. Машраб Бобораҳим. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
4. Рафиддинов С. Атойининг поэтик маҳорати. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1993.
5. Сайид Аҳмад. Таашшукнома //Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
6. Сайид Қосимий “Садоқатнома” // Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
7. Фурқат. Муҳаббат йўлида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
8. Хоразмий. Муҳаббатнома //Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
9. Юсуф Амирий. Дахнома //Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
10. Ҳувайдо Хожаназар. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.

Жовлиев Ж., таянч докторант
(Ўзбекистон)

МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗ ТАДҚИҚОТИДА ШАЙХЗОДАНИНГ ЎРНИ

Атоқли ўзбек ва озар шоири, драматург, олим ва таржимон Мақсуд Шайхзоданинг мумтоз адабиётимизни тадқиқ қилишда ўз ўрни бор. Бир озар фарзандини Тошкентга адабиёт – сўз санъатимизнинг бирлиги мустаҳкам боғлади. Унинг Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланаётган қўлёзмаларини илмий-таҳлилий ўрганар эканмиз бунга амин бўламиз. Сўз санъатидан халқ фожиаси, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган миллат эстетикасини англаш муҳимдир. Мақсуд Шайхзода Озарбайжонда туғилди (1908). Уни Ўрта Осиёда шу адабиёт мўъжизаси тутиб қолди. Кейинчалик шоир ёзади: “Мумтоз ўзбек шеърятининг ички маънавий дунёси мени кўп йиллардан бери қизиқтириб келади. Башар зеҳнининг сўнмас дурдоналари бўлмиш ғазаллар ва рубоийларда, қасидаларда ва соқийномаларда оловли эхтирослар билан бирга вазмин фикрларнинг омихта бўлиб кетиши санъаткордан чинакам истеъдод билан зўр малака ва пухталикини тақозо қилар эди”¹. У ўзбек халқининг шоири, драматурги, олими, таржимони ва мураббийи бўлиб танилди ва ўзидан катта мерос қолдирди.

Шайхзода Тошкентга сургун қилинган, (1928) ўзбек тилини чуқур ўрганишга киришди. У нафқат тилни ўрганди, балки мумтоз адабиётининг етук тадқиқотчисига айланди. Шайхзода ёзади: “Ўрта Осиё заминиде адабиёт назариясининг турли тармоқлари билан шуғулланган олим ва шоирлардан Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийкус сеҳр” (“Сеҳрли боғчалар”) асари (ҶII аср) Шамс Қайси Розийнинг аруз, қофия ва илм бадиийга оид “Ал-мўъжам...” асари (XIII аср) араб тилида ёзилган “Мифтоҳул илм” (“Билим калити”) асар маънолари ва баёни фанига оид бўлиб, то XX асрнинг бошларигача мадрасаларда дарслик қаторида ўқитилиб келган. Амир Темурнинг замондоши Аламон Тафтазонийнинг Самарқандда ёзилган “Мутаввал” номли машҳур асари шеърда бадиийлик масалаларига бағишланган”². У бу фикрлардан ҳам билсак бўладикки, у жуда оз йилларда ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан ва илмидан юқори даражада хабардор бўлган. У мумтоз санъатимиздаги илмларни ҳам қуйидагича санайди: “Шундай қилиб, шарқ классик поэзиясининг ижодий ва амалий фаолиятига кўрсатма ва дастуриламал бўладиган илмлар пайдо бўлганки, буларни “Илми баён”, “Илми бадеъ”, “Илми аруз” ва “Илми қофия” деб атаганлар”.

¹ Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар/V том/Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.: 1973 й, 5 бет.

² Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар/V том/Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.: 1973 й, 5 бет.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фондида сақланаётган Шайхзода қўлёзмалари унинг ижодини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қўлёзмалар шоир вафотидан беш йил ўтиб 1972 йилда шоирнинг умр йўлдоши Сокина хонумдан атоқли ва жонкуяр олим Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан қабул қилинган. Эски ўзбек, лотин ва крилл ёзувларида ўзбек, рус, озар тилидаги қўлёзмалари билан танишар эканмиз Шайхзода ижод қўламининг янги қирраларини очиб борамиз. Жами 831 та ҳужжат билан рақамланган (Тартиб рақами ҳужжатнинг инвентарь рақамини ҳам кўрсатади) қўлёзма манбаларда Шайхзоданинг шеърлари, драмалари, ёзишмалари, публицистика ва илмий ишлари жамлаган. Қўлёзмалар билан танишар эканмиз, унинг нақадар синчков ижодкор ва нуктадон олим бўлганлигини кўришимгиз мумкин. У мумтоз адабиётимизнинг энг ёрқин шахслари Навоий, Бобур ҳақида жуда катта аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар олиб боради. Навоийшунослик бўйича ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Шайхзода Навоийга айрича меҳр қўяди ва унга “Ўзбек шеърятининг улуғ пири” дея муҳаббат кўрсатади. Айниқса, Алишер Навоийнинг илмий салоҳияти, закий ижодкор бўлгани Шайхзодани унга янада яқинлаштирган ва “ҳамсуҳбат” қилган: “Алишер Навоий ўз замонасининг энг ориф ва донишманд кишиси бўлганлиги учун, албатта, бу асарлардан хабардор бўлган ва ўзи ҳам шеърятининг назарияси, адабиёт, тарих, турк-ўзбек шеърятидаги вазнлар ва айрим шоирларнинг адабий салмоғи билан бевосита шуғулланиб турганки, “Мезонул авзон”, “Мажолисун нафоис”, “Муншоот”, “Муҳокаматул луғатайн” ҳамда “Чордевон”ига кирган иккита “Дебоча”си бу фикримизнинг яққол далили бўла олур. Навоий даврида ҳам бу масалалар адабиётчилар эътиборини ўзига тортганига порлоқ мисол қилиб, шоир Сайфи Бухорийнинг ва буюк адиб Абдурахмон Жомийнинг Алишер Навоий илтимосига кўра аруз ва қофия ҳақида рисола ёзганларини кўрсатиш мумкин”¹. Мақсуд Шайхзоданинг навоийшуносликка оид қўлёзмалари унинг архивида алоҳида ўринга эга. Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий ҳақидаги илмий мақолаларининг ўзи 20 дан ортиқ ва ўзбек ва рус тилларда ёзилган. Уларда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан ёзилган² мақола, «Устоднинг ижодхонаси да...»³, «Тирик Алишер»⁴, «Алишер Навоийнинг шоирлик маҳорати»,

¹ “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1965 йил, 7 март.

² «Испнтанное в веках», мақола. Алишер Навоий 500 йиллик юбилеи муносабати билан ёзилган. Охириги варақнинг орқа бетида шу мавзуда Мақсуд Шайхзода доклад қилганлиги ҳақида қайд бор.. Рус тилида. 1 ҳуж., 5 в./ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Адабиёт музейи, “Ўзбекистон Ёзувчилари архиви”, тартиб рақами – 445.

³ «Устоднинг ижодхонасида...», мақола. Оттиска. Навоий ижоди бўйича илмий изланишлар. «Шарқ юлдузи» журнали, 1966 йил, 7-сон. Ҳозирги ўзбек ёзувида, 1 ҳуж., 16 в, тартиб рақами – 446

⁴ «Тирик Алишер», мақола. Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган. Автограф. Й. й. Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида. 1 ҳуж., 21 в. тартиб рақами – 452.

мақолалари Шайхзоданинг Навоий лирикасидаги шеърини санъатни тадқиқ қилишга бағишланган мақоласидан парчалар, «Алишер Навоий лирикасининг асосий масалалари», «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» каби илмий мақолалар ўрин олган. Бундан ташқари музей таснифчилари томонидан (профессор С. Ҳасанов, Д. Шарафиддинова) Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий жоди бўйича тўплаган материаллари алоҳида тартибланган (480-503). Уларда олимнинг Навоий ижоди ва ҳаёти юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича йиғилган материаллар жамланган. Маълумки, Шайхзода «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва унинг очилиш приёملари ҳақида» номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва бунинг учун қанча кўп илмий изланишлар олиб борганлигини у йиққан ва бугун архивда сақланаётган материаллардан кўришимиз мумкин.

Шайхзода Навоийдан ташқари Бобур, Огаҳий, Амирий, Нодирабегим, Муқимий, Завқий, Фурқат каби мумтоз шоирлар ижодини билан жиддий ўрганган ва тадқиқотларини доимий равишда эълон қилиб борган. Унинг Бобур ҳақида ёзган ҳар бир мақоласидан унинг шоҳ ва шоир Бобур ижодини қай даражада чуқур билганлиги амин бўласиз: “Бобур Мирзо адиб ва шоир бўлиш жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихида мустасно ўрин тутади. Унинг бизга маълум асарлари: 1) “Бобурнома”, 2) Туркистон ва Афғонистонда ёзган йирик шеърлар девони; 4) Маснавий тарзида ёзилган “Музаййин” асари; 5) Убайдулла Хўжанинг “Волидия” номли тасаввуфий асарининг назм билан таржимасидир. Булардан бошқа Бобур шеър вази ҳақида “Муфассал” номли бир илмий асар ва ўзи ихтиро қилган бир алифбе тузган (“Хатти Бобурий”) бўлса ҳам бу кейингилар, бахтга қарши, ҳозирча топилгани йўқ (мақола ёзилган вақт 1940 йил) ”¹.

Шайхзода мумтоз адабиётимизнинг ҳар бир ижодкорини теран англашга ва уни таҳлил қилишга интилди. Муқимий ҳақида ёзган “Ватан гулзорининг ўтли булбули” мақоласида: “ Навоийнинг мураккаб туйғуларига бой бўлган ишқидан, Бобурнинг шоҳона умидвор севгисидан, Фузулийнинг дарвешона дардидан, Амир Умархоннинг амирона ва ихлоскор муҳаббатидан баҳралар олган Муқимий тўла маъноси билан ошиқ – шоир ва шоир – ошиқ эди”², дейди. Шайхзода ҳам ошиқ эди, адабиётнинг, ҳаётнинг ошиғи. У шунинг учун бу ўлкани севди ва шу севгисини-да бир ватан – бир адабиёт деб билди, унга ўзини сира бегона билмади.

¹ “Гулистон” журнали, 1940 йил, 1 сон.

² “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1943 йил, 20 июнь

*Жўраев И., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

ИЗЧИЛ АНЪАНАЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Ҳар бир миллат узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Унинг шаклланиши ўзига хос табиий ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечади. Жамият вакили бўлган шахснинг шаклланишига эса у мансуб бўлган миллатнинг хўжалик юмушлари, маиший турмуши, ижтимоий-маданий муҳитгина эмас, умуман, бутун ижтимоий муносабатлар мажмуаси таъсир кўрсатади. Инсон маънавий қиёфасини эса ана шу ижтимоий муносабатлар белгилайди. Бадиий асарда муайян халқ руҳини, хоҳиш-истаги, миллий менталитетини ҳаққоний ифодадай олиш даражаси эса сўз санъаткорининг кўп жиҳатдан ана шу халқ билан қай даражада руҳан яқинлиги билан белгиланади.

Адабиёт жамият ҳаётининг кўзгуси бўлиш билан бирга инсоншунослик ҳамдир. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодиса бадиий адабиётда у ёки бу даражада ўз аксини топади. Шу жумладан, оила муҳити ва муносабатлари, унда рўй бераётган жараёнлар ҳам сўз санъаткорлари томонидан бадиий тадқиқ этилади, фалсафий –эстетик хулосалар чиқарилади. Маиший турмушдаги ҳодисалар тасвири орқали шахс ва жамият муносабатлари уйғунлаштирилади. Кўп манбаларда ижтимоий инқироз оилавий-маиший таназзул, шахснинг тубанлашуви жараёнлари билан уйғун ҳолда бадиий ифодасини топади. Шу тариқа қиссадан ҳисса, тарихдан сабоқ чиқариш орқали муайян маънавий-маърифий ғоялар олға сурилади.

Ана шундай хусусият ва фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари жаҳон адабиётининг нодир обидаларидан биридир. Қаҳрамонлик эпоси бўлган мазкур асар ўнлаб мустақил дostonлардан ташкил топган. Унда етакчи жанр бўлган қаҳрамонлик дostonлари билан бирга ишқий-романтик лавҳалар, ахлоқий-таълимий ўринлар, панд-насихатлар, лирик шеърлар ва бошқалар бор. Дostonларнинг ҳар бири мустақил сюжет ва композицияга эга. Лекин шунга қарамай, “Шоҳнома” бутун бир сюжетли, мужассам композицияли асардир. “Шоҳнома”даги эзгу кучлар билан ёвузлик тимсоллари ўртасидаги кураш тасвири, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғоялари Рустам каби паҳлавонларнинг ҳаёти ва кураш йўли ифодасида ягона сюжет ҳамда яхлит композицияга бирлашади.

Абулқосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома ” асарида ўнлаб тарихий шахслар, ҳукмдорлар ҳақида ўз даври тарихнавислиги усулида маълумотлар берган ва уларни адабий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаган. Бу тарихий шахсларнинг кўпчилиги ўзларининг қайсидир хусусиятлари, ижтимоий-

сиёсий воқеликдаги ўрни, инсоният олдидаги хизматлари туфайли афсонавий қиёфа касб этганлар. Бундай афсона ва ривоятлар ҳанузгача халқ ўртасида маълум ва машҳур бўлиб келаётир.

Фирдавсийдан кейин яшаб ўтган кўплаб Шарқ халқларига мансуб сўз санъаткорлари ана шундай тарихий ҳамда афсонавий шахслар мисолида ўзларининг лирик кечинмалари, воқеликка муносабати, ғоявий-фалсафий қарашлари ифодасида ҳам кенг фойдаланганлар. “Шоҳнома”даги ҳар бир тарихий шахс ёки адабий қаҳрамон жамият ҳаётида чуқур из қолдириш билан бирга, шахсий ҳаёти, маиший турмушидаги ўзига хос хатти-ҳаракатлари, ижобий ёхуд салбий фазилатлари, нуқсонлари билан ўқувчи ёдида қолади.

Тарихга оид афсона ва ривоятларда сеҳрли узук воситасида девларни ўзига бўйсундирган Сулаймон, жаҳонни кўзгудек кўрсатиб турадиган жом соҳиби Жамшид ҳақида сўз боради. Халқ орасидаги ана шундай тасаввур ва тушунчалардан унумли ижодий фойдаланган Алишер Навоий уларнинг қисмати орқали умр ўткинчилигини, дунё бевафолигини таъкидлайди:

***Тутай жаҳонда Сулаймон сени ва ё Жамшид,
Не мунга жом вафо айлади, не анга узук.*** х3. 231]

Умр елдек ўтиб кетаверади. Аммо боғбондан боғ, яхшидан ном қолади. Шунинг учун ҳам Навоий қисқагина умрида мол-дунё йиғиш, ҳою ҳавасларга берилиш устидан қуйидаги талмеҳли байтида бадий-фалсафий ҳукм чиқаради:

***Скандар кўзгусию жоми Жам ичра кўр, эй шахким,
Сени гўр оғзига тортар каманди сайд Баҳроми.*** х3. 630]

Абулқосим Фирдавсий ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма деган мазмунни қуйидагича баён этган:

***Марон чиз, к-онат наояд писанд,
Макун ҳеч касро бадон дардманд.***

(Мазмуни: Нимаки ўзинга маъқул бўлмаган экан, у билан бошқаларни ҳам дардманд қилма).

Кўринадик, улуғ Фирдавсий тарихий шахслар ҳаёти ҳамда ўтмиш воқеа-ҳодисаларидан келиб чиқадиган хулосаларни ҳам ўзининг маънавий-ахлоқий ғоялари ифодасига йўналтирган. Натижада тарих сабоқлари келажак авлодни огоҳликка даъват этувчи ўзига хос эстетик ҳамда тарбиявий воситага айланган. Мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳам шеърларидан бирида ана шу мазмунни қуйидагича ифодалаган:

***Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.*** х 2.230]

ЯХни, шоир айтмоқчиманки, бу оламда амал, мартаба ўткинчидир, яхши ном эса боқийдир. Шундоқ бўлгач, ўзингни катта ишларга қодир билсанг, элнинг оғирини енгил қил, мақсадга етишишига кўмаклаш.

Минг афсуски, ҳаётда буларга амал қилмаган фарзандлар ҳам учрайди. Навоий баъзи фарзандлардаги ноқобилликларнинг илдизи нотўғри тарбия,

покликка ва тўғрилиқка асосланмаган оилавий ҳамда ижтимоий муҳитда эканлигини кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам, бундай камчиликлар мавжуд муҳитда ўсган болаларда худбинлик, мол-мулк ҳамда мансабга ўчлик, ўзини бошқалардан устун қўйиш ва шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик сингари салбий хусусиятлар шаклланади. Натижада, бундай фарзандлар бошқаларгагина эмас, ҳатто ўз ота-онасига нисбатан ҳам ёмонлик қилишдан қайтмайдиган бўлишади. Навоий бунга далиллар ҳам келтиради. Масалан, шундай ёмон феъл-атвори учун Шеруя отаси Хисравни, Абдуллатиф отаси Мирзо Улуғбекни ҳатто ҳалок қилиш даражасига етди. Гарчи Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Хисравни Фарҳодга қарама-қарши қўйиб, унинг ножўя ҳаракатларини қаттиқ қоралаб тасвирлаган бўлса-да, бироқ унинг ўз ўғли Шеруя томонидан ўлдирилишини маъқулламайди. Шу сабабли ҳам Навоийнинг тарихий воқелик асосида маънавий тарбияга катта эътибор бериши бежиз эмас эди.

Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида Хисрав ва Шеруя ҳақидаги маълумотлар, улар ўртасидаги муносабатларнинг падаркушликкача етиб борганлиги қуйидагича ифодаланган: ”Хисравнинг Шириндек маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек хусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди. Ва фақир барча муаррихлар нақизи тарафидин икки сўз топибменким, анга даст бердики, ҳеч кишига даст бермади, ўткон борчадин куллийракдур. Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақибни бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хисравдек подшоҳ кўнгли Фарҳодқа майл қилиб, илтифот ва тарахҳумлар зоҳир қилди. Ва ани билиб Хисрав рашқдин макр билла Фарҳод қатлига боис бўлдики, андин машҳуррокдурким, битмак ҳожат бўлғай... “ х3. 235]

Бу воқеа-ҳодисалар “Тарихи мулуки Ажам”дан олдинроқ яратилган “Хамса”нинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам батафсил ифодасини топган. Хисравнинг ўз ўғли Шеруя кўлида ҳалок бўлишини шоир давроннинг Фарҳод қони учун интиқом олиши сифатида бадий талқин этади:

*...Ўғул қатл этгали оҳанг қилди,
Ато қонига тигин ранг қилди.
Ўғул қилмади онинг қасди жони
Ки, даврон истади Фарҳод қони.
Агар Фарҳодга зулм этти Хисрав,
Иваз бот айлади чархи сабукрав. х2.320]*

“Фарҳод ва Ширин” достонида Алишер Навоий Шеруянинг падаркуш сифатидагина эмас, маънавий тубан, худбин кимса эканлигини ҳам намойиш этмоқ учун ижодий тахайюлга эрк беради ва унинг тилидан Ширинга қилинган “дил изҳори” таркибида қуйидаги мисраларни келтиради:

*...Манга андоқки ул ўт солди партав,
Не Фарҳод ул сифат куйди, не Хисрав.*

*Далил истар эсанг, даъво сурубмен,
Ки ишқингда атомни ўлтурубмен... ҳ1.321]*

“Тарихи мулуки Ажам” асарида ҳам ота-бола муносабатлари, ошиқлик можаролари, шаҳвоний нафс бандаларининг қилмишлари ҳақида Хисрав-Шеруя-Ширин воқеаларини эсга солувчи лавҳалар учрайди. Бу тарихий воқеа-ҳодисалар гарчи мазмунан бошқачароқ бўлса-да, моҳиятан Навоийнинг ўз дostonларида тарихий воқеликка яқин келганлигини кўрсатувчи мисол бўла олади. Эроннинг сўнгги аёл ҳукмдорларидан бўлган Озармидўхт ҳақида ҳикоя қилар экан, муаллиф унинг ҳуснда тенгсиз, қатъиятли ва тадбиркор бўлганлигини таъкидлайди. Бу соҳибжамол қиз мамлакатни вазирларсиз, ўз дастур ва тадбирлари билан бошқаради. Парвиз даврида сипаҳсолор бўлган Фируз Хурмуз исмли шаҳвоний нафс қули бўлган, (“зуафоға машғуф”) кимса юзсизлик билан Озармидўхтга ошиқлик изҳор қилади. Озармидўхт ҳийла ишлатиб, уни тунда келишга таклиф қилади. У келгач, тутиб бошини кесадилар ва бошини қаср эшигига осадилар. Бу пайтда Хуросонда бўлган унинг ўғли Рустам сипоҳ тортиб келиб, Озармидўхт билан жанг қилади. Натижада Озармидўхтни асир олиб “...ҳам отаси қилғон муддаони ҳосил қилди, ҳам қониға қасос қилди.” ҳ3.235]

Юқорида айтилганидек, тарихий асарлардаги баён қилинган воқеалар назм билан ниҳояланади. Ҳикоятлар охиридаги шеър воқеалар тафсилотини ихчамлаштиради. Шеърдан англашилича, Хисрав бениҳоя мулк эгаси бўлиб, бошқа подшоҳлардан беҳисоб бойлиги, қудратли салоҳияти билан ажралиб турган. Аммо Алишер Навоий Хисравнинг бошқа жиҳатларига ҳам диққатни қаратади.

Унинг Ширин сингари маҳбубаси бор эди . Аммо фалак Фарҳод каби ундан ишқ ва муҳаббат бобида баландроқ турадиган муқобил шахсни ҳам яратди.

Хисрав, шоир айтганидек, ўзининг куч ва қудратда ортиқроқ эканидан фойдаланиб, Фарҳодни ҳалок этади. Аммо чарх яъни, бевафо дунё унинг ўлимида ҳам ўзгача йўл тутади. Ўз ўғли Шеруя томонидан қатл этилади.

Шеруяга бағишланган воқеаларда ҳам муаллиф тарихий ҳақиқатдан узоқлашмайди. Шеруя ҳам кўп ўтмай ўз ажалини топади. Бу ерда Навоий Фирдавсий “Шоҳнома” сида, Низомий Ганжавийнинг “Панж ганж” асарида башорат қилинган “Падаркуш подшоҳ бўла олмайди, бўлса ҳам олти ойдан ошмайди” иборасини ривожлантиради ва тасдиқлайди.

*Ҳануз айламай тахт узра мақом,
Юруди фалак тахта сори хиром*

мисраларида буни яққол кўришимиз мумкин. Улуғбек ва Абдуллатиф воқеалари ҳали нутилмаган, Ҳусайн Бойқаро саройида ота-ўғил ўртасидаги тож-тахт можаролари гоҳ зимдан, гоҳ ошқора олиб борилаётган бир паллада Алишер Навоий ўз асарлари орқали уларга таъсир кўрсатишга уриниши табиий эди. Шунинг учун ҳам “Тарихи мулуки Ажам”нинг Шопур бинни Шопур

тарихига бағишланган қисмида Рум қайсарининг илтимосига кўра унинг кичик ўғли номидан Румни бошқариб туриш учун Шопур томонидан Румга юборилган Ширвин тахт вориси балоғатга етгач, унга тахтни топшириши ҳақида гапирар экан, беихтиёр “Бу иш агар воқеъ бўлса ғаройибдиндур” (ростдан ҳам шундай бўлган бўлса, қойил қолиш керак), деб ёзади. х3.236]

“Шоҳнома”нинг муаллифи ўз олдига асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни қўйган. Ана шу ижобий факт Фирдавсийдаги тарихни объектив тушунишга ҳаракат қилиш тенденциясини кўрсатади. Демак, “Шоҳнома”да муаллифнинг Эрон подшоҳлари ҳақида янги материал беришидан кўра, уларнинг ижтимоий фаолиятини қандай ёритиши, қайси масалалар нуктаи назаридан талқин этиши муҳим фактдир. Фирдавсий “Шоҳнома”си фақат жанг-жадаллар баёни эмас, шахс тақдири, ҳаётий-маиший масалалар, жамият тарихи муаммоларини қамраб олгани учун ҳам кейинги даврлар Шарқ адабиётидаги изчил аъёнларга қудратли туртки бера олган.

Адабиётлар

1. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Т.: 2018
2. Алишер Навоий. Хамса. Т.: 1960.
3. Алишер Навоий. Хазойин-ул маоний. Т.: 1986
4. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. Асарлар. XV жилдлик. 14-жилд.

**Жўраев М., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

КОМЕДИЯ ЖАНРИДА АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК (“МАЙСАРАНИНГ ИШИ” ВА “УЧАР ОШИҚЛАР” КОМЕДИЯЛАРИ МИСОЛИДА)

“Бадий адабиёт ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамият тараққиёти, инсоният эстетика тафаккури билан боғлиқликда ривожланиб, ўзгариб боради. Бу ривожланиш ва ўзгаришлар эса, энг аввало, адабий турлар таркиби, бадий асарнинг мазмуний ҳамда шаклий хоссаларида ўзини намоён этади” (Саримсоқов Б., 1993: 3). Дарҳақиқат, атоқли адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг ушбу фикрлари амалий тасдиғини комедия жанрининг тараққиёт босқичлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Комедиянинг жанр сифатидаги тарихий тараққиётга назар ташлайдиган бўлсак, унда ўзига хос юксалиш, пасайиш ва ривожланиш босқиларини кузатамиз. Даставвал, “Вино худоси Дионис шарафига айтилган ашула ва ўйин билан қўшилган байрам томошалари асосида комедия келиб чиққан.” (Абдусаматов Х., 2000: 179).

“Мутахассислар аниқлашига кўра, Октябрь ўзгаришигача драматургиянинг ўттиздан ортиқ намунаси яратилди. Ҳатто шаклланиш даврига кирган бу адабий турнинг трагедия, драма, комедия каби барча жанрларида асарлар майдонга келди” (Ризаев Ш., 1997: 4).

“Андижон баҳори-99” театр санъати фестивалининг эътиборли томони шундаки, қардош Қирғизистон ва Бошқирдистон театрлари ҳам ўз спектакллари билан қатнашиб, мутахассислар ва томошабин олқишини қозонди. Бошқирд драма театри таниқли драматург Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедиясини намойиш этди” (Ўринов Э., 1999: 19).

Мазкур асар сюжет тузилиши жиҳатидан Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясига ҳар томонлама ҳамоҳанг эканлигини кузатишимиз мумкин.

Комедияда ёш оила – ўқитувчи Сария ва милиционер Апушларнинг қишлоққа кўчиб келиши ҳамда қишлоқдаги баъзи шилқим эркакларнинг гўзал Сарияга ошиқ бўлиб қолиши билан боғлиқ воқеалар кулгили тарзда акс эттирилади. Асар давомида қишлоқнинг энг сара йигитларидан сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожиғали, клуб мудир Мунирлар қишлоқ аёлларидан кўра гўзал, хушмуомала бўлган Сарияга ёқиш учун хушомадлар, ҳар хил ҳаракатлар қиладилар. Шилқим ошиқларнинг таъзирини бериб қўйиш учун Сария уларни ҳар хил вақтда уйига таклиф этади.

Эрларининг ўзгариб қолганликлари аёлларни безовта қилади. Хания, Таиба ва Шарифалар дарё бўйида йиғилишиб ҳасратлашади.

Ошиқлар таклиф қилинган вақтда оғзи қулоғида, совға-салом билан кириб келишади. Сарияхоним уларни ноз-карашмалар билан кутиб олади, илтифот кўрсатади, совғаларини қабул қилиб олади, ниятимга етдим деганда ҳар сафар эшик тақиллаб қолади ва уларни бирини шкафга, бирини сандиққа, бирини эса сўри тагига яширади. Эри Апуш воқеадан хабардор бўлсада, милиция кийимида милтиқ билан кириб келиб, уйда кимдир бор шекилли деб хотинига ўшқириб кетади. Сария кўрққандай бўлиб, ошиқларни жойларидан чиқаради. Апуш уларни қўлига кишан солиб, сўри атрофига боғлаб қўяди.

Эр-хотин бориб ошиқларнинг хотинларини олиб келади ва уларни тавбаларига таянтиради. Сария олган совғаларини хотинларига қайтариб беради ва шу йўсинда асар яхшилик билан якун топади.

“Қувноқ, юмористик руҳ билан суғорилган ушбу сахна асари юксак ижро маҳорати, мусиқийлиги, ёрқин сахна безаклари билан томошабинни ўзига тортади.

Шу билан бирга, спектаклнинг бир оз эътирозга молик бўлган жойлари ҳам йўқ эмас. Масалан, аёлларнинг дарё бўйидаги зиёфати, эркакларнинг Сария уйидаги ҳолатлари ихчамлаштирилса, асар яна ҳам томошабоп бўлар эди.

И.Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедияси Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” асарини эалатади, бироқ ўзгача ечимга эгалиги билан ажралиб туради” (Ўринов Э., 1999: 19).

Анъана ва новаторлик бадиий ижоддаги маҳорат ҳамда замонавийлик тушунчаларини ўз ичига оладиган муҳим назарий категория саналади. Ҳар доим бирор давр адабиёти ва санъати ҳақида жиддий мунозара бошланганда анъанавийлик ва новаторлик масаласи албатта асосий мавзулардан бирига айланади.

“Жаҳон адабиётшунослигида анъанавийлик ва новаторлик бадиий ижод ва эстетик тафаккур ривожининг объектив қонунияти сифатида ўрганилади. Буюк шоир ва мутафаккирнинг эпик анъаналари, ғоявий-эстетик қарашлари нафақат адибларнинг етук асарлари яратилишида, балки уларнинг ижодий маслак-эътиқоди ва дунёқараши шаклланиши, бадиий маҳорати, тил ва услубининг бойишидаги улкан таъсири масалалари ҳам кенг ўрганилиши жамият маънавий ҳаёти учун ҳам зарурий эҳтиёждир” (Қосимов У., 2000: 6).

Бадиий ижод аҳли қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ва ундан кейинги замонларда ҳам ўз салафларининг анъаналаридан нималарни давом эттириш кераклиги, янгилик учун кураш қандай изланишлар йўлидан бормоғи лозимлиги устида баҳс олиб боришган. Яшашга, давом эттиришга лойиқ ёрқин анъаналарнинг илдизлари жуда қадим замонлардан ўтиб келади. Улар ҳамма вақт ялт этиб кўзга ташланадиган яхлит ҳолда эмас, балки узилмайдиган занжирнинг баъзан сезилар-сезилмас, баъзан аниқроқ, кўриниб турадиган халқлари тарзида авлоддан авлодга ўтиб боради.

Худди шу маънода “Майсаранинг иши” ҳамда “Учар ошиқлар” комедияларини анъанавийлик ва новаторликнинг ўзига хос ижодий намунаси дейишимиз мумкин.

Мазкур икки асарда ҳам ахлоқсизлик, яъни ўзганинг жуфти ҳалолога ёмон кўз билан қараш, ўз нафсини қондириш йўлида ҳар қандай ифлосликларни қилишга тайёр бўлган салбий маънодаги “ошиқлар” кулги остига олинган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” комедиясида Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхон каби нафс қулига айланган, ахлоқан бузуқ кимсалар Чўпоннинг жуфти ҳалоли бўлган Ойхонга ошиқу беқарор бўлиб қолишган бўлса, бошқирд драматурги Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедиясида эса милиционер Апушнинг хотини Сарияга қишлоқнинг олди йигитлари сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожиғали, клуб мудир Мунирлар ошиқ бўлишади.

“Майсаранинг иши” комедиясида Ойхон билан Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхонларнинг “висол онлари”ни Майсара ташкил қилишга ҳаракат қилган бўлса, “Учар ошиқлар” комедиясида эса бу вазифани Сариянинг ўзи Шамай, Ҳожиғали, Мунирларнинг турмуш ўртоқлари билан келишган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилади. “Конфликт деганда бадиий асар персонажларининг ўзаро қарашлари, қаҳрамоннинг ўз муҳити билан зиддиятлари, шунингдек, унинг руҳиятида кечувчи қарама-қаршиликлар тушунилади. Бадиий асар

воқеликни бадий акс эттиргани ва унинг марказида инсон образи тургани учун ҳам инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликтларнинг бари унда бадий аксини топади” (Қуронов Д., 2004: 109).

Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” асарида “ошиқ йигитлар” Шамай, Ҳожиғали ҳамда Мунир ниятимга етдим деганда ҳар сафар эшик тақиллаб қолади ва Сария уларни бирини шкафга, бирини сандиққа, бирини эса сўри тагига яширган бўлса, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” комедиясида ҳам ҳар сафар бирор ошиқнинг энди кириб келган чоғида эшик тақиллаб қолаверади ва шундан сўнг Майсара бошчилигида “учала ошиқ” ҳам бири эшакка, бири хўкизга ўхшатиб боғланган бўлса, яна бири эса бешикка беланганлигига гувоҳ бўламиз.

Иккала комедияда ҳам нафс қулига айланган ошиқларни фош этиш саҳнаси олдиндан ўқувчи-томошабинга ошкор қилинади. Мисол учун, “Майсаранинг иши”да Майсара ўз режаларини Ойхон ва Нодирага олдиндан айтган бўлса, “Учар ошиқлар”да эса Сария сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожиғали, клуб мудир Мунирларнинг турмуш ўртоқлари билан дарё бўйидаги зиёфатда ошиқ йигитларнинг кирдикорлари, яъни жуфти ҳалолларига бўлган хиёнатларини фош этишни олдиндан келишиб олишганлиги томошабинга ошкор этилади.

“Майсаранинг иши” ҳамда “Учар ошиқлар”даги яна бир муштарак жиҳат уч ошиқ ва бир маъшуқа образларининг гавдалантирилганлигидир. Мисол тариқасида, “Майсаранинг иши”да Ойхоннинг висолига етишиш йўлида Қози, Мулла Рўзи ҳамда Ҳидоятхонлар ҳаракат қилишган бўлишса, “Учар ошиқлар”да эса сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожиғали, клуб мудир Мунирлар Сариянинг ишқида ҳар қандай ишга тайёр эканликларига гувоҳ бўламиз.

“Майсаранинг иши” комедиясида дин пешволарининг ахлоқан бузуқликлари кулги остига олинган бўлса, “Учар ошиқлар”да эса қишлоқнинг энг сара йигитлари, ўзига тўқ бўлган инсонлар, бири сотувчи, бири бизнесмен, бири клуб мудир бўла туриб қишлоққа янги кўчиб келган, бировнинг турмуш ўртоғи бўлган Сарияга ошиқ бўлиш ҳолатлари ва бу йўлда ҳар қандай қинғирликларга тайёр эканликлари комик планда тасвир этилади.

Умуман олганда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” комедияси ХХ аср биринчи чорагида яратилган бўлса, бошқирд драматурги Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедияси эса ХХ асрнинг охириги чорагида яратилган. Агарда бу иккала асарнинг яратилган даврларига эътибор қаратсак шу нарса аён бўладики бошқирд адиби Илшат Юмағулов ўзи билиб билмай ўзбек драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан ижодий таъсирланган ёки сюжет линияларини шакллантиришда айнан Ҳамзанинг сюжетида фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу каби ижодий алоқаларни дунё адабиётидан яна келтиришимиз мумкин. Лекин биз учун аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзбек адабиётида комедия жанр сифатида бошқа адабий жанрларга

нисбатан кейинроқ шаклланган бўлсада, бошқа миллат адиблари учун ижодий маҳорат мактаби вазифасини ўтаётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Адабиётлар

1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси.-Т: Адабиёт ва санъат. 2000 йил
2. Гегел Ҳ Эстетика. В 4-х томах. Т.3.-М: Искусство. 1971 год
3. Ризаев Ш. Жаид драмаси.-Т: Шарқ. 1997 йил
4. Саримсоқов Б. Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар.//Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1993 йил 6-сон
5. Ўринов Э. “Учар ошиқлар”.// Театр журнали 1999 йил 3-сон
6. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати.-Т: 2020 йил
7. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш.-Т: Халқ мероси. 2004 йил

*Жўраева Н., ўқитувчи
(Тожикистон)*

ҲОТИФИЙНИНГ НАВОЙГА БАҒИШЛАНГАН МАДҲИЯСИДА КОМИЛ ИНСОН ТАСВИРИ

Абдулло Ҳотифий (1454-1521) машҳур лирик ва эпик шоирдир. У Хирот адабий муҳитида камолга етган. Улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий ва буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий унинг устозлари эди.

Ҳотифий хамсачиликдаги Жомий ва Навоий анъаналарини давом эттириб, «Хамса» яратган. Унинг «Хамса»си «Лайли ва Мажнун», «Ширин ва Хусрав», «Ҳафт манзар», «Темурнома», «Футуҳоти шоҳий» ёки «Шоҳнома» дostonларидан иборат.

Ҳотифий «Хамса»сидаги «Лайли ва Мажнун» унинг энг мукамал дostonларидан биридир. Бу дoston Алишер Навоийга бағишланган. Буни Ҳотифийнинг замондоши Хондамир ҳам таъкидлайди (1,56). Дoston мукаддимасида «Дар таърифи Мир Алишер» («Мир Алишер таърифида») сарлавҳали махсус боб борки, у ҳам Ҳотифий асарининг Навоийга, яъни ўз идеалидаги комил инсонга бағишланганлигини тасдиқлайди (2,26-27).

Ҳотифий дostonининг Навоийга бағишланиши ва унда улуғ ўзбек шоири алоҳида бобда мадҳ этилиши бежиз эмас эди. Чунки Ҳотифий Навоийнинг энг яқин ва истеъдодли шогирдларидан бири эди. Шу сабабли Навоий шогирди камолоти учун жуда кўп меҳнат қилиш, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган эди.

Ҳотифий мадҳиянинг дастлабки мисраларида Навоийни комил инсон сифатида улуғлаб, ўқувчини у билан таништиради:

Эй, тўтии нотиқи сухангўй,
Чун оина менамоядат рўй.
Бардор ба мадҳаш аз забон банд,
Аз оина дар ҳичоб то чанд.
Оина мағў, ки меҳри афлок
Бар даргоҳи ў якест бо хок.
Моникалами Кубодшамшер,
Яъне, ки Низомиддин Алишер (2,26).

(Эй моҳир нотик, ширинсўз тўти, юзинг оина каби ёрқин кўринади. Оинадан пардаларни кўтарган сингари, унинг (Навоийнинг) мадҳига тилингни очгин. Оина дема, фалакдаги қуёш унинг даргоҳида тупроқ билан тенгдир. Унинг қалами Моний (буюк рассом, олим ва пайғамбар) қаламидек (буюк асарлар яратувчи, уларнинг таъсирчанлиги) Кубод (Эроннинг машҳур сосоний подшоси)нинг ўткир шамширидек бўлган (буюк сўз устасидирки), унинг номи Низомиддин Алишердир).

Ҳотифий фикрини давом эттириб, Навоийнинг юксак мавқеи ва буюк олижаноб фазилатларини бирма-бир тилга олади:

Хуршеди сипехри неқхоҳй,
Ҳамсои сои илоҳй.
Бунёди нуҳ бинои шоҳон,
Авранг даҳ чаҳон паноҳон.
Ғаввоси муҳити нуктадонй,
Саррофи чавоҳири маонй(2,26).

(Ҳаммага) яхшилик истовчи фалак қуёши, Аллоҳнинг ердаги сои (подшоҳ Хусайн Бойқаро) унинг кўшнисидир. У подшоҳларнинг тўққиз қаватли (мустаҳкам, осмонўпар) биноти қурувчи, дунёга паноҳ бўлувчиларнинг ўн (пояли) тахтидир. Нуктадонлар (буюк шоирлар) муҳитининг етук дур терувчиси ва маъно гавҳарлари (юксак асарлар)нинг яратувчисидир. У (барча) донолар ақлининг умумлашмаси ва улуғ мартабалиларнинг мукамал дебодасидир. У адолат мулкининг нури меъмори ва танбаллик хонасини бузувчисидир).

Ҳотифий Навоийнинг дин ривожи, халқ манфаати йўлидаги ишларида ўз манфаати бўлмаганини, барча ишлари поклик ва комилликка қаратилганини мамнуният билан таъкидлайди:

Бо хотами Чам нагашга побаст,
Дар хотами анбиё зада даст.
Аз доираи фано бувад шод
В-аз зиннати гардболаш озод.
Аз фарқ фиканда афсари зар,
Бар хишти ниёз мениҳад сар(2,26).

(У Жамшид (афсонавий подшоҳнинг сеҳрли узугига боғланиб қолмаган. (Балки) набилар хотами (Муҳаммад пайғамбар)га ўзини боғлаган. У ўзлигини

йўқ қилганидан шод ва ўзини зийнатга ўрашдан озоддир. Ўз кадрини ерга уриб, бошини ғиштга қўйиб ётади. Кўзи қимматбаҳо дурга тушмаслиги учун дийдасини ёшга тўлдириб юради. Икки пок кўзидан оққан ёшларга динининг дарахти кўкариб туради, Шароб ичмасликка бел боғлагандан буён ҳеч кимнинг кўзи маст кўзлиллар (гўзаллар)дан бошқага тушмади. Унинг замонида жабр қилувчи фақат ёрнинг ғамзаси бўлиб қолди, холос).

Ҳотифий Навоийнинг шеърятдаги юксак маҳоратини таърифлаш жараёнида уни энг буюк шоирлар билан қиёслайди. Қиёсда у улуг араб шоири Ҳассон ибн Собит (VII аср), улуг форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий (934-1021), улуг озарбайжон шоири Хоқоний Ширвоний (1120-1198) ва улуг ҳинд шоири Амир Хусрав Деҳлавий (1253-1325)ларни тилга олади. Бу бежиз эмас эди. Чунки улар лирик шеърят ва дostonнависликда ниҳоятда юксак даражага кўтарилган устоз шоирлар эди.

Мадҳни охирида Ҳотифий ўзига мурожаат эгиб, қўлидан келгунча Навоийни таърифлашга чорлайди. Бу фикрдан Ҳотифийнинг Навоийдан миннатдорлиги, унинг камолотида устозининг хизматлари беқиёс бўлганлиги сезилади. Ҳотифий фикрини давом эттириб, Навоийни таърифлаш осон иш эмаслигини ва ҳатто унинг бунга муҳтожлиги ҳам йўқлигини таъкидлайдики, бу муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шу фикри билан ҳам Ҳотифий яна бир марта Навоий сиймосида ўз мужассамини топган юксак даражадаги камтарлик, хоксорлик ва буюк инсонийликни махсус таъкидлайди:

Эй Ҳотифӣ, аз ту худ чӣ ояд,
К-он шони рафеъро бишояд?
Не дархури васфи ў баёне,
Не лоиқи мадҳи ў забоне.
Он кас, ки ба чарх медиҳад тоҷ,
Бо як-ду ҳазаф кучост мўҳточ (2,27).

(Эй Ҳотифий, қўлингдан қанчалик келса, бу улуг зотни васф этгин. (Аслида) унинг васфини баён этиш осон иш эмас, (зеро) бирор тилнинг таърифи унга лойиқ бўла олмайди. (Чунки) оламга тож бўлган у киши бир-иккита ўзгартирилиб айтилган таърифли сўзга муҳтож эмасдир).

Ҳотифий мадҳияси Навоийнинг буюк истеъдоди ва юксак инсоний фазилатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Навоий замондошлари хотирасида. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
2. Хондамир. Макорим улахлоқ. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
3. Шодиев Э. Навоий ва ёш тожик адиблари. - Ленинобод, 1969.
4. Ҳотифӣ А. Лайли ва Мачнун.- Душанбе: Ирфон, 1967.

Иргашева Ш., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ НОЁБ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

Бадиий таржима - бу санъат бўлиб, ҳарфма ҳарф таржимага мос келмайдиган ижодкорлик ҳисобланади. Таржимонлар бадиий таржимани ушбу касбдаги энг қийинларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Бадиий таржимани биз ишбилармонлик музокаралари таржимаси, оғзаки (синхрон) таржимага ўхшаб тезкор реакцияларни талаб қилиб ва аниқ сўзлар талаб қилмайдиган таржима билан таққослай олмаймиз, чунки расмий иборалар бошқа шахс кутган маълумотни бериши шартлиги аммо уйғунликнинг йўқлигини кечириш мумкин. Ҳар қандай тилнинг бадиий таржимаси шу тарзда амалга оширилиши керак, шунда ҳикоя муҳити, муаллиф услуби тўлиқ сақланиб қолади. Матнни ўқийдиган, қизиқарли қила олиш, ўзига хос услубни сақлаб қолиш ва ёзувчининг ғоясини етказиш бу ишни қабул қилган таржимоннинг совғаси ҳисобланади. Таржимон эса бутун ҳаёти давомида бадиий таржима назарияси ва амалиётини ўзлаштириши керак.

Биринчидан, бу таржимада сўзма-сўзликнинг тўлиқ етишмаслиги. Ушбу турдаги таржима уни сўзма-сўз таржимани бажариш учун мўлжалланмаган. Шунинг учун ҳам бадиий таржима олимлар ва таржимонлар ўртасида келишмовчиликлар мавзуси ҳисобланади.

Иккинчидан, афоризмлар ва ибораларни таржима қилишдир. Бу масала бир қарашда мураккаб даражада эмасдан туюлиши мумкин, лекин бунинг учун катта сўз бойлиги ва махсус ихтисослашган луғат мавжуд бўлиши керак.

Учинчидан, бу сўз ва ҳазил ўйини ҳисобланади. Бадиий таржимадаги энг қизиқарли дақиқалардан бири бу таржима қилинган матннинг кулги ёки киноя билан боғлиқлиги. Ушбу ўйинни муаллиф назарда тутган сўзлар асосида сақлаш учун махсус маҳоратга эга бўлиш керак.

Тўртинчидан, бу услуб, маданият ва даврларнинг уйғунлиги. Бадиий матнларнинг таржимони қайсидир маънода тадқиқотчи бўлиши керак. Агар сиз унинг хусусиятлари билан таниш бўлмасангиз, бошқа давр, бошқа маданият матнини таржима қилиш қийин бўлади. Шу ердан биз таржимон истеъдодли бўлиши кераклигига амин бўламиз. Агар сиз истеъдодли таржимон бўлмасангиз, сиз ҳеч қачон уста бўлмайсиз ва асарларингиз завқ ва шавқ билан ўқилмайди.

Бадиий таржима бошқа тоифалардан тубдан фарқ қилади. Чунки бадиий таржиманинг асосий принципи шеърини коммуникатив функция устунлигидир. Демак, ўқувчига маълумот беришдан ташқари, бадиий таржима ҳам эстетик вазифаларни бажаради. Муайян адабий асарда яратилган бадиий образ (хоҳ у образ ёки табиат образи бўлсин) ўқувчига таъсир қилади. Шу сабабли бадиий таржимон матннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Ушбу

турдаги таржимани, масалан, инфор­ма­цион турдаги матнлардан фарқ қиладиган нарса - бу матннинг шеърий йўналишига тааллуқли. Чет тилидан таржима қилинган ҳикоя, шеър ёки бошқа бирон бир адабий асарни ўқиётганда биз матннинг ўзи унинг маъноси, ҳиссиётлари ва характерлари билан идрок эта­миз. Таржиманинг асосий мақса­ди­га эришиш - ўқувчи учун маълум бир тас­вирни яратиш жуда қийин ва­зи­фа ҳисобланади. Шу сабабли, бадий тар­жи­ма меъёр қоидалардан баъзи бир оғишларни ўз ичига олиши мумкин. Сўзма-сўз тар­жи­ма адабий асарнинг чуқурлиги ва маъносини акс эттира олмайди. Бадий тар­жи­мон асл матнни сўзма-сўз так­ро­р­ла­шни қайта ишлайди. Ҳамма нарса тар­жи­мон уни қандай қабул қилиши билан боғлиқ. У матнни бошидан охиригача қайта ёзади. Масалан, аниқ ифодани синонимлар билан ал­ма­шти­рган­да ёки жумлалар тар­ки­би ўз­гар­ган­да қўл­ла­ни­ла­ди.

Бадий тар­жи­ма нима деган саволга жавобан шуни таъкидлаш керакки, ушбу тар­жи­ма усули ижодий ёндашув ва тар­жи­ма ма­ҳо­ра­тини талаб қи­ла­ди. На­ти­жа­да, бу усул фанда жуда кўп тор­ти­шув­лар­га сабаб бўлади. Тар­жи­ма­да­ги энг кенг тарқалган қийинчиликлардан бири манба ва мақсад тилларнинг турли ма­да­ния­т­лар­га мансублигидир. Масалан, араб тилида ёзилган асарлар Қуръондан олинган муқаддас матнларга тўла ва уларнинг тар­жи­ма­си ва маъносини бошқа дин вакиллари тушуниши қийин бўлиши мумкин.

Яна бир қийинчилик дунёдаги маълум бир миллат ёки ҳудудга тегишли анъаналарни тавсифловчи матнни тар­жи­ма қилишдир. Бундан ташқари, маълум бир миллат ёки ҳудудга тегишли бўлган сўзлар ёки атамалар бошқа тилда эк­ви­валенти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тар­жи­мон ушбу сўзларни бел­ги­ла­ши керак. Кўриб турганингиздек, икки тилнинг синтактик усуллари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Сўзма-сўз тар­жи­ма қилишда тилнинг синтактик нормалари бузилади ва бу хаёлни талаб қи­ла­ди. На­ти­жа­да, манба ва тар­жи­ма қилинган матнларнинг қийматлари баъзан бир-биридан фарқ қи­ла­ди. Муаллифнинг тили ва мақсади аниқланган, аммо ифода этиш усули ўр­га­ни­лаётган тилга бегона. Тар­жи­мон муаллиф ва пер­со­на­ж­лар­нинг ҳис­туйғу­ла­ри ва ҳиссиётларини зарур адабий услублардан фойдаланган ҳолда ет­кази­ши керак. Бадий тар­жи­ма матнларини тахрирлаш учун куйидаги усуллардан фойдаланилади:

Эпитезалар таърифланган сўз ва унинг тузилиши ва семантик хусусиятлари бўйича ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда тар­жи­ма қилинади;
Таққослашлар матннинг услубий хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда тар­жи­ма қилинади;

Метафора белгиларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда семантик тар­жи­ма қилинади;

Неологизмлар асл маъносини сақлаб, янги замонавий сўзлар ёрдамида тар­жи­ма қилинади;

Киноя сўзларни таққослаш билан тар­жи­ма қилинади;

Топология ва атоқли отлар - жой ва инсон номлари ўқувчиларни ҳайратга солиш учун бир хил маънода тар­жи­ма қилинади.

Бадий таржима катта маҳорат талаб қилади. Зўр бажарилган иш кўпинча таржимонни машҳур қилади. Бадий таржима усталарининг гилдияси йилнинг энг яхши таржимонларини аниқлайди.

Адабий асарни таржима қилиш жиддий муаммо яратади. Таржимон қандайдир маънода асл нусханинг сифати ва характерини, руҳиятини имкон қадар сақлаб, матнни мақсадли тилга кўчириши керак. Асарнинг ўзига хос хусусияти ва ритмларини, услубини, оҳангини, образлилигини ва таъкидларини, ўзига хос услуб, темп, талаблардан келиб чиққан ҳолда, бошқа тилга олиб боришнинг мураккаб вазифаси сифатида таржимондан жалб қиладиган услуб, суръат ва ритм талаб қилади. Шу ерда бир савол туғилади: асл нусхадаги ҳамма нарса таржима қилинадиган тилга ўгириладими? Таржимон маълум бир тарихий давр тили ва ибораларини қай даражада ҳурмат қилиши керак?

Бадий таржима - бу ижодий ва драматик, наср ва шеърятнинг бошқа тилларга таржимаси. Бунга қадимги тиллардан адабиётларнинг таржимаси ва кенгроқ аудиторияни жалб қилиши учун замонавий бадий адабиётларнинг таржимаси киради. Бадий таржима жуда катта аҳамиятга эга. Бу атрофимиздаги дунё ҳақидаги тушунчамизни кўп жиҳатдан шакллантиришга ёрдам беради. Мактабдаги классик таълимнинг бир қисми сифатида Гомер ва Софокли ўқиш тарих, сиёсат, фалсафа ва бошқа кўп нарсалар тўғрисида тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради. Айни пайтда, замонавий таржималарни ўқиш бошқа маданиятлар ва мамлакатлар ҳаёт тарзи ҳақида ажойиб маълумот беради. Тушунмовчилик ва чалкашликлар авж олган тезкор дунёда, маданий чегаралар бўйлаб олинган билим ва тажриба алмашиш бўйича бундай ҳаракатлар олқишланиши керак.

Бадий таржимани нима қийинлаштирмоқда? Бадий таржима бошқа таржима турларидан катта фарқ қилади. Бадий таржима билан боғлиқ бўлган жуда катта ҳажмдаги матнлар уни ажратиб туради. Шунингдек, асл асарнинг гўзаллиги ва моҳиятини йўқотмасдан, шеърни янги тилда қайта яратиш эмас. Бадий таржиманинг асосий муаммоларидан бири асл асарга содиқ қолишни мувозанатлаш зарурати билан ўзига хос хусусият яратиш билан асл нусхада бўлгани каби ҳис-туйғуларни ва жавобларни келтириб чиқаради. Шеърлар тафсилотларга ажойиб эътибор билан ёзилган, нафақат сўзлар ва иборалар, балки бўғинлар сони ва тугалланган асарнинг бутун ритми ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таржима пайтида шоир асарини қайта яратишга уриниш у ёқда турсин, фақат битта тилда бажариш қийин вазифа ҳисобланади. Урду тилидаги таржимон Фаҳмида Риаз бундай долзарб масалаларга ўз муносабатини баён қилди: “Сиз таржима қилган ҳар бир асар шахс қаламидан келиб чиқади, шунинг учун унга индивидуал муомала қилишингиз керак. Мен матнда акс этганидек, тилдан кўра, асл маданиятнинг муҳитини сақлаб қолишга ҳаракат қиламан”. Шубҳасиз, бадий таржима жуда аниқ маҳорат талаб қилади.

Адабиёт таржимаси кўплаб таржима шаклларига қараганда анча ижодий санъатдир. Масалан, фармацевтика маҳсулоти тўғрисидаги маълумотномани таржима қилишда асл нусхани сўзма-сўз талқин қилиш учун асл матнни етказиб бериш жуда муҳимдир. Бироқ, наср ва шеърнинг таржимаси учун лисоний қобилият каби ижодий ёзиш қобилияти ҳам муҳимдир.

Шундай қилиб, бадиий таржима нимани англатади деган саволга жавоб бериш мураккаб вазифадир. Ҳар қандай таржима асарида таржимоннинг маҳорати ва хусусиятлари кўрсатилиши керак. Шунинг учун таржимоннинг асосий вазифаси - бу тилда мавжуд бўлган барча кўникма ва усуллардан фойдаланган ҳолда, асарнинг мукамал таржимасини яратишга ҳаракат қилишдир.

**Исакова Р., ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР” АСАРИДАГИ ИЧКИ САРЛАВҲАЛАР ХУСУСИДА

Ўткир Ҳошимов “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асарини эллик йиллик изланиш ва кузатишлар асосида яратади. Асар ёзувчининг ҳаётини хулосалари бўлиб, уларда ёзувчининг тажрибаси, ибратли маслаҳату ўғитлари ҳам ўз ифодасини топган. Буни адибнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Азиз ўқувчим! Бу китобни ёза бошлаганимга эллик йил бўляпти. Булар – менинг кузатувларим. Ўйларим. Бир қадар армонли, бир қадар истехзоли, бир қадар табассумли хулосаларим... Аслида уларнинг ҳар бирини алоҳида асар қилса ҳам бўлардику, майли... Илтимос, Сиз ҳам китобни шошилмасдан, ўйлаб ўқисангиз...”

Тағин бир гап. Баъзи кузатувлар остига ёзилган санаси таъкидлаб қўйилган. Сабаби – улар Ватанимиз бошига оғир кулфат – “ўзбек иши”, “пахта иши” деган қатағон ёғилган кезлари ёзилган. Бу гапларни ўша пайтда эълон қилиш мушкул эди. Яратганга шукур, юртимиз Мустақилликка эришди. Шўро замонининг баъзи ҳунарларини эслаб қўйиш бугунги кунимизни кадрлашган хизмат қилади, деб ўйлайман”хҲошимов, 2008:].

“Дафтарни ҳошиясидаги битиклар” китобига кирган 200 га яқин ҳикматлари, қайдлари алоҳида маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

“Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асарида сарлавҳалар ҳам муҳим ўрин тутди. Адиб оригинал сарлавҳалар яратган.

Сарлавҳа асарнинг ҳам мазмунан, ҳам ғоявий, ҳам бадиий кўзгусидир. Сарлавҳалар ёзувчининг ижодий тафаккури, тажрибаси ва бадиий маҳорати маҳсулидир.

Сарлавҳа саҳифада яшайдиган, матн моҳиятини ифодаладиган унвон – ном сифатида ўзига хос қонуниятларга эга хАбдолимова, 2002: 173]. Бу

қонуниятлардан хабардорлик ёзувчи маҳорати, китобнинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади. Сарлавҳа ёзувчи фикрини фаҳмлаш, қимматини белгилаш билан бирга, унинг нолисоний омиллар: кайфият, туйғуга таъсир этиш, ниманидир сезиш, тасаввур қилишга ундайди.

Сарлавҳа муаллифнинг биринчи сўзи бўлиб, уни танлаш, матн мазмуни билан уйғун ҳолда бериш ҳақида гап кетганда Уларда сарлавҳанинг алоқавий-амалий моҳиятлари, лисоний-услубий табиати, тур ва вазифалари билан боғлиқ маолумотлар берилган.

Ҳар қандай сарлавҳа матн мазмуни, мақсади, таркибий қурилиши билан боғлиқ бўлиб, у матнда изоҳланиши, асосланиши, контекстда такрорланиши лозим.

Кўпинча, китобларимизда сийқаси чиққан қолип сарлавҳалар, ўхшаш сарлавҳалар, тайёр ифодаларни кузатамиз.

Сарлавҳа мазмунан ва услубан матн моҳиятига мос келиши, асарнинг ҳар бир боби ёки бўлимига мутаносиб бўлмоғи ва уйғунлиги, мувофиқлиги устида тинмай ишлаш зарур.

Ўтқир Ҳошимов ўзига хос зукколик билан “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги кичик ҳикматларга сарлавҳа танлар экан, донишмандлардек йўл тутаяди, ўқувчи диққат-эътиборини тортувчи, мазмунни мукамал ифода этувчи оригинал, қуйма номлар топа билган.

Ҳар қандай хоҳ кичик, хоҳ катта асарига мутаносиб сарлавҳалар топа билиш ҳам ёзувчининг тил, услуб ва бадиият бобида етуклиги маҳсулидир.

Ўтқир Ҳошимов асарда сарлавҳа танлашда қуйидагиларга эътибор қаратган:

- 1) қисқалик ва лўндаликка;
- 2) образлилик ва бадииятга;
- 3) мазмунан мухтасарликка;
- 4) битикларнинг мазмун кўламини аниқ ва ёрқин ифода этишга;
- 5) китобхон диққат-эътиборини тўла ва тез жалб қилишга;
- 6) тағмаънолилиқ таъмойилига, яъни “сарлавҳаларни гапиртириш”га;
- 7) айримларини мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, юмористик ва ҳажвий руҳни ифодалашга.

Ҳар қандай сарлавҳа матн мазмуни, таркибий қурилиши билан боғлиқ бўлиб, у асарда изоҳланиши, асосланиши, такрорланиши лозим.

- 1) мослашувли сўз бирикмаси шаклидаги сарлавҳалар;
- 2) битишувли сўз бирикмасидан шаклидаги сарлавҳалар;
- 3) бошқарувли сўз бирикмасидан шаклидаги сарлавҳалар.

Бирикмали номлар тузилишига кўра икки хил бўлади:

- 1) содда бирикмали номлар;
- 2) мураккаб бирикмали номлар.

Сарлавҳа ҳам мазмунан, ҳам услубан асар моҳиятига мос келиши, асарнинг ҳар бир бобига ёки бўлимига уйғунлашуви ёки мувофиқлашуви

устида ёзувчилар тинмай ишлаши зарур ҳИззат Султон, 1986: 212].

Асардаги сарлавҳаларни шаклига, қандай тил бирлиги билан ифодаланганлигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. **Сўз шаклидаги сарлавҳалар:** “Муножот”, “Чегара”, “Ўкинч”, “Одиллик”, “Мувозанат”, “Ака-укалар”, “Қарқуноқ”, “Қасамхўр” каби.

Кўплаб сўз шаклидаги сарлавҳалар кўчма маъноли сўзлар билан ифодаланган: “Дуогўй”, “Мухлис”, “Ҳамдардлар”, “Доя”, “Косов” каби.

Бир қанча сўз сўз шаклидаги сарлавҳалар адибнинг ижод маҳсули бўлган окказионализмлар билан ифодаланган: “Гарткам”, “Маймуният”, “Девонаи ҳақгўй” каби;

2. **Фразеологизм шаклидаги сарлавҳалар:** “Тақдири азал”, “Табиат гултожи”, “Хом сут эмган”, “Пешонага ёзгани”, “Жаннати одам”, “Жаннат фаршталари”, “Дарди – бедаво”, “Тирик мурда” каби.

3. **Бирикма шаклидаги шаклидаги сарлавҳалар:** “Аёл қалби”, “Гўдак иси”, “Онамнинг ўғити”, “Жавобсиз савол”, “Бемор пиёз”, “Гиргиттон буви”нинг япон невараси” каби.

4. **Гап шаклидаги шаклидаги сарлавҳалар:** “Сукут – олтин”, “Ақлинг етмаган нарсага аралашма”, “Жини бўлиш осон экан”, “Тентак тўрини бермас”, “Камбагални камситманг”, “Севги нима?”, “Мен йиғласам, у хўнгради”, “Яхшига кун йўқ”, “Нурнинг баҳоси қанча?” каби.

Айрим гап шаклидаги шаклидаги сарлавҳалар халқ мақол ва ҳикматлари билан ифодаланган: “Осмон йироқ, ер қаттиқ”, “Етти ўлчаб, бир кес”, “Ҳар тўқисда – бир айб”, “Еб тўймаган – ялаб тўймас” “Ниятинг – йўлдошинг”, “Ҳамма она – бир она”, “Яхшига кун йўқ...”, “Ақл ёшда эмас” каби.

Асарда икки сўзнинг тенг боғланишидан тузилган сарлавҳалар салмоқли ўрин тутати. Улар асосан икки боғловчи воситасида боғланган:

а) **ва боғловчиси воситасида боғланган сарлавҳалар:** “Инсон ва шайтон”, “Оталар ва болалар”, “Ақл ва туйғу”, “Дил ва тил”, “Орол ва қиъта”, “Тонг ва шом”, “Куч ва адолат”, “Олим ва шоир”, “Ақл ва юрак”, “Умр ва ҳаёт”, “Капалак ва тошбақа”, “Бозор ва мазор”, “Ақл ва мансаб”, “Саҳна ва ҳаёт”, “Деҳқон ва муаллим”, “Ақл ва тил”, “Варрак ва қуш”, “Нон ва сўз” каби;

б) **билан боғловчиси воситасида боғланган сарлавҳалар:** “Бобо билан набира”, “Ўт билан сув” каби.

Бу типдаги сарлавҳаларни маҳно моҳиятига кўра яна қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) **уядош сўзлар асосида шаклланган сарлавҳалар:** “Ой ва қуёш”, “Тиш ва тил”, “Туя ва эшак”, “Тош ва қум” каби;

б) **синонимлар асосида шаклланган сарлавҳалар:** “Маслаҳат ва насиҳат”,

в) **антонимлар асосида шаклланган сарлавҳалар:** “Камол ва завол”, “Меҳр ва макр”, “Тўла ва чала”, “Савоб ва гуноҳ”, “Яхшилик ва ёмонлик”,

“Ҳалол ва ҳаром”, “Болалик ва кексалик”, “Тириклар ва ўликлар”, “Ибтидо ва интиҳо”, “Доно ва нодон”, “Ҳурлик ва хўрлик”, “Севинч ва ўкинч” каби.

Антонимлар асосида шаклланган сарлавҳалар инсон ҳаёти, умри, табиат ҳодисалари ўтасидаги табиий зиддиятлардан далолат беради, китобхоннинг диққатини ўзига жалб этади.

Бу типдаги сарлавҳалар морфологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) отлар билан ифодаланган сарлавҳалар: “Дуо ва қарғиш”, “Кулги ва йиғи”, “Инсоф ва иймон”, “Йўқчилик ва тўқчилик” каби;

б) сифат билан ифодаланган сарлавҳалар: “Доно ва нодон”, “Бахтли ва бахтсиз”, “Содда ва буюк” каби;

в) феъл билан ифодаланган сарлавҳалар: “Олмоқ ва қолмоқ” каби.

Сарлавҳаларнинг тузилиши, мазмун-моҳияти, ифодаланиши асарнинг мавзу мундарижаси кенглигидан ва адибнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Абдолимова С. Сарлавҳа матн мазмунининг ифодаси сифатида// Нурмонов А. таваллудининг 60 йиллигига ўтказилган илмий – амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2002. – Б. 172-173.

2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 212.

3. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. – Тошкент: Шарқ, 2009.

**Исломов З., профессор
(Ўзбекистон)**

“ДУНЁ ХАЗИНАСИГА ТЕНГ АСАР” СЎЗЛИГИ ТАРЖИМАСИГА

ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Шарқ мумтоз адабиёти ўзининг серқирралиги, бадий воситалари имкониятининг кенглиги билан ажралиб туради. Мана шундай юксак бадий ёдгорлик даражасидаги асарларнинг бошқа тилларга қилинган таржималарида ҳам айнан шундай улуғворликнинг сақланиши таржимондан катта масъулият, чуқур билим ва ҳар иккала тилда ҳам кенг қамровли ҳамда маъноли сўз бойлигига эга бўлишни талаб этади. Маълумки, таржималар асосан бир тилдан иккинчи бир тилга амалга оширилади. Бунда ҳар иккала тилни мукамал билиш ҳам аслият, ҳам таржиманинг тўлақонли мустақил асар даражасига кўтарилишига хизмат қилади. Лекин бой маънавий меросимиз тарихида шундай асарлар борки, улар икки тил билангина чекланиб қолмайди, балки улар икки ва ундан ортиқ тилларни билишни тақозо қилади. Бунга уч, тўрт тилли луғат асарларини келтириш мумкин. Асар таркибидаги у ёки бу тилни мукамал билмаслик асл матн таржимасида маъноларнинг тўлақонли очилмас

лигига, таржима асарининг тушунарли бўлмаслигига сабабчи бўлади.

Мана шундай асарлардан бири буюк сўз устаси, аллома Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб “Муқаддамату-л-адаб” саналади. Бу нодир манбанинг шарқ халқлари тили, адабиёти, тарихидаги ўрни бекиёс, шу сабабли буюк адиб Садриддин Айний уни “Дунё хазинасига тенг асар” деб атайди. Шарқ халқлари “Муқаддамату-л-адаб”дан у яратилган давриданок кенг фойдаланган бу боис асарнинг арабча-форсча, арабча-туркий икки тиллик, арабча-форсча-туркий уч тиллик, арабча-форсча-туркий-мўғулча тўрт тилли нусхалари яратилган ва уларнинг нодир қўлёзмалари Ўзбекистон, Тожикистон, Россия, Германия, Франция, Англия, Италия, Саудия Арабистони, Эрон, Туркия, Хитой каби мамлакатлар фондларига тарқалган. Асарнинг дунёда ягона тўрт тилли қўлёзмаси бугунги кунда Тошкентда Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланмоқда.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг 1490 йили китобат қилинган бу нодир қўлёзмасига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Маълумки, поляк олими Н.Н.Поппе асарнинг ўзбекча ва мўғулча сўзлигини таржима ва тадқиқ этган (Поппе.1.6). Лекин олим асарнинг қолган арабча ҳамда форсча сўзлигига мурожаат этмаган, тадқиқот доирасига киритмаган. Албатта, олим ўзбекча сўз ва ибораларнинг таржимасини беришда мўғулий сўзликка асосланган. Бу эса айрим ўзбекча сўз ва феълларнинг нотўғри талқин этилишига олиб келган. Муаллифнинг кўрсатишича, асар асл, яъни арабий матндан мўғул ва туркий тилларга сўзма-сўз таржима қилинган. Н.Поппе ҳам сўзликка ижодий ёндашиб, келтирилган сўзликларни сўзма-сўз таржима қилган. Бу эса айрим ўринларда асл матн англатган маънодан узоқлашишга олиб келган. Жумладан, (М.А.А. 393.2) “қонини олди андин” ибораси Н.Поппеда “пустил ему кровь” (Поппе. II.135), яъни “ундан қонини олди” маъносида келтирилган. Ваҳоланки, феълнинг арабий асли- “ақассаху мин фуланин” - “фалончидан қасос олди”, “хун олди” (АРСл.639) маъносини англатади. Иборанинг форсий муодили “қасос кашидаш аз фулон” “фалончидан қасос олди” кўринишида келтирилган. Юқоридаги “қонини олди андин” иборасида айнан “қасос олмоқ”, “хун олмоқ” маъноси англашилади. Бу мазмунни ёрдамчи нусхалар ҳам тасдиқлайди: (М.А.Б.129.3) “қасос гирифт аз фулан” - “қасос олди фаландин”, (М.А.В.88.5) “қасос ситонад барои вай”, “қасос олди андин фалан учун”. Демак, юқоридаги иборани “ундан қасос олди”, “ундан хун олди” маъносида келтириш иборанинг тўлиқ маъносини ёритиб бериш имконини беради.

Манбадаги арабий “инжазама-л-феъл” бирикмаси туркий сўзликка (М.А.А.432а.3) “мажзум бўлди феъл” шаклида ўгирилган. Н.Поппе луғатида бу жумла “дело было решено” (Поппе. I. 235) “иш ҳал қилинди” мазмунида таржима қилинган. “Инжазама” феъли “феълни жазмда қўймоқ” маъносини англатади ва форсий сўзликда “мажзум шуд феъл” шаклида берилган. Асарнинг

ёрдамчи нусхаларига солиштирсак: (МAB.176a.I) “жазм бўлди музореъ феъли”, (МAB.П6a.7) “кесилди феъл сўнги ҳаракатдин”. Ҳар иккала нусхада ҳам гап бир мазмунда, яъни феълнинг “жазм (шарт) майлида келиши” ҳақида кетмоқда. Шунга асосланиб “мажзум бўлди феъл” иборасини “феъл жазм (шарт) майлида бўлди, феъл жазмда кўйилди” шаклида изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Айрим феълларнинг ҳарфий таржимаси шаклан тўғрига ўхшаб кўринса-да, араб ва форс тилларидаги маънодошлари билан қиёслаш вақтида унинг умуман ўзга маъно англатганлиги намоён бўлади, масалан, араб тилидаги (МAA. 224a.3) “зафара” феъли “совуқ тинди”, “чуқур нафас олди”, “оғир нафас олди” маъносини англатади. Н. Поппенинг юқоридаги асарида мазкур “совуқ тинди” ибораси “совуқ тугади” (Поппе. П. 226) мазмунида ўгирилган. Ушбу ўринда бу феъл шаклан “совуқ тугади” маъносини англатса-да, унинг “чуқур нафас олди” мазмуни ҳам бор.

Асардаги (МAA.424a.3) “саббахахум” феъли “танқла эрта келди анлар уза” шаклида берилган. Юқоридаги ибора Н.Поппе асарида “эртага эрталаб унинг олдига келди” (Поппе.П.233) шаклида изоҳланган. Бу таржима арабий феълнинг мазмунига тўлиқ мос эмас ва гапдаги мазмун феъл англатган замонга мос тушмайди. Демак, мазкур иборани “эрта билан” эмас, “эрталаб тонгда уларнинг олдига келди” мазмунида бериш мақсадга мувофиқдир.

Н.Поппе луғатида “кунаш бўлди кунимиз” - “куёшимиз жазирама бўлди” (Поппе.П.423) деб таржима қилинган. Қўлёзмадаги арабий “шамаса йавмуна” ибораси туркий сўзликда айнан юқоридагидек (МAA.229a.4) “кунаш бўлди кунимиз” “кунимиз иссиқ бўлди, жазирама бўлди” маъноларини англатади (ДТС.326). Араб тилидаги “йавмун” сўзи эса фақатгина “кун” мазмунини беради. Форсий муодилда “бо офтоб шуд рузи мо” мазмуни ифодаланган. Шунга кўра юқоридаги жумлани “куёшимиз жазирама бўлди” мазмунида эмас, балки “кунимиз жазирама бўлди”, “кунимиз иссиқ бўлди” шаклида берилиши лозим. Бу мазмунни ёрдамчи нусхадаги туркий муодил ҳам тасдиқлайди: (МAB 7a.I) “қуйашлу бўлди кунимиз”.

Асардаги бирор туркий сўзнинг бошқача талаффуз қилиниши ҳам маъно ўзгаришига олиб келган. Масалан: (МAA.224a.3) “замара” феъли форс тилида “най зад”, ўзбекчада эса “тутук урди” “пардани ташлади, парда билан тўсди” – “закинул занавес” (Поппе.П.129) маъносида келтирилган. “Тутук” сўзи икки маънони, биринчиси “парда”, “тўсиқ” ва иккинчиси “қамиш”, “най” (РС.Ш.1572) маъноларини англатади. Шунингдек, мазкур феъл шаклини “урди” ва “ҳурди” кўринишида талаффуз қилиш мумкин. “Ур” феъли қаттиқ талаффузли шакли “урмоқ” (ДТС.614), юмшоқ талаффузли шакли эса “пufflingмоқ” (ДТС.626) маъноларини ифодалайди. Ёрдамчи нусхаларда эса (МAB.5a.2) “най урди” - “най пufflingлади, чалди” мазмунида изоҳланган. Феълнинг форсий муодили “най зад” - “най чалди” шаклида тўғри берилган. Энди юқоридаги феълнинг мўғулий сўзликдаги маънодошига назар солсак, мўғулий вариантдаги “чавур” сўзи “чадур” кўринишида нотўғри ўқилган, бу

сўз феъл мазмунининг ўзгаришига олиб келган. Юқорида келтирилган далилларгача асосланиб бу феълни “тутук урди” шаклида ўқиб “най чалди”, “най пуфлади” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ.

Араб тилидаги “тафассаха фи каламиҳи” ибораси таркий сўзликка (МАО.488 б.2) “уз сўзлади сўзи ичинда” - “сўзни усталик билан сўзлади”, “сўзни фасохат билан гапирди” мазмунида ўгирилган. Н.Поппе луғатида эса бу ибора “ўзи сўзлади сўзи ичинда”, яъни “сам говорил между его словами”, “унинг сўзлари орасида ўзи гапирди” (Поппе.П.280) мазмунида изоҳланган. Фикримизча, муаллиф “уз” “мохирона, усталик билан” (ДТС.620) сўзини “ўзи” деб ўқиган ва бу гап мазмунининг ўзгаришига олиб келган. Асарнинг бошқа қўлёмасида бу феъл (МАО.189а.9) “фасихлик кўргазди сўз ичинда” ибораси орқали берилган. Форсий сўзликда келтирилган ибора ҳам жумла маъносини тўлиқ ифодалайди: “фасохат намудеш дар сухан”.

Таянч қўлёмасидаги туркий феълларни арабий, форсий муодиллари билан солиштириш Н.Поппе луғатидаги айрим ноаниқликларни ойдинлаштиришга олиб келди, масалан, асос қўлёзмада “дод” сўзи билан ясалган қўшма феъл икки маротаба учрайди: (МАО.521б.4) “дод тилади султондин” Н. Поппе луғатида ҳам ўзгаришсиз берилган (Поппе.П.137). Иккинчи феъл эса “дор тилади андин” (Поппе.П.133) шаклида келтирилган. Қўлёзмада “дор тилади андин” шакли учрамайди. Шунингдек, “Муқаддамату-ла-адаб”да “уй” маъносида “дор” сўзи қўлланилмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ибора “дор тилади андин” “ундан уй сўради” эмас, балки “дод тилади андин”, яъни “ундан шикоят қилди”, “ундан дод деди” маъносида ўгириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Араб тилидаги “тақайяха-л-журху” (МАО.502б.4) “яра йиринглади” мазмунини англатади. У таянч қўлёзмада туркий “иринглади йара”, мўғулий “иралаба йара” кўринишида берилган. Н.Поппе луғатида юқоридаги мўғулий “иралаба йара” феъли “эрниклади йара” “яра битди” мазмунида изоҳланган (Поппе. П.197). Бу ерда “яранинг битиши” эмас, балки унинг “йиринглаши” назарда тутилган. Бу мазмунни ёрдамчи нусхалар ҳам тасдиқлайди: (МАО. 124а) “иринглади қот”.

Таянч нусхадаги арабий (МАО.263а.2) “аддат ад-дахийату” феъли “тилди анқа уйиқ бало” шаклида келтирилган. Бу ердаги “тилди” феъли арабий феъл ифодаланган “учрамоқ, дучор бўлмоқ” маъноларини англатмайди. Н.Поппега мурожаат қилсак, ундаги мўғулий “курба тунду йэкэ бала (Поппе.П. 229) ибораси “тэгди анқа улуқ бало” тарзида шарҳланган. Қўлёзмадаги феълнинг мўғулий шакли ҳам айнан ўхшаш. Демак, юқоридаги туркий феъл “тилди” эмас, балки “тегди” шаклида берилиши лозим. Шу ҳолдагина у арабий феъл англатган “унга улуғ бало тегди, у катта бахтсизликка учради, у катта мусибатга дучор бўлди” маъноларини аниқ ифода этади.

Қўлёзмадаги арабий (МАО.440а.4) “ваххада-л-лаҳа таъоло” жумласи форсча “йеки хонд тэнгри таъоло ро”, туркий “бәрди тэнгри таъолони” шаклида изоҳланган. Арабий, форсий ва мўғулий муодилларнинг мазмуни бир-бирига мос бўлиб “тангри таолони бир деб билди, тангри таолони якка деб ҳисоблади” маъносини ифодалайди. Юқоридаги туркий ва мўғулий шакллар Н.Поппе луғатида “бәрди тэнгри таъала” “тангри таоло берди”, “никэн кибэ тэнгри таъала” “тангри таоло бир қилди” (Поппе.П.252) мазмунида келтирилган. Туркий “берди” феъли арабча, форсча муодиллари мазмунига мос келмайди. Бу феъл ёрдамчи манбаларда (МАО.150б.3) “йалғузлади тенгри таъолони”, (МАО.101 б.3) “бирлади тангрини” мазмундошлари билан изоҳланган. Феълнинг юқоридаги мазмуни мўғулий шаклда тўғри англашилган, лекин Поппе луғатида жумладаги тушум келишиги қўшимчаси “йи” тушиб қолган ва жумла “никэн кибэ тэнгри таъалайи” эмас, балки “никэн кибэ тэнгри таъала” тарзида ўқилган ва натижада иборанинг мазмуни ўзгарган. Қўлёзмада мўғулий муодилдаги “таъала” сўзига “йи” қўшимчаси “ни” тарзида қўшилган. Демак, туркий “бәрди” феълни “бир дэди”, “бирлади” шаклида келтириш феълнинг мазмунини тўлиқ ифодалайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “Муқаддамату-л-адаб ” каби кўп тилли луғатларни ундаги мавжуд тиллар сўзлигини алоҳида ажратиб ишлаш тадқиқотчидан алоҳида билим ва маҳорат талаб қилади. Кўп тилли шарқ манбаларини ишлашда араб, форс ҳамда туркий тилларни мукамал билишлик талаб этилади. Шу ҳолдагина манбанинг мукамал тадқиқини амалга ошириш мумкин.

Адабиётлар

1. ANATIL – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т. 1-4. – Т.:Fan, 1983-1985.
2. АҚСИ – Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1977.
3. DLT – Махмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Т. 1-3. – Т.: Fan, 1960-1961, 1963.
4. DTS – Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969.
5. МАО – Mahmud Zamachshakiy. Mfqaddamatf-l- adaiy. O'zFA Adaiyyot mfgzyi, qo'lyozma, № 202.
6. МАЙ – Mahmud Zamachshakiy. Mfqaddamatf-l- adaiy. O'zFA Shaqshfnoslik instituti, qo'lyozma, № 2699.
7. МАГ – Mahmud Zamachshakiy. Mfqaddamatf-l- adaiy. O'zFA Shaqshfnoslik instituti, qo'lyozma, № 1497.
8. MAV – Mahmud Zamachshakiy. Mfqaddamatf-l- adaiy. O'zFA Shaqshfnoslik instituti, qo'lyozma, № 3807.
9. O'TIL - O'zilyk tilining izohli lfg'ati. – М.: Qfsskiy yazik. 1991.
10. РОПРҮ – Поппұ Н.Н. Монгольский словарь “Мукаддимат ал-адаб”. – Ч. 1-3. – М. – Л. АН ССР, 1938-1939.
11. QJ – Al-Qamfs al-jadid. Tfnis. 1985.

12. ҚРҚС1 – Рубинчик Ю. Персидско-русский словарь Т. 1-2. – М.: 1970.
13. ҚСЛ – Радлов В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. 1-4; 1893-1911.
14. SFYA. – Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники IV века. – Т. 1-2. – Т.: ФАН, 1966, 1971.

Йўлчиев Қ., докторант
(Ўзбекистон)

КЎКЛАМ ХРОНОТОПИ

(Рауф Парфи шеъри мисолида)

Шу пайтгача лирик шеъриятда, айниқса, кичик лирик жанрларда бадий хронотоп муаммоси етарлича ҳал этилмаган. Ваҳоланки, “бадий хронотоп қатъий жанр моҳиятига эга. Айтиш керакки, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди”, деган мулоҳаза аллақачон қоида шаклига келиб бўлган.хБахтин М.М. 2015. –Б.44] Олимнинг мазкур фикрига асосланадиган бўлсак, лирик шеъриятда ҳам бадий хронотоп бирлик, учлик, тўртлик, рубоий, туюқ, сонет, сичжо, хайку, айрен каби кичик лирик асарларнинг шакл ва мазмуний категорияси сифатида асар жанрини, тузилишини, лирик сюжетни ташкил этувчи композицион унсур ҳисобланади. Бу эса ундаги сюжет композицияси, образлар композицияси, тил композицияси каби поэтик масалаларни таҳлил этишни талаб этади. Лекин лирик шеъриятдаги сюжет композицияси, образлар эпик асардагидан фарқ қилади. Бу, аввало, бадий хронотопнинг моҳиятига боғлиқ бўлади. қуйидаги шеърда кўклам бадий хронотопи мисолида лирик қаҳрамоннинг фикрлаш тарзи, лирик сюжетнинг йўналишини кузатиш мумкин:

Кулранг булут кезинади жим,

Кулранг булут ўхшар уйқуга.

Кулранг булут бошлайди ҳужум,

Бақриб шивирлар руҳимга. хПарфи, Рауф. 2013. – Б.80]

Аввало таъкидлаш керакки, шеърнинг ташқи композицияси ҳар банди тўрт мисрадан, беш бандли этиб ташкилланган. Юқоридаги биринчи бандда анофора, эпитет (*Кулранг булут*), ўхшатиш (*булут ўхшар уйқуга*), метафора (метафора), оксюморон (*Бақриб шивирлар*) каби бадий тасвирий воситалардан фойдаланган. Булут деталлари ва унинг турли аспектдан тасвири эса аниқ макон (осмон) ва шу макондаги жараён, ҳаракат (яъни замон, вақт)ни англатади. Лекин булутнинг шу ўринда кулранг эпитети билан берилади. Бу ранг ўқнинг кумушрангига ҳам яқин, иккинчи томондан ёнган, йўқ бўлган нарсалардан кул қолишида ҳам лирик кечинма табиатидаги оҳирликни, салбий маънони билдиради. Демак баҳор осмони бадий хронотоп сифатида макон ва

замон бирлигини таъминлайди. Унда лирик образнинг руҳиятида ғамгинлик, руҳий толиқиш, эркисизлик тасвирланган. Шоир "... бизни тилнинг ҳаёжонга солувчи идрокига олиб кирар экан, одатий таассуротларни янгилайди ва "ҳис қилувчи" объектга айлантиради" хТўққу Ўаgлўton. 2003. – P.14]. Натижада, лирик қаҳрамон ўқувчига яқинлашади ва секин аста улар яхлит касб эта боради. Буни бандга кўклам осмони хронотопининг тасвири, аниқроғи, пейзаж орқали теранроқ англаш мумкин. Маълумки, ҳаво очик пайтда куз ёки эрта баҳор чоғлари осмонда кулранг булут тез-тез кўзга ташланади. Лекин бу ерда кўклам эканлиги шеърдаги қалдирғоч, япроқларнинг бош ювиши каби тасвирий-тавсифий деталлар ёрдамида намоён бўлади. Лирик субъект дастлаб булутни деталдан образга айлантриб, жим юрганини тасвирлайди. Айнан шу жимлик ортидан унинг жим юрмаслиги мумкинлиги ҳақидаги мулоҳаза ҳам юзага келади. Бундан жиҳат унинг хужумга ўтиши ва бақирисида кўринади. Энди шоир булутни уйқуга ўхшатишига келсак, бир қарашда тушунарсиз, бадий мантиққа зиддек туюлган ушбу ўхшатиш катта вазифани очади. Бунинг уйқунинг хусусиятларидан бири, унинг ўлим билан баробар эканлиги бўлса, унинг айнан шу маъноси кейинги мисрадаги хужум билан бирлашиб, лирик қаҳрамон кучли таъсир этишини, бу гўё бақириб айтганда асаб ва қалбга теран ботадиган азобдек таассурот қолдиради. Шунинг учун шоир "бақириб шивирлаш" деган оскюморондан фойдаланган. Кўкламда булутнинг паға-паға бўлиб ҳаракатланиши узокқа чўзилган қишнинг совуқ ва нурсиз кунларини куваётгандек тасвирланади. Шу ерда қисман рамзийлик ҳам мавжуд бўлиб, бу маънавий қашшоқлик, зулм, эркисизлик каби ёвузлик шаклларига нисбатан исён ҳам кўзга ташланади. Лирик сюжетнинг кейинги тасвирида, яъни ташқи композициянинг иккинчи бандида қалдирғоч, дунё образлари эзгулик тимсоллари сифатида аввалги банддаги макон тасвирига зиддиятда ифодаланган:

Нафаслари қисилиб гўё

Қалдирғочлар учар ер бўйлаб.

Ғамгин-ғамгин кўринар дунё –

Ўйларини қийнайди ўйлаб. хПарфи, Рауф. 2013. – Б.80]

Маълумки, қалдирғоч озодлик тимсолларидан бири, у зулм кучайган, табиийлик бузилган бунинг устига паст жойларда яшолмайди. Бутун дунёда қалдирғочлар денгизлар бўйидаги тик жарлик деворларига, баланд дарахтларга, баланд уйлар пештоқига уя солади. Улар нисбатан баландликда учади. Энди ана шу осмондаги кураш, яъни ёвузлик босгани қалдирғочларнинг эркини чеклади, шунинг учун улар пастлаб, тоза ҳаводан нафас олишга тушаётгандек ифодаланган. аслида бу мантиққа мос келади. Чунки қалдирғоч ҳаво айниганда озуқа излаб ер бағирлаб учади. Мувозанатнинг бундай тарзда бузилишидан тириклик, яшамоклик рамзи саналган дунё ҳам ғамгинлашиб, образга айланади ва ўз ўйига етолмайди. Бу гўй тараққиётнинг нотўғри йўлидан кетаётган инсониятнинг ёруғлик илинжида теран тафаккурга чўмишига менгзайди. Лекин

дунё образини қийнаган бундай оғир воқеалар кечиши чекланади. Сюжетнинг кейинида кулранг булут қулаши тасвирланади:

Кулранг булут қулади охир,
Парчаланди шу муаллиқ кўл.
Ғир-ғир шамол, ғир-ғир ёмғир,
Суратимни чизиб берар йўл.

Сюжет воқеасидаги кескин бурилиш тасвирланган ушбу банд умумий композицияда алоҳида ўринга эга. Ундаги булут, кўл, шамол, ёмғир, йўл деталлари орқали кўкламдаги ўзгаришлар берилар экан, бу ҳодиса лирик субъект руҳиятига, кечинмаларига ҳам таъсир этган акс этган. Энди бу кечинма макон билан янада кўпроқ яхлитлик касб этади. шамол – янгиланиш, ўзгариш, уйғотиш воситаси, ёмғир тириклик манбаи сифатида лирик кечинма табиатига қайта ўзгариш, кўтаринкилик, илиқлик олиб киради. Бунда айниқса, “ғир-ғир” таклид сўзи ҳам самарали таъсир этган. Энди лирик қаҳрамон олдида йўл очилди, бу ҳаёт йўли, кулранг булут – зулм жамияти остида йўқотилган ва қайта қўлга киритилган йўл бўлиши ҳам мумкин. шу ерда руҳий параллелизм янгича тус ола бошлаб, бадий макон тасвирига илиқ ранглар, ёрқин тасвир ва янгича метафорик фикрлаш қўшилади:

Қалқиб-қалқиб қўяди қараб
Табассумлар ёзилган тупроқ.
Чапак чалиб, сочини тараб
Бош ювади бир ҳовуч япроқ.

Лирик субъект қалбидаги лирик кечинма табиатини ифодалаш учун бадий хронотопни ёрқин бадий топилмаларда ифодалайди. Хусусан, тупроқ ва япроқ деталлари образга айлантирилиб, байрамга, шодлик тўйига бориш учун қалқиб-қалқиб қараб қўйиши табиий акс эттирилган. Чунки кўкламда ер юмшаб, тупроқ кўпчиб, шодликдан қалқигандек таассурот уйғотади. Ҳатто, баъзи жойларда тупроқ майин кулгандек баъзи жойлари ерилиб қолишини жилмайганга қиёсланишида шоирнинг маҳорати намоён бўлади. Тўйга тайёргарлик кўриш учун соч юваётган қизчалардек тасвирларган япроқ тасвирида вақтнинг ҳали баҳор эканлигини англаш мумкин. Чунки бу пайтда дарахтларнинг япроқлари ҳали тўла бўлмайди. Умуман олганда, шоир кўклам хронотопини тасвирлар экан, лирик қаҳрамонни ҳам унутмайди. Энди шеър бошидаги кулранг булут ўрнига бошқа булут бадий тадқиқот марказида кўринади:

Яна булут кезмоқда сарсон,
Таъқиб этиб борар изимдан,
Нафасларга тўла бу осмон
Узилмайди асло кўзимдан...

Шу ерда лирик кечинма табиатида кўтаринкилик бўлиб, бадий хронотоп ҳам ёрқин тасвирланади. Булут энди кулранг эмас, у лирик қаҳрамонни таъқиб

этади. Аммо бу таъкиб, унинг ҳаётидан, қалби қудратидан ибрат олиш мақсадида изма-из юриш ҳисобланади. Осмон лирик қаҳрамон кўзига боғланган. Шеър ҳаётсеварлик ғоясининг юксак нотасида яқунланади. Бироқ умумий композициядаги кечинма табиати, сюжет ривожидан давом этади. Шунинг учун шеър сўнгига кўп нуқта қўйилган.

Шоир шу тарих мазкур шеърда кўклам бадиий хронотопидаги жараёнлардан самарали фойдаланган ҳолда инсон образининг долғали кечинмаларини ифодалайди. Бунда макон ва замон бирлиги шеърнинг яхлит бадиий композициясини белгиловчи, шеърнинг тавсифий лирика жанрида эканлигини, образнинг характер қирраларини намоён этади. Демак, шеър таҳлилида бадиий хронотоп категориясининг ўрни катта эканлигини ёдда тутиш лозим.

Адабиётлар

1. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Akadymnashq, 2015. – 288 б.
2. Парфи, Рауф. Сайланма. – Тошкент: Akadymnashq, 2013. – 432 б.
3. Тўкқу Ўағлўтон. Litўқақу Thўоқу An Intқодқction Sўcond ўdition. thў Fnitўd Statўs йу Thў Fnivўқsity of Minnўsota Rқўss. Fоғқth рқinting, 2003. – 245 p. <http://www.fpqўss.fmn.ўdf>.

**Казакбаева Д., ўқитувчиси
(Ўзбекистон)**

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ РИНОДА ТАРЖЕЪБАНДИ

Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девонида 4 та таржеъбанд мавжуд. Навоий таржиъбандлари ҳақида илмда А.Ҳайитметов (Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент, 1961.), А.Қаюмов (Қаюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –Тошкент, “МУМТОЗ СЎЗ”, 2011.), Р.Орзибеков (Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърининг жанрлари. –Тошкент, Фан, 2006.), М.Асадов (Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. – Тошкент, ТАФАККУР, 2020.), Т. Бобоев (Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Тошкент, 2002), Д. Юсупова (Yusupova D. O‘zbek mumtoz va milliy uyg‘onish adabiyoti (Alisher Navoiy davri). O‘quv qo‘llanma. – Тошкент, TAMADDUN, 2016), Ш.Сирожиддинов(Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik. – Тошкент, TAMADDUN, 2018) каби олимларлар томонидан айрим фикр-мулоҳазалар айтилган. Шунингдек, баъзи дарслик ва қўлланмаларда ҳам буюк мутафаккир шоирнинг мазкур жанрда яратган асарлари хусусида

маълумотлар учрайди¹. Бироқ ҳозирга қадар Навоий таржеъбандлари ва уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари етарлича тадқиқ этилган эмас.

Навоий таржиъбандларининг ҳар бири ўзига хос йўналиш ва услубига эга. Ҳатто тузилиш жиҳатидан ҳам улар орасида маълум тафовутлар мавжуд: Улуғ шоирнинг илк таржиъбанди 10 банддан иборат. Шеърнинг ҳар банди 10 байтдан – жами 100 байт, иккинчи таржиъбанд эса 8 банддан иборат бўлиб, жами 103 байтдан ташкил топган. Учинчи таржиъбанд ҳар бири 8 байтдан иборат 7 бандли, жами 56 байтли шеърдир. Ва ниҳоят охириги таржиъбанд 10 банддан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири 11 байтдан иборат (жами 110 байт).

“Ғаройиб -ус сиғар” даги биринчи таржиъбандда асосий мақсад май мавзуи орқали амалга оширилади. Лирик қаҳрамон ринд бўлиб, у “иҳтисоб аҳлига” қарама-қарши қўйилади. Унда шоир ўз кайфиятини тасаввуфий тимсоллар орқали тасвирлайди. Бундаги тасаввуфона атамалар: хирқа, сафол, мурид, муғбача, тариқат, сажжода, пир, май, майхона соқий, харобот, ишқ тушунчаларининг ҳаммаси Навоийнинг сўфиёна фикрларини ифодалашга ёрдам берган. Масалан:

*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.
Майеким, қилур қўйсалар жом аро,
Ўзи масту кайфияти майпараст...
Манга топдилар иҳтисоб аҳли даст.
Шикастим менинг онча эрмас эди,
Ки май зарфи топти арода шикаст.
Чу синди сабу, чорае топмадим,
Мени муфлису уру гирёни маст.
Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол.*

Таржеъбандни ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маъноларда тушуниш мумкин. Яъни май қуйювчи, субҳда менга майингни келтиргинки, унинг нашидасидан маст бўлай. Менинг саргузаштимни эшитгинки, бир неча майпарастлар билан бирга ўтириб ҳаммажлис бўлдик. Май олмоқ чеки менга тушди. Май идишини жанда қилиб, бўйнимга илиб, дарвешлик йўлига кириб, май оғзини мум билан беркитдим. Эгнимда май солинган кўзача, шу сабаб, тўққиз фалак менинг

олдимда паст эди. Мени бу қиёфада кўрган мухтасиблар, яъни текширувчилар ҳамма томонидан келиб тинтув қилдилар. Менга унчалик шикаст етмади, бироқ, май солинган сабуим – идишим шикаст топди. Сабу синди, аммо чора топа олмадим. Дарвешлар даврасига синган сафол билан паришонхол аҳволда кирдим.

*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.*

Ирфоний адабиётда соқий пири муршиддир. Байтнинг ботинига эътибор қаратсак, шоир пири муршидига мурожаат қилиб шундай дейди: “Менинг қалбимга шундай бир илоҳий ишқни солгинки, шу ишқ туфайли мен ундан доимо маст бўлай, тонгдан – субҳдан мен унинг нашидасини туяй, ҳис этай”. Бу ишқ ишқи ҳақиқий бўлиб, у доимо инсоннинг Аллоҳ висолини исташига, унга талпинишига, Аллоҳ жамолидан насибадор бўлишга, У билан бирга бўлишига интилишга воситадир. Чин ошиқ ҳар лаҳза унга бўлган ишқининг нашидасини ҳис этади.

*Қилиб хирқа май раҳнию зарфининг
Этиб оғзини мум ила сангбаст.
Келур эрдим эғнимо майлуқ сабу,
Бўлуб тўқуз афлок оллимда паст.*

Шоир лирик қаҳрамони бир неча майпарастлар билан бирга бўлиб, май олмоққа жазб этади. Энди у эғнида майлик сабу билан келар эди. Нима учун майлик сабу лирик қаҳрамоннинг эғнида?! Майлик сабу бу илоҳий бир воситадир. Уни бўйнига илиб олган ошиқ олдида эса нафақат тўққиз фалак паст, балки олам ҳам пастдир. Демак, шоир бу ўринда илоҳий ишқни майга қиёслаётгани бизга аён, яъни лирик қаҳрамон бу ишқдан бенасиб эмас ва шу туфайли энди унга тўққиз фалак ҳам ҳеч нарсадир. Ишқдан бир зарра етишган инсон учун бу оламнинг гўзалликлари фақат Аллоҳнинг бир тажаллиси сифатида намоён бўлади. Ўз маҳбубига етишиш орзусида бўлган ошиқнинг пойида тўққиз фалак бўлса-да, уни илғамайди. Ошиқ маст аҳволда қўлида май солинган идиш билан харобот сари келаётганда, мухтасиблар уни тутиб олиб урадилар ва идишни синдирадилар. Яъни ошиқнинг бу жунун ҳолатидан огоҳ бўлган ихтисоб аҳли – Аллоҳ ишқидан беҳабар инсонлар уни калтаклаб, илгидаги “майлик сабу”сини синдирдилар. Демак, шоир лирик қаҳрамонининг “сабу”сини, яъни сопол идишини, мажозан воситасини, ишқдан бенасиб бўлган инсонлар синдирдилар. У ўзининг калтакланганидан кўра идишнинг синдирилганига кўпроқ ачинади.

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол.*

Байтнинг мазмунидан шу нарса маълум бўладики, харобот бу ўринда май ичувчилар уйи ёки хароба дунёнинг рамзи сифатида бўлиб, унга шеър қаҳрамони кўлида синган сафол идиш билан паришон ҳолатда кириб келмоқда. Ёки яна бир маъноси: харобот бу дарвешлар маскани бўлиб, дарвеш илоҳий ишқ истаб, синган сафоли билан яъни, “илоҳий восита”си ила дарвешлик масканига тарки дунё қилганлар ёнига ошуфта кириб келмоқда. Байтнинг яна бир маъноси: синган сафол бу-мажозан кўнгил. Ошиқ синган кўнгил шишаси ила илоҳий ишқдан умидвор бўлиб, илоҳий ишқ истаб, синиқ кўнгли ила ошиқлик маконига синиқ ҳаяжонда кириб келмоқда.

*Кетур, соқиё, муждае жомдин
Ки пажмурда бўлмишмен анжомдин.*

Таржеъбанд ўзига хос бадиият намунаси ҳамдир. Мазкур байтда **мужда, жом, пажмурда, анжом** каби ўзакдош сўзларни кўллаш орқали **иштиқоқ** санъати вужудга келган бўлса, куйидаги парчада **тарду акс ва тазод** санъатларини шоир фикр-кечинмаларини юзага чиқарган:

*Бу гулшан гулига чу йўқдур вафо,
На парҳез этай жоми гулфомдин?
Чу йўқ шоми ҳижрон хумориға субҳ,
Ичиб англамай субҳни шомдин...*

Бошқа бир ўринда **пир, мурид, шайхул-ислом, харобот, зоҳид, тасбех, хирқа** каби маъно жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларнинг кўлланилиши **таносуб** санъатини ҳосил қилган:

*Солай бир аоло харобот аро,
Ки чиқсун фигон аҳли айёмдин.
Хароботий ўлмоқлигим, зоҳидо,
Савол этма мен зори бадномдин.
Гарав қилгали майга чун қолмади
Не тасбиҳу, не ҳирқа нокомдин.*

Маълумки, тариқат – илоҳий билимларни эгаллашга аҳд қилган солиқнинг руҳий-маънавий камолот йўли. Тариқат тасаввуф босқичларининг бошланғичидир. Пир ва муридлик қоидаларига, йўл-йўриқларига амал қилиш, солиқнинг бажариши керак бўлган барча йўл-йўриқлари, шу тариқат ичига киради. Яъниким бу худбинлигимни Тариқат йўлини касб этсам, ўша куни мен учун ишқ-муҳаббат насиб этгувчидир.

Бурун зуҳду тақвони айлаб шиор,

*Дедимким, етишгай сафое манга.
Бориб хонақах ичра қилдим мақом,
Бу маъни худ ўлди балое манга.
Боқиб хилвату зикру сажжодани
Зухур этти ҳар дам риёе манга,
Булардин ўзумни халос айладим,
Ки то ҳосил ўлгай фаное манга*

Таржеъбанднинг тўртинчи бандида таржеъ мақтаъ байтидек бир-бири билан ўзаро қофияланган.

*Суманбарлар ичра **паричехрае**,
Паричехралар ичра **девонае**.*

Бу байтда тасвирдан чекиниш бор. Шоир биринчи мисрада қўллаган ташбеҳдан чекингандек бўлиб, иккинчи мисрада ундан ҳам кучлироқ ташбеҳни келтиради. Натижада байтда **ташбеҳ** билан биргаликда **ружуъ** санъати юзага чиққан:

*Бугун очиб ул майкада эшигин,
Берур ҳар гадо етса паймонае.*

Тасаввуф адабиётида пир муриднинг маънавий йўлбошчисидир. Мурид эса мақсадга интилувчи одам. У пирсиз ўз манзилига ета олмайди. Пир унга раҳнамо сифатида йўл-йўриқ, кўрсатмалар берган. Мурид пирсиз қалбидаги ниятларини амалга ошира олмайди ва унинг ҳаракатлари самара бермайди. Пир ҳар томонлама муридга ўрناق бўлмоғи керак. Пир ҳеч қачон мурид моддиятига кўз олайтирмаслиги, таъмагир бўлмаслиги керак бўлган. Кўнглининг поклиги, нафсини тия олиши, билимининг чуқурлиги, сўзи, суҳбати, ҳаракатлари, амаллари билан муридга ўрناق бўлмоғи зарур. Мазкур байтларда ана шундай мазмунлар ҳам ифодаланган:

*Кеча хонақах ичра сармаст эдим,
Бугун майсиз итти қарорим менинг.
Хумор айлаб ул навъ ошуфтаким,
Иликдин бориб ихтиёрим менинг.*

Яъни бу лашкарнинг дафъига майхона қалъа бўлгай. Майхонада пир менга май тутса, агар менинг ёнимга муғбача келса азиз жоним унга фидо бўлсин. Эй, шарият билимдони хароботга кирганимда менинг шаробим бўлгин. Кеча хонақоҳ ичида сармаст эдим, бугун эса майсиз менинг қарорим йўқолди. Хумор бўлиб, ошуфтаҳоллик ила ихтиёрим кетти.

*Мени май бас ошуфтаҳол айлади,
Бу водийда мажнунмисол айлади.
Бошимни кўп атрофида майфуруш
Ўзум жисмидек поймол айлади.
Сабукашлигим айни идбордин
Қадимни юк остида дол айлади.*

Бу бандда ташбеҳ санъатининг ажойиб намунасини кўраимиз. Маълумки, ташбеҳ санъатининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар ташбеҳи мутлақ, ташбеҳи киноя, ташбеҳи маршрут, ташбеҳи тавсия, ташбеҳи акс, ташбеҳи измор ва ташбеҳи тафзил номлари билан аталади. Юқоридаги байтларда **ошуфтаҳол, мажнунмисол, узум жисмидек сўзлари таркибидаги –ҳол, -мисол, -дек** кўшимчалари аниқ ўхшатиш маъноларини ифодалаб, ташбеҳининг **ташбеҳи мутлақ** турини тақозо этаётган бўлса, шоир ўзининг омадсизлигидан нолиб, шу омадсизлигидан эгилган қаддини долга қиёслаб, бу ерда **китобат** санъатига муурожаат этмоқда.

Таржеъбанднинг сўнгги бандларини ҳам кўйидагича изоҳлаш мумкин: Мен қон ичурмен, сабаби дўстим рақибим билан бода ичмоқда. Рақибимнинг насибаси май бўлса, менинг насибам қон. Қандай зулмки гулшандаги гулнинг маҳрами зоғ бўлса-ю, булбул ундан маҳрум бўлса. Ёқамни чок этиб, кўксимга тош уриб, эл аро ғариб бўлдим. Бу кўнглимга таскин бермади. Қадаҳ билан овундим. Таржиъбандда тавсаввуфона ғояларни ўзида ташиётган лирик қаҳрамон – ринд билан шоирнинг ўз образи бир-бирига ҳамоҳанг ва уларнинг ички кечинмалари ўзаро мос тушади. Ҳар банд охиридаги нақорат шоир авзоини ҳам жуда чуқур ифодалайди. Охирги банд хулоса тарзида бўлиб, борлиқ ва ҳаёт қонуниятлари устида узоқ-узоқ мушоҳада юритиб, ўз саволларига жавоб топа олмаган ва ўз қалбига таскин бера олмаган файласуфнинг жавобсиз қолган савол ва хулосалари ифодасидан иборат:

*Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар гаму меҳнатим.
Назар айла бу коргаҳ ваъзига,
Ки ортар тамошосида ҳайратим...
Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу илатим.
Не қилмоққа бир амрдин ҳосилим,
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.
Менинг бошима бас қотиқ тушти иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.
Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол.*

Алишер Навоийнинг ушбу таржиъбанди ўзбек мумтоз шеърлятида қўлланилган баҳрлардан бири бўлган мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнларида битилган. **Рукнлари ва чизмаси:**

Мутақориби мусаммани маҳзуф

<i>He</i>	<i>чук</i>	<i>Май</i>	<i>би</i>	<i>ла</i>	<i>бўл</i>	<i>ма</i>	<i>сун</i>	<i>ул</i>	<i>фа</i>	<i>тим</i>
Фа	ув	Лун	фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ул
V	-	-	V	-	-	V	-	-	V	-
<i>Ки</i>	<i>жон</i>	<i>Қас</i>	<i>ди</i>	<i>ай</i>	<i>лар</i>	<i>га</i>	<i>му</i>	<i>меҳ</i>	<i>на</i>	<i>тим</i>
Фа	ув	Лун	фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ул
V	-	-	V	-	-	V	-	-	V	-

Мутақориби мусаммани мақсур

<i>Ке</i>	<i>тур</i>	<i>со</i>	<i>қий</i>	<i>ул</i>	<i>май</i>	<i>ки</i>	<i>Суб</i>	<i>Ҳи</i>	<i>а</i>	<i>ласт</i>
Фа	Ув	лун	фа	ув	лун	фа	Ув	лун	фа	ал
V	-	-	V	-	-	V	-	-	V	~
<i>А</i>	<i>нинг</i>	<i>нашъ</i>	<i>а</i>	<i>си</i>	<i>дин</i>	<i>кў</i>	<i>Нгу</i>	<i>лэр</i>	<i>ди</i>	<i>маст</i>
Фа	Ув	лун	фа	ув	лун	фа	Ув	лун	фа	ал
V	-	-	V	-	-	V	-	-	V	~

Юқоридаги икки вазн ўрни-ўрни билан алмашилиб қўлланган. Масалан, таржеъбанднинг биринчи бандига эътибор берсак, қофиядош бўлиб келган жуфт мисралар (аласт, маст, майпараст, ҳамнишаст, шаст, сангбаст, паст, даст, шикаст, маст) ва 1-, 2-, 5-,6-бандлар мутақориби мусаммани мақсур (Фаувлун фаувлун фаул) вазнида, 3-, 4-, 7-, 8-, 9,10- бандлари эса, Мутақориби мусаммани маҳзуф (Фаувлун фаувлун фаувлун фаал) вазнида ёзилган.

Таржиъбанднинг учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи бандларида *радиф* қўлланган.

Таржиъбандда Навоий қофиянинг барча турларидан моҳирона фойдаланганига гувоҳи бўламиз. Таржиъбанднинг биринчи банди муқайяд қофияли банддир: *аласт, маст, майпараст, ҳамнишаст, шаст, сангбаст, паст, даст, шикаст, маст* Иккинчи бандда эса, *жомдин, анжомдин, гулфомдин, шомдин, домдин, исломдин, омдин, айёмдин, бадномдин, нокомдин* сўзлари **мурдаф (ридфли)** қофия бўлиб келган. Таржиъбанднинг учинчи бандидаги *лое, давое, жафое, вафое, ҳавое, сафое, балое, риёе, фаное* қофия

дош сўзларидаги “о” чўзиқ унлиси мужаррад қофияга асос бўлмоқда. Таржиъбанднинг ўнинчи бандидаги *улфатим, меҳнатим, ҳайратим, фикратим, ражъатим, тоатим, суҳбатим, илатим, журъатим, тоқатим* каби қофиядош сўзларидаги “т” ундоши равий, ундан олдинги “а” қисқа унлиси **тавжих** бўлиб ҳисобланади. Тўртинчи банд бошқа бандлардан фарқли равишда муассас қофияли банддир.

Юқоридаги таҳлиллардан куйидагича хулосаларга келдик:

1. Навоий “Харобот аро...” таржиъбандида тасаввуфий ғояларни бадиий йўсинда ифода этди.

2. Навоий илоҳий ва мажозий муҳаббатнинг ҳамоҳанглигини юксак санъаткорлик билан кўрсатиб берганлигининг гувоҳи бўламиз.

3. Таржиъбандда тасаввуфий ғоялар билан бирга фалсафий фикрларнинг уйғунлигини кузатамиз.

4. Шоир *соқий, сафол, пир, мурид, шайхул-ислом, харобот, зоҳид, тасбеҳ, хирқа* каби тасаввуфий истилоҳларнинг бадиий ифодасини ёрқин намоён этиб, ҳадди аълосига кўтарди.

5. Таржиъбанднинг восита байти (Харобот аро кирдим ошуфтаҳол, Май истарга илгимда синғон сафол) ўзбек мумтоз адабиётида шоҳбайт даражасига кўтарилди.

6. Навоий таржиъбандида мумтоз адабиётимизнинг ажойиб намуналари бўлган бадиий санъатлар: маънавий ва лафзий санъатлардан моҳирона фойдаланган.

7. Алишер Навоий таржиъбандида арузнинг мутақориб баҳридан эркин фойдаланган.

8. Навоий таржиъбандида қофиянинг барча турларини усталик билан қўллаб, мумтоз қофия тараққиёти ривожига улкан ҳисса қўшди.

9. Навоий ўзбек мумтоз адабиёти тарихида таржиъбанд жанрининг энг мукамал, оригинал намуналарини яратган ижодкордир.

АДАБИЁТЛАР

1. Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. – Тошкент, ТАФАККУР, 2020.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Тошкент, 2002;
3. D. Yusupova D. O‘zbek mumtoz va milliy uyg‘onish adabiyoti (Alisher Navoiy davri). O‘quv qo‘llanma. – Тошкент, TAMADDUN, 2016.
4. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik. – Тошкент, TAMADDUN, 2018.
5. Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърини жанрлари. –Тошкент, Фан, 2006.
6. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –Тошкент, “МУМТОЗ СЎЗ”, 2011.
7. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент, 1961.

Мамадалиева З., доцент
(Ўзбекистон)

ИСКАНДАР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ: ИРФОН ВА ОРИФЛИК

Хамсачилик мураккаб бадий тафаккур маҳсулидир. Ундаги ҳар бир образ хамсанавислар дунёкараши чиғириғи, қалб призмасидан ўтар экан, ўзгариб, такомиллашиб, янгидан янги қирралари очилиб боради. Айниқса бу жараён бош қаҳрамонлар талқинида янада яққол кўзга ташланади. Бош қаҳрамонларда дostonнавислар ўзларининг идеалларини, орзу-хаёллари ва умидлари мужассамлаштириб борилиши натижасида бу образлар янада юксалади. Мана шундай образлардан бири Искандар (Зулқарнайн)дир.

Искандар ҳақидаги илк маълумот Ч аср тарихчилари Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфажоний, Динюварий, Табарийлар асарларида, кейинроқ Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида учрайди. Беруний Зулқарнайнни Искандар ибн Филиф (яъни Александр Македонский) дейишларини айтади, Александр ҳақида, унинг туғилиши, Доро билан бўлган жанги тўғрисида маълумот беради, аммо бу фикрга мутлақо қарши бир қанча маълумотлар ҳақида ҳам тўхталиб, Зулқарнайн Ямандан бўлса керак, деган бошқа тахминни ёқласа-да, тугал фикр билдирмайди.

Искандар илк марта Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида бадий образ сифатида адабиётга кириб келди. У “Шоҳнома”да Искандарнинг Эронга юриш қилиши, Дордан енгилиши ҳақида ёзар экан, кўпроқ тарихий воқеаларни ифода этди ва Искандарни жаҳонгир шоҳ сифатида тасвирлади. Аммо шу билан биргаликда уни донишманд Арастуниг шогирди, файласуф устозининг сўзи билан иш кўрувчи подшо сифатида ҳам эътироф этади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги Искандарга бўлган ижобий муносабат мағлуб халқ – форсларнинг урф-одат ва анъаналарига Александр Македонскийнинг кўрсатган ҳурмати натижасида пайдо бўлган бўлса керак. Бу муносабат Низомийга таъсир ўтказган бўлса-да, унинг “Панж ганж”ига алоҳида асар бўлиб кирган “Шарафнома” ва “Иқболнома” деб номланган икки қисмдан иборат “Искандарнома” достонида биз реал шахс – Александр Македонский тасвирдан анча узоқлашган сиймони кўрамиз.

Достонда Искандар ҳақидаги халқ орасидаги ривоят ва ҳикоятлар асосида образ ҳар томонлама таракқий этирилди. Яна бир асосий жиҳат – Низомий “Қуръони карим”даги Зулқарнайн образини Искандар билан айнийлаштириб, ўзининг қаҳрамонини Искандар Зулқарнайн деб атади. Достонда Македонскийнинг икки “шоҳ”ли бўрк кийганлиги сабаби уни Зулқарнайн дейишлари асос қилиб олинди.

Натижада, Искандарнинг Доро билан жанг қилгани, юртбосар ва жангарилиги, тадбиркорлиги ва ҳаким устозлар, жумладан, Арастуниг шогирди эканлиги, Равшанак деган гўзал рафиқаси борлиги ҳақидаги мотивлар Александр Македонскийдан, яъжуж-маъжужлар билан жанг қилгани, уларга қарши девор кургани ҳақидаги мотивлар эса “Қуръони карим” оятларидан олинди. Бугина эмас. Искандарнинг Хизр билан бирга тириклик сувини

излагани, унинг сартарош билан можароси ҳақидаги халқ оғзаки ижодиётидаги ривоятларга ҳам мурожаат этилди ва ниҳоятда забардаст идеал бир образ яратилди.

Низомий, Хусрав Дехлавий ва Жомийлар Искандар ҳақидаги дostonда унинг ва ҳамсуҳбат ҳакимларнинг донишмандлиги фониди ўзларининг қимматбаҳо фикрларини – илми ҳикматларини ўқувчига туҳфа этганлар.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодида бу образ янада мукаммалалашди ва унга рамзийлик вазифаси ҳам юкланди. Навоий, салафлари Низомий, Хусрав Дехлавий ва Жомийлар томонидан одил ва жаҳонгир шоҳ, ҳакимлар шогирди, суҳбатдоши ва ўзи ҳам ҳикмат эгаси дея таърифланган бу образнинг янги талқинини – ирфон , яъни илоҳий маърифат соҳиби образини кашф этди.

Искандарни шоҳ ва ҳаким, валий ва набий деб улуғлаган Навоий, асосан унинг шоҳлик ва ҳакимлик хусусиятига асосий эътибор қаратди. Валийлик ва набийлик хусусиятига эса, асар сўнггида Искандарнинг сув ости саёҳатлари тасвиридани сўнг мурожаат этди.

Ҳикмат ҳақида “Ғиёс ул-луғот”да қуйидагича таъриф келтирилади: “Ҳикмат – донолик ва тўғри кирдор кўрсатиш бўлиб, ашё – нарсалар ҳақида баҳс этувчи илм, башарий билимлар мажмуидир” Искандарнинг ҳакимлиги эса, асардаги воқеалар ибтидосидаёқ намоён бўлади. Яъни, Искандарнинг тутинган отаси Файлакус Эрон шоҳи Дорога вассал сифатида бож тўлар эди. Ота ўлимидан кейин тахтга чиққан Искандар юртда бир қанча ислохотлар ўтказди. Солиқларни камайтириб, нафақа ва маошларни оширди. Бир қанча ўлкаларни эгаллади ва ўз қўли остида бирлаштирди. Жаҳон шоҳи деб аталган Дорога бож тўламай қўйди. Унинг элчисига “Доро кўп ҳазина йиғавермасин, барибир бунинг фойдаси йўқ” деган мазмунда жавоб юборди. Бундай “густохона” жавобдан дарғазаб бўлган Доро Искандарни “ғафлатдаги гўдак” деб номлади ва ўз қудратини англатиб қўйиш учун унга чавгон (копток), гўй (човгон таёғи) ва бир халта кунжут бериб юборди ва элчиси орқали шундай дейди:

Ки гўдаклигинг чунки ғолибдурур,

Сенга “гўйу чавгон муносибдурур...

Кўйуб жаҳл, ўз жонингга раҳм қил,

Сипоҳим ҳисобин шу кунжутча бил”. (Алишер Навоий, 1991:130)

Бу билан ва “*сен ҳали ёш боласан, чавгон билан гўйни ўйнагин. Менинг аскарларим мана шу кунжутлардай, уларни йўқ қиламан, деб хомтаъма бўлмагин*” дейди.

Искандарнинг бу ҳолатга муносабати ва жавоби унинг ёшлигиданоқ ҳикмат соҳиби – тадбирли ва доно шоҳ эканлигидан далолат беради. У бу “инъом”дан жаҳли чиқмайди, кўрқиб қолмайди ҳам, мусоҳиб ҳакимлар – устозлари билан маслаҳат ҳам қилмайди. Элчининг сўзига ўша заҳотиёқ муносиб жавоб беради. Яъни:

Чу шоҳ они тутти мусаллам манга,

Ҳамоноки Ҳақ берди олам манга.
Буким илгима солди чавгонини,
Мусаллам манга тутти майдонини.
Ҳамоно чиқиб мулк майдонидин,
Мени баҳравар қилди чавгонидин.
Ки, то мен бу майдонда гўй урғамен,
Самандим қилиб гармпўй урғамен.
Манга муждалар етти андин баса,
Ки, мамнунмен ул комрондин баса». (Алишер Навоий, 1991:132)

Шоҳ менга эҳсон қилиб, гўй билан човгон юборибди. Бунда ҳам бир махфий ва рамзий маъно бор. Шоҳнинг ер юзига ўхшаш коптокни менга тақдим этиши эса менга оламни беришидир. Доронинг бу чавгонни менинг қўлимга тутқазishi – ўз майдонини менга топширишидир... энди унинг томонидан юборилган мана бу кунжутнинг ҳам рамзини баён айлай. У кунжутларни аскарларини кўплигига ўхшатмоқчи бўлган. Мен бунга ҳам бошқа маъно бераман. Яъни, менинг аскарларим қуш бўлиб, гўё бу кунжутлари у қушларим учун овқатдир.

Ёш подшоҳдан бундай тиниқ ақл самараси бўлган ўткир жавобни эшитган элчи ниҳоятда мулзам бўлади ва “оёғи билан келган бўлса, боши билан чиқиб кетади”.

Искандарнинг бу жавобиеқ устози ҳақими доно Арастуға муносиб шогирд эканлигидан даолат беради.

Искандар шундай илму ҳикмат эгаси ва жаҳонгир подшо бўлишига қарамай ҳар қандай ишга киришишдан олдин устози Арасту билан маслаҳатлашади, унга муайян масала юзасидан савол бериб, ҳикмат тинглайди ва у берган таълимдан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Бу ҳам унинг ориф инсон эканлигидан дарак беради. Жумладан, дostonдаги биринчи ҳикматда Искандар Арастуға “мақсадга қайси манзил яқинроқ?” деб сўрайди.

Арасту:

Деди: “Халқни ўзни фард айламак,
Фано йўлида гард айламак”

Бундай ҳикматларни дoston воқеалари билан боғлиқ бўлгани ҳолда *ирфоний, ахлоқий-таълимий ва кундалик-маиший* мавзуларга бўлиб, таснифлаш мумкин.

Ирфоний мавзулардаги ҳикматлар нисбатан кам бўлиб, қуйидагилардир:

Биринчи ҳикматда Искандар устозидан мақсадга қандай етиш мумкинлиги тўғрисида сўрайди.

Арасту унга бу йўлда уч хил тариқ (йўл) борлигини айтиб, аввало, фано йўлида хоку туробга айланган маъқул, деб маслаҳат беради. Бу Навоийнинг орифона йўлга (тариқатга) муносабати ҳисобланади. Арасту манзилга олиб боровчи иккинчи йўл ҳайру эҳсондир дейди. Зеро бу йўлда ҳам меъёр ва ўрин

кераклиги ҳақида сўз боради. Учини йўл эса адолат билан ҳукм юрғизиш эканлигини айтади.

Тўртинчи ҳикматда Тангри тақдири ва унга банданинг тадбири ҳақида савол-жавоб бўлади. Арасту Тангри тақдирини мутлақ эканлигини эътироф этиб, бандаси ҳар қанча ҳаракат қилмасин, тақдири азалга қарши ҳеч қандай тадбир қилолмаслигини айтади. Бу жавоб тақдир масаласига, айти пайтда, Навоийнинг муносабатини акс эттиради.

Саккизинчи ҳикматда яхшилик ва ёмонликнинг ажру мукофоти тўғрисида сўз боради. Арасту ҳар бир яхши ва ёмон ишнинг муайян натижаси борлиги ҳақида сўзлайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг ўз амали натижаси эканлигини айтса-да, “кишиларнинг феъл-атвори яратилганда, унинг ичига табиий аҳволининг уруғи ҳам яширинган”, дейди. Бу ҳам Навоийнинг қисмат илоҳий ва ўзгармас эканлиги ҳақидаги фикрига ҳамоҳангдир. Ундаги ҳикоятда фарзандини йўқотиб, қаттиқ изтиробга тушган ва уни излаб юрган савдогарнинг бор пулини бир нотаниш асирни қутқариб олишга сарфлагани ва у асир савдогарнинг ўз фарзанди бўлиб чиққанлиги ҳикоя қилинади. Бу ҳикоятга бағишланган ҳикматда Искандар устози Арастудан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрайди. Арасту яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтиши муқаррарлиги, бу илоҳий қонуният эканлигини таъкидлайди:

Ки, ҳар ким аён этса яхши қилиғ,

Етар яхшиликдин анга яхшилиғ.

Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ямон,

Кўрар ҳар неким, зоҳир этти ҳамон. (Алишер Навоий, 1991:286)

Ўн иккинчи ҳикматда инсон ва уни ўзининг англаши борасида сўз боради. Искандар устозига “инсон зотида илоҳиёт сири яширинган бўлса-да, ўзидаги бу сирдан беҳабарларнинг ҳайвондан қандай фарқи бор? – деб савол беради. Арасту жавоб беради:

Деди: Улча бордур ўзида ниҳон,

Билурдин фузунроқдур аҳли жаҳон. (Алишер Навоий, 2000: 403)

Яъни: *одамзод мана шу жоҳиллигича ҳам билганлардан (балки фаришта ва малойикалардандир) ҳам афзалроқдир.* Бу жавоб ҳам Навоийнинг фикри бўлиб, улуғ мутафаккирнинг инсонни улуғлайдиган гуманистик дунёқарашини акс эттириши билан аҳамиятли.

Достондаги ахлоқий-таълимий мавзудаги ҳикматлар бештани ташкил этиб, бу адолатли ҳукмдор бўлиш учун зарур бўлган маслаҳатлардан иборатдир. Бу борада энг кўп қўлланилган кундалик-маиший мавзудаги масалалар бўлиб, улар олтига ҳикматда ўз аксини топган. Булар Искандарнинг ҳақимлик хусусиятини намойиш этади. Буларнинг биринчиси, назарий ҳикмат (фалсафа, ирфон, яъни тасаввуфий билиш)га тааллуқли савол-жавоблар бўлса, иккинчи ва учинчилари эса амалий ҳикмат (ахлоқ) илмига тегишлидир.

Искандарнинг жаҳонгирликка даъвоси – бу унинг ҳикмат ва ирфон йўлига қараб олға юриши, етти иқлим мамлакатларини забт этиши эса бу йўлда зоҳирий илмларни эгаллашидир. Сабаби, Навоий валий зотлар бўлган комил инсонлар ҳақида сўз юритар экан, уларни “зоҳир ва ботин илмидаги” мартабаларини алоҳида-алоҳида зикр этади. (Алишер Навоий, 2001:17) Бу йўлда унга устоз Арасту йўлбошчилик қилади. Арастуни эса фалсафада мантиқ соҳибидейилар, бу эса унинг шогирди бўлмиш Искандарнинг мантиқий илмларни эгаллашга отланганлигининг яна бир далилидир.

Ботиний, яъни илоҳий илм тасаввуфда илми ладун, илми ҳол, ҳаққул яқийн каби истелоҳлари билан ифодаланади. Навоий бу дostonда илоҳий илмларни етти баҳри муҳит рамзи билан ифодаланини кўрамиз. Яъни, етти иқлимни эгаллаган Искандар энди денгиз сафарига чиқади. Бу йўлда энди унга ирроционал илмлар отаси Сукрот раҳнамолик қилади (У “Фарҳод ва Ширин” дostonида Фарҳоднинг ҳам маслакдаги раҳнамоси эди). Буни биз айни дostonдаги сув истаб денгиз гирдобига бориб қолган ва ўлим наҳангига ем бўлгандан сўнггина сувдан айрилганини билиб қолган балиқлар ҳақидаги ҳикоятда очиқ кўрамиз.

Искандар етти баҳри муҳитни сузиб ўтиш билан чекланмай, шиша сандик ясаиб, денгиз ичига тушиб, сув ости дунёсини ўрганади. Демак, Сукротдан илоҳий илмларни эгаллашни ўрганган ориф инсон энди илоҳий илмлар ичига сингиб кетади. Искандар сув остида шу даражада кўп вақт қолиб, мўл илм ўрганадики, натижада сув ости ажойиботлари ўзлари чиқиб, Искандарга ўзлари ҳақида маълумот бера бошлайдилар.

Демак, Искандарнинг биринчи сафарини илм ул-яқийн, иккинчини айн ул-яқийн, учинчи – сув ости дунёсига қилган сафарини эса ҳаққ ул-яқийн деб аташ мумкин. Бу сафар давомида Искандарнинг басират кўзлари тўла очилди, дейди Навоий. Ва у орифлик – валийлик, набийлик даражаларига эришади. Профессор Н.Комиловнинг “Садди Искандарий” дostonи ҳақидаги “Ҳикмат ва ибрат дostonи” номли тадқиқотида орифлик ва ирфон тўғрисидаги қуйидагичи фикрлар мавжуд: “Жалолиддин Даввоний назарийда ирфон билан ҳикмат, ҳаким билан валий, файласуф билан дарвеш моҳияти ўзаро яқин. Айтиш мумкинки, ҳакимда валийлик, валийда ҳакимлик ҳислатлари мавжуд”. (Комилов, 2005:187) Демак, буюк Навоий комилликнинг икки қутби ҳисобланган ҳакимлик ва орифликни бир образ мисолида гўзал тарзда бирлаштира олган.

“Садди Искандарий” дostonи зоҳирий маънода жаҳонгир подшо ва донишманд инсон бўлган ҳамда Шарқ мумтоз адабиётида идеал одил шоҳ образини ўзида тажассум этган Искандар ҳақида, унинг жаҳонгирлик дostonи тарзида ёзилган эса-да, ботиний маъносига кўра ҳаким ва ориф инсоннинг камолотга етиш йўли ҳақидаги рамзий-тасавуфий асардир.

АДАБИЁТ

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001.
2. Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан) Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
3. Алишер Навоий. Садди Искандарий. / МАТ. Тошкент: Фан, 2000.
4. Комилов Н. Ҳикмат ва ибрат достони. / Хизр чашмаси. Тошкент: Маънавият, 2005.

МАМАТҚУЛОВ М., доцент
(Ўзбекистон)

ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ ВА ЎЗБЕК ЁЗМА ДОСТОНЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ

“Тоҳир ва Зухро” муҳаббатига бағишланган сюжетни ўз ичига олувчи катта ва кичик ҳажмдаги бадиий ижод намуналари Шарқ адабиётида ўзига хос ўринга эга эканлиги билан ажралиб туради. Айниқса, бу мавзу “Ўрта Осиё, Арабистон ва Ҳиндистон халқлари орасида кенг шуҳрат топди, бадиий адабиётни, халқ оғзаки ижодини севган кишиларнинг руҳига сингиб, узоқ замонлар мароқ билан куйлаб келинди” (Абдуллаев, 1980; 56) . Бу машҳур сюжет мавзуси туркий халқлар адабиётида ҳам эртак, афсона, достон, қисса каби жанрларнинг тараққиётида муҳим рол ўйнади.

“Тоҳир ва Зухро” мавзуси ўзбек адабиёти учун ҳам бегона эмас. Айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари орасида бу сюжет билан боғлиқ кўпгина асарлар учрайди. “Тоҳир ва Зухро” номли эртак ўзбекларнинг сеvimли асарларидан бирига айланган. “Тоҳир ва Зухро” достонининг фольклоршунос олимлар томонидан халқ бахшиларидан ёзиб олинган бир неча вариантлари ҳам бор.

Бу мавзуни ўзбек ёзма адабиётига XVII-XVIII асрларда яшаган шоир Сайёдий олиб кирди. У ўзининг “Тоҳир ва Зухро” достони билан халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт алоқаларини янада мустаҳкамлади, машҳур сюжетни бадиий жиҳатдан қайта ишлаб, уни ижодий бойитди. Дарҳақиқат, достоннинг ғоявий дунёси, образлар олами, сюжети ва композицияси “Тоҳир ва Зухро” номли ўзбек халқ эртагига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради.

“Тоҳир ва Зухро” эртагида тасвирланишича, ўтган замонда бир подшоҳ бўлган экан, лекин унинг фарзанди йўқ экан. Фарзандсизлик мотиви айнан Сайёдий достонида ҳам учрайди: Тотор шаҳрининг Бобоҳон исмли бир подшоҳи бор эди, етти иқлим унга бўйсунарди, бироқ унинг кўнгли ярим эди:

Вале камлиги фарзанди йўқ эрди,

Кеча-кундуз ғаму ғусса ер эрди.

Бу шоҳ кўнглида доим эрди бу ғам,

Бу ғамдин кўнгли ҳаргиз бўлмади жам (Sayyodiy, 2019; 21).

Келажакда давлатимнинг эгаси ким бўлади, деган фикр ҳар иккала асардаги подшоҳни ҳам қийнади. Бундай ўй-хаёл уларни ғамгинлик сари етакларди, доимо хафагарчиликларининг асосий сабабчиси эди.

Кўринадикки, эртақда чол туғилажак фарзандларнинг қўйилажак исмларини тавсия қилмоқда ҳамда подшоҳ ва вазирга қуда бўлишлари лозимлигини ҳам уқтирмоқда.

Айнан вазирнинг бефарзандлиги Сайёдий достонида ҳам учрайди. Эртақдан фарқли равишда дostonда вазир Боҳир подшоҳи ва ўзига фарзанд сўраб, Яратганга муножот қилади. Чин кўнгилдан қилинган муножот ўз самарасини беради. Вазир уйкуга кетади ва туш кўради. Тушида подшоҳ ва ўзи фарзандли бўлишлари аён бўлади. Уйғонгач, бизга ҳам азизлар назар қилди деб, подшоҳдан суюнчи сўрайди. Подшоҳ Бобоҳон ҳам хурсанд бўлади ва ўзи ҳамда вазирининг фарзандлари ўғил бўлса - дўст, қиз туғилса - дугона, ўғил-қиз дунёга келса - “ҳамдард” бўлсин, агар бу шартдан ким тонадиган бўлса номард бўлсин, деб ният қилади.

Энди яна эртаққа қайтсак, чолдан олмаларни олган подшоҳ ва вазир уйларига қайтиб, юрт сўрашда давом этишибди. Вақти соати етиб, улар овда юрган пайтларида хотинларининг кўзи ёрибди. Подшоҳнинг хотини - қиз, вазирнинг хотини эса ўғил туғибди. Суюнчига борган одамга подшоҳ ғазабланиб, қизини ўлдириб, қонига рўмолчани бўяб келтиришни буюрибди. Вазир бўлса суюнганидан от чоптириб, уйига қараб йўл олибди. Йўлда кетаётиб, оти тошга қоқилибди-ю, отдан йиқилиб, тил тортмай ўлибди. Вазирнинг ўлими ҳодисаси Сайёдийда ҳам бор. Бироқ бу ўлим эртақдагидек тасодифий ўлим эмас:

Билинг: Тоҳирки беш ёшқа етибдур,
Бу Боҳир Тангри амрин биткарибдур.
Ки Боҳирнинг вафотин билди ул шоҳ,
Дедиким: “Бу эрур тақдири Оллоҳ” (Sayyodiy, 2019; 29).

Айнан вазирнинг ўлими ҳар иккала асарда ҳам шартнинг бузилишига сабаб бўлади. Подшоҳнинг нияти бузилиб, Тоҳирни куёв қилиш фикридан қайтади.

Тоҳирнинг Зухрога унаштирилганлиги хабари эртақда ҳам, дostonда ҳам бир-бирига яқин қизиқарли воқеа ва деталлар орқали берилади. Эртақда айтилишича, бир куни Тоҳир ёнғоқ ўйнаб юрганида, отган ёнғоғи ип йигириб ўтирган бир кампирнинг чархига тегибди. Шундан кейин кампирнинг жаҳли чиқиб, “Э, шум етимча! Мен билан ўйнашгунча, бориб Зухро билан ўйнаш”, дея уни қарғабди. Бу гап Тоҳирни анча қизиқтириб қўйибди. Тоҳирнинг саволига кампирнинг ўзи эса ҳеч қанақа сўз демай, унга онасини гапиртириш йўллариини ўргатибди. Кампирнинг ўргатган хийласи орқали Тоҳир ўтмишда отаси ва подшоҳ ўртасида бўлган воқеаларни билиб олибди. Бунда кўғирмоч деталдан унумли фойдаланилади. Яъни Тоҳир онасига кўғирмоч пишириб

беришини, уни ҳовучида олиб келишини илтимос қилади. Онасининг қўлини маҳкам қисгач, қўли куйган онаси бўлиб ўтган воқеаларни боласига айтиб беришга мажбур бўлади.

Худди шундай тасвирлар Сайёдийда ҳам келтирилган. Достонда ёзилишича, Тоҳир ва Зухро бир мактабда ўқишар экан. Бир куни иккаласи мактабга бораётган пайтда олдиларидан бир хотин чиқибди. Тоҳир ҳазиллашиб, у томонга бир дона ошиқ отибди. Ошиқ хотинга бориб теккач,

Деди хотун: “Манинг-ла қилма бози,
Бўла кўр Зухрохоним бирла сози.
Агар санда ақл бўлса, эй ўғлон,
Қила кўр Зухрохоним бирла жавлон” (Sayyodiy, 2019; 31).

Шундан сўнг Тоҳир ўзи билмайдиган қандайдир бир сир борлигини англабди. Бояги хотин бу сирнинг нималигини онасидан сўраши лозимлигини айтибди. Тоҳир уйига келиб, онасига қорни очганлигини, кўнгли қўғирмоч тилаётганлигини сўзлабди. Онаси тезда айтилганларни тайёрлабди. Тоҳир эса онасига қўлларида қўғирмочни олиб келишини, онасининг қўлларидан овқат ейишни кўнгли тусаётганини билдирибди. Онаси ўғли истагандай қилиб, қўғирмочни олиб келибди. Шунда маҳкам онасининг қўлини тутибди ва отаси билан боғлиқ воқеаларни айтиб беришини сўрабди:

Қўли куйгач, деди: “Эй нури дийда,
Эшитсанг қиссани, бўлғунг рамида.
Отанг бирла Бобохон қилди паймон,
Ажал етди, отанг топмади дармон.
Унуттуқ борисин, сан ҳам унутғил,
На савдодур, болам, кўнглунг совутғил.
Ки ул хоним эрур хонларға лойиқ,
Кўнгул берма анга сан, бўлма ошиқ” (Sayyodiy, 2019; 32).

Кўринадики, достондаги воқеалар эртақдаги воқеаларга айнан ўхшайди. Фақат эртақдаги ёнғоқ, достонда ошиққа ўзгарган бўлса, чарх йигираётган кампир образи хотин образига айланган. Бироқ иккаласининг ҳам асардаги вазифаси – бир. Подшоҳнинг чақалоқ қизини ўлимга буюриш ҳолати, лекин қизнинг ўлдирилмай қолиши фақат эртақдагина учрайди, холос. Қўғирмоч, онасининг қўлини куйдириш орқали ўтмишдаги воқеалар сирини билиб олиш – иккала асарда ҳам бирдай тасвирланган.

“Тоҳир ва Зухро” достонида ҳам бу каби воқеалар тасвири бор. Бироқ достон жанрининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда Сайёдий воқеаларни кенгроқ баён этишга ҳаракат қилади. Масалан, достонда подшоҳ Бобохон Тоҳирни ўз ҳузурига чақиртиради ва у билан суҳбатлашади, шунингдек, Тоҳирнинг онаси шоҳи Хубон ҳам ҳукмдорга мурожаат қилади. Эртақда эса бу каби эпизодлар йўқ. Сандиқ детали ҳар икки асарда ҳам мавжуд. Сандиқ яшаш ва Тоҳирни сувга оқизиш қарори подшоҳ томонидан чиқарилади. Зухронинг

сандикни мустаҳкамлатиши ва халқнинг Тоҳирни дарёга оқизилишига қаршилиқ қилиши ҳодисаси эртақда ҳам, дostonда ҳам берилади.

Яна бир уйғун ҳолатни Қоработирнинг ўлими тасвирида ҳам кузатиш мумкин. Ҳар иккала асарда ҳам Қоработир Зухронинг ўлимидан сўнг ўзини ўлдиради. Эртақда айтилишича, Қоработирни Тоҳир билан Зухронинг ўртасига қўйибдилар. Тоҳир устидан қизил гул, Зухро устидан оқ гул, Қоработир устидан эса тикан ўсиб чиқибди.

Сайёдий ҳам Тоҳир ва Зухронинг қабридан гул, Қоработир қабридан эса тикан ўсганлигини таъсирли қилиб ифодалайди. Бироқ, Зухронинг вафотидан кейин отаси тушига кириши, шундан кейин Қоработирнинг бошқа алоҳида жойга қўмилганлиги, Моҳимнинг Тоҳир билан боғлиқ воқеаларни эшитгандан сўнг жон берганлиги каби воқеалар баёни Сайёдий ижодий фаолиятининг натижаси сифатида юзага келади.

Халқ орасида кенг тарқалган эртақни дostonга айлантириш шоирнинг асосий мақсади эди. Бу йўлда у тўрт йил заҳмат чекиб, меҳнат қилади. Натижада Шарқ ёзма адабиётидаги машҳур асарлардан бири дунёга келади.

Адабиётлар

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1980.-Б. 56.
2. Sayyodiy. Tohiq va Zfhko. Toshkent, Mfmoz so'z, 2019. -Б. 21.
3. Тоҳир ва Зухра. <http://ў-адабийот.фз/китойлак/ogzaki-ijod/1018-ўқтак.html>.Pg 1

МУЛЛАХЎЖАЕВА К., доцент
(Ўзбекистон)

“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО” – ҚИССАЛАРНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛИ

Юсуф ва Зулайхо саргузаштлари Шарқ адабиётида юзлаб асарларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Бу жуда кўхна ва қадимий мавзуда битилган қисса ва дostonлар ичида энг гўзали Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи эди.

Бу дostonни ўқий бошлаганда эса беихтиёр шоира Зебуннисонинг: *Лайли зотидин эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,/Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлум тўсгай ҳаё* деган байти эсга тушади... Нима учун ўз севгиси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ўз мақсадига эришиш учун ҳатто макру ҳийла йўлига бемалол ўта оладиган Зулайхонинг муҳаббати ҳақида шунча кўп дostonу қиссалар ёзилган? Нима сабабдан Абдурахмон Жомийдек мутафаккир “Ҳамса”даги бошқа дoston – “Хусрав ва Ширин”га татаббуъ битиш ўрнига “Юсуф ва Зулайхо” дostonини ёзишни афзал кўрди? Алишер Навоий эса бу мавзуда гўзал дoston ёзиш орзусида бўлди? Нега бу дostonга асос бўлган Қуръони каримдаги Юсуф сураси қанча-қанча тафсирларда “аҳсан ул-қисас” – “қиссаларнинг энг гўзали” дея тавсифланади?.. Бу каби саволларни яна давом эттириш мумкин.

Бу дoston, аслида, Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги дostonдир. Унинг комил хулқи, гўзал хусни ва муҳаббатини васф этиш иштиёқида битилган бебаҳо хазинадир. Зулайхо эса унга юборилган синовлардан бири ва энг улуғи эди.

Ҳақ таоло яратган хилқатлари ичида Юсуф алайҳиссаломни хуснда тенгсиз қилди. Жомий дostonида тасвирланишича, Тангри жаҳон тарихини бошлаганида, Одам атога унинг барча авлодини жилвалантириб кўрсатди. Шунда Юсуф а.с.га кўзи тушган Одам ато: “Ё Раб, бу қайси гулшаннинг гулидур? Ва ё қайси киши жоми мулидур (*мул – май, шароб*)?” деб сўраганида, унга: “Хуснимнинг учдан икки қисмини Юсуфга бердим, бир қисми бошқа дилбарларга қолсин”, деган нидо келади. Юсуфдаги гўзаллик илоҳий гўзалликдан бир мужда эди.

Абдурахмон Жомий “Юсуф ва Зулайхо” дostonида Куръони каримда келтирилган тафсилотлардан кўп ҳам четга чиқмаган. Бироқ шоир ишқ ҳақидаги дostonни яратмоқчи эди. Дostonнинг асосида хусн ва ишқ деб аталган икки муҳим тушунча туради. Шоир ўз дostonини “Ишқ китоби” деб ҳам атагани ҳам шундан.

Хусн (гўзал хулқ) ва ишқ – инсоннинг энг олий сифати, руҳоний олами учун кучли манбалардир, улар туфайли дoston бошқа асарларда учрамайдиган ҳайратомуз ишқий саргузаштлардан ҳикоя қилади, кўнгилни тўлқинлантирадиган, унга кучли таъсир қиладиган ҳиссиётларга бой. Дoston мазмунининг нафис ифодаси унинг жозибасини яна ҳам оширган.

Икки ёшида онаси вафот этади. Юсуф бошига тушган илк синов эди бу. Уни аммаси парвариш қила бошлайди. Отаси Яъқуб қайтиб олишни айтганида, қайтариб беришни истамайди, ҳийла билан ўз ёнида олиб қолади. Бу Юсуф бошига тушган иккинчи синов эди. Биродарлари уни чоҳга ташлаб кетганларида у учинчи синовга рўбарў келади. Зулайхо уни сотиб олган кундан бошлаб эса унинг бошига тушган синовларнинг адоғи йўқ эди. Тухмат балоси, зиндонга тушиши Юсуфнинг синовлар ичида яшаётганлиги эди, аслида. Тангри ўз суйган бандасини синовлар ичига ташлайди. Бу синовларнинг машаққат ва азоблари Юсуф имонини мустаҳкамлаб борарди.

Жомий Юсуфни тавсифлагач, *Зулайхоким, қуёш эрди жабини, / Жалолат қасрининг парданишини*, дея Зулайхо билан боғлиқ воқеаларни тасвирлашни бошлайди. Зулайхо Мағриб мулкидаги шоҳ Таймуснинг қизи. Юсуфни у тушида кўриб севиб қолади.

Ошиқнинг ёрини тушда кўриши ва уни излаб йўлга тушиши халқ дostonларида, улардан ёзма адбиётга кўчган сюжетларда кўп учрайди. Кўпинча, бундай тушлар тизгинсиз, баъзан ҳамма нарсани вайрон қилиб кетадиган ишқнинг рамзи. Туш мисоли тақдир. Шу маънода, Зулайхонинг бир неча бор Юсуфни тушида кўриши ва уни деб Миср Азизининг уйига келиб яшаши ва бошқалар тақдирида белгиланган эди.

Айни пайтда, Юсуф ҳам туш кўради. Тушида Куёш, ой ва ўн бир юлдузнинг ўзига сажда қилаётганини кўрди у. Бу унинг пайғамбар бўлишига ишора эди. Яна, Юсуф ҳам тушида Зулайхони кўрди. Айни пайтда, дostonда туш билан боғлиқ бошқа масала ҳам турибди. Бу – Юсуфнинг тушларни таъбир қила олиши. Буларнинг барчаси – хушнинг тушда огоҳлантирилиши асарда етакчи ўрин тутди.

Акалари Юсуфдан халос бўлиш ниятида уни қудуққа ташлаб кетган эдилар. Йўлда келаётган карвон қудуқдан сув олмоқчи бўлиб, ўрнига уни тортиб олишади. Юсуф жамоли яна борлиқни ёрита бошлайди. Юсуф ҳақидаги хабарни эшитган Миср подшоҳи Азизни унинг истиқболига юборади. Зулайхо подшо даргоҳига келиб, тўпланиб турганлар олдидаги Юсуфни кўриб, уни танийди. Нола-фарёд чекиб, хушидан кетади... Кейин уни эл сўраганидан икки карра ортиқ баҳога сотиб олади.

Юсуфнинг жамолини кўрганларнинг барчаси лолу ҳайрон эдилар. Чунки бундай гўзаллик олдида тоқат қилиб туриш қийин эди. Шу ўринда муаллиф Од қавмидан бўлган Бозға исмли қизнинг Юсуфга ғойибона ошиқ бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилади. У Юсуф алайҳиссалом жамоли ойинасида жамол ҳақиқатини кўриб, мажоздан чиқиб, ҳақиқатга етишди, дейди шоир. Бозға ишқи Зулайхонинг ишқидан фарқ қиларди. Жомий гўзалликни идрок этиш бобида ҳамманинг бир хил даражада бўлмаслигига ишора қилади. Зулайхони эса бундай мақомга етиши учун олдинда жуда кўп ва катта синовлар кутарди. Абдурахмон Жомий кириш бобларидан бирида нақшбандийлик тариқати вакили пири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни васф этган. Бу Жомийнинг ушбу тариқатга муносабати ва мансублигини ҳам ифодалайди. Шу маънода “Юсуф ва Зулайхо” дostonини тушунишда шоирнинг суфийликка оид фикрлари жуда муҳимдир. Дoston ушбу туркумдаги бошқа асарларлардан мана шу жиҳати – тасаввуф ғояларига уйғунлиги билан ҳам фарқ қилади.

Бозға Юсуфнинг жамолида ҳақнинг жамолини кўрган, мажозий ишқдан ҳақиқий ишққа етишган бўлса, Зулайхода бундай сифатларни тополмаймиз. У мажознинг – Юсуфдаги зоҳирий гўзалликнинг ошиғи эди. Шу боис эҳтирос билан унга талпинади. Тинимсиз унга етишишнинг йўлларини излайди. Ҳеч нарсадан қайтмайди. Фақат баъзи андишасизликларини ўзи сиғинадиган бут кўриб қолишидан кўрқарди. Зулайхо – бутпараст эди. Унда яхшилик билан ёмонликнинг, поклик билан нопокликнинг аралашishi, кўнгул олудалиги шундан – имоннинг сустлигидан эди. Агар Зулайходаги, унинг атрофида юрган аёллардаги шу жиҳатлар инобатга олинса, дostonни тушунишда айрим муҳамликлардан ҳам кутулардик.

Юсуф Зулайхога Ҳақни танитишга уринарди. Бир сафар Зулайхонинг сири Юсуфга фош бўлади. Зулайхо қилаётган ишларидан ўзи сиғинадиган бут хабардор бўлишидан кўрқиб, уни кўринмайдиган жойга ўраб кўярди. Юсуф буни сўраганида, у бутдан кўрқисини айтади. Бутни ўраб қўйганинда у сени

кўрмас (балки, умуман кўрмас), лекин Худо ҳаммасини кўриб турибди, дейди Юсуф. Бироқ бу Зулайхога таъсир қилмайди.

Зулайхонинг эхтиросли кутқуларидан чарчаган Юсуф Худодан зиндон тилади... У зиндонда фароғатда эди. Чунки аёллар макридан кутулганди. Зиндон унга паноҳ бўлди. У ибодат билан машғул эди.

Уни зиндонга ташлатган Зулайхо ўзининг хатоларини тушунди, тавба-тазарру қилди. Изтиробда қолиб, аҳволи оғирлашди. Гоҳ зиндонга бориб, унинг ҳолини билмоқчи бўлди, гоҳ томдан туриб, зиндон устидан қараб Юсуфни кўрмоқчи бўлди. Ишқ балоси қайноқ эди. Қон олдирди. Танидан чиққан қон ерга тушгач, ерда Юсуф, Юсуф деган ёзувлар пайдо бўлди...

Орадан йиллар ўтди. Юсуф Ҳақнинг иродаси ва инояти билан мамлакатда юксак мавқега эришди... Зулайхо эса ҳамон ишқдан ранж чекарди. Энди макр-хийлани кўнглидан чиқариб ташлади. У дарддан қариди. Юсуфни ўйлаб сочлари оқарди. Ёлғиз қолди. Миср Азизи ҳам вафот этганди. Зулайхо Юсуфсиз хароб бўлди.

Ишқ шундай кимё эдики, йиллар давомида Зулайхони поклаб, тозартириб бораверди. Юсуф ишқдаги собитлиги унинг бутга собитлигидан устун келди.

Охири Юсуф ўтадиган йўлнинг устига найдан (қамишдан) уй қурдирди. Юсуф ўтаётганда овозини, отининг оёқлари дупурини эшитиб ўт бўлиб ёнарди. Унинг кўзлари кўр бўлиб қолган эди. Бироқ Юсуф ўтганида, уни кўрмаса ҳам ҳис қилиб турарди. Юсуф унинг жону жаҳони эди.

Зулайхо йўл бошига чиқиб, илтифот топмади. Уйга келиб сиғинган бутни синдирди, имон келтирди. Тавба қилди... Яна йўлнинг бошига чиқди, илтифот топди. Бир умр керак бўлди Зулайхога Ҳақни таниши учун.

...Юсуф Зулайхонинг сўзларини эшитиб, хушидан кетди. Маъшук ошиққа айланди. Комил ишқ бунёд бўлди. Юсуф хушига келгач, бу сўз эгасини келтиришларини буюрди. Зулайхони Юсуфнинг хилватхонасига олиб келадилар. Унинг дуоси билан, парвардигор иноят қилиб Зулайхонинг кўзлари очилди. Жамоли ва ёшлиги қайтариб берилди. Зулайхо ишқи пок ишққа айланмагунча, Юсуфда ошиқлик намоён бўлмади. Юсуф Зулайхонинг талабини ўйлаб турганида, Жаброил келиб йўл кўрсатди. Зулайхонинг ниёзини кўрдик, деди ва ақд боғлаши ҳақидаги хабарни етказди. Юсуф фақат Ҳақ буюрганини қиларди. Зулайхо дунёдаги ҳамма нарсадан пок эди Юсуф қошига келганида, у фақат Юсуф учун яратилган эди.

Юсуф Зулайхога ибодатхона қуриб берди. Бу бино унинг Ҳаққа ибодат қилиши учун хизмат қилди. Юсуф ва Зулайхо қирқ йил умргузаронлик қилдилар. Фарзанд кўрдилар, фарзандларининг фарзандларини ҳам тарбияладилар.

Вақти-соати етгач, Юсуф бу дунёни тарк этади. Юсуфсиз бу рўйи заминда Зулайхо ҳам яшай олмайди. Юсуф қабри устида оху нолалар қилиб вафот этди. Достон шундай тугайди.

Алишер Навоий айтганидек, *Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшукни*. Фақат комил ишқдагина ошиқ маъшукқа айланади. Достон Жомий дунёқарашидагини муҳим жиҳатларни акс эттирган. Кўпинча, бир-бирига етишолмаган ошиқ-маъшукнинг ўлими билан тугайдиган мумтоз достонларимиз билан қиёслаганда, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг моҳияти очилиб бораверади.

Адабиётлар

1. Абдурахмон Ҷомӣ. Осор: Иборат аз ҳашт чилд. Чилди чорум.— Душанбе: “Адиб”, 1988
2. Абдурахмон Жомий. Муҳаббат махзани. – Тошкент, 2018.
3. Афсаҳзод, А. Рўзгор ва осори Абдурахмони Ҷомӣ. – Душанбе: Дониш, 1981. – 159 с.

Муродова М., доцент
Мавлонова М., доцент
(Тоҷикистон)

САҲМИ АБДУҚОДИР ШАКУРӢ ДАР ТАШАККУЛИ ҶАРАӢНИ РАВШАНГАРОӢ

Абдуқодир Шакурӣ яке аз симоҳои тобноки илму фарҳанги тоҷик буда, чун яке аз равшангарони Осиёи Марказӣ шинохта шудааст. Ба гувоҳии академик М. Шакурӣ «на танҳо аз сарварони чунбиши тараққиҳои Мовароуннаҳри оғози садаи бистум, балки аз барҷастатарин намояндагони афкори иҷтимоиву сиёсии мусулмонони Русия буда, андешапардозҳои ӯ дар асоси «огоҳии комил аз умдатарин омӯзаҳои мутафаккирони Шарқи онрӯза ва бардоштҳояш аз сафарҳо ба соири кишварҳои олам, ба мураттаб намудани афкори маорифпарварӣ пардохтааст. Дар афкори Шакурӣ умдатарин масоили ҷомеа мавриди таваҷҷӯҳ қарор гирифта, ҳалли ҳар чӣ зудтари мушкилоти замон тақозо шудааст» (3, 39).

Абдуқодир Шакурӣ дар деҳаи Раҷабамини наздикии Самарқанд чашм ба олами ҳастӣ кушодааст. Ба гувоҳии донишманди тоҷик Вадуд Маҳмудӣ модари Абдуқодир Шакурӣ дар хонаи ҳудаш мактаби духтарона дошт. Бонуи босаводе буд, форсӣ ва туркӣ хуб медонист, бисёр ашъор ҳифз карда буд. Муаллим Шакурӣ пеш аз сар шудани мочарои «усули ҷадид» дар ҳавлии деҳаи худашон мактабдорӣ мекардааст (3, 35-49).

Шиносии зиёӣни тоҷик бо намунаҳои осори адабиёти рус ва баъзе халқҳои Шарқ барои адабиёти тоҷик аҳамияти калон дорад. Мо таъсири онҳоро дар аввалин асарҳои насрӣ ва китобҳои дарсӣ, ки бо равияи нав таълиф шудаанд, то андозае мушоҳида менамоем. Намунаи ин «Таҳзиб-ус-сибён»-и Садриддин Айнӣ ва «Ҷомеъ-ул-ҳикоёт»-и Абдуқодири Шакурӣ мебошад. «Таҳзиб-ус-сибён» дар зери таъсир ва бо усули китобҳои тотарӣ барои мактабҳои нав навишта шудааст. Айнӣ дар соли 1907 дар мактабҳои нави

тотории Бухоро ба сифати тарчумон шаш моҳ хизмат карда, усули таълимро омўхта буд. Вай ба қиёси дарсхое, ки дар мактаби тоторӣ барои тоҷикбачагон тарҷума мекард ва китобхое, ки муаллими тотор тўхфа карда буд, як китоби қироати «Таҳзиб-ус-сибён»-ро тартиб дод.

Яке аз уламои дигари замон ва равшангари тоҷик Ҳоҷӣ Муин ибни Шукрулло (Меҳрӣ) мебошад. Ҳоҷӣ Муин (1883-1942) дар мадраса аз шоир ва маорифпарвари машҳур Сайидахмад Васлӣ забони арабӣ меомӯзад. Забони русӣ ва маданияту таммадуни Аврупоро ба василаи худомӯзӣ аз бар намудааст. Ҳоҷӣ Муин муаллифи китобҳои дарсӣ барои толибилмони мактабҳои чадид мебошад.

Соли 1906 дар Бухоро Абдурраҳмон Саъидӣ ном тотор нахустин мактаби нави тоториро таъсис дод. Азбаски дар ин мактаб чанде аз бачаҳои тоҷик низ таҳсил мекарданд, Айнӣ дарсҳои Саъидиро барои талабагони тоҷикзабон тарҷума менамуд. Вақте ки 8 ноябри соли 1908 дар ҳавлии Абдулвоҳиди Мунзим аввалин мактаби нави тоҷикӣ таъсис ёфт, фаъолияти омӯзгории С.Айнӣ боз ҳам васеътар гардид. С.Айнӣ аз таҷрибаи дар мактабҳои Абдурраҳмон Саъидӣ, Абдулвоҳиди Мунзим ва Абдуқодир Шакурӣ андўхташ истифода карда, барои толибилмони мактаби нав се китоби дарсӣ навишт: «Тартил-ул-Қуръон» (1909), «Заруриёти диния» (1914) ва «Таҳзиб-ус-сибён» (1910; 1917). Ҳар кадом аз нигоҳи илмиву усулӣ, забону тарзи нигоҳиш ва фарогирии маводи таълимиву тарбиявӣ ҷолибанд (2,52).

Як гурӯҳи асарҳои мансури ибтидои асри XX аз китобҳои қироатию дарсие иборат мебошанд, ки барои мактабҳои нави тоҷикӣ таълиф ва тартиб ёфтаанд. Ба ин гурӯҳ ба ҷуз китобҳои дарсии С.Айнӣ, «Асбоби савод ё ки алифбои мактаби исломия» (1904) ва «Китоб-ул-атфол»-и (1914) Маҳмудхоҷаи Бехбудӣ, «Ҷомеъ-ул-ҳикоят»-и Абдуқодири Шакурӣ, маҷмӯаи мансури «Сад ҳикоят» (ҷопи Ҳиндустон) ва амсоли инҳо мансубанд. Дар байни ин китобҳо аз ҷиҳати ғоя баъзе тафовутҳо мавҷуд бошад ҳам, як умумияте ҳаст, ки онҳоро ба ҳам наздик меоварад: аксарияти ҳикояҳои китобҳои мазкур хеле кўтоҳ буда, асосан бо забони содда таълиф ёфтаанд ва ҳикояҳои ахлоқию тарбиявӣ мебошанд. Аз ин ҷиҳат, онҳо баъзе ҳикоятҳои «Гулистон»-и Саъдӣ ва «Баҳористон»-и Ҷомиро ба хотир меоваранд.

Устод Айнӣ дар мақолаи «Масъалаи маориф ва китоб» (01.08.1921) роҳҳои инкишофи мактабу маорифро ба таври мушаххас арзёбӣ намуда, таъкид меорад, ки сабаби қафо мондани ин соҳа дар камтаҷрибагии муаллимон ва бекитобӣ аст. Ў менависад, ки «Камтаҷрибагии муаллимин як амри табиист, ки бо мурури айём, кам-кам зоил хоҳад шуд... Аммо, сабаби дувумӣ, ки бекитобист сабаби асосии адами истифода аз макотиби ҳозира аст» (2,253).

Аслан, ҳадафи равшангарон, пеш аз ҳама, он буд, ки меҳостанд дар соҳаи маорифи кишвар ислоҳот ворид намоянд ва дар ин самт таъсиси мактабҳои чадидро талаб менамоянд. Чунончи, Маҳмудхоҷа Бехбудӣ яке аз сарварони ин ҳаракат дар таъсиси мактабҳои усули чадид саҳми назаррас

гузошт, ҳавлии хешро ба мактаби усули чадилии А. Шакурӣ супорид. Бо дарки зарурати наشري китобҳои дарсӣ маорифпарварони тоҷик пайи он талош намуданд, ки ин падидаи тозаи маънавӣ ҳарчӣ зудтар ва бештар миёни оммаи мардум паҳн гардад ва барои беҳтар гаштани вазъи таълиму тадрис саҳме бигузорад.

Абдуқодир Шакурӣ дар таърихи фарҳанг ва адабиёти форсу тоҷик ҳамчун пешвои мактабҳои маърифату фикрӣ, муборизи роҳи худшиносиву худогоҳии миллӣ шинохта шудааст. Хидматҳои ӯ зидди чаҳолат, хурофот анҷом дода шуда, одамонро барои паҳн кардани донишҳои дунявӣ, кушодани мактабҳо ва дигар фаъолияти маданӣ даъват кардааст. Назари танқидӣ ва нафрату қароҳати оштинопазире нисбат ба тартиботи зиддихалқии феодалӣ дошт, мутолиаи рӯзномаву маҷаллаҳои гуногун дар кушода шудани фикри ӯ таъсир карда, таълиму тарбияи насли наврас ва таълифи китобҳои дарсӣ барои онҳоро вазифаву рисолати аслии хеш шинохта буд.

Дар китобҳои «Раҳнамои савод», «Ҷомеъ-ул-ҳикоёт», «Зубдат-ул-ашъор»-и Шакурӣ барҳам хӯрдани муносибатҳои феодалӣ, ҷабру ситам ва судхӯрӣ, усули кӯҳнаю вайрони таълиму тарбия ва тасаввуроти ғалат дар бораи қувваҳои табиат тасвир ёфта, ғалабаи дунёи нав, муносибатҳои нав ва ақлу хиради бардами инсонӣ, инсониятпарварӣ ва дӯстии халқҳо нишон дода шудааст.

Бо вучуди тахти фишорҳои зиёд қарор доштан, пешаи омӯзгориро тарк накард. Нисбат ба тақдири миллати шарифи тоҷик бетараф набуд, бинобар ин, сайъ кардааст, ки ҷавонон ва толибилмонро босавод намояд.

ФЕҲРИСТ

1. Айнӣ С. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро // Куллиёт. Ҷ. 14.–Душанбе: Матбуот, 2005.
2. Атобулоев С. Саидризо Ализода.–Душанбе: Ирфон, 1976.
3. Маҳмудӣ В. Муаллим Абдуқодир Шакурӣ: Қиссаи ҳуҷҷатӣ / Таҳияи С. Улуғзода // Садои Шарқ.–1990.–№8.–С. 3-41.
4. Мирзозода Х. Ҳотифи тамаддуни нав // Адабиёт аз нуқтаи назари ҳаёт.–Душанбе: Ирфон, 1973.–С. 119-165.
5. Сайфуллоев А. Мактаби Айнӣ.–Душанбе: Ирфон, 2008. -201с.
6. Шукуров М. Хуросон аст, ин ҷо: Маънавиёт, забон ва эҳёи миллии тоҷикон.–Душанбе: Оли Сомон, 1997.–292 с.
7. Шехов А. Адибони маорифпарвар ва рушди матбуоти тоҷик // Рамзошнои маънӣ (маҷ. мақолаҳо бахшида ба 50-солагии Н. Салимов).–Хучанд: Ношир, 2011.

Муҳаммедова Х., доцент
(Ўзбекистон)

ТАРЖИМА МАДАНИЙ АЛОҚА КАЛИТИ СИФАТИДА

Маълумки таржима – қайта яратиш санъати бўлиб, бир тилдаги оғзаки ёки ёзма матнни бошқа тилда яратишдир. У кенг ва мураккаб тушунча бўлиб, миллийлик билан байналминаллик қотишмасидан иборат. Бир тилдаги восита, жумладан, сўз иккинчи тилда ўз муқобилига эгадир. Муайян сўзнинг муқобилини аниқлаб олиш йўлларида бири уни иккинчи бир тилга таржима қилиш, ағдариш ёки ўзга тилда қайта яратишдир. Бу ижодий ишни таржимон бажаради. Биз таржима орқалигина иккинчи бир халқ тилида яратилган ноёб асарларни ўқишга, бошқа урф-одатлар, маданияти билан яқиндан танишишга эришамиз. Таржима туфайли она тилида яратилган асарларни бошқа тилларга ўгириш имкониятига эга бўламиз.

Таржима шундай жараёнга улуш қўшиш билан бирга турли тилларда сўзловчи кишиларни бир-бирига яқинлаштиради. Таржимани олимлар турлича талқин қилиб, уни икки маънода қўлланишини таъкидлайдилар: 1. Муайян бир матн ёки матн парчасини иккинчи бир тилга ўгириш. 2. Таржиманинг ўзи, “таржима қилмоқ” феълидан келиб чиққан.

Кейинги йилларда таржима илми ўзбек адабиётининг ривожланишидаги муҳим омиллардан бири бўлиб қолди. Сўнгги йилларда ўзбек адабиёти ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарди ва янги адабиёт яратилди. Худди шу янги адабиётнинг туғилишида таржиманинг роли бекиёсдир. Таржимашунослик ҳам ўз қиёфасига эга бўлди. Кейинги йилларда ўзбек таржимачилиги янги босқичга кўтарилди ва унинг географик майдони ҳам кенгайди. Адабиётимизнинг дунё адабиётлари билан алоқаси кучайди. Ўзбек китобхонлари заҳматкаш таржимонларимизнинг машаққатли меҳнатлари, салоҳияти, истеъдоди туфайли чет эл адабиётининг даҳолари билан суҳбат қуришга муяссар бўлдилар.

Аммо Ғарбий Европа ва Америка адабиётидан таржима қилинган асарлар борасида муҳим тадқиқот ишлари ҳали етарли эмасдир. Ўзбек китобхонлари жавонидан аллақачон жой олган буюк Америка ёзувчиларидан Т.Драйзер, Ж.Лондон, М.Твен, Ф.Купер, Э.Хемингуей ва бошқа санъаткорларнинг асарларидаги илгари сурилган гуманистик ғояларини тарғиб қилувчи йирик илмий ишлар етарли эмаслиги аниқдир.

Таржимон тилларни билишдан ташқари, дидли қаламкаш, услуб устаси, моҳир муҳаррир, ёзувчи, матншунос, психолог бўлиши керак. У икки тилдаги фикр алмашинуви жамиятни бир-бири билан боғловчи, фикр алмашинувини таъминловчи шахсдир. У ҳар доим икки тил билан ишлайди. Бир тилда ахборот қабул қилади ва иккинчи тилда қайта яратади. Ҳар икки жамият вакиллариининг ҳам ўзига хос хусусиятлари, менталитети, фикри ва фикрлаш тарзи, хуллас ўзлиги бор.

Ғарб адабиёти, хусусан, Англия адабиёти ҳақида сўз юритар эканмиз қиролича Виктория хукмронлик даврининг машхур намоёндаларидан бири бўлган Чарлз Диккенс ижоди ҳануз кенг китобхонлар оммасини, адабиётшунос

олимлар, танқидчилар, тадқиқотчилар ҳамда таржимонлар эътиборини ўзига тортишда давом этмоқда.

Чарлз Диккенс танқидий реализм асосчиларидан бири эди. Меҳнаткашларнинг яқин дардкаши бўлган бу ижодкор асарларига китобхонлар юксак баҳо берганлар. Шу қайд этиш лозимки, Чарлз Диккенс америкаликлар эътиборини қозонган инглиз қаламкаши эди. У викториан даври асарларида жамики касб сохиблари оғзига тушган. Ижтимоият ва сиёсат бобидаги ҳаёт ҳақиқатларини яққол аниқроқ кўрсата олган. У нафақат ўз халқи балки бутун инсоният дардига даво излаш борасида судхўрлар ўзларини жуда олийжаноб деб ҳисоблашганини жуда кўп маротаба қайд этиб ўтади. У капиталистлар меҳнат аҳлини эзиш ҳисобига ўз сармояларини оширганини кўрди. Диккенс қонун ҳимоячилари, адвокатларни бадий бўёқларда фош этиб ташлади. Бир сўз билан айтиш мумкинки Чарлз Диккенснинг илк асари нашрдан чиқиши биланок кўп миллионли китобхонларқалбини унинг ўзига хос бўлган юмори билан забт этган ёзувчидир. Унинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган бўлиб, Собик иттифоқ худудида 1937-йилдан бошлаб унинг асарларидан парчалар таржима қилинган бўлиб, бироқ бу таржималар француз тилидан таржима қилинган эди. 1962-йилларга келиб Чарлз Диккенс асарлари рус таржимонлари томонидан таржима қилина бошлади. А.А.Аникист ва В.В.Ивашева тахририяти остида жумладан Н.Дарузес, Е.Калашникова, М.Лорие, В.Топер, М.Клягина-КондратХева, А.В.Кривцова, Е.Ланна, Н.Волжиналар томонидан Чарлз Диккенс асарларининг ўттизта томи ишлаб чиқилди.

Бу адиб қаламига мансуб асарларининг рус тилида пайдо бўлиши кўплаб илмий ишларга замин тайёрлади. Кўплаб тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилди. Бу илмий ишларнинг аҳамияти ҳозирги кунгача йўқолгани йўқ. Унинг асарлари нафақат рус тилига балки ўзбек тилига таржима қилинганлиги ҳам эътиборга моликдир. 1933- йилда Чарлз Диккенс қаламига мансуб “Олтин ваҳимаси” ва “Эски жойлар” хикоялари ўзбек тилига таржима қилиниб, босилиб чиққан эди. Бугунги кунда ўзбек китобхонлари классик ёзувчининг ҳикоясини ҳам ўз она тилида ўқияптилар. 1984-йили Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Чарлз Диккенснинг “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” асарини нашрдан чиқарди (Диккенс 1984:300). Мазкур асар Эркин Миробидов томонидан ўзбекчага таржима қилинган эди.

Албатта, ҳар қандай аниқ таржима ҳам ўгирилган асар нусхасига тенг бўла олмайди. Таржимонинг услуби, вақт ҳукми, давр талаби натижасида таржима ё оригинал асарга нисбатан кучлироқ, ёки майиб бўлиб чиқади. Ҳарқалай иккинчиси кўпроқ учрайди. Инглиз тилида ёзилган асарнинг русчадан ўзбек тилига ўгирилган вариантини ўқиш бу шўрванинг шўрвасини ичиш демакдир.

Чарлз Диккенсининг ўзбек тилига ўгирилган асари ва ҳикоялари ҳам нуқсонлардан холи эмасдир. Агар биз оригинал асарни ўзбек тилидаги асарга солиштириб кўрадиган бўлсак, бу хатолар янада кўпроқ кўзга ташланади. Аммо, таржимон ёзувчининг мақсадини китобхонга етказиб беришга ҳаракат қилганлигини инобатга олиш зарурдир.

Таржимашунос олим Ғ.Саломов таъкидлаганидек, бадиий тасвир воситаси сифатида баъзи унсурлардан фойдаланиш борасида асл нусха, айти ҳолда русча таржимада қўлланилган тадбир билан ўзбек таржимони ишлатган усуллар ўртасида фарқ келиб чиқади. Негаки баъзан Европа адабиётига хос бўлган асарлар таржимасида рус тили воситачилик вазифасини бажаради (Саломов 1966:104). Миллий колоритни ифодалашга берилиб кетиб, бошқа тилларга хос бадиий тасвир воситаларини кўр-кўрона, айнан ўзидай кўчириш китобхонда айнан тушунмовчилик туғдиради. Бу асл нусха услубини бошқа тилда акс эттиришгагина эмас, балки услуб ва таржима тушунчаларининг ўзига ҳам хилоф. Чунки бошқа халқлар, хусусан, Европа адабиётида бирор тасвирий-ифодавий восита кенг қўлланилмаслиги ва кенг маъно англатмаслиги мумкин.

Бадиий асар мунгли ёки қувноқ, кўтаринки ёки тушкун, рангдор ёки оддий шу билан бирга турли услубда ёзилган бўлиши мумкин. Бунда кўп нарса китобда тасвирланаётган давр, танланган мавзу қолаверса воқеаларнинг характериға боғлиқдир. Агар таржима қилиш учун танланган асарнинг бундай белгилари аниқланмаган бўлса, унинг руҳига мос калит топиб бўлмайди. Натижада китоб бошқа тилга кўчирилган бўлсада китобхонга ўз “сир”ини очмайди. Шу тариқа таржима қилишдан кузатилган мақсад ҳам рўёбга чиқмайди.

Ҳар бир миллат менталитетиға хос нозик хиссий хусусиятлар санъат асарида жуда зийраклик билан илғаб олинади. Адиб улардан ўзи тасвирлаётган воқеанинг туб ижтимоий моҳиятини ифодалашда, тип яратишда, ёрқин шахс характериғини намоён этишда усталик билан фойдаланади. Бу сингари майда чуйдаларни таржимон эътиборсиз қолдириши мумкин эмас. Турли халқларнинг маданий ҳаётида тарихан қарор топган адабий-услубий муштараклик мавжудлиги ўзаро таржимачилик ишида қулайлик туғдириши табиий ҳолдир.

Адабиётлар

1. Диккенс Ч. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. - Т.: 1984. –Б. 300.
2. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966.-Б. 104.

Мукумова Д., омўзгор
(Ўзбекистон)

ИСМАТИ БУХОРОЙ – ШОИРИ ПАЙРАВИ МАКТАБИ АДАБИИ ШАЙХ КАМОЛИ ХУЧАНДИ

Мавлоно Хоҷа Фаҳруддин Исматуллоҳ ибни Масъуди Бухорой аз донишмандон ва шоирони намоёни охири асри XIV ва аввали асри XV ба шумор меравад. Зикри исми шарифаш дар сарчашмаҳои дасти аввал: (13, 333; 2,

2487; 11, 326; 8, 12; 6, 191; 9, 299, 7, 184; 4, 50; 4, 1028; 14, 286) далолат ба мартабаи баланд ва хунари волои шоирии ў мекунад. Насабаш ба Чаъфар ибни Абўтолиб мерасад ва ниёгонаш дар Бухоро шуҳрату ҳурмате доштанду мавриди таваччуҳи мулук ва умарои он диёр буданд (14, 286). Аз рӯи маълумоти Давлатшоҳ маълум мешавад, ки Исмати Бухорой соҳиби фазлу дониши вофир ва дар шеваи шоирӣ – хоҳ қасидагӯй, хоҳ ба тарзи ғазалиёту маснавӣ ва муқаттаот моҳир будааст (13, 333). Ў дар замони салтанати Султон Халил тарбияти кулӣ ёфта, шоҳзода нисбат ба ў эҳтироме хос доштааст ва ҳатто илми шеърро аз ў таълим мегирифтааст. Вақте дар миёни ин ду ҷудой воқеъ мешавад, Хоҷа Исмаи дар фиरोқи Султон Халил абёти зеринро сурудааст, ки аз меҳру алоқа ва унси онҳо далолат мекунад:

*Кош фармудӣ, ба шамшери ҷудой куштанам,
То ба хорӣ дар чунин рӯзе надидӣ душманам.
Богбон, гў, дар таҳи девори гулзорам бикунш,
Бе вуҷудаиш гар кашад хотир ба сарву савсанам (13, 333)*

Исмате Бухорой баъди салтанати Ўлуғбеки Гўракон аз маддоҳӣ даст кашада, дар охир аз шоирӣ низ истиғфор намудааст. Аз муосирону муҳосибони шоир, ки пайваста дар маҷолиси шеърӣ ў ташриф меовардаанд, Мавлоно Бисотии Самарқандӣ, Мавлоно Хаёлии Бухорой, Мавлоно Барандак, Хоҷа Рустами Хурёнӣ ва Тоҳири Абевадиро метавон ном бурд (13, 336).

Таърихи вафоти шоирро Давлатшоҳи Самарқандӣ 829/1426 навиштааст, ки минбаъд он дар навиштаҳои дигарон муқаррар шуда, вале муаллифи таърихномаи «Ҳабибу-с-сияр» дар ин маврид овардааст:

*Таърихи вафоти Хоҷа Исмаи
Ҳар кас, ки шунид гуфт: Таммат (16, 550).*

Таммат дар ҳисоби абҷад баробар бо 840/1437-38 мебошад, ки ин санад дар таъриҳи «Махзану-л-ғароиб» низ омадааст (ниг.14, 289).

Аз таркиби девони шоир пайдост, ки ў дар сурудани анвои гуногуни шеърӣ, монанди қасида, ғазал, қитъа ва рубоӣ дасти тавоно дошта, ҳатто маснавии ҳамосавии «Иброҳими Адҳам»-ро, ки 1100 байтро фарогир аст, эҷод кардааст. Чунонки маълум аст, дар эҷодиёти шоирони асри XV-и мелодӣ вижагии татаббуъсароӣ, ки аз равандҳои муҳимми адабӣ баъди асри мазкур ба ҳисоб меояд, ба расмият даромада буд ва аксари шоирони намоёни ин давра, албатта бо равиши хосси худ, ба ин ё он шоири муосир ё пешина татаббуъ кардаанд. Дар қатори шоирони таъсиргузор дар ин раванд метавон исми Шайх Камоли Хучандиро дар радифи Саъдиву Ҳофиз, Румиву Амир Хусрав ва дигарон ном бурд. Ҳатто ғалат намешавад, агар иддао бикунем, ки аксар шоирони асри мазкур дар сурудани ғазал бештар бар пояи таъсири сабки Хоҷа Камоли Хучандӣ эҷод кардаанд ва худи нуктаи он ки Камол шакли ғазалро якандоза ба танзим даровардаасту онро худуди дилхоҳи онро дар ҳаҷми ҳафт байт муайян намудааст, далели дигари ин иддаост. Шоирони асри мазкур, ки Хоҷа Исмаи ҳам аз он шумор берун нест, бо таъсирпазирӣ аз ҷиҳати корбурди

авзон, қофияву радиф ва тарзи тасвиру образофаринӣ бар сабку шеваи Камол ғазал суруда, ғазалҳои Камолро дар қофияву авзон ва радифҳои ғариби ў айнан пайравӣ накарда бошанд ҳам, нуктаи нозукхаёли ва тавачҷух ба назокати баён, ких оси шеъри ин суханвар аст, аз доираи забони онҳо берун набудааст. Исмати Бухорой низ аз шумори ҳамин табори шоирон аст, ки муттасилона идомаи ёфтани ғазалҳои орифонаро дар забони бисёр пурсўзи ошиқона дар эҷодиёти ў ба мушоҳида мегирем. Бо он ки Камоли Хучандӣ аз шоирони асосии мубаллиғи ин тарз ба шумор меравад, Хоча Исмаи ба авзону қавофии маъмули шеъри Камол он қадар ҳам тавачҷух намекунад. Аммо зикри ин нукта, ки таҳти таъсири қолабҳои ғазалиёти Хоча Камол ғазал сурудани ў бисёр ба мушоҳида гирифта мешавад, низ бачо хоҳад буд. Мисол:

Камоли Хучандӣ:

*Рўзгорест, ки ҳечаш назаре бо мо нест
В-ин шаби фурқати моро саҳаре пайдо нест (15, 264).*

Исммати Бухорой:

*Шаб дароз асту зи хуршед асаре пайдо нест,
Ё шаби хастадилодро саҳаре пайдо нест (3, 280-281).*

Ҳаммонандии авзону қофияҳо, хоҳу ноҳоҳ ба масоили шабоҳат доштани тасвир ва забони шеър низ марбут мешавад ва бе он ки ба масоили мазкур дахл намоем, баррасии эҷодиёти шоирони мазкур ва таъсирпазирии яке аз дигаре дар бисёр ҷиҳатҳо норавшан хоҳад монд.

Шоистаи зикр аст, ки дар нигоштаҳои Исмати Бухорой, агарчи таъсири қолабҳои қофияву радиф ва вазнҳои Камоли Хучандӣ камтар ба мушоҳида мерасад, вале тарзи мазмунсозӣ, ба таносуб овардани калимоти маъмули шеър, ифодаи нозукбинионаи матлаб, равиши тасвирсозӣ ва образофариниҳои Камол дар бештари ашъори Исмаи нақши муайяне дорад. Бояд таъкид шавад, ки яке аз муҳаққиқони эронӣ Муҳаммадмаҳдии Носеҳ зимни як мақолааш роҷеъ ба ашъори Хоча Камол овардааст: «Нуктаи ҷолиби тавачҷух дар зиндагии ин ориф (манзур Хоча Камол – Д.М.) он аст, ки бо вучуди эҳтимом ба умури расмии тасаввуф ва хонақоҳнишинӣ, вай амалан аз он ҷӣ вобаста ба хонақоҳ ва хирқау фарҳанги муридиву муродӣ мебошад, ба дур аст. Аз ин рӯй, ҳам ў аз мунтақидони мактаби «аҳли назар» ва «маърифат» ба шумор меояд» (10, 327). Ба фикри мо ҳам, маҳз ин падида, яъне мунтақиди мактаби «аҳли назар» будани Камол ва доираи васеътаре аз талқини хонақоҳу гўшанишинӣ кардани ашъори ў боиси гароидани иддае аз шуаро ба тарзи ў шудааст. Дар ин радиф, бозҷўии мо аз ашъори Исмати Бухорой, ки таъсири вофире аз Хоча Камол дорад, нишон дод, ки ў низ аз пайравони ин тариқ буда, ба мушоҳида мерасад, ки истилоҳоти назми Камол бар андешаронии ў низ нуфуз кардааст. Чунончи:

Камоли Хучандӣ:

*Аз ман, эй аҳли назар, илми назар омўсед,
Нозук аст он рух, аз ў чаиму назар бардўсед (15, 398).*

Исммати Бухорой:

*Назари поки маро саҳл мапиндор, ки ман
Рўзгорест, ки пайвастаи аҳли назарам (3, 424).*

Албатта, аксар шоирони адабиёти классикӣ, сарфи назар аз макони муҳити зист, азбаски андешаҳояшон бештар аз сарчашмаи ягонаи афкор – ирфон об меҳўрад, метавонанд диди якгун дошта бошанд, вале фаротар аз ин, шабоҳати ҳунарии шоирони мазкур ҳам қобили эътиност. Барои он ки Исммати Бухорой дар аксар мавридҳо аз тарзи истифодаи образ (тимсоли шеърӣ дар назар аст. – Д.М.) низ ба ашъори Камоли Хучандӣ пойбанд будааст. Чунонки яке аз тимсолҳои машҳур ва серистифодаи шеъри Камол тимсоли «сарв» аст ва ҳамчунки маъхӯд буда, Камол танҳо онро ба қомати маъшуқ ташбеҳ намекунад, балки «сарв» бо он баландиву зебой, ки дошта, пеши қомати маъшуқи шоир шармандаву мунфаил аст. Чунин бардошт аз образи тасвир ва бозгўии ин мазмун дар ашъори Исммати Бухорой низ ба касрати истифода ба назар мерасад. Мисол:

Камоли Хучандӣ:

*Гарчи сарви чаман аз об равоне дорад,
Натавон пеши қадаст гуфт, ки чоне дорад (15, 578).*

Исммати Бухорой:

*Ниҳоли қоматат он дам, ки дар рафтор меояд,
Намеёбам зи худ майле ба сарви бўстон кардан (3, 428).*

Дар ин радиф, метавон даҳҳо мисоли дигар аз ашъори шоирони мавриди қиёс овард, вале зикри ин нукта, ки Исммати Бухорой, ҳамчунон Камоли Хучандӣ ба тариқи суханварони бузурги пешин қадам ниҳода ва ба ҳеч вачҳ ба ҳайси муқаллиди холис чеҳра нанамудааст, бисёр бамаврид хоҳад буд. Зеро мазомини ашъори пешиниён ва баҳрамандии ӯ аз тарзи суханварии онҳо ҳам ба равиши хоссе будааст, ки дар диди аввал аз назари хонанда ноаён мемонад. Вале тааммули бештар равшан месозад, ки шоири мавриди назар бештар ба равиши Камол сухансарой мекардааст. Барои исботи ин иддао метавон ба образи «сағ» дар ашъори Исмат, ки аз тимсолҳои дўстдоштаи Камол аст, ручўй кунем. Ин тимсол, бешак, аз лиҳози мазмун, тарзи бакоргириӣ ва мавқеи истихдом аз андешаҳои Камол сарчашма мегирад:

Камоли Хучандӣ:

*Беш аст Камол аз ҳама з-он рўз, ки худро
Дар мартаба камтар зи сағи кўи ту донист (15, 235).*

Исммати Бухорой:

*Гар тавонам бо сағи кўят ба ёрӣ зистан,
Беҳ ки умре бар сарири шаҳриёри зистан (3, 432).*

Дар абёти боло, агарчи гирумони забонӣ ва мавқеияти корбурди тимсол аз ҳам фарқ дорад, аз лиҳози ҳамсўй дар маъно қобили тавачҷух мебошад. Дуруст аст, ки Исммати Бухорой аз Шайх Камол бардошт мекардааст, вале ин бардошт мунҳасир ба тақлид нест ва аксар маворид Исматро ба бояд ба ҳайси шоире

шинохт, ки чун Камол ва Ҳофиз ба бозофаринӣ кардани матолиби маъмул пардохтааст. Агар дар байти Камол шоир худро дар мартаба аз ҳама баланд танҳо ба хотири он ки маъшуқааш ўро аз саги худ боло хондааст, доништа бошад, дар байти Исмат ин матлаб ба тарзи дигаргунатар чилва мекунад. Яъне, шоир менигорад, ки агар ба саги кўйи ту ман битавонам ки ёрӣ бирасонам, бехтар аз он бошад, ки дар сарири шаҳриёрӣ зиндагӣ намоям. Чунин судчўй дар кори тасвирсозӣ аз муҳимтарин шохисаҳеост, ки бардошти шоирро аз Камол нишон медиҳад. Дар дигар маврид мебинем, ки Исмати Бухорой аз лиҳози тасвир ба тасвирпардозӣҳои нозукхаёлонаи Камоли Хучандӣ така карда, яке аз тимсолҳои дўстдоштаи ў, ки дар пеши руҳи маҳбуб «очизӣ ва норасоии ҳусни моҳи осмонк» аст, ки дар гузашта ба ҳайси мушаббаҳи рўйи маъшуқа истиҳдом мешудааст, шоирона суд меҷўяд:

Камоли Хучандӣ:

*Махро зи тоби ҳусни ту ҳар шаб қиёмат аст,
К-он сарвро чӣ шеваю рафтору қомат аст!?* (15, 346).

Исматӣ Бухорой:

*Эй бурда оразат зи маҳи осмон гарав,
Нахли қадат ситонда зи сарви равон гарав* (3, 444).

Ҳамин тариқ, ковишу бозчўйи мо нишон медиҳад, ки Исмати Бухорой ҳамчун шоири ғазалсарои тавоноӣ асри худ, бо он ки аз чихати қолабҳои маъмули ғазал ва қофиясозиву истифодаи радиф аз шеъри Камол камтар суд ҷустааст, аммо аз лиҳози мазмунофариву тарзи истифодаи образ ва тасвири мушаххаси ҳолат ё объекти тасвир бешак аз мубаллиғони тариқати шоирии Камоли Хучандӣ, ки бо забони соддаву малех, вале пуразтаровати ширин иштиҳор дорад, будааст. Ба зери султаи тарзи ин суханвари соҳибсабк аксар шуарои қарни Исмати Бухорой, Хаёлии Бухорой, Абдурраҳмони Ҷомӣ ва дигарон низ монда буданд ва ба ҳеҷ вачҳ Ҳоча Исмадро аз он берун қаламдод карда наметавонем.

Пайнавишт:

1. Айнӣ, Садруддин. Намунаи адабиёти тоҷик / Таҳия ва тасҳеҳи Мубашшир Акбарзод – Душанбе: Адиб, 2010. - 448 с.
2. Авҳадӣ, Тақиуддин Муҳаммад. Арафоту-л-ошиқин ва арасоту-л-орифин / Муқаддима, тасҳеҳ ва таҳқиқи Саййидмуҳсин Ночии Насрободӣ – Ҷ.4. – Техрон, 1388.
3. Бухорой, Исмат. Девон / Бо кўшиши Аҳмади Карамӣ. – Техрон, 1366.
4. Лудӣ, Шералихон. Миръоту-л-хаёл / Ба эҳтимоми Ҳамид Ҳусайнӣ. – Техрон: Равзана, 1377. -370 с.
5. Мирзозода, Холик. Исмати Бухорой / Энциклопедияи адабиёт ва санъат. – Ҷ.1. – Душанбе, 1988.
6. Муншӣ, Аҳмад Ҳусайн. Тури маънӣ / Муқаддима ва тасҳеҳу таълиқоти Аҳмади Нуъмонӣ. – Деҳлии нав: Исфанд, 1385.

7. Муҳаддисзода, Ҳусайн. Асарофаринон. – Ҷ.4. – Техрон: Анҷумани осор ва мафохири фарҳангӣ, 1328. - 345 с.
8. Навоӣ, Амир Низомуддин Алишер. Маҷолису-н-нафоис. – Техрон, 1363
9. Нафисӣ, Саид. Таърихи назму наср дар Эрон ва дар забони форсӣ. Ҷ.1. – Техрон, 1344.
10. Носеҳ, Муҳаммадмаҳдӣ. Сибғаи ирфонӣ дар шеърӣ Камолиддини Хучандӣ / Муқаддимаи камолшиносӣ. Таҳияи Баҳром Раҳматов ва Иззатбек Шехимов. – Хучанд: Ношир, 2016.
11. Озар, Лутфалибек. Оташкада / Ба тасҳеҳи Мирҳошими Муҳаддис. – Техрон, 1378.
12. Орзу, Сирочуддин Алихон. Маҷмаъу-н-нафоис / Ба кӯшиши Зебуннисои Алихон – Ҷ.2. – Покистон, 1425 ҳ.
13. Самарқандӣ, Давлатшоҳ. Тазкирату-ш-шуаро / Таҳияи Мухлиса Нуруллоева. – Хучанд, 2015
14. Сафо, Забеҳуллоҳ. Таърихи адабиёт дар Эрон. – Ҷ.4. – Техрон: Рашидия, 1366.
15. Хучандӣ, Камол. Девон / Таҳияи Абдучаббори Суруш. – Хучанд: Хуросон, 2015.
16. Хондамир, Муҳаммад Ғиёсиддин. Ҳабиб-ус-сияр / Гирдоварӣ, муқаддима ва изофоти Абдулҳусайни Навоӣ. – Техрон, 1379.

**НОРОВ О., филология фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)
(Ўзбекистон)**

АБДУВАЛИ ҚУТБИДДИН ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ИФОДА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Маълумки, бадиий талқин ижодкор поэтик услубининг ўзига хослигини тақозолайди. Негаки, ҳар бир ижодкор олам ва одам муаммоларини поэтик тарҳда жилвалантирар экан, ўзигагина тааллуқли кечинма ва мушоҳадаларни яхлитлаштиради. Бир қарашда, ижодкор бутун диққати кечинмани жонлантириш, метафора ва бадиий-тасвирий ифодалари негизида янгидан идрок қилиш малакасини юзага чиқарса, иккинчидан, турли хил тасвир усуллари билан бадиий ниятини амалга оширишга эришади. XX аср ўзбек шеъроятида мана шундай ўткир қалам соҳиблари бошлаб берган Ш.Раҳмон, У.Азим, Х.Даврон, К.Баҳриев, А.Қутбиддин поэтик изланишларида талқин ранг-баранглигини кузатиш мумкин.

Хилма-хил поэтик ифодалари негизида шеър малакасининг ўзига хос қирраларини намоён қилишга эришган А.Қутбиддин ижоди ҳамиша янгидан-янги поэтик образлар кашф қилди. Инсон ички психикасини теран таҳлил қилган шоир изланишларида мана шу жиҳатлар қабариб кўринади. Поэтик

ифода ҳар бир ижодкор руҳиятида кўзга ташланиб турадиган жозиб сўз залвори натижасида намоён бўлади. Шоир А.Қутбиддин мудоми руҳ ва кўнгил замирида минг хуснда товланиб турадиган – Аллоҳни билиш, унинг амалларига қулоқ тутишга даъваткорлиги билан характерлидир. Яратганнинг ҳар бир инъоми шоир учун туганмас ризқу рўз, насиба. Ундан безовта бўлиш, ҳадиксираш ёки иккиланиш ҳолати шоирга бегона. Тасаввуфона шеърларида ҳам ўзини танишга бошланган йўл сингари ойдинлик ва хокисорлик уйғунлиги қабариб кўринади.

Адабиётшунос А.Расулов қайд этишича: “Бадиийлик омилларидан бири – янгиланган анъанадир. Ҳар бир санъаткор ўз замони, халқи, тузумининг вакили. У ўз истеъдодини она халқи характерини, ўз замони руҳини, ижтимоий-маънавий, маданий-мафкуравий иқлимни ифодалаш орқали намоён этади. Бадиийлик замон, макон доирасида намоён бўлади, лекин унинг фойдаси, таъсир кучи замон, маконга тобе бўлмайди. Бадиийлик – ҳаётнинг гўзалликка чулғанган кўриниши. Ижодкор ҳаёт фожиаларини, иллатларини акс эттириши мумкин. Лекин бадиийлик воқеликни ич-ичидан ёритиб турадиган гўзалликдан холи эмас” [Расулов, 2007: 122]. Кўринадикки, бадиийликнинг ҳад-чегара мисли кўрилмаган даражада хилма-хил. Унинг ботинида жилваланаётган қат-қат маънолар ижодкор учун энг қулай фурсат, уни топиш, идроклаш ҳамиша ҳамма ижодкорга хос эмас. Мавжуд тушунчаларни қалбу шуурида англатиш малакаси закий шоирларга хос ноёб фазилатдир. А.Қутбиддиннинг “Бор” номли мўъжазгина тўпламида ана шу турфаликнинг амалий тасдиғи, ифодасини кўриш мумкин:

Чаманларни адо қилдик, ноз қолмади,
Вужудларни фидо қилдик, роз қолмади,
Хитоб қилдик, шитоб қилдик, итоб қилдик.

Виқор этдик, тупроқ қилдик, тупроқ қилдик [Қутбиддин, 2011: 38].

Шоир мазкур шеърда инсониятнинг меҳр-муҳаббат ришталарининг узилиши, вафо ва садоқатга дарз кетиши, вужуддаги кучни сарф қилиш ва ҳар хил дунёнинг ўткинчи ҳавасларини мазмун деб билган оломонга қарата хитоб қилмоқда. “Виқор этдик...” мазкур бирикмада шоир ҳар бир инсон манманликдан қочиши, охир-оқибатда ўша ҳавасларнинг барчаси “тупроқ” бўлиши тасвирланади. Ҳеч қачон ўзидан – ўзгаларни паст кўрмаслик сингари “инсоний фазилат”ларнинг дарз кетмаслигига ҳам қандайдир ички эмас, очиқ-ошкор ишора мавжуд. А.Қутбиддин шеърларини мутолаа қилганимизда, шу нарса аниқ бўлдики, орифона ва ошиқона шеърлари Румий, Навоий, Огаҳий сингари шеърларига монанд тарзда юзага келган. Яъни улар каби ғазал шаклида эмас, бармоқ ва сарбаст шаклида туйғуларини гоҳ ёпик, гоҳ очиқ тарзад намоён қилади. Негаки, шоир шеърларида икки жиҳатнинг қоришиқ ифодаси рўй берса, ўқувчи бироз диққат билан мутолаа қилиши лозим. Чунки ҳар қандай вазиятда ҳам ижодкорнинг шахсий “мен”и мураккаб жиҳати билан бошқа шоирлардан ажралиб туради.

Проф. Н.Раҳимжонов қайд этишича: “Ҳаёт – буюк мураббий сифатида инсон зурриётини бешиқдан тобутгача олис тириклик йўлларида алқийди. Киприкларига илинган бир томчи ёшдек эъзозлайди. Ва, лекин табиатда кун билан тун, ёруғлик билан зулмат, инсон вужудида эса, олов билан сув, шайтон билан раҳмон ўртасида муттасил кураш кечгани сингари кишилик жамиятида ҳам эзгулик билан қабоҳат, яхшилик билан ёвузлик, эрк ила зулм ўртасида азалий кураш давом этиб келади. Тун оғушида ёруғлик униб ўсгани сингари зулм ўчоғида эркинлик алангаси гуркирайди. Ушбу муқоясани кишилик жамиятига кўчирадиган бўлсак, ноқисликдан, номукаммаликдан комиллик хусусиятлари куртак тугиб, барг ёзади” [Раҳимжонов, 2012: 102-103]. Бу манбадан кўриш мумкин, А.Қутбиддин лирикасида ҳар бир эпизодик лавҳада таҳлил чуқурлиги, кечинмани ҳаёт ҳақиқатига мослаб боради. Масалан, у ўзига хос кечинма замирида иймон ва эътиқод бирлигини ҳамisha мустаҳкам ушлайди. Бир-бирдан жиддий тафовут шуки, сатрдан-сатрга шоир руҳияти теранлашиб, аллақандай янгиликни таомилга кўра ўқувчига таништиришга эришади:

Бармоғинг ниқтама, менинг пешонам
Хати тирноғинг-ла ёзилмагандир.
Мен билан Худонинг ўртасида ҳам,
Ариқлари сен-ла қазилмагандир [Қутбиддин, 2010: 161].

Шеър тагидаги шоир имзосига қараганда 1990 йил ёзилган. Ушбу шеър “Бошпона” деб номланиб бутун мазмунида Ватан ва унинг озодлиги тараннум қилинаётгандек. Чунки Ватан – ҳар ким учун улкан бошпона. Бу бошпонага шоир бегоналарни киритишни сира хоҳламапти. Негаки, Аллоҳ – чизиб берган тақдир ўзимники. Пешонаминг – хати сенинг тирноғинг билан ёзилмагани, тақдиримнинг эгаси Яратган Эгам деб хитоб қилишида жуда катта фалсафий-эстетик мазмун бор. Унда энг муҳим жиҳатлардан бири “Бармоғинг ниқтама” бирикмасидир. Бундай қалтис вазиятда ҳам иймонга тўлган юрак ва қалб ҳеч қачон ўлимдан кўрқишни ҳис қилмайди. Унинг кўрқадиган таскини ягона – Аллоҳдир!

Шеърнинг кейинги байтларига эътибор қилсак, биз тахмин қилган шоир фалсафасига анчайин яқинлашамиз:

Меники бу ғавғо, керакмас даллол,
Дафтарим варақлаб ўқий олмайсан.
Агарки, борлигим йиртсалар алҳол,
Менга бошқа борлиқ тўқий олмайсан [Қутбиддин, 2010: 161].

Ҳар қандай поэтик ахборот замирида туйғу ва кечинма орқали уйғайган шоир руҳиятини кашф қилиш туради. Бинобарин, шеърни моҳиятига яқинлашганда бу хилдаги кайфиятни билиш қийин кечмайди. Масалан, “Меники бу ғавғо, керакмас даллол” дейилганда – ғавғони икки хил маънода тушуниш мумкин. У ҳам бўлса “даллол ортиқча” деган қатъий ҳукмда

яхлитланади. Аллоҳ билан ўртамизга, ёки бирон яхши хислатли киши билан муносабатимга даллол ортиқча, ўзим бошлаган ғавғони ўзим тугатаман деган иқрорга келади шоир. Бу ерда “Дафтарни варақлаб ўқий олмайсан” деган сатр юқоридаги биринчи қаторнинг тўлдирувчиси. Унда ҳам тақдирни ўқиш фақат Яратганнинг измидаги иш эканлиги аёнлашади. Кимдир менинг ботинимни, мен англаган Яратганнинг каломини барбод қилсалар, сенинг ҳеч қандай бошқа борлиқ тўқиш кўлингдан келмайди, мени ўз эътиқодимдан қайтаришинг асло, мумкин эмас, у менинг борлиғимда дея” қаршисидаги шахсга тушунтирмоқчи бўлади. Биз ҳар доим ўзимизнинг ишонган эътиқодимиз, суянган таскинимизсиз яшай олмаймиз. Чунки у ерда инсон аталмиш яратикнинг руҳи мужассам. Тана ва руҳ бирлиги вужудни тутиб турган асосий ўзакдир. Кўриш ва англаш эса ана шу руҳга хизмат қилишдир.

Проф. Б.Карим шундай ёзади: “Аслида шоир – ўз бадиий оламига эга улкан қалб эгаси. Шоир йил фаслларига қараб сўз либосини ўзгартиришга ҳаққи йўқ одам. Чунки унинг юрагида тўрт фасл бир паллада яшайди. Унда бешинчи фасл ҳодисалари кечади. Шоир бир лаҳзада дунёнинг олти тарафини кезади” [Каримов, 2015: 100]. Дарҳақиқат, ҳар қандай ижодкор мана шу баландликка кўтарила олмайди. Ундай баландликка эришишнинг бирдан-бир шarti – Аллоҳ берган истеъдод ва унинг тинимсиз изланишга одатланиши шарт. Б.Карим талқинида ҳақиқий ижодор ўз юрагидаги дарду ҳасратини шеърга айлантираркан, ҳар қандай фаслда ҳам ижод қилиш истагидан сира тонмайди демокчи.

Шоир шеърларида тасаввуфий битиклар қатори ишқ ва муҳаббат тўғрисида ҳам тайлайгина. Шоир лирик қаҳрамони “Осима” исмли қизга кў-кўп мурожаат қилади. Унинг учун ҳақиқий илҳом манбаи каби таъсир, туртки беради. Шулар қаторида “Ҳийла” шеъри ҳам етолмаган висол ва кечикиш асносида туғилган руҳий кайфият бўлса не тонг:

Ҳийла кеч тушибди севайлик десак,
Ўғри оралабди боғу равони.
Чиннидай рўёдан эшитдик чўпчак,
Ҳийла бегонамиз, билсак, жаҳона.

[Кутбиддин, 2010. 161].

Шоир муҳаббат манзумаси ўта қайғули бир якун топади. Кечикиш ва изтироб ҳақиқий висолга етишишнинг энг муҳим шартидир. Инсон изтироблари мудоми унга тинчлик бермайди. А.Кутбиддин ижодида янги-янги поэтик қирралар ана шу ташбеҳлар негизида янада жонланади. Поэтик қиймат ва вақт кўрсатган инъом ижодкор шахсини улкан марралар сари етаклайди. “Ҳийла бегонамиз, билсак жаҳона” сатрида ошиқ қалбида унутишга бўлган ҳеч қандай имкон қолмайди. Балки у янада теранроқ хуш кўради. Шунинг натижасида “ижоднинг мумкин қадар сокинликда яратилиши” узил-кесил абадий хотирларни қайта идрок қилишга интилиб яшайди. Демак, мақсад – ижодкорнинг ўзлиги орқали ишқни, ишқ орқали Яратганни танишга бўлган

ички эҳтиёжи сингари ноёб туйғулар замирида олам ва одам муносабатлари янада тиниқроқ жилваланади. Айтиш жоизки, “шоир ана шу эстетик кредосини амалга оширишда туйғу-кечинмалар тарбиясига алоҳида урғу беради”х[Раҳимжонов, 2007: 197]. Зеро, ҳар бир ижодкор ана шу баландликни доим сақлашга интилиб яшаши лозим. Бу А.Қутбиддин ижодидаги янги-янги ташбеҳлар, оҳори тўкилмаган мушоҳадалар, интилишлар замирида янада баркамоллашганини кўриш мумкин. Биз ҳар бир ижодкор қалбидаги мана шу сийратни англаш ва уни китобхонга етказишимиз муҳим.

Адабиётлар

1. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. –Т.: “Шарқ”. 2007. –Б.122.
2. Қутбиддинов А. Бор. –Т: “Ғ.Ғафур номидаги адабиёт ва санъат нашриёти” 2011. -Б 138.
3. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. –Т: “Ўқитувчи”. 2012. –Б.102-103.
4. Кўрсатилган адабиёт, -Б.161.
5. Кўрсатилган адабиёт, -Б.161.
6. Каримов Б. Руҳият алифбоси. –Т.: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.100.
7. Кўрсатилган адабиёт, -Б.162.
8. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърляти. –Т: “Фан”. 2007. –Б.197.

**Ойматова М., Абдуллоев О., доцентлар
(Тожикистон)**

“МАБДАИ НУР”ДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР

Ўзбек мумтоз шеърлятининг ҳассос ва мажзуб шоири Бобораҳим Машраб қаламига мансуб “Мабдаи нур” асари, том маънода, ўзбек шарҳшунослигида воқеа бўлган асарлардан саналади. Мазкур асар зимнида юзлаб диний мифологик, ахлоқий, таълимий, дидактик ҳикоятлар, анбиё ва авлиё ҳаётларига доир лавҳалар ушбу асар қийматни янада юқорига кўтаради. Ушбу асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, мумтоз адабиётда анъана бўлган Қуръон оятлари ва расули акрамнинг бебаҳо ҳадислари ушбу асардан жой олган.

“Мабдаи нур”га қирқдан ортиқ Қуръоний оятлар ва ўттизга яқин ҳадислар асарга нақшу нигор бўлиб кирган. Машраб “Мабдаи нур”да Қуръоннинг муқаддаслигини таъкидлаб дейди:

“Жон иймондур, асли маъни жондур,
Асли маъни маънии Қуръондур,
Асли ўзга маънилар бир қатрадур,
Маъни Қуръондур зикрлар заррадур”¹.

¹ Машраб, Мабдаи нур, 89бет.

Асарда келтирилган оятлар ва ҳадислар айни мусулмон кишининг кундалик дастурамали Қуръон ва пайғамбар ҳадислари бўлиши кераклигига ишоралардир.

Машраб ўз шарҳ асарида қуръоний оятлар ва ҳадисларни ўз фикрларини далиллаш асосида келтириб ўтади. Қуръон оятларининг аксарияти Мавлоно Румийнинг “Маънавий маснавий”дан келтирилган байтдан кейинги шарҳлар ва ҳикоятлардан кейинги шарҳ ғазаллар зимнида келади. Масалан, “Ажран азимо” (Буюк мукофотни беради. (Нисо сураси, 40-оят. 60 -бет), “Ё лайтани кунту туробин”(Кошкийди тупроққа айланиб қолсам, Наба сураси)) , “Инна фатахно” . Фатҳ сураси, 1-оят. 385-бет), “Насрун миналлох”(Ёрдам, мадад Аллоҳдандир, Саф сураси, 13-оят. 435-бет), “Мулки қарибо”(Буюк подшоҳлик кўрасан (Қуръон, Инсон сураси, 20-оят. 477-бет), “Нахну қасамно” (Биз тақсим қилдик. Қуръон, Зухруф сураси, 32-оят, 365-бет), “Ҳажран жамило”(Яхшилик билан тарк эт, Қуръон, Музаммил сураси, 10-оят.469-бет), “Насран азизан”(Аллоҳ сенга кучли ёрдам беради, Қуръон, Фатҳ сураси, 3-оят. 385-бет), “Шаробан тахуро”(Мусаффо, тоза шароб, Қуръон, Инсон сураси, 21-оят, 477-бет) каби оятлар ғазал таркибида келган.

Ана шундай оятлардан яна бири қуйидагича: “Иннама омволукум, авлодукум фитна” Шубҳасиз, сизнинг мол мулкингиз авлод фарзандларингиз фитналар йўлдан оздирувчидир. (Анфол сураси, 38-оят. 119-бет, “Мабдаи нур”, 174-бет). Бу оят “Маснавий”дан келтирилган мана бу оят байт шарҳидаги ғазал таркибида келган. Шу оят келган ғазал байти қуйидагичадир:

Деди Ҳақ: “Иннама омволукум, авлодукум фитна”,
Буларни бари гарданга олма , мисли Ҳайдар бўл¹.(МН, 174бет).

Ушбу ғазал “Маснавий”нинг 2-дафтаридаги 126-байт (Бар сари ағёр чун шамшер бош, Ҳин, макун рўбоҳбози, шер бош²) шарҳида келган ҳикоятларга хулоса ўрнида келган ғазал ичидадир.

“Иннама л мўъминуна ихватун” (Ҳеч шак шубҳасиз, мўъминлар(бир бирига) ака укалар, Қуръон, Ҳужурот сураси, 10-оят. 391-бет) ояти “Маснавий”нинг, “Одами хоранд аглаб даргумон, Аз салом аллайкашонкам чў амон”³, байти шарҳига келган ҳикоятлардан бирида келган.

Қуйидаги оят “Рабби арни, лантарони” (Мусо айтдики,: “Парвардигорим, менга(жамолингни) кўрсатгил. Аллоҳ айтди: “Мени кўролмайсан”. Қуръон, Аъроф сураси, 143-оят) Мусо а.с. чўпон орасидаги мулоқот ҳақидаги ҳикоятда келтирилган. Мазкур ҳикоятда чўпон Аллоҳга нола қилиб, “Эй Худо, сенга қўйларим юнгида кийимлар тикиб берай...” қабилидаги сўзлар билан мурожаат

¹ Машраб.Мабдаи нур,174-бет

² Мавлоно Чалоддин Руми,Техрон, 2001, сах.123

³ Ўша асар, 126бет

қилади. Мусо а.с. унга танбеҳ беради. Бу ҳикоят ниҳоятда машҳур бўлиб, унда Аллоҳ ва бандаси орасига ҳеч ким, ҳатто пайғарбар ҳам тушиши мумкин эмаслиги, ибодат банда билан Аллоҳ орасида ҳос суҳбат эканлигига ишорадир.

Оят келган байт қуйидагидир:

“Рабби арни” даъви қилма, Эй Мусо,

“Лан туро”ни англамай Ҳақдин Мусо.

“Ло тақнату мин раҳматиллоҳи” (Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг. Қуръон, Зумар сураси, 53-оят. 343-бет) ояти эса,

То нагирад кўдаки ҳалвофуруш,

Баҳри бахшойиш намеояд ба чуш¹ байтига шарҳида келган сўнгги ҳикоятдан кейинги хулоса ғазал зимнидадир.

Яъни “Эшитгим фазлидин “Ло тақнату мин раҳматиллоҳи”,

Сани ваъдангга жон берсам, мани ҳеч ормоним йўқ².

Ушбу ғазал олдида келган шарҳ ҳикоятда ўлган киши тобутига учраган Абу л Ҳасан Ҳарақоний мурдадан иймон “бўйи”ни топмайди.

«Мабдаи нур» да келган бир қатор ҳадислар ҳам муаллиф фикрини тасдиғи, исботини сунний далили вазифасини бажарган. Масалан, қуйидаги ҳадис “Ар рафиқ, сумма т тариқ” (Аввал дўст, ҳамроҳ топ, кейин йўлга чик) асарнинг иккинчи дафтари келган “Маснавий”нинг иккинчи дафтари биринчи байтига келган ҳикоятлардан бири таркибидадир. Фикримизнинг далиллаш учун ҳикоят насрий баёнини келтирамиз. “Бир куни Хожа Султони валий(Абдулҳолик Гиждувоний – М.О.) муридлари билан йўлда борар эди. Йўл четида бир чўпга кийдирилган эшак калласига кўзи тушди ва ёнидаги сўфийдан сўради:

– Нега эшак калласи чўпга кийдирилган?

Шунда сўфий деди:

– Бу куп-қуруқ эшак калласи бўлса ҳам у посбон вазифасини бажараяпти. Буни кўрган ваҳший ҳайвонлар боққа кирмайдилар.

Буни эшитиб шайхи замон оҳ тортиб йиғлади: «Бир эшакнинг калласичалик бўлмадим. У халққа посбонлик қилмоқда экан. Менинг бировга бир фойдам тегмади». Шайхга эшак калласи катта сабоқ берган эди. Унинг нолаю фарёдини бир фарзандлари ноқобил киши эшитиб олдига келди. Чунки у шайх каби раҳнамога мухтож эди. Шунинг учун бу кишига пирлик қўлини тутди. Ва Ҳақ таоло даргоҳидан марҳамат бўлиб, унга солиҳ фарзад ато этилди. Шу ҳикоят ичида қуйидаги байт келади:

Шайх бирлан бўлди солор ҳам рафиқ,

Айди Аҳмад: “Ар рафиқ, сумма-т-тариқ”.³

Энди шарҳга тортилган “Маснавий”байтига эътибор қаратайлик.

¹ Мавлоно Руми, Маснави маънави, Техрон, 2001, сах. 131

² Машраб, Мабдаи нур, 209-бет.

³ Машраб, Мабдаи нур, 125-бет

Муддати ин маснави таъхир шуд,
Мўҳлате бояст то хун шир шуд¹.

Айни Румий жаноблари ҳам, Машраб ҳам ушбу байт кейинида Хусомиддин шаънига хуш сўзлар айтишади. Румий жаноблари ўзиларини “Маснавий” ёзишга руҳлантирган шогирди содиқ, солики азиз Хусомиддинни эъзозлаб “Зиёулҳақ” десалар, Машраб,
Гарчи эрди “Маснавий” дарёи раб,
Руҳи поки Хусомиддин сабаб²,
деб, «Маснавий» илҳомчисини шарафлаб бир неча ҳикоятни юқоридаги байт шарҳига бағишлаган.

«Мабдаи нур» да Қуръон оятлари билан бир қаторда ҳадислар ҳам далил ва исбот ўрнида асардан жой олган.

Ушбу ҳадис мусулмонлар ичра жуда машҳур бўлиб, “Мўъминлар ҳама ойинадур”(Мўъминнинг кўзгусидир) дейилиши билан ҳадис илмидан беҳабар одам ҳам бу ҳикматни ҳадис эканлигини англайди. Бу ҳадисни кафш тикувчи худобеҳабар саййидни нотўғри таҳорат олиши асносида унга танбеҳ берган порсо киши ва бундан ранжиган кафшдўзга отаси қилган насиҳат давомида ушбу ҳадис айтилади. Шу ҳадисдан сабоқ олган саййид тўқсон пирдан илм ўрганиб, етишганлардан бирига айланади³.

Юқорида ҳикоят “Маснавий”нинг шарҳга тортилган куйидаги байти шарҳида келган:

Чунки мўъмин оинаи мўмин буд,
Рўи ў 3-олудаги эмин буд⁴.

Машраб айни Румий байтидаги ҳадисни шарҳ ҳикоятга жойлаб, ушбу ҳадис қиймати баландлигини яна бир карра таъкидлайди.

Умуман, Машраб “Мабдаи нур” шарҳ асарида далил ва исбот тарзида келтирган барча Қуръон оятлари ва ҳадислари мисолида ўзининг тафсири Қуръон ва ҳадис илмидан боҳабарлигини изҳор этган ҳолда, мўмин мусулмон киши доимо Қуръон оятларини ўз ҳаёти учун дастуруламал қилмоғи, сунний мазҳаб чироғи бўлган ҳадисларни мукамал билиш ва уларга амал қилиш мўминнинг бурчи эканлигини баён этган. Шунингдек, унинг бу оятлар ва ҳадисларни маҳорат билан ўз ўрнида қўллаш билиши, шоир бадий маҳорати маҳсули ҳамдир. Ушбу маҳорат иқтибос шеърий санъат доирасида амалга ошган.

“Мабдаи нур” таркибига кирган Қуръон оятлари ва ҳадислар кенг режада ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу мақолада қисқа талқин билан кифояландик.

¹ Мавлоно Руми, Маснави маънави, Техрон, 2001, саҳ.120.

² Машраб, мабдаи нур, 119-бет.

³ Машраб, Мабдаи нур, 138бет.

⁴ Мавлоно Руми, Маснави маънави, Техрон, 2001, саҳ.212.

Ойматова М., Эрмухамедов А. доцент
(Тожикистон)

И. С. БРАГИНСКИЙ – АЙНИЙШУНОС

И. С. Брагинский С. Айний ижодининг илк тадқиқотчиларидан саналади. Етук шарқшунос олим бўлган Брагинский С. Айний ижоди ва фаолиятининг асл моҳиятини очиб бериш масаласига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган.

Адабий алоқалар бобида бебаҳо ишлар муаллифи бўлган шарқшунос айнан С. Айний ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни ўзининг «Проблемы творчества Садриддина Айни» (Душанбе, 1974), «Жизнь и творчество Садриддина Айни» (М., 1959), «От Авесты до Айни»: (Исследования по истории таджикской литературы) (Душанбе, 1981), Исследования по таджикской культуре: (К проблеме межлитературных связей народов Советского Востока) (М., 1977) асарларида кенг ёритган.

Академик Б.Ғафуровга кўра, Брагинский адабиётшуносликда совет эроншунослиги тараққиётига ўзининг фундаментал асарлари жиддий ҳисса қўшди деб эътироф этилди.

XX асрнинг 40-йилларидан то умрининг охиригача Брагинский ҳаёти ва ижоди тожик халқи тақдири, тарихи, маданияти ва адабиёти билан узвий боғланганди. Ўтган шу ўн йилликларда олим бу борада салмоқли тадқиқотларни амалга оширди ва натижаларини илмий нашрларда эълон қилди. У СССР Фанлар академияси Шрақшунослик институтида раҳбар лавозимларда ишлади. Қарийб йигирма йил давомида «Народы Азии и Африки» журналининг бош муҳаррири бўлиб фаолият юритди.

Брагинскийнинг С. Айний фаолиятига доир кузатишларига назар ташласак, аён бўладики, шарқшунос бу буюк шахс ҳаёти ва фаолиятини бутун моҳиятини қамраб олган. Айний ҳаётининг ҳар бир муҳим нуқтаси Брагинский нигоҳидан қочиб қутулмаган.

Брагинскийнинг Айнийга доир тадқиқотларини ёш олима З.Сайфуллаева¹га кўра, икки қисмга ажратиш мумкин: фундаментал ва публицистик.

Брагинскийнинг “Западно-восточный литературный синтез и творчество С. Айни” асарида (Душанбе: Ирфон, 1986) С. Айнийнинг адабий ҳаётга кириб келиш жараёнини кенг режада ёритилган. Унга алоҳида эҳтиром изҳор этган ҳолда, “Устод” деб мурожаат этади.

Шарқшунос Айнийнинг инсоний фазилатлари фонида унинг ҳамиша ижтимоий-сиёсий ва адабий жараёнда кўрқмас, жасоратли шахс эканлигини кўрсатиб ўтган. Унинг доим биринчи бўлиб келганини Брагинский шундай шарҳлайди: “Кашшоф – Айнийнинг совет давридаги ижодига тавсиф беришда

¹ Сайфуллаева З.А.И.С. Брагинский - исследователь персидско-таджикской литературы, дисс. На соис. к.ф.н. Душанбе, 2012.

унга мос келадиган сўз. У тожик совет мактабининг биринчи ўқитувчиси, “Шуълаи инқилоб» журнали ва “Овози тоҷик” газетасини ташкил этган биринчи тожик журналисти. У биринчи агитатор... У Тожикистон фанлар академиясининг биринчи президенти. У биринчи тожик носир. У биринчи тожикшунос... Агар Тожикистондаги гуманитар фанлар соҳасининг алоҳида соҳа ёки ихтисослигини текширмоқчи бўлсак, албатта, Айний шу ўринда ҳам биринчи бўлиб чиқади”.¹

Брагинскийга кўра, Айний ижодининг марказида доим ўз халқининг тарихий қисмати туради².

Брагинскийнинг Айний ҳаёти ва ижодига доир кузатишларида устувор қарашлар гарчанд совет мафқураси нуқтаи назари билан кечган бўлса ҳам, аммо шарқшунос олим Айний даҳосига ҳамиша холис назар билан ёндашган. Олим Айний билан бўлиб ўтган ҳар бир учрашув моҳиятини баён этар экан, бу чизгиларда Айнийнинг ижодкорлик масъулиятини қанчалар чуқур ҳис қилишини баён этади.

“Исследования по истории таджикской литературы”(Душанбе, 1981) асарининг “Таджикские советские писатели”(Тожик совет ёзувчилари) бобининг “Встречи с Садриддином Айни” қисмида Айний иккинчи марта учрашгандаги воқеани Брагинский шундай хотирлайди: “Тожик олимлари, ёзувчилари ва жамоатчилик арбоблари сўзлашув тилини адабий тилга яқинлаштиришга доир саволлар билан машғул эдилар. Садриддин Айний бу масалана жуда қаттиқ эътибор билан қарарди... Лекин Айний бу яқинлашиш вульгарлашишга(қўполлашиш), тилнинг бузилиши, унга кўра кўча тилига айланишидан хавотирда эди”³.

1938йилнинг декабр ойида Тожикистон ССР Халқ маорифи НАРКОМ №1 буйруғи лойиҳаси тайёрлаганди. Ушбу буйруқнинг бешинчи параграфида тожик адабий тили муаммоларига доир таклифлар илова қилинганди. Айний айни буйруққа киритилган таклифлардан огоҳ бўлиб, ўзининг маслаҳатларини берганди. У аксари таклифларни маъқуллаганди. Аммо бу параграфнинг бир пунктига эътироз билдирганди. Бу пунктда “ро” суффиксини адабий тилдан чиқариб ташлаш таклиф этилганди. Айний лойиҳа тез орада амалга ошишини билиб, тезлик билан Самарқанддан Сталинободга етиб келди. Аммо йўлда шамоллаб қолди. Бу воқеани Брагинский шундай хотирлайди: “Тожикистон МК ходими сифатида бемор Айнийни кўргани бориш ва айни “ро” масаласи

¹ Брагинский, И. С. “Западно-восточный литературный синтез и творчество С. Айни”, Душанбе: Ирфон, 1986, стр. 99.

² Ўша асар, 163бет..

³ Брагинский И. С. Исследования по истории таджикской литературы, Душанбе, 1981, стр.238

борасида Айний билан гаплашиш учун меҳмонхонага бордим. Мени остонада кўрган Айний аччиқланган ҳолда деди:

– Тожик тилини бузмоқчи бўлган ўртоқ сизми? Мен сиз ҳақингизда жуда кўп яхши гапларни эшитганман. Сиз тожик тилини ва маданиятини заҳмат чекиб ўрганаёпсиз. Бу таҳсинга лойиқ. Аммо тилнинг жонли вакиллари ва ижодкорлари билан маслаҳатлашмай, тилни бузишга қандай журъат этдингизлар? Сизнингча “ро” арзимаган майда-чуйдами? Қандайдир иккита ҳарфми? Бу ўринда тилнинг маънодорлиги, унинг адабий ўзига хослиги ҳақида гап кетаяпти. Сизлар тилни кўча тилига тортаяпсизлар. Адабий тил билан сўзлашув тилини бундай яқинлаштириш мумкин эмас. Фақат грамматик нормалар ва шева хусусиятларини билиш кифоя эмас, балки тилни ҳис қилиш керак”.¹

Бу учрашувдан шарқшунос олим бирор бир натижага эришмай кетади. Брагинскийнинг ўз эътирофига кўра, улар яъни тожик тилини ислоҳ қилишга ҳаракат қилаётганлар Айний эътирозининг чуқур мазмунига етиб боришмаганди.

Шу ўринда Брагинский иқрорларида миллий тиллар масаласига собиқ Шўро давлати билар-билмас бурун тиққани кўриш мумкин.

Айний билан учрашувларини санаб ўтар экан, шарқшунос “Намунаҳои адабиёти тоҷик”ни устод билан бирга тайёрлаш жараёни уларга университет вазифасини ўтаганини эътироф этган.

Хрестоматия устида ишлаш Айнийни бундан олдинги ишларига танқидий назар билан қараши билан боғлиқдир. Чунки у ишда адиб совет давлати ҳудудида яшамаган тожик шоирлар номини эсламаганди. Бунга сабаб, ўша пайтда Айнийни панэронизмда айблашганди. Ўшандай шароитда Айний на Фирдавсийни, на Носир Хисравни антологияга кирита олмасди.

Айний бу вазиятдан чиқиш йўлини топади. “Бу хатони тўғирлаш керак, дейли Айний. Биз бу шоирларни форс-тожик шоирлари деб атаймиз. Шунда ҳеч ким бизни форсларнинг умумий мумтоз адабий меросимизга бўлган ҳуқуқини рад этишда айблай олмайди”².

И. С. Брагинскийнинг С. Айний ҳақидаги барча ишлари бугунги кун айнишунослари учун дастуруламал бўлига арзигулик тадқиқотлардир. Чунки уларда ўз миллатини ва бу миллат адабиётини жуда севган ва ҳимйо қилган адиб сиймоси тўла тўкис акс этган.

¹ Ўша асар, 240бет.

² Ўша асар, 241бет.

Адабиётлар

1. Брагинский, И. С. “Западно-восточный литературный синтез и творчество С. Айни”, Душанбе: Ирфон, 1986,
2. Брагинский И. С. Исследования по истории таджикской литературы, Душанбе, 1981,

Орипова Г., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЛИРИК ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИДА ВАЗНИНГ ЎРНИ

Вазн шеърдаги гап қурилишининг бадий-эстетик жиҳатдан таъсирчан ва ҳиссий-экспрессив бўлишида муҳим ўринга эга. Шунинг учун шеър вазни масаласи қадим замонлардан бери шеършуносликнинг ўзагини ташкил этади. В.Кожинов вазни каркас (синч), шеър танасининг скелети деб атаган эди. (Кожинов, 1970: 150) “Вазн – бу маромийлик, муштараклик, бир ўлчамдаги ва изчилликдаги ҳаракат” (Медведов, 1985: 58) бўлиб, «бир хил бирликларнинг гуруҳланиши ва даврий такрорланиши шеърий ритмнинг асосини ташкил этади» (Ҳотамова, Саримсоқов, 1979: 258).

Мустақиллик даври ўзбек лирикаси композициясида вазн муҳим ўринга эга. Чунки асар вазни орқали лирик кечинмани, бадий-эстетик ғояни, ижодкорнинг бадий салоҳияти ва маҳорати даражасини аниқлаш мумкин. Бармоқ шеър тизими билан бир қаторда Шарқ мумтоз шеъриятининг асосий ўлчови бўлган аруз шеър вазнида самарали ижод этаётган шоирлар орасида Сирожиддин Саййид алоҳида ўринга эга. Унинг ғазал, мухаммас каби жанрларидаги асарлари аруз шеър тизимининг ҳазаж, рамал, ражаз баҳрларининг турли тармоқларида ёзилгани билан муסיқийлик касб этган. Мазкур баҳрлар ўзбек товуш тизимида мослиги ва ўзбек мумтоз муסיқасидаги кўплаб ашулалар уларда битилгани билан ажралиб туради. Шоирнинг «Хамса» ҳайратлари» шеърий туркумининг «Биринчи ҳайрат» ҳамда «Ҳайратул-аброр» туркум шеърларининг аксарияти аруз вазнида ёзилган. Масалан, туркумнинг қуйида келтирилган шеърларида рамали мусаддаси мақсурдан фойдаланилган:

Оҳ-ки ум-рим/ ўт-ди мис-ли /фо-лу-ром,

– V – – / – V – – / – V –

фоилотун фоилотун фоилун

Бар-ча аъ-но/ му ха-ё-лим / но-та-мом

– V – – / – V – – / – V –

фоилотун фоилотун фоилун

(С.Сайид, 2017: 180)

Ёки,

Со-қи-ё сен/ га ту-тай ёз, / бо-да тут,
 – V – – / – V – – / – V –
 фоилотун фоилотун фоилун
 Тў-ла-тў-ла, / ях-ши-роқ сўз / бо-да тут
 – V – – / – V – – / – V –
 фоилотун фоилотун фоилун

(С.Сайид, 2017: 185)

Аслида, иккинчи шеърнинг иккинчи мисрасидаги “яхшироқ” сўзи “ях-ши-ро-қ” тарзида ҳижолаарга бўлиниши керак, лекин сакта ҳолатига учраганини кузатамиз. Рамал баҳри ўзбек шеърлятида энг кўп тарқалган вазн бўлиб, фоилотун рукнининг такроридан иборат. Мумтоз шеърлятимизда ушбу баҳр дастлаб “Қисаси Рабғузийда учраса, Алишер Навоий «Хазойинул маоний» даги 3132 туркий шеърдан 1827 таси, хусусан, 1666 та ғазали ушбу баҳр ўлчовларида битилган... Рамал баҳри вазнлари «Шашмақом»нинг жами 49 куйига, «Баёт», «Дугоҳ Хусайн» туркумларидаги 9 куйга, шунингдек, кўпчилик халқ куйларига мос келади» (Ҳожиаҳмедов, 1998: 112). Шунинг учун ҳам халқона услубда шеър ёзадиган шоир Сирожиддин Саййид мазкур вазнга кўп бор мурожаат қилган. Хусусан, “Гапиргайлар” радифли ғазали ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган:

Ға-ним-лар сен / би-лан биз-ни / ҳа-ли йил-лаб / га-пир-гай-лар.
 V – — — / V – — — / V – — — / V – — —
 мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
 Ке-зар-миз, ор/ ти-миз-дан со / я-лар йўл-лаб / га-пир-гай-лар.
 V – — — / V – — — / V – — — / V – — —
 мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
 (С.Сайид, 2008:106)

Ғазалдаги маҳзун оҳанг ва лирик қаҳрамоннинг ўзига ишончи ғазал вазнидаги ритмга мос тушган. Керак ўринларида ғазал вазни талаби билан мумтоз шеърлятга хос сўз ва иборалар (*алар, гапиргайлар, рози дил, яфроз, ҳуз, фархунда*) ни кўллаб, рукнларнинг вазнини чиқаришда фойдаланган. Шунингдек, ғазалда вазн талабидан келиб чиқиб, товушлар тушиб қолиши (гар), ўзгариши (улар-алар, гоҳ-гаҳи, каби-киби) ҳам кўлланган. Мазкур вазн муסיқийлиги ва нисбатан босикроқ муסיқий оҳангга мувофиқлиги ғазални мумтоз ашулага яқинлаштирган. Натижада, ғазалдаги ижтимоий мазмун ўқувчи кўнглидаги баҳрни ҳам ҳазаж баҳрига мос тўлқинланишга ундайди.

Шоирнинг куйидаги “Билса бас” шеъри эса рамал баҳрида битилган бўлиб, унда юқоридаги усуллардан ташқари, кўлланмаган васл ҳодисасидан ҳам фойдаланган:

Шаҳ-р а-ро шар/ хи ди-лим-ни / бит-та дил-каш / бил-са бас.
 – V – – / – V – – / – V – – / – V –

фо и ло тун / фо и ло тун / фо и ло тун / фо и лун
 Ер би-лан ос / мо-н а-ро ул / мен-га сир-дош /, бил-са бас.
 - V - - / - V - - / - V - - / - V -
 фо и ло тун / фо и ло тун / фо и ло тун / фо и лун

Васл ҳодисаси арузда ундош билан тугаган сўздан кейин унли билан бошланувчи сўз ишлатилганда олдинги сўзнинг охирги ундоши кейинги сўзнинг биринчи унлиси билан қўшилиб бир ҳижо ҳосил қилишидир. Юқоридаги байтнинг ҳар иккала сатрида ҳам васл ҳодисаси кузатилади: вазн талабига кўра биринчи мисранинг биринчи ҳижоси таркибидаги (шаҳ) р ва шу ҳижонинг унли билан бошланган кейинги сўзнинг биринчи а (ро) ҳарфи ўзаро бирлашиб қисқа (ра) ҳижосига айланган. Шундай ҳолат иккинчи мисранинг ҳашв рукнида осмон сўзининг охирги ҳарфи билан ундан кейинги аро сўзини биринчи ҳарфи орасида (на) юз берган ва бу ўринда ҳам қисқа ҳижо вужудга келган. Натижада шеър вазни пухта ва мазмунга мувофиқ ҳолга келтирилган.

Сирожиддин Саййид ижодида ражаз баҳри ва унинг тармоқларидан фойдаланиб ёзилган ғазалларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, унинг “Саломнома” шеъри ражази мусаммани матвийи махбун тармоғида ёзилган.

Са-лом бўл-син / са-мо-лар-га /
 - V V - V - V -
 Муфтаилун мафоилун
 Са-бо-лар-га / са-лом бўл-син,
 - V V - V - V -
 Муфтаилун мафоилун
 Қу-ёш хат йўл / ла-ган то-нгга
 - V V - V - V -
 Муфтаилун мафоилун
 Зи-ё лар-га / са-лом бўл-син.
 - V V - V - V -
 Муфтаилун мафоилун
 (С.Сайид, 2017: 38)

Сирожиддин Саййид аруз вазнида ижод қилар экан, унинг диди юксаклиги, сўз олдидаги масъулиятни ҳис эта олиши намён бўлади. Шунинг учун у ғазалларига аруз вазнига мос сўзларни излаб топади. Масалан, «Баҳор бу йил ажиб пинҳона келмиш, Кўнгиллар розига ин, хона келмиш»х[126], «Чамандирсан чамандан ташқарида, Чаманлар бари сандан ташқарида»х[174] байтлари билан бошланувчи ғазаллар ҳажажи мусаддаси маҳзуф (мафойилун, мафойилун, мафойил), «Гул санамнинг гул бўлиб турмоқлари, Гулни лаб бирлан суйиб, кулмоқлари»х[159] байти рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилун), «Бир дилором бирла шом ё шом дилором бирладир, Хуш кечар шоминг агар ором дилором бирладир»х[162] байти рамали мусаммани

махзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнларида битилган. Умуман олганда шоир бир тўпламига кирган ғазал ва мухаммаслари 100 га яқин бўлиб, уларда рамал, ҳажаз ва қисман ражаз баҳри ҳамда уларнинг тармоқларидан фойдаланган.

Хулоса, ҳозирги шеърятимизда аруз вазнида ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас каби жанрлар рамал, ҳажаз, ражаз каби кенг тарқалган ҳамда товуш хусусиятига кўра туркий арузга мувофиқ келадиган баҳрларда яратилмоқда. Лирик композициянинг ритмик-интонацион қурилишида ва лирик кечинма ифодасида вазннинг ўрни муҳим.

Адабиётлар

1. Кожинов В.В. Как пишут стихи. – М., 1970. – с.150.
2. Медведов В.П. Изучение лирики в школе. – М.: Просвещение, 1985. – С.58.
3. Сирожиддин Саййид. Онамнинг кулчалари. – Тошкент: О‘зйўкiston, 2017. – Б.180.
4. Саййид, Сирожиддин. Сўз йўли. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 106.
5. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.258.
6. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 112.

**ОЧИЛОВ Э, филология
фанлари номзоди
(Ўзбекистон)**

ОГАҲИЙ СЎЗ ТАЪРИФИДА

Маълумки, Шарқда сўзнинг мақоми ниҳоятда баланд бўлган. Чунки забардаст сўз санъаткорлари сўзни инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи асосий восита деб билишган. “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин”, – дейди бу ҳақда Алишер Навоий. Огаҳий наздида ҳам “Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо”. Шоирнинг комил ишончига кўра, сўз – гавҳар, кўнгил – унинг садафи, тил эса ғаввоси. Шунинг учун ҳам у ёзадики, одам деб ўйлаб, нодонга гапириб ўтирма, сўзни фақат инсон тушунади ва қадрлайди – шунинг учун фақат инсонгагина сўзни раво кўриш мумкин:

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз,

Чунки ул инсон эмас, топсанг, дегил инсонга сўз (Огаҳий, 1960:180).

Сўз инсон кўнглидаги қимматбаҳо гавҳар экан, ақли йўқ ҳайвонга лойиқ кўриб, зинҳор уни хор қила кўрма:

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,

Они хор этма дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.

Дикқат қилсангиз, бу байтда нодон ҳайвон билан тенг қўйилмоқда: ҳайвонга гапирмаган гапингни нега энди нодонга гапирасан?

Бошқа бир байтида таъкидлаганидай, инсон илму маърифати билан ажралиб туради, бўлмаса қаду юзу лаб ва бошқа аъзолар ҳайвонда ҳам мавжуд:

Одамидур илму дониш бирла одам, йўқ эса

Жумлаи ҳайвонгадур яксон қаду рухсору лаб (Огаҳий, 1960:91).

Дарҳақиқат, ему сомонга тўйса, шундан ҳузур топадиган ҳайвон гавҳарнинг қадрини қаердан билсин? Амирий таъбири билан айтганда, “эшшакка пашмакдин самон ширин”:

Ваҳ, на янглиз билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини –

Ким, топар ҳаз етса ул кунжорау сомонга сўз.

Бу дунёда гап тушунмайдиган кишига гап тушунтиришдан қийини йўқ. Бу ишга уринган сўз аҳлининг бағри қонга тўлганию сўзнинг ўзининг эса қонга ботгани қолади:

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур –

Ким, бўлуб сўз аҳли бағри қону ботгой қонга сўз.

Шоир тасвир жараёнида баъзида у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолатини катталаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифни ҳаддан ташқари юксакка кўтаради ёки ниҳоятда ерга уриб юборади. Бу усул муболаға деб аталиб, унинг уч тури фарқланади. Агар шоирнинг ушбу даъвоси ақлу одатга мувофиқ бўлса, бундай муболаға мақбул ҳисобланади ва таблиғ дейилади. Агар даъво ақлга сиғса-ю, одатдан ташқари бўлса, ифрок деб аталади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сиғмаса, ғулув деб номланади. Ғулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Бу ерда сўз аҳлининг бағри қонга тўлиши муболағанинг таблиғ кўринишига мисол бўлса, сўзнинг қонга ботишида бу санъат ҳадди аълосига етиб, ғулув даражасига кўтарилган.

Сўзнинг қонга ботишида эса ташхис санъатини кўрамиз, чунки бу ерда сўз жонлантириляпти. Маълумки, ташхис шахслантириш – нарса-ҳодисаларни жонлантириб, уларга инсонга хос хусусиятларни беришдан иборат санъат. Бунда коинотдаги ҳамма нарса – ҳайвонлару қушлару ҳашаротлардан тортиб дарахту гиёҳларгача, ер юзидаги нарса-ҳодисалардан самовий жисмларгача – ҳамма-ҳаммаси жонлантирилади.

Маърифатдан бебаҳра жоҳилнинг кўнгли тош қайтган бўлади – бинобарин, бундай кимсага сўз таъсир қилмаса, сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки сандон – темир тўнкага сўз таъсир айлаши имкондан хориж нарса:

Сангдил жоҳилга, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,

Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Бу ерда шоир жаҳолат бандасининг тошдан фарқи қолмаган кўнглини темирчиларнинг темирдан ясалган тўнкасига қиёслаяпти.

Маълумки, адабиётнинг бутун мазмун-моҳияти унинг образлилигида. Образлилик йўқ ерда адабиёт ҳам бўлмайди. Муайян воқеани шунчаки гапириб

бериш бошқа, уни бадийлаштириб тасвирлаш бошқа. Бу ерда шоирнинг маҳорати жоҳилнинг жаҳолат дастидан тошга айланган кўнгли билан темирчиликда ишлатиладиган сандон орасида ўхшашлик топиб, уларни бири-бирига муқояса қилганида кўринади. Албатта, жоҳил кўнглининг тошга нисбат берилиши ва унинг темир тўнкага тенг кўрилишида муболаға санъати ҳам мавжуд. Ўз навбатида, сандон сўз таъсир қилинмасликда айбланыптими, демак, у жонлантириляпти, яъни ташхис санъати ҳам қўлланыпти.

Навбатдаги байтда эса ҳаётда ноқаслик, тубанлик, пасткашлик, ярамаслик, борингки, барча инсоний иллатларни шиор қилиб олган одам қиёфасидаги махлуқларга сўзингни ҳайф қилма. Мақсадинг сўз айтиш бўлса, уни лутфу эҳсон, муруввату марҳамат, саховату яхшилик соҳиби бўлган олижаноб инсонларга айтсанг арзийди деган фикр илгари сурилади:

*Ҳар хасосатшевага сўзингни зоеъ қилмагил,
Сўз демак истар эсанг, де соҳиби эҳсонга сўз.*

Албатта, бу ерда қалам аҳлига ҳомийлик қиладиган, уларнинг асарларини тақдирлайдиган маърифатли бой ва амалдорларга ишора қилинаётганини сезиш қийин эмас. Чунки ижод аҳли ҳамиша кимларнингдир ҳимоясига муҳтож бўлиб келган.

Байт тағматнидан шоир яшаган замонда сўзга эътибор қолмагани, қалам аҳли хору зор яшаётганидан шикоят оҳанглари ҳам кўнгил қулоғига элас-элас эшитилади.

Ўз қадрини билмаган сўз қадрини қаердан билади – шунинг учун дононинг нодону маърифатсиз кишиларга сўз айтиши ҳайфдир:

*Билмаган ўз қадрини, не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак нодону беирфонга сўз.*

Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда: “Ҳар сўзни ўша сўз аҳлидан ўзгасига сўйласанг, уни сафсата дегайлар”.

Сўздан қанчалик манфаат келиши, сўздан нажот топишлари мумкинлигини билмаганлари учун ҳам аҳмоқ кимсалар уни беҳуда исроф қилиб, бу билан ўзларига зиён қиладилар:

*Аҳмақ аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилгай зарар охир чекиб ҳазёнга сўз.*

Мана бу байтида эса шоир ҳасадгўйни шайтонга тенглаштиради: “Одам боласи сира шайтонга сўзини ўтказа олганми? Бас, ҳасад бандасига қабул қилади деган умидда сира насиҳат қилма”, – дейди алам билан у:

*Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидгаким,
Одами маъқул эта олгай қачон шайтонга сўз?*

Сўз ҳолига раҳм қилиш – унги жоҳилга рўпара қилмаслик керак, чунки сўз ундан безор бўлиб, додга келади:

*Раҳм этиб сўз ҳолига, жоҳилга они демагил –
Ким, бўлуб безор ондин келгуси афгонга сўз.*

Огаҳий наздида, бу дунёда беҳаё нодонга бир сўзни маъқул қилишдан ҳам мушкул ва оғир иш йўқ:

*Олам ичра борча ишдин қоттигу душвордур,
Огаҳий, маъқул қилмоқ беҳаё нодонга сўз.*

Маълум бўладики, ғазал сўзнинг қиммати ва кадри, таъсири ва қабули, масъулияти ва шарафи, маърифат ва жаҳолат каби масалалардан баҳс этади. У ўқувчини ҳар бир сўзини ўйлаб гапириш, кимга гапираётганини ҳисобга олиш, бошқаларнинг ҳар бир сўзини теран ҳис қилиш ва яхши тушунишга, сўзнинг кадрилини билиш ва уни зое қилмасликка даъват этади. Бир сўз билан айтганда, бу – сўзга меҳру муҳаббат, сидқу ихлос, масъулият ва жавобгарлик уйғотадиган ғазалдир.

Адабиёт

О г а ҳ и й. Таъвиз ул-ошиқин (Нашрга тайёрловчи Хуршид). – Тошкент: “Фан”, 1960.

**Пардаева Н.,
таянч докторант
(Ўзбекистон)**

АНБАР ОТИННИНГ ТОЖИК ТИЛИДАГИ ҒАЗАЛЛАРИ ХУСУСИДА

Миллий адабиётимиз тарихидан яхши маълумки, ўзбек, тожик, форс тилларида кўплаб шоиру шоираларимиз бирдек қалам тебратганлар. Шундай шоираларимиздан бири Анбар Отиндир.

Анбар Отин XIX асрнинг иккинчи ярми – ЧЧ аср бошларида Қўқонда яшаб ижод этади. Устози Дилшоди Барнодан таҳсил олиш билан бирга шеърят сирларини ўрганади. У ўзбек тилига ошуфта тарзда тожик тилида ҳам бетакрор ижод намуналарини яратди. Шоира тожик тилида ҳам мумтоз адабиётнинг ғазал, қитъа, рубоий, мухаммас каби жанрларидаги бетакрор асарларини битди. Шоиранинг тожик тилидаги асарларини кенг жамоатчиликка етказишда Филология фанлари доктори Маҳбуба Қодированинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Олима Анбар Отиннинг тожик тилида ёзилган қўлёзма асари ҳақида шундай дейди: “Биз яқинда А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор секторида сақланаётган ўзбек халқ оғзаки ижодининг чуқур билимдони проф.Х.Т.Зарипов архивида Анбар Отининг баёз типидида тузилган яна бир қўлёмаси билан танишдик. Қўлёзма инв1647 рақам остида сақланади. Қўлёзма баёз типидида тузилган бўлиб, Қўқон қоғозига унча хушхат бўлмаган настаълиқ йўли билан кўчирилган. Шеърлар 36 саҳифагача қизил чизиқли лавҳага олинган, кейинги саҳифалар фақат шеърларнинг оралари ажратилган, холос. 36 саҳифада “Қоғаз” радиопли ғазал ҳошиясига кўчирилган.

Шоира уларнинг ҳаммасида Анбарой, Анбарнисо, Анбар отун таҳаллусини қўллайди. Қўлёзма 120 саҳифада узилади. Лекин унда 27, 28, 33,

34, 35, 36, 41, 114, 115, 117, 118, 119, 120 варақлар сақланиб қолган”. (Қодирова М, 1975: 50 а-50 б)

Мазкур кўлёзма баёз хусусида Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовлар “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1976 йил 2 сонидаги “Ноёб топилдик” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: ”Кўлёзма ичида Мулло Ғойиб ибн Шаҳобиддин Саҳоб Хўжандий деган шахснинг 1915 йилда Мулло Қосим Хўжандий исмли хаттотга йўллаган мактуби ҳам бор. ... Анбар Отиннинг тожик тилида ёзилган шеърлари жамланган бирорта яхлит девоннинг шу пайтга қадар учрамаганлигига асосланиб тахмин қилиш мумкинки, манзума қайта кўчирилмаган ва яхлит ҳолда муқоваланмасдан қолиб кетган. Натижада 119 саҳифали манзумадан атиги 14 саҳифа (27, 28, 33, 34, 35, 36, 41, 42, 107, 108, 114, 115, 116, 117-саҳифалар) қолган, холос. Унда шоиранинг 20 та ғазали, 3 та мухаммаси (булардан 2 таси тўлиқ эмас) иккита рубоийси ва учта фарди бор. Шеърлар 21x13.5 қоғозга настаҳлиқ билан ёзилган бўлиб, 27, 28, 34-саҳифаларда шеърлар бир қаторда битилган бўлса, 36-бетда “Қоғаз” радифли ғазал хошияга ёзилган. Қолган саҳифаларда эса шеърлар икки қаторда ёзилган”. Шунингдек, олимлар асарни шоира дастхати эканлиги ҳақида мулоҳаза билдириб бир неча асосларни санаб ўтадилар.

Анбар Отиннинг тожик тилига мансуб асарлари тадқиқи М.Қодирова илмий изланишларида акс этган бўлсада, бироқ бу тадқиқот шоиранинг тожикча асарлири бўйича етарли эмас. Шунинг учун ҳам, шоира асарларини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва уларнинг салмоғини аниқлаш, унда шоиранинг поэтик маҳорати, ижодий-бадиий нияти, адабий-эстетик идеалини очиб бериш, шоира асарларининг мавзу кўламдорлиги таҳлил қилиш адабиётшунослигимиз олдидаги вазифалардан биридир.

Анбар Отин тожик тилида ёзган асарларида ҳам шоиранинг она Ватанга бўлган муҳаббати, рус дугоналарига бўлган дўстона самимий муносабати ифодаланган. Шунингдек, жамиятдаги ҳақсизлик, адолатсизлик, зулм-зўравонлик, мазлум халқ турмуш-тарзи, дин пешволари, бой-зодагонлар ва давлат амалдорларининг қилмиши, ўлкада ҳукм сураётган мустабид тузум сиёсатига бўлган қарашлари ҳам баён этилган.

Шоира ватанга, туғилиб ўсган диёрига бўлган чексиз муҳаббатини тожик тилида ёзган бир қанча ғазалларида ҳам ифода этади. Унинг “Мулки Фарғона бувад мавзуи ҳар дoston лазиз” мисралари билан бошланувчи ғазали бунга мисол бўла олади. Унда шоира Фарғона, Марғилон, Андижон, Наманган, Хўқанд, Рошидон каби кўплаб шаҳару қишлоқларнинг ўзига хос табиати, таомлари, қадриятлари, одамларининг меҳмондўстлиги сингари қатор тасвирларни келтиради.

Мулки Фарғона бувад мавзуи ҳар дoston лазиз,
Мегирад унвон аз ин ном(аш) ғазалхон (он) лазиз.
Шаҳри паҳновар бувад Хўқанд дар ин сарзамин,
Аҳли у меҳмоннавозу шоиру хушхон лазиз.

Марғилон монанди модар зинатарои жаҳон,
Ҳар че зебад он чи пўшонад, азў имкон лазиз.
Андижон деҳқони ашраф аз қадими рўзғор,
Озарад аз захматаш авқоташ ғам нон лазиз.
Ман чи гўям, ки Намангон шуҳраи олам бувад,
Бу анори арғувон (аш) себи занахдон лазиз.
Дар палавхўрдан табақ аз Рошидон зеб оварад,
Дида ҳарфи хоки кишвар хуррам асту жон лазиз. (Қодирова М, 1977: 175)

Анбар Отин ватанга бўлган муҳаббатини изҳор этувчи ғазаллари қаторида, ўзининг турмуш-тарзи, толеи, аҳволини акс эттирувчи ғазаллар ҳам учрайди.

Мен заифу нотавон, ожизаи Фармонқулам,
Ман як инсон, на малак, на чўри ҳастам, на кулам!
Бахти бад, иқболи бад, дар давраи ғам офарид,
З-он, ки дар маъракаи маддох ман номаъқулман. (Қодирова М, 1977: 177)

Ҳасби ҳол тарзида ёзилган ғазалнинг дастлабки мисраларида шоира бир содда, меҳнаткаш бир инсоннинг фарзанди эканлигини таъкидлайди ва иқтибос санъатининг гўзал намунасини яратади. Зулмат қоплаган жамиятда халқнинг ҳам ожиз ва заифлигини тасвирлайди. “Ман як инсон” иборасини келтириш орқали кишиларнинг оддий бир инсон эканликлари, уларнинг бошқаларга чўри, кул эмасликларига урғу беради. “Бахти бад, иқболи бад, дар давраи ғам офарид” дея фақат ўзининг эмас, бутун халқнинг, миллатдошларининг ҳам тақдирини назарда тутаяди. Мисраларда қўлланган таносуб (заиф-нотавон; чўри-кул; қора-ёмон; малак-бахт); ташбеҳ (Бахти бад; дар давраи ғам) санъатлари шоира фикрининг нечоғлик таъсирчан эканлигини ифодалайди.

Ғазалнинг кейинги байтларида шоира устозлари Фурқат, Дилшоди Барно, Муқимий изиларидан бориб, уларнинг анъаналарини давом эттирганлиги, улардек ватанпарвар, адолатпарвар шоира эканлигини айтади.

Айби ман пайравгирии Фурқату Барно бувад,
Бас, ки дар боғи адаб ошуктаҳолам булбулам.
Боғи Фарғона на танҳо зери дасти фитна аст,
Бахт он аст, ки бо устод Муқими маҲкулам.

Салафлари издоши бўлган шоира ватанининг азоб остида эканлигига куйинмаслигини, унинг эртасини ўйловчи, уни мадҳ этувчи шоиру шоиралар, мард ўғлонлари борлигини таъкидлайди.

Анбар Отин Туркистон халқининг зулм исканжасида қолганлигини, миллатга, халққа бўлаётган муносабатларнинг адолатсизлигини, миллат кишиларига инсон қаторида қаралмаётганлигини очиқ ошкора ифода этади.

Чи кунам ба ман даврон назар гоҳ-гоҳ накунад.

Сўй ман чу нак инсон ҳеч як нигоҳ накунад.

Чи кунам ба қаҳри хеш тўдаи тавонгарро,

Ки ба ранж огоҳии азл жоҳ накунад. (Қодирова М, 1977: 171)

Дастлабки мисраларда шоира ўз ҳолини баён қилиш орқали бутун халқ ҳаётини, турмуш-тарзини назарда тутди. Иккинчи мисрада фикрини янада теранлаштириб, заҳматкаш халқимизга Чор Россиясини инсон сифатида қарамаётганлигидан, уларга номуносиб муносабат кўрсатилаётганлигини таъкидлайди.

Кейинги байтда “Чи кунам ба қаҳри хеш тўдаи тавонгарро ”-дея бир инсон юртни зулм исканжасидан озод қила олмаслигини, муштумзўрларни ёлғиз киши ўзи енгизиши мумкин эмаслиги масаласи моҳиятини ёритишга ҳаракат қилади. Шундай экан, Ватан озодлиги учун барча инсонларни жипслашишга, бирлашишга, биргаликда бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилишга, ҳурлик, озодлик, мустақиллик, халқ фаровонлиги учун якдилликда курашишга чорлайди.

Шоира ғазаллар орасида дин раҳнамолари ва уларнинг зулми ҳақида ҳам бир қанча ғазаллар учрайди. Илмдан йироқ, турли йўллар билан қози, мулла ва муфти амалларини эгаллаб келаётган кишиларнинг олтин-кумуш, моддий мавлағ учун ҳар қандай ишга тайёр эканликлари, ўз мақсадлари учун динни ниқоб қилиб содда халқни алдашлари, ўз нафслари қулига айланганликларини таносуб, ташбеҳ санҲатларидан фойдаланган ҳолда шоира шундай ёзади.

Гўянд, ки худо қувват диҳад мулло,
Аммо такъя кунад бар камару асои зар.

Аз меҳру вафо, ҳалму ҳаё, ваъзи тақи.

Бар нафси хеш фатҳ диҳад равои зар. (Қодирова М, 1977: 173-174)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шоира тожик тилида ёзган асарларида ҳам жамият аҳволи, халқни қийнаётган асосий муаммо ва масалалар моҳиятини бадиий тасвирлар, образлар орқали очиб беришга ҳаракат қилган.

Адабиётлар

1. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ноёб топилдиқ. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, № 2.
2. Қодирова М. ҚИҚ аср ўзбек адабиётида инсон ва халқ тақдири (Ўзбек шоиралари ижоди мисолида). Филология фанлари доктори... диссертация.- Тошкент., 1975.
3. Қодирова М. XIX аср ўзбек адабиётида инсон ва халқ тақдири (Ўзбек шоиралари ижоди мисолида): монография. – Тошкент.: Фан, 1977, -Б 184.

Ражабова Б.,
филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА ҲИРОТ МАДАНИЙ МУҲИТИ **(«Бобурнома» мисолида)**

Бобур мухташам мемуарида темурийлар Уйғониш даври ҳукмдорлари, шоирлари, олимлари, ҳарбий саркарда, бекларнинг тарихий сиймолари,

хусусан, темурий ҳамда бобурий шахзода, маликаларнинг жонли образлари, ҳаёти, ижоди, бунёдкорлик фаолиятлари билан боғлиқ ишончли хабарлар, қимматли тарихий маълумотларни ўзининг бетакрор услубида битиб қолдирган. Ушбу ўринда бобуршунос олимлар С.Ҳасанов, Н.Отажонов, С.Жамоловларнинг «Бобурнома»нинг 2002 йилги нашрига ёзган «Буюк қомусий асар» номли сўзбошида айтган фикрларини келтиришни ўринли деб билдик: «Бобурнома»да жуда кўп тарихий шахслар (темурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар, илм-фан ва санъат намояндалари ва бошқалар)нинг шакл-шамойиллари ва руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда муаллиф уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилади» (Ҳасанов..., 2002: 25) Бобур «Бобурнома»да тилга олган темурийлар Ренессанси даврининг улў сиймоларидан бири, бу – ЧV асрда ўз ижоди билан форс-тожик адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, темурийлар давлат бошқарувида бўлган Хуросон ва унинг пойтахти Ҳирот, Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд адабий-маданий ҳаётининг ривожига катта мавқега эга бўлган даҳо сўз санъаткори, «мураббий ва муқаввий»си Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414–1492 йй.)дир. У темурий ҳукмдорлардан Шоҳрух Мирзо, Абулқосим Бобур, Султон Абусайид Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида яшаб, ижод қилган. Аммо унинг Ренессанс шаҳар Самарқандда яшаб, мадрасада таълим олган даври, бахтли дамлари эса Мовароуннаҳрнинг донишманд ҳукмдори Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

«Бобурнома»да келтирган Абдурахмон Жомий ҳақидаги қимматли маълумотларда Абдурахмон Жомийнинг номи, унвони, насабу ҳасаби, адабий ва илмий мероси, темурийлар Ренессанси ҳамда Ҳирот ва Самарқанд адабий муҳитида тутган юксак ўрни ва маърифий-маданий, адабий таъсири, у битган элликта асарларидан фақат «Муншоат», «Нафоҳат ул-унс», «Субҳа» асарларининг номи, Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг жияни Кичик Мирзо ҳамда Алишер Навоий, амир Шайхим Сухайлий каби дўстлари ва Мулла Масъуд Ширвоний, Мулла Абдулғафур Лорий сингари судр шогирдлари билан муносабат, мулоқотлари, бебаҳо таворуд адабий ҳодисаси, улар даврасида кечган ибратли суҳбатлари ҳамда Ренессанс шаҳар Ҳиротда монументал бино сифатида унинг қурдирган мадрасаси ва, умуман, Нуран Маҳдумнинг темурийлар Уйғониш даври раҳбарлари, йирик мулкдорлари маънавиятига хос «мураббий ва муқаввий», «тарбия ва тақвияти»лилик фазилатлари каби муҳим масалалар қамраб олинган. Асарда Абдурахмон Жомий алоҳида фасл ёки фикрада тилга олинмаган.

«Бобурнома»да Абдурахмон Жомийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар билан ўзаро мулоқотлари тўғридан-тўғри, яъни диалоглар

тарзида акс этган тасвир, лавҳа ёки гап йўқ. Мемуарда у, асосан, Абдурахмон Жомий номи билан ва баъзи ўринларда эса Мулла, Мавлоно нисбасида тилга олингани кузатилади. Асардаги яна муҳим маълумот шуки, Бобур маълум муддат пойтахт Ҳиротда бўлган вақтда унинг мазорини зиёрат қилган, мадрасасида ҳам бўлган, мазкур зиёратлари хусусида мемуарнинг икки ўрнида қимматли хабар битган. Масалан: «Мен Хуросон борғонда ... Мулланинг мазорини тавоф қилганда Мулла Абдулғафурнинг иёдат¹ига бориб эдим, Мулланинг мадрасасида эди» (137) каби қимматли хабар ва лавҳалар ёзилган.

Бобур ўз мемуарида Абдурахмон Жомий ҳақидаги маълумот ва эътирофлари, фақат Султон Ҳусайн Бойқаро билан боғлиқ мазмунан бой ва шаклан йирик тарзда битилган тарихий лавҳада келтирган ҳамда бу ҳолат китобнинг қуйидаги ўринларида учрайди:

Биринчидан, Абдурахмон Жомий номи Султон Ҳусайн Бойқаронинг «Валодат ва насаби» (128) фаслида ёзилган Кичик Мирзо ҳақидаги маълумотда шахзоданинг рубойиси Абдурахмон Жомийнинг бир гўзал рубойиси билан таворуд бўлганлиги тўғрисидаги муҳим хабарда; Иккинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўттиз нафардан ортиқ умаролари тўғрисида тарихий характердаги қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган маълумотлар индексида, хусусан, Кичик Мирзо, Алишер Навоий ва амир Шайхим Сухайлий, Мулла Маъсуд Ширвоний, Мулла Абдулғафур Лорий билан боғлиқ ишончли маълумотларда баён қилган; учинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг «ажаб замонида» яшаб ижод қилган ўн нафардан ортиқ таниқли шоир ва адиблар қаторида «Темурбекнинг юртида», яъни Хуросоннинг етакчи шоири, ижтимоий шахси сифатида Абдурахмон Жомийни юксак эътироф билан тилга олган, тўртинчидан, асарнинг “Волидия” таржимаси хусусида битилган хабарда; бешинчидан эса Бобур ўғли Комрон Мирзога қарата битган насихатида «Бу насихатни англа», дея Абдурахмон Жомийнинг бир маъвибабоп шеърини тамсил сифатида келтирган лавҳада учрайди.

Юқорида тилга олган бир-биридан қимматли, қизиқарли маълумотларнинг барчасида Бобур Абдурахмон Жомий ижодига катта қизиқиш ва ҳайрат билан қараган ва унга юксак баҳо берган, ҳатто, амир Шайхим Сухайлий ҳақидаги шарҳда завқли лаҳзаларга йўғрилган воқеа ҳақидаги ўзининг кузатишларга бой ҳайратини ифодалашга ҳаракат қилган. Муаллиф китобда битган «Султон Ҳусайн Мирзонинг тавобиъ ва лавоҳиқи булар эрдиким, мазкур бўлди» номли изоҳида темурийлар Уйғониш даврида фозил шаҳар Ҳиротда илмий, маданий қизғин ҳаёт, маданий юксалиш хусусида «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замона эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга

¹ Иёдат – касал кўриш, касалнинг ҳолини сўрашга бориш.

машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай» деб темурийлар Ренессансига доир ниҳоятда муҳим шарҳ битган. Бобур ёзган ушбу мамнуниятга тўла шарҳ қайсидир маънода Алишер Навоийнинг “Камол эт касбким, олам уйидин” деб битган олтин битикларини ёдга солади, чунки Алишер Навоийнинг “Камол эт касбким, олам уйидин” деган мисраси билан ”Бобурнинг “Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай» деб ёзган хабари гўё бир-бирини тўлдиргандек. Ва бу шарҳда «Бу жумладин бири Мавлоно Абдурахмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдур. Муллонинг жаноби андин олийроқдурким, таърифқа эҳтиёжи бўлғай. Ғоятш хотирға кечтиким, бу муҳаққар ажзода таяммун ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шаммае сифатларидин мастур бўлғай» (Бобур, 2002: 137), деб алоҳида самимият ва эътироф билан ёзган. Ушбу лавҳада «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замона эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай», деб ёзган маълумот бизга Султон Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»сида ёзишча. Ҳирот маданий муҳитида минг нафардан ортиқ ижодкорлар (Ҳусайн Бойқаро, 1995: 23) борлигини, Султоннинг ўзи ва Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийлар раҳнамолигида «мураббий ва муқаввий» ҳамда «тарбия ва таквияти»лигида ҳамжиҳатлик билан қалам тебратганини эслатадики, гўё Султон Ҳусайн Бойқаро ва Бобур ёзган қимматли маълумотларни ҳеч иккиланмасдан ўзаро муштарак тарихий, адабий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман, муаллиф мемуарнинг «Шуародин» номли қисмида Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида баракали ижод қилган ўндан ортиқ таниқли шоирларни номма-ном тилга олар экан, у дастлаб «жамънинг саромад ва сардафтари», дея шарафлаб, улуғлаб Абдурахмон Жомийни зикр қилади ҳамда Ҳирот илмий муҳитининг машҳур беш нафар олимлар гуруҳи, яъни хамсаи-мутаҳаййира (Зайниддин Маҳмуд Восифий, 1979. 184–190) ларнинг раҳбари эканлигига ҳам яширин талмеҳда ишора қилган. Бу ҳайратлантирарли бешлик ҳақида Алишер Навоийнинг истеъдодли шогирди Зайниддин Маҳмуд Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида алоҳида ҳикоят битган. Муҳими, бу хамсаи-мутаҳаййираларнинг фаолияти бизга темурийлар Уйғониш даврида илм, фаннинг юксак даражада ривож топганлиги хусусида муҳим хабар беради. Ва «...бу жамънинг саромад ва сардафтари Мавлоно Абдурахмон Жомий эди. Яна Шайхим Сухайлий ва Ҳусайн Али Туфайлий жалойир эрдиким, отлари ва сифатлари Султон Ҳусайн Мирзонинг беклари ва ичкилари чаргасида мазкур ва мастур бўлди» (Бобур, 2002: 138) деб изоҳ берган.

Алишер Навоий ва Бобур ўзларининг темурий шаҳзода Кичик Мирзо (1451–1484 йй.) ҳақида ёзган тарихий характердаги маълумотларида таворудга

тушган жуда гўзал рубойсини таъкидлаб кўрсатган ва бирдек таворуд атамасини кўллаган ҳамда улар таворуд сабаб темурийлар Уйғониш даври мутафаккири Абдурахмон Жомий ижодига очик ва яширин талмеҳ (Нуран Махдум, Мулло нисбаси)да, Кичик Мирзо ижодига эса очик талмеҳ воситасида юксак баҳо берган. Ўзбекистон қаҳрамони С.Ғаниева ва атоқли навоийшунослар М.Ҳакимов, Ё.Исҳоқовнинг таворудга берган таърифлари бир-бирини тўлдиради, чунончи: «Таворуд (арабча: кетма-кет келмоқ, бир-бири билан тасодифан бир ерга тушиб қолмоқ) – адабиётда шеърни бир-биридан хабарсиз ҳолда икки шоир томонидан яратилиш ҳодисаси, тасодифан бир-бирига айнан ўхшаб қолишидир». (Алишер Навоий, 1997: 278; Ҳакимов, 2013: 295; Исҳоқов, 2014: 180–181.)

Султон Ҳусайн Бойқаронинг жияни шахзода Кичик Мирзонинг форс тилида ёзган бир рубойси Оллоҳнинг «Кун» амри билан улуғ шоир Абдурахмон Жомий рубойси билан бир-бирига айнан ўхшаб – *таворуд* воқеа содир бўлади. Ушбу гўзал илҳомий жараён бўлмиш муштарак адабий ҳодиса Ҳирот адабий муҳитида шуҳрат қозонади, қалам аҳли орасида Абдурахмон Жомий ва Кичик Мирзолар ижодига ҳавасу рағбат, қизиқиш ортади. Бу ҳақда Ҳирот адабий муҳитининг раҳбари ва ҳомийси, «мураббий ва муқаввий»си Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг Соҳибқирон Амир Темур ва йигирма нафардан зиёд темурийлар ёдга олинган еттинчи мажлисининг Кичик Мирзо зикрида ва Бобур «Бобурнома»нинг Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги «Валодат ва насаби» номли фаслда ёдга олган ва назарий фикрларининг исботи учун шахзоданинг машҳур рубойсини келтирган. Алишер Навоий тазкирасида Кичик Мирзонинг фазилати ва иқдидори билан боғлиқ ўндан ортиқ фазилат ва сифатларини санаб кўрсатса, Бобур эса мемуарида унинг «табъи назми»дан ташқари қисман автобиографиясини, жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг Оқобегим исми опасининг ўғли, отаси Султон Аҳмад Мирзо, унинг асли исми Муҳаммад Султон Мирзо эканлигини, у отаси билан подшоҳ тоғаси қўлида маълум вақт ҳарбий хизматда бўлганлигини ҳам айтган. Алишер Навоий ёзади: «Кичик Мирзо – хуб табълик, тез идроклик, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалиқ йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси билан вуқуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хуб англари эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди. Бовужуди бу фазойил дарвешларга мойил бўлуб, Макка зиёрати шарафига мушарраф бўлди. Аммо бағоят мустағни киши эрди. Бўла олурким, фақир истиғноси эркан бўлғай. Бу рубойи анингдурким:

*Умри басаллоҳ месутудам худро,
Дар шевайи зуҳд менамудам худро,
Чун ишиқ омад кадом зуҳду, чи салоҳ,
Ал-миннату лиллоҳ, озмудам худро.*

Баъзи дерларким, бу рубойи ҳазрат Махдумий Нуран била таворуд воқе бўлубтур. Андоқ дағи бўлса, улуғ давлат турур». (Алишер Навоий, 1997: 169.)

Ёки Бобур «Бобурнома»да ҳам Кичик Мирзонинг таворудга тушган рубоийсини айнан келтиради ва шундай ёзади: «...Бир ўғли бор эди, Кичик Мирзо отлиғ. Бурунлар тағойисига мулозамат қилур эди, сўнгра сипоҳийликни тарк қилиб, мутолааға машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлуб экандур. Табъи назми ҳам бор экандур. Бу рубоий анингдур:

*Умри басаллоҳ месутудам худро,
Дар шевайи зуҳд менамудам худро,
Чун ишқ омад кадом зуҳду, чи салоҳ,
Ал-миннату лиллоҳ, озмудам худро.*

Муллонинг рубоийси била таворуд бўлубтур. Охирлар ҳаж тавофи ҳам қилди» (Бобур, 2002: 128).

Рубоий таржимаси: *Умр бўйи ўзимни яхшилик била мақтадим, ўзимни зоҳид ва тақводор қилиб кўрсатдим. Ишқ келгач, зоҳидлик қайда қолдию яхшилик нима бўлди? Оллоҳга шукрим, ўзимни синадим.*

Қизиғи шундаки, Алишер Навоий таворудга сабаб бўлган Кичик Мирзо рубоийси тўғрисида ёзар экан, биринчидан, таворуд Ҳирот адабий муҳитидаги бошқа ижодкорлар томонидан тан олиниб айтилганини “Баъзи дерларким» дея таъкидлаб кўрсатса, иккинчидан эса ўзи ҳам замондош шоирларнинг таворуд ҳақидаги мазкур баҳосини мунаққид сифатида ўрганиб, қадрлаб ўз хулоса ва розилигини, олқишини «Андоқ дағи бўлса, улуғ давлат турур» дея чиройли лутф билан баён қилган. Тарихий манбаларда, Алишер Навоийнинг меҳри, ҳурмати Кичик Мирзога ва ўз навбатида Кичик Мирзонинг ҳурмати, ихлоси, эътибори улуғ амир Алишер Навоийга ҳам ўзгача бўлганлиги, ҳатто бу яқинликни ифодаловчи расм, минатюра чизилганлиги тўғрисида ҳам хабарлар айтилган. Бу ҳақда навоийшунос Қ.Эргашов шундай изоҳ берган: «Ўша давр минатюраларидан бирида Алишер Навоийнинг Кичик Мирзо билан суҳбатлашиб тургани тасвирланган» (Эргашев, 2017: 290). Алишер Навоий «Соқийнома» (Алишер Навоий, 1990: 483-484) асарида Кичик Мирзонинг навқирон, ўтиз уч ёшда бевақт вафот қилганидан қаттиқ куйиб, чеккан истироблари ҳақида, унинг отасига берган тасалли сўзлари борасида ҳам қатор байтларни ёзиб қолдирган.

Бобур битиб қолдирган темурийлар Уйғониш даврининг улуғ шайх ва шоири, фозил «мураббий ва муқаввий»си Абдурахмон Жомий ҳақидаги ушбу қимматли ёдномалар, биринчидан, улуғ Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасининг Абдурахмон Жомийга атаб ёзган фикрасида айтган «Неча киши аларнинг сийрату камолоти шарҳида расоилу кутуб битибдурлар ва тасониф сабт этибдурлар, ародадур. Билай деган киши ул жамъи таълифдин ўз фаҳми хурдида махсус бўлур ва баҳра ола олур» (Алишер Навоий, 2001: 480) эътирофини эслатади. Иккинчидан, унинг темурийлар Уйғониш даври маданияти илм-фан, адабиёт, санъат каби соҳаларнинг кўтарилиши, мадраса таълими ривожига қўшган хизматларидан ҳамда унинг ренессанс шаҳар Ҳирот маданий муҳитида тутган юксак ўрнидан хабардор қилади. Учинчидан, таворуд

муштарак адабий ҳодисаси эса Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Кичик Мирзо ҳамда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ айрим муштарак жиҳатларини очиб бериш билан бирга, уларнинг ўзига хос бадиий маҳорати ҳамда услубини кўрсатувчи мезон ҳамдир. Тўртинчидан эса Бобурнинг Нуран махдум ҳақидаги «баҳра»ларини жомийшунослик фанига қўшган адабий, маънавий, маърифий хизматлари сифатида баҳоланади.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. – Тошкент; Фан.1997. – 278-бет; Ҳақимов М. Шарқ манбашунослик луғати. – Тошкент: ДАВҚ РҚЎЎС НМУ, 2013. – 295-бет; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 180–181-бетлар.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997. – 169-бет.
3. Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990. – 483-484-бетлар.
4. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. – 480-бет.
5. Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 128-бет.
6. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ (Форс тилидан Н.Норқулов таржимаси). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 184–190-бетлар.
7. Эргашев Қ. Кичик Мирзо. Бобур энциклопедияси. 2-нашри. – Тошкент: Шарқ, 2017. – 290-бет.
8. Ҳасанов С., Отажонов Н., Жамолов С. Буюк қомусий асар // Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. 25-бет.
9. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. – Тошкент: Шарқ, 1995. 23-бет.

**Ражабова М., доцент
(Ўзбекистон)**

ХАЛҚ МАЙДОН КУЛГИ САНЪАТИ БЕЛГИЛАРИНИНГ НАВОЙ ИЖОДИДАГИ КЎРИНИШЛАРИ

Инсоният поэтик тафаккури тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларининг дунё адабиётида юксак миқёсга кўтарилишида халқ майдон кулги санъати жанрларининг таъсирини инкор қилиб бўлмайди. Қолаверса, буюк ижодкорнинг халқ ҳазил-мутойибалари табиати, ижрочилари тўғрисида келтирган маълумотлари ҳам унинг фольклор билимдонларидан эканлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, шоир табиатидаги ҳазил-мутойибага мойиллик, сўзга чечанликни ҳам бу жиҳатдан эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Шунингдек, халқ орасида кенг тарқалган айрим ривоят ва латифаларда Алишер Навоий номи келтирилган бўлиб, уларда улуғ шоирнинг ўзига замондош айрим ҳасадгўй, ичиқора рақиблари, ижодқор ёки мансабдорлар билан кечган кинояли баҳс-мунозаралари, кулгили суҳбатлари, сўз ўйинлари, киноялари баён этилганлиги ҳам табиатан ҳазил-мутойибага мойил, сўзга чечанлигини далиллай олади. А.Навоий табиатидаги мазкур фазилатни замондоши Ғиёсиддин Хондамир шундай таърифлайди: “...Ҳазрат султоннинг яқин кишиси бўлган ул олий ҳазрат (Аллоҳ ул зотнинг қабрларини табаррук қилсин) баъзида ширин ва ёқимли сўзлар чиқувчи тилларига ҳазил ва мутойибалар келтириб, ўринли бўлган ҳолатларда латифасифат сўзларни баён ипига терардидар. Бундай сўзлар ул ҳазратнинг нозик ва муборак таъбининг ўткирлигидан далолат берган...” (Хондамир, 2017: 180).

А.Навоий ҳақида Хондамир келтирган ушбу маълумот икки жиҳати билан эътиборлидир. Биринчидан, А.Навоийнинг халқ оғзаки ижодини, фольклорнинг бевосита кулгига асосланган жанрлари (аския, латифа, лоф кабилар)га хос хусусиятларни чуқур билганини кўрсатади. Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарларида аския санъати ва унинг кўринишлари ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, улар мазкур соҳани чуқур ўрганиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қила олади.

Иккинчидан, Алишер Навоийнинг “ўринли бўлган ҳолатларда латифасифат сўзлар” айтиши унинг латиф сўзловчи нозикфаҳм шахс бўлганлигидан; учинчидан, ижодида кулгига алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради.

Аския – ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, қочирқиқларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. Аския, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади (ЎТИЛ, 2006:106). “Аския” сўзининг асоси араб тилидаги “закий” сўзидан олинган бўлиб, соф фикрли, ўткир зеҳнли, закий – нозик табиат билан фикр юритиш маъноларини англатади.

А.Навоий асарларида “аския” сўзи қўлланмаган эса-да, бироқ халқ кулги санъати хусусиятларини ва унинг ижрочилари маъносини акс этирувчи қуйидаги сўзлар учрайди: **мутоиба** – ҳазил, ҳазиллашиш, аксия; **ҳазл** – ҳазиллашиш, масҳара; **мазох** – ҳазил-мутоиба, аския; **лутф** – мулойимлик, раҳмдиллик, яхши муомала, марҳамат; **латойиф** – латифалар гўзал сўз ва ҳикоялар, ажойиб гаплар; **зарофат** – зарифлик, нозикфаҳмлик, хушчакчақлик, гўзаллик, ажойиб; қочирим сўз, ҳазилнамо сўз; **базла** – латифа, чиройли ва ёқимли сўз, аския; шеърни бадий ўқиш; **базлагў** – латифа айтувчи, аскиячи, кулдирувчи, ҳикоячи; **базласанж** – бадий сўз устаси, маҳоратли шоир, аскиячи; **базмафрўз** – базмни қизитувчи; **бадиҳа** – ўйловсиз, бирданига айтилган чиройли сўз, мисра ёки байт; **бадиҳагўйлик** – ҳозиржавоблик, тўхтовсиз шеър айтиш; **ҳаззол** – ҳазилвон, мазақчи, қизиқчи.

Келтирилган истилоҳлар ичида “**мутояба**” сўзи кенг маънода қўлланган. А.Навоий бу ҳақда “Маҳбуб ул-қулуб”нинг 74-танбеҳида шундай ёзади: “Мутоябаки, боиси инбисот бўлғай, хуштурки, мужиби фараҳ ва нишот бўлғай. Адосида ракик гуфтор йўқ, бировга андин хижолат ва озор йўқ. Ул зарофат ва ибохатдур, андинки ўтти сафоҳат” (Навоий, 1998: 106). Келтирилган иктибосда мутойибага хос қатор хусусиятлар санаб ўтилган:

– кўнгилни бир оз хушламоқ ва шодлик, хурсандчилик учун бўлса жоизлиги;

– ҳазилда қўпол сўзлар бўлмаслиги;

– ундан ҳеч ким озор чекмаслиги кераклиги;

– беозор ҳазил – зарифлилик белгиси;

– ҳазилнинг ҳаддан ошиши ақлсизлик эканлиги.

Мазкур асарнинг 90-танбеҳида ўринсиз ҳазилнинг салбий оқибатлари ҳақида муаллиф шундай ёзади: “Ҳазлға шуруьдин беҳурматлиғ ортар ва ҳазлнинг ниҳояти жидолға тортар. Кўп лаҳв ҳаё пардасин чок этар ва адаб ва ҳурмат аҳлин бебок. Қила олғонча таъзим ва адаб биносин йикма ва ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма (Навоий, 1998: 112). А.Навоий таъкидича, ўринсиз ҳазил қуйидаги оқибатларга олиб келади:

– ортиқча ҳазил ҳурматсизлик белгиси бўлиб, бундай ҳазилнинг охири жанжал билан тугаши;

– кўп ҳазил ҳаё пардасини чок этиши, инсонларни бебурд ва беобрў қилиши.

А.Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилган ҳазил-мутойиба хусусиятлари билан боғлиқ бундай фикрлар ахлоқий-таълимий жиҳатдан ҳам жуда қимматлидир. Бундан ташқари, шоирнинг лирик меросида ҳам ўринсиз кулгининг оқибатлари танқид қилинган байтларни учратиш мумкин. Жумладан, шоир “Куч била кулгудин йироқ совуқлукқа ёвуғроқ, вале куч била йиғламоқ эрур андин совуғроқ” сарлавҳали китъасида ўринсиз кулгуни “субҳи козиб” (ёлғончи тонг)га қиёслайди:

Ҳикмат аҳли олдида совуқ сифат йўқ кимсада,

Субҳи козибдек маҳалсиз айлаган кулгу киби.

Лек мундин кўп совуқдур ашк тўкмак зўр ила

Дай елида қатра-қатра муз томизган су кеби (Навоий, 1998, 540).

А.Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида халқ орасидан чиққан бадихағўй сўз ижрочилари – қиссахонлар, гўяндалар, муаммоғўйлар, зурафолар, надимлар, бадихағўйлар, воизлар, масхарабозлар, муқаллидлар ҳақида маълумотлар учрайди. Бундан кўриниб турибдики, А.Навоий ўз даврининг сўз усталари ижодига асло бефарқ бўлмаган. Хусусан, асарда оғзаки сўз санъатини мақамал эгаллаган ҳазил-мутойиба намояндалари ҳақида келтирилган маълумотлар аския жанрининг тарихий тараққиётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қила олади. Жумладан, Сайид Гиёсиддин, Бурҳони Гунг, Мавлоно Жунуний, Сайид Козимий, Мавлоно Муҳаммад Муаммоий,

Мавлоно Ҳожи Нужумий, Хожа Аҳмад Мужаллид, Мавлоно Малик, Мавлоно Ҳамид, Сўфий Пири Сесадола, Мавлоно Абдураззоқ, Хожа Хованд, Мавлоно Муин, Мавлоно Бурундоқ, Мавлоно Билол, Мавлоно Музҳир, Мавлоно Муқбили, Мавлоно Номий, мавлоно Муҳаммад Бадахший, Дарвеш Шухудий, Мавлоно Абдулвосеъ, Хожа Султон Муҳаммад, Мавлоно Сулаймоний, Мавлоно Ховарий, Мавлоно Шихоб, Мавлоно Шаҳидий кабилар ҳақида келтирилган маълумотлар бу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади. Юқорида номлари қайд қилинган сўз усталари билан боғлиқ маълумотларда сўз санъатининг – базла, бадихағўйлик, тирзиқ каби кўринишлари мавжудлиги, уларнинг ижрочилари – базлагў, базласанж, базмафрўз, надим, муқаллид, уста зарифлар номлари билан аталиши таъкидланган.

Номлари санаб ўтилган шахсларга оид қайдлар назардан ўтказилса, А.Навоий ҳазил ва мутойиба усталарини “ҳаззол” деб кўрсатгани, баъзиларига нисбатан “ҳажв ва ҳазл сари мойил”, яна қайсиларигадир “мазох ва мутойиба мизожиға ғолибдур” дея таъриф бергани кузатилади. Жумладан, Саййид Гиёсиддин ҳақида адиб шундай ёзади: “Саййид Гиёсиддин – Машҳаднинг содоти, балки нуқабосидиндур. Аҳл ва мулойим кишидур. **Мазох ва мутойиба мизожиға ғолибдур. Шўхликдин файласуфваш** ва улви насабдин тазвир ва бузург манишликда беихтиёр тушубтур. Чун Саййиднинг хумоюн башараларида суфрат ғолибдур, Саййид ширға ҳам дерлар. Баъзи маймунға ҳам ташбиҳ қилурлар. Фақир худ бу навъ густохликлар қила олмасмен, аммо Мирнинг маркабин ул итга ўхшатибменким, анга бир маймунни миндурурлар. Агарчи Мирға нохуш келур, аммо ҳазл била ўткарур. Бу матлаъ анингдурким:

Даме аз дастидуни во нарастам,
Биё, соқийки, якдам майпарастам.

Мазмуни: “Дунё ташвишидан бир дам қутилмадим. Кел, эй, соқий, бир нафас майпараст бўлай” (Навоий, 1998:120).

А.Навоий Саййид Гиёсиддиннинг мижози “мазох ва мутойиба”га ғолиблигини таъкидлар экан, бу икки тушунчани бир-биридан фарқлагани кўринади. Жумладан:

Мазох – ҳажв. Бунда танқид, рақибнинг нуқсонлари устидан кулиш ёки бўрттириб тасвирлаш хусусияти устувориги намоён бўлади.

Мутойиба – ҳазилга яқинлик. Бунда чиройли сўз ўйинлари, лутф билан суҳбатдошига тегиб ўтиш, латифа айтиш билан кулдириш устунлик қилган.

Саййид Гиёсиддинга “**шўхликдин файласуфваш**” таърифнинг берилишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бундай таърифнинг берилиши унинг шунчаки “мазох ва мутойиба”ни эгаллаган шахс эмас, балки сўзнинг илоҳий қудратини ҳис қилган ва уни ўрнида қўллай билган, кулгу санъатини мукамал эгаллаган санъаткор эканлигига далилдир.

Келтирилган иқтибосда А.Навоий Саййид Гиёсиддиннинг табиатини, ҳазилга мойиллигини жуда яхши билгани учун унга ўзи ҳам мутойиба орқали муносабат билдиради: “**улви насабдин тазвир ва бузург манишликда**

беихтиёр тушубтур. Чун Саййиднинг ҳумоюн башараларида суфрат ғолибдур, Саййид ширға ҳам дерлар. Баъзи маймунға ҳам ташбих қилурлар. Фақир худ бу навъ густохликлар қила олмасмен, аммо Мирнинг маркабин ул итга ўхшатибменким, анга бир маймунни миндурурлар” (Навоий, 1998:120).

А.Навоийнинг сўз усталари ҳазил-мутойиба санъати талабларига қай даражада эътибор қаратишгани ёки унинг талабларини қай жиҳатдан бузганликлари ҳақидаги бундай фикрлари унинг мазкур соҳани нечоғлик чуқур билганлигидан далолат беради. Масалан, унинг Мавлоно Абдулвосеъ ҳақида: “Зурафо анинг била мутойиба қўп қилурлар. Ул ширин изтироблар қилурки, яна муъжиби ҳазл бўлур” , – деб ёзганига қараб, ҳазил-мутойибанинг “ширин изтироблар” орқали намоён бўлишини ижобий ҳолат деб баҳолаганини англаш мумкин (Навоий, 1998:122).

Хожа Аҳмад Мужаллид ҳақида: “Хуросоннинг шўх таъьларидин эрди. Аммо бағоят хабисшева (ёмон, ярамас, ифлос, бадбўй) киши эрди” деган бўлса, Мавлоно дарвеш Машҳадий тўғрисида “сафиҳ ва бадзабон кишидур. Баъзи азизларни, дерларки, ёмон хажвлар қилибдур”, – деб ёзади (Навоий, 1998:52).

Хуллас, Алишер Навоий сўз усталарининг ижобий ва салбий сифатларини ажратиб кўрсатишда уларнинг ҳазил-мутойибага муносабатига ҳам алоҳида эътибор бергани кўринади.

Адабиётлар

1. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. III жилд. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988.
2. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. VII жилд. Ҳайрат ул аброр. – Т.: Фан, 1991
3. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. XIV жилд. Маҳбуб ул- қулуб. – Т.: Фан, 1998.
4. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т.: “Академнашр, 2017.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жилдли. I жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

Ражабов Т., ўқитувчи
Хайруллаева М., магистрант,
(Ўзбекистон)

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ КЎЧИМЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ УСУЛЛАРИ

Кўчимлар, асосан, тилшунослик назарияси фани орқали ўрганиб келинган. Сўзнинг ўз маъносидан яна бир бошқа маънода қўлланилишига кўчим дейилишидан тилшунослик фани нуқтаи-назаридан келиб чиқиб хулосалар қиламиз. Аммо шеърятимизда ҳам муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаган ҳолда воқе бўлувчи шундай тушунчалар ҳам борки, уларни семантик сатҳ

меъеридан оғувчи сўзлар деймиз. Бундай сўзлар адабиётшунослигимизда янги тушунчалар ҳосил қилиши, образлар яратиши ва маънони кутилмаганда бошқа тарафга олиб кетиши учун хизмат қилади. Ушбу поэтик ҳодисани замонавий ўзбек шеърияти мисолида кўрадиган бўлсак, кўчимнинг перифраза, аллегория, рамз каби бир қатор тушунчаларга изоҳ бериб ушбу тушунчаларни ҳам илмий жиҳатдан, ҳам бадий жиҳатдан мисоллар асосида ҳамоҳанг ўрганиш имконияти мавжуд. Кўчимнинг фақатгина адабиётшунослигимиз доирасида қўлланиладиган турлари ҳам мавжуд. Айни пайтда эпитет, оксиморон, литота, муболаға каби бир қатор поэтик фигуралар ҳақида Д.Қуроноф куйдагича маълумот беради. «Албатта, бундай қилишга асос бера оладиган айрим мисоллар борлиги, умуман, бу воситаларда ҳам кўчимга яқин хусусиятлар кузатилиши бор гап. Лекин бадий матндаги муайян бир асосга (нарса-ҳодисалар орасидаги ўхшашлик, алоқадорлик, вазифадошиқ ва ҳ.к. жиҳатдан муштаракликка) таянган ҳолда сўз, баъзан, сўз бирикмасининг ўз маъносидан бошқа маънода қўлланилиши тушуниш керакки, шунда чалкашлиқлар ўз-ўзидан барҳам топади.»¹

Замонавий ўзбек шеъриятида кўчимлар жуда кенг қўлланилади. Кўчимларнинг қўлланилиши ҳам адабиётда катта икки қимсга бўлинади. Масалан, шундай кўчимлар борки тилшунослиқ тарафидан қарасак тўлиқ кўчим ўз олдига қўйган жиҳатларга жавоб бера олади, аммо адабиётшунослигимизда биз буларни ҳамиша ҳам кўчим деб ҳисоблайвермаймиз. М.Юсуфнинг “Кечикиш” шеърида:

Тушунолма қолдим қандайдир,
Тошмехрроқ чиқдинг ўзинг ҳам.
Бизни эслаб ҳар замонда бир
Хат ёзиб ҳам қўймайсан бўтам....²

Бу ерда “тошмехрроқ” сўзини кўчим маъносида ҳам қўлласак бўлади, аммо ушбу сўз бизнинг онгимизга шу даражада чуқур ўрнашиб қолганки, биз буни оддий бир ҳол сифатида қабул қиламиз. Тош+мехр сўзлари бирлашиб мехр бермайдиган, раҳм қилмайдиган шахс образини гавдалантиришини тасаввур ҳам қилиб кўрмаймиз. Аммо сўз граматик жиҳатдан бизнинг тушучамизга эмас, илмий фикрлашимизга зарурат борлигини таъкидлайди. Дейлик, соат юрди, кун ботди тарзида. Аслида бу сўзлар ҳам кўчма маънода қўлланган, бироқ булар китобхон ёки тингловчи томонидан яхлит қабул қилинганидек, ижодкор ҳам барча сўзларни тайёр ҳолда матнга олиб кирган. Янаям аниқроғи лирик қахрамон, ёки “Мен”га эътибор қилиб, ҳис ва туйғу призмада пишитиб олмоқ айни мушоҳадани талаб этади.

¹ Қуроноф Д., “Адабиётшунослиқ луғати” Тошкент “Академнашр” – 2010

² М. Юсуф “Сайланма” Тошкент “Шарқ” - 2007

Анъанавий тарзда истеъфода этиб келинадиган кўчим шакллари ва турлари шоирлар ижодида жуда кўп учрайди. Шу нуқтаи назардан кўчимларни қуйидаги гуруҳлантириш имконияти пайдо бўлади.

1.Ошиқ ўзини ёки маҳбубасини тарифлаётган пайтда беихтиёр бадий кўчимлардан тайёр ҳолда фойдланади, аммо уни ўзи яратмайди. Ушбу кўчимлар юқоридаги мисолимиздан фарқли равишда ўқувчига эстетик завқ беради. Хаёлида образнинг ҳолатини гавдалантиради. Бу хил кўчимлар анъанавий бўлиб аждодлардан авлодларга меърос бўлаётган сўзга ўхшайди. Масалан А.Навоийнинг “Ҳикматлар”ига юзланамиз.

Ошиқекеим бўлғой ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Ўйла булбулдурки қолмишдир гул-у гулзорсиз.¹

Бу ерда “гулрухсорсиз” ва “булбул” сўзлари кўчим сифатида ифодаланган ва адабий-бадий жиҳатдан эстетик вазифа бажармоқда. Бундай мисоллар, айниқса, мумтоз шеърятимизда жуда кўп учрайди. Мисол учун “шакарлаб”, “гул юз”, “булбул”, “сарвқомат”, “қоши камон”, “наргиз кўз” ва ҳақозо. Худди шу тарзда бир қанча образлар кўчим сифатида бугунги давр шеърятига кириб келганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. М. Юсуфнинг қуйидаги шеърида

Қўрғошинга қалқон бўлди ўт кўкраклар,
Кафан бўлди қонга ботган оқ яктаклар,
Сўнги макон бўлди баъзан чакалаклар,
Одамдай ҳам ўлмадингиз босмачилар...²

Юқоридаги парчада “гулрухсорсиз” сўзининг табиий равишда шеърга олиб кирилганини таъкидлаб ўтдик. Аммо “ўт кўкраклар” бирикмаси бу шоирнинг ижод маҳсули. Бу ерда шоир Ватанининг озодлиги учун жонини фидо қилган “босмачилар”ни таърифлаб, уларни ватанига бостириб кирган душманлар учун тирик қалқон бўлганлигини алоҳида таъкидлаган. Иккала кўчимни ўзаро солиштириб туриб ҳар иккаласининг бир-бири билан узвий алоқада эканлигини, аммо Навоий кўчимни байтга тайёр ҳолда, М. Юсуф эса ижодий жиҳатдан қайта ишлаб бандга олиб кирганликлари кўчимнинг вазифа хусусиятларини белгилаб берувчи меъёр ҳисобланади.

2.Муаллиф томонидан маълум бир ғояни мазмун ва шаклга синдирадиган кўчимлар. Бунда Лирик қаҳрамон тафаккури ва тахаайюли, ҳис-туйғу тушунчани кўчимга солиб, образли қилиб китобхонга етказиб беради. Бу ҳолат эса ўз навбатида шеърдаги ифодавийликни, тасвирийликни кучайтиришга хизмат қилади. Бундай кўчимларни шартли равишда “Лирик қаҳрамоннинг шахсий кўчими” дейиш мумкин. Шу хилдаги кўчимларгина шоирнинг муайян бадий-эстетик мақсадини кўзлаб, маълум бир сўзнинг маъносини бошқа бир сўзга кўчиришни англатади. Бу орқали шоирнинг бадий тил маҳорати хусусида гап борганда, аввало, шу хил кўчимларни инобатга олган маъқулдир.

¹ А. Навоий “Ҳикматлар” Тошкент “Ўзбекистон” - 2015

² М. Юсуф “Сайланма” Тошкент “Шарқ” - 2007

Миттиларга улкан кўринар олам,
Улканлар наздида миттидир дунё.
Дейдилар, Гулливер деган бир одам
Аён кўрган эмиш уларни гўё.¹

Ушбу жумлалар муаллифнинг шахсий фикрлари натижасида дунёга келган. Шоир шу асосда кўчма маъно ҳосил қилишда шахсий фикрини лўнда, ва албатта, шеърининг олдида қўйилган бош мақсади бўлган фикрни ифодали беришга эришганлигини кўриш мумкин. Шеърни гўзал қилиш билан бир қаторда нарса-ҳодисалар ўртасида макон ва замондаги ўзаро алоқадорликка таянган ҳолда бирининг номини иккинчисига кўчишини таъминлаган. Яъни шоир “Миттилар” “Улканлар” сўзлари орқали метонимия усулида маъно кўчишини ҳосил қилган. Бу ерда шоир митти одамлар ва улкан одамлар демайди, балки буни ўқувчи ўзининг ҳиссий нуқтаи-назаридан келиб чиқиб сезади. Бу мисолга икки хил ёндашиш мумкин. Яъни оддий кўз билан қараганда бу одамларнинг биологик жиҳатдан гавда тузилишини эслатади, аммо тадқиқотимиз тарафидан қарасак бу инсонларнинг маънавий қиёфасини ўзида акс эттиради. Ҳар икки қарашда ҳам ушбу сўзлар метонимия деб номланувчи маъно кўчишига яққол мисол бўлади.

Баъзи ҳолларда метафора ва метонимиянинг қоришиқ ҳолда номоён бўлиши, биргина сўзнинг ҳам метонимик, ҳам метофорик асосдаги кўчма маъноларда қўлланилиши мумкин. Тилшунослик назариясига асосланган адабиёт ўзининг лабораториясида ижодкорлар орқали ажойиб масалаларни муҳокама қилаверади. Масалан, Шавкат Раҳмоннинг қуйидаги шеърида шу ҳол кузатилади.

Хазонга айланди кунларим...
Мотамда тургандай боқаман
Фасллар тўқнашган лаҳзада
Хазонлар тўпини ёқаман
Кўзларим ачишар бехосдан
Юрагим, қўлларим титрайди.
Аланга олмайди кунларим
Тутайди, оҳ мунча тутайди.

Шеърнинг лирик қаҳрамони кечмишини сарҳисоб қилаётган, ўтган кунларидан қоникмаслик ҳиссини туяётган одам; у “хазон” сўзи орқали ушбу тадқиқотимиз доирасида ҳали бирон маротаба кузатмаганимиз сўзни ишлатмай туриб маъно чиқариш яни метонимик қолиб яшаш йўлига ўтиб олади. Метонимик асосда кузни (матнда йўқ куз сўзи) умр кузига ҳам ишора қилади. Метофорик асосда эса ўтган ҳаёт дарахтидан гўё узилиб тушган кунларини кўради. Шеърнинг кайфиятини ҳис қилишда, уни тушунишда “хазон” етакчи

¹ А. Орипов “Танланган асарлар” Тошкент “Ғ. Ғулом” - 2001

аҳамият касб этади, гўё калит вазифасини бажаради. Шунга ўхшаш Хуршид Давроннинг

Қаршида дераза сўйлайди эртак

Унда икки соя-бахтиёр маълул.

Сатрларида ҳам ёлғиз аёл руҳиятини очишда метонимиядан моҳирона фойдаланилган. Ва унда ҳам метонимия метафора билан бирга қўлланган. Деразадаги “икки соя” ёлғиз аёлга армон бўлган сокин оилавий ҳаёт ва шу армон туфайли дераза унга эртак сўйлаётгандек бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам адабиётшуносни метонимиянинг бажарадиган иши ва қонун-қоидаларига тўғри келиши эмас, унинг берадиган бадий эстетик завқи, қаҳрамонларнинг ички кечинмасини образли ифодалашга, уларнинг образини яратишга хизмат қилаётгани қизиқтириши лозим.

Адабиётлар

1. Д. Қуроноф “Адабиётшунослик луғати” Тошкент “Академнашр”–2010
2. М. Юсуф “Сайланма” Тошкент “Шарқ” – 2007
3. А. Навоий “Ҳикматлар” Тошкент “Ўзбекистон” – 2015
4. А. Орипов “Танланган асарлар” Тошкент “Ғ. Ғулом” – 2001
5. Ҳ. Болтабоев “Адабиёт энциклопедияси” Тошкент “Мумтоз сўз” – 2015

Раҳимов И., доцент
(Тоҷикистон)

МУЛОҲИЗАҲО ДОИР БА НАШРИ НАВИ

«ДЕВОН»-И КАМОЛИ ХУЧАНДӢ

(Тақриз ба китоби К.ХучандӢ. Девон. – Хучанд: Хуросон, 2020. – 1328 с.)

Дар арафаи ҷашни 700-солагии шоири шаҳри Шарқ Камоли ХучандӢ «Девон»-и шоир аз нав ба ҷоп расид, ки аз лиҳози ҳаҷм, ороиш ва сифати ҷоп шоистаи таҳсин буда, туҳфаи арзанда ба муҳлисони шеърӣ ноб гардид.

Муқаддимаи он, ки «Ашъори ҷовидона ва ҳикмати орифонаи Камоли ХучандӢ» ном дорад (с. 3 – 11) ба қалами Асосгузори сулҳу ваҳдати миллӣ – Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон тааллуқ дорад. Доир ба он муаллифи муқаддима ҷунин навиштааст: «Девони Камоли ХучандӢ, ки бо тақмилу иловаҳо интишор мешавад, туҳфаи муносиб ба ҷашни фарҳундаи 700-солагии шоири нуктасанҷ мебошад. Дар ин девон аксари ашъори шоир ҷамъоварӣ шуда, дӯстдорони сухани волоро шод мегардонад» (с. 10 – 11).

Ҳар ғазали шоир дар як саҳифа ҷой дода шудааст ва гоҳо ғазалҳои дароз ду саҳифаро ишғол кардаанд. Китоб бо нақшҳои миллӣ ҳошиябандӣ гаштааст, ки ҳусни зоҳирияшро афзудааст. Таҳиякунандагони матн, муаллифони тавзеҳот ва охирсухан олимони ҷавони суханшинос Баҳром Раҳматов ва Оқилбой Оқилов ҳастанд.

Дар Тоҷикистон ҷанд маротиба «Девон»-и шоир ба нашр расидааст ва ҷопи нави он интиқодӣ аст. Ҳар наشري «Девон» ва ё маҷмӯаи ашъори ин ё он

шоири классикӣ моро барои расидан ба асолати шеъри ў қадам ба қадам наздик мекунад, барои ислоҳи ғалатҳои роиҷ мадад мерасонад. «Девон»-и мавриди назарро наметавонем матни комилан дурусту саҳеҳи осори Камоли Хучандӣ номед, аммо нисбати нашрҳои пешина он бартариҳи зиёд дорад.

Матни интиқодии «Девон» дар асоси нусхаи хаттии № 2103 китобхонаи Отиф Афандии шаҳри Истамбул таҳия гаштааст. Барои нусхабадулу қиёси нусхаи хаттии № 4739-и китобхонаи Остони Қудси Разавии шаҳри Машҳади Эрон, нусхаи № 1236 Маркази мероси хаттии ба номи А.Мирзоеви Академияи миллии илмҳои Ҷумҳурии Тоҷикистон, нашрҳои чопии осори шоир мавриди истифода қарор гирифтаанд.

Миқдори ғазалҳо дар нусхаи асос нисбати девонҳои пештар нашршуда камтар аст, аммо дар замима ғазалҳои шоир, ки аз нусхаи асос берунанд, ҷой дода шудаанд. Бартариҳи ин нашр дар он аст, ки ғазалҳо, рубоӣёт, муқаттааот, муфрадот ва муаммоҳои навёфташударо ҳам ҷой додаанд, ки барои мухлисони осори Камоли Хучандӣ бозёфт аст. Ба ғайр аз рубоиву қитъаҳо, муфрадоту муаммоҳои нав пайдошуда 18 ғазали тозаёфтшуда дар он ҷой гирифтааст. Ба таври оморӣ маҷмӯан девони нав аз 3254 байт ва бо 100 байти поварақҳо 8354 байтро фаро мегирад. Аз лиҳози жанрӣ бошад, дар «Девон» 4 қасида, 1097 ғазал, 1 маснавӣ, 3 мустазод дар бахшҳои гуногун, 66 рубоӣ, 114 қитъа, 48 муаммову фардро фаро мегирад (ниг.: с. 1326).

Теъдоди зиёди осори шоирро аз ғазал иборат аст. Барои қиёс шумораи ғазалҳоро дар «Девон»-и соли 2011 (минбаъд «Девон» (2011) нашршуда (мураттибон С.Саидов ва А. Суруш) тибқи радиф дар ҷадвал нишон медиҳем.

Охири харфи радиф	Девони соли 2011	Девони нав
Алиф	51	45
Бо	13	9
То	223	177
Чим	2	2
Чим	1	-
Ҳо	3	3
Хо	1	1
Дол	265	226
Ро	28	23
Зо	17	13
Син	9	9
Шин	29	26
Сод	1	1
Зод	1	1
Итқӣ	1	1
Изғӣ	1	1

Ғайн	3	2
Ғо	3	3
Қоф	4	3
Қоф (гоф)	4	4
Лом	14	10
Мим	131	107
Нун	67	60
Вов	40	30
Йо	124	100

Ин чадвал нишон медиҳад, ки дар нусхаи қадимаи қаламии шоир миқдори ғазалҳо нисбатан камтаранд. Дар «Девон» ғазалҳои нусхаи омодакардаи Карамӣ ҳамчун замима оварда шудааст.

Таҳиягарони матн зиёда аз сад саҳифа (с.1209 – 1315) шарҳу тавзеҳ навиштаанд, ки заҳмати фаровони онҳоро дар омода кардани ин нашр нишон медиҳад.

Бартарӣ дар таҳияи матн низ ҷой дорад ва метавонад, ки барои ислоҳи ғалатҳои роиҷи осори Камоли Хучандӣ мадад расонад. Дар ин мақола перомуни байтҳои машҳури шоир, ки дар байни мардум паҳн гаштаанд ва гоҳо хонандагону донишҷӯён дар шакли ғалат онро азёд кардаанд, истода мегузарем, ки дар «Девон» он ба қадри даркорӣ ислоҳ гаштааст.

Ғазали машҳури шоир «Сар бар дари туям, бингар сарбаландиям» дар сурудҳои шодравон Боймуҳаммад Ниёзов ҳам садо додааст ва мақтаи ин ғазал ба тариқи зайл дар осори нашршудаи Камоли Хучандӣ ба назар мерасад:

Бо лутфу табъ мардуми Шероз аз Камол,

Бовар намекунад, ки гӯям Хучандиям.

Дар «Девон» (2011) байти мазкур ба чунин тарз оварда шудааст:

Бо лутфи табъ мардуми Шероз, эй Камол,

Бовар намекунад, ки гӯӣ Хучандиям («Девон» (2011), с.406).

Дар ҳарду қарина ба назар мерасад, ки байтҳо ифтихория мебошанд ва дар ҳамин намуд байни мардум паҳн гаштаанд. Дар «Девон» бошад, байти номбурда чунин омадааст:

Дар лутфи табъ Саъдии Шерозӣ, Камол,

Бовар намекунад, ки гӯӣ Хучандиям (с.626).

Қаринаи номбурда аз чанд ҷиҳат дуруст ба назар мерасад. Якум он дар нусхаи қадима чунин омадааст. Дуввум, дар чандин ҷой Камоли Хучандӣ худро ҳамсанги Саъдии Шерозӣ шуморидааст. Чунончи, дар ин байт мебинем:

Саъдӣ агар тӯтии гӯё бувад, Камол,

«Тӯтӣ хамӯш бех чу ту гуфтор мекунӣ!» (с. 819).

Ва ё дар ҷойи дигар чунин мефармояд:

Камол ар бишнавад Саъдӣ ду байте з-ин ғазал, гӯяд,

Ки хоки боғи табъат бод оби «Бӯстон»-и ман.

Чунин мурғи хушилҳоне, ки ман бошам, раво бошад,

Ки хори остони ӯ бувад чун «Гулситон»-и ман (с. 712).

Чун Камоли Хучандӣ худро бо Саъдӣ баробар ба ё беҳтар аз ӯ мешуморад, пас байте, ки дар боло зикраш рафт метавонад, ки яке аз чунин ифтихорияҳои Хоҷа Камол бошад.

Ғазали «Каъбаи кўяш мурод аст, ин дили овораро» яке аз ғазалҳои маъруфи шоир аст. Дар «Девон» (2011) он ба шакли зерин омадааст:

*Каъбаи кўяш мурод аст ин дили овораро,
Бо муроди дил расон, ё Раб мани бечораро.
Дил дар он кў рафту шуд овора, ман ҳам меравам,
То аз ин оворотар созам дили овораро.
Дар миёни хору хоро гар туй ҳамроҳи ман,
Гул шиносам хорро, дебо шуморам хораро.
Гар аз он доман бад-ин дарвеш васле мерасид,
Васлае медўхтам ин ҷони пора-пораро.
Сўи зулфаи рафтаму дидам, ки дар банди дил аст,
Ҷуз мани шабрав кӣ донад макри ин айёраро?
Пеши ноаҳлон чӣ ҳосил зикри пурдонӣ, Камол,
Донаи гавҳар чӣ резӣ мурғи арзанхораро? («Девон» (2011), с.57)*

Дар «Девон» ғазали мазкур чунин омадааст:

*Каъбаи кўяш мурод аст ин дили овораро,
Бо муроди дил расон, ё Раб мани бечораро.
Дил дар он кў рафту шуд овора, ман ҳам меравам,
То аз ин оворотар созам дили овораро.
Дар миёни хору хоро гар ту ҳамроҳи манӣ,
Гул бихонам хорро, дебо шуморам хораро.
Гар аз он доман бад-ин дарвеш васле мерасад,
Порае медўхтам ин далқи пора-пораро.
Сўи зулфаи рафтаму дидам, ки дар банди дил аст,
Ҷуз мани шабрав кӣ донад макри он айёраро?!
Пеши камфаҳмон чӣ ҳосил зикри пурдонӣ, Камол,
Донаи гавҳар чӣ резӣ мурғи арзанхораро? (с. 59).*

Дар байтҳои 3, 4 ва 6-уми ғазал фарқият ба назар мерасад. Агар дар байти сеюм мисраи аввал «гар туй ҳамроҳи ман» бошад, дар «Девон» «гар ту ҳамроҳи манӣ», дар мисраи дуюм ба ҷои «гул шиносам хорро» - «гул бидонам хорро» омадааст, ки барои маъно таъсири калон надорад. Аммо дар байти чорум тағйироти қиддиро мушоҳида мекунем:

*Гар аз он доман бад-ин дарвеш васле мерасид,
Васлае медўхтам ин ҷони пора-пораро
Дар «Девон»:
Гар аз он доман бад-ин дарвеш васле мерасад,
Порае медўхтам ин далқи пора-пораро.*

Аз лиҳози мантиқӣ чон пора-пора намешавад ва агар бо маънии маҷозӣ ҳам омада бошад, онро бо васла – пораи матоъ дўхтан ғайриимкон аст. Дар поварақи «Девон» (2011) А.Суруш қайд кардааст, ки шакли аввалин ва саҳеҳи байт шояд пора бошад («Девон» (2011), с. 57). Ин ҳадси муҳаққикро байти дар «Девон» овардашуда тасдиқ мекунад. Дар матни он маънӣ фаҳмотар гаштааст, пора дўхтан на ба чон, балки ба далқ – либоси сўфиён аст.

Дар байти охирон, ки ҳамчун шоҳбайти Камоли Хучандӣ бисёр такрор мегардад ибораи «пеши ноаҳлон» омадааст, дар «Девон»: «*пеши камфаҳмон*» оварда шудааст, ки ба назари мо мантиқан саҳеҳ аст. Шаҳси ноаҳл ва ё ноаҳлон метавонанд, ки фаҳми зиёд ҳам дошта бошанд, аммо «камфаҳмон» мантиқан дуруст ва ба маънои байт созгортар аст. Дар назди камфаҳмон пурдониро нишон додан ҳосиле надорад.

Байти сеюми ғазали «Гар ба ҷустан ёфт гаштӣ ёри мо» дар «Девон» (2011) чунин омадааст:

*Гар ба доғаш сина захме ёфтӣ,
Ёфтӣ марҳам дили афғори мо* («Девон» (2011), с. 58).

Дар «Девон» бошад, он чунин омадааст:

*Гар ба доғаш сина захме ёфтӣ,
Ёфтӣ марҳам дили бемори мо* (с. 60).

Мантиқан агар бигирем, маънои калимаи бемор ва марҳам ба ҳамдигар вобастагӣ доранд, ки ин як кори табиист.

Дар мақтаи ғазали «Ёр бигзид бевафоиро» ин байт омадааст:

*Гуфтамаш: Хоки роҳи туст, Камол,
Гуфт: Бигзор, худнамоиро!* («Девон» (2011), с. 61).

Айнан ҳамин байт дар «Девон»:

*Гутамаш: – Хоки роҳи туст, Камол,
Гуфт: – Бигзор худситоиро!* (с. 64).

Дар байт сухан дар бораи гуфтан меравад, модом, ки чунин аст, мантиқан «худситой» нисбат ба «худнамой» мувофиқтар аст.

Агар ғазалҳои дар «Девон» ва нашрҳои пешинаро муқоиса кунем, бисёр ҳолати тағйир ёфтани ҷойи байтҳо ба назар мерасанд, ки сабаби ин ҳам аз рӯи нусхаҳои гуногун ба нашр омода кардани ашъори шоир мебошад.

Мо дар ин мақола танҳо чанд байт ва фарқияту бартарии наشري нави «Девон»-ро зикр кардем. Воқеан, дар риояи аломатҳои китобат, дар тасҳеҳи ашъор, доштани тавзеҳоти зарурӣ наشري нав афзалият дорад.

Дар баробари ҳамаи ин ҳам дар наشري соли 2011 ва ҳам дар наشري нав мунданичаи китоб хеле мухтасар аст. Дар нашрҳои пешина мисраи аввали матлаби ғазалҳо бо нишон додани саҳифаҳо дар поёни китоб ҷой гирифта буд, ки ин дар нашрҳои кунунӣ ба назар намерасад. Гузоштани саҳифаи ғазалҳо ба кори муҳаққикон мадад мерасонад ва хонандагон ҳам бе мушкилӣ метавонанд, ки матлаби даркориро ба зудӣ пайдо кунанд. Гумон мекунам, ки ин кори

техникӣ аст ва дар нашрҳои минбаъда ба назари эътибор ба ин масъала таваҷҷуҳ хоҳанд кард.

Тасҳеҳи матни осори классикон, таҳияи матни интиқодӣ кори сахлу осон нест. Барои ба вуҷуд овардани нусхаҳои саҳеҳ ва ё ба нусхаи асл наздик солҳои тӯлонӣ заҳмат кашидан лозим аст. Матни интиқодии «Девон», ки ба муносибати 700-солагии Камоли Хучандӣ ба нашр расид, як қадами чиддӣ аст, ки мутахассисони Муассисаи давлатии «Маркази илмии Камоли Хучандӣ» барои омӯзиши осори шоир гузоштаанд ва умедворем, ки он қадам дар ҷодаи камолшиносӣ устувору пойдор бошад.

**Раҳматов Й., филология
фанлари номзоди
(Ўзбекистон)**

ҲОДИ ЗАРИФ – ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Халқ мақоллари халқнинг ҳаёти, ижтимоӣ турмуши тарихи, маданияти, дунёқарабини ўзида ихчам шаклда мужассам этган фольклор жанридир. Шу боис мақоллардан нутқнинг барқарор тайёр материали сифатида ҳамма бирдек фойдаланади. Мақол халқ ҳаётининг қонунияти каби барчага бирдек таъсир этади ва унга амал қилинади. Унга адабий нуқтаи назардан қараш ҳам анча олдин бошланган эди. Атоқли фольклоршунос олим Т.Мирзаевнинг таъкидлашича: “Мақолга адабий нуқтаи назардан қизиқиш, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз санъаткорларининг доим диққат марказида бўлган. Бунда XI асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнографи Маҳмуд Қошғарийнинг тўпловчилик фаолияти ва унинг “Девони луғати -т-турк” асари ёрқин мисол бўла олади”(Мирзаев, 1987:8).

Мақолга фольклоршуносликнинг алоҳида жанри сифатида қараш ва уларнинг ҳақиқий тадқиқи октябр тўнтарилишидан кейин, яъни ўзбек фольклоршунослиги фани шаклланишидан сўнг бошланиб кетди. “Эл адабиёти” деб қаралган оғзаки ижод ҳақида сўз юритилганда, албатта, мақол хусусида ҳам фикр билдириб ўтилди. Жумладан, Вадуд Маҳмуд халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини ёритишда бу ижод намуналари қаторида мақолни ҳам санаб ўтади: “Ҳеч бир достон, мақол, топишмоқ, ашула йўқки, йигирма киши ўйлашиб тўқиган ёки “баста”лаган бўлсин. Ҳар бир достон, мақол, топишмоқ, ашула, асосан, бир киши томонидан чиқориладир-да, сўнгра умумийлашиб кетадир”(Маҳмуд В.1926:15). Фитрат ҳам ўз тадқиқотида халқ оғзаки ижоди жанрларига ва мақол жанрига алоҳида тўхталади. “Элнинг кун кўрган, иш ўтқарган синашли қарилари томонидан айтилган ҳикматли, қисқа, маъноли гапларидирким, эл орасида “яшаш қонунлари” каби ҳукм суриб, тилдан-тилга юрийдир”(13. Фитрат.2006:79).

Ўтган асрнинг 30-йилларидан илмга ўзбек фольклори атамасини олиб кирган Ҳоди Зарифов оғзаки ижод намуналарини тўплаш ва нашр эттириш

баробарида уларнинг жанрий табиати ва ўзига хослиги ҳақида ҳам фикр юритди. Олимнинг 1939 йилда нашрдан чиққан “Ўзбек фольклори” номли хрестоматиясида оғзаки ижод намуналари маълум тартиб асосида бўлиб берилди. У халқ мақолларининг қадимийлиги, тузилиши, ихчам шакл ва чуқур мазмун ифодалашини инобатга олиб хрестоматияни халқ мақолари билан бошлади. Мазкур китобда мақоллар 3 даврга бўлиб берилган. 1- бўлим “X асрдан ЧIV асргача” деб номланиб, мақоллар қиёсий услубда, яъни Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғати -т-турк” асаридан олинган 26 та мақол ва унинг ҳозир (1930 йиллар назарда тутилган – Й.Р.) ўзбекларда қўлланадиган шакли берилган. Бу усул билан Ҳоди Зарифов мақоллар эволюциясини қандай амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Яъни мақолларнинг шакл ва мазмундаги ўзгариши, янгиланиши, бойиши – умуман, тадрижини “Девони луғати-т-турк”даги мақолларни кейинги даврга мансуб асарлар таркибидаги мақоллар билан қиёсан ўрганиш орқали исботлаш мумкин. Масалан, “Аңдғз болса, ат өлмäs”(6. Маҳмуд Қошғарий, 2017:59) мақолининг қарийб 14 асрдан кейин (Маҳмуд Қошғарийнинг сўз изоҳида қўллаган мисолларнинг 5-6 асрга мансублиги ҳақидаги эътирофи инобатга олинди– Й.Р.) “Анғизли ерда от ўлмас”, “Андизли ерда ат ўлмас”, “Ийирли ерда эр ўлмас”(13.Ўзбек халқ мақоллари.1.1987:48) тарзида учраши мақолларнинг аслиятдан у қадар узоқлашмаганини кўрсатади. “Девони луғати -т-турк”да бу мақол: “Росан ўти ёнингда бўлса, от йўлда қорин оғриғидан ўлмайди”. Ўт оғриб қолган тақдирда, у билан даволаш мумкин. Бу мақол сафарга чиқувчиларни пухта ҳозирланишга ундаб айтилади” – деб изоҳланган. Бугун нутқимизда қўлланадиган “Йўлга чиқсанг, йўл озиғинг мўл бўлсин”, “Отни қамчин билан эмас ем билан ҳайда”(13.Ўзбек халқ мақоллари.1.1987:327.), “Арпасиз от довон ошолмас”(13.Ўзбек халқ мақоллари.1.1987:50) каби мақоллар айни шу мазмунни ифодалайдик, бу мақоллар таркибидаги сўзлар даврга мос янгиланиши, ўзгариши, бироқ мазмун қолиши ёки аксинча шакл мазмунга ҳам таъсир этиши мумкинлигини далиллайди.

Биламизки, мутаффақир ижодкорларимиз асарларида ўғит, ҳикмат, мавъиза руҳидаги байт, мисралар ниҳоятда кўп. Бу руҳ ва мазмунни беришда улар, албатта, Куръори карим оятлари, Ҳадис ғояларига таянган. Шунингдек халқнинг пурҳикмат сўзлари – мақоллардан ҳам самарали фойдаланишган. Ҳоди Зарифовнинг қарашича, Алишер Навоий даврида ҳам мақоллар алоҳида аҳамият касб этган ва тил бирлиги сифатида ёзма адабиётда эркин қўлланган, бадий асар таркибида безак вазифасини ўтовчи “ирсоли масал” бадий санъатига асос бўлган. Олим хрестоматиянинг “XV асрдан Октябрь социалистик революциясигача”деб номланган 2-бўлимини ҳам “Навоийдаги афоризм ва мақоллар” билан бошлаган. Алишер Навоийнинг асарларидан олинган мазкур парчаларни Ҳоди Зарифов “Навоийдаги мақоллар” тарзида бермайди. Чунки “Маҳбуб ул-қулуб”да шоир ҳикматларга шу қадар жило берган, ижодий ёндашганки, қайси мақол, қайси ҳадис ва қайси шоирнинг ўз

талқини эканини ажратиш мушкул. Шунга кўра, олим Ҳоди Зарифов ҳам бу мунозарадан четлашиш мақсадида “Навоийдаги афоризм ва мақоллар” дея умумий ном билан 25 та ҳикматни келтиради. Бироқ олим Навоий ижоди таркибидаги мақоллардан саралар экан, уларни олдинроқ ҳам қўлланилганига эътибор қаратади. Китобхон 1- бўлимда берилган “Девони луғати-т-турк”да қўлланган “Аш татиғи туз, ёғрин емас”(6. Маҳмуд Қошғарий, 2017:333) мақоли ЧV асрда “Сувнинг мазаси муз била, ашнинг лаззати туз била” ёки қадимда қўлланган “Бирин-бирин мунг болур, тама-тама кўл болур”(6. Маҳмуд Қошғарий, 2017:333) мақоли Алишер Навоий даврида “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, Қатра-катра йиғилиб дарё бўлур”(1.Алишер Навоий, 1998:112) шаклида учрашини билиб олади. Бу эса асрлардан асрларга ўтувчи баъзи мақолларнинг башар тарихи билан тенглигини, у шаклан (сўз, кўшимча, тузилиш нуқтаи назардан) маълум ўзгаришга учраса ҳам, мазмунан илк қўлланилган давр билан айниятда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосалар қилишга йўл очади ва мақолларни макон-замонга кўра ўрганиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Ҳоди Зарифов “Ўзбек фольклори” китобининг 2-бўлимида халқ оғзаки ижоди жанрларини алоҳида ажратиб, намуналар киритган ва ўша даврда, яъни ЧЧ аср бошларида истеъмолда бўлган 263 та мақолни мавзулаштириб берган. Бу эса ўзбек мақолларини илмий жиҳатдан ўрганишда илк қадам бўлди.

Аслида ўзбек халқ мақолларини тўплаб нашр этириш ишлари ЧИЧ асрнинг иккинчи ярмидан бошланган эди. Марказий Осиёга саёҳатчи ва савдогар қиёфасида кириб келган венгр олими Ҳ. Вамберининг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган “Чигатой тили дарслиги”да 112 та ўзбек халқ мақоли немис тилига таржима ва изоҳлари билан берилган эди(Нурмуродов Й.1983:25).

Рус ориенталисти, миссионер ва шарқшунос Н.П.Остроумов ҳам ўзбек халқ мақолларини йиғиш, нашр эттириш, таржимаси ва тадқиқи билан қизиққан. У 1877 йилда устози Илминский кўрсатмаси билан Туркистон ўлкасидаги маҳаллий аҳолини руслаштириш, ислом динига қарши кураш ва маҳаллий аҳоли онгига христианлик дини ғояларини сингдириш учун юборилган эди(<http://www.>). Н.П.Остроумов дастлаб маҳаллий аҳолининг эътиқоди, дунёқараши, психологиясини ўрганиш мақсадида халқ орасидан фольклор намуналарини тўплай бошлаган. Академик Т.Мирзаевнинг маълумотига кўра Н.П.Остроумов: “Тўплаган ва эълон қилган материаллар бевосита халқ орасидан ёзиб олинмаган бўлиб, иккинчи даражали кишилардан, асосан, рус-тузем мактаблари ўқитувчиларидан олинган эди”(7. Мирзаев Т.1987:8) Миссионер олим халқ эртаклари, кўшиқлари, мақол ва топишмоқларидан анчагина тўплашга муваффақ бўлган. 1890 йилдан бошлаб, маҳаллий аҳоли орасидан тўплаган материаллари асосида уч қисмдан иборат “Сартлар” номли этнографик изланишларини ёза бошлаган. Жумладан, 1891 йилда нашр эттирган “Сартлар” этнографик изланишларининг биринчи нашрида ўзбек халқ мақолларининг 1101 мақолини эски ўзбек ёзувида чоп этиради. Орадан тўрт йил ўтиб, 1895 йилда тўпланган ўзбек халқ мақоллари ва

эртақларини рус тилида “Сартлар” этнографик изланишларининг учинчи нашрида “Сартларнинг мақол ва маталлари”ни чоп эттиради(9.Остроумов Н.П,1895:11). Бу тўпламда 1000 та мақол кирган бўлиб, Н.П.Остроумовнинг ўзи ўзбек мақолларини рус тилига таржима қилади* ва рус паремиологи Владимир Даль(4. Даль В. 1984:10) тажрибаларига таяниб, таржима қилинган мақолларни мазмунига қараб 21 та мавзуга бўлиб чиқади.

Ҳоди Зарифов ҳам халқ мақолларини мавзу жиҳатдан гуруҳлаш тарафдори эди. Шунинг учун “Ўзбек фольклори” хрестоматиясига киритган 263 та мақолни 22 хил мавзу асосида чоп эттиради. Бу ўзбек мақолшунослигида янгича ёндашув, янгилик эди.

Мақолларни мавзулаштиришни бошлаб берган В.Далнинг икки жилдлик “Пословицы русского народа” тўпламида мақоллар 174 та мавзу остида берилган. Бунда халқнинг эътиқоди, патриархат давридан буён амал қилиб келинадиган удумлари ва буюк рус халқи дунёқарашига асосланилган (2.В.Аникин.1984.387). Шунга кўра В.Даль мақоллар тўпламини “Бог - вера” (Худо - эътиқод) мавзусида бошлаб, дастлаб, эътиқод, дин, оламнинг яратилиши ҳақидаги мақолларни келтирган. В.Остроумов ҳам гарчанд ўзбек мақолларини рус тилига таржима қилиб нашр эттираётган бўлса ҳам Даль кўрсатган йўлдан бориб мақолларнинг биринчи қисмини “Бог. Судба. Ислам” (“Худо. Тақдир. Ислом”) деб номлайди(9. Остроумов Н.П, 1895:11). Бироқ, Ҳоди Зарифов ҳукмрон мафкура, собиқ шўро давлати ва комунистик партия талабларидан чиқиб кетолмайди. Ўша давр мафкураси ва социалистик партия ғоялари асосида мақолларни янгича мавзуй гуруҳларга бўлади. Дин, эътиқод, Худо билан боғлиқ мақолларни хрестоматияга мутлақо киритмайди. Ҳолбуки, халқ мақоллари халқнинг руҳияти, дунёқараши, яшаш тарзини ифодалар экан, албатта, биринчи ўринда эътиқод масаласини кўйиш, яратиш ва яралиш моҳиятини ифодаловчи мақолларни келтириш лозим эди. Зеро, ҳар қандай иш, сўз мусулмон эътиқодига кўра, Оллоҳ таоло номи билан бошланади ва унинг ҳамди ва Пайғамбар (с.а.в) наътлари билан музайян бўладики, мумтоз адабиётимизнинг асрий анъаналари ҳам буни тўла тасдиқлайди.

Ҳоди Зарифов хрестоматиядаги мақоллар мавзусини “Меҳнат ва ҳунар ҳақида” деб бошлаб “Отга аҳамият” сарлавҳаси билан тугаллайди. Табиийки, бу мақолларнинг кўпи меҳнат ва ҳунар ҳақидаги комунистик партия ғояларига мос келувчи мақоллардан ташкил топган.

Мазкур хрестоматия тузилганига қадар халқ мақолларини тўплаш ва ўрганиш бўйича қилинган ишлардан яна бири 1924 йилда Хивада чоп этилган

* Бу ҳақда фольклоршунослар турлича фикр билдирадилар, бироқ Н.П.Остроумовнинг ўзи ўзбек мақолларини рус тилига таржима қилганини шу китобда берилган “Несколько замечаний относительно пословиц и поговорок сартов” мақоласида таъкидлайди. (Й.Р.) Сарты.Этнографические материалы. Выпускъ третий. Пословицы и загадки сартовъ. Т. Еипо-Литография торг.дома «Ф. и Г. Бр. Каменские». 1895.Б-110.

“Ўзбекча оталар сўзи” тўпламидир. Тўпланда Хоразм фольклори материаллари таркибида йиғилган 564 та мақол эски ўзбек алифбоси тартибида берилган (12. Бекжон Раҳмон, 1924). Худди шу даврда яратилган ва эътиборга молик кичик мақол тўпламлардан яна бири 1926 йилда Фарғона водийси, асосан Қўқон атрофида жойлашган маҳаллий аҳоли орасидан йиғилган мақоллар асосида нашр этилган. Бу тўпланим Шерали Рўзи томонидан тузилган бўлиб, “Дарвеш” тахаллуси билан кичик сўзбоши ва 711 та мақол алифбо тартибида араб ёзувида берилган. (11. Шерали Рўзи, 1926). Тўпландаги мақолларнинг аксарияти ЧИҚ асрда Қўқон хонлигида яшаб ижод этган Муҳаммадшариф Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида учрайдиган мақоллар билан ўхшаш, баъзиси айтадиган био хил. Жумладан, Шерали Рўзи тўпланимидаги 201- мақол: “Бош эсон бўлса дўппи топилар”, 287-мақол: “Пўлат пичоқ қинсиз қолмас”, 296-мақол “Тешик мунчоқ ерда қолмас” каби мақоллар “Зарбулмасал”да баъзан фонетик, баъзан лексик фарқлар билан қўлланади (3. Гулханий, 2009:4). Кўринадики, “Зарбулмасал” асаридаги мақоллар мазкур асар таъсирида халқ орасида машҳур бўлган, ёки халқ мақолларининг чуқур мазмуни “Зарбулмасал”нинг шуҳрат топишига сабаб бўлган.

Мақолларни мавзу жиҳатдан таснифлаш уларни ҳеч қандай кўрсаткичсиз алфавит тартибида беришдан анча афзал. Чунки бунда халқнинг бирор бир масалага бўлган эътибори, баҳоси, муносабати яхлит жамланади ва шу муаммо юзасидан миллат дунёқараши ва эпик тафаккури ойдинлашади. Қолаверса, китобхонга ҳам мавзулаштирилган мақоллар тўпланимдан фойдаланиш қулайроқ. Шу боис Ҳоди Зарифов хрестоматиясидаги мазкур тамойил мақолларнинг кейинги нашрларида ҳам изчил давом эттирилди. Академик Т. Мирзаев таъкидлаганидек: “Оммавий китобхонга мўлжалланган алфавит тартибидаги кўрсаткичсиз нашр, агар таъбир жоиз бўлса, “ўлик”, “ҳаракатсиз” тўпландир. Бундай тўпланимларда мақсад аниқ бўлмайди, улардан фойдаланиш қийин” (7. Мирзаев Т. 1987:10). Ҳоди Зарифовнинг мақолшунослик борасидаги кейинги иши 1947 йида “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” тўпландир.

Ҳар бир мақолда уни яратган халқнинг руҳи, сиймоси бўлиши исботланмас ҳақиқатдир. Халқ мақолларини ўрганиш, таснифлаш, мавзу жиҳатидан саралаш, тўплаш шу халқнинг маданияти, дунёқараши, руҳиятига кириб боришга йўл очади. Биз ёш авлодни ўз миллий қадриятларимиз, маданиятимиз ва халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавияти асосида тарбиялар эканмиз бу табия мақолларсиз асло мукамал бўлмайди. Буни ўз вақтида англаган заҳматкаш олимларимиз, хусусан, Ҳоди Зарифов саъй-ҳаракати билан улкан “Ўзбек халқ мақоллари” хазинаси тўпланди. Ўзбек паремиясининг шаклланиши ва унинг такомиллашувида Ҳоди Зарифовнинг хизматлари алоҳида. Атоқли олим 1930 йиллардаёқ кўрсатиб берган ёзма манбалардаги мақолларни йиғиш, ўрганиш ўзбек мақоллари таркибини янги мақоллар билан бойитиш, мақолларнинг мавзуй таснифини

қайта кўриб чиқиб, мукаммаллаштириш фольклоршунослигимиз олдидаги долзарб масалалардандир.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. Маҳбуб ул-қулуб. Т.Фан.1998.
2. Аникин В.Владимир Иванович Даль и его сборник пословиц/ Пословицы русского народа. II том. Москва. Художественная литература.1984.
3. Гулханий М. Зарбулмасал. Т.Маънавият.2009.
- 4.Даль В. Напутное/ Пословицы русского народа. I том. –Москва: Художественная литература.1984.
5. Маҳмуд В. Навоийгача бўлган турк адабиёти // Маориф ва ўқитгъувчи. №1. 1926.
6. Маҳмуд Қошғарий. Девони луғотит турк.Т. Ғафур Ғулом. 2017.
- 7.Мирзаев Т. Ўзбек халқ мақоллари ва унинг наشري ҳақида/ Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. том. Т. Фан. 1987.
8. Нурмуродовнинг Й. “История изучения и проблем научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык”. АҚД. Ташкент,1983.
9. Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Выпуск третий. Пословицы и загадки сартовХ. Т. Еипо-Литография торг.дома «Ф. и Г. Бр. Каменские». 1895.
10. Оталар сўзи - ақлинг кўзи/ Тўплаб, сўз боши билан нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. Тошкент. 1947.
11. Ўзбек мақоллари / Тўпловчи ва тузувчи: Шерали Рўзи. М.1926(Араб ёзувида).
12. Ўзбекча оталар сўзи/ Тўпловчи ва тузувчи: Мулло Бекжон Раҳмон ўгли. Хива. 1924 (Араб ёзувида).
13. Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. I том. Т. Фан. 1987.Б.-219. Бундан кейин шу манбадан олинган мисолларнинг бети қавс ичида кўрсатилади.
14. Фитрат А. Адабиёт қоидалари / Истиклол қаҳрамонлари. Танланган асарлар/ 5 жилдлик, 4-жилд. –Т.: Маънавият. 2006.
15. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т. Ғафур Ғулом. 1990.

Интернет маълумотлари:

[https://kq.wikipedia.org/wiki/ Остроумов, _Николай_Петрович](https://kq.wikipedia.org/wiki/Остроумов,_Николай_Петрович)

<https://www.йioqafi.info/kisi/ ақниifs-vamйўку>.

**РАҲМОНОВА З., Филология фанлар
бўйича фалсафа доктори PhD
(Ўзбекистон)**

ИРФОНИЙ АДАБИЁТДА “ЎЛМАСДАН БУРУН ЎЛИНГ” ҲАДИСИ ТАЛҚИНИ

Руҳ тарбиясида муршид муриднинг қалбига сингдирадиган кудсий ҳадислардан яна бири – “*Муту қобла ан тамуту*”, яъни “*Ўлмасдан бурун*

ўлинг”¹дир. Тасаввуф манбаларида ҳам, ирфоний-бадий адабиётда ҳам, сўфиёна шеърятда ҳам тез-тез ёдга олинувчи мазкур ҳадиснинг шарҳу изоҳисиз тасаввуф моҳиятини, муршид-мурид муносабатини англаш мушкул. Ушбу ҳадис аксарият ғарб, баъзан шарқ олимларида ҳам муршид ўлимга тайёрловчи, мурид иродасини ўлдирувчи маъноларида янглиш тушунилган ва ғалат изоҳланган. Бироқ тасаввуфда муршид муридига ҳамиша эслатувчи биргина ўлим бор – бу нафс ўлимидир. Халқ оғзаки ижоди, илк туркий маърифий дoston “Қутадғу билиг”дан бошлаб, ҳанузгача чинакам адабиёт инсониятга дунёнинг имтиҳон эканлиги, олдинда боқий бир ҳаёт борлигидан огоҳ этади. Муридга дунёнинг ўткинчилиги – Фано ва охират абадийлиги – Бақони англаувчи ва уни Абадиятга чорловчи муршиддир. Шу маънода адабиёт ҳам бир мураббийдир:

*Эй дўстлар, нафс илкидин бўлмайин хор,
Мосиваллоҳ ҳавосидин бўлуб безор,
Қул Убайдий насиҳати будур, зинҳор,
Охиратнинг ишин мунда қилинг, дўстлар.*

Охират озиғи эса кўз очиб юмгунча ўтадиган ва ҳеч қачон қайта берилмайдиган мана шу ҳаётда йиғилади. Адабиёт ҳам фаноликни тилга олар экан, инсониятни ғафлат уйқусидан уйғотишга такрор-такрор интилаверади. “Қутадғу билиг” достонида шуларни ўқиймиз:

*Ўлим боқ кўкси тоғ эрларни топди,
Ерга тиқиб устин тупроқ-ла ёпди.
Кўзи тўқ донишманд не деган, бир боқ,
Бойлик ибтидоси – нафсни ўлдирмоқ².*

Ҳаётда энг муҳими – мана шу. “Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур... (Нисо.4/78)” хитобини англамоқ учун аждодлардан ибрат ола билиш керак. Зеро, пайғамбарлар, Аллоҳга муқарраб валий зотлар ҳам ўлим билан юзлашдилар. Буларни хотирда тутиб, ўлимни англаб, нафс риёзатини қаттиқ тутиш ўлим ваҳимасига тушиш дегани эмас. Аксинча, пири комил муридига абадий ҳаёт борлигини мушоҳада этиб, хотиржамлик туйиш ва унга муносиб тайёргарлик кўриш учун бир он аввал бел боғлаш кераклигини уқтиради.

Тариқат бир робита, яъни боғланишдир. Мурид, аввало, шайх, сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.), охири Аллоҳ ила робитада бўлади. Бироқ аксарият тариқатларда илк робита *Робитаи мавт*, яъни *Ўлим робитасидир*. Робитаи мавт нафс тарбиясида иккиланишлар гирдобидида қолган ўй-фикрларга

¹Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Ҳадис ва талқин маҳорати // Алишер Навоий ва XXI аср мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: Mashhur-Press, 2020. – Б. 235–238.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент. “Академнашр”, 2015, –Б. 426.

қатъийлик, йўл машаққатида зериккан, чарчаган ҳисларга қуввату қанот бўлади. Тасаввуфда муршид назоратида кечадиган бу робита ҳақида ҳатто алоҳида рисоалар яратилган.

Мумтоз адабиётнинг асосий ғояларидан бўлган – нафсни таниш ва унга қарши курашиш “Қутадғу билиг”да ҳам ўзига хос тарзда ифодаланган. Достондаги донишманд Зоҳид нафсга қул бўлмаслик, ҳамиша ақл-идрок билан иш кўриш, адолатли ва инсофли бўлиш ва ҳоказо қарашларни илгари суради. Аммо унинг эзгуликка ундовчи кўрсатмаларида барини боғлаб турувчи бир ҳалқа мавжуд. Бу – ўлим моҳиятини тўғри англаш ҳикмати. Бу қараш кейинчалик туркий адабиётда муҳим ўрин эгаллади. Аҳмад Яссавий ҳам:

*Қул Хожжа Аҳмад дийдор учун жондин кечиб,
“Муту қобла ан тамуту” ўқуб, эриб,
Ҳақ Мустафо ҳадисини маҳкам тутиб,
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?!
Андин сўнгра бир мақомга еткурдилар,
Нафсу ҳаво иккисини ўлдирдилар,
Ўлиб эрдим қайта бошдин тиргуздилар,
“Тирик юриб ўл!” – дедилар, ўлмайинму¹?!–*

деган эди. Мазкур ҳикматдан маълум бўлмоқдаки, муриднинг талаби дийдор. Висолга эришиш учун эса Пайғамбар (с.а.в.)нинг юқорида келтирилган ҳадисига биноан нафсга қарши жанг қилмоқ керак. Уни ёмонликлардан қутқазиб, тозалikka олиб чиқиш лозим. Бу эса зоҳир кўзини юмиб, ботин кўзини очиш, нафсу ҳавони ўлдириб, руҳи сафони тиргизишдир. Аҳмад Яссавий ҳазратлари таърифлаган мазкур мақом Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “ёри ғор”га нисбатан айтган баҳоларини ёдга солади: “Ким тириклар орасидаги ўликни кўрмоқ истаса, Абу Бакрга қарасин. Унинг вужуди тирик, нафси ўликдир”². Аслида шу мақомга соҳибларгина муршид бўла олади:

*Қаю қулнинг сирини бўлса Ҳаққа аён,
Бевосита қилур ани шайхи замон,
Сухбатидан баҳра олур халқи жаҳон,
Билинг они ўлмас бурун ўлгон киши³,–*

дейилади “Девони Ҳикмат”да. Тариқат асосчиси сифатида Аҳмад Яссавий “Ким муршид бўла олади?” саволига қисқа ва лўнда қилиб “Ўлмасдан бурун ўлган киши”, дея жавоб беради. Яссавий ҳикматидаги фикрнинг илмий асосини “Мифтоҳ ул-қуллуб”да ўқиймиз: “Нафси марзия мақомидаги зот Аллоҳнинг хос аскардир. У ё иршод вазифасини бажаради ёки мамлакатларни бошқаради. Комил саналган Аллоҳнинг валий қулларидан барчаси нафси марзия мақомидадир. Унинг кўзлари ухлар, қалби ухламас. У ҳар доим, ҳар ҳолда

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент. “Akademnashr”, 2015, – Б. 195.

² Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 47.

³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар қуллиёти. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 233.

уйғоқ. Ҳар он, ҳар нафасда мушоҳада этар ва сўзлашар. Мушоҳада мартабаси фано ичинда бақодир. “Муту қобла ан тамуту” ҳадиси шарифига мазҳар бўлиб, Адам оламида фанога эришган”¹.

Дарҳақиқат, муршид алал оқибатда комила нафсга эришган шахсдир. Нафсининг таҳликалли йўллариини Ҳақ мададида босиб ўтган валий зотдир. Вужуд эҳтиёжларини тариқат ўлдир, демайди, балки унинг тириклик эҳтиёжи ҳамиша назарда тутилади. Чунки у ўзининг ҳалол, шаръий ҳақини олмаса, исён қилади, хасталанади, бу, табиийки, руҳга таъсир ўтказади. Бундай “ҳақсизлик” оқибатлари ҳақида Имом Ғаззолий шундай деган эди: “...Ушбу хато мужоҳададан кўзланган мақсад ушбу (хайвоний) сифатларнинг барчасини йўқ қилиб юборишдир”, – деган тоифадан содир бўлган. Асло тўғри эмас! Зотан шахват ҳам фойда учун яратилган. У асл табиатдаги заруратдир. Агар таом шахвати кесилса, одам ҳалок бўлади. Агар жинсий шахват кесилса, насл кесилади. Агар ғазаб бутунлай йўқолса, инсон ўзини ҳалок этувчи нарсадан ҳимоя эта олмайди ва ҳалок бўлади... Бу борада талаб қилинган нарса уларни бутунлай супуриб ташлаш, йўқотиб юбориш эмас. Балки уларни мўътадил равишда тутиб туришдир”². Демак, мўътадиллик, аввало, шариятга мувофиқ равишда вужуднинг ҳақини бериш ҳисобланади. Мана шу нуқтада ғарб ва шарқ, тасаввуф ва бошқа диний-илоҳий таълимотларнинг фарқи юзага чиқади. Тариқатда руҳ истакларига берилиб, вужудни хорлаш, уни шаръий ҳаққидан мосуво қилиш йўқ. Бу мақом эгалари учун ўлим – “марҳум”нинг ҳаётни янги бир масканда давом эттиришидир. Шу боис халқ дostonларида, манокиб ва тазкираларда Ҳақ йўлчиларининг қабристонда тунаб қолишлари, қабр аҳли билан ҳам бемалол мулоқотга киришишлари ўлимни интиҳо деб билмасликларидан далолат беради.

Ўлим билан кўрқитиш иблиси лаиннинг синалган ҳийлаларидандир. Унинг илк алдови, биринчи тузоғи Одам атога нисбатан бўлди. Шайтон Момо Ҳавони абадий ҳаёт орзуси билан йўлдан оздирди. Авлодларга оталарининг азалий душманини танитиш мақсадида Рабғузий ҳам бу воқеани келтиради: “Ҳеч билурмисен, бу буғдой йиғочиндин сизни Тенгри не учун йиғди?” Ҳаво айди: “Билмазман”. Иблис айди: “Анинг учун йиғди ким ул йиғочдин еса ужмоҳда мангу қолур, ўлум кўрмаз тақи ужмоҳ мулкиндин арзилмас теб... ((Эй Одам), сенга мевасини еса абадий боқий қоладурган дарахтни ва фоний бўлмайдурган подшоҳликни кўрсатайми?)”³. Шайтон ҳийлаю найрангларини яхши англаган комил муршид бу фожиани Одам ўғлига эслатади, уни такрор макр тузоғига тушишдан огоҳ этади. “... Ҳар бир жон ўлимни тотажакдир” оятига кўра, бу ҳодиса, албатта, муқаррар эканлигини уқтиради, фақат унга

¹Muhammed Nuri Şemseddin Nakşibendi. Miftah’ül Kulub. İstanbul. Huzur yayınevi, – S.149.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. 4-жуз. Тошкент. “Nilol-nashr”, 2015, – Б. 373.

³ Рабғузий Н. Қиссаси Рабғузий. Тошкент. “Ёзувчи”, 1990, –Б. 24.

имон саломатлиги билан тик қарай олиш жасоратини пайдо қилади. Иблисга қуллик фожиасининг хўрликларини азобларини танитади.

Алишер Навоий асарларида ҳам “Муту қобла ан тамуту” ҳадиси бир неча бора қўлланилади. Навоийнинг лирик баёнидаги рамз, ишоратлар шоирнинг ҳоли каби сирли ва юксак. “Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос” матлали ғазалида:

*Десанг бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур,
Ки ишқ шаръида гўё бу нав келди қисас¹, –*

дейди. Фано ҳаримиға лойиқ мавтга эришмоқ учун, аввал нафсни ислоҳ қилиш кераклиги барча мутасаввифлар томонидан айтилган ҳақиқат. Лекин Навоийнинг фикрича, нафсни енгиш – Ишқ шариатининг ҳукмидир. Нафсни енгиш, ундан мардона воз кечиш ва бу айрилиқдан ҳузур топиш шу қадар машаққатли риёзат бўлмаганда “Жиходи акбар” дея аталмасди. Нафс ўлимига рози бўлиш, уни ҳузур ила қаршилаш учун ирфон ва ишқ зарур. Инсонда ўзини ва Яратувчини таниш қанчалар кенг бўлса, унинг аҳдига сидку садоқати, Холиқиға муҳаббати шу қадар юқори бўлади. Унда севгилисининг амри фармониға ризоликдан ўзга нарса қолмайди. Фақат Боқий зотга бўлган муҳаббатгина ўлмасдан бурун ўлиш мақомиға кўтара олади. Аҳли дил “Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади махлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб” эканлиги, ҳар бир жоннинг Ҳаққа борувчи ўз йўли борлигини эътироф этишсада, уларни уч турда бирлаштиришган. Илк – намоз, рўза, Қуръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар бирламчи ҳисобланган йўл – Тариқи ахёрдир. Бу солиҳ амаллар наинки фарз, вожиб, суннат, балки нафл даражасида бўлиб, Фузайл ибн Аёз таъкидлаганидек: “Эй мўъмин! Узоқ вақтдан кейин Ҳаққа етишмоқ қадим уммат ва миллатларға хос бир ҳол эрур, улар уч юз, тўрт юз йиллик умрларини бу йўлга сарф этган ва ғояларига эришган эдилар. Бу вақт мобайнида уларнинг вужудлари ибодат туфайли ўқдек нозиклашиб, ёйға ўхшаб букиларди. Ҳолбуки, бизға бундай узоқ умр насиб этмаган. Демак, қисқа муддатда вуслатға етишиш лозим. Бу эса қобилият ва сиёсатли муршидга боғлиқ нарсадир. Ушбу икки шарт бажарилгач, Ҳаққа етишмоқ учун камон янглиғ эгилишға ҳожат қолмайди”. Иккинчиси – асосий эътиборни гўзал ахлоққа эга бўлиш, нафсни тазкия, қалбни тасфия, руҳни поклаш, яъни ботинни обод этишға қаратувчи мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли – Тариқи абрордир. Ва ниҳоят, йўлларнинг мумтози, ойдини, яқини саналган ишқ, жазба, муҳаббат соҳибларининг йўли – Тариқи шуттор эрур. Биринчи ва иккинчи йўл вакилларининг озчилиги манзилға юриб етсалар, шуттор аҳли кўплари йўл охириға етувчи, учиб борувчилардир. Нажмиддин Кубронинг “Усул ал-ашара” рисоласиға “Рисола дар баёни тариқати шуттор” номи билан шарҳ ёзган Абдулғофур Лорий: “Мақсади ақсо – энг сўнгги мақсад ҳамда давомли тарзда

¹ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 271.

тараққий ҳолида бўлганлиги сабабли шуттор йўлидаги сайр асло охирига етмас. Ахёр ва аброр тариқидаги сайр эса мавти табиий билан тўхтайтиди... Ишқ аҳли мавти ихтиёрий, иродий ўлим соҳибларидир”¹, – дейди. Шуттория тариқати тамал қоидаларини ўн асосга жамлаган Нажмиддин Кубро ва издошлари нафс ўлимини шундай изоҳлаган эди: “Бу мумтоз йўл иродага боғлиқ бир ўлимга асослангандир. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар: “Ўлмасдан бурун ўлинг”, – дея марҳамат қилган эдилар”. Бу ўн усул: *тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, муроқаб, ризо* тариқатларда баъзи фарқлар билангина келади. Масалан, Навоий ижодига назар ташласак, “Маҳбуб ул-қуллуб”да ҳамид ахлоққа эришишнинг ўн усулида Узлат ва Муруқаб ўрнида Тавозеъ ва Ишқни санайди². Сўфиёна адабиётдаги образлар олами, кечинмалар ранг-баранглиги мана шу мақом соҳибларининг ҳоллари билан бевосита боғлиқ. Мазкур ҳолларни ўзида жамлаган ўн усулни тўғри талқин ва таҳлил этиш “Муту қобла ан тамуту” ҳадиси моҳиятини чуқур англашдир. Солих бандаларнинг ўлим кўркувини англаш учун Иброҳим (ас)нинг Азроил (ас) билан мулоқоти моҳиятини тушуниш лозим. “Қачон Азроил жон олғалу келди эрса Иброҳим айди: “Тақи вақт бўлмиш йўқ”. Азроил айди: “Вақт бўлмаса эрди, манга ёрлиғ келмагай эрди”. Хитоб келди: “Эй Иброҳим, ул соқол урунглиги ўлум элчиси турур”. Иброҳимдин бурун ким эрсанинг соқолинга урунг кирмиш йўқ эрди. Иброҳим ани билди эрса айди: “Эй Азроил, Хал ра’айти халилан йақбазу руҳа халилихи: Маъниси ул бўлур: Дўст дўстнинг жонин олурму, бўлур”. Ул ҳолда Жаброил келди, айди: “Мавло таоло хитоб қилур: Дўст дўстга уланмоқни унамазму бўлур?”. Иброҳим айди: “Андоғ эрса жоним олғил”³. Маълум бўлдики, мумтоз адабиётда, айниқса, тасаввуф адабиётида жисмоний ўлим фожиасидан эмас, ҳою ҳавас, нафсу ҳавонинг ўлиmidан баҳс юритилган. Комил муршид муридиани имтиҳон аталган, “халифалик” синови бўлган фоний дунёдан Боқий ҳаёт эшигига йўллайди. Инсон Дўстга боғланишини билгандагина жон таслим этишга рози бўлади. Хуллас, инсон ирфон ила ўлим хотима эмаслигини англайди, ишқ ила унга таслим бўлади.

Сулаймонов М., доцент
(Ўзбекистон)

КАМОЛ ХЎЖАНДИЙ ВА ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ: АДАБИЙ ТАЪСИР

XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ўзбек-туркий тилда баракали ижод қилган шоир Ҳофиз Хоразмий девонининг қўлёзмаси топилганига мана бу йил 45 йил бўлди. Фанга номи ва ижоди умуман маълум

¹ Necmiddin Kubro. Tasavvufta on esas. İstanbul. İnsan yayınları, 2010, – S.89.

² Бу ҳақда кенгроқ маълумот учун қаранг: З.Раҳмонова “Маҳбуб ул-қуллуб”да иршод талқини”. ЎТА. 2019 йил 1-сон, 101-106 – бетлар.

³ Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 86.

бўлмаган шоирнинг кўлэзма девони 1975 йил арофессор Ҳамид Сулаймон бошчилигидаги олиб борилган археографик экспедиция даврида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Солоржанг мезейидан топилган эди. Шоир девонининг топилиши, кўлэзманинг тавсифи, таркибидаги шеърларнинг миқдори каби қизиқарли маълумотлар ҳақида девон кашшофи Ҳ.Сулаймоннинг бир неча мақолалари чоп этилган.¹

Ҳофиз Хоразмий адабий мероси топилганига яқин ярим аср бўлса ҳам ҳали шоир ҳаёти ва ижодига доир баҳс-мунозаралар ниҳоясига етмади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз Хоразмий 1435 йилда ҳаёт бўлган, чунки шу йилда вафот этган Шероз ҳукмдори темурийзода Иброҳим Султон вафотига бағишлаб марсия ёзган. Бу марсия манти, профессор Ҳ.Сулаймоннинг фикрига кўра, кўлэзма дастхатидан фарқ қилади ва кейинроқ кўчирилиб девонга кўшилган². Дарҳақиқат, кўлэзма фотокопиясини кузатганимизда марсия кўлэзмаси бошқа шеърлар матнидан яққол ажралиб туриши маълум бўлди. Мазкур маълумотлар Ҳофиз Хоразмий девони 1435 йилга қадар табдил қилинган, деган хулоса чиқаришимиз учун имкон беради. Шоир девонининг қачон тартиб берилгани ва кўчирилгани, туркий тилда табдил қилинган девонлардан фарқи ҳамда афзаллик тарафлари каби масалалар алоҳида мавзу бўлиб, махсус тадқиқотни талаб қилади, деб ҳисоблаймиз.

Биз ушбу мақоламизда Ҳофиз Хоразмийнинг машҳур шоир Камол Хўжандий ижодига бўлган муносабатини ёритишни мақсад қилиб олганмиз.

Дунё адабиётида номи ва ижоди ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Ҳофиз Шерозийга ҳавас қилиб, ўзига Ҳофиз тахаллусини танлаган Абдурахим Ҳофиз Хоразмий ҳали Хоразмда бўлган пайтларидаёқ шоир сифатида танилиб улгирганлигини девондаги ҳасбу ҳол мазмунини ифодалган байтлардан англаймиз.

*Ҳофизнинг кўрунг ушбу замон турк тилинда,
Гар кечди эса Форсда у Ҳофиз Шероз.³ (Девон, 279)*

Ҳофиз Хоразмийнинг Шерозга боришининг яна бир сабаби, бизнингча, Шерозда туркий элатларнинг яшаганлигидир. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради.

*Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,
Сўрдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе. (Девон, 549).*

Бизнинг кузатишларимиздан шу маълум бўлдики, Ҳофиз Хоразмий Камол Хўжандий ижодига ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан қараган.

¹ Сулаймон Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдарободдан топилган девони. //Адабий мерос:-1976. 6-сон. - Б. 34-43.

² Сулаймон Ҳ. Сўз боши // Ҳофиз Хоразмий Девон 1-китоб,-Т.: ЎКПМнашр. 1981. - Б. 3-15

³ Хоразмий, Ҳофиз. Девон 1-китоб,-Т.: ЎКПМнашр. 1981. -

Шеърларида Камол Хўжандий номини Ҳофиз Шерозийдан кўра кўпроқ тилган олганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Шоир ғазалларида жуда кўп ўринларда Камол Хўжандийни эслайди. Атоқли олим Эргаш Очилов “Камол Хўжандий ва ўзбек адабиёти” номли мақоласида Ҳофиз Хоразмий ижодида машҳур шоирга муносабат масаласини ҳам эътибор қаратган.¹ Адабиётшунос олим Ҳаким Ҳомидий Камол Хўжандий ғазалларининг ўзбекча таржима нашрига ёзган Сўзбошисида куйидагиларни таъкидлайди: “...Камолнинг ўзбек тилида ҳам асар ёзганини ҳеч бир манбаъда зирк эттилмагандек, у Хўжандий тахаллуси билан шеър ёзган ҳам эмас. Лекин уни замондоши Камол Асфоҳонийдан фарқ қилиш учун Камол Хўжандий деб юритадилар”.² Эргаш Очиловнинг такидлашича, номи ва асари фанга ўтган XX асрнинг 90-йилларида маълум бўлган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун-ул-балоға” (Етуклик илмлари) асарида эса Камол Хўжандийнинг туркий тилда битилган шеърларидан парчалар келтирилган, шунингдек, намуна учун энг кўп мисолларни айнан Камол Хўжандий шеърларидан келтирган³.

Тожикистонлик атоқли адабиётшунос олим Эргашали Шодиев бир мақоласида Камол Хўжандий билан “Латофатнома” асарининг муаллифи Хўжандий бир киши бўлиши мумкин, деган ғояни илгари сурган эди⁴. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис-ун-нафоис” тазкирасида шоирни Шайх Камол деб атаган.⁵

Ҳофиз Хоразмий эса Камолни “Шайхи Хўжандий” деб айтади ва ундан мадад олганини баён қилади.

Ҳофизга кўрунди бу замой ҳолу камоле,

Чун ҳол билан қилди мадад шайхи Хўжандий. (Девон, 560)

Биз Навоийга қадар туркий тилда ижод қилган шоирлар меросида “Шайх Камол” ёки “Шайхи Хўжандий” атамаларини учратмадик.

Шоир ишқ ўтини қалбига солган “нори Хўжандий” эканини таъкидлайди. Бу Камол Хўжандий ижодидан руҳланган, илҳомланган, унга

¹ Очилов.Э. Камол Хўжандий ва ўзбек адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 5-сон, 40-47-бет.

² Ҳ. Ҳомидий. “Ҳаётбахш ғазаллар куйчиси” Юқоридаги нашр. 8-бет.

Камол Хўжандий. Девон. - Т.: Ўзадабийнашр.1962, 233 бет. Бундан кейин Камол Хўжандийдан келтирилган мисоллар шу нашрдан олинди ва саҳифаси кўрсатилди.

³ Очилов.Э. Камол Хўжандий ва ўзбек адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 5-сон, 40-бет.

⁴ Очилов.Э. Юқоридаги манба. 41-бет.

⁵ Шайх Камол — Камолуддин Масъуд (туғ. тахминан 1318—23, Хўжанд — ваф. 1401, Табрз) Камол Хўжандий номи билан машҳур. Шоир асосий таҳсилни Хўжандда, кейин Самарқандда олган. Хоразм ва Шош (Тошканд)да ҳам истиқомат қилган. Камол Хўжандий ниҳоятда билимдон шахс бўлган: адабиёт, араб тили, фикҳ, ҳадис, калом, ҳикмат, тафсир ва тасаввуфни пухта билган. Ироқ ва Озарбайжои ҳокими Табрз атрофидан Волиёнқуҳ деган мавзеъни тўхфа қилгач, ўша ерда боғ барпо этган ва уни Беҳишт деб атаб, боғдорлик билан кун кечирган. Навоий Камол Хўжандий ижодига катта ҳурмат билан қараган ва «Девоний Фоний» таркибидаги, ғазаллардан 4 тасини шу шоирга жавоб тарзида ёзган. Алишер Навоий. “Мажолис –ун-нафоис”. www. ziyouz. Kutubxonasi. 134-6

эришган шоирнинг эътирофи десак, хато қилмаймиз.

Оташи ишқни Ҳофиз кўнглиндин изданг,

*Чун анинг кўнглида бордур бу замон **нори Хўжанд**.* (Девон, 125)

Ҳофиз Хоразмий Камол Хўжандий ижодидан илҳомланиб, унинг даражасига эришишга ҳаракат қилган, устозига етишни ўзи учун муваффақият деб билган. Қуйидаги фахрия - татаббу шоирнинг устозига хурматини англатади.

Ул туркнинг камолу жамоли сифатида,

*Ҳофиз эмасдур ушбу **Камол Хўжанд** эрур.* (Девон, 162)

Қизикарли жиҳати шундаки, қуйидаги байтда Камол Хўжандий туркий тилида ижод қилмаганлигини Ҳофиз Хоразмий ҳам таъкидлагандек туюлади. Яъни шоир фахрланиб, туркий ғазалда Камол Хўжандий даражасига етдим, дейди.

Кўргали ҳусну жамолингни камолинг бирла,

*Топти Ҳофиз газали туркийда бас **таври Камол**.* (Девон, 357)

Ёки қуйидаги байтда ҳам шу фикрни таъкидлайди:

*Туркий газалда топди Ҳофиз **Камол таврин**,*

Чун бор ҳусн ичинда дилдорининг камоли.

Ҳофиз Хоразмий бир қанча байтларида Ҳофиз Шерозийга тенглашмоқни орзу қилганлигини очиқ-ойдин таъкидлайди. Шоир Камол Хўжандийга нисбатан ҳам шундай фикрларни баён қилади.

Ул туркнинг камолу жамоли сифотида

*Ҳофиз эмасдур ушбу **Камоли Хўжанд** эрур.*

Кўриниб турибдики, сўз турк-ўзбек қизининг жамоли ҳақида кетаяпти.

Ҳофиз Хоразмий таҳлилга торилаётган қуйидаги байтида эса, маболаға қилиб, Камол Хўжандийни комил шоҳимиз, деб улуғлайди. Байтнинг Камол сўзи билан бошланиши Камол Хўжандийга ишора, деб бемалол айтиш мумкин.

***Камол** Ҳофиз агар топса ушбу тавр ичра,*

*Ғариб эмас чу назар қилди **шоҳи комилимиз**.*

Ҳофиз Хоразмийнинг қуйидаги байтида ҳам Камол Хўжандий шоҳимиз дкб аталган.

Кўрса эди бу шеърни туркий тилин билиб,

*Юз офарин ўқизай эди **шоҳимиз Камол**.*

Байт мазмунидан Камол Хўжандий туркий тилни билиб, тушуниб, бу шеърни ўқиса, юз офарин айтади, деган маъно англашилади. Балки шоир бу байтни ёшлик чоғида, ҳали Камол Хўжандий ижодидан яхши хабардор

бўлмаган пайтларида ёзгану кейин девонига шундай киритиб юборгандир.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳофиз Хоразмийнинг девонидан келтирилган байтларда Камол Хўжандий ҳақидаги билдирилган фикрлар форс адабиёти билан туркий адабиёт алоқалари соҳасидаги янги саҳифалар ҳисобланади, деб айтиш мумкин.

Адабиётлар

1. Сулаймон Ҳ. *Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдарободдан топилган девони. //Адабий мерос. - 1976. 6-сон. - Б. 34-43.*
2. *Ҳофиз Хоразмий, Ҳофиз. Девон 1-китоб - Т.: ЎКПМнашр. 1981. - Б. 3-15*
3. *Хоразмий, Ҳофиз. Девон 2-китоб - Т.: ЎКПМнашр. 1981.*
4. *Хўжандий, Камол. Девон. - Т.: Ўзадабийнашр.1962, 233-бет.*
5. *Очилов.Э. Камол Хўжандий ва ўзбек адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 5-сон, 40-47-бет.*

**Сабирова Н., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори
(Ўзбекистон)**

ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШОИРА – ДОСТОНЧИ ХОНИМ ХАЛФАНИНГ ЎРНИ

Хоразм минтақасида дostonларни қироат билан ўқиб эшиттирадиган ёки оғзаки равишда гармон жўрлигида куйлайдиган яна бир ижрочилар борки, уларни воҳада халфалар деб юритишади. Ҳакимов, 2013: 88).

Хоразм воҳасида халфачилик анъаналари қадимдан бошлаб кенг оммалашган. Ҳозирги кунда халфа деганда, дастлаб, тўйларда хизмат қиладиган, гармон чалиб ашула айтадиган аёл ва унинг ёнидаги доирачи билан раққосадан иборат кичик ансамбл тушунилади. Қолаверса, тўй ва азаларда диний ва дунёвий китобларни қироат билан ўқийдиган аёллар ҳам халфа деб юритилади. Республикамизнинг бошқа минтақаларида учрамайдиган бу анъана хусусида кўпгина тадқиқотлар эълон қилинган Қобулниёзов, 1965:23].

Хоразм халфачилигининг илк забардаст сиймоларидан бири шоира Хоним халфа Саидамат қизи бўлиб, у Хивада Хоним сувчи лақаби билан машҳурлик қозонган. Шоира-халфа саводхон, хонандалик ва созандалик қобилиятини тўла эгаллаган. Қисса-дostonларни махсус оҳангга солиб (речитатив) куйлаган. 1895 йилдан бошлаб дoston ва кўшиқларни гармон жўрлигида ижро қила бошлаган хЮсупов, 1967:115]. Дастлабки ўзбек фолҳклоршунослигининг дарғаларидан бўлган Ҳоди Зарифнинг шоира-халфа ҳақидаги хотираларига эътибор қаратамиз: “1930 йил, ёзнинг иссиқ кунлари. Хивада, Дошҳовлидаги Хоразм музейи биносида тадқиқот ишларини бошлаб юбордик. Илмий ходим Бекжон Раҳмон хивалик Хонимжон аяни Дошҳовлига

етаклаб келди. Мендан анчагина катта ёшли бу аёл таъзим билан, улуғ камтарлик, ҳурмат ва икром билан кўришганда, мен ўзимни мусофирликда онам ўз бағрига олаётгандек ҳис этдим. Биз суҳбатлашиб, тезда она-боладек бўлиб қолдик... маълум бўлишича, бу олижаноб аёл хонлар хонадонининг қулларидан, Исфандиёрхоннинг чўриларидан бири бўлган экан... Мен бу шоиранинг “Хон зулми”, “Бевафо золим” каби инқилобий руҳдаги шеърларини ўз оғзидан ёзиб олганим билан фахрланаман. Мени эпос ҳам қизиқтирар эди. Катта қобилият эгаси, санъаткор, шоира Хонимжон халфадан “Асилхон” (“Асил Карам”) достонини ёзиб олдим. Ўша йили ундан Буюк Каримий “Тоҳир ва Зухра” достонини ҳам ёзиб олган. Мен халқ ижодчиларининг зўр вакиллари кўрганман. Аммо аёл халқ шоирлари билан шахсан учрашмаган эдим. Хивада шунга муяссар бўлдим” ҳМирзаев, 2013:262].

Биз фольклоршунослар – ҳаммамиз шўро даврида Хоним халфа ҳақида юқорида қайд қилингандек, мубҳам, ноаниқ тасаввурда эдик. Энди бу жабрдийда аёлнинг ҳақиқий ҳаёт саҳифаларини варақлаш учун мозийга қайтамиз. ҚИҚ асрнинг қоқ ўртаси. Муҳаммад Аминхон даври. Кунларнинг бирида хон саройи дарвозаси олдига номаълум аёл янги туғилган чақалоқни ташлаб кетади. Боланинг йиғиси дарвозабонлар қулоғига эшитилгач, улар чақалоқни кўриб, эшик оғасига хабар беришади. Эшик оғаси эса болани кўтариб хоннинг олдига киритади. Ҳукмдор дарҳол олиму уламоларни чақириб, уларга воқеани баён қилади. Йиғилганлар: –Бу болани сизга Худо етказди. Кечагина жангу жадаллардан омон-эсон қайтиб келдингиз. Бу бола сизга Худонинг юборган мукофоти илтифотидур, – дейишади. Хон бу сўзлардан кейин кайфи чоғ бўлиб, болага исм кўйишни таклиф қилади. Кўпгина мунозаралардан кейин унга Қутлигалди исмини маъқул топишади. Аммо болани кўпроқ Қутлимурод деб аташган. Бола вояга етгач, уни хон саройни сув билан таъминлаш гуруҳига бошчи қилиб тайинлайди. Ўша йиллари Хиванинг жанубий қисмида Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг орқасида Саидмуродбий оиласида бир қиз дунёга келади. Унга Хонимжон деб исм кўйишади. Бу қиз зеҳли, илму урфонга иштиёқманд бўлиб, етти-саккиз ёшларида кўплаб халқ кўшиқлари, эртақ ва достонларини ёд олади. Шунингдек, Навоий, Фузулий, Огаҳий, Машраб каби буюк шоирларнинг ғазалларини мутолаа қилади. 14–15 ёшларида форс ва араб тилларини ўрганади, ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлайди. Бу даврга келиб, хонлик тахтига Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз чиққан эди У Хонимжоннинг таърифини эшитгач, бу қизни саройга олдириб, ўзининг суюкли қизи Чинни бикага мураббий қилиб тайинлайди. Кейинроқ сарой халфаларининг бошчиси қилиб кўяди. Феруз тахтга ўтиргандан кейин ўн йиллар ўтгач, Хонимжонни биз юқорида тилга олган Қутлигалдига никоҳлаб, катта тўй ўтказди. Хоним халфа шу сабабдан бўлса керак, кўп шеърда Хоним сувчи тахаллусини қўллайди. Бу тахаллус эрининг касби-корига ҳурмат юзасидан танланган бўлса

керак. Хоним халфа иккита ўғил кўрган. Биринчиси Раҳимберган Петербургда ўқиб, “Ёш хиваликлар” ташкилоти фаолига айланган. Инқилобдан кейин Самарқандда шўро ҳукуматининг масъул лавозимларида ишлаган. Кейинги тақдири номаълум. Уни қатағон тегирмони домига тортиб кетган. Иккинчи ўғил Каримберган ўқишга унчалик қизиқмай, савдо-сотик билан шуғулланган. Чорсуда дўконлари бўлган. Унинг Бикажон бика исмли қизидан ҳозирда элга машҳур бўлган Ўзбекистон халқ рассоми, истеъдодли ижодкор Тўра Қурёзов туғилган. Шу тариқа, 1920 йил ҳам келиб, Хивада хон ағдарилади. Шўро тузуми айғоқчилари хонга алоқадор кишилар атрофида изғий бошлашади. Бу исковучлар Хоним халфани ҳам эсдан чиқармадилар. Хоним халфа жуда бой-бадавлат яшар эди. У хавфни сезиб, гилам ва бошқа ашёларни қўшниларга тарқатиб улгура олди, холос. Аммо иккита кичик қути сандиқчада олтин, кумуш ва бриллиантлар бор бўлиб, улар айвон сахнидаги устунлар тагига кўмилган эди. Исковучлар ҳаммасини тортиб олиб кетишди. Хоним халфанинг катта кутубхонаси бор эди. Кўрққанидан барча китобларини қабристонга олиб бориб кўмиб ташлайди. Элакчилик кўчасидаги уйини мусодара қилиб, давлат тасарруфига олишди. У ерда баландлиги икки қаватли уйга тенг келадиган мусиқа асбоби бор эди. Уни фақат оёқ ва қўллари ҳаракатида Хоним онанинг ўзигина чала олар, кўплаб ёш халфаларни ўша ерда тарбиялар, уларга мусиқа ва хонандаликдан таҳсил берар эди. Бизнингча, бу асбоб Феруз Петербургдан олдирган орган мусиқа асбоби бўлиши керак. Ёки бўлмаса, Янгиариқнинг Чиқирчи қишлоғида яшаган немислар уни ясаб беришган ёки Европадан олиб келиб, хонга туҳфа қилишган. Соз жойлашган уй икки-уч оилага бўлиб берилган. Улар қиш бўйи созни бўлаклаб, ўчоққа ўтин сифатида ишлатишган. Хоним халфага тазйиқ тўхтамаган. Охир-оқибат у келини ва қизи билан Пишканик қишлоғига кўчиб ўтган. Шундай бўлса-да, у 5 йилга қамалган. Қамокда Хоним халфа Исфандиёрхоннинг биринчи хотини Бикажон бика билан бир камерада ўтирган. Бикажон бика унга бир вақтлари кўп яхшиликлар қилган эди. Чунки Феруз вафотидан кейин Исфандиёр барча шоиру созанда, халфаларни саройдан ҳайдаган, ўша пайтда Бикажон бика Хоним халфани хондан илтимос қилиб, саройда олиб қолган эди. Анча кексайиб қолган Хоним халфа турмадан чикқач, кўп яшамай, 1936 йилда вафот этади [Қурязов, 2014:13]. Хоним халфа шўро ҳукуматига хизмат қилишга ҳам уриниб кўрган. Машҳур хонанда Мадраҳим Шерозий билан ҳамкорлик қилиб, янги даврга мос кўшиқлар ҳам куйлаб юрган. Тамарахоним билан танишган. Тамара хоним унинг бир дафтар тўла шеърларини чоп қилдираман, деб олиб кетган, аммо шеърларнинг кейинги тақдири номаълумлигича қолган.

Хоним халфанинг “Найлайн армонли кетдим”, номли шеъри бор:

Эй ёронлар, биродарлар,
Найлайн, армонли кетдим.
Қараб турган қиз-жувонлар,
Найлайн, армонли кетдим.

Жойим, айвоним йиқилди,
Уйимга қора тикилди,
Болаларим етим қолди,
Найлайн, армонли кетдим.

Энди менинг чиқар жоним.
Оқар бўлди қизил қоним,
Йўқдир турмоққа мадорим,
Найлайн, армонли кетдим.

Ушбу парчадан маълум бўладики, Хоним халфанинг умри хор-зорликда кечган. Биз бу шеърни шу пайтгача шоиранинг хонлар давридаги аянчли ҳаёти тарзида шарҳлаб келдик, ваҳоланки, шеър ижодкорнинг шўро даври ҳаётининг ифодаси экан ҳ [Ўзбек педагогикаси антологияси, 1995:415]. Ушбу шеър шоиранинг ўлими арафасида ёзилган. Унинг Исфандиёрхонни лаънатловчи “Бевафо золим” шеъри шўро даврида ёзилган. Бунинг асосий сабаби Исфандиёрхон ўз қилмишлари сабабли лаънатлашга лойиқ ҳукмдор бўлган. У бошқа санъаткорлар қатори, Хоним халфани ҳам саройдан бадарға қилади. Қолаверса, шоира шўро сиёсатидан жуда кўрқиб қолган. Ҳатто отасининг исмини ҳам Саидмуродбий тарзида айтишга ҳадиксираб, Саидамат, туғилган жойини ҳам Хива шаҳри эмас, Пишканик деб айтишга мажбур бўлган. Ҳоди Зарифга ўзини хоннинг чўриси деб таништирган. Шу сабабли айрим шеърларида эски тузумни қоралашдан бошқа илож топа олмаган. Шоиранинг кўпгина шеърлари, илгари айтганимиздек, Тамарахоним кўлида қолиб кетган. Аксарият шеърлари Анаш халфа, Ожиза, Назира халфа каби шогирдлари тилидан ёзиб олинган. “Ўзбек шеърляти антологиясида ҳ [Ўзбек шеърляти антологияси, 1961:56] иккита, “Ўзбек педагогика антологияси”да учта шеър чоп этилган. Ҳозирги даврда халфалар ижро этаётган тўй-маросим ва дoston кўшиқларининг деярлик барчаси Хоним халфа мусиқа анъаналари асосида яшаб келаётир. Афсуски унинг оёқ билан попишакларини, қўл билан клавишларини босиб чаладиган “Катта сози” бизгача етиб келмаган ва унинг номини ҳам бирор халфа, чевараси Тўра ака ҳам эслай олмайди. Замон ўткинчи, аммо Хоним сувчи каби хонлар ҳукмронлиги давридаёқ гармон, “Катта соз” чалган илғор фикрловчи ижодкорлар кам топилади. У яратган Хоразм халфачилик санъати мактаби эса ҳамиша барҳаёт ва боқийдир. Хоним халфа жуда иқтидорли, бадеҳағўй, ҳофизаси кучли ижодкор. Унинг репертуарида ўнга яқин дoston бўлган, аммо фақат “Асли-Карам” дostonи ёзиб олинган. Дoston матнини Хоним халфа яшаган даврдан 100 йил олдин кўчирилган нусха билан қиёслаганда, шоиранинг нақадар бадеҳағўй бўлганлигига қаноат ҳосил қилдик. Шеърлар ниҳоятда нафис қилиб қайта ишланган. Шоира ижодига мансуб кўплаб шеърлар дoston таркибидан жой олган. Дostonнинг Хоним халфа варианты ҳозирда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт илмий текшириш институти фолҳқлор бўлимида 42-рақамли ҳазинада сақланмоқда.

Адабиётлар

1. Қобулниёзов Ж. Хоразм халқ кўшиқлари. –Т.: Фан, 1965.
2. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф сабоқлари. –Т.: “SHAMS ASA”, 2013.
3. Қурёзов Т. Нотекис йўллар. –Т.: 2014. –Б.3-13-бетлар.
4. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
5. Ўзбек шеърляти антологияси. 1-том. –Т.: Ўздавнашр, 1961.
6. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1967.

*Саидов С.,доцент
(Тоҷикистон)*

АЛИШЕРИ НАВОЙ ВА АДАБИЁТИ ТОҶИК

Амир Низомиддин Алишери Навоӣ, ки рӯзгораш дар асри 15 милодӣ сурат пазируфтааст, бунёдгузори адабиёти туркӣ-чағатоӣ ба шумор меравад ва гузашта аз адибу суҳанвари мумтоз будан аз шахсиятҳои давлатӣ ва сиёсии замони хеш буд. Ӯ шоири зуллисонайн буда, ашъории форсии ӯ бо таҳаллуси Фонӣ аз замони зиндагиаш мавриди тавачҷӯҳи аҳли адаб қарор дошт. Дар осори илмиву адабии ҳамасронаш Абдурахмони Қомӣ, Султон Мирзо Ҳусайни Бойқаро, Гиёсиддин ибни Ҳимомиддин Хондамир, Давлатшоҳи Самарқандӣ, Зайниддин Маҳмуди Восифӣ, Восифӣ ва дигарон маълумотҳои муфид дар бораи зиндагиву рӯзгор, ҷаҳонбиниву истеъдод ва ашъори туркиву форсии шоир зикр ёфтааст. Абдурахмони Қомӣ дар маснавии “Ҳирадномаи Искандарӣ”- и худ ишора ба қудрати бузурги Алишер Навоӣ дар эҷоди ашъори туркии ӯ намудааст:

Ба туркизабон нақше омад аҷаб
Ки ҷодудамонро бувад мӯҳри лаб
Бибахшуд бар форсигавҳарон
Ба назми дарӣ дурри назмоварон
Ки гар будӣ он ҳам ба лафзи дарӣ
Намондӣ маҷоли суҳангустарӣ
Ба мизони он назми мӯъҷазнизом
Низомӣ ки будиву Ҳусрав кадом?
Чу ӯ бар забони дигар нукта ронд
Ҳирадро ба мизоншон раҳ намонд

Қамолиддин Биноӣ баробари ишора ба осори туркии Алишери Навоӣ намудан зикр мекунад, ки ашъори форсии суҳанвар низ хуб аст:

Шеърӣ	ӯ	буд	бештар	туркӣ
Ки набудаш назир дар туркӣ				
Дар суҳан табъи зуфунунаш буд				
Нуктагире зи ҳад фузунаш буд				
Буд дар форсиву туркӣ хуб				
Форсӣ хуб туркиаш марғуб				

Алишер Навоӣ дар ашъораш худаш низ борҳо ба суханвари зуллисонайн буданаш таъкид мекунад:

Маънии ширину рангинам ба туркӣ беҳад аст,
Форсӣ ҳам лаълу дурҳои симин гар бингарӣ
Гӯиё дар раста бозори сухан бикшодаам,
Як тараф дӯкони қаннодиву як сӯ заргарӣ

Дар сарчашмаҳои мӯътамади асрҳои минбада чун тазкираву осори илмӣ номи Алишер Навоӣ ҳамчун суханвари муқтадир ва шахсияти маъруфи замон тазаккур ёфта, суханшиносон ном ва ашъори ўро бо эҳтироми бузург ёд кардаанд. Махсусан дар навоишиноси навин,ки аз ибтидои садаи 20-ум оғоз ёфтааст аз заҳмоти суханшиносон ва муҳаққиқони ватаниву хориҷӣ В.В. Бартолд, Садриддин Айни, С.С.Бертелс, А.Н. Болдирев, И.С. Брагинский, Ҳ.Сулаймон, Р.Ҳумоюнфаррух, А.Мирзоев, А.Қаюмов, Р.Ҳодизода, А.Афсаҳзод, М.Яъқуб, В.Чузқонӣ ва дигарон ёд кардан айни матлаб аст. Дар навиштаҳои ин олимони тамоми паҳлӯҳои зиндагӣ ва эҷодиёти Алишер Навоӣ инъикос ёфтааст. Аксари ин муҳаққиқон бар онанд,ки Алишер Навоӣ аз туркони форсигӯ буда, ҳанӯз аз синни понздаҳсолагӣ ҳамчун шоири зуллисонайн шўҳрат пайдо намуда, дар сурудани ашъори туркӣ-чағатоӣ бо таҳаллуси Навоӣ маъруфият доштааст. Ин аст,ки ўро поягузори ҳам адабиёти ўзбек ва умуман адабиёти туркӣ мешуморанд. Алишер Навоӣ баробари хидмати бузургеро дар назади адабиёти ўзбек анҷом доданаҳ дар густариши шеъри форсӣ-тоҷикӣ низ саҳми шоистаи худро гузоштааст. Дар ин чода “Девони форсӣ”-и шоир бо таҳаллуси Фони намунаи олии ҳунари шоир маҳсуб мешавад. Ин девон иборат аз силсилаи ғазал, қасида, мусаддас, марсия, китъа, рубоӣ, моддаи таърих, луғз буда, фарогири бештар аз шаш ҳазор байт мебошад. Муҳаққиқон бар онанд,ки ду нусхаи қалами “Девони форсӣ” дар китобхонаи миллии шаҳри Пориси мамлақати Фронса (таҳти рақамҳои 285 ва 1345), ду нусхаи дигар дар Осорхонаи мардумии шаҳри Хирот (таҳти рақами 1101) , як нусха дар китобхонаи Маҷлиси Шўрои миллии Эрон ва нусхаи дигар дар китобхонаи Туркия ниғаҳдорӣ мешавад. Дар заминаи ин нусхаҳо “Девони форсӣ” якҷанд маротиба дар Техрон ва Тошканд рӯи чопро дид ва аз ҷониби мутарҷимон он ба забони ўзбекӣ тарҷума ҳам гардидааст.Соли 1993 дар Тоҷикистон “Девони форсӣ” ба шакли мунтахаб аз ҷониби муҳаққиқ Али Муҳаммадӣ бо як сарсухани пурмўҳтаво таҳти унвони “Сухане чанд дар мавриди турки форсигӯ” интишор шуд.

Дар “Девони форсӣ”-и Фони асосан ду навъи осори манзум ба назар мерасад,ки яке ғазал ва дигаре қасида мебошад,ки аксарашон дар татабуъ ва пайравии суханварнони тоҷику форс иншо гардидааст.Аз ҷумла Фони бар истиқболи ашъори шоироне монанди Анвари Абевардӣ,Ҳоконии Шервонӣ,САъдии Шерозӣ, Ҳофизи Шерозӣ, Камоли Хучандӣ, Салмони Соваҷӣ, Амир Хусрави Дехлавӣ, Ҳасани Дехлавӣ, Мавлоно Шохӣ, Ҳусайн Мирзо Бойқаро, Абдурахмони Ҷомӣ ва дигарон шеър гуфтааст. Али Муҳаммадӣ дар сарсухани “Девони форсӣ”,ки қабалан зикраш рафт мегӯяд,ки “Фони

бештар аз ҳама шефта ва фирефтаи ашъори Хоҷа Ҳофиз аст ва дар мактаби ирфониву адабии ӯ рутбаи шогирди бо қаринаро дорад ва ба ҳамин далел бештарин ашъори ӯ чи ба туркии чағатой ва чи форсӣ татабӯъ аз маъони рӯҳонӣ ва равонии ғазалиёти Ҳофиз буда ва мебошад”. Вале дар баробари ин набояд фаромӯш кард,ки Алишер Навоӣ дар офариниши ашъори форсӣ аз мактаби суҳанвароне монанди Саъдии Шерозӣ,Қамоли Хучандӣ, Абдурахмони Қомӣ, Амир Хусрави Деҳлавӣ, Ҳасани Деҳлавӣ бархурдор гардидааст.

Чунончи дар байте ишора мекунад:

Хусраву Ҳофиз туро Фонӣ агар ҳодианд,

Пайрави Қомит ҳаст ӯй ба вачҳи Ҳасан

Алишер Навоӣ сабаби татабӯъ намудани худро ба ашъори суҳанварони маъруфи тоҷику форс чунин шарҳ медиҳад:

Татабӯъ кардани фонӣ дар ашъор

На аз даъвиву на аз худнамоист

Чу арбоби суҳан соҳибдилонанд

Муродаш аз дари дилҳо гадоист

Ин абёт аз он шаҳодат медиҳад, ки Мир Алишер Навоӣ бо вучуди бузургиву беназириаш дар суҳанварӣ як шахсияти хоксоре будааст ва аз қамоли бузургвориву ҳимматбаландӣ дар назди ашъори суҳанварон сари таъзим фуруд меорад. Ҳол он ки дар суҳан ва офариниши мазмуну маъниҳои баланд дар форсӣ низ ашъор Фонӣ бо осори суҳансароёни маъруф сар ба сар мезанад.

Мир Алишер Навоӣ дар радифи осори суҳанварони фирсизабон ба ашъори Шайх Қамолиддин Масъуди Хучандӣ низ тавачҷӯҳи калон дошт. Осори ин шоири нозукбаён,ки дар сатҳи олиии санъати суҳан эҷод шудааст наметавонист Фониро бетараф гузорад.Дар мутахаби китоби “Девони форсӣ” 13 татабӯъ бар ғазалҳои Шайх Қамоли Хучандӣ аз ҷониби Фонӣ эҷод шудааст,ки ҳаряке дар ҳаддӣ балоғат ва фасоҳати калом ба қалам омадааст. Муаллиф ин намунаҳоро бо унвони “Татабӯи Шайх”, ва “Дар таври Шайх Қамол” руи қоғаз оварда, ҳунари баланди суҳанвариро ба намоиш гузоштааст. Алишер Навоӣ аз ашъори Хоҷа Қамоли Хучандӣ бештар ба шеърҳои тавачҷӯҳ кардааст,ки онҳо оҳанги ишқӣ ва ирфонӣ доранд ва эҳсос мешавад,ки шоир бештар ба сабку услуб,забон ва ифодаҳои намкини Хоҷа Қамоли Хучандӣ муҳаббат дорад. Яке аз намунаҳои ин гуна татабӯъ бар ғазали “Ёр гуфт: Аз ғайри мо пӯшон назар! Гуфтам: Ба чашм!” мебошад,ки ҷолиби тавачҷӯҳ аст. Барои намоиш додани ҳунари баланди суҳанварии Фонӣ ба забони форсӣ ин татабӯъро ба таври муқоиса бай ба байт меорем:

“Ёр гуфт: Аз ғайри мо пӯшон назар! Гуфтам: Ба чашм!”

В-он гаҳе дуддида дар мо менигар. Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт роҳамро бирӯб он симбар . Гуфтам: Ба чашм!

Гуфт: Дигар раҳ бизан оташ дигар. Гуфтам: Ба чашм!

Қамол:

Гуфт: Агар ёбӣ нишони пой мо бар хоки роҳ,
Барфишон он чо ба доманҳо гуҳар! Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт : Агар рӯзе зи зулфам дур мондиву чудо,
Гиря мекун з-аввали шаб то сахар ! Гуфтам: Ба чашм!

Камол:

Гуфт: Агар сар дар биёбони ғамам хоҳӣ ниҳод,
Ташнагонро муждае аз мо бубар. Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт: Агар бар ёди лаълам бодаи гулгун хурӣ,
Косаҳо пур соз аз хуни цигар . Гуфтам: Ба чашм!

Камол:

Гуфт: Агар гардад лабат хушк аз дами сўзону ох,
Боз месозаш чу шамъ аз дида тар. Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт: Агар хоҳӣ ба рўям чашми худ равшан кунӣ
Аз ҳама хубон бикун қатъи назар . Гуфтам: Ба чашм!

Камол:

Гуфт: Агар бар остонам об хоҳӣ зад зи ашк,
Ҳам ба мижгонат бирўб он хоки дар. Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт: Агар ёбад зи шои ҳаҷр чашмат тирағӣ.
Соз аз шамъи рухам нури басар. Гуфтам: Ба чашм!

Камол:

Гуфт: Агар гардӣ шабе аз рӯи чун моҳам чудо,
То сахаргоҳон ситора мешумар! Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт: Бо чашмат бигў к-аз хоки роҳи ту санам,
Нур бояд сурмаро миннат мабар . ! Гуфтам: Ба чашм!

Камол:

Гуфт: Агар дорӣ хаёли дурри васли мо, Камол,
Қаъри ин дарё бипаймо сар ба сар! Гуфтам: Ба чашм!

Фонӣ:

Гуфт Фонӣ чунки аҳли ишқ сўи маҳвашон,
Бингаранд он дам ту сўи мо нигар ! Гуфтам: Ба чашм!

Аз муқоисаи ашъори ин ду суҳанвар собит мешавад, ки Мир Алишери Навоӣ дар татабуӣ шуаро аз ҷумла Хоҷа Камоли хунари баланди суҳанвари ро ба намоиш гузошта собит кардааст, ки дар форсӣ низ устои суҳан мебошад. Метавон гуфт ки татабуоти Мир Алишер Навоӣ ганҷинаи бебаҳои адабиёти классикии тоҷикӣ-форсиро ғанӣ гардонида исми ои суҳанвар дар радифи бузуртарин шуарои форсизабон зикр мегардад.

Сайфуллаев М., доцент
(Ўзбекистон)

**СИРОЖИДДИН СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ МАТБУОТДА
ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ЯНГИ ШЕЪРЛАРИ
"АЛ-ИЗОҲ" ЖУРНАЛИ МИСОЛИДА**

XX аср ниҳоятда эврилишларга бой юз йиллик ўлароқ жаҳон тарихи саҳифаларига битилди. Илм-фан, техника, саноат, иқтисод, сиёсий ҳаёт, ижтимоий онг ва тафаккурдаги кескин ўзгаришлар билан тўла бу даврнинг дастлабки 20 йиллиги эса мазкур янгиланишларнинг тамали, десак янглишмаймиз.

Бу вақтда дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Туркистонда ҳам сиёсий соҳада тарихий ҳодисалар: ҳокимият алмашинуви содир бўлаётган эди. Натижада, турмушнинг деярли барча қирралари кутилмаган йирик техникалашув жараёнига юз тутган эди. Табиийки, буларнинг бари биринчилардан бўлиб бадиий адабиётда акс-садо бера бошлади. Вақтли матбуотнинг кириб келиши ва оммавийлашуви эса адабиётнинг ҳозиржавоблик функциясини янада кучлантирди.

Маълумки, 1870 йилдан то 1917 йилгача “Туркистон вилоятининг газети”да маҳаллий ўлка ижодкорларининг турли жанрдаги бадиий асарлари нашр қилиниб турган. 1906 йилдан эса Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари катта маданий марказларда илк миллий матбуот нашри саналмиш “Тараққий”дан тортиб ундан сўнг то 30-йиллар бошигача ташкил қилинган “Самарқанд”, “Садо Туркистон”, “Ойна”, “Ал-Ислоҳ”, “Юрт”, “Кенгаш”, “Хуррият” сингари газета ва журналларда миллий уйғониш шоирлари, жадидлар ва илм аҳлининг ижод намуналари чоп этилиб турган.

1917 йилнинг 19 июнида “Уламо жамияти” ўзининг тарғибот воситаси сифатида таъсис этган “Ал-Изоҳ” журнали ҳам ана шундай даврий матбуот сирасига қиради. 1918 йилнинг 5 майига қадар журналнинг 31 сони эски ўзбек ёзувида, асосан, ўзбек тилида чоп этилган бўлиб, унинг илк сонидан **диний, илмий, адабий, сиёсий** мавзулар ёритишга мўлжалланган мажалла бўлиши хабар берилган.

Дарҳақиқат, мажалланинг қўлимиздаги сонларининг мундарижаси юқоридаги маълумотни тасдиқлайди. Жуда кўплаб диний-эътиқодий, фикҳий (қонунга оид), тарихий-ижтимоий, сиёсий-маърифий мақолалар қаторида адабий матнлар ҳам мавжуд бўлиб, деярли фақат шеърий шаклдагина учрайди.

Журналда аруз, бармоқ вазнларида аралаш жами 28 та шеър (26 та ўзбекча, 2 та форс-тожикча, 1 та арабча) эълон қилинган бўлиб, улар ғазал, таркиббанд, маснавий, мураббаъ, мухаммас каби жанрларда яратилган. Шеърларнинг аксар қисми тарихчи олим М.Зикруллаев томонидан “Тараққиёт ва хуррият ишқида” номли рисоласида жорий кирилл алифбосида эълон қилинган.

Ушбу шеърлар Васлий Самарқандий, Каримбек Камий, Сидқий Хондайлиқий, Тавалло сингари таниқли жадид шоирлари ҳамда Абдуллоҳ махдум, Карим Охунд ўғли (Насрий), Турсунмуҳаммад Аълам Туркистоний (Ғурбатий), Шукрий-Шараф, Мулло Муҳаммад Юнус Тошкандий (Рамзий) Мулла Содиқ Имонқули(Содиқий) каби Туркистон ўлкасининг турли ҳудудлари, кўпроқ Тошкент миёналарида яшаб, бадиий ижод билан ҳам шуғулланган дин олимлари, мударрислар, шунингдек, “Ал-Изоҳ” журналининг ходимлари: Авлиёотали Мубашширхон, Абдулқодир Тошкандийлар қаламига мансубдир.

Мазкур муаллифлар орасида Васлий Самарқандий ва Сидқий Хондайлиқий шеърлари жами бадиий матнларнинг тенг ярмини ташкил қилади. Ўз навбатида, улар ўша даврда кун тартибининг долзарб муаммосига айланган Миллий истиқлол, Хуррият, Иттифок, Тараққиёт, Исломнинг софлигини сақлаб қолиш ва маърифатини англашиш каби мавзуларда ёзилгани билан янада диққатга моликдир.

Маълум бўлишича, юқорида жадидчилик ҳаракатининг етук намояндалари сирасида қайд этганимиз: Васлий Самарқандий, Сидқий Хондайлиқий, Каримбек Камий, Таваллолар “Ал-Изоҳ”гача ҳам вақтли матбуотнинг турли нашрларида фаол бўлишган. Тавалло, Камий, Васлийнинг “Ойна”, “Ал-Ислоҳ” журналида мақола ва шеърлари билан мунтазам иштирок этганликларини проф. Б.Қосимов, ф.ф.доктори Қ.Пардаев ва т.ф.н. Г.Нишонвалар ҳам ўз тадқиқотларининг бир неча ўринларида алоҳида қайд қилган. Шунингдек, Каримбек Камий бўйича махсус изланишлар олиб борган О.Олтинбек шоирнинг “Тошкентда чиққан “Тараққий”, “Садои Туркистон”, Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Нажот”, Самарқандда чоп этилган “Самарқанд”, “Ойна” каби даврий нашрлар ҳам Камий адабий меросининг манбалари” бўлганлигини таъкидлайди.

“Ал-Изоҳ”да ҳал қилиниши лозим бўлган диний-ижтимоий масалаларни, ўзи мансуб ҳудуднинг энг оғриқли нуқталарини теран англаган зиёли, дин олими, тарихчи ва таржимон, кўламдор шоир Сирожиддин Сидқийдир.

У ўз исми олдида “фақир”, “махдум”, “зоҳид” каби изоҳловчиларини қўллар экан, “Сидқий”, “Хондайлиқий” сингари тахаллусларни истифода этади. Журналнинг дастлабки сонларида унинг мунтазам иштироки кўринади. “Тоza адабиёт”, “Изҳори ҳақиқат”, “Таронаи исломий”, “Сайловға даъват” шеърлари Сидқийга тегишли бўлиб, мазкур шеърлар шоирнинг бугунги кунгача чоп этилган асарларида учрамаслиги билан характерланади.

“Ал-Изоҳ”нинг илк сониди Сидқий ғазали ўрин олган. Шеър гарчи “Тоza адабиёт” деб номланса-да, унда “уламо” лафзи радиф бўлиб келган бўлиб, сатлардаги мазмун уламоларнинг Ислом жамиятида тутган ниҳоятда юқори мақоми, ҳал қилувчи роли, сабр, бардош, тақво сингари юксак фазилат соҳиблари эканлиги, пайғамбарнинг маърифат чироғини тутган раҳнамо эканликлари зўр иштиёқ билан ифода этган. Жумладан, матлаъда адиб

уламоларни бошдаги фарқ мисоли ҳидоят йўлини очувчи танланган жамоа, кўз қорачиғи сингари бебаҳо ва покиза инсонлар, деб таърифлайди:

*Туррайи фарқи истифо уламо,
Курраи айни асфиё уламо.*

Шоир тазод санъатига мурожаат қилиш билан уламоларни норасо кишилардан ҳар қанча жабру жафо етса-да, вафодорликдан юз бурмайдиган, турли тоифа орасида эътиқодларини соф сақлаб қола биладиган сабр-бардош эгалари, ўлароқ тасвир этади:

*Минг жафо етса норасолардин,
Чекмагайлар рухи вафо уламо.
Оммаи нос аро эрур шаксиз,
Аҳли ийқону босафо уламо. (1-16)*

Шоирнинг ғазалда уламоларни авлиёларга менгзаши, соф тийнатли, тақволи, илм ул-яқин эгалари, тўғри йўлга бошловчи шабчироғ соҳиблари деб танитиши, изларини кўзларга тўтиё қилиш даражасида муҳаббатли бўлишга ундаши, инсоният гулшанидаги энг хушнаво қуш мисоли эъзозлашини шундай изоҳлаш мумкин: биринчидан, аждодларимизнинг олимларга, илм аҳлига чексиз иззат-икромни натижасида шаклланган асрий урф-одатларга ҳурмат; иккинчидан, ғазал айнан “Уламо жамияти”нинг нашри ўлароқ майдонга келгани учун уларни рағбатлантириш; учинчидан ва энг асосийси, шоир жамиятда обрў-эътибори, таъсири тобора кучсизлашиб бораётган дин олимларини асл фазилатларини хотирлатиш, тарихий миссияларига муносиб бўлишга даъват; тўртинчидан, алғов-далғовли бир даврда мусулмонлар учун собитлик ва фикрда барқарор қолиш юзасидан бир эслатма.

Шу ерда яна бир мулоҳаза. Шоир бу ғазални “Тоза адабиёт” деб номлашда анъанавий ишқ-муҳаббат, ҳижрон ва айрилиқ мотивларидан бошқача, замонавий, тўғрироғи, XX аср бошларидан адабиётга кириб келган янги мавзулардан бирида ёзганига урғу беришни мақсад қилган бўлса керак.

Йирик адабиётшунос олим Б.Қосимов Сидқий Хондайлиқий шеърларини жамлаб, нашрга тайёрлар экан, китоб учун ёзилган сўзбошисини “Дин ва дунёни ушлаган шоир” деб номлайди. Дарҳақиқат, “Ал-Изоҳ”нинг адабиёт саҳифаларида журналхонларга тақдим қилинган шеърлари унинг чин маънода дин ва дунёни меъёрида ушлаб, ҳаётга татбиқ қилган закий адиб бўлганини тасдиқлайди. Зотан, “Уламо жамияти”нинг бош мақсади ва бу жамиятнинг бошқа кенгашлардан ажратиб турувчи жиҳати ҳам Ислому шариятига асосланган демократик, миллий, тараққий этган давлат тузиш эди. Шоирнинг “Изҳори ҳақиқат” шеъри худди шу маслакни дадил илгари сурган, ушбу муқаддас ният йўлида жон фидо этмоққа ҳозир миллат фарзандларининг кўнгил нолалари, дейиш мумкин:

*Билинг, эй чин мусулмон, биз шариятдин ойилмаймиз,
Деманг бу сўзни ялгон, биз шариятдин ойилмаймиз.*

*Шариат ҳукмидин қилдек қадам тошқори қўймасмиз,
Фидо бу йўлга минг жон, биз шариатдин ойилмаймиз.*

*... Адувлар зулму истибдод ила тиги бало чекса,
Биз ўлмасмиз ҳар осон, биз шариатдин ойилмаймиз.*

Шоир эътиқодига маҳкам боғланган кишиларни “хору райҳон”га ўхшатади. У миллатдошларига ҳайқирар экан, бу қийинчиликлар беш-ўн кунда келиб-кетадиган вақтинчалик меҳмон эканлигини таъкидлайди. Агар шоирнингга кўзларига адув (душман)лар ништар санчсалар ҳам, қилча ҳам чекилмаслигини баралла айтади. Ғазал сўнгида ўзига хитоб қилиб: Ислом элининг уйғониб, Ҳақ ва ҳақиқат сари шитоб билан югуришга даъват этади.

*Чақир Ислом элин то уйғониб, Ҳақ сориға садқа,
Югурсунлар шитобон, биз шариатдин ойилмаймиз.*

Ижодининг дастлабки йилларида мумтоз адабий анъаналар йўлида ижод қилган Сирожиддин Сидқий бошқа замондошлари сингари ХХ асрнинг 10-йилларидан бошлаб ижод мавзусини кескин ўзгартиргани кўзга ташланади. Инчунин, “Таронаи Ислом” деб аталган шеър юқори пафос, хурриятга эришишга қатъий ишонч, кўтаринкилик руҳи билан ёзилган ижтимоий лирика намунаси.

“Эй миллат” ундови остида бутун Туркистон аҳлини кураш замони етганидан огоҳ қилади. 1917 йилда Русияда бўлиб ўтган Февраль инқилобига катта умидлар боғлаган шоир миллатнинг ҳар ишида равнақ – юксалиш бўлишига астойдил ишонади:

*Бу дам қон йиғлама, муллолар ўлди ёринг, эй миллат,
Ки бул кун тобти равнақ, маҳв ўлан осоринг, эй миллат.*

*Йўл олгон эрди суи инқироза кўброқ осоринг,
Биҳамдиллаҳ, ривож авжига минди коринг, эй миллат.*

Гарчи бу асар арузнинг “мафойлун” вазнида ёзилган бўлса-да, анъанавий лирикадан фарқли ўлароқ, образлар тизимида ўзгаришлар юз берган. Чунончи, “миллат”, “Ватан”, “ватандош”, “ободлик”, “мулло”, “тараққий”, “тамаддун” сингари сўзлар бош образ ўлароқ кириб келгани кўзга ташланади. Шунингдек, ушбу шеър мисолида шуни кузатиш мумкинки, “гам-қайғу, шодлик, ширин гуфтор, анвор, гамхор, ҳазин овоз, бемор” каби калималар ишқий лирикада тез-тез дуч келинадиган тушунчалар бўлса-да, матнда тамомила янгича йўсинда, миллатнинг ғам-қайғуси, ватандошларнинг ҳазин ноласи, истибдод остида бемор бўлган хур фуқаронинг ички кечинмалари ифодаси учун хизмат эттирилган:

*Ғаму қайғуларинг чекмак билан оҳ умрлар, эрдим
Шабихуни жафодин зор ўлуб беморинг, эй миллат.*

*Қулогимга Сифоҳону Ироқидан келур хўброқ,
Ҳазин овоз ила ҳар соридин гуфторинг, эй миллат.*

*Тараққий авжида шодон яшаб минбаъд обод ўл,
Ватан аҳлини шод этсун гўзал атворинг, эй миллат.*

Қуйидаги мисраларда Хуррият ва Истиклол шунчаки истак билан қўлга келмаслиги, бу учун ҳар бир Ватан фарзанди ҳақиқат маъғини баланд кўтариб, шонли бир хизматкор янглиғ ҳаракат қилишга чорлов маънолари англашилади.

*Ҳақиқатжў, ҳақиқатгў бўлуб ҳар бир ватандошим,
Юруб бош ила бўлсун шонли хидматгоринг, эй миллат.*

Ижод аҳли ҳамма вақтларда бўлганидек, таъсирчан асарлари билан миллат онгидаги ўзгаришларга, тафаккурда янгиланишларга биринчилардан бўлиб йўл очишган. Натижада, миллий давлатчилик қуриш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг секин-секин бўлса-да, омманинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширгани кўринади. Жумладан, бошқа нашрлар қатори “Ал-Изоҳ”нинг июл ойидаги сонларида сайловларнинг моҳияти, сиёсий аҳамияти, аҳолини фаол бўлишга чақириш ва мустақил фикрлаш асосида танлов қилиш ҳақидаги мақолалар қаторида Сидқийнинг “Сайловга даъват” номли шеъри ҳам босилади. Содда ва ниҳоятда куюнчаклик билан ёзилган мисраларда миллатпарвар ўзбек зиёлисининг ҳозиржавоблиги, Ватан истиқболи, эл-юрт эркинлиги учун биринчилардан бўлиб амалий ҳаракатга ўтгани кўринади.

Шоир ўлкадаги сиёсий иқлимнинг барча нозикликлари билан тушунгани унинг ижодида ҳам акс эта борганки, бу ҳақда проф. Б.Қосимов шоирнинг мазкур даврга оид шеърларига ҳақли баҳо берганди: “1916-1917 йилларда ёзилиб, тезкорлик билан босилиб чиққан бу асарлар халқимиз миллий онгидаги ўзгаришларни кузатишда, мустақиллик ва унинг учун кураш зоясининг адабиётга кириб келиши тадрижини белгилашда муҳим аҳамиятга эга”.

*Эшитмоқдасиз ушбу сайлов ишин,
Етушти бу иш фурсати, бас, яқин.
Келингиз етиб тоғ ила богдан,
Бу сўзга қулоқ солинг, эй аҳли дин.
Керак ушбу вақт ичра олмоқ ҳуқуқ,
Демангим, бу ишни қилурмиз кейин.
Бу иш ўтса, йўқтур қазоси анинг,
Ки авлодимизга бўлур иш қийин.
...Бу иш борасида бўлуб муттафиқ,
Йиғилмоқ керак айлашиб жўши ом.
Бу ишни агар айласак дастгир,
Яшар барча авлодимиз шодком.*

Хулоса журналда босилган лирик асарларнинг ислом маърифати билан йўғрилгани, миллий туйғу, ватанпарваликка чақирувчи бадиий пухта шеърлар эканлиги таҳлилларда англашилди. Шунингдек, кўп асрлардан буён синовдан

ўтиб келаётган яна бир ҳодиса шуки, Шарқ халқлари ҳар вақт назм билан ошно бўлган. Уларнинг онгу шуурига, туйғуларига чиройли сўз, ҳикмат айтиш билан таъсир этиш, кўпинча, ижобий самаралар берган.

Гарчи муаллифлар арузда ижод қилган бўлсалар-да, анъанавий поэтик ифодалари, шеърий санъатларнинг қўлланиши, шубҳасиз, мумтоз адабиётнинг қатъийлашган поэтик қонуниятларидан, ёрқин намуналаридан осонлик билан воз кечиш мумкин эмаслигини билдиради.

Ўрганилаётган даврда мумтоз вазн ва қофиялар сақланиб қолган бўлса-да, ғоя ва мавзу, радиф қўллаш ва образларда янгилашлар яққол бўй кўрсатди. Хусусан, “Ватан”, “миллат”, “Ҳуррият”, “уламо”, “фирқа”, “шариат”, “фуқаҳо” калималари образ даражасига кўтарилиб, радиф вазифасини ҳам бажара бошлади.

Ижтимоий-сиёсий воқеликнинг бадиий ифодаси жанрлар структураси ва образлар тизимидаги ўзгаришларни, бадиий талқиндаги ижтимоийлашувни, индивидуал идрокни, янги услубий йўналишларни ҳамда публицистик ифодага асосланган реалистик тасвирни тақозо этди. Булар янгиланаётган давр, унинг адабиётининг хос белгилари эди.

Яна айтиш керакки, таҳлилга тортилган шеърлар бадиияти гўзал, поэтик ифодаси мукамал, мазмунан ва ғоявий пишиқ бўлмаса-да, даврнинг муҳим чизгилари ҳозиржавоблик ва тезкорлик билан, энг мақбул шаклларда ифода этилгани билан диққатга молик. Асосийси, анъанавийлик ва замонавийлик уйғун бир шаклда намоён бўлиб, икки майдонга кўприк вазифасини бажариб берди.

Журналда чоп этилган шеърлар сон жиҳатдан кўп бўлмаса-да, зулмга, адолатсизликка, мустабид ҳукуматга, ёлғонга қурилган мафкурага нисбатан миллат оидинларининг муносабати у ёки бу даражада акс этгани билан катта рол ўйнайди.

Билимсизлик ва ғофиллик домига йиқилиш, ўзи тушиб қолган жаҳолат ботқоғини сезмаслик, келажак авлод тақдирига бепарволик, ҳар қандай масаланинг ечимини топиб берувчи маърифатга терс қараш энг ёмон иллат ва инқироз эканлиги деярли ҳар бир шеърнинг қатига сингиб кетган. Улардан келиб чиқадиган ғоялар, албатта, муайян мазмун ва шаклга солиб тасвир этилган.

Юқоридаги шеърларнинг тадқиқи шуни кўрсатадики, XX асрнинг илк чорагида адибларни илҳомлантирган омиллар, ҳодисалар ҳавас қилгулик бўлмаса-да, улар вазиятдан тўғри ва фойдали бўлган хулоса чиқариб, турли жанрдаги адабий асарлар воситасида халққа ойна тута олдилар.

Санаб ўтилган ижодкорлар шу тарзда Ватан озодлиги, миллат эрки ва жамият озодлиги учун зх ҳиссаларини қўшишга эришдилар. Энг муҳими, жамиятнинг илғор вакиллари, зиёли қатламига, айниқса, шоирларига кўз тиккан халқ миллатнинг бутун шахсиятларини, ҳақиқий фидойиларини кашф қила олди.

Адабиётлар

1. Туркистонли Абдулҳамид Сулаймон (Боку, 26 август, 1920) // Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). – Т.: Академия, 2000. - Б. 177.
2. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. Т: Университет, 1993. – Б.115-123.
3. Зиё Саид. Танланган асарлар. Т., 1974, 13-116-бетлар.
4. Зиё Саид. Танланган асарлар. - Т.: Туркистон. 1974. - Б, 44-45.
5. Ойина. 1913. №1
6. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006. – Б. 154-155.
7. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. Т: Университет, 1993. – Б.115-123.
8. Назарова З. “Ал-ислоҳ” журнали – Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2006. - № 3. – Б. 34-36.
9. Туркистонли Абдулҳамид Сулаймон (Боку, 26 август, 1920) // Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). – Т.: Академия, 2000. – Б. 22.
10. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. - Т: Университет, 1993. - Б. 115-123.
11. Ўша манба. - Б. 118.
12. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. - Т: Университет, 1993. - Б. 115-123.
13. Туркистонли Абдулҳамид Сулаймон (Боку, 26 август, 1920) // Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). - Т: Академия, 2000. - Б. 23.
14. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш. - Т: Университет, 1993. – Б. 115-123.

САМАДОВ А., доцент
(Ўзбекистон)

ЗУЛФИЯ ВА АДАБИЁТИ ТОЧИК

Имрўз мунаққиде ё адабиётшиносе, ки аз хусуси ашъор ва зиндагиномаи Шоираи Халқии Ўзбекистон Зулфия Исроилова сухан гуфтан меҳоҳад, онро, бешубҳа, аз шеъри «Баҳор келди сени сўроқлаб...» («Туро чўён баҳор омад»)-и шоира оғоз мекунад. Ё ин ки мулоҳизахояшро бо иқтибосе аз ин манзума ба итмом мерасонад. Ин бесабаб нест. Зеро ин шеъри воло, ки дар сўгвории ҳамсари шоира Ҳамид Олимҷон гуфта шудаасту зиндагӣ ва афқору андешаҳои ин шоири навоарро ифода менамояд, муаллифашро ба сифати шоираи хассос, олиҳаи аҳду вафо на танҳо дар адабиёти ўзбек, балки дар адабиёти дигар халқҳо ҳам шўҳратёр намудааст. Дар шеъри мазкур манзараҳои табиат, тавсифу шарҳи ишқи самимӣ бо тасвири симои ин шоири номдор ва ёри вафодор басо

пурэхтирос тараннум шудааст, ки онро шоири хушсалиқаи тоҷик Убайд Раҷаб ин тавр ба аслияташ наздик тарчума кардааст:

**Бўса зад шабнам зи рӯи лолаю себаргаҳо,
Рақс дорад савсани худрӯй аз боди сабо.
Мерасад бар гўшам овози ҳазор аз шохсор,
Боз бар кўху даман омад баҳори дилкушо.**

Шоираи хушадо Зулфия дар шеъри «Ўрик гуллаганда» («Гул кард зардолу») ҳам доғи чудоиро аз ҳамсафари бовафо ва падари меҳрубони фарзандонаш хотирмон ифода намудааст. Ин шеър ҳам мисли дигар ашъораш кайҳо ба дили хонандагони сершумор роҳ ёфта, боигарии мулки маънавии онҳо гардидааст. Хонандаи тоҷик мисраъҳои «Теразамнинг олдида бир туп, // Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...»-ро ҳам ба забони аслият меҳонад, ҳам ин шеърро ба забони худ тавассути тарчумаи Гулрухсор бо шавқ мутолиа менамояд:

**«Баҳорон дар паси тирезаи мо,
Зи нав гул кард зардолу саросар»...
Чунин гуфтӣ, даме ки зинда будӣ,
Кучой ошиқи гулҳо ту дигар?**

Дар бораи таъсири файзбахши китоби ба тоҷикӣ интишорёфтаи «Қатра»-и Зулфия шоира Мавҷуда Ҳақимова бо меҳру садоқат навиштааст:

«Ба фикри ман дили шоирро метавон ба он барге, ки қатраҳои шабнами худро ба замин саховатмандона нисор мекунад ва ба он барфи қуллаҳои осмонбӯси кўхсорон, ки бо аввалин нурҳои офтоб об шуда, ба сӯи наҳр мешитобад, монанд кард ва ҳар қатраи сиёҳӣ, ки аз нўги хомаи шоир ба рӯи қоғаз мечакад, хуни дили ўст ва ин қатраҳо ба ҳам омада дарёи хурўшони ашъори ўро ба вучуд меоранд ва агар мардум аз мутолиаи он ҳаловат баранд, шоир худро каси хушбахт мешуморад...

Ашъори Зулфия дар баҳри бекарони назми муосир қатра аст, қатраи шаффофу сўзон ва ҳар як зани озоду хушбахт дар ин қатра акси худ, орзую умедҳои худро мебинад. Ман инро дар порчаҳои тозаи равону дилкаши шоира ва шеърҳои дар мачмӯаи «Қатра» гирд омадаи ў эҳсос кардам» (Ҳақимова, 1968: 153-155).

Воқеан, устод Турсунзода, ки ба ин суханвари мўъҷазбаён ва дўсти эҷодкораш Зулфия манзумае ба унвони «Марҳабо»-ро бахшидааст, таровишҳои дили ҳассосу баҳоросои ўро дар тарчумаи шеъри зерини ҳамноми китоб рўҳафзову хотирзёб ифода намудааст:

**... Аз кучо донад, ки кас ин қатра чист?
Аз даруни дил чакида хуни кист?
Ё нами лаб дар дами бўсидан аст,
Ё сиришки дидае, ки мегирист?**

(Зулфия, 1975:45)

Ҳамин тавр, Зулфия дар мавзўҳои иҷтимоию граждани шеърҳои файласуфона гуфтааст, ки дар онҳо тавсифи табиат, хоса баҳори нозанин бо

дарду ормонҳояш пайваста чаззобу рӯҳнавоз қаламдод шудаанд. Дар чунин ашъор шоира сарзабзу шукуфон гаштани дашту водӣ, «нағмапардозии» чӯйборҳои пуроб, хониши мурғони чаман, сару рӯйро «сила намудани боди раҳгузари сабуксайр», аз лола «кулоҳе ба сар ниҳодани» кӯҳсорон, чун «зулфи дилошӯби арӯсони чаман» парешонхотиру хушбӯй гаштани майсаву себаргаҳо, аз савсану наргису раъно муаттар гаштани олами атроф ва амсоли инро моҳирона тасвир намуда, ёди ёри вафодор, машаққатҳои ҳичрон менамояд, дар «рухсораи шабнамзадаи» ҳар гиёҳ мӯъҷизаи дастони гулу гулпарвари ўро мебинад.

Дар баҳорияҳои шоира нақҳати кӯҳсор, лаҳни обшор, абрҳои осмони беғубор, навои мурғакони шохсор бо тавсифҳои дилнишин ва ташбеҳҳои хотирзеб мадҳ шудаанд:

**Шўлаафшон шуда хуршед, басо соф ҳаво,
Осмон чодари нилуфарӣ дар бар созад,
Хок аз файзи баҳорон шуда пурнуру сафо,
Ҳар замон чехра ба ранги дигаре пардозад...**
(Тарҷумаи Қутбӣ Киром).

Дар шеъри «Хусни абр» таманнои дили орзупарвари шоира, ки чун рӯймоли шохӣ сар то пой пӯшидани абрро дорад, ифода гардидааст. Вай чӯёи илҳом асту меҳодад бо як шеъри тар «тамоми Шарку абри хуби ўро» мунаввар созад:

**Ҳамеҳоҳам, ки ин абри баҳорӣ,
Чу нури офтоби дил фирӯзад.
Ва ё ки аз камони Рустами худ,
Ба ман камзӯли шохивор дӯзад.**

(Тарҷумаи Қутбӣ Киром).

Дар шеъри «Рангинкамон» дар оғӯши баҳор пурчӯш будани дили ҳассос, аз обшори навбаҳор рӯҳи нав гирифтани он, файзосо гаштани олами атроф, чилвагар шудани рангинкамон басо рӯҳафзо тасвир шуда бошад, дар шеъри «Булбул» нағмасароии ин мурғи баҳор ин тавр қаламдод гаштааст:

**Нағмаи дарё, бисоти сабза, анвори қамар,
Хандаи гул, завқи булбул, шўҳии боди сабо.
Месарояд булбули зор, ошиқи гул то сахар,
Васф бинмуда баҳори шодию илҳомро.
Бар сари гулҳои хоболуд дар субҳи баҳор,
Паҳн мегардад суруди булбули шабзиндадор.**

(Тарҷумаи Шералӣ Мاستон).

(Зулфия, 1975:7,40)

Ноғуфта намонад, ки ашъори дилписанди Зулфия ҳанўз аз солҳои чилуми асри гузашта маълуму мақбули хонандагони тоҷик гардидааст. Агар соли 1947 Сухайлӣ Чавҳаризода бори аввал шеъри «Сўзанӣ»-и шоираро тарҷума карда бошад, минбаъд ашъори рангину оташини вай мувофиқи табиат ва завқи

шуарои мутарчим Муҳиддин Аминзода, Бобо Ҳочӣ, Боқӣ Раҳимзода, Лоик Шералӣ, Гулрухсор Сафиева, Гулчеҳра Сулаймонова, Аслам Адҳам, Мавчуда Ҳакимова, Ҷонибек Қувноқ ва дигарон низ дастраси хонандагон гардида, мисли насими форами рӯҳафзои баҳор дар бўстони назми тоҷик сайр намуд, ба дилу дидаи хонандаи тоҷик файзу фараҳ бахшид.

Дар силсилаи шеърҳои «Хотираи Душанбе»-и Зулфия, ки шеърҳои «Душанбе», «Қаробат», «Дар перрон», «Баҳодурони сахро», «Ҳарорат» ва дигархоро дар бар гирифтааст, расму русуми дӯстиву бародарӣ ва қаробати халқхоямон бо меҳру садоқат тараннум шудааст:

...Дӯст донад, оре, кадри дӯстӣ,

Қадри хешию таборӣ, ёварӣ...

Гар забони мо дигар, манзил дигар,

Орзӯю мақсади моён яканд.

(Тарчумаи А.Воситзода).

(Эътиқод, 1982: 202)

Ҳамин тавр, ин шоираи пурэхтирос, ки 1-уми март соли 1915 дар шаҳри Тошканд ба дунё омада, аз синни 17-солагӣ бо саъю кӯшиши чиддӣ ба шеърғӯй шурӯъ карда, соли 1932 аввалин маҷмӯаи ашъорашро таҳти унвони «Саҳифаҳои ҳаёт» манзури хонандагон намудааст, минбаъд ашъори дилнишинаш баробари замон болу пари нав бароварда, баландтар парвоз кардааст. Муаллифаш ҳамчун мунодии дӯстиву озодии халқҳо, вассофи баҳору бахт ва орзуҳои неки инсонӣ шӯҳратёр гаштааст. Ба ин маънӣ, шеъраш дар маънидоди дунёи нави Шарқ чун «шароре 3-олами барқ» шӯълаафканӣ намудааст. Зеро ба гуфти худ шоира: қаламаш як умр «ба нирӯи хунар ҷустуҷӯ дошт». Вай ба тӯфонҳои саҳти рӯзгор бурдборона сар ба сар зада, сарбаландона гуфтааст: «зиндагонӣ доимо дилбарасту ботараб». Воқеан, ҳаёту муборизаи Зулфия дар роҳи бахту саодати халқ хоса барои ҷавонон намунаи ибрат аст, ки дар шеъри «Дил ҳамеша дар сафар» ба ин чунин ишора кардааст:

Ман ғубори роҳ, мавҷи баҳру дарё дидаам,

Ман замини осмони рӯи дунё дидаам.

Зиндагӣ ҳаргунаю ҳар хел инсон будааст,

Турфа-турфа каш-макаш, сулҳу мадуро дидаам.

(Турсунзода, 1971: 79)

Зулфия дар сарсухани маҷмӯаи худ «Шеърлар» хирадмандона чунин орзу намуда буд: «Ҳаминро медонам, ки бе шеър, бе шеъри ҳақиқӣ зиндагӣ қардан душвор аст. Ва агар хонанда дар ин китоб шеъреро, ки ба дилу рӯҳи ӯ наздик аст, ёбад, мисли нон ҳамроҳи худ ба ҳаёт гирифта дарояд, ё ягон шеър ба дили касе маскан ёбад, ман худро бахтиёр меҳисобидам».

Ба ҳамин маънӣ, имрӯзҳо хонандагони тоҷик ҳам аз китобҳои шеърӣ ба тоҷикӣ интишорёфтаи вай «Қатра», «Висол» (Душанбе, 1963, 1975) ва дигарҳо завқи беандоза гирифта, олами бадеии худро рангинтару ғанитар менамоянд. Ин китобҳо мисли маҷмӯаҳои ўзбекии «Мунтахабот», «Ба дили ман наздик»,

«Боздид», «Сатрҳои хотира», «Лирика»-и шоира дар байни хонандагони тоҷик маълуми машҳуранд, ки нишони саодатмандӣ ва абадияти шахсияту мероси эҷодии ин ситораи тобноки назми садаи XX ўзбек аст. Барҳақ худи шоира гуфтааст:

**Сарвати халқ аст эҷодам,
Зи бас аз гармии дилҳост бунёдам.**

(Чашмаи хурӯшон, 1981: 22).

Адабиёт

- 1.Зулфия. Висол. (Шеърҳои Тарҷума аз ўзбекӣ). –Душанбе: Ирфон, 1975.
2. Турсунзода М. Куллиёт иборат аз шаш чилд. Чилди якум. Шеърҳои. – Душанбе: Ирфон, 1971.
- 3.Чашмаи хурӯшон: Баёзи назми муосири ўзбек. (Таҳияи Гулназар). – Душанбе: Ирфон, 1981.
- 4.Эътиқод: (Шеърҳои шоирони тоҷик ва халқҳои бародарӣ). Ҳозиркунандагони чоп: Г.Сафиева, Б.Собир, С.Маъмур. – Душанбе: Ирфон, 1982.
- 5.Ҳакимова М. Қатраи шаффоф. – “Садои Шарқ”, 1968, №8.

**САТТОРОВ Ў., доцент
(Тоҷикистон)**

ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДА ИШТИҚОҚ САНЪАТИ ТАКОМИЛИ (Эркин Воҳидов ижоди мисолида)

Э.Воҳидов ғазаллари сержило, нафис тимсолларга, нозик лутф ва гўзал ташбеҳларга, беозор қочириқ ва чиройли сўз ўйинларига бойлиги, ғоят ёқимли жаранги ва мусиқийлиги билан ҳозирги замон ўзбек шеъриятида алоҳида ўрин тутди. Айниқса, мумтоз шеърӣ санъатларнинг шоир ижодида моҳирона қўлланганини кўрамиз. Шундай санъатлардан бири иштиқоқдир.

Маълумки, шеършунослик иштиқоқни байт ёки жумлада ўзақдош сўзлардан фойдаланиш санъати деб таърифлайди. Жумладан, Родуёний ёзади: «Шоиру дабир назму насрда шундай (бир) сўзни келтириб, бошқа шунга ўхшаш сўзни келтиради... Дабирлар ва фазл аҳли бу амални муноҷис (деб) биладилар...» (1,27). Кўриниб турибдики, Родуёний иштиқоқни сўзларнинг ўхшашлигида деб тушунтиради ва ўз даври бадиӣ калом илми аҳли бу санъатни таҷнис тури ҳисоблаганларини таъкидлайди.

Рашидиддин Ватвот ҳам мазкур лафзий санъат ҳақида шунга яқин фикр баён этади: «Буни иқтизоб деб ҳам айтадилар ва бу санъатни булағо ҳам таҷнис жумласидан санайдилар ва бу шундай бўладики, сўзлар ҳуруфи мутадорик ва мутаҷонис бўлур...» (1,87).

Иштиқоқнинг ўзига хос хусусиятини Кошифӣ кенгроқ ва муфассалроқ шарҳлайди. Унинг фикрича, иштиқоқни ҳосил қилувчи сўзлар бир-бирига шаклан ўхшаш, яқин бўлади. Бу жиҳатдан қараганда иштиқоқ таҷнис туридир. Кошифӣ иштиқоқни икки турга ажратади: иқтизоб ва хос иштиқоқ. Иқтизобда

сўзлар бир ўзакдан ясалган бўлса, хос иштиқоқда эса шаклан ўхшаш сўзларнинг ўзаги турлича бўлади (2,47). Демак, Кошифий биринчилардан бўлиб, иштиқоқ санъатидаги ўхшаш сўзларнинг ўзакдош бўлиш бўлмаслигига эътибор қаратади.

Атоуллоҳ Ҳусайний иштиқоқни бошқачароқ тасниф этади: Биринчиси иштиқоқни ҳосил қилувчи сўзлардаги ўзак ҳарфларнинг тартиби мувофиқ бўлса, бу иштиқоқи хафийя бўлади. Иккинчиси агар ўзак ҳарфлари тартибида турлича бўлса иштиқоқи кабир ҳосил бўлади. Ўзақлари ҳар хил бўлган шаклан яқин сўзларни эса шибҳи иштиқоқ (иштиқоққа ўхшаш) деб атайди. Гарчанд Ҳусайний иштиқоқни тажнисдан фарқли алоҳида санъат сифатида талқин этмаган бўлса-да, унинг хусусиятларини аниқлаштиради. Ажам шуароси бадиъшунослари иштиқоқ ва шибҳи иштиқоқни фарқламаганликларини алоҳида таъкидлайди (3,50-52).

Ҳозирги давр шеършунослигида иштиқоқ тажнис тури эмас, балки мустақил шеърый санъат сифатида талқин этилмоқда. Тадқиқотларда иштиқоқнинг ўзига хос хусусиятлари чуқурроқ таҳлилга тортилияпти (4,64-66; 5, 115-118; 6,72-74; 7, 165-166; 8, 44-45).

Бизнингча, мумтоз бадиъшуносларининг иштиқоқ ва унга ёндош ҳодисалардаги қарашларига қуйидагилар сабаб бўлган:

1. Ўрта аср форс шеършуносларининг кўпчиликги араб бадиъшунослигига эргашганлар. Яъни нусха кўчириш ҳоллари бўлгани ҳақиқатга зид эмас. Бу ҳол маълум санъат турларига ҳам тегишлидир.

2. Манбаларда иштиқоқ сифатида таҳлилга тортилган сўзларнинг кўпчилигини арабча сўзлар ташкил этади. Ҳолбуки ҳар бир тилнинг ўз қонуниятлари бор. Араб тилида янги сўзлар ҳосил қилиш учун ўзак ичида ўзгариш бўлиши керак. Натижада, сўзлардаги асосий ҳарфлар сақланиб улар ўзаро шаклдошликни йўқотмайди. Форсий ва туркий тилларда эса янги сўзлар ўзакка ясовчи қўшимча қўшиш билан ҳосил бўлади. Бу эса сўзлардаги жинсдошликка путур етказди. Аниқ бўладики, тажнис ва иштиқоқ алоҳида-алоҳида санъатлардир. Чунки тажнисда ўзаги бошқа-бошқа бўлган шаклдош сўзлар келтирилади. Масалан:

Мен сизларни олмангиз,

Ҳомлигимда олмангиз.

Нортожига ўхшаб сўнг,

Вой қорним деб қолмангиз! (9)

Парчадаги «олмангиз» сўзлари иккита ўзакдан шаклланган. Биринчиси, нарса, предмет, иккинчиси эса ҳаракат маъносини ифодалайди.

Иштиқоқда эса бир ўзакдан шаклланган сўзлар қатнашади:

Кеча ойдин мавжли денгиз, куй тўқир бедор савр,

Ой келиб сарв узра қўнди, бўлди ойрухсор сарв (9).

Байтдаги ой, ойдин, ойрухсор сўзлари иштиқоқ ҳосил қилади. Бу сўзларнинг ўзаги-ой. Бу ўзакдош сўзлар турлича маъноларни англатади. Лекин

уларнинг маъноси ўртасидаги нисбий яқинлик бор. Ой билан ойдин сўзлари орасида нур, ёруғлик, равшанлик нуқтаи назаридан, ой ва ойрухсор сўзлари эса ҳусн, чирой, кўркемлик маъносида ўзаро нисбатлашади...

Агар тажнисда, хусусан, том тажнисда тугал жарангдошлик, товуш уйғунлиги, мусиқийлик, фикрий жозиблик етакчилик қилса, иштиқоқда эса ўзакдош сўзларнинг нисбий маъно нозиклари асосида ўқувчи ҳис-туйғуларига ларза солиш, нотугал эвфоник жарангдошлик, мусиқийлик асосий мезон ҳисобланади. Бу ҳолат Эркин Воҳидов ғазалларида фаровон кўринади:

**Ўртанма, куйма ортиқ жисмим қаро экан деб,
Ишқ йўлида қаролик тақдирда бор сурма (9) .**

Бу байтда «қаро» ва «қаролик» сўзлари иштиқоқ санъатини ҳосил қилган. Эътибордан четда, хору зорликда ғарибликда ётган ошиқ сурма маҳбубаси-ёр кўзларига етишди, ўз армонига эришди. Азизлик мартабасига кўтарилиб, бу бахтдан масрур бўлди. Маъшуқа кўзларида гўзаллик рамзи бўлиб жилоланди.

Лирик қаҳрамон сурмадаги қароликнинг сабаб моҳиятини излайди. Бу қаролик ёр кўзларининг орзусида, ҳажрию армонида ўтказилган неча зим-зиё ҳижрон тунларининг сурма бағрида қолдирган асоратлари (доғларидир). Йўқ, бу важ қаҳрамоннинг қалб туғёнларини борлигича очиб беролмайди. У яна хаёл саҳросида кезаверади. Кунлар келиб кетаверади, лекин ошиқ маъшуқа васлига етолмай ишқ оташида қоврилаверади. Ниҳоят... Дарвоқе, сурма ёр кўзлари ҳажрида куйиб ёнди. Ишқ ўтида бағри кўмир бўлди. Энди иштиқоқ сўзларни «қаро» ва «қаролик»ни изоҳлаш мумкин. Жисмининг қаролиги ошиқ юракнинг дарду-армонлари, ҳижрон қийноқларидир.

Шоир «қаро» (қора) ва «қаролик» (қоралик) сўзларидан санъат кузатган. Воқеан, «қора» сўзи тилимизда салбий ва ижобий маъно бўёқларига эга. «Қора тун», «қора юрак» (ичи қора), «қора киймоқ» (аза), «қора ният» кабиларда салбий маъно оттенкаси қўлланса, гўзалларнинг қош-кўзи, сочу холлари мадҳида ижобий ранг жилоларини беради. Шоирнинг маҳорати шундаки, сурма тимсоли ва «қаро», «қаролик» сўзлари ёрдамида лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, туйғулари янада теранроқ тасвирлаб берилган.

Юқоридаги байтда иштиқоқ сўзлари ўзбекча эди. Қуйидаги тожикча сўзлардан тузилган иштиқоқни кузатиш мумкин.

**Гул фасли санам сайр ила гулшанда бўлубтур,
Гунча кўз очиб, гул юзида ханда бўлубтур (9).**

Байтдаги «гул» ва «гулшан» сўзлари иштиқоқ ҳосил қилапти. Баҳор фаслида маъшуқанинг гулшан кезиши, унинг малоҳати, ҳусну жамолини чандон орттирди. Байтда маъшуқанинг бу гўзаллиги гунчанинг очилиб гулга мубаддал бўлишига қиёс қилинган. Яна ҳам аниқроқ айтганда, санам баҳор фасли гулу гулзор сайрида эндигина гунча бағрини ёриб чиққан гулдек хушнур, хурсанду хандон, очилиб-сочилиб кетган.

Байтда «гул» сўзи ва шу ўзакдан ясалган сўзларнинг кўп ишлатилиши бежиз эмас. Биринчидан, гул азалдан адабиётда гўзаллик ва нафосат, ёшлик ва

балоғат, меҳру муҳаббати, вафо ва садоқат, ҳаёт рамзи сифатида кенг қўлланилган. Шоир ҳам бу ўринда маъшуқа гўзаллигини ифодалаш учун гул тимсолини танлайди. Иккинчидан, шоир ўзакдош сўзларни қўллашда маҳорат кўрсатади. У «гулшан» сўзига ўзакдош бўлгани учун кўклам, баҳор маъносидаги «гул» фасли бирикмасини, чечак маъносидаги, «гул» сўзини келтирган.

**Қилгай эрмиш мутриби ишқ ўз мақомини йироқ,
Шул сабаб, оҳанги ушшоқ гиряи афғон эмиш (9).**

Байтда арабча «ишқ» ва «ушшоқ» сўзлари иштиқоқ ҳосил қилган. Шоир севги, муҳаббат маъносидаги сўзлардан ишқ сўзини танлайди. Бу сўзга мувофиқ тарзда, севувчилар, ошиқлар, маъносида «ушшоқ»ни қўллайди. Бу билан шоир ишқ бор жойда ошиқ, ошиқ бор жойда эса ишқ мавжудлигини, иккиси бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар эканлигини таъкидлайди. Байтда севувчилар маъносидаги «ушшоқ»нинг қўлланишига шу байтда келган бошқа бир санъат лутф ҳам сабаб бўлган. Лутф санъатида байтнинг маъноси икки хил шарҳланишига мойил бўлади. Байтдаги «мутриб» сўзи «чалғувчи», «ашулачи» ҳамда «зуҳра сайёраси» маъносини, «мақом» сўзи, «турар жой» ва «куй» маъносини билдиради. Шунингдек, «ироқ» - узоқ, «ушшоқ» - ошиқлар, «гиря»- йиғи маъносини билдириши билан бирга куй номлари ҳамдир. Мазкур санъатга кўра юқоридаги байтни куйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Ишқ чалғувчиси «Ироқ» мақоми йўлида куй бошлади. Энди у шу мақомга боғлиқ бўлган мақомлар – «Ушшоқ», «Гиря», «Афғон»ни ижро этади.

2. Маъшуқа ўз манзилини ошиқлардан йироқ тутди. Шу сабабли ошиқларнинг қилган иши оҳу фиғон, гиряю афғон бўлди. Шу билан бирга байтда таносуб санъати ҳам кузатилади.

Шоир ғазаллари ошиқона ғазаллардир. Уларнинг аксар қисми интим мавзуга бағишланган. Шунинг учун ҳам мазкур мавзудаги ғазалларида гул, дил, ишқ, жон, бахт, ой каби сўзлардан ясалган иштиқоқ кўп қўлланган. Шоир ижодининг кейинги даврида ижтимоий-маънавий мавзуга мойиллик кучайиб борди. Бу ҳол шоир яратган ғазалларда ишлатилаётган иштиқоқларда ҳам ўз аксини топди. Дарвоқе, бу даврда шоир эрк, ватан адолат каби сўзлардан ясалган иштиқоқларни кўпроқ ишлатган.

Бир-бирига ёндош бўлган икки санъат иштиқоқ ва шибҳи иштиқоқ (иштиқоққа ўхшаш) санъатларнинг муносабати ҳақида. Шибҳи иштиқоқ истилоҳи биринчи бўлиб Атоуллоҳ Ҳусайнийда учрайди. Ҳусайний, юқорида қайд этганимиздек, ўзаклари ҳар хил бўлган шаклан яқин сўзлардан фойдаланиш санъатини шибҳи иштиқоқ деб айтади.

**Париваш зулмидан бўлди кўнгул мулки паришонҳол,
Дермишлар мулк вайрондир агар золимлик этса шоҳ (9).**

Байтдаги «зулм», «золим», сўзлари иштиқоқ, «париваш» ва «паришонҳол» сўзлари шибҳи иштиқоқ санъатини юзага келтирган. Арабча «золим» ва «зулм» сўзларининг ўзаги битта.

Шибҳи иштиқоқ сўзларининг шаклий ва талаффуз жиҳатидан яқинлигига асосланганини юқорида эслатдик. Бу сўз маънолари орасида нисбатан, яқинлик сезилмайди деган гап эмас. Чунончи, юқоридаги байтда учраган «париваш» ва «паришонҳол» сўзларидан англашилган маънолар бир жараённинг икки жиҳатидир. Яъни гул юз маъшуқа зулмидан ошиқ кўнглида минг турли азобу изтироблар кечмоғи бунинг натижаси ўлароқ ўртанган қалб оламида паришонҳол бир кайфият ҳукм сурмоғи ҳақиқатдан узоқ эмас. Бу ҳол байтда шибҳи иштиқоқ санъати ёрдамида «лафзий хужжат» (А.Рустамов) билан тасдиқланмоқда.

Хулоса, Эркин Воҳидов ўз ғазалларида маънавий ва лафзий шеърий санъатларни мумтоз шеъриятдагидек катта маҳорат билан юксак мақом ва комил фасоҳат даражада қўллаган. Буни иштиқоқ ва шибҳи иштиқоқ санъатларидан ўринли ва маҳорат билан фойдаланганида ҳам кузатиш мумкин.

Адабиётлар

1. Мунтахаби «Тарҷумон ул балоға» ва «Ҳадоиқ ус-сеҳр». Душанбе, 1991.
2. Кошифӣ Ҳусайн. Бадоеъ-ул-афкор. – Душанбе: Адаб, 1978.
3. Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент, 1981.
4. Ҳ. Мамадов. Навоийнинг ўзакдош сўзлардан фойдаланиш санъати. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1969 йил, 5-сон.
5. В.Раҳмонов. Шеър санъатлари. - Ленинобод, 1972.
6. Ё.Исҳоқов. Иштиқоқ. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1972 йил, 4-сон.
7. Т.Зехнӣ. Санъати сухан. Душанбе, 1967.
8. А.Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
9. Э.Воҳидов. Сайланма 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986.

Соатова Н., доцент
(Ўзбекистон)

ЛИРИКАДА ҒОЯ ВА ТАСВИР

Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамнинг давр, шахс, шеър ҳақидаги мулоҳазаларига мурожаат қилсак: “давр шахсни тебратди, шахс шеърни. Ўз навбатида шеър одамларга таъсир қилди, одамлар эса даврга. Демак, шахс даврдан олиб, даврга берди. Кўринадики, шахс-шоир аввало давр ва шеър ўртасидадир. Даврнинг руҳи шеърда қандай ва қай даражада акс этиши ўртада турган шахсга, унинг салоҳиятига боғлиқ” хУлуғбек Ҳамдам, 2012;28] -деган эътирофини учратамиз. Шеъриятга чуқурроқ назар ташласак, адабиётшуносни бу фикри айнан ҳақиқат эканлигини шоҳиди бўламиз. Демак, бу поэтик дунёда ҳамма реал нарсалар ўз реаллигини сақлаб туради, бироқ айнан онгда,

шоирнинг кечинмалари туфайли янги сифатлар, янги ранглар касб этади, зўр руҳий кўтаринкилик билан тараннум этилади.

Шухрат шеъриятига назар ташласак, юқоридаги таъриф ўз исботини топганини кўрамиз. Дарҳақиқат, шоир ижодида давр воқелиги, қалб хотиралари ўзгача оҳанг, ўзгача рангларда ифодаланадики, шу сабабли унинг шеърлари бадий жихатдан ғоятда жарангдор:

Ҳар юракнинг ўз чўққиси бор,
Ҳар фикрнинг теран нуқтаси,
Шу чўққида бўлсин нур, виқор.

Шу теранлик саёз тортмасин!

ҳШухрат, 2008;168]

Шоирнинг шеърларини ўқир эканмиз, унинг шеърларида инсон қалбига яқин, унинг маънавий эҳтиёжини қондирувчи шарбат борлигини ҳис қиламиз. Чунки, шоир шеърларида инсонийликни улуғловчи жозибадор, ёқимли, сеҳрли оҳанг бор. Бу оҳангда халқимизнинг руҳи, табиатига мос фазилатлар ифодаси мавжуд:

Ватанга муҳаббат виждон амридир,
Садоқат ва поклик имон амридир.

Имонсиз яшашдан ўзни тий, эй жон,
Бебурдни айбламоқ замон амридир

ҳШухрат, 2008;35].

Шоирнинг бу тўртлигида инсон ҳиссиётининг ҳамма жилоларини, ҳаётдаги ҳамма ҳодиса ва воқеаларга акс садо берувчи қалбнинг энг нозик тебранишларини кўриш мумкин. Албатта, шоир шеъридаги фалсафий мушоҳада ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, у шоир қалбидан ўтиб, шоир ҳаяжонлари ва туғёнлари билангина юзага келган. Шу сабабдан, шоир она юрт ҳақида ёзганида, унинг шеърларида оптимизм, ҳаётбахшлик оҳанги баланд жаранглайди:

Сен борсанки, менинг қалбим бутундир,
Сен борсанки, луқмаи тотли ютимдир.
Сен борсанки, орзум сиғмас дунёга,
Сен бўлмасанг, муҳаббатим етимдир

ҳШухрат, 2008;127],-

ушбу тўртликда, ватан ҳақидаги шеърлардаги бутун-бутун мазмун, ихчам ва таъсирчан қилиб ифода этилган. Шоирнинг она-Ватаннинг ва инсон қалбининг гўзаллашувининг эҳтирос билан тараннум этувчи бу шеъри ватанни меҳр-ла улуғловчи ҳаётбахш шеърдир. Шеърдаги лирик қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонлари, туғёнли туйғулари, ғоя ва муқаддас она тупроққа меҳр туйғуси ниҳоятда юксак. Шоир Ватан тупроғи, Ватан қадрини шу сатрларда сингдирар экан, бунда чиройли сўз, ташбеҳ, баландпарвоз ибора қўлламайди, аксинча содда ифода қилиш йўлидан боради.

Шухрат ҳаётга, унинг ранг-баранг, мушкул, мураккаб қирраларига эътибор қаратиб, уни қаламга олиб жиловлантиради:

Кечқурун шафакни ўғирлаб кеча,
Эрталаб уфққа қайтадан сочди.
Кечқурун ўкинчдан хўрсинган ғунча,
Эрталаб шод-хандон лабини очди

(Шухрат, 2008;119].

Табиатнинг гўзал, сеҳрли бу манзарасида ортиқча ясамалик йўқ. Шоир табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни, яъниким, табиат билан тўла бир уйғунлик, шахсий, инсоний уйғунлик, боғлиқликни берар экан, инсонни шод-хандон ғунчадек бўлишга чорлайди.

Шоир шеърларининг ҳаммаси ҳам инсон ҳақидаги, унинг мушкул ва мураккаб ҳаёти ҳақидаги, инсонни инсон қиладиган фазилатлар тўғрисидаги ўйлардан иборатдир. Бу ўйлар шоирнинг ҳаётий тажрибасига йўғрилган бўлиб, қалбининг энг теран жойларидан чиққани учун ғоят ибратли:

Душманнинг ошидан, дўст тоши яхши,
Ширин сўз юракнинг безаги, нақши.
Ўзга юрт баҳори, чаман ёзидан,
Минг бора аълодир она ер киши!

хШухрат, 2008;144].

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шоирнинг шахсий ҳаётдаги, ижодий тақдиридаги айрим мураккаб, зиддиятли жиҳатлар, табиий унинг шеърлятида маълум из қолдиради. Баъзи бир шеърларда шоир ўзининг шахсий-интим дунёси ичида гавдаланади, бундай аксари ҳазин туйғулар лирик қаҳрамоннинг ёлғиз бир киши фақат шоир шахсининг тор маънодаги образи доирасида қолишидан туғилса керак. Лекин бундай шеърлар дард ва эҳтирос билан санъаткор қалами билан ёзилгани учун диққатни ўзига тортади. Эҳтимол, бу шеърлар шоирнинг ҳаёти ва ижодининг айрим зиддиятли, мураккаб томонларини тадқиқ қилишга, унинг “ўзига аён, бошқаларга қоронғу” бўлган қирраларини аниқлашга ёрдам берар. Биламизки, Шухратнинг ҳаёти ва ижоди бир текис, силлиқ кечмаган. Қамоқ азобларидан ташқари, ён-атрофидаги “дўстлари” ҳам улкан ижодкорга гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тухмат тошларини отиб борган. Лекин мард ва бағри кенг шоир ҳамма- ҳаммасини яхшилик билан, яхши асарлари билан енгиб яшаган:

Шаънимга отилган таъна тошлари
Охири йиғилиб улкан тоғ бўлди.
Мен унинг устига чиққаним сари,
Ғурурим ошди-ю, кўнглим чоғ бўлди.
Мен унинг устидан мағрур, тик боқиб,
Ҳаётнинг уфқини ёркинроқ кўрдим

(Шухрат, 2008;177).

Шухрат шеърларининг лирик қаҳрамонида эса ҳис-туйғу кучли. Лирик қаҳрамоннинг мураккаб характери, катта қалби моҳирлик билан очилади. Ҳар бир шеъри кишиларни чуқур мулоҳаза юритишга, ҳаёт мағзини чақишга ўргатади. Шу билан бирга, Шухрат шеърларидаги муҳим хусусият уларнинг ҳаётий деталлар, жонли ва аниқ манзаралар, ҳаётий фактлар билан тасвирланишидир. Аксарият шеърларида имкони борича фикрий теранликка, мақсадни аниқ ва осойишта айтишга ҳаракат қилади. Шу сабабли кўпчилик шеърларида шоирнинг ўзлиги, унинг орзу-умидлари, замон ҳақидаги қайдлари, тенгдошларига айтган хитоби, ўқувчига мурожаати, ўртоқлари ва устозларига билдирган самимияти, чуқур фикрлар ва бадий ўхшатишлар орқали берилиши билан характерлидир. "...Шоир қалбининг бир лаҳзалик нафасларини илғаб олишга уста. Бу усталик ички дунёни доимо бир ҳолатда эмас, ҳар гал янги вазиятда, янги томондан очишга имкон беради. Натижада, биз замондошимизнинг қалби нечоғлик кенг ва юксак эканлигини кўраемиз".

ҳОзод Шарафиддинов, 1971; №98].

Дўст аччиқ гапирса, қулоғингни тут,
Гар оғу тутса ҳам индамасдан ют.
Ҳар аччиқ гапининг лаззати болча,
Ҳар томчи оғуси малҳамдир ва қут

ҳШухрат, 2008;143].

Бу ердаги ҳар бир сўз моҳияти ниҳоятда чуқур фалсафий теранлик касб этади. Шухрат шеърининг кузатар эканмиз, уни ўзига хос оҳанграболиги нимада, деган савол туғилиши табиий. Шу ўринда адабиётшунос Жамол Камолнинг Шухрат лирикаси юзасидан билдирган эътирофини келтириш жоиз: "Реал ҳаёт фактларини ҳамиша романтик руҳ билан омухта қилиб беришга интилиш, конкрет ҳаёт фактлари атрофида ўзига хос майин лирик муҳит яратишга қаратилган тамойил Шухрат индивидуал поэтик услубини белгиловчи жиҳатлардир. Унинг поэтикасига хос бўлган барча индивидуалликлар ана шу хусусиятлар доирасида намоён бўлади ёки уларга маълум даражада боғланади"

ҳЖамол Камол, 1986;134].

Дарҳақиқат, Шухрат шеърларида сеҳрли сўз, куй-оҳанг ва ёрқин манзаранинг қўшилмаси бор:

Лочинга кўз керак, бургутга қудрат,
Инсонга иккиси ва яна одоб.
Одоб бу ҳар кунга керак бир китоб,
Варақлаб турганни кутар шон-шухрат

(Шухрат, 2008;174].

Умуман айтиш мумкинки, Шухратнинг шеърларида бутун жаҳон тақдирини ўйлаётган, мутассил инсон ҳаётининг маъносини изловчи ва бу изланишда муҳим ҳақиқатларни кашф этувчи, руҳан бой инсон қиёфаси мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Жамол Камол. Шухрат шеърининг услубий хусусиятлари // Лирик шеърят. –Т.: Фан, 1986.-Б.134
2. Озод Шарафиддинов. “Шухрат ижоди ҳақида фикрлар” “Ёш ленинчи” газ., 1971, 21 май №98.
3. Шухрат. Бемалол яшасанг бўлади. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.-Б.168.
4. Улуғбек Ҳамдам. Давр, шахс ва шеърят муносабатлари // Янги ўзбек шеърятчи.–Т: Adij, 2012.

**Садыкова Р. А. доцент
Аминджонова Р., стар. преп.
(Таджикистан)**

ТЕМАТИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ КАСЫД УРФИ ШИРАЗИ

Многогранная поэзия Урфи Ширази охватывает мистическую нравственную, лирическую, философскую, социальную, хвалебную поэзию, а также поэзию, воспевающую красоту природы, бытия и пр. тематику. Урфи Ширази обрел известность в сочинении произведений во многих поэтических жанрах, однако он считается одним из величайших мастеров касыды, наиболее ярко воплотившей его поэтический талант и ставшей кладезем великолепных и новых образов. Касыды Урфи отражают его интеллектуальную индивидуальность, необычайную эмоциональность в отношении окружающего его мира, особое мировосприятие и философский взгляд на жизнь.

Толерантность, скромность, собственное жизнеописание и множество других тем составляют основную тематику касыд Урфи Ширази. Имея несколько хвалебный оттенок, сказанные во славу господствующих правителей, его касыды в глубине переполнены философскими и мистическими взглядами.

Тематический охват газелей и касыд Урфи можно разделить на следующие группы:

1. Религиозная тематика
2. Нравственно-воспитательная тематика
3. Сетование на жизнь
4. Жизнеописание
5. Восхваление великих персон
6. Описание природы

Тема нравственности и назидания является одной из важнейших в касыдах Урфи. В вопросах морали и нравственности он придерживается истинного правоверного воззрения, и настаивает на том, что человек тогда удостоится добродетельной жизни и умиротворения, если не сойдет с праведного пути. Чтение молитв, соблюдение поста, правдивость и скромность, воздержание и кротость, смирение являются для него непреложными правилами, соблюдение религиозных предписаний он считает обязательным, что ярко и беспристрастно выражает в своей поэзии

*Надобен от тебя покой, близкий истинному богу,
Жаровня ада не нужна, сады Ирама надобны ему. (1;15)*

Урфи не жалуется религиозных лицемеров и ханжей, сторонился их, и часто порицал их в своих стихах:

*Одеяния Каабы, что памятником признания были,
Волоча по пыли, лицемеры до идолов дотащили (2; 45)*

Урфи Ширази люто ненавидел тех, кто прикрываясь именем ислама и Корана, лицемерно обвинял невинный народ в грехах и безбожии, приговаривал к смерти и мастерски выражал это языком поэзии. Поэт, не раз подвергавшийся нападкам, перенесший множество горя и страданий по их вине, был сломлен несправедливостью и лицемерием:

*Привычка верой торговать не ново для захидов,
Сегодня даже брахман без стыда пояс суфия продает.
Это племя плутов и обманщиков круг,
Этот изображает любовь, тот возлюбленную продает (1, 135)*

Воспевание истинной дружбы, радость от встречи друзей стали лучшими мотивами в назидательной поэзии Урфи. Персоны, воспетые им в касыдах, являются его друзьями, наставниками и благодетелями, которым он посвятил искренние и полные почитания строки. Урфи всегда чтит дружбу и внимание, был настоящим ценителем своих друзей, учителей и благодетелей. В великолепных касыдах, в изящном переплетении философского и научного содержания, пробиваются искренние мотивы во славу настоящей дружбы и благоговейного почитания. Урфи Ширази высказывает искреннее уважение и преклоняется перед Абдурахимом Ханханан и Абулфатхом Гилани, посвящает им множество своих блестящих касыд. Составители антологий-современники Урфи относят Абулфатха Гилани и Абдурахима Ханханана к числу просвещенных и выдающихся личностей того периода, который внесли свою лепту в пришествие блистательного поэта Урфи.

Абдурахман Ханханан был одним из выдающихся государственных деятелей периода жизни Урфи, под покровительством которого Урфи творил и благодаря указанию которого диван Урфи дошел до настоящего времени в полном виде.

*Судьба создала из пыли дома твоего оберег волшебный,
Что вне порога твоего нет места клятвам и зарокам. (1;18)*

Хвалебные ноты, почитание великих персон своего времени является главным мотивом касыд Урфи, на полотне которых блещут краски научной мысли, мистики и философии.

Урфи Ширази был личностью скромной, но свободомыслящей и гордой, что ярко выражено в его философских касыдах:

*И султан и нищий всем нужны одежда и хлеб
Чтоб вновь прикрыть тело голое и насытить живот (1;23)*

По его мнению, все люди на свете заняты мыслями о материальном, насыщение живота и прикрытие собственной наготы людям важнее всего.

Скромность и свобода всегда были центральными темами поэтов всех времен. Урфи Ширази считал эти качества основой человеческого достоинства, независимости, свободы и уважения. Множество строк Урфи посвящены теме порицания тяготения к богатству, посвящения этому занятию всей своей жизни, порицанию рабского преклонения перед богатством и материальным благам, забывающих при этом поминание Бога и его восхваление:

*Богача быстрой настигнет воровство богатства,
Вначале приберёт грабитель богатство, закрытое на ключ золотой*
(1; 56)

Урфи в своих касыдах выражает полное пренебрежение богатству и материальным благам, требует предаваться молитвам и бдениям, изучать науки и ремесла, зарабатывать на хлеб насущный честным трудом. Поэт презирует лицемерие, ханжество, который считает внешность пустой без внутреннего содержания.

*Человек сущностью украшен, без нее он только внешность,
Прекрасные картины в альбоме у художника умелого есть* (1;55)

Касыды Урфи отражают его жизненное положение, его психологическое состояние, широту мировоззрения, оставляя это навсегда в наследие будущим поколениям. В касыдах поэт ищет пристанище от уныния, горестей, перенесенных им от рук завистников, от несправедливости и наветов. Часто Урфи в касыдах описывает свою жизнь, свой взлет и падение, отражает личные черты характера:

*Я - дерево Туби, листья и ветви его жгучи,
Вороны и тетерева на ветках его птица Феникс.
Я - сад, где каждое дерево садовник, лелея,
Поливает кровью сердца, но не может взрастить* (1; 46)

Поэт сравнивает себя с деревом, листья и ветви которого горят нещадным огнем, с садом выращенном усилиями садовника, но не дающего плодов, что говорит о его слабом и немощем состоянии, болезни, сломившей его своей тяжестью. Поэт сетует, что и в этом мире и в том мире, даже ангелы пристрастны и недружелюбны к нему:

*О, Господь, что за злоба коварная ко мне,
Даже ангелы пристрастны ко мне* (1;25)

В большинстве случаев касыды Урфи открывают сведения автобиографического характера. Известно, что Урфи был несчастен, хотя был одарен величайшим талантом, однако он был сломлен под гнетом уныния, болезни, зависти и укоров завистников. Поэта-мистика обвинили в богохульстве и ереси, сделав его жизнь невыносимой от клеветы и наветов:

*Светильник любви не погаснет, коли ты, судьба, поутру,
Не откроешь мне настежь дверцу несправедливости* (1;57)

Урфи полагал, что высшей любовью является любовь к Всевышнему, лучшее слово - сказанное в его славу. Урфи, будучи выдающимся поэтом-мистиком, сочинял мистические касыды, посвященные прославлению искренней божественной любви. В восьмидесяти двух касыдах, законченных и частично не законченных, оставленных им, двенадцать или более касыд посвящены прославлению пророка Мухаммада (с), свидетельствующие о его огромной набожности и искренности.

Урфи видит все земные невзгоды и несчастья народа в безверии, падении нравственных устоев, непокорности Всевышнему. Поэт настаивает, что все бедствия и нищета это кара людям за их безверие:

*Все горести наши от порочной жизни,
Поскольку благодать божья безбрежна,
Неправилен путь к дому милости, ведь
Нет врат и стражников у милости божьей,
Не увидишь ни одного шейха честного,
У которого были б без пятна шаровары (1; 72)*

Касыды Урфи явили его миру, как богобоязненного, чистого в помыслах поэта, использующего свой талант во имя прославления праведности и наставления на истинный путь.

Литература:

1. Урфи, Ширази. Полное собрание сочинений, Т.1 / Состоит из касыд, таркиббандов, тарджебандов, кыт`а на основе рукописей Абулькасима Сироджо Исфакхани и Мухаммад Садики Назима Табрези. Усилиями Валиюллаха Ансари/Урфи Ширази - 1378. (на персидском языке).
2. Эте Х. История персидской литературы. Перевод с комментариями Ризазаде Шафак/ Х. Эте - Тегеран, 1337. -336с. (на персидском языке)
3. Пригарина Н.И. Индийский стиль /Н.И. Пригарина - Москва: 1999
4. Фурузонфар Б. История литературы Ирана. Стараниями Иноятуллоха Маджиди/Б. Фурузонфар - Тегеран, 1383. - 636с. (на персидском языке)

**Суюнов М., доцент,
(Тожикистон)**

АДАБИЁТДА МАЗМУН ВА ШАКЛ МУАММОЛАРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Биз шу кунгача мазмун ва шаклни фалсафий категория сифатида ўрганиб келдик. Унинг марксистик таҳлилига ҳам амал қилдик. Мазмун, нарса-ҳодиса тушунчасининг моҳият қисми, шакл мазмуннинг яшаш усулидир. Уларнинг ўртасидаги муносабатлар шундай белгиланди. Мазмун ва шакл диалектик бирлик ва мутаносибликда бўлади.

Таъриф ва шарҳнинг ана шу кўриниш барча фанларда мазмун ва шаклга нисбатан берилди. Бундай бўлишга бош сабаб марксистик диалектика барча

фанлар учун методологик асос сифатида қабул қилинди. Бошқача айтганда, ҳамма дақиқ ва гуманитар фанлар ўзининг назарий қолипни марксистик методологиядан олиши шарт эди. Шу маънода бадиий адабиёт шакли ва мазмуни ҳам марксистик диалектикадаги мазмун ва шакл мезони билан қиёсланади ва баҳоланади. Натижада мазмун ва шаклининг диалектик бирлиги тушунчаси материалистик нуқтаи назаридан бир қолипда ўрганишни тавсия қилди ва бу бадиий адабиётдаги шу категорияга ҳам манфий таъсир қилди. Мазмун ва шакл тушунчасидан ҳам материалистик тушунча ва идеалистик тушунча жиддий ахтарилди. Масалан, ҳазрат Навоийнинг мазмун келинчак, шакл либоси деган тушунчасидан ҳам идеалистик қараш тафтиш қилинди. Яъни келинчак бу жусса, унинг либоси эса алоҳида, ажралган уларда диалектик бирлик йўқ, деб тушунтирувчилар бўлди. Охир-оқибат буюк мутафаккир шоирнинг мазмун ва шакл тушунчасидаги фикри идеалистик тушунча деб баҳоланди. Аслида Навоий мазмун ва шаклни диалектик бирликда деб тушунади, мазмунни етакчи деб билади. Асар мазмун ва шакли жиҳатдан ҳам гўзал бўлиши керак деб уқтиради улуғ Навоий. Шарқ адабиётида мазмуннинг етакчилигини тан олмай, фақат шакл орқасидан қувиш қаттиқ қораланган. Бунга Сайфи Саройи, Жомий ва Навоийларнинг қарашлари тўлиқ далил исботдир.

Мазмун ва шакл масаласи Шўро даври адабиётшунослигида кенг доирада, атрофлича ўрганилди, ҳатто фундаментал асарлар ҳам яратилди. Бироқ баъзи қарашлар, ҳатто айтиш мумкинки, мазмуннинг фақат ғояга боғлаб қўйиш ҳолатлари ҳукмрон тус олди. Натижада мазмун ва шаклга социологик қараш кучайгандан кучайди. Социологик қараш эса бадиий адабиётни фақат ғоя билан боғлаб қўйиб, адабий факт, детал ва усуллардан ҳам ғоявийлик қидирилди. Бадиийлик ўз-ўзидан заифлашди, иккинчи даражага тушиб қолди. Бадиийликни фақат шаклдан иборат қилиб қўйиш ҳолатлари ҳам юзага келди. Шу маънода ҳам бугунги кунда адабиётшунослик мазмун ва шакл масаласига қайтиб иш кўриши ва янги тамойил асосида қайта ўрганиши бевосита ҳаёт, фанининг тақозосидир.

Мазмун фалсафий жиҳатдан олганда ҳар қандай нарса-ҳодисанинг ички моҳият қисмидир. Бадиий тафаккур нуқтаи назаридан эса бадиий қайта акс этган ҳаётий ҳақиқатдир. Ҳаётий ҳақиқат эса асар мавзуси тасвирланаётган воқеалар, унга муаллифнинг муносабатлари ва ниҳоят ғоялар оламида бадиий ифодаланади. Мазмун доирасига кирувчи категориялар сирасида асар муаммоси муҳим рол ўйнайди. Бу масала славян адабиётшунослигида яхши

этироф этилган. Ҳатто асарнинг номлари унинг муаммоларидан олдинда мужда беради: “Россияда ким яхши яшайди”, “Ақллилик балоси”, “Пўлат қандай тобланди”, “Уруш ва тинчлик” ва ҳ.к. Кўринадики, адабиётшуносларимиз мазмун сирасига, албатта, асар муаммосидан мавзу, мавзу ўз навбатида асар муаммоси билан, ниҳоят асар ғояси билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бадиий асарга ҳаётини муаммо қўя билиш ҳам ижод жараёнининг асосий режа ва вазифаларидан биридир. Асар мазмунига оид муаммони ижод жараёнида жўяли қўя билмаслик унинг сюжети, композицияси, ғоявий йўналишларига ғализлик олиб кириши табиий ҳол. Айниқса, ёш ижодкорлар учун мазмун асар муаммосидан бошланиши таажриба ва маҳорат учун муҳимдир. Демокчимизки, муаммо асар мазмуни доирасида таҳлил қилишини адабиётшуносликда махсус ўрганилиши керак.

Мазмун борасида яна бир мунозарали масалани ўртага ташламоқчимиз. У ҳам бўлса бадиийликни шакл ва мазмунга муносабатидир. Аксар ҳол бадиийлик шаклга нисбат берилади (2). Бу тўғри. Аммо мазмуни кўпинча “бадиий мазмун” атамаси билан ифодалаймиз. Бизнингча бадиийлик мазмун сирасига ҳам тўлиқ оиддир. Бадиийликдан айро мазмун йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, улуғ Белинский Пушкин ижоди пафоси асарлари мазмунининг умумий руҳидан келиб чиқади деса, бундан озиқланган Иззат Султон Қодирий ижодининг “умум маъноси, яъни пафосини” “замонавийлик ва бадиийлик” деб таърифлаган (3). Кўринадики, мазмун ҳаётнинг бадиий ҳақиқати бўлса ва пафос санъаткор ижодининг умумий маъноси билан алоқадор бўлса, шундан келиб чиқиб, пафос мазмунга ҳам оиддир. Ғоявийликни фақат мазмундан, бадиийликни фақат шаклдан излаш мутлақо хатодир. Мазмун ва шакл янги тамойилда ўрганилар экан, бадиийлик мазмун сирасида ҳам талқин қилиниши долзарб масалалардан бири сифатида қаралиши керак.

Мазмуннинг етакчилиги ҳақидаги қараш тўғри ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. У шаклга нисбатан тез ўзгарувчан. Ҳаёт янги*янги воқеалар, ҳодисалар ва фактлар билан бойиб турар экан, бадиий мазмун ҳам ўзгариб, бойиб боради.

Адабиётда ҳам қандай янги давр ва босқич янги мазмундан бошланади. Ўзбек адабиётида маърифатпарварлик, сатирик, жаид йўналишидаги адабиётлар, “энг аввало”, мазмундан бошланган. Янги мазмун ўзига муносиб янги шакл топиб олади. Маърифатпарварлик ва жаид адабиётни ўзига хосу мос мазмунига яраша драма, публицистика, реалистик ҳикоя, қисса,

кейинчалик роман, памфлет, сиёсий-ижтимоий лирика ва бошқа янги адабий жанрларга эга бўлди. Истиқлол адабиёти ҳам мазмундан бошланди. Социалистик тузумнинг умумлаштирилган мулк, яъни ишлаб чиқариш воситалари халқ мулкига айлантирилган, барча меҳнатига яраша ҳақ олиши тартиби бузилди. Унинг ўрнини бозор иқтисоди эгаллади. Коммунистик мафкура ўрнини миллий ғоя ва мафкура олди. Бунинг ифодачиси бадиий асар мазмунида ҳам янгиланиш пайдо бўлди. Пайдо бўлган янги мазмун ўзига хосу мос янги бадиий шакл ҳам ихтиро қилади. Бадиий шакл ҳаёт ифодачиси образ, образ эса бадиий шаклни ташкил қилади (4). Бугунги образ мустақилликни ўзига неъмат деб билган, ўзлигини танилган иймонли, диёнатли шахс. Шу мисолларимизнинг ўзи шаклга нисбатан мазмуннинг етакчилигини яна бир карра тасдиқлайди.

Шаклга келганда шуни айтиш керакки, янги тамойилга кўра у ҳақда баъзи мулоҳаза талаб фикрларга аниқлик киритишга тўғри келади. Баъзи адабиётшунослар шаклни “мазмуннинг ташқи қиёфаси кўриниши” деб баҳолайдилар. Фикр табиат кўриниши, нарса-предметларга тўғри келади. Аммо бадиий асарга келганда бу фикр ҳамма вақт ҳам тўғри эмас. Асарда шакл ташқи қиёфа сифатида эмас, балки ички уюшиш, аниқроғи ички моҳиятидир. Масалан, асар тили воқеаси, композицияси, характери ва ниҳоят тасвир воситаларни ташқи кўриниши деб бўлмайди. Ҳамид Олимжон “Ўрик гуллаганда” шеърининг ташқи қиёфаси ёки кўриниши мана бу деб бўладими? Бизнингча йўқ.

Образ характер, сюжет, тасвир восита ва ифода усулларини конкрет ҳолда анъанавийликка мойиллигини алоҳида-алоҳида таҳлил қиламиз. Улар йиғилиб бадиий шаклни ташкил қилади. Аён бўладики, бадиий шаклга анъанавийлик хос экан. Шундан келиб чиқиб, бир бошқа адабиёт шаклининг кейинги давр шаклида юзага келтирган анъаналарини, ёки бир давр бадиий шаклининг ворисий эканлиги умумий режада негацир адабиётшуносликда ўрганиш манбаи бўлгани йўқ. Адабиёт тараққиётини тадқиқ қилаётганда ана шу каби муҳим назарий муаммо назардан четда қолиб кетмоқда. Шунда бадиий шакл ҳақидаги назарий қараш, тушунча ва фикрлар янада аниқлашади ва бойийди.

Адабиёт адабиётшуносликнинг бош муаммоси бадиийликдир. Бадиийлик эса Чернишевский биринчилардан бўлиб уқтирганидек, мазмун ва шакл бирлигидир. Бадиийликнинг ана шу масаласи бугунги адабиётшуносликнинг долзарб масалларидан бири сифатида янгича талқин

қилинмоқда. Жумладан, адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов “Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари” мақоласида мазмун ва шакл борасида “янада унумлироқ методологик ёндошишлар йўлидан боришга тўғри келади” (5), деб ёзади. Олим худди шу фикрдан келиб чиқиб, махсус масала бўйича қатор ҳал қилиниши ва эътибор берилиши лозим бўлган муҳим масалаларни кўтариб чиққан. Биринчидан, мазмун ва шакл уйғунлиги бош масала, шундан танланган мазмун танланган шаклни тақозо қилишидир. Иккинчидан, яъни мазмун ўзига хос шакл талаб этади, ёки шакл ҳам ўзига хос, танланган мазмунда намоён бўлади. Учинчидан, мазмун ва шакл уйғунлигида мувофиқлик ҳаминша сақланавермайди, деган янги қараш. Масалан, яхши мазмунда хунук қиёфа, хунук қиёфада эзгулик мазмун ифодаланиши мумкин. Тўртинчи, бадий адабиёт тарихида бадий мазмун ва шаклнинг барча ижодкорлар учун барқарор, ўзгармас усул ва нисбатлари йўқ. Ҳар бир ижодкор мазмунга мувофиқ шакл интихоб қилади. Талант ҳам ана шу олий нуқтада намоён бўлади.

Адабиётлар

1. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент, - 1980, 153 б; Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш, - Тошкент, - 1996, - 93 б.
2. Султон И. Ўша манба, 93 б.
3. Султон И. Ўша манба, 163 б.
4. Султон И. Ўша манба, 152 б.
5. Саримсоқов Б. Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари. Ўзбек тили ва адабиёти, - 1997, - 10 б.

*Тожибоева О., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

ЛУТФИЙ ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Лутфий ҳаёти ва ижоди ўзининг давридаёқ юксак эътироф этилган. Агар Лутфий ижодий мероси атрофидаги баҳслар ўзбек адабиётшунослигида қанчалик баҳсли талқин этилган бўлса, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”да берган маълумотидан шоир замонасида ҳам шунчалик турли фикрлар, мулоҳазалар айланиб юрганини англаш қийин эмас. Мазкур таъриф Навоийнинг Самарқандда ўзи шоҳиди бўлган воқеалар асосида, Самарқанд аҳолиси томонидан юксак ҳурматга сазовор шоир Саккокий таърифида айтилади: “*Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърлари анингдурким, ўгурлаб ўз отига қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз муқобаралар гоҳи воқеъ бўлур*” (Навоий: 1997, 53). Алишер Навоий таъкидлашича, гўёки Лутфий Саккокий ғазалларини ўғирлаб, ўзининг тахаллусини қўйиб, ўзлаштириб

олармиш, аслида Лутфийнинг ҳамма ғазали Саккокийники экан. Мазкур фикрлардан Самарқанд халқи Саккокийни қаттиқ ҳурмат қилишини англаш қийин эмас.

Лутфийнинг дастлабки тадқиқотчиси бу – албатта, Алишер Навоий ҳисобланади. Жумладан, Навоий тилидан “малик ул-калом” дея таърифланиши, “Мажолис ун-нафоис”даги ҳаётӣ муносабатлар доирасидаги устоз-шоғирдлик алоқалари, “Муҳокамат ул-луғатайн”даги туркий тилда ижод қилувчи шоирлар қаторида *“шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмӣ ва Атоӣ ва Муқимӣ ва Яқинӣ ва Амирий ва Гадоӣдеклар. Ва форсий мазкур бўлгон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, таъб аҳли қошида ўқуса бўлур”*, дея берган баҳоси ҳам Лутфий ижодининг адабий қимматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади (Навоий: 2000, 25). Назм аҳлининг нозик дидли саркори Навоийнинг эътирофига сазовор бўлиш ҳар қандай шоир учун ҳам катта шараф ҳисобланади. Навоийнинг Лутфий ижодига берган баҳоси барча даврларда эътироф этилган.

XX аср бошларигача бўлган давр мобайнида Лутфий ижодидаги халқоналик, нозик қочиримлар, туркона услуб таровати шоирлар учун ижодий таъсирланиш, анъанани давом эттириш учун асосий таъсир манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди. Шоирлар Лутфий ғазалларидан ижодий таъсирланиб, тахмислар боғлашди, рубоӣ, туюқларнинг гўзал намуналарини яратишди. XIX аср охирида тўпланган, XX аср бошларида тошбосмада чоп этилган баёзларда ҳам Атоӣ, Навоий, Саккокийлар қаторида Лутфий ижодидан намуналар бериш анъанавий давом этган. Бугунги кунда Тошкент давлат Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида шоир девонларининг қўлёзма нусхалари ва баёзларга киритилган ашъорларининг кўплаб нусхалари сақланади.

Лутфий ижодининг тизимли равишда ўрганилиши ўзбек адабиётшунослигида XX аср бошларида бошланди. Абдурауф Фитрат ўзбек адабиётини даврлаштириб чиқади ва шу аснода темурийлар даври адабиётига катта эътибор қаратади. Атоӣ, Лутфий, Саккокийлар ижодини таҳлилга тортиб, ўз мажмуаларига киритади. Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллуди арафасида Буюк Каримов Лутфий девонини нашрга тайёрлаган, бироқ нашр қилинмай қолган. Шу муносабат билан олим Ҳоди Зариф “Навоий замондошлари” тўпламини нашр эттирган.

Ўзбек олимлари Ҳоди Зариф, Эргаш Рустамов, Содирхон Эркинов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Э.Аҳмадхўжаев каби олимлар шоир ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Лутфий ижодининг монографик тарзда ўрганилиши ва девонларининг жорий алифбода халққа етиб боришида филология фанлари доктори, профессор Содирхон Эркиновнинг хизматлари катта. Олим номзодлик ишини шоир ижодий меросини тадқиқ этишга бағишлади, монографиялар эълон қилди. Шоирнинг Ўзбекистонда нашр этилган турли йиллардаги девонларининг барчаси С.Эркинов томонидан

нашрга тайёрланган. Олим Лутфий девонларининг ўндан ортиғи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида мавжудлиги, шунингдек, хорижий давлатлар Туркия, Париж, Британия, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида сақланишини маълум қилади. Улардан энг мукаммали Париж нусхаси эканлиги, қўлёзмада ғазаллар сони уч юздан ошиши, фардлари ҳам ўрин олганлигини айтади. Девон қўлёзмалари орасида Лондон нусхаси 1511 йилда кўчирилгани учун қадимийлиги жиҳатидан кадрли эканлиги, шоир девонини нашрга тайёрлашда ҳар икки қўлёзманинг фотокопиясига асослангани ва Ўзбекистондаги нусхаларига қиёслаб чиққанини айтиб ўтади (Эркинов: 1987).

2009 йил нашр этилган Лутфий девонининг янги нашрида С.Эркинов девоннинг афзаллиги, ғазаллар қиёсий кўриб чиқилгани ва форсий ғазаллари ҳам ўзбекча маъноси билан берилаётганини айтиб, Лутфий ижодий меросини тадқиқ этишда муайян натижаларга эришилганини далиллаб ўтади. Филология фанлари номзоди Э.Аҳмадхўжаев Лутфий девонининг қўлёзмалари, девон қўлёзмаларининг тарқалиши ҳолати, шоир даврига яқинлиги каби масалалар доирасида кўплаб мақолалар эълон қилган.

Лутфий ижодининг халққа етиб бориши, олий таълим тизими, умумтаълим мактабларида ўқитилишида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳам вазифаси катта бўлди. Жумладан, буюк олим Натан Маллаевнинг олий ўқув юрти филолог талабалари учун тайёрлаган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилиб, шеърлари чуқур таҳлил этилган (Маллаев: 1986,).

“Гул ва Наврўз” достони узоқ йиллар давомида Лутфийнинг бадиий маҳоратига боғлаб, образлар тизими, мавзу ва ғоялар олами асосида таҳлил ва талқин қилинган, деярли ўзбек китобхони мазкур маълумотни қабул қилиб бўлган эди. Олим Эргаш Рустамов томонидан Америка Қўшма Штатларидан Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарининг олиб келиниши ва илмий жамоатчиликка маълум қилиниши билан мавжуд маълумотлар ўзгарди. Талқинларнинг янглиш эканлиги ойдинлашди. Темурийлар даври адабиёти бўйича махсус илмий тадқиқот яратган олим А.Ҳайитметов китобга сўзбоши ёзган. Китобдаги маълумотлар икки муҳим фикрни илгари суради. Шайх Аҳмад Тарозий “Гул ва Наврўз” достони Ҳайдар Хоразмий қаламига мансублигини қуйидагича маълум қилади: “Мавлоно Ҳайдар “Гул ва Наврўз”ни айтибтур ва қофиялари гоҳи мафойил келур ва гоҳи фаулун келур” (Ҳайитметов: 1996, 3).

Шайх Аҳмад Тарозий асарида яна Лутфий ғазалидан ўзбек китобхонларига таниш бўлмаган икки мисра келтириб, Лутфийи Шоший қаламига мансуб эканлигини айтади. Манбадаги мазкур маълумотдан сўнг, “Гул ва Наврўз” достони муаллифини аниқлаш борасидаги тафтиш ишлари бошланди. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”даги Ҳайдар Хоразмий Искандар мирзога атаб бир дoston яратгани ҳақидаги маълумотлари ҳам мазкур

фикрларни далиллайди. Бугунги кунда “Гул ва Наврўз” достони Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб асар сифатида ўрганилади.

Олима С.Ғаниева турк тадқиқотчиси Гунай Қараағоч Лутфий девонининг Анқара нашрида Жалол Табибнинг “Гул ва Наврўз”ини Лутфий форсийдан туркийга ўгирган, деб ёзганлигини айтади. Гунай Қараағач Лутфий девонини нашрга ҳам тайёрлаган. Заки Валиди Тўғоннинг 1914 йилда Қозонда нашр этилган “Чигатой шоири Лутфий ва унинг девони” номли китоби алоҳида диққатга сазовор. Бу изланишлар тобора кенг миқёсда бориб, турк адабиётшунослигида Исмоил Ҳикмат Эртайлоннинг Лутфий девони бўйича, Камол Эраслоннинг Лутфий таржимаи холи, ижодий мероси бўйича илмий тадқиқотлари ҳам яратилди.

Умуман олганда, Лутфий ижодий меросини ўрганиш йигирманчи аср олимлари томонидан қизгин олиб борилди. Девонлари нашр этилди, хориждаги манбалари аниқланди, турк, ўзбек, озарбайжон олимлари томонидан кенг ўрганилди. Бугунги кунда Лутфий меросини барча эришилган натижаларни тизимлаштирган ҳолда таҳлилий ўрганиш зарурати мавжуд Сабаби, кейинги йиллардаги янгиликлар, турк олимларининг тадқиқотларини ҳам кузатиб, янги маълумотларни ўзбек китобхонига тақдим этилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Лутфий. Девон. Нашрга тайёрловчи С.Эркинов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009.
2. Лутфий. Сенсан севарим. Нашрга тайёрловчилар С.Эркинов, Э.Фозилов, Э.Аҳмадхўжаев. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 352 бет.
3. Ғаниева С. Мавлоно Лутфий Навоий нигоҳида / “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2010, 5-сон. – Б. 3.
4. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент, 1996.

**Тожибоева М., филология
фанлари доктори, доцент
(Ўзбекистон)**

ЖАДИД АДАБИЁТШУНОСЛАРИНИНГ АДАБИЙ ҚАРАШЛАРИ

Араб-форс шеърляти билан ўзбек адабиёти ғоя ва мотивлар, тимсоллар силсиласи, ифода шакллари, шеър навълари ва насрий жанрлардан тортиб бадий воситаларгача муштарак бўлгани маълум. Бу анъана ва адабий таъсирнинг бир минтақада мавжуд бўлган бир неча адабиётлар кесимида ўрганилиши лозим бўлган масалалардандир. Адабий анъана доирасига ўтмиш адабиёти эришган ютуқлар, тўплаган тажрибаларнинг ҳаммаси ҳам эмас, балки унинг муайян давр ижодкорлари томонидан долзарб деб топилган, боқий

қадрият сифатида баҳоланган ва ўз ижодий фаолиятларида намуна деб ҳисоблаган қисмигина киради.

Жадид мунаққидлари орасида мумтоз адабиётга энг кўп юзланганлардан бири профессор Абдурауф Фитратдир. Олим ўзининг барча мақола ва тадқиқотларида “Девону луғотит турк”даги Маҳмуд Кошғарий томонидан келтирилган қадимги адабий парчалардан тортиб мумтоз адабиётнинг Турди каби вакиллари ижодига қадар имкон борича муносабат билдиришга ҳаракат қилган. Фитрат ўтмиш адабиётига мурожаат этар экан, биринчи навбатда, мумтоз адабиёт қонига сингиб кетган маърифатчилик ғояларини янги шароитда давом эттириш лозимлигини англади. Туркий дostonчиликнинг илк манбалари саналган “Қутадғу билиг” ҳамда “Ҳибату-л-ҳақойиқ” каби асарларда бошланган илм-маърифатга даъват масаласини жадидчиликнинг бош ғояси даражасига олиб чиқди.

Фитрат адабиётшунос олим сифатида Юсуф Хос Ҳожиб ва Адиб Аҳмад Югнакий ижодидаги маъфатпарварлик ғояларини ўз замонаси адабиёти билан боғлади, бу асарлардаги маърифатнинг бош манбаси сифатида Курьо-ни карим ва Ҳадиси шарифни белгилаш омилини адабий одат тусига киритди. Ўзининг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳининг баёноти”, “Нажот йўли” каби асарларида ҳам ушбу адабий тамойилга амал қилди. Маълумки, Адиб Аҳмад Югнакий “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарида илм одобига бағишланган ҳадисларни жамлаб, унга шеърий шарҳлар ёзган эди. Худди шу ҳолат нафақат Фитрат ижодида, балки Авлоний, Камий, Тавалло шеъриятида ҳам кўринади.

Жадид олимлари мумтоз адабиётнинг қонига сингиб кетган тасаввуфий талқинлардан ҳам ўз асарларида самарали фойдаландилар. Бадий ижодда-гина эмас, адабий-танқидий мақолаларда ҳам тасаввуф адабиётининг XX асрда давом этиши мумкинлигини асослаб бердилар. Ана шу маънода Фитратнинг “Аҳмад Яссавий”, “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” мақолалари (1926) характерлидир¹. Ушбу мақолаларда илк турк мутасаввифлари ва уларнинг издошлари ижодига эътибор қаратилган бўлиб, айни маънода Яссавийдан бошланган ҳикмат жанри XIX асрнинг сўнгида Азим Хожа эшон ижодида давом этганлиги кўрсатиб берилди. Бу жараён XX аср бошларида ҳам давом этганини кузатиш билан имкон қадар Аҳмад Яссавий ижодидаги “йўқсилларга муносабат”га урғу бериш орқали унинг ижодини ўзбек адабиётининг сарчашмаларидан бири сифатида талқин қилди. Шунингдек, мумтоз меросга муносабатда, хусусан, Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари асарларига муносабатда ўз даврида ёзилган қўлёзмалар йўқлиги туфайли бошқа манбаларга таянган ҳолда ниҳоятда эҳтиётлик билан ёндашиш кераклигини уқтирди ва “Боқирғон китоби”га кирган ўнлаб намуналар

¹ Фитрат. Аҳмад Яссавий. // Маориф ва ўқитғучи. 1927. 6-сон. Б.29-33; 7-8-сон. Б.29-43; Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар // Маориф ва ўқитғучи. 1928. 5-6-сон. Б.49-52. Қайта нашри: Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2000. Б.16-31; 31-36.

Сулаймон Боқирғонийга эмас, балки Яссавий мактабининг бошқа вакилла-рига тегишли эканини кўрсатиб берди. Бу билан анъана ва издошлик масала-сида ниҳоятда аниқлик билан матн ва манбаларга таянган ҳолда иш юритиш лозимлигини амалда исбот қилди.

Фитратнинг “Фарҳоду Ширин” достони тўғрусида” номли мақола¹сида мумтоз достонга мурожаат этган Шамсиддин Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмасидаги достон воқеалари ва унинг драмадаги қисми хусусида фикр юритишдан аввал мазкур сюжет генезисига назар ташлади. Хуршид томонидан ёзилган сўзбошида мазкур достон воқеаларининг ўрнига муносабат билдирилган “бу асар эл оғзида Хитой, Арман, Эрон кишилари орасида ўтганлиги сўйланса ҳам аммо Туркистонда Хўжанд шаҳри ёнидаги Мирзачўл устида бўлган Фарҳод тоғи, Ширин сойидан олган таассуротимга суялиб, воқеани Туркистонда деб айтишга жасорат қиламан”² тарзидаги хато қарашларини тузатишга киришган. Яна шуни таъкидлаш муҳимки, Хуршид драмаси биргина Навоий достони асосида эмас, балки мазкур достоннинг халқ вариантларига суянган ҳолда ёзилган эди. Айни шу ўринда Фитрат драмага асос бўлган достон ва фолклордаги мазкур сюжет мотивларини ҳам фарқлаб берган. Бу ҳақда тадқиқот яратган Ҳ.Болтабоев ушбу ҳолни шундай хулосалайди: “Демак, бу ҳикоя Фитратнинг қатор текширишларидан чиқарган хулосасига кўра, Навоий достонига асос бўлган манба эмас, балки у достон таъсирида яратилган фольклор асари бўлиб чиққан”³.

Фитрат мазкур масалада ворислик ва адабий таъсир масаласига типологик жиҳатдан ёндошган ва Навоий достонини Навоийгача ушбу мавзуда асарлар ёзган Низомий ва Деҳлавий асарлари билан ҳам солиштириб чиққан. Навоий даҳосининг ушбу достон орқали акс этган буюклик қирраларини кўрсатиб берган. Биргина бу эмас. Навоийдан кейин ушбу мавзуда асарлар битган Умар Боқий ва Маҳзун асарларига тўхталиб, улар мавжуд достон сюжетини насрий баёни билан чекланганини қайд этган ҳолда биргина драмага асос бўлган матн сюжетини ўрганиш орқали мумтоз достоннинг фольклордаги ўзаги ва достондан кейинги “излари”ни тадқиқ этган: “Фикримча, бу достоннинг Эрондаги шакли бурунги Эрон, Арманистон ўлкалари орасида сосо-ни(й) ҳукмдори Хусрави Парвез замонида бўлган муносабатларнинг халқ мисолида қолган излари ёрдамида чиғган бир афсонадир. “Фарҳод-Кўҳкан” афсонаси эса, ғарбий Эронда қасри Шириндан кўб узоқ бўлмаган Бесутун тоғидаги тарихий расмлар ҳақида туғилган бўлса керак”⁴.

¹ Фитрат. “Фарҳоду Ширин” достони тўғрусида // Аланга. 1930. 1-сон. Б.14-17; 2-сон. Б.9-14; Қайта нашри: Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2000. Б.105-134.

² Хуршид. Фарҳод ва Ширин / Хуршид асарлари каталоги. Т.: MUMTOZ SOZ, 2015.

³ Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фанлари доктори ... дисс. Т., 1996. Б.183.

⁴ Фитрат. “Фарҳоду Ширин” достони тўғрусида / Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2000. Б.133-134.

Абдурауф Фитрат мумтоз адабиётга миллий адабиётнинг ўзаги сифатида ёндашди. Ўзларининг асарларида ҳам мана шу беназир чашмага мурожат этиш йўллари кўрсатиб берди. Фитратнинг кўхна адабиётга доир масалалар юзасидан қарашлари адабиётимиз тарихини чуқурроқ англаб етишда биз учун асосли материал бўла олади.

Чўлпон “Ўзбек билим ҳайъати” эътиборига ҳавола қилинган “500 йил” мақоласида¹ Навоийнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 500 йиллик тантанасини ўтказиш талаби билан мурожаат қилиб, “Навоийнинг босилмаган асарларини топиб босдиришга, лозим кўрилганларини босдириш чорасини кўриш” ва Навоийнинг мукамал таржимайи ҳолини эълон қилинишини талаб қилади.

Чўлпоннинг мумтоз адабиёт манбаларига муносабати масаласи кескин акс этган мақолаларидан бири “Улуғ ҳиндий” асаридир. Мақолада ёзили-шича, “Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолган шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, ғарбники тагин – яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин? Бири биридан ширин ахир!”² деб мумтоз манбаларга мурожаатда “йўлсизлик” ҳолидан сўз очади. Мумтоз шоирлардаги “бир хил”лик Чўлпонни қониқтирмайди. Аввало, бу ерда “бир хил” дейилганда шоир кўпроқ вазн хусусиятини назарда тутган. Қолаверса, мумтоз адабиёт намуналаридаги анъанавий бир хил бошланмалар шоирни мураккаб ҳолга солади. Бундан ташқари, татар, озарбойжон, турк насридаги айрим асарларни санаб ўтаркан, “улар шу қадар озки...” деган хулосага келади. Чўлпон бу ўринда мумтоз шеърятни бутунлай рад қилмайди, балки янги ғарб руҳидаги реалистик насрга ташна эканлигини ёзган эди. Шунингдек, шоир мумтоз анъананинг бутунлай йўқ бўлиш тарафдори ҳам эмас, балки анъанавийлик билан замонавийлик ўртасига “олтун кўпрук” қурган Тагорни эътироф этмоқчи бўлган холос. Чўлпоннинг бу қарашлари “Тагўр ва тагўршунослик”³ мақоласида янада аниқроқ кўринади: “Тагорнинг энг катта ва Шарқ руҳи билан Ғарб асосини бирлаштирган асари” хусусида гапираркан, шоир уни бир адабий мактаб яратувчиси сифатида таништиради.

Шоирнинг “Увайсий” мақоласида Гулом Зафарийнинг “Ҳалима” операсида куйга солиб айтилган Увайсий ғазали ва “Ироқ” муносабати билан келтирилган

Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,

Нечукким, марҳамат бўлсин неча мандек дилафзора, –

байти орқали ушбу ғазал таҳлилига киришилган⁴. Чўлпон шоиранинг “Қарбаланома”, “Девон”, “Хитой сафари” (Муҳаммад Алихонга бағишланган) асарларига баҳо бериб, унинг бадиҳагўйликда шуҳрат қозонгани ва бир тўртликда “анорни қандай гўзал ва санъаткорона тасвир қилган”ини

¹ Чўлпон. 500 йил / Асарлар. 4-жилд. – Б. 20.

² Чўлпон. Улуғ ҳиндий / Асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.31-32.

³ Чўлпон. Тагўр ва тагўршунослик / Асарлар. 4-жилд. – Б. 33-38.

⁴ Чўлпон. Увайсий / Асарлар. 4-жилд. – Б. 45.

таъкидлайди. Бу мақола орқали Чўлпон мумтоз шеърятнинг гўзал намуналарини қадрлаш билан бирга унга кўр-кўрона эргашиш эмас, балки миллий анъаналарни янги заминга пайванд қила оладиган адабий асарлар ёзиш кераклигини уқтиради. Бундай фикрнинг давомини унинг “Базм-чолғи тўдаси” мақоласида ҳам ўқиймиз: “Чинакам бизнинг чолғимиз йўқолиб кетишидан сақланмоғи лозим, куйларимиз унутилиш ва бузилишдан асралмоғи даркор... Бизнинг вазифамиз – ўшаларни тор бурчаклардан кенг майдонларга олиб чиқиш, ўсдириш, парвариш қилиш, тарбия беришдир”¹. Бу сўзлар тамомила мумтоз адабиётга ва унинг юксак адабий тури бўлган шеърятга ҳам тааллуқлидир. Чўлпон дунёқарашидаги ушбу йўналишни чуқур англаган У.Султонов ўзининг номзодлик диссертациясида Чўлпоннинг “изланиш, тажрибалар, жаҳон адабиётини ижодий ўрганиш хусусидаги фикрлари янги давр адабиёти принципларини қарор топишида ижобий таъсир кўрсатди”² деган хулосага келади. Демак, Чўлпон мумтоз адабий жанр ва тимсолларга муносабатда уларни рад этиш йўлидан бормаган, аксинча, мумтоз адабиётнинг чексиз бадиий имкониятларини ўрганиш орқали замонавий шеърят таракқий этиши мумкин эканини кўрсатиб берган.

Ўзбек жаҳид адабиётининг форс мумтоз дostonчилигига алоҳида эҳтиром билан қараганини Фирдавсийнинг “Шохнома” асарига муносабатда кўришимиз мумкин. Фитрат Фирдавсий ижодига бир неча мақолалар бағишлади, Чўлпон “Шохнома” сюжети, мотивлари, тимсоллар тизими ва қаҳрамонларини жаҳид адабиёти билан боғлашга ҳаракат қилди. Фитрат ва Чўлпон “Шохнома” мавзулари асосида яратилган сахна асарлари ҳақида ёзилган мақола ва тақризларида жаҳид адиблари мумтоз адабиётнинг қайси жиҳатларидан озикланганини кўрсатиб бердилар.

**Тожиматова З., ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ЎЗБЕК “АЁЛЛАР АДАБИЁТИ” ВА УНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек адабиётида замонавий аёллар ижоди ўтган асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларига келиб ўзини намоён қила бошлади. Бугунги кунга келиб ҳам аёллар ижоди ҳақидаги баҳс-мунозаралар тингани йўқ. Аёллар томонидан ёзилган асарларга сўз санъатининг мустақил соҳаси сифатида қараш қанчалар тўғри деган турли нуқтаи назарлар мавжуд. Аёллар ижоди ҳодисасини тушуниб етмоқ учун адабиётшуносликда “гендер” атамаси қўлланила бошланди. “Аёллар ижоди” XX аср охирларига келибгина адабий ҳодиса сифатида расман тан олина бошланди ва бугунги кунга келиб эса деярли ҳар

¹ Чўлпон. Базм-чолғи тўдаси / Асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 96.

² Султонов У. Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари. Филология фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 87.

бир миллий адабиётнинг барқарор ҳодисаси сифатида ажралиб туради. Аёллар ижоди, хусусан насри ва шеърини таҳлил қилинмоқда, аёллар ижодининг турли жиҳатларини тадқиқ қилишга доир алоҳида изланишлар амалга оширилмоқда, баҳс-мунозара, суҳбатлар уюштирилмоқда, конференциялар ўтказилмоқда. Аёлларнинг ўзига хос тили, ёзиш услуби, эстетикаси мавжудми деган масалалар кўриб чиқилмоқда. Бироқ, аксарият тадқиқотчилар “аёллар адабиёти”да ҳам худди умумадабиётда содир бўлаётган – янги бадиий-эстетик изланишлар, мазмуний-шаклий ўзгаришлар каби жараёнлар содир бўлмоқда деган хулосага келмоқдалар.

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти контекстида “аёллар адабиёти”ни ажратиб олиш бир нечта омиллар билан боғлиқ: **биринчидан муаллиф – аёл, иккинчидан асосий қаҳрамон – аёл, учинчидан – асарда кўтарилган муаммо аёл тақдири билан узвий боғлиқ. Атроф-муҳитдаги воқеликка аёл руҳиятидан келиб чиққан ҳолда аёл нуқтаи назари билан қараш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.**

Замонавий ўзбек ижодкор аёллари ўз асарларида шижоат билан янги услублар, янги мазмун ва янги шакллар қўллаш бошладилар. Бу адиба ва шоирларнинг ижоди ўзига хос бўлиб, ижодининг асосини аёл образини яратиш ташкил қилади. Лекин аёл образига ёндашишда ўзгаришларни кўриш мумкин. Энди уларнинг аёл қаҳрамони бутунлай эзилган, мазлума, ҳақ-ҳуқуқсиз ёки қўшхотинликнинг қурбони бўлган муштипар ўзбек аёли эмас, саводли, иродали, курашувчан, мақсад сари интилувчан замонавий аёлдир. Албатта унинг муаммолари кўп, бу муаммолар шахсий ҳаёти, оиласи, эри билан боғлиқ. Аммо аёлнинг уларга муносабати, характери олдингига нисбатан бошқача тус олди. Шоирлар ижодида аёл олами, аёл тақдири, аёл образи турли рангларда жилваланди. Улар ҳаётнинг, турмушнинг бир қарашда арзимасдек кўринган икир-чикирлари ҳақида ёздилар. Улар қаҳрамонларнинг батафсил портретини яратишдан қочиб, ҳаётнинг тасодифларга бойлигини, бир лаҳзали ёки узук-юлуқ таассуротлар билан тўла эканлигини кўрсатиб бердилар ва мана шу лаҳзаларни тўхтатиб уларга ҳодиса характерини бахш эта олдилар.

Ишчимизнинг мақсади ўзбек адабиётида аёл ижодкорларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг асарларида кўтарилаётган мавзулар кўлами, уларнинг бадиий маҳорати ҳақидаги энг муҳтасар мулоҳазаларимизни билдиришдан иборат. Тадқиқотимиз доирасида икки таклифни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Биринчи таклифимиз, ўзбек адабиётшунослигида аёллар ижодига нисбатан “аёллар адабиёти” истилоҳини илмий муоамалага киритиш. Иккинчи таклифимиз, аёллар адабиёти тараққиётини даврлаштириб ўрганиш. Адабиётни даврлаштириш муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг таъбири билан ифодалаганда “ҳар қандай даврлаштириш ўша адабиётнинг тарихий тараққиёт босқичларини белгиламоқдир. Тараққиёт босқичларини белгиламоқ эса, хос жиҳатларини аниқламоқдир. Булар эса, ўз навбатида, уни ўрганиш ва ўргатишнинг асосий

омилларини ташкил қилади”.х1] Албатта, аёллар адабиётини миллий адабиёт тараққиётидан айро ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас. Ўзбек адабиётини даврлаштириш бўйича илмий баҳслар то ҳанузгача давом этмоқда.х2] Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати бор. Гап шундаки, барча даврларда ҳам аёллар ижоди бир текисда ривожланмаган. Масалан, хонлиқлар давридан бошлаб аёллар ижоди яққол сезилади, лекин унга қадар бу адабиёт ривожланган давр ҳақида маълумотлар жуда оз. Бунинг асосий сабабларидан деб эса исломда аёлнинг ҳуқуқларини нотўғри талқин қилиш, ва бунинг оқибатида аёлларнинг аксарияти хат-савод чиқариш имконига эга бўлмагани, саводли аёл ижодкорларни ҳам тилга олиш ноўрин деб қаралганида дейиш мумкин.х3] Жадидушнос олим З.Абдирашидов ўз мақолаларидан бирида “Туркистон вилояти газети”дан бир мисол келтиради. Унда айтилишича ХХ аср бошларида (1912 йил, №72) мазкур газетадаги бир мақолада аёл ва эркакнинг тенгсизлигини шариат нуқтаи назаридан исботлашга уриниш ҳолати кузатилади. Ва, умуман, анча пайтгача аёлларнинг савод чиқариши шарт эмас, улар ибодат учун лозим бўлган дуо ва оятларни билса кифоя деб ҳисобланган. Шуларни эътиборга олган ҳолда С. Сотиболдиева (А.Навоий номидаги ТДЎТ ва АУ, ф.ф.д.) ўзининг “Аёл руҳияти мусаввирлари” номли мақоласида аёллар адабиётини қуйидагича таснифлаб ўрганишни таклиф қилади: Хонлиқлар даври аёллар адабиёти. Истиқлолга қадар аёллар адабиёти.Истиқлолдан кейин аёллар адабиёти. Биз эса С. Сотиболдиеванинг фикрларига қўшилган ҳолда баъзи мулоҳазаларимизни ҳавола этмоқчимиз. Биринчидан, ўзбек адабиёти контекстига “аёллар адабиёти” терминини киргизиш ўринли деб ўйлаймиз. Бироқ “аёллар адабиёти” фақат аёлларнинг ўзигагина тегишли бўлган адабиётни кўзда тутадигандек таъсирот қолдирмаслиги зарур. Европа адабиётида бу термин аллақачон муомалага киритилган бўлиб, бугунги кунда жуда кўп ижодкор аёлларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Жумладан машҳур рус шоираси Анна Аҳматова ҳам уни шоира дейишларини истамай мен шоирман деганида айни шу масалаларга урғу берган эди. Ёки ҳозирги замон немис адабиётининг ёрқин намоёндаси Элфида Элинек “Менинг асарларим ҳам адабиёт дунёсининг бир бўлагидир ва улар “аёллар бурчаги”га тегишли эмас” деган эди. Ёзувчининг асарлари немис тилида сўзлашувчи давлатларда жуда катта тиражларда нашр қилиниши, пессалари театр сахналаридан тушмаслигига қарамай, унга “Аёллар адабиётининг ёрқин вакиласи” дея таъриф берилиши, асарларини эса “Аёллар адабиёти” деган ёрлиқ ёпиштирилган пештахталарга қўйилиши адибни қаттиқ ранжитгани аниқ. Ҳақиқатан ҳам Зулфия, Саида Зуннунова, Фарида Афрўз, Зебо Мирзо, Саломат Вафо ижодини эркак аёллигидан қатъий назар барча қизиқиб мутола қилади. Шу каби масалаларни инобатга олган ҳолда «аёллар адабиёти» истилоҳи адабиётни жинсга ажратиш маъносида эмас, аёл ижодкорлигини тан олиш ва чуқурроқ ўрганиш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилади. Зеро болалар, аёллар ва эркаклар ижоди жамла

ниб бир миллатнинг умумий адабиётини ташкил этади. Иккинчидан, аёллар адабиётини қуйидагича даврлаштириш керак деб ҳисоблаймиз :

- **Хонликлар даврига қадар аёллар ижоди**
- **Хонликлар даври аёллар ижоди**
- **Истиқлолга қадар аёллар ижоди**
- **Истиқлолдан кейин аёллар ижоди.**

С. Сотиболдиева ўз мақоласида “аёллар адабиёти”ни фақат хонликлар давридан бошлаш керак, унга қадар аёл ижодкорлар бўлмаган деб ҳисоблайди. Биз эса бу қараш баҳсли деб ўйлаймиз. Негаки хонликлар даврига қадар ҳам бир қанча аёл ижодкорлар бўлган. Улар ҳақидаги маълумотларни асосан тазкираларда кўришимиз мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, XIV асрда яшаган хоразимлик Подшо хотун ўзбек аёл ижодкорларининг дастлабки вакиллариандир.

Хонликлар даврига қадар аёллар ижоди деярли ўрганилмаган. Бу давр аёллар ижодини асосан тазкиралар орқали биламиз. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида учта шоира ҳақида тўхталиб ўтилганини кўрамиз. Буларнинг бири Меҳрий Ҳиротий, иккинчиси Бедиллий ва Биче (Бибича) Мунажималардир.х4] Алишер Навоийнинг даврида замоннинг ижтимоий-сиёсий шароити аёллар ҳақида маълумот йиғиб зикр этмасликка ундаган. Шу сабабли Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида 459 шоир ҳақида маълумот берган ҳолда атиги уч шоирани сўзаро айтиб ўтган. Аммо давр ўтиши ва дунёқарашлар ўзгариши сабабли шарқ адабиётида шарқ аёллари ҳақида ҳам тазкиралар ёзиш бир мунча ривожланди. Масалан, Саййид Муҳаммад Сиддиқ Баҳодирнинг “Шамъи анжуман”, Муҳаммад Зеҳнийнинг “Машоҳир ун-нисо”, Муҳаммад Музҳар Ҳусайнийнинг “Рўзи равшан”, Саййид Али Ҳасанхоннинг “Субҳи гулшан”, Лутф Али Озарнинг “Оташқада”, Фаҳрий Хиравийнинг “Жавохир ул-ажойиб, Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълум”, Мир Ҳусайндўст Санбаҳлийнинг “Тазкираи Ҳусайний”, Ризоиддин бинни Фаҳриддиннинг “Машхур хотунлар”, Шерхон ибн Али Аҳдийнинг “Ништари ишқ”, Вожид Алининг “Матла ул-улум”, Амир Музаффар Ҳашматнинг “Тазкират уш-шуаро” каби асарлари шулар жумласидандир.х5. 6-7]

Ана шундай тазкиралардан яна бири Муҳаммад ибн Муҳаммад Пофеъ маликул Китобнинг “Тазкират ул-хавотин” (1884-85) тазкираси бўлиб, унда ХИИ асрдан то ўз замонасигача бўлган форс, араб ва турк тилида ижод қилган 177 шоира ҳақида маълумотлар, ривоятлар ва ҳикматлар келтирилган.

Мулла Муҳаммад Сиддиқ Охунзода Ҳиротийнинг 1904йилда ёзилган “Тазкират ун-нисо” тазкираси ҳам шу жумладандир. Унда 140 шоира ҳақида маълумотлар ва ривоятлар келтирилган.

Адабиётшунос Т. Жалолов ҳам ўзбек шоирларини Зебуннисодан бошлаб ўрганган. Бизнинг фикримизча юқорида келтирилган тазкираларни изчил ўрганиш, бу давр аёл ижодкорлари ва ижоди ҳақидаги тасаввуримизни янада тўлдиради.

Адабиётлар

1. Изоҳ: Туркий адабиётларни даврлаштириш масаласига доир.// Бегали Қосимовнинг Халқаро туркология конгрессидаги нуткидан. Муфассал маълумот учун қаранг: <http://www.ў-адабийот.ғз/адабийотshfnoslik/> адабий-сухбатлар/681-мақола.хтмл (06.10.19 санада мурожаат қилинди)
2. Раҳмонов Н. Адабиёт-даврнинг акс-садоси// “Шарқ юлдузи”, 2016 йил, 6-сон
3. Изоҳ: 1876 йилда Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи ҳисобланган эркаклар ва аёллар тўлиқсиз гимназияси очилган
4. Суйима Ғаниева. Уларни Навоий тилга олган. “Саодат” журнали, 1968-№9 сон.
5. Махбуба Қодирова XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1977 й. – Б. 6-7.

Туропова П., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ШЕЪРИЯТДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА ВАТАН ТУЙҒУСИ ТАЛҚИНИ

Киши ўз аجدодлари томонидан яратилган маънавий меросга, боболаридан ёдгорлик бўлиб қолган она юртга муҳаббат руҳида тарбияланган бўлса, унинг миллатпарварлиги ва ватанпарварлигидан таъсирланиш ва илҳомланиши ҳам табиий бир ҳол ҳисобланади. Албатта ижодкор қайси халқ фарзанди бўлса, у шу халқ дарди, кечаги изтироблари ва айни дамдаги шукроналарини теранроқ куйлайди.

Дарҳақиқат, “...Ватан бизга ато этилган улуғ неъмат экан: Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган улуғ неъматдир”хОзод Шарафиддинов, 2001; 26]. Ватан барчамиз учун муқаддас экан, ана шундай ватанни севган ва мадҳ этган ватанпарвар шоирларимиздан бири, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон журналистлар ва ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Жиззах адабий муҳитининг намоёндаси Иброҳим Донишдир.

Болалар шоири бўлган Иброҳим Дониш “Помидор нега қизил?”, “Дилоромнинг кўшиғи”, “Чароғон юлдузлар”, “Тушдаги саргузашт”, “Ҳандалак”, “Меҳнатдан топилган бахт”, “Етимнинг бахти” номли китоблари, “Чўл фарзанди”, “Қўштерак афсонаси”, “Алпомишнинг тўйи”, “Ҳаёт китоби” номли дostonлари, “Армон”, “Маҳаллам ва маҳалладошларим” номли балладалари, “Ўчмас хотиралар” номли қиссаси ва “Қўшнилари можароси”, “Номус қурбони”, “Эл Соадати” билан кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Дарҳақиқат,

Дунёда ҳеч ўлмайдесанг,
Қолдир юртда яхши ном.
Авлодларинг эслар шунда,

Эъзозлар сени мудом!ҳИброҳим Дониш, 1998; 63]– деб куйлаган ва бу сўзларни ўз ҳаётига ;дастурамал қилиб олган шоир ўзидан ўзбек адабиётига, хусусан Жиззах адабий муҳитига катта адабий мерос қолдирди.

Нуқсоним йўқ дема, доғ бор ойда ҳам,

Бир камлик сезилгай ҳатто бойда ҳам.

Билимни пеш қилиб бурнинг кўтарма,

Камтар камол топар ҳамма жойда ҳам! ҳИброҳим Дониш, 1998; 70].

Шоир шеъриятининг жуда кўпчилик қисмини Ватан ҳақида битилган кўшиқлар дейиш ҳам мумкин. Унинг шеъриятида Ватан туйғуси алоҳида, ўзига хос рангларда товланади. Бу меҳр унга умрининг ҳар бир сониясида ҳамроҳ, ёниб, нур ва ҳарорат таратиб туради. **Шоирнинг лирик қаҳрамони Ватанини она каби меҳрибон, қалби қайноқлигини, унинг бағрида эркаланиб улғайишини, бунга эркин диёрнинг фарзанди эканлиги, тамғасида Хумо қуши рамзи борлиги ҳам буни исботи эканлигини фахр–ла тилга олади:**

Тамғамизнинг ўртасида,

Хумо қуши–бахтимиз.

Келажакда фанлар сирин,

Осмоқ бизнинг аҳдимизҳИброҳим Дониш, 2014;13].

Шеър ўқувчининг ватанга муҳаббатини кучайтиришга хизмат қилади. Шеър бадиияти, тузилиши, шакли жиҳатидан мукамаллик касб этади, таъсирчанлиги, мазмундорлиги билан болажонлар қалбидан тезда ўрин олади:

Ватан она, бизлар унга,

Эркатой ўғил–қизлар.

Соф юртимиз осмони,

Биз ердаги юлдузлар ҳИброҳим Дониш, 2014;13].

“Муסיқа ўзаро уйғунлик тугаган, оҳанг товушга айланган, бизнинг ҳиссимиз ва кечинмаларимизга мос табиатдаги тартибсиз оҳанглар тартиблашувига киришган жойдан бошланар” хКамю А, 1997;185], –экан шоирга юртига бўлган юксак туйғу, муҳаббат қалам тутқазган.

Шоир шеърларидан кўриниб турибдики, Ватан, мадҳиямизга муҳаббат мотивлари шоир шеъриятида муҳим ўрин эгаллайди. Ватан мавзусини юксак пардаларда куйлаш аслида барча миллатпарвар шоирларга хос муштарак хусусият экан, айтиш мумкинки, Иброҳим Дониш ҳам анъана давомчиси. Бу жиҳатдан “Ватан” шеъри алоҳида эътиборни тортади. Шоир Ватан тушунчаси моҳиятини аждоддан–авлодга ўтувчи ўлмас мулк сифатида болаларга қуйидагича содда илиб тушунтиради:

Бизникидир ер–у осмон,

Бизникидир кенг жаҳон.

Мустақил юрт бағрида биз,

Улғаймиз тинч, омон ҳИброҳим Дониш, 2014;13].

Шоир болалар ва ўсмирларга атаб асар битар экан, ўзи ҳам улар билан руҳан пайванд бўлиб, руҳан қўшилиб кетгандай бўлади. **Унинг шеърларининг**

мағиз–мағизга она юртга ифтихор, фахрланиш, муносиб ворис бўлишга интилиш ғоялари сингдирилганлигини шоҳиди бўламиз.

Шоирнинг бадий маҳорати шеърларида шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиблигига эътибор қаратишида ёрқин кўринади. Поэтик мазмун халқчиллиги, соддалигини оширишда содда сўзлардан маҳорат билан фойдаланди.

Конституция деб,

Аталган қомусимиз.

Китобларининг сараси

Удир ор–номусимизхИброҳим Дониш, 2014;14].

Иброҳим Дониш ижоди тадрижи кузатилганда, унинг дастлаб болалар учун кичик–кичик шеърлар ёзганлиги ва жараён тўлишиб, дostonлар яратганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Адибнинг кадрдони Ёдгор бахши, устози Қуддус Муҳаммадий хотирасига бағишлаб ёзган “Етимнинг бахти” дostonи шоир ижодида алоҳида аҳамият касб этган. Дoston юқори савияда завқ–шавқ билан ёзилган: **“Кун чиқиш тарафи Сирдарёга, қуёш ботиш томони Самарқандга, бир томони Қозоғистонга, бир томони Тожикистонга туташ, тарихи Бухорога ўхшаш бўлган Жиззах вилоятида одамлари шўх–шодон кулган, қизлари ўн беш кунлик ойдаи тўлган, боғларида булбуллар сайраган, кўрганларнинг кўнгил яйраган, аёллари пазанда, чевар, йигитлари зап меҳнатсевар бир кишлок бор эди. Дастурхонида ҳамиши сариёк, пишлок тайёр эди. Қишлоқнинг номини “Мўлкан” дердилар, “бойлиги беҳисоб зўр кон” дердилар”** хИброҳим Дониш, 2014;10]. Кўриниб турибдики, унинг поэтик асарлари дидактик тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Маълумки, шеър ижодкор қалби ва руҳиятидаги зиддият, эътироз ва курашнинг маҳсули сифатида вужудга келади. Шу боис шоир ҳам инсон, инсонгина эмас, туйғу ва кайфиятимиз таржимони ҳамдир. Чунки, у ҳислар жилваси, туйғулар манзараси, теран фикр ва мушоҳадалар ўзининг фалсафий-психологик мисралар қатимига жойлаб ўқувчи кўнглига сингдиради. Фикримизни исботи сифатида:

Меҳринг билан ўсдим, улғайдим,

Ҳикмат бордир аллаларингда.

Бахт–иқболим аниқ кўраман,

Тўй–тантана, яллаларингда”хБахтиёр Мирзо, 2014;5], – деб куйлаган “Сени излаб”, “Ишқ илҳомлари” шеърый тўпламлари билан ўз китобхонларини топган Бахтиёр Мирзо ижодини кўрсатиш мумкин. Шоир лирикасини кузазар эканмиз, унда Ватан мадҳи ўзига хос жилвалантирганлигини кўраимиз.

Дардларингга дармон бўлайин,

Ёғийларга армон бўлайин.

Керак бўлса, қалқон бўлайин,

Ватаним!” (Бахтиёр Мирзо, 2014;5].

Кўриниб турибдики, шоир ўй-мушоҳадалари Ватан тақдирига қайғуриш маъноси билан тўлиқ. Лирик қаҳрамон халқ дардларига дармон бўлиш билан бирга, керак бўлса қалқон бўлишга, душманларига эсп армон бўлишга ҳам тайёр. Бу ҳолат ўтмиш ва тарихни беазаган қаҳрамонларнигина эмас, балки келажак авлод қалб қаъридан чиққан нидо каби янграйди.

Бахтиёр Мирзони она Ватан ҳақидаги шеърлари насихатомуз йўналишда ёзилиб, ижодкорни ўзига хос жиҳати, кўз ўнгимизда лирик қаҳрамонни руҳий ҳолатини тўлиқ гавдалантиради, замондошларимизнинг давр ва воқелик билан боғлиқликдаги кечинмалари, туйғулари манзарасини яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бахтиёр Мирзо. Ишқ илҳомлари.–Т.: Янги аср авлодлари, 2014.–Б.5
2. Иброҳим Дониш. Етимнинг бахти. – Жиззах.: Сангзор, 2007. –Б.10
3. Иброҳим Дониш. Тушдаги саргузашт. –Жиззах.: Сангзор, 2004. –Б.13
4. Иброҳим Дониш. Ҳаёт китоби.–Жиззах.: Жиззах вилояти матбуот бошқармаси қошидаги ноширлик–муҳаррирлик бўлими, 1998. –Б. 63
5. Камю А. Исён ва санъат //Жаҳон адабиёти, 1997 № 1,185–бет
6. Муҳаммад Жўра. Мунаққаш туйғулар. –Т.: Mfmtoz so'z, 2014. –Б.3–4.
7. Орипов А. Танланган асарлар. 4 – жилд. Тошкент, Ўқитувчи, 1980. – Б.108.
8. Орипов О. Эҳтиёж фарзанди. –Т.: Ёш гвардия, 1988. –816
9. Олиш Холикназар. Ҳаёт кўшиғи. –Т.: Наврўз, 2017. –Б.220
10. Шарафиддинов О. Маънавий камолот йўллари. –Тошкент, 2001. –Б.26
11. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент.: Ўқитувчи. 1980 108-бет.
12. Умаров Ҳ.. Адабиёт назарияси. -Тошкент, 2002. 28-бет.
- 13.Тожинаярова Ҳ. Бадиий адабиёт поэтикасининг ўзига хос қирралари хусусида. // Тил ва адабиёт. 2009, 7–сон. 35– бет.
- 14.Туроб Юсуф. Шаффоф туйғулар жилоси. \ Бахтиёр Мирзо. Ишқ илҳомлари.–Т.: Янги аср авлодлари, 2014.–Б.3
- 15.Ҳаққул И.. Мушоҳада ёғдуси. –Тошкент.: Фан, 2009. –Б. 26.

Тўлибоев Х.,
филология фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD)
(Ўзбекистон)

РОМАН ЖАНРИ ПОЭТИК БУТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Жаҳон ва миллий эпик тажрибаларига ҳамоҳанг истиқлол даври ўзбек романчилиги ҳозирги босқичда моҳиятан жиддий такомиллашди. Унинг тадрижи “ўз географияси, генеологияси, қаҳрамонлар маънавий-руҳий ва психопаталогик ҳолат-кечинмалари билан белгиланадиган бўлди. Зотан ижодкор ва қаҳрамон қалб, фикр-ўйлари инсонга, оламга ва коинотга қаратилган”(Якубов, 2011: 282] лиги натижаси ўлароқ ислохотчилик жараёни

муайян салмоқ касб этади. Мавжуд ҳолат бадий шакл мазмунини тубдан янгилаш баробарида тасвир руҳиятига ҳам таъсир ўтказди. Кўп босқичли маъно майдонини шакллантиришга мойиллик, мавжуд андозаларни бузаётган сюжет динамикаси, жаҳон ва ўзбек фалсафий-эстетик талқинига йўғрилган илғор адабий анъаналарни ўзлаштириш ҳамда қўллашга интилиш одатий тусга кирди. Бинобарин, кескинлашаётган олам ва одам муносабатларини поэтик идроклашнинг зичланганлик даражаси, руҳият таҳлили ҳамда тадқиқи теранлиги, ижтимоий таассурот ва шахсий кайфият уйғунлашуви ўзгараётган адабий-эстетик талқин эврилишларини амалий жиҳатдан тасдиқлаб турибди:

“Самандар тишини тишига босганча, муштларини қисиб, айна чоғда шайтонга ҳай бориб, сабр билан томошанинг сўнггини кутарди...

– Йўқ, санга элликта етмайди, санга юз минг ёзиб бераман. Юз минг доллар! – Саидкамол ака чекни йиртиб Самандарнинг олдига ташлади. – Ол-де, дап бўл! Қизимга бошқа кўнғироқ қилма! Шартни бузсанг, ўзингдан ўпкала, бола!

Самандар ўрнидан турди:

– Битта нарсага ҳайронман, – деди дона-дона қилиб.

– Нимага экан? – энсаси қотиб сўради Саидкамол ака ҳам беихтиёр Самандарга эргашиб кўзгаларкан.

– Сиздек... юраксиз одамдан Сабодек кўнгил кишиси қандай қилиб туғилган экан?.. – айтадиганини айтдию Самандар шахд ила изига бурилди. Бояги йигитлар эшик олдини тўсиб туришарди. Аммо улар хўжайинларига бир қараб олишгач, Самандарнинг чиқиб кетишига монелик қилишмади, тисарилиб ён беришди...”[Ҳамдамов, 2011: 158].

У.Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романи бадий воқелигини кескинлаштирадиган таянч марказ Саидкамол ва Самандар ўртасида кечган мулоқотда ўз ифодасини топади. Таранг муносабат ҳаёт ҳақиқатининг бир қатор ёзилмаган қонунларини очишга хизмат қилади. Йигит ва қиз ўртасидаги самимий муҳаббатга қўйилган асосий тўсиқ турмуш даражасига боғлиқ. Вазир Саидкамол ўз қизининг «ялангоёқ кимса» билан яқинлашувига жиддий қаршилиқ қилади. Негаки, оддий институт домласи унинг наздида эътибор беришга ҳам арзимамайди. Қаҳрамон ўзига ишонч билан ишқнинг нархини аввал эллик минг, сўнгра юз минг долларга баҳолайди. Бироқ Самандар дунёда бойликдан ҳам юқори турадиган тушунчалар мавжудлигини англаётган зиёли қатлам вакили саналади. Кескин рад этилган таклиф Саидкамолни ўйлашга, изтироб чекишга мажбур қилади. Қаҳрамоннинг «агар анови эрраимбойга «хўп, хўп» деб қўймаганимда, қизингни ўша йигитга берардим», деган иқрори замирида афсус-надомат залвори мужассам. Китобхон тасавурида илк учрашувдаёқ салбий таассурот уйғотган Саидкамолга хайрихоҳлик ҳисси туғилади. Бир қарашда, маълум ва машҳур бой табиатини тушуниш мумкин. Негаки, у ҳаётда мол-мулк, дунё, амал учун ҳатто иймондан ҳам кечадиган қанчадан-қанча кимсаларни кўрган. Даставвал, қизи ва Самандар ўртасидаги

муносабатни эшитган ота йигитни ҳам шундай суллоҳлардан бири дея тасаввур этади. Бироқ кейинчалик Сабо ва Самандар ўртасидаги ишқ ҳар қандай ғараз ва манфаатдан устувор ҳилқат эканлигини англайди ва уларга ҳаваси келади. Асарда ҳаётини зиддиятларнинг фалсафий теранлиги бир нечта ўлчамда ривожланади. Жиддий келишмовчиликлардан ўсиб чиқадиган кескинлик матн фожеий руҳини анча қуюқлаштиради. Жамият томонидан шахс маънавий дахлсизлигига тажовуз талқин эпик мазмунини белгилайди. Адиб гоҳ холис, гоҳ позитив муносабат воситасида реал манзаралар драматизмини очиб беришга эришади. Романда воқелик давомийлиги эмас, балки инсон ботинида кечаётган руҳий жараёнлар марказий ўрин тутаяди. Тўғрироғи, ёзувчи шахс характерини англаш фалсафасини ижтимоий-психологик омиллар ёрдамида ёритади.

Адабий турлар ичида қоришиқ жанр сифатида эътироф этиладиган роман бадиий шаклга дахлдор асосий белги-хусусиятларни қамраб олади. Унда тасвир, таҳлил ва тадқиқ чамбарчаслиги бадиий муносабатлар интизо-мини тайин этадиган таянч нуқтага эврилади. Шу нуқтаи назардан, “Сабо ва Самандар”да “эпик ва дараматик турнинг энг кучли жиҳатлари – эпосга хос кўламдорлик ҳамда драмага хос шиддат ва воқеаларнинг ўқувчи кўз олдида кечиши – уйғун бирикади. Романдаги драматик кўринишлар, бизнингча, соф драматик асардаги кўринишларга нисбатан реалликка яқинроқ, ҳаётинроқ. Зеро, бу кўринишлар ривоя воситасида тайёрлангани учун ҳам диалогларга (персонажлар нутқида) драмадаги каби ҳолатни ойдинлаштирувчи жумлаларнинг киритилишини талаб қилмайди. Шунга кўра, романдаги драматик кўриниш (унинг асосини, табиийки, диалоглар ташкил қилади) ўзининг шиддати, маъно сиғимининг кенглиги ва ифода кучи билан драмадагидан устунроқ. Бевосита кўриниш чоғида ҳам ривоянинг ўрни беқиёс бўлиб, ровий бу ўринда персонажларнинг мимик-пинтомимик ҳаракатлари, товуш тоналиги, гап оҳанги, юз-кўз ифодаси ҳақида энг муҳим маълумотларни бериб боради – ўқувчи сахнага муаллиф кўзи билан қарайди”хҚуронов, 2004: 224]. Бинобарин, бадиий шакл эпоснинг қонуний вориси, унда эпик тафаккур кенглиги, драма кескинлиги ва лирик ифода товланувчанлиги бир-бирига мослашади. Умумий моҳиятни бошқарадиган ривоя монолог ва диалогнинг онгга муносабатини белгилайди, руҳий кечинманинг кескинлик-ни юмшатишига замин ҳозирлайди, давр руҳиятининг бадиий мақсадда жипслашувини деталлаштиради, романтик кайфиятнинг реалистик тамойили-да мантиқий далолатланишига йўл очаяди. Руҳоний манзараларни ёрқин ифода-далашда жанр имкониятлари анча кенг. Мазкур адабий турда туйғу ва онг сатҳлари ўзаро муқобиллик касб этади. Мувозий чизиқлар қаҳрамоннинг ҳам ҳолати, ҳам фаолиятини яхлит тасаввур этишга шароит туғдиради. Баён усулининг вазифадошлиги эстетик таянч марказига интилиш устуворлиги билан изоҳланади:

“Инсониятнинг куни битмоқда, - дея боз ўйга толди Шердил. – Табиий офатларнинг ўзиёқ яқин келажакда унинг кулини кўкка совуради. Эҳтимол, фақат роботлар яшаб қолар. Нажот чинданам машиналардир? Фақат уларга инсонга хос бўлган ҳамма фазилату қусурларни киритиш лозим бўлади: робот инсон каби юрсин, гапирсин, фикрласин, ҳатто ҳис қилсин... – Шердил бир оз ўйланиб турди. Сўнг қўшиб қўйди: – Йўқ, шу ҳис-писнинг машиналарга кераги йўқ. Инсонни куядек еб битираётган ҳам аслида шу савил. У – зарарли матоҳ. Робот ҳис-туйғусиз бўлгани учун ҳам одамдан кучли ва чидамли бўлади. Уни ерда юрадиган, осмонда учадиган қилиб такомиллаштириш шарт, токи оловда ёнмасин, сувда чўкмасин, қаҳратонда яхламасин. Чунки бу кетишда дунёда қиёмат кўпади, одамзоддан асар ҳам қолмайди. Фақат инсоният тарихини, борлиқ хусусиятини ўзида жамлаган, иссиққа ва совуққа бардошли робот машиналаргина биздан хотира олиб келажакка етиши мумкин. Мен ана шундай роботни кашф этишим керак... Японлардан ҳеч дарак бўлмапти, янги модел ҳизмаларини бериб юборганимга ҳам уч ойдан ошди. Ўзим бориб келсамми яна?..” [Ҳамдамов, 2011: 259-260].

Шердил билан Самандар номли “робот” ўртасида кечадиган мулоқот-лар тизими инсоният тақдири, жамият қувваи ҳофизаси, туйғу ва онг зиддия-тини таҳлилга тортади. “Инсонга хос бўлган ҳамма фазилату қусурлар” мавжудлик жумбоғи зиддиятларини кафолатлайдиган асосий омил. Моҳиятан одамзоднинг ҳам қудрати, ҳам ожизлиги туйғуда намоён бўлади. Шу боисдан қаҳрамон, яратилажак роботларни ҳис-туйғудан маҳрум қилиш энг оқилона йўл дея ҳисоблайди. Ваҳоланки, позитив ҳукм-хулосага асос мавжуд: Сабо ва Самандарнинг ниҳоятда чигал қисмати мушоҳада тасдиғини ҳосил қилади. Гоҳ қаҳрамон, гоҳ ровий нутқиға аралашадиган ижодкор онги вазият мантиғини англаш имконини беради. Самимий муносабатлардан ибтидо олган ишқ тушунчаси ижтимоий ҳаёт тўсиқларига урилиб, яна ўзининг азалий маскани – кўнгилга қайтади. Шердил Самандарнинг энг яқин ўртоғи, бироқ унинг қўлидан кузатиш ва ачинишдан бўлак иш келмайди. Ёзилмаган қонуниятлар ҳатто одамзод шуурини бошқаришга қодир. Илоҳий муҳаббат тасвири ҳамisha чекловларни йўққа чиқаради. Айнан, тугалланган ишқ достони ижтимоий муносабатлар тарҳига туташади.

Адабиётлар

1. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Т.: ТДПУ, 2011. – Б. 282.
2. Ҳамдамов У. Сабо ва Самандар. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.158.
3. Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004. – Б. 224.
4. Ҳамдамов У. Сабо ва Самандар. – Т.: Ўзбекистон. 2011, – Б.259-260.

ТЎХЛИЕВ Б., профессор
(Ўзбекистон)

АДОЛАТ БУЮК МУТАФАККИРЛАР ТАЛҚИНИДА
(Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий ва
Алишер Навоий ижодлари мисолида)

Ижтимоий адолат кишилик жамиятидаги энг олий қадриятлардан биридир. Бу қадриятнинг мавжуд ҳолати ва идеал тасавури орасидаги тафовут даражаси шу жамият аъзоларининг кўплаб қарашларида ўз ифодасини топади. Бунда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фалсафий, илмий, маърифий, маданий ва бошқа омилларга оид тасаввур ва тафаккур тарзи ҳам назарда тутилади. Табиийки, уларнинг силсиласида бадиий-эстетик тафаккур тарзи алоҳида мавқега эга. Айни мана шу даража жамият ҳаётинин турли давр ва босқичларини аниқроқ ва ёрқинроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Биз мулоҳазаларимизни уч буюк мутафаккиримиз: Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижодлари мисолида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Зеро, уларнинг бири туркий ёзма адабиётимиз тарихида ўн биринчи аср шароитида илк йирик ҳажмдаги эпик асар – “Қутадғу билиг” сингари ўлмас обидани яратган бўлса, яна бирлари дунё адабиётидаги энг буюк кашфиётни, беназир “Хпамса”нинг ижодкоридир. Яна бирлари эса фақат ўзбек ёки туркий оламдагина эмас, балки жаҳон бадиий тафаккури тарихида инқилобий бурилишларни, инсондаги илмий ва бадиий тафаккурнинг чексиз-чегарасиз имкониятларини ўзининг кўпқиррали ижоди билан исботлаган қомусий билимлар соҳибидир.

Адолат тушунчаси ҚИ арда “to‘қғ” – “тўру” сўзи билан ифодаданган. Мазкур сўзнинг “Адолат”, “қонун”, “қоида”, “низом”, “урф-одат”, “расм-русум” деган маъно қирралари ҳам мавжуд. Шунингдек, “кўни” сўзида бошқа маънолар билан бир қаторда “адолат” маъноси ҳам мужассам.

Юсуф Хос Ҳожиб адолатни турли нуқтайи назарларда кўздан кечиради. Мутафаккир учун бу тушунча энг аввало оддий одамнинг кундалик ҳаёт тарзидаги қонун устуворлиги, мамлакат фуқаросининг тинч ва хотиржам яшаши, фаолият кўрсатиши, қаноатли умргузаронлик қилишидаги биринчи даражали кафолат гаровидир.

Мамлакат бошқарувида ҳам, жамиятнинг ривожидида ҳам Адолат бош ўринда туради. Худди шунинг учун ҳам адиб ўз асаридаги бу қаҳрамонни Адолат тимсолида гавдалантиргани мутлақо тасодифий эмас. Зеро:

Көнилик узэ болды бэглик улы,

Бу бэглик көки-ул көнилик йолы (4.144)

Беглик (яъни давлат)нинг пойдевори, мояси тўғрилиқка, адолатга асосланди,

Беглик (давлат)нинг томири (асоси) тўғрилиқ, яъни адолат

йўлидир.

Бу мулоҳазаларнинг мамлакат бошлиғи – Элик (подшоҳ) тилидан айтилаётгани бежиз эмас. Мутафаккирнинг назарида, адолатнинг асл моҳиятини тасаввур этиш учун табиатга назар ташлаш кифоя қилади. Бу жиҳатдан Қуёш беназир тимсол бўла олади. Ўрин келганда айтиш лозимки, ҳукмдорнинг исми Кунтуғдидир. Бу ном унга тасодифан берилган эмас:

Элиг айды билгә мәниң қылқымы
Көрүб мәңзәту урды бу атымы.

Қунуг көр эрилмәс толү-оқ турур
Йаруқлуқы бир-тәг талу-оқ турур.

Мәниң ма қылынчым аңар охшады
Көнилик билә толды әксумәди.

Экинчи туғар кун йарур бу ажун
Тузу халққа тәгрур йоқалмас өзүң.

Мәниң ма төрум бу йоқалмас өзүм
Қамуғ халққа бир-тәг нә қылқым сөзүм.

Үчүнчи бу кун туғса йәркә исиг
Чәчәк йазлур анда тумән мың тусиг.

Қайу элкә тәгсә мәниң бу төрум
Ул эл барча этлур таш эрсә қурум.

Туғар кун арығ йа арығсыз тәмәс
Қамуғқа йаруқлуқ бәрур әксумәс.

Мәниң ма қылынчым бу-ул бәлгулуг,
Тузукә тәгир барча мәндин улуг (4.176)

Элиг айтди: Доно менинг қилиқларимни
Кўриб, мажозий қилиб, менга ушбу отни қўйди.
Кунга боққин, ҳеч камаймайди, фақат тўлин бўлиб
туради,

Ёруғлиги бирдек, етук ва сарадир.
Менинг қилиқларим ҳам унга (кунга) ўхшади,
Тўғрилиқ билан етилди, тўлди, камаймади.
Иккинчидан, кун туради, олам ёруғ бўлади,
У ёруғлигини барча (халқ)га етказди, ўз-ўзи билан
бўлиб йўқолмайди.

Менинг ҳам низом-қоидам (одатим) шундай, ўзим
йўқолмайман,
Феълим ва муомалам барча халқ учун бирдекдир.
Учинчидан, агар кун чиқса ерга иссиқлик беради,
Ундан туман минг турли гул очилади.
Менинг адолатим қайси бир элга етса,
У эл барчаси яшнайти, гарчи тош, қоя бўлса ҳам.
Тукқан кун (чиққан кун) яхши ёки ёмон демайди,
Барчага бирдек нур сочади, ўзи камаймайди.
Менинг ҳам қилиқларим аниқ шундайдир,
Мендан барчага баравар баҳра етади (6.177).

Қуёш ҳаммага бир хил нур сочгандек, адолат ҳам ҳамма учун бир хилда хизмат қилади. Қуёш (Ойга ўхшаб) ўзгариб турмайди, емирилмайди. Адолатда ҳам шу хислат бор, у ҳеч қачон нотугал бўлмайди. Қуёшнинг шарофати билан ерда анвойи гуллар унади. Адолат туфайли эса юрт обод бўлади, элга юксалиш келади.

Адолатнинг моҳияти жамият учун ниҳоятда жиддий, ҳаётий аҳамиятга эга. Зеро, халқ қўй галаси каби бўлса, жамиятнинг муайян табақалари борки, улар мана шу тоифани ёвуз ва оч бўрилар сингари талаши мумкин. Элиг – мамлакат ҳукмдори эса худди қўйчивон сингари мана шу ҳимояга муҳтож бўлган тоифанинг жонига оро кириши, уларни бўрилар хужуми ва қутқусидан озод қилиши, муҳофазада тутиши лозим.

Айни мана шу ғоялар Низомий Ганжавий қаламижа янада ўзгачароқ, жозибалироқ тасвирланади.

Шаҳру сипахро чу шави некхоҳ,
Неки ту хоҳод ҳама шаҳру сипоҳ...
Роҳати мардум талаб, озор чист?
Чуз хижилӣ ҳосили ин кор чист? (Маҳз.ас.65)...

Расми ситам нест чаҳон ёфтан,
Мулк ба инсоф тавон ёфтан...
Мамлакат аз адл шавад пойдор,
Кори ту аз адли ту гирад қарор. (Маҳз.ас. 66)

Искандарнома (“Шарафнома”)да Искандар араб ўлкасига борганида, Каъба зиёратида барча зулмларга барҳам беради:

Ки “шоҳижаҳон чун жаҳон ром кард,
Ситамро зи олам тихином кард”... (“Шарафнома, 149”)

Алишер Навоий ижоди ҳам айни мана шу ғояларнинг янги бир тарихий шароитдаги ўзига хос бадиий талқинларини амалга оширгани билан эътиборга молиқдир. Адибнинг назарида адолат оламнинг ҳам, одамнинг ҳам энг муҳим таянч нуктасидир. Бунда бутун жамият учун ўрнатилган ва намуна мактаби вазифасини адо этадиган, ушбу жараёнларга жуда катта таъсир кучини кўрса

та оладиган омиллар мавжуд. Улар қаторида мамлакат ҳукмдори ўз мавқеи билан ҳам, таъсир кучи ва доираси жиҳатидан ҳам ўхшаши йўқдир.

Навоий асарларида бунинг кўплаб мисоллари тарихий манбалардан, замонавий ҳаётий ҳодисалардан, кўплаб бадиий асарлардага образлар моҳиятидан келиб чиқиб талқин этилган. Биргина Искандар тимсолига эътибор берайлик:

Адолат кўлин тутти андоқ бийик
Ки, топти амон арслондин кийик.

Карак хайлига қарчиғай дармиён,
Алар жўжа янглиғ, бу бир макиён.

Ярим кунгача адл ила дод эди,
Яна кун сўнгғи яхши бунёд эди. (1.114)

Албатта, булар ҳали жараённинг ўзи. Натижа қандай бўлди? Мана ўша мисралар:

Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғани бўлдилар адлидин аҳли Рум. (1.115)

Навоий шу асарида алоҳида ҳукм ва истакларини ҳам билдиради:

Не шаҳким, анинг адл кирдоридур,
Десам, йўқ ажабким, Худо ёридур...(1.116)

Адолат динга, эътиқодга боғлиқ эмас. У инсон зотининг кмолот даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам одил шоҳларнинг эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар улар доимий иззат ва эътиборга, ҳурмат ва эҳтиромга муносиб ва сазовордир:

Ануширвон¹ гарчи кофир эди,
Вале адл зотида зоҳир эди

Ўрун гарчи кофирга дўзахдурур,
Анинг адлидин ўрни барзахдурур...

Ул ўтгандин ар минг йил андозадур,
Адолатдин овозаси тозадур (1.116).

Алишер Навоий ўзи айтган мулоҳазалар билан кифояланмайди. Юқорида кўрганимиздай у тарихдан мисоллар келтиради. Ўтган улуғларнинг ҳаёти ва фаолиятидан намунаарни ёдга олади. Буларнинг ёнида эса у ҳадиси шарифларни ҳам шоҳидликка тортади:

Ҳадисида ҳам бу башоратдурур
Ки, адл аҳли сори ишоратдурур.
Ки, адл ичра ўтганга бир соати,
Эрур беҳки, жинну башар тоати (1.117).

Қолаверса, бошлиқ катта бир денгиз, дарё ёки анҳор бўлса, бошқа тобелар ундан чиқадиган сувдан озиқ олишади. Буни Алишер Навоий тасвирида кўрамиз. У “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Шоҳ улуси (халқи) ўзига мушобих (ўхшаш) бўлур зикрида” деган сарлавҳа остида шундай кўрсатилади:

“Шоҳға ҳар кимки, мулозим ва тобиъ бўлғай, иши ва таври шоҳ ишиға мушобих воқеъ бўлғай. Агар шоҳға адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолатдин осор. Агар зулмпеша – элида ҳам зулмидин андиша. Агар ул исломойин, халқ шиори ҳам ислом била дин. Агар ул куфрҳисол – элга доғи куфр тарийқи афъол. Ҳукамо шоҳни дебдурлар: дарёйи заххор ва қавму хайлин дарё теграсидағи анҳор. Дарё суйиға не кайфият ва не хосият, анҳорға ҳам ул кайфият ва хосият. Ул аччиғ – бу аччиғ; ул чучук – бу чучук; ул тийра – бу тийра; ул сузук – бу сузук” (3.20).

Адолат кўплаб сиёсий, ижтимоий, ахлоқий-маънавий жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу инсон табиатидаги айрим қусур ва камчиликлардан фориғ бўлишни, инсон сифатида ҳар кимнинг ўзи ва ўзлигини англаши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Зеро, адолат фақат ҳуқуқ эмас, балки биринчи навбатда олий даражадаги бурч ҳамдир.

Уч хил макон ва уч хил замонда яшаган буюк мутафаккирларнинг адолат ҳақидаги қарашларида яқдиллик ва умумийлик тасодифий эмас. Уларнинг талқинида адолат инсоният учун эзгулик, тинчлик ва хотиржамликнинг буюк шарти, гаровидир. Улар айтган мулоҳазаларнинг бадиий либосдаги жилоси эса кўнгилларга завқ ва ҳузур ҳам бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўйлаймизки, муаммонинг галдаги тадқиқи давомида бу масалалар янада кенгроқ ва теранроқ тарздаги талқинларини топади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 640 б.

2. Алишер Навоий. МАТ, Лисон ут-тайр. Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. 20 жилдлик, 12-жилд. – Тошкент, Фан, 1996. 328 б.

3. Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб (Матнларни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Муншаот. Вақфия. Муқаддима матнини тайёрловчи И.Шамсимухамедов. (Матнларни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева), 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент, Фан, 1998;

4. Низоми Ганҷавӣ. Махзан ул-асрор. Баргардон, пешгуфтор ва наҳияи З.Аҳрорӣ, А.М.Хуросонӣ ва М.Акбарзод.– // Хамса. Махзаг ул-асрор, Хусраву Ширин. – Душанбе, “Адиб”, 2012.

5. Низоми Ганҷавӣ. Хамса. Искандарнома. Баргардон, пешгуфтор ва таҳияи Ж. Додалишоев, А.М.Хуросонӣ ва М.Акбарзод. – Душанбе, “Адиб”, 2012. С.146.

6. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Тошкент, Фан, 1972.

**Тўхсанов Қ., доцент
(Ўзбекистон)**

ҚАЙТА ТАРЖИМАДА ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ўша давр адабий тили ҳисобланган форс-тожик тилида яратилган бўлиб, мавзу олами кенг, мазмун жиҳатдан ниҳоятда бойдир. Асарда фалсафий - тасав-вуфий фикрлар юксак шеърӣ санъатлар орқали ифодаланганлиги сабаб у ўз давридан бошлаб кўп маърифатли кишиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Манзумадаги халқона ривоятлар, масаллар, Пайғамбарлар қиссалари, шайхлар ва сўфийларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳикоялар, одамийлик мулки ҳисобланган ишқ, сабр, қаноат, бировнинг қалбига озор бермаслик, оила масаласи, ижтимоий ҳаётдаги ўзаро муомала муносабати, дўстлик ва душманлик, садоқат ва вафо, ўзликни англаш ва ўзгаларни ҳурмат қилиш, ота ва онанинг қадрини билиш, имон ва эътиқодда собитқадам бўлиш, меҳр, муҳаббат, ҳурмат, иззат, икром ва самимий бўлиш, одам, олам, ҳаёт ва Оллоҳни билиш, инсон азиз ва муқаррам эканлигини турли бадий воситалар орқали китобхонга етказгани кўпчиликда қизиқиш уйғотган. Энг асосийси, адиб ҳар бир образни яратиш жараёнида ниҳоятда чуқур мулоҳаза юритади. Одамнинг ашаддий душмани нафслигини, у шу нафс қурбонига айланиши мумкинлигини баъзан содда оддий жумлалар билан, баъзан кишига тез таъсир қиладиган таъсирчан сўзлар билан бадий ифодалайди. Бу асарда нафақат дунёвий масалалар, балки шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат томон олиб борадиган йўллар кўрсатилиб, диний масалалар ҳам тасвирланган. Ижодкор мисралари орқали икки дуёнинг бахт-саодатини топишга даъват этади.

Орадан саккиз юз йил ўтган бўлса ҳам асарнинг қадри кун сайин ошса ошиб боряптики, камайгани йўқ. Манзума дунёнинг кўп тилларига қайта-қайта таржима бўлаётгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Хусусан, мустақиллик даврида мутаржимлар томонидан бир неча бор ўзбек тилига ҳам таржима қилинди.

“Маснавий”га ўзбек тилида насрий шарҳ бериш, шеърӣ изоҳ бериш ва мустақиллик йилларида аслиятга жуда яқин таржималар амалга оширилгани хусусида ишимизнинг аввалги бобларида маълумот берган эдик. Мазкур бўлимда эса асарнинг қайта таржимаси муаммолари хусусида фикр юритишни мақсад қилдик.

Аслият барча замонлар ва ўқувчилар учун ўзгармас бўлиб қолаверади. Лекин ҳар бир давр, ҳар бир авлод янги, замонавий таржимага эҳтиёж сезади. Айтайлик, Саъдий “Тулистон”ининг Сайфи Саройи ва Огаҳий таржималари лисоний жиҳатдан бугунги ўқувчи талабини қондиrolмайди. Шунинг учун ХХ асрда уларнинг янги таржимаси пайдо бўлди. Чунки бу таржималарнинг ўзи таржимага муҳтож.

Умуман, қайта таржимага қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- аввалги таржиманинг тил жиҳатдан эскирганлиги;
- бадий жиҳатдан бўш таржима қилинганлиги;
- воситачи тил орқали ўтирилганлиги;
- ижодий беллашув истаги.

Жаҳон сўз санъатининг дурдона асарларига ҳар бир замоннинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади. Бу – янги таржималарга йўл очади. Ғ.Саломов ва З.Исомиддиновнинг ёзишича: “Таржима пайдо бўлган даврдан бошлаб қайта таржимага эҳтиёж келиб чиққан”. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда машҳур асарларнинг бир неча таржималари мавжуд ва бу ҳодисага табиий ҳол сифатида қаралади.

Кузатишлар қайта таржима муаммоларини махсус ўрганиб, бу борадаги талаб ва қоидаларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Бизнингча, мустақиллик даврига келиб, таржимага бўлган талаб анча кучайди. Хусусан, биз танлаган манзума “Маснавийи маънавий”нинг қайта-қайта ўзбекчага ўгирилиши шундай хулоса чиқаришга ундайди. Адабиётшунос, таржимон ва таржимашунос Эргаш Очилов қайта таржиманинг омилларини тўртга бўлган ва тўртинчиси ижодий беллашув истаги эканлигини таъкидлаб ўтган. Биз шуни инобатга олган ҳолда имкониятимиз даражасида Бобораҳим Машраб, Алибек Рустамов, Асқар Маҳкам, Жамол Камол, Вазира Шодиева, Сулаймон Раҳмон, Мирзо Кенжабек, Одил Икром, Эргаш Очиловларнинг таржималарини қиёсий таҳлилга тортишга ҳаракат қилдик.

“Маснавийи маънавий” асари ўзининг юксак бадийлиги, халқона ҳикоялари, содда ва равон баён услуби, инсон ички кечинмалари ва қалб нидаларининг бадий тасвири орқали дилдан дилга, тилдан тилга кўчиб, дунё кезиб юрибди. Биз мазкур тадқиқотимизда “Маснавийи маънавий”дан бир ё икки байт, ё “Найнома” каби биргина қисмини, бир дафтарини ва бутун тўлақонли таржимани амалга оширганларни таржима талаблари асосида аслият билан ўзбекча таржималарини қиёслашдан иборат. Албатта, ўзбек тили қадимий ва бой тил, луғавий жиҳатдан сержило, бу тилда қанчадан қанча буюк ижодкорлар безавол асарлар яратганлар. Хусусан, Ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий мероси жаҳон халқларини ҳайратга солаётганлиги бировга сир эмас. Ўзбек тилида яратилган асарлар дунё тилларига таржима қилинаётганлигининг ўзи фикримизни тасдиқлайди. Тилимизнинг бой хазинасидан аслиятга муқобил сўз ва ибораларни топиб, асарни ўзбекчалаштириш, таржиманинг равон ва таъсирчан чиқишига эришиш мумкин. Тилининг бойлигидан унумли фойдаланаётган мутаржимларимиз “Маснавийи маънавий”ни тўла ўзбекчалаштирганлиги илм аҳлига, соҳа вакиллари ва ўзбек китобхонларига яхши маълумдир.

Бу анъанани XVII асрда яшаб ижод қилган шоир Бобораҳим Машраб бошлаб берган бўлса, XX асарнинг охирларида Асқар Маҳкам ва XXI асарнинг бошларида Жамол Камол давом эттирди.

Нодир маънавий мероси боис туркий ва форсий халқларнинг муштарак даҳосига айланган Мавлоно Жалолиддин Румий ижоди, айниқса, улуғ шоирнинг муаззам “Маснавийи маънавий”си ҳикматли сўзларга ниҳоятда бойдир. Манзумадаги ҳикматлар қайта ва қайта тўпланиб нашр қилинган. Албатта бу нашрларда битта ё иккита мутаржимнинг таржималари жой олгани йўқ, балки бир нечта соҳа вакиллариининг самарали амалга оширган ишлари ўрин олган.

Биз мурожаат этган дастлабки тўплам Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржималаридан иборат бўлса, иккинчи тўпламни адабиётшунос ва таржимон Эргаш Очилов нашрга тайёрлаган. Мазкур тўплам Мавлононинг турли асарларидан олинган ҳикматларнинг Алишер Навоий, Шоислом Шомухаммедов, Жамол Камол, Асқар Маҳкам, Маҳмуд Ҳасаний, Улуғбек Абдуваҳоб, Эргаш Очилов, Шерали Турдиев, Йўлдош Парда, Муҳаммад Қобил, Жаъфар Муҳаммад томонидан амалга оширилган таржималари асосида тартиб берилган.

Биз қуйида Мавлоно Румий ҳикматларининг учта истеъдодли таржимон – Асқар Маҳкам, Жамол Камол ва Эргаш Очиловлар томонидан ўзбекчалаштирилиш жараёнига оид кузатишларимизни умумлаштиришга ҳаракат қилдик.

Беадаб танҳо на худро дошт бад,

Балки оташ дар ҳама офоқ зад (1,18)

Мазмуни: Одобсиз нафақат ўзига ёмон қилди, балки бутун борлиққа (офоқ – дунё, жаҳон) ўт сочади (балою офат ёғдирди).

Асқар Маҳкам аслиятдаги “беадаб”ни шундай сақлайди. “танҳо на худро дошт бад”ни ижодий ўгиради “бир ўзини солмас чоҳга” диққат билан разм солсангиз, албатта ёмон ва одобсиз кимса ўзини “чоҳга” солади. У фақат ўзини эмас, балки нопоклиги туфайли атрофдагиларга ҳам салбий таъсирини ўтказди. Мутаржим қайсидир маънода румиёна руҳни беришга ҳаракат қилган. Форс-тожикча матндаги “офоқ” ва “балки”сўзини аслиятдагидек бериб “оташ дар ҳама”ни ўзбекча муқобилини топиб “ўт қўйгай бутун” деб ўгиради. Охириги “зад”ни ўзбекча муқобили “урди”ни “қўйгай” шаклида беради. Икки таржимон ҳам “оташ”нинг ўзбекча муқобили “ўт”ни қўллайди. “Зад”ни Жамол Камол “ургай”деб тўғри беради. Лекин “қўйгай” билан “ургай”ни албатта мазмун жиҳатдан фарқи бор бўлиб, байтни ўзбекчалаштириш жараёнида Жамол Камол анча илгарилганлиги маълумдир.

Асқар Маҳкам таржимаси:

Беадаб бир ўзни солмас чоҳга,

Балки ўт қўйгай бутун офоққа (2,74)

Жамол Камол вазн ва услуб тақозосига кўра, бу байтнинг биринчи мисрасидаги “беадаб” сўзини иккинчи мисра аввалига кўчиришни маъқул кўрган. Бу эса биринчи мисра аввалида қўлланган, аммо аслиятда бўлмаган “йўқ” таъкидининг ўз ўрнини топишига замин яратган. Таъкидлаш жоизки, таржима жараёнида румиёна руҳни сақлашга ва даҳо шоир кайфиятининг байт яратилиш жараёнидаги ҳолатини ифода этишга ҳаракат қилинган:

Йўқ, фақат этмас ўзига ул ёмон,

Беадаб ургай жаҳонга ўт ҳамон (3, 10)

Эргаш Очиллов эса “беадаб” ўрнида “ёмон” сўзини қўллашни маъқул кўрган. Зеро “беадаб” сўзи “ёмон” сўзига айнан маънодош бўлмаса-да, беадаб одамнинг ёмон эканлигига шубҳа йўқ. Шунга кўра, таржимоннинг одобсизликни умумий тарзда ёмонлик дея талқин қилиши ўзини оқлайди:

Ёмон бир ўзига қилмас ёмонлик,

Бутун дунё ундан топмас омонлик. (5, 268)

Кўринадики, Асқар Маҳкам ва Жамол Камол таржимани аслиятдаги сўзларнинг сақлаш ва ўзбекча эквивалентларини қўллаш орқали амалга оширган бўлса, Эргаш Очиллов байт таржимаси жараёнида ижодийлик тамойили асосида иш кўришга ҳаракат қилган.

Хулоса, ҳар бир мутаржим ўзбек тилининг бойлигидан фойдаланган ҳолда “Маснавийи маънавий”дек улуғ асарни ўзбекчалоштиришга ҳаракат қилган. Ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш, улар қалбига ота-она, Ватан ва миллатни севиш, илм-фан, ҳалол меҳнат орқали камолотга етиш ғояларини онгига сингдириш Жалолиддин Румий ижодининг энг муҳим умуминсоний фазилатидир. Бу бебаҳо меросдан эзгу орзуларимиз йўлида фойдаланиш юксак самаралар бериши, шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Балхӣ, Мавлоно Чалолиддин Муҳаммад. Маснавийи маънавӣ. Бар асоси матни Николсон ва муқобила бо нусхаҳои дигар. –Тоҳрон: Замон, 2001. – 728 с.

2. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллийёт.Биринчи жилд. Биринчи китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 368.

3. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий.Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол камол таржимаси. Т.: МЎҚИҲҒС,2010. – Б. 864.

4. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллийёт. Биринчи жилд. Иккинчи китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди. 2007. – Б. 274.

5. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар, Форсийдан Жамол Камол таржимаси: - Тошкент: Фан, 2007. – Б. 268.

6. Эргаш Очиллов. Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент. 2014. – Б. 136.

Ульмасова З., доктор филологических наук, профессор (Таджикистан)

МЕТОДОЛОГИЯ ИССЛЕДОВАНИЯ ИСТОРИЧЕСКИХ РОМАНОВ

Методология исследования исторических романов предусматривает рассмотрение и решение важнейших проблем этого жанра – соотношения современности и истории, писателя и исторической эпохи и т.д., которые отражаются в произведении. Писать повесть, роман и драму о далеком прошлом и исторических личностях, внести в эти произведения весь спектр проблем нашего времени, конечно, само по себе не может считаться удачным. Такая форма художественного отражения жизни и важнейших её проблем покажется читателю в какой-то мере, искусственной и политизирующей произведение. Например, «Петр Первый - это не роман о нашем времени в образах XVIII века», - отвечал А. Н. Толстой критикам, необоснованно обвинявшим писателя в модернизации. «Истинный художник – реалист не наряжает в советские куртки героев старинных повестей», - писал он. Толстой считал великим грехом и осуждал модернизацию в любой форме» [Л.Н.Толстой, 593].

Творческий опыт многих писателей, например, С. Айни, М. Ауэзова, Б. Кербабаева, М. Айбека, С. Улуг-заде, Дж. Икрами, Р. Джалила, показывает, что их исторические романы не написаны полностью объективно. Каждый из них, бросив взгляд на прошлое своего народа, выбирает события, близкие его сердцу, события, волнующие и восхищающие его. Писатели с помощью этих событий лучше понимали сущность своей эпохи. Здесь не идет речь о нарушении принципа объективного изображения реальности, неисторического отражения жизненной правды, наоборот, в центре внимания находится отношение современного писателя к истории, как и к теме – предмету художественного восприятия. Ибо исторический роман - это не произведение о чем-нибудь мертвом, исчезнувшем. Исторический роман - это повествование о нашем времени, точнее о том наследии предков, которое сохранилось и дошло до нас, наследников. Таджикские исторические романы, описанные в них события и люди, не могут не возбудить интерес, волнение и эмоции читателя, потому что все они проходят через сердца самих писателей. Они выражают активное и эмоциональное отношение литераторов к героям и персонажам, в одном ряду с которыми находятся как прогрессивные, так и реакционные силы народа. С. Айни, Дж. Икрами, С. Улуг-заде, Ф. Ниязи, Р. Джалил не были безразличными к событиям жизни, наоборот, они любили жизнь и людей. Каждый из них, по мере своего таланта, отражал жизнь народа. Указанные писатели в изображении образов центральных героев своих произведений, их соратников и последователей всегда хорошо сознавали, что они являются литераторами новой эпохи. Поэтому, с учетом особенностей советского периода, проявляли критическое отношение к прошлой эпохе, показывали

положительные и отрицательные черты характера своих героев, их величие и ограниченность. Таджикские писатели, описывая своих героев, более рельефно, выпукло, отчетливо выделяли те особенности и направления их деятельности, которые могли иметь значение в дальнейшем историческом развитии таджикского народа.

Если устод Айни допускает модернизацию в 20-е – 30-е годы XX века, когда классовая борьба была в разгаре (один из молодых героев «Рабов» Хасан говорит, что его комсомольская идея сильнее любви к кулачке Кутбие), то Рахим Джалил искусственные формы модернизации использует в конце 50-х годов двадцатого столетия в первом томе романа «Шуроб». Герой произведения Хол Ворухи в первые годы большевистской революции в Худжанде достаёт фотографию Ленина, хранит её как зеницу ока и с гордостью показывает шахтёрам.

Методология отражения и исследования исторических событий не приемлет выдуманные сюжеты, далекие от реальности. Другими словами, нельзя допускать фальсификацию с целью достижения созвучности исторического романа с современностью. Правдивость изображения в исторических романах требует описания жизни в соответствии с её законами развития. Талантливый и компетентный писатель не вмешивается в основные исторические процессы, не приукрашивает их, но также и не принижает. Люди живут, думают и совершают поступки в соответствии со своим вкусом, натурой, характером, в общении проявляются их ум и проницательность, эмоции и чувства.

Опыт истории показывает, что жизнь сильнее, чем самые могущественные научные теории. Социальные революции изменяют теорию. И такие основополагающие перемены поддерживаются народом.

Особенно после распада СССР и приобретения Таджикистаном национальной независимости коренному изменению подверглась методология изучения истории таджикского народа, национальной науки, литературы и культуры. Наука и литература освободились от влияния коммунистической идеологии, канул в небытие классовый подход к истории, научному, литературному и культурному наследию, место классового подхода к истории и национальному наследию занял общечеловеческий подход. Стали возможными свобода слова, свобода творчества. Ученые и писатели освободились от рамок советской консервативной идеологии, от затвердевших установок и шаблонов социалистического реализма, особенно принципов коммунистической партийности.

История таджикского народа, его литература и культура исследуются вне классовых и партийных рамок, в художественных произведениях исторические события и образы исторических личностей отражаются без влияния партийных идей.

В научном и художественном исследовании истории таджикского народа первостепенное значение имеет объективный подход к духовному развитию

общества и эволюции социально-политических воззрений нации. Серьезное отличие устода Айни в вопросе отношения к истории общества от предшествующих таджикских летописцев заключается в том, что он принимал личное активное участие в процессе развития истории народа и подверг анализу и изучению идейные изменения в сознании передовой и прогрессивной интеллигенции в течение двадцати первых лет XX столетия.

В романах «Рабы», «Дохунда» С. Айни, «Двенадцать ворот Бухары» Дж. Икрами, «Шураб» Р. Джалила, «Зарафшон» и «Повесть о Божьем сыне» Сорбона, «Свободный узник» У. Кухзода основным героем является народ. Писателей больше всего привлекает историческая судьба народа. В отдельных случаях данная традиция наблюдается в биографических исторических романах «Восе» и «Фирдоуси» С. Улуг-заде. «Звезда во мгле» Р. Хади-заде, «Тропа судьбы» А. Сидки, «Стена Хорасана» М. Солеха, «Кир Великий» Б. Абдурахмона и других. В этих романах, хотя центральными героями являются исторические личности, писатели в связи с историческими условиями описывают массовые сцены и обобщенные типы, создают типические образы и характеры, каждый из которых, кроме личных качеств, олицетворяет бытие, силу, позицию и роль народа и общества, разных социальных классов и прослоек в жизни страны и государства.

Художественное исследование истории и создание образов исторических лиц не исключает использование документов, писем, фактов и цифр, наоборот, считает их необходимыми для всестороннего и достоверного отражения жизни. Писатель подвергает художественной обработке исторические материалы, придает им особый колорит. Например, такой принцип можно наблюдать в романе Ато Хамдама и Леонида Чигрина «Шелковый путь».

Авторы приложили много усилий и труда для объективного изображения, и освобождения от идеологии китайской династии «хань» как самого произведения, так и размышлений его героя Чжан Цзяна. После прочтения романа и ознакомления со следующим соображением Б. Гафурова, более отчетливой становится заслуга авторов книги в соблюдении соотношения истории и современности: «Отдельные данные по истории Средней Азии сохранили китайские источники, начиная с последней трети II века до н.э., когда в Среднюю Азию приезжал ханьский посол Чжан Цзян. Эти сведения, сохранившиеся в китайских династийных историях, записках послов, пилигримов и т.д., отличаются, как правило, предельной тенденциозностью, будучи проникнуты идеологией ханской «избранности» и великодержавия» [Гафуров Б. 582].

В исторических романах с целью отражения уровня сознания народа и его представления о событиях и исторических личностях автор зачастую вкрапляет стихотворные отрывки, исторические песни, образцы разных жанров устного народного творчества в контекст книги. М. Горький указывал, что задача современного писателя - «изобразить людей в непрерывном движе

нии, в действии, в бесконечных столкновениях между собою, в борьбе классов, групп, единиц». Для этого писатель должен обладать хорошим знанием истории прошлого и знанием социальных явлений современности» (Ершоев, Л.Ф. 5-6]

Таджикские писатели, начиная от Садриддина Айни и до Бахманёра, хорошо знакомы с литературным и научным наследием М. Горького, его рекомендациями и советами, также с творческим опытом русских исторических романистов А.П. Чапыгина, А. Н. Толстого, О.Д. Форш, Ю.Н. Тынянова, И.А. Новикова, А. С. Новикова -Прибоя, С.Н. Сергева –Ценского, В.Я. Шишкова, С. Злобина, С.П. Бородина, казахского прозаика Мухтара Ауэзова, узбекских писателей Абдулла Кадири, Айбека, туркменского литератора Берди Кербабоева. Более молодое поколение таджикских литераторов знает творчество Ч. Айтматова. Поэтому в исторических романах таджикских писателей, в том числе писателей, обратившихся к этому жанру после достижения Таджикистаном национальной независимости, объективно и художественно достоверно отражено как далекое, так и близкое прошлое жизни нашего народа. Указанные писатели за сравнительно короткое время глубоко изучили исторические эпохи Кира Великого, Александра Македонского, Исмаила Самани и других крупных личностей. Они вошли в древнюю и средневековую историю своего народа через врата, открытые национальной независимостью. Новые возможности предоставили писателям подход к историческим событиям с позиций общечеловеческих ценностей, что также является результатом независимости. Достоверное и правдивое отражение героизма народа, его дальновидных и самоотверженных предводителей против внешних и внутренних врагов было бы невозможным без изучения опыта борьбы таджикского народа в составе народов СССР против фашистских захватчиков и японских милитаристов, без анализа новшеств и созидательных шагов, происходящих в независимом Таджикистане.

В различных жанрах художественной литературы отражаются национальное самосознание и высокое патриотическое чувство, охватившие народ, что само по себе поднимает на новый, более высокий уровень соотношение истории и современности, литераторов и исторической эпохи.

Таджикские писатели вступили на долгий путь художественного исследования истории и создания образов исторических личностей, и на этом пути они творчески используют наследие средневековых национальных историков, таких, как Табари, Наршахи, Мирхонд, Хондамир...; русских историков В.В. Бартольда, А.Ю. Якубовского, крупных таджикских ученых С. Айни, Б. Гафурова, Н. Негматова, Ю. Якубшаха, литературоведов Е.Э. Бертельса, И.С. Брагинского, С. Нафиси, З. Сафо. А. Мирзоева и других.

С точки зрения создания художественной концепции исторических личностей древнего времени и средних веков исторический роман всё больше приближается к историографической науке, приобретает прочные научные

основы. В этом смысле можно утверждать, что исторический роман представляет собой особый способ в восприятии и художественного исследования исторической действительности на фоне которой проистекает жизнедеятельность ярких выдающихся исторических личностей. В исследовании этих вопросов особую роль сыграл опыт исторических романов в Восточной, русской и европейской литературах.

Литература:

1. Гафуров, Б. Таджики: Древнейшая, древняя и средневековая история / Б. Гафуров. - М.: Наука, 1972. – 658 с.
2. Ершов, Л.Ф. Русский советский роман / Л.Ф.Ершов. – Л.: Наука, 1967. – 340 с.
3. Толстой, А.Н. Собрание сочинений: в 10 т. / А. Н. Толстой [подготовка текста Н.А. Роскина, комментарии А.В. Алпатова]. – М.: Худ. лит., 1984. – 7 т.

Умарова М., доцент
(Ўзбекистон)

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ИЖОДКОР ШАХС ВА ҚАҲРАМОННИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Ўзбек жаҳид адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири Чўлпон кўпроқ шеъриятда ижод қилди ва бу борада ўзбек шеъриятининг қадди-бастини янада юксакликка кўтарган, унга янги шакл ва мазмун, янги оҳанг ҳамда либос кийдирган шоир сифатида машҳур бўлди. Унинг ижоди ғоявий-тематик йўналишига кўра икки гуруҳга ажралади: соф лирика ва ижтимоий-сиёсий лирика. Гарчи вақти-вақти билан шоирнинг туйғу ва тафаккурида тебранишлар бўлиб турган бўлса-да, аслида, миллий истиқлол учун курашдан заррача қайтмади. Чўлпон шеърияти жаҳон лирик шеъриятининг мумтоз вакиллари даражасига кўтарилган. “Гўзал”, “Мен шоирми?”, “Сезги”, “Сирлардан” сингари шеърлари билан 20-йилларнинг бошларидаёқ бармоқ вазнига асосланган янги ўзбек шеъриятини юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди.

Чўлпон шеъриятида анаънавий ишқ мавзуси ҳам мавжуддир. Чўлпон мусулмон минтақа халқлари адабиётининг етакчи мавзуси саналган ишқ ва унинг бадиий талқинида устувор бўлган етакчи услубларни нафақат ўрганган, балки улардан санъаткорона фойдаланган ижодкор сифатида ўқувчи кўз ўнгида намён бўлади (Эшонқулов, 2018: 168). Унинг аруз ва бармоқда битилган “Гўзал”, “Хаёли”, “Қаландар ишқи”, “Уйқу”, “Мен ҳам севаман”, “Ишқ”, “Созим”, “Галдир”, “Дарё бўйи” сингари қатор шеърларида анаънавий ишқ мавзусининг қайсидир жиҳатлари ўзини намён қилганини сезиш мумкин.

Чўлпоннинг энг машҳур шеърларидан бири “Гўзал” бўлиб, унда аёл нафосати баланд оҳангларда куйланади. Унда лирик қаҳрамон маъшуқаси ҳақида энг ёруғ юлдуздан, ойдан сўраганида, улар тушларида кўрганини

айтишади. Лирик қаҳрамон ниҳоят севгилисини тонгда эсан шамолдан сўрайди ва у ҳам бир кўриб, йўлдан озганини айтади. Шунда қаҳрамон кўли етмас соҳибжамолни севиб қолганини сезади, лекин унинг гўзаллигидан фаҳрланади:

*Мен йўқсил, на бўлиб уни суйибмен,
Унингчун ёнибмен, ёниб-куйибмен,
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб... мен суйиб, кимни суйибмен?
Мен суйган “суюкли” шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал! (Чўлпон, 2016: 31)*

Шоир номалум бўлган дилбарнинг жамолини шунчалар бадиий маҳорат билан тасвирлайдики, кўз олдингизда ой ва юлдуздан ҳам гўзал қиз қандай бўларкин дея ўйга ботасиз. Шунингдек, шеърдаги сўзларнинг оҳангдорлигидан худди кўшиқ куйлаётгандек бўласиз. Бу Чўлпоннинг сўз,қофия танлашдаги маҳоратидан далолат беради.

Наим Каримовнинг ёзишича: “Чўлпон ўзининг “Сезги” деб номланувчи шеърда ҳам Шарқ ахлоқ-одобига риоя қилган ҳолда шеърда лирик қаҳрамоннинг парвиваш чеҳрага бўлган муҳаббатини яланғоч сўзлар ва туйғуларда эмас, балки нозик поэтик деталлар ёрдамида ифодалайди:

*Кўзларимни мен тикиб қолдим, тикиб қолдим унга,
Лола-гулларни экиб қолдим, экиб қолдим унга,
Тоза умидни тутиб қолдим, тутиб қолдим унга,
Чунки мен кўрдим, кўриб қолдим кераклик белгини!..” (Каримов, 1991:151)*

Лирик қаҳрамонда кутилмаганда севгининг пайдо бўлиши ва бу туйғу инсон учун илоҳий туйғу эканлигини мисраларда жозибали акс этади. Бундай мавзудаги шеърларнинг битилишига, албатта шоирнинг муҳаббатга мубтало бўлгиб, бу туйғуни ҳис қилганидан дарак беради. Чўлпон шахсий ҳаёти ҳақида гап кетганда Чўлпоншунос олимлар Озод Шарифидинов, Наим Каримов, Дилмурод Куроновнинг шоир ҳақидаги рисолаларига юзланишимиз мумкин. Жумладан Наим Каримовнинг “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон” деб номланувчи рисоласида унинг сингилларидан бири Фоиқа аянинг ҳикоя қилишича: “Чўлпоннинг шахсий ҳаётига тўхталсак унинг сингиллар таҳсил оладиган отин ойининг уйида Чоржўйдан келган Обида исмли қиз ҳам яшар эди. Шоир шу қизга кўнгил кўяди, аммо у қиз Чўлпоннинг меҳрига меҳр билан жавоб бермайди. Шундан сўнг Моҳирўя исмли татар қиз билан танишиб, унга уйланади ва у билан Оренбургга кетади. Чўлпон у Моҳирўядан фарзанд кўрмади. Шунингдек, у шоирнинг дўстларига кўпол муносабатда бўлиб, унинг юзини ерга қаратди. Шу тариқа Чўлпоннинг кўнгли совиётган бир пайтда Обида пайдо бўлиб, унинг меҳрини қозонади. Шоирнинг меҳри қайта олов олиб, Моҳирўядан ажраб, Обидага уйланади. Лекни Обида ҳам фарзандли бўлмайди ва тез орада унинг руҳий касал бўлгани маълум бўлади. Чўлпон Обида билан ҳам ажрайди” (Каримов, 1991:13). Шоир юртини тарк этиб бир

мунча вақт сафарда бўлади. Сафарда юрган чоғларида 1920 йилда ёзилган яна бир шеърда муҳаббат тараннум этилган. Унда шундай мисралар бор:

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиз бу хатарлик йўлда қолдим-ку.
Карашма денгизни кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
Ҳалокат бўлгусин билмай қулочни катта очдим-ку.*

Шоирнинг синглизининг маълумотига кўра Чўлпон 1923 йилда Андижонга ўз уйига қайтади. Ватанга қайтиши ушбу сатрларда баён қилингандек:

*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку.*

Шоир Андижонга қайтганида бувиси оламдан ўтган эди. Чўлпоннинг онаси унинг ота-она бағрида яшашини, ўз юртида ували-жували бўлиб юришини хоҳлаётганини айтиб, Солиҳа исмли қизга уйлантириб қўяди. Лекин, улар фарзандли бўлишмади.

Чўлпон ижодида ҳам яқинларига, жумладан, Тошкентдаги ўртоқларига бағишлаб ёзган “Мен қочмадим”, шоирнинг тошкентлик дўстларидан бири Саидалихонга бағишлаб ёзилган “Табиат”, дўсти Ваъдуд Маҳмудга бағишлаб “Қор туйғулар”, шоирнинг яқин дўстларидан яна бири шоир ва журналист Муҳаммад Саидга бағишлаб “Ўч..”, Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг асосчиси, биринчи ўзбек драматурги, журналист ва ношир Маҳмудхўжа Бехбудийга бағишлаб “Маҳмудхўжа Бехбудий хотирасига”, татар маърифатпарвари ва шоирнинг инқилобий йиллардаги йўлбошчиси Мулланур Воҳидовга бағишлаб “Шарқ нури”, Ўтган асрнинг 20-40 йилларида машҳур бўлган ўзбек драма театри артисти Маъсума Қорияга бағишлаб “Шарафли хизмат”, шоирнинг улфатларидан бири Х.Саъдийга бағишлаб “Мастликда”, Ўзбек театри санъатининг асосчиси Маннон Мажидов Уйғурга бағишлаб “Биринчи санъат нишондори ўртоқ Уйғурга”, Чўлпоннинг синглизини Фоика аянанинг тўнғич фарзанди Марғуб Мирзахўжаевга бағишлаб “Дўст ва душман” каби бошқа қатор ўзи билган, таниган замондошлари ва қариндошларини эслаб ёзган шеърлари бор. Жияни Марғуб Мирзахўжаевга бағишлаб ёзган “Дўст ва Душман” деб номланувчи шеърда Бўри билан кўзичоқнинг ёш бола билан қилган суҳбати акс этади. Унда қуйидаги жумлалар бор:

*Кўзи айтур : “Эй Марғуб, мени сақла бўридан,
Мен ҳам сенга жой берай ўтлоғимда тўридан!”
Бўри айтур: “ Эй Марғуб, кўзичоқни менга бер,
Шунда сени мақтарман : Марғуб- ботир, Марғуб- шер”*

Шеърда кўзичоқ ва бўри ўзларини мақтаб, бола билан дўст бўлмоқчи бўлганини, бола алданиб қолмаслиги учун ким дўст-у, ким душманлигини ажратиб олиб, дўст танлашда адашмаслигини маслаҳат беради. Ниҳоят лирик қаҳрамон тўғри танлов қилади:

*Марғуб айтур : “Эй бўри, сен душмансан, сен олчоқ!
Менинг севган дўстимсан, эй барралик кўзичоқ!..” (Чўлпон, 2016:322)*

Чўлпон бу сатрлар билан жиянига ҳаётда ёвлар учраши мумкинлиги, дўстингман деган кимсалар, душман бўлиб чиқиши мумкинлигини уқтиришга ҳаракат қилади. Бу сатрларнинг мазмун моҳияти озодликка бориб тақалади. Революцияга ишониб, озод бўлишини кутган Туркистонликларнинг орзулари амалга ошмаганини яққол исботи яъни бўрига ишониб қолганликларидандир.

XX аср ўзбек шеърияти учун Чўлпон ижоди ўзига хос, бетакрор ҳодисадир. Чунки унга замондош бўлган шоирлар шеъриятининг ҳеч бирида бунчалар кучли, сержило, рамзларга бой, миллат ва юрт дардидан яралган ва шу дардни миллатдошлари шуурига таший оладиган шеърлар шодасини, улар каби мазмунан яхлит бир рухий гармония ҳосил қилган миллатпарварлик ифодасини кузатиш мумкин эмас. Бироқ, шоир миллат қачондир ўзлигини англашига, тақдирини ўзгартиришига, миллий истиқлолга эришишига ишонган. Биз жадидаларимиз орзу қилган замонда яшар эканмиз, бунда ҳаёт учун ўзларини қурбон қилган ўзбек ижодкорлари бўлгани ва улар албатта озод кунлар келишига ишонганини билишимиз, доимо ёдда тутишимиз даркор.

Адабиётлар

1. Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. Т: Фан, 1991. -Б.13,51
2. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.І.-Т: Академнашр, 2016. -Б.31,322
3. Эшонқулов Х. Анъанавий ишқ мавзусининг Чўлпон шеъриятидаги бадиий ифодаси. Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён мавзусидаги илмий-амалий конференция тўплами. Т: 29–30 ноябрь, 2018 йил, УзДЖТУ. -Б.168

Умурзаков Р., таянч докторант
(Ўзбекистон)

ОЙБЕКНИНГ “БОЛАЛИК” ҚИССАСИДА ДАВР РУҲИ

Ўзбек адабиётида бола образи етакчи бўлган қиссалар, асосан, 60-80-йилларда яратилган бўлиб, уларда XX асрнинг 10-20-йиллари, 40-50-йиллар ва 80-90-йиллар воқеалари тасвирланган. Бола образи етакчи бўлган қиссалар жанр жиҳатдан ранг-барангликка эга. Уларни қисса номи остида умумийлик бирлаштириб турса-да, ички бўлиниш асосида назарий жиҳатдан бир қанча турларга таснифлаш мумкин. Тадқиқот давомида ўрганиб чиқилган 40 га яқин қиссаларни автобиографик қисса, биографик қисса, тарихий қисса, воқеий қисса, сеҳрли-фантастик қисса, афсона қисса, юмористик қисса, саргузашт қисса каби ички турларга бўлиб, таҳлил қилиш мумкин. Санаб ўтилганлар ичида автобиографик қисса етакчилик қилади. Бола образи етакчи бўлган қиссаларда автобиографик руҳнинг устунлик қилишига бир қанча сабаблар мавжуд. Биринчидан, давр ва мафкура тақозоси билан XX аср ёзувчилари (айниқса, аср бошида туғилган ижодкорлар) инқилобдан аввалги “қолоқ, нурсиз” даврни тасвирлаши учун ўзларининг ўтмиш болалик йилларига саёҳат қилган бўлсалар, иккинчидан, асар марказига бола образининг қўйилиши муаллифнинг беихтиёр ўз болалик йиллари хотираларига суянишга мажбур қилади. Ўтган аср қиссалари ичида М.Ойбекнинг “Болалик”, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Й.Оймирзаевнинг “Бахт бешиги” (“Етимнинг юраги”), Н.Фозиловнинг “Сара

тон”, М.Кўшжоновнинг “Дагиш” қиссалари автобиографик қисса сифатида ўрганилади.

Адабиётшуносликда ҳар қандай бадиий асар ижодкор қалби моделидир, деган қараш бор. Тадқиқотимиз йўналиши нуқтаи-назаридан ушбу назарияни яна ҳам конкретлаштириб айтиш мумкинки, ҳар қандай бола образи етакчи бўлган қисса автобиографикликдан ҳоли бўла олмайди. Чунки, болалик тасвири ва бола образига ҳар қандай ижодкор бу даврни яшаб бўлгандан сўнг маълум ёшда мурожаат этади. Негаки, нормал кечмаган болалик, ёшликда тўла қондирилмаган майллар ижодкорга тинчлик бермайди. Натижада, у бола образи орқали иккинчи болалик даврини қайта яратади. Шунинг учун ҳам бир қанча бола образи етакчи бўлган қиссалар, жумладан, ўзбек адабиётидаги “Шум бола” қиссасини ҳам автобиографик қисса деб атагувчилар топилади. Бунинг учун маълум асослар бор, албатта.

Автобиографик қисса муаллифи биографик қисса муаллифи каби архив ва тарихий ҳужжатларни эмас, ўз қалб шуури, ўтмиши, хотираси саҳифаларини титкилайди. Айниқса, у болалигига мурожаат этганда бошдан кечирган руҳий ҳаяжонларни ёритади.

“Болалик” номи остида дунё адабиётида кўплаб асарлар яратилган. Уларни бирлаштириб турувчи энг характерли жиҳатлардан бири автобиографикликдир. Жумладан, ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган М.Ойбекнинг “Болалик” қиссаси бош қаҳрамони – Мусавой, яъни бўлажак адибнинг ўзидир. Қисса бола тилидан ҳикоя қилинади. Ундаги воқеалар Ойбекнинг болалик хотираларидир, лекин қиссада муаллиф фақат хотиралар билан чекланиб қолмасдан, ўша даврнинг йирик воқеаларини ҳам тасвирлайди. Қисса воқеалари мемуар тарзда бўлса ҳам, муаллиф унга бир қанча ижтимоий руҳ бағишлайди. Бу нарса асарнинг кейинги бобларида ижтимоий воқеаларнинг ёрқинлашувида кўринади. Маълумки, автобиографик характердаги асарларда сюжетларни етказиб берадиган энг яхши манба бу инсондир. Шу маънода муаллифнинг болалиги ва қиссада ёш Мусавойнинг пайдо бўлиши ижтимоий воқеаларни тасвирлашда бир баҳона ҳолос. Биз Мусавой воситасида ўша даврдаги ўзбек халқи ҳаётини, ижтимоий муҳитни англаймиз. Бунда ёзувчи болалар адабиётига хос бўлган бош қаҳрамон саргузаштидан кенг фойдаланади. У Мусавойни оиладан олиб катта ижтимоий ҳаётга ташлайди. Мусавой оиласида гарчи уч авлод вакиллари бирга яшасада, унинг ҳаёт ҳақидаги фикрлари ижтимоий ҳолатларни кузатиш натижасида шаклланади.

Қисса воқеалари XX асрнинг 10-йилларида кечади. Аниқроғи, қиссада давр нуқтаи-назаридан 1909-1917 йиллар ёритилган. Бу давр адибнинг болалик йилларидир. Адабиётшунос А. Расуловнинг таъкидлашича, “Ойбек даврларни яхши эслайди. Аниқроғи, XX асрнинг 10-йиллари воқелиги, одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдизидан бирини белгилайди. У “Бобом”, “Болалик”, “Бахтигул ва Соғиндик”, “Улуғ йўл” асарларида шу даврни тасвирлайди. Демокчимизки, Ойбек ижодини ўрганганда биографик методни зинҳор унутмаслик керак”. (Расу

лов А., 2007:200-201). Нафақат Ойбек ижодини ўрганишда, балки ўз болалик даврига мурожаат этган ҳар қандай ижодкор бадиий оламини теранроқ англаш учун биографик метод имкониятларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Шу асосда А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”, Н.Фозиловнинг “Саратон” қиссаларини ҳам таҳлил қилиш мумкин. Автобиографик қиссалар таҳлилида муаллиф биографияси билан бирга унинг психологияси, яъни психобиографиясини амалиётга тадбиқ этиш ўринлидир. Чунки, бадиий асарда ижодкор руҳий кечинмалари, ҳаётининг тажриба ва изтироблари акс этишини ҳеч ким инкор қилмайди. “Ёзувчи психобиографияси қайсидир маънода унинг бадиий асарларидаги воқеа-ҳодисалар баёни, яратган образлари тизимида ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналлигини, ўзига хос табиатини намоён қилади”. (Каримов Б., 2011:20).

Ойбек автобиографик услубни қўллаб ўзини бироз чеклагандай бўлади. Қаҳрамонига Шум бола каби тўла эркинлик бера олмайди. Шундай бўлса-да, кўп ўринда руҳиятидаги эрка ташналикни қаҳрамонига кўчиришга уринади. Масалан, “Мақтаб жаҳаннам каби туюлади. Ҳар соат, ҳар дақиқа “озод” сўзига интизормиз”. (Ойбек, 2008:67). Парчадаги “озод” сўзи фақатгина “танаффус, уйга жавоб” маъносига эмас, унда бир умр тазйиқ остида яшаган муаллифнинг руҳияти ҳам акс этган. Матнда “озод” сўзи қўлланишининг ўзи муаллифнинг руҳий эркинликка ташна бўлганини кўрсатади.

Биз давр руҳини, ижтимоий ҳаёт тасвирини бола образи орқали ёритар эканмиз, давр буюртмаси, мафкура таъсири каби ижтимоий-сиёсий жиҳатларни биринчи планга олиб чиқмаймиз. Чунки, бунда бола нигоҳи каби соф қарашга эга бўлмоқ зарур. Аввало, муаллифлар ҳам бола образи орқали даврни ёритишдан шу мақсадни кўзлайдилар. “Болалик” қиссасида биринчи жумладанок бола нигоҳи сезилиб туради. “Шум бола” ва “Ўтмишдан эртақлар”да ҳам воқеалар болаларнинг муҳитга муносабатидан бошланади. Бундан хулосаланиш мумкинки, бола образи тасвирида давр ва руҳият мос келавермайди. Кўп ўринда давр нуқтаи-назаридан руҳиятга қарши чиқилиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Тадқиқотчи М.Бобохоновнинг хулосаланишича, қаҳрамоннинг “ички фаол”лиги қиссачиликда психологик асосни қуюқлаштиради. (Бобохонов М., 2012). Шум бола ҳам, Мусавой ҳам фаол қаҳрамонлар бўлиб, улар доим ўзини-ўзи тафтиш қилади, ўз-ўзига ва атрофдагиларга саволлар беради. Бола психологияси назарияси бўйича эса, бола ҳеч қачон ўзини-ўзи тафтиш қилмайди. Болалар ҳар бир ўтган кунидан фақат мамнун бўлиб яшайдилар. Демак, бола образининг норозилик шаклидаги ижтимоий фаоллигига бахтсиз болалик ва муҳит сабаб бўлади. Натижада болалар ўз табиий руҳиятларига қарши борадилар.

Фрейднинг таъбирича, болаликнинг қондирилмаган ҳар қандай майли ўчмайди ва онг остига сиқиб чиқарилади. Доимий назорат, қаттиққўллик шароити болаликнинг нормал кечишига йўл бермайди. Ота-она, катталар, ўқитув

чиларнинг тазйиқи билан бола одобли, интизомли, ахлоқли бўлиб катта бўлади, лекин айнан шу муҳит болани аста-секин ўз ҳиссиётларини яширишига, одамови бўлиб қолишига, муҳитнинг ҳар қандай талабини сўзсиз бажарувчи оддий ижрочига айланиб қолишига сабаб бўлади. Мустақилликнинг йўқлиги, уларнинг ўз фикрини ҳимоя қилиш, қатъийлик кўрсатишларига тўсқинлик қилади. Бундай ёшларнинг ғазаби ҳам, нафрати ҳам, шодлиги ҳам, муҳаббати ҳам ичида қайнайди. Уларда тортинчқлик ривожлана бошлайди. Бора-бора бундай ёшлар ўзларининг ҳолатларидан норозилик ҳис қила бошлайдилар ва шу ҳолатлари учун аввало, ота-оналари, ўқитувчилари, катталарни айблайдилар, бора-бора бу агрессия бутун жамиятга, тузумга кўчирилади, яъни проекция қилинади. Эътибор берилса, “Болалик”да соф болалик йўқдек, Мусанинг беғубор дамлари бўлмагандек туюлади. Унинг болалигини муҳит жуда эрта тортиб олган. Мусавой оила ичида, қадриятлар орасида, қолипда ўсади. Янгича, тескари қарашларига катталар доим қаршилик қилади. Шум бола воқеаларни ўзи кузатган бўлса, Мусавой дадаси, бобоси ҳамроҳлигида кузатади. Аслида Мусавой ҳам Шум бола каби воқеликлардан норози бўлади, фақат катталар унинг мустақил қарашларини босиб турадилар. Мусавой ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни кейинроқ қисса охирида, ўсмир ёшида тенгдошлари билан мустақил кузатади. Бироқ бу пайтда у ўсмир ёшига етган, боболари вафот этиб, турмуш қийинчиликлари бошига тушиб, болалик даври тугайди ва ҳаётининг янги босқичи бошланади.

Япон руҳшуноси Масару Ибуканинг таъкидлашича, инсон оғир ҳолатга олиб келинса, у тўсатдан ёшликдаги ҳолатларни эслай бошлайди. (Ибука М., 2020:79) Тадқиқотимиз учун муҳим жиҳати биз танлаб олган муаллифларнинг айнан умрларининг сўнгида бола образига, болалик даврларига мурожаат этганларидир. Болалигини эрта бой берган, бир умр маънавий-сиёсий тазйиқлар остида яшаган муаллифларнинг ижодлари шомида болаликка мурожаат этганлари бежиз эмас.

Хуллас, бадий адабиётда бола образи энг қадимги фолклор асарларидан бошлаб, замонавий даврга қадар **аллегория – рамз – образ** тадрижий структураси асосида ривожланиб борди. Ўзбек адабиётида ХХ асрда том маънодаги образ даражасига кўтарилди. Ижтимоий ҳаётда адолатсизлик, зулмнинг авж олиши бола образига мурожаатни кучайтирди. Бу давргача илоҳий, ҳаётий, биологик воқелик сифатида қараладиган болалик тасвири адабий воқеликка айлантирилди. Натижада бадий асарда бола образининг гавдаланиши ижтимоий муҳит иллатларини фош этувчи, ижтимоий-сиёсий тузум қулашига ёки янгиланишига ишора қилувчи бадий тасвир объекти сифатида гавдалантирилди.

Адабиётлар

1. Бобохонов М., Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм, ф.ф.н.дисс., Т., 2012.
2. Ибука М., Учдан кейин кеч, Т.:Академнашр, 2020, -Б-79.

4. Каримов Б., Адабиётшунослик методологияси, Т.:Мухаррир, 2011, -Б-20.
5. Ойбек, Болалик, Т.: “Шарқ”, 2008,-Б-67.
6. Олмос, Дадамнинг “укалари”, Т.:Ғ.Ғулом нашриёти, 2010, -Б-51.
7. Расулов А., Бадиийлик- безавол янгилик, Т.: “Шарқ”, 2007, -Б-200-201.

Холиқов У., докторант
Мирзоев Ж., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ШАТРАНЖ МАСАЛАЛАРИ

Инсоният тарихида ХИВ-ХВИ Шарқда фан ва маданият ривожланган даврлардан бири бўлганлигини биламиз. Қадимий ақл-идрок ўйини –шахмат ҳам шу дарвда маданиятнинг ажралмас бир қисми сифатида равнақ топди.

Бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини инсон бахт-соадати йўлига халқ осойишталигига, мамлакат ободончилигига, илм-фан ривожига, адабиёт ва санъат тараққиётига бағишлаган мутафаккир, ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоий қолдирган мерос жаҳон маданиятининг ноёб обидалари сифатида яшамокда, қадрлаб эъзозланмокда.

Алишер Навоий серқирра истеъдод соҳиби сифатида шатранж (шахмат) ни ҳам маҳорат билан ўйнаган, бу қадимий ўйиннинг назарий жиҳатларидан яхши хабардор бўлган. Замондошларининг хотиралари, шоирнинг турли мавзудаги асарларида келтирилган шатранжга оид мисоллар, шатранж муҳралари билан боғлиқ тимсоллар ана шундан далолат беради.

Қадимий шатранж-шахмат маданиятининг юксалишига А.Навоий маълум даражада ҳисса қўшганлигини, бу соҳанинг илғор вакиллари ўз қаноти остига олиб, уларга раҳномолик қилганлигини бошқа тарихий манбаларгина емас, балки шоирнинг гўзал асарлари ҳам тасдиқланмокда.

«Мажолис ун-нафоис» асарида А.Навоий ўша давр илғор кишилари қаторида шатранж устодларини ҳам бирин-кетин тилга олган. А. Навоий олтинчи шеърини достони “Лисон ут-тайр”ни умрининг сўнгги йилларида яратган, бу фалсафий асарда у мажозий образлар ва уларнинг тасирли саргузаштлари орқали обектив борлиқни эътироф этган, инсонни кўкларга кўтарган. Бу асарда реалистик ҳикоялар ҳам бор. “Шатранж каби ҳикояти” шулар жумласидандир. Таниқли навоийшунос олимларимиздан Адуқодир Ҳайитметов унинг

Икки шатранж ўйнаувчи устоз

Арсан шатранжга айлаб кушод.

Икки жонибдин бўлиб оромгир,

Тўқдилар ўртада шатранжи кабир...

Сатрлари билан бошланган шу ҳикоясини қисқача таҳлил етиб, бу ҳикояда шатранжнинг усталик билан тафсилланганлигини, А.Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатганлигини ва ҳарбий терминлардан кенг фойдаланганини айтади. Навоий ҳикоядан ажойиб хулоса чиқариб, бу икки “шоҳ” нинг “уруши” тахтада турган доналар-сипоҳ-у пиёда

ларни бир силкиб юбориш билан ном-нишони ўчадиган уруш, деган. Ҳикоя бундай сатрлар билан тугалланади:

Чун харита ичра боғланди бари,

Шоҳ куйидур ё пиёда юкори.

Бу сатрларда шоир ўйин бошланиши олдидан хурмат билан тахтага дастлаб терилган шоҳлар ўйин тугагач, халтага солинганда пиёдалар остида қолиб кетишига, яъни подшоҳларнинг тутган мевелари сиратурғун емаслигига ишора қилган.

Навоийнинг ўзи шатранж ўйнаганлиги ҳақидаги бирон-бир ишончли яхлит манба ҳозирча учрамади. Лекин юқоридаги ҳикоянинг моҳирона ёзилганлигига ҳамда ўша даврнинг устоз шатранжчиларига берилган таърифларга қараб, Навоий фақат кузатувчигина бўлмасдан, бу ўйинни ўзи ҳам севган ва яхши билган деб дадил айтаоламиз. А.Навоий “Мажолис ун-нафоис” номли тазкирасида ўша замоннинг маданияти кенг акс эттирилган. А.Навоий шоирлар ижодига, фаолиятига баҳо беришда уларнинг ёлғиз бадиий ижоди билан гина қизиқиб қолмаган. У жамиятга фойда келтирувчи фан ва маданияти соҳасида ҳар томонлама маълумотга эга бўлган истеъдодли кишиларни юқори баҳолаган. Бу билан у кишиларни фақат шеърятнигина эмас, балки фанни, касб-хунарни ҳам атрофлича эгаллашга даъват етган. Бу асарда ўша замоннинг энг кўзга кўринган шатранж усталарига берилган таъриф-тавсифлар, баҳолар Навоий замонида шатранж маданияти ва санъат аҳллари ўртасида қадрланганлигининг яққол далилидир.

Мазкур анъаналар Алишер Навоий ва темурий ҳукмдор – Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам давом эттирилди. Хуросонда, айниқса, Ҳиротда санъат ва маданиятнинг кўпгина соҳалари қатори бирқанча спорт турлари, хусусан, кураш ва шатранж катта раванқ топган эди. “Мажолис ун-нафоис” ва “Бобурнома”да бу ҳақда кўплаб гувоҳликлар бор. Масалан, Мир Муртоз деган шатранжбоз ақлни пешловчи бу ўйинга шу даражада ўч эканки, бир рақиб билан ўйнаётганида, иккинчиси кетиб қолмасин деб, унинг етагидан тутиб ўтирар экан. “... шатранж андоғ мағлубдурким, бир ҳариф илгига тушса, халос бўлаолмас. Бу жиҳатдин ҳарифлар андин қочарлар”, деб таърифлайди Навоий бу шахсни.

А.Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоиси” да 400 дан ортиқ шоир ижодига тўхталар экан, ҳар қандай намуналарни ҳам унга киритавермаган, албатта. Бинобарин, номи зикр этилган устоз шатранжчилар шеърятда ҳам анчагина бақувват бўлганликлари аниқ. Яна шу диққатга сазоворки, шатранжчиларнинг кўпчилиги муаммо илмининг ҳам дарғалари бўлган.

Навоийнинг кўпгина асарларида шатранж билан боғлиқ парчалар, ҳикоятлар, тимсоллар бор. “Садди Искандарий” достонидаги бир парча кўз ўнгингизда ўзингизга таниш манзарани яратади. Тасаввур қилинг: кичик фарзандингиз шахмат муҳралари билан ўйнапти. У сизга тақлид қилади. Лекин муҳраларни тўғри теролмайди. Пиёдани шоҳ ўрнига қўяди, филни эса

рух “айвон”ига теради. Тўғри юриш ва муҳраларни олишни ҳам билмайди. Аммо эрмак учун турли шўхликлар қилади. Мана, ана шу манзара:

Анингдекки, тифл истабонин бисот,
Чу шатранж ўйнарға ёйса бисот.
Не ўйнарини билса, не термагин,
Не олмоғин билса, не бермагин.
Олиб қўйса байдақни шаҳ ёнида,
Яна пил қўйсару хайвонида...

А.Навоий асарлари шатранж тарихини, терминологиясини ўрганиш ва яратишда қимматли манбалардан экани турган гап. А.Навоий ўша вақтларда икки хил шахмат: шатранжи кабир ва шатранжи сағир мавжуд эканлигини айтибгина қолмай, юқорида зикр этилганидек, «Шатранжи кабир ҳикояти» нибитган. Шатранжи кабирда (катта шахматда) сипоҳлар орасида айик (даббоба), зурофакуннофа(туя)лар ҳам бўлган

А.Навоий доналарни кўриб туриб ўйнашдан (шатранжи ҳозиронадан) ташқари, тахтага қарамай, яъни доналарни кўрмай ўйнаш (шаранжиғойибона) ҳаммага маълум эканлигини ва Хуросон шатранжчилари бу борада анча маҳоратга ега эканлигини айтган.

Навоий фикрича, шатранж ҳаётнинг тимсолий кўринишидир. Бу ерда гижанг-у жадаллар, ўзаро душманлик, табақаланиш ҳам Холиқнинг бир амри билан барҳам топади. Ҳаётдан кўз юмгандан кейин шоҳ ҳам, оддий одам ҳам баробар. Шоир бундан хулоса чиқаришга, ўткинчи ҳаётда фақат эзгулик қилишга ундайди:

Чун харита ичра боғланди бори,
Шаҳ қуйидур ё пиёда юқори.
Ул ҳам истиғнодин осоридурур,
Балки ондин бир намудоридурур.
Бас,бу тамсиле сари назора қил,
Асли истиғнони юз минг мунча бил.
Чун бу маъни сори бўлдунг руҳшунос,
Барча ишни айлагил мундин қиёс.

А.Навоий замонида шатранж анна шундай юксак даражага кўтарилган. Бунда маданият аҳлининг улкан ғамхўри, ҳомийси бўлган Навоийнинг хизматлари бениҳоят каттадир. Шатранж Навоий ҳаётида алоҳида ўрин тутганини, у шоирнинг дам олиш вақтларини мароқли ўтказиш воситасигина бўлиб қолмай, балки унинг фалсафий мушоҳадаларини чуқурлаштиришга хизмат қилганидан ҳам далолат беради.

Адабиётлар

1. Ибн Арабшоҳ. ”Ажойиб алмақдур фи ахрори Тимур”. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фонди

2. Маънавият юлдузлари. Академик М.Ҳайруллаев таҳрири остида. Т.89-36Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами, ўнжилдли, 9-ж. – Тошкент: ЎзМАА, Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2011.
3. Алишер Навоий,. “Насойимул-муҳаббат”. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ўнинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон МАА, Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2011.
4. А.Ҳайитметов. “Навоийлирикаси” Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Н.Жумаҳўжа, масъул муҳаррир А.П.Қаюмов. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 328 б.
5. Носир Муҳаммад “Шахмат мўжизаси” Т 2014-й ҳ5-9 бет]
6. Муҳиддинов М.” Катакларда яширинган олам”. -Т.: Ўзбекистон, 1976. ҳ66 бет.]
7. Муҳиддинов М. “Шарқ-шахмат ватани”, Т.: Ўзбекистон 36-45
8. Хайлайев, Маматқул “Шахмат алифбоси”. Услубий қўлланма “Тафаккур”, 2015. (12 б.)

*Шарипова М.доцент
(Тоҷикистон)*

ПОЭТИКАИ НАСРИ ХОҶА АБДУЛЛОҶИ АНСОРӢ

Маҷмӯи осори Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ, ки барои таърихи илми забони тоҷикӣ як ганҷинаи пурбаҳоеро аз ғӯиши яке аз шаҳрҳои бузурги маърифатии Шарқ-Ҳирот боз гузорад. Ҳарчанд худи Пири {ирот аз беҳтарин донандагони забони меъёр буд ва қонунҳои сарфию наҳвии забонҳои форсиву арабиро риоят мекард, вале дар ҳалқаи шогирдон ахбори фаровонеро доир ба таърихи тасаввуф, зиндагиномаву афкори машоих ва ихтилофи назари онҳо ба ғӯиши Ҳиравӣ баён намуд. Табиист, ки ҳар як шеваю лаҳҷа дар такомули забони адабӣ арзиши зиёде дорад ва омӯзиши ғӯиши ин ё он маҳал барои кушодани муаммоҳои зиёде таърихи забон, зуҳури қолабҳои ибораориву ҷумласозӣ, истифодаи ҳиссаҳои нутқ ва ивазшавии мавқеи аносири ҷумлаву таркиб аҳамияти хос дорад.

Муҳаммад Сарвари Мавлоӣ дар идомаи ин баррасиҳои хеш аз тарзи баён ва забони нигориши Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ дифоъ менамояд:

«Дар тавҷеҳи ин кўҳнагӣ бояд гуфт, ки дар саросари давраи таквини забони форсӣ (аз оғоз то авоили қарни ҳафтум), ки забони форсӣ ба сўи ваҳдат ва дарсӣ шудан мерафт, бештари осор дар сарзаминҳои аслии форсии дарӣ, яъне шаҳрҳои Хуросон ба забони роиҷи он навоҳӣ навишта мешуд. Ва ё луғоту вожаҳои роиҷи зодгоҳи нависанда дар он ғалаба дошт. аз сўи дигар забони оммаи мардум ба далоили мутаддид дертар аз забони расмӣ, ба вижа дар ин давра дучори дигаргунӣ шудааст ва шигифтӣ нест, ки Нуриддин Абдурахмони Ҷомӣ, ки дар авҷи давраи форсии дарӣ мезист ва таҳсилоти хешро ба забони расмӣ-дарӣ дар мадориси {ирот ба поён бурда буд» (2,118-119).

Дар гуфтугўи орифонаи Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ назокату лутфи сухан зиёд дида мешавад. Ў дар гуфтори худ бо забони шевою равон аз баҳсу музокираҳои сўфиён ёд мекунад:

«Шайхулислом гуфт, ки: вақте ба Иброҳими Адҳам гуфт, ки: Шумо дар маош чӣ гуна мекунад? Гуфт: Чун ёбем, шукр кунем ва чун наёбем, сабр кунем. Шақиқ гуфт: Сағони Хуросон ҳамчунин мекунад. Гуфт: Пас шумо чун мекунад? Гуфт: Мо чун ёбем исор кунем ва чун наёбем, шукр кунем. Гўянд, ки Иброҳими Адҳам бўса бар сари вай дод ва гуфт: Устод туй!» (2,86).

Як равиши бисёр мухтасари ифодаи матолиб ва чунин тарзи баён ба истиснои шарҳи масоили бунёдии тасаввуф асосан дар шарҳи ҳоли машоих истифода мешавад:

«Шақиқ ибни Иброҳим ал-Балхӣ аз қадимони машоих аст, устоди {отаи Асамм. Бо Иброҳими Адҳам сўхбат карда, аз назирони вай аст, дар рўзгори вай бар вай зиёдат буда, дар зўҳд ва фугувват. Куняи ӯ Абўалист, аз аҳли Балх буд. Марди зоҳид буд бар тариқи таваккул рафтӣ, мусофир буд ва некўсухан. Вай аз машоҳири машоихи Хуросон аст» (2,86).

Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ зиндагиномаи Амр ибни Усмони Маккиро дар ин қолаби бисёр соддаву равон баён месозад: «Куният Абўабдуллоҳ, устоди {усайн Мансури {аллоҷ аст. Нисбат бо Чунайд кунад ва бо Харроз сўхбат дошта ва худ аз акрони эшон аст. Ва чуз аз эшон. Ва Абўабдуллоҳи Набочӣ дида. Вай олим буд ба улуми ҳақоиқ. Асли ӯ аз Яман аст.

Сухани ӯ борик шуд, вайро ба калом мансуб карданд ва маҳчур карданд ва аз Макка берун карданд ва ба Қидда рафт. Он чо вайро қозӣ карданд. Вайро сухан аст некў. Гўянд, ки пеш аз Чунайд бирафт аз дунё дар санаи ихда ва тисъина ва миатайн» (2,232).

Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ ба ирфон ва аҳли тасаввуф муҳаббати фаровон дорад. Дар назари ӯ барои раҳравони тариқ зиндагии аҳли дунё, баҳусус аҳли мансаб ҳеч қадре ҳам надорад. Ба андешаи ӯ зебоии зоҳир ва ҳусни муваққатӣ мансуби аҳли дунёст, вале насибаи аҳли тариқ лаззату бурди маънавӣ ба шумор меравад. Ин фикр дар намунаи поин хеле зебову дилкаш баён шудааст:

«Шайхулислом гуфт: Подшоҳ, ки чомаҳои некў фаро дунёдорон дод, фарчома фаро дарвешон дод ва таоми покиза фаро эшон дод, лаззати таом фаро дарвешон дод» (2,283).

«Абўмўсо гўяд шогирди вай, ки Боязид гуфт, ки: Аллоҳ таолоро ба хоб дидам, гуфтам: Роҳ ба ту чун аст? Гуфт: Аз худ фурўтар ой ва *расидӣ*» (2,106).

«Шайхулислом гуфт: Рўзе аз Аҳмад ибни {анбал чизе пурсиданд ва сухан *рафтид* дар маҷлис. Аҳмад ба вай изофат *кардид*» (2,148).

Дар «Табақоту-с-сўфия» калимаи *яд* ба чойи *аст* истифода шудааст:

«Ба кунят маъруф аст. Аз Шайхулислом шунудам, карама-л-Лоҳу ваҷҳаҳу, ки гуфт: Аввалкасе, ки ўро сўфӣ гуфтанд Бўҳошими Сўфӣ *яд*, шайх буда ба Шом ва ба асл куфист ва ба куният маъруф аст» (2,6).

Як вижагии хос дар такрори гуфтори Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ ба мушоҳида мерасад. Ёдкарди дубораву себораи суханон ба масъалаҳои гуногун бастагӣ дорад. Барои муайян кардани мавқеи ин каломи муқаррар ин ҷо чанд намунаро ёдовар мешавем.

Хитоби {ақ ба Мӯсо, ки аз дасти Фиръавн ва қавми худ ранҷуру бемор гардида, шикоят карда буд:

«Ғарибӣ! Ман ватани ту. Дарвешӣ! Ман вакили ту. Беморӣ! Ман табиби ту» (2,24).

Корбурди ин матлаб хангоми шарҳу радди меъроҷи Боязид аз ҷониби Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ: «Ғарибӣ ва ман ватани ту» (2,104).

Аз равиши гуфтори Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ эҳсос мешавад, ки ӯ мисли муаллифони пешини кутуби сӯфиён ва ҷамъи орифон нисбати пешвоёни тасаввуф, чун Боязиди Бастомӣ, Ҷунайди Бағдодӣ, Мансури {аллоҷ, Абӯбақри Шиблӣ ва дигарон эҳтироми зиёд дорад.

Аз ҷумла, дар зикри Ҷунайди Бағдодӣ, пас аз он ки дар хусуси сифоти ӯву мақоми вай сухан гуфта, мефармояд: «Вай аз айммаи ин қавм аст ва аз содот ва мақбул бар ҳама забонҳо» (2,196).

Дар поёни ин сухан меафзояд: «Гўянд, ки дар дунё аз ин табақа се тан буданд, ки инонро ҷаҳорум набувад. Ҷунайди ба Бағдод ва Абӯабдуллоҳи Ҷуло ба Шом ва Абӯусмони {ирӣ ба Нишопур» (2,196).

Ин матлаб шояд аз сари эҳтирому ихлоси фузун дар зикри Абӯабдуллоҳи Ҷило боз такрор мешавад: «Дар дунё се имом будаанд аз айммаи сӯфиён, ки эшонро ҷаҳорум набуд. Ҷунайди ба Бағдод ва Абӯабдуллоҳи Ҷило ба Шом ва Абӯусмони {ирӣ ба Нишопур» (2,295). Ин таъкиди мутақаддимони мутасаввифа аст ва ҳамраъйии Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ низ дар ин маврид ошкор метобад.

Ҷое дигар дар ин китоб такрори андеша дар мавриди Мансури Ҳаллоҷ ва сарнавишти ӯ зикр мешавад. Аввалан, барои муқаррар намудани мақоми ӯ Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ дар радифи андешаи машоих фикри худро нисбати аҳволи Ҳаллоҷ иброс меорад: «Шайхулислом гуфт: Машоих дар қори вай мухталиф буданд ва бештари вайро рад кунанд, магар се тан, ки вайро бипазиранд аз машоих: яке Абулаббоси Атову шайх Абӯабдуллоҳи Ҳафиф ва шайх Абулқосим Насрободӣ дигар қас аз машоих вайро бинапазиранд ва ман вайро *напазираам*, яъне машоихро ва шаръу илмо ва на рад кунам. Шумо ҳамчунин кунед, вайро мавқуф гузоред. Он қас, ки ӯро бипазирад, дўсттар аз он дорам, ки рад кунад» (2,380).

Насри равону шеваи Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ ба ҳадде писанди хосу ом гардидааст, ки бештари муҳаққиқон бардошти Шайх Саъидро дар таълифи «Гулистон» ва Мавлоно Ҷомӣ дар эҷоди «Баҳористон» аз осори Шайхулислом дарёфтаанд. Бахусус, сабки насри саршор аз мавъизаву насиҳат, ки ба ба равонии худ навъе аз шеър ба ҳисоб меравад, баъдтар аз ҷониби нависандагони дигар мавриди истиқбол қарор гирифтааст.

Асарҳои Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ ҳам дастури назарӣ ва ҳам амалие мебошад, ки шароит, русум, анъанот ва меъёрҳои ирфониро фарогир аст. Пири Ҳирот роҳҳои камолоти маънавиро дар риояи ахлоқи иҷтимоӣ медонад. Дар китоб ишороти зиёде ҳам ба шеваи хос мавҷуд аст, ки ӯ муридону мухлисони худро аз судури нуқсу хато бозмедорад. Ба такрор бояд ёдрас шуд, ки бо забони лаҳча баён намудани матолиби ирфонӣ аз ҷониби Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ барин олим ва адаби бузург маънии онро дорад, ки асар хосияти таълимӣ дошта, ғоянда кӯшиш барои фаҳмонидани масоил ба тамоми муридону сомон намудааст.

Адабиёт

1. Ансорӣ, Хоҷа Абдуллоҳ. Табақоту-с-сўфия. Муқобалаву тасҳех ва ҳавошиву фаҳориси Муҳаммад Сарвари Мавлоӣ. –Техрон: 1362.-968 с.
2. Ансорӣ, Абдуллоҳ. Табақоту-с-сўфия /Бо тасҳеҳи Ҳусайни Оҳӣ.-Техрон: Интишороти Фурӯғӣ, 1380.-733 с.
3. Ансорӣ, Абдуллоҳ ибни Муҳаммад. Расоили ҷомеи Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣи Ҳиравӣ, қаддаса сирруҳу. Вироиши Фаришта Милод.-Техрон: Хайём, 1387.-219 с.
4. Маҷмӯаи расоили форсии Хоҷа Абдуллоҳи Ансорӣ /Бо тасҳеҳу муқобалаи се нусха ва муқаддимаву фаҳориси Муҳаммад Сарвари Мавлоӣ. - Ҷ.1. -Техрон: Интишороти Тўс, 1377.- 427 с.
5. Зарринқўб Абдулҳусайн. Арзиши мероси сўфия. -Техрон: интишороти Ориё, 1344. - 270 с.
6. Насриддин А. Матншиносии осори адабӣ.-Душанбе: Пайванд, 2011.-398 с.
7. Насриддинов Ф. Тафсири «Кашфу-л-асрор»-и Абулфазли Майбудӣ ва аҳамияти адабии он.-Хучанд: Ношир, 2009.- 184 с.
8. Нафисӣ Саид. Сарчашмаи тасаввуф дар Эрон. -Техрон: 1343. -275 с.
9. Ҳодизода Расул. Тасаввуф дар адабиёти форс-тоҷик.-Душанбе: Адиб, 1990.-188 с.

Шодиев О., тадқиқотчи
(Ўзбекистон)

ШАРҚ АДАБИЁТИДА «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ТУРКУМИДАГИ АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

Қадимдан Шарқ халқлари адабиётида комил инсонни тарбиялашга қаратилган жуда кўплаб асарлар ва ҳикматлар дурдоналари бутун дунё маданиятида ўзига хос ўринни эгаллайди. Тарихдан бизга маълумки, ота-боболаримиз ҳаётида дўстлик, садоқат ва энг аввало, муҳаббат мавзулари умрбоқий мавзулар сирасига киритилган. Шу сабабли, бу ҳудудларда бу мавзулардаги ҳар қандай асарлар севиб ўқилган. Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари

адабиётида «Лайли ва Мажнун» мавзуси каби кенг тарқалган бошқа бир илоҳий ишқ қиссасини топиш қийиндир. Мана ўн уч асрдирки, ушбу мавзуда адабиёт оламида шеър ва дostonлар битиб келинади.

Шарқда бу мавзунинг келиб чиқиши ҳақида турли хил тахминлар мавжуд. «Лайли ва Мажнун» номи остидаги сюжет ҚШ асргача араб халқ адабиётида эртак шаклида намоён бўлган. Кейинчалик бу мавзудаги асар Бобил (Ироқ) адабиётида номи келтириб ўтилса-да, лекин асар ҳақидаги маълумотлар сақланмаган. (Дунаевский, 1935:17) ҚШ асрнинг ўрталарида форс саёҳатчиси Носир Хусравга кўчманчилар Тоиф (Саудия Арабистонинг ғарбида жойлашган шаҳар) яқинидаги Аравияда Лайли яшаган қалъа харобаларини кўрсатишганлигини, шу билан биргаликда, бу ерда кўчманчи Амир қабиласидан Ал-Мулаввахнинг ўғли Қайс Лайлига ошиқ бўлиб, ундан айрилгандан сўнг саҳрода ҳалок бўлганлиги ҳақида ҳикояни сўзлаб беришганини айтиб ўтган. (Бертельс, 1933: 173) Кейинчалик оғзаки шаклдаги эртак сюжети ёзма адабиёт шаклида намоён бўла бошлади. (Крачковский, 1956: 588-561) Қуйидаги дастлабки ёзма асарларда Қайс образини учратиш мумкин:

1. Ибн Қутайба Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим – «Китоб аш-ширу шуаро» (Шеърят китоби). Бу асарда Қайс образи илк маротаба тилга олинганлигини инобатга оладиган бўлсак, Қайс оддий инсон образи сифатида шаклантирилиб, образлар тизимида алоҳида эътиборга олинмаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. (Ибн Қутайба, 1964)

2. Али ибн ал-Хусайн ал-Асфаҳоний – «Китоб ал-ағоний» (Кўшиқлар китоби). Бу асар «Китоб аш-ширу шуаро»дан афзал томонлари шундан иборатки, Қайс образи кенг кўламда, оғзаки ва ёзма манбалардан келиб чиқилган ҳолда тасвирланган. (Крачковский, 1956: 588-561)

3. Муҳаммад ибн Довуд аз-Заҳир ўғли – «Китаб аз-заҳра» (Гуллар китоби). Бу асарда Қайс образи ҳақида деярли маълумот келтирилмаса-да, лекин Қайс исми шахсга тахмин қилинган шеърлар мавжудлиги қайд этилган.

4. Ибн ас-Сараж – «Масари ал-ушоқ» (Севишганлар ҳалокати) ва бошқалар.

Шу билан биргаликда ўша давр ижодкорлари халқ оғзаки ижодида мавжуд, Қайс ҳақидаги шеърлардан парчаларни асарларига киритган бўлсалар (Ал-Мубаррат, Ал-Вашшаҳ, Ибн абд-Раббиҳ, Ал-Қолий ва бошқалар), бир қатор географлар Қайсга тегишли деб ҳисобланган шеърларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда образларнинг маълум географик ҳудудга тегишли эканлигини айтишган (Ал-Бекри, Ёкут). Тарихчилардан Ал-Қутубий ва Абул Маҳосинларининг ҳам бу мавзудаги ўрни эътиборга молик бўлиб, улардан Европа адабиёти вакиллари дастлабки маълумотларга эга бўлишди. (Ал-Мувашша, 1886; Ал-Амали, 1926)

Бадий адабиётда бу қисса дoston шаклида илк бор Низомий Ганжавий томонидан 1188 йилда вужудга келди. Низомий халқ орасида тарқалган ривоятлардан ижодий фойдаланган ҳолда «Лайли ва Мажнун» қиссасини ғоя

вий жиҳатдан мукамал ва бадий жиҳатдан юксак асар даражасига кўтарди. Кейинчалик Низомий анъанасини давом эттирган бир қанча, Шарқ адабиётида, салафлар пайдо бўлди. Булар: Амир Хусрав Деҳлавий («Мажнун ва Лайли»), Жамолий («Маҳзун ва Маҳбуб» номи остида «Лайли ва Мажнун» достонига татаббуъ), Ашраф Мароғий («Ишкнома» номи остида 1438-йилда яратилган бўлиб, бу ҳам татаббуъ), Абдурахмон Жомий, Котиби Туршизий («Лайли ва Мажнун»), Абдуллоҳ Хотифий («Лайли ва Мажнун»), Бадриддин Ҳилолий («Лайли ва Мажнун»), Шаҳобиддин Жомий («Лайли ва Мажнун»), Шайхим Суҳайлий, Али Оҳий, Хожа Имод Лорий, Хожа Ҳасан Хизршоҳ, Заве Қозиси, Носирхожа валади Мансурхожа ва яна бир қатор ижодкорлар 100 дан ортиқ бу достонга жавоб тариқасида ўз асарларини яратишади. Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ўз давригача 12 та «Лайли ва Мажнун» достонига жавоб ёзганларнинг исм шарифини келтириб ўтади. Бу ижодкорларнинг асарларида Қайсининг номи ўзгартирилган бўлса-да, Низомий Ганжавий анъанаси асосида ёзилган ва ҳамоҳанг яратилиши одат тусига айланган.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони туркий тилда ушбу мавзуда яратилган илк достон бўлиб, Навоий уни яратишдан аввал араб ривоятлари билан бир қаторда Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Ашраф Мароғий ва Шайхим Суҳайлий достонларини чуқур ўрганади. У ҳамсанависликда ўзигача мавжуд анъаналардан ижодий фойдаланган ҳолда ўз достонига янгича руҳ бағишлайди, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, «афсонага янги либос кийгизади».

Шу билан биргаликда, туркий адабиётда Навоийдан сўнг «Лайли ва Мажнун» достонини юксак чўққига кўтарган инсон Муҳаммад Фузулий бўлди. Унинг асарида бир қанча ўзига хосликларга гувоҳ бўламиз. Мисол учун, асар бошдан оёқ маснавий йўлда ёзилмаганлигидир. Ундан ғазаллар, мураббаълар ўрин олган. Ғазалларда Лайли ва Мажнун фарёдлари, Мажнунинг Лайли ёнидаги ўзини тута олмай, ўз севгисини изҳор этиши, ёки Мажнунинг отаси Мажнунни Ҳажга элтганида Оллоҳга қилган муножоти, бир сўз билан айтганда, асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари тезлашган, кулминатсия даражасига этган ҳолатларини ифодалаш учун шоир шу усулдан фойдаланади. Бу эса асарнинг қийматини янада оширишга хизмат қилади.

Ёзма шаклдаги достонларнинг кўплиги ҳамда асар ғоясининг етуклигидан достонлар хусусиятини ва келиб чиқиш генезисини ўрганишга доир Европа адабиётида XX аср ўрталарида яратилган тадқиқотлар ҳам алоҳида янгиллик сифатида вужудга келди. Хусусан, И. Й. Крачковскийнинг «Араб адабиётида «Лайли ва Мажнун» достонининг илк тарихи» (Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе) номли тадқиқоти достонлар сюжетининг келиб чиқиши ҳақида дастлабки манбалар умумлашмаси сифатида майдонга чиққан бўлса, Й. Е. Бертелснинг «Араб ҳикоялари асосида «Лайли ва Мажнун» достони сюжетини, Низомий ва Навоий достонлари талқини» («Лейли и Межнун», история арабского предания, версия Низами и поэма

Навои) номли тадқиқоти Низомий ва Навоий асарларининг қиёсига бағишланган дастлабки кенг кўламдаги илмий тадиқот эди.

Юқоридаги фикрларни синчиклаб ўрганиш давомида адабиётшунос олима Саида Нарзуллаеванинг «Лайли ва Мажнун» дostonларига тегишли бўлган илмий адабиётларни икки турга бўлиши, уларнинг биринчисини дoston тарихи билан қизиқиб, уларни келиб чиқиш генезисини ўрганган тадқиқот ишлари, иккинчи гуруҳини дostonларнинг бадиий, илмий, назарий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дostonнинг таҳлилига бағишланган илмий ишлар деб аташига асос борлигига амин бўламиз. (Нарзуллаева, 1983:11) Бу фикр ўзбек адабиётшунос олимларини таснифлашда ҳам кўл келиши табиий. Дастлабки ўзбек адабиётида «Лайли ва Мажнун» қиссаларининг тарихий тараққиёти, генезиси ва ижодкорлар асарларининг таҳлилий жиҳатдан ўрганилиши куйидаги ижодкорлар томонидан амалга оширилган:

1. Натан Маллаев. Олим Шарқ адабиётида яратилган «Лайли ва Мажнун» асарлари генезисига тўхталар экан, И. Ю. Крачковский ва бошқа ижодкорлар томонидан келтирилган маълумотларни умумлаштиришдан ташқари, ҳамсанавистлар ижодига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Дастлабки ёзма «Лайли ва Мажнун» дostonини яратган Низомий Ганжавий анъанасидаги ўзига хослик, Хусрав Деҳлавий ва бошқа салафларнинг асар воқеалар ривожига таъсир масалари ҳақида фикр юритилади. Шу билан биргаликда ижодкор Навоий ижодига тўхталар экан, шундай деган хулосага келади: «... *Навоий ўз олдига қўйган икки масалани – ҳаётий мазмун ва тил масаласини катта муваффақият билан ҳал этди, «Лайли ва Мажнун»нинг тарихий такомиллида янги давр бошлаб берди...*» (Маллаев, 1965:464)

2. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек. Ижодкор асарида (Ойбек, 1967:42-45, 89, 98-111, 122-124) Навоий ижодидаги «Лайли ва Мажнун» дostonининг бадиий таҳлили акс эттирилгандир. Ижодкор шоир асарлари таҳлилинини бошқа асарлари таҳлили жараёнида воқеавий тарзда мазмунини келтиради ва образлардаги ижодкор маҳоратига баҳо берган ҳолда: «*Фарҳод ва Мажнун, Ширин ва Лайли идеал қаҳрамонлар. Улар ҳаётий бачканаликлар билан ўралмайдилар, маиший фактларга кўмилмайдилар. Уларнинг шоирона ёрқинлигига, идеявий улугворлигига кўлка таиловчи ҳар нав тасодифий чизгилар, тор маиший шароитлар шоир томонидан усталик билан ўчирилади...*» (Ойбек, 1967:89) – дея ўз хулосасини келтиради.

3. Абдуқодир Ҳайитметов. Ижодкор Навоий ижодида «Лайли ва Мажнун» дostonининг ўрни ҳақида гап юритар экан, давр тазйиқларини инобатга олишга, ишқ-муҳаббат можароларини давр воқеаларига мослаштиришга (Навоий даврини XX асрнинг 70 йилларига қиёсан ўрганишга) мажбур бўлганлигига гувоҳ бўламиз: «*Алишер Навоий ўз қаҳрамонларининг аянчли тақдири орқали ўз давридаги эзилган халқ оммасининг тақдирини ҳам акс эттирган ва бундай ўринларда халқ оммасининг кескин норозилигини ҳам ифода этган...*» (Ҳайитметов, 1970)

4. Олим Шарафиддинов. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритган ижодкор, шоир ҳаёт йўли билан биргаликда, асарларининг таҳлиliga ҳам алоҳида боблар ажратади. «Лайли ва Мажнун» номи остидаги бобда қуйидаги фикрларни баёнига гувоҳ бўламиз: *«Лайли ва Мажнун» машҳур араб афсонаси сюжетида ёзилган дostonдир. Шоир унда бир-бирини севган ошиқ-машуқнинг бошидан кечирган қайғули воқеаларни, уларнинг ҳалокатга учрашларини ... ёзар экан, ўз қаршисида турган вазифаларни шу мисраларда очиқ белгилади:*

*Ёзмоқчи бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли...»* (Шарафиддинов, 1971:148)

5. Азиз Қаюмов. Ижодкор Навоий яратган «Лайли ва Мажнун» асаридаги Қайс образига алоҳида тўхталганлигига гувоҳ бўламиз. Ижодкор Қайсининг дунёга келиши ва таълим олишидан тортиб, Лайлига ошиқ бўлиб қолган «Мажнун»га айланишини алоҳида таъкидлайди ва қуйидагича хулоса ясайди: *«Дostonнинг якуловчи бобида Навоий бу гам дostonини «йиғлай-йиғлай тугатдим» деб хабар қилади, дардман, ишқли кишиларни улуглайди, ясама, қалбаки ишқ эгаларини қоралайди... Шоир ўқувчиларининг ишқ гами билан шод бўлишларини ва шунда уни ҳам ёд этишларидан умидвор бўлади».* (Қаюмов, 1976:85)

6. Саида Нарзуллаева. «Совет Шарқ халқлари адабиёти тарихида «Лайли ва Мажнун» мавзуси» (Тема «Лейли и Меджнун» в истории литератур народов Советского Востока) номли докторлик диссертацияси муаллифи, дostonнинг келиб чиқиш тарихидан тортиб образлар қиёси, сюжет ва композитсион тузилишгача бўлган барча маълумотларни ўша давр руҳида акс эттирган бўлсада, лекин ҳозирги кунда ҳам ўзининг салмоғини йўқотмаганлигига амин бўламиз.

7. Дилнавоз Юсупова. Навоий ижоди билан давомли шуғулланган ижодкор ўзининг «Ўзбек мумтоз миллий уйғониш адабиёти» (Алишер Навоий даври) номли ўқув қўлланмасида «Лайли ва Мажнун» дostonига алоҳида боб ажратиб, унда дostonнинг келиб чиқиш тарихи билан биргаликда уч буюк даҳо: Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий дostonларини таҳлил майдонига тортади.

6. Шухрат Сирожиддинов. Олимнинг «Тамаддун» нашриёти томонидан 2018 йилда чоп этирилган «Навоийшунослик» номи остидаги биринчи қисм дарслигини, шартли равишда, Дилнавоз Юсупованинг «Ўзбек мумтоз миллий уйғониш адабиёти» (Алишер Навоий даври) номли ўқув қўлланмасининг давоми сифатида нашр этирилган, десак адашмаймиз. Дарсликда Шарқ адабиётидаги хамсанавистлар асарлари ҳақида, Низомий Ганжавий салафларининг қанчаси «Хамса»нинг қайси дostonларига жавоб ёзганлигари ҳақида аниқ маълумотга эга бўламиз. «Лайли ва Мажнун» дostonида муаллиф

бадий ниятининг ифодаланиши» номли бобда дostonнинг пок ва юксак мухаббат ифодаси эканлиги, унинг таркибий тузилиши, ғоявий мундарижаси ва тимсоллар олами, бош қахрамонлар хусусиятлари ҳақида фикр юритади.

Хулоса қилиб айтганда, бу ижодкорларнинг асарларида «Лайли ва Мажнун» дostonининг ўзига хос баёни, ижодий ёндашув ва бадий маҳоратнинг ўзига хос шакли юзасидан таҳлил амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Ал-Амали. 4-томное издание Египетской библиотеки в Каире. 1926 г.
2. Бертельс Е. «Лейли и Межнун», история арабского предания, версия Низами и поэма Навои. – Т.: «Литература и искусство Узбекистана», 1940.
3. Дунаевский Е. Поэме Незами Гянжеви: Лейла и Меджнун, перевод А. Глоби, М., 1935.
4. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.: 1963 й.
5. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1970 й.
6. Ибн Қутайба Абу Муҳаммад Абдуллаҳ ибн Муслим. Китаб ашшиър аашшуъара. 2 т. Бейрут. 1964.
7. Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Том II. Мос-Лен: Академии наук СССР, 1956.
8. Крачковский И. Ю. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе Избранные соч., М., 1956.
9. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1965 й.
8. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1974й.
10. Насир Хусрау. Сафар-наме. Книга путешествия. Перевод и вступительная стаття Е.Э.Бертельса, Мос-Лен., 1933, стр 173.
11. Нарзуллаева С. Тема «Лейла и Меджнун» в истории литератур народов Советского Востока. – Т.: «Фан», 1983.
12. Ойбек. Навоий гулшани (Навоий ҳақида мақолалар). – Т.: «Тошкент», 1967 й.
13. Қаюмов А. Алишер Навоий (Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). – Т.: «Ёш гвардия», 1976 й.
14. Қаюмов А. Алишер Навоий (Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар). – Т.: «Камалак» 1991 й.
15. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1985 й.
16. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: «Тамаддун», 2016 й.
17. Шарафиддинов О. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди) – Т.: 1941 й.
18. Шарафиддинов О. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди) – Т.: «Ғ. Ғулом», 1971

Эргашев Қ., филология фанлари
номзоди (Ўзбекистон)

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МЕМУАР-БИОГРАФИК АСАРЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Ҳар қандай ёзувчи ижодининг энг қимматли жиҳати унинг ўзига хослигидир. Адибнинг истеъдоди қанчалик улкан бўлса, ундаги ўзига хослик ҳам шунчалик кўпроқ намоён бўлади, хусусан, буюк даҳо ижодкорлар ҳеч қачон мавжуд анъаналар қобиғида қолиб кетмайдилар. Буни Алишер Навоийнинг насрий мероси мисолида ҳам кўришимиз мумкин, жумладан, унинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Вақфия”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” сингари асарлари, бир томондан, Навоийнинг ўзигача бўлган насрнинг энг яхши жиҳатларини ўзлаштиргани, иккинчи томондан, мавжуд анъаналар қобиғини ёриб чиқа олгани ва бутунлай ўзига хос асарлар яратганини тасдиқловчи ёрқин мисоллардир. Улар ўзларининг мазмун-мундарижаси, мақсад ва ғояси, жанрий-услубий хусусиятларига кўра ажралиб туради ҳамда ўз даври насри учун янги ҳодисалар сифатида намоён бўлади.

Буни ўша давр адибларининг мазкур асарларга муносабатидан ҳам сезиб олиш мумкин. Улар Навоийнинг насрий мероси ҳақида сўз кетганда, асосан, унинг иншолари, тарихий асарлари, илмий рисолаларини тилга оладилар. Бобур “Бобурнома”да фақат “Муншаот” ва “Мезон ул-авзон”га тўхталиб ўтади. (Заҳиридин Муҳаммад Бобур, 2002: 132) Хондамир ўзининг тарихий асарида Навоий ижодига оид маълумотларни ҳам келтиради, унинг насрий асарлари орасидан иншоларига ва тарихий асарларига алоҳида тўхталган ва мақтаган. Лекин “Маҳбуб ул-қулуб”дек асар ҳақида Бобур ҳам, Хондамир ҳам, ўша даврнинг бошқа адиблари ҳам ҳеч нарса демаганлар. Шунингдек, “Вақфия” ва “Ҳолот”лар ҳам уларнинг диққатини кўпда жалб этмаган. Бунинг сабаби шундаки, ўша даврда шарқ адабиётида тарихий асарлар, иншолар, тазкиралар, манокіблар насрнинг асосий турлари деб ҳисобланган ва юқоридаги адиблар Навоий насрий мероси ҳақида сўз кетганда ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фикр билдирганлар.

Шуниси қизиқки, айнан улар индамай ўтган асарлар ҳақида адабиётшунослик тараққиётининг бугунги даражасидан туриб ҳам сўз айтиш мушқил, жумладан, уларнинг жанрий мансубиятини белгилаш, жанрий-услубий хусусиятларини ёритиш ҳам анчагина диққат-эътиборни талаб қилади. Адабиётшунос С.Ғаниева “Навоий прозаси” рисоласида Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини биографик-мемуар асарлар сифатида тасниф қилган. (Ғаниева, 1981: 3) Шу билан бирга адабиётшуносликда уларга манокіблар ёки манокібларнинг бир тури сифатида қараш ҳам бор.

Албатта, ушбу асарларнинг яратилишида ҳам адабий анъаналар маълум роль ўйнаган. Алишер Навоий бу яратмаларида ҳам ўзининг бутун ижодида бўлгани сингари Шарқ адабиётида, хусусан насрий ижод соҳасида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланган. Шу сабабли “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларига, шубҳасиз, Навоийгача ва унинг даврида яратилган насрий асарлар, шу жумладан, маноқиблар ҳам муайян таъсир кўрсатган. Лекин муаллифнинг ғоявий-бадиий нияти, ижодий онгининг ўзига хослиги ва бошқа бир қатор омиллар туфайли адабиётимизда бутунлай янги ҳодисалар сифатида баҳолаш мумкин бўлган асарлар юзага келган.

Бу асарларга маноқиблар сифатида қараш тўғри эмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов олдинга сурган эди. Олим ўз фикрини, асосан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” мисолида исботлайди. У муҳим бир далилни келтиради, яъни Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” муқаддимасида асарни ёзишдан кўзда тутган мақсади ҳақида ёзган сўзларига эътибор қаратади: “... хаёлга андоқ келдиким, ул сипеҳру иззу иқбол била бу хокийваши фурумоя орасида ўтган ҳолатдин бир неча варақ нигориш қилғаймен”.

Демак, Навоийнинг мақсади Жомийнинг “ҳолотини” ёзиш эмас, Жомий билан ўзи ўртасида ўтган “ҳолот”ни қаламга олиш бўлган. Бир муқаддима, уч мақола ва хотимадан иборат бўлган асарнинг мундарижаси ва мазмуни ҳам ана шу мақсадга бўйсундирилган. Беш қисмда баён қилинган воқеалар марказида фақат Жомий (“алар”) турмайди, балки Навоий (“фақир”) ҳам убила ёнма-ён туради. Муқаддима: “Аларнинг насаблари-ю валодатлари... бу фақир алар хизматиға қачон мушарраф бўлғаним”. Биринчи мақолот: “Алар била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умуру ғаробатлиқ сўзларким, андин аларнинг бу фақирға хусусият ва илтифотлари маълум бўлур”. Иккинчи мақолот: “Алар била бу фақир орасида битилган руқъалар бобида...”. Учинчи мақолот: “Кутуб ва расойил бобидаким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен...”.

Шундай қилиб, асарнинг асосий мазмунини Жомий ва Навоий орасида ўтган “ҳолот” ташкил қилади ва айнан мана шу ўзига хослик уни маноқиблардан ажратиб турувчи асосий жанрий белгилардан биридир.

Мазкур “ҳолот” асарнинг марказида, ҳам муаллифнинг диққат марказида туради. Маноқибларда эса асар марказида маноқиб қайси шайх ва валийга бағишланган бўлса ўша шахс туради. Маноқиблар бутунлай ўзига хос мазмун-мундарижага эга асарлардир. Уларда, асосан, авлиёларнинг, сўфийларнинг маноқибий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Маноқибий ҳаёт эса реал биографиядан фарқ қилади. Маноқибларнинг муаллифлари реал, тарихий фактлардан кўра кўпроқ ривоятлар, нақлларга суянадилар. Шунингдек, зикр этилаётган авлиённинг кароматлари ҳақидаги ҳикоятлар маноқибларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу жиҳатдан қараганда, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ни

хам, “Ҳолот” ларни ҳам маноқиблар сирасига киритишга мутлоқо асаос йўқ. Зеро, Навоий ҳар учала асарида ҳам фақат ишончли маълумотларни келтиради. Уларда баён қилинган воқеаларнинг аксариятига Навоийнинг ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган, уларнинг асосида ривоятлар, нақллар эмас, реал фактлар ва ҳаётий ҳодисалар ётади. Масалан, “Фаноия” боғини яратиш пайтида боғбон Дарвеш Ҳожи билан Жомий ўртасида бўлиб ўтган муноқаша; Навоийнинг бир анжуманда Хасан Дехлавийга тегишли бир байтнинг мазмуни хусусида мажлис аҳли билан баҳслашиб қолиши ва гаров боғлаши ҳамда ҳакамликка Жомийни танлашлари, Жомийнинг Навоий фикрини қуватловчи жавоб ёзиб юборгани; Мавлоно Шайх Абдуллоҳ котибнинг Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” асарини Навоий ҳузурига олиб келгани ва Навоий уни бир ўтиришда ўқиб чиққани ва худди шундай ҳол Жомий билан ҳам юз бергани; Жомий Балх юришидан қайтаётган Султон Хусайн Бойқарон кутиб олиш учун Мурғоб вилоятига келганда юз берган воқеа; “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад”да Навоийнинг Султон Абусаид мирзо замонида Машҳадда касал бўлиб ётиб қолгани ва Пахлавон Муҳаммаднинг ундан хабар олиб туриши ҳамда шу аснода бемор дўстини оғир хаёллардан чалғитиш мақсадида қилган ҳазили шулар жумласидандир.

Тўғри, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий билан боғлиқ “ғариб нималар” (Навоий таъбири – Қ.Э.) тўғрисидаги ҳикоятлар ҳам бор. Булар Жомийни ҳақорат қилган ва беш-ўн кундан сўнг бир киши томонидан ўлирилган Маҳмуд Ҳабиб; Жомий девони саҳифаларини бир-бир ўтга солиб куйдирган ва уч –тўрт кундан сўнг касалликка чалиниб ўлим топган Сейидам Ироқий; Жомийга мункир бўлган талаба Ноҳиқий, шунингдек, Ҳожа Дехдорнинг Жомийни тушида кўриши, Жомийнинг унга “қуръон ўқи” деб хитоб қилиши ва ўттиз беш йилдан кейин Жомий ўлим тўшагида ётганда Ҳожа Дехдор етиб келиб, унинг бошида Қуръон ўқиши ҳақидаги ҳикоятлардир. Лекин ушбу ҳикоятларни келтиришдан олдин муаллиф Жомийнинг “хавориқи одат изҳорига Ҳақ таоло амри била маъмур” бўлмаганлигини таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари, улар асарнинг асосий мазмунини ташкил этмайди. Мазкур ҳикоятларнинг асосий қисмда эмас, асар хотимасида берилганлиги ҳам шуни тасдиқлайди. Асосий ўринни эса, Жомий биографияси ва ижодий фаолиятига оид малумотлар, Навоий ва Жомий муносабатлари, улар ўртасидаги ёзишмалар ҳамда юқорида айтиб ўтилганидек, уларни одатий турмуш тарзи фонида тасвирловчи ҳикоятлар эгаллайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ҳар уч асарни мемуар-биографик характердаги асарлар сифатида тасниф қилинишини тўғри деб ҳисоблаймиз.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин, “ Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, “ Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” асарлари ўзларининг услубий хусусиятларига кўра ажралиб туради. Ё. Исҳоқов улар ҳақида “ бизнинг тарихий -қиёсий йўсиндаги кузатувимиз Навоийнинг мазкур асарлари ўрта аср ўзбек адабиёти тарихида мутлоқо янги ҳодиса бўлган, деб айтишга асос беради” , - деб ёзар экан, бунда ўша асарларнинг услубий хусусиятларининг ҳам назарда тутган. (Исҳоқов, 2001).

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳар уч асарда ҳам мемуар –эсдалик ифода услуби етакчилик қилади. Баён оҳанги, қўлланилган сўзлар ва иборалардан муаллифнинг олдин бўлиб ўтган воқеаларни эслаб қоғозга тушираётганини сезиб олиш мумкин. Буни муаллифнинг ўзи ҳам тез тез такидлаб туради ва шу мақсадда “ул айёмда”, “ул йили”, “ул (ҳамул) учурда”, “ул замонда”, “ул вақтда”, “бу авқотда”, “фалон подшоҳ замонида” каби сўзлар ва иборалардан фойдаланади: “Ҳамул учурда подшоҳ Марв кишлоғига озим бўлдилар” (“Ҳамсат ул –мутаҳаййирин”); “Иттифоқо, Паҳлавон хизматлари ҳам ул айёмда Машҳадда эрди” (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”); “Ва бу авқотдаким, бу навъ риндликларга муртакиб эрдилар...” (“Ҳолоти Сайид Хасан Ардашер”). Шунингдек, муаллиф баён қилинаётган воқеанинг юз берган вақтини кўрсатиш учун кўп ўринларда тарихий воқеаларни ёки асар қахрамони ҳаётидаги бирон муҳим воқеани тилга олиб ўтиш усулидан фойдаланади. Масалан: “Подшоҳ ул йили Хуросон тахтини олғондаким, “Жаҳонаро” боғи тарҳин солдилар...” (“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”); “Алар Макка сафаридан қайтиб шаҳарга келганда...” (“Ҳамсат ул-мутухаййирин”). Бундан ташқари мазкур асарлар матнида ўтган замон феълларининг кўп қўлланишини кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси мемуар-эсдалик ифода услубига хос хусусиятлардир.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” борасида Ё.Исҳоқов шундай ёзади: “Муаллифнинг мутлақо ўзига хос баён услуби рисола янги насрнинг етук намунаси даражасига кўтарган”. (Исҳоқов, 2001: 5) Мазкур фикрни Навоийнинг тасвир услубига ҳам тегишли дейиш мумкин. Асарда воқеалар ва персонажлар реал ҳаёт, одатий турмуш тарзи фонидида тасвирланади. Персонажларнинг табиати, феъл-атвори ҳам ана шу фонда очиб берилади. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”даги ҳикоятларнинг ҳар бири персонажларнинг, биринчи навбатда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг табиатидаги у ёки бу хусусиятни очиб беришга, уларнинг инсон, шахс сифатидаги фазилатларини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, ҳарбий юришдан қайтаётган подшоҳ билан Навоий Мурғобда турган ва Жомий уларни кутиб олиш учун борган вақтда юз берган воқеа, Жомийнинг Соғарий билан қилган ҳазил-мутойибалари унда юмор туйғусининг кучли бўлганлигини кўрсатса, Навоий ва Жомий йўлда келаётиб, араваларга терак юклаб келаётган боғбонни учратганлари ҳақидаги лавҳа Навоий шахсиятининг ўзига хос бир қиррасини – ундаги ҳозиржавобликни намоён этади. Навоий Жомийни кўриб келиш учун Хожа Дехдорни совғалар билан юборгани баён қилинган ўринларда эса муаллиф фақат Жомийнинг эмас, Хожа Дехдорнинг ҳам табиатига хос хусусиятларни кўрсатишга муваффақ бўлади.

Юқорида баён этилганлардан мазкур асарлар тўлақонли реалистик асарлар ва уларнинг услуби ҳам тўлақонли реалистик услуб, деган хулоса чиқмайди. Гарчи ҳар уч асарнинг асосида реал воқеалар, биографик фактлар ётса-да ҳамда реалистик тасвир унсурлари мавжуд эса-да, биз уларни реалистик асарлар деб эътироф эта олмаймиз.

Гап шундаки, ижодий онг ҳаётӣй воқеаларни, фактларни, турмуш ҳодисаларини материал сифатида олар экан, уларни сидирға, яхлит олмайди, балки танлаб олади. Материалнинг қай тарзда танлаб олиниши эса бадиий тафаккур типига боғлиқ ва ёзувчининг ижодий методини ҳам бадиий тафаккур типини белгилайди. Реалистик бадиий тафаккур типини реалистик асарларни ва реализмни, романтик тафаккур типини романтик асарларни ва романтизмни юзага келтиради. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларида ҳаётӣй материал реалистик бадиий тафаккур асосида танланмаган. Шу сабабли Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад образлари ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан холи шахслардир. Улар идеал образлар бўлиб, Навоийнинг комил инсон ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужассам этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Заҳиридин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Т., 2002, 132-бет.
2. Исҳоқов. Ё. Икки жаҳон ҳалқига ҳайрат// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001, 9 февраль.
3. Ғаниева С. Навоийнинг прозаик асарлари. Тошкент, 1981, 3-бет.

Эрмухамедов А., доцент
(Тожикистон)

ТАЛМИҲ САНЪАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ИЛДИЗЛАРИ

Шарқ бадиий санъатларини ўрганиш миллий адабиётшуносликда кундан-кунга долзарб масалага айланиб бормоқда. Баъзи миллий адабиётшуносликда алоҳида олинган бадиий санъатларнинг келиб чиқиш илдизлари, омиллари, тараққиёт ва такомиллари атрофлича ўрганилмоқда. Хусусан, алоҳида муаллиф ижодида бадиий санъатларнинг қўлланиш доираси, такомилли ва тараққиёт тамойиллари, услубий йўналишлари тадқиқ қилинмоқда.

Бугунги шеършунослик ҳар бир тимсол, ҳар бир шеър санъатининг пайдо бўлиш илдизларини тадқиқ қилишга чуқур эътибор бермоқда. Ҳар бир ҳодиса, воқеа, назариянинг илк ибтидоий илдизини ўрганмасдан туриб, унинг такомилли ва тараққиёт босқичлари, келажагини мукаммал ўрганиш ва аниқлаш мумкин эмас. Жумладан, назмшуносликда кенг ўрганилаётган талмиҳ ва унинг моҳият илдизи аниқланмас экан, у ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний назарий-амалий фикр айтиш ноимкондир.

Баъзи талмиҳлар замирида бир бутун сюжет ёки ривоят мазмуни ётади. Чунончи, Яъкуби Канъон, Ҳусни Юсуф, Юсуф қўйлаги. Баъзи талмиҳлар маъно жиҳатидан “Инжил”, “Қуръони Карим”даги Юсуф қиссаси билан бевосита боғлиқдир. Яна шундай талмиҳлар мавжудки, улардаги ишора маънолар билан таниш бўлмай туриб, унинг матндаги бадиий эстетик маъно қирраларини аниқлаш ғайриимкондир. Зеро Жамшид тарихисиз Жомий жам, баъзи Жамшид; Сулаймон тарихисиз тахти Сулаймон, тахти Билқис; Исо ва Марям тарихисиз Исо игнаси ва Марям риштаси каби талмиҳларнинг шарҳу изоҳини бериш ва

тушуниш асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам талмихнинг умумий-назарий масалаларигина эмас, балки унинг бевосита пайдо бўлиш илдизларини тадқиқ қилиш ва ўрганиш тақозоси ўз-ўзидан келиб чиқади. Бадиий санъатларнинг келиб чиқиши ҳаётни мўъжаз ифодалаш шакли, қолаверса, бевосита бадиий сўз табиати ва тараққиёти билан боғлиқ бўлсада, янада бошқа қатор омилларга ҳам асосланади. Биринчидан, бир қатор бадиий санъатларнинг келиб чиқиши ибтидоий турмуш кўрнишлари ва тақозаси, бевосита тарихий шароитнинг меваси яъни тарихий воқеа ва ҳодиса, тарихий шахс ҳаётида юз берадиган муҳим ҳодиса сифатида юзага келади.

Иккинчидан, баъзи бадиий санъатлар сўзнинг кўчимга айланиши ёки сўз маъноларининг кенгайиши ёхуд торайишига асосланади. Учинчидан, баъзи санъатлар ҳарфий ифода шаклига асосланиши билан пайдо бўлади. Жумладан, талмих биринчи гуруҳ сирасига киради. “Жаҳон адабиётида бирор асотир ва назмий тимсол йўқки, у ўзининг илк асосларини ибтидоий ҳаёт кўринишларидан олиб, замонлар оша маъно оҳанглари тадрижланиб, тараққий этиб бормаган бўлсин”.

Талмих ҳам худди шундай ҳаёт ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келади, тараққий этади ва янги маъно қатламларига эга бўлиб боради. Ҳаёт ва тарих бардавом экан, унинг бадиий кўзгуси адабиёт ва унинг тимсоли ҳам шунчалик боқийдир. Шу маънода ҳаёт ва тарих – талмих хазинаси. Шу билан бирга у берган мазмун талмихни ўрни билан саралайди. Баъзилари бадиий тафаккур истеъмолидан тушиб қолади ва баъзилари ҳатто тамомила унутилади. Ҳар қандай унутилган талмих ҳам таърихнинг тақозоси, ҳаётнинг талаби билан яна қайталади, аниқроғи яна ифодага тортилади. Чунки ўша унутилган талмихда ташбиҳий қиёс асл моҳият сақланади. Янги давр ва ҳаётнинг талаби ҳамда тақозоси билан ўша моҳият, ташбиҳий қиёс яна янги ҳаётини мазмун олади. Шу маънода талмих ҳаёт сингари ўзгарувчан ва бардавомдир.

Адабиётшунос олим Ҳ.Мирҳайдаров талмихнинг ибтидоий илдизини узоқ ўтмиш ва тафаккур тарихига нисбат беради: “Талмих санъатининг пайдо бўлиши ўзига хос ва узоқ тарих қатига бориб тақалади. Инсоният тафаккур жараёнига миф, осори-атиқа, тарихий воқеа ҳодисалар ва қарашларнинг нодир намуналари фикрий қиёс ва тадриж учун манба ва ҳаётини эҳтиёж ҳисобланади. Мифология – ҳар қандай миллий адабиётнинг асос ва негизи. У миллий адабиётнинг бешиги ва дояси. Миллий адабиётнинг жанр хусусиятлари, образлар олами, айниқса халқ эпослари, айрим тасвир воситалари мифологиясиз тасаввур қилинмаган. Биргина талмих санъатининг ибтидоий илдизи мифологияга бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Дастлабки талмих мифология бағрида пайдо бўлган ва вояга етган”.

Ҳ.Мирҳайдаров талмихнинг пайдо бўлиш иккинчи негизини ҳикоя ичида ҳикоя келтириш усулидан қидиради. Учинчи омилни Қуръони Карим, ҳадислардаги муқаддас воқеа ва ҳодисалар ҳамда анбиёлар тарихига нисбат

беради. Биз ҳам талмиҳ сарчашмаси борасида ана шу уч қараш-омилга таяндик.

Талмиҳнинг илк ибтидоий иллизини миф-асотирдан излаш барча жаҳон миллий адабиёти учун хос умумий қонуниятдир. Ибтидоий турмуш ва меҳнат инсониятнинг мифологик қараш ва фикрига асос бўлган. Чунки инсон ўзининг тарихий тараққиётининг муайян даврида коинот ва табиат ҳодисалари, ҳатто ибтидоий одам руҳига сиғинган. Уларга сажда қилинган сайин турмуш мушкулотлари осонлашади, кутилмаганда, фавқулодий эҳсонлар кўпроқ ато қилинади, деган тушунча инсон шуурига кундан-кун сингиб борган.

Осмон жисмлари қанчалик сирли кўринган сайин Ахура Мазда, Аҳриман, Митра, Анахито, Ийма, Оша ва бошқалар ҳам шунчалик илоҳий куч деб анланган. Улар куй, кўшиқ, ҳикоя ва ривоятларда сиғиниш даражасида ардоқланган. Кенг сюжетли, мифик дostonлар яратилган. Даврлар ўтиши билан бадиий тафаккур бора-бора қисқаликка интила борган. Эзгулик ва ёзувлик мифлари ҳақидаги нақл, ҳикоя-ривоятлар махсус эпик дostonларда ифодаланмасдан, улар воқеа, нақл сирасида имо-ишора шаклида эсга олинган. Натижада мифологик дoston ва ҳикоя, саргузашт воқеа ва қаҳрамонлар баёнида қисқаликка учраб мифологик талмиҳга кўчган.

Адабиётлар

1. Зехний Т. Санъати суҳан. – Душанбе: Ирфон, 1979.
2. Мирҳайдаров Ҳ. Шеърят фасоҳати. – Хужанд: 1987.
3. Мирҳайдаров Ҳ. Тарих, тафаккур ва образ// Записки ХГУ им.акад.Б.Ғафурова, № 1. Худжанд: 1998.
4. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001.
5. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: 1967.

**Эшматова Ю., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ЎЗБЕК АЁЛИ РУҲИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИДА ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида кайвони онахонлар, кампирлар, ўзбекнинг ғамгин, мушфиқ, меҳрибон аёл образи Назар Эшонкулнинг “Уруш одамлари”, Шойим Бўтаевнинг “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл”, Собир Ўнарнинг “Чамбилбелнинг ойдаласи”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Чаёнгул”, Баҳодир Қобулнинг “Энашамол” қиссаларида учрайди.

Шойим Бўтаевнинг Кампирлар образини яратишдаги тажрибалари “Шўродан қолган одамлар”, “Кунботардаги боғ”, “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл” қиссаларида кўриниш берган эди. Ёзувчининг “Кайвонининг мангу макони” эртақ-қиссасида ҳам кампир образи учрайди. Бу қиссада тасвирланган кампир ва кайвони эркак киноявий нигоҳ билан яратил

ган. Адиб “Кайвони” номига тескари маъно юклайди. Бу элнинг олди бўлган кайвони оғзи тинмай қарғайдиган, кучугини қарғаб, уйдан қувиб солган, сўнгра кўзига Оқтош (кучугининг оти) кўриниб, уйига қайтариб келишга жаҳд қилган ажабтовур феълли, фикрлаши, дунёқараши ниҳоятда ҳаминқадар бир киши ҳисобланади. “Кайвонининг мангу макони”да ҳам фольклор стилизацияси, афсоналарга рамзий бадий-шартли маънолар юклаш кузатилади. Ёзувчи қисса жанрини “эртақ-қисса” деб белгилаган. Асарга Румийдан қуйидаги мисра эпиграф сифатида олинган: “Тез очинг зиндонниким, зулмат босибдур беомон!”. (Бўтаев Ш., 2011:1) Қиссада Румий мисрасидан ифодаланган жоҳиллик, жоҳилона муносабатлар Бешкапа номли қишлоқ ва у ерда яшовчи одамлар ҳаётидан ҳикоя этилади. Қисса халқ эртақлари сингари зачин билан (аммо бу зачин Шойим Бўтаевга хос адабий зачин - бошланма) билан бошланади: “Юмалоқ ер устида, осмон гумбази устида бир қишлоқ бўлган экан.

Тоғнинг шундоққина этагида экан.

Кўчки хавфи остида қолган экан.

Қадимда бу қишлоқда беш том бўлган экан, шундан унинг Бешкапа номи қолган экан.

Кўчки хавфи туғилганида томлар кўпайган экан.

Одамларнинг феъли ўша-ўша экан: қадимгидек.

Қаердан бир катта чиқса ўшанинг томирини ўзларига олиб келиб боғлашар экан: қадимгидек.

Ҳаминқадар қариндошни тан олгилари келмай, кўриб кўрмасликка олиб ўтишар экан: қадимгидек.

Қадимда ундоқ эди. Қадимда бундоқ эди деб, ўз кемтикларини хаспўшлаб қўйишар экан”. (Бўтаев Ш., 2011:1)

Кайвонининг қиссага олиб кирилишидаёқ Шойим Бўтаевга хос киноя, ўткир сатира, кесатик, истехзолар кўзга ташланади: “Шу қишлоқда бир кайвони бор экан.

Товуқнинг катагиниям бузиб бўлмайди, деб айтиб юргувчи экан.

Суйган матали шу экан.

Ана шу кайвониям... ўпкаси тўлганича уй томига чиқиб сардеворга кетмон урипти”. (Бўтаев Ш., 2011:2)

Кўчки хавфи туғилиб, Беш капаликлар бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўлишади. Кайвонининг ўй-хаёллари, ўзини тутиши, юз ифодаси адибнинг киноявий нигоҳи орқали чизилади: “Кайвони анча фурсат мутафаккирона ўй сурипти.

Икки қоши ўртасини бодомчадай тугун қилипти.

У ёқ-бу ёққа қадам ташлапти.

Хаёл билан бўлиб, юпка лабларини чапиллатиб ҳам қўйипти. Аслида, унинг бундайчанги одати йўқ экан. Яна у ёққа-бу ёққа қадам ташлапти-да, бир ерда тўхтаб, барча жумбоқларни бир ҳимо билан ечиб юборадигандек, ҳа-а, дея

хитоп қилипти. Сўнгра дунёда товукнинг ҳам катагини бузиб бўлмаслиги ҳақида шунақа доно гапларни айтиптики, бундай гапларни улоқиб кетган матал тўқигич ҳам ҳарчанд айтолмаскан; жуда қойил-мақом ҳикматлар экан, уларни эшитгандан кейин дунёдаги барча хумбошларнинг товукбоқар бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолмаскан”. Қисса матнида оғзаки сўзлашув нутқиға хос услуб сақланиб қолган. Назаримизда, бу ёзувчининг эртак стилизациясини тўла ифодалаш учун қилган ижодий тажрибаси маҳсулидир. Ёзувчи атайлаб, адабий тил меъёрларига амал қилмайди.

Шойим Бўтаевнинг Кайвони образини яратишдаги кинояси ҳатто бора-бора масхараомуз даражаға чиқади. Шу пайтгача бошқа қиссаларида қўлламаган масхараомуз киноя “Кайвонининг мангу макони”да кузатилади. Ҳатто кайвони олдинига эркалаб, сўнгра эса қарғаб юрган ити ҳақидаги лавҳаларда киноявий нигоҳ билан сатирик услуб қоришиб кетади. Қиссада кайвони образидан ташқари Мастон кампир образи ҳам бор. Мастон кампир ўлгудек хасис, зикна бир аёл. Оч қолиб кетган мардикорлар унинг шапарагини егач, баттар ичлари сийрилиб кетарди. Адиб Мастон буви қиёфасида бировга хайри тегмайдиган аёллар тимсолини мужассамлаштиради. Бу қиссада шундай ифодаланади: “Мастон буви деганлари кувда айрон пиширган, бир туюр ёғни чалпаққа ўраб туширган, тишдан қолса ҳам гапдан қолмаган, кўздан қолса ҳам гапдан қолмаган, етти маҳаллани кезиб гап излаган бир кампир экан.

У нон сўраб борган қурувчиларға битта қотган шапарак берипти. Кейин у ёққа ўтса ҳам шуни гапирипти, бу ёққа ўтса ҳам шуни гапирипти.

- Ҳамманинг ҳам нон ейдиган тиши бор, - деркан у гапни узоқдан бошлаб. – Ўл қўй-да! Биз бечоралардан нон сўраб кепти. Ўзи қишға ғамлаб қўйганим икки қоп буғдой бўлса, уни тишимнинг қавагида асраб, есамми-емасамми, деб юрган бўлсам-у, яна мендан нон сўраб келса-я! Мол-ҳолларимиз ўтлайдиган жойларни эгаллаб олиб, қават-қават иморатлар солиб ётишипти-ю, яна ейишға нонлари йўқ эмиш. Иморатға пул топишар эмиш-у, нон ейишға келганда... бир ғариб кампирға кунлари қопти!

Мастон буви ўзини ғариб деб атапти.

Кейин кўнгли тўлиқиб йиғлаб ҳам юборибди”. (Бўтаев Ш., 2011:3)

Ёзувчи қиссада Мастон кампирнинг дарди ҳолини бериш орқали икки ёқлама киноявий муносабат ҳосил қилади. Биринчидан, ёзувчининг Мастон кампирға кинояси, иккинчи томондан эса, қаҳрамон, Мастон кампирнинг дачалар қуриб, усталарининг қорнини тўйдира олмайдиган замонавий “янги бойлар”ға кинояси англашилади. “Кайвонининг мангу макони” қиссасида ўтиш даври одамларининг қийинчиликлари, пулсизлик, ишсизлик, камдаромадлилиқ каби қатор ижтимоий, маиший муаммолар қаламға олинган. Очликдан силласи қуриган Қурувчилар кайвонининг кучугини сўйиб ейишади. Кайвони қиш кунида, қор гупиллаб ёғиб турган паллада кучуги Оқтошни излаб, топиб беринглар, деб акаси Аваз подачининг уйига боради. Аваз подачи кучукни излаб юриб, унинг тўкилиб ётган жунини, қон томчиларини топади. Кайвони

Аваз подачи билан укасини кута-кута ўзи йўлга тушади. Бу қиссада шундай тасвирланади: “Кайвони йўлга тушипти. Кайвони қиямалик остига етгач, тепага қарапти: ҳаммаёқни қор босган, билмаган одам қаёқдан юришга ҳам ҳайрон бўлар экан. Кайвонига бўлса... бу ерлар кадрдон жойлар экан, қанчалик қалин қор остида қолган эса-да, йўлни искаб бўлсаям топа олар экан – ўзига-ўзи шундай депти; бундан ташқари дарахатлар, наъматаклар бор экан, кайвонига йўл кўрсатиб туришар экан...” (Бўтаев Ш., 2011:4) Қисса кайвонининг фожиаси билан якунланади. Йўқолган кучугини излаб, йўлга чиққан кайвони қор кўчиб, чуқурликда оёқлари синиб ҳалок бўлади. Уни ака-укалари топиб олиб кетишади. “Кайвони” сўзи одатда, Аёлларга нисбатан ишлатилади. Шойим Бўтаев бу қиссада элнинг кайвониси бўлган киши (мусофир одам) ҳақида эртакнамо асар битади. Қисса якунидагина Кайвонининг аёл эмас, эркак эканини англаб етасиз. Қиссага асосий сюжет сифатида танланган воқеа, кайвонининг кучугини қувиб солиши, сўнгра уни излаб йўлга чиқиши, ака-укаларидан ёрдам сўраши, ўзи ҳам Оқтошни излаб, чуқурга тушиб кетиб ҳалок бўлиши сатирик ва трагик лавҳалар яратилишга асос бўлган. Кайвони ўзини жуда ақлли қилиб кўрсатишга уринади. Оғзи тинмай йиғлайдиган ўғлини келажакда буюк шахс чиқади, деб башорат қилади. У ўзини салкам бир башоратгўй, авлиё одамдек тутати. Ёзувчи аёллар руҳиятининг ниҳоятда нозиклигига урғу бериб, улар ҳаётидаги драматизм ва трагик ҳолатлар сабабини очишга ҳаракат қилади. Жумладан, Бувиш кампир, назоратчининг аёли фарзанд доғида куйиб вафот этган она тақдири сабаблари аслида уларни қуршаб турган яқинлари, ҳамкасбларининг лоқайдлиги, ёрдамга муҳтож одамларга бепарво кузатувчи бўлиб яшаганликлари оқибати эканини ҳаққоний ёритади.

Инсон руҳиятининг чуқур таҳлили, унинг онг ости, яширин сир-синоатларини янада мукамал тушуниш ва тасвирлаш доимо, энг қадимги даврлардан бошлаб адабиётнинг энг асосий муаммоси бўлиб келган. Шу боис бадий асарда инсон руҳиятининг чуқур ва батафсил таҳлилини адабиётнинг сифат белгисини кўрсатувчи хусусият дейиш мумкин. Руҳият тасвири муаммоси жаҳон илм-фанидаги каби ўзбек адабиётшунослигида ҳам доимо муҳим ва долзарб тадқиқот муаммосига айланиб келган.

Адабиёт

Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

**Эшонқулова С. доцент
(Ўзбекистон)**

МАЪНАВИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

(Нодира шеърятти мисолида)

Шарқ мумтоз адабиётида поэтик фикрни бадий санъатлар воситасида ифодадай олиш шоир маҳоратини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ижодкор шеърини санъатлардан қанчалик усталик билан фойдаланганлиги

унинг камолот даражасини белгилайди. Ижодкор, энг аввало, шеърий санъатлардан фойдаланган ҳолда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ўй-хаёллари, кўринишлари каби турли хил тасвирларни бўрттириш, асарининг бадиий бўёғини оширишга эътибор берса, иккинчидан, шу орқали фикрнинг таъсирчанлигини таъминлайди, ўқувчининг эстетик дидини тарбиялайди.

Жумладан, Нодира ҳам шеърий санъатларга мурожаат этар экан, ғоя ва бадиият уйғунлигини биринчи ўринга қўяди. Нодира шеъриятида ҳар қандай бадиий санъат – бу восита. Унинг ғазалларида ҳеч вақт восита мақсаддан устунлик қила олмайди. Ижодкорнинг бадиий санъатларни қўллашдан кўзланган мақсади битта: асар ғоясини жозибали усулда тақдим этиш. Шунинг учун Нодира ғазалларида ишлатилган поэтик тасвир усуллари асос эътибори билан лирик қаҳрамоннинг ички туйғулари, руҳий ҳолати, кечираётган дарду ҳасратлари, ишқ азобларига муносабати, висол онларини орзу қилиб кечираётган дамларининг нечоғли азобли, гўёки туганмайдигандек қилиб тасвирлашга, умуман олганда, инсоннинг субъектив ҳаётининг характерли манзараларини очишга хизмат эттирилган. Шоира ўз асарларида қуюқ фалсафий фикрлар ифодаланишига ҳаракат қилар экан, бадииятдаги назмий кўп маъноликни юзага чиқарувчи санъатларни ҳам унутмайди.

Моҳларойим ижодида маънавий ва лафзий санъатларнинг кўпгина турлари учрайди. Бу санъатлар асарнинг турли ўринларида бир-биридан фарқли, ўзига хос вазифаларни адо этади. Масалан, поэтик тасвирнинг юқори даражаси ғазал матлабида келганда кейинги байтлар ундаги мазмунни очиб беришга, изоҳлашга, тўлдиришга хизмат қилган. Агар ғазал ўртасида келса, лирик қаҳрамон ҳолатини олдингидан кўра яна бир пардага кўтариб тасвирлашга қаратилган.

Жумладан, маънавий санъатлардан, айниқса, **талмеҳ (назар солиш) санъати** Нодира ғазалларининг деярли ҳаммасида учрайди.

Нодира образ ҳолатини тасвирлаш, фикрнинг мантиқий ривожини таъминлаш ва уни далил мезонига айлантиришда бу санъатдан моҳирона фойдаланган. Шоиранинг бадиий маҳорати, лирик услубига хос хусусиятларини тадқиқ этишда ва ўзига хос жиҳатларини ўрганишда у қўллаган бадиий санъатлар бебаҳо материал беради.

Талмеҳ санъати ёрдамида қайд қилганимиз сингари лирик қаҳрамон ҳолатининг яна бир парда юқорига кўтарилиши намунасини “Таҳаммул ҳаддин ошти, эмди афғон этмасам бўлмас” мисраси билан бошланган ғазал мисолида кўришимиз мумкин. Чунончи, унинг уч байти мана бундай:

Таҳаммул ҳаддин ошти, эмди афғон этмасам бўлмас,
Улусни хотири жамъин паришон этмасам бўлмас.
Гирибон чок, бағрим порадура, бошимда юз савдо,
Бу ҳолат бирла азми кўйи жонон этмасам бўлмас.
Муҳаббат кўйида ночордур ошиққа ҳайронлиғ,
Таҳайнор кул қилиб ойна сомон этмасам бўлмас.

Матлаънинг биринчи мисрасиданоқ маъшуканинг ўз ошиғини кўриш иштиёқи ҳаддан ошган, сабр косаси тўлиб бўлганлиги айтилмоқда. Шу боис у “... эмди афғон этмасам бўлмас”, деб оҳ уради. Кейинги байтларда эса ўша “таҳаммул ҳаддан ошиши”га сабаб бўлган омиллар айтилган. Навбатдаги байтда:

Кўнгуллар каъбасин бир-бир зиёрат айладим, эмди

Тавофи Маккау тахти Сулаймон этмасам бўлмас ҳНодира-Комила, 2001: 179].

деб, кўнгиллар каъбасидаги дарду ҳасратлардан хабардор бўлгандан кейин, унга даво Макка тавофи ва Сулаймон пайғамбар тахтининг зиёрати эканлиги айтилади.

Шоиранинг тожик тилидаги “Биё” радибли ғазал ҳам ана шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Ғазал ҳижрон мотивлари асосига қурилган. Етти байтдан иборат ғазалнинг учинчи байтида талмеҳ санъатидан усталик билан истифода этилган ва мана бундай дейилган:

Шуд дар раҳи ту дидаи канъониён сафед,
Аз мисри ноз, Юсуфи гулпираҳан, биё.

Мазмуни:

Йўлингда кўзларимиз канъонлик Яъқуб кўзидек оқарди,
Эй гулкўйлагим, Юсуф каби ноз Мисридан кел ҳНодира-Комила, 2004: 15-16].

Шоира байтда Юсуфнинг акалари томонидан кўйлаги қонга бўялиб, унинг ўлганини айтиб оталарини алдагани, сотиб юборганлари, ўғлини кўриш ишитёқидаги Яъқуб пайғамбарнинг кўзлари кўр бўлгани воқеасини оз сўз билан гўзал бадий шаклда ифодалайди. Бу билан ўзининг севлигисини кўришга шу даражада интизорлигини, бу интизорликдан кўзлари оқарганини изҳор этади. Бу ўринда талмеҳ ва муболаға санъати мутаносиблигида маъшуқа руҳий ҳолатининг поэтик ифодаси берилгани кузатилади.

Шоиранинг мана бу ғазалида эса ҳар бир байтда талмеҳ санъати қўлланган:

Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,
Қилурми хору-хашак тоби шуълаи ғайрат.

Чекарда жон менга тақлид қилмасун Фарҳод,
Фироқ тоғида беҳуда чекмасун кулфат.

Менга баробар эмас Кўҳқан била Мажнун,

Аларда бир ғам эди, лек менда юз ҳасрат ҳНодира-Комила, 2001: 79].

Шоира юқорида келтирилган мисолда Мажнун, Фарҳод, Кўҳқан тимсолларига ишора қилиб, уларга янгича мазмун бахш этади. Бошқача айтганда, шоира талмеҳ санъати имкониятларидан маҳорат билан фойдаланади. Мажнун ва Фарҳод бошидан ўтган кўргуликлар ўзи чеккан ғам-ҳасрат олдида юздан бир ҳам эмаслигига ишора қилади. Бунда оҳорли мазмун ва гўзал бадии

ят уйғунлиги кузатилади. Бу ҳол шоиранинг тарихий шахслар образини тасвирлашда, улар ҳаётининг муайян лавҳаларини, фазилатларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатишда бадий санъатлардан нечоғлик маҳорат билан фойдаланганига яна бир далилдир.

Дарҳақиқат, мумтоз ижодкорлар ўз лирик қаҳрамонларининг ички кечинмалари ва руҳий ҳолатларини муболағали усулда тасвирлаш учун талмех санъатини кўп қўллаган. Нодиранинг оригинал талмехларни қўллашга интилгани, айниқса, эътиборга моликдир:

Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,

Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон оқибат....

Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,

Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон оқибат хНодира-Комила, 2001:

71].

Бу ерда шоира машҳур форс-тожик шоири Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” ҳамда Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonларидаги Шайх Санъон ва “Қисаси Рабғузий”даги Сулаймон қиссасини эслатиш билан лирик қаҳрамон ҳолини поэтик шарҳлайди. Ўзининг мураккаб қисматига, умрининг баҳор айёми ўтиб, хазон фасли бошланганига ишора қилади.

Тазод санъати маънавий санъатлар ичида энг кўп қўлланиладиган бадий воситалардан ҳисобланади. Бу санъат классик адабиётда мутобиқа, тибок, татбиқ, такофу, иттизод, мутазод каби номлар билан ҳам аталиб келинган. Тазод санъатини ҳозирги адабиётшуносликка оид луғатларда баъзан антитеза деб ҳам атайдилар хКелдиёрова, 2000: 147].

Шеършунос олим Шамс Қайс Розий тазодни мутобиқа номи билан қайд этади. Аммо бу санъатнинг бошқа номлари ва турлари хусусида сўз юритмайди. Умуман, ўзбек адабиётшунослигидаги тазод таърифлари ҳам юқоридагиларга мос тушади хҲотамов, 1983: 376], хҲожаҳмедов, 1999: 240].

Шоира бу санъат асосида оҳорли фикр ва гўзал бадиият уйғунлигини таъминлашга интилган:

Севарман ёрни, йўқким рақибим,

Нечукким яхшидур ширин, ямон талх хНодира, 1968: 143].

Ушбу байтда “яхшидур ширин” бирикмасини “ямон талх” бирикмасига қарама-қарши қўйиш орқали, фикр таъсири кучайтирилган. Шоира антоним сўзларга кўп мурожаат қилишининг сабаби, бизнингча, у ёки бу фикрни бўрттириб, жонлантириб беришни, ўқувчи тафаккурида ёрқин тасаввур ҳосил қилишни назарда тутган.

Хуллас, Нодира барча поэтик асарларида зид маъноли сўзлар асосида тазод санъатини яратар экан, бадий мукамалликка интилади. Бу ҳол шоира тафаккури уфқининг кенглигини яна бир бор намоён этади.

Нодира шеъриятида ёрнинг юзи ва Қуёш шаклий уйғунлик ҳосил қилса, буларнинг барчаси Қуёш ва Инсон билан боғлиқ табиий ҳодисалар асосида вужудга келади. Чунончи:

Хусни рухсораш чу аз мушкин ниқоб омад бурун,
Дар шаби торик гўё офтоб омад бурун.

Мазмуни:

Унинг гўзал чехраси қора ниқобдан чиққанда, гўё
қоронғи тунда офтоб чиққандай бўлди (Нодира, 1971: 264-265].

Мумтоз шоира ўз лирик қаҳрамонларининг ички кечинмалари ва руҳий ҳолатларини муболағали усулда тасвирлаш учун ушбу образлар характер-хусусиятлари билан алоқадор маъно ва деталлардан кўп истифода қилганлиги кузатилади:

Пора-пора бўлди жисмим то жафолар тиғидин,
То эрур тиғи забон маддоҳи бу ихсонингам.

Ноз уйқусида сендурсен вале мен субҳи шом,

Мунтазирмен Нодира кўз юммайин хайронингам (Нодира, 1968: 197].

Шундай муваффақиятли чиққан ва айрим реал ҳодисаларга боғланган айрим байтлари, умуман, одамзоднинг ўлим фожиасига муносабати ва қайғу-алам билан тўлган ҳолатини акс эттиради, севимли ёр сиймоси яққол ва жозибали суратда намоён бўлади.

Шу муносабат билан Нодирадаги образлар диапозонининг кенглигини ҳам эътироф этиш керак. Одатда ўтмишдаги лирик шоирлар асарларидаги мавзу доираси фақат муаллифнинг ва шу орқали аёлларнинг лирик кайфиятлари билан чекланган бўлса, Нодира ўзининг лирик ҳолатларига боғлаб иккинчи лирик образни қаҳрамон даражасига кўтаради, у ҳам бўлса ёр, ошиқ, рафик, йўлдош образидир.

Нодиранинг энг кўп қўллаган бадий усулларида яна бири **“мукаррар”**дир. “Мукаррар” сўзи “қайта-қайта, уст-устига” маъноларини ифодалайди. Шу ном билан аталувчи лафзий санъат эса байтнинг ҳар икки мисрасида жуфт сўз қўллашни назарда тутди. Атоуллоҳ Хусайний “Бадойиъ ус-санойиъ”да: “Рашиди Ватвот дептурким, шуаро мукаррар деб андоқ шеърни айтурким, бир байтга бир лафзни келтирурлар ва ўзга байтга анинг таъсирида ўшул лафзни яна келтирурлар” хХусайний, 1981: 215],- деб таъкидлайди. Нодира бу усулдан фойдаланиб, образлар мавзусини бойитган, ўзи айтмоқчи бўлган муддаони далиллар билан асослаган. Ўқувчи кўзи олдида аниқ ва ёрқин манзара яратиб берган:

Бўлмағил яхши-ю, ямонға тараф.

Бехуд ўл яхши-ю, ямондин кеч хНодира, 1968: 130].

Ёхуд бошқа ғазалидан олинган куйидаги байтни кўрайлик:

Олам туфайли Юсуфу, Юсуф-ғуломи ғайр,

Фаръеди булбул аз гулу, гул-ҳамнишини хор.

Мазмуни:

Олам Юсуф туфайлидир-Юсуф эса бошқаларга қул,
булбулнинг фарёди гул учуну, гул эса, тикан билан
ҳамишиндир (Нодира, 1971: 22-23].

Шоира айрим ғазал ёки қасидаларининг мақтаёида ўзининг ижоди соҳасидаги маҳоратини тақдирлаб, мағрурланади. Бу ҳолатни мумтоз шеършунослар нуқсон деб эмас, балки шоирнинг қонуний ҳақи деб билганлар. Лекин, бир шарт билан: шоир чиндан ҳам мақтанишга лойиқ асарлар яратган бўлса!.. Бу усулни махсус термин билан “фахрия” (фахрланиш) деб атаганлар.

Нодиранинг бир неча шеърларида шу фахрия намуналарини кўрамиз. Масалан:

Тонг эмастур бўлса бу муддатда устои сухан,
Комила ашъориға таҳсин этар, Салмон кўруб хНодира-Комила,
2001: 58].

Шеърнинг мақтаёидаги “Салмон” сўзи ҚIV асрда яшаган машҳур тожик шоири Салмон Соважийга ишорадир. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида “Хожа Калимиддин Салмон қасидаси майдонининг чобуксувор ва ўз замонасининг беназир сухангузоридур” хНавоий, 1967: 124]. деб шоирга юқори баҳо берган эди. Нодира ҳам шунга ишора қилиб, “Сенинг шеърингга, ҳатто, Салмондай улуғ шоир ҳам таҳсин қилади” деб фахрланади. Албатта, у шундай дейишга, ўз ғазалларини дурдоналар ва гавҳарларга ўхшатишга тўла ҳақли эди. Бу ҳолни биз, куруқ мақтанчоқлик эмас, балки шоиранинг назмдаги юксак салоҳиятига лойиқ баҳо эди, деб эътироф этамиз.

Нодира лириканинг бадий хусусиятлари ҳамда салафлари ижодини ўрганиш шоиранинг шеърӣ санъатлардан фойдаланиш соҳасидаги анъаналарни муносиб давом эттирганини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Навоий Алишер. Асарлар. 14-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1967.
2. Келдиёрова Г.Ўзбек бадиий нутқида антитеза.: Фил. фан. ном. ... дисс. – Т., 2000.
3. Нодира. Асарлар. 1-жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. – Б. 101. (Бундан кейинги шоиранинг ўзбек тилидаги ғазаллари шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичида (А деб) кўрсатилади).
4. Нодира. Асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. – Т.: Бадиий адабиёт, 1971. – Б. 30-31. (Ушбу нашр бундан кейин А1 деб кўрсатилади).
5. Нодира-Комила. Девон. – Т.: Халқ мероси, 2001. – Б. 18. (Бундан кейинги шоиранинг ўзбек тилидаги ғазаллари шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичида (Н деб) кўрсатилади).
6. Нодира-Комила. Девон. II китоб. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2004. – Б. 8-10. (Бундан кейинги шоиранинг форс-тожик тилларидаги ғазаллари шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичида (Н1 деб) кўрсатилади).
7. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999.
8. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
9. Ҳусайний А. Бадоеъу-с-саноеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.

Юнусова Б., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ ХИЗМАТКОР АЁЛЛАРНИНГ ИСМЛАРИ ХУСУСИДА

Бадий асарларда, жумладан, халқ дostonларида қўлланган ҳар бир тил бирлиги мавзу ва ғояга муносиб тарзда маълум услубий вазифа бажаради. Бу, албатта, дostonларда қўлланган ономастик бирликлар, жумладан, антропонимларга ҳам хосдир. “Алпомиш” дostonида қўлланган бадий тимсоллар исм ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Дostonдаги бош тимсолларнинг исмларидан тортиб оддий персонажларнинг исм ва лақабларида уларнинг ташқи кўриниши, ички дунёси, характери, ижобий хислатлари, иллатлари, асар сюжетида тутган ўрни, вазифаси ва бошқа жиҳатлар маълум маънода ифодаланган. Биз куйида дostonдаги персонаж мақомидаги оддий тимсолларнинг исм ва лақаблари таҳлили асосида буни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ҳақимбекнинг синглиси Қалдирғоч ойимнинг *Хатича* исмли канизаги бўлган: «*Қалдирғочнинг Хатича деган яхши кўрган канизи бор эди. «Акамни ўзим бориб, жўнатиб юбормасам, Қултойчол от бермайди», – деб Хатичани ияртиб, қорама-қора орқасидан кета берди*” ҳАлпомиш. Берди бахши варианты, 2015: 239].

Аслида бу исмнинг тўғри шакли *Ҳадича*. Шеваларда айнан юқоридаги *Хатича* вариантыда ҳам қўлланади. Исмнинг луғавий асоси арабча бўлиб, “*чала тугилган*” деган маънони англатади ҳБегматов, 1998: 566].

Суқсурой – Барчиннинг канизи.

Тушин айтиб суюнчини сўради,

Суюнчига Барчин тилла беради,

Суқсуройнинг вақти хуш бўп қолади,

Тушининг табғирин шундай жўради ҳАлпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты, 2015:133].

Суқсурой антропонимига куш номини ифодаловчи *суқсур* апеллятиви луғавий асос бўлган. *Суқсурой* антропоними “*суқсурдек чиройли, мўтабар қиз*” маъносини англатади ҳЭ.Бегматов, 1998: 402].

Суқсур – ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари узун ва ингичка куш. Илмий манбаларда бигиздум деб ҳам аталади. Наридурчиш даврида жуда чиройли: боши ва бўйи тўқ, кўнғир, бошининг тепа қисми яшил, бинафша тусда товланади, кўкраги оқ, орқаси қорайўлли кулранг, қорни холли оқ. Кушнинг биринчи номи шунга нисбат бериб шундай аталган.

Ўрта бошқарув патлари ингичка ва узун. Шунга нисбат бериб, бигиздум номи берилган ҳЎзбекистон миллий энциклопедияси, 2004:175]. Мазкур сўз ўзбек тилида *суқсур*, *суқсур* вариантларида кузатилади. Дostonда куш номи сифатида ҳам кузатилади:

Кўккамиш кўлидан суқсур учирдим,

Суқсурни излаган лочин бўламан.

Ўзбекларда Суқсур – гўзаллик ва соғломлик рамзи.

Ўзбек тилида *суқсурдай*// *суқсурдек* сўзлари ҳам бўлиб, “суқсур каби чиройли”, “кап-катта, кўзга кўринган” маъноларида қўлланади (Маҳмудов Н., Худойберганова Д., 2013: 201, 320]. *Суқсурдай* икки ўғлингиз бор ахир ... (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат).

Оқсулув – Барчиннинг канизи: “*Шу кунни Барчин бир туш кўриб эди. Кўрган тушини Оқсулув деган канизига, йиглаб айтиб ўтириб эди*” (Алпомиш. Берди бахши варианты, 2015: 248]

Достонда Ултонтознинг энаси **Бодом** тимсоли ҳам бор: “*Илгари Ултонтознинг энасини Бодом чўри дер эди, бу вақтларда Бодом бикач дейди. Ҳадди одам йўқ, Бодом чўри деган кишининг тилини қирқади*” (Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианты, 2015: 433].

Бодом антропонимига тарихий-этимологик жиҳатдан форс-тожикча **бодом** апеллятиви луғавий асос бўлган. Мазкур исмнинг мотивацион асоси икки хил:

а) бодом гуллаганда туғилган қиз;

б) бодом каби мустаҳкам, маҳкам қиз (Э.Бегматов, 1998: 65].

Бизнингча, достондаги бу тимсол исмига иккинчи мотив асос бўлган.

Достон ва унинг вариантларида вазият ва ҳолатга кўра, бу тимсол исми турли антропонимик индикаторлар билан **Бодом бикач**, **Бодом буви**, **Бодом момо**, **Бодом енга**, **Бодомгул** вариантларида қўлланган: “*Шунда Қултой аввал ўлан айтмоқчи бўлиб, орқасидан Бодом буви – иккови бир-бирига савол-жавоб бериб, аввал Қултой, сўнгра Бодом буви ўлан айтишиб турибди*” (Алпомиш” достони. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты, 2015: 205]. “*Қариганда қадрдон қайинингман, ёр-ёр, Беш-олти оғиз ўлан айтай, Бодом енга, ёр-ёр*” (Алпомиш. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты, 2015: 206]. “*Шунда кайвони кампирлар ҳам Ултонтознинг энаси Бодом соқовни банди қилиб, Бойбўрибекнинг олдига олиб келди*” (Алпомиш. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты, 2015: 220].

“*Нимча мойни бойимга олдириб, яйимча мойни ўзим яшийиб олиб, Бодомгул қайиндошим, деб 9та қатлама қилиб солиб эдим, – деди*” (Алпомиш. Саидмурод Паноҳ ўғли варианты, 2015: 390]. “*Кенгашиб одамлар айтди: – “Қултой бобонинг” тенги Бодом момом. Шундан бошла “Қултой бобонинг” тенги-қатори йўқ*” (Алпомиш. Бекмурод Жўрабой ўғли варианты, 2016: 221].

Исмнинг вариантлари унинг ёши билан боғлиқ тарзда бошқа тимсолларнинг унга ҳурмати, эътибори асосида юзага келган. **Бодом чўри** варианты унинг хизматкорлигига, ижтимоий вазифасига, табақасига ишора қилса, **Бодом соқов** варианты унинг физиологик камчилиги, нутқий қусурлари ифодаси сифатида юзага келган исм-лақабдир.

Бодом антропоними ва унинг услубий вариантлари тимсолнинг касби, ёши, физиологик кусурлари ва бошқаларнинг унга муносабатини ёрқин ифодалаши билан лексик-семантик ва услубий юк ташийд.

“Алпомиш” достонининг қорақалпоқча вариантларида Ултонтознинг онаси *Гулчин* исми билан берилган: “... ерге келди бир наўбет, жерге келди бир наўбет”, басыма деўлет айланды, ханлық қулға келди деп, “атан мурап болганша, жерин ой болсын” деген нақыл бар еди, балам, атан *Ғодар* қул еди, енен ***Гулишин шоры*** еди ҳАлпамыс. Хожамберган Ниязов варианты, 2016: 79]. Ултан ханнын бир енеси бар еди, атын ***Гулишин шоры*** дейтуғын еди ҳАлпамыс. Хожамберган Ниязов варианты, 2016: 79].

Бодом, *Гулишин* антропонимларининг қўлланишида умумийлик кузатилади. Ултонтоз тахтга чиқиб, подшоҳ бўлгач, *Бодом чўри*, *Бодом соқов* лақаб исмлари *Бодом момо*, *Бодом бувига* айланганидек, *Гулишин шоры*, *Гулишин соқов* лақаблари ҳам *Гулчин ойимга* айланади: “Баласы Ултан Қоныраттын халықларын аўзына қаратып, алтын тахқа минип, журт сорап патша болганнан кейин, бунын шоры деген атын айтыўға Ултаннан айбынып, ***Гулишин айым*** дейтуғын еди. ***Гулишин айымнин*** тилинде кишкеине сал шулжсинлик бар еди, сол ушын буни бир қанша қатынлар ***Гулишин сақаў*** деп те айтатуғын еди ҳАлпамыс. Хожамберган Ниязов варианты, 2016: 252].

Достоннинг қорақалпоқча вариантларида *Гулишин* антропоними *Гулишинай*, *Гулишинжан* вариантларида ҳам кузатилади:

Ултан уйқилап қалғанди,

Бираз ешкини қуўалап,

*Кеткен екен **Гулишинай**,*

Байсын кўлдин бойында. ҳАлпамыс. Қурбанбай жыраў Тажибаев варианты, 2016: 362].

– *Есик алди шалқар суў, теренг жапты, яр-яр,*

*Мен айтпайман, **Гулишинжан**, ҳаргиз лаптқ, яр-яр,*

Бугинде қашқў тартпа Гулишин шорқ,

Тахтта отқрган баландқ кимнен таптқн, яр-яр ҳАлпамыс. Арзымбет жыраў варианты, 2016: 679].

Достоннинг баъзи ўзбекча вариантларида ҳам бу исм қўлланган: “*Хотинларнинг ичида бир чўлоқ хотин бор эди, **Гулчин** дейдилар эди, соқов эди*” ҳАлпомиш. Саидмурод Паноҳ ўғли варианты, 2015: 390].

Гулишин ўзбек тилидаги *Гулчин* антропонимининг қорақалпоқча варианты. *Гулчин* исмига “*гуллар тўпловчи, йигувчи, гулчи, гуллар боғбони*” маъноларини англатувчи *гулчин* апеллятивви луғавий асос бўлган Бегматов, 1998:103].

Адабиётлар

1. «Алпомиш» достони. Бекмурод Жўрабой ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 10-жилд.

2. «Алпомиш» достони. Берди бахши (Бердиёр Пиримкул ўғли) варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 4-жилд. – Б.225-338.
3. «Алпомиш» достони. Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 4-жилд. – Б.23-224.
4. «Алпомиш» достони. Саидмурод Паноҳ ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 4-жилд. – Б. 339-412.
5. Алпамыс. Арзымбет жыраў варианты. Қарақалпақ фольклоры. 6-том. – Нукус: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 611-684.
6. Алпамыс. Қурбанбай жыраў Тажибаев варианты. Қарақалпақ фольклоры. 3-том. – Нукус: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 265-400.
7. Алпамыс. Хожамберген Ниязов варианты. Қарақалпақ фольклоры. 1-том. – Нукус: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 5-86.
8. Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. Ўзбек халқ ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 1-жилд. – 512 б.
9. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – 608 б.
10. Маҳмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 201. 320 б.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 3-ж. – Б.599.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 8-ж. – Б. 175.

Ўраева Д., профессор
(Ўзбекистон)

БУХОРО ХАЛҚ ҚЎШИҚЧИЛИГИДА ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК

Ўзбекистоннинг бир неча ҳудудларида ўзбеклар ва тожиклар кўп вақтлардан буён ҳамжиҳатликда, дўстона, ўзаро қўшничилик ва куда-андачилик муносабатларини ўрнатиб, ижтимоий-маданий, иқтисодий алоқаларга киришиб бақамти яшаб келмоқда. Бухоро ҳам ана шундай ҳудудлардан биридир. Воҳада салмоқли икки тилли фольклор яратилган бўлиб, ҳанузгача ўз яшовчанлигини сақлаб келмоқда.

Ўзбек ва тожик халқининг ўзига хос миллий қадриятлари, маросиму анъаналари, расм-русум ва урф-одатлари тарихан бир маконда шакллангани, диний-эътиқодий қарашларининг яқинлиги боис кўп жиҳатдан ўхшашлик, муштараклик касб этса-да, тил нуқтаи назаридан фарқланиб туради. Мана шуни инобатга олиб, ўзбек ва тожикларнинг маросим қўшиқларини икки тиллилик (зуллисонайнлик) анъанаси жиҳатидан қиёсий ўрганиш фольклоршуносликда

ўрганилиши заруриятга айланган муаммолардан биридир. Лекин ҳозиргача Бухоро тожиклари фолҳклори бўйича Р.Қодиров, А.Шерназаровлар алоҳида диссертацион тадқиқот яратишган, холос. Р.Қодиров Бухоро тожиклари фольклорининг жанрий таркибини умумий ҳолда ўрганган бўлса (Қодиров, 1983), А.Шерназаров Бухоро тожикларининг фақат мавсумий, тўй ва мотам маросимлари фольклорини асосий объект сифатида танлаб, фолҳклорнинг зуллисонайлик касб этишига асос бўлган ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш орқали икки тилли, ширу шакар кўринишидаги фольклор генезисини очиш, ўзбек ва тожик фольклорининг локал хусусиятларини, ўзаро таъсирини ўрганишга диққат қаратгани (Шерназаров, 2018: 48) эътиборга сазовор.

Бухоро фольклори намуналари орасида ҳам турли жанрдаги оғзаки ижодий матнларнинг тўппадан-тўғри тожик тилида яратилганлари кузатилади:

Саломе назди жонон мефиристам,
Саломе хуштар аз жон мефиристам.
Саломе мефиристам бо жамолат,
Саломе дигаре бо хати холат.
Саломе бо ду чашмоне сиёҳат
Саломе бо ду абруе камонат.
Саломе ба даҳоне пистаю ту,
Саломе бо забоне рустаҳи ту.

Бир матн икки тилда – ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида, шунингдек, бир матн икки тил ёнма-ёнлигида, яъни ширу шакар кўринишида (бир матннинг ўзбек ва тожик тили иштирокида) яратилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бухоро воҳаси фольклорининг икки тиллилик (зуллисонайлик) асосида яратилиши эса унинг ўзига хос локал белгиларидан биридир.

Бухоро воҳаси тожикларининг икки – ўзбек ва тожик тилларидаги ижрочилиги халқ кўшиқчилигидаги зуллисонайликнинг ўзига хос кўринишидир. Бунга далил бўлувчи матнлар мазкур бадиий ҳодисанинг оммалашиш характери ҳақида тўла тасаввур уйғота олади. Асосан, маросимларнинг вербал компоненти бўлиб келган бундай матнлар ҳозиргача жонли ижрода мавжудлиги эътиборни тортади.

Айниқса, Бухоро воҳаси тожиклари турмуш тарзи билан боғлиқ мавсумий ҳамда оилавий-маиший (тўй ва мотам) маросимлар фолҳклорининг табиати, келиб чиқиш асослари, ижтимоий-ахлоқий моҳияти, жанрий таркиби, ўзига хос бадииятини шу ҳудудда яшовчи ўзбеклар фольклори билан муштарак ва фарқли жиҳатларига кўра илмий ўрганиш, бу масалаларни тил масалалари, хусусан, икки тиллилик (зуллисонайлик) анъанаси, адабий таъсир муаммоси нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш Бухорода икки тилли фольклор генезиси, жанрлар таркиби, тарихий-тадрижий ривожини, ўзига хос локал ва бадиий хусусиятларини ёрқин очишда муҳим аҳамият касб эта олади. Айтайлик, Бухоро никоҳ тўйларида куйлаш ўзига хос анъанага айланган ва ҳамон давом этиб келаётган мухаммасхонлик кўпинча тожик тилида кенг тарқал

гани ёхуд ширу шакарликда ижро қилиниши билан эътиборни тортади. Халқ кўшиқларининг бир тури бўлган тўй мухаммаслари инсоннинг инсонга меҳр-мухаббатини, самимий муносабатини ўзида бадиий ифода этади. Кўпинча улар никоҳ тўйи фольклори намуналари қаторида ижро қилинади. Мухаммасхонлик бухоролик аёллар кўнгилочар йиғинларининг энг кульминацион нуқтаси саналади.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ мухаммасхонлиги билан боғлиқ айрим мулоҳазалар Музайяна Алавиянинг “Ўзбек халқ маросим кўшиқлари” (Алавия, 1974: 222), О.Сафаровнинг “Оила маънавияти” монографияларида билдириб ўтилган (Сафаров, 1998: 110). Жумладан, М.Алавия, Тошкент вилоятида, одатда, тўй маросимининг *қиз ўйин* кечаси, қайлик ўйинида, унаштирилган йигитлар қизларга байрам ва сайилларда *миёнча* берганларида, хашарлардаги зиёфатларда, бир-бирига чой узатганда чолғусиз айтилаётган кўшиқлар – байт-ғазаллар айтилгани ҳақида маълумот беради (Алавия, 1974: 120-122). Ижро мақсади ва шаклига кўра улар тўй мухаммасхонлигига яқин туради.

Ўзбек халқ тўй маросими қадимдан жуда кўп анъана ва удумлардан ташкил топган, унинг хилма-хил кўринишлари кундалик ҳаётда ҳозир ҳам мавжуд. Тўй мухаммасхонлиги ҳам шундай анъаналардан биридир. Кўпинча тўйга йиғилган аёллар, қариндошлар ўзаро *мухаммасхонлик* қилишади ёки бир-бирларини алқаб, ўзаро *байт барак* айтишади.

Тўйда ижро этиладиган мухаммаслар ёки байту барак айтишув кўшиқлари халқ бадиий тафаккурининг энг нозик қирраларини ўзида тўла акс эттира олади. Уларда эзгу орзу-тилаклар, яхши ниятлар, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат тушунчалари илгари сурилади. Шуниси билан улар халқ педагогикасининг ўзига хос узви сифатида ҳам намоён бўлади.

Халқ шеърятининг бир кўриниши бўлган мухаммасхонликнинг ижросидан кўзланадиган асосий мақсад сўзда мусобақалашишдан иборат. Қолаверса, мухаммасхонлик баҳонасида инсонлар бир-бирларига шеърый лутф кўрсатиб, эзгу тилаklarини изҳор қилишади.

Бухоро тўйларини мухаммасхонликсиз тасаввур қилиш кийин. Айниқса, Бухорода аёллар иштирокида ўтадиган ҳар бир даврада, албатта, мухаммасхонлик ташкил қилинади.

О.Сафаров Бухоро мухаммасхонлиги хусусида тўхталар экан, унинг келиб чиқишини қадимий, хотин-қизлар ижрочилигида шаклланган “Бухорча” куй, рақс, кўшиқлар билан боғлайди. Олимнинг таъкидлашича, “Бухорча”нинг таркибида тожикча кўшиқлар билан бирга ўзбекча-тожикча ширу-шакар хонишлар ҳам бор. “Бухорча” уч пайт – қисмдан иборат бўлиб, биринчи пайти “Ўланг”, “Холи орази рухсор” ашулалари билан доира, қайроқ ва занг жўрлигида бошланади. Иккинчи пайт ноғора жўрлигидаги рақс билан бошланади. Учинчи пайт – туркумнинг айни авжи ва интиҳоси бўлиб, унинг якунида ижрочилар тўйчи, тўй иштирокчилари ва тўй сабабчиларини алқаб навозиш айтадилар, мухаммасхонлик қиладилар (Сафаров, 2010: 131-132).

Тўй мухаммаслари гарчи ёзма адабиётдаги поэтик жанрлардан бири “мухаммас”, яъни ҳар банди беш мисрадан иборат бўлган, а-а-а-а-а, б-б-б-б-а шаклида қофияланадиган, мустақил ва тазмин характерида яратиладиган шеър шакли номи билан юритилса-да, қатъий ва доимий беш мисрали шеърий шакллардан таркиб топган бўлмайди. Улар шаклан учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ёки ундан ортиқ мисраларда учрайверади. Демак, Бухоро халқ мухаммаслари “беш банддангина иборат қўшиқ тури” дея чегара қўйиб бўлмайди.

Тўй мухаммаслари шаклан хилма-хил бўлишига қарамай, мазмунан эзгуликка хизмат қилиши билан умумийлик касб этади. Самарқандда ҳам уларнинг ҳам тожикча, ҳам ўзбекча кўринишлари кенг тарқалган. Ёки улар ўзбекча бўлса-да, таркибида тожикча сўзлар ҳам қўллангани кузатилади:

Калапўш кийганингга ман тасаддуқ,
Бози гардонинг жонимга урсин.
Қикирлаб кулганингга душманлар ўлсин.
Сани тукқан онанг мақсадга етсин.

Ушбу мухаммасдаги *калапўш*, *бози гардон*, *жон*, *душман* сўзлари тожикча, *тасаддуқ*, *мақсад* сўзлари эса арабча ҳисобланади.

Ширу шакар, яъни икки тил – ўзбекча ҳамда тожикча сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали яратилган мухаммаслар кўп учрайди:

Гул – шимо, булбул – шимо,
Раъно – шимо, зебо – шимо.
Етти олам аълоси-ю,
Дурри ягонаси шимо.

Кўриняптики, ушбу тўртликнинг дастлабки икки мисраси тожикча, кейинги икки мисраси эса ўзбекчада яратилган. Бундай шеър шакли адабиётшуносликда “ширу шакар” дейилиши маълум.

Умуман айтганда, иккала халқнинг яқинлиги Бухоро қўшиқлари тили орқали ҳам сезилади:

Азалдан бор экан, тақдири олло,
Гадонинг жуфти бўлди **духтари шоҳ**.

Ёки:

Эй, нозанин, шахрингга шахзода тушибди.
Амир кокилинг, белингга тўлғониб тушибди.
Ман кўрганда лабингда холинг йўқ эди,
Як холи сиё руҳингга жонона тушибди.

Келтирилган шеърий парчаларда тожикча сўз ва бирикмаларнинг иштирок этаётганлиги халқлараро яқинликнинг ўзига хос бадий ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Кўҳна ва навқирон Бухоро заминида кўп асрлардан буён бир тану бир жон бўлиб бақамти яшаб келаётган ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги руҳий яқинлик, беғараз биродарлик туфайли воҳада ўзига хос анъаналар шаклланган. Бу анъаналар ҳар иккала халқ учун бир хилда тенг

хизмат қилиб келаётир. Шу анъаналарнинг катта қисмини фольклор дурдоналари ташкил этади.

Адабиётлар

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – 222 б.
2. Сафаров О. Фолклор – бебаҳо хазина. – Т.: Муҳаррир, 2010. – Б.131-132.
3. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 2009. – 110 б.
4. Шерназаров А.А. Қашқадарё тожик маросим фолклоридики икки тиллилик ва адабий таъсир: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2018. – 48 б.
5. Қодиров Р. Фольклори маросими тореволюционии тоҷикони водии Қашқадарё. – Душанбе: Маориф, 1983.

Ўрунова М., доцент
(Тоҷикистон)

МУХТАСАРИ РАВОБИТИ АДАБИИ ХАЛҚҲОИ ТОҶИКУ ЎЗБЕК ДАР АСРҲОИ ХУШ-ХІХ ВА ИБТИДОИ АСРИ ХХ

Бино ба андешаи адабиётшинос И.С.Брагинский дар ыарни ХУШ-ХІХ, хоса ыарни ХХ равобити адабии тоҷику ўзбек чунон ривоч меёбад, ки дар бисёр маврид метавон дар хусуси суханварони муштараки ин ду адабиёт метавон ҳада зад. Зуллосонайн, ки яке аз веҷағиҳои адабиёти асрҳои ХУ-ХУП маҳсуб меёфт, дар ин асрҳо ба аломати асосии адабиёт табдил ёфт. Заминаи асосии ин иртиботи кавии адабӣ дар тақдири яғонаи таърихӣ, имтизочи мутақобилаи аҳолии шаҳр ва ташаккулёбии зиёиёни маҳаллӣ зоҳир гардидааст. Дар ин асрҳо дар мадрасаҳо асарҳои омӯхта ва омӯзонидани мешуданд, ки ба забони арабӣ, тоҷикию форсӣ ва туркӣ таълиф ёфта буданд. Таълиму тарбия ва муносибату муошират ба забони тоҷикиву туркӣ ба роҳ монда шуда буд. Суханвароне, ки аз байни зиёиёни маҳаллӣ баромада буданд ба забони тоҷикиву ўзбекӣ асар эҷод менамуданд.

Аз ин рӯ, ба осори суханварони асри ХУШ –ХІХ ва ибтидои асри ХХ мушқилбаёнӣ, таъсири сабки ҳиндӣ, хоса услуби бедилӣ хеле хос мебошад. Ҳарчанд Бедил дар Ҳиндустон тавлид гардида дар ин сарзамин қору зиндағӣ карда бошад ҳам, аммо шўҳрати вай нисбат ба Ҳинду Эрон дар Мовароуннаҳру Афғонистон бештар аст. Бедил, ба андешаи И.С.Брагинский ҳокими андешаи суханварони Осиёи Миёна буд. Шарқшинос Е.Э.Бертелс қайд менамояд, ки маърифати ашъори Бедил далели комилияти донишҳои адабӣ маҳсуб меёфт. Маҳфилҳои хоси «бедилхонӣ» вужуд доштанд ва бедилшиносон ба гурӯҳҳо қисмат гардида, ҳар яке ашъори ўро ба таври худ таҳлил менамуданд. Байни мухлисони Бедил шоирони зуллосонайн ва туркигў низ кам набуданд.

Мусаллам аст, ки дар нимаи дуюми асри ХУШ ва ибтидои асри ХІХ се доираи адабӣ: Хоразм, Хўқанд ва Бухоро амал мекард. Дар доираи адабии Хоразм, ки таҳти роҳбарии Мўнисии Хоразмӣ амал мекард, қори тарҷумаи

осори классикони тоҷику форс ба роҳ монда шуда буд. Фаъолияти тарҷумонӣ боиси он гардид, ки аксари намояндагони ин доираи адабӣ ба адабиёти тоҷику форс беш аз пеш ошноӣ намоянд ва дар заминаи он асарҳо эҷод намоянд. Яке аз намояндагони маъруфи ўзбекзабони доираи адабии Хоразм Нишотӣ мебошад, ки дар пайравии Лutfӣ, Навоӣ ва Фузулб эҷод намуда, бештар дар мухаммасгӯӣ ба ғазалҳои эшон маъруфият дорад. Ягона асари калонҳаҷми ӯ «Хусн ва Дил» унвон дошта, дар пайравии маснавии «Хусну Дил»-и Фаттоҳии Нишопурӣ (асри ХУ) таълиф гардидааст. Ин асар инъикосгари бесарусомониҳои хонигарии Хева мебошад. Дар асар андешаҳои хуби ахлоқӣ дар хусуси инсондӯстӣ ва аҳамияти илму ҳунар баён гардидааст. Нишотӣ барои собит кардани афкори дидактики хеш аз ҳикоятҳои халқии тоҷикиву ўзбекӣ истифода кардааст. Баъзе Ҳикоятҳои асар «Баҳориёт»-и Сайидои Насафиро хотирнишон месозад. Ҳикоятҳои, ки Нишотӣ дар маснавиҳояш жой додааст, унвони тоҷикӣ доранд, ба монанди «Шаҳбоз ва Булбул», «Гул ва Даф», «Най ва Шамшод», «Косаи чин ва нарғиси худбин», «Бунафша ва чанг» ва ғайра. Ҳикоятҳо хеле моҳирона дар иртибот ба афкори ахлоқӣ қорбасти гардида, дар онҳо ибораву ифодаҳои тоҷикӣ ба касрат истифода шудаанд. Чунончи, дар лавҳаи сўхбати Ишқ ва Ақл ифодаи тоҷикии «марги нав муборак»-ро истифода кардааст:

Шоҳга дуо дер чоғи элтиб гарав,

Деди: «муборак санга бу марги нав».

Доираи адабии Қўқандро Амир Умархон сарварӣ мекард ва худ таъби шоирӣ дошта, ба забонҳои ўзбекию тоҷикӣ шеърҳо мегуфт. Намояндагони ин доираи адабӣ: Гулханӣ, Махмур, Ҳозиқ низ шоирони зуллисонайн буданд. Бино ба маълумоти тазкираи «Мажмӯат-уш-шуаро»-и Фазлии Намангонӣ дар доираи адабии Қўқанд зиёда аз 76 нафар адибон фаъолият доштанд, ки аксарашон суҳанварони дузабона ба шумор меоянд. Аксари адибони ин доираи адабӣ дар пайравии суҳанварони форсу тоҷик асарҳо эҷод карда, дар осори хеш манфиатҳои оммаи халқро ҳимоя кардаанд. Аз ҷумла, Гулханӣ дар пайравии «Гулистон»-и Саъдӣ «Зарбулмасал» ном асари ҳудро таълиф намудааст. Ин асар андешаҳои ахлоқиву иҷтимоиро фаро гирифта, бисёр ҳикоятҳо ва зарбулмасалу мақолҳои халқии тоҷикӣ, абёти пандомези суҳанварони тоҷику форсро дар худ ҷамъ кардааст. Чунончи, масали маъруфи «Ҳари бедум» айнан ба забони тоҷикӣ мавриди истифода ҷарор гирифтааст:

Будааст ҳараке дум набудаш,

Рӯзе ғами бедумӣ фузудаш.

Дар бодияҳо қадам ҳамезад,

Дум металабиду даме намезад.

Мискин ҳарак орзуи дум қард,

Ноёфта дум ду гӯш гум қард.

Осори Махмур низ хеле пуробуранг буда, намояндаи адабиёти чараёни халқӣ мебошад. Дар осори ӯ санъати муламмаъ (омехтаи тоҷикию ўзбекӣ) бисёр ба кор рафтааст. Номи аслии вай Маҳмуд буда, Махмур тахаллуси шоирии ӯст. Махмур ҳарчанд хамткардаи мадраса бошад ҳам, аммо зиндагии қашшоқона дошт. Аз ин рӯ, дар осораш оҳанги шиква аз нобаробариҳои рӯзгор бисёр ба назар мерасад. Дар чунин ашъори шиквой ӯ афкорашро бо забони тоҷикӣ шурӯъ карда, онро ба забони ўзбекӣ чамъбаст кардааст ва ё баръакс. Чунончи:

Доимо эҳсони вай бошад ба сӯи ағниё,
Кард дороён ба зери панҷаи чоҳил фано.
Тўтиёнро сохта дар қайди зиндон мубтало,
Андалебонро мутеи бум кардӣ, эй само,
Аҳли дониши забуни дасти нодон айладинг.

Чунайдуллоҳи Ҳозик, ки фаъолияташ дар ду доираи адабӣ: Бухоро ва Қўқанд сипарӣ гардидааст, низ ба забони ўзбекӣ шеърҳо дорад. Ашъори муламмаъ низ дар девони ӯ ба чашм мерасад.

Афзудан мебояд, ки дар доираи адабии Қўқанд бо сарвари Нодира-ҳамсари Амир Умархон занони суханвар низ фаъолияти эҷодӣ мебуданд. Худи Нодира ба забони тоҷикӣ ва ўзбекӣ девонҳо мураттаб кардааст. Ӯ бо тахаллусҳои Комила, Макнуна низ шеър эҷод карда, дар ғазалсарой ба Саъдӣ, Ҳофиз, Бедил пайравӣ намудааст. Аз адабиётшиносони ўзбек М.Қодирова ва аз олимони тоҷик Э.Шодиев, М.Ҳоҷаева ва Д.Ваҳҳобзода доир ба осори Нодира таҳқиқот бурдаанд.

Дар нимаи дуоми асри XIX ва ибтидои асри XX алоқаҳои адабии тоҷикӣ ўзбек боз ҳам пурқувват мегардад. Мавзӯҳои тозаи адабӣ суханварони ин ду халқро боз ҳам наздиктар месозад. Ҳамроҳшавии Осиеи Миёна ба Русия, инқилоби солҳои 1905-ум ва 1917-уми рус, сарнагун гаштани Ҳокимияти подшоҳӣ, ташаққул ёфтани синфи корғари маҳаллӣ, бедории шуури сиёсӣ, пайдоиши афкори маорифпарварӣ, ташкили мактабҳои типӣ нав, жадиализм ва ғайра аз мавзӯҳои буданд, ки чи дар осори суханварони тоҷик ва чи осори адибони ўзбек таъсири амиқ мегузошанд.

Ақидаҳои маорифпарваронаи Аҳмади Дониш таъсири хешро на танҳо ба осори адибони тоҷик, балки ба осори адибони ўзбек низ гузоштааст. Дар сўхбатҳои, ки дар ҳузури Дониш ташкил меёфтанд, муаммоҳои на танҳо забони тоҷикӣ, балки забони ўзбекӣ низ мавриди муҳокима қарор мегирифт. Маорифпарвари ўзбек Муқимӣ низ дар осори хеш ақидаҳои Донишро ҷонибдорӣ кардааст. Пайравони Дониш Шохин, Возеҳ, Савдо аз ҷумлаи донандагони хуб замони ўзбекӣ буданд ва ба забони тоҷикӣ шеърҳо гуфтанд. Ҳашмат дар тазкираи хеш оид ба шеърҳои ўзбекии Возеҳ маълумот дода, байни омма шўҳрат доштани онҳоро ба қайд овардааст. Муқимӣ низ ба забони тоҷикӣ шеърҳо гуфтааст, ки ба ин нукта Е.Э.Бертелс ишораҳо дорад.

Намояндагони чараёни жадидия Ачзӣ, Бехбудӣ, Фитрат ва дигарон низ дар баробари забони тоҷикӣ ба забони ўзбекӣ низ шеърҳо эҷод карда, дар онҳо манфиатҳои оммаи меҳнаткашро ҳимоя кардаанд.

Садриддин Айни, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзӣ ва дигарон кўшиш ба харч меоданд, ки роҳи дурусти эҷодиро интиҳоб намуда, дар асарҳояшон Ҳақиқати зиндагиро инъикос намоянд. Айни ҳарчанд асосгузори адабиёти муосири тоҷик бошад зам, дар инкишофи адабиёти ўзбек низ нақши муҳим дорад. Якчанд повестҳои худро ў нахуст ба забони ўзбекӣ таълиф карда, сипас, онро ба забони тоҷикӣ низ манзури хонандагон кардааст.

Ҳамин тавр, дар асрҳои ХУШ-ХІХ ва ибтидои асри ХХ алоҳидаи адабии тоҷику ўзбек боз ҳам мустаҳкамтар гардида, таваҷҷӯҳи суҳанварони ўзбек ба осори классикони форсу тоҷик боз ҳам меафзояд. Аксари суҳанварони асрҳои мазкур ҳам ба забони тоҷикӣ ва ҳам ба забони ўзбекӣ асарҳо эҷод карда, дар осорашон манфиатҳои синфи поёниро ҳимоя кардаанд. Суҳанварони ўзбек дар осори хеш дар баробари зарбулмасалу мақолҳо ва абёту ривоятҳои ўзбекӣ аз зарбулмасалу мақолоти халқии тоҷикӣ, ҳикоеъу тамсилоти маъруфи тоҷикӣ, абёти шўҳратёри суҳанварони тоҷику форс васеъ истифода карда, дар ривочи равобити адабии ин халқ саҳм гирифтаанд.

Адабиёт

1. Айни Садриддин. Намунаи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 2010.
2. Асирӣ Тошхоҷа. Мунтахаби ашъор. Тартибдиҳанда Ж.Ҳочаев, Нашр.давл.Тож. - Сталинобод, 1960.
3. Аҳмади Дониш. Порчаҳо аз «Наводир-ул-вақоъ». Ба чоп тайёркунанда ва охирсухани Р.Ҳодизода. – Сталинобод: Нашр.давл.тож., 1957.
4. Аҳмади Дониш. Асарҳои мунтахаб. Ба чоп тайёркунанда Р.Ҳодизода. – Сталинобод: Нашр.давл.тож., 1959
5. Аҳмади Дониш. Осори баргузидаи бадеӣ. Ба чоп тайёркунандагон Р.Ҳодизода ва А.Абдуллоев.- Душанбе: Ирфон, 1976.
6. Амиркулов С. Адабиёти тоҷик дар нимаи якуми асри ХІХ. - Душанбе, 1980.
7. Бертельс Е.Э.Абдурахман Джами и его дружба с Алишером Навои. Известия АН СССР, 1948.
8. Брагинский И.С. К изучению узбекско-таджикских литературных связей в сборнике «Взаимосвязи литератур Востока и Запада» ИВЛ, М.1981
9. Гулшани адаб. Ҷилди 4. Тартибдиҳандагон: Афсаҳзод А., ва диг. – Душанбе: Ирфон, 1970.
10. Гулшани адаб. Ҷилди 5. Тартибдиҳандагон Афсаҳзод А. ва диг. - Душанбе: Ирфон, 1980.
11. Каримов У. Мирзо Содиқи Муншӣ. – Душанбе: Дониш, 1972.
12. Каримов У. Адабиёти тоҷик дар нимаи дувуми асри ХІХ ва аввали асри ХІХ. - Душанбе: Дониш, 1974.

13. Маъсумӣ Н. Адабиёти тоҷик дар асри ХУШ ва нимаи аввали асри Х1Х.- Душанбе: Нашр.давлатч., 1962.
14. Маъсумӣ Н. Асарҳои мунтахаб. Ҷилди 1.- Душанбе: Ирфон, 1970.
15. Мирзозода Х.Аҳмади Дониш ва пайравони ӯ. Дар китоби Х.Мирзозода. Материалҳо аз таърихи адабиёти тоҷик. - Душанбе, 1962.
16. Мирзозода Х. Адабиёти ҳадидаи демократӣ./Садои Шарқ, 1969, №5, С.65-72.
17. Раҷабов З. Маорифпарвар Аҳмади Дониш. – Душанбе: Ирфон, 1964.
18. Сиддиқов С. Тазкираи Садрӣ Зиё. /Садои Шарқ, 1966, №1.- С.78-83.
19. Рустамов Э. Доир ба масъалаи муносибати адабиёти тоҷик ва ўзбек. /Шарқи сурх, 1956, №11.-С.67-71.
20. Хўчаев Ж. Тошхоҷа Асирӣ ва эҷодиёти ӯ. /Шарқи сурх, 1957, №1.-С.65-73.

**Қаюмова Ф. доцент
(Тоҷикистон)**

ТАҲЛИЛИ ТИМСОЛИ МУРҒОН ДАР “МАНТИҚУ-Т-ТАЙР”- АТТОР

Дар адабиёти классикии тоҷик таҷрибаи истифодаи тимсоли парандагон дар осори бадеӣ собиқаи тўлонӣ дошта, намунаҳои барҷастаи ин гуфта дар мисоли рисолаҳои Ҳишомӣ Калбӣ, Умар ибн ал-Вардӣ, Ибни Сино, Аҳмади Ғаззоӣ, Шаҳобиддини Сўҳравардӣ, Начмиддини Розӣ ва қасидаҳои Саной ва Ҳоконӣ ба назар мерасад. Омўзиши тимсоли бадеии мурғон дар рисолаи илмии адабиётшинос Б. Мирсаидов низ ҷараён дошта, дар мисоли чанд асар ин масъала таҳлилу баррасӣ гардидааст. Дар миёни достону осори туюрӣ маснавии “Мантиқу-т-тайр”-и Аттот шўҳрату мақоми хоса дошта, тимсоли мурғон бо тамоми хусусиятҳои ҷисмониву салоҳияташон рамзан дар робита бо ҳасоиси инсонӣ инъикос ёфтааст.

Оғози аслии маснавӣ бо мадҳу ситоиши Ҳудҳуд ва 12 тан мурғ - мусича, тўтӣ, кабк, боз, дурроҷ, андалеб, товус, тазарв, қумрӣ, фохта, чарх ва мурғи заррин ибтидо меёбад. Ҳар як паррандаро бархе аз таҳқиқгарони осори Аттот симои пайғамбарони Худо номидаанд ва шумораи 12-ро ба дувоздаҳ бурҷ ва дувоздаҳ имоми шиъа нисбат медиҳанд (1, 33). Сипас лаҳзаҳои ҷамъ шудани мурғон ва аз Симурғ мужда расонидани Ҳудҳуд меоянд.

Пас аз огоҳӣ ёфтани паррандагон аз сифатҳои Симурғ дар дили онҳо шавқи дидори Симурғ боз ҳам афзун мегардад, аммо аз мушкилиҳои роҳ ҳаросида, узру баҳонаҳои гуногун пеш меоваранд ва аз сафар саркашӣ мекунанд. Ҳудҳуд баҳонаҳои пешовардаи ҳар яки онҳоро бо суҳанҳои пурҳикмат рад намуда, гуфтаҳои худро бо ҳикоеҳои ҷолиб тақвият мебахшад. Узрбаёнкунии мурғон дар достон бахши алоҳида ва назаррасро ташкил додаст, ки ин ҷараён чунин сурат мегирад:

Узри ҳар як парранда дорои мазмун ва муҳтавои махсус аст. Ҳар як мурғ тимсоли инсонҳое мебошад, ки дорои хислатҳои гуногун буда, дар зинда

гӣ чаҳонбинӣ ва диду назари худро доранд. Аз ин рӯ, “Мантиқу-т-тайр” –ро як асари рамзии ирфонӣ номидаанд. Моҳияти аслии ин асар масоили камолоти рӯҳии инсон, худшиносӣ ва худошиносӣ, парвози маърифати ўро бозгў месозад.

Аз ин рӯ, хостем ба таври алоҳида ба образи паррандаҳое, ки дар “Мантиқу-т-тайр” иштирок кардаанд, таваччўҳ намуда, хусусиятҳои онҳоро дар робита бо хислатҳои инсонӣ шарҳ диҳем. Хусусиятҳои мурғон асосан дар ҷое равшан эҳсос мегардад, ки пеш аз ба сафари тўлонӣ баромадан бо узру баҳонаҳои зиёд аз сафар саркашӣ мекарданд ва намехостанд, мавҷудияти асливу арзиши худро дарк намоянду ба асли моҳият бирасанд.

Барҷастатарин тимсол дар дoston симои Худхуд аст, ки ҳамчун роҳнамо ва муршиди комил мурғони дигарро роҳбаладӣ мекунад ва мо дар ҳаҷми як мақолаи алоҳида ба образи Худхуд таваччўҳ намудаем (6,134).

Дар «Мантиқу-т-тайр» **Булбул** ошиқи гул аст ва эҳтиёҷ ба Симуғф надорад. Ба воситаи узри овардаи булбул як андоза булҳавасиву нодонии ў нишон дода мешавад, ки ў моҳияти аслии ҳастиро дарк намекунад. Дар идомаи суханони булбул Худхуд барои як андоза тақвият бахшидан ба узри пешовардаи булбул чунин суханони пурҳикмат мегўяд, ки:

Худхудааш гуфт: «Эй ба сурат монда боз,

Беш аз ин дар ишқи раъное мабоз.

Даргузар аз гул, ки гул ҳар навбаҳор,

Бар ту механдад, на дар ту, шарм дор»(1, 84).

Дар «Мантиқу-т-тайр» **Тўтӣ** чун Хизр сабзпўш аст ва орзуи оби Хизр мекунад, то дарозумрӣ ёбад. Ў низ тобу тоқати машаққати расидан ба дидори Симуғфро надорад. Баҳонаи пешовардаи Тўтӣ низ ишора ба хислатҳои зоҳирпарастиву шўҳратталабии инсон мебошад, ки пайваста боиси аз асл дур рафтани он мешавад. Худхуд бо суханони пандомези худ тўтиро насихат карда, ҳикоятро нақл мекунад, ки дар он муколамаи Хизр бо девонаи олимақом тасвир ёфтааст.

Товус дар «Мантиқу-т-тайр»-и Аттор танҳо барои такроран ба бихишт роҳ ёфтан кўшиш мекунад ва парвои Симуғф надорад. Товус низ мақсади олий надошта, сурат барояш муҳимтар аз сират аст, мисли инсонҳои зиёде, ки дар давоми ҳаёт побанди ин гуна зиндагии нопойдор буда, умри худро барабас мегузаронанд. Барои тақвияти фикр ҳикояти “Суол кардани шогирд аз устод дар бобат чӣ гуна аз бихишт берун шудани Одам” оварда шуда, устувор будани инсон дар роҳи мақсадҳои худ талқин мегардад.

Ҳумой дар «Мантиқу-т-тайр» хусравнишон буда подшоҳонро сармоябахш аст, барои ёри Симуғф шудан саъй намекунад. Кибру ғурури Ҳумойро Аттор ҳамчун хислати ношоистатарини инсон баён намуда, пуч ва беасос будани андешаҳояшро таъкид мекунад. Дар ин маврид ҳикоятро меорад, ки дар он покрое дар хобаш Маҳмудро мебинад, ки дар он дунё аз султони хеш афсўс мехўрд ва таъкид мекунад, ки шоҳи асил ҳақтаоло асту бас.

Куф дар маснавии Аттор ҳамеша дар хароба лона месозад, зеро ҷои ганҷ ҳамеша дар хароба аст, ба фикри ӯ ишқи Симурғ ба ҷуз афсона чизи дигаре нест. Куфи Аттор ишора ба инсонии дунхimmату молпараст буда, ҳатто қобилият ва ҳиммати нияти олий карданро ҳам надорад. Барои тақвият бахшидан ба андешаҳои Худхуд ҳикояте ба мазмуни хоб дидани фарзанде падари фавтидаи зарпарасташро, ки ба хоби писараш даромада, ӯро аз зардӯсти манъ мекард.

Дар «Мантику-т-тайр» **Бат** мурғи обӣ аст ва ҳаргиз дар хушкӣ зиндагӣ карда наметавонад, пас чӣ гуна роҳи Симурғро пеш гирад? Узри пешовардаи Бат низ ифодагари баҳонаҳои ночизи инсонҳои камғайрату беҳавсала буда, дар ин маврид муаллифон ба воситаи ҳикоятҳои ҷолиб бесамар будани ин узрро бозгӯ мекунанд. Ҳикояти “Нопойдорӣ об ва ноустувор будани бунёд бар об” оварда шуда, бо мазмуни он хулоса карда мешавад.

Кабки Аттор дар канори кӯҳ, байни кони ганҷ сукунат мекунад, ва ҳаргиз аз баҳри гавҳар баромада наметавонад. Кабк дар маснавий тимсоли нафарони молпарасту ҳарис аст, ки ҳечгоҳ аз банди нафсашон баромада, холисона ҳақро парастииш карда наметавонанд.

Дар ин маврид ҳикоят “Дар бораи ҳазрати Сулаймон ва ганҷи фаровони ӯ, ки монсаи роҳи ӯ гаштааст”, оварда мешавад.

Дар маснавий **Боз** эътибори хос дар назди шоҳон дорад, ва Симурғро писанд намекунад. Тимсоли боз мисли ҳумой мағруру ҳавобаланд аст. Ин ишораест, ба инсонҳое, ки беҳабар аз арзиши аслии худ зоҳиран саҳт назарбаланданд.

Вобаста ба ин мавзӯи ҳикояти “Ошиқ шудани подшоҳе бар ғуломи симбар” оварда мешавад.

Дар «Мантику-т-тайр»-и Аттор **Бутимор** ба ҷуз лаби дарё дигар ҷоеро намехоҳад, танҳо дар ғами дарёст ва ӯро кай тоби Симурғ бошад? Бутимор дар дoston тимсоли инсонест, ки аз қолабҳои моддӣ берун баромада наметавонад ва ғайрату ташаббуси ботинӣ дар ниҳоди ӯ вучуд надорад.

Дар ин маврид ҳикояти “Суолу ҷавоби марде бо дарё дар хусуси аз фироқи дӯст ҷомаи кабуд пӯшидани дарё” оварда мешавад.

Саъва дар маснавий заифу нотавон аст ва қуввати ӯ имкони сафар карданро надорад.

Пеши ӯ ин мурғи очиз кай расад,

Саъва дар Симурғ ҳаргиз кай расад? (1, 279).

Саъва вобаста ба вучуди кӯчакаш ҳамчун паррандаи заиф тасвир мешавад, яъне мисли инсонҳое, ки ба ҷои саъю кӯшиш намудан дар зиндагӣ аз нодориву камбудихо, ҳастагиву дасткӯтоҳиашон дар ҳаёт нолиш мекунанд.

Мурғон узргӯён аз Худхуди огоҳ суол мекунанд, ки «Нисбати мо ба Симурғ чист?»

Нисбати мо чист бо ӯ? Бозгӯй,

З-он ки натвон шуд ба амё розҷӯй.

Гар миёни мову ў нисбат будӣ,
Ҳар якеро сӯи ў рағбат будӣ.
Ў Сулаймон асту мо мӯре гадо,
Дарнигар к-ў аз кучо мо аз кучо? (1, 280).

Дар посух Ҳудхуди Аттор мегӯяд:
Сурати мурғони олам сар ба сар,
Соия ўст, ин бидон, эй беҳабар.
Ин бидон, чун ин бидонистӣ нахуст,
Сӯйи он ҳазрат насаб кардӣ дуруст (1, 281).

Моҳияти ғоявии қисса, ҷозибай ишқи илоҳӣ, ранчу азоби роҳи тавба ва камолот, зинаҳои покшавии рӯҳӣ дар достон бо маҳорати хосаи суҳанварӣ эҷод гардидааст, ки ин аз омилҳои муҳим дар тарбияи рӯҳонии шахси ба камолоти рӯҳонӣ расида ба шумор меравад.

Шунидани қиссаи «Шайх Санъон» паррандагонро бисёр муассир мегардонад ва боис мегардад, ки шавқи дидори Симурғ дар дили онҳо боз ҳам зиёдтар ва ҷуръати эшон қавитар гардад. Дар натиҷа онон озими роҳ мешаванд. Мурғон чун ба сафар ҳозир мешаванд, мебинанд, ки ба роҳнамои кордон эҳтиёҷ доранд, Ҳудхуд дар достон тариқи қуръапартӣ ба мақоми пешво интиҳоб мегардад. Аз ин ҷо сафари асосӣ ва тўлонии мурғон мурғон ибтидо меёбад.

Маълум мегардид, ки узрбаёнкунии мурғон бахши назарраси маснавиро ташкил дода, он масъалаҳои гуногуни марбут ба ҳислату сиришту рӯҳонияти инсонро ба доираи баҳс мекашад. Узрҳои мурғон дар достон низ дар иртибот бо табиату ҳислати ҳар як мурғ зикр ёфтаанд. Дар баёни ҳар як узр посухҳои нуктасанҷонаи Ҳудхуди ҳодӣ оварда шуда, бо ин васила мурғон беҳуда будани баҳонаҳои худро дарк мекунанд. Дар ҳар марҳила Аттор кўшиш менамояд, ки образҳои истифоданамудаи худро дар робита бо салоҳияту тавони руҳиву ҷисмонияш инъикос намояд ва новобаста аз баъзе монетаҳои ҷиддӣ зина ба зина солиқонро ба камолоти равонӣ бирасонад.

ФЕҲРАСТ

1. Аттор Фаридуддин. Мухторнома /Бо тасҳеҳ ва муқаддимаи Муҳаммадризо Шафеии Кадканӣ/. - Техрон, 1392. – 492 с.
2. Ёҳақӣ, Муҳаммад Ҷаъфар. Фарҳанги асотир ва ишороти достонӣ дар адабиёти форсӣ. - Техрон, 1369. - 471 с.
3. Зарринқўб Абдулхусайн. Ҷустуҷў дар тасаввуфи Эрон. -Душанбе: Ирфон, 1992. - 396 с.
4. Мирсаидов Б. Тимсоли бадеии паррандагон. – Хучанд: Андеша, 2010.- 146 с.
5. Насриддинов А. Фарҳанги мушкилоти адабиёт. –Хучанд, 1992. – 114 с.

6. Қаюмова Ф. Мақоми ҳудхуд дар дostonҳои Аттор, Навоӣ ва Ризой.- Маҷмуи мақолаҳо: Масъалаҳои мубрами таълиму тарбия. – Ҷ. Расулов: Зиё, 2014, саҳ. 134-140

7. Сарватиён, Бехруз. Шарҳи рози “Мантиқу-т-тайр”-и Аттор. – Техрон: Амири кабир, 1384. - 455 саҳ.

**Қодиров Д., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ҒАЗЗОЛИЙ ВА СУҲРАВАРДИЙ ЗАКОСИНИНГ МАЪНАВИЙ САРЧАШМАСИ

Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) дунё маданиятида буюк ва салмоқли мусулмон файласуфи ҳамда мутасаввифи сифатида машхур. Унинг фалсафий ва илмий мероси ғарбнинг таникли файласуфлари қарашларига асос бўлганлиги олимлар томонидан тан олинган [1, 6]. Ғаззолийнинг юксак ахлоқий позицияси шарқшунослар, филолог ва тадқиқотчиларни доимо ўзига жалб қилиб келади [2, 14]. Ҳозирги кунда мутафаккирнинг тасаввуфий меросига қизиқиш дунёдаги ўзгарувчан жараёнлар оқибатида миллий ва анъанавий кадрятларнинг емирилиши сабабли ёш авлод онгида тасаввурлар ҳамда қарашларнинг туғени юз бераётган бир пайтда янада кучайди. Шу туфайли баъзи жамиятлар ва ривожланаётган давлатлар жамиятни тез суръатлар билан тараққий топтиришнинг инновацион, модерник моделлари ва анъанавий, маданий-тарихий шакллари уйғунлаштирган ҳолда шакллантириш ҳамда ижтимоий механизмларни актуаллаштиришга эътиборларини қаратмоқда [3, 132-138]. Шу маънода, Ғаззолийнинг мероси инсон ва жамият ҳаётидаги маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал этувчи бой манба ҳамда ижодий ечим намунаси ҳисобланади.

Шаҳобиддин Яҳё ибн Ҳабаш Суҳравардий (1155-1191) мутасаввиф, файласуф ва ишроқ фалсафасининг асосчиси сифатида танилган алломадир. У ўзининг қарашлари учун Шайх ул-ишроқ ёки Шайх ул-мақтул деган ном олган. Суҳравардий Фаҳриддин Розийнинг устози бўлган. Мутафаккир 50 дан ошиқ форс ва араб тилларида асар ёзган. Энг машхур асари 1186 йилда ёзиб тугатилган “Китоб ҳикмат ал-ишроқ” асари ҳисобланади. Икки мутафаккир ҳар ҳозирги Эрон ҳудудида туғилган.

Бу икки олимни нима бирлаштириб туради деган ўринли савол туғилади, албатта. Улар яқин замондош бўлишлари билан бирга инсон руҳониятига доир қарашларида ҳам ўхшашликни кузатиш мумкин. Қисқача Ғаззолий қарашларини айтсак, мутафаккир ашъарийлик мактаби таълимотининг тарафдори бўлган. Ғаззолий ўз давридаги барча фалсафий қарашларни учта йирик гуруҳга бўлган: материалистлар – даҳрийун, натуралистлар ёки деистлар – табиийун ва теистлар – илаҳийун.

Унга кўра, Аллоҳ инсонни, унинг қудрати ва ҳаракатини яратган, бироқ унинг барча ҳатти-ҳаракати Аллоҳ қудратига боғлиқдир. Буни исботлаш учун

аллома икки далилни келтиради: биринчидан, Аллоҳнинг кудрати чексиз ва мукамал бўлгани учун инсон ҳаракатлари яратилмаслиги мумкин эмасдир. Иккинчидан, инсон ҳаракати унинг танаси ҳаракатига, тана ҳаракати эса унинг борлиғига боғлиқ бўлгани учун Аллоҳ кудрати билан амалга ошиши сабабидан баъзи бир ҳаракатларни бошқа ҳаракатлардан ажратишга сабаб йўқдир [4, 85]. Яъни Ғаззолий инсон ҳаракатини яратувчиси, шу билан бирга инсон ўз ҳаракатини касб этиш кудратига эга бўлиб, амаллари учун жавобгардир.

Суҳравардий инсон мавжудлиги сирини ўзининг “Овози парри Жаброил” асарида баён қилади. Бу иборани Ғаззолийнинг устози бўлмиш ва Нақшбандия тариқати силсиласидаги еттинчи пир Абу Али Фармадий ўзига берилган саволга жавоб тариқасида айтган. Ундан нега кўк рангли хирқага бурканганлар баъзи бир товушларни “Асвоту ажнихати Жаброил” (Жаброил қанотининг товушлари) дейишлари сабабини сўрайдилар. Шунда Фармадий: “Билгинки, сенинг ҳисларинг шоҳидлик берадиган кўпгина ашёлар Жаброил қанотларининг овозидир” дейди ва савол берувчига қараб қўшимча қилади: “Сен ҳам Жаброил қанотларининг товушисан”. Буни инкор этувчи (савол берган киши) аччиғи келиб дейди: “Бу сўзлар бемаъни алахсирашдан бошқа нарса эмас, ундан қандай маъно топиш мумкин?” [1, 139].

Суҳравардий шу рисолада ҳикояни келтириб, шундай ёзади: “Қачонки унинг жоҳиллиги ҳаддидан ошгач, тўғриси айтганда мен ҳам ҳайратда қолдим ва унинг олдини олишга жазм этиб, ташвиш этагини елкамга ташладим ва сабр енгини шимариб, тафаккур тиззасига ўтирдим. Мен унга танбех бериб, нодон деб қийи бошладим. Дедимки, мен сенга ҳақ нияти ва тўғри мулоҳаза ила Жаброил қанотларининг овозини англамоққа киришаман. Агар сен мард бўлсанг ва эранлар санъатини эгаллаган бўлсанг, тушуниб етгин!. Шундай қилиб мен бу рисола “Жаброил қанотларининг товуши” (Овози парри Жаброил) деб номладим” [5, 8-9].

Суҳравардий уйқусидан тунда уйғониб, хонақоҳда ўнта нуроний қарияни учратгани ва уларнинг ўнинчиси билан суҳбат қурганини баён қилади. Бу нурли, ҳайбатли ва салобатли қария унга барча тирик махлуқотнинг Жаброил қанотининг товушидан пайдо бўлишини айтади. Мутафаккир барча руҳларни қанот товуши ёки сўз деб атайди. Қария руҳоният оламида тегирмонни юритиши ва маълум муддатга қадар у ерда фарзандлари ишлаб бериши кераклигини таъкидлайди. Фарзандлари синовдан ўтгач бошқа маконга, яъни сокинлик маконига қайтишини ва қайтиб тегирмонга боришни истамасликларини айтади.

Рисола форс тилида ёзилган бўлиб, аллегорик тушунча ва метафорага бой. Асар махсус терминлар ишлатилганидан тасаввуф фалсафасини англайдиганлар тушунади. Муаллиф ҳам рисола юксак мақомларга эришган хослар учун битилган, дейди. Маълумки, Жаброил фаришта бўлиб, Аллоҳ ва пайғамбарлар ўртасидаги воситачидир, яъни унинг вазифаси пайғом –хабар келтириш ҳисобланади. Қуръонда фаришталарнинг икки, уч ва тўртта қаноти

борлиги айтилади. Бир ёки ягоналик фақат Аллоҳга хосдир. Шунинг учун икки учдан, уч тўртдан афзалдир. Жаброилнинг ҳам икки қаноти бўлиб, бири нур ва бири соя, яъни зулматдан яратилган дейилади. Фариштанинг ўнг қаноти оппоқ, чап қанотида эса зулматдан бўлган қора доғлари бор.

Юқорида таъкидлаганимиздек, рисолаани таржима қилишда унинг шарҳига эътибор қаратиш лозим. Кўпгина истилоҳларни очиб бериш, араб ва форсча терминларни қиёслаш, Қуръон ва ҳадисларга мурожаат қилиш талаб этилади. Масалан, овоз деганда барча мавжудотларнинг Жаброил ёхуд Ал-ақл ал-фаолдан пайдо бўлганлигига ишора қилинади. Қариядан қаердан келганлиги сўралганида, ўзини “накужаобод”дан келганини айтади. Форс тилида бу “ҳеч қаердан” деган маънони англатади [х6, 19]. Араб тилида эса “ло макон”дир. Яъни Аллоҳ ва унинг фаришталарига замон ва макон нисбат қилинмайди. Аниқроғи малойикаларга инсон тушунадиган моддий маконга эҳтиёж йўқдир. Рисоладаги ўнта қария ҳам рамзий маънода ўнта ақлни ифодалайди. Уларнинг кенжаси Фаол ақл, муқаддас руҳ ёки Жаброилдир. У бир пайтнинг ўзида равонбахш – руҳ ҳадя қилувчи ва воҳиб ус-сувар – руҳларга шакл берувчи (Datoқ foқтақғm) ваҳий ва билим фариштасидир.

Шайх Рўзбеҳон Бақлий Шерозий (1209 в.э.) “Кашф ул-асрор” асарида ҳам Жаброилнинг қанотлари руҳдир дейди. Суҳравардий сўз, яъни калима деганда уни Аллоҳнинг “Бўлгин!” амри билан пайдо бўлган барча махлуқотларга нисбатан қўллайди. Бунда калима ва исм атамаларини чалкаштирмаслик лозим [х7, 9]. Агар биринчиси яратилган махлуқотни англатса, иккинчиси Аллоҳнинг ўзини у ёки бу кўринишда намоён бўлишини англатади. Буюк сўзлар малойикалар ақлини, ўрта сўзлар фалакларда ҳаракатланувчи руҳларни ва кичик сўзлар инсоний руҳларни назарда тутди. Бу ерда сўз концепцияси ва мақомий тартиб кўзга ташланади. Мутафаккир сўзларнинг жойлашишига қараб уларнинг моҳиятини очиб беради. Суҳравардий буни ўзининг “Калимат ут-тасаввуф” (Тасаввуф сўзи) асарида кенгроқ ёритиб беради.

Умуман олганда Ғаззолий ва Суҳравардийнинг инсон моҳияти ва ҳаёт мазмуни тўғрисидаги қарашлари ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг меросини чуқур ўрганиш, тилшунос ва файласуф олимлар томонидан асарларини шарҳлаш, шу билан бирга кенг жамоатчиликни уларнинг ахлоқий назариялари билан таништириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирда бу икки мутафаккирнинг маънавий-ахлоқий мероси ўзига хос мазмун касб этиб, замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай, балки жамият ҳаётинини руҳан бойитиш ва ахлоқан баркамоллаштириш, маънан ўзгартириш учун зарурдир.

Адабиётлар

1. Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қоҳира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзиъ, 1988.

2. Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Ғаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин фиҳи. Дамашқ, 1961.
3. Артўк D. Ў. Thў Politics of Modўknization. Chicago – L.: Thў Fnivўksity of Chicago Pkўss, 1967. 237 p.
4. M. H. ВолХф. Средневековая арабская философия: ашаритский калам. Новосибирск, 2008.
5. Sғhқаwақdī, Thў Philosophical Allўgоқiўs and Mystical Tқўatisўs, ўd. and tқansl. йu W. M. Thackston, Jқ., Costa Mўsa, CF: Mazda Pғīlishўqs 1999. P. 8—19.
6. С. Ж. Сажжодий. Шарҳи рисолаи форсийи Сухравардий. Техрон: Пажухишгоҳ-и фарҳанг ва ҳунар-и исломий. 1376/1997.
7. Сухравардий, Овоз-и парр-и Жаброил, Техрон: Мавло 1372/1993.

Қосимова Г., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

БОБУР ИЖОДИДА НАСР ВА НАЗМ

“Бобурнома” кўп асрлардан буён турли соҳа вакилларининг диққатини тортиб келаётган қимматли маълумотлар манбаи. Шу Ҳ билан бирга, ҳали ҳанузгача китобхонларнинг қалбидан муносиб ўрин олиб келаётган бебаҳо адабий обидадир. Бунинг сабабларидан бири унда тарихий воқеа-ҳодисаларнинг кизиқарли эпик баёни билан лирик кечинмаларнинг мутаносиб уйғунликда келишидир. Айниқса, шоир энг кўп мурожаат қилган рубоий жанрида “Бобурнома”даги кўплаб муҳим воқеа-ҳодисаларнинг лирик ифодаси берилган. Қуйида биз ана шундай ҳолатлардан айримларига мурожаат қиламиз.

Бобур ижодини ғурбат мотивларисиз, ғариблик нолаларисиз тасаввур қилиш қийин. Кўпчилик тадқиқотчилар буни Афғонистон ва Ҳиндистондаги ҳаёти билан боғлайдилар. Фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Бобурнинг бу мавзудаги шеърлари ҳали ватандалигидаёқ бошланган. Бобур тушунчасида, киндик қони тўкилган, кейинчалик ўзи ҳукмдор бўлган Андижоннинг қўлдан кетиши (1498) ватанжудоликнинг, “жалои ватан бўлмоқ”нинг бошланиши бўлган. Масалан, “Бобурнома”дан ҳам тафсилотлари билан ўрин олган қуйидаги рубоийси у Тошкентга – тоғасининг ҳузурига келганида яратилган (1501 йил):

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши. х1.90]*

“Бобурнома”дан ўрин олган ушбу мисраларда ҳасбиҳоллик хусусияти ўта бўртиб туриши, лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсияти деярли бирлашиб кетиши Бобур услубига хос асосий белгилардан биридир. Биз баъзан унинг лирик қаҳрамони тимсолида шоирнинг ўзини кўриб тургандай бўламиз.

Шеърларидаги баъзи лавҳалар “Бобурнома”даги айрим воқеа-ҳодисаларнинг лирик тасвиридек туюлади. Масалан, Бобур Ҳиндистондалиқ пайтида улкан жанглардан бири олдидан майни тарк қилиб, бошқаларни ҳам бунга даъват этади. Кўп йиллар давомида мунтазам май ичиб келган Бобур учун бу анча оғир ва машаққатли бўлганлигини унинг ўзи ҳам “Бобурнома”да эътироф этган.

Рубойларидан бирида шу мазмунни кўрамиз:

*Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

“Бобурнома”да муаллифнинг май ичишдан тавба қилиши, бу унга осон кечмаганлиги “май хуморидан баъзан йиғлаш даражасига етганлиги” очик-ойдин ҳикоя қилинади. “Филвоқе бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоқким, чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сарҳадига етар эдим.” х1.330]

Бобур лирикасидаги аксарият шеърлар ҳаёт воқелиги билан ҳамоҳанг равишда, бирор воқеа-ҳодиса таъсири остида яратилган. Гап шундаки, шоир ўзининг “Бобурнома” асарида баъзи шеърларининг яратилиш тарихи, ёзилган жойини ҳам кўрсатиб кетади.

“Бобурнома” муаллифи Ҳиндистон фатҳ этилганидан сўнг бир неча муддат ўтгач, кўпчилик нотаниш юртнинг иссиғига тоқат қилолмай, ортга қайтишга қарор қилганлигини ёзади. Улар орасида шоир ва саркарда билан бирга униб-ўсган болалиқ дўсти Хожа Калон ҳам бор эди. Бобур уларга ноилож Ғазнига қайтишларига рухсат беради. Аммо Хожа Калон шунчаки қайтиб кетмасдан, ўзи вақтинча яшаган уй деворига “Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қора бўлсин” деган маънода шеър ёзиб кетади. Унинг бу қилиғи, табиийки, Бобурга қаттиқ ботади ва шеър билан жавоб ёзади. Мана ўша рубой:

*Юз шуқр де, Бобурки, кариму гаффор
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиғлигига гар сенга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор. х1.272]*

“Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук (озор чекар эдик), деб ёзади муаллиф яна бир ўринда. Бир иссиғидин, яна бир гард(чанг)идин, яна бир тунд ел(шамоли)дин. Ҳаммом ҳар учаласининг дофии (чораси) эрмиш. Гард ва ел ҳаммомда не қилар. Иссиқ ҳаволарда (ҳаммом ичи) андоқ совуқ бўладурким, ёвуктурким, киши совуққа тўнгай”. х1.275] Худди шу мазмундаги ҳаммомга бағишланган рубойисини шоир ўз девонига киритган. х2. 76]

Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, “Бобурнома” шу типдаги бошқа мемуар асарлардан муаллиф

образининг ёрқинлиги, воқеа-ҳодисаларнинг эпик баёнига лирик кечинмалар ҳам уйғунлашиб кетганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Тарихда шоҳларнинг улуғ шайхлар жиловдори бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Шайх Сайфиддин Бохарзийни юрт ҳукмдори отга миндириб, жиловдорлик қилганлиги ҳақида Алишер Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” асарида ҳикоя қилинади. Мир Алишернинг ўзи ҳам “Хамса” асарини ёзиб тугатганида шоҳ Ҳусайн Бойқаро уни оқ отга миндиради ва халойиқ кўз ўнгида Ҳирот кўчаларини айлантириб чиқади. Аммо Шарқ мамлакатлари тарихида аёл кишига эҳтиром кўрсатиб, унинг жиловдори бўлган шоҳлар учрамайди. Бу борада биринчиси ҳам, охиргиси ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлган дейиш мумкин. Шоирнинг қизи Гулбаданбегимнинг ёзишича, шоҳнинг рафиқаси Моҳим бегим Кобулдан Ҳиндистонга чақириб олинганда, Бобур уни бир неча чақирим пиёда юриб келиб, кутиб олади ва малика минган от жиловини тутган кўйи яна пойтахтга пиёда йўл олади. Бу ҳам улуғ шоҳ ва забардаст шоирнинг Ватан ғурбатини бирга тортаётган аҳли аёлига, демакки, садоқатли ватандошига бўлган чуқур эҳтироми рамзи эди, дейиш мумкин.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, мемуар характерда бўлган “Бобурнома”дан ўрин олган хотин-қизларга оид муҳим маълумотлар катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бобурийлар сулоласидан етишиб чиққан Гулбаданбегим, Зебуннисо сингари аёл ижодкорларнинг ҳам Шарқ ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тарихида мустаҳкам ўрин эгаллашларига муносиб замин яратган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. “Бобурнома”. Т.: 1990.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Девон. Т.: 1994.
3. Ҳаққул И. Рубоий. Т.: “Фан” 1976.
4. Жалилов С. Бобур ва Андижон. Т.: 1993.
5. Муҳитдинов М. Талқинларда оламча маъно. Т.: 1984.
6. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. Т.: 1994.
7. Шарқ мумтоз поэтикаси. (Ҳ. Болтабоев талқинида). Т.: 2008.
8. Қаюмов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Т.: “Шарқ юлдузи”. 1982.
9. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: Ўқитиш муаммолари ва ечимлар. Т.: 2009.
10. Ҳумоюннома. Т.: 1959.

**Қосимов У., филология фанлар доктори,
Хидирова М., докторант
(Ўзбекистон)**

БАДИИЙ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИ

Бадиий тил барча замонларда ҳам адабиётнинг, демакки, танқид ва адабиётшуносликнинг ҳам асосий муаммоларидан бири бўлиб келган.

Алишер Навоийни маънавий устоз деб билган Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Миртемир, Эркин Воҳидов ва Тоғай Мурод каби машҳур адибларимиз тилга муносабатда, сўзни муқаддас ва қудратли куч деб билишда ҳам буюк шоирнинг адабий-эстетик анъаналарини ижодий давом эттирганлар. “Асли ёзғучилиқ айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда. Сўз қолип, фикр хумдондаги ғишт янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин”,-дея таъкидлаган Қодирий сўз қўллашда узоқ андиша ва масъулият лозимлигини ижоднинг қатъий мезони деб биларди. Бундай талабчанлик кўплаб истеъдодли адиблар, жумладан, Тоғай Мурод ижодига, унинг шоирона ва халқона тили ва услубига ҳам хосдир. Адибнинг бадиий тил хусусидаги бахшиёна мушоҳадалари ҳам устозлар фикрлари билан муштарак ва ҳамоҳанглиги эътиборга лойиқ: ”Бадиий асар-- бир минора. Асар пойдевори--тил.”¹ Ёш ёзувчининг элимизга манзур бўлган қисса ва романлари завқ билан ўқилишига сабаб-омиллардан бири ҳам--уларнинг халқ оғзаки бадиий ижодидан озиқланган миллий ва оҳорли тилидир. Атоқли адиб ва мунаққидлар бежиз Тоғай Мурод тилини шоирона,халқона деб таърифламаганлар.

Абдулла Қаҳҳор учун ҳам тил ҳамиша адабиёт ривожининг асосий шarti, омили эди. “Адабиёт-бу тил! Мен шу вақтга қадар бирор ёзувчи тилсиз, имо-ишоралар билан бадиий асар яратганини эшитганим йўқ”. Мумтоз шоир ва ёзувчиларимизнинг бадиий асар тили учун кураши *ҳеч* қачон бирёқлама, яъни зоҳирий шакл учунгина бўлмай, балки у чуқур мазмун ва юксак ғоявийлик учун ҳам курашиш эди. Чунки тил шунчаки ташқи бир безак ёки либос бўлиб эмас, балки асар мазмунининг, ёзувчи ғоявий-эстетик мақсадининг бади ий ифодаси бўлиб яшайди. Чунончи, Абдулла Қаҳҳор санъат асарининг асосий шarti бўлган шакл ва мазмуннинг яхлитлигини шундай таъкидлайди:”Адабий асарнинг жони- -унинг мазмуни, лекин бу жоннинг жон бўлиши учун жасад ҳам керак. Жонни жасадсиз тасаввур қилиш мумкин эмас”.*

Туркий тилимиз ва адабиётимизнинг буюк яловбардори Навоий, айти пайтда, форс ва араб тилларини ҳам мукамал билганлиги унинг фавқулудда нодир истеъдодининг ёрқин бир қирраси эди. Улуғ шоирнинг “Девони Фоний” ва пири комил Жомий асарларидан таъсирланиб ва илҳомланиб яратган “Тухфат ул -- афкор” қасидаси, шунингдек, кўплаб рубоийларидаги сўз санъаткорлиги ҳам фикримизга далил бўла олади. Шеърларининг деярли барчасига хос бўлган ёрқин фазилат бор: бу -- уларнинг ҳам маънан, ҳам шаклан поэтик мукамаллигидир. Бундай ғоявий-бадиий юксакликка эришишда, аввало, Навоийнинг ўзбек тилимизнинг сержило, маънодорлиги каби ўзига хос жиҳатлари ва бой имкон иятларидан моҳирона фойдалангани устувор аҳамият касб этган. Шу билан бирга шеър ва дostonларида кенг қўлланган форс ва арабча сўз-ибораларнинг ҳам муайян ўрни борлиги айти ҳақиқатдир. “Сўз ва иборадан мақсад маънодир”² деб билган Навоий “Муҳока

¹Тоғай Мурод.Ёш қаламкашларга тилакларим.Бу дунёда ўлиб бўлмайди.Т.:2001.199-б.*Абдулла Қаҳҳор.Асарлар.6-т.1971.

²Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Т.: 2014, 69-б.

мат ул-луғатайн” асарида туркий тилнинг ўзига хослиги ва чексиз имкониятларини ёритиш билан бирга араб ва форс тилларининг ҳам фасоҳат ва тафовутларини, уларнинг бадиият зийнати юксак қадрланишини ҳам эътироф этади.

Шеър матнидаги барча сўзлар маънодор ва оҳанг дорлиги билан унинг таъсирчанлигини оширади. Гарчи қофиялари **арабча** ва **форсча** сўзлар бўлса-да, (**хуб**-яхши, **матлуб**-талаб қилинган, **марғуб**-ёқимли, **маҳбуб**-севимли, дўст маъноларида қўлланган) улар ўзбекча сўз-иборалардек асосий фикр ва туйғуларни кучайтириб, шеърнинг ғоявий мазмунини ёрқин ифодалашга хизмат қилади. Сўзни малҳам деб билган Навоий мазкур рубоий матнидаги ҳар бир сўз, ҳатто товуш-оҳангига эътибор берган. Шеърдаги туркий “**ўлғил**” сўзини “**бўлғил**” шаклига хаёлан алмаштириб кўрайлик. Аввало, икки **б** ундош товушининг ёнма-ён қўлланиши талаффузни оғир лаштиради ва мисраларнинг мутаносиб ритми, оҳангдорлигига ҳам халал беради. Бинобарин, “зийнатланган шеър” матнидаги наинки сўз, ҳатто харфни ҳам алмаштириш мушкул. Бундай ёрқин мисолларни улуғ шоир “санъатхонаси”дан истаганча келтириш мумкин.

Навоийнинг бундай маҳорат сабоқлари ва қутлуғ анъаналари кейинги асрларда ҳам кўплаб етук шоиру ёзувчиларимиз томонидан муваффақиятли давом эттирилди. Жумладан, Гулханий, Увайсий ва Нодира, Муқимий ва Фурқат шеърлятида форс-арабча сўзларнинг кенг қўлланиши бадиий тилнинг серқирралиги ва полифониясини кўрсатади. Гулха нийнинг “Зарбулмасал”идаги Туянинг Бўталокқа айтган “Менда бўлса эди ихтиёр, Бўлмас эдим **“зери бор”** (яъни юкнинг остида) форсча сўзлар орқали меҳнаткаш халқнинг эркисиз, ҳақ-ҳуқуқсиз яшаганлигини образли тарзда чуқур акс эттирганлигини англаш қийин эмас.

Навоий ва Бобурлар қатъий амал қилган бу юксак эстетик тамойил ва ижодий анъаналар замонавий адабиётимизга ҳам хос бир фазилатга айланган. Масалан. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида кўплаб **арабча**, **форсча** сўзларга дуч келамиз. Булардан ташқари, ушбу романларда форс адабиётининг буюк намояндаси шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Физулийларнинг нодир асарларидан иқтибослар ҳам келтирилган. Чунончи, “Меҳробдан чаён” роман ида шайх Саъдийнинг қуйидаги ҳикматомиз шеъри Анвар, Раъно ва Султоналиларнинг чинакам дўстлик ҳақидаги умумий қарашларини ва айни пайтда, уларга хос муштарак садоқат туйғуларини ҳам теран ифодалаган:

“Бишўй, эй хирадманд, аз он дўст даст,

Ки бо душманонат бувад ҳам нишаст”

(Яъни: Эй ҳушёр киши, душманларнинг билан бирга ўлтуришкан-ҳамсуҳбат бўлган дўст ингдан қўл ювгил. “Меҳробдан чаён”.Т. 1994. 537-б.)

Форс-тожик ва араб тилларини яхши билиш ва бу тиллардаги сўзларнинг маънолари ни тушуна олиш нафақат мумтоз адабиётимиз, балки ҳозирги замон адибларининг ҳам асарларидаги маъно-мазмунни ва муаллифнинг ғоявий-бади-

ий мақсадини тўғри ва янада чуқур англашга ҳам ёрдам беради. Зеро, улуг шоир ва мутафаккирлар таъкидлаганидек,

Калиди ганжи маъни забондир,

Агар бир нуқта кўп бўлса зиёндир.(Сўфи Оллоёр)

Яъни санъат асарининг мазмун-моҳияти ва тағмаъносини англаш, гўзалликларидан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун, энг аввало, кенг лисоний билим ҳамда хорижий тилларни *Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Тошкент. Ўзбекистон. 2018. 10-б.)пухта билиш ҳам талаб этилади. Бинобарин, Қодирий романларидаги арабча-форсча сўз-иборалар ва диний-маърифий истилоҳлар ўз ўрнида маҳорат билан қўлланган. “Ўткан кунлар”нинг охириги фаслида Кумушнинг фожеона ўлими билан боғлиқ воқеа-тафсилот лар тасвирланар экан, ёзувчи арабча **мақтула**, **мадфун** каби сўзларини қўллайди: ”Эртаси кун дафн маросими бўлди. Жанозага Тошканднинг ҳар бир маҳалласидан деярли кишилар иштирок қилди. Фақат мақтуланинг энг яқинларигина бу тантанага етиб келолмади лар”(373-б) Бу сўзлар бежиз қўлланмаган. Кумуш ўз ажали билан эмас, балки кундоши Зайнаб томонидан захарлаб ўлдирилди, **қатл этилди**. Шу боис ҳам бу ўринда Кумушга нисбатан марҳума сўзини эмас, балки мақтула сўзининг танланиши ҳар жиҳатдан мақбул.

Форс-тожикча сўз ва иборалар Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам кўп ва санъаткорона қўлланган. Ёзувчининг “Тўйда аза” ҳикоясига “**Зўри беҳуда миён мешиканад**” (“Беҳуда чираниш белни синдирар”) деган мақол эпиграф қилиб олинган.(1.374) Ҳикоя қаҳрамони кекса домланинг ёш бир танноз, олифта жувонга уйланиб, ўзини зўр бериб ёш йигитдай кўрсатишга беҳуда уринишлари, чамандагул дўппи, тор шим кийиб юриши-ю, номуносиб қилиқлари алал-оқибат унинг ҳам маънан, ҳам жисман ўлимига сабаб бўлганлигини чуқурроқ тушунишимизда бу мақол ўзига хос бир очқич вазифасини ўтайди. Бундай мисоллар бошқа адиблар ижодида ҳам кўплаб учрайдики, айримларига диққат қилайлик.

Масалан, қадимий форсий бир ибора Асқад Мухтор учун етук фалсафий шеър яратишига асос бўлгани ҳам ибратли ҳолдир. Манбаларда келтирилишича, бир ҳукмдор (ёхуд пайғамбар) кўлидаги узукка бир сатр шеър ёздиради:“**Ин ҳам мегузарад**” (“Бу ҳам ўтади”) Ана шу оддий ҳикматомуз ибора Асқад Мухтор талқинида бу дунёнинг ўткинчи эканлиги, инсон умрининг моҳияти ва қадри ҳақида теран мушоҳада юритишга ундовчи поэтик деталга айланади: “**Ин ҳам мегузарад**”.

Бали, тугиб олинг дилга.

Чиндан, ҳамма нарса сўзсиз ўтади.

Лекин ўтган ҳар бир нарса ўзи билан бирга

Умрнинг бир қисмин олиб кетади.

Ёки машҳур шоирларимиз -- Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг шеър ва дostonларида ўзбек тилимизнинг беқиёс луғат бойликлари ва ранг-баранг бадий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилганлигига гувоҳ бўламиз.

Айни вақтда, ҳассос шоирлар имизнинг дурдона шеърларида форс-тожикча ва арабча сўз-иборалар ҳамда кўшимчалар ҳам моҳирона қўллангани ҳам уларнинг тил маҳоратидан далолат беради. Эркин Воҳидов нинг қатор шеър ва ғазалларида санъаткорона қўлланган форсий-арабий сўз ва кўшимчалар мазкур асарлар мазмуни ва оҳангдорлигини кучайтириши билан бирга уларнинг ифодалилиги, эмоционал-таъсирчанлиги ва мусиқийлигини ҳам оширган. Истиклолимизга бағишланган “Ватан умиди” (1991) шеъридаги байтлар матнига назар ташлайлик:

Агарчи исмим Эркин, эрки йўқ, **банди** кишан бўлдим.
Дилим доғлиқ, кўзим боғлиқ, тилим йўқ, **бесухан** бўлдим,
Муаззам Сайхуну Жайхун лабида ташналаб қолдим,
Кийинтирдим жаҳонни, жисми урён **бекафан** бўлдим...

Форс-тожик тилидаги “**бе**” кўшимчаси билан ясалган сўзларнинг (**бесухан, бекафан, беватан...**) ёки “**банди кишан**”, “**соҳиби чаман**” каби **изофали иборалар**нинг танлаб ишлатилганлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Шунингдек, Абдулла Ориповнинг 80-йил лар ёзилган, аммо ҳукмрон мафкурага хуш келмаган “**Савоб**” номли шеъридаги арабча-форсча сўзларнинг маънодор, таъсирчанлиги худди узукка кўз қўйгандек ярашиқлидир:

“Ўзга эрур **бидъат** ва **карам**,
Ҳиммату саховат тирикларга хос...”

Ёхуд шоирнинг фалсафий бир тўртлигидаги “**бисёр** бўлса бол ҳам **бекадр**” сатрида форсча сўз ва кўшимчанинг моҳирона қўллангани ҳам эътиборни жалб этади. Матндаги “**бе**” кўшимчаси ўрнига ўзбек тилимиздаги “**сиз**” кўшимчаси қўйиб кўрилса, мисралардаги ритм ва оҳанг ҳам ўзгариб, улардаги табиийлик ва жарангдорлик йўқолади, таъсирчанлиги ҳам пасаяди. Яна бир қиёс: **бисёр** сўзини **кўп, мўл, сероб** каби маънодош-синоним сўзлар билан алмаштириб кўрилса ҳам, мазкур сатрлардаги поэтик мукамалликка салбий таъсир кўрсатади. Форс ва арабча сўзларнинг, хусусан, биргина “**бе**” кўшимчаси билан ясалган “**бетўхтов**” сўзининг қўлланиши билан боғлиқ характерли мисолларни Абдулла Қаҳҳор асарлари тилида кузатиш ҳам шу жиҳатдан мароқли ижодий бир сабоқ бўла олади.

Бадиий адабиёт шу қадар ранг-баранг, тасвир кўлами кенг ва теран оламки, баъзан айни бир сўз такрори ҳам турли даражадаги маъно, оҳанг ва таъсирчанлик “кашф” этиши мумкин. Бундай ноёб бадиий фусункорликнинг ҳайратангиз намуналарини Навоий ёхуд Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов ёки Тоғай Мурод сингари машҳур сўз заргарларининг асарларидан кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Абдулла Қаҳҳор “бетўхтов” сўзини машҳур “Ўғри” номли ҳикоясида бир неча марта қўллайди: “Элликбоши бетўхтов аминга хабар қилмоқчи бўлиб чиқиб кетди”, “Амин ҳам “Мен бетўхтов приставга хабар бераман”, дейди”, “Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб тушунтиришга ваъда қилди..”, “Пристав **Қобил**

бобонинг бахт ига, бетўхтов ҳокимга хабар бераман демасдан, аминга бор деб қўя қолди.”

Ўқувчида савол туғилиши мумкин: халқ тилининг тан олинган моҳир заргари бўлган Қахҳор нега бир сўзни қайта-қайта ишлатди экан? Ваҳоланки, тилимизда бу сўзнинг маънодош-синонимлари бўлган “тўхтовсиз”, “дарров», “дарҳол” ва “тезда” каби муқобил сўзларимиз ҳам бор ва уларнинг маъноларини ҳам адибимиз жуда яхши билган, албатта. Бизнинг фикримизча, Абдулла Қахҳор бу сўзларнинг кўз илғамас фарқларигача, энг нозик маъно бўёқларигача эътибор беради ва ҳаракат-тезлик маъноси кучлироқ эканлиги ҳамда нисбатан жарангли, салмоқли бўлгани учун, **”бетўхтов”** сўзини танлайди. Энг муҳими, бу сўз «оқ ит, қора ит - бари бир ит» бўлмиш амин ва элликбошиларнинг таъмагирлигу қаллобликда бир-биридан қолишмаслиги, қолаверса, уларнинг қуруқ ваъдабозликлари ва баландпарвоз оҳангда сўзлашга ўрганиб қолганлигини ҳам чуқурроқ ифодалай олган.

Мазкур сўз ёзувчининг «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида ҳам учрайди: *«Амин гапни кўпайтирмабди, одамларнинг гапига ҳам қулоқ солмабди, дадамга «Қишлоқ дан бетўхтов кўчиб кетинг!»- дебди»*. Бу ўринда ҳам «бетўхтов» сўзи амин қиёфасини аниқ гавдалантиришда муҳим ғоявий-эстетик салмоққа эга. Ниҳоят, бу сўз замирида ёзувчининг пристав, амин ва элликбошиларнинг меҳнаткаш халқнинг, оддий бечораҳол одамларнинг ғам-ташвишидан жуда йироқ одамлар эканлиги ва уларнинг ўта мунофиқ ва муғомбирлигини масхаралаш оҳанги ҳам сезилиб туради. Шундай экан, «бетўхтов» сўзи нинг такрор қўлланиши ҳам асар тилининг қашшоқлигидан эмас, балки адибнинг сўз танлаш маҳоратидан ва тилнинг ҳақиқий заршуноси эканлигидан бир нишонадир.

Булардан шундай хулоса келиб чиқадики, арабча-форсча сўз-иборалар қўлланиши ҳам ижодий бир анъана сифатида кенг тарқалган. Араб-форсча сўз-иборалар халқларнинг тарихий ўтмишидан гувоҳлик бериши билан бирга уларнинг яшаш тарзи, тили ва дини, маданияти ва руҳиятидаги ўзаро яқинлик ва муштаракликни ҳам акс эттириб туради. Бу эса тилларнинг бамисоли бир гулдаста янглиғ ўзаро бир-бирини бойитишидан ҳамда адабий асарлар мазмуни, оҳангдорлигини кучайтиришидан ҳам ёрқин далолатдир. Булар дунё халқларининг заволи билмас умуминсоний маънавий қадриятлари ва байналмилал фазилатлари сифатида бугун ҳам муҳим ижтимоий-эстетик аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қувватова Д., профессор
Назарова Д., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЖАМОЛ КАМОЛНИНГ МУҲАББАТ ЛИРИКАСИ

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ижодида азалий ва абадий муҳаббат мавзусидаги шеърлар ўзига хос бадиий тизимни ташкил этади.

Оҳорли ташбеҳлар ва бадий топилмаларга бой бу асарлар шоир бадий маҳоратини белгилаб беради. Қолаверса, бу битикларда Шарқ адабиётининг кўп асрлик анъаналари, поэтик тафаккур тадрижи ва образлардаги янгиланишлар кўзга ташланади. Унинг саккизликлари, “Бу юрт”, “Муҳаббат не ўзи деб сўрмагил”, “Яна кўнглимда ул ой”, “Ғиждувоним”, “Табассум кўшиғи”, “Муҳаббатни”, “Севганим зебо санам” сингари шеърлари нафақат кўнгили гўзалига, балки беқиёс ватанга қайноқ муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган. Шоир сатрлари мисолида мулоҳазаларимизни асослашга ҳаракат қиламиз:

Сенинг ишқинг менга бир коса сувдир,
Лабларим қовжираб, боқаман ташна.
Ичмасам – шарбатдир, ичсам – оғудир,
Ўзинг нажот кўрсат, ўзинг йўл бошла.
Ишқинг – тоғлар аро гўзал охудир.
Отсам – дилпораман, отмасам дилхун.
Жоним, ишқинг менга ажаб қайғудир,
Тортсам – савдойман, тортмасам – мажнун... (Жамол Камол,

2018: 240)

Бунда ишқ бир коса сувга қиёс этилган. Лирик қаҳрамон ошиқ шу бир коса сувга ташна. Шу билан бирга агар ошиқ бу сувдан ичса оғу, яъни захар ичгандай бўлади. Ишқ азобларини шоир шу тарзда образли ифода этади. Ошиқ агар бу сувни ичмаса, унда азобланмайди, изтироб чекмайди. Шу боис лирик қаҳрамон ошиқ ишқдан нажот йўлини кўрсатишини сўрайди. Шу ўринда ишқ тоғлардаги гўзал оҳуга ўхшатади. Бу ҳам шоирнинг ўзига хос бадий топилмаси. Агар лирик қаҳрамон ошиқ уни отса, қалби вайрон бўлади, отмаса бағри қон бўлади. Ишқни шу асосда шоир қайғуга тенглаштиради. Зеро, бу қайғуни бошидан кечирса, савдойи. Агар уни ҳис этмаса, Мажнун, яъни ишқ йўлидаги телбага айланади.

Бошимда бўйла бир савдо,
Қошимда бўйла бир ғавғо,
Бу ғамларни яна ичга
Ютай десам, ютолмасман.
Анисим – тош каби болиш,
Ичимда ўтли бир нолиш,
У болишдан бу нолишдан
Узун тунлар юролмасман (Жамол Камол, 2018: 193) .

Бу сатрларда лирик қаҳрамон ошиқнинг ҳолати ифода этилган. Халқ шеърлятида ишқнинг савдога қиёслаш кўп асрлик анъанадир. Бинобарин:

Қаро сочим ўсиб қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди.

Бинобарин, қаро сочининг ўсиб қошга тушиши улғайи, муҳаббат ёшига етишни билдиради. “Не савдо” бу ишқдир. Шу жиҳатдан Ж.Камол сатрлари анъанавийлик касб этган. Савдо бунда кўргулик. Шоир наздида, муҳаббатни

кўргулик дер экан, уни дард эканлигига ишора қилади. Шу билан бирга унда поэтик янгилашиш ҳам кузатилади. Яъни бошига ишқ тушган ошиқнинг “аниси” дўсти болишдир. У дардларини фақат шу болишга айтиши мумкин. Халқимизда ёстиққа бурканиб ётган кишини бошига ишқи тушган дейилади. Ўз маъшуқасини ўйлагани учун ошиқ кечаси мижджа қоқмайди, ухламайди. Юқоридаги сатрларда ошиқнинг мана шундай дардли, изтиробли ҳолати акс этган.

Муҳаббат – осмоний шулбадир,
Ҳирсу ҳаво эрмас,
Биродарлар, шу гапни билмасак,
Қандай замондир бу? (Жамол Камол, 2018: 177)

Бунда муҳаббат осмоний шуъла, яъни самовий нурга ўхшатилади. Ҳақиқий ошиқ шунчаки ҳавас учун яхши кўрмайди, балки чин маънода юракдан севади. Юқоридаги сатрларда шуни англашга даъват бор.

Яна кўнглимда ул ой
Ҳусн бирла ҳайронлиғ,
Яна жонимда жонон
Шавқидин паришонлиғ... (Жамол Камол, 2018: 212)

“Кўнгилдаги ул ой” метафораси маъшуқа, севикли ёрни ифодалаб келган. Зеро, ой гўзаллиги оламни ҳайратга солгандек, маъшуқа ҳам чиройи билан ошиқ қалбни мафтун этади.

Ғиждувоний ҳусн – Зайнаб,
Ғиждувоний ишқ – Омон,
Кўкда ул Зайнаб, Омон деб
Порлаган Зухро гўзал (Жамол Камол, 2018: 213).

Аслида муҳаббат туйғуси чегара билмайди, ҳудуд танламайди. Бироқ Жамол Камол янгича фикрлайди: “ғиждувоний ҳусн”, “ғиждувоний ишқ” бирикмалари орқали ғиждувонлик ишқ соҳиблари Зайнаб ва Омон назарда тутилади. Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достони қаҳрамонлари талмеҳ қилиш орқали шоир ҳам анъанавий фикрлаш йўлидан борган, ҳам новаторликка эришган.

Сенинг куйингда Лайли
Ўртаниб куйди, хазон бўлди.
Сенинг амринг-ла Мажнун
Умри ўтди дашту саҳрода (Жамол Камол, 2018: 214).

Юқоридаги сатрлар ҳам талмеҳ билан зийнатланган. Зеро, Лайли ва Мажнунни ишқи тимсоллари сифатида талқин этиш мумтоз шеърятда бошланган. Демак, Ж.Камол ҳам бу анъанани муваффақиятли давом эттирган. Бинобарин, ишқ йўлида Лайлининг “хазон бўлиши”, Мажнуннинг уни излаб саҳрода қолиб кетиши тасвири орқали шоир ишқдаги фидоийликни улуғлайди.

Муҳаббатни юрак осмонида
Ёнгувчи оташ бил,

Ўшал ёнгувчи оташга
Менинг жонимни уйқаш бил.
Муҳаббатни ҳақиқат ишқи деб бил
Ҳаммадан аввал,
Бу ишққа мубталоларни
Жафокаш бил, балокаш бил.
Ёнар тун-кечалар кўнглим аро
Бир орзу-ю армон,
Уни Лайлига ўхшатгил,
Мени Мажнунга ўхшаш бил (Жамол Камол, 2018:
167).

Ҳақиқатан, “юррак осмони” – шоирнинг бадиий топилмаси. Ошиқ эса “ёнгувчи оташ”дир. Ошиқ жонининг унга уйқаш бўлиши – юракнинг уриши, қалбнинг ёнишидир. Бу жиҳатдан Рауф Парфида “кўз осмони” қўлланилган:

Кўзларимнинг осмонларида,
Фақат ўзинг, фақат сен ўзинг (Рауф Парфи, 2013:141).

Бундаги манзара ҳам гўзал. Сабаби, кўзнинг қорачиқдан холи жойи жуда тиниқ бўлади. Шу жиҳатдан у осмонни эслатади. Бу осмонда фақат севгили гўзалнинг кўриниши фидоий ошиқни ифода этади. Жамол Камол фикрлари шу нуқтада Рауф Парфи қарашлари билан кесишади. Сўнгги сатрларда шоир яна анъанавий талмехдан фойдаланади. Яъни маъшукани Лайлига, ошиқни эса Мажнунга қиёс этади.

Тонг аро эл бирла ўйнашганда
Сунбул сочинг –

Жилваси сойлари сув,
Дарёда тўлқиндан гўзал (Жамол Камол, 2018: 158).

Тўғри, бу тасвирда сочининг сунбулга қиёсланишида ҳам анъанавийлик бор. Айни чоқда ёр гўзаллиги тимсоли бўлган сочларнинг товланиши сой сувларидан, дарё тўлқинидан ҳам чиройли дея таърифланадики, бунда шоир анъанани бойитган.

Умуман олганда, Жамол Камолнинг муҳаббат, ишқ ҳақидаги битиклари анъанавийлиги, янги тимсол ва бадиий топилмаларга бойлиги, поэтик тафаккурдаги янгиланишларни акс эттириши билан замонавий ўзбек шеърятининг мазмунли саҳифасини ташкил эта олади.

Адабиётлар

1. Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –492 б.
2. Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. II жилд. Ёнаётган дала. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –442 б.
3. Рауф Парфи. Сакина. Сайланма. –Тошкент: Муҳаррир, 2013. –385 б.

Қурбоналиева М., омўзгор
(Ўзбекистон)

ТАЗКИРАТ-УШ-ШУАРО"-И МУТРИБЇ САМАРҚАНДЇ ВА "ШОМИ ҒАРИБОН"-И НАРОЙИН ШАФИҚ

Қиёсу татбиқ ва муқобалаву тадқиқ, робитаву шабоҳати "Тазкират-уш-шуаро" бо тазкираҳои дигар, агар аз як сў муҳимтарин равишҳои таҳқиқи тазкиранигории адабиёти форсӣ-тоҷикиро дар худ инъикос кунад, аз сўи дигар баррасии таъсири китоби Мутрибиро ба дигар тазкираҳо мақоми онро дар таърихи тазкиранигорӣ таъйин хоҳад кард. Аз ин рӯ, барои таъйини ин чараён ва муайян кардани мақоми "Тазкират-уш-шуаро"-и Мутрибии Самарқандӣ дар раванди тазкиранависӣ ва маълумоти онро бо "Шоми ғарибон"-и Лачхамӣ Наройин Шафиқ мавриди таҳлилу баррасӣ қарор додем. Зимни он таъйин гашт, ки "Тазкират-уш-шуаро" дар радифи омўзиши ҳаёти илмиву адабӣ ва фарҳангии Мовароуннаҳри асрҳои ҚVI-ҚVII дар омўзиши ҳаёти илмиву адабӣ ва маданияи Хуросону Ҳинд низ нақши назаррас дорад ва аксар санадҳои овардаи муаллифи "Шоми ғарибон", ҳарчанд мустақиман ба ин ишора накардаанд, сарчашма дар маълумоти "Тазкират-уш-шуаро"-и Мутрибӣ аст.

Калидвожаҳо: Мутриби Самарқандӣ, "Тазкират-уш-шуаро", "Шоми ғарибон", Лачхамӣ Наройин Шафиқ, таъсир, муқоиса, навоварӣ,

Омўзиши тазкираҳо аз ҷумлаи сарчашмаҳои ба шумор мераванд, ки на танҳо барои шиноختи шарҳи ҳол ва намунаи осори шоирони алоҳида, ё муаррифии шоирони камшинохта хидмат мекунад, балки дар худ масъалаи шиноختи равишҳои муҳими адабӣ ва илмии асрҳо ё ҳавзаҳои гуногуни адабиро низ таҷассум кардаанд, дар адабиётшиносӣ ҷойгоҳи махсусро касб кардаанд. Рушду нумўъ ва даврони тақомули тазкиранигорӣ дар Мовароуннаҳр асрҳои ҚVI-ҚVII ба ҳисоб мераванд. "Тазкират-уш-шуаро" аз муҳимтарин осори ин давр ба шумор меояд. Тазкираи мазкурро муаллиф, ҷунонки аз ишораи худӣ ў бармеояд, дар соли 1605-1606 ба риштаи таҳрир кашида, дар он дар бораи 343 тан аз суҳанварони муосири хеш маълумот медиҳад(7,45). Қиёсу татбиқ ва муқобалаву тадқиқи иртиботу шабоҳати "Тазкират-уш-шуаро" бо тазкираҳои дигар, агар аз як сў муҳимтарин равишҳои таҳқиқи тазкиранигории адабиёти форсӣ-тоҷикиро дар худ инъикос кунад, аз сўи дигар баррасии таъсири китоби Мутрибиро ба дигар тазкираҳо мақоми онро дар таърихи тазкиранигорӣ таъйин хоҳад кард. Барои муайян намудани мақоми "Тазкират-уш-шуаро" дар байни тазкираҳои аз асри ҚVII баъд бақаламомада ва таъсири он ба тазкираи баъдӣ бо қиёсу татбиқи китоби Мутрибӣ бо тазкираи "Шоми ғарибон"-и Лачхамӣ Наройин Шафиқ мепардозем.

Тазкираи "Шоми ғарибон"-и Лачхамӣ Наройин Шафиқ, ки аз адибону муаррихон ва нависандагону шоирони маъруф аст, дар доираи илмӣ он қадар шўҳрат надорад, вале аз баски он дар мавриди шоироне иншо шудааст, ки дар қитаи Ҳинд сафар кардаанд, аз аҳамияти ҳосе бархурдор мебошад. Номи

пурраи муаллифи он Мотҳар Лачҳамӣ Наройн буда, Шафиқ таҳаллуси адабии ўст (6, 439). Ачдодонаш аз қабилаи Кеҳтарӣ-Капури Ҳиндустон буда (2, 15-18), аслаш аз Лоҳур аст (3, 395; 1,235; 6, 439). Шафиқ дар шаҳри Авранғободи Дакан соли 1158/1745 ба дунё омадааст (6, 439). Вафоти Наройин Шафиқ дар аксари манбаъҳо 1113/1702 (3, 400; 1, 236; 5, 48) ва соли 1223/1808 сабт шудааст (6, 440). Аз Лачҳамӣ Наройин Шафиқ осори зиёди адабиву таърихӣ, чун “Шоми ғарибон”, “Чаманистони шуаро”, “Тули раъно”, “Ҳақиқатҳои Ҳиндустон”, “Танмиқи шигарф”, “Маосири Осафӣ”, “Маосири Ҳайдарӣ”, “Ҳолоти Ҳайдаробод” ва “Бисот-ул-ғаноим” ба мерос монда, байни осори мазкур “Шоми ғарибон” аз аҳамияти бузурги адабиву таърихӣ бархурдор аст (8, 28-32). “Шоми ғарибон” аз муҳимтарин асарҳои Лачҳамӣ Наройин Шафиқ буда, дар байни солҳои 1182-1197/1768-1783, дар тўли понздаҳ сол таълиф шудааст.

Ҳарчанд таъсири бевоситаи “Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ дида намешавад ва онро бар ягон сарчашмаи дастрас ба ҳайси манбаи ин тазкира нишон наодоанд, вале зикри он ки бархе аз шоирон маҳз тавассути тазкираи Мутрибӣ боқӣ мондаанд, аз чанд ҷиҳат моро водор мекунад, ки онро бо тазкираи мазкур муқоиса кунем. Вале муқоисаи “Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ бо “Шоми ғарибон” дар маҳдудайи шарҳи ҳоли чанд тан аз суҳанварони садаи ҶVI-ҶVII нишон медиҳад, ки мақоми тазкираи Самарқандӣ дар ҳифзи бисёр никоти шарҳиҳолии шуарои муайян бузург аст ва бидуни дастрасиву қиёс бо он маълумоти бештари сарчашмаҳои дигар ноқис боқӣ мемонад. Наройин Шафиқ дар таснифи тазкираҳои хеш ба “Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ мустақиман истинод накардаанд, шояд ки асари номбурда дастраси онон набуда ва ё тазкиранигорони мазкур аз мавҷудияти он хабар надоштаанд. Барои он ки ў дар тазкираи хеш мустақим ба номи китоби мазкур ишора намекунад, вале аз он ҷо, ки китоби Мутрибӣ ягона сарчашмае мебошад, ки шарҳи ҳоли яқдаста шоирони қарни ҶVI ва ибтидои ҶVII маҳз тавассути он ба ҷо мондаанд (4, 106-107) ва бархе аз ин шоирон дар асари Наройин Шафиқ низ ба назар мерасанд. Чунончи, бо ин ҳама таъсири китоби Мутрибӣ дар бисёр мавқеъҳо ба хубӣ эҳсос мешавад. Масалан, Мутрибии Самарқандӣ дар “Тазкират-уш-шуаро” шарҳи ҳоли Анисии Ироқӣ чунин оварда: “Анисии Ироқӣ исмаш Юликулибек буда, аз шуарои муътабар аст. Назди салотин эҳтиром дошта ва ба мансаби китобдорӣ Алиқулихон – ҳокими Ҳирот мансуб буда, баъд аз ҳаводиси замону инқилоби даврон ва истилои ҳоқони соҳибқирон - Абдуллоҳхон бар мамолики Хуросон, ба Ҳиндустон рафта, дар ҳайли мулозимони Хони Хонон интизом ёфта. Шоирест мавзун ва ашъораш дурри макнун, фааммо баъзе аз абёти ў, ба ҷиҳати касрати муболиға дар маонӣ, аз доираи эътидол берун омада, чунонки ин байти ў нотиқи ин маъност:

Эй ахтаре, ки аз сипеҳри наволи хеш, (?)

Ҳар рӯз ба моҳу меҳр тафохур кунӣ қирон” (7, 223-224).

Пас аз ин Мутрибӣ ба нақду таҳлили сухани Анисӣ пардохта, иштибоҳи ўро бо мисолҳо аз ашъори шуарои дигар ошкор сохтааст ва дар поёни сухан “Ашъори хубу гуфтори марғуб дорад ва ин се ғазали дилписанд аз гуфтори баланди ўст” гўён, се ғазал ва ду байти Анисиро ба таври намуна зикр кардааст (7, 224-226).

Лачхамӣ Наройин Шафиқ дар шарҳи ҳоли Анисӣ чунин гуфта: “Анисии Шомлу Юлиқулибек ном дорад, суханофарини ягона аст ва аниси маънии бегона. Мавлиду маншай ў Ҳирот аст. Муддате дар Ҷаргаи сипохиён ба мулозимати Алиқулихони Шомлу- ҳокими онҷо мегузaronид, чун муносибат бо сухан дошт, доруғагии китобхонаи саркораш ба ў тафвиз буд. Баъди қатли ў, ки ба дасти Абдуллоҳхон иттифоқ афтод, ба Ҳинд омад ва аз рашҳаи файзрасонии Абдурраҳим Хони Хонон риёзи омолош ба ниҳояти назорат расид. Овардаанд, ки дар мастии шароб ба хотираш расид, ки баргаи танбокуи тозадамида бо қалъи гўшт тановул кунад. Пухта хўрд ва дар мизочаш захри қотил шуд. Дар балдаи Бурҳонпур санай салоса ашара ва алфа (1013) қолаби хокиро гузошт. Ў назми қиссаи “Маҳмуд ва Аёз” шурўъ карда буд, аҷал фурсат надод, ки он нусхаро ба итмом расонад...Девони мухтасаре аз Анисӣ ёдгор аст” (9, 28). Шафиқ пас аз поёни тарҷумаи ҳоли Анисӣ 15 байт намуна аз ашъори ўро зикр кардааст (9, 28-29).

Бо вучуди он, ки Мутрибӣ соли сафари ўро ба Ҳинд қайд карда, дар силки мулозимони Хони Хонон рўзгор гузаронидани ўро сабт мекунад, ки бешубҳа Лачхамӣ ва тазкиранигорони дигар ба он ва ё сарчашмаҳое амсоли он тавачҷух кардаанд, вале аз равобити ў бо шоирони дарбору соҳиби маснавии “Маҳмуд ва Аёз” будани ў ва сабаби марғу соли вафоти шоир хабаре наовардааст. Чунин бартарияти “Шоми ғарибон” аз “Тазкират-уш-шуаро” аз он шаҳодат медиҳад, ки маълумоти Мутрибии Самарқандӣ дар шарҳи ҳоли Анисӣ аз ҳар ҷиҳат комилтар мебошанд, вале дар ин ҷо афзалияти маълумоти Шафиқ ба ғайр аз “Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ бар тазкираҳои дигар дар он аст, ки Анисиро танҳо ў соҳиби девон гуфтааст ва ин маълумот дар умури тазкиранигории форсӣ-тоҷикӣ аз муҳимтарини маълумот дар шарҳи ҳоли ин ё он суханвар ба ҳисоб меравад. Аммо ин маънои онро надорад, ки маълумоти овардаи Мутрибӣ дар мавриди аҳволу ашъори Анисӣ аҳамияте надорад, балки дар бархе ҳолат афзалият низ дорад, зеро Мутрибӣ зимни шарҳи ҳоли Анисӣ, чунонки зикр шуд, ба нақду баррасии шеъри ў пардохта, бо зикри санад иштибоҳи Анисиро бартараф кардааст, ки дар “Шоми ғарибон” чунин равиш дида намешавад. Ё ки дар шарҳи ҳоли Лиқоӣ Мутрибӣ чунин мегўяд: “Лиқоии Самарқандӣ таҳсили улум намуда, ба мартабаи мавлавият расида ва ба мазмуни ҳадиси “ал-Қаноату канзун ло йафно” тариқи қаноатро паймуда, аз ҳирс иҷтиноб менамуд. Ҷарчанд, дар мавридҳои муайян маълумоти тазкираи “Шоми ғарибон” маълумоти “Тазкират-уш-шуаро”-ро такмил медиҳад, диққати матолиб ва сикҳатии он, ба сабаби принципи пешгирифтаи соҳиби “Тазкират-уш-шуаро” қимати ин тазкираро болотар мебарад.

Азбаски Мутрибии Самарқандӣ дар тазкираи худ аз 35 нафар шоироне, ки ба сарзамини Ҳинд сафар кардаанд, ёд мекунад, аммо Наройин Шафиқ 8 нафар аз онҳоро дар тазкираи хеш зикр кардааст. Онҳо: Анисии Ироқи Юликулибег (9, 28), Чандуии Бухорой, Чаъфарбеги Бахшӣ (9, 68), Ҳаётии Гелонӣ (9, 82), Мушфиқии Бухорой (9, 234), Урфии Шерозӣ (9, 174), Форигӣ (9, 200), Размӣ (9, 113).

Мутрибии Самарқандӣ шарҳи ҳоли Улфатӣ Қилич Муҳаммадхонро чунин навишта: “Қилич Муҳаммадхон аз хавонини соҳибқитдори хусрави чамчоҳ Чалолуддин Муҳаммади Акбарподшоҳ буда. Таваллуд дар вилояти Балх намуда, муддати мадид тариқи таҳсилро паймуда, дар улум ба дараҷаи камол мерасида буда... Табъи хубу хаёлотӣ марғуб дошта ва дар диққати сухан дақиқае фурӯ намегузошта ва ин матлаъву рубоиро бад-ӯ нисбат медиҳанд...” (7, 627-628).

Лачҳмӣ Наройин Шафиқ бошад, шарҳи ҳоли шоири номбурдари чунин нигошта: “Улфатӣ, Қилич Муҳаммадхон аз вилояти Тўрон ва аз тоифаи Чонии Қурбонист. Ба фазои илмиву ҳикамӣ ораста ва дохили умарои панҷҳазории Акбарподшоҳ буд ва дар авохири аҳди Акбарӣ дороии Кобул дошт...” (9, 30).

Аз муқоисаи маълумоти овардаи ин ду тазкиранигор маълум мешавад, ки азбаски Мутрибӣ бо Улфатӣ ҳамзамон буда, маълумоти дақиқтар аз Наройин Шафиқро дар тазкираи хеш дарҷ кардааст, ки нуктаҳои “таваллуд дар вилояти Балх”, “муддати мадид тариқи таҳсилро паймуда, дар улум ба дараҷаи камол мерасида”, “мансаби девонии вилояти Ҳиндустон” ва “ба ҳукумати вилояти Огра тараққӣ” ҳокӣ аз ин иддао мебошад, ки дар мавридҳои мазкур Шафиқ сукут ихтиёр кардааст. Арзиши дигари “Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ дар сабти соли вафоти Улфатӣ мебошад, ки поёни исми шоир (1022/1613) нишон дода шудааст, аммо дар “Шоми ғарибон” перомунӣ соли вафоти суханвар маълумот мушоҳида намешавад.

Наройин Шафиқ дар шарҳи ҳоли Содик чунин оварда: “Мавлоно Содиқи Ҳалвоии Самарқандӣ аз авлоди Шамсулаиммаи Ҳалвоӣ аст. Лиҳозо ба Ҳалвоӣ шўҳрат ёфт... Ва муддате дар Лоҳур ҳангомаи дарс гарм дошт. Баъдан ба Ҳарамайни муқаррамайн шитофт ва пас аз идроки ин саодат дубора ба Ҳинд омад ва ба мансаби муаллимии хони аъзам Мирзо Азиз кўкаи Акбарподшоҳ қиём намуд... Ӯ ҳалвоӣ сухан мефурӯшад:” (9, 148). Пас аз тарҷумаи ҳол Шафиқ ду байти Содикро ба таври намуна дар тазкирааш сабт кардааст (9, 149).

Бо он ки гуфтем, Мутрибӣ бисёр дақиқсухан будаву ҳини сабти маълумоти ҳаёти шоирон ба дарозсуханӣ ҳам раҳ додааст, аммо Мутрибӣ ҳам дар мавридҳои муайян ба сифатчиноҳои зиёда пардохта, аз баёни матолиби асосии марбут ба ҳаёти шоирон каме дур мешавад. Чунончи, ӯ дар шарҳи ҳоли Содиқи Ҳалвоӣ чунин нигошта: “Содик таҳаллуси шарифи алломат-ул-уламо-ин-наҳир, дастур-ул-фузалои-л-хабир ал-маъқул ғинд-ал-Ҳолиқи ва-л-халоиқи, ақзий-ул-кузоти ва аъдал-ул-вулоти Қозӣ Муҳаммад Содиқи ал-Охунд аст... Зоти бобаракоти эшон ба атвори санҷида ва кирдори писандида ораста буду пояи

дониши эшон дар улум начунон муртафеъ буд, ки хомаи ду забон солҳои фаровон ва қарнҳои бепоён ушре аз ашъори онро дар ҳаййизи баён тавонад овард...“Таваллуди шарифи эшон дар балдаи маҳфузаи Самарқанди фирдавсмонанд буда, касби ғазоил ва тасҳеҳи расоил низ ҳамон чо намудаанд. Баъд аз ҳусули мақосиди динӣ, ба мазмуни ҳадиси саҳеҳи: “Сафару тасихху ва тағаннаму” тариқи мусофиратро ихтиёр намуда, тарки ватани маълуф карда, мутаваҷҷеҳи вилояти Ҳиндустон гашта, дар балдаи Кобул муваттин гардидаанд... Баъд аз он ба мадлули ҳадиси “Ҳубб-ул-ватани мин-ал-имони” озими маскани маълуф гардида, бад-ин диёри хайросор ташриф оварда буданд. Муддате дар айёми салтанати ҳоқони чаннатмакон Абдуллоҳхон бар маснади қазои Самарқанд мустанад гардида, ба истехқоқи амал мефармуда ва ин байти рангинро нақши нигини худ сохта буданд, ки байт:

Нишони меҳр дорад муҳри Содик,

Вагарна муҳр аз ин мискин чӣ лоиқ?!” (7, 600-601).

Зикри ин нукта зарур аст, ки Мутрибӣ зимни баёни ин нуктаҳо барои ҳарчи рангинтар кардани сабки баёни худ аз оят, ҳадис ва ашъори шоирон истифодаи бамавқеъ ва хубе мекунад. Дар ҳоле, ки ин падидаҳо дар усули баёни Шафиқ нодиранд ва зимнан бояд ишора шавад, ки маълумоти овардаи Мутрибӣ ба нисбати маълумоти Шафиқ бамаротиб муфассал аст. Барои он, ки Мутрибӣ дар давоми маълумоти худ ба аслу насаби шоир, бо кадом бузургон ҳамнасл будани ӯ, аз шиносии шахсии худ бо ӯ, аз хислатҳои шахсии шоир, дар шеър дасти тавоно доштани Ҳалвой, соҳибдевон будани шоир, китобу рисолаҳои зиёд ба забони арабӣ навиштани ӯ, синну соли вафот ва мақоми қабри шоир тавачҷуҳи алоҳида мекунад ва пас аз шарҳи ҳол 7 байт аз намунаи ашъори эшон оварда шудааст (7, 600-601).

Ҳангоми муқоисаи шарҳи ҳоли Содики Ҳалвой маълум гардид, ки “Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ аҳамияти бузурги илмиву таърихиро нисбат ба “Шоми ғарибон”-и Шафиқ дорад, зеро маълумоте, ки Мутрибӣ нақл карда, аз чанд ҷиҳат дақиқтар аз маълумоти Шафиқ мебошад. Аз муқоисаи ин ду тазкира ба назар расид, ки ҳарчанд, дар баъзе мавридҳо Шафиқ бештар ва ё камтар аз Мутрибӣ маълумот медиҳад, аммо аз ҷиҳати дақиқият “Тазкират-уш-шуаро” аз “Шоми ғарибон” аҳамияти бузургро бархурдор аст. Мисоли ин гуфтаҳоро метавон дар шарҳи ҳоли суҳанвароне, чун Ҳаётӣ Гелонӣ (9, 82; 7, 398), Урфии Шерозӣ (9, 174; 7, 563-565), Фориғӣ (9, 200; 7, 578-579), Размӣ (9, 113; 7, 634-635) ва дигарон мушоҳида кард.

Нуктаи ҷолиб он аст, ки Мутрибӣ бештар суҳанварони ҳамзамони худашро, ки онро дида ва ё бо онҳо бевосита сӯҳбат ораста, дар “Тазкират-уш-шуаро” ёд кардааст, аммо Наройин Шафиқ бошанд, аксари маълумоти худро дар асоси тазкираҳои, чун “Лубоб-ул-албоб”, “Тазкират-уш-шуаро”, “Тазкираи Насрободӣ”, “Мирот-ул-хаёл”, “Оташкада”, “Хизонаи омира”, “Натоиҷ-ул-афкор”, “Каламот-уш-шуаро” ва ғайра ба қалам овардааст.

Дар маҷмӯъ роҷеъ ба мақоми тазкираи “Тазкират-уш-шуаро” дар адабиёти форсӣ-тоҷикӣ ва таъсир ва ё мақоми он дар таҳаввули анъанаи тазкиранависии баъдии худ метавон ба чунин хулоса расид:

“Тазкират-уш-шуаро” тазкираест, ки дар радифи омӯзиши ҳаёти илмиву адабӣ ва фарҳангии Мовароуннаҳри асрҳои ҶVI-ҶVII дар омӯзиши ҳаёти илмиву адабӣ ва маданияи Хуросону Ҳинд низ нақши назаррас дорад. Дар аксар маворид ва санадҳои овардаи муаллифи “Шоми ғарибон” маълумоти “Тазкират-уш-шуаро” муқаддам ба мушоҳида мерасад ва ҳатто дар баъзе мавридҳо маълумоти Мутрибӣ аз тазкиранигорони дигар бамаротиб дақиқтару амиқтар мебошад.

Пайнавишт

1. Аҳмад Сиддиқи Ҳасанхон, Наввоб. Шамъи анҷуман. – Калкатта: Чопхонаи Шоҳичаҳонӣ, 1293. -584с.
2. Барзгар, Ҳусайн Шафиқи Авранғободӣ. Донишномаи адаби форсӣ. –Ҷ.4, баҳши 2. – Техрон, 1380. -С.1518-1519.
3. Гўпомўй, Муҳаммад Қудратуллоҳ. Натоичу-л-афкор / Ба кўшиши Ардашери Набишоҳӣ. – Бамбей: Чопхонаи Султонӣ, 1336. -800с.
4. Каримов У. Адабиёти тоҷик дар асри ҶVI. – Душанбе: Дониш, 1985.
5. Маонӣ, Аҳмад Гулчин. Таърихи тазкираҳои форсӣ. -Ҷ.1. – Техрон: Интишороти Китобхонаи Саной, 1363.
6. Нақавӣ, Алиризо. Тазкиранависии форсӣ дар Ҳинду Покистон. – Техрон: Муассисаи матбуоти илмӣ, 1343. -574с.
7. Самарқандӣ, Мутрибӣ. Тазкирату-ш-шуаро / Бо муқаддима ва таҳшияву таълиқоти Алӣ Рафеии Аломарваштӣ. – Техрон: Маркази нашри мероси мактуб, 1382.
8. Шамсиддинова Назира Раимовна. Тазкираи «Шоми ғарибон»-и Наройин Лачҳамӣ Шафиқ ва арзишҳои адабии он (Рисолаи барои дарёфти дараҷаи номзади илмҳои филологӣ). –Душанбе, 2019. -159 с.
9. Шафиқ, Лачҳамӣ Наройин. Шоми ғарибон / Ба эҳтимоми Муҳаммад Акбаруддини Сиддиқӣ. – Карочӣ, 1977. -378с.

Қурбонова Г., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ДИНИЙ МАНБАЛАРНИНГ БАДИИЙ АДАБИЁТГА ТАЪСИРИ

Қуръони каримда исми шарифи кўп зикр қилинган зотлардан бирлари Иброҳим алайҳиссаломдир. У зотнинг исмлари муқаддас китобда олтмиш тўққиз марта зикр этилган. Иброҳим алайҳиссалом қиссаси ҳам Қуръони каримда энг кўп келтириладиган қиссалардан ҳисобланади. “Бақара”, “Мариям”, “Анкабут”, “Наҳл”, “Нисо”, “Анъом”, “Зарият” ва бошқа сураларда Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги оятлар мавжуд. Шунингдек, Қуръони каримда махсус “Иброҳим” сураси борлиги бу пайғамбарнинг номи қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Албатта, Иброҳим алайҳиссаломга Қуръони каримда

бунчалик катта эътибор берилиши бежиз эмас. Яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар ҳам ўз динларини Иброҳим пайғамбар таълимотига олиб бориб боғлайдилар. Мусо ва Исо алайҳиссаломлар Иброҳим а.с.нинг ўғли Исъҳоқ а.с. ва Муҳаммад с.а.в. унинг катта ўғли Исмоил а.с. орқали Иброҳим пайғамбарнинг авлодлари ҳисобланадилар.

Ислом дини в а унинг китобида шунча аҳамият ва ҳурмат соҳиби бўлган Иброҳим пайғамбар образи ўзбек адабиётига ҳам кучли таъсир кўрсатиши табиий ҳол эди. Бу пайғамбар образини биз илк туркий тилдаги пайғамбарлар тарихига оид қисса ҳисобланган “Қисаси Рабғузий”да кўрамиз. Ундаги “Иброҳим яловоч қиссаси” энг йирик ҳажмли қиссалардан ҳисобланади. Қиссани шартли равишда иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Унда Иброҳимнинг туғилиши, болалиги, юлдузларга сиғинган қавмни ҳидоятга чорлаши ва подшо Намруд билан қилган мунозараси, подшо томонидан шаккокликда айбланиб, оловга ташланиши, оловда ёнмаслиги ва ниҳоят Намрудни ўлдириши қаламга олинади.

Иккинчи қисмда “пайғамбарлар отаси” деб номланган Иброҳим а.с.нинг Сорага уйланиши, ҳижрати, Хожарга уйланиши, Исмоил пайғамбар таваллуди, Иброҳим ва Исмоил муносабати, Исъҳоқ а.с. таваллуди, қурбонлик воқеаси, Каъба қурилиши ва пайғамбарнинг вафоти каби ҳодисалар қаламга олинади.

Қиссанинг биринчи қисмидаги энг таъсирли нуқталардан бири бола ва Иброҳимнинг онаси суҳбатидир.

- Мен йўқдан бор бўлдим. Менинг тангрим кимдир?- деди у бир кун онаси билан суҳбатда.
- Менман, - деди онаси.
- Сенинг Тангринг кимдир? – деди у.
- Отанг, - деди онаси.
- Қандай қилиб? – сўради у.
- Шунинг учунки, у мендан юқорирок, - деди онаси.
- Отамнинг Тангриси кимдир? – деди у.
- Намруд, - деди онаси.
- Қанақасига? – деди у.
- Шунинг учунки, у отангдан улуғроқ, - деди онаси.
- Намруднинг Тангриси кимдир? – деди у.

Жим, ундай демагил! – деб қаттиқ тегди онаси. (Носируддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий. Қисаси Рабғузий. www.ziyouz.com)

Ушбу савол-жавобнинг ўзиёқ боланинг ўзига хос фикрлашидан, буюк келажагидан нишона беради. Бу суҳбат Қуръони каримда берилмаган. Демак, Рабғузий уни ёрдамчи манбалардан – ўзигача ёзилган араб ва форс тилларидаги пайғамбарлар қиссаларидан олган, дейишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асрида бу суҳбат бироз кенгайтирилган тарзда баён этилган:

Иброҳим а.с. қалбидаги илоҳий ишқ ва Намруд олови ўзбек мумтоз адабиётига ўзига хос образ бўлиб кирди ва айниқса, Навоий ҳамда Машраб ижодида шоир эстетик идеалини ифодалайдиган асосий деталлардан бирига айланди. “Хазойин ул-маоний”даги Навоийнинг илк ҳамд ғазалларидан бирида Иброҳим пайғамбар ва унинг оловга ташланиши воқеасига ишора қаламга олинган:

Жамолинг партавидин шам ўти гап гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо. (Алишер
Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 3-жилд. Тошкент: Фан, 1988. 21-бет)

Байтда парвона ва Халил (Иброҳим пайғамбарнинг унвони) образлари жамол учқуни ва гулистон образларига қарши қўйилиб, тазод санъатини юзага келтирмоқда.

Юқоридаги қиссада Иброҳим а.с. оловга манжаниқ ёрдамида отилганлиги тасвирланганини кўрдик. Навоий мана шу ҳолатга эътиборини қаратиб, “Ғаройиб ус-сиғар”даги бир ғазалида шундай ёзади:

Оҳим кўнгулни кўюнг аро солса не ажаб,
Гулзор аро Халил тушар манжаниқдин. (Алишер Навоий.
Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 3-жилд. Тошкент: Фан, 1988. 301-бет)

Байтда Навоий маъшуқа кўнглини Оллоҳ карами билан гулистонга айланган Намруд оловига, ўзининг чеккан оҳини эса Иброҳим а.с. отилган манжаниққа, ўзининг хаёлини эса Иброҳим халилиллоҳга қиёслаб, таносуб ва ташбеҳ санъатларига мурожаат этган ҳолда гўзал сўз ўйини яратган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонида Навоий Хожа (кўнгул)га илоҳий раҳматни гўёки гулистонга айланган Намруд олови каби тақдим этди, - дейди:

Ҳақ анга раҳматни далил айлабон,
Шуълани гулзори Халил айлабон. (Алишер Навоий. Ҳайрат
ул-аброр. МАТ. 7-жилд. Тошкент: Фан, 1993. 103-бет)

“Лисон ут-тайр” достонида Истиғно водийсига бағишланган тамсилда Навоий Иброҳим пайғамбарнинг оловга отилиши воқеасини назмга солади ва ундан ўзига хос ибратли ҳисса чиқаради.

Тамсилда оловга ташланаётган Иброҳимга Жаброил фариштаннинг “эҳтиёжинг борми?” деган саволига пайғамбарнинг “мени ўтга ташлаган Зот эҳтиёжимни ҳам ўзи ҳам ўзи билади” деб берган жавоби ва унга қиёсан Навоийнинг шахсий мулоҳазаси қаламга олинган. Шоир ушбу ҳикоятни мисол келтириб, Яратганга элдан менга истиғно (эҳтиёжсизлик) насиба эт ва фақат Ўзингга муҳтож қил, деб илтижо этади. Умуман олганда, Иброҳим алайҳиссалом қиссасидаги, айниқса, унинг мутаассиб ҳукмдор Намруд томонидан оловга ташланиши воқеаси ва бу воқеанинг турли хил талқинлари ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллайди.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ АСАРЛАРИДА БОЛАЛАР РУҲИЯТИНИ ТАСВИРЛАШ ВОСИТАСИ ВА УСУЛЛАРИ

Дунё адабиётшунослигида янги тадқиқот методлари шаклланди. Биографик, социологик, герменевтик, психологик таҳлил сингари методлар инсоният тафаккури маҳсули сифатида майдонга келди. Бадиий асар таҳлилга тортилар экан, ундаги қаҳрамонлар руҳияти, ички оламини ёритиш жаҳон адабиётшунослигида тобора кенгайиб бормоқда.

Бадиий асарда қаҳрамонлар руҳияти ўзаро мулоқот – диалоглар воситасида ҳам тасвир этилади. Бунда диалог асосий омил бўлиб, икки тараф ҳам бир-бирига айтадиган сўзлари воситасида ўзлиги(руҳияти, кайфияти, характери)ни ошкор этиб боради. Бу борада адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Узоқ Жўрақулов Бахтиннинг диалог назариясини махсус тадқиқ этган. хЖўрақулов, 2015: 76]

Болалар ўртасидаги ўзаро зиддиятли муносабат Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча” асарида қуйидаги диалогда ўз ифодасини топган. “... Болалар мени нега ёмон кўришини айтсам, улар мен туфайли ё опасидан, ё отасидан дакки эшитади. “Сен аҳмоқ, кун бўйи кўча чангитиб ўйнайсан, сен тенг Ориф бўлса укаларини ўйнатади, уй ишларини тинчитади...” деб кулоқларидан чўзишади. Бир куни маҳалламиздаги болалар тўпланиб: “Сен аҳмоқни сувга пишамиз”, – деб ўртага олиб қолишди. – Майли, – дедим парвоимга ҳам келтирмай, – беш-ўн кундан буён бет қўлимни ювганим йўқ эди, баҳонада чўмилиб оламан. – Энди сени ўйинга қўшмаймиз, – дейишди яна болалар. – Унда сизларга биттаям латифа айтиб бермайман, – деб яна бўш келмадим”. хТўхтабоев, 2005: 3] Бу парчада болаларнинг зиддиятга киришуви ва иккинчи томоннинг шу зиддиятга барҳам бериш учун бўлган курашини кузатиш мумкин.

Айни ҳолатда вазиятга боланинг чечанлиги ҳукмронлик қилмоқда. У тенгқурларининг “сен аҳмоқни сувга пишамиз”, “энди сени ўйинга қўшмаймиз” деган эътирозларига ўйлаб ҳам ўтирмай, лаҳзада жавоб қайтаради. Қаранг, “баҳонада чўмилиб оламан”, “унда сизларга биттаям латифа айтиб бермайман” сингари жумлаларни у мулоҳаза юритиб, ақл тарозисига солиб айтгани йўқ. Бу ҳолат Бухоро амирининг Насриддин афандига жазо излаш воқеасини эсга солади. Бухоро амири Насриддин афандини жазолаш учун дорга ошишни таклиф қилади. “Йўқ, бўлмайди – дейди афанди – Қўқон хони уч марта дорга осган. Ўлмаганман”. Амир ўйланиб туриб, тошбўрон қилдиришни таклиф қилади. “Бўлмайди – дейди афанди, – Турк султони тўрт марта тошбўрон қилдирган. Ўлмаганман”. Амир яна ўланади. Охири қопга солиб сувга чўктиришни таклиф қилади. Хуллас, вазият барибир Насриддин афандининг фойдасига ҳал бўлади.

Энди, матн билан танишаётган китобхон, Насриддин афанди яна қандайдир ҳийла билан қутулиб қолишини сезиб туради. Қаҳрамоннинг чечанлик билан лаҳзада жавоб топа олаётганлиги, тўғридан-тўғри суҳбатдоши

нинг онгига таъсир қилаётганлиги беихтиёр китобхон онгига ҳам таъсир қилади. Орифжоннинг ҳам “баҳонада чўмилиб оламан”, “унда сизларга биттаям латифа айтиб бермайман” деган гаплари диалогик нутқ шаклида комизмни юзага келтирган. Болаларнинг ўзаро муносабатида новербал (нутқсиз) алоқа воситаси ҳам учрайди. Новербал коммуникация воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза (ҳолат), кўз ёш, кулги ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникация – сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади.

Айрим маълумотларга қараганда, 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Новербал белгилар нутқни тўлдиради, баъзида унинг ўрнини босади, коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир. Тилшунос олима Мунаввара Қурбонова новербал нутқ шаклини ҳаттоки нутқнинг муҳим атрибути сифатида келтиради: “Нутқ жараёнида имо-ишора, мимик ифодаларнинг вербал бирликлар билан ёнма-ён қўлланиши нутқнинг таъсир кучини ошириш билан бирга, тингловчи томонидан унинг тез ва аниқ тушунилишига имкон яратади.

Асардан келтирилган қуйидаги мисолда новербал мулоқотнинг вербал мулоқотни (сўзни) тўлдиришга хизмат қилганини кузатиш мумкин: “Зокир менга қаради, мен унга қараб кўзимни қисдим-да:

Зокирларнинг томида, – деб жавоб бердим.

– Бу ерга қандай келиб қолдиларинг?

– Билмаймиз, – дедик Зокир иккимиз.

– Милтиқ билан пичоқ қаёқдан келди?

Зокир иккимиз нима дейишимизни билмай бараварига елкамизни қисиб қўя қолдик”. [Ҳ.Тўхтабоев, 1982: 120] Келтирилган парчадаги “кўзимни қисдим”, “бараварига елкамизни қисиб қўя қолдик” иборалари болаларнинг ўзларига маълум, бошқаларга эса номаълум бўлган нимадир борлигини билдиради. Ҳошимжон кўз қисган пайтда “ҳозир алдайман” ёки болалар елкаларини қисиб қўйган пайтда “биз билмаймиз” ёки “биз ҳам ҳайратдамиз” деган фикрлар англашилади. Умуман олганда, Ҳ.Тўхтабоев болаларнинг ўзаро муносабати масаласини жуда ишонарли ифодалаган. Бу муносабатда бола руҳиятидаги ўзгаришлар, бурилишлар, зиддиятлар ва бошқа жиҳатлар ўз аксини топган. Болаларнинг ўзаро муносабатлари диалогларда очилган. Диалоглардан ўзаро зиддиятли муносабатлар, ўзаро келишувли муносабатлар ёки новербал коммуникация, дўстлик муносабатлари англашилади. Буларнинг барчаси адиб асарларида ўз аксини топган.

Инсон руҳиятини шакллантирувчи, юзага чиқарувчи асосий восита жамият, ижтимоий муҳит эканлиги маълум. Ўсмир шахси ижтимоий муносабатлар маҳсулидир, бунинг сабаби, у доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлади. Шундай экан, унинг ҳиссий ва ақлий

ривожланишида ижтимоий муҳит катта ўрин тутди. Худойберди Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Мунгли кўзлар” романларида ижтимоий муҳитнинг бола руҳиятига таъсири масаласи ёрқин ифодаланган. Жумладан, “Беш болали йигитча” асари Иккинчи жаҳон уруши мураккабликларини тасвирлайди. Табиийки, бу мураккаблиklar ичра катталар қатори болаларнинг ҳам ўз кечинмалари мавжуд. “Беш болали йигитча” – биографик маълумотларга асосланган асар. Унда уруш ваҳшатидан азият чеккан бола қалби муаллиф психологизмини ҳам тўлалигича қамраб олган. Сабаби “Қўқон болалар уйидан Тошкентга жўнатилган, пойтахтдаги етимхоналарда сарсон-саргардон бўлганлар орасида 12 ёшли Худойберди ҳам бор эди. Поезддан тушириб юборилган, Қўқонгача бўлган йўлни пиёда босиб ўтган, йўл, очлик азобига чидаганлар сафида Х.Тўхтабоев ҳам бўлган. Собик детдомчилар, йўл азобини биргаликда ўтаганлар кейинчалик ҳам учрашиб, бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб турганлар” [Расулов, 2009: 173]

Ижтимоий муҳит – уруш вазияти ҳар қандай ҳолатда ҳам одамлар эсида туради. Уруш келтирган фожиалар: айрилиқ, етимлик, очлик, кадрсизлик, хору зорлик ҳар қандай одамни эзиб юбориши табиий. Аммо болалардаги эркинлик ва юмор уларни асраб қолади. Яъни, қалбан таскин топишга кўмак беради. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик. Асарда келтирилган латифалар бир томондан, ўзида уруш фожиаларини акс эттирса, иккинчи томондан, ана шу фожиани бир лаҳзага унуттирадиган малҳам бўлиб хизмат қилган. Латифа асар руҳига, қаҳрамонлар ҳолатига, ижтимоий вазиятга ниҳоятда мос келган. Уруш даври фожиалари, мураккабликлари бола руҳиятида оғир вазиятларни юзага келтирган.

Бола руҳиятини очишда ўзаро муносабатлар, ижтимоий муҳит катта аҳамиятга эга. Муносабатлар асносида боланинг ички олами юзага чиқади. Монологик, диалогик нутқ шакллари бола психологиясини ёритишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий муҳитда бола руҳияти шаклланади, ривожланади ва қандай эканлигини намоён этади. Ижтимоий муҳит, жамият аҳволи шахснинг ҳам аҳволини белгилаб бериш даражасида катта кучга эга. Х.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Мунгли кўзлар” асарлари мисолида икки хил ижтимоий муҳит таъсирида бола руҳиятининг ифодасини кўриб ўтдик. Биринчиси, уруш даври фожиалари ичра бола руҳияти тасвири бўлса, иккинчиси, осойишта, тўкин-сочин оила муҳитида тарбия топган болалар руҳияти ифодасидир.

Адабиётлар

1. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалари. Т.: Ғ.Ғулом, 2015. – Б. 76-77.
2. Расулов А. Бетакрор ўзлик.- Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.173.
3. Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005. – Б.3-4.
4. Тўхтабоев Х. Сарик девни миниб. – Тошкент, Ёш гвардия, 1982. – Б.120.

ЎЗБЕК ҲАЖВНАВИСИ НЕЪМАТ АМИНОВ ИЖОДИДА АСКИЯ ЖАНРИГА ХОС БЕЛГИЛАР

Аския ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг анъанавий жанрларидан бири бўлиб, аскиябозларнинг сатира (фош қилувчи кулги) ёки юмор (енгил кулги) асосидаги ҳозиржавоб сўз ўйинидан иборат диалогидир. Шу орқали аскиябоз инсонларнинг сўзга чечанлиги, ҳазил-мутойибага муносабати, ўткир зеҳни, ақлидроки, донолиги намоён бўлади. Аския сўз ўйини сифатида қочирик, чандиш, киноя, муболаға, тажнис ва тазод қўллаш орқали юзага келади. Эътиборли томони шундаки, унга хос шу хусусиятлардан айрим ҳажвнавис шоиру адиблар ҳам ўз ижодида маҳорат билан фойдаланишгани кузатилади. Фақатгина бунда аския фолхлордаги каби майдон (халқ) кулгусини юзага келтириш учун омма олдида томоша кўрсатаётган аскиябозларнинг фикрлаш мусобақаси сифатида эмас, балки бир ёзувчи томонидан тасвирланаётган икки қаҳрамоннинг нутқи, диалогини ёритиш орқали ўқувчи завқини ошириш, кайфиятини кўтариш, қизиқишини кучайтириш мақсадида мустақил матн ёки асар парчаси кўринишида берилади.

Адиблар томонидан тузилган бундай адабий аскияларда ҳам кенг халқ оммасининг ҳаёти ва турмушидан олинган реал воқеликлар, меҳнат жараёни, кишиларнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий муносабатлари, эстетикаси ва фалсафаси акс эттирилади.

Халқ аскиялари шакли ва услубидан фойдаланиш Ўзбекистон халқ ёзувчиси, бухоролик таниқли ҳажвнавис Неъмат Аминов ижодининг ўзига хос қирраларидан биридир, дейиш мумкин. Айниқса, адибнинг “Бир аср ҳикояти” (Темирчидан қолган тиллолар) асаридаги (Аминов, 1995: 72) ихчам ва пурмаъно ҳикоятлар бу жиҳатдан фикримиз далили бўла олади. Унда бош қаҳрамон сифатида келтирилган Уста Амин Нуруллобой ўғли ёзувчининг отаси бўлиб, шу орқали ўзбек халқининг оддий меҳнаткаш фарзандигача барча соҳаларда ҳамиша билимли, топқир, удадурон, сўзга чечан бўлганлиги улуғланади.

Адиб асардаги ҳикоятларнинг аксарияти реаллигини тасдиқлаб дейди: “Бухорои шарифнинг кейинги асрда яшаган дин пешволари даврасида кўп суҳбатларда бўлганликлари туфайли турли ёшдаги ва касбдаги кишилар билан бемалол гурунг қура олар эдилар. Бу суҳбатларда шарқона донишмандлик билан бирга, майин, беозор бир зарофат уфуриб турарди... Ҳали ҳаёт чоғларида отамдан эшитганларимнинг айримларини ўз ҳолича, айнан қоғозга тушуриб қўйган эдим” (Аминов, 1995: 3).

Шуни айтиш керакки, адибнинг отаси ҳақида келтирган ҳикоятларида айнан кулгига йўғрилганлик уларнинг хотирада сақланишига асосий омил бўлганлиги сезилади. Жумладан, адиб отасининг диалогларидаги соф фикрлар курашини акс этиради. Улардаги айтишувлар, билдирилган фикрга жавоб сифатида қайтарилган фикрнинг зукколик билан топиб айтилгани, оригинал

лиги, омонимлик ёки синонимлик хусусияти, кулгига йўғрилганлиги ўқувчи руҳига, тасаввур ва тафаккурига тез таъсир ўтказа олади. Масалан:

- Неъмат! –
- Лаббай, ота?
- Нечага кирдинг?
- Эллик бешга.

– Она қорни билан эллик олтига-да? Демак, камида эллик йиллик гапни ақлинг олса керак. Энди айт-чи, мани бирор марта арақ ичганимни кўрганмисан?

– Йўқ.

– Ёмон йўлга юрганимни ёки бировни ҳаққини еганимни кўрганмисан?

– Йўқ.

– Унда нега арақ ичасан?

– Кўп ичмайман-ку, ота... Энди, кеча меҳмонлар билан жиндай...

– Худою пайғамбар ҳаром қилган нарсани нега ичасан? Ахир, арақнинг ўзи кўзачага қамалган жин-ку! Яна жиндай дейди-я... (Аминов, 1995: 9).

Ушбу парчада бевосита халқ аскияларига хос қуйидаги белгилар аксини кўриш мумкин:

1. Суҳбатдош ўз “рақиб”ини суҳбат майдонига бевосита унинг номини ёки лақабини айтиб чорлаш билан олиб кириши.

2. “Рақиб” суҳбатдошнинг даврада “Лаббай” деб пайдо бўлиши.

3. Тезкор савол-жавобнинг бошланиши ва маълум мавзуда давом эттирилиши.

4. Суҳбат жараёнида сўзларни қўллашда уларнинг тўғри талаффузи ва тўғри ёзилиши билан боғлиқ орфоэпик ва орфографик қоидаларга изчил амал қилинмаслиги. Масалан: “Мани бирор марта арақ ичганимни кўрганмисан?” гапи аслида “**Менинг** бирор марта **ароқ** ичганимни кўрганмисан?” шаклида берилиши керак эди.

5. Шунингдек, кўшимчаларни халқ нутқидаги каби алмаштириб, бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш ҳолатининг кузатилиши. Жумладан, “Ёмон йўлга юрганимни ёки бировни ҳаққини еганимни кўрганмисан?” гапи Ёмон йўлда юрганимни ёки биров**нинг** ҳаққини еганимни кўрганмисан?” шаклида тузилса услубий жиҳатдан тўғри бўларди.

6. Кулги ҳосил қилиш мақсадида савол-жавоб жараёнида омоним ё синоним бирликлардан фойдаланиш. Айтайлик, юқоридаги савол-жавобда “жиндай” омоним сўзини қўллаш орқали унинг шакли бир хил, аммо маъноси ҳар хиллигидан фойдаланиб, шу асосда кулги чиқарилган. Бинобарин, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “жиндай” сўзининг “жин” сўзига “-дек/дай” ясовчилари қўшилишидан ҳосил бўлган равиш сифатида “бир оз, озгина, қиттак” каби маъноларни билдириши кўрсатилган. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006: 91). Юқоридаги диалогнинг ўғил тилидан келтирилган “Кўп ичмайман-ку, ота... Энди, кеча меҳмонлар билан жиндай...” қисмида худди шу

сўз маъносидан фойдаланилган. Ота нутқида эса “Шарқ мифологиясида ва диний тасаввурларга кўра: пастқам жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалинтириб (масалан, оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлук; арвоҳ; ёвуз руҳ” маъносидаги араб тилидан ўзлашган жин (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006: 90) сўзи қўлланган: “Ахир, арақнинг ўзи кўзачага қамалган жин-ку!”

Шу гапнинг давомини ташкил қилган “Яна жиндай дейди-я” жумласида “жин” сўзи мавҳум от сифатида отларга қўшилиб, ўхшатиш шаклини ҳосил қилувчи -дек/-дай қўшимчасини олиб, “афсонавий махлукқа ўхшаш” деган маънода келтирилган. Умуман айтганда, бу ўринда ҳам асос (жин сўзи), ҳам –дек/-дай қўшимчаларининг шаклдошлик (омонимлик) хусусиятидан фойдаланиб, ўзига хос сўз ўйини ташкил қилинган. Чунки ўзбек тилида “жин” сўзи: 1. ҳа. афсонавий махлук;]. 2. Кишининг табиати, таъби. 3. Нарса ё жойнинг хусусияти, тури маъноларида кўчама маъноларда қўлланса (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006: 90), -дек/-дай қўшимчалари: а) равиш ясовчи; б) отда ўхшатиш шаклини ясовчи вазифасини бажариб келиб, шаклдошлик ҳосил қилади.

Асар таркибидан ўрин олган кулгили суҳбатларнинг ҳажми турлича. Масалан, улардан бири куйидагича жуда ихчам шаклда қурилган:

- Усто бобо, қулоғингиз оғирми дейман?
- Йўқ, жўра, кар! (Аминов, 1995: 13).

Маълумки, қулоғи эшитмайдиган одамга “кар” деб айтилса, сал оғир ботади. Шунинг учун нутқда унинг ўрнида кўпинча “қулоғи оғир” бирикмаси эфемизм сифатида қўлланади. Шу жиҳатдан улар синонимлик (маънодошлик) ҳосил қилади. Юқоридаги суҳбатда карлик ҳолатини ифодаловчи ибора билан берилган саволга шу маънодаги сўз воситасида жавоб қайтарилиши натижасида, биринчидан, фикр тасдиғига эришилган. Иккинчидан, тил бирликларини такрорлаш туфайли келтириб чиқарилган услубий ғализлик кулгига сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи томонидан акс эттирилган бундай аския-ҳикояларда қаттиқ, лекин беғараз кулгилар билан суғорилган баҳсларга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда тез тафаккур қилиш, сўзга чечанлик аскиянинг асосий шартларидан бири экани ёрқин кузатилади.

Адабиётлар

1. Аминов Неъмат. Бир аср ҳикояти (Темирчидан қолган тиллолар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 72 б.
2. Аския. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. / Муҳаммадиев Р. Тўпловчидан. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б.3-12.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 2-жилд.–Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006.– 671 б.

Ҳакимова Д., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ИЖОДИДА КИТОБХОНЛИК МАСАЛАСИ

Маданиятли, тарбия топган оила халқимизнинг анъанавий таълим-тарбиясига амал қилган ҳолда, болада ёшлиқдан китобга меҳр қўйиш, уни севиш ва китобни муқаддас деб билишга одатлантиради. Мазкур анъанага содиқ қолган ўзбек насрининг маҳоратли адиби Шукур Холмирзаев жамиятимиздаги ижтимоий масала сифатида кўриладиган китобхонлик масаласини қаҳрамонларининг китобни яхши кўришлари тасвирида тасвирлайди.

“Ўн саккизга кирмаган ким бор?” қиссаси муҳаббатни тараннум этувчи бошқа асарларда фарқи шундаки, ундаги қаҳрамонларнинг характер хусусияти, уларнинг дунёқароши, маънавияти улар ўқиган китобларга бориб тақалади. Асарда бир неча бор китоблар номи, улардаги қаҳрамонлари тилга олиб ўтилган. Жамшидни дастлаб сотиб олган китоби “Икки сандиқ” (Зумрад ва Қиммат) эртақ китоби. *“Бир куни танаффус маҳали Жамшид Мансурнинг қандайдир китобчани қизиқ варақлаётганини кўриб қолди. Китобнинг муқовасида бир кампирни қувиб бораётган аждарҳо расми солинган, унинг тагида “Икки сандиқ” деб ёзилган эди.*

-Бир кўрай, - деди Жамшид.

-Умиданинг олдига бор, ўртоғингни, - деди Мансур

-Бу китобдан магазинга бор, -деб қолди қизлардан бири. - Икки сўм.”

{Ш.Холмирзаев. Сайланма. 5-жилд.-Тошкент. “Шарқ”, 2007 й. 117-бет.}

Жамшиднинг китобга қизиқиши ортганидан дарсни ҳам ташлаб шоша-пиша уйига келиши, китобни харид қилиш учун онасидан пул олиш мақсадида онасини уйдан излаши, тополмагач йиғлаб юборганлигини, кўрсак: – *Нима бўлди, ўғлим?*

–Китоб олмоқчи эдим, икки сўм керак эди” деб пичирлади Жамшид.

- Сени қара-ю! – Жалолов чорпоя суюнчигига ташлаб қўйган галифе шимини олиб, чўнтагидан пул чиқариб, Жамшидга берди. –Бор, ўғлим,ол. Нимага мендан сўрай қолмадинг, ўғлим? Ё мени ёмон кўрасанми? Жамшид тидраб кетди. – Йўқ ота, - деди настандан мўлтираб.” {Ш.Холмирзаев. Сайланма. 5-жилд.-Тошкент. “Шарқ”, 2007 й. 117-бет.} унинг илк бор Жалоловни “ота” деб атагани бежизга эмас. Ёзувчи нега айнан Жамшид китоб учун пул олганидан сўнг Жалоловни “ота” деб мурожат қилдиргани, китоб ўқиш орқали инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари ижобий томонга ўзгариб боришини кўрсатишга уринди. Мана ёзувчининг мақсади. Адиб Жамшидни китоб сотиб олиш билан бирга, йиллар давомида меҳрига зор бўлган, узоқ вақт кутган отасини топганидан хурсанд ҳолда тасвирлайди.

“-Она. Китоб олдим...отам пул бердилар,”- деб бахтиёр ҳолатда онасига сотиб олган китобини кўрсатаётган тасвирида унинг ҳаётдан мамнун инсон

эканлигини, китоб эмас отасини топганидан ичига сиғмай севинч билан онасига гапирган гапида кўришимиз мумкин. Инсоннинг жаҳолатга қарши биринчи муқоваланган исёни китобдир. “Ўн саккизга кирмаган ким бор?” қиссасининг асосий қаҳрамонларининг барчаси китобни яхши кўрадиган китобхонлар. Дашт кишиларига хос табиатга эга Тилов ўрни келганда жуда кўрс ва қайсар бўлсада, Жамшиднинг “- *Ака. Бу китоб қизиқ экан, ўқийсизми?*”- деб берган таклифига беписанд қарагани билан Жамшид ухлаганидан кейин, унга сездирмай жилдини очиб, китобни олиб, чироқни пасайтириб, “Икки сандиқ” эртагини сездирмай ўқигани, ўқиб бўлиб, юзини ёстиққа босиб, ўқиб-ўқиб йиғлаши тасвирада ёзувчимиз унинг ҳам маънавий ҳаётида туб бурилиш ясаганини тасвирлайди.

Шукур Холмирзаев бу юртнинг барча фуқаролари китобхон бўлишлари шарт деб ошкора аюҳаннос солмаган бўлса-да, аммо ўзи каби асарларидаги қаҳрамонларини ҳам китобга ошно қилиб тасвирлайди. Умиданинг хонасини тасвирлаш жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак: “...хонасининг бир бурчагида токча. Токчада китоблари. Китобларнинг кўпчилиги песалар “Момақалдиқоқ,” “Бой ила хизматчи”, “Оқ чорлоқ” Умида аллақачонлардан бери булардаги Катерина, Жамила ва Нина образларини ўйнашни орзу қилар, улардаги кучли ҳолатлар, бўронли кечинмалар ва оташин монологлар уни мафтун этарди.” {Ш.Холмирзаев. Сайланма.

5-жилд.-Тошкент. “Шарқ”, 2007 й. 143-бет.} каби баён этади. Илмдан беҳабар кўнгил-оғиз, китобсиз уй-ҳамиша қоронғу. Шу каби жамиятни, маънавий муҳитни яхши ва фойдали китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Китобдан билим, завқ-шавқ ва баҳра олиш одамнинг ботинини, руҳини тозалайди. Бугун кунда давлат сиёсатига айланиб бораётган бу ижтимоий масала жамиятнинг глобал масаласи даражасига етди.

“Тупроқ кўчалар” қиссаси болалар ҳаётига бағишланган бўлиб, унда ҳам ижтимоий ҳаётдаги қатор масалаларни тасвирланган. Мазкур қиссада ижтимоий муаммо ва масалалар қаторига китобхонлик масаласини ҳам сингдириб ўтилган. Шукур Холмирзаев “Тупроқ кўчалар” қиссасида болаларча содда, беғубор шунинг билан бирга мураккабликларга тўла ижтимоий ҳаётини тасвирлар экан, уларда ақлли, жасур, мард, адолатпарвар, виждонли болалар образлари билан бирга шўх, ўйинқароқ, тўпалончи, дангаса образларни яратади. “*Наган билан Юрчи кўчаларида қоронғу тушгунча велосипед миниб юрдик. Шу кеча икковимиз бирга ётдик. Велосипед яхши-ю, лекин китобга етмайди, - деди Наган. - Қандай китоблар ўқидинг? Махсумга қўшилганимдан буён китоб ўқимаган эдим. -Кўп ўқидим, оти эсимда қолмаган,-*” {Балтабаева М. Китоб комилликка етаклайди.-Тошкент. 2017 й.} деб ўйга толган қисса қаҳрамони кўчанинг бебош, безори болаларига қўшилиб қолганини, ўзи ҳам улар каби кўча боласига айланиб бораётганини ички тан олгани тасвирида, бола тарбиясига ташқи муҳитнинг таъсири борлигини кўрсатиб ўтади ёзувчи.

“Букри тол” қиссасидаги қаҳрамони Санам ёш боласи билан эридан эрта бева қолгани, ўз дарди билан ўзи бўлиб ғам ботқоғига ғарқ бўлай деб турганда онаси Ойна опа қистови билан қишлоқ совети қошидаги янги очилган кутубхонада ишга жойлашиб, Санам яна орзу қилишни, янги ҳаёт бошлашининг ҳам тагида ёзувчининг мақсади ётибди. Хўш, нега Санам магазинга ёки онасининг идорасига ишга жойлашмади. Унга бари-бир эди-ку? Қаерда ишлашнинг қизиғи йўқ, фақат дардларини бироз бўлса-да унитиш, боласи учун ўзини қўлга олиш эди. Шукур Холмирзаев Санамни айнан кутубхонага ишга жойлаштириш тасвири билан китоблар инсоннинг ёлғизликдаги ҳамроҳи, беминнат маслакдоши, дардларига малҳам бўла олишини моҳирона тасвирлаб берган.

Маълумки, Шукур Холмирзаев ижоди ўзининг серқирра, сербўёқлиги ҳамда ифода воситаларига бойлиги билан характерланади. {Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий тил маҳорати. Филол. фанлари. номз. диссертацияси. -Т.2003,326}.

Адиб адабиётимиз осмонида ёрқин из қолдириб мангу юлдузга айланган ижодкор.

Хулоса ўрнида айтганда, адиб қиссалари дунёсига кириб борар эканмиз, мавзулар кўламининг хилма-хиллиги, қаҳрамонлар характерининг такрорланмаганлигини, ахлоқий муаммоларни тасвирлаш усулини ўзига хослигини кўришимиз мумкин.

Олимлар, зиёлилар китобни инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишган. Зеро, тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг чинакам бойлиги. Буюк сарқарда бобокалонимиз Амир Темур: *“Китоб(битик) барча бунёдкорлик яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишининг асосидир ҳаётни ўргатувчи мураббийдир, ”* - деб таъкидлаб ўтган. Ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликнинг аччиқ меваси эканлигини англаган Шукур Холмирзаев деярли барча асарларига китоб ўқиш ғоясини сингдиришга уринганини кўраимиз.

Адабиётлар

1. Балтабаева М. Китоб комилликка етаклайди.-Тошкент. 2017 й.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор.//Шарқ юлдузи.2009 й. №3,7-бет
3. Коллектив. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Тошкент. “Фан.” 1978 й. 13-бет
4. Матмуродова М. Китоб ва мутолаа маданияти. Тошкент. 2010.
5. Наимов А. Китоб –илм ва ҳикмат манбаи. 2017 й.
6. Назарова Шаҳноза. Янги қиссачилик сарҳадлари. “Шарқ юлдузи” журнали, 2013 йил, 3-сон
7. Холмирзаев Ш. Адабиёт ўладими// “Тафаккур” журнали.1998 йил 2-сон
8. Холмирзаев Ш. Букри тол.-Тошкент. “Шарқ”, 1961 й. 46-бет.

10. Холмирзаев Ш. Сайланма. 5 жилдли, 4-жилд.-Тошкент. “Шарк”, 2007 й.
 11. Холмирзаев.Ш Адабиёт, ёзувчи ва ижод ҳақида. “Ёшлик”журнали 2012/9
 12.Потебня А.А. Эстетика и поэтика. –М.,1976.- с. 286
 13.Улуғов А. Адабий қаҳрамон қадри. “Жаҳон адабиёти”,2015йил, 5-сон.
 14.Қозоқбой Й. Муҳайё Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. –Т.:”Камалак”,
 2016, 25-бет.
 15.Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент. “Фан”. 2007.
 16.Одил Ёқубов. Бойсун сафари. www.kh-davkon.fz.

ҲАКИМОВ М., тадқиқотчи
(Ўзбекистон)

ОМОН МАТЖОН ИЖОДИДА САТИРА ТАРБИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Адабиёт фақат баландпарвоз гапу, ижодкорлик шу баландпарвозлик орқасидан қорин тўйдириш дегани эмас. Агар шундай бўлганида Абдулла Қаҳҳор унинг «кучини ўтин ёришга сарфла»шни тавсия этиши тайин эди. Жумладан, ўзи ишонгиси келмаган шеъри билан шеърхонни ишонтирмақчи бўлган шоир юксаклик эмас, тубанлик сари ҳаракат қилади. Аксинча, баландпарвозликдан холи, ҳақиқат куйланган шеър ўқувчи қалби ва шуурида бетакрор из қолдиради. Чунки бунда шоир ўқувчи билан ҳамдарад, ҳаммаслак. Шеърхон гўё шоирнинг лирик қаҳрамони.

Омон Матжоннинг «Бозор ҳазили» шеъри. Шеър 1992 йил – мустақилликнинг илк йилларида ёзилган. Дехқон ҳам, ҳунарманд ҳам – барчаси ўз маҳсулотининг эгасига айланиб ўзи сота бошлади: «Ўз жойида муқим нарса қолгани гумон, Алиш-алмаш, айирбошлаш замони келмиш». Хўш, эркинлик замонида ҳар ким ўз мулкидан хоҳлаганидек фойдаланса, нима бўлибди? Қолаверса, қадимда ҳам бу ерлардан савдо қарвонлари ўтган, қимматбаҳо буюмларни бизнинг маҳсулотларимиз билан айрибошлашган. Лекин шоир масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратади. Ўз мулкига эга бўлиш дегани уни хоҳлаганча ва хоҳлаганга сотиш мумкин дегани эмас:

*Наҳот, фойда, тама яшар миллатсиз, ерсиз,
Катта-кичик алишмоқда не тушса қўлга!¹*

Шоир шу ўринда тиниб тинчимаган халқни болариларга қиёслайди. Лекин боларилар «ўз иши-ла банд... Сал хавф сезса, бир-бирига қалқону вобанд».

¹ Матжон О. Сайланма. Т.: 1995. 15-бет (Бундан кейин шу манбадан олинган шеъринг парчалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

Ҳаётда ҳам меҳр, одамийлик, бирлик, ўзлик каби тушунчаларни асраб қолиш жуда муҳим. Уларни йўқотган халқнинг ўзи йўқолишга маҳкум. Шунинг учун шоирнинг қарори қатъий:

*Халқим! Агар истиқболнинг тагин булутли,
Ўтолмасанг олди-сотди, нафдан нарига –
Алишаман, сотвораман сени
бир қути,
Бир жамоа, бир аҳил уй асаларига! (15)*

Халқ бўлиб бирика олмаган ўрта осиелик аҳоли узоқ йил зуғум ва мустамлака сиёсати остида кун кечирди. Амирлик ва хонликларга бўлинга ҳолда бир-бири билан зиддиятда бўлган учта давлат Чор Россиясига қарши курашда бирика олмади. Омон Матжоннинг мана бу тўртлигида ана шундай ҳолат ўзига хос сатик тарзда ифодасини топган:

*Иккига бўлинди бир гуруҳ ўртоқ,
Интилиш озайди – торайди сўқмоқ.
Бир ялов остида эдилар энди
Чити мунда қолди, мунида – таёқ. (29)*

Бир байроқ остида ҳаракат қилувчи миллат иккига бўлиниб мол-мулкни тенг бўлишган. Ҳаттоки байроқни ҳам. Лекин иккига бўлинган байроқ энди оддий латта ва таёқдангина иборат матоҳ. Демак, улар халқ эмас, оломон. Олмоннинг бошига эса хоҳлаган кўйни солиш мумкин.

Омон Матжоннинг «Табиатнинг «Қизил китоб»ига» шеърида ҳам экогик муаммолар билан бирга виждон, садоқат, дўстлик каби инсоний туйғулар ҳақида сўз юритилади. Шоирнинг бой поэтик тафаккури бу тушунчаларни «Қизил китоб» билан муносабатга кириштиради. «Қизил китоб»да қирилиб кетаётган ўсимлик ва жонзодлар номи киритилиб улар асраб қолишга ҳаракат қилинади. Демак, «Қизил китоб» қайсидир маънода «нажот элчиси бўлса, етди унга кўп гап ёзмақнинг пайти!» Биринчи галда самолёту машиналардан чиқаётган захарли тутунлар туфайли ноёб бўлиб қолаётган тоза ҳавони, кейин тоза сувни ёзишни хоҳлайди шоир. Сўнг китобхон диққатини у инсоний муносабатларда йўқолиб бораётган тушунчаларга қаратади. «Кимлар пур-тўкин, Кимлар энг охирги бир кўмакка зор!» Унинг наздига кўра «қиймати буюк» ДЎСТЛИК, «собит ЭЪТИҚОД», табаррук УДУМларни ҳам топиш мушкул.

*Удумлар наинки бир-икки авлод,
Бир Халқ тақдиридан шаҳодатнома! (143)*

Шоир «Гўдак феълли дўстимга» шеърида эса шахслар характеридаги қусурларни болага хос хусусиятга қиёслаш орқали қаттиқ кулгу остига олади. Бола қилган хатолари учун тез-тез катталардан дакки эшитади, ўрни келганда жазоланади, сўнг йиғлайди, узр сўрайди. Бу ҳолат катталарда йўқ дейсизми?

*Йўқса, ҳар қадамда нечун хатолар,
Нечун шунча йиғи ҳам илтижолар?! (148)*

Болага хос нафснинг қули бўлиш катталарда ҳам бор. «Йўқса, не учундир бунча тўймаслик?» Ёмони шуки, боланинг нафсини бирор егулик ёки ўйинчоқ билан алдаш мумкин, лекин катталарнинг нафси ўпқон мисоли ҳамма нарсани ўз домига тортаверади. Ёш болада тақлидга мойиллик кучли – катталардан эшитганини такрорлаб юради. Шоир катталардаги лаганбардорлик, «соясига салом бериш» каби иллатларни шунга ўхшатади:

*Йўқса, нима учун катталар зинҳор
Не десалар, шуни қиламиз такрор?! (148)*

Шеър сўнгида кулгунинг салмоғи кулминация талабига кўра ортади. Энди шоир айрим шахларни эмас миллатни гўдакка қиёслаш билан шеър талабига хос образлиликни яратади. Шўро мафкураси таъқиб ва таъсирида ўтган етмиш йилги тасаввуримизни ҳам, тафаккуримизни ҳам гўдакники сингари тутишга уринилди. Миллатнинг Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Файзулла Хўжаев, Усмон Носир каби уйғоқ вакиллари қатағон қилинди. Минг йилликлар оша шаклланган цивилизациямиз таъқибга учради, тарихимиз тўғри баҳоланмади. Бу қилмишларнинг ҳаммасида миллатимизнинг ўзлигин эсламаслик, мустамлака бўлиб қолиш, ЭРК, ОЗОДЛИК каби тушунчаларни ёдга олмаслик кабилар мақсад қилиб олинга эди:

*Йўқса, не учундир шунча овутмоқ,
Шунча алдаб, шунча уйқуда тутмоқ?! (148)*

Мана шу оддий деталь тўққиз банддан иборат каттагина шеърга таяч – тугун вазифасини ўтаган. Хўш, қахрамонимиз игна қадайдими, йўқми? Қадаса, нима бўлади? Қадамаса-чи? Шоир игна қадашни Ватанига хиёнат деб билади ва тақлифни рад этади.

*Юртимиз қалбини бир бор кўрсайдинг,
Найзалар ўрнини минглаб битмаган.
Доро, Искандарлар тиз урган унга,
Энди мен санчишим гўё етмаган. (230)*

Омон Матжон ижодида сатира шеърий масал ва шеърий ривоят жанрларида ҳам намоён бўлади. Унинг «Қирқ афсона» туркумига кирувчи «Одамнинг ёши», «Нуржон ботир», «Муаллақ тўрғай», «Аждар қудук» каби афсоналари ўқувчи кўз олдида турли хил мажозий кулгуларни яратади. «Одамнинг ёши» шеърий масалида инсон умрни беҳуда ўтказмасликка даъват этилади. Масалга кўра Табиат бобо барча жонзотнинг ёшини қирқ ёш этиб белгилайди. Қирқ йил ўтгандан кейин у умрни қандай ўтказганлиги тўғрисида барча жонзодларни сўроқ қилади. Кимдир ўтган умридан рози, кимдир норози. Навбат эшакка келибди. Эшак берилган умр жуда кўп эканлигин айтади. Чунки одам уни куч-қуввати борлигида роса ишлатади, қариганида эса хору зор қолади. Шунинг учун эшак йигирма ёш сўрайди. Ит сўроқ қилинганда, у ҳам ёшлигида одамга роса хизмат қилганлигини айтади. Аммо қариганда у ҳам дарбадар қолади. Хуллас, у ҳам йигирма ёшни талаб этади. Ниҳоят, инсон сўроқ қилинади. Инсон учун «Қирқ ёш – энг зўр ёш экан, Онг – тиниқ, куч –

чош экан, лекин андак ташвиш кўп, Умр – чоп-чоп, шош экан». Бу вақтда у ҳаммасига улгурмайди. Шунинг учун Табиат бобо эшак ва итдан ортган умрни ҳам инсонга беради. У инсонга асл ёши қирқ ёш эканлиги, шу даврдан унумли ва ўринли фойдаланса, боши «сўнг хам эгилмас»лигини таъкидлайди. Агар ўз ёшидан унумли фойдалана олмаса, унга эшак ва ит қисмати, «сўзсиз, бўлур дуч!» Ёшликда вақтни бекор ўтказмай илму ҳунар ўрганишга интилган кишининг қарилиги ҳам файзу баракотли бўлади. Чунки унинг фарзанлари ва шогирдлари қанотига киради.

Шоирнинг «Нуржон ботир» асари халқ эртак ва ривоятларининг таъсирида яратилган. Оддий инсонларнинг қахрамонлик кўрсатиб лақма ва гўл боёнлар устидан кулиши, уларнинг очкўзлиги ва тубанлигини фош этиши халқнинг азалий тилаги эканлиги ўзи яратган ижод намуналарида акс этган. Ижодкорнинг назарда тутилаётган асарида ҳам Нуржон ботир оддий паҳлавон. Ботқоқдан навкарлар чиқара олмаган хонни чиқариб олади. Хон ундан эвазига истак сўрайди. Нуржон ботир хонга кўрган пайтда ҳол аҳвол сураб қўйишининг ўзи етарли эканлигини айтади. Хоннинг у билан сўрашганини кўрган тилёғламачи амалдорлар эса ботирга совға-саломлар бериб ўзларини хонга яқинлаштириш пайига тушишади. Ботир барча совға-саломларни оч-наҳор халққа таркатади. Мансабпарстлар арз қилгач, хон салом ўрнига бошқа тилак сўрашини айтади. Ботир бу гал лақма хоннинг хаёлига ҳам келмаган шамолни хатлаб олади ва кузда буғдой совуртираётган бойлардан хирмоннинг учдан бирини шамол ҳақиқа олиб бечораларга беради. Бойлар ботирнинг халқ орасида обрўси ошиб кетаётганлигини рўқач қилиб хондан фармонни бекор қилишини сўрайди. Нуржон бу гал хондан қаҳқаҳани сўраб олади. Айшу ишратга берилган амалдор ва бойларнинг таъзирини беради:

“Бас қилинсин кулги!» - дейди Нуржон чиқиб ўртага

Ва бош узра кўтаради хоннинг зархат ёрлигин!

Ўртадаги уюм пулни жарима деб олади,

«Энди менсиз кўрсатмайсиз тишингизнинг бир оқин...» (191)

Аламзада бойу тўралар илтимоси билан хон Нуржонга яна тилагини ўзгартиришини айтади. Тилакларнинг бир неча бор алмашишида хоннинг қатъиятсизлиги, амалдорлага ён босиши, ва калтафаҳмлиги очиб берилган. Нуржон ботир энди хондан адолатни ушри кафсан қилдириб олади. Хон «нима десин? Йўқ деса, бу – адолат йўқ дегани». Уйга қайтаётган Нуржон бу гал хурсанд эмас. Чунки адолат бўлмаган салтанатда уни ушри кафсан қилишдан не наф?

Хуллас, ёш даҳо алданган халқ билан осмонда шаҳар қуришга киришади. Ҳафтаю ойлар ўтса ҳам у режалаштирган шаҳар осмонда пайдо бўлмайди. Халқ алданганини сезиб ерга қайтади, аммо даҳо тўрғай «ўз аҳдидан қайтмайди». Унинг алдови билан халқ қанчадан-қанча ишдан қолиб кетди. «Даҳо» тўрғай қиёфасида тасдиғини топмаган ва асоссиз фикрларга ёпишиб олган шахслар кулгу остига олинган. Адабиётшунос У. Норматов асар ҳақида

фикр юритар экан, уга шундай изоҳ беради: «Бу саргузашт етмиш йил давомида қачадан қанча калтабин «даҳо»ларнинг беҳуда ташаббуси билан амалга оширилган самарасиз тадбирларга нозик ишора, пичинг-киноя эмасми?! 70-йиллар шароитида «қизил империя» «даҳо»ларига нисбатан бундай пичинг-киноялар қилиш катта жасорат эди».¹ Ҳақиқий сатирик асар ижодкордан ана шундай жасоратни талаб қилади.

Хуллас, Омон Матжон тарбия воситаси сифатида асарларида сатирадан ҳам фойдаланган. Кескин танқид қилиш орқали халқни бирдамликка, ноинсофни инсофга, иккиюзламачини қатъиятга чорлайди. Энг муҳими, шоир сатиранинг қон томири бўлмиш аччиқ ҳақиқатларни шоирлик позициясидан чекинмай айта олган.

Ҳамраев К., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ҲИКОЯДА ПАРАЛЛЕЛ ТАСВИР МАРОМИ

XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек ҳикоячилиги чин маънода янгилиниш томон силжиди. Оҳорли топилма – бадий образлар яратилиши ва турфа хил шаклий изланишлари билан ўзига хос. Насрий жанрлардаги янгилиниш учқунларининг ҳикоядан бошланаётгани тасодиф эмас, балки ижод психологияси ва жанр табиати билан боғлиқ.²(Жўрақулов, 2015: 218.) Айниқса, бундай ўзгаришлар сирасига кичик жанрнинг ўзига хос услуби поетик нутқ кўринишлари ҳамда сюжет ва композицион шаклларнинг янгилиниши кўзга ташланади. Масалан, Ш. Холмирзаев ҳикояларида маҳаллий колорит фонида овчи ва тоғ одамларининг образларини яратишга мойиллик кучли бўлса, Н. Эшонқул ҳикояларида халқ поетик ижоди, тасвирий санъат, жаҳон адабиёти тажрибаларидан фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, бадий синтетизмнинг бўртиб туришини эътироф этиш мумкин. Мурод Муҳаммад Дўстнинг ҳикояларидаги "Галатепа", Н. Эшонқулнинг "Терсота", Анвар Суюннинг "Ғўбдинтоғ" каби хронотоп шакллари янгилиниш омилларидан бири бўлиб, ҳикоя жанри имкониятларининг кенгайишига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўтган асрнинг иккинчи чорагига келиб ўзбек ҳикояларида пайдо бўлаётган параллелизм ҳам шундай тасвир воситаларидандир. Параллелизм юнонча "параллелос" – ёнма-ён турувчи ёки борувчи деганидир. Халқ оғзаки ижодида жуда кенг қўлланилган, кейинчалик ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилган тасвир усули ҳисобланади. Бадий параллелизм муайян ўхшашликка эга нарса-ҳодиса параллел (ёнма-ён) тарзда тасвирлаш демакдир. Параллелизм тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар орасидаги ўзшашлик ёки зидлик туфайли образни жонли тасвирлаш, ҳис-туйғуни ёрқин ифодалаш имконини

¹ Норматов У. «Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт» / Матжон О. Сайланма. Т.: 1995. 374-бет

² Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. Т., 2015, 218 бет.

беради. (Қуронов ва бошқалар, 2010: 214) Рус адабиётшунослари икки аъзоли, кўп аъзоли, инкор ва образли параллелизм турларини фарқлашади. Улар фольклор ва қадим ёзма адабиётга тегишли асарларда қўлланган параллелизм ҳодисасини назарий асос сифатида кўрсатишади. Албатта, ўзбек фольклорида ҳам параллелизм воситасида қурилган асарлар талайгина. Дейлик:

Оқ милтиқ, қора милтиқ,
Отган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ёт кўриб,
Сотган отам ёр-ёр.

"Қизнинг тақдирига бегоналарча муносабатда бўлган отанинг золимларча қиёфаси юқоридаги тўртликда тематик, психологик параллелизм воситасида очилган", деб ёзади бу ҳақда фольклоршунос Р. Носиров. (Носир, 2006: 121) Кўринадики, бадиий параллелизмнинг пайдо бўлиш илдизлари қадим бадиий тафаккурининг муҳим ифода воситаларидан бири бўлиб келган. Бу эса, ҳозирги ўзбек адабиётидаги асл асарларнинг моҳиятини очишга, англашга хизмат қилади.

Демак, ўзбек ҳикояларидаги параллелизм ҳодисаси ҳам тасодиф эмас. Ш. Холмизаевнинг "Ёввойи гул", "Бодом қишда гуллади", "Қуёшқу фалакда кезиб юрибди", "Озодлик", "Кузда баҳор ҳавоси" каби ҳикояларида бадиий параллелизмнинг бир нечта намуналарини учратиш мумкин.

Параллелизм бадиий асар композитсиясининг воситаларидан бўлиб, ёзувчининг бадиий мақсади билан боғлиқ ҳолда ҳикоя симметриясидан ўрин олади. Шукур Холмирзаев ҳикояларида эса психологик, кўп аъзоли, образли, инкор каби параллелизм шакллари учрайди:

1. Психологик параллелизм - бадиий образнинг руҳий ҳолатини ифодалаш ниятида табиат ҳодисалари билан таққослаб кўрсатиладиган композицион шакл. Бунда қаҳрамоннинг руҳиятидаги ўзгаришга қараб, параллел қўйилган табиат унсури ҳам бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши мумкин. Мисол учун, Ш. Холмизаевнинг "Бодом қишда гуллади" ёш йигит қисматида параллел қўйилган бодом дарахтини олишимиз мумкин. Хуббижамол исмли ҳамширани севиб қолган йигит ҳолати қишда гуллаган бодом параллел қўйилади. Ўзи учун нобоп муҳитда гуллаган бодом табиат қонунига кўра ҳалокатга маҳкум. Аммо бундай бевақт гуллашда бодомнинг ихтиёри бўлмаганидек, асар қаҳрамони Носиржоннинг ғайриихтиёрий муҳаббати ҳам на табиат, на жамият, на маъшуқа томонидан ўринли топилади. (Ҳамраев, 2010, 145-148) Ёки ёзувчининг "Озодлик" ҳикоясида кўп аъзоли психологик параллелизмнинг ёрқин намуналарини кўришимиз мумкин. қамокдан озодликка чиққан Мансур образи, мустақилликка жамият тасвири, қафасдан озод бўлган каклик (Қорақош) образининг параллел тарзда тасвирланиши фикримизнинг далилидир.

2. Образли параллелизм ҳикоя сюжет чизиғи бўйлаб жойлашиб, бадиий матннинг бир қисмида ётади. Ҳикоя сюжет чизиғига монанд ҳаракат қилувчи

образ портретига мувофиқ келувчи параллел ҳодиса орқали композицион бутунлик яратилади. "Ёввойи гул" ҳикоясининг сюжети эса олайлик: қишлоқдан шаҳарга келиб ўқиган Восит шу ерда ишлаб қолишни мақсад қилади. Аммо ҳеч омади келмаган ёш қаҳрамон дастлаб, касалликка чалинади. Кейин ишдан ҳам ҳайдалади. Охир-оқибат қишлоқдан олиб келиниб, шаҳарга экилган ёввойи кийик гулининг шаҳар ҳавосига мослаша олмасдан, чўп бўлиб қолганлигини кўриб, ўзининг қишлоқдалигини тушунади.

3. Инкор параллелизм воситасида асар воқеаларини ҳаракатга келтиришда ҳамда акс таъсир тасвирида ягона поетик бутунлик яратилади. Кўп ҳолларда образнинг руҳий ҳолатига табиат ҳодисалари параллел қўйилади: "Бир маҳал денг бир-бирини қувла иккита оқ капалак келди. шундоқ оёғим остида эмишда. қийғос гуллаган зиралар устида пилдираб уча бошлади. Вой, шундай чиройли, шундай чиройли!... Ана шунда калламга ғалати фикр келди: "Атрофга қара, – дедим ўзимга-ўзим, ҳамма жонли жониворлар жуфт-жуфт! Сен эса, ёлғизсан! Сенинг ҳаётинг нотабиий ҳаёт..." (Холмирзаев, 2005: 223-250)

Мазкур ҳикоянинг қаҳрамони қудратжон бир жуфт капалакнинг шўх-шодон ҳаракатини кўриб, ўзининг ёлғизлигини англаб етади.

Ёш ёзувчи А. Суюн ўзининг "Ота ва ўғил" ҳикоясида ҳам инкор параллелизмнинг намунасини кўришимиз мумкин: "Кучук муллатўрғай уяси ёнидан ўтаётиб, ноҳосдан полапонларига яқинлашиб бораверди. Соялаб ётган она қуш ўқдай учиб, кучук олдига яраланган каби "шалп" этиб тушди. Қора кучук унга отилди. Қуш бир зарб билан сал илгарироққа калта учди. Кучук ортида тушди. Бу ҳол, яна, яна ва яна такрорланди...

Лаққа кучук муллатўрғай инидан олислаб кетди.

Муғомбир қуш "пир" этиб дарахт шохига чиқиб олди". Бу эпизод отанинг ўғлига нисбатан зид ўлароқ, параллел тасвирланади. Ушбу парчалар оддий табиат тасвиридек туюлса-да, ёш ёзувчининг бадиий ғояси билан поетик алоқага киришади. Яъни она муллатўрғай жасорати отанинг руҳиятидаги эврилишларга сабаб бўлади. Бундаги параллелизм ҳикоя семантикасининг ички мувозанатини ҳосил қилиб, ёзувчининг бадиий ниятини ифодалашда поетик таянч вазифасини бажаради. Тўғри, "Биз ўқиган ва мукамал кўринган асарларда муаллиф уларни қай йўсинда ясаган-ясамаганидан, қурган-қурмаганидан – оқилона пишиқ-пухта режа тузган-тузмаганию, индивидуал-ижодий кайфиятни бошидан кечирган-кечирмаганидан қатъий назар, ботиний бир мувозанат, воқелик тасвирида симметрия, муаллиф баёни ва сюжет динамикасида параллеллик кўзга ташланади." (Каримов, 2016: 64)

Демак, ҳикоя жанри таркибидаги бадиий параллелизмнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- параллелизм ҳикоя семантикасига ўхшашлик, қиёслаш зидлик каби маъновий параллел кўринишларда бўлади;

- параллелизм ҳикоя қаҳрамонининг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ равишда ўзгариб туради;

- параллелизм ҳикоя сюжети чизиғига монанд қарама-қарши қўйилади;

- параллелизм инсон образи ва табиат ҳодисалари ўртасидаги ўхшашлик, зидлик, қиёслаш фонида бадиий асар ғоясига ишора қилади;

- параллелизм ҳикоя воқеасининг баёнида ўзига хос қолиплаш, тасвир тарзини яратади.

Хуллас, параллелизм асар композитсиясининг унсури бўлиб, ёзувчи бадиий ғоясига қўйилган қанотдир. Бу "қанот" - бадиий асар тўқимасининг пойдевори. Унда инсоннинг маънавий олами бадиий пафос руҳида ўз ифодасини топади. Параллелизм ижодкорнинг бадиий нияти, ҳикоя сюжети, образ ва детал, бадиий услуб кабиларни маълум бир шаклга солувчи поэтик тармоқ ҳисобланади. Албатта, бундай типдаги шакил ўзгаришларнинг ҳикоя жанридаги учраши инсон билан табиат ўртасидаги айният ва зидликларни тасвирлашда муҳим композицион аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. Т., 2015, 218 бет
2. Каримов Б. "Уч ҳикоя – уч ғоя", "Тафаккур" 2016, 1 сон, 64 бет.
3. Носир Р. Халқ кўшиқлари композицияси. Т., "Фан" 2006, 121 бет.
4. Холмирзаев Ш. "Қуёшқу фалакда кезиб юрибди" Сайланма. 2-жилд, Шарқ нашриёти матбаа, Т., 2005, 223-250 бетлар.
5. Ҳамраев К. "Чин ошиқ образи", Мақолалар тўплами. Т., 2010, 145-148 бетлар.
6. Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Академнашр, 2010;

ҲАСАНОВА Б., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

АСҚАД МУХТОР ҲИКОЯЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАСВИР ТАЛҚИНИ

XX аср ўзбек адабиётининг замонавий савиясини дунёга кўрсата олган ёзувчи Асқад Мухтор адабий тур ва жанрларнинг деярли барчасида баракали ижод қилди. Хусусан, ҳикояларида ҳам замонавий салафлар А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулум ижодий анъаналари билан биргаликда халқ оғзаки ижодининг ҳаётбахш излари, шунингдек, жаҳон ҳикоячилигининг етук ижодий тажрибаларини изчил давом эттирди. Шу жиҳатдан ёзувчининг ўзига хос ҳикоянавислик маҳоратини ўрганиш ва ўргатиш зарурияти ҳамма давр учун долзарблик касб этади, дейиш мумкин.

Асқад Мухтор ислом динининг илғор гуманистик ғояларидан илҳомланган ҳолда, ҳикояларида сифат ўзгаришлар намоён қила олди. Янги ўзбек шеърятининг ёрқин вакили Рауф Парфи Асқад Мухтор ижодига мана шундай юқори баҳо беради: "Асқад Мухтор – XX аср ўзбек-турк дунёсини

бутун фожиалари-ла, бутун парвозлари-ла мужассам қилган буюк адибдир. Асқад Мухтор ижодиёти кўзгусида Зардўшт, Конфуций, Дао, Муҳаммад алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом, Баҳовиддин Нақшбанд таълимотларининг бадий савлати юз кўрсатади. Бу инъикос у ёки бу даражада бўлишидан қатъий назар, Инсон ва инсонийлик, Инсон бахти учун кураш ғояси билан суғорилгандир. Биз ўзимизнинг майда, икир-чикир тирикчилик гирдобимизга қориштириб фикр қилмайлик. Чунки бу гирдоб юз йиллар изтироб чекиб терган маънавий маржонларимизни ютиб юборишга ҳам қодир”¹(Асқад Мухтор замондошлар хотирасида, 2003: 169).

Асқад Мухторнинг “Фано ва бақо”, “Чодирхаёл”, “Жинни”, ва шунингдек, “Тақдир кимнинг қўлида”, “Қора домла” ҳикояларида фожеавий оҳанг кучли. Хусусан, тадқиқотчи С.Матякубов “Фано ва бақо” ҳикоясини таҳлил этар экан, шундай хулоса чиқаради: “Фано ва бақо” ҳикоясининг фожиали фалсафий мағзи асарнинг сўнгги жумлаларида аниқ мужассамлашган. Имонини кўйдирган, имонини йўқотган кимсалар ким ўзи? Одатда, жаҳон классикасининг фожеий асарлари қаҳрамонларнинг ўлими билан якунланар эди. А.Мухтор ҳикоясидаги имонсиз Холхўжа ҳам, Очил ҳам бир-бирини тириклай “бўғизлади”, тириклай “чавақлади”. Лекин ҳар иккиси ҳам тирик қолди.

Трагедия жанридаги катарсис ҳолати, яъни қаҳрамонларнинг – руҳий эврилиши, покланиши асноларидаги хайрат, қўрқув, даҳшат бугунги ўзбек ҳикоячилигида психоанализ – руҳиятлар бадий таҳлили тарзида зоҳир бўлаётир. А.Мухторнинг “Фано ва бақо” ҳикоясида ана шу сифат ўзгаришининг инкишофини кўрамыз”²(Матякубов, 2006: 8). Дарҳақиқат, “Фано ва бақо”даги имонсиз кишилар образи беихтиёр “Тўққизинчи палата” ҳикояси қаҳрамони Ҳожи бувани, “Макрух” ҳикоясидаги Султон сўтакларни ҳам эсга туширади. Имонсиз кимсаларнинг бадий талқини бу ҳикояларда чуқур асосланган.

Асқад Мухторнинг илк синов сифатида ёзилган ҳикояларидан сўнг яратилган “Доғ”, “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Қора домла”, “Жинни”, “Фано ва бақо”, “Тўққизинчи палата” сингари ҳикояларида теран психологик таҳлил кучайди. Хусусан, бу таҳлилларда ижтимоий психологизм кучайди. “Фано ва бақо”да имонсиз одамларнинг икки типик вакили аччиқ истеҳзо билан яратилган бўлса, “Тўққизинчи палата”да бир имонсиз чолга икки имонли кекса мўйсафид чоллар образи қаршилантирилади. Бинобарин, Ҳожи бува ўз исмига тескари равишда имонсиз, худбин шахс. Бу шахсга зид тарзда тақводор чол ва Ҳожи буванинг палатадоши бемор Баҳромов образлари яратилган.

¹ Парфи Р. Энг маданиятли адиб / Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 169.

² Матякубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 8.

Шунингдек, ёзувчининг яқин ўтмиш тарихидан сўзловчи “Тақдир кимнинг қўлида” ҳикояси қаҳрамони Қулаҳматнинг аччиқ тақдири китобхонни ларзага солади. Асқад Мухтор бу ҳикоясида ҳам маънавий-ахлоқий, ижтимоий-психологик таҳлилларга кенг ўрин беради. Хусусан, бу бадиий-фалсафий ғоялар талқини “Тақдир кимнинг қўлида” ҳикоясида бўртиб кўринади. Ҳикоя эллиқдан ошган, на оилада, на жамиятда бахт топмаган, омади чопмаган Қулаҳматнинг аянчли ҳаёти ва тақдиридан сўзлайди. Қулаҳмат – сантехник, топган пулига ичади, улфатлари билан ичишиб, кейин муштлашиб, уришиб, кўзини очганида доимо хушёрхонада ётган бўлади. Ҳикоя қаҳрамони ёш лейтенант уни “Тақдир одамнинг ўз қўлида” эканига ишонтириб, Қулаҳматни ўйлашга, бошқачароқ яшашга, фикрлашга мажбур қилади. Бу қаҳрамоннинг ички монологида шундай акс этади: “Ҳозир ётди-ю, ёш лейтенантни ўйлаб кетди: яхши бола. Милисага сира ҳам ўхшамайди. Тақдир одамнинг ўз қўлида эмиш... Жўн гапини қара. Ҳай, тўхта, борди-ю чиндан ҳам шунақа бўлса-чи? Эҳ-хе... Айтишга осон. Содда-да, нимани ҳам кўрибди. Нима бўлса ҳам, болани қийнамаслиги керак. Йўқ! Энди бошқача яшайди, гап битта!”¹. Қулаҳмат ўзининг чиркин ҳаётини тарк этиб, Чирчиққа йўл олади. Чунки, у ёш лейтенант дашном берганидек, тақдирини яхшилашга ҳаракат қилади. У Чирчиқда “Файз” кооперативига ишга жойлашади. Қулаҳматнинг ҳаёти анча ўзгара бошлайди. Муаллиф баёнида берилганидек: “Шундай қилиб ажойиб одамлар орасига тушиб қолди Қулаҳмат. Бунақанги омад тушига ҳам чалинган эмасди. Уй-хўжалик ишларининг ўнлаб хилларини бажариб турган “Файз” кооперативини бутун шаҳар биларди. “Файз”данман, чақирганмидингиз?” деса қўли гул болаларга ҳамма эшиклар ланг очик. Қулаҳмат икки ой деганда умрида киймаган костюм олди, хушёрхоналарда қирилавериб унутилиб кетган сочлари ҳам қорайиб чиқди. Чаккаларигина жиндай кумушранг эди. Юзидаги, бўйнидаги яралар чандиқсиз битиб кетди.

Аммо юзаки ўзгаришлар, юзадаги яралар экан.

Уларнинг битмайдиганлари борлигини оддий бир телефон кўнғироғи эслатиб қўйди”².

Телефон кўнғироғи ҳикоянинг бадиий тугуни сифатида воқеаларнинг янги ўзанга бурилишига ишора этади гўё. Қулаҳмат телефонда Комил Миртожиевич исми-фамилиясини эшитгани ҳамон тарашадек қотиб қолади. Бир телефон сабаб у ўзининг сокин ҳаётига нуқта қўйиб, яхши ишхонаси ва ажойиб дўстларини ташлаб, тўрвахалтасини кўтариб, боши оққан томонга кетиб қолади. Миркомил Миртожиевич унинг собиқ курсдоши эди. Ўтмиш... Тўғрироғи, Қулаҳматнинг қора ўтмиши қаҳрамон ҳаёлида қайта тикланади.

¹ Мухтор А. Тақдир кимнинг қўлида / Инсонга қуллуқ қиладурмен. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 43.

² Мухтор А. Тақдир кимнинг қўлида / Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 48.

Ёзувчи ҳикоянинг бу ўрнида ретроспектив сюжетдан фойдаланади. Яъни орқага қайтиб, қаҳрамоннинг талабалик йилларини, ўтмишдаги қора нуқталарни, оғриқли хотираларни тасвирлайди.

Миркомил Муршида исмли қиз туфайли Қулаҳматни бутун институт олдида “халқ душманининг ўғли, ёт унсур” деган айбнома билан нафсониятига тегиб, сиёсий айб қўяди. Қулаҳмат Миркомилдан ўч олиш учун Акмал Икромовнинг бюстидан фойдаланиб, химия домласи (у Миркомилнинг отаси)нинг устидан ифво хат ёзади. Қулаҳмат мана шу хатти-ҳаракати билан энг даҳшатли ғайриинсоний ишга қўл уради. Миркомилнинг отаси отилиб кетади. Қулаҳматнинг отаси эса сургундан қайтиб келади. Бу воқеалар беихтиёр шўро даврининг икки даҳшатли қатағон йилларига (1937, 1950 йиллар) рамзий ишора беради. Асқад Мухтор “Тақдир кимнинг қўлида” ҳикоясида қасос ўтида ёнган Қулаҳматнинг жирканч иши ва бахтсиз, омадсиз ҳаётини тасвирлаш орқали замондошларимизнинг шўро давридаги қора кунларидан ҳикоя этади. Одамлар бир-бирига чоҳ қазимоқ билан банд. Ёзувчи ҳикояда ҳар ким ўзини ўйлаши, омон қолиш учун, қасос олиш учун бир-бирининг устидан юмалоқ хатлар ёзган, қанчадан-қанча кишиларнинг ёстиғини қуритган машъум кунлардан бир лавҳани таъсирчан ҳикоя қилади. Қулаҳматни бутун умр қора ўтмиш таъқиб этади. Зеро, у бегуноҳ бир домланинг ўлимига сабабчи бўлиб қолади. Тақдир ҳукмимикан, Қулаҳмат севган қизи Муршида яшайдиган жойга боши оғиб бориб қолади. Тасодиф уларни яна учраштиради. Сантехник Қулаҳмат Муршиданинг чақирuvi билан унинг уйига бориб қолади. Муршида ҳам ёлғиз, Қулаҳмат ҳам ёлғиз. Уларнинг кичкинагина тўй маросимида ичиб, алжираб қолган Қулаҳмат ўзини ўзи фош этади. Мана қаҳрамон нима дейди: “ – ... Кўрганмиз-да, мана Муршида гувоҳ. Дейлик, мана сизнинг ўнта душманингиз бор-а? Қани, олдин биттадан ичайлик... олинг. Ҳа, дейлик, мана ўнта, ҳай ўн бешта душманингиз бор. Кечаси ётоққа кириб қаламни аста қўлингизга оласиз-у битта-битта... нишонга олиб, “чиқ!”, “чиқ!” А лаббай? Ҳа, бамисоли қалам эмас, мен сизга айтсам, овозсиз ўқдай гап бу. Фақат тепкисини бошқа жойда бошқалар босади. Мен ўзим ҳам биттасини ... Мана Муршида гувоҳ, гумдон бўлиб кетган”¹.

Ҳикоянинг ечими даҳшатли монолог билан якунланади. Бу монолог қотил ва кушандага айланган Қулаҳматга тегишли: “–Турмайман. Менга қара, Муршида, мен туролмайман, ичимда ... тош бор. Ўшанда шум хабарни эшитгандан кейин, пешонамга бир шапати уриб, – у пешонасига тарс этиб уриб ҳам қўйди, – пешонамга шундай бир уриб, “мен қо-тил-ман!” дедиму, йиқилдим. Ўшандан кейин туролганим йўқ. Ичимда тош эмас, дард бор, Муршида, ўша юзага чиқади. Қандай алфозда чиққанини мен билмайман, эслолмайман...

¹Мухтор А. Тақдир кимнинг қўлида / Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 60.

Биласанми, битта армоним бор: менинг ҳам кимнингдир юзига туфлагим келади. Лекин кимнинг юзига, Муршида? Билмайман. Бир туфласам, маст бўлганда ёриладиган ичимдаги ўша пасод балки туфугим билан бирга чиқиб кетарди...”¹.

Қулаҳмат ўзига ўзи бу ички монологни ўқиб бўлиб, у ёқ-бу ёғига қараганида, ёнида ҳеч қолмаган эди. У ўзини “янги самодержавие даврида яшаб, тарихдан тушиб қолган одам” деб таърифлайди. Қулаҳмат ўзининг жуда мудҳиш жиноят, кечирилмас гуноҳ қилиб қўйганини билади. Шунинг учун ҳам бутун умр беҳаловат, беватан яшайди. Қулаҳмат энди бахтини топдим деганида, ичидаги гуноҳлари портлаб чиқиб, яна эски дарбадар, бахтсиз ҳаёти билан қолади. Кузатиб турганимиздек, “Тақдир кимнинг қўлида” ҳикоясида Асқад Мухтор ҳам ижтимоий, ҳам психологик таҳлилга чуқур киришади, нозик сарказм воситаси билан яқин ўтмиш тарихида кечган мудҳиш воқеалардан, бу воқеалар ичида виждонига қарши иш тутган имонсиз кишиларнинг тақдиридан баҳс этади. Қулаҳмат ҳам давр ва замон синовларидан муваффақиятли ўта олмайди, инсонийлик чегараларини бузиб, ёвузликка хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. – Тошкент: Маънавият, 2003.
2. Асқад Мухтор. Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
3. Матякубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

**Хабибуллаева Ф., доктор философии
по филологическим наукам (PhD)
(Ўзбекистан)**

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА ЭЛЕМЕНТОВ НАЦИОНАЛЬНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ И МЕНТАЛИТЕТА

Большую сложность для перевода представляют детали, связанные с ментальными особенностями, религией и миропониманием носителей языка подлинника. Иногда даже самый адекватный с точки зрения подлинника и исторических реалий перевод может вызвать недопонимание у читателя перевода. Известно, что ментальность нации определяется ее верованиями, а значит понять узбекскую литературу без определенных знаний в области ислама так же невозможно, как пытаться осмыслить русскую литературу в отрыве от христианской традиции. Рассмотрим несколько деталей романа, связанных с мусульманским мировоззрением. Они носят различный характер: некоторые отражают особенности мировоззрения героев, другие характеризуют их поведение, третьи стали неотъемлемой частью образа жизни нации, так что

¹ Мухтор А. Тақдир кимнинг қўлида / Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 61.

игнорирование или неточное воссоздание их в переводе может привести к серьезным проблемам в отражении категории национального в романе.

Одна из таких деталей проступает при описании состояния Атабека, узнавшего о смуте, связанной с истреблением народа – кипчаков. Автор пишет: «бундай ўзбошимчалик орқасидан ўзининг очик кўзи, ўткир зехни орқалиқ мудҳиш, фалокатлик манзаралар кўрар, миллатини – халқини – мусулмонини кўркунч жар, тегсиз жаҳаннам ёқасида, йиқилиш олдида топар эди...» (Қодирий, 2014: 33). Здесь следует обратить внимание на однородные дополнения: «миллатини – халқини – мусулмонини». Несомненно, тире между этими словами использовано преднамеренно: с целью подчеркнуть, что они равнозначны не только с точки зрения выполняемой синтаксической функции, но и по смыслу, иначе, можно было бы довольствоваться привычными запятыми. Мухаммаднодир Сафаров учел это и перевел данный отрывок следующим образом: «...всем сердцем чувствовал, что его народ, его нация – мусульмане стоят на краю зияющей и устрашающей бездонной пропасти...» (Кадыри, 2009: 38). Как видим, в переводе структура однородных дополнений сохранена: «его народ, его нация – мусульмане». Для современного читателя (причем, не только русскоязычного, но и для большинства читателей подлинника) может показаться странным, что здесь стерты различия между понятиями «народ», «нация» и «мусульмане». Однако, понимание текста (высказывания чужого) требует исторического подхода, и по правилам герменевтики по Ф.Шлейермахеру: «Все, что в данной речи еще требует уточнения, уточняется только из языковой области, общей автору и первым читателям» (Шлейермахер, 2004: 73). Это значит, что переводчик должен в точности понимать то, что данное высказывание сообщало читателю 20-х годов прошлого века, то есть, когда был написан роман. Более того, «всякую речь надлежит понимать только в связи со всей жизнью, к которой она относится, то есть, поскольку всякая речь познается только как жизненный момент говорящего и обусловлена всеми остальными жизненными моментами, а они, в свою очередь, получают определение из совокупности своего окружения, на основе которого определяется его развитие и дальнейшее бытие, то, стало быть, и всякого говорящего можно понять только на фоне его национальности и эпохи» (Шлейермахер, 2004: 45).

Таким образом, здесь необходимо знать, что именно сообщало данное высказывание Атабека, с одной стороны, другим собеседникам, а с другой стороны, первичным читателям романа. Между Атабеком и другими участниками беседы (которая относится к середине XIX века) существует полное взаимопонимание, и если автор не предусматривает здесь никаких пояснений читателю, то это означает, что для первичного адресата романа – читателя-узбека двадцатых годов прошлого столетия – здесь нет ничего непонятного. Однако, нельзя с полной уверенностью сказать, что смысл этого высказывания понятен всем современным читателям подлинника, то есть для

них информация в тексте остается неполной. Чтобы прояснить ее, надо вспомнить, что в узбекском языке слово «миллат» («нация») в своем нынешнем значении активировалось лишь начиная примерно с десятых годов прошлого века. А до этого применялось религиозное толкование слова, то есть под ним подразумевалась вся «нация пророка Ибрагима»: все потомки Авраама, или же немного уже – «мусулмон миллати», то есть, все мусульмане. Из сказанного становится ясным, что подчеркивание в подлиннике синтаксической и смысловой равнозначности указанных однородных дополнений служит передаче ментальности узбеков середины XIX столетия. Однако, несмотря на эквивалентность перевода, этот нюанс, к сожалению, остается скрытым от русскоязычного читателя. На наш взгляд, в данном случае приблизить русскоязычного читателя к истинному смыслу высказывания Атабека возможно только с помощью этнокультурного комментария.

Примерно такая же ситуация наблюдается и в восприятии «азана» – призыва к молитве, звучащего по пять раз в день. Жители мусульманских стран и особенно изображенного в романе кокандского ханства, относились к азану с благоговением, с глубоким и неподдельным почтением. В подлиннике подобное отношение ярко выражается в описании предрассветной поры на кладбище Ходжа Маоз: «Масжид минорасидан рухонийят ёғдириб мунглик азон товши эшитилди-да, уйку кучоғида ётқан табиъат уйғониб жавоб берган каби жонғираб кетди» (Қодирий, 2014: 228). Сперва определим подчеркивающие благоговейное отношение элементы. К ним следует отнести, в первую очередь, обстоятельство «рухонийят ёғдириб» – «одухотворяя все вокруг» и эпитет «мунглик», что в сочетании рухонийят ёғдириб означает не просто «печаль», а скорее «озаренную духом светлую печаль». Во второй части предложения образно выражается то, как в предрассветной тишине особенно звенит этот звук: «звук азана зазвенел, будто пробудилась спящая природа и ответила ему». В первом переводе, осуществленном Л.Бать и В.Смирновой, рассматриваемое предложение подлинника разбито на два предложения: «С минарета мечети донесся печальный призыв на утреннюю молитву. Вся природа просыпалась, откликалась звонким эхом» (Кадыри, 1984: 224). Тут нет того почтения, которым проникнуто предложение подлинника, нет ощущения одухотворенности. Потому что здесь устранено само понятие «духовность», а оставлен только эпитет «печальный» в своем собственном смысле, лишенном контекстуального («озаренная духом светлая печаль») значения. Кроме того, если в подлиннике природа упоминается лишь для определения звука азана, то в переводе она приобретает самостоятельное значение. Тем самым теряются смысловые нюансы подлинника, выражавшие национальные особенности мировосприятия. С этой точки зрения, на наш взгляд, перевод данного предложения М.Сафаровым можно считать более адекватным: «С минарета мечети, осыпая всю округу животворной волной духовной чистоты, раздался печальный призыв на утреннюю молитву, вслед за которым вся природа словно

начала просыпаться, откликаясь звонким эхом» (Кадыри, 2009: 244). Возможно, здесь могут быть претензии на счет приемлемости перевода, но неоспоримо и то, что налицо стремление адекватно передать смысл и дух оригинала, а также достижение зримых успехов в данном направлении.

Рассмотренные выше примеры показывают, что художественному переводу стоит еще более внимательно относиться к переводу диалогов, с учетом увеличения их объема и значения в современной прозе. Здесь уже недостаточно адекватности перевода самой реплики, требуется воссоздать еще контекстуальные связи, точнее, сделать так, чтобы эти связи не нарушились и читатель перевода мог бы их уловить. А то, что этот контекст включает в себя национально-исторические, мировоззренческие, культурные составляющие, требует от переводчика широкого спектра знаний, а порой и исследовательского творческого подхода к своей работе.

Литература

1. Абдулла Кадыри. Минувшие дни. – Т.: Изд-во лит. и искусства, 1984. – 336 с.
2. Абдулла Кадыри. Минувшие дни. – Т.: Шарк. – 2009. – 432 с.
3. Абдулла Кодирий. Ўтган кунлар. – Т: Шарк. – 2014. – 400 б.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – с.607.
5. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвостановедение в преподавании русского языка как иностранного. М.: МГУ, 1973. – с.232.
6. Морозов М.М. Пособие по переводу. – М., 1956. – с.146.
7. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. Изд-во «Высшая школа», М., 1968. – 395с.
8. Шлейермахер Ф. Герменевтика. - Спб: Европейский дом, 2004.

Чумаев Р., омўзгор
(Ўзбекистон)

ТАҲЗИБУС-СИБЁН ВА ФАЪОЛИЯТИ ОМЎЗГОРИИ САДРИДДИН АЙНӢ

Фаъолияти омўзгории Садриддин АйнӢ аз таълифи китобҳои дарси оғоз меёбад. Садриддин АйнӢ бо хислатҳои наҷиби суботкорӣ ва шавқу завқе, ки ба ӯ хос буд, худро ба муборизаи зидди зулмот ва ҷаҳолат андохт. Вай аввалин муаллими тоҷик дар мактаби нав буд. Садриддин АйнӢ аз таҷрибаи дар мактаби Абдулвоҳид Мунзим ва Абдуқодир Шақурӣ андӯхтааш истифода карда барои толибилмон китоби дарсии “Таҳзибус-сибён” ро навишт.

“Таҳзибус-сибён” дар солҳои 1910 ва 1917 ду бор чоп шуда аз 43 боб иборат аст. Муаллиф дар “Таҳзибус-сибён” талабагонро бо аввалин унсурҳои гуногуни илмҳои табиӣ, ҷамъияти шинос намуда, дар бораи табиат ҳайвонот, наботот ва дӯстдорӣ онҳо, либосу хурук, урфу одат ва тарзи зиндагонии нек,

савоб, оид ба таърих, астрономия ва ғайра маълумот медиҳад. Аз мазмуни бобу ҳикояҳои “Таҳзибус-сибён” маълум мегардад, ки Садриддин Айний хангоми навиштани он бо осори педагогий К.Д.Ушинский ва китобҳои мактабҳои нави тоторӣ, озарӣ, ўзбекӣ низ ошно будааст. Садриддин Айний ҳамчун омўзгор мавзўҳоро мувофиқи синну сол ва савияи дониши талабагон баён мекунад.

Айний диққати хонандагони худро, беш аз ҳама, ба мактаб ҷалб мекунад ва бо образҳои анъанавии дастрас ва бо лаҳни соддае, ки барои хурдсолон душворие надорад, аҳамияти хониширо таъкид менамояд ва бо як самимияти дилсўзона басо диққатангезу дилҷасп дар бораи фазилати беназири мактаб сухан меронад:

Саҳаргоҳон, ки булбул дар наво шуд,
Гул аз шодӣ шукуфту ғунча во шуд.
Шумо, эй булбулони боғи мактаб,
Саҳаргоҳон набояд хуфт ҳар шаб.
Шумо ҳам дар наво оед, бояд,
Ки то аз боғи маънӣ гул кушояд,
Саҳаргоҳон гулистони дабистон
Тароватбахш бошад чун гулистон

Садриддин Айний дар тасвири мактаб ва мактабиён ташбеҳҳои маъмулу маълум: гул, булбул, гулистон, боғро истифода карда саъй мекунад, ки ҳар як суханаш ба дили хонанда рафта расад, ўро шавқманди хондан ва моили мактаб кунад. Баъд ба воситаи саволу муҳотаб ва мурочиати бевосита вазифаи насли наврасро қатъӣ хотирнишон месозад:

Чаро аз ин гулистон гул начинед?! .
Чаро дар кунчи бекорӣ нишинед?!

Пас аз ин муаллиф зарари нодонири маънидод менамояд:

Биёед, эй шарикон, дарс хонем,
Ба бекорию нодонӣ намонем.
Ба олам ҳар касе бекор гардад,
Ба чашми аҳли олам хор гардад

“Таҳзибус-сибён” аз ду қисм иборат аст. Қисми якуми он дар бораи аҳамияти мактаб, илму дониш, хурмату эҳтироми падару модар ва устод – омўзгор, дар бораи дўстию рафоқати бачагон, саъю ҳаракати хонандагон дар роҳи фаро гирифтани илм, олиҳимматӣ, нақўкорӣ ва амсоли инҳо баҳс мекунад. Оид ба ин масъалаҳо нависанда гоҳо аз номи худ, баъзан аз номи омўзгор сухан меронад ва гоҳо ҳикояти кўтоҳи пандомезе, ки ба фикру ҳисси хонандагони хурдсол мувофиқ бошад, меовард.

Қисми дуюми китоб, “Хонадони хушбахт” ном дошта на танҳо дорои мавзўъ ва мазмуну ғояи тарбиявию ахлоқӣ мебошад, балки ҷаҳонбинӣ ва ақидаи сиёсӣ ва иҷтимоии Садриддин Айний, аз ҷумла муносибати ўро оид ба мақоми зан дар ҷамъият дар бар гирифтааст. Садриддин Айний оид ба зиндагӣ,

муомилаву муносибат таълиму тарбияи хонадони Муҳаммадйосуф завҷаи ў ва фарзандонаш маълумот медиҳад.

Аксари ҳикояҳои “Таҳзибус-сибён” бо порчаҳои шеърӣ тақвият ёфтаанд.

Дар шеъри “Замзамаи дабистон” мактабро ба боғ ва мактаббачагонро ба булбулакони ташбеҳ додани иависанда ҳаётӣ баромадааст. Ин мавзӯ дар асар бо мавзӯи меҳнат ва даъват ба қору зиндагӣ омехта дода шуда, меҳнатдӯстӣ хислати неки одамӣ шуморида шудааст:

Биёед, эй шарикон, дарс хонем,
Ба бекорию нодонӣ намонем.
Ба олам ҳар касе бекор гардад,
Ба чашми аҳли олам хор гардад.

Дар асар нависанда симои бачагонро гоҳ ба воситаи муносибати онҳо бо калонсолон, гоҳ дар муносибати байни ҳамдигарӣ, гоҳ бо роҳи тасвири дӯстии хурдсолон бо ҳайвоноти хонагӣ нишон медиҳад. Дар шеъри «Баҳория», ки ба матни мактуби бародари Муҳаммад Фарид даровардааст, фасли баҳор ҳамчун фасли шодӣ, мавсими гулу лола, зиндашавии табиат, чӯшу хурӯши меҳнат, кишту қор тасвир ёфта, на танҳо ғояи меҳнатдӯстиро ифода мекунад, балки ҳисси ҳаётдӯстӣ, зебоидӯстиро низ пайдо мекунад:

Айёми баҳору бомдоди,
Вақти фараҳ асту гоҳи шодӣ.
Дар қониби марғзор бинӣ,
Ҳар сӯй гулу лолазор бинӣ.
Ҳаст оби равон равон ба ҳар сӯ,
Сабз аст зи сабзаҳо лаби чӯ.
Навхеста сабза, гул шукуфта,
Наргис лекин ҳанӯз хуфта.
Гул хурраму баргт тоқ хуррам,
Аз сабза тамоми хок хуррам

Дар “Таҳзибус-сибён” ба омӯзгор ва хонанда як хел мурочиат карда вазифаи ҳар яки онҳо нишон дода шудааст. Аз ҷумла дар китоби қироат дар бораи вазифаҳои омӯзгор таҳти сарлавҳаи “Ихтор” (хабардор қардан, огоҳ қардан, дар ёд овардан) чунин оварда мешавад: “Қаноби муаллим бояд, ки нахуст қисми ҳар як сабоқро ба атфол бо забони таҳрир баён кунад. Сониян ба худӣ атфол хонанда хаташонро тасҳеҳ намоянд. Ҳар гоҳ шогирд тақрор карда ба таҳрири хулосаи сабоқаш иқтидор пайдо кунад сабоқи дигар интиқом диҳанд. Агар шогирд аз синфи дуввум бошад ҳалли луғат низ кунанд”. Дар миён гузоштани талабҳои устод Айнӣ маъқул аст ва дар ҷараёни таълими имрӯза ҳам ба он риоя қардан зарур буданаш аз санҷишҳои ҳаёт бо муваффақият гузаштааст.

Доир ба ҳар як мавзӯ ҳикоятҳои алоҳидаи тарбиявӣ оварда шудаанд: ҳикоятҳои “Бачаи тарбиятдида”, “Бачаи боадаб”, “Бачаи беадаб”, “Бачаи бо ақлу ҳуш”, “Аҳмадҷони соҳибмаърифат”, “Муаллим ва шогирдонаш”, “Хонадо

ни Тош” ва монанди инҳоро нависанда дар лаҳзаҳои зарурӣ барои тасдиқи ғояҳои муайяни худ дар асар ҷой додааст. Баъзан аз ривоятҳои алоҳида хулосаҳои баровардашро дар порчаҳои хурди шеърӣ додааст. Чунончӣ, дар ҳикояти “Муаллим ва шогирдонаш” шеъри зеринро оварда, дар ои табиати нарми одамиро ташвиқ намудааст:

Балоҳо оҳан аз саҳтии дил дид,
Аз он қадре надорад дар назарҳо.
Вале зарро бубин аз нармии таъ,
Шаҳонаш карда дар тоҷу камарҳо.
Ту ҳам хоҳӣ, ки ёбӣ иззату қадр,
Мулоимтиннатӣ кун бо дигарҳо.

Дар яке аз ҳикоятҳои китоб дар бораи Йўлдош ном писарбачае сухан меравад. Дар он ҳикоя чунин гуфта мешавад: “Йўлдош ном бача ба мактаб мерафт, Ў “Алифбо” мехонд. Вай дурӯғгӯй буд. Ба дарсхона қаламашро мешикаст, дафтарашро бо сиёҳ расво мекард ва гуноҳи худашро аз сари шариконаш, ҳамсинфонаш мегузошт. Муаллим як-ду маротиба Йўлдошро огоҳ кунонид, насиҳат карда диданд. Аммо ин ҳаракатҳо ягон натиҷае надод. Дар охир Йўлдошро аз мактаб пеш карданд. Дар муддати кӯтоҳ мактабашонро бо интизом давом додагӣ хонандагон савод бароварданд. Баъзеи онҳо муаллим, мударрис ва баъзеашон тичоратчӣ шуда ба воя расиданд. Йўлдоши бесавод бошад ба меҳнати вазнини мардикорӣ монда меравад (6.12).

Мавзӯи дигари “Таҳзиб-ус-сибён” мавзӯи одобу ахлоқ, эҳтироми падару модар аст. Дар асар ба ин мавзӯ С.Айнӣ борҳо мурочиат намуда, бачагонро ба эҳтироми падару модарон даъват намудааст.

Кист он, ки шири софу лазиз
Бар шумо аз чигар расонду чашонд,
Баҳри осоиши шумо аз хоб хест,
Гаҳвораи шумо чумбонд.
Шустушӯ кард дасту пой шумо,
Аз муҳаббат ба ҷои пок нишонд.

(Ҷавоб: Волидаи меҳрубон)

Эҳтироми ҳамдигарии писару падар инчунин дар мактубҳои ба ҳам навиштаи онҳо акс ёфтааст. Ба воситаи мукотиба қаҳрамон - падару писар дар бораи мактаб, таълим ва аҳамияти он дар ҳаёти инсон ба ҳам изҳори ақида мекунад.

Садриддин Айнӣ дар “Таҳзибус-сибён” ҳама воқеаҳои ҳаётро бо забони содда, ширин ва равону дилчасп баён кардааст.

ПАЙНАВИШТ

1. Айнӣ, Садриддин, Ашъори мунтахаб. - Сталинобод, 1956.
2. Айнӣ, Садриддин, Ёддоштҳо. - Душанбе, 2009.
3. Асозода, Худойназар, Адабиёти тоҷик дар садаи XX. - Душанбе, 1999.
4. Зеҳнӣ, Тўракул, Санъати сухан. - Душанбе, 2013.

ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ МЕТОДИКА

*Абдуқодиров А., профессор,
Воҳидова Н., омӯзгор
(Тоҷикистон)*

РОБИТАИ ЗАБОНҲО – ОМИЛИ ТАКОМУЛИ ТАЪЛИМИ ЗАБОНҲОИ МИЛЛӢ (гузориши масъала)

Муҳимтарин хосияти асри XXI дар тӯли зиёда аз бист қарни таърихи инсоният падидаи иҷтимоӣ ба истилоҳи ҳозира ҷаҳонгарой (глобализатсия) мебошад. Гап натавонем дар сари он аст, ки дар асри навин имкониятҳои равобити ҳамҷонибаи сиёсӣ, иқтисодӣ, илмӣ, фарҳангии мамӯлики олам қавитар гардид, балки ҳамин гуна робита дар асри тамаддуни ҷаҳонӣ ба зарурати иҷтимоӣ табдил ёфт.

Ин раванди умумибашарӣ ба соҳаи илм ва таълим ва тарбияти мутахассисони айём низ бевосита тааллуқ дорад.

Дар замони мо дастовардҳои илмию таълимии фанҳо, ки тӯли бист аср инсоният чамъ овардааст, як навъ чамъбасти гардид. Комиран табиист, ки комёбиҳо дар рушди илм ва таълиму тарбияти наврасони замон дар халқу миллатҳо дар пояҳои гуногун – дар баъзе дар сатҳи поёнтар, дар иддаи дигар, дар мақоми болотар қарор дорад. Ин раванди инкишоф қонуни диалектист, ки ҳамеша тағйир пазируфта меистад.

Ҳоҳем, ки сатҳи муосири илм ва таълими фанҳоро таъмин намоем, бояд дар соҳаи худ аз дастовардҳои халқу миллатҳои дигар огоҳ бошем ва аз он истифода намоем.

Аз ин раванд такмил додани илм ва таълими забонҳои модарӣ ва хориҷӣ низ муҳим арзёбӣ мегардад. Сухан дар бораи забонҳои гуногунсохт меравад, ки дар Ҷумҳурии Тоҷикистон, амсоли русӣ, англисӣ, олмонӣ, арабӣ ва ғайра таълим дода мешаванд.

Дар бораи забони ўзбекӣ бояд гуфт, ки он дар Тоҷикистон чун забони модарии қисмати аҳоли мавқеъ дорад, ҳамчунин дар мактабҳои олии омӯзгорони фанни забону адабиёти ўзбек тайёр карда мешаванд.

Забоншиносии ўзбек, аз ҷумла, яке аз шоҳаҳои муҳими он – фразеология дар партави лингвистикаи умумӣ мавқеи пешрав дорад. Мо дар таҳқиқи масоили илмӣ ва такмили таълими забони тоҷикӣ аз он истифода мебарем. Дар навбати худ, ҷунонки дар боло қайд кардем, баҳраманд шудан аз дастовардҳои забонҳое, ки дар факултети филологияи ўзбек дар паҳлуи забони ўзбекӣ таълим дода мешаванд, чун воситаи такмили таълим ба манфиати кор аст. Ин маъно дар ҳуҷҷатҳои расмию таълимӣ низ зикр ёфтааст, аз ҷумла, дар Қонуни ҚТ “Дар бораи забони давлатии Ҷумҳурии Тоҷикистон” зарурати дар сатҳи кофӣ донишани забони давлатии ҚТ барои ҳамаи халқу миллатҳои маскунӣ кишвар таъкид гардидааст; аз ҷониби дигар, забони тоҷикиро омӯзгорони

ояндаи факултети филологияи ўзбек ҳамчун фан меомўзанд, инчунин бояд дар назар дошт, ки барои омўзгорони соҳаи суҳаншиносӣ, ки дар Тоҷикистон зиндагӣ доранд ва фаъолият мебаранд, доништан ва мавридшиносона ба кор бурдани маводи илмию амалии забони тоҷикӣ (давлатӣ) вочиб буда, аз он бо қиёс бо забони модарӣ (ўзбекӣ) ҳангоми таълими фразеология, услубшиносӣ, курсҳои интихобӣ, таҳлили матни бадеӣ, ташкили корҳои мустақилона ва ғайра ба кор бурдан мумкин аст. Мо дар бораи корбурди маводи илмию тадрисии фразеография дар такмили таълими забонҳои гуногунсохт дар мисоли забонҳои тоҷикӣ, русӣ ва англисӣ мақолаҳо фарқ кардаем (2,354). Инак, баъзе андешаҳоро хеле мухтасар, ба сифати “гузориши масъала” роҷеъ ба таҳаввули фразеографияи тоҷик чун маводи таълимӣ манзур менамоем.

Фарҳангшиносии тоҷикӣ дар таърихи лексикографияи ҷаҳонӣ воқеияти нодир аст. Пеш аз ҳама, теъдоди зиёди фарҳангҳо диққати олимону ба худ ҷалб кардааст. Дар сарчашмаҳо миқдори умумиятбахшидаи онҳо 200-то номбар шудааст. Фарҳангшиносон кӯшиш кардаанд, ки теъдоди луғатномаҳои давраи классикиро дақиқтар нишон диҳанд, чунончи, Шаҳриёри Нақавӣ дар асараш «Фарҳангшиносии форсӣ дар Ҳинду Покистон» онро 168 адад, Саид Нафисӣ дар муқаддимаи “Луғатномаи Деҳхудо” 188 адад бо зикри номгӯӣ нишон додаанд.

Фарҳангҳо ҳам аз ҷиҳати маводи амалӣ (моддаҳои луғавӣ) ва ҳам аз роҳу усулҳои ташреҳ далели рушди забонанд. Масалан, дар нахустфарҳанги форсӣ – тоҷикии то замони мо расида, «Луғати фурс» (асри XI) ва чанде аз фарҳангномаҳои минбаъда ба сифати воҳиди тафсирёбанда, яъне моддаҳои луғавӣ танҳо калима корбаст шудааст. Вале аксар луғатномаҳои давраи рушд – асрҳои XVI – XIX дар баробари калима таркибу ибораҳо низ тафсир ёфтаанд. Тафсири таркибу ибораҳо дар фарҳангшиносии ба дараҷае мавқеъ пайдо кард, ки дар таърихи фарҳангшиносии луғатномаҳои алоҳида аз ҷумла, «Мусталаҳот-уш-шуаро» (1739) ба таърифи расидаанд.

Қобили тавачҷуҳ аст, ки тавассути ин фарҳанг вожаи «мусталаҳот» ба сифати истилоҳи фразеологӣ ба забоншиносӣ ворид гашт.

Панҷ сол муқаддамтар аз «Мусталаҳот-уш-шуаро» луғати фразеологӣ «Ҷароғи ҳидоят»-и Сирочиддин Алихони Орзу (1734), иборат аз 2075 калимаву иборот таълиф ёфта, дар таърихи лексикографияи форсӣ – тоҷикӣ ҳамчун нахустфарҳанги фразеологӣ пазируфта шудааст.

Дар “Ҷароғи ҳидоят” аз 37 манбаи илмию адабӣ, лексикографӣ ва осори манзуму мансури 186 нафар адибони форсизабони Ҳиндустон, Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озорбойҷон, Туркия 1913 байт, аз ҷумла 51 байт аз худи муаллиф 14 порчаи насрӣ корбаст гардидааст.

Шоистваи арҷгузориш, ки «Ҷароғи ҳидоят» бо пешгуфтор, тавзеҳот ва феҳристи фарҳангшиносии соҳибтаҷриба Амон Нурув бо хатти кириллӣ ба таърифи расида, дастраси доираи васеи хонандагон гардид.

Ҳамин тавр, луғатномаҳое, ки ба давраи тоинқилобии таърихи забони тоҷикӣ мутаалиқанд, ба истилоҳи имрӯза ба фарҳангҳои якзабонаи тафсири

мансубанд, ки ба эътибори моддаҳои тафсирёбанда табиати духела доранд, яъне дар онҳо ҳам моддаҳои луғавӣ ва ҳам моддаҳои фразеологӣ маънидод карда шудаанд.

Дар таърихи хеле ғаноманди лексикографияи форсӣ – тоҷикӣ чунин фарҳангҳои хоса ба шумор буда, ба ин қабил ҳамагӣ се луғатнома «Чароғи ҳидоят», «Мусталаҳот-уш-шуаро» ва «Баҳори аҷам» пазируфта шудаанд.

Дар замони шӯравӣ даҳсолаҳои ҳамкориҳои илмию фарҳангӣ бо олимони рус ва таҷрибаи фарҳангшиносӣ имкон дод, ки дар соҳаи фразеологияи тоҷик низ луғатномаи хоса таълиф ёбад. Дар лексикографияи рус истилоҳи маъмул ҳаст - «луғати академӣ», зеро ин истилоҳ мутахассисони соҳа фарҳангномаҳои мукамалтаринро дар назар доранд. Аз ин лиҳоз, «Фарҳанги ибораҳои рехта» (ФИР)-и Муллоҷон Фозилов луғати академист, ки он дар ду ҷилд фарогири зиёда аз 8 000 ВФ мебошад (4,952;802). Ба пиндори мо, ба ҷуз истифодаи комёбиҳои фарҳангшиносии пешин дорои сарсухани муфассал будани фарҳанги мазкур низ натиҷаи баҳрабардорӣ аз таҷрибаи файзбахши принсипҳои луғатшиносии академии русӣ мебошад, ки ба ҷуз ҷамъовариҳои маводи пурарзиш дар таснифу ташреҳ, ба мардум манзур кардани ганҷинаи забони умумихалқӣ, боз иловатан дар таҳқиқи масъалаҳои назариявӣ амалии воҳидҳои фразеологӣ мусоидат дорад.

Муллоҷон Фозилов фарҳанги дигари арзишманде чун идомаи мантиқии ФИР бо номи «Зарбулмасал, мақол ва афоризмҳои тоҷикию форсӣ» дар се мучаллад таълиф кард (5). Дар муаррифномаи китоб омадааст, ки «дар ҳар се ҷилд зарбулмасал, мақол ва афоризмҳои гирд омадаанд, ки онҳо аз адабиёти китобатии дар Иттифоқи Советӣ, Эрону Афғонистон ва Ҳинду Покистон нашргардида ва инчунин аз дастнависҳои ҳанӯз ба таъбиқ нарасида хӯшачинӣ шудаанд ва ҳама шарҳи худро доранд». Дар фарҳанг ба сифати маъхаз I. назми асрҳои IX – XX; II. насри асрҳои X – XX; III. китобҳои маҳсул оид ба зарбулмасал ва мақолҳо; IV. маҷмӯаҳо; V. асарҳои драматургӣ; VI. асарҳои фолклорӣ; VII. маҷалла ва рӯзномаҳо; VIII. тазкираҳо; IX. китобҳои илмӣ оварда шудаанд.

Аҳамияти назариявӣ ва амалии «Фарҳанги зарбулмасал, мақол ва афоризмҳои тоҷикию форсӣ» инчунин аз рӯйи он муайян мегардад, ки дар бораи баъзе фарҳангҳои фразеологӣ арзишмандии форсӣ, ки ба хонандаи тоҷик дастрас нестанд, маълумоти дақиқ дода шудааст.

Чун сухан аз фарҳангномаҳои хосаи фразеологӣ рафт, ду навъи дигари чунин луғатро бояд хотиррасон кард. Аз он ҷумла, луғати фразеологӣ адибони ҷудогона. Ба чунин асар «Фарҳанги мухтасари таъбироти назми Лоик Шералӣ (1) тааллуқ дорад.

Дар таърихи фарҳангшиносии муосири тоҷик роҷеъ ба осори классикони тоҷик луғатномаҳои хоса навишта шудаанд, ки аз қатори онҳо таълифоти Амон Нуоров «Фарҳанги осори Ҷомӣ» ва «Фарҳанги ашъори Рӯдакӣ», Иброҳим Али-

зода “Фарҳанги мухтасари “Шоҳнома”, Абдучаббори Шоаҳмад (А. Суруш) “Фарҳанги ашъори Камоли Хучандӣ”-ро ном бурдан мумкин аст.

Ҳамин тариқа, аз омӯзиш ва таҳлили маводи фарҳангномаҳои мазкур имкон пайдо мегардад, ки андешаҳо ва хулосаҳои илмии онҳоро бо қиёс ва муқобала бо маълумоти сарчашмаҳои дигари илмӣ омӯзем ва аз таҳқиқу таълими фразеологияи забонҳои тоҷикӣ ва хориҷӣ истифода намоем.

Адабиётҳо

1. Абдуқодиров А., Махкамова Б. Фарҳанги мухтасари таъбироти назми Лоик Шералӣ. – Хучанд, 2010. - 130с.

2. Воҳидова Н. Омилҳои муҳими самаранокии таълим // Масъалаҳои мубрами таълим дар замони муосир. Маводи конференсияи таълимӣ-методиӣ ҷумҳуриявӣ бахшида ба Соли рушди сайёҳӣ ва хунароҳои мардумӣ. – Хучанд, 2018. – С. 354-356.

3. Фразеологияи забонҳои гуногунсохт ва нақши он дар таълим // Уфуқи андеша. Маҷмӯаи мақолаҳои олимон, муҳаққиқони ҷавон ва магистрантон бахшида ба Солҳои рушди деҳот ва хунароҳои мардумӣ. – Нашриёти ҚСҚ «Наби Фаҳрӣ», 2019. – С.76-82.

4. Фозилов М. Фарҳанги ибораҳои рехтаи забони ҳозираи тоҷик (фарҳанги фразеологӣ). Ҷилди 1. – Душанбе, 1963. – 952 с. ҷилди 2. – Душанбе, 1964. – 802 с.

5. Фозилов М. Фарҳанги зарбулмасал, мақол ва афоризмҳои форсӣ – тоҷикӣ. – Душанбе, 1984.

*Абдуллаев К., доцент
(Ўзбекистон)*

ФУРҚАТ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИ ӮРГАТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуқрат ижоди ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Забардаст сўз санъаткорининг “Баҳор айёмида”, “Умр хуш ўтмас”, “Кашмирда”, “Лаҳза-лаҳза”, “Даво истаб”, “Бормасмиз”, “Шакар тўкилди”, “Гул”, “Булбул”, “Адашганман”, “Афғону зорумдин”, “Тортадур”, “Фасли навбаҳор ўлди”, “Баҳор эмасму”, “Бўлурму”, “Асар йўқ”, “Нолаи зоримга боқ” каби ўнлаб ғазаллари, “Бу нечук савдо”, “Истар кўнгул”, “Адашганман”, “Бири” мухаммаслари, “Сайдинг кўябер сайёд”, “Уч хароботий” мусаддаслари ўзбек мумтоз адабиётининг олтин хазинасидан ўрин олган, санъат ихлосмандлари кўнглини ҳамон ром этиб келмоқда.

Академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишидаги адабиётдан чуқурлаштирилган ўқув дастури (Тошкент, 2018) асосида тузилган режада шоир ҳаёти ва ижоди, адабий мероси

ни ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган бўлиб, уни куйидагича тақсимланишини мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Фурқат таржимаи ҳоли. Унинг ёшлик ва балоғат йиллари. Ватандан жудоликдаги фаолияти - 1 соат.
2. Шоир лирикаси - 1 соат.

Кўп йиллик тажриба ва кузатишларимизга асосланиб, юқорида таъкидланган мавзуларни ўргатишда фанлараро интеграция технологияларидан, хусусан, “гуманитар фанларнинг ҳавоси” - тарих, “инсон қалбини ташқи олам билан боғловчи нафис мустаҳкам ва қонуний кўприк” - тасвирий санъат, “Санъатнинг Фотима ва Зухролари” - лирика ва мусиқа, “Бугунги куннинг тарихи” - георафия, “Чакқон қўллар тарбиячиси” - информатика фанлари материалларидан фойдаланиш ҳақидаги фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Дарс видеокўзгу орқали катта экранга туширилган шоир портрети асосидаги суҳбат билан бошланади. Портретда Фурқат ижодий характерининг асосий белгилари (Ватандан узоқда яшаш, айрилик) ёрқин акс этгани ва расмга оид суҳбат ҳамма машғулотлар давомида унинг қиёфасини ўқувчилар тасавурида қайта тиклашга ёрдам бериши ҳисобга олинган. (Шу ўринда белгиланган режа ва мақсадга кўра расм руҳига мос мусиқадан, “Адашганман” ғазалини ифодали ўқиш, шарҳлаш ёки ашуласини эшиттиришдан ҳам унумли фойдаланиш мумкин).

Фурқатнинг исми Зокиржон бўлиб, Холмуҳаммад - отасининг исми, Фурқат (жудолик) эса шоирнинг адабий тахаллуси эканлиги, у 1859 йилда Кўқонда савдогар оиласида туғилганлиги, етти ёшида ўқишга бориши, саккиз ёшида Фариддин Атторнинг “Мантиқ ут - тайр” уни ўқишга тутиниши, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Навоийни мутолаа қилиши, замон ҳодисалари ўқишни тугатишга имкон бермагани, Зокиржон тоғаси билан тирикчилик изига тушиши, савдо ишлари билан шугулланиши, хусусий дарслар бериши, хаттотлик, мирзолик қилиши, 80-йилларда шоир сифатида бутун Фарғона водийсига танилиши, кейинчалик Марғилон (1886-1889), Тошкент (1889-1891), Самарқанд, Бухоро (1891), чет эллардаги (1991-1999) ҳаёти ва фаолияти (хронологик жадвал ҳам тайёрлаш мумкин) ҳақида маъруза қилинар экан [Тўхлиев, 2007: 383-391; Йўлдошев: 2019, 111-125], шарҳлаш зарур бўлган атамалар, киши ва жой номларининг учраши мавзунинг янада чуқурроқ, тушунарлироқ ёритилишида қийинчилик тугдиришининг гувоҳи бўлдик.

Айниқса, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг чет эллардаги (1891-1909) ҳаёти ва фаолияти ҳақида фикр юритилар экан, 30 тадан ортиқ географик номларнинг учратилиши ва уларни шарҳлаш эҳтиёжи юқори эканлигини кузатдик.

Шу боис, сайёҳ ижодкорнинг чет эллардаги фаолиятига қисқа бўлса ҳам, алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Фурқат 1891 йилнинг май ойида Тошкентдан чиқиб, Самарқандга боради. У ерда дўсти, тарихчи олим Мирза Бухорий билан учрашиб, бир неча вақт яшади. Орадан кўп ўтмай, Фурқат саёҳат нияти билан йўлга тушди. Шу билан шоирнинг икки йилдан кўпроқ давом этган Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳати бошланди.

Фурқат Самарқандан Красноводск орқали Бокуга борди, ундан Истанбулга ўтди. Фурқат 1891 йилнинг куз ва қиш ойларини Истанбулда ўтказиб, 1892 йилнинг баҳорида Арабистонга йўл олди. Шу йилнинг ёз ойларида Арабистондан Мисрга, Болгарияга, Юнонистонга саёҳат қилди. 1892 йилнинг куз ойларида яна Арабистонга қайтди, у ерда бир неча вақт туриб, ўша йилнинг октябрь ойида Ҳиндистонга қараб йўл олди ва Бомбай шаҳрига бориб тушди. Фурқат Бомбайда Мавлавий Икромиддин исмли бир сайёҳ билан танишди ва дўстлашди. Бу икки дўст Ҳиндистон вилоятларига саёҳатга отландилар. Улар Сарандиб (Цейлон ороли (Кўхи Сарандиб, Шри Ланка)), Кашмир вилоятларини томоша қилдилар.

Фурқат қиш фаслини Ҳиндистонда ўтказиб, 1893 йилнинг бошларида Ҳиндистондан Тибет орқали Хитойга ўтди ва Хўтан шаҳрига келди, унда бир неча вақт яшаб, Ёркент шаҳрига келди ва шу ерда турғун бўлиб қолди. Шундай қилиб, Фурқатнинг икки йилдан кўпроқ давом этган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳати Ёркентда тугалланди.

Шоир Ёркентда қарийб ўн олти йил умр кечирди. Бу ерда Ёнахон исмли уйғур қизига уйланиб, ундан уч фарзанд - Нозимжон, Ҳақимжон ва Нодиржон исмли ўғиллар кўрди.

Фурқат узоқ муддат чет элларда яшаган бўлса ҳам, ҳеч қачон ўз ватанини унутмади. У умрининг охиригача Қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон ва бошқа шаҳарлардаги дўстлари билан хат орқали алоқа қилиб турди. “Туркистон вилоятининг газети” билан ҳамкорлиги узилмади. Унинг шеърлари, мақолалари, хабарлари бу газета саҳифаларида босилиб турди.

Фурқат Ёркентда ҳам ўз ижодий ишларини давом эттирди. У бадиий-ижодий иш билан бирга, илмий-ижодий иш билан ҳам шуғулланди. У ҳақида сақланиб қолган материаллардан маълум бўлишича, у табобат (медицина), илми нужум (астрономия) билан жиддий машғул бўлган ва бу соҳаларда чуқур маълумот олишга эришган.

1909 йилда Ёркент шаҳрида муҳожирликда вафот этган.

Шоир таржимаи ҳолини баён этишда кузатганимиздек, Марв, Ашхабод, Красноводск, Боку, Батуми, Истанбул, Булғория, Юнонистон, Искандария, Миср, Қоҳира, Байрут, Бағдод, Арабистон, Мадина, Макка, Жидда, Яман, Ҳиндистон, Бомбай, Ҳайдаробод, Мадрас, Цейлон, Дехли, Агра, Кашмир, Тибет, Хўтан, Синцязин, Ёркент каби географик номларнинг тилга олиниши фикримизнинг исботидир.

Жой номлари - топонимика халқларнинг тарихий ўтмиши хусусиятларини жонлантиришга, уларнинг жойлашиш чегараларини белгилашга, тилларнинг ўтмишдаги тарқалиш ҳудудларини, маданий ва иқтисодий марказлар, савдо йўллари ва ш.к. географиясини тавсифлашга ёрдам беради [ЎзМЭ, 2000-2005: 8: 501].

Таниқли географ олим Ҳ.Ҳасанов жой номлари ўрганилишининг аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: “Номларнинг ўз тарихи, халқ, қабила, табиат, хўжалик, ҳодиса ва кашфиётга мансублиги бор. Агар номлар тарихи тилга кирса, тоғлар ва сувларнинг хосияти, ўсимлигу ҳайвонот турлари, савдо-сотиқ, ҳунар-касб, ҳазиналар, жанглари эътиқодларимизнинг ҳаммаси аён бўлади. “Ер бамисоли бир китобдирки, унда инсоният тарихи географик номлар билан битилган” деган эди рус олими Н.И.Надеждин. Демак, жой номларини табиат, ҳаёт ва инсоният кўзгуси деса бўлар экан” [Ҳасанов, 1985: 3].

Дарснинг тушунарлилигини ошириш, бу сўзларни оз бўлса-да, “тилга киритиш” - шарҳлаш учун тарих, география, адабиётшунослик фанларидан олинган билим ва маълумотларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйида шахсий тажрибаларимиз асосида тайёрланган жой номларининг шарҳидан намуналар келтирамиз:

1. Марв - (“Авесто” да - Моуру) - Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири Байрамали шаҳри (Туркменистон) яқинида жойлашаган. Марвнинг қолдиқлари 5 қалъа (Эрк қалъа, Габр қалъа, Султон қалъа, Абдуллохон қалъа, Байрамалихон қалъа) харобаларидан иборат [ЎзМЭ, 2000-2005: 5: 460].
2. Ашхобод - (туркманча Ашгабат; араб. - ошиқ ва форс. - обод; 1919 й.гача Полторацк) - шаҳар, Туркменистоннинг пойтахти (1924й. окт.дан) [ЎзМЭ, 2000-2005: 1: 542].
3. Красноводск - Туркменистондаги шаҳар (ҳозирги Туркманбоши) [ЎзМЭ, 2000-2005: 5: 81].
4. Боку - (озарбайжонча Бакы) - шаҳар, Озарбайжон пойтахти. Озарбайжоннинг йирик саноат, фан ва маданият маркази. [ЎзМЭ, 2000-2005: 2: 121].
5. Батуми - Грузия Республикасидаги шаҳар (1978 й. дан), Ажария Республикаси пойтахти (1921 й. дан). Қора денгиз соҳилидаги йири порт, курорт шаҳар ва саноат маркази [ЎзМЭ, 2000-2005:1: 648].
6. Истанбул - (юн. Константинополь) - Туркиядаги энг катта шаҳар, Истанбул элининг маъмурий маркази [ЎзМЭ, 2000-2005: 4: 272].
7. Булғория (Болгария, България) - Болгария Республикаси - Европанинг жан., Болқон я.о. нинг шарқий қисмидаги давлат. Шарқда Қора денгиз билан ўралган. Пойтахти - София шаҳри [ЎзМЭ, 2000-2005: 2: 132].

8. Юнонистон, Қадимги Греция, Эллада - Болқон я.о. нинг жан., Эгей денгизидаги ороллар, Фракия соҳиллари, Кичик Осиёнинг ғарбидаги денгиз соҳилида жойлашган қад. юнон давлатлари худудининг умумий номи [ЎзМЭ, 2000-2005:10: 321].
9. Искандария, Александрия - МАР шим.даги шаҳар.Искандария муҳофазасининг аъмурий маркази. Ўрта денгиз соҳилида, Нил дарёси дельтасининг ғарбий қисмида [ЎзМЭ, 2000-2005: 4: 231].
- 10.Миср, Қадимги Миср - Африканинг шим.-шарқида, Нил дарёсининг қуйи оқимида жойлашган қад.давлат [ЎзМЭ, 2000-2005: 6: 14].
11. Қоҳира - Миср пойтахти. Африкада энг катта шаҳар. Нил дарёси дельтасидан жан.да, асосан, дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Қоҳира муҳофазасини ташил этади [ЎзМЭ, 2000-2005: 11: 120].
- 12.Байрут - Ливан Республикасининг пойтахти. Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги сертепа ярим оролда жойлашган порт [ЎзМЭ, 2000-2005: 1: 585].
- 13.Бағдод - Ироқнинг пойтахти (1921); Бағдод муҳофазасининг маъмурий маркази. Дажла дарёсининг ҳар икки соҳилида; Марказий ва Жанубий Осий ҳамда Ўрта денгиз мамлакатларини бирлаштирувчи йўллар орраҳасида. Мамлакатнинг энг катта шаҳри [ЎзМЭ, 2000-2005: 1: 659].
- 14.Арабистон ярим ороли – Осиёдаги энг йирик орол; майд. Қарийб 3млн.км.кв., ғарбда Қизил денгиз, жанубда Адан қўлтиғи ва Арабистон денгизи, шарқда Уммон ва Форс қўлтиқлари билан ўралган. А.я.о. да БАА, Саудия Арабистони, Яман, Қувайт, Уммон давлатлари, Ироқ ва Йорданиянинг бир қисми жойлашган. Ҳаж сафари Ҳижоз сафари, Макка сафари ёки Каъба сафари деб ҳам юритилган [ЎзМЭ, 2000-2005: 1: 387].
- 15.Мадина - (арабча - шаҳар, тўлиқ арабча номи - Мадинат - ан-набий-пайғамбар шаҳри) - Саудия Арабистонининг шимолий-ғарбий қисмидаги шаҳар, Ҳижоз вилоятида, Қизил денгиздан 250 км шарқдаги воҳада жойлашган [ЎзМЭ, 2000-2005: 5: 375].
- 16.Макка (араб. Умм ул-Қуро, Умм ул-адоин – шаҳарлар онаси ва б.) – Саудия Арабистонининг ғарбий қисмидаги шаҳар, Қизил денгиздан 70 км узоқликда жойлашган. Муҳаммад пайғамбар туғилган шаҳар. У жаҳон мусулмонларининг зиёратгоҳига айланган [ЎзМЭ, 2000-2005: 5: 403].
- 17.Жидда - Саудия Арабистонидаги шаҳар [ЎзМЭ, 2000-2005: 3: 590].
- 18.Яман, Яман Республикаси (Ал-жумхурия ал-Ямания) - Арабистон я.о. нинг жан. Қисмдаги давлат.Пойтахти - Сано ш. Маъмурий жиҳатдан 19 вилоят (муҳофаза)га бўлинади [ЎзМЭ, 2000-2005: 10: 374].

19. Ҳиндистон (хиндча Бҳарат), Ҳиндистон Республикаси - Жан.Осиёдаги давлат [ЎзМЭ, 2000-2005: 11: 342].
20. Бомбай, Мумбай (Мумба маъбудаси номидан) - Ҳиндистондаги шаҳар. Маҳараштра штатининг маъмурий маркази (1960 й.дан) [ЎзМЭ, 2000-2005: 2: 148].
21. Ҳайдаробод - Ҳиндистондаги шаҳар. Декан ясситоғлигининг марказий қисмида, Муси ва Уси дарёлари кўшилган ерда жойлашган. Андра-Прадеш штатининг маъмурий маркази [ЎзМЭ, 2000-2005: 11: 277].
22. Мадрас - Ҳиндистондаги шаҳар, 1996 й.дан Ченнай [ЎзМЭ, 2000-2005: 5: 376].
23. Кўхи Сарандиб (Цейлон (Шри Ланка давлати ва ороли 1972 йилгача шу ном билан аталган) - Шри Ланка Демократик Социалитик Республикаси (сингалча Sri Lanka Prajatantrika Samajavadi Janarajaya) - Ҳинд океанидаги Шри Ланка о.да, Ҳиндистон я.о.дан жан. шарқда жойлашган давлат [ЎзМЭ, 2000-2005: 10: 117].
24. Дехли - Ҳиндистоннинг пойтахти ва Дехли иттифоқдош ҳудудининг маъмурий маркази. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбида Жамна дарёси бўйида, денгиз сатҳидан 216 метр баландликда жойлашган [ЎзМЭ, 2000-2005: 3: 273].
25. Агра - Ҳиндистоннинг шим. даги шаҳар, Уттар - Прадеш штатида, Жамна (Жуун) дарёсининг ўнг қирғоғида. Қадимда Аграбана деб аталган. Бобур вафот этганида Аграда дафн қилинган, кейинроқ ҳоки Кобулга кўчирилган. Шоҳжаҳон ва малика Мумтоз Маҳал мақбараси (Тожмаҳал) - Шарқ меъморчилигининг бетакрор намунаси Аграда жойлашган [Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси, 2014: 24].
26. Кашмир – Осиёдаги, Ҳинд дарёсининг юқори ҳавзасидаги тарихий вилоят [ЎзМЭ, 2000-2005: 4: 522].
27. Тибет мухтор райони, Тибет (хитойча Сицзан) - Хитойнинг жан.-ғарбий қисмидаги маъмурий бирлик, Тибет тоғлигида. Маъмурий маркази - Лхаса ш. [ЎзМЭ, 2000-2005: 8: 420].
28. Хўтан – Хитойнинг ғарбий қисмидаги дарё, Тарим дарёсининг ўнг ирмоғи [ЎзМЭ, 2000-2005: 9: 539].
29. Синьцзян - Уйғур мухтор райони, Синьцзян (маҳаллий талаффузда Шинжон) - ХХР нинг шим.-ғарбий қисмидаги миллий ўлка (1955 й. 1 окт.да расмий ташкил этилган. Тарихий манбаларда Шарқий Туркистон; Хитой адабиётларида Синьцзян (1760 й.дан), 14-а.га оид ҳужжатларда ва 16-17 а.ларга оид форс тилидаги қўлёзмаларда Уйғурия, Уйғуристон деб номланган [ЎзМЭ, 2000-2005: 7: 636].
30. Ёркент (қадимий номи Сакараўл, хитойча Шаче) - Хитойнинг Синьцян мухтор районидаги шаҳар. Қашқар вилоятининг Ёркент тумани маркази (1980 йилгача Қашқар вилояти маркази). Такламакон чўлининг ғарбий қисмида, Ёркент дарёсининг ўнг соҳилида, 20 метр баландликда жой

лашган. Аҳолиси қарийиб 547,5 минг киши, асосан, уйғурлар, қисман ўзбеклар, хитойлар ҳам яшайди [ЎзМЭ, 2000-2005: 3: 483].

Сўзларни шарҳлаш жараёнида ахборот комуникацион технологиялари воситасида географик номларнинг электрон нусхалари ва ҳозирги кунда жойлашган географик ўрнини ифодаловчи расм-слайдлар экранда намойиш этиб борилади, зарур далиллар ўқувчиларнинг дафтарлари (бизнинг тавсиямизга кўра, тажрибали ўқитувчилар фанлараро интеграция технологиясига доир манбаларни қайд қилиб бориш учун махсус дафтар юрилишини ташкил қилганликларини ҳам эслатиб ўтишни лозим топамиз)га қайд қилдирилади. Ўқитувчи мавжуд шароит, имконият, шахсий маҳоратдан келиб чиқиб, аудио-видео, график, бадиий, тасвирий кўргазмалилик воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш, тасаввурларини кенгайтириш, хотираларини мустаҳкамлаш мақсадида географик (шунингдек, махсус тайёрланган адабий) хариталардан фойдаланиш ҳам дарснинг мазмунини бойитиш, тўлдиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Фурқат фаолиятини ёритишда 1959 йил шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан чоп этилган 2 жилдлик асарлари тўплами, А.Абдуғафуров (1977), Ш.Юсупов (1984) ларнинг тадқиқотлари, “Фурқатнома” асарлари асосий манба бўлишини таъкидлаш ўринлидир.

Сўз санъаткорининг ижоди ҳақида гапирганда, у, асосан, лирик шоир сифатида танилгани, кўплаб ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар яратгани, бизгача етиб келмаган бўлса-да, “Ҳаммоми хаёл” номли шеърий рисола ёзгани, “Чор дарвеш”, “Нўҳ манзар” асарларини форсчадан ўзбекчага таржима қилгани маълумлиги, қатор мақолалари билан ўзбек публицистикаси тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлиги, ҳозирги кунда ижодининг янги қирралари очилаётганлиги ёритилади.

Фурқат моддий қийинчиликлар сабабли ўқишини давом эттира олмади, ойлавий турмушда бахти кулмади, умрининг катта қисми сарсон-саргардонликда, мусофирликда ўтди. Шунга қарамай, баъзи мухаммас ва мусаддасларидаги мунгли, аламли, тушкун кайфиятларни айтмаганда, шоир ижоди, бир бутун олганда, умидбахш ҳислар, ошуфта туйғулар, нурли кечинмалар билан суғорилган. “Унинг лирикаси, асосан, ҳаётбахш, оптимистик лирикадир” (Очилов, 2009: 20). Бу фикрлар шоирнинг “Адашганман”, “Кўрдум”, “Кашмирда”, “Суратинг”, “Фасли навбахор ўлди” каби ғазаллари асосида далилланади. 2-соатдаги дарс шоир лирикасининг тематик ранг-баранглиги, бадиий теранлиги, равон ва мусиқавийлиги, ҳаётбахш ва ҳузурбахшлиги, илмий-маърифий аҳамиятини ёритишга бағишланади.

Дарсни кўрсатилган тавсиялар асосида ташкил этиш фанлараро интеграция технологиялари, дарс самарадорлигини оширади; илмийликни бойитади, қизиқишни орттиради, фанлараро узвийликни таъминлайди; ўқувчилар дунёқараши, тасаввурларини кенгайтиради; уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий анъана, урф-одатларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялайди.

Адабиётлар

1. Адабиёт (Мажмуа) : Академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Р.Мирсамиқова, О.Аметова. - Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. - Б. 383-391.
2. Йўлдошев Қ. Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик / Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков.[Масъул муҳаррир: В.Раҳмонов]. Қайта ишланган 4-нашри. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. - 368б. - Б. 111-125.
3. Ҳасанов Х. Географик номлар сири: Илмий-оммабоп таъриф. - Т.: Ўзбекистон, 1985. - 120б.-Б.3.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2005. 1-,2-,3-,4-,5-,8-, 9-10- ва 11-жилдлар.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир хайъати А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. - Т.: “Шарқ”, 2014. - 744б., 24-бет.).
6. Навоий асарлари луғати. - Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.-Б.784., -Б.589.
7. Очиллов Э. Ҳаётбахш шеърят. // Ўзбек тили ва адабиёти, 5-сон, 2009. -Б. 16-25.

Азимжонов Ш., тадқиқотчи

(Ўзбекистон)

ТОШКЕНТ АДАБИЙ МУҲИТИДА АДАБИЙ –ЕСТЕТИК ТАФАККУРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Қадим Тошкент кўп замонлардан бери илм ва адабиётнинг йирик марказларидан бўлиб, бу шаҳарда тарихий,илмий-маъданӣ жараёнлар илк даврлардан пайдо бўлган ва илм-фан, адабиёт, ҳунармандчилик каби бир қатор соҳалар қадимдан кенг ривож топиб келган. Шош воҳаси халқ ҳаётида адабий-естетик қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида бир қанча муҳаддислар, шариат уламолари, муаррихлар, хаттотлар ҳамда шоир, ёзувчиларни ўз бағрида камол топтирди. Тарихий манбаларда ва адабиётлардан яхши маълумки, IX-XIII асрлар Ўрта Осиёда илм-фан ва маъданият , айниқса, ислом илмлари

тараққий топган. Бинобарин, бу тарихий даврда ушбу минтақда Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош каби қадимий шаҳарлар илм-фан ва маданият марказлари сифатида машхур бўлган. Жумладан, Шош воҳасида ҳам кўплаб илм-фан ҳамда адабиёт номоёндалари етишиб чиққан. У хоҳ адабий муҳит бўлсин, хоҳ миллий адабиётнинг ҳудудий шакли бўлсин, айрим узилиш ва танаффуслардан қатий назар тараққиётда бўлган. Профессор Н.Каримовнинг таъкидлашича, илмий адабиётларда араб истилосига қадар бўлган даврда Тошкентда яшаб ижод этган шоир ва ёзувчилар тўғрисида маълумот учрамайди. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб алломалар, тарихий манбаларда кўрсатилишича даставвал ”Шоший”, ”Банокатий”, ”Чочий”, ХВИ асрдан бошлаб эса ”Тошкандий” ёки ”Илоқий” нисбасини олганлар. Ўрта асрлар Шош маъданий ҳаётига доир маълумотлар ёзма маънабаларда бироз тарқоқ ҳолда учрайди. Воҳа ҳаётида маъданий юксалиш, адабий –эстетик тафаккур элементларининг шаклланиш жараёнлари ўрта асрларга тўғри келиб, бу жараёнда шу вақтда етишиб чиққан илм фан ва адабиёт аҳлининг ўрни бекиёсдир.

Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданиятнинг барча соҳаларида ривожланиш жараёнлари юз берган. Абу Мансур ас-Салобийнинг (961-1038)) ”Ятимат ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср” (”Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси”) асарида Х асрда ижод қилган Абу Муҳаммад ал-Матроний, Абу Омир Исмоил ибн Аҳмад Шоший каби тошкентлик шоирлар ҳақида маълумотлар учрайди. Тарихий манбаларда ХИИИ –ХИВ асрларда Тошкент воҳасида Бадри Чочий, ХВ-ХВИИИ асрларда Алоуддин Шоший, Улойи Шоший, Боқий Тошкандий, Мирза Муҳаммад Ҳайдар, Холис Тошкандий, бундан ташқари ”Султонмуҳаммад Мутрибийнинг (1558-ХВИИ асрнинг 30-й.й.) ”Таскират уш –шуаро” асарида 320 дан зиёд қаламкашлар тўғрисида маълумот берилган. Улар орасида Жалилий, Дардий, Мухлисий, Жамил Мирак, Садрий, Забтий, Лофий сингари Мутрибийга замондош тошкентлик шоирлар ҳам бўлиб, улар ХВИ аср охири –ХВИИ аср бошларида яшаб ижод қилганлар” [Н.Каримов. 2013. 4.32]

ХВИИ–ХИХ асрларда Тошкент маданий ҳаёти тарихида Ибодуллох Тошкандий, Ҳофиз Кўҳакийнинг шогирди Шухратий Оҳангароний, Муҳтарам Тошкандий, Муллои Тошкандий, Мароҳий Тошкандий, Вафойи Дўрмоний, Содиқий Тошкандий, Абдуғаффор Тошкандий, Фатҳий Тошкандий, Муҳаммад Тоҳир Тошкандий, Кулфат, Зоий Тошкандий, Улфат, Дилкаш Тошкандий, Фазлуллох Алмайи, Азизуллаҳон, Мирий, Акмал, Киромий, Акмалхон ИИ каби шоир ва адибларнинг муносиб ўрни бўлган. Ўз навбатида, Тошкент ҳам илм-фан, маданият, маърифат ва адабиётнинг умумий юксалишига ўз ҳиссасини қўшган. ХВ–ХИХ асрларда фаолият кўрсатган олимлар, муаррихлар, табиблар, хаттотлар, шоирлар ва бошқа зиёли маърифатпарварлар ҳаёти, фаолияти, илмий меросига доир маълумотларни тарихий изчиллик асосида ўрганиб чиқилганда

Шош замини барча даврларда жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасига жуда кўплаб олиму фозил зотларни етказиб берганинг гувоҳи бўламиз. [8.1] Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Тошкент адабий муҳитида адабий –естетик тафаккур шаклланиши юқоридаги илм ва адабиёт ҳомийлари эвазига шаклланган ва даврлар оша ижодий шарт-шароитлар ҳозирланган, ижодкорнинг камол топиши учун хизмат қилган адабий давраларда тараққий этиб борган ва тарихий тараққиётда адабий жараёндаги эврилишлар оқибатида XIX –XX асрларда адабий ҳаёт янгича маъно касб этган бунинг асосий сабабларидан бири “ **XIX аср охири — XX аср бошларида Тошкентдаги адабий-маданий ҳаёт асосан “Кўкалдош”, “Беклар беги”, “Бароқхон”, Абул Қосим, Хўжа Ахрор мадрасаларида, шунингдек, айрим чойхона, дўкон ва хонадонларда кечган..**” [Н.Каримов.2013.3.44-43 сон]

Айниқса, XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент шаҳри Қўқон,Хива,Самарқанд,Бухоро қаторида энг катта адабий марказлардан бири ҳисобланиб, ушбу тарихий даврда Тошкент адабий муҳитидан кўплаб қаламкашлар етишиб чиққан. Мазкур асрларда Тошкент адабий муҳитида адабий –естетик қарашлар гуллаб-яшнагани боис кўплаб сўз ижодкорлари етишиб чиққан. Ушбу даврда Тошкент сиёсий, маъданий ва адабий марказ сифатида бошқа шаҳар ва вилоятларнинг қалам аҳлини ҳам ўзига тортиб келган ҳамда уларни илмий-адабий муҳитида тарбиялаб вояга етказиб келган. Хусусан, мазкур тарихий даврда Тошкентдаги адабий ҳаётнинг раванг топишида, адабий-естетик қарашларнинг шаклланишида ва ривожланишида бир қатор ижодкорларнинг ўрни беқиёс.

Тошкентда яшаб ижод этган ва Тошкентдаги илм-маърифатнинг, адабий-естетик қарашларнинг тараққиётида муҳум саналган кўплаб ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бизга тазкиралар орқали маълум бўлган. Хусусан , Абу Мансур ас-Салобийнинг “Ядимат ад-дахр фи маҳосин ал-аср” , Алишер Навоийнинг “ Мажолис ун-нафоис”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Султонмуҳаммад Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Фазлий Намангонийнинг “ Мажмуаи шоирон” каби тазкира жанрида ёзилган асарлари орқали кўплаб тошкентлик шоирлар ҳақида маълумотлар учрайди. Адабиётшунослигимизда муҳим ўрин эгаллаган тазкиралардан яна бири “Тазкирайи Қайюмий” дир.

“Тазкирайи Қайюмий” да бошқа тазкиралардан фарқли ўлароқ тошкентлик шоир ва ижодкорлар ҳақида кўпроқ маълумот берилади. Хусусан, асарда XIX-XX асрларда яшаб ижод қилган Мискин, Мунис ИИ, Зариф, Нозима, Соқий, Тавалло, Хаёлий, Ахтарий , Акмалхон ИИ, Кирёмий ИИ, Дилафкор каби ижодкорларга тўхталиб ўтилган. “ **Мазкур тазкирада XX аср бошларида Тошкентда шаклланган жаҳид шеърятининг Камий, Алмаий, Хислат, Мискин сингари таниқли номоёндалари билан бир қаторда номи унутилган ёки адабиёт тарихчиларигагина маълум бўлган қуйидаги шоирлар ва улар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.**”

[Н.Каримов. 2013.4.35] Тошкент адабий муҳитидан озикланган катта истеъдод вакиллари ҳамда ҳаваскор ёш шоирлар ижодини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали орқали маълум даражада XIX-XX асрда Тошкентдаги адабий атмосфера ҳавосинидан хабардор бўламиз. Бу эса ўз навбатида Тошкент адабий муҳитини бошқа адабий муҳитлар билан ривожланиши ва тарихий такомилени белгилаб беради, шу қатори қиёсий типологик таҳлил қилиш имконини яратади. Шу ўринда П.Қаюмовнинг “Тазкирайи Қайюмий” тазкираси юқоридаги масалаларнинг ўрганилиши ва тадқиқ этилишида муҳим адабий манба вазифасини ўтайди.

XIX аср охиридан бошлаб Тошкент “жадидчилик” номи остида юзага келаётган маърифатчилик ҳаракатининг маркази бўлиб қолди. Туркистоннинг маърифатпарвар зиёлилари ўлканинг ривожланган дунёдан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ортда қолганини, шу ҳолат мамлакат Россия империяси мустамлакаси бўлиб қолишининг асосий омилларидан бири эканини тушуниб етишган эди. Натижада улар Шарқ ва Ғарб маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзлаштиришга интилиб, халқнинг маданияти, турмуш тарзи ва маърифатини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш ҳамда Туркистонда миллий-демократик давлат барпо этиш мақсадини қўйишди. Бу ҳаракатга Маҳмудхўжа Бехбудий билан бирга тошкентлик таниқли жамоат ва сиёсат арбоби, журналист ва педагог Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлик қилди. **Мунавварқори Абдурашидхонов ўзбек адиби, журналисти, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан. Тошкентнинг Шайхонтохур даҳаси Дархон маҳалласида туғилган. Бухорода Мирараб мадрасасида, Тошкентдаги эшонқул додхоҳ мадрасаларида таҳсил олган.Тошкента “Жамияти имдодия”(1909), “Турон”(1913), “Туркистон кутибхонаси” (1914), “Умид” (1914), “Мактаб” (1914), “Кўмак” (1921) каби жамиятлар ташкил этган. Ижодкор қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар :”Адиби аввал” (1907),”Адиб ус-соий” (1907),”Усули ҳисоб” ,”Тарихи қавми турк”,”Тажвид” (1911),”Ҳавойижи диния”,”Тарихи анбиё”,”Тарихи исломия” (1912),”Ер юзи” (1916-17) муаллифи. ”Сабзавор” номли шеърый мажмуа нашр эттирган.бадий ижод наъмуналари ихчам хикоялар ,шеърлар ва ўз давридаги мажмуа, қўлланмалар киритган.Публистистик мақолаларида эса инсон ва жамият, дин ва диндорлик, ахлоқ, мустамлакачилик ва хуррият,давлат бошқаруви,маънавият ва маориф муаммоларини ёритган. [Ҳ.Болтабоев. 2015.1.71] Биргина “Адиби аввал “ўзбек адабиётидаги алифболардан бирини яратди. .Алифбе ва ўқиш китоби каби асар ,араб ёзувида илк маротаба 1907-йида Тошкентда литография усулида чоп этилган.1907-1917-йиллар давомида 8 марта қайта нашр қилинган.[У.Долимов. 2012.6.231-233.] Адиб бу асарнинг давоми сифатида тартиб қилган “Адиби соний” асари ҳам ахлоқий ва фанний дарс материалларидан ташкил топиб, унда “Назм” рукни остида шеърлар ,ахлоқий йўналишдаги наср наъмуналари берил**

ган. [М.Абдурашидхонов. 1912.2.5-табъ] Манбаларда келтирилишича ижодкор Тошкентда биринчи бўлиб, янги усулдаги мактабни, сўнг ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг асоси ҳисобланган олий ўқув юрти – “Туркистон халқ дорилфунуни”ни очган. Айни пайтда ўзбек тилидаги биринчи миллий нашрлар “Тараққий”, “Хуршид”, “Кенгаш”, газета ва журналларининг асосчиларидан биридир. Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Саидрасул Саидазизов ва бошқаларни ўз доирасига олган Тошкентнинг илғор маҳаллий зиёлилари янги усулдаги мактаблар, дарсликлар, театр гуруҳлари, маърифатчилик жамиятлари тузиш, газеталар нашр этиш ишига бошчилик қилишди. Тошкентда шундай мактаблардан биринчисини Мунавварқори Абдурашидхонов “Намуна” номи остида ташкил қилди. 1910 йилларда Тошкентда ана шундай номда ўндан ортиқ мактаблар очилган.

Тошкент адабий муҳитида этишиб чиққан етук адиб ҳамда маърифатпарвар Абдулла Авлоний ижодисиз Тошкентда яратилган адабий атмосферани тасаввур қилиб бўлмайди. Авлоний Туркистон жадиличлик ҳаракатининг йирик намоёндаси сифатида жади́д мактаблари очиб, муаллимлик қилган. **Илк асарлари ” Туркистон вилояти газети” да босилган(1906).** Айрим мақолаларига Индамас, Ҳижрон, Набил, Шухрат, Шапалоқ, Чол, Абдулҳақ каби тахаллусларни қўллаган. Мактаблар учун дастур, дарслик ва қўлланмалар яратган. **”Биринчи муаллим” (1911)** дарслиги алифбо ва ўқиш китоби тарзида тузилган. Унинг таркибида Алишер Навоий, Хожа ва муаллифнинг ўз асарларидан наъмуналар берилган. Асарнинг мантиқий давоми **“ Иккинчи муаллим” (1912)** жади́д мактаби ўқувчилари учун тузилиб, **”Калила ва Димна”, “Тўтинома”,** Зарбулмасал **“асарларидан наъмуналар берилган . Ушбу тарихий даврда ”Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1913),”Мактаб Гулистони” (1915),”Адабиёт хиристоматияси”(1933)** каби асарлари тузилган. Шеърлий асарларининг умумий ҳажми тўрт минг мисрадан ортиқ. **”Адабиёт ёхуд миллий шеърлар “ тўплами (4 жузудан иборат,1909-1915), ”Пинак”, ”Адвокатлик осонми?”,”Португалия инқилоби”** каби песалар ёзган. **”Қотили Карима”, ”Ҳиёнаткорлар оиласи”, ”Хўр-хўр”, ”Жаҳолат”, ”Ўликлар”, ”Уй тарбиясининг бир шакли”** драмаларини татар, озарбойжон тилидан таржима қилган. [Ҳ.Болтабоев.20151.2.38.39] Маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг халқни маърифатли қилиш учун маънавий тарбияга бағишланган .Биргина **“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”** асари мисолида қарайдиган бўлсак, бу асар қатор соҳаларнинг ривожига кўпчилик учун дастурий китоб бўлиб қолди. Драматургия соҳасидаги асарлари эса, бошқа драматурглар учун дастурил амалга айланди. Зеро, бу даврда Тошкент адабий муҳитида драматургия соҳаси ҳам кенг ривож топди. Ўзбек драматургларидан бири Абдулла Бадрий ҳам Тошкентдаги рус-тузем мактабини тамомлаб, муаллимлик қилди.

1910-йилда усули жаид мактабларини ташкил қилган, санъатда европача усулдаги янги драмтуруппа уюштириб, ўзбек театрининг шаклланишига хисса қўшган .”Жувонмарг”, ”Аҳмоқ”, ”Ўгай ота”, ”Бойвачча” каби пиесаларида ўзбек халқининг мустамлакачиликка қарши кураш ғоялари ифодаланган. Сахналаштирилган пьесалар давр адабий жараёнида сезиларли из қолдирган. [*Турк Дуняси эдебиятсилари Ансиклопедиси. 2002. 36.*]

Тошкент адабий муҳити ҳақида сўз кетганда Каримбек Камийни эсламасликни иложи йўқ, Каримбек Камий Тошкентда яшаб , ижод қилиб “Беклар беги” мадрасасида ўқиди. Камийдан бизгача олти минг мисрага яқин шеърини ҳамда насрий асарлар ва ўзи тузган бир неча қўлёзма боёзлар сақланиб қолган. Сидқий, Хондайлиқий, Тавалло, Мискин , Хислат каби бир қатор шоирлар Камийнинг шогирдларидан бўлган. Каримбек Камий мумтоз шеърининг кўпгина жанр ва мавзуларида ижод қилган . Муқумий, Фурқат билан яқин алоқада бўлган мушоиралар қилган. Камий ижоди мураккаб, дунёқарашини зиддиятли. Шеърларининг аксарият қисми анъанавий ишқий мавзуда. Шунга қарамадан, маърифатпарварлик ва ижтимоий шеърлари ҳам борки, булар шоир ижодининг бош йўналишлари бўлиб хизмат қилади. Маърифатпарварлик йўналишидаги шеърларида халқни маърифатли бўлишга дават этган. (“Темир йўл хусусида”, “Дилки миллат ғамида қон ўлди”, “Солди беилмлик хатоларга”). .Ижодкорнинг ушбу йўналишдаги ижоди адабиётшуносларимиз Ғ.Каримов, А.Жамолов, М.Ҳамидова ва О.Тўлабоевлар томонидан тадқиқ этилган. [7.1]

Бу давр адабиётининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, Тошкент адабий муҳити бу даврда маърифатчилик адабиёти маркази сифатида танилди ва жаидона руҳ билан суғорилди. Вужудга келган шаҳардаги адабиёт сифат жиҳатдан, шубҳасиз, янги адабиёт эди. У ҳар жиҳатдан- ижодкорларнинг ижтимоий ҳаёти, муштарийлари билан ҳам, йўналишлари, мавзулари, ғоявий мазмуни, жанрлари, услуби билан ҳам бошқа давр адабиётидан фарқ қилар ва устунлик касб этди. Шу боисдан XIX аср охири XX асарнинг бошларида Тошкент адабий муҳитидадан етишиб чиққан кўплаб ижодкорларнинг мақсад ва муддаолари асарлари орқали замон руҳиятини акс эттириш ҳамда ҳамда халқни маърифатли бўлишга, илм олишишга ва ғайри тилларни ўрганишга чорлаш, жоҳон маънавий сивилизатзиясига таъсир кўрсатган театр, янги усулдаги мактабларни ташкил қилишга қаратилган. Юқорида номлари зикр қилинган ижодкорлар билан биргаликда қуйидаги Тошкентлик шоирлар Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Хислат ва халқни маърифатга даъват этган бошқа шоирлар қатори Туркистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. .Шундай қилиб, Тошкентнинг маънавий ва илмий-маданий салоҳияти, Тошкент адабий муҳитида адабий- эстетик қарашларнинг шаклланиши ва тараққиёти барча

даврдда шу заминда яшаб фаолият кўрсатган алломалар ҳисобига юксалиб, у жаҳон сивилизатсиясининг марказларидан бири сифатида Ўзбекистон маданиятининг энг муҳим қисмини ташкил этган.

Адабиётлар

1. Ҳ.Болтабоев. Адабиёт энциклопедияси. Тошкент. 2015.Б-71. Зиё Саид. Танланган асарлар. Тошкент-1974; Ўзбекистоннинг янги тарихи.1-китоб. (Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида) Тошкент-2000; Марказий Осиё XX аср бошида:ислохотлар,янгилашиш, тараққиёт ва мустамлакачилик учун кураш. Тошкент-2001. Б.Қосимов. Абдулла Авлоний. Тошкент.1979 .Ҳ.Азимова. Абдулла Авлоний драматургияси.НДА.Тошкент.1999. Турк Дуняси эдебиатсилари Ансиклопедиси.Анкара. 2002.С.35-36.Б.Қосимов.,У.Долимов.Маърифат дарғалари.Тошкент .1990.
2. Мунавварқори Абдурашидхон ўғли .Адиби соний.5-табъ.Тошкент.1912.
3. Н.Каримов .ф.ф.док.проф.Абдулла Қодирий ва Тошкент адабий муҳити.ЎзАС .2013-й.43-44-сон
4. Н.Каримов. Адабиёт ва тарихий жараён.Тошкент.Мумтоз сўз .2013.Б-35.Адабиётшунос ушбу мақолада номлари зикр қилинган ижодкорларнинг асардаги келтирилган изоҳини ҳам келтириб ўтади.
5. Турк Дуняси эдебиатсилари Ансиклопедиси.Анкара.2002.С.36
- 6.У.Долимов.Миллий уйғониш педагогикаси.Тошкент.2012.Б-231-233.
7. Зиёнет.уз сайти
8. Шошлик олимлар ва зиёлилар . .@шош.уз @зиёнет.уз .

Ахмедҷонова М.А., муаллима
(Тоҷикистон)

НАҚШИ АДАБИЁТ ВА АСАРҲОИ АДАБИ ДАР ТАРБИЯИ ТАҲАММУЛПАЗИРИИ ҚОМЕАИ МУОСИР

Таълими адабиёт воситаи асосии тарбияи маънавии эстетикӣ, шинохти ҳусни инсон ва аз ин мавқеъ, маърифати он аст. Парвариши завқи солим ва ҳиссиёти пазироии зебоии зоҳирии ҷаҳон ва ботини назару андешаҳо низ аз вазифаҳои адабиёт дар ҷараёни таълим аст. Дарёфти арзишҳои ҳунари ва ҳусну назокати суҳанварӣ ҳам аз роҳи таълими адабиёт имконпазир мегардад.

Дар ташаккули ахлоқи ҳамидаи инсонӣ, ки таҳаммулпазирӣ яке аз унсурҳои муҳимтарини он ба ҳисоб меравад, мероси адабии шоирону нависандагони классикии форсу тоҷик нақши фавқулода калон мебозад. Дар байни адибони гузаштаи мо мероси адибони мутасаввифа, махсусан, ҳикояҳои халқӣ ё тамсилӣ, ки дар маснавиҳои шоирони маъруф, аз қабили Саной, Аттор, Румӣ ва дигарон фаровон истифода шудаанд, дар таълиму тарбияи насли наврас ба мақсад мувофиқанд. Мутаассифона, дар давраи қабл аз истиқлолият омӯзиши мероси шоирони мутасаввиф, аз ҷумла, Ҷалолуддини Румӣ бо сабабҳои идеологӣ мамнӯъ буд.

Ба шарофати Истиқлолияти давлатӣ дар қатори дигар намояндагони тасаввуф ба барномаи мактаб порчаҳо аз эҷодиёти Ҷалолуддини Румӣ дохил гардид ва муаллимони макотиби миёна имконият пайдо карданд, ки мероси ғании ўро дар тарбияи хонандагон мавриди истифода қарор диҳанд.

Порчаҳо аз “Маснавии маънавӣ”, ки дар синфи 7 таълим дода мешаванд, барои тарбияи ахлоқи ҳамида, парвариши инсонии комил ва дар ин замина тарбияи таҳаммулпазирӣ имконоти васеъ фароҳам меорад. Мо ин гуфтаҳоро дар мисоли чанд порча аз Маснавий ва шарҳи онҳо, ки асоси хониши асари бадеӣ мебошад, баррасӣ менамоем.

Пеш аз ҳама, омӯзгорро зарур аст, ки чанд нуктаро роҷеъ ба ин масъала идрок кунад. Ҳоло ки Тоҷикистон дар баробари дигар кишварҳо дар раванди ҷаҳонишавӣ қарор дорад, баъзе воқеаҳои солҳои охир, аз қабилӣ шомилшавии ҷавонон ба ҳар гуна ҳизбу ҳаракатҳо боиси нигаронӣ мебошад. Аз ин хотир, дар ин маврид вазифаи омӯзгор ҳангоми таълими осори ирфонӣ бисёр бузург аст. Вай метавонад бо ташреҳи осори манзуму мансур, ки ҷанбаҳои зиёди ахлоқӣ доранд, беҳтарин ҳисоли неку инсонпарваронаро ба хонандагон талқин кунад. Аз ин ҷиҳат, Маснавии маънавӣ низ истисно нест. Таҳаммулпазирӣ аз худшиносӣ, одоби сӯҳбат, наранҷондан, эрод нагирифтани ба нуқсон, эҳтироми ақидаи дигарон, инсондӯстӣ ва ғайра сарчашма мегирад, ки яке ан ҷанбаҳои асосии он марбут ба ақоиди динӣ мебошад.

Ба ин хотир, пеш аз тадриси Маснавии маънавӣ омӯзгор бояд таърихи дин, масъалаҳои динӣ, ба хусус, китоби муқаддаси мусулмонон Қуръон ва мухтавои онро донанд. Ҳамчунин мутолиаи китоби “Қасас-ул-анбиё” ва китобҳои, ки роҷеъ ба рӯзгори паёмбарони Худо ва саҳобаҳо таълиф шудаанд, хеле муфид аст. Зеро вақте ки хонандаи мо дар дарси адабиёт, хоса дар мавзӯҳои мазмуни ирфонидошта доир ба масоили динӣ маълумоти дуруст мегирад, ӯ ба дигар сарчашмаҳои безътимод така намекунад.

Дин бояд ба эътиқоду имони ботинии инсон така кунад, ба инсон таҳмил кардани эътиқод кори ғайриимкон аст. Худованд дар Қуръони Маҷид борҳо таъкид кардааст: «Барои дин ҷабр кардан (раво) нест». Дар сураи Юнус омадааст: «Ва агар Парвардигорат мехост, ҳамаи онон, ки дар заминанд, якҷо имон меоварданд. Оё ту мардумро маҷбур карда метавонӣ, то мўъмин шаванд?»

Дар китоби муқаддаси мусулмонон борҳо зикр шудааст, ки аҳли ислом ба ҳамаи паёмбарони гузашта эҳтиром доранд ва ба эътиқоди аҳли Китоб низ эҳтиром мегузоранд. Аз ҷумла, дар сураи Анкабут омадааст: «Ва бо аҳли Китоб ҷуз ба он сурате, ки некӯ бошад, мучодала мақунед... ва бигўед:... Бо он чи ба сўи мо фуруд оварда шуд, имон овардем ва Худои мо ва худои шумо Яке аст ва мо ўро фармонбардорем».

Ва бе ҳеҷ шакку шубҳа аслу марҷаи ҳамаи адёнро як шумурдани шоирони мутасаввиף маҳз аз ҳамин таълимоти қуръонӣ сарчашма мегирад. Ин нуктаро Ҷалолуддини Румӣ дар яке аз ғазалҳои ӯ хеле барҷаста баён кардааст:

**Ҳар лаҳза ба шакле бути айёр баромад,
Дил бурду ниҳон шуд.
Ҳар дам ба либоси дигар он ёр баромад,
Гаҳ пиру чавон шуд.
Гаҳ Нўҳ шуду кард чаҳоне ба дуо ғарқ,
Худ рафт ба киштӣ,
Гаҳ гашт Халилу зи дили норбаромад,
Оташ гул аз он шуд.**

Албатта, дар таълиму талқини ғояи яғонагию ваҳдати ҳамаи одамони рӯи замин ба хонандагони мактабҳои таҳсилоти умумӣ, пеш аз ҳама истифодаи шеърӣ маъруфи Шайх Муслиҳиддин Саъдии Шерозӣ мувофиқи мақсад аст:

**Банӣ Одам аъзoi якдигаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор.
Ту к-аз меҳнати дигарон беғамӣ,
Нашояд, ки номат ниҳанд одамӣ (14, 66).**

Беҳуда нест, ки ин шоҳқории Саъдӣ маҷлисоҳои ЮНЕСКО-ро зебу зинат медиҳад.

Ба мақсади ташаккулу тарбияи таҳаммулпазирӣ дар ниҳоди мактабиён, махсусан ашъори Мавлоно, ки ба худтарбияи инсон, худшиносии ӯ нигаронида шудааст, аҳамияти хоса дорад. Мусаллам аст, ки худошиносӣ аз худшиносӣ оғоз меёбад. Яке аз шартҳои муҳимтарини худшиносӣ дар феълӣ хӯи худ аз байн бурдани хислатҳои манфӣ аст. Румӣ мегӯяд:

**Ин чаҳон кўҳ асту феъли мо нидо,
Сўи мо ояд нидоҳоро садо (12,1/215).**

«Ин чаҳон дар масал монанди кўҳ аст ва аъмолу нийёти мо низ монанди бонг ва фарёдест, ки дар кўҳ танин меафканад. Бегумон ҳар фарёде, ки дар кўҳ бизанем танини он дубора ба сўи мо боз мегардад». Дар ин ҷо шорехи «Маснавии маънавӣ» масъалаи чавоби аъмолро ба миён мегузорад ва таъкид мекунад, ки: «Тамоми кутуби осмонӣ ва уммаҳоти кутуби ахлоқӣ бад-ин матлаб тасреҳ кардаанд, ки одамӣ раҳини ахлоқи худ аст. Ҳар амале, ки анҷом диҳад, натиҷаи онро мебинад. Оёти Қуръони Карим низ ба қаррот бад-ин мавзӯ таъкид кардааст. Ин мавзӯ аз масоили меҳварии «Маснави» ва мактаби Мавлоност».

Лозим ба таъкид аст, ки ин маъноро Мавлоно дар чанд ҷои «Маснави» ифода намудааст. Дар дафтари дувум мегӯяд:

**Гуфт Ҳақ: Идборгар идборчўст,
Хори рўида чазoi кишти ўст.
Он ки тухми хор қорад дар чаҳон,
Ҳону хон, ўро мачў дар гулситон.
Ё дар дафтари чоруми «Маснави» омадааст:**

Чумла донанд ин, агар ту награвӣ,

Ҳарчӣ мекориш рӯзе бидравӣ.

Дар қиссаи «Назар кардани шер дар чоҳ ва дидан акси худро ва он харгӯшро» Румӣ нуктаи мазкурро нисбатан муфассал баён мекунад:

Эй басо зулме, ки бинӣ дар касон,

Хӯйи ту бошад дар эшон, эй фалон.

Дар худ он бадро намебинӣ аён,

В-арна душман будай худро ба чон.

Ҳамла бар худ мекунӣ, эй содамард,

Ҳамчу он шере, ки бар худ ҳамла кард.

Румӣ дар ин чо ба хулосае мерасад, ки одамӣ бояд, қабл аз ҳама феълу рафтори худро нарму мулоим созад, то аз дигар муомилаю муносибати мувофиқро чашмдор гардад.

Гузаштагони мо ба тарбияи нармсуханӣ ва ширингуфторӣ, ки як ҷузъи ахлоқи ҳамида маҳсуб мегардад, диққати чиддӣ додаанд. Дар осори шоирони форсу тоҷик ашъори роҷеъ ба забон, ки ҳам сабаби озори касон ва ҳам боиси фараҳу шодии одамон шуда метавонад, хеле зиёд аст. Дар тарбияи кӯдакон дар рӯҳияи таҳаммулпазирӣ ба онҳо фаҳмонидани фазилатҳои нармсуханӣ аҳамияти калон дорад. Румӣ низ ба тарбияи ин сифати инсонӣ аҳамият додааст:

Эй забон ҳам ганҷи бепоён туй,

Эй забон ҳам ранҷи бедармон туй.

Ҳам сафиру худъаи мурғон туй,

Ҳам аниси ваҳшати ҳичрон туй.

Барои дар руҳияи таҳаммулпазирӣ тарбия кардани кӯдакон ҳикояи «Инкор кардани Мӯсо алайҳиссалом бар муноҷоти шубон»-ро истифода бурдан самарабахш хоҳад буд. Муаллим метавонад аз дуои марди ҷӯпон, ки ба фаҳми кӯдакон наздик аст, босамар истифода барад. Ҷӯпон ба Худо муроҷиат карда мегӯяд:

Ту кучой, то шавам ман чокарат,

Чоруқат дўзам, кунам шона сарат.

Чомаат шўям, шапушҳоят кушам,

Шир пешат оварам, эй мўхташам!

Ва дар «Итоб кардани Ҳақ таоло Мӯсоро алайҳиссалом аз баҳри шубон» мўхтавои ваҳдати инсонҳо ва ягонагии гавҳари офариниши онҳо, банӣ башар будани онҳо ва ҳамзамон ғояи гуногунии одамон, фардияти ҳар як инсон ниҳон аст:

Ваҳй омад сўйи Исо аз Худо:

«Бандаи моро зи мо кардӣ чудо.

Ту барои васл кардан омадӣ,

Ё барои фасл кардан омадӣ?

Албатта, мафҳуми таҳаммулпазирӣ ба маънои низоми фалсафии имрӯзааш, аз чумла ба сифати таълимоти томи педагогӣ дар эҷодиёти Ҷалолуддини Румӣ

ва дигар шоирону адибони куруни вустои форсу тоҷик ё дигар халқу миллатҳо вучуд дошта наметавонад. Зеро фалсафаи таҳаммулпазирӣ дар ин қолабу шакл маҳз зодаи ҳаёти қарнҳои ХIХ-XX-XXI мебошад. Бо вучуди ин, унсурҳои умдаи таҳаммулпазирӣ дар давраҳои қадимтарини таърихи инсоният пайдо шудаю ташаккул ёфтаанд, зеро маҳз таҳаммулпазирӣ ҳаёти осоиштаю мусолихаомези бани башарро таъмин мекунад.

Муҳим он аст, ки ҳамаи мутафаккирону бузургони халқи тоҷик ба масъалаи ташаккул ва такмил ёфтани ахлоқ, ки дар муҳити иҷтимоӣ ва хонавода бо таъсири тарбият сурат мегирад, аҳамияти ҷиддӣ додаанд. Онҳо таъкид кардаанд, ки «тарбия муҳимтарин воситаи ташаккулдиҳандаи инсон буда, нақши мураббӣ дар рушду камолоти маънавии инсон сазовори эътироф мебошад. Аксари хислатҳои инсонӣ, ки бузургони мо онҳоро тавсиф кардаанд, баташаққули таҳаммулпазирӣ аз ин ё он ҷиҳат иртибот доранд. Масалан, роҷеъ ба таълимоти ахлоқии Саъдии Шерозӣ адабиётшиноси маъруф Абдулҳусайни Зарринқӯб мегӯяд: «... дар ахлоқ он чи моёи нафрати Саъдист, чизест, ки инсонро аз он чи лозимаи одамият аст, дур мекунад ва ба зиштию пастӣ мекашад. Назди вай ахлоқ василаест, ки инсонро ба камоли одамият мерасонад ва вучуди ўро бо риштаи муҳаббат ба саросари коинот мепайвандад» (18, 242).

Ҳамин «ахлоқе, ки инсонро ба камоли одамият мерасонад» маҳз аз муассиртарин воситаҳои ташакқулу тарбияи шуури таҳаммулпазирӣ мебошад.

Дар таърихи илму адаби мо теъдоди чунин асарҳои ахлоқӣ хеле зиёданд, ки намунаҳои барҷастаи онҳо «Қобуснома»-и Унсурмаолии Қайковус, «Сиратул-мулук»-и Хоҷа Низомулмулки Тўсӣ, ки бо номи «Сиёсатнома» маъруф аст. «Насиҳат-ул-мулук»-и Абӯҳомиди Ғаззолӣ, инчунин дарзномаҳои сершумори замони Сосониён ва ғайра мебошанд.

Ба назари мутафаккирони форсу тоҷик фазилатҳои ахлоқӣ худ аз худ пайдо намешаванд, балки дар муҳити муайян, дар ҷараёни муносибатҳои байни одамон, ҳангоми муҳайё будани шароити зарурӣ ба вучуд меоянд ва камол меёбанд. Мувофиқи ин андеша агар поксирештонро дар муҳити фосид, ё баръакс муфсидонро дар муҳити солим парваранд, онҳо таҳти таъсири муҳити тарбият сирати худро тағйир медиҳанд. Маҳз бо таъсири муҳити тарбият инсонро ба таври матлуб парвариш мекунанд. Саъдӣ мегӯяд:

**Бо бадон ёр гашт ҳамсари Лут,
Хонадони нубуввутаи гум гашт.
Саги асҳоби Қаҳф рӯзе чанд,
Паи некон гирифта мардум шуд.**

Саъдии Шерозӣ дар қатори дигар муаллимони ахлоқӣ илму адаби форсу тоҷик таъкид мекунад, ки одам некахлоқ, ё бадахлоқ таваллуд намешавад ва ў зотан некӯкор ё бадқирдор нахоҳад буд, балки тадричан дар натиҷаи таъсири омилҳои муайяни ахлоқӣ ҳулуқи атвори вижаеро мепазирад. Агар омилҳо мусбат бошад, одам фазилатҳои ҳақиқии ахлоқиро пазируфта, хушахлоқ ба камол мерасад. Ва баръакс агар одам дар муҳити бад ба воя расад, бадқирдору разил

хоҳад шуд. Санги маҳаки ташаккули ахлоқ ва камолоти маънавии инсон, аз назари Саъдӣ тарбият аст:

**Хар ба саъй одамӣ нахоҳад шуд,
Гарчи дар пойи минбаре бошад.
В-одамиро, ки тарбият накунад,
То ба садсолагӣ харе бошад.**

Саъдӣ таъкид мекунад, ки синни кӯдакӣ давраи воқеии тарбият ва такомули ахлоқ аст:

**Ба хурдӣ дарсӣ зачру таълим кун,
Ба неку бадаш ваъдаву бим кун.**

Аксари мутафаккирони қуруни вустои форсу тоҷик мавқеи иҷтимоии одамонро сарфи назар карда, ба тақсимооти табақавӣ баробари табиӣ умумии онҳоро муқобил гузоштанд. Аз ҳамин мавқеъ, масалан, Саъдӣ ба намояндагони табақои сарватманди чамъият муроҷиат карда мегӯяд:

**Дар кам зи хештан ба ҳақорат нигоҳ макун,
Гар бехтарӣ ба мол, ба гавҳар баробарӣ.**

Ин байти Саъдӣ, ки бо шеърӣ дар боло иқтибосовардаи мо («Банӣ Одам аъзои якдигаранд») ҳамоҳангии комил дорад, бар хилофи тафовутҳои табақавию таассубҳои қавмӣ одамон, ки зодаи иҷтимоии давр буд, ғояи зотан баробар будани онҳоро пеш мегузошт. Ин нуқта ва таъкиди «дар кам зи хештан ба ҳақорат нигоҳ накардан» яке аз унсурҳои асосии тарбияю ташаккули шуури таҳаммулпазирӣ мебошад.

**Хешро гар хайр хоҳӣ, хайрҳои халқ бош,
З-он ки ҳаргиз бад набошад нафси некандешро.
Одамият раҳм бар бечорагон овардан аст,
К-одамиро тан биларзад, чун бубинад решро.**

Адабиёт фаннест, ки ҳақиқатшиносӣ, инсондӯстӣ, ватанпарварӣ, хислатҳои ҳамида ва зебоидарккуниро дар ниҳоди хонанда парварида метавонад, зеро адабиёти бадеӣ бехтарин ва муҳимтарин сарчашмаи парвариши афроди чома, баҳусус, насли наврас ва ҷавонон аст.

Адабиётҳо

1. Айнӣ С. Куллиёт. Ҷ.11. Китоби дувум.-Душанбе: Ирфон, 1964.-4361 с./1.3)
2. Аҳмадов М. Таълими адабиёти тоҷик (қисми 1). - Хучанд, 2012. - 292 с.
3. Барномаи адабиёти тоҷик. - Душанбе, 2007. – 72 с.
4. Большой арабско-русский и русско-арабский словарь.-М: ООО «Дом Словенской книги», 2011.-960 с. / с.107.
5. Зарринқуб А. Бо қорвони ҳулла.-Техрон, 1965, с.242
6. Номаи Донишгоҳ. Илмҳои чомашиносӣ, 2007 №1.- Хучанд: Нури маърифат, 2007.- с.3-30
7. Саъдии Шерозӣ. Гулистон. Тасҳех ва тавзеҳи Ғуломхусайни Юсуфӣ.-Техрон: Хоразмӣ, 1374.

*Каримова Д., сармуаллима
(Тоҷикистон)*

МУНОСИБАТИ САЛОҲИАТНОКӢ БА УСУЛИ МУАММОВӢ ЗАМИНАИ АСОСИИ ИНКИШОФИ МАЛАКА ВА МУСТАҚИЛИЯТ

Забон ҳамчун яке аз пояҳои асосии истиқлолияти давлатдорӣ, инчунин қодир аст дар рушду камоли миллат хидмати босазо гузорад. Соҳибони забон муваззафанд онро натанҳо аз газандҳо ҳифз, балки барои ғановату таровати он ҷидду ҷаҳди доимӣ дошта бошанд, Чуноне маълум аст, селоби ҷаҳонишавӣ аз рӯи пешгӯиҳои олимони эҳтимоли маҳвшафии тақрибан дусад забони хурди олам вучуд дорад. Аз ин рӯ, забони модарии мо бояд ҷавобгӯи ниёзҳои замони бошад, заминаи таърихии худро ҳифз карда тавонад ва муҳимтар аз ҳама дар худ таҳаввулотии сиёсиву иқтисодӣ ва иҷтимоиву фарҳангии ҷомеаро инъикос карда тавонад.

Мо пеш аз ҳама бояд барои рушди забони модарӣ, ки имрӯз мақоми давлатӣ дорад, тадбирҳои лозима андешида, поку беолоиш нигоҳ доштани забон ва асолату шевоии онро ҳифз карда, қарзи ҳар як тоҷикистонӣ, ки бо ин забон ҳарф мезананд, мебошад. Асосгузори сулҳу ваҳдати миллӣ, Пешвои миллат Эмомалӣ Раҳмон дар паёми хеш, ки 26-уми декабри соли 2019 ироа гардид. «Мо ислоҳоти низоми ҳамаи зинаҳои таҳсилро минбаъд низ давом дода, усулҳои фаёли таълимро ҷорӣ мекунем ва ба сатҳу сифати таълим эътибори авалиндарача медиҳем.»

Ҷустуҷӯву навоарӣ, пешрафт ва дарёфти маълумоту донишҳои нав бештар аз ҳар соҳаи дигар барои соҳаи маориф муҳимтар аст. Ин соҳа тақдирсози миллат аст ва ҳар қадар муваффақу пешрав бошад, ҳамон қадар миллат саодатманду шукуфо хоҳад буд. Аз ин ҷост, ки дар соҳаи маориф зуд-зуд тағйироти гуногуни тақонбахш ба вуқӯъ мепайванданд, ба вижа, тарзу усулҳои нав сари кор меоянд, муносибат ба таълиму тарбия ҷиддитару фарогир ва бештар эҷодкорона мешавад. Ҳадаф аз ҳама гуна навгониҳо дар ин соҳаи сарнавиштсоз тарбияи инсонии фаёлу комил мебошад. Фаёлияти густурдаи Вазорати маориф ва илми мамлакат соҳаи маориф аз ҳар ҷиҳат рушд меёбад ва махсусан, ба сифати таҳсилот тавачҷуҳи рӯзафзун зоҳир мегардад. Кӯшиш мешавад, ки мазмуну муҳтавои таълиму тарбия вобаста ба рӯҳияи замони тақдир бахшидаву методу усулҳои фаёлу самараноки омӯзиш корбаст гарданд. Дар ин замина дар давоми як – ду соли охир дар байни аҳли маориф ифодаи таълими салоҳиятнок маъмул гаштааст. Дар «Луғати нимтафсилии тоҷикӣ барои забони адабии тоҷик» устод Айнӣ вожаи салоҳиятро чунин тафсир бахшидаанд: «Салоҳият – аҳл будан дар коре (фалонӣ дар ин кор салоҳият надорад, яъне аҳли ин кор нест)». Ин тафсир бо моҳияти таълими салоҳиятнок

пайванди мувофиқ дорад. Хонандагон аҳлона ба омӯзиш мепардозанд, аҳлона баҳс мекунанд, меандешанд ва ба хулосае мерасанд. Омӯзгор низ ба ин раванд мутобиқ аст, вале танҳо чун коргардону нозир ва ислоҳгар. Дар дастурҳои дахлдор таъкид шудааст, ки дар низоми таълими салоҳиятнок раванди ташаккули салоҳиятҳо вақт ва муносибати мураккабро талаб мекунад. Иҷрои амалҳо нисбатан печидаанд ва давомнокии мухталифро тақозо доранд. Барои мулоҳизаронӣ перомуни масъалае оид ба забони тоҷикӣ хонанда бояд оид ба сохтори матн (хабар, эссе, мақола, ҳикоя, мактуб...), қоидаҳои асосии сарфу наҳви тоҷикӣ дониши кофӣ дошта бошад, фикрашро саҳеҳ баён карда тавонад, навиштаҷоташро дурусту бамантиқ, бо истифода аз сарчашмаҳо ё маълумоти илова баён намояд. Дар низоми таълими салоҳиятнок таълим, усул, муносибат ва воситаҳои гуногунро металабад, такрори дилбазану якрангаро намеписандад. Ин баръакси низоми солҳо боз маъмули таълим мебошад, ки зимни он хонандагон дониши муайянро дар қолаби муайян азхуд ва бозгӯӣ мекунад. Чунонки дастурҳо тавзеҳ мебахшанд, дар низоми таълими салоҳиятнок нахуст намунаи натиҷаи таълим (малака) таҳлилу баррасӣ мешавад ва сониян ба хонандагон имконияти мустақилона (ё бо дастури омӯзгор) машқ кардани малака дода мешавад. Дар тамоми раванди омӯзиш ва машқи малака хонанда натиҷаи корашро арзёбӣ ва таҳлил мекунад, ғалатҳои худро дармеёбад, сабаби содир шудани ғалатҳоро мустақилона ва гоҳе бо ёрии ҳамсинфон ё омӯзгор аниқ менамояд ва корашро дар асоси нишондиҳандаҳо такмил мебахшад.

Муносибати салоҳиятнок ба таълими муаммовӣ заминаи асосии инкишофи нутқ ва мустақият шуморида мешавад. Мо таълими муаммовиро охири солҳои шастум ва ибтидои солҳои ҳафтодуми садаи гузашта пазируфтем. Ин усул ҳоло ҳам яке аз усулҳои қобили таваччуҳ дар таълими забон ба ҳисоб рафта, тарзи ташкил ва гузаронидани он аз омӯзгор дониши устувор, таҷрибаи бой ва маҳорати баланди педагогиро талаб мекунад. Таълими муаммовӣ дар баланд бардоштани сифати таълим, амиқу устувор омӯختани мавзӯҳо ва инкишофи тафаккури эҷодии донишҷӯёни ғайризабон аз ҳар ҷиҳат ёрии амалӣ мерасонад.

Моҳияти ин усул аз он иборат аст, ки ба дониши пештараи донишҷӯён таъя карда, пас аз таҳлили он хулосабарорӣ сурат гирифта, такон дар фаъолияти эҷодии шогирдон ба амал меояд. Ин усул имкон медиҳад, ки мазмуни супоришҳо аз ҷониби омӯзгор ба донишҷӯён фаҳмо, дастрас ва мароқангез гардад. Донишҷӯён супоришҳоро тибқи пешниҳод ҳал карда, ҳис мекунанд, ки гӯё барои худашон чизи асосиро кашф мекунанд.

Усули муаммовӣ тариқи масъалагузорӣ сурат мегирад, ҳар як донишҷӯ ба навгонӣ рӯ ба рӯ шуда, кӯшиш мекунад, ки ба умқи масъала сарфаҳм равад. Агар дурусттар ба ин масъала таваччуҳ зоҳир кунем, усули муаммовӣ ба таълими салоҳиятнокӣ хеле наздик буда, якдигарро дар фарогирии мавзӯҳо пурра мекунанд. Ин ҳамон вазъест, ки шогирдон дар ҳалли ин ё он масъала

маҳорату малакаи хешро нишон медиҳанд. Масъалгузорӣ тарзе сурат мегирад, ки омӯзгор натавонад аз тамоми имкониятҳо, балки аз воситаҳои иловагӣ- саволу ҷавоб ва аёнӣт васеъ истифода мебарад. Вазъияти масъалагузорӣ тавассути саволҳои муаммовӣ ба вучуд оварда мешавад, вале шарҳи онро омӯзгор кушода намедиҳад, ҳатто ба ҷавоби чунин саволҳо дар китоби дарсӣ ҳам ишорае наарафтааст. Донишҷӯён дар тақоӣп мешаванд, донишҳои забони худро ба хотир меоранд, мустақилона фикру андеша ронда, меҳоянд ба вазъ равшанӣ андозанд.

Дар ҷараёни таълими муаммовӣ фаъолияти омӯзгор ибратбахш арзёбӣ мешавад, зеро ӯ ташаббускори вазъи проблемавӣ дар таълим аст. Вай қобилияту дониши ҳар як шогирдро хуб медонад. Оға аст, ки кадоме ба саволҳои ёридиҳанда бо шубҳа менигад ва ғайра.

Ҳангоми таълими мавзӯи «Имлои сифат» дар дарсҳои забони тоҷикӣ барои донишҷӯёни ғайрифилологӣ қабл аз мушаххас кардани мақсади дарс донишҷӯёнро ба се гурӯҳ ҷудо мекунем: гурӯҳи 1 – сифат, гурӯҳи 2- сифати асли ва гурӯҳи 3 –сифати нисбӣ.

Ба донишҷӯён вақт дода мешавад, ки онҳо бо қоида ва имлои сифатҳои асли ва нисбӣ шинос шаванд. Сифатҳоро ба сутунҳо ҷудо карда донишҷӯёнро ба ин саволҳо ҷавоби мушаххас додан водор мекунем.

1. Дар кадом сутун сифати асли ва дар кадом сифати нисбӣ ҷой дода шудааст?
2. Ҷаро сифатҳо дар сутуни якум аслианду дар сутуни дуюм нисбӣ?
3. Дар ин мисолҳо асли ё нисбӣ будани сифатҳо ҷӣ тавр фарқ карда мешавад?
4. Ба воситаи Диаграммаи Венн умумият ва фарқияти мисолҳои додашударо ҷӣ тавр муайян кардан мумкин аст?

Ҷар як гурӯҳ пас аз анҷом ёфтани вақти додашуда ба саволҳои муаммовӣ ҷавобҳои худро пешниҳод менамоянд ва дар тахтаи синф умумият ва фарқияти мисолҳоро бо воситаи диаграммаи Венн нишон медиҳанд.

Пас аз ин донишҷӯён бо ёрии омӯзгор умумият ва фарқияти сифати асли ва нисбиҳо дар диаграммаи Венн метавонанд нишон диҳанд.

Ҷамин тавр, омӯзгор метавонад дар таълими мавзӯҳои вобаста ба барномаи таълимӣ аз усули муаммовӣ моҳирона истифода намоад. Бояд хотирнишон кард, ки дониши донишҷӯёне, ки бо роҳи проблемагузорӣ таълим мегиранд, дар сатҳи боло қарор дорад. Дар онҳо малакаи эҷодкорӣ бештар ба назар мерасад ва фикри худро мустақилона баён мекунанд.

Ҷамин тариқ, муносибати салоҳиятнокӣ ба таълими муаммовӣ дар дарсҳои забони тоҷикӣ имкониятҳои фаъолияти фикрии донишҷӯёнро ба инобат гирифта, ба ҷамин шарт ин ё он ҳодисаи забонро бо роҳи масъалагузорӣ, яъне ба тариқи ба вучуд овардани вазъияти мусоид, ҳаллу фасл

менамояд. Албатта, дар ҳалли проблемаҳои забони тоҷикӣ тарзи саволгузорию муаллим, муқоисаи ҳодисаҳои забон, аёнӣ, мушоҳидаи мисолҳо ва боз дигар омилҳо ҳамчун воситаҳои ёрирасони таълим ба донишҷӯён кўмак хоҳанд кард. Ва чунон ки М.И. Махмутов таъкид намудааст, дар натиҷаи иҷрои ин ҳама гуфтаҳо “дар донишҷӯён малакаҳои зеҳнӣ донишгарӣ ба кор даромада диққат, ирода, ҳаёлотӣ эҷодкорӣ, зиракиву фаросат инкишоф ёфта, қобилияти аз худ намудани донишҳои нав шакл гирифта, онҳоро тавассути фарзия ва асоснокунӣ ба роҳҳои нави амалиёт ҳидоят мекунад”. Ҳамчунин натиҷаи амалӣ шудани ин ҳама гуфтаҳои боло боиси он ки дар донишҷӯён малакаҳои нутқи адабӣ, маҳорати беихтиёр ва ҳам равон гап задан ташаккул дода шавад. Ва барои он ки ҳамаи пешниҳодоти боло, ки марбут ба усули проблемавии таълим дар дарсҳои забони тоҷикӣ баррасӣ шуда, амалӣ гардад, муаллими забони тоҷикиро лозим аст, ки дониши амиқи забоншиносӣ ва маҳорату малакаи баланди методӣ-педагогӣ дошта бошад.

**Кодирова М., сармуаллима
(Тоҷикистон)**

МУНОСИБАТИ САЛОҲИЯТНОКӢ ВА НАҚШИ ОН ДАР ТАШАККУЛ ВА ИНКИШОФИ НУТҚИ ХОНАНДАҒОНИ ХУРДСОЛ

Муносибати салоҳиятнокӣ муаммоест, ки имрӯз барои мактабҳои ибтидоӣ на танҳо муҳим, балки ногузир гардид. Усули ба салоҳият асосёфта аз муаллими синфҳои ибтидоӣ талаб мекунад, ки онҳо дарк кунанд, ки чӣ гуна хислатҳои универсалӣ (калидӣ) ва махсуси (тахассусӣ) шахс дар фаъолияти ояндаи касбии ӯ заруранд. Ин дар навбати худ, қобилияти муаллимиро дар таҳияи заминаи индикативии фаъолият - маҷмӯи маълумот дар бораи фаъолият, ки тавсифи мавзӯ, воситаҳо, ҳадафҳо, маҳсулот ва натиҷаҳои фаъолиятро дар бар мегирад, пешбинӣ мекунад. Ҳамчунин аз муаллим талаб карда мешавад, ки ба хонандагон дониш диҳад, он малакаҳоеро омӯзонад ва инкишоф диҳад, ки онҳо дар ҳаёти ояндашон истифода бурда тавонанд.

Дар замони муосир назди мактабу маориф, бахусус дар назди муаллимони синфҳои ибтидоӣ ҳадафи нав: ташаккули низоми таълими салоҳиятнок меистад. Муносибати салоҳиятнок барои муайян кардани ҳадафҳои таълими мактабӣ имкон медиҳад, ки интизориҳои муаллимон ва хонандагон синфҳои ибтидоӣ ба ҳам мувофиқат кунанд, талаботи объективии хонандагон ҷавобгӯ бошад ва ихтилофоти байни хонандагону муаллимон, ки ҳангоми омӯзиш ногузиранд, пешгирӣ карда шавад. Агар қаблан ҳадафи таълими мактабиро бо посух додану тавсиф кардани саволи: хонандагон дар мактаб чиро меомӯзанд? ташкил меод, алҳол саволи: хонандагон тӯли солҳои таҳсил дар мактаби ибтидоӣ чиро омӯхтанд? посух талаб мекунад.

Л.С.Виготский таъкид мекунад, ки муошират шарти асосии рушд ва тарбияи кӯдакон мебошад, калиди фаъолияти муваффақ, сарчашмаи самаранокӣ ва ҳаёти ояндаи кӯдак салоҳияти коммуникативӣ мебошад [6, 176]. Салоҳияти коммуникативӣ ҳамчун яке аз хусусиятҳои муҳими шахс дар қобилияти муошират ва қобилияти гӯш кардан зоҳир мешавад.

Муносибати салоҳиятнок инчунин мавқеи нави хонандаро пешбинӣ мекунад - ӯ ҳамчун субъекти фаъолият амал мекунад. Хусусиятҳои гуногуни муносибати муаллим ва хонандагон ҳангоми ташкили лаҳзаҳои дарс ва фаъолият дар он вақт сурат мегирад, ки он чиҳатҳои зерини раванди таълимии дарсро дар бар гирифта тавонад:

1. Афзалияти шаклҳои диалогии фаъолияти таълимӣ ва муносибат ба муколама ҳамчун мубодилаи фикр
2. Ташкили ҳамкориҳои муаллимон ва хонандагон
3. Риояи одоб дар муошират
4. Тафсири мутақобилаи фикру ақида бидуни тарс
5. Мусоидат ба муваффақияти хонандагон дар ҷараёни фаъолияти гуногун
6. Манфиати тарафайн ба инъикос, таҳияи арзёбии амалҳо, кӯшишҳо, натиҷаҳо

Аксар олимон бар он ақидаанд, ки дар синфҳои ибтидоӣ гузоштани асосҳои омодагӣ ба ҳалли мушкилот, ба худомӯзӣ, ба истифодаи захираҳои иттилоотӣ ва салоҳияти коммуникатсионӣ зарур ва имконпазир буда, ба шарофати истифодаи технологияҳои муосири таълимқобили иҷро мегардад. Усулҳои асосии таълим номгӯи бисёр технологияҳои таълимиро муайян мекунад, ки ба мо имконият медиҳанд, ки муносибати салоҳиятнокро татбиқ кунем: технологияҳои интихоби озод, технологияҳои муаммовӣ, таҳқиқотӣ, технологияҳои ба рушд мусоидаткунанда, технологияи корҳои гурӯҳӣ, технологияҳои диалогӣ ва технологияҳои бозиҳо.

Дар кори худ омӯзгор метавонад чунин вазифаҳои дорои салоҳиятро истифода барад:

1. Вазифаҳо, ки қобилияти эҷодии хонандагонро дар назар доранд
2. Вазифаҳо, ки истифодаи донишро дар вазъияти ношинос талаб мекунанд
3. Вазифаҳо бо унсури фаъолияти ҷустуҷӯ ва тадқиқотӣ
4. Вазифаҳои бисёрамала

Дар таълими салоҳиятнокӣ интихоби вазифаҳои таълимӣ нақши муҳим доранд, зеро онҳо бояд як ё якчанд малакаҳои калидиро инкишоф диҳанд, ки бидуни онҳо натиҷа ба даст овардан ғайриимкон аст. Аз синфи якум ба дарс вазифаҳои салоҳияти зерин доштара тавсия медиҳанд: вазифаҳо, ки қобилияти эҷодкор будани хонандаро дар назар доранд, вазифаҳо, ки истифодаи донишро дар ҳолати ношинос талаб мекунанд, супоришҳо бо унсурҳои фаъолияти ҷустуҷӯӣ ва тадқиқотӣ ва вазифаҳо, ки роҳҳои зиёди иҷро доранд.

Ҳанӯз аз синфи якум маҳорат ва малакаҳои тарроҳӣ ва таҳқиқотро инкишоф додан, ба фаъолияти маърифатии хонандагон тавачҷуҳ зоҳир намудан, доираи

чаҳонбинии кӯдаконро васеъ мекунад. Пас аз омӯзиши ҳама ҳарфҳо, ба шогирдон чунин супоришхоро пешниҳод намудан мумкин аст, ки бо ёрии лоихаи "Алифбои шавқовар" ба анҷом мерасад. Дар якҷоягӣ бо волидон хонандагон барои ҳарфҳо шеърҳо, расмҳо интиҳоб мекунанд, китобчаҳои шавқовар омода месозанд ва ҳарфҳоро «зинда» месозанд. Кӯдакони хурдсол ихтироъкорӣ, ҳаёл карданро дӯст медоранд, вале баробари калонтар шудани онҳо лоихаҳо чиддитар мешаванд: "Ҳайвонот ва набототи минтақаи мо, ки ба Китоби Сурх шомил карда шудаанд", "Ёдгориҳои табиии Ватани мо" ва ғайра.

Дар бораи зарурати ташаккули инкишофи нутқи кӯдак ва бо ҳамин васила дар ӯ бедор кардани муҳаббат ба забони модарӣ олимон – методистон тадқиқоти зиёде бурдаанд.

Чунончӣ, К.Д.Ушинский чонибдори рушди «истеъдоди калима» буда, аҳамияти онро барои ташаккули фаъолияти зехнии кӯдак ва таҳсилоти минбаъдаи ӯ таъкид намудааст. "Кӯдаке, ки ба омӯхтани маънои калима одат накардааст, маънои аслии онро тира мефаҳмад ва ё тамоман намефаҳмад, малакаи ихтиёрдорӣ онро дар нутқи шифоҳӣ ва хаттӣ ба даст наоварда бошад, ҳангоми омӯзиши мавзӯи дигар ҳамеша аз ин норасоӣ азоб мекашад." [7, 342].

Инкишофи нутқи хонанда ҳамчун яке аз нишондиҳандаҳои рушди умумии шахсияти ӯ дар баробари рушди ахлоқӣ, маънавий, зехнӣ роҳи ба фарҳанг ворид кардани ӯ, шартӣ рушди шахсият, қобилияти муошират, омӯхтани чизҳои нав ва азхудкунии арзишҳои фарҳанг мебошад. Ғайр аз он, қобилияти нутқ принципи асосии ҳама гуна фаъолияти инсон мебошад. Инкишофи нутқ маънои мунтазам коркарди мундариҷаи он, ба хонандагон пайваста омӯзонидани тарзи дуруст сохтани чумлаҳо, андешамандона интиҳоб кардани калима ва шакли он, босаводона иброз намудани фикрро дорад.

Ҳангоми омода кардани маълумоти шифоҳӣ ва ё хаттӣ ба хонандагон омӯзонидани шавад, ки онҳо аз китоб танҳо маълумоти муҳимро интиҳоб кунанд, ба таҳлили матн, изҳори ақидаи худ одат намоянд. Яке аз усул ва роҳи бомуваффақияти ин амал дар ҷараёни дарсҳо нишон додани расмҳои ранга, овардани иқтибос аз матни китобҳо маҳсуб меёбад. Ин ҷо меҳодем баъзе аз усулҳои муассири ба рушди нутқ мусоидакунандаро оварда бошем:

Кор бо луғат ё луғатомӯзӣ - асос, таҳкурсии ҳама корҳо оид ба ташаккул ва инкишофи нутқ мебошад. Луғати кофӣ надоштан сохтани чумла, баёни дурусти фикрро душвор мегардонад. Кор бо луғат ба такмил, ғанӣ гардидани захираи луғавӣ ва фаъолнокии он нигаронида шудааст. Дар синфҳои ибтидоӣ луғатомӯзӣ бояд ба таври мунтазам гузаронида шавад, зеро аксари хонандагон хурдсол маънои калимаҳои одитаринро низ намефаҳманд.

Аз ин рӯ, иҷрои вазифаҳои зерин ногузиранд:

1. такмил додани захираи луғати кӯдак
2. фаъол намудани луғати ғайрифавол
3. бой намудани захираи луғати хонандагон хурдсол бо воситаҳои образноки забон

Бозиҳои гуногуни калимасозӣ дар кӯдакон завқи табиӣ забони ро инкишоф медиҳанд, онҳоро барои дарки шаклҳои шоирона, ки дар синфҳои болоӣ омӯзонидани мешаванд, омода месозанд.

Яке аз чунин бозиҳои интихоби қофияҳо барои калимаҳои додашуда мебошад. Масалан, "қобил - ҳобил", "рахт - тахт", "гӯша - хӯша" ва ғ. Минбаъд вазифагузорӣ мушқилтар мешавад. Дар тахта ду сатри шеър навишта шуда, аз хонандагон мустақилона дар муддати муайян идома додани он талаб карда мешавад. Иҷрои вазифа ҳама якбора муяссар намешавад, истеъдоди шоирона тадриҷан, ноаён тавлид мешавад.

Салоҳиятҳои коммуникативӣ: азхудкунии малакаҳои қор дар гурӯҳ, иҷрои нақшҳои гуногуни иҷтимоӣ дар гурӯҳ. Хонанда бояд қобилияти худро муаррифӣ кардан, мактуб навиштан, ариза ро пур кунанд, дуруст савол гузоштан ва мувоҳиса ро роҳбарӣ кардан ро омӯзад. Барои ин пеш аз ҳама ғанӣ гардонидани луғати хонандагон зарур буда, истифодаи зарбулмасалу мақолҳо ро мувофиқи мақсад мешуморанд.

Вазифаҳо метавонанд чунин бошанд:

1. Зарбулмасалро хонед (интихобан), маънои асосии он ро ба таври шифоҳӣ гӯед, мавзӯро таҳия кунед.

2. Дар асоси ин пешниҳод, фикри худ ро дар шакли хаттӣ "тавсеа" диҳед (аз 5 то 10 ҷумла). Дар хотир дошта бошед, ки ҷумлаи тақягоҳӣ унвони матни ояндаи шумо: ин сарлавҳа ғояи матни шуморо ҳамчун асос ифода мекунад. Матни шумо метавонад дар шакли ҳикоя, ҳикояи ибратомӯз, шеъри хурд ё матни мувоҳисавӣ бошад. Ҳамин тавр, тадриҷан шумо мефаҳмед, ки чӣ гуна як ҷумла ро ба матни муаллифии худ табдил додан мумкин аст. Масалан, бозии "Тарҷума ба тоҷикӣ". Маълум аст, ки дар забонҳои бисёр халқҳо зарбулмасалу мақолҳои зиёде мавҷуданд, ки аз ҷиҳати маъно шабеҳанд, зеро ҳикमत худуд надорад. Хонандагон ба "тарҷума" – и чунин зарбулмасалҳо шавқдоранд. Масалан:

1. Пеш аз суҳан гуфтан забонатон ро ҳафт маротиба гардонед (Ветнам).
2. Шумо шутурро дар зери пул пинҳон карда наметавонед (Афғонистон).
3. Кӯзаи хурд хуб гарм мешавад (Англия).
4. Писари паланг ҳам паланг аст (Африка).
5. Ба он ҷое ки бел меравад, об ҳам меравад (Тибет).
6. Баъди хӯрдани хӯрок бояд пардохт кунед (Англия).
7. Хурӯси сӯхта аз борон мегурезад (Фаронса).

Ҷавобҳои намунавӣ:

1. Ҳафт бор чен куну як бор бур.
2. Бо ҳалво гуфтан даҳон ширин намешавад.
3. Ғалтаки хурд, аммо гаронарзиш.
4. Дуҳтар чӣ гуна, модар намуна
5. Ба ҷӯи об омада, об омадан мегирад
6. Бе меҳнат - роҳат нест

7. Моргазида аз арғамчини ало метарсад.

Ин ва дигар вазифаҳо ба хонандагон имкон медиҳанд, ки дар озмуну олимпиадаҳои фаннӣ иштирок намоянд.

Усули салоҳиятнок тағйир додани системаи баҳогузорино низ тақозо мекунад: баҳо на танҳо барои ҷавоби дуруст дода мешавад, балки ҳамчунин қобилияти қор бо иттилоот, мулоҳизаронӣ, усули қорбарӣ, сабаби хатоӣ, дарки хатоӣ ва ғайраҳо ба эътибор гирифта шуда, арзёбӣ гуногунранг ва шаффофтар гузаронида мешавад.

Ташаққули бомуваффақияти салоҳияти мактаббачагони хурдсол дар фаъолияти таълимӣ аз бисёр ҷиҳат ба фаъолияти дуруст, мақсаднок, эҷодкоронаи муаллим ва пеш аз ҳама хоҳиши ӯ барои доимо тақмил додани салоҳияти касбии хеш вобастагӣ дорад. Танҳо усулҳои фаъоли таълим таҳияи ҳамаи ҷузъҳои фаъолияти таълимиро (мақсад, роҳу восита, санҷишу назорат) дар хонандагони хурдсол ва инчунин сифатҳои бунёдӣ, ба монанди фаъолият, мустақилият, масъулият, худтанзимкуниро пешбинӣ мекунад. Ҳамаи ин ба ташаққули бомуваффақияти салоҳияти таълимӣ ва маърифатии хонандаи хурдсол оварда мерасонад, ба рушди шахсияти кӯдак низ таъсири мусбӣ мерасонад.

Хулоса, муносибати салоҳиятнок таълимиро танҳо бо омӯзиш маҳдуд намекунад, дарс ва ҳаётро ба ҳам мепайвандад, таълим ва қорҳои беруназсинфиро бо ҳам алоқаманд мекунад. Асоси салоҳият мустақилият мебошад. Шахси салоҳиятдор шахсияти ташаққулёфта мебошад, ки метавонад дар ҳолатҳои мухталиф масъулиятро ба дӯш гирад ва ба васеъ кардани ҳудуди дониши худ ва тақмил додани онҳо омода бошад. Ҳама салоҳиятҳо дар марҳилаи ибтидоии омӯзиш муқаррар карда мешаванд. Азбаски мактаби ибтидоӣ барои малақаҳои таҳсилоти умумӣ ва фаъолияти омӯзишӣ асос мегузорад, ба фароҳам овардани заминаи идомаи таҳсил аз ҷониби шахс дар мактаби миёна ва баъд ва берун аз он равона карда шудааст, дар марҳилаи ибтидоӣ ташаққули он салоҳиятҳое, ки асоси таълимиро дар тӯли ҳаёт ташкил медиҳанд, хеле муҳим аст.

Адабиётҳо

1. Акишина Т. Е. Грамматика чувств: Пособие по развитию русской речи. М.: Просвещение, 2010.
2. Алифанова Е. М. Формирование коммуникативной компетенции детей дошкольного и младшего школьного возраста средствами театрализованных игр: Дис. канд. пед. наук. Волгоград, 2001.
3. Андреева Г. М. Социальная психология. Социология в России / под ред. В. А. Ядова. М., 1996.

4. Белкин А. С. Компетентность. Профессионализм. Мастерство. Челябинск: Юж.-Урал.кн.изд-во, 2004.
5. Вохмина Л. Л., Осипова И. А. Русский класс: учебник. М.: Просвещение, 2008.
6. Выготский Л.С. Собр. соч. В 6 т. Т. 1,2,3. М.: Просвещение, 1982.
7. Ушинский К.Д. Воспитание человека / К.Д. Ушинский; сост. С.Ф. Егоров. – М.: Карапуз, 2000. – 255 с.

Мирзакулов Т., профессор
Асланова О., ўқитувчи
(Ўзбекистон)

БУЮКЛАР ҚАТОРИДАГИ БУЮК ИНСОН

А.Навоий 1441 йилнинг 9 феввалида Темурийлар салтанатининг бош шаҳарларидан бири Ҳиротда туғилган. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад замонасининг илғор ва донишманд кишиларидан бўлиб, Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган.

У ҳаммактаб дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо (1469-1506 йиллари ҳукмронлик қилган) саройида 1472-1489 йиллари олий ижроия мансабларида ишлайди. Бу ҳақда у “Маҳбубул қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) асарида шундай ёзади: «Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим».

Алишер Навоий ана шу йиллари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол катнашиш билан бирга, ўзбек тили ва адабиётини, ўзбек маданиятини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқди. Амир Темур салтанати туфайли иқтисод, сиёсат, маънавиятда эришилган улкан ютуқларини ўз асарлари билан мустаҳкамлади. Буюк мутафаккир асарларида борлиқ ва унинг моҳияти, шахс ва жамият, давлат ва унинг бошқариш усуллари, комил инсон, яхши хулқ-одоб,

умуминсоний ва миллий қадриятлар ўз ифодасини топган. Даҳо инсон умри давомида 30 дан ортиқ асарлар ёзган. Бу асарлар, айниқса, беш дostonдан иборат «Хамса» асари жаҳон адабиётининг энг мукаммал, тенги йўқ асарлари сирасига киради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида: “Алишербек назирини йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтган эмас” деб, Навоий ижодига юксак баҳо беради. Бу улуғ инсон фазилятлари, хайрли ишлари ҳақида Абдурахмон Жомий, Восифий, Давлатшоҳ

Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир каби алломалар махсус китоблар ёзганлар. Хондамир “Макоримул-ахлоқ”(“Яхши ҳулқлар”) асарида “ олий мартабали, ҳидоят насабли, покиза табиатли, соф ниятли, салтанат суянчиғи, мамлакат устунни, ҳоқоний давлатининг ёрдамчиси, султон ҳазратларининг яқини”, деб буюк бобомизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўрсатиб ўтади.

Бу буюк зот инсонларни тўғри сўз,инсофли, меҳр-мурувватли, иймон-эътиқодли бўлишга чақирар, амалдор ва мансабдорларга насиҳат тариқасида мактублар ҳам ёзар эди. Бир мактубда: “Пок ва улуғ тангри бу давлат ва мартабани бахш этган подшога яқинлик шарафини марҳамат қилган кишиларга илтимос шуки, ўзларини ғурур ва ғафлатга солмасинлар, дунё ва охираат зарарларини ўзларига раво кўрмасинлар. Кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат, меҳрибонлик кўрсатсинлар. Ҳар бир ишда ихлос ва ростликни касб қилсинлар... Бирор ишда подшо маслаҳати бўлганда, ўз маслаҳатларини ўртага қўймасинлар”, деб йўл-йўриқ беради:

Алишер Навоий наздида инсон мавжудотлар орасида энг аълоси - “ганжи роз”дир:

Тенгрики,инсонни қилиб ганжи роз,

Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Ана шундай шарафланган мавжудот инсон ўзини эзгу ишларга бағишлаши лозим. Саодатга эришишнинг бош йўли - яхшилик қилиш, яхши ном қозонишдир:

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Навоийнинг фикрича, “Ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида - яхшиликка яхшиликдан бошқа мукофот йўқлиги исботланган”. Шу билан бирга,”Ёмонларга лутфу карам қилмоқ яхшиларга зарар ва озор бермақдир”.

Меҳнат ва бойлик, мол-мулкни қадрлайдиган инсон ўз маблағларини эл манфаати, фаровонлиги учун сарфлар экан, бу сарф нафақат элга, балки ўзига ҳам катта фойда келтиради:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,

Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.

Жонинг учун маҳзан эшигини оч,

Нақдин олиб сочу ўз ўрнига соч.

Бу дуру серобни хор айлама,

Бухл ҳисобида шумор айлама.

Алишер Навоийнинг таъкидлашича, саховат, меҳр-мурувват, инсоф ва иймон инсон умрини безар экан, умрни ва маблағни асрамаслик, уни исроф қилиш манманликка, ўзидан кетиш ва такаббурликка олиб боради. Муҳтож бўлмаган одамларга дастурхон(супра) ёйиш, тўн бериш, юз йилқиси бор одамга йилқи(от) тортиқ қилиш, қуёшга ёрдам бўлсин деб кундузи саноқсиз шам ёқиш ана шундай ёмон хислатлардандир:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,

Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

От анга тортарки, юз илқиси бор,

Сийм анга берурки, юз илғиси бор.

Шамъни кундуз ёритур беадад,

Меҳр зиёсиға берай деб мадад.

Алишер Навоийнинг барча асарларида инсоний фазилатлар улуғланади, тўғрилиқ, ростлик, ғайрат, шижоат, мардлик каби хислатлар туфайли инсон комиллик босқичларидан ўтиб, ўз умрини безайди.

Инсоният учун табаррук зотлардан бири бўлган бу буюк мутафаккирнинг асарлари, ибратли ишлари халқлар ва миллатларни яқинлаштириб, истиқлол эрк ва мустақилликка эришган Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда меҳр ва мурувват замирида халқимизга хос бағрикенглик, олийжаноблик, беминнат ёрдам, қўллаб-қувватлаш каби инсоний фазилатлар ўз мужассамини топган.

Халқимизнинг буюк фарзандлари, айниқса, Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятида буни яққол кўришимиз мумкин. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Навоий “мансабдорлик йилларида фақир ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, работ, ҳовуз ва ҳаммомлар қурган”.

Шаҳардаги энг катта бозор - Малик дарбозасидан бошланувчи Шимолий бозорда Навоий томонидан “Чорсу” бунёд этилади. Ана шу даврда ҳаёт ва илмнинг адабиёт, сиёсат, тарих, иқтисодиёт, бинокорлик, наққошлиқ, хаттотлик, мусиқа каби соҳаларини қамраб олган ўзига хос маскан - Навоий академияси пайдо бўлдики, бу Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даврининг юксак чўққиси эди.

Алишер Навоий ижодий фаолиятида ҳам халқчиллик, инсонпарварлик, эзгулик ва саҳоват туйғуларига содиқ қолди. Унинг “Одам Ато ва Момо Ҳаво наслидан эсанг, халқ ғам- ташвишларини ўзиники деб билмайдиган кимсаларни бу наслдан деб ҳисоблама” мазмунидаги:

Одами эрсанг демагил одами,

Оники, йўқ халқ ғамидин ғами

мисралари умумхалқ мулкига айланиб қолди.

Навоий наздида ота-онага меҳр ва фарзандлик бурчи энг улуғ туйғу ва муқаддас бурч саналади:

Бошни фидо қилғил ато бошиға,

Жисмни қил садқа ано қошиға.

Хайр-саҳоват, меҳр-мурувват ҳар кишини эътиқод ва иймонидан келиб чиқадики, хайр-саҳоват бойликнинг кўпайишига, иймоннинг мустаҳкам бўлишига олиб келади, дейди Навоий. Ва яна у “Ҳимматли инсонлар обрў орттирадилар, доимо эл назарида юрадилар” дея таъкидлайди.

Алишер Навоий тузлук (тўғрилиқ) ҳақида фикр юритар экан, фойда ва сармоя нопок йўллар билан топилса, унга қурилган амаллар ҳам охири барбод бўлиши муқаррарлигини (чунки эгри кўнгил, эгри қилиқли кишининг юриш-туриши ҳам эгри бўлади) алоҳида таъкидлайди.

Навоий ҳар бир инсон ирода эркинлигига эгаллиги ва ўз фаолияти оқибати учун масъул эканлиги ҳақидаги фалсафий-ижтимоий таълимотни ривожлантирди. Бу таълимот нафақат ислом ғоялари, балки тарихий ўтмишга хос умуминсоний ва умумбашарий қадриятларни ҳам ўзида ифодалаган эди.

Ўзбекистонда Навоий ижоди ва фаолияти айни кунларда юксак қадрланмоқда. Улуғ бобомиз ижодини холис тамойиллар асосида ўрганиш имкони юзага келди. Ана шу имконни яратиш йўлида минг-минглаб мустақиллик фидойилари кураш олиб борган эдилар. Буюк бобомиз ҳам ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек маданияти, ўзбек миллий мафқураси, ўзбек давлатчилиги учун ўз жони ва молини аямаган, бутун бир жамиятни тўғрилиқ ва эзгулик сари йўллаган фавқуллодда бир истеъдод соҳиби эди. Қалби меҳр ва мурувватга тўла бўлган бу инсон дини, тили эътиқодидан қатъий назар, дунё аҳлининг эътирофи ва ҳурматига сазовор булди.

Алишер Навоий ўзбек тилининг ҳеч бир тилдан кам эмаслигини ўз асарлари ва фаолиятида исботлади. Бу йўлда, яъни ўзбек халқининг ўзи ҳам хабардор бўлмаган, бошқалар эса тан олишни истамаётган миллий, маънавий бойликни кўрсатишда кўп ранж ва машаққатлар тортди, лекин бу ишни олий даражада уддалаш шарафига муяссар бўлди. Ватан ва халқ равнақи, осойишта

лиги учун курашган фидойи инсон сифатида Алишер Навоий ҳамма вақт халқнинг юксак ҳурматига сазовор бўлиб, ибрат ва сабоқ намунаси бўлиб келмоқда.

Темурийлар салтанати, хусусан, Хусайн Бойқаронинг кўмаги ва мадади Алишер Навоий учун оламшумул асарлар яратиш, илм-фан, маданият аҳлига бош ҳомий бўлиш учун имкон яратди. Алишер Навоий Ҳирот ва унинг атрофларида ўз маблағи ҳисобидан ободончилик ишларини олиб борган.

Жамият ривожига беминнат хизмат кўрсатувчи саҳий инсонлар доимо эл назарида юрадилар:

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,

Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Алишер Навоий саҳийлик ва мурувват билан биргаликда, бойликни беҳуда ишлар, таъмагирликка сарфлашни қоралайди, турли дабдабали маросимлар, исрофгарчилик, ношукурлик эканини, бундай ишларнинг оқибати хорликка олиб келишини таъкидлайди.

Навоий асарларида тан ва руҳ мутаносиблиги, уларни парвариш қилиш инсонни комилликка етказишини кўрсатади. Тан соғломлиги, унинг ривожини учун макон бўлиши кераклигини, турли номақбул одатлар билан танга азоб бериш руҳнинг қийналишига, азоб чекишига, инсон таназзулига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Инсон ҳам тан (бадан) тарбияси, ҳам руҳ (жон) тарбияси билан машғул бўлиши лозим. Бу ўринда табибларнинг ҳам ўзига хос заҳматли меҳнатига эҳтиёж бордир. Навоийнинг айтишича, “Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши; асли тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи; мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи; андишали, хушфеъл бўлмоғи керак. Ўткир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритиш бўлса, бунинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир... Унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади».

Истиклол Ўзбекистон халқи, ўзбек миллати учун ривожланиш, тараққиётнинг тамомила янги бир даврини бошлаб берди. Қадимги ўзбек давлатчилиги анъаналарини давом эттирувчи, умуминсоний ва миллий кадрларга таянувчи давлат - Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида пайдо бўлиши тасодифий бир ҳол бўлмай, аждодларимизнинг минг йиллар давомида мустақиллик учун олиб борилган ғалаба ва фожиаларга, армон ва изтиробларга тўлиқ курашлари, интилишларининг қонуний ва мантиқий натижасидир.

Ўзбекистон халқининг тенглар аро тенг эканлиги, ҳеч бир халқ ва миллатдан қолишмайдиган улкан салоҳиятга, мислсиз ва туганмас миллий-маънавий куч-қудратга эгаллиги ўз даври ва кейинги авлодлар учун бор кўлами билан кўрсатган буюк аجدодларимиз қаторида улуғ инсон Алишер Навоийнинг ҳам ўз муносиб ўрни бор.

Маълумки, араб истилосидан сўнг IX-XII асрларда туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида улкан тикланиш - биринчи Уйғониш даври юз берган бўлса, иккинчи ана шундай тикланиш буюк бобомиз Амир Темур номи билан боғлиқ.

Амир Темур салтанатининг куч-қудрати ва шукуҳи барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиётга олиб келади. Алишер Навоий бор кучини Темурийлар салтанатини мустаҳкамлашга, мамлакатда тинчлик ва бирдамлик ўрнатишга сарфлади.

Шоир наздида инсон мавжудотлар аълоси, тириклик гултожидир. Ана шундай номга муносиб бўлиш учун ҳар бир инсон комилликка интилиши, ғафлат ва жаҳолатда қолиб кетмаслиги, бойлик ва мансабга мағлуб бўлмаслиги, ҳаёт гулшанидан келаётган

ҳар нафаснинг қадрига етиши зарур:

Лутф ила айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди мусулмон сени.
Берди кўрар кўзу эшитар қулоқ,
Айтур тил, атрни англар димоғ.
Андоқ илик доғики, тутгай таом,
Андоқ аёқ доғики, қилгай хиром.

Мукамаллик тимсоли бўлган инсон ўзини асраши, ўзгаларга зиён-захмат етказмаслиги, бу дунёга меҳмон эканлигини унутмаслиги лозим:

Асра ўзингни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин,
Қилма улус ирзу аёлиға қасд,
Ким чаман ичра хиромон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.

Эзгулик йўлида моли-ю жонини аямайдиган камтар, мурувватли инсонлар яхшилиқнинг “гадосидир”

Барча гадо олдида бўлгил гадо,
То санга шаҳ қурбини бергай худо.
Бўлса гадо тенгридин огоҳлиги,
Бордур анга икки дунё шоҳлиги.

Алишер Навоий асарлари у ҳаётлик давридаёқ кўп ўлкаларга етиб борган эди. Унинг беш достондан иборат “Хамса” асари Шайх Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавийларнинг “Хамса”лари қаторида жаҳон адабиёти дурдонасининг мумтоз асарлари сирасига киради.

Алишер Навоийнинг шон-шуҳратини таратган яна бир фазилати ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзади: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай...”

Замонасининг бир қанча алломалари шоиру донишмандлари мусиқа ва санъат аҳллари унинг бевосита моддий ва маънавий ёрдами билан элга танилдилар. Алишер Навоий бу инсонларнинг қобилияти ва салоҳиятини илму маърифат ривожланиши йўлига йўналтирди.

Навоийнинг буюртмаси билан олимлар турли мавзуларда 50 дан ортиқ китоб ёзганлар. Биргина Жомийнинг ўзи Навоийнинг илтимоси ёинки унга бағишлаб 27 та асар ёзган.

Навоий ўз маблағи ҳисобидан Ҳиротда 20га яқин ҳовуз, 9та катта ҳаммом, 15 та кўприк қурдирган. Шаҳардаги Инжил ариғи бўйида илмга ихлос қўйган ёшлар учун “Ихлосия” мадрасасини, дарвешлар учун “Халосия” хонақоҳини, беморларни даволаш ва табобатдан дарс ўтиш учун “Шифоия” масканини бунёд эттирди.

Тарихчи Мавлоно Хондамирнинг маълумот беришича, толиби илмлар учун Алишер Навоий ҳисобидан ҳар йили икки мингга яқин пўстин, чопон, кўйлак ва оёқ кийими берилган, мударрислар ва талабаларга доимий маош белгиланган. Қосим Анвор, Фаридуддин

Аттор каби кўплаб буюк зотлар мозорлари устига ёдгорликлар ўрнатган.

Чашмаи чил сувини Машҳад шаҳрига олиб келиб, аҳолини сувсизлик азобидан қутқарган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қайд этишича, Навоий ҳатто Бойқарога ҳам кўмак берган эди:

“Мирзодин ҳеч нима олмас, балки йилда Мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эрди”.

Донишманд бобомиз даромадларининг жуда кичик бир қисмини, ўртаҳол бир одамнинг тирикчилик қилиш учун зарур бўлган қисминигина олиб қолар, ўз даромадини деярли ҳаммасини мамлакат ободонлиги учун сарфлар эди. Бу ҳақда ўзининг “Вақфия” асарида: “...ўз маошига соир авомдин бирининг маоши ўтгунча иссик-совуқ дафъи учун...” деб ёзади.

Алишер Навоий бир асарида ҳиммат, ғайрат-шижоат, меҳр-мурувват, мардлик ва фидойилик буюкликдан нишона эканлигини қуйидаги мисраларда муҳрлаган эди:

Бийклик келди ҳимматдин нишона,

Ки ҳимматсизни паст этди замона.

Миннатдор халқимиз Алишер Навоийнинг хизматларини юксак даражада қадрламоқда. Буюк бобомиз шу кунларда ҳам истиқлол, эрк ва мустақиллик, умуминсоний ва миллий кадриятларнинг муаззам тимсоли сифатида яшаб, эл-юртнинг хайр дуоиси ва олқишига сазовор бўлмоқда.

Мирзакулов Т., профессор (Ўзбекистон)

Саггарова Д., ўқитувчи (Ўзбекистон)

ҚУРАМА ВОҲАСИНИ ИЖТИМОЙ – ЛИСОНИЙ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тарихий – ижтимоий, табиий-иқтисодий шароитга кўра ота-боболаримиз тоғ-кон ишлари, маъданлардан турли металл буюмлар олишга ихтисослашганлар. Минтақада ўз даврида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли Илоқ давлати пайдо бўлган. Ана шу давлатнинг тузилиши, бошқарув таркиби, иқтисодиёти ва маънавиятини тадқиқ этиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу давлатнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни, иқтисоди, айниқса, кон-металлургия соҳасидаги тарихий тажрибасини атрофлича тадқиқ этиш, умумлаштириш халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини янада аниқроқ кўрсатиш имконини беради.

Халқнинг ижтимоий турмуш тарзи, иқтисодий ҳаёти, албатта, унинг руҳияти, маънавиятида ўз ифодасини топади. Олмалиқ-Оҳангарон минтақаси аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик билан бирга маъданлардан металл олиш, улардан турли нодир буюмлар ясашга ихтисослашган. Шу сабабдан, минтақани ижтимоий – тарихий ўрганишда халқ касб-ҳунарлари

тарихини ҳам ўрганиш зарур. Ҳунармандчилик тарихида шаҳарлар муҳим мавқени эгаллайди, шаҳар маҳаллалари бирон-бир ҳунарга ихтисослашади. Илоқ давлатидаги шаҳарлар тарихини ўрганишни касб-ҳунарлар тарихини ўрганиш билан зич боғлиқликда олиб бориш талаб этилади.

Халқ тилида касб-ҳунарга оид кўплаб сўзлар тўпланиб қолган. Уларни йиғиш, соҳалар бўйича таснифи ва изоҳини бериш муҳим вазифа саналади. Касб-ҳунарга оид сўзларнинг тарихи халқ тарихининг узвий қисми бўлиб, уларнинг изоҳи тарихий даврлар бўйича олиб борилиши керак. Тегишли далиллар тўпланиб, тизимга туширилиб, маълум соҳалар, жумладан, кон-металлургия соҳасига оид сўзларнинг тарихий-этимологик, изоҳли луғатини яратиш давр талабидир.

Олмалиқ-Оҳангарон воҳаси халқи оғзаки ижоди намуналари тўпланган бўлса-да, улар етарли эмас. Мустақиллик туфайли халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллий қадриятимизнинг узвий қисми бўлган фольклор асарларини ёзиб олиш бу хотира ва қадриятнинг йўқолиб кетиши олдини олган бўлар эди. Машҳур фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг қайд этишича, Қурама-Оҳангарон воҳасида “ёр-ёр”нинг махсус тури “чинка” ва “чинга” номи билан ҳозир ҳам мавжуд (“Ўзбек халқ маросим кўшиқлари”, Тошкент, 1974, 14-бет). Буюк бобомиз А.Навоий адабиётимизнинг туғилиш манбаи, асоси “ёр-ёр” (чинка, чинга) ва ўлан эканини махсус таъкидлайди:

Навоий чу сарманзилинг чингадур,
Сурудинг дағи сураро – чинкадур.

Улуғ бобомиз асарларининг моҳиятини халқ оғзаки ижоди ва тарихий ўтмишимизга хос миллий ва умуминсоний қадриятлар ташкил этади:

Муғанний тузиб чинга вазнида чанг
Наво чекки, ҳай-ҳай ўлан, жон ўланг.
Десанг сенки, жон қардошим, ёр-ёр,
Мен айтайки, мунглуғ бошим, ёр-ёр.

Қурама воҳаси халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам узоқ тарихий ўтмишимиз ёдгорликлари бўлиб, уларни авайлаб сақлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Алишер Навоий ўз ижодида Марказий Осиё ва унга ёндош ўлкаларда яшовчи ўзбек халқ оғзаки ижоди ва халқ шевалари бойлигидан ҳам унумли фойдаланган. Бу эса асарларининг халқчиллиги ва кенг ёйилишига сабаб бўлган.

Қурама ўзбек шевалари қипчоқ лаҳжасига мансуб бўлиб, бу лаҳжа ҳам Навоий тил бойлигининг асосий манбаларидандир. Навоий асарларида Қурама шеваларига хос кўплаб сўз ва бирикмалар учрайдики, улардан айрим намуналар келтирмоқчимиз. Қурама шеваларида лунж урт дейилади ва Навоий асарларида овурт шаклида келган

Бижин (маймун) топса ер то ичига сиғар,
Не қилса овуртига барин тикар.

Алишер Навоий ижодида кўмак сўзи “танглай” маъносини билдиради. Қурама шеваларида бу сўз кўмакай шаклида келиб, “кўмакайи булкилламоқ” иборасида сақланган, яъни “танглай остининг бир меъёрда қимирлаши” маъносини билдиради. Ҳозирги қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам бу сўз кўмакай шаклида учрайди. Навоийда эса бу сўз кўмак шаклидадир:

Куйдим ишқимни аён айламагимдин,
Чеккай эдилар, кош, тилларимни кўмагимдин

Қурамада кўл маъносида илиги сўзи ҳам ишлатилади. Навоий ижодида ҳам айна шу маънода ишлатилади:

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Қурамада ҳам “тўйга борсанг, тўйиб бор, тулки тўнинг кийиб бор” мақоли ишлатилади. Бу ердаги “тулки тўн” ибораси аслида “тўрқа тўн” шаклида бўлган. Навоий асарларида тўрқа сўзи қимматбаҳо кийимлик маъносини билдиради. Қурама шеваларида бийик сўзи улуғ, юксак маъносида келади: “ўзингдан чиққан тов бийик бўлсин”. Навоий асарида ҳам бу сўз айнан шу шакл ва маънода келади:

Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афкандалиқ.

Қадимда катталар ва болаларнинг турли ўйинлари бўлган. Шулардан бири оқсуяк ўйинидир. Ойдин тунда ўйин бошлиғи суякни узокқа ирғитган ва ким уни топиб бошлиққа олиб келиб берса, мукофот олган. Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарида “Одил шоҳ шарофатидан кечалари аёлларнинг аллалари тинмайди, болалар эса оқсўнгак, яъни оқсуяк ўйнайди”, - деб ёзади.

Навоий ижодининг манбаларини аниқлаш, жумладан, лаҳжалар ва шевалар билан муносабатини белгилаш мустақиллик туфайли энг муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланди.

“Қурама шевалари” номи билан фанга киритилган атама маъносига кўра нисбий бўлиб, аслида ўзбек миллий тилининг асосий қисми (компоненти) бўлган қипчоқ лаҳжасининг маълум бир кўринишларидан ташкил топган яхлит ижтимоий-этник бирлашмани англатади. Қадимги Хитой, Византия ва рус манбаларида бу улкан ва кўп сонли халқ жун, ху, гунну, сюнну (усун, уйшун), юэчжи, хун, куманлар, половецлар, қипчоқлар номи билан аталган (“История древнего мира”, М., 1989, 243-245-бет).

Бу халқ ўтмиши Хунгария (Венгрия) номида сақланиб қолган. Қадимги туркий халқ кейинчалик ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, туркман, озарбайжон каби миллатларнинг шаклланиши ва тараққиётида муҳим асос ва манба бўлган. Шу сабабдан, қурама шеваларини тасодифан шаклланиб қолган бирлашма, уюшма деган ғайриилмий тасаввурларга барҳам бериш мақсадида мавжуд шева далилларини туркий тиллар, ўзбек тили тараққиётининг қонуний бир кўриниши сифатида атрофлича ўрганиш мавриди келди.

Қурама воҳаси этнографик жиҳатдан атрофлича ўрганилиши керак, чунки бу ерда, таниқли олим И.Ёрматовнинг қайд этишича, ўзбек-курамаларининг япалоқ, самарчук, кўчартўп, бойтўп, қалмоқтўп, катағон, жағалбойли, сувти, саритамғали, элтамғали, ачамайли, самирак, жалойир, уйшун, керайит, олчин, арғин, кебанак, чиликчи, чилкор, қорасийроқ, қайсар, тортувли, болғали, қайтмас, санам, шийқа, галаботир, жунбош, обиз, мўғул, бўрончи, эйвалак, керовчи, тама, телов, тароқли, дўлот (қаранг: “Илоқ тарихи”, Тошкент, 2005,81-бет), шунингдек, чамбил, қорахитой, тақали, ойтамғали, қорақўйли, ялама каби 92 бовли ўзбек уруғларига мансуб кишилар азалдан яшаб келганлар. Бу қабила ва уруғларнинг ўзбек халқи таркибидаги ўрни ва мавқеини тадқиқ этиш миллий тараққиётимиз тарихини чуқурроқ ўрганишга имкон яратади.

Профессор И.Ёрматов ўзининг “Илоқ тарихи” (Тошкент,2005,82-83-бет) китобида хайрли ва савобли ишни амалга оширган: ўзбек миллати таркибидаги уруғларга хос тамғалардан айримларини келтириб ўтади ва шундай ёзади: “Олма-Ота шаҳридаги “Жалын” босмахонаси томонидан 1993 йилда нашр этилган “Қозоқларнинг кўхна тарихи” сарлавҳали илмий тўпламда қозоқ миллати таркибига кирган 69 та уруғнинг номи ва тамғалари кўрсатилган. Улардан айримлари ҳозирги ўзбек миллатини шакллантиришда ҳам иштирок этишган. Шу боисдан мазкур китобда кўрсатилган, ҳозир ўзбек миллати таркибида мавжуд бўлган айрим уруғлар ва уларнинг тамғаларини келтириб ўтамыз.”

Т/р	Уруғ номи	Тамғаси	Т/р	Уруғ номи	Тамғаси
1.	Қангли	☉	10.	Теракли	Е П П
2.	Уйшун	≡ ☐ +	11.	Арғин	∞ ∞
3.	Дуғлот	○	12.	Матай	↑
4.	Жалойир	П П	13.	Керайит	∩
5.	Курама	♀	14.	Тама	
6.	Қипчоқ		15.	Олчин	∧
7.	Кўнғирот	//	16.	Жағалбойли	┌┐
8.	Манғит	∩	17.	Телов	↗ + ←
9.	Найман	∇			

Мавлонова К., катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

ЎҚУВЧИЛАРНИ МАТН ТУЗИЛИШИГА ДОИР ҚОИДАЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Таълим жараёнида ёзма саводхонликни ошириш она тили ва адабиёт фанини ўқитишнинг энг муҳим мақсадларидан биридир.

Бугунги кунда она тили ва адабиёт таълими жараёнига инновацион технологиялар кенг татбиқ этилаётган, дарсликлар мазмунан янгилашиб бораётган, фан олимпиадалари, “Фан ойликлари”, иншолар танлови мунтазам ўтказиб борилаётган, “Ўзбек тили” доимий анжуманининг “Таълим жараёнида ёзма саводхонликни оширишнинг асосий омиллари” [1] мавзусига бағишланиб, бир қатор муаммо ва ечимлар кун тартибига қўйилган бир даврда аксарият ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакалари талаб даражасидан пастлигича қолмоқда.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ДТС талабларини бажара оладиган шахсларни камол топтириш жараёнида методик тавсиялар ҳамда ўқув қўлланмаларга эҳтиёж сезмоқдалар. Ўқитувчиларга амалий ёрдам бера оладиган методик қўлланмаларнинг аксарияти 1964–1980 йилларда яратилган бўлиб, уларда келтирилган мисоллар, ёндашувлар мазмунан эскирган [2, 3].

“Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант” номли ўқув қўлланмада [4] ҳам иншо ҳақида маълумот, иншо турлари ва иншо ёзиш учун йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб ўтилган. Бу китобда ёзма иш турлари, иншо ҳақида назарий маълумот, иншо мавзусини шакллантириш ва танлаш, иншо режасини тузиш ва тезис сифатида шакллантириш, иншога эпиграф танлаш, унга материал тўплаш, иншо ёзишга тавсиялар, иншо ёзиш жараёнини ташкил этиш каби умумий масалалар ёритилиб берилган бўлса-да, ўқувчиларнинг ижодий матн ёзиш кўникмаларини эгаллашлари учун алоҳида йўналишдаги методик тавсиялар берилмаган.

“Иншолардаги матний хатолар, уларни тузатиш методикаси” қўлланмасида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ёзган ижодий ёзма ишлардаги матний хатолар аниқланиб, таснифланган, изоҳланган, иншо ёзиш (матн яратиш) жараёнида билиш шарт бўлган билимлар мундарижаси белгиланган, ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишлар методикаси ёритиб берилган [5]. Муаллиф: “Матний хатолар она тили дарсларида махсус ўрганилмаётган тил ҳодисаларини амалий била олмаслик натижасидир. Бундай хатолар уч-тўртта эмас, балки кўпдир. Бу эса ёзилаётган иншоларнинг (яратилаётган матнларнинг) стандарт талабига жавоб бермаслигига сабаб бўлади. Авваламбор, матний хатоларга она тили ўқитувчилари жиддий эътибор бермайдилар, қолаверса, методик адабиётларда бу ҳақда, хусусан, матний хатолар устида ишлаш юзасидан тавсиялар йўқ даражада. Матн тузилишини ўргатиш мазмуни ва методлари, машқлар тизими ҳам махсус ишлаб чиқилмаган. Бошқача айтганда, матн тузилишини ўрганиш таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг она тили ўқитиш

методикаси илмида деярли тадқиқ этилмаган”, деган асосли хулосага келган [5.3-бет].

Ўқувчилар учун матнни расмийлаштиришнинг ташкилий-техник жиҳатлари билан боғлиқ (матн тузилишига доир) қоидалар ва уларни мустақкамлашга қаратилган машқ турларини ишлаб чиқиш заруратга айланганини инобатга олган ҳолда ушбу мақолада мазкур жиҳатларга эътибор қаратамиз.

Дастлаб ўқувчи эҳтиёж сезадиган матн тузилишига доир масалаларни таснифлаб оламиз:

1. Матнда гапларнинг чегарасини белгилаш билан боғлиқ.
2. Матн мавзуси билан боғлиқ.
3. Матн сарлавҳаси билан боғлиқ.
4. Матн қисмлари билан боғлиқ.
5. Матн(иншо)га режа тузиш билан боғлиқ.
6. Хатбоши билан боғлиқ.
7. Матнга тасниф киритиш билан боғлиқ.
8. Матнда шеърини мисраларни жойлаштириш билан боғлиқ.
9. Матнга ривоят, ҳадис, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзларни *кўчирма гап шаклида* киритиш билан боғлиқ.
10. Матн қисмларида гапларнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ.

Қуйида 3- ва 9-бандларга тегишли қоида ва машқ намуналарини келтириб ўтамиз.

ҚОИДА. Иншо мавзуси сарлавҳа тарзида сатр ўртасида ёзилиб, қўштирноқ ичига олинмайди ҳамда охирига нуқта қўйилмайди: *Бир томчи сув каби.*

Босма манбаларда матнга сарлавҳа қўйилиб, бош ҳарфлар билан ёзилади: *БИР ТОМЧИ СУВ каби.*

Сарлавҳа нарса-буюм, иш-ҳаракат, белгининг ҳолатини аташ (атов гап тарзида номлаш) маъносида қисқа таърифланади: “Она меҳри”, “Юрт равнақи йўлида” каби.

“Мен кеча кунни қандай ўтказдим?”, “Биз Ватанимизни севамиз” каби дарак гаплар типигаги мавзулар ихчамланиб, сарлавҳага айлантиради: Кечаги куним. Ватан севгиси.

Сарлавҳалар мавзу сифатида айнан кўрсатилиши ҳам мумкин. Бунда мавзу сўзидан кейин одатдагидек икки нуқта қўйилади. Масалан: Мавзу: “Она меҳри” каби.

МАШҚ. Берилган номларни ўқинг. Фақат мавзу бўла оладиган номларни чап устунга, ҳам мавзу, ҳам сарлавҳа бўла оладиганларини ўнг устунга ёзинг.

“Озод ва обод диёрим”, “Сахий куз келди”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Мен ардоқлайдиган фазилят”, “Дам олиш кунини”, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Юртимизни боғга айлантирамиз”, “Олтин куз”, “Баҳор келди”, “Зумрад баҳор”, “Кўнгилсиз воқеа”, “Одамнинг қўли гул”, “Ватанимга хизмат қиламан”,

“Уйда”, “Кутубхонада”, “Кўчада”, “Нонни исроф қилманг!”, “Энг яхши кўрган адабий қаҳрамоним”.

ҚОИДА. Матнга ривоят, ҳадис, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар асосан кўчирма гап шаклида киритилади. Бунда муаллиф гапи олдин, кўчирма гап кейин ёзилса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилиб, кўчирма гап кўштирноқ ичига олинади: *Шундай мақолга риоя қилмоқчиман: “Тил билган Эл билади”.*

Кўчирма гап шеърий шаклда бўлса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилиб, кўчирма гап (шеър) хатбошидан кўштирноққа олинмай ёзилади:

Шундай мақолга риоя қилмоқчиман:

Тил билган

Эл билади.

МАШҚ. Нукталар ўрнини тўлдириб гапларни ўқинг. Киритилаётган кўчирма гап нима эканлигини аниқланг ва қўйилган тиниш белгиларини изоҳланг.

1. Ҳадислардан бирида шундай дейилади: ...
2. ... деган мақол бор халқимизда.
3. Дўст орттириш ҳақида шундай ҳикмат бор: ...
4. Шунинг асло унутманг: ...
5. Инсон ҳаётда кимгадир ёрдам бериб яшаши керак. Зеро, ...
6. Ҳунарли бўлишнинг фазилати ҳақида ... дейилади.

Қўйиш учун кўчирма гаплар:

1. Дўстликдан ўтадиган ҳеч нарса йўқ, шунинг учун дўст орттириши имкониятини сира қўлдан бой берма. 2. Баданнинг қуввати – овқат, ақлнинг калити – ҳикмат. 3. Ғайратлининг юраги қайнар, Ғайратсизнинг юраги ўйнар. 4. Илм ибодатдан афзал. 5. Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, ҳунари бўлсин. 6. Гули йўқ бўстондан япроқ яхши, фойдаси йўқ ўлдошдан таёқ яхши.

МАШҚ. Қуйида берилган гапларнинг ёзилишига диққат қилинг. Тўғри – “Т” ёки нотўғри – “Н” белгисини қўйинг.

ГАПЛАР	“Т” ёки “Н”
Шундай ҳадис бор Одамлар билан муросаю мадорага киришиш ҳам садақа ҳисобланади.	
Халқимизда шундай мақол бор: Бахил топса, босиб ер; Сахий топса, барча ер	
Режасиз иш – қолипсиз ғишт деган мақол бежизга айтилмаган.	
Халқимизда шундай нақл бор: “Беташвиш бош қайда, меҳнатсиз ош қайда?”	
“Ақлли қария – оқиб турган дарё” деган ҳикмат	

бежизга айтилмаган.	
Шарқда шундай ҳикмат бор: “Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир”.	

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, она тили ўқитилишининг янада самарадор бўлиши учун сўз, сўз шакллари, гап устида олиб борилаётган методик ишлар боғланишли нутққа қараб бориши, нутқий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Тил ҳодисалари, асосан, боғланишли нутқ орқали намоён бўлади. Гап турларини, гапларнинг ўзаро боғланишини ўрганиш матн яратиш учун пойдеворни вужудга келтиради, холос. Лекин ушбу материаллар, улар билан боғлиқ қоидалар матн тузилиши орқали ўрганилмас экан, эгалланган билим, кўникма ва малакалар кўпроқ лингвистик компетенция лаёқатини шакллантириш даражасида қолиб кетаверади: таълим мазмунига матн тузилишига доир қоидаларни киритиш давр талабидир.

Агар ўқувчилар ёзган иншо, яратган матннинг фақат имло ва тиниш белгиларига оид хатоларини текширмасдан, мавзунинг қай даражада очилганини иншо (ёки матн) охирида қисқа тақриз кўринишида ёзиб кўрсатиш, айрим жумлаларнинг ғализлиги остига тўлқинли чизиқ чизиб қўйиш орқали белгилаш билан кифояланмасдан, ижодий ишлардаги матний хатоларга эътибор берилса, матн синтаксисига оид билимларга эҳтиёж туғилади.

Адабиётлар

1. Ta’lim jarayonida yozma savodxonlikni oshirishning asosiy omillari / “O‘zbek tili” doimiy anjumanining 13-yig‘ini materiallari. – Toshkent:
2. Долимов С. Таълимий баён ва иншо. – Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1964. 100 б.
3. Турдиев Б. Ёзма нутқни ўстириш юзасидан практикум. – Т.: Ўқитувчи, 1980. 128 б.
4. Madayev O. v.b. Yozma ish turlari: insho, bayon, diktant. –Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017. 104 b.
5. Yo‘ldoshev R.A., Rixsiyeva M.M. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Т.: Fan va texnologiyalar, 2018. 156 b.

*Мусаева Н., ўқитувчи
(Ўзбекистон)*

КВАЗИДИАЛОГИК НУТҚ ДИАЛОГНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРИНИШИ

Борлиқдаги мавжудодларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро алоқада ҳаёт кечирадилар, бу жараён уларнинг ҳаёт тарзини ифода этиш билан бирга ижтимоий борлиқдаги ўрнини ҳам белгилаб беради. Бу мавжудодлар орасида инсон нутқи ва ақли билан энг олий ўринни эгаллагани барчамизга маълум. Инсоний олий туйғулар, ижтимоий алоқаларнинг барчаси нутқ орқали амалга оширилади. Нутқ ҳар бир кишининг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб намоён бўлади. Нутқнинг яратилиши ҳақидаги назарияда тил ва тафаккур муносабати

ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Нутқ яратилиши жараёнининг тафаккур билан алоқаси психоллингвистикада “нутқ яратилиши модели” деб номланувчи схемаларда акс эттирилди. Бундай моделларнинг аксарияти Л.С.Выготский томонидан илгари сурилган ва “Фикрдан – маънога, маънодан – сўзга” деган концепсияда ўз аксини топди. Л.С.Выготский фикрига кўра, фикр нутққа айлангунча бир неча босқичлардан ўтиши лозим. Олимнинг “ички сўз” ҳақидаги ғояси ботиний нутқ тўғрисидаги қарашлар ривожига катта таъсир кўрсатди. Ички сўз – ботиний нутқда пайдо бўлувчи, инсон онгидаги образлар, ассоциацияларнинг рамзи. Айнан у ботиний нутқнинг ташқи, табиий нутққа айланишида восита бўла олади. (Л.С.Выготский, 2008. – С.55-66.). Ботиний нутқдаги фикрнинг сўзга айланиш жараёнини у “тафаккур грамматикасининг сўз грамматикасига айланиши” сифатида изоҳлайди. (К.Ф.Седов, 2004:10.) Шу ўринда, ички сўз – ботиний нутқ болаларда 3 ёшдан бошлаб ривожлана бошлайди ва бу бола ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиёт босқичида тил тизими ва инсон лисоний фаолияти механизми тил эгаси бўлган шахс, унинг лисоний онги ва тафаккури, руҳияти; нутқий вазият, ижтимоий муҳит, халқ маданияти каби омиллар билан боғлиқликда ўрганишга эътибор кучаймоқда. Тараққиёт ҳар бир соҳада юксак натижаларга эришиш учун изланишларни талаб этади, тилшуносликдаги изланишлар эса жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқлик ҳар бир соҳада инсон омилини юқори поғонада бўлишини талаб этади ва бундай жараёнлар бугун бизнинг ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Биз ўз изланишларимизни мулоқот шаклларида диалогни ўзбек тилидаги кўринишларига тўхталиш билан давом эттирмоқдамиз. Шунга кўра, ҳар қандай диалогнинг муҳим фарқловчи хусусияти мавжуд; фикрларини баён этишади, суҳбатдошини мулоқотга чақиради, саволга жавоб кутишади. Айнан мана шу диалогик нутқнинг мазмуни ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида диалогик нутқ қисман кам эътибор қаратиладиган соҳа, бу ўринда диалогнинг ўзига хос кўринишлари; полилог, монолог, кабилар билан бирга квазидиалогик нутқни ифода этишни жоиз деб топдик.

Тилшуносликка оид илмий манбаларда диалогнинг турлича таснифланишини кузатиш мумкин. Бундай таснифлар нутқий мулоқотнинг турли хусусиятларига кўра ажратилади. Диалогнинг таснифланишида асосан мулоқот эгаларининг даражаси: яқин таниш, тасодиқий таниш, хаёлий суҳбатдош, жонли ва жонсиз суҳбатдош каби ўринларига эътибор қаратилади. Диалогнинг шундай турларидан бири квазидиалогдир. Квазидиалогда бола ўйинчоқ, хаёлий суҳбатдош билан мулоқотга киришади. Бундай мулоқотда бола бир вақтнинг ўзида ўзининг ва ўзганинг ролини ҳам бажаради. Шунга кўра айрим манбаларда болаларнинг бундай мулоқоти *сахналаштирилган квазидиалог* деб ҳам қаралади. (Т.И.Петрова, 2000. Googlewebleht.com.).

Боланинг борлиқни эгаллаш жараёни борлиқ аъзоларининг муҳим хусусиятларининг ажратилиши ва мустаҳкамланишини қамраб олади. Ижтимо

ий индивид сифатида инсон учун белгининг мустаҳкамланиши жамият томонидан ишлаб чиқилган асосий восита – тил ёрдамида амалга оширилади ва белги воситаларининг ўзини эгаллаш жараёни, яъни “сезги табиати орқали” белгиланадиган тил белгиларини эгаллаш борлиқни эгаллашдаги сўнги жараён саналади.

Тил бирликларининг реал бирликларга муомала ва муносабатга ўтиши боланинг реал бирликларни мувофиқлаштира ола бошлаши ва тил бирликларини айрим материал объектлар сифатидаги ўзаро мувофиқлигини ифодалаш имкониятига эришганлигини кўрсатади. Бунда реал предметлар мувофиқлигини ўрнатиш ва тил бирликларининг “сезги табиати” - тафаккурнинг ривожланиши биз учун асосий босқич саналади. Предмет фаолияти жараёнида бола предметларнинг дастлаб материал хусусиятларини, сўнг бошқа предметлар билан боғланишини, ва ниҳоят, предметларни функционал қўллашни эгаллайди, предмет фаолияти (харакати)нинг ўсиши давомида предметлар ном олади, сўнг сўзли мулоқот юзага келади, бунинг асосида эса тушунча шаклланади. Сўз эгаллашнинг юқори босқичида бу муомала ва мулоқот бирлиги, нутқий фаолият курали ҳамда белги сифатида намоён бўлади. Бироқ, предметнинг номи ҳали сўзни конвенционал қўлланиши дегани эмас. Чунки, тил белгисини квазиобъект сифатида конвенционал қўллашни ўзлаштириш унинг маъносини ўзлаштиригандагина амалга ошади. Бунда мазмун белгига унинг хусусиятларидан бири эканлиги билан тааллуқли бўлади. Шу ўринда, ўз маъносини йўқотган белги - бу моддий оламнинг оддий предмети дир ва у моддий хусусиятлари билан ўз функциясини чегаралайди. Шу сабабдан ҳам мазмун (маъно) белгидан ажралмасдир. Мазмун маълум предмет ёки белгининг жамият амалиёти жараёнида тўпланган тажрибасининг қайди саналади.

Боланинг ўсиш жараёни узлуксиз бўлса ҳам, уни айрим босқичларга бўлиш мумкин. Бу босқичлардан бири сифатида мактабгача бўлган ёш давридир. Бу даврда болаларда когнитив (англаш) структураларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг интенсивлиги кўринадиган ва натижада реал дунё (борлиқ), болани ўраб турган предметлар, улар ўртасидаги муносабат ҳақидаги билимларни эгаллаш жараёни кечади. Тил системаси элементлари – ифода воситалари жараёнининг бойиши айнан бу воситалар аҳамиятининг кучайиши ва кенгайишида намоён бўлади. Шу ўринда ижтимоий ҳаётда болалар ўзининг ўйинчоқлари билан қурган суҳбатлари аҳамиятли ҳисобланади. Бола қачон ўйинчоқлари билан мулоқотга киришади? – деган савол туғилиши ўринли. Болаларнинг ҳаётга бўлган муносабати кўп ўринларда тақлидчанликка асосланади, бу эса болалар нутқида ўз аксини топади. Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ Л.С.Выготский томонидан болалар нутқини таҳлил этишининг психолингвистик асослари белгилаб берилди. (Л.С. Выготский, 2008. 60.) Боланинг катталар билан мулоқоти жараёнида унинг нутқи шаклланиб, такомиллашиб боради. Бу эса руҳий жараёнларни тубдан қайта қуради.

А.Р.Луриянинг таъкидлашича, боланинг ўзини тутишида юзага келувчи мураккаб бошқарув масалаларида нутқ фаолияти асос бўлади. (А.Р.Лурия, 1979:53.) Катталар билан бўлган мулоқотда баъзан болалар ўз фикрларини эркин айтиш ва муносабатларни ўрнатишда ўзига хос тўсқинликларга дуч келиши мумкин. Бундай тўсқинликка дуч келган бола нутқий мулоқотни ўз ўртоқлари, ўйинчоқлари билан мулоқотда тўлдириб боради. Бундай жараёнлар кўпроқ болалар ўйинчоқлари билан ёлғиз қолганда вужудга келади. Болалар ҳаёлий образлар яратиб, ўзининг ўйинчоқлари билан нутқий мулоқотга киришади, бу орқали ҳаёт ва ён атрофида бўлаётган воқеаларга нисбатан ўзининг муносабатини билдирган бўлади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, бола нутқида квазидialogик мулоқот асосан тақлидчанликка асосланади, бола ўзининг ўйинчоқлари билан ёлғиз қолган жараёнларда кунлик ҳаёти давомида бўлган воқеаларни ўзининг ўйинчоқлари билан образли ўйлар ташкил қилиш орқали нутқида акс эттиради. Юзага келган бу жараён орқали бола ўзини ижтимоий ҳаётда юз берган ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга киришади.

Адабиётлар

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори., -Т.: “Шарқ”, 1998.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Наука, 2008. – С. 55-66.
3. Лурия А.Р. Язык и сознание.- М., 1979.-С.53.
4. Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 10.
5. Т.И.Петрова. Инсценированный квазидialog как особый жанр детской речи: На материале речи дети 6-8лет. Дисс.канд.фил.наук. - Владивосток, 2000. Googlewebleht.com
6. Ф.Р.Қодирова «Нутқ ўстириш методикаси» Т.;2012.

**Набиев Р., ўқитувчи
(Ўзбекистон)**

ФОРИШ ШЕВАСИНИНГ БАЪЗИ БИР ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИГА БИР НАЗАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги “ Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850 Фармони ҳамда 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг эълон қилиниши ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Бу эса ўзбек тилининг ижтимоий моҳиятини ошириш баробарида адабий тил озиқландиган халқ шеваларини ўрганишга кенг йўл очиб берди.

Ўзбек тилининг бошқа шевалари қатори Жиззах вилояти Фориш тумани шевалари ҳам зига хос фонетик, лексик ҳамда грамматик хусусиятлари билан ўзбек адабий тилидан маълум даражада фарқланиб туради.

Маълумки, тилшуносликнинг асосини ташкил қиладиган морфология сўзнинг грамматик хусусиятларини, яъни сўзларнинг шакли, қурилиши ҳамда ўзгаришини ўрганadi. Шу боис ҳам биз мазкур ишимизда тадқиқот объектими з бўлган Фориш тумани шеваларининг айрим ва энг муҳим морфологик хусусиятлари хусусида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилшунослигида шеваларнинг морфологик хусусиятлари юзасидан У. Кенжаев, Н. Ражабов, Э.Шералиев томонидан турли ҳудудларга оид материаллар юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Биз уларнинг ишларига таянган ҳолда тадқиқот объекти юзасидан кузатишлар олиб бордик.

Фориш тумани шеваси ўзининг морфологик хусусиятларига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилидан бир оз фарқ қиладди. Бу ҳолатни келишик, эгалик ҳамда кўпликни ифодаловчи қўшимчаларининг хилма хил фонетик вариантларида, уларнинг қўлланиши ва маъно ифодалаш сингари вазифаларни бажариш жараёнларида кўриш мумкин.

Тадқиқот объектидаги келишик қўшимчаларининг қандай шаклда қўлланишини қуйидаги мисолида кўриш мумкин:

Бош келишик : етук, мўймон, боғ, ука, тоғ.

Тушум келишиги: етукнъ, мўймоннъ, боғнъ, уканъ, тоғнъ.

Жўналиш келишиги: етукка, мўйманга, боғга, укага, тоғга.

Ўрин-пайт келишиги: етукка, мўймонга, боғга, укага, тоғга.

Чиқиш келишиги: етуктон\\тгн, мўймондан\\дын, боғдан\\дын, укадан\\дгн, тоғдан//дгн.

Шевада жўналиш келишигининг –га\\ға қўшимчалари сўз ўзагида г, ғ товуши билан келганда ассимиляцияга учрамаслиги шеванинг ўзига хослигидан дарак беради. Боғга, тоғга, соғга кабилар. Ҳозирги лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувининг “Имло қоидалари”да мазкур ҳолат шундай талаффуз қилиниши ва ёзилиши қайд этилган.

Жўналиш келишигидаги –ка,-ко, -қа,-го, о\\а қўшимчалари фақатгина I-II шахс эгалик қўшимчаларини олган сўзлардагина ишлатилади: кўзума, укама, отомо, боғама ва ҳакоза.

Тушум келишигидаги сўзлар –н\л ундошлари билан тугаган сўзларда ассимиляцияга учраб, -нъ\ль шаклида талаффуз қилинади: толль, ьт буннь ва ҳакоза.

Ўрин-пайт келишиги қўшимчалари –то\|-до\|-та\|-да шаклида қўлланади: мактапда, оқьшта, и:што, уйда каби.

Чиқиш келишигининг қадимий шакли бўлган –дын\ дьн\тын\тън қўшимчалари туманнинг бошқа шеваларига нисбатан, хусусан, Деристон қишлоғи шевасида сақланиб қолганлигини алоҳида қайд этиш лозимдир. Шунингдек худуд шеваларида чиқиш келишигининг –тон\тан, -дон\дан, тон\дон сингари шакллари ҳам қўлланади: ат-тан(отдан), иш-тан(ишдан),уй-тан(уйдан) ва бошқалар.

Шева материаллари бўйича олиб борилган дастлабки кузатишлардан маълум бўлишича, қаратқич келишиги деярли кам қўлланади, унинг вазифасини кўпинча тушум келишиги бажаради. Меҳмоннинг олдига-мўймани алдъга, тоғнинг тоши- тағнь ташъ ва ҳакоза.

Ўзбек адабий тилидаги этик, меҳмон, боғ, ука каби сўзлар тадқиқот объектида эгалик қўшимчалари билан турланиши қуйидаги ҳолатда юзага келади:

Бирлик сонда

I - атгузъм,мўймоным, боғым, укам.

II – отугънг, мўймонынг, боғынг, уканг.

III- отуғъ,мўмонъ,боғы, укась.

Кўплик сонда

I – ўтугъвъз, мўмонывъз, боғывыз,укавъз.

II – отугънгъз, мўмонгыз, боғчангыз, укангъз.

III - отуғъ,мўмонъ,боғы, укась.

Шевада кўпликни ифодаловчи –лар қўшимчасининг қўлланиши адабий тилда деярли фарқ қилмайди. -лар \ -лер шаклида қўлланади: укамлар, би:злар, сенлер каби.

Фориш шевасининг яна бир хусусияти шундаки, унда лаб оҳанги хусусияти сақланган. Шу боис бўлса керакки, эгалик қўшимчалари ҳам адабий тилга нисбатан –м, -им, шаклида –миз ўрнида –м, -ум\, -виз\|-вуз\|выз шакллари учрайди: оғлум(ўғлим), оғлунг(ўғлинг), оғли(ўғли), ўғлувыз(ўғлимиз), оғлунгъз(ўғлингиз) оғли(ўғли) ва ҳакоза.

Худуд шеvasида айрим сўз ясовчи қўшимчалар ўз фонетик вариантларига ҳамда бошқа айрим хусусиятларига кўра адабий тилдан ва бошқа шевалардан фарқ қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Адабий тилдаги –гиз\\-киз\\-гиз, шевада –гуз\\-куз\\қуз\\гуз шаклида қўлланади: кьргуз(киргиз), кеткуз(кеткиз), отқуз(ўтқиз), баргуз(боргиз) ва ҳ.

2. Тадқиқот объектларидан бири бўлган манғит уруғига мансуб Бағдон шеvasи вакиллари нутқида эски ўзбек тилига хос қуйидаги қўшимчалар фаол қўлланишдадир:

-турук\\дурук:бурундурук, бойунтурук, соқолдурук каби.

-ду\\ту: келаду, бораду, борыйотту, келойотту ва б.

-лук\\луқ: бойлук(бойлик), сойлук(сойлик) ва ҳ.

3. Шевага хос феъл ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг айрим турлари ҳам адабий тилдан фарқ қилиш ҳолатларини ҳам кўриш мумкин: ўтирибмиз(отуруптъвуз), бораётир (бораттумон, боратсан, боратту ,бораттувуз\\ боатъвъз), бораманми (борамдыман), борамсанмъ\\ барамсан, барамду, барамду, барамдувуз, баромсъз) шаклида қўлланади.

4. Адабий тилдаги феълнинг бўлишсиз шакллари -ма, - мас, эмасларнинг ўрни қуйидагича ифодаланади: сўкмоймон (сўкмайман), сокмойман (сўкмайсан), сокмайду (сўкмайди), сокмойдъвъз\\ сокмойдувуз (сўкмаймиз) кабилар.

Шунингдек, найман уруғига мансуб худудлар аҳолисининг тил хусусиятлари манғит гуруҳига тегишли қишлоқлар вакилларикидан сезиларли тарзда фарқ қилади. Масалан, найман гуруҳига тегишли шева вакиллари нутқида йьгътса(йигитсан), отарса(ўтарсан), йевотъпма(ебетирман), оғлум(ўғлим), ойъбъз(уйимиз), йемейма(емайман) ва ҳакоза.

-чъл\\чыл: копчъл(кўпчилик), комчъл(камчилик), топчыл\\топчыллък(тахчил) каби.

Хуллас, ўзбек адабий тили ва унинг шеваларидан маълум даражада фарқ қиладиган Фориш тумани шеваларини ҳар томонлама ўрганиш тилшунослик фани олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

2018-2020 йилларда олиб борилган дала амалиётлари ва экспедициялар материаллари.

Раҳмонқулов А., доцент

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИ БИЛИНГВИАЛ ТАЪЛИМИ МАСАЛАЛАРИ

Илм-фан, техника ва ахборот воситалари жадал ривожланаётган ушбу замонда она тили ва адабиёт таълими масалаларига инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда янгича ёндашув талаб қилинмоқда. Тожикистон олий ўқув даргоҳларида кредит таълим тизимининг мақсади талабаларнинг онглилиги ва фаоллигини ошириш, мустақил фаолиятини кучайтиришга қаратилган янги истиқболли йўналишларда намоён бўлади. Ўрта умумтаълим мактабларида ҳам салоҳиятнок таълим йўналиши ўқувчиларнинг она тили ва адабиётидан олган билимларининг амалий жиҳатларига эътиборни кучайтирмоқда. У ўқувчиларни олган билимларини ҳаётда янги вазиятларда қўллай олиш малакасига эга лаёқатли, рақобатбардор етук инсонлар қилиб тарбиялашни кўзда тутди. Мустақиллигимиз 2-3 ўн йилликлар сари одимлаётган ушбу замонда ёшларимизнинг миллий тилда ўқитиладиган таълим муассасаларининг кўп тилли, ёки билингвиал таълим тизими асосида билим эгаллашлари келажакда уларнинг кўп маданиятли оламда ўз ўрнини эгаллашларига замин ҳозирлайди. Бу, айниқса, ҳозирги кўптилли, кўпмаданиятли оламда билингвиал таълимнинг муҳим аҳамиятга эғалигини кўрсатади. Кўпмиллатли мамлакатлар қатори Тожикистоннинг маориф тизимиди икки тилли - билингвиал, уч тилли ва ундан ҳам кўп тилли таълим тизими жорий қилинган. Кўп маданиятли таълим кўптилли таълим билан чамбарчас боғлиқ. Тинчлик ва миллий бирлигимиз асосчиси, Миллат Пешвоси, мухтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон билимлар куни байрами (2020 йилнинг 17 августи)да қилган чиқишларида ёш авлоднинг ўз она тилисини мукамал эгаллаш билан бирга халқаро ва миллатлараро алоқа воситаси бўлган яна икки ва уч тилни (рус, инглиз, немис) ўрганиши ҳозирги замон талаби эканлиги кўп бор таъкидланди.

Билингвиал ўқитиш бу кўп миллатли жамиятда ўз олдига умуммиллий маданият вакилининг кўптилли (полиглот) шахс сифатида камол топишини мақсад-вазифа қилиб кўяди. Билингвиал ўқитиш орқали турли миллат вакиллари ўртасида коммуникатив алоқа ўрнатилиб, ижтимоий мобиллашувнинг кафолати сифатидаги қўшимча лингвистик салоҳиятлар эгалланади. Бунда ўқувчилар ёшига мувофиқ биринчи тил компетенцияларини ўзлаштиради;

- давлат тилини функционал даражада ўзлаштиради ;
- функционал даражада учинчи тилни ўзлаштиради ;
- ўз маданияти каби бошқа халқ маданиятини қадрлашни ўрганади ;
- этник хурофотлардан холи бўлган маданиятли , масъулиятли фуқаролик муомиласини намоёиш этадилар, толлелантлик муносабатини ўрганадилар.

Демак, кўптилли таълим тизими она тили ўқитувчилари зиммасига улкан вазифалар юклайди. Яъни, она тили дарсларининг сифати, самарадорлиги натижаллиги кўпмаданиятли оламда болаларимизнинг иккинчи, учинчи тилни пухта эгаллашлари учун замин бўлиб хизмат қилиши лозим. Шу мақсадда она тилини ўқитиш жараёнида лисоний билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда миллий тилларни типологик, қиёслаш методлардан фойдаланиб иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Маълумки, бошқа-бошқа тил оилаларига мансуб ўзбек (туркий тилларга мансуб) ва тожик (ҳинд-европа тилларига мансуб) тиллари грамматик қурилиши жиҳатдан ҳам фарқли. Ўзбек тили агглютинатив тилларга, тожик тили эса флектив тилларга мансуб бўлса-да, уларнинг луғавий сатҳи ва фонетик-фонологик сатҳдаги уйғунлиги ва ўзаро таъсири яққол намоён бўлиб туради. Биз уларни ўргатишда қиёсий методдан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ келади. Барча тилларда нутқий фаолиятда кузатиладиган фонетик жараёнлар: сўз талаффузида товуш тушиб қолиши (редукция) ва аксинча товуш орттирилиши (протеза), товушлар ўрни алмашилиб талаффуз этилиши (метатеза), товушларнинг ён товушлар таъсирига берилиб ўхшаш бўлиб қолиши (ассимиляция) ёки ноўхшаш товушга айланиши (диссимиляция), оҳангдошликка эга бўлиши (сингармонизм) каби ҳодисалар ҳар икки тилда ҳам кузатилади. Ана шу талаффузга оид умумлисоний ҳодисалар маънога таъсир этмаса-да, имлога, орфография ўқитишга таъсири кучли. Уларнинг вужудга келиш сабаби нутқий жараёнда товушлар алоҳида-алоҳида талаффуз қилинмайди, балки, бир-бири билан бириккан (бўғин, сўз, такт, фраза) шаклида коммуникация жараёнига хизмат қилади. Бу жараён ўта тезкор, автоматик тарзда амалга ошгани учун юқорида саналган фонетик-фонологик ҳодисалар юз беради. Биз она тили ўқитувчилари вазифаси ана шу лисоний-нутқий ҳодисаларни изоҳлаб тўғри таҳлил ва талқин қилишимиздир. Фонетика бўлимини ўқитишда ана шу масалаларни ҳам қиёсан тушунтириш ўринли бўлади. Шу ўринда қуйидаги каби таблицадан фойдаланиш мумкин:

Ўзбек тилида

Тожик тилида

<i>Ассимиляция (ўхшаш бўлиб қолиш)</i>	<i>Ассимилятсия (монандшавӣ)</i>
Битди > битти асс.,прогрессив,тўлиқ	Бадтар > баттар асс.прогрессив тўлиқ
Ишга > ишка асс.,прогрессив,қисман	Дегча > декча асс.,регрессив,қисман
Тузсиз > туссиз ас.,регрес., қисман	Тазкира > таскира ас.,регрес., қисман

Диссимиляция (ноўхшаш бўлиб қолиш)	Диссимилятсия (чудошавӣ)
Гугурт –гургут , нафас –лапас, тўксон – тўхсон...	Иқбол – ихбол, вақт – вахт, мақсад – махсад...
Сигармонизм (оҳангдошлик)	Сингармонизм (мувофиқати овоз)
Қутлуг, туркум, тутқун,учқур, кукун, гурунг, қилмиш-қидирмиш...	Даҳон > даҳан , гуноҳ > гунаҳ
Протеза (товуш орттирилиши)	Протеза (иловашавии овозҳо)
Истудент, йогоч – сўз олдига товуш орттирилиши	Устал, истансия – сўз олдига товуш орттирилиши
Заклад>закалад, ичида>ичинда сўз ўртасига тов.орт.(эпитеза)	Осоиш>осойиш, гунчош>гунчойиш сўз ўртасига орт. (эпитеза)
Банк > банка, танк > танка сўз охирига товуш орттирилиши (эпитеза)	Отпуск > отпуска, сўз охирига товуш орттирилиши (эпитеза)
Прокопа (товуш тушиши)	Прокопа (ихтисори овоз)
Йогоч>огоч,йилон>илон,йигна>игна сўз бошидан тушиши (прокопа)	Агар > гар, аз он > з-он сўз бошидан тушиши (прокопа)
Наҳор > наар, заҳар > заар Сўз ўртасидан товуш тушиши (синкопа)	Манро > маро, чиндан > чидан, қандчай > қанчай сўз ўртасидан товуш туш.(синкопа)
Самарқан, Тошкен, балан... Сўз охиридан товуш тушиши (апокопа)	Хурсан,монан,писан,гўш,даш,муш... Сўз охиридан товуш тушиши (опокопа)
Метатеза (товуш алмашилиши)	Метатеза (ивазшавии овоз)
Тупроқ > турпоқ, ёмғир > ёғмир	Дарё > дайро, аҳвол > авҳол, қулф > қуфл, тасфон > тафсон
Синерезис (сингиб, кўшилиб кетиш)	Синерезис (муттаҳидшавӣ)
Қора от > қорот, сариқ ёғ > сарёғ	Ки аст > кист, чи аст > чист, мо аст > мост...

Тожикистонда миллий тилда фаолият юритаётган таълим муассаларида ва матбуотда ўзбек ва тожик имлоси айнан бир хилда эмаслиги ҳам уларга онгли ва дифференциал ёндошувни тақозо этади. Рус графикаси асосидаги ёзувга 1956 йилдан буён узоқ йиллар ўзгаришсиз амал қилиб келинди. Республикаларимиз мустақилликка эришгач ўзбек ва тожик тилларига ҳам Давлат тили мақомига берилиб, фаолият доираси кенгайди, мустаҳкам асосга эга бўлди. Ўзбекистонда лотин ёзувига қайтилди. Тожикистонда ҳам 1998 йил кирилл графикасидаги тожик ёзуви имло қоидалари янгиланиб, алфавитда ҳам қисман ўзгаришлар содир бўлди. Унда рус тилининг ўзига хос товуш ва ҳарфий белгилари (ь, ы, ц, щ) тожик алфавитидан чиқарилди. Тожикистондаги ўзбеклар ёзуви ва алфавитини ҳам тожик алфавити ва имлосида бўлган ўзгаришларга мувофиқлаштириш ва ёзувда бир хилликни таъминлаш учун уринишлар бўлиб ўтди. Хужанд давлат университети ўзбек филологияси факултети ўзбек тили ва ўзбек адабиёти кафедралари олимлари томонидан қисман ўзгаришлар киритилган тожикистондаги ўзбеклар алфавити ва имло қоидалари муҳокамадан ўтказилиб Маориф вазирлиги томонидан тасдиқланишига ҳам эришилди. Аммо, матбуот ва редакция ,нашриёт ходимлари бу масала давлат сиёсатида оид бўлиб бундай ўзгартиришлар давлат ҳукумати томонидан тасдиқланиши лозим деган тўғри сабаб туфайли бу ўзгартирилган қоидаларга эмас, 1956 йилги имло қоидаларга амал қилишда давом этди. Натижада матбуотимиз саҳифаларида ҳам ёзувдаги баъзи икки хил қўлланишлар кўзга ташланмоқда. Бундай ўзгартиришлар ёзувда ранг-баранглик (анархия) ни вужудга келтиришини устозимиз профессор А.Бердиалиев ўз вақтида таъкидлаган эди. Қозоқистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган “Кўп тилли таълим тизимида она тилини ўқитишни такомиллаштириш: муаммолар, янгича кўзқарашлар ва ечимлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция”¹да ушбу масалада чиқишимизга муносабат билдирган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Зулхумор Холмонова бундай ўзгартириб қўллашни, дарҳақиқат, қонундан ташқари ҳолат деган фикрни билдирди. Ва олиманинг яқинда 2020 йилнинг 21 октябрида “Ўзбек тили байрами” муносабати билан телевизион онлайн анжуманида чиқишида айна масала ҳақида эслатиб Ўзбекистонда рус графикаси ёзувидан лотин ёзувига тўла узил-кесил ўтилиши афзалликларидан бири ана шундай ҳар хилликларнинг бартараф этилишига олиб келишидир деб таъкидлади. Биз мудом ана шундай барча вазиятларни ҳисобга олиб ўзбек ва

¹ Раҳмонқулов А., Жабборов Б. Мукамал имло саводхонлигимиз асоси // “Совершенствование преподавания родного языка в условиях многоязычного образования : проблемы, новые подходы и решения” Чимкент, 2018 - С. 71-73

тожик ёзувидаги қисман тафовутларни ўқувчиларимизнинг онгли фарқлаб, ҳар бир тилда саводли ёза олиш малакаларини эгаллашларига эришишимиз лозим.

Ўзлашма сўзлар (русча-байналмилал, арабча ва форс-тожикча) сўзлар тўғри ёзилишини ўзлаштиришда ҳам қийинчилик усулига мурожаат этамиз: 1956 йилги имло қоидамизда русча – интернационал сўзлар график ёки этимологик принцип талабига мувофиқ ўша тилда қандай ёзилса, бизнинг тилда ҳам ўшандай ёзув шакли сақланади. Тожик тилида бир оз бошқача, (ц ҳарфи ўрнида сўз бошида ва сўз ўртасида ундошдан кейин с, сўз ўртасида икки унли орасида тс бирикмаси ишлатилади). Эътибор беринг :

Русчада	Ўзбекчада	Тожикчада
<i>Цитата</i>	<i>Цитата</i>	<i>Ситата</i>
<i>Цирк</i>	<i>Цирк</i>	<i>Сирк</i>
<i>Цех</i>	<i>Цех</i>	<i>Сех</i>
<i>Цилиндр</i>	<i>цилиндр</i>	<i>Силиндр</i>
<i>Цемент</i>	<i>Цемент</i>	<i>Семент</i>
<i>Доцент</i>	<i>Доцент</i>	<i>Дотсент</i>
<i>Репетиция</i>	<i>Репетиция</i>	<i>Репетитсия</i>

Тожик алфавитидаги яна бир мукаммалик шундаки портловчи ж ва сир-алувчи ж товушлари учун алоҳида ҳарфий элементлар мавжуд. Шу сабабли мазкур товушлар иштирок этган сўзлар имлосида фарқият мавжуд. Форс-тожикча ва у орқали ўзбек тилига ўзлашган, таркибида портловчи ж (тожикчада ц) сўзларнинг икки тилдаги ёзилишини муқояса қилиб кўрамиз :

Ўзбекча	тожикча	Ўзбекча	Тожикча
<i>Жамият</i>	<i>Чамъият</i>	<i>Чаббор</i>	<i>Чаббор</i>
<i>Жабр</i>	<i>Чабр</i>	<i>Жавоб</i>	<i>Чавоб</i>
<i>Жўра</i>	<i>Чўра</i>	<i>Жам</i>	<i>Чамъ</i>
<i>Жаҳон</i>	<i>Чаҳон</i>	<i>Жаҳонгир</i>	<i>Чаҳонгир</i>
<i>Сажда</i>	<i>Сачда</i>	<i>Ҳожат</i>	<i>Ҳоҷат</i>
<i>Хижолат</i>	<i>Хиҷолат</i>	<i>Жаҳолат</i>	<i>чаҳолат</i>

Ўзлашма сўзлар имлосида бирор қоида билан изоҳлаб бўлмайдиган фарқли ҳолатлар ҳам анчагинаки уларни хотирда сақлаб қолиш талаб қилинади .
Қаранг :

ўзбекча	тожикча	ўзбекча	тожикча
<i>Тарих</i>	<i>таърих</i>	<i>тамир</i>	<i>таъмир</i>
<i>Тобе</i>	<i>тобеъ</i>	<i>ижод</i>	<i>Эъҷод</i>
<i>Тайин</i>	<i>таъин</i>	<i>халойиқ</i>	<i>Халоиқ</i>
<i>Умид</i>	<i>Умед</i>	<i>фойда</i>	<i>Фоида</i>
<i>Тухм</i>	<i>Тухум</i>	<i>муқимий</i>	<i>Муқимӣ</i>

Кўптилли таълим тизимида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда миллий тилларни бир-бирига қиёслаб ўрганиш яхши самара беради. Фонемалар, морфемалар, лексема , фразема, парема ва граммемаларни ва уларнинг ёзувда ифодаланишини қиёслаш орқали ўрганилаётган тилларнинг ўхшашлик, умумийлик ва фарқланувчи томонлари яққолроқ намоён бўлади. Уларни қайта –қайта ёзиш машқлари билан ёзма саводхонликка эришилади.

Адабиётлар

1. Фарҳанги забони тожики. Москва 1969, “Советская энциклопедия” нашриёти.
2. “Кўптилли таълим тизимида она тилини ўқитишни такомиллаштириш: муаммолар, янгича кўзқарашлар ва ечимлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари Шымкент, 2018
3. Имло луғати. Тошкент , “Ўқитувчи” 1987
4. М.Рустамий, С.Ҳасан Саводхонлар луғати . Тошкент ,“Ёзувчи”, 1992.

Соатова Д., доцент
(Ўзбекистон)

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА БИРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Ўтмишда яшаб илм-фан оламига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ибратли фаолиятлари жаҳон тарихида энг ҳайратомуз, энг ажойиб беқиёс бисотларнинг биридир. Бутун тарих давомида уларнинг бебаҳо асарлари, инсониятнинг ҳамроҳи бўлди. У озодлик учун курашга ундади, жасоратга чорлади, инсон ҳис-туйғулари гўзаллигини мадҳ

этди, бахтсизлик кунларида далда берди, ғайрат билан ишлашга илҳомлантирди, қалбида фахр,ғурур туйғусини шакллантирди.

Шу маънода, ибрат тарбияси инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Бу айниқса, Юнонистонлик машхур мутафаккирлар Афлотун ва Арастуларнинг асарларидан кенг ўрин олган Шарқ мамлакатларида Афлотуннинг Арастуға, Арастунинг Искандарға насиҳат ва васиятлари яхлит асар сифатида кенг тарқалган.

Арастунинг айтишича, тарбиячнинг ўзи тарбия кўрган, инсоний фазилатларини эгаллаган бўлиши даркор». «Шуни билгинки – дейди Арасту, - таълим тарбия билан шуғулланувчи одам ўзи тарбия кўрмаган бўлса, бошқаларни тарбия қила олмайди.

Агар сен ўзгаларни тарбияламоқчи бўлсанг, аввал ўз рўҳингни яхшилашдан бошла. Мабодо ўзгалар айбини бартараф этмоқни ихтиёр этсанг, бундан олдин ўз нафсингни нуқсон ва иллатлардан тозалашинг зарур. Ахир, кўзи ожиз бўлган киши қандай қилиб кўрга йўл кўрсата олади? Хор ва тубан киши бошқаларға обрў ва кадр-қиммат ато қила оладими?

Арасту ва унинг издошларининг ахлоқ ва таълим-тарбияға оид асарлари ўрта асрларда араб тилиға таржима қилинғач, уларнинг таълимотлари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Насриддин Тусий, Жомий, Навоий ва бошқа Шарқ файласуфлари томонидан чуқур ўрганилади ва ривожлантирилади.

Тарихий тараққиёт давомида ва бугунги кунда ўзбек ҳамда жаҳон адабиётини тебратиб келаётган минглаб ёзувчи, ижодкорлар ўз давриға муносиб ёшлар тарбияси, ақл ва заковатнинг ғалабаси, инсониятнинг буюк орзу интилишларини мадҳ этувчи асарлар яратганлар ва яратмоқдалар.

Башариятнинг буюк фарзандларидан бири Ч.Дарвин «Инсонни ҳайвондан фарқлайдиган энг қудратли хислат виждон ва ҳаллоликдир», буюк француз ёзувчиси Р.Роллан «Оламда виждони пок ва ҳалол одамдан кўра гўзалроқ ҳеч зот, ҳеч нарса йўк» деган бўлсалар, ўзбек халқининг буюк шоир ва мутафаккири, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳақли равишда

Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулиға сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от.

деган эди.

Ана шундай гўзаллик соҳиби, юрагида виждон азоби бир умр жўш урадиган комил инсонларни оила ва жамиятда тарбиялаб, вояға етказишда буюк ёзувчи ва шоирларимиз томонидан яратилган бадий адабиётнинг ўрни мислсиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий янгилашининг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Мустақиллик туфайли жамиятимизда, айниқса унинг маданий-маънавий, маърифий соҳаларида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари ёшлар онги, дунёқарашига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Ёшларда она Ватанга фахр ва ифтихор туйғуларини камол топтириш, юртимиз равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга ундаш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш маданиятини тарғиб этиш, мустақил турмуш арафасида турган ёшларда оила учун масъулият ҳиссини шакллантириш, кекса авлод вакилларига хурмат-эҳтиром муносабатида бўлиш ва халқимизнинг бой маънавий қадриятлар руҳида фарзанд тарбиялаш туйғуларини такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўз ақл-заковатини намоён этишда бадиий адабиётнинг ўрни ниҳоятда катта.

Бу борада яна буюк шоир Алишер Навоий ижодига мурожаат қиламиз.

Алишер Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ободончилик ишларига, илм-фан, адабиёт ва санъат тараққиётига бахшида этди. У жуда кўп ўқиши, ўқиганда ҳам ўқиб ўқиши туфайли улуғ донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, истеъдодли олим бўлиб етишди, жуда қимматли асарлар яратди, даврининг маданий ҳаётига раҳбар, илм-фан, санъат ва адабиёт оқимларига ҳомий, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз бўлди.

Алишер Навоий жуда катта ва бой лирик ва эпик Ҳазина яратиб қолдирди. Ушбу лирик хазинанинг асосини ўз ичига 4 девонни қамраб олган «Ҳазойинулмаоний», форс-тожик тилидаги катта асари «Девони Фоний», «Назмун Жавоҳир», «Муншаот», «Вақфия», «Ҳамсатул мутахаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Маҳмуд», «Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер», «Муҳокаматул-луғатайин» ва «Мезон-ул авзон» каби асарлар ташкил этган бўлса, эпик асарларнинг асосини «Ҳамса», «Лисон-ут тайр» асарлари ташкил этди.

Навоий ўз асарларида у хоҳ лирик, бўлсин, хоҳ эпик бўлсин ҳаёт ва инсонни тараннум этди. У ҳаётни эътироф қилади, уни севади, инсонни шарафлайди ва улуғлайди. Зеро, оламнинг олам бўлиб яратилиши ҳам асосан ҳаёт гули бўлган инсон учундир.

Навоийнинг фикрича, инсон ҳаётининг моҳияти унинг қисқа ва узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан белгиланади. Ҳаётдан мурод фақат айш-ишрат эмас, ҳаётнинг мезони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазиладир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак.

Шундагина, у ўз инсоний бурчини адо этган баркамол инсон бўлади:

Камол эт касбким, олам уйидин,

Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом этмак баайни

Эрур ҳаммомдан нопок чиқмоқ.

А. Навоийнинг комил инсон тўғрисидаги таълимотида илгари сурилган орифлик, оқиллик, саҳийлик, ифбатлилик, шижоатлилик, поклик, меҳр-шавқат, инсофу-диёнат сингари қарашларни ҳар бир маърифатли инсон комилликни ўзига шиор қилиб олишини зарур деб билади.

Юқорида Навоий ижодидан келтирилган қисқагина мисоллар мазмунидан кўриниб турибдики, Навоийдек улкан ижодкорнинг асарларидан баҳраманд бўлган ҳар қандай китобхон ўз ҳаёт мазмунини истаганча бойитиш имкониятига эга бўлади. Шарқ халқларининг серқирра ва бой маънавий меросида инсон камолоти, унинг мезонлари тўғрисидаги қараш, таълимотлар бугунги кун баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бадий адабиёт билан доимий мулоқотда бўлган одам бундай воқеалардан тегишли хулоса чиқаради. Адабиётнинг қудрати ҳам шунда. У фақатгина виждонимизга таъсир кўрсатиб қолмасдан, онгимиз, маданиятимиз, ҳис-туйғуларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, бизга ибратли сабоқлар берадиган ҳаёт дарслигидир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008.
2. Воҳидов Р., Эшонқулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Т. “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси”, 2006.
3. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Т., 1996.
4. Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, Суйима Ғаниева нашрга тайёрлаган танқидий матн. 2-3 саҳифалар.

Тиллохочаева М.Н., дотсент,
Хакимова Ш.И., дотсент
(Тоҷикистон)

ТАШАККУЛИ САЛОҲИЯТҲОИ ДОНИШЧҶҶЁН ДАР МАШҶУЛИЯТҲОИ АМАЛӢ

Чаҳони имрӯз бо рушд ва инкишофи бемайлони технологияҳои пешрафтаи иттилоотиву иртиботӣ аз замони пешинаи башарият фарқи кулӣ дорад ва яке аз омилҳои муҳимтарини гироиш ба чаҳонишавӣ маҳсуб меёбад. Чунин шароити замони муосир тақозо менамояд, ки ба масъалаи таълим ва тарбияи мутахассисони шоиштаи замон, ташаккули салоҳиятҳои касбии онҳо аз дидгоҳи дигар бояд наздик шуд.

Сарбории таълимии фаъоли омӯзгорон дар донишгоҳи олий аз гузаронидани машғулиятҳои аудиторӣ - дарсҳои лексионӣ, лабораторӣ, амалӣ, семинарӣ ва корҳои мустақилонаи донишҷӯ бо роҳбарии омӯзгор иборат буда, интиҳоб ва истифодаи усулу методҳои пешрафтаи таълимӣ дар олами васеи иттилоотии имрӯза, ки усулу технологияҳои гуногуни таълим истифода карда мешавад, барои тақомул ва ташаккули салоҳиятҳои касбии мутахассисони оянда хеле муҳим мебошад.

Машғулияти аудиторӣ амалӣ яке аз шаклҳои фаъолияти таълимии донишҷӯён ва фаъолияти мустақилонаи онҳо таҳти роҳбарии бевоситаи омӯзгор ба шумор рафта, ба таври ҳатмӣ дар ҷадвали дарсӣ гузошта мешавад, ба сарбории таълимии омӯзгор ва меҳнатталабии донишҷӯ ворид мегардад ва аз тарафи омӯзгори фанни таълимӣ, мудирияти кафедраҳо, садорати факултетҳо ва роҳбарияти муассисаҳои таҳсилоти олии касбӣ мавриди назорат қарор мегирад.

Тибқи муқаррароти тартиби машғулияти аудиторӣ амалӣ дар муассисаҳои таҳсилоти олии касбӣ Ҷумҳурии Тоҷикистон дар низоми кредитии таҳсилот, ки бо қарори мушовараи Вазорати маориф ва илми Ҷумҳурии Тоҷикистон аз «30» декабри соли 2015, №31/25 тасдиқ шудааст, вобаста ба самт ё ихтисоси донишҷӯён машғулияти аудиторӣ амалӣ дар шакли машғулияти амалӣ (практикӣ), машғулияти семинарӣ, машғулияти лабораторӣ (қори лабораторӣ) ва ғайра гузаронида мешавад. Интиҳоби роҳу усулҳои ташкил ва баргузории машғулиятҳои амалӣ, истифода аз наватарин технологияҳои таълимӣ, воситаҳои таълим, мавриди баҳрабарорӣ қарор додани усулҳои фаъоли таълим, истифодаи пурмаҳсули имконоти мавҷудаи таълиму тадрис барои омода кардани кадрҳои соҳибтаҳассуси босалоҳият ва дар бозори меҳнат рақобатпазир хеле муҳим аст.

Дар ҳама давру замон муносибат ба таълим метавонад тағйир ёбад, тарзҳои таълим дигар хел ба роҳ монда шаванд, чунончи имрӯз дар саросари Ҷумҳурии Тоҷикистон тибқи муқаррароти Стратегияи рушди маориф ба муносибати босалоҳият ба таълим рӯй овардаанд, аммо ҳамеша дар раванди таълиму тадрис толибилм, хоҳ хонандаи муассисаи таълимии миёнаи умумӣ ва

хоҳ донишчўйи донишгоҳи олӣ боша, симои асосӣ маҳсуб меёбад ва мақсади ниҳоии таълиму тадрис ин тавсеаи ҷаҳонбинӣ, саводнокӣ, ташаккули дониш ва маҳорату малакаи муҳассилин аст.

Методисти барҷаста академик Лутфуллоев М. қайд менамоянд, ки “Агар аз муаллимони... фанҳо пурсед, ки чаро дониши бачаҳо аз фанни шумо бо ҳар ду по мелангад, тахминан ҷавоб медиҳанд, ки: «Намедонам, ман дарс медиҳам, дарсҳоямро бо тайёрии пухта ва асбобҳои аёни мегузаронам». Бале, муллим дарс медиҳад ва шояд тайёрии пухта ҳам бинад. Ана касодии кори мо ҳам дар ҳамин аст. Мо дарс медиҳем ва ҳар рӯз мактаб меоему меравем. Вале оё дарси моро, мазмуни мавзӯи дарси моро, моҳияти назарию амалии дарси моро бачаҳо мефаҳманд ё не, ба ин коре надорем. Чаро? Зеро муаллим вазифаашро анҷом медиҳад, - мегӯяд, мефаҳмонад. Талабаҳо чӣ? Онҳо хомӯшона гӯш мекунад. Ҳамин тавр ҳар рӯзу ҳар сол. Муаллим муаллим асту талаба – талаба. Байни ину он девори қабири Хитой». ¹

Дар ҳақиқат муаллифи гуфтаҳои боло дар андешаи худ ҳақ буда, ба мо одат шудааст, ки дар ҷараёни таълим бештар ба он диққат медиҳем, ки кадом мавзӯро бо кадом метод таълим медиҳем. Аммо масъалаи хеле муҳим, бо кадом мақсад таълим додани ин ё он мавзӯ аз назар дур мекунанд. Лозим ба ёдоварист, ки яке аз аввалин корҳо дар раванди таълим ин мақсадгузорию он маҳсуб меёбад. Мақсад меёрест, ки шахс дар назди худ мегузорад ва барои расидан ба он мекушад. Вобаста ба ҷараёни таълиму тарбия мақсад ин банақшагирии пешакии натиҷаҳои омӯзиш, инкишоф ва тарбия мебошад, яъне мақсад натиҷаи ҷашмдошти фаъолият аст. Мақсад на танҳо натиҷаро нишон медиҳад, балки шахсро барои расидан ба ин натиҷаҳо ҳидоят менамояд. Он равиши дарс, усул ва воситаҳои таълимиро муайян мекунад. Ҳамин тавр, пас аз мақсадгузорию намудан методи таълим, воситаҳои таълим ва равиши ин ё он машғулиятро интихоб намудан мувофиқи матлаб аст.

Ҳангоми таҳияи мақсадҳои таълим омӯзгор бояд нуктаҳои зеринро ба инобат гирад:

1. талаботи стандартҳои таълим ва барномаи фанниро ба эътибор бигирад;
2. арзишҳои муайян бикунанд, ки метавонад ҳавасмандии шахсии донишчўйро ба натиҷаҳои омӯзиш таъмин намояд;
3. дар асоси мавзӯ ба системаи дониш, малакаю маҳоратҳое, ки асоси инкишофи маърифатии донишчўйро ташкил медиҳанд, диққат бидиҳад;
4. тарзҳои фаъолияти таълимиро, ки азхудкунии он барои донишчўй муҳим аст, муайян бикунанд.

Бо назардошти он, ки машғулияти амалӣ яке аз шаклҳои фаъолияти таълимии донишчўён ба шумор рафта, алоқамандии мантиқиро бо таълими назариявӣ, ба самти амалия раван сохтани фанҳои таълимии алоҳида ва тайёрии

¹ Лутфуллоев М. Дарс, - Душанбе, 1995, саҳ. 76

пурраи донишчўёнро ҳамчун мутахассис таъмин менамояд, хусусиятҳои хос ва фарқкунандаи машғулияти аудитори амалиро риоя намудан мувофиқи мақсад аст. Аз ҷумла, фаро гирифтани теъдоди маҳдуди донишчўён (ҳадди ақал – нисфи гурӯҳи академӣ ва ҳадди аксар - як гурӯҳи академӣ) дар чараёни машғулият; таъмини фаъолнокии донишчўён дар машғулият, дар раванди иҷро намудани супоришҳо, иштирок дар музокира, мубоҳиса ва ғайра; назорати доимии иҷроиши натиҷаи корҳои мустақилона дар рафти машғулиятҳои амалӣ.

Машғулияти амалӣ бо роҳбарии бевоситаи омўзгори фанни таълимӣ ё ёвари он гузаронида шуда, иштироки корманди таълимӣ-ёрирасон дар гузаронидани ин шакли машғулият тавсия дода мешавад. Дар машғулияти амалӣ донишчўён бояд қоида ва усулҳои истифодабарии амалии донишҳои ба таври назариявӣ аз фанни таълимӣ азхуднамударо омўхта, маҳорат ва малакаи ҳалли масъалаҳои мушаххасро дар асоси маълумоти илмии гирифташон дар худ ташаккул бидиҳанд.

Яке аз норасоии методҳое, ки ки имрӯз машғулиятҳои амалӣ аз он истифода мешавад, дар он аст, ки диққати асосӣ ба хотира равона мешавад, на ба инкишофи тафаккур. Он ба ташаккули қобилиятҳои эҷодӣ, мустақилӣ, фаъолнокии донишчўён таъсири кам дорад. Яъне донишчўӣ ҳар чизе, ки дар машғулиятҳои лексионӣ мавриди баҳрабардорӣ қарор мегирад, дар машғулиятҳои амалӣ тақрор менамояд ва ташаккули қобилиятҳои эҷодӣ, мустақилӣ, фаъолнокии донишчўён кам ба назар мерасад.

Бознигарӣ барои интиҳоби роҳу усулҳои баргузори на танҳо машғулиятҳои амалӣ, балки ҳамаи машғулиятҳо аз он лиҳоз низ муҳим аст, ки талабот ва нақшаҳои Стратегияи миллии рушди маорифи Ҷумҳурии Тоҷикистон онро тақозо менамояд. Тибқи он: “Низоми нави маориф, ки мутобиқи тамоюлоти ҷаҳони муосир на ба дониш, балки ба салоҳиятнокии асос ёфтааст, бояд ба донишчўён имконияти аз худ намудани салоҳияту малакаҳои асосии иҷтимоиро, ба монанди қабули масъулиятнокии қарорҳо ва банақшагирии пешравӣ дар касб, илмомўзӣ дар давоми тамоми ҳаёт, тайёрии касбии дар бозори меҳнат талаботдошта, донишу малакаи барои худтакмилдиҳӣ зарур, малакаи тарзи ҳаёти солим, арзишҳои ҷомеаи шахрвандӣ, таъмин намояд.”

Мақсад аз гузаронидани машғулияти амалӣ ташаккул додани қобилияти дарккунӣ, ба таври эҷодӣ ва мустақилона фикр рондани донишчўён буда, дар рафти он мустаҳкамкунӣ, васеъгардонӣ ва шарҳи донишҳои ба таври назариявӣ гирифта ба амал меояд, ки бояд ба ташаккул ёфтани салоҳиятҳои касбии донишчўён мусоидат кунад. Дар ин бобат муаллифи «Таксономияи мақсадҳои таълим» Б.Блум иброз медорад, ки “яке аз вазифаи мақсадҳои асосии таълим дар он аст, ки малакаи фикрронии эҷодкорона, ҳал карда тавонистани проблема

ва қабул карда тавонистани қарорҳои мақсадноки донишчӯён ташаккул дода шавад.”¹

Бо назардошти нуфтаҳои фавқ, дар назди машғулияти амалӣ якчанд вазифаҳо қарор дорад:

1. дар рафти машғулиятҳои амалӣ омӯзонидани қоида ва усулҳои амалии таҳлили назарияҳо ва концепсияҳои назариявии фанни таълимӣ ба донишчӯён;
2. ташаккул додани маҳорат ва малакаи истифодабарии усулҳои назариявӣ ва илмӣ-таҳқиқотии донишчӯён дар ҳалли масъалаҳои мушаххаси амалӣ;
3. инкишоф додани қобилияти фикрронии касбӣ, ҳавасмандгардонии касбӣ ва маърифатии донишчӯён;
4. татбиқи донишҳои касбии донишчӯён, дар шароити таълимӣ аз худ намудани истилоҳоти фанҳои алоҳидаи таълимӣ, маҳорати истифода кардани мафҳумҳо, таърифҳо, маҳорат ва малакаи гузоштани проблема ва ҳалли масъалаҳои зехнӣ;
5. такрор ва мустақкамкунии донишҳои азбарнамуда;
6. инкишофи ҷаҳонбинии илмӣ, нутқи шифоҳию хаттӣ, муошират намудани донишчӯ дар аудитория;
7. имконияти робитаи фаврии байниҳамдигарии омӯзгор ва донишчӯ ҷихати бо саволу ҷавоб мустақкам намудани донишҳои назариявӣ ва амалии донишчӯ ва ғайра.

Машғулияти амалӣ аз се қисмати асосӣ:

- қисмати муқаддимавӣ;
- қисмати асосӣ
- қисмати хотимавӣ

Дар қисмати муқаддимавӣ омода будани донишчӯён ба машғулият санҷида шуда, мақсад, метод ва равиши машғулияти амалӣ фаҳмонида мешавад.

Дар қисмати асосии машғулият супоришҳои гузошташуда аз ҷониби донишчӯён иҷро карда мешаванд. Назорати иҷрои супоришҳо, яъне комил будани иҷро ва сифати иҷро аз ҷониби омӯзгор таъмин карда мешавад.

Дар қисмати хотимавии машғулияти аудитории амалӣ омӯзгор онро ҷамъбаст намуда, ба гурӯҳ (ё ба донишчӯёни алоҳида) супоришҳо барои мустақилона иҷро кардан пешниҳод мекунад ва вазифаи навбатиро барои иҷро месупорад. Вазифаи навбатӣ аз нақшаи корӣ, саволҳо барои иҷро ва рӯйхати адабиёт ва сарчашмаҳо дар шакли электронӣ ва хаттӣ иборат мебошад.

Барои расидан ба мақсад ва ҳалли масъалаҳои дар машғулияти амалӣ гузошташуда, имкон дорад, ки он дар шаклҳои маъмули анъанавӣ ё бо истифода аз технологияҳои нави таълим гузаронида шавад.

¹ Bloom B. S., Englehart M. D., Furst E. J., Hill W. H., Krathwohl D. R. Taxonomy of educational objectives handbook I: Cognitive domain. New York, 1956.

Дар замони муосир дар ҳамаи машғулиятҳо аз методу технологияҳои хеле гуногун истифода мебаранд, аз қабилӣ методҳои интерактивии кластер, синквейн, ҳуҷуми ақлӣ, шаршара, харитаи андешаҳо, диаграммаи Венн, чархи андешаҳо, т-схема, МДД, инсерт ва монанди инҳо, ки асоси ҳамаи ин методҳои фаъол ва ба истилоҳ интерактивиро методи проблемавӣ ташкил медиҳад. Дар рафти баргузори машғулиятҳои амалӣ пешниҳод намудани истифодаи методи мушаххас нодуруст аст, зеро дар ҳар як машғулият омӯзгорон метавонанд методеро вобаста ба мавзӯ, моҳият ва хусусияти он, сатҳи донишазхудкунии донишҷӯён интихоб намоянд, ё методҳои инфиродиеро мавриди истифода қарор диҳанд, ки дар он унсурҳои якҷанд усули таълимӣ ҷой дошта бошад. Муҳим ба мақсадҳои таълим ноил шудан аст. Бо вучуди ин истифодаи методи проблемавиро ба мақсад мувофиқ меҳисобем. Он бо номи таълими проблемӣ /проблемавӣ машҳур аст. Ин усули махсуси таълим, дубора боз охириҳои солҳои 60-ум ва ибтидои солҳои 70-уми асри гузашта дар равшанӣ ва педагогикаи шӯравӣ оғоз ва машҳур гардида, минбаъд инкишоф ёфта буд. Он мачмӯи амалҳоеро чун ташкили вазъияти проблемавӣ, таҳияи проблема, ба донишҷӯён расонидани ёрии зарурӣ дар ҳалли проблема, тафтиши роҳи ҳал ва роҳбарӣ дар танзим ва таҳкими донишҳои ба дастовардари дар бар мегирад. Машғулияти таълимист, ки дар он бо роҳбарии муаллим вазъияти проблемавӣ ба вучуд оварда шуда, фаъолнокии мустақилонаи донишҷӯёнро барои ҳалли он вазъият дар назар дорад, ки дар натиҷаи эҷодеро аз худ намудани донишҳои касбӣ ташаккули малакаю маҳоратҳо ва инкишофи қобилиятҳои фикрӣ ба вучуд меояд.

Ба таълими проблемавӣ назарияи пешниҳоднамудаи равшанӣ, файласуф ва педагоги амрикоӣ Х.Дюй (1859-1952) асос гардидааст. Он дар тадқиқоти олимони Т.В.Кудрявтсев, В.Т.Кудрявтсев, И.Я.Лернер, А.М.Матюшкин, М.И.Махмутов, В.Окон, М.Н.Скаткин ва дигарон таҳқиқ шуда, инкишоф ёфтааст.

Тартиби таълими проблемавӣ ҳамчун амалиёти пайдарҳам чунин аст:

1. Гузориши масъалаи таълимию проблемавӣ аз тарафи муаллим;
2. ба донишҷӯён ба вучуд овардани вазъияти проблемавӣ;
3. ҳалли проблемаи ба вучудодама, ки дар натиҷа донишҷӯён роҳҳои умумии ба даст овардани донишҳои навро аз худ мекунанд;
4. татбиқи он дар ҳалли масъалаҳои мушаххас.

Шароитҳои асосии психологӣ барои татбиқи самарбахши таълими проблемавӣ чунин мебошад:

- 1) вазъиятҳои проблемавӣ бояд ба мақсадҳои ташаккули системаи донишҳо ҷавоб диҳад;
- 2) ба донишҷӯён дастрас ва ба қобилиятҳои маърифатии онҳо мувофиқ бошад;
- 3) бояд фаъолнокии маърифатии донишҷӯёнро баланд бардорад;

4)масъалаҳо бояд чунон бошанд, ки донишчӯён ба донишҳои мавҷуда тақия намуда, онро ҳал карда натавонанд, вале барои таҳлили мустақилонаи проблема ва ёфтани номаълум кифоя бошад.

Арзиши таълими проблемавӣ мустақилияти баланди донишчӯён, ташаккули шавку ҳаваси маърифатӣ ва шахсиятӣ ва инкишофи қобилиятҳои фикрии онҳоро пешбинӣ менавмояд.

Ба назари мо, бештари усулҳои ҳамкорие, ки дар таълиму тарбияи имрӯза татбиқ ва истифода мешаванд, як навъ фарзанди ҳамин усули таълими проблемавист. Ҷиҳатҳои умумӣ ва албатта, фарқкунанда низ доранд.

Дар адабиёти методӣ лаҳзаҳои дарси проблемавино тақрибан чунин нишон додаанд:

1. Муайян намудани проблемаи таълимӣ;
- 2.Ташкил кардан ва ба вучуд овардани вазъияти проблемавӣ, ки дар ин лаҳза донишчӯён доир ба масъалаи пешниҳодшуда фикру андеша мекунанд;
3. Ҳалли проблемаи гузошташуда ва роҳҳои исботи он;
- 4.Мустаҳкамкунии мавзӯ, ки онро кори мустақилонаи донишчӯён ҳам меноманд ва он бояд характери эҷодӣ дошта бошад.

Тибқи муқаррароти тартиби машғулияти аудитории амалӣ дар муассисаҳои таҳсилоти олии касбии Ҷумҳурии Тоҷикистон дар низоми кредитии таҳсилот, ки бо қарори мушовараи Вазорати маориф ва илми Ҷумҳурии Тоҷикистон аз «30» декабри соли 2015, №31/25 тасдиқ шудааст, ҳангоми истифода аз технологияҳои анъанавӣ дар машғулияти амалӣ ҳалли пайдарпайи масъала ё машқҳои муқаррагардида бо истифода аз маводи таълимии назариявӣ азхудкардашуда иҷро карда мешавад. Ҳангоми истифодаи технологияҳои нави таълим нақши усулҳои фаъоли таълим (интерактивӣ) назаррас буда, ба роҳ мондани муоширати байни донишчӯён дар назар дошта мешавад, принсипи ҳамшарикӣ татбиқ мегардад, омӯзгор аз маълумотдиҳанда ба ташкилотчӣ ё худ роҳнамо табдил меёбад.

Адабиётҳо

1. Барномаи забони тоҷикӣ. – Душанбе, 2006
2. Забони ҳозираи тоҷик (лексика).- Душанбе .- 1981.
3. Камолиддинов Б. Забони тоҷикӣ. Барои синфи 11. – Душанбе, 2007
4. Камолиддинов Б. Ҳусни баён R.1. – Душанбе: Маориф, 1989
5. Қонуни забони Ҷумҳурии Тоҷикистон. –Душанбе, 1989. – 12 с.
6. Қосимова М.Н. Сухан бояд ба дониш дарҷ кардан. – Душанбе, 2005. - 136 с.
7. Лутфуллоев М. Дарс, - Душанбе, 1995, сах. 76
8. Bloom B. S., Englehart M. D., Furst E. J., Hill W. H., Krathwohl D. R. Taxonomy of educational objectives handbook I: Cognitive domain. New York, 1956.

*Файзуллоев Б., доцент
(Тоҷикистон)*

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА З.М.БОБУРНИНГ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Халқимиз Амир Алишер Навоий даҳоси билан қанчалик фахрланса, Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳам шу қадар ифтихор қилади. Бобурнинг буюк саркарда, мумтоз сўз устаси, адабиётшунос, фикҳ илми билимдони, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони, хуллас жуда кўп фанлар бўйича қомусий билим эгаси эканлиги ҳақида бобуршуносликда «кўп ва хўб» ишлар қилинган.

Шунинг учун ҳам унинг мероси дунё олимларини то ҳануз ўзига мафтун этиб келади. Ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юртларида шоир ҳаёти ва ижодини дастур доирасида ўрганишга ҳам эътибор қаратилганлигини таъкидлаш зарур.

Шарқ мумтоз шоирларининг кўплари бадиий тафаккур эгаси бўлиш қаторида илмий салоҳият соҳиблари ҳам бўлишган. Жумладан, адабиёт илмига доир асарлар яратиш ҳам ўзига хос анъаналардан бири саналган. Шохдан тортиб дарвешгача шеърятга ихлос билан қараган ва шеър илмидан ҳам хабардор бўлишга интиланган.

Мумтоз шеърятда адабиёт илмига доир кўплаб ишлар қилинганлигини Бобур ижоди мисолида ҳам кузатиш мумкин. Агар «Бобурнома»га назар ташланса, унда элликка яқин шоирлар номи келтирилиши шунчаки қайдлар бўлмасдан, балки уларнинг ижодига ўрни-ўрнида баҳо бериб борилганки, бу муҳим илмий қимматга эга. Бобур ўз фикрларини асослашда форс-тожик шоирлари ижодига ҳам мурожаат этганлиги қомусий асарнинг дидактик таъсирчанлигини ошириб, уни қизиқарли ва ўқишли бўлишини таъминлаган.

Танқли матншунос Ваҳоб Раҳмонов кўп йиллардан бўён Бобур меросини ўрганиб, тадқиқ этиб келаётган заҳматкаш олимлардан биридир. Устознинг бевосита саъй ҳаракати билан «Бобурнома» нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдилини яратилиши бобуршуносликдаги муҳим ишлардан бири бўлди (Бобур, 2008:3-287). Табдилга ёзилган сўзбошида Бобурни адабиётшунослик фаолиятига эътибор қаратилиб, унинг ўта талабчанлиги, ҳатто бу борада анча жиддий ва қаттиққўллиги қайд этилган. Айниқса, адабий танқид бобида мақтовга нисбатан анча хасислиги, ижодкор асарларидан камчилик топишда моҳир ва машҳурлиги тилга олинган. Буни арузга доир кузатишларида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбек шеърятига араб адабиётидан кириб келган аруз шеърини тизимига Алишер Навоий ҳам алоҳида эътибор қаратиб, унга «*шариф фан*» дея баҳо беради ва ўзининг асарларини шу шеърини тизим қолиплари асосида яратиб, ўзбек тилининг ҳам катта имкониятлари мавжуд эканлигини амалий жиҳатдан

исботлаб беради. Буни мутафаккир шоир ўз дostonларида фахрланиб тилга олиб ўтган:

*Олибмен тахти формонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон* (Навоий, 1991:475)
ёки

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам* (Навоий, 1996: 29).

Алишер Навоий аруз илмига доир «Мезон-ул авзон» («Вазнлар ўлчови») илмий асарни яратиб, туркий тилда ижод қилаётган шоирлар мушкулени осон қилди (Навоий, 2000: 43,95). Бобур эса бу анъанани «Мухтасар» асари билан давом эттириб, ўзбек арузшунослиги мундарижасини янада мукаммаллаштирди.

Бобурнинг бадииятига доир қарашларини аниқроқ идрок этиш учун уни Алишер Навоийнинг назарий қарашлари билан қиёсий ҳолатда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Навоий етук адабиётшунос ҳам эди. У ижодкорлар асарларига баҳо берганда ўзига хос мезон ва ўлчовлар билан ёндашганлигини шоир Мавлоно Атоий ижодига берган баҳосидан билиб олиш мумкин. Унда Атоийнинг Балх шаҳрида яшаб ижод этгани, Исмоил ота авлодига мансублиги, дарвешваш (хоксор, фақир, художўй) ҳамда хушхулқ (фeyл-атвори яхши), мунбасит (очик чеҳрали) киши эканлигини эҳтиром билан тилга олиб, шоир фақат ўзбек тилида асарлар ёзганлигини алоҳида таъкидланган. Ва ниҳоят, «Ул санамки...» деб бошланувчи машҳур иазалидан бир байт келтирадида, уни «*қофиясида айбгинаси бор*» дея баҳолайди (Навоий, 1997:63). Дарҳақиқат, байтда оҳангдошлик қофиядош сўзлар ўзагидан ясалмаганлиги ва равий ҳарфларнинг бир хил эмаслиги туфайли қофияда «айбуина» юзага келганлигини Навоий ўринли қайд этган.

Бобурнинг бадииятга доир қарашлари ўзига хослиги билан илмий қиммат касб этади. У 12 ёшида подшоҳлик тахтига ўтиради. Умрининг катта қисмини жангу жадалларда ўтказди. Моҳир саркарда сифатида тарихда из қолдирди. Шу нуқтаи назардан унинг назарий қарашларида ҳам эгаллаб турган вазифаси ва мавқебининг бевосита таъсири бўлиши табиий эди.

Буни қуйидаги қиёсда янада аниқроқ кузатиш мумкин. Алишер Навоий «Мажолис-ун нафоис» асарида бошқа шоирлар қаторида замондоши Ҳилолий ҳақида тўхталиб: «*Мавлоно Ҳилолий турк элидиндур... ҳофизаси яхшидир. Истеъдоди ҳам ҳофизасича бордир...*», дея унинг шоирона иқтидорига алоҳида баҳо беради (Навоий, 1997:86).

Орадан йигирма йил ўтгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Яна Ҳилолий эди... Ғазаллари текис, ажойиб... Жуда кучли ҳофизаси бор эмиш: ўттиз қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дейдиларки, «Хамса»нинг аксар байт

лари ёдида бор...» (Бобур,2008:140). Бобур фикрларини давом эттириб, Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Дарвеш» асарига эътибор қаратиб, унинг композитсияси бўшлигини кўрсатиб берганки, буни муҳим илмий хулосалардан бири дейиш ўринли.

Ҳатто образлар мантии масаласида ҳам Ҳилолийни аяб ўтирмасдан қаттиқ танқид қилади. Матн табдили: «Бир достони бор, ҳафиф баҳрида, «Шоҳ ва Дарвеш» номли. Гарчи баъзи байтлари жуда ажойиб чиққан бўлса-да, лекин достоннинг мазмуни ва устухонбандлиги (композитсияси) жуда бўш ва харобдур...» (Бобур,2008:140) деган қатъий хулосага келади. Бу ўринда Бобур Шарқ этикасига таяниб фикр юритиб, эркалар ўртасидаги ошиқ-маъшуқликни қоралайдикки, унинг бу мулоҳазаси мантиқан туридир. Бу ҳол Бобурнинг қаттиққўл олим дейишга асос бўлади. Бундай характерли мисоллар «Бобурнома»да талайгина.

Амир Шайхим Суҳайлий (Шайхимбек) ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам илмий қимматини йўқотган эмас. Унда шеърий санъатлардан фойдаланишда ҳамда шеърий матнларни ифодали ўқишда расмий меъёрни сақлашга жиддий эътибор қаратилган. Шеърий санъатлардан фойдаланишда Бобурнинг ўзи намуна бўларли даражада эканлигини унинг биргина байти мисолида ўқувчиларга тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Аслида Бобур ижодида ҳам бадий санъатлардан фойдаланиш шунчаки мақсад бўлмасдан, балки бадийликни юзага келтирувчи восита эканлигини таъкидлаш лозим. Буни қуйидаги байт мисолида тушунтириш дарс самарадорлигига хизмат қилиши, шубҳасиз:

*Тил анинг ҳамдида қосирдур, бил,
Бил, анинг ҳамдида қосирдур тил.*

Байтдаги «тил» ва «бил» сўзларининг ўзаро ўрин алмашиб такрорланиши туфайли *тарди акс* бадий санъати юзага келган. Байтни бошлаб берган «тил» сўзи, байт охирида яна такрор келиши эса *тасдир* санъатининг ўзига хос кўрсаткичидир. Матнга яна жиддийроқ эътибор қаратилса биринчи мисра «бил» сўзи билан тугаб, иккинчи мисра ҳам шу сўз билан бошланган. Бу эса, такрор (такрир) бадий санъатининг *тасбе* деб аталувчи намунаси саналади. Яна ҳар икки мисрада ҳам «*ҳанинг амдида қосирдур*» бирикмасининг қофиядош сўзлардан олдин келиши ҳисобига *ҳожиб* бадий санъати юзага келганки, бу бадий топилма ҳам шеърхонга ўзгача эстетик завқ беради.

«Тил» ва «бил» сўзларининг байт бошида ўзаро оҳангдошлиги *музораа* санъатининг «хизмати» дейиш мумкин. Шоир биргина байтда сўзларни шунчаки такрор қилиб қолмайди, балки унда шоирона маҳоратини ишга солиб, яъни тил Аллоҳ ҳамдида (мақтовиди) шунчаки бир восита эканлиги ва айни чоуда қосирлиги-тегишли мақтовга яроқсиз ҳамда, ожиз эканлиги шоирона

асослангани юқоридаги байт мисолида тушунтирилиши ўқувчиларнинг шоир бадий маҳоратига доир билимларини янада кенгайтиради.

Байтдаги *тил, ҳамд, қосир* сўзларининг ўзаро дахлдорлиги эвазига *таносиб* бадий санъат юзага келганига эътибор қаратилади. Яна ажойиби шундаки, байтдаги барча сўзларнинг остин ва устун ҳолатда келиб, оҳангдошликни юзага келтириши *тарсеъ* шеърини санъатининг хизмати ҳисобланиб, у байтнинг таъсирчан бўлишига ва маънонинг кучайишига хизмат қилган. Шу ўринда бадийлик илмнинг билимдони Ё. Исҳоқовнинг «...тарсеъ оддий сўз ўйини эмас, балки фикр билан ифоданинг муайян пайтда мувозанат ҳосил қилиши натижасида юзага келадиган поэтик усул бўлиб, шеърнинг, умуман тасвирнинг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини орттиришга ёрдам беради», - деган фикрини ҳам эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди (Исҳоқов, 2006: 224).

Ўрни келганда таъкидлаш зарурки, Бобурнинг назарий қарашларида мулоҳазаталаб ўринлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, «Бобурнома» да Навоий ҳақида талай маълумотлар берилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида мутафаккир шоирнинг номи эътиром билан тилга олинган. Аммо биргина ўринда куйидаги фикрга ҳам дуч келамизки, бу китобхонни жиддийроқ мушоҳада қилишга ундайди. Бобур ёзади: «Форсий назмда «Фоний» таҳаллусини қўллаган. Баъзи байтлари ёмон эмасдур. Бироқ аксари сушт ва бўштобдир...» (Бобур, 2008: 133).

Навоий (Фоний) нинг форсийда ёзилган шеърлари ҳақиқатдан ҳам «сушт ва фуруд» ми? Бобур нима учун бундай қатъий хулосага келган? Бу фикрга бобуршиносларнинг муносабати қандай? Бобур қарашларини инкор этувчи қарашлар мавжудми? - деган саволлар пайдо бўлиши, табиий.

Бобурнинг юқоридаги фикри бирор бир аниқ далил билан исботланган эмас, албатта. Одатда ҳар қандай илмий хулосанинг қанчалик тўғри ва асосли эканлиги мисоллар асосида исботланиши зарур. Бу- биринчидан. Иккинчидан, мутафаккир шоирнинг форсий назмиёти ҳақидаги юқорида келтирилган маълумот шунчаки хабар тариқасидаги фикр эканлигини унутмаслик даркор.

Учинчидан, мумтоз адабиётда «Фоний» таҳаллуси билан бошқа шоирлар ҳам ижод қилганлигини эътиборга олсак, Бобур уларнинг асарларини Навоий (Фоний)га нисбат берган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Тўртинчидан, Бобур умрининг асосий қисмини жангу жадалларда ўтказди. Асосан, туркий тилда сўзлашувчи халқ орасида эканлигини эътиборга олсак, Навоий эса улкан ҳудудни ўз тассарруфига олган Хуросон деб аталмиш давлатда яшади. Ўз даврида у ердаги мавжуд адабий муҳитга карвонбошилиқ ҳам қилди. Ёш Алишер жуда ёшлигидан форсий шеърят муҳитида ўсиб улғайиб, бу гўзал шеърят билан яқиндан ошно бўлди. Илк ижодини ҳам айнан шу тилда бош -

лаган эди. Ижодининг айни камолот даврида эса форсийзабон салафларига издошлик қилиб, форсий тилда гўзал ва бетакрор татаббуъ асарлари билан, зуллисонайнлик анъанасини юксак чўққига кўтара олганлигини унинг мероси тўла тасдиқлайди.

Бешинчидан, Навоий (Фоний) нинг форс- тожик тилидаги асарлари ҳам юксак маҳорат билан яратилганлигини унинг қуйидаги байти слайд воситасида ўқувчиларга тақдим этилиши маслани янада аниқроқ ва тўғрироқ англаб олишга яқиндан ёрдам беради:

Нигори турки тоҷикам кунад сад хона вайрона

Бад-он миҷғони тоҷиконаву чашмони туркона (Навоий, 2006: 8-9).

Мазмуни: Менинг гўзал тожик нигорим тожикларникига хос киприклари ва туркларникига ўхшаш кўзлари билан юзларча уй (қалб уйи) ни вайрон қилади.

Юқоридаги матлаъ билан бошланган ғазал устоз Абдурахмон Жомийнинг ғазалига татаббуъ (жавобия) сифатида яратилган. Мутафаккир шоирнинг маҳорати шундаки, байтдаги «турки тохикам» бирикмаси турк ва тожигим эмас, балки тожик гўзалим маъносида бўлса, иккинчи мисрада такрорланган тожик ва турк сўзлари эса миллат, халқ маъносида келганлигига эътибор қаратиш жоиз. Демак, «турк» сўзи биринчи мисрада «гўзал» маъносида ишлатилган бўлса, иккинчи мисрада эса, миллат, халқ маъносида келиши *тажнис* бадий санъатининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ёки бир халқни киприкка, иккинчисини эса кўзга нисбат берилиши *ташбеҳ* (ўхшатиш) деб аталган бадий санъатининг гўзал намунаси. Навоий қўллаган *ташбеҳ* шунчаки бир воситасигина бўлиб қолмасдан, балки рамзий образлар билан асосланганлиги, икки халқнинг эт билан тирноқ каби бир-бирига яқинлиги кўз ва киприк орқали бадий далилланганки, бу мантиқан тўридир. «Гўзал тожик нигорим» (нигори турки тохикам) бирикмасидаги «гўзал» сўзи сифатловчи вазифасида мисрага зеб берган. Бадиият илмида агар шеър матнида ибора мавжуд бўлса, бу *таъбир* санъатининг юзага келишига асос бўлиши таъкидланади. Байтдаги «*сад хона вайрона*» мазкур санъатнинг мавжудлигини кўрсатиб турибди. Шоир асосий эътиборни лирик қаҳрамонга, яъни «*нигорим*» га қаратганини эътиборга олсак, бу *истиора* санъатининг ўзига хос кўриниши эканлиги маълум бўлади. Шу биргина далилнинг ўзиёқ Навоий (Фоний) нинг беназир зуллисонайн шоир сифатида тожик тилида ҳам гўзал асарлар ярата олганлигини тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, ушбу татаббуъ ғазал устоз Жомий каби каби арузнинг ўйноқи вазнларидан бири - ҳазажи мусамман солим(*мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун* V ---, V ---, V ---, V ---) вазнида яратилган бўлиб, бу шоирнинг аруз илмидан ҳам чуқур билимга эга эканлигини яна бир бор намоиш қила олганки, буни олтинчи далил дейишга имкон беради.

Ва, ниҳоят, еттинчидан, Бобур фикрларининг инкор этувчи ишончли манба Навоийнинг икки тил қиёсига доир «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида қайд этилган бўлиб, унда шундай дейлган: «Форсий тилларни етарли даражада эгаллаш ва уларни чуқур текшириб чиқишда мендан кўпроқ иш қилган киши йўқдур...» (Навоий, 2000: 7-40).

Юқоридаги фикрларга таяниб, З. М. Бобурнинг бадиият ва умуман адабиёт илмига доир назарий қарашларини ўрта мактаб ва олийгоҳларда ўрганиб бориш бугунги салоҳиятли таълим тизимидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу ҳол Бобур асарларини тўла идрок этишга яқиндан ёрдам беради ҳамда талабалар адибнинг эстетик олами билан яқиндан ошно бўладилар. Энг асосийси, уларда бадиият илмига доир назарий қарашлар янада мукамаллик касб этадики, бу адабий таълимдаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Ўзбек адабиёт ўқитиш дастури // «Устоз» газетаси, 2012 йил, № 9-10 (142)
2. Навоий А. МАТ 20 томлик. Т. 8. - Тошкент: Фан, 1991. -544 б.
3. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 12. – Тошкент: Фан, 1996. -327 б.
4. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 13. – Тошкент: Фан, 1997. -284 б.
5. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 16 – Тошкент: Фан, 2000. -336 б.
6. Навоий А. «Девони Фоний» дан. Форс тилидан Ҳабибулло Саид Ғани таржималари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006.-125 б.
7. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960.- 513 б.
8. Бобур З.М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи», 2008.-288 б.
9. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O'ZBEKISTON »,2014.- 320 б.
10. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.- 426 б.
11. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. –Тошкент: «Ёзувчи», 2001.-71 б.
12. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: «SHARQ », 2020. -240 б.

Чўраева С., дотсент
(Тоҷикистон)

МУНОСИБАТИ БОСАЛОҲИЯТ ДАР ТАЪЛИМ ВА НАТИҶАҲОИ ИНТИЗОРШАВАНДА

Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон ва Вазорати маориф ва илми Ҷумҳурии Тоҷикистон пайваста кўшиш менамоянд, ки низоми таълимро ба замони муосир мувофиқ намуда, тадбирҳои мушаххас андешанд. Ин аст, ки Асосгузори сулҳу ваҳдатимиллӣ, Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон Эмомалӣ Раҳмон маорифро дар сиёсати ҳеш соҳаи афзалиятнок ҳисобидаанд, зеро пешрафти кишвар ба пешрафти соҳаи маориф иртиботи ногусастанӣ дорад. Вобаста ба ин, соли 2012 Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон «Стратегияи рушди маориф барои солҳои 2012-2020»-ро омода намуд. Тибқи ин ҳуҷҷат то соли 2020 стандарту барнома ва китобҳои дарсӣ бояд таҷдиди назар қарор додашуда, дар асоси муносибати таълими босалоҳият таҳия шаванд.

Маориф дар ҳама давраи замон нерӯи пешбарандаи ҷомеаи мутамаддин, маҳаки соҳибмаърифату соҳибфарҳангии ҷомеаи буди менамояд. Қушоишу раҳиш дар тамоми ҷаҳонҳои ғайриҷаҳонӣ ба низому суботи он алоқаи ногусастанӣ дорад. Дар ҷомеаи ҷаҳонӣ имрӯз давлатро номбардан ғайри имкон аст, ки аз ислоҳоти соҳаи маориф ғайри имкон бошад. Аз ин нуктаи назар, пурсише, ки ислоҳоти маориф кай ба анҷом мерасад, суолест бечавоб. Оре, то даме, ки башарият вучуд дорад, то замоне, ки зистану ғайриҷаҳонӣ аст, то он лаҳзае, ки дарё бо маҷроҳои гуногун мешитабад инсоният баҳри аз хурд ба бузург гузаштан, аз қатра баҳре офаридан, мекушаду талош мекунанд. Аз ин лиҳоз, ислоҳоти ҷомеаи маҳз аз ислоҳоти соҳаи маориф сарчашма мегирад.

Иваз намудани муносибати ба таълим, ин маънои онро надорад, ки мо насли муосир имрӯз аз таълими анъанавии даврони Шӯравӣ, ки аксаран тарбиятдидаву дастпарвари ҳамон давра ҳастем, пурра даст мекашему назарияҳои педагогони машҳурро ба монанди Д. Ушинский, И. Макаренко инкор менамоему онро ноҳақиқат мегирем. Ҳаргиз не, зеро таърих борҳо собит намуда, ки олимону донишмандони маъруфи имрӯза маҳз тарбиятдидаи ҳамон давраи мебошанд.

Инчунин шахсе, нафаре, билохира ҳақиқат, ки гузаштаашро эътироф наменамояду ба он арҷгузорӣ намекунанд, ҳеҷ гоҳ пеш рафта наметавонанд. Мо омӯзгорони ҷаҳонӣ муосир низ ба усули анъанавии даврони муосир сипосмандӣ намуда, баҳри гузариш аз хуб ба хубтар камари ҳиммат мекунанд, то ки шогирдони азизамонро ҳамчун мутахассисони ҷавобгӯ ба стандарту талаботҳои ҷаҳонӣ пешниҳод созем.

Низоми анъанавӣ, таълими низоми синфӣ дарсӣ буда, чунин хусусиятҳои махсуси худро дорад:

Дарс воҳиди асосии таълим ба шумор меравад,

Тамоми хонандаи синф аз рӯи як мавод кор мекунад,


Муаллим меҳвар мебошад.

Танҳо устод арзёбӣ намуда метавонад

Китоби дарсӣ асосан барои иҷрои вазифаи хонагӣ қарор мегирад.

Дар муносибати салоҳиятноқӣ бошад, меҳвари асосӣ дониш ё худ хонанда буда, он дар ифодаву баёни фикр озод аст, дар арзёбиву баҳогузорӣ ширкат варзида, дар раванди дарс мустақилона рафтор менамояд. Асоси таълими салоҳиятнокиро усули интерактивӣ ташкил медиҳад, ки дар нақша чунин аст:

УСУЛҲОИ ИНТЕРАКТИВӢ



Дар муносибати таълими босалоҳият арзёбӣ барои беҳбудии таълим ва баландшавии маърифати хонанда ёрӣ мерасонад. Он имкон медиҳад, ки дастоварди шогирдон таҳти назорат бошад. Аз ҷама муҳимтар дар муносибати таълими салоҳиятноқӣ, арзёбӣ аз методҳои баҳодихии мавҷуда фарқ мекунад. Пеш аз ҷама, дар ин муносибат омӯзгор имконияти бо хонанда ба таври инфиродӣ кор карданро дорад. Омӯзгор метавонад дар асоси чунин арзёбӣ малакаи аз худ кардаи хонандагонро ташхис кунад, дар давраи аввал ёрӣ расонад ва раванди таълимро дуруст ба роҳ монад. Хонанда дар ин маврид масъулияти худро барои таҳсил бештар ҳис мекунад.

Арзёбӣ ҷузъи таркибии раванди таълим ба шумор меравад. Ҳанӯз дар марҳалаи банақшагири роҳу усули арзёбӣ муайян карда мешаванд. Усули арзёбӣ пас аз муайян кардани натиҷа ё мақсадҳои таълимии дарс интихоб мегарданд. Пас аз иҷрои фаъолиятҳои таълимие, ки барои расидан ба мақсадҳои таълим ба роҳ монда мешаванд, арзёбӣ гузаронда мешавад. Дар ин марҳала арзёбӣ имконият медиҳад, ки сатҳи азхудкунии хонандагон санҷида шавад ва дар ҳолати номувофиқатии натиҷаҳои арзёбӣ ба мақсадҳои гузошта

шуда, омӯзгор роҳу воситаҳои дигари таълимро барои ноил гаштан ба мақсадҳои гузошташуда интиҳоб намояд.

Дар асоси натиҷаҳои арзёбӣ банақшагирии раванди минбаъдаи таълим ба роҳ монда мешавад. Вақте омӯзгор муайян мекунад, ки шогирдон ин ё он малакаро аз худ кардаанд ё не (инро танҳо натиҷаи арзёбӣ таъмин карда метавонад) раванди таълимро мутобиқан ба нақша мегирад.

Дар зер бо мақсади аниқтар нишон додани аҳамияти гуруҳбандӣ дар раванди таълим намунаи нақшаи дарси яксоатаро аз фанни забоншиносии умумӣ (амалӣ, аз таҷриба) меоварем:

Мавзӯ: Мактаби забоншиносии Қазон (И.А.Бодуэн де Куртенэ)

Салоҳиятҳо:

(шартан 4.1.11).

- ба хусусиятҳои мактаби забоншиносии Қазон сарфаҳм рафтан;
- мавқеи забонро дар ҳаёти ҷомеа дар сатҳи дониши омӯхта шарҳ додан;
- мафҳуми автодидактс (авто...худ+гр.didaktos – омехта, худомез)-ро дарк кардан.

Мақсадҳои дарс. Донишҷӯён то охири дарс:

- фарқи мактаби забоншиносии Маскавро аз мактаби забоншиносии Қазон дарк менамоянд;
- дар бораи дастовардҳои мактабҳои лингвистӣ фикрашро баён намуда метавонанд.
- намояндагони мактабҳои забоншиносии Маскав ва Қазонро бо асарҳои онҳо номбар карда метавонанд.
- дарсро муҳокима намуда, дар арзёбӣ иштирок карда метавонанд

Маводи таълим: китоби дарсӣ, компютер, навор ва матнҳо.

Равиши дарс:

1.Ташкили дарс.

- риояи одоби салом, гуфторҳо оиди забон, ҳисобгирии давомот.

Ба воситаи саволҳо диққати донишҷӯёнро ба машғулият ҷалб намуда, дониши онҳоро арзёбӣ менамоем.

Супориши 1. Аз донишҷӯён хоҳиш карда мешавад, ки дар ду гуруҳ оиди Мактаби лингвистии Москва маълумот диҳанд.

Супориши 2. Аз донишҷӯён хоҳиш карда мешавад, ки дар ду гуруҳ шогирдони Филипп Фёдорович Фортунатовро тавассути **Усули чархи ақидаҳо** нишон диҳанд:

Супориши 3. Фарқ ва умумияти мактаби забоншиносии Маскавро аз Қазон тавассути **Диаграммаи Венн** нишон диҳанд.

Супориши 4. Комёбиҳои мактаби забоншиносии Маскав ва Қазонро ба воситаи **Усули Т.нақша** нишон диҳед.

Супориши 5. Шаҳрҳои Москва ва Қазонро аз харитаи сиёсий нишон дода, донишгоҳҳои машҳури онро номбар созед.

Супориши 6. Марказҳои ҳавзаи забоншиносии Арабро ба воситаи **Усули харитаи фарзӣ** нишон диҳед.

Супориши 7. Кроссвордҳои мураттаб намудаатонро оиди мавзӯӣ дар гурӯҳҳо иваз намуда, пурра созед.

Супориши 8. Аз навори тамошо кардаатон хулосаҳои худро дар шакли хаттӣ кӯтоҳакак – дар се-панҷ ҷумла нависед. Дар навиштаҳоятон ба чунин саволҳо ҷавоб бошад: Барои чӣ писарак ба дарс дер мемонд? Аҳволи иҷтимоии давлат ба қашшоқии оила сабаб шуда метавонад. Чаро? Пирӯзии имрӯзаи халқи тоҷик аз кучо сарчашма мегирад?

Супориши 9. Тааассуротатонро оиди дарси имрӯза бо усули МДД (Медонистам Донистам, Донистан меҳоҳам, ифода намоед.

10. Ҷамъбасти дарс. Арзёбӣ ва баҳогузорӣ.

7. Супориши вазифаи хонагӣ:

11. Оид ба мавзӯи мазкур бист адад саволномаҳо омода созед.

2. Дар мавзӯи “Иҷтимоии тақдирсоз” ЭССЕ нависед.

3. Таассуроти худро аз ғамхориҳои Пешвои миллат шифоҳӣ (дар синф) баён кунед.

Эзоҳ: 1. Аз ҳар гурӯҳ бо навбат иштирокчиён пурсида мешаванд, то ки намояндагони ҳамаи гурӯҳҳои дунафара ё, ақаллан, аксарияти гурӯҳҳо имконияти баёни фикрро дошта бошанд. Муҳим ин аст, ки шогирдон фикрашонро озодона баён намоянд, қобилияти баёни андешаро пурқувват кунанд.

2. Ҳар дарс тавассути пурсиши шабакавӣ ё блитс пурсиш санҷиши дониши шогирдон ба мақсад мувофиқ мебошад.

3. Пас аз шунидани ҷавоби донишҷӯён омӯзгор бояд, баъзе аз ҷавобҳоро пурра созад.

Хулоса, низоми таълим ва маориф дар ягон давраи замони моҳият инсондӯстонаи худро гум накарда, шогирдонро тавассути таълим ба зиндагии оянда омода менамояд, зеро ҷаҳони имрӯза инсонеро интизор аст, ки ниҳоят пуртаҷриба бошад, ба ҳар мушкилот саривақт, бетаъхир ҷавоб гуфта тавонад. Тамоми саъю кӯшиш ва талоши системаи маорифи имрӯзаи ба он равона карда шудааст, ки мактаб инсонеро ба камол расонад, ки насли баркамол бо дили пур Тоҷикистони азизро ба онҳо бисупорад.

Умуман, қори гуруҳӣ маҳаки асосии муносибати таълими босалоҳият буда, дорои чунин афзалиятҳо мебошад:

- Қобилияти эҷодии муаллимро ташаккул медиҳад, омӯзгор ҳамеша дар ҷустуҷӯ буда, малакаю маҳорат ва дониши худро сайқал медиҳад.
- Истифодаи компютер дар дарсҳо вақтро сарфа менамояд.

- Қобилияти эҷодии шогирдонро ташаккул дода, ҳавасмандии онҳоро нисбати дарс зиёд мегардонад.
- Малакаи иҷтимоиву иртиботиро рушд медиҳад.
- Ба табодули фикрронӣ ва иттилоот мусоидат мекунад.
- Рушди нутқро танзим медиҳад.
- Маҳорати мустақилона дастрас кардани ахбороти заруриро ривоч медиҳад. Донишҷӯён барои гирифтани иттилоот аз роҳнамоҳо, луғатҳо, энциклопедияҳо, харитаҳои географӣ, сайтҳои интернет ва маводҳои дигар истифода мебаранд.
- Ба рушди маҳорати маърифатгирии доимӣ ёрӣ медиҳад.
- Савияи дониш ва ҷаҳонбинии шогирдон боз ҳам васеътар мешавад.
- Азхудкунии маводи таълим тезтар ва осонтар мегардад.
- Фаъолнокии хонандагони суствхон ё қобилиятшон миёна бештар ба назар расида, шумораи хонандагони суствхон камтар мегардад.
- Дар натиҷаи иҷрои машқҳо ва ислоҳи хатоҳои хонандагон ба дониши худашон баҳо дода метавонанд.

Адабиётҳо

1. Абдуқодиров А. Забон ва услуби назми Мирзо Турсунзода.-Душанбе: Дониш,1988.-121с.
2. Барномаи адабиёти тоҷик (барои синфҳои V-XI). Душанбе, «Матбуот», 2002.
3. Қурбонов М. Асосҳои лингвистӣ ва методии таълими услубшиносии тоҷик дар мактаби миёна. – Душанбе: Маориф, 1998
4. Ҳочиев С. Методикаи таълими забони тоҷикӣ. – Хучанд, 2009.
5. Шербоев С. Методикаи таълими забони тоҷикӣ.- Душанбе, 2009

Эшмуродова Д., омӯзгор
(Тоҷикистон)

МАСЪАЛАҲОИ НАЗАРИИ ИСТИФОДАБАРИИ МАВОДҲОИ КИШВАРШИНОСИИ МАҲАЛЛӢ ВА ХОРИҶӢ ДАР ДАРСҲОИ ЗАБОНИ АНГЛИСӢ

Эълон гардидани Соли 2018 – соли рушди сайёҳӣ ва ҳунарҳои мардумӣ ва идомаи он Солҳои 2019 – 2021 “Солҳои рушди деҳот, сайёҳӣ ва ҳунарҳои мардумӣ” аз тарафи Асосгузори сулҳу ваҳдати миллӣ, Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон, муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон хеле ба маврид аст, зеро нуфузи кишварамонро дар арсаи байналмилалӣ муаррифӣ мекунад. Табиати биҳиштосо, кишвари зебову афсонавӣ, дорои кӯҳҳои сарбафалаккашида кишварамон диққати сайёҳони хориҷиро ба худ ҷалб карда аст. Имрӯз сайёҳонро бештар бамавзӯҳои таърихиву фарҳангӣ, гармчашмаҳои шифобахш, манзараҳои дилфиреб, ҳунармандони беҳтарин ва таомҳои миллии

худ чалб мекунад, кўхҳои Помир, шаҳрҳои қадима ба монанди Саразми бостонӣ, Қасри Арбоб, ки бехтарин нигораҳои таърихро таҷассум мекунад. Чойҳои дидани пойтахти мамлакатамон шаҳри Душанбе, аз ҷумла Парчами миллӣ, маҷмааи Исмоили Сомонӣ, Китобхонаи Миллӣ, Чойхонаи “Роҳат”, Осорхонаи Миллӣ, қасри «Қоҳи Наврӯз», ки дар замони соҳибистиклолӣ бунёд гардидааст.

Бештар гардидани сайёҳони хориҷӣ дар Тоҷикистон барои донишҷӯёни ихтисоси забонҳои хориҷӣ имконияти азхуд намудани бештари забонро фароҳам меоварад, зеро онҳо бояд бо сайёҳон бо забони худӣ онҳо суҳбат кунанд, оид ба таъриху фарҳанги кишвар маълумот диҳанд.

Тарбияи шуури илмӣ, ягонагӣ ва ифтихори миллӣ дар ҷомеаи мо падидаи нав буда, яке аз вазифаҳои аҳамиятноки имрӯза ҳисобида мешавад. Бо назардошти вазъи имрӯзаи ҷомеаи ҷаҳонӣ, алаҳқусус раванди пуртазоди ҷаҳонишавӣ рисолати омӯзгорон дар таълиму тарбияи насли наврас дар рӯҳияи худшиносиву ҳудогоҳӣ, ташаккули эҳсоси ватанпарастӣ, ҳифзи осори фарҳангии моддӣ ва маънавии миллӣ хеле бузург аст. Дар ин ҷода ҳар як омӯзгор бо истифода аз сатҳи донишу касбӣ ва таҷрибаи хеш меҳодад шогирдонро ба шоҳроҳи маърифат баҳри инсонии комил гардидан ҳидоят кунанд. Зеро агар дарс бо ҳаёт алоқаманд карда нашавад, он натиҷаи самарабахш намедихад. Аз ин рӯ, бояд бикӯшем, ки дарс ҳаётӣ бошад. Тарбияи ватанпарварӣ, ифтихори миллӣ маҳз дар дарсҳои пурмаҳсуланд, ки бо зиндагии ҳаррӯзамон пайванди қавӣ доранд.

Ҳар як қавму, ҳар як миллат анъана, урфу одат, ҷашну маросимҳои худро дошта бо он муаррифӣ мешавад. Аз ин рӯ, ҳар қавм бояд посдорандаи фарҳангу анъанаҳои худ бошад, ба он эҳтиром гузорад, зеро дар ҷаҳон ҳама ақвому миллат бо фарҳанги миллии худ, бо урфу одати худ шинохта мешавад. Фаҳмиши «урфу одат» гуногун буда метавонад. Гоҳо одатҳои, ки ба арзишҳои милливию динии як қавм иртиботе надоранд, метавонанд дар ягон маҷал ё минтақа, дар байни гурӯҳҳои ҷудогонаи иҷтимоӣ шакли анъанаро гирад.

Барои дар рӯҳӣ ватандӯстӣ тарбия намудани насли наврас ҳамаи фанҳо ҳиссаи худро мегуздоранд. Аз ҷумла дар ин бобат нақши фанни забони англисӣ низ калон аст. Зеро маводҳои дарсӣ, ки ба китобҳои дарсии забони англисӣ ворид карда шудаанд аҳамияти тарбиявӣ низ доранд. Хонандагон забони англисиро омӯхта, оид ба табиати зебои кишварамон, ҷашнҳо ва таърихӣ Тоҷикистон низ маълумот мегиранд.

Истифодаи маводҳои амалӣ ва назарӣ дар дарси кишваршиносӣ дар муассисаҳои олии таълими кишвар тақозо мекунад, ки мо аз китобҳои ватанӣ барои донишҷӯён истифода барем. Биобар ин барои донишҷӯён китоби дарсии “English 1” ва “English 2”, ки бо ду забон бо забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ аз тарафи профессор Абдуллоева М.А., китоби дигари дотсент Бойматов А. “Кишваршиносӣ” барои курси 2 исботи гуфтаҳои болоанд. [1.]

Дар ҳақиқат фанни кишваршиносӣ яке аз воситаҳои муҳими тарбияи ғоявӣ ва маънавии ҷавонон мебошад. Омӯхтани асрори кишвари худ шавқовар ва зарур аст, зеро донишҷӯи таърихӣ тамаддуни кишвар барои баланд бардоштани ҳуввияти миллӣ, ҳештаншиносӣ ёрӣ медиҳад. Тарбияи эҳтиром ба Ватан ва арҷ гузоштан ба арзишҳои миллӣ қисми таркибии фанни кишваршиносӣ низ мебошад.

Истифодаи маводҳои фанни кишваршиносии маҳаллӣ барои ташаккул ва такмили салоҳияти касбии омӯзгори забони англисӣ аҳамияти хеле калон дорад. Ҳангоми омӯзонидани мавзӯҳо ба хонандагони худ сараввал, омӯзгор бо маводҳои дарсӣ шинос мешавад, муайян мекунад, ки оё барои сухан рондан оид ба маводи кишваршиносӣ дар донишҷӯён захираи луғавии кофӣ дорад ё на, барои дарк намудани ин маводҳо бо забони англисӣ салоҳияти забонии хонандагон марасад?. Омӯзгор бо калимаҳои нави дарс шинос мешавад, роҳ ва усулҳои беҳтарини фаҳмонидани маънои онҳоро интихоб мекунад. Барои бо ҳамдигар алоқаманд намудани ҳамаи марҳилаҳои дарс маводҳои иловагиро барои гузаронидани машқ ва иҷрои матнҳои шунавоиро интихоб мекунад. Ҳамаи ин намуди корҳо барои ташаккули салоҳияти касбии омӯзгорӣ мусоидат мекунад.

Аҳамияти истифодабарии маводҳои кишваршиносии хориҷӣ дар дарсҳои забони англисӣ хеле муҳим буда, мақсади «Консепсияи миллии тарбия дар Ҷумҳурии Тоҷикистон» дар рӯҳияи инсондӯстӣ, ифтихори ватандорӣ, эҳтироми арзишҳои миллии умумбашарӣ, таҳаммул ва тоқатпазирӣ тарбия намудани насли наврас мебошад.

Ҳангоми омӯзиши забони хориҷӣ бахши иҷтимоӣ ва иқтисодии кишвар, урфу одат, анъанаҳои миллӣ, фарҳанг ва таърихи халқ, мероси адабие, ки шуури соҳибзабонро ташкил мекунад, бояд ба инобат гирифта шавад. Забони хориҷӣ натавонанд воситаи мулоқот байни халқҳои дунё аст, балки воситаи азхуд намудани ҷаҳон ва маданияти онҳо низ мебошад. Истифодаи бурдани забони хориҷӣ чун муошират, салоҳияти забонӣ ва байнифарҳангиро низ талаб мекунад. Аз ин лиҳоз зарурати аз худ намудани ин забон бо назардошти ҳаёти ҳаррӯзаи соҳибзабон ва маданияти онҳо пайдо мешавад.

Дар амалӣ намудани принсипи моҳияти башардӯстонаи мазмуни таҳсилот, бартарии арзишҳои миллию умумибашарӣ, рушди озодонаи шахс, алоқии таълим бо ҳаёт дар раванди таълими фанҳо барои баланд бардоштани сифати таҳсилот, тарбияи меҳнатӣ, касбинтихобкунии хонандагон нақши калон бозида, онҳоро ба илм наздик менамояд. Кишваршиносӣ хонандагонро барои мустақилона истифода кардан ва аз худ намудани донишҳо аз сарчашмаҳои гуногун водор намуда, ба онҳо барои дастрас, барқарор карда тавонистани алоқии далелҳои маҳаллӣ, ҳодисаҳо ва донишҳои илмӣ кумак мерасонад. Дар раванди таълими системавии ҳаматарафа фикркардашуда бо истифода аз маводи кишваршиносӣ дар хонандагон маҳорати кори мустақилона рушд ёфта, ҳисси коллективизм ва шуурнокии хонандагон мустаҳкам мегардад.

Маҳорати истифодаи маводи кишваршиносӣ дар сатҳи фаъолияти азнавҳосилкунӣ чунин намудҳои фаъолиятро дар бар мегирад:

- а) шунидани фаҳмондадиҳии муаллим дар бораи кишвари худ;
- б) хониши матнҳо оид ба кишваршиносӣ;
- в) мушоҳида ба намоишдиҳии муаллим;
- г) дида баромадани кинофилмҳои таълимӣ дар бораи кишвари худ;
- д) ҳалли масъалаҳои, ки хусусияти кишваршиносӣ доранд;

Маҳорати истифодаи маводи кишваршиносӣ дар сатҳи фаъолияти ҷустуҷӯии чунин намудҳои фаъолиятро дар бар мегиранд:

- а) кори мустақилона бо китоби дарсӣ ва адабиёти иловагӣ барои ба даст овардани маводи кишваршиносӣ;
- б) дарки мазмуни маводифанни кишваршиноии ба даст оварда шудааст;
- в) фаҳмонидани ҳодисаҳои мушоҳидашуда вобаста ба маводи кишваршиносӣ.

Маҳорати истифодаи маводи кишваршиносӣ дар сатҳи фаъолияти эҷодӣ (ба ғайр аз номбаршуда) чунин намуди фаъолиятро дар назар дорад:

- а) таҳлили маводи фанни кишваршиносӣ аз сарчашмаҳои гуногун;
- б) таҳлили баромади донишҷӯён дар бораи кишвари худ;
- в) иҷро намудани супоришҳо оид ба таснифи маводи фанни кишваршиносӣ;
- г) кор бо адабиёти илмӣ–оммавӣ дар бораи кишвари худ;
- д) навиштани реферат ваомода кардани маърузаҳо дар бораи кишвари хеш.

Дар китобҳои дарсии забони англисӣ матнҳо ҷойгир карда шудааст, ки ба онҳо калимаҳои бемуодил низ шудаанд. Ин намуди калимаҳоро реалияҳо низ меноманд. Калимаи «реалия» аз вожаи лотинии «realis» пайдо шуда, маънои «моддӣ», «воқеӣ» - ро ифода мекунад. «Калимаи «реалия» ба гурӯҳи истилоҳоти асосии илмҳои тарҷумашиносӣ, забоншиносии муқоисавӣ, луғатнигорӣ, кишваршиносии лингвистӣ, методикаи таълими забонҳои хориҷӣ дохил мешавад»[6, с. 52]. Реалияҳо бо вижагиҳои нотақрори фарҳангии як миллат дар робитаи мустақим қарор доранд. Зикр кардан ҷоиз аст, ки онҳо оинаи хусусияти фарҳангӣ, одат ва анъанаҳои ин ё он миллат ба шумор меравад. Ин калимаҳоро ба 7 гурӯҳ тақсим кардан мумкин аст:

- 1) расму ойинҳо, иду чашнҳо;
- 2) ҷойҳои таърихӣ;
- 3) таомҳо;
- 4) номи шаҳрҳо ва дигар маҳалҳо;
- 5) аъёни миллий ва ченакҳо;
- 6) исмҳои хос;
- 7) калимаҳои алоҳида.

1. Ба гурӯҳи яқум вожаҳои зеринро ворид кардан мумкин аст:

Good Friday, Easter Monday, Elevenses, Christmas, Tea (Five o'clock tea), First footing, Excuse me, Leap Year.

2. Дар китобҳои дарсии забони англисӣ барои хонандагони тоҷикзабон ҷойҳои таърихӣ зеринро мушоҳида кардан мумкин аст:

Cathedral, The Globe theatre Shakespeare, Westminster Abbey, Port of London Authority, St. Katherine Docks, Hyde Park; Victoria Station, White house hotel, The Tower Bridge, Houses of Parliament, National Gallery, British Parliament, Victoria Station [15, с. 74].

3. Номи таъомҳои миллӣ ва нӯшоқиҳо:

Pudding; roast beef, bacon; haggis; Yorkshire pudding, plum pudding, apricot tart, sweet jellies, chicken pie, biscuits, porridge, bacon, beef steak, chops, chipped potatoes, banana split.

4. Номи шаҳрҳо ва дигар маҳалҳо:

Portsmouth, Stratford-on-Avon, Berkeley, Brighton, Ottawa, West End, East End, Dublin, Harlem, Wales.

5. Асъори миллӣ ва ченакҳо:

Pound, shilling, yard, mile, foot, inch, cent, crown.

6. Исмҳои хос:

Jerome K. Jerome; Othello; Thomas Stratford, Edmund, Kate, Bernard Shaw, Warren, George, Brush, Paul Robeson, Lawrence Brown, Harris, Edward Jenner, Cameron, Bradbury, Burt, Bill.

7. Калимаҳои алоҳида:

Sir, Mr., Mrs., Matron, Gentleman, Lord, Lady, Lord Mayor, Madam, bulldog, Big Muddy, Thames, Mississippi, p.m/a.m, B.C, St.

Донишҷӯи забонҳои хориҷӣ ба мо имкон медиҳад, ки бо пешрафтҳои фарҳангӣ, иқтисодиву сиёсӣ ва тамаддуни ҷаҳонӣ шинос шавем. Имрӯз забони муоширати бисёре аз давлатҳо забони англисӣ мебошад, зеро технология ва илмҳои ҳозиразамонро бидуни ин тасаввур кардан номумкин аст.

Рушди ҷомеа, таъмини амнияти ҷамъият ва давлат, сифати зиндагии мардум, расидан ба сатҳи ҷаҳонӣ иқтисодӣ, азхудкунии имкониятҳои нави технологӣ ва умуман рушди иҷтимоӣ мустақиман аз сатҳи маориф, ташкили ҷараёни мураттабу хушсифати таълиму тарбияи талабагону донишҷӯён, ҳулоса, аз сатҳи саводнокии миллат вобаста аст. [3, с. 2]. Аз ин лиҳоз, «... таълим ва тарбияи насли наврас тақозо менамояд, ки таҳсилот бо назардошти арзишҳои миллӣ ва умумибашарӣ тибқи талаботи санадҳои ҳуқуқии байналмилалӣ ба роҳ монда шавад» [2, с. 2].

Адабиётҳо

1. Абдуллоева М.А. English 1 (for uzbek students). «Меъроҷ», Хучанд, 2020. -566 с.
2. Бойматов А., Абдуллоева М.А. English 1, «Меъроҷ», 2018, -599 с.
3. Бойматов А., Абдуллоева М.А. English 2, «Меъроҷ», 2019, -599 с.
4. **Консепсия** миллии таҳсилот дар Ҷумҳурии Тоҷикистон – Д., Матбуот, 2003, с.8.

6. Нематуллоева М.Н. Кишваршиносӣ. (Дастури таълимӣ). Нури маърифат. Хучанд, 2019. -178 с.
7. **Стратегия**и миллии рушди маорифи Ҷумҳурии Тоҷикистон то соли 2020 (Қарори Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон аз 30 – юми июни 2011, №334. – 135 с.
8. **Сатская П. Н.**, Чамшедов П. Ч., Алидодхонова К. English 5. Забони англисӣ. Китоби дарсӣ барои синфи 5. - Душанбе: Маориф ва фарҳанг, 2013. - 192 с.
9. Сатская П. Н., Чамшедов П. Ч., Алидодхонова К. English 7. Забони англисӣ. Китоби дарсӣ барои синфи 7. - Душанбе: Комбинати полиграфӣ, 2013. - 152 с.
10. Сатская П.Н. Забони англиси. Китоби дарсӣ барои синфи 9 / П.Н. Сатская, П.Д. Чамшедов, К.,Алидодхонова. - Душанбе: Маориф, 2014. - 286 с.
11. Усмонов К., Бойматов А. Методикаи таълими забони англисӣ. Хучанд: Нури маърифат, 2009. – 230 с.

Юсупова Ш., профессор
(Ўзбекистон)

ШАХС ОНГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАСАВВУРНИНГ ЎРНИ

Ўқувчи тафаккурини ўстириш, тасаввурларини кенгайтириш учун уларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Яъни шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти *пассив* жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни фаолият деб юритилади. Яъни, *фаолият* - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаолликдир. (Каримова ва б.2006.75) Албатта, тилни ўрганишда эҳтиёж муҳим аҳамият касб этади. Эҳтиёж асосида берилган билим эса ўқувчи фаоллигини таъминлашга хизмат қилади. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда тил ўргатиш техникасини қўллаши лозим бўлади. Шунга кўра, мотивация ҳосил қилиш, яъни ундаш муҳим рол ўйнайди. Америкалик психолог Абрахам Маслоунинг фикрига кўра, мотивациянинг иерархик моделини қуйидагиларда деб кўрсатади: ўз фаолиятини фаоллаштириш, ўзини ҳурмат қилишга бўлган эҳтиёж, муҳаббат ва меҳрга бўлган эҳтиёж, хавфсизликка бўлган эҳтиёж, рағбатлантиришга бўлган эҳтиёж. (Шаропова, 2019:74).А. Маслоу тавсия этганидек, ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш учун ўқитувчи ўзи фаоллашиши, рағбатлантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиришлари зарур

бўлади. Ўқувчи-талабаларнинг тафаккури ва нутқини ўстириш учун уларнинг тасаввурларини ривожлантириш талаб этилади. Проф.Ш.Сафаров нутқий фаолиятнинг юзага келишини изоҳлаб, ташқи нутқни “тасаввурга лисоний либос бериш” деб таърифлайди. Тил тизимининг ўзи нутқий фаолият натижасида мавжуддир, унинг табиати ва моҳияти нутқий мулоқот жараёнида намоён бўлади. Шундай экан, тил бирликларининг маъно хусусиятлари нутқда воқеланади, аниқ тус олади. Ҳар бир нутқ ижодкори воқеликда кечаётган ҳодисани ўзича идрок этади, уни маълум макон, замон ҳудудида тасаввур қилиб, ҳосил бўлган мантиқий тасаввурга лисоний либос беради.(Сафаров,2008:168). Ана шу лисоний либос бериш йўллари ўқувчиларга ўргатиш, улар нутқда ҳис-туйғуларнинг ифода этиш йўллари ўргатишда ўқувчининг идрок этиш камол топади.

Маълумки, тасаввур билишнинг биринчи босқичи бўлиб, жонли мушоҳада шаклига киради. Шунинг учун ҳам она тилини ўқитишда тасаввур ҳосил қилиш аҳамиятли бўлиб, унинг ёрдамида оламнинг сир-асрорлари тўғрисида билимлар ҳосил қилиниб, у мавҳум тафаккурдан аниқ тафаккурга ўтиш босқичи ҳисобланади. У инсон руҳиятининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Инсонда тасаввур кенг бўлиши учун ўша одамда денотат-сигнификат муносабати бўлиши керак. Масалан, ўқувчиларга *қуён* ҳамда *олмахон* ҳақида таъриф бериш топширилса, *қуён* ҳақидаги таъриф мукамал, аниқ, асосли бўлади. Бироқ *олмахон* ҳақидаги таъриф тўғри ва аниқ бўлмайди. Чунки *олмахон* ҳақидаги тасаввур инсонда кам эканлигидан далолатдир. Ҳар бир сўз ёки матн устида ишлаш жараёнида ўқувчи-талабаларда қандай тасаввур ҳосил бўлгани сўралади, сўнгра тасаввур ва таъриф берилади. Ўқувчи-талабада тасаввур ва фантазия ҳосил қилишга ўргатиш тафаккур ривожи учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Тилни тафаккурсиз, тафаккурни тилсиз ривожлантириб бўлмайди. Бинобарин, она тили машғулотида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун қилинган ҳар бир иш уларнинг тафаккурини ўстириш омили саналади. Тафаккурни ўстириш омилларидан бири фикрлаш жараёнида абстракциялаш ва умумлаштиришнинг ўрни катта. Абстракциялаш, тасаввур ҳосил қилиш, хулосалаш билан узвий боғлиқ бўлган нутқ инсоннинг ҳақиқатни англаш даражасини белгилайди. Тасаввур ва тасвир асосидаги билимларнинг яроқлилиги ўқувчиларнинг мазкур билимларни ўз сўзлари билан ифода этиш даражасига кўра белгиланади, яъни таъриф этилади. Чунки нутқ предметни кўпроқ билишдан келиб чиқади ва ривожланади. Агар сўзловчи уни (предметни) атрофлича ўрганмаган бўлса, билими кучсиз ва ишончсиздир. Тасаввур этса, тасвирлай олади. Тасвирлаш эса нутқ орқали намоён бўлади. Ўқувчининг тасаввур қилиш даражаси нутқ ҳосил қилиш давомида реал воқеликка айланади. Шунинг учун машғулоти мобайнида ўқувчиларга кўпроқ ёздирилади, ўқитилади, гапиртирилади. Бу ўринда табиат, инсон, ҳолат тасвирларининг ўрни беқиёс. Дарс давомида (хоҳ янги маълумот бериш дарси, хоҳ мустаҳкамлаш дарси бўлсин) тасвирга бой

матнлардан эркин фойдаланиш нутқ ривожини учун хизмат қилади. Бундай ижодий матнларни топиш, белгилаш ўқувчининг қобилиятига қараб мураккаблашиб бориши мумкин.

Ўқув юртлирида тил ва тафаккурни ўстириш, тасаввурларини бойитиш учун тасвир асосидаги матнлар устида ишлаш ёки шу асосдаги матнлар яратишга асосланган дарс машғулотларини олиб бориш бугуннинг заруриятидир. Бу амалий ишлардан энг биринчиси матн билан ишлаш (кенг маънода: бадиий асарлардаги тасвирлар билан ишлаш) дир. Ўзбек адабиёти намуналарида мохирлик билан чизилган тасвирлар она тили ва адабиёт дарслари учун муҳим амалий (манбадаги матнлар) материал бўлиб хизмат этади ва унда ўқувчиларнинг тасаввур қилиш даражаси ривожланганини кўриш мумкин. Тасаввур ривожидagi тасвирни уч хил даражага бўлиб оламиз: а) инсон тасвири; б) табиат тасвири; в) ҳолат тасвири. Тилни ўргатишда ўқувчиларга бадиий асарлардаги тасвирларни топиб, уни таҳлил қилиш топшириқ қилиб берилади. Жумладан, А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асаридаги Кумушнинг тасвири ҳар қандай китобхонни лол қолдиради ва китобхонда қизиқ бир тасаввур уйғотади. Бундай ифодалашда тасвир ва тасаввур бирлиги амалга ошади. Ёзувчи томонидан мохирона тасвир этилган қуйидаги парчага эътибор берайлик: *"Қаро зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуйуқ, жингала киприк остидаги тимқора тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... Гап қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари чимирилганда, нимадир бир нарсдан чўчиган каби... тўлган ойдек зуборсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланган-да, кимдандир уялган каби... оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида уста қўли билан қўндирилган қора ҳолини қашиди.* (Қодирий, 2007:104). Мусаввир Кумушнинг кўринишини тасвирлаётиб унга қўшимча равишда далиллар келтирадими, ўқувчи кўз ўнгида портрет тасвири янада жонлироқ, яққолроқ намоён бўлади. Агарда, Кумушнинг фоторасми билан юқоридаги тасвирини солиштирсак, шубҳасиз, сўз тасвирининг салмоғи юқорироқдир. "Қуюқ жингала киприк остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилган" дейиш билан чекланмасдан "нимадир бир нарсани кўрган каби..." изоҳи ишқ дардида куяёган қизнинг ҳолатини янада очиб бермоқда. Юзларнинг тасвирида ҳам ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Она тили фанининг "Лексикология" бўлимини, шунингдек, сўз туркумлари услубиётини ўргатишда ушбу тасвирдан унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, биргина сифат сўз туркумига оид сўзлар: қора, тартибсиз, қуюқ, жингала, тимқора, қоп-қора, нафис, қуюқ, зуборсиз, оқ, оз, қизиллик, нозик, латиф... Ушбу портретлар (инсон тасвири) дан ўрни билан унумли фойдаланилса, ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ўсади, сўз бойлиги ошади. Табиатга, инсонларга синчков нигоҳ ила қарай бошлайди ва унинг сирларини билишга ошиқади. Кўриниб турибдики, инсон тасвирини бериш орқали ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилинмоқда. Бундай тасвирларни ўргатиш ўқувчида нутқ қобилиятини ўстиради, улар ўзгалар билан муносабатда сўзлар

нинг маъно нозикликларини фарқлай олади, эркин ва раён фикр айта олади. Сўз сўзлаш санъатини тасаввурлари асосида ривожлантиради. Ўқувчида тасаввур ҳосил қилиш, тил ва тафаккур ўстириш масалалари амалий ишлар билан олиб борилмоғи мақсадга мувофиқдир. Зеро, дарсларда эркин фикрлаш учун шароит яратиш, адабиёт ва она тили дарсларини узвийликда олиб бориш, деярли ҳар бир дарсда тасвирга бой матнлардан фойдаланиш заруриятини амалга ошириш лозим.

Таълимни ташкил этишда она тили дарсларида ўзимиз ҳис этиб, завқланган, таъсирланган, тасаввур этган манзараларни ўқувчилар тафаккурига ҳам кўчириш; шу орқали уларни сўзлашга ўргатиш, мантиқий, эркин фикрлашга чорлаш ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим. Тасвирларни идрок этишга, тасаввур қилишга ўрганган ўқувчи ўзи ҳам тасвирлашга уринади. Бу эса тўғридан-тўғри ўқувчилар нутқини ўстиришга олиб келади, сержило сўзлардан фойдаланиш қобилиятини ривожлантиради, ўқувчиларни фанга қизиқтиради, натижада дидактик жараён амалга ошади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, замонавий таълимда ўқувчиларни фақат ёд олиб, айтиб берадиган эмас, ўз фикрини эркин, раён ифода этадиган, ижодий фикрлайдиган, тафаккур доираси кенг қилиб тарбиялаш устувор вазифадир. Она тили дарсларида ижодий, тасвирга бой матнлар билан ишлаш орқали улар тасаввурларини кенгайтириш, ўқувчилар фикрини баён қилиш малакасини эгаллаб боришдек самарали усул такомиллашиб боради. Дарҳақиқат, омилкор ўқитувчилар тажрибасида кузатилганидек, тасаввур, тасвир ва таъриф асосида дарс ўтишда ақлий ҳаракатлар шахсининг онгли тарзда амалга оширадиган ҳар хил ҳаракатлари бўлиб ҳисобланади. Бундай дарслар ташкил қилинганда ўқувчида хаёл ва фантазия қилиш қобилияти ривожланади; онгда ўқувчи ўша объект билан боғлиқ тасаввурларини хаёлан тиклай олади, бунинг натижасида атрофлича фикрлаш рўй беради.

Бундан кўринадики, воқелиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишларни, уларнинг ўзаро муносабатларини билиш инсонда мутлақ ҳақиқат ҳақидаги тасаввурни ҳосил қилади ва шу асосда тафаккур кенг ривожланади.

- а) ҳар бир ўқувчининг ижодий имкониятлари амалга ошади;
- б) фалсафий мушоҳада қила олади;
- в) ўқувчи фикрини изчил баён этиши, мантиқий қонуниятларга амал қилиши, ўқитувчи томонидан кузатилади ва таҳлил этилади;

Тасаввур, тавсиф ва таъриф асосидаги дарслар ўқувчиларни дунёни илмий билишга йўналтиради. Дунёни илмий билиш табиат ва жамият тараққиёти ҳақидаги қонун-қоидаларнинг моҳиятини илмий талқин этишга, атрофлича фикрлашга ундайди. Ушбу методик ёндашув асосида таълимда тафаккур ўстириш муаммосининг педагогик назария ва амалиётда қандай натижа бераётганлигини таҳлил қилиш, ўрганиш, умумлаштириш мумкин.

Адабиётлар

1. Каримова В.М., Акрамова Ф.А., Ҳайитов. О.Э., Лутфуллаева Н.Х. Психология: Дарслик - ТДИУ, 2006.75-б..
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика.-Т.: 2008. 168-б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Москва “Рус тили” нашриёти.1981.104-б.
4. Шаропова З. Хорижий тилларни ўрганишнинг психологик масалалари. Илмий-методик электрон журнал www.journal.fledu.uz
5. Қодирий А. “Ўткан кунлар”, Шарқ,-Т... 2007.

МУНДАРИЖА

Чўразода Ч. Х. Рушди робита ва ҳамкориҳои илмӣ-таълимий донишгоҳ бо донишгоҳҳои Қумҳурии Ўзбекистон	3
ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
Бердиалиев А., Турдибоев Т. Ўзбек тили аффикслари тизимида кўп маънолилик масаласи ҳақида	12
Абдиев М. Ўзбек тилшунослигида сўз ясаши масалаларининг ёритилишига қисқача экскурс	15
Абдурахманов Ш., Асқарова М. “Темурнома”да қўлланган белги билдирувчи лексемалар хусусида	19
Абдурахмонов Ш., Абдурахмонова С. С.Аҳмад ҳажвияларида киноя ҳосил бўлишининг лисоний асослари	23
Амонов М. “Бобурнома”даги тожикча изофий бирикмалари хусусида	26
Абдукаримова Ф. Повторы-редупликаты одни из своеобразных стилистических потенциалов в языках разного грамматического строя	30
Алимова З. Тилнинг луғат бойлиги ва унда ўзлашмаларнинг ўрни	33
Аминчонова Р., Содиқова Р. Роҳ ва усулҳои калимасозӣ дар ашъори Камоли Хучандӣ	37
Абдуваҳобова Д. Тил – бу инсон камолотининг кўзгуси	42
Абдураззоқов Э. А.Қодирий романларида -сиз сўз ясовчи морфемасининг хусусиятлари	45
Ашуров Д. “Кўнгил” узви фраземаларнинг лингвокультуророгик хусусиятлари [“Алпомиш” достони мисолида]	51
Абдупаттоев М. Бадиий матнни шаклланишида иштирок этувчи ва таъсирчанлигини оширувчи воситалар хусусида	55
Бабаханова Д. Ўзбек тилидаги уюшиқ бўлақлар ва ундалмаларнинг услубий хусусиятлари	58
Ғиёсов Н.Андешаҳо роҷеъ ба тадвини “донишномаи Камоли Хучандӣ”	62
Ганиева Ш.Турғун бирикмаларнинг талқини тўғрисида	67
Газиева М. Гапнинг коммуникатив типлари ва нутқий актлар	70
Ганиева Д. Ўзбек ва инглиз тилларида сифатдош шаклларининг ифодаланиши	75
Дарвишова М.Уюшиқ бўлақларнинг услубий хусусиятлари (Ўткир Ҳошимов асарлари мисолида)	78
Давлатова Р. Ўзбек тилида дискурс дейксиси ва уни ҳосил қилувчи бирликлар	83
Дарвишов И., Обидова М. Халқона жуфт сўзларнинг лексик-сематик хусусиятлари	87
Жамолиддинова Д. Табиий ва аниқ фанлар терминосистемаларининг бадиий матнда стиллашиш	

имкониятлари	90
Жўрабоева Г. Фарғона водийси топонимларининг социолингвистик хусусиятларига доир	94
Жабборов Б., Ҳакимова Ҳ. Ўзбек ва тожик тилларининг қиёсий ўрганилишига доир	97
Жўрабоева Г. Фарғона водийси топонимларининг социолингвистик хусусиятларига доир	100
Жабборова Э. Тилшуносликнинг назарий масалалари	103
Зияева М., Сунонова Д. Буюк давлат тили боқийдир!	107
Зарипов Р. Ўзбекистонда ўзбек-тожик билингвизмининг шаклланиш омиллари ва истиқлол йилларидаги ҳолати	110
Зияева Ҳ. Мулоқотдаги просодик ва экстралингвистик воситалар хусусида	113
Исомиддинов Ф., Зокиров М. Чанд афкор дар бораи шуғунҳо	117
Ибрагимова Э. Бадиий асар тили - нутқнинг функционал услубларидан бири	122
Исомиддинов Ф. Ғановати забонҳо	125
Искандарова Ш., Кахаров Қ. Ўзбек ва немис мурожаат шакллари хусусида	127
Искандарова Ш., Рахматуллаева Д. Ўзбек тилидаги “илм-маърифат” семали луғавий бирликларнинг услубий хусусиятлари	131
Йигиталиев У., Умиджонов Ш. О лингво-грамматическом выражении концепта «рода» в узбекском языке	136
Каримова Ф. Пол грайс постулатлари ва ўзбек тилидаги диалоглар	139
Қўрғонов З. Таҳаввулоту сохториву маъноии баъзе аз унсурҳои ёвари сервазифа дар аҳди бостон ва миёна	147
Қосимов У., Хидирова М. Бадиий тил хусусиятлари ва анъаналари	156
Қиличев Б. Атоқли отларда кўчиш ҳодисаси	161
Қодирова З. Перифразанинг нутқий қиммати	165
Қозоқова Н. Матн семантикасини мураккаблаштирувчи лисоний ҳодисалар	169
Мамажонов А. Бинар кўшма гаплар ва уларнинг функционал-семантик хусусиятлари	171
Мадвалиев А., Маҳкамов Н. Халқаро терминэлементлар ва термин ижодкорлиги	176
Минниқулов И. Ўзбек тилида шарт конструкциялари “ишонтириш” директив акти сифатида	183
Мамиров О. Бадиий асарларда тил ва услуб муаммолари	186
Мирзоаҳмедов М., Ҳуқуқий атамалар ва уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши	189
Мамажонова М. Сифатий ва миқдорий белгилар алоқадорлиги	194
Муҳаммадалиева М. Ўзбек тилидаги айрим янги касб-ҳунар номларининг лексик-семантик хусусиялари	197
Маматов А. Адабий норманинг асосий мезон ва белгилари	202

Мамажонова М. Сифатий ва миқдорий белгилар алоқадорлиги	206
Мавлонова Ў. Киноянинг қўлланилиши ва аҳамияти	210
Набиев Р.Фориш шевасининг баъзи бир ўзига хос хусусиятларига бир назар	214
Низомиддинова Д. Фарғона вилоят этноойконим	217
Назаров Н. Туркологиянинг шаклланишида турк рунологиясининг ўрни	221
Пўлодова Ш., Хоҷаева М. Баҳсе дар атрофи вижагиҳои сохтори калимот	226
Раджапова У.“Лаҳжугу-л-луғот” – ўзбек ва тожик тиллари лексикаси тадқиқида муҳим манба	231
Расулова М. XXI асрда фанлар интеграцияси	235
Собиров А. Ўзбек ва тожик тилларининг халқаро нуфузи ва тараққиётининг айрим масалалари бўйича мулоҳазалар	239
Сапарбаева Г. Оғзаки мулоқот услубини белгиловчи омилларнинг назарий асослари	244
Салиходжаева Ҳ. Геортонимларнинг бошқа тил бирликлари ва атоқли отлар билан муносабати	248
Саидхонов М. Имо-ишоралар ва уларнинг вербаллашуви	251
Саидов Ё. Ўзбек жаҳид шеърлятидаги тожикча лексиканинг мавзуй тасниф	256
Сафарова М. Ойконимлар таркибидаги қўшимчалар хусусида	260
Собиров А.Ўзбек ва тожик тилларининг халқаро нуфузи ва тараққиётининг айрим масалалари бўйича мулоҳазалар	264
Тошпўлатов А. Ўзбек тилида замон шакллари прагматикаси	269
Турдиматова Ш. Паремалар таркибида иштирок этган кийим-кечак маъносидаги функционимлар ҳақида	274
Турсунов А.Морфологические этапы словообразования	277
Тиллаева М. Туркий солномалар қўлёзмалари тадқиқида шаклдошликка эътибор ўрни	280
Турдибеков М. Абулғозий баҳодирхон – тилшунос	283
Ўразбоев А.,Нарбоева Ш. -бон қўшимчасининг ўзбек тилидаги маъно кирралари	287
Усмонова Ҳ. Иккинчи даражали бўлақларнинг гапдаги мақоми	291
Усмонова С. Қўқон шаҳри топонимиясида тожикча ўзлашмалар	294
Улуқов Н. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида қўлланган мақолларнинг семантик ва услубий таҳлили	297
Усманова М.Алишер Навоий асарларида қўлланилган гул номларининг лексик-семантик хусусиятлари	301
Фазлиева А. Кўчма маъноли сўзлар орқали коннотатив маънонинг ҳосил қилиниши	307
Ҳасанов А. Диалектизмлар билан тил лексикасини бойитиш мезонлари	312
Холмухамедов Б. Лексемалашув ҳодисаси ва унинг ўрганилиши	318

Хазраткулова А. Тилнинг жамият тараққиётидаги ўрни	322
Ҳайдарова К. Олма ва унинг номларини билдирувчи лексик бирликлар	326
Ҳасанова Д. Тилшуносликнинг социолингвистик йўналиши ҳақида	329
Хидиров Р. Ўзбек ва тожик тилларида айирим парема ва фраземаларнинг семантик хусусиятлари	332
Хамдамова Х. Она тили миллат кўзгуси	334
Ҷумъаи ҶАМОЛ Тағйиротҳои савтии вожаҳои тоҷикӣ дар забони ўзбекӣ	338
Шокиров Т. Лингвистическое соотношение и взаимосвязь понятий «слово», «термин» и «терминология» (на примере геолога - минералогических терминов в таджикском и английском языках)	343
Шеронов Б., Ҳамрақулов Ф. Оиди зоҳиршавии мафҳумҳои мантиқӣ-лисонӣ	350
Шералиев Э. Деваштич ноҳияси кенагас қишлоқ шеvasидаги келишиқ аффикслари	356
Эшмуродов Э., Нишонов Б. Тенг ва тобедошлиқ алоқаларининг ўзаро муносабати	360
Эшонқулов Б. Араб лексик ўзлашмаларининг синонимияга муносабати	363
Эрматов И. Лингвистик терминологияда гиперо-гипонимик муносабатлар	368
Эгамназаров Х. Синхронный анализ терминов родства в в разноструктурных языках	372
Эргашев К. алишер навойнинг мемуар-биографик асарларининг жанрий-услубий хусусиятларига доир	377
Эрназарова М. Тилшунослик ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва истиқболлари	382
Юсупов Қ. Она тили – миллатнинг руҳидир	385
Юнусова З. Доир ба масъалаи синкретизми функционалӣ-семантикии системаи терминологии сатҳи фонетикӣ-фонологии забоншиносии тоҷику ўзбек	389
Юнусова Б. “Алпомиш” достонидаги хизматкор аёлларнинг исмлари хусусида	391
Юлдашев О. Ўзбек тили матбуот нашрларининг номланиш хусусиятлари	395
Elder, Ted Factors affecting the development of uzbek identity in Tajikistan	398
Nizamova I. The special peculiarities of the language used in ICT and the comparison of lexicographic Internet abbreviations in Uzbek and English languages	408

АДАБИЁТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ 414

Абдуллоев О., Ойматова М. Шавкат Раҳмоннинг “Ёрилган ҳаракат баёни” шеърида рамзийлик	414
Адамбаева Н. Хоразм туркий адабий манбалари тадқиқида бадиий маҳорат масалалари	418
Азимова Д. Уруш даври умуминсоний фожеасининг Саида Зуннунова дostonларида акс этиши.	422
Азимов У. Тасаввуф ва унинг ғарб адабиётига таъсири масаласи	425
Азимов Ю. Абдурауфи Фитрат ва “Наводир-ул-вақоъ”-и Аҳмади Дониш	429
Алимов О. Жомий шахсияти Навоий нигоҳида	432
Алиқулова Н. Мажзуб Намангоний – зуллисонайн шоир	439
Алламбергенов А. “Кўхна дунё” романида Абу Райҳон Беруний образи	442
Амонова З. Насимий ва халқ оғзаки ижоди	448
Амонов Ш. Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодига доир айрим мулоҳазалар	452
Асадов М. Маҳмуд Асъад Жўшон ва тасаввуф	457
Аҳмедова Ш. Адабий танқид жанрлари ривожига Садриддин Айнийнинг ўрни	461
Баракаев Р., Ашуров Б. Ўзбек болалар шеъриятида табиат тасвири ва экологик тарбия	466
Барзиев О. Виктор ва у билан боғлиқ образлар талқини (Муқимий, Писандий, Завқий шеърияти мисолида)	470
Бекова Н. Жомий ғазалига муносиб жавобия	474
Бобокулова О. Ҳофиз ижодининг Фоний шеъриятига таъсири	479
Бойсинов С. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ида инсон камолоти масалалари	483
Болтабоева О. Хилватийнинг “мавлуди шариф” асари хусусида	487
Дониярова Ш. Романда миллий руҳ масаласи	490
Жабборова М. Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшид образининг бадиий талқини	495
Жовлиев Ж. Мумтоз адабиётимиз тадқиқотида Шайхзоданинг ўрни	500
Жўраев И. Изчил анъаналарнинг ҳаётий илдизлари.	503
Жўраев М. Комедия жанрида анъана ва новаторлик (“Майсаранинг иши” ва “Учар ошиқлар” комедиялари мисолида)	507
Жўраева Н. Ҳотифийнинг Навоийга бағишланган мадҳиясида комил инсон тасвири	511
Иргашева Ш. Бадиий таржиманинг ноёб қийинчиликлари	514
Исакова Р. Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асаридаги ички сарлавҳалар хусусида	517

Исломов З. “Дунё хазинасига тенг асар” сўзлиги таржимасига оид мулоҳазалар	520
Йўлчиев Қ. Кўклам хронотопи (Рауф Парфи шеъри мисолида)	525
Казакбаева Д. Алишер Навоийнинг риндона таржеъбанди	528
Мамадалиева З. Искандар образи талқини: ирфон ва орифлик	536
Маматқулов М. Фольклор аънаналари ва ўзбек ёзма дostonчилиги тараққиёти	541
Муллахўжаева К. “Юсуф ва Зулайхо” – қиссаларнинг энг гўзали	544
Муродова М., Мавлонова М. Саҳми Абдуқодир Шакурӣ дар ташаккули ҷараёни равшангарой	548
Муҳаммедова Ҳ. Таржима маданий алоқа калити сифатида	551
Муқумова Д. Исмати Бухорой – шоири пайрави мактаби адабии Шайх Камоли Хучандӣ	553
Норов О. Абдували Қутбиддин шеъриятида поэтик ифода ўзига хослиги	558
Ойматова М., Абдуллоев О. “Мабдаи нур”да Қуръон оятлари ва ҳадислар	562
Ойматова М., Эрмуҳамедов А. И. С. Брагинский – айнийшунос	566
Орипова Г. Лирик шеър композициясида вазнинг ўрни	569
Очилов Э. Огаҳий сўз таърифида	572
Пардаева Н. Анбар отиннинг тожик тилидаги ғазаллари хусусида	575
Ражабова Б. Абдурахмон Жомий ва Ҳирот маданий муҳити	578
Ражабова М. Халқ майдон кулги санъати белгиларининг Навоий ижодидаги кўринишлари	584
Ражабов Т., Хайруллаева М. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида бадий кўчимларнинг юзага келиши ва қўлланилиш усуллари	588
Раҳимов И. Мулоҳизаҳо доир ба нашри нави «Девон»-и Камоли Хучандӣ	592
Раҳматов Й. Ҳоди Зариф – ўзбек халқ мақолларининг тадқиқодчиси	597
Раҳмонова З. Ирфоний адабиётда “Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадиси талқини	602
Сулаймонов М. Камол Хўжандий ва Ҳофиз Хоразмий: адабий таъсир	607
Сабирова Н. Хоразм халфачилиги тараққиётида шоира – дostonчи	611
Хоним халфанинг ўрни	615
Саидов С. Алишери Навоӣ ва адабиёти тоҷик	619
Сайфуллаев М. Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий матбуотда эълон қилинмаган янги шеърлари "Ал-Изоҳ" журнали мисолида.	619
Самадов А. Зулфия ва адабиёти тоҷик	625
Сатторов Ў. Замонавий шеъриятда иштиқоқ санъати	625

такомили(Эркин Воҳидов ижоди мисолида)	629
Соатова Н. Лирикада ғоя та Тасвир	633
Содиқова Р. Аминджонова Р. Тематическое содержание касыд Урфи Ширази	637
Суюнов М. Адабиётда шакл ва мазмун масаласига доир яайрим мулоҳазалар	640
Тожибоева О. Лутфий ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиши	644
Тожибоева М. Жадид адабиётшуносларининг адабий қарашлари	647
Тожиматова З. Ўзбек “аёллар адабиёти” ва уни даврлаштириш масалалари	651
Туропова П. Шеърятда миллий ифтихор ва ватан туйғуси талқини	655
Тўлибоев Х. Роман жанри поэтик бутунлигини таъминловчи омиллар	658
Тўхлиев Б., Адолат буюк мутафаккирлар талқинида	662
Тўхсанов Қ., Қайта таржимада ижодий беллашув	667
Ульмасова З. Методология исследования исторических романов	671
Умарова М. Чўлпон шеърятда ижодкор шахс ва қаҳрамоннинг бадий талқини	675
Умурзаков Р. Ойбекнинг “Болалик” қиссасида давр руҳи	678
Холиқов У., Мирзоев Ж. Алишер Навоий ва шатранж масалалари	682
Шарипова М. Поэтикаи насри Хоча Абдуллоҳи Ансорӣ	685
Шодиев О. Шарқ адабиётида «Лайли ва Мажнун» туркумидаги асарлар ва уларнинг ўрганилиши тарихи	688
Эргашев Қ. Алишер Навоийнинг мемуар-биографик асарларининг жанрий-услубий хусусиятларига доир	694
Эрмухамедов А. Талмеҳ санъатининг пайдо бўлиш илдизлари	698
Эшматова Ю. Ўзбек аёли руҳиятининг ёритилишида янги қирраларнинг намоён бўлиши	700
Эшонқулова С. Маънавий санъатларнинг қўлланилиши	703
Юнусова Б. “Алпомиш” достонидаги хизматкор аёлларнинг исмлари хусусида	709
Ўраева Д. Бухоро халқ қўшиқчилигида зуллисонайнлик	712
Ўрунова М. Мухтасари равобити адабии халққои тоҷику ўзбек дар асрқои ХУШ-ХІХ ва ибтидои асри ХХ	716
Қаюмова Ф. Таҳлили тимсоли мурғон дар “Мантиқу-т-тайр”-Аттор	720
Қодиров Д. Ғазолий ва Сухравардий закосининг маънавий сарчашмаси	724
Қосимова Г. Бобур ижодида наср ва назм	727
Қосимов У., ХидироваМ. Бадий тил хусусиятлари ва анъаналари	729
Қувватова Д, Назарова Д. Жамол Камолнинг муҳаббат лирикаси	734
Қурбоналиева М. Тазкират-уш-шуаро”-и Мутрибӣ Самарқандӣ ва	

“Шоми ғарибон”-и Наройин Шафиқ	738
Қурбонова Г. Диний манбаларнинг бадиий адабиётга таъсири	743
Қўчқорова М. Худойберди Тўхтабоев асарларида болалар руҳиятини тасвирлаш воситаси ва усуллари	746
Ҳайитов Ҳ. Ўзбек ҳажвнависи Неъмат Аминов ижодида аския жанрига хос белгилар	749
Ҳакимова Д. Шукур Холмирзаев ижодида китобхонлик масаласи.	752
Ҳакимов М., Омон Матжон ижодида сатира тарбия воситаси сифатида	755
Ҳамраев К. Ҳикояда параллел тасвир мароми	759
Ҳасанова Б.Асқад Мухтор ҳикояларида ижтимоий-психологик тасвир талқини	762
Ҳабибуллаева Ф. Проблемы перевода элементов национального мировоззрения и менталитета	766
Чумаев Р. “Таҳзибус-сибён” ва фаёлияти омўзгории Садриддин Айни	769

ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ МЕТОДИКА 773

Абдуқодиров А., Воҳидова Н. Робитаи забонҳо – омили тақомули таълими забонҳои миллий (гузориши масъала)	773
Абдуллаев К. Фурқат таржимаи ҳолини ўргатишда фанлараро интеграция технологияларидан фойдаланиш	776
Азимжонова Ш. Тошкент адабий муҳитида адабий –эстетик тафаккурнинг шаклланиши ва тараққиёти	783
Ахмедҷонова М. Нақши адабиёт ва асарҳои адабий дар тарбияи таҳаммулпазирии ҷомеаи муосир	789
Каримова Д. Муносибати салоҳиятноқӣ ба усули муаммовӣ заминаи асосии инкишофи малака ва мустақилият	795
Кодирова М. Муносибати салоҳиятноқӣ ва нақши он дар ташаккул ва инкишофи нутқи хонандагони хурдсол	798
Мирзакулов Т.,Асланова О. Навоийнинг ҳомийлик фаолияти	803
Мирзакулов Т., Саттарова Д. Қурама воҳасини ижтимоий – лисоний ўрганишнинг долзарб масалалари	810
Мавлонова К., Ўқувчиларни матн тузилишига доир қоидалар билан таништириш зарурати	814
Мусаева Н. Квазидиалогик нутқ диалогнинг ўзига хос кўриниши	817
Набиев Р. Фориш шевасининг баъзи бир ўзига хос хусусиятларига бир назар	820
Раҳмонқулов А.Ўзбек ва тожик тиллари билингвиал таълими масалалари	824
Соатова Д. Шарқ алломалари ва биркамол инсон тарбияси	829
Тиллохоҷаева М.Н., Ҳакимова Ш.И. Ташаккули салоҳиятҳои	829

донишҷӯён дар машғулиятҳои амалӣ	
Файзуллоев Б. Адабий таълимда	З.М.Бобурнинг назарий 833
қарашларини ўрганиш	
Қўраева С. Муносибати босалоҳият дар таълим	ва натиҷаҳои 839
интизоршаванда	
Эшмуродова Д. Масъалаҳои назарии истифодабарии маводҳои	845
кишваршиносии маҳаллӣ ва хориҷӣ дар дарсҳои забони англисӣ	
Юсупова Ш. Шахс онгини ривожлантиришда тасаввурнинг ўрни	849
	854

Масъалаҳои мубрами филологияи ўзбек ва тоҷик
(ўзбек ва тоҷик филологиясининг долзарб масалалари).

Маҷмӯаи мақолоти илмӣ.

Ҷ Хучанд: Нури маърифат, 2020. Ҷ 868с.

Ўзбек ва тоҷик филологиясининг долзарб масалалари
(масъалаҳои мубрами филологияи ўзбек ва тоҷик).

Тўплам. Ҷ Хучанд: Нури маърифат, 2020. Ҷ 821с.

Муҳаррир Ойматова М
Муҳаррири техникӣ: Шафиев З. Қ.
Саҳифабанд: Мирсаидов М. М.

Хуруфи Times New Roman TJ.

Супориши № 62. Коғази сафед.

Чопи рақамӣ. Андозаи 84x60.1/16.

Ҷ.ш.ч. 96,25. Теъдод 100 нусха.

Нашриёти «Нури маърифат»

735700, ш. Хучанд, хиёбони Исмоили Сомонӣ, 42.

Матбааи «Нури маърифат»,

735700, ш. Хучанд, маҳаллаи 20-ум, бинои таълимии 3